

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**КОДЕКСЛАРИ**

**ТЎПЛАМ**

*(2013 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш  
ва қўшимчалар билан)*

**Расмий нашр**

**Тошкент  
«Адолат»  
2013**

**УДК: 340.130.54(575.1)**

**КБК 67(5Ў)-3**

**Ў-32**

Ў-32

**Ўзбекистон Республикаси кодекслари** (2013 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Т.: «Адолат», 2013 йил, - 984 бет.

**ISBN 978-9943-394-37-7**

**УДК: 340.130.54(575.1)**

**КБК 67(5Ў)-3**

**Нашрга тайёрловчи: М. Мирсамадов,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист**

ISBN 978-9943-394-37-7

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2013 йил.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲАВО КОДЕКСИ\*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 247-модда)

## I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-м о д д а. Самовий ҳудуд суверенитети

Республиканинг куруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги самовий ҳудудига Ўзбекистон Республикаси тўла ва танҳо эгалик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди Ўзбекистон давлати ҳудудининг ажралмас қисмидир.

### 2-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланиш ва авиация фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланиш ҳамда барча ундан фойдаланувчиларнинг фаолияти, шу жумладан авиация фаолияти соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидалари, шунингдек тегишинча Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида фуқаро авиациясининг ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуддан фойдаланиш ва авиация фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ўрқ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

### 3-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг амал қилиш доираси

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаво кемалари парвози хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги ва фуқаролари эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди; фақат фуқаро авиациясигагина тааллуқли 24, 25, 33, 38, 43 – 46, 50, 53,

54, 56, 94–135-моддалардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг барча авиацияси учун тааллуқлидир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)

### 4-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланиш ва авиация фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ самовий ҳудуддан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назоратини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига юкланади.

Фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти амалга оширади.

Давлат авиацияси фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни ўз ваколатлари доирасида Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ давлат бошқарувининг бошқа органлари амалга оширадilar.

### 5-м о д д а. Давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар ва фуқароларнинг самовий ҳудуддан фойдаланиш ҳамда авиация фаолиятини тартибга солиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштироки

Тижорат, жамоат ва давлат тасарруфида бўлмаган бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролар самовий ҳудуддан ва авиация фаолиятдан оқилона, самарали ҳамда хавфсиз фойдаланиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат органлари юқорида зикр атилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида тижорат, жамоат ва давлат тасарруфида бўлмаган бошқа ташкилотларнинг ҳамда фуқароларнинг таклифларини ҳисобга оладилар.

## II бўлим. САМОВИЙ ҲУДУДДАН Фойдаланиш

### I боб. САМОВИЙ ҲУДУДДАН Фойдаланишни тартибга солиш

#### 6-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга ҳаво кемалари-

\* 1993 йил 26 июндан кунга киритилган.

нинг ва бошқа учувчи аппаратларнинг парвози, барча отишма турлари ва ракета учуришлар, портлатиш ишлари ва моддий объектларнинг самовий ҳудуддаги ҳаракати билан боғлиқ бошқа фаолият киради.

#### **7-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланувчилар**

Ўзбекистон Республикасининг ҳамда ўзга давлатларнинг ушбу Кодекснинг 6-моддасида назарда тутилган фаолиятни амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикаси давлат органларида расмий рўйхатдан ўтган корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланувчилар ҳисобланади.

#### **8-м о д д а. Самовий ҳудуднинг таркиби**

Самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун самовий ҳудудда ҳаво транспорт қатновига хизмат кўрсатадиган районлар, аэродромлар ва аэроузелларнинг районлари, ҳаво йўллари, ҳаво кемалари парвозининг йўналишлари ва махсус минтақалари, назорат қилинмайдиган парвозларнинг районлари, тақиқланган ва чекланган минтақалар, синов районлари, портлатиш ишлари районлари ҳамда бошқа махсус элементлар белгиланиб, уларнинг мажмуаси Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудининг таркибини ташкил этади.

Самовий ҳудуддан фойдаланишни ташкил этиш атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг умум эътироф этган меъёрларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда).*

#### **9-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланишдаги устуворлик**

Самовий ҳудуднинг барча фойдаланувчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва бир хилда жавобгар бўладилар.

Самовий ҳудуддан фойдаланишдан манфаатдор бўлганлар иккита ва буздан ортқ бўлса, самовий ҳудуднинг маълум қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи куйидаги устуворлик бўйича берилади:

а) ҳаво ҳужумини даф этиш ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси бузилишининг олдини олиш ва чегара бузилишини тўхтатиш, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий бутунлиги, сиёсий мустақиллиги ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган куч ишлатишни ёки куч ишлатиш таҳдидини бартараф қилиш учун;

б) одамларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солувчи ёки катта иқтисодий зарар етказиш хавфини туғдирувчи табиий ҳамда бошқа офатларда, фалокатлар, авариялар, фавқулодда ҳолатларда ёрдам кўрсатиш учун («б» банд *Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда*);

в) космик аппаратлар ва уларнинг экипажларини учуриш, қўндириш, қидириш ва эвакуация қилиш учун;

г) самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилишининг олдини олиш ёки тартиб бузилишини тўхтатиш учун;

д) ҳаво кемаларининг қатнови ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга ошириладиган ўзга фаолият учун;

е) ҳаво кемаларининг қатнови ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларига биноан амалга ошириладиган бошқа фаолият учун;

ж) йўловчиларни мунтазам ташиш учун;

з) Ўзбекистон Республикаси, шунингдек ўзга давлатлар давлат авиациясининг махсус қоидалар асосида амалга ошириладиган парвозлари учун; («з» банд *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда*)

и) экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари учун;

к) юк ва почтани мунтазам ташиш учун;

л) юкларни мунтазам ташиш учун, халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб авиация ишларини ва бошқа юмушларни амалга ошириш учун;

м) ўқув, кўргазмалар, маданий-маърифий ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш учун;

н) фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолият учун;

о) бошқа фаолиятлар учун.

#### **10-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланишнинг илдам бошқарувчи органлар**

Самовий ҳудуддан фойдаланишни ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган органлар ўз ваколатлари доирасида илдам бошқарадилар.

#### **11-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланишда рухсат бериш**

Зарур хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда ва фақат ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган органлардан Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси (СХФБ) органлари орқали рухсат олинганидан кейингина самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга ижозат берилади.

Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси органларининг кўрсатмалари самовий ҳудуддан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

#### **12-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланишнинг тақиқлаш ва чеклаш**

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан ёки унинг айрим минтақаларидан ушбу Кодекснинг 6-моддасида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиш Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси органлари томонидан тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

#### **13-м о д д а. Алоқани ташкил этиш**

Самовий ҳудуддан фойдаланишдан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар Авиация маъмурияти, Мудофаа вазирлигининг тегишли органлари билан, самовий ҳудуддан ҳаво кемаларининг парвози

учун фойдаланилган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа органлари билан ҳам алоқа каналлари ташкил қилишга мажбурдирлар.

Алоқа корхоналари фойдаланувчиларга зарур алоқа каналларини ва воситаларини ижарага берадилар. Хизматта берилган алоқа каналлари ва воситалари ишдан чиққан тақдирда улар белгиланган тартибда бошқа алоқа каналлари ва воситалари билан алмаштирилиши лозим.

Умумий фойдаланишдаги барча халқаро ва шаҳарлараро телефонлар ҳамда телеграфни Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхоналари ўрнатадилар ва ишлатадилар. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда).*

Халқаро ва шаҳарлараро телефон ва телеграф орқали алоқа боғлаш имконияти фавқулудда вазиятларда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётганда ҳамда ёрдам кўрсатилаётганда биринчи галда берилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

#### **14-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибининг бузилиши**

Ушбу Кодексга ва унинг асосида ишлаб чиқилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тартибини бузиш деб эътироф этилади.

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибига риоя қилишни назорат этувчи органлар самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибини бузишнинг олдини олиш ёки тўхтатиш чораларини кўришга мажбурдирлар.

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилишига йўл қўйган ёки ҳаво кемалари парвози хавфсизлигига хавф туғилишига олиб келган хатти-ҳаракатлар содир этган самовий ҳудуддан фойдаланувчилар, шунингдек авиация фаолияти билан боғлиқ бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар юқорида зикр этилган органларнинг талабига биноан кўрсатилган тартиббузарликни ёки тартиб бузилишига олиб келадиган фаолиятни ўз ҳисобларидан ва ўз кучлари билан тўхтатишлари лозим. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

#### **15-м о д д а. Тартиббузар ҳаво кемаси**

Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини бузган ёки Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тартиби бузилишига йўл қўйган ҳаво кемаси тартиббузар ҳаво кемаси деб ҳисобланади ва самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибига риоя қилишнинг назорат этувчи органларнинг талабига бўйсунмаса, ерга қўнишга мажбур этилади.

Тартиббузар ҳаво кемаси қўниш тўғрисидаги буйруқни бажармаган тақдирда самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби атайлаб бузилаяпти ва бу билан Ўзбе-

кистон Республикаси суверенитетига, ҳудудий бутунлигига, сиёсий мустақиллигига ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солиб куч ишлатилаяпти ёки куч ишлатишга уриниш бўлаяпти дейиш учун мантиқий асос бўлиб, бундай тартиб бузилишини ўзга воситалар билан тўхтатиб бўлмайдиган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари қурол ва жанговар техникани ишга солишлари мумкин.

Агар тартиббузар ҳаво кемасида самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилишига алоқаси йўқ йўловчилар ёхуд бошқа шахслар борлиги ҳақида ишончли маълумот бўлса, қурол ва жанговар техника ишлатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудига асос сиз кирган ва унга кириш шартларига риоя этмаган, шунингдек самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилган бошқа ҳолларда ҳам ҳаво кемаси қўнган аэродромда ушлаб турилиши мумкин.

Тартиббузар ҳаво кемасининг ундан кейинги парвозига тартиб бузилиши текшириб чиқилгандан сўнгра Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда кўрсатилган йўсинда руҳсат этилади.

#### **16-м о д д а. Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик**

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилган ҳар бир ҳол Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ текшириб чиқилиши лозим. Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибини бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

#### **17-м о д д а. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият**

Электр узатиш объектлари ва линияларини қуриш; самовий ҳудудда электромагнит, ёруғлик, акустик, корпускуляр ва бошқа турдаги нурланишлар пайдо бўлишига олиб келадиган ишлар; қушларнинг ва ёввойи ҳайвонларнинг (кемирувчиларнинг) кўглаб тўпланишига ҳамда орнитологик вазиятнинг, парвоз пайтида қўришнинг ва аэродромлардаги учиб майдонлари ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлувчи объектларни жойлаштириш; ҳаво кемалари парвоз қилиш ва қўниш зоналарига баланд ўсадиган дарахтларнинг кўчатларини ўтқазиш; шунингдек самода моддий объектлар ҳаракати билан бевосита алоқаси бўлмаган, ammo ҳаво кемаларининг, бошқа учувчи аппаратларнинг парвозига, асбоб-ускуналари ва улардаги одамлар хавфсизлигига таъсир этувчи ҳар қандай бошқа фаолият аэродром ҳудудидаги парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятлар жумласига киради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

**18-м о д д а. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш**

Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рухсат олинганидан кейингина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият устидан назоратни 4-моддада санаб ўтилган органлар амалга оширади.

Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлигига таҳдид солувчи фаолиятни амалга ошириш қоидаларини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар шу қоида бузишларни ўз ҳисобларидан ва ўз кучлари билан бартараф қилишлари, улар бартараф қилинган эса бундай фаолиятни тўхтатишлари шарт.

**19-м о д д а. Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият ҳақида хабар бериш**

Ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларнинг улар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият амалга оширилаётган районга беҳосдан кириб қолишининг олдини олиш учун бундай фаолият билан машғул бўлган орган ёки шахс самовий ҳудуддан фойдаланувчиларни кўрсатилган фаолият амалга оширилаётганлиги тўғрисида аэронавигация ахборот хизмати орқали хабардор қилади.

**20-м о д д а. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи объектларга белгилар қўйиш**

Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи бино ва иншоотларнинг эгалари парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти белгиланган талабларга мувофиқ бу объектларга ўз ҳисобларидан тунги ва кундузги белгилар ҳамда мосламалар ўрнатишга мажбурдирлар.

**21-м о д д а. Аэродромлар минтақасида белги ва мосламалар ўрнатиш**

Аэродромлар минтақасида аэродромларни таниш учун ўрнатиладиган махсус белгилар ва мосламаларга ўхшаш ҳар қандай белги ва мосламаларни жойлаштириш тақиқланади.

**22-м о д д а. Суратга ва кинога олиш, радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш**

Ҳаво кемасидан суратга олиш ва кинога тушириш ҳамда радиоалоқа воситаларидан фойдаланишга 4-моддада қайд этилган органлар томонидан белгиланган тартибда йўл қўйилади.

**III бўлим. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВИАЦИЯСИ**

**II боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**23-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси авиацияси таркиби**

Ўзбекистон Республикаси авиацияси экспериментал, давлат ва фуқаро авиациясига бўлинади.

Авиация ва бошқа техника соҳасида тажриба – конструкторлик, экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари ҳамда синовлари учун мўлжалланган авиация экспериментал авиация ҳисобланади.

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ давлат бошқаруви бошқа органларининг тасарруфидаги авиация давлат авиацияси ҳисобланади. Экспериментал ва давлат авиацияси таркибига кирмаган авиация фуқаро авиацияси ҳисобланади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

**24-м о д д а. Фуқаро авиацияси**

Фуқаро авиациясидан:

а) йўловчилар, уларнинг қўл юклари, юклар ва почта (ҳаво транспортида ташиладиган) ташиш;

б) авиация ишларини бажариш;

в) ўқув, спорт, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, техникавий ижодкорликни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш; («в» банд Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

г) фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудларга авария-қутқарув ишларини амалга ошириш учун кучлар ва асбоб-ускуналарни, шунингдек зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун юкларни етказиб бериш мақсадларида фойдаланилади. («г» банд Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

Қайд этиб ўтилган мақсадларда пулли ва кира қилиш тарзида фойдаланиладиган фуқаро авиацияси тижорат авиацияси деб эътироф этилади.

Қайд этиб ўтилган мақсадларда бепул ҳамда елланмай фойдаланиладиган фуқаро авиацияси умумий аҳамиятдаги авиация деб эътироф этилади.

**25-м о д д а. Авиация воситаларига мулкчилик**

Авиация воситалари: ҳаво кемалари, аэродромлар, аэропортлар, техникавий воситалар ҳамда ҳаво кемаларининг парвозини ташкил этиш, бажариш ва таъминлаш учун зарур бўладиган бошқа мол-мулк хусусий ва оммавий шаклдаги мулк бўлиши мумкин. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

Авиация воситаларини мулк сифатида сотиб олинишига қарши, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, чеклашлар ўрнатилиши мумкин эмас.

**III боб. АЭРОДРОМЛАР. АЭРОПОРТЛАР**

**26-м о д д а. Аэродромлар таснифи**

Куруқликдаги ёки сув сатҳидаги махсус жиҳозланган, ҳаво кемаларининг келиб қўлиши, жўнаши ва шу

сатҳ бўйлаб ҳаракатланиши учун тўлиқ ёки қисман мўлжалланган участка унда жойлашган бинолар, иншоотлар ҳамда анжомлари билан бирга аэродром деб эътироф этилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Аэродромлар ўзининг вазифасига қараб базавий, муваққат ва захирадаги аэродромларга бўлинади.

Аэродромлар авиация турига мансублигига кўра фуқаро авиацияси аэродромлари, давлат авиацияси аэродромлари, экспериментал авиация аэродромлари ҳамда ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродромларига бўлинади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Аэропорт – ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишга, ҳаво транспортда ташишга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуасидир.

### **27-м о д д а. Аэродромлар ва аэропортлар учун ер ажратиш**

Аэродромлар ва аэропортлар қурилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ер ажратилади.

Аэродромлар ва аэропортлар учун ажратиладиган ер участкалари сатҳининг катталиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда тасдиқланадиган меъёрлар ва лойиҳа-техникавий ҳужжатлар асосида белгиланади.

### **28-м о д д а. Аэродромлар қуриш ва уларни таъмирлаш**

Аэродромлар ва аэропортлар қуриш учун қидирув ишларини олиб бориш, уларни лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш ҳокимиятларнинг тегишли маҳаллий идоралари билан манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда келишилади.

Аэродромларни қуриш ва таъмирлаш, шунингдек аэродромлар районида санаятга оид, турар жойлар ва маданий-маиший бинолар қурилиши ҳаво кемаларининг шовқини, уларнинг моторларидан чиқадиган зарарли чиқиндилар, электромагнит ва бошқа нурланишларнинг зарарли таъсирини бартараф этишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

### **29-м о д д а. Аэродром эксплуатанти**

Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан ўзга давлатнинг муайян аэродромга мулк ҳуқуқи асосида (аэродром эгаси), ижара шартномасига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра тегишли бўлган ҳамда аэродромнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлган юридик шахси ёки фуқароси шу аэродромнинг эксплуатанти деб эътироф этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республи-*

*каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

### **30-м о д д а. Аэродромни ишга туширишга рухсат бериш**

Фойдаланишга яроқлилик нормаларига ва ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш талабларига мувофиқ бўлса, аэродромдан фойдаланишга йўл қўйилади. Фуқаролар ташиш учун мўлжалланган аэродром бундан ташқари, йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қўшимча талабларга ҳам жавоб бермоғи лозим. Давлат, фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияга мўлжалланган аэродромлар мажбурий суръатда сертификатланиши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон ва 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил 3-сон, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Аэродромларнинг, шунингдек улардаги асбоб-ускуналарнинг фойдаланишга яроқлилиги нормалари ва уларни сертификатлаштириш тартиби: *(иккинчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

фуқаро аэродромлари, экспериментал авиация аэродромлари ва ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродромлари учун – Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан;

давлат авиацияси аэродромлари учун – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади. *(Иккинчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Аэродром эксплуатантига аэродромнинг бутун хизмат кўрсатиш муддати давомида аэродромнинг мувофиқлик сертификати олиш учун белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаш вазифаси юклатилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

### **31-м о д д а. Аэродромларни рўйхатга олиш**

Фуқаро авиацияси аэродромлари ва экспериментал авиация аэродромлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаро авиацияси аэродромлари давлат реестрида қайд этилиши лозим.

Давлат аэродромлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Аэродром реестрга киритилгандан сўнг эксплуатантга аэродром рўйхатга олингани тўғрисида гувоҳнома берилади.

Аэродромларни рўйхатдан ўтказиш ва улар рўйхатга олингани тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби:

фуқаро авиацияси аэродромлари ва экспериментал авиация аэродромлари учун – Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан;

давлат аэродромлари учун – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

### **32-м о д д а. Ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродроми**

Фуқаро авиацияси ёки экспериментал авиациянинг ҳаво кемалари жойлашиш ҳуқуқисиз парвозларни амалга оширадиган давлат авиацияси аэродроми ҳамкорликда фойдаланиш аэродроми деб эътироф этилади.

Турли идоралар тасарруфида бўлган ҳаво кемалари жойлашадиган фуқаро авиацияси, давлат авиацияси ёки экспериментал авиация аэродроми ҳамкорликда жойлашиш аэродроми деб эътироф этилади.

Аэродромлардан самовий ҳудуддан фойдаланувчиларнинг турли тоифалари ҳамкорликда фойдаланиши (жойлашиши) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

### **33-м о д д а. Аэропорт билан аҳоли манзилгоҳлари орасида транспорт қатнови ва алоқа**

Йўловчилар ташиш эҳтиёжини таъминлаш учун аэропортлар билан яқин шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳлари ўртасида мунтазам транспорт қатнови йўлга қўйилади.

Аэропортларга борадиган йўллар қурилишини, уларни таъмирлашни, ободонлаштиришни ва улардан фойдаланишни, йўловчи ташийдиган транспортнинг бу йўлларда мунтазам қатновини, шунингдек шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари билан аэропортлар ўртасида телефон ва бошқа алоқа турларини ҳокимият маҳаллий органлари таъминлайдилар.

### **34-м о д д а. Аэродромларни тугатиш**

Аэродромларни тугатиш, шу жумладан бошқа жойга кўчириш мақсадида тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

## **IV боб. ҲАВО КЕМАЛАРИ**

### **35-м о д д а. Ҳаво кемаларининг таснифи**

Авиация турига мансублигига қараб ҳаво кемалари фуқаро, давлат ва экспериментал ҳаво кемаларига бўлинади.

### **36-м о д д а. Ҳаво кемалари ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш**

Ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларнинг сертификатланган турларини кўплаб ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларни ишлаб чиқаришга ҳамда ҳаво кемаларини ишлаб чиқаришни сертификатлаштиришга доир белгиланган талаблар асосида иш олиб боради.

Ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларни ишлаб чиқаришга доир талабларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш халқаро

стандартлар ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

### **37-м о д д а. Фойдаланишга рухсат бериш**

Фуқаро ҳаво кемаси, шунингдек тижорат мақсадларида ишлатиладиган давлат ҳаво кемаси фуқаро ҳаво кемаларининг учишга яроқлилиги борасидаги нормаларга мувофиқ бўлса, фойдаланишга қўйилади ва бу ҳақда ҳаво кемасининг эксплуатантга ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати берилади.

Фуқаро ҳаво кемаларининг учишга яроқлилик нормалари ва ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланади.

Ҳаво кемасининг хорижий давлат томонидан берилган учишга яроқлилик сертификати Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилиши мумкин.

Фуқаро ҳаво кемасини ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати талабларига мувофиқ бўлган ҳолатда сақлаш ҳаво кемаси эксплуатанти зиммасига юкланади. Бундай мувофиқликка риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти амалга оширади.

Давлат ҳаво кемаларидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиладиган тартибда фойдаланишга йўл қўйилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

### **37<sup>1</sup>-м о д д а. Ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш**

Ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан берилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати асосида бажарилади.

Ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ–337-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **38-м о д д а. Ҳаво кемаси турининг сертификати**

Ҳаво кемаси турининг сертификати ҳаво кемаси турининг тузилишини белгиладиган ва унинг фуқаро ҳаво кемаларининг учишга яроқлилик нормаларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатдир.

Ҳаво кемаси турининг сертификати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади.



Ҳаво кемаси турининг хорижий давлат томонидан берилган сертификати, башарти ҳаво кемаси фуқаро ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланган учишга яроқлилик нормаларига мувофиқ бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

### **39-м о д д а. Ҳаво кемаларини рўйхатга олиш**

Фуқаро ва давлат ҳаво кемалари рўйхатдан ўтказиши лозим. Фуқаро ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида, давлат ҳаво кемалари эса Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрида рўйхатга олинади.

Тегишли реестрда қайд қилинган ҳаво кемасининг эгасига рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрини, Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемаларининг реестрини юритиш тартиби, шунингдек рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби тегишли равишда Авиация маъмурияти ва Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Экспериментал ҳаво кемалари давлат реестрида қайд этилмайди, аммо Авиация маъмуриятида ҳисобда туради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемаларининг реестрига киритилган ҳаво кемалари, шунингдек Авиация маъмуриятида ҳисобда турувчи экспериментал ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикасига қарашли миллий ҳаво кемаларидир.

Чет эл ҳаво кемаси тегишли чет эл давлати ҳаво кемаларининг реестридан ўчирилгандан кейингина Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси тегишли реестридан белгиланган тартибда ўчирилмаган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг ҳар қандай чет эл давлати ҳаво кемаларининг реестрига киритилиши тан олинмайди.

### **40-м о д д а. Реестрдан ўчириш**

Ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестридан қуйидаги ҳолларда:

- а) ҳаво кемаси фойдаланишдан чегириб ташланса ёки чиқарилса;
- б) ҳаво кемаси белгиланган тартибда чет эл давлатига, чет эл юридик ёки жисмоний шахсига сотилса ёки берилса;
- в) ҳаво кемаси экспериментал ҳаво кемалари қаторига ўтказилса;
- г) ҳаво кемаларини рўйхатга олиш тартибда назарда тутилган бошқа ҳолларда ўчирилиши мумкин.

Ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестридан ўчириш билан кеманинг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва бу ҳаво кемаси ҳақидаги тегишли реестрдаги ёзувлар ўз кучини йўқотди.

### **41-м о д д а. Ҳаво кемаларига қўйиладиган белгилар**

Рўйхатдан ўтказиш пайтида ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси берилиб, улар шу ҳаво кемаларида қайд этилади.

Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисидан ташқари ҳаво кемаларига қўшимча белгилар (рамзлар, ёзувлар, нишонлар) қўйилиши мумкин. Мазкур белгиларни ҳаво кемаларига қайд этишда рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисининг кўринишини ёмонлаштирмасликка эътибор қилиш лозим.

Фуқаро ва экспериментал ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш тартиби Авиация маъмурияти томонидан, давлат ҳаво кемаларига қайд этиш эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

### **42-м о д д а. Ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаш (муайян айбдорликка тортиш, ҳуқуқдан вақтинчалик ёки бутунлай маҳрум қилиш ҳамда алоҳида ҳолатларга боғлиқ бошқа чеклашлар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ қўлланиши мумкин.

### **43-м о д д а. Ҳаво кемаларини ижарага беришда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтиши**

Ҳаво кемасининг эгаси билан бўлажак эксплуатант ўртасида ижара шартномаси мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кемаси тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар эксплуатантга ўтказилган ҳолда чет эллик эксплуатантга ижарага (экипаж билан ёки экипажсиз) берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти чет эл давлатининг ваколатли органи билан ижарага олинган ҳаво кемасидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш бўйича муайян мажбуриятларни унга ўтказиш мақсадида белгиланган тартибда битим тузиши мумкин. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

Чет эл ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикасидаги эксплуатант ижарага оладиган ҳолларда ҳам худди шундай тартиб қўлланилади.

## **V боб. ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ ЭКСПЛУАТАНТЛАРИ**

### **44-м о д д а. Эксплуатант сертификатини бериш**

Ҳаво кемасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эгалик қилувчи, шу ҳаво кемасидан фойдаланиши амалга ошириш қобилияти эксплуатант сертификати билан тасдиқланган юридик ёки жисмоний шахс ҳаво кемасининг эксплуатанти деб эътироф этилади.

Эксплуатант сертификати Авиация маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

маси белгилаган тартибда берилади. Бунда хусусий ва ижарадаги ҳаво кемаларининг, парвозга оид ва техника хизматлари тузилмаларининг мавжудлиги бундай сертификатни олиш учун мажбурий шартдир.

Мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан эксплуатант сертификати беришни рад этишга йўл қўйилмайди. Эксплуатант сертификати беришни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Эксплуатант сертификатининг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилиши ёки эксплуатант сертификати олиб қўйилиши мумкин. Эксплуатант сертификатини бошқа шахсга бериш мумкин эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

#### **45-м о д д а. Эксплуатант сертификатини эътироф этиш**

Хорижий давлат томонидан берилган эксплуатант сертификати ёки унга ўхшаш ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

#### **46-м о д д а. Эксплуатант фаолияти устидан назорат**

Эксплуатант сертификатини берган орган эксплуатант учун белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назорат юритади.

Эксплуатант сертификатини бериш учун белгиланган талаблар ҳаво кемаси эксплуатанти томонидан бузилган тақдирда, сертификат берган орган эксплуатантни белгиланган муддатларда камчиликларни бартараф этиш зарурлиги ҳақида огоҳлантиришга ёхуд эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ёки уни олиб қўйишга ҳақли.

Ҳаво кемаси эксплуатант эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни олиб қўйиш ҳақидаги қарор юзасидан судга шикоят қилишга ҳақлидир. *(Биринчи-учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти Ўзбекистонда доимий парвозларни амалга оширувчи чет эллик эксплуатантларни, агар халқаро битимларда ўзгача қоида назарда тутилган бўлмаса, амалий инспекция қилиш ҳуқуқига эга.

## **VI боб. АВИАЦИЯ ХОДИМЛАРИ**

#### **47-м о д д а. Авиация ходимларининг хизмат турлари**

Фаолиятлари ҳаво транспорти қатновини ташкил қилиш, бажариш ва таъминлаш, шунингдек ҳаво

транспорти қатновига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар авиация ходимлари ҳисобланади.

Авиация турига мансублигига кўра авиация ходимлари тегишли равишда фуқаро, давлат ва экспериментал авиация ходимларига бўлинади.

#### **48-м о д д а. Авиация ходимларининг таркиби**

Авиация ходимлари таркибига:

- а) учувчилар таркибига кирувчи шахслар;
- б) ҳаво транспорти қатновини ташкил қилувчи ва таъминловчи шахслар;
- в) ҳаво кемаси парвозларини ташкил этувчи шахслар;
- г) ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатувчи шахслар;
- д) ҳаво кемаларининг парвозларини таъминловчи шахслар.

*(«Е» ва «Ж» бандлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда).*

Фуқаро, давлат ва экспериментал авиация ходимлари қаторига кирувчи шахслар лавозимларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

#### **49-м о д д а. Касб фаолиятига тайёрлаш ва бундай фаолиятга рухсат бериш**

Эгаллаб турган лавозимига биноан фаолияти парвозларни ташкил этиш, амалга ошириш ва таъминлаш ҳамда ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш билан бевосита алоқадор авиация ходимларини касб фаолиятига тайёрлаш давлат томонидан шаходатланган ташкилотларда амалга оширилади. Фуқаро ва давлат авиация кадрларини тайёрловчи ўқув юртларини сертификатлаш тегишинча Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Ҳаво кемалари парвозини амалга ошириш ва бу парвозларни таъминлаш билан бевосита алоқадор авиация ходимлари тегишли фаолиятни амалга ошириш гувоҳномасига эга бўлган ҳамда саломатликлари белгиланган талабларга жавоб берадиган тақдирдагина касб фаолиятини бажаришга қўйиладилар.

Авиация ходимларини касб фаолияти билан шуғулланишга рухсат этиш ва шу фаолиятни бажариш учун гувоҳнома бериш тартиби, шунингдек авиация ходимлари турли тоифаларининг соғлиқларига бўлган талаблар ҳамда уларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби фуқаро ва экспериментал авиацияда Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиациясида эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Фуқаро авиациясининг авиация ходимлари касб фаолиятини бажариш чоғида амалдаги гувоҳномани ўзлари билан олиб юришлари керак.

### 50-м о д д а. **Авиация ходимлари гувоҳнома-сини тан олиш**

Чет эл давлати томонидан авиация ходимларига берилган ёки кучга киритилган гувоҳномалар, агар шу гувоҳномаларни бериш ёки кучга киритиш учун белгиланган талаблар Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти белгиланган минимал стандартларга ёки ундан юқорироқ талабларга жавоб берса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

### 51-м о д д а. **Ҳаво кемаси экипажи**

Ҳаво кемаси экипажи кема командири, учувчилар таркибига кирувчи бошқа шахслар ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан иборат бўлади.

Фуқаро ва давлат авиацияси ҳаво кемаларининг экипажи таркиби ҳаво кемаларининг тури ва вазифаси, мақсади ва улардан фойдаланиш шароитлари ҳисобга олиниб, ҳаво кемасининг лойиҳаловчиси ва буюртмачиси томонидан белгиланади ҳамда ҳар бир турдаги ҳаво кемасининг парвозда фойдаланиш ҳужжатларига ёзиб қўйилади. Бундан ташқари, ҳаво кемалари экипажи таркибига тегишлича Авиация маъмурияти ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган тартибда шу кемадан фойдаланишга алоқадор бошқа авиация ходимлари ҳам киритилиши мумкин.

Экспериментал авиация ҳаво кемаси экипажининг таркиби тажриба-конструкторлик, экспериментал ёки илмий-тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифаларига боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти билан келишувга кўра ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси ва лойиҳаловчиси томонидан белгиланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

### 52-м о д д а. **Ҳаво кемасининг командири**

Учувчи ихтисослигига ва белгиланган тартибда маълум турдаги ҳаво кемасини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсга ҳаво кемасининг командири бўлиши мумкин.

Ҳаво кемасининг командири экипаж фаолиятини бошқаради, кемада тартиб ва интизом сақланишини, парвоз қоидаларига ва кемадан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди, шунингдек кеманинг асралиши ва кемадаги одамлар ҳамда мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Ҳаво кемасининг командири қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳаво кемасининг фазога кўтарилиши, парвози ва қўниши ҳақида, шунингдек парвозни тугаллаш ва парвоз бошланган пунктга қайтиш ёки мажбурий қўниш ҳақида узил-кесил қарор қабул қилиш. Парвоз хавфсизлигига яққол хавф туғилганида, шунингдек кема ичидаги йўловчилар ҳаётини сақлаб қолиш ниятида парвоз режасидан, ҳаво транспорти қатновини таъминловчи идора кўрсатмаларидан ва парвоз топширигидан чекинган ҳолда, аммо белгиланган парвоз қоидаларига иложи борича риоя қилган ҳолда, бундай қарор

қабул қилиниши мумкин. Кема командири кўрилган тадбирлар тўғрисида кеманинг бевосита раҳбари бўлмиш ҳаво кемалари қатновини таъминловчи органга зудлик билан хабар қилиши шарт;

б) ҳаво кемаси ичидаги ҳар қандай шахсга ўз ваколатлари доирасида буйруқ бериш. Бу буйруқлар сўзсиз бажарилмоғи лозим;

в) ҳатти-ҳаракатлари билан парвоз хавфсизлигига бевосита таҳдид солиб, ўзининг буйруқларига бўйсунмаётган шахсларга нисбатан барча зарур чораларни кўриш, ҳатто қурол ишлатиш. Ҳаво кемаси энг яқин аэродромга кўнгани заҳоти кема командири бундай шахсларни кемадан чиқариб юбориши, агар жиноят белгилари мавжуд қилмиш содир этган бўлсалар, уларни тегишли органларга топшириши мумкин;

г) парвоз хавфсизлигини ҳамда ҳаво кемасини кўндиришни таъминлаш учун зарур бўлса парвоз пайтида ёнилгини тўкиб ташлаш, қўл юки, юк ва почтани ташлаб юбориш.

### 53-м о д д а. **Ҳаво кемаси экипажи аъзолари-га етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби**

Ҳаво кемаси экипажи аъзолари парвозда ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида тан жароҳатлари олган ёки соғлиқларига бошқа зарар етказилган тақдирда, ҳаво кемасининг эксплуатанти, агар у етказилган зарар жабрланувчининг қасддан қилинган ҳаракати натижаси эканлигини исботлаб бера олмаса, жабрланувчига зарарнинг у оладиган нафақадан ёки унга жароҳатидан кейин тайинланган ва амалда у оладиган пенсиядан ортиқча қисмини қоплаши шарт.

Ҳаво кемаси экипажининг аъзоси парвозда ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган тақдирда, етказилган зарарни қоплаш марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахсларга ёки фаолият рўй берган кунгача ундан нафақа олишга ҳуқуқи бўлган шахсларга, шунингдек марҳумнинг вафотидан сўнг дунёга келган фарзандига юқорида қайд этилган тартибда амалга оширилади.

### 53<sup>1</sup>-м о д д а. **Фуқаро авиациясининг авиация ходимларига бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар**

Фуқаро авиацияси корхоналари авиация ходимларининг алоҳида тоифаларини улар хизмат вазифаларини бажараётганда белгиланган намунадаги формали кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминлайди.

Фуқаро авиацияси корхоналари авиация ходимларига фойдаланилаётган ҳаво кемаларида имтиёзли тарзда юриш ҳуқуқини бериши мумкин.

Фуқаро авиациясининг авиация ходимларига ушбу моддага кўра бериладиган ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги тармоқ битимларида белгиланган кафолатлар ва имтиёзлар фуқаро авиацияси корхоналарининг маблағлари ҳисобидан таъминланади ҳамда жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

## **VII боб. ҲАВО ТРАНСПОРТИ ҚАТНОВИ**

### **54-м о д д а. Самовий ҳудуд таснифи**

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда таснифланади.

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган самовий ҳудудга бўлинади. Бунда назорат қилинадиган самовий ҳудуд деганда парвозларга диспетчерлик хизмати кўрсатиш таъминланадиган доирадаги самовий ҳудуд тушунилади. Назорат қилинмайдиган самовий ҳудуд деганда парвозлар пайтида ахборот хизмати кўрсатиладиган доирадаги самовий ҳудуд тушунилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **55-м о д д а. Ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш**

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш халқаро стандартларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташкил этилади ва хизмат кўрсатиш амалга ошириладиган самовий ҳудуд таснифига боғлиқ бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

### **56-м о д д а. Ҳаво транспорти қатнови оқимларини ташкил этиш**

Самовий ҳудуддан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида ҳаво транспорти қатнови оқимлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мослаштириб ташкил этилади.

### **57-м о д д а. Аэронавигацион ва метеорологик ахборот**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспорти қатнови аэронавигацион ва метеорологик ахборот билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияга метеорологик хизмат кўрсатади, давлат авиацияси учун метеорологик ахборот беради, халқаро аэронавигация манфаатларини кўзлаб метеорологик таъминлашни ташкил этади.

Фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияга метеорологик хизмат кўрсатиш самовий ҳудуддан фойдаланувчилар билан тузилган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Респуб-*

*ликсининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Давлат авиациясини метеорологик ахборот билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ҳаво транспорти қатновини аэронавигация ахбороти билан таъминлаш тартиби фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияда Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиациясида – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан хавфсиз, самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш мақсадида халқаро ташкилот ёки чет эл давлатлари аэронавигацион ахборот хизматларидан битим ёки шартнома асосида олинадиган метеорологик ахборот ҳам ишлатилиши мумкин.

### **58-м о д д а. Аэронавигация ҳамда алоқа воситалари ва тизимлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳаво транспорти қатнови аэронавигация воситалари ва тизимлари, шунингдек ҳаво транспорти қатновининг алоқа ҳамда бошқарув воситалари ва тизимлари билан таъминланади.

Бундай таъминлаш тартибини ўз ваколатлари доирасида Авиация маъмурияти ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги белгилайди.

Мазкур воситалар ва тизимлардан биргаликда фойдаланиш тартиби давлат бошқарувининг ушбу органлари ўртасида тузилган битимларга биноан белгиланади.

Аэронавигация воситалари ва тизимлари сифатида фойдаланиладиган объектлар қурилиши (ўрнатилиши) учун ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида амалга оширилади. Бундай қурилишлар учун ажратиладиган ер майдонининг сатҳи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар ҳамда лойиҳа-техникавий ҳужжатлар асосида аниқланади.

### **59-м о д д а. Алоқа воситаларидан фойдаланиш**

Ҳаво транспорти қатновини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш учун телефон, телеграф ва бошқа алоқа воситаларидан навбатсиз, оддий тариф бўйича ҳақ тўлаб фойдаланилади. Ҳаво транспорти қатновини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш учун оммавий алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Авиация маъмуриятининг, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ва бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли органлари билан келишув асосида белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон ва 2003 йил 25 апрель 482-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **60-м о д д а. Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари ишга тушириш-га рухсат бериш**

Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари ҳаво транспорти қатновини хавфсиз ташкил қилиш талабларига жавоб берадиган ишга туширилишига рухсат берилади.

Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўлларида фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда ижозат этилади.

### **61-м о д д а. Аэронавигация ва аэропорт йиғимлари**

Аэродромларда ҳаво транспорти қатнови ва ҳаво кемаларига аэронавигация ва аэропорт йиғимлари тартибда ундириладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатилади.

Қидирув-кутқарув ишларини бажаришда, табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулдда вазиятлар рўй берган тақдирда инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда иштирок этаётган ҳаво кемалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳаво кемалари аэронавигация ва аэропорт йиғимларидан озод қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

Аэронавигация ва аэропорт йиғимларини ундириш ва тақсимлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

## **VIII БОБ. ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ**

### **62-м о д д а. Парвозларни бажариш қоидалари**

Кодексда парвоз атамаси остида ҳаво кемасининг парвоз бошланиши чоғидаги кучли югуриши (тик кўтарилиш чоғидаги қуруқлик ёки сув сатҳидан узилиши)дан тортиб, парвоз масофаси тўла босиб ўтилгунга қадар (учиш ва қўниш йўлкасини бетўхтов бўшатиб қўйгунга қадар) ёки тик қўниш чоғида қуруқлик (сув) сатҳига қўнгувга қадар қуруқлик (сув) сатҳида ва ҳавода бажарган ҳаракати тушунилади.

Ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги парвозлари Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида фуқаро авиациясининг ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидаларига ёки Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидаларига мувофиқ ҳолда бажарилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

### **63-м о д д а. Кема ҳужжатлари**

Парвозни бажариш учун ҳаво кемасида кема ҳужжатлари бўлмоғи лозим; бу ҳужжатларнинг рўйхати фуқаро ва экспериментал авиация учун Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиацияси учун эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ҳаво кемаларида қуйидаги ҳужжатлар:

а) ҳаво кемасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома;

б) ҳаво кемасининг учишга яроқлилиқ сертификати; *(«б» банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

в) кема дафтарлари;

г) мазкур турдаги ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма;

д) Авиация маъмурияти назарда тутган бошқа ҳужжатлар бўлиши лозим.

### **64-м о д д а. Парвозга тайёрланиш**

Ҳаво кемаси парвоз қилишидан олдин ҳаво кемасини, кема экипажини ва авиациянинг бошқа ходимларини, учиш ва қўниш аэродромларини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилиши керак.

Парвозларга тайёргарлик қоидалари ва бу тайёргарлик учун масъул шахслар рўйхати фуқаро ва экспериментал авиацияда Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиациясида эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Техникавий соз ва парвозга шай ҳаво кемасига ҳамда унинг тегишли шароитларда парвоз қилишга ҳуқуқи бор экипажга Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида фуқаро авиацияси ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ёки Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари белгиланган тартибда парвозни амалга ошириш учун рухсат берилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

Парвоз бошланиши олдидан йўловчилар хатарли вазиятда қандай ҳаракат қилишлари ҳақида маълумот олишлари лозим.

### **65-м о д д а. Ҳаво кемасининг учиши учун қарор қабул қилиш**

Ҳаво кемасининг учиши учун қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида фуқаро авиацияси ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ёки Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

### **66-м о д д а. Ҳаво кемасининг ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатувчи органлар билан радиоалоқаси**

Алоқа воситаларига эга бўлган ҳар бир ҳаво кемасига шартли радиочақириқ сигнали берилади.

Назорат қилинадиган самовий ҳудудда парвоз этаётган ҳаво кемаси билан шу парвозга диспетчерлик хизмати кўрсатаётган орган ўртасида мунтазам радиоалоқа бўлмоғи лозим. Алоқа узилиб қолган тақдирда ҳаво

кемасининг командири ва ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатаётган органлар алоқани тиклаш учун барча зарур чораларни кўришлари шарт.

Агар кўрилган чоралар натижасида радиоалоқани тиклаб бўлмаса, ҳаво кемасининг командири ва ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатаётган органлар Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудидида авиация парвозининг асосий қоидаларига биноан ҳаракат қилишлари лозим. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-11-сон ва 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Назорат қилинмайдиган самовий ҳудудда бўлган ҳаво кемаларининг экипажлари бир-бирларига ахборот бериб туришлари, фавқуллодда вазиятларда эса – ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатувчи ва фавқуллодда вазиятлар бўйича энг яқин органларга авария қаналлари орқали ахборот беришлари лозим. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

#### **67-м о д д а. Аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз қилиш**

Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устида парвози фақатгина ҳаво кемасида носозлик рўй берганда уни аҳоли манзилгоҳларидан ташқарида ёки энг яқин аэродромда кўндириш имконини берадиган баландликда амалга оширилиши мумкин. Учиш-қўниш йўлкасининг жойлашуви ҳаво кемасига аҳоли манзилгоҳи устидан учиб ўтмай ҳавога кўтарилиш ёки қўниш имкониятини бермаса, шунингдек инсонлар ҳаётини қутқариш мақсадида парвоз қилишга тўғри келса ёки бошқа алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан юқоридаги қоидалардан четга чиқишга рухсат этилади.

Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидан кўргазмали учушлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига биноан амалга оширилиши мумкин.

#### **68-м о д д а. Товушдан тез учувчи ҳаво кемалари парвозларини чеклаш**

Товушдан тез учувчи ҳаво кемаларининг парвози мазкур парвозлар атроф муҳитга зарар етказмайдиган баландликда ва районларда амалга оширилишига йўл қўйилади. Товушдан тез учувчи ҳаво кемалари парвозининг минимал баландлиги ҳар бир алоҳида олинган район учун Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда кўрсатилган тартибда белгиланади.

#### **69-м о д д а. Ҳаво кемаси экипажининг хатти-ҳаракатига аралашмаслик**

Ҳаво кемаси ичидаги шахсларга, шу жумладан ҳаво кемасига эгалик қилувчи шахсларга ҳам, ҳаво кемаси экипажининг хатти-ҳаракатига аралашуви, жумладан экипаждан парвоз тартиби ва режасини ўзгартириш-

ни ёхуд ҳаво транспортига хизмат кўрсатувчи органнинг кўрсатмаларига риоя қилмасликни талаб қилиш ман этилади.

#### **70-м о д д а. Ҳаво кемасининг белгиланган ҳаво трассаси, маҳаллий ҳаво йўли, парвоз йўналиши ёки теграсидан четга чиққанида кўриладиган чора-тадбирлар**

Ҳаво кемаси белгиланган ҳаво трассаси, маҳаллий ҳаво йўли, парвоз йўналиши ёки теграсидан четга чиққанида ёхуд парвознинг бошқа параметрларига риоя этмаганда ҳаво кемасининг командири ва ҳаво транспорти қатновини таъминловчи орган бундай хатоларни тўзатиш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўриши шарт.

#### **71-м о д д а. Ҳаво кемаси ҳалокатга учраганда кема экипажининг вазифалари**

Ҳаво кемаси ёки унинг ичидаги одамлар учун бевосита хатар туғилса ёхуд кема билан радиоалоқа узилиб, унинг қаердалиги номаълум бўлса, бундай ҳаво кемаси ҳалокатга учраётган ҳисобланади.

Учиш, қўниш ёки кулаш натижасида жиддий зарар кўрган ёхуд бутунлай вайрон бўлган, шунингдек аэродромдан ташқарига мажбуран қўнган ҳаво кемаси ҳалокатга учраган ҳисобланади.

Ҳалокатга учраётган ҳаво кемасининг экипажи Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудидида авиация парвозининг асосий қоидаларида белгиланган тартибда фалокат сигналини бериши, ҳаво транспорти қатновини таъминловчи органга ҳалокат хусусияти ҳақида маълумот бериши ва кема ичидаги одамларнинг ҳаётини, соғлиғи ва мол-мулкни, шунингдек ҳаво кемасининг ўзини сақлаб қолиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриши шарт. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-11-сон ва 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Ҳалокатга учраган ҳаво кемасининг экипажи ўз ваколатини тегишли органларга топширгунга қадар, ҳаво кемаси ичидаги одамларни, мол-мулкни ҳамда ҳаво кемасини қутқариш ва хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриши шарт. Ушбу ҳаво кемаси экипажининг барча аъзолари ва имкон қадар, йўловчилари одамларни, мол-мулкни ҳамда ҳаво кемасини қутқаришда иштирок этишлари шарт.

Ҳалокатга учраётган ёки ҳалокатга учраган ҳаво кемасининг командири ўз ваколатини тегишли органларга топширгунга қадар, мазкур кемадаги ёки кеманинги ичида бўлган одамларнинг хатти-ҳаракатларига бошчилик қилади.

#### **72-м о д д а. Хавф остида қолган одамларга ёрдам бериш**

Хавф остида қолган одамлар ҳақида ҳар қандай маълумот олган ҳаво кемасининг командири бу ҳақда ҳаво транспорти қатновини таъминловчи органга ёхуд бошқа ваколатли органга хабар бермоғи ва агар мазкур кема парвози, йўловчилари ва экипаж ҳаёти учун хатар туғилмаса, уларга зарур ёрдам кўрсатмоғи шарт.

### **73-м о д д а. Ҳаво транспорти қатновини таъминловчи органнинг ҳалокат рўй бергандаги вазифалари**

Ҳаво транспорти қатновини таъминловчи орган ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаси тўғрисида, шунингдек ҳаво кемаси командиридан хавф остида қолган одамлар ҳақида ҳар қандай бошқа маълумот олганида Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидаларида белгиланган тартибда зарур ёрдам кўрсатиш учун барча чораларни кўриши шарт.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон ва 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

## **IX боб. ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАР**

### **74-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари**

Ушбу Кодексда халқаро парвоз деб ҳаво кемасининг хорижий давлатнинг чегарасини кесиб ўтадиган парвози тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари:

а) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

б) тегишли хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан якка парвоз учун бериладиган махсус рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемалари мазкур ҳаво кемаларини тасарруф этувчи ёки уларнинг эгалари бўлган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, ташкилотлар ва фуқаролар рухсати билан якка халқаро парвозларни амалга ошириши мумкин. Хорижий давлат самовий ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемасининг парвозига махсус рухсатнома олиш учун сўровномада ҳаво кемасининг эксплуатанти, давлат ва экспериментал ҳаво кемасининг парвози учун эса – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги юборади. Бундай сўровномалар кема ҳужжатларига, экипаж тўғрисидаги маълумотларга тааллуқли барча талабларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва парвоз режалаштирилган хорижий давлат ҳудудида амал қиладиган бошқа талаб ва қоидаларга риоя қилинган ҳолдагина амалга оширилади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

Уқтириб ўтилган парвозлар учун сўровнома юбориш ва рухсатнома олиш тартибини белгиловчи қоидалар Авиация маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан биргаликда тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемаларида мунтазам халқаро парвозлар Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти белгилаган

тартибда тайинланган ташувчилар томонидан амалга оширилади. (Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

### **75-м о д д а. Хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидаги парвози**

Хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидаги парвозлари:

а) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

б) парвоз учун махсус рухсатномалар асосида ва уларнинг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур рухсатномаларни:

фуқаро ҳаво кемаларининг якка парвози учун – Авиация маъмурияти;

фуқаро ҳаво кемаларидан бошқа кемаларнинг якка парвози учун – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро парвозлар амалга оширилишидан олдин хорижий ҳаво кемаларининг эгалари (эксплуатантлари) халқаро парвозлар учун рухсатнома берадиган давлат бошқарув органларига таниш белгиларини хабар қилишлари шарт.

Якка парвозларга рухсатнома бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгилаб берилади.

### **76-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари**

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида миллий ва хорижий ҳаво кемаларининг халқаро парвози вақтида ушбу Кодексга асосланган ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва парвозларни бажаришни тартибга солувчи умумий қоидаларига амал қилинади.

Миллий ва хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ҳавога кўтарилиши, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учиб киргандан кейинги қўниши халқаро парвозлар учун очик аэродромларда амалга оширилади. Самовий ҳудудда халқаро парвозлар белгиланган ҳаво йўллари бўйлаб бажарилади. Ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда махсус ажратилган халқаро ҳаво трассалари ёки ҳаво йўлқалари бўйлаб кесиб ўтадилар.

Қўидаги ҳолларда:

а) Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ табиий офат, фалокат, авария, авария вазияти ҳамда одамлар ҳаётига хавф туғилган бошқа шароитларда;

б) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда;

в) Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатнома олинганида юқоридаги қоидалардан истиснога йўл қўйиш мумкин.

**77-м о д а. Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэропортлар, аэродромлар ва ҳаво йўллари**

Ҳаво транспортида халқаро кўламда ташишга мўлжалланган, божхона, чегара ва санитария-карантин назорати таъминланадиган аэропортлар, аэродромлар ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэропортлар, аэродромлар деб эътироф этилади.

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэропортларни, аэродромларни очиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Халқаро ҳаво йўллари очиш ҳақидаги қарор Авиация маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган ҳаво йўллари очиш тартиби Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан белгиланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэропортларини (аэродромларини) очиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)*

**78-м о д а. Ҳаво кемаларининг халқаро парвозларни бажаришлари учун кўлланиладиган паспорт, божхона қоидалари ва бошқа қоидалар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келаётган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кетаётган ёки транзит ҳаво кемаларининг барчасига, уларнинг экипажлари ва йўловчиларига, шунингдек улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётган ёки бу ҳудуддан олиб чиқаётган мол-мулкларига Ўзбекистон Республикасининг четга чиқиш ва четдан келиш ҳамда мол-мулк олиб кириш (олиб кетиш) ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транзит ҳаракати тўғрисидаги қонунларида белгиланган паспорт, божхона, валюта, санитария, карантин қоидалари ва бошқа қоидалар татбиқ этилади.

**Х БОБ. ҚИДИРУВ ВА ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ**

**79-м о д а. Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари йўловчилари ва экипажини қутқариш**

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемасини қидирув ва қутқарув ишлари Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган тегишли ишларни бажариш қоидаларига мувофиқ зудлик билан амалга оширилиши лозим. Бу қоидаларда:

а) барча давлатлар ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишлари, қидирув-қутқарув кучлари ва воситаларини жойлаштириш, уларга юқоридаги ишларни бажаришда текин таъминот ва хизмат кўрсатилиши;

б) ҳаво кемасини, унинг йўловчиларини ва экипажини ҳалокат жойидан эвакуация қилиш, ҳалокатга учраган ҳаво кемаси эксплуатантининг кучи ва воситалари билан ёхуд эксплуатант ҳисобидан ўзга куч ва воситалар билан амалга оширилиши;

в) маҳаллий маъмурият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳаво кемасининг қидирув ва қутқарув ишларини амалга оширишда барча зарур ёрдамни кўрсатишга ва қидирув-қутқарув органлари етиб келгунигача қадар одамларни қутқариш, уларга тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек ҳаво кемасини ва унинг ичидаги ҳужжатлар, асбоб-ускуналар ва мол-мулкларни сақлаш учун чоралар кўришлари шартлиги назарда тутилиши лозим.

**80-м о д а. Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишларини ташкил қилиш**

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишларини Ўзбекистон Республикасининг Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати амалга оширади. Мазкур хизмат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ ишлайди.

Авиация қидирув-қутқарув ишларини ташкил этиш ва бажаришда Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг кучлари ҳамда воситаларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Вазирликлар ва идоралар, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати органларининг талабига мувофиқ уларга қидирув-қутқарув ишлари учун тайёр турган қутқарув кучлари ва воситаларини тезда ажратиш беришлари шарт.

Республика Президентининг қарорига мувофиқ давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар юқоридаги каби куч ва воситаларни ажратишлари шарт, кейинчалик бу харажатлар Ўзбекистон Республикаси бюджети ҳисобидан қопланади.

Қидирув-қутқарув кучлари ва воситаларининг таркиби, техника ва анжомлари рўйхати, қидирув-қутқарув ишларини бошқариш ва бажариш тартиби, тегишли мансабдор шахсларнинг вазифалари Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати тасдиқлаган Қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш қоидаларида белгилаб берилади.

Ҳаво кемаларини, уларнинг йўловчилари ва экипажини қидирув-қутқарув ишларини таъминлаш мақсадида Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати туну-кун навбатчиликни йўлга қўяди.

Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асоси-



да ўзга давлатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади, шунингдек ўз фаолиятини республиканинг қидирув-қутқарув ва авария ишларини ўтказишга масъул бошқа органлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси белгиланган тартибда мослаштиради.

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаларига керакли ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига:

а) ўзга давлатларнинг қидирув-қутқарув кучлари ва воситалари;

б) мазкур ҳаво кемаларининг эгалари ва эксплуатантлари;

в) ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилган давлат маъмурлари келишларига йўл қўйилиши мумкин.

Бундай келишга йўл қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланади.

### **81-м о д д а. Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари ҳақида хабар қилиш**

Алоқа воситаларига эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шу воситаларни ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари ҳақидаги маълумотларни зудлик билан хабар қилиш учун фойдаланишга бериб туришлари шарт.

Алоқа воситаларини бериш, ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемасига, унинг йўловчилари ва экипажга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва жўнатиш ҳеч қандай навбатсиз оддий тариф бўйича ҳақ олиб амалга оширилади. Бундай ҳодиса тўғрисидаги биринчи маълумотни хабар қилиш бепул амалга оширилади.

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари ҳақида хабар бериш учун умумий алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Авиация маъмурияти ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда белгиланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Ҳокимият маҳаллий органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўзларига маълум ҳаво кемаларининг ҳалокати тўғрисида Ягона авиация қидирув-қутқарув хизматига ёки энг яқин аэродромга зудлик билан хабар беришлари шарт. Фуқаролар бундай ҳолатларда зудлик билан ҳокимият маҳаллий органларига ёки энг яқин корхона, муассаса ва ташкилотларга хабар беришлари шарт.

### **82-м о д д а. Қутқарув ишлари**

Фалокатга учраган ҳаво кемасининг йўловчилари ва экипажга ёрдам кўрсатиш бўйича қутқарув ишлари Ягона авиация қидирув-қутқарув хизматининг кучлари ва воситалари билан, шунингдек мазкур Кодекснинг 80-моддасига асосан шу хизмат томонидан бу ишга савбар қилинадиган вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг кучлари ҳамда воситалари билан амалга оширилади.

Агар фалокатга учраган ҳаво кемаси ёки унинг қисмлари темир йўл, автомобиль, сув транспорти ҳаракатига ёки ҳаво кемаларининг парвозига ҳалақит берадиган бўлса, қутқарув ишлари раҳбари транспорт ҳаракатини ёки кемалар парвозини таъминлаш учун ҳаво кемасини (унинг қисмини) – унинг (уларнинг) умумий ҳолати ва жойлашувини қайд қилиб олгач – четга олиб қўйиш учун чоралар кўриши шарт.

### **83-м о д д а. Ҳаво кемасини, унинг йўловчилари ва экипажини қидирув ишларининг тўхтатилиши**

Кўрилган тадбирлар натижа бермаган тақдирда ҳалокатга учраган ҳаво кемасини қидирув ишларини тўхтатиш ҳақидаги қарор Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати раҳбари томонидан қабул қилинади. Бундай қарор мавжуд қидирув-қутқарув кучлари ва воситалари билан ҳаво кемасини топишда давом эттирилаётган қидирув ишлари самарасиздир ва тирик қолган одамларни қутқариш учун ҳеч қандай реал умид қолмади, деб тахмин қилишга етарли асослар бўлганидагина қабул қилиниши мумкин.

Ҳалокатга учраган ҳаво кемасини қидирув ишларини тўхтатиш ҳақидаги қарор устидан мазкур кема эгаси тегишли судга шикоят қилиши мумкин.

Қидирилиши тўхтатилган ҳаво кемаси бедарак йўқолган деб ҳисобланади.

### **84-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги қидирув ва қутқарув ишлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳалокатга учраётган ёки учраган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишлари мазкур Кодекс талаблари ҳисобга олиниб, ҳудудда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётган давлатда бундай ишларни бажариш қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларига мувофиқ амалга оширилади.

### **XI боб. ҲАВО КЕМАЛАРИ ПАРВОЗИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ УСТИДАН НАЗОРАТ. АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТЛАРИ ВА БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ТЕКШИРИШ**

#### **85-м о д д а. Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлиги устидан назорат**

Авиация ҳалокатлари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлиги устидан назорат амалга оширилади.

Ҳаво кемасидан учиб мақсадларига фойдаланиш чоғида мазкур кеманинг, экипажнинг, бошқа авиация ходимларининг нормал фаолиятини бузган ҳолда ёки ташқи шароитлар натижасида рўй берган ва одамлар ҳалокатига, ҳаво кемасининг жиддий зарар кўришига, вайрон бўлишига ёки йўқолишига олиб келган ҳодиса авиация ҳалокати деб эътироф этилади.

Ҳодиса натижасида юқорида зикр этилган оқибатлар содир бўлмаган-ку, лекин иш ўнгидан келмай шундай оқибатлар содир қилиниши мумкин бўлса, бундай ҳодиса бахтсиз ҳодиса деб эътироф этилади. Ҳаво кема-

лари парвозининг хавфсизлиги устидан назоратни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **86-м о д д а. Текширишни ташкил қилиш ва ўтказиш**

Ҳар бир авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодиса албатта текширишдан ўтказилмоғи лозим.

Ҳалокатлар ёки бахтсиз ҳодисалар:

фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияда – Авиация маъмурияти комиссиялари томонидан; давлат авиациясида – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги комиссиялари томонидан текширилади.

Ҳалокат ёки бахтсиз ҳодиса давлат ва фуқаро авиацияси ёки давлат авиацияси ва экспериментал авиация манфаатларига дахлдор бўлган тақдирда текшириш Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа дахлдор вазирликлари ва идоралари вакилларида ташкил топган қўшма комиссиялар томонидан амалга оширилади. Бундай комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Текширишни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган қоидалар билан белгиланади. Авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодисани бундай текширишдан мақсад кимнингдир айбини ёки жавобгарлигини белгилаш эмас, балки ҳодисанинг объектив сабабларини аниқлашдан иборатдир.

### **87-м о д д а. Авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодиса қақда хабар бериш**

Авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодисадан хабар топган шахслар зудлик билан бу ҳақда ушбу Кодекснинг 81-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган органларга маълум қилишлари керак.

Шундан сўнг бу маълумотни авиация ҳалокатлари ёки бахтсиз ҳодисаларни текширувчи органларга етказиш тартиби мазкур текширишларни ўтказиш қоидалари билан белгиланади.

### **88-м о д д а. Ашёвий далилларни сақлаш**

Ҳаво кемаси, унинг таркибий қисмлари, кема ичидаги ва ердаги объектив назорат воситалари, ҳаво кемасидаги ҳамда ердаги авиация ҳалокатига ёки бахтсиз ҳодисага алоқадор барча предметлар, ҳаво кемасини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, ундан фойдаланиш ва унинг парвозини таъминлаш билан боғлиқ барча ҳужжатлар мазкур ҳалокатни (бахтсиз ҳодисани) текширувчи комиссия аъзолари етиб келгунга қадар ташкилотлар ва фуқаролар томонидан дахлсизликда сақланмоғи лозим, ушбу Кодекснинг 82-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Текшириш комиссияси раисининг талабига биноан зарур ашёвий далиллар ҳеч бир тўсиқсиз ушбу комиссия ихтиёрига тўлалигича берилиши лозим.

### **89-м о д д а. Авиация ҳалокати рўй берган жойдаги ишлар**

Авиация ҳалокати рўй берган жойда амалга ошириладиган текшириш табиий офатлар оқибатларини тугатиш ишларига тенглаштирилган алоҳида шароитларда бажариладиган ишлар қаторига киради.

Ҳокимият маҳаллий органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар авиация ҳалокатини текширувчи комиссияга ҳар томонлама кўмаклашишлари шарт.

Комиссия ишини авиация ҳалокати рўй берган жойда таъминлаш тартиби ушбу Кодекснинг 86-моддасида кўрсатилган авиация ҳалокатлари ва бахтсиз ҳодисаларни текшириш қоидалари билан белгиланади.

### **90-м о д д а. Авиация ҳалокати (бахтсиз ҳодиса)ни текшириш билан боғлиқ ишларни маблағ билан таъминлаш ва харажатларни қоплаш тартиби**

Авиация ҳалокати (бахтсиз ҳодиса) рўй берган жойда ўтказиладиган текширув билан боғлиқ барча ишларни ҳаво кемасининг эксплуатанти маблағ билан таъминлайди.

Илмий текшириш ва конструкторлик муассасалари, ташкилотлари, таъмирлов ва саноят корхоналари амалга ошираётган авиация ҳалокати (бахтсиз ҳодиса)ни текшириш билан боғлиқ тадқиқот ва синов ишлари ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан маблағ билан таъминланиб, кейинчалик бу харажатлар ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан қопланади.

## **XII БОБ. АВИАЦИЯ ФАОЛИЯТИГА ГАЙРИҚОНУНИЙ АРАЛАШУВНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

### **91-м о д д а. Авиацияни гайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари**

Ҳаво кемалари, йўловчилар, юк ва почта қабул қилиш, жўнатиш ёки уларга хизмат кўрсатишни амалга ошираётган ҳаво кемаларининг эксплуатантлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар авиацияни гайриқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўришлари керак.

Бундай чора-тадбирлар:

а) бегона шахслар ва транспортнинг аэродромларнинг назорат остидаги теграсига назоратсиз киришларининг олдини олиш;

б) йўловчилар томонидан қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи, заҳарли, тез аланганувчи моддалар ва ҳаво транспортида олиб юриш тақиқланган бошқа предметларнинг яширинча ҳаво кемасига олиб кирилишига йўл қўймаслик;

в) қурол ва ўқ-дориларни олиб учишда уларни ҳаво кемаларининг йўловчилардан ажратилган бўлмаларида, юк орасида, ўқсиз ҳолда жойлаштиришни таъминлайдиган алоҳида чоралар кўриш;

г) ҳаво кемалари турган жойларда уларга хизмат кўрсатишга алоқаси йўқ шахсларнинг кириб олишига йўл қўймай қўриқлаш;

д) ҳаво кемаларини махсус текширувдан ўтказиш;

е) ҳаво кемаларини парвоз давомида экипажнинг хавфсиз фаолиятини таъминлайдиган, шунингдек са-

мовий ҳудудидан берухсат фойдаланишнинг олдини оладиган техникавий воситалар билан таъминлаш;

ж) ҳаво кемалари ва объектларига нисбатан гайри-қонуний аралашувнинг олдини олиш учун махсус ишлаб чиқилган тадбирларни (усулларни) қўллашдан иборатдир.

Бундай чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган қоидаларга мувофиқ қўлланилади.

### **92-м о д д а. Йўловчиларни, қўл юки ва багажни текшириш**

Парвознинг хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларнинг ва ҳаво кемалари экипажининг ҳаёти ва саломатлигини сақлаш мақсадида аэропорт ходимлари, милиция органлари, Миллий хавфсизлик хизмати органлари, божхона муассасалари ва чегара қўшинларига, бу органларнинг ваколатли вакиллари йўқ бўлган тақдирда эса – ҳаво кемаларининг командирлари ёки уларнинг топширигига биноан экипажнинг бошқа аъзоларига – ички йўналишларда ҳам, халқаро йўналишларда ҳам ҳаво кемалари йўловчиларини, қўл юки ва багажларни текшириш ҳуқуқи берилади. Текшириш аэропортда, шаҳар аэровокзалида ёхуд аэродромда ҳаво кемасининг ўзида бу иш учун махсус тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади. Йўловчи текширувдан бўйин товлаган тақдирда авиация хизмати кўрсатувчи ҳаво транспортида ташиш тўғрисидаги шартномани бекор қилишга ҳақлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

Парвоздаги ҳаво кемасида шароит тақозоси билан ҳаво кемаси командирининг қарорига мувофиқ йўловчининг розилигидан қатъи назар текшириш ўтказилиши мумкин. Ушбу моддада парвоздаги ҳаво кемаси деб йўловчилар ёки юклар жойлаштирилганидан сўнг кеманинг барча ташқи эшиклари ёпилган дақиқадан бошлаб, йўловчиларни ёки юкларни тушириш учун эшиклардан исталган бири очилгунча бўлган ҳолатдаги ҳаво кемаси тушунилади.

Текшириш ўтказиш қоидалари ва текшириш ўтказишга ҳақли шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **92<sup>1</sup>-м о д д а. Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари**

Йўловчи ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ҳаво кемаси командирининг ёки экипаж аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва ҳаво кемаси ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулк бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажариши шарт.

Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон*

*Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **93-м о д д а. Жавобгарлик турлари**

Ушбу Кодекс талабларини бузганликда айбдор бўлганлар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

## **IV бўлим. ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ВА АВИАЦИЯ ИШЛАРИ**

### **XIII боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **94-м о д д а. Таъриф**

Аэропортлар ва ҳаво транспортида ташувчилар томонидан бажариладиган йўловчилар, қўл юки ва юкни белгиланган манзилга етказишни бевосита амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар ва операциялар мажмуи ҳаво транспортида ташиш деб ҳисобланади. Ҳаво транспортида ташиш йўловчилар, қўл юки ва юк аэропортда, ҳаво кемаси ичида ёки бошқа учиш-қўниш жойида бўлишидан қатъи назар, ташувчининг жавобгарлиги остида бўлган вақт мобайнидаги даврни қамраб олади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

Ҳаво кемасининг жўнаш, қўниш манзили ва назарда тутилган барча оралиқ қўниш манзиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган парвози чоғида бажарилган ташиш ишлари ҳаво транспортида ички ташиш деб ҳисобланади.

Ҳаво кемасининг парвоз давомида янги юк олган-олмаганидан ёки парвозда танаффус бўлган-бўлмаганидан қатъи назар жўнаш ва қўниш манзиллари:

а) икки давлат ҳудудида;

б) агар бошқа давлат ҳудудида оралиқ қўниш манзили (манзиллари) назарда тутилган бўлса, бир давлат ҳудудида бажариладиган парвозлари чоғидаги ташиш ишлари ҳаво транспортида халқаро ташиш деб ҳисобланади.

Авиацияда юк ва йўловчи ташиш учун лицензияси бўлган ҳаво кемасининг эксплуатанти ташувчи деб эътироф этилади.

Ҳаво транспортида ташиш шартномасига мувофиқ ҳаво кемасида ташилаётган ёки ташилиши лозим бўлган шахс йўловчи деб ҳисобланади.

Қўл юки – йўловчининг ташувчи билан шартномага мувофиқ ҳаво кемасида ташилаётган шахсий ашёлари.

Юк – ҳаво кемасида ташилаётган ёки ташиш учун қабул қилинган (почта ва халқаро почта битимларининг шартларига кўра ташилаётган бошқа мол-мулк, ташувчининг қўл юки ёки мол-мулкдан ташқари) ҳар қандай мол-мулк, шунингдек юк хати бўйича ташилаётган қўл юки. *(Биринчи-еттинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)*

Авиация воситаларида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар (бююртмачи)нинг технологик ёки транспорт ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаш мақсадида, шу жумладан экспериментал ва илмий-тадқиқот ишларини, санитария ва табиатни қўриқлаш тадбирларини, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, табиий офатлар, авариялар ва ҳалокатлар оқибатларини тугатиш мақсадида тижорат асосида бажариладиган махсус юмушлар авиация ишлари қаторига киради. Авиация ишларига мансуб хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгилаб қўйилади.

### **95-м о д д а. Ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишларини бажариш қоидалари**

Ҳаво транспортида ташиш ёки авиация ишларини бажариш истагини билдирган ҳаво кемасининг эксплуатанти тегишли фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома олиши лозим.

Ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишлари ҳаво кемаларининг эксплуатантлари ва бююртмачилар ўртасидаги шартномалар асосида ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бир марталик бююртмалари асосида бажарилади. Ҳаво кемаларининг эксплуатантлари ва бююртмачилар ўз шерикларини танлашда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ҳокимият маҳаллий органлари худудларининг экологияси ёки худудларида транспорт воситалари ва одамлар ҳаракатининг алоҳида тартибидан келиб чиқиб, авиация ишларини бажариш шартларини ва чекловларни белгилаб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Бундай шартлар ва чекловларни келишиб олиш бююртмачи зиммасига юклатилади.

Ҳаво кемаларининг эксплуатантлари Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиладиган ҳаво транспортида ташиш ёки авиация ишларини бажариш қоидаларига риоя қилиши шарт. Бунда ҳаво кемаларининг эксплуатантлари ҳаво транспортида ташиш ёки авиация ишларини бажаришнинг ўз фаолиятлари хусусиятига мос келадиган ва Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланган қоидаларга зид бўлмаган қўшимча қоидаларини белгилаши мумкин.

Ҳаво кемаларида почта ташиш тартиби почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти билан келишилади. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь УРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **96-м о д д а. Рухсатномалар бериш**

Ички ҳамда халқаро ҳаво йўналишларида йўловчиларни ва юкларни ташиш, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳаво транспортида ташиш билан боғлиқ бўлган фаолият учун ҳамда авиация ишларини бажариш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль УРҚ-159-сон Қонуни*

*таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Бутунлай ёки қисман Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида бажариладиган ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишлари учун рухсатнома бериш ушбу Кодекс, худудида бундай фаолият юритиладиган давлат қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **97-м о д д а. Рухсатномаларга риоя этилиши устидан назорат**

Ички ҳамда халқаро ҳаво йўналишларида йўловчиларни ва юкларни ташишга, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳаво транспортида ташиш билан боғлиқ бўлган фаолиятга ҳамда авиация ишларини бажаришга доир лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль УРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

## **XIV боб. ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ**

### **98-м о д д а. Ҳаво транспортида ташиш шартномаси**

Ҳаво транспортида ташиш шартномасига биноан ташувчи йўловчи ва унинг қўл юкини чиптада кўрсатилган парвозни амалга ошираётган ҳаво кемасидан жой бериб белгиланган манзилга элтиб қўйиш мажбуриятини, йўловчи қўл юкини топширган бўлса – қўл юкини белгиланган манзилга етказиб, уни йўловчига ёки йўловчи тайинлаган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Йўловчи белгиланган тариф бўйича парвоз учун, юк ташувчи белгиланган меъёрдан ортиқ қўл юки бўлган тақдирда эса – бундай қўл юки учун ҳам ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь УРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

Ҳаво транспортида ташиш шартномасига кўра юк ташувчи ўзига юк жўнатувчи ишониб топширган юк ёки почтани белгиланган манзилга етказиб, уларни юкни ёки почтани қабул қилиб олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади, юк жўнатувчи эса юк ёки почта ташилгани учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### **99-м о д д а. Чартер шартномаси**

Чартер (ҳаво кемаларини кира қилиш) шартномаси бўйича бир томон (кирага берувчи) иккинчи томон (кирага олувчи)га ҳақ эвазига бир ёки бир неча ҳаво кемасини йўловчилар, қўл юки, юк ва почта ташиш ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланишга бир ёки бир неча парвоз учун тўлиқ бериб туриш мажбуриятини олади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь УРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

Чартер (ҳаво кемаларини кира қилиш) шартномаси бўйича ташиш ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

#### **100-м о д д а. Ҳаво кемасида жой банд қилиб қўйиш**

Ҳаво кемасида йўловчи, қўл юки ташиш учун жойларни ҳамда юк ва почта ташиш учун ташиш сизимини банд қилиб қўйиш ташувчининг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

#### **101-м о д д а. Ташишга доир ҳужжатлар**

Чипта ва қўл юки паттаси, почта ва юк хати, шунингдек қоғозда ёки электрон шаклда расмийлаштирилган бошқа ташиш ҳужжатлари йўловчини ва қўл юкини, почтани ва юкни ҳаво транспортида ташиш шартномасини тасдиқловчи ташиш ҳужжатларидир.

Ташиш ҳужжатларининг шакли тегишли фуқаро авиацияси халқаро ташкилотларининг қоидалари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ташувчи томонидан белгиланади.

Почта орқали ташиш ҳужжатларининг шакли почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

#### **102-м о д д а. Йўловчига кўрсатиладиган хизматлар ва имтиёзлар**

Ташувчи йўловчиларга ташиш қоидаларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатилишини ташкил этиши шарт. Шунга мувофиқ йўловчига белгиланган меъёр доирасида багаж ва қўл юкини текин ўзи билан олиб учиб, болаларини (ёшига қараб) текин ёки имтиёзли шартларда олиб учиб, аэропортларда махсус ажратилган бинолардан фойдаланиш, шунингдек юк ташувчининг айби билан ёхуд бошқа мажбурий сабаблар билан рўй берган парвозларнинг кечиктирилиши ёки улар орасидаги танафусларда меҳмонхоналарда жой билан таъминланиш ҳуқуқи берилади.

Ташувчи ўз имтиёзли тижорат дастурларини амалга ошириш ва бундай дастурларда назарда тутилган қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

#### **103-м о д д а. Ташувчининг ташаббуси билан ҳаво транспортида ташиш шартномаси кучининг тўхтатилиши**

Ташувчи ҳаво транспортида йўловчи, қўл юки ва юк ташиш шартномасини ташиш йўналишининг истал-

ган манзилида қуйидаги ҳолларда бекор қилиши мумкин:

йўловчи ёки юк жўнатувчи томонидан парвоз бошланадиган, тугайдиган ва транзит мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган божхона, чегара, санитария-карантин талаблари ва ҳаво транспортида ташишга тааллуқли бошқа талаблар бузилса;

агар йўловчи соғлигининг ҳолати ҳаво транспортида ташишнинг алоҳида шарт-шароитларини талаб қилса ёхуд йўловчининг ўз хавфсизлигига ёки бошқа шахсларнинг хавфсизлигига таҳдид солса, бу ҳол тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланса, худди шунингдек тартибсизлик келтириб чиқарса ва бошқа йўловчиларга ташиш шартномасининг шартларида назарда тутилган хизматларни кўрсатиши учун ташувчига имконият бермаса;

ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари йўловчи томонидан парвоз хавфсизлигига таҳдид тугдирадиган ёхуд ҳаво кемаси ичидаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва мол-мулкига таҳдид тугдирадиган тарзда бузилса;

ҳаво транспортида ташишларнинг белгиланган қоидалари талабларини бажариш йўловчи ёки юк жўнатувчи томонидан рад этилса.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

#### **104-м о д д а. Йўловчининг ташаббуси билан ҳаво транспортида ташиш шартномаси кучининг тўхтатилиши**

Йўловчи ҳаво транспортида ташиш шартномаси амал қилиб турган исталган вақтда – йўловчи учун жой банд қилиб қўйилган ҳаво кемаси парвоз қилгунича ёки парвоз қилганидан кейин йўналиш манзилларидан бирида ҳаво транспортида ташиш шартномасини бекор қилиш ва ташиш учун тўланган сумманинг ҳаммасини ёки бир қисмини ташувчининг тарифларини қўллаш қоидаларида белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

#### **105-м о д д а. Ташиш тарифлари, йиғимлари, ставкалари ва қатновни кирага сотиш қоидалари**

Ташиш ишларини ташкил қилиш ва тарифларни қўллаш, йиғимлар тўлаш, қатновни кирага сотиш қоидалари ташувчи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

Чартер (ҳаво кемаларини кира қилиш) шартномалари бўйича ташишни бажариш учун шартнома тарифлари белгиланиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **106-м о д д а. Юкнинг ёки қўл юкининг олинмаслиги ва кечикиб олиниши**

Агар қабул қилувчи етиб келган юкни ташиш қоидаларида белгиланган муддатда талаб қилиб олмас ёки уни олишдан воз кечса, ташувчи жўнатувчини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда юкни жўнатувчининг ҳисобидан сақлаш учун ўзида қолдиришга ҳақлидир. Қабул қилувчи хабардор қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида юк олиб кетилмаган ва бу юкка нисбатан юк жўнатувчининг бирор-бир фармойиши олинмаган бўлса, бундай юк талаб қилиб олинмаган деб ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинади.

Учиб келган рейс йўловчиларига қўл юки топширилганидан кейин талаб қилиб олинмаган қўл юки уни олиб келган ташувчи ҳисобидан сақлаш ва бундай қўл юкининг эгасини қидириш ҳамда уни эгасига етказиб беришни ташкил этиш учун аэропортнинг тегишли хизматига топширилади.

Ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб қилиб олинмаган қўл юки аэропортда кўпи билан 3 ой сақланади ва кейин Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Чет эллик ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб қилиб олинмаган қўл юки аэропортда кўпи билан 7 кун сақланади ва уни олиб келган ташувчининг рейси билан қайтариб юборилади.

Талаб қилиб олинмаган қўл юкидаги тез бузиладиган нарсалар бузилиш белгилари аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ–337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **107-м о д д а. Ташишнинг алоҳида шартлари**

Портловчи моддалар, куруллар, ўқ-дорилар, захарли, тез алангаланувчи, радиоактив ва бошқа хавфли моддаларни ҳамда предметларни ташиш шартлари қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус қоидалар билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)*

### **108-м о д д а. Ташишнинг ахборот-реклама таъминоти**

Ташувчи парвозларнинг йўналишлари ва жадвалларини, йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш тарифларини, аэропортларда ва ҳаво кемасининг ичида хизмат кўрсатиш шартларини эълон қилиши ҳамда аҳолининг (мижозларнинг) эътиборига етказиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ–337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **109-м о д д а. Ҳаво транспортида ташиш ишларини таъминлаш хизматининг ташкил этилиши**

Ҳаво транспортида ташишни таъминловчи барча хизматлар аэропорт томонидан хизмат кўрсатиладиган ташишларнинг ҳажми ва турларига мувофиқ ходимларни, технологик асбоб-ускуналар, механизация ва автоматизация воситалари билан жиҳозланган операцион зоналарни қамраб олувчи тегишли ташкилий тузилмага эга бўлиши керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ–337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)*

### **110-м о д д а. Суғурта**

Ташувчи йўловчиларга, ташишга қабул қилинган қўл юки ва юкларга, шунингдек ўзга шахсларга етказилдиган зарарни қоплаш юзасидан ўз масъулиятини суғурта қилдириши лозим.

Зарарни қоплайдиган суғурта пули миқдори ташувчи жавобгарлигининг белгиланган миқдоридан паст бўлиши мумкин эмас.

Йўловчилар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда мажбурий суғурта қилинишлари лозим.

### **111-м о д д а. Хорижий ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ташувчилар республика қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий давлатлар иштирокида тузилган халқаро шартномалар асосида, шунингдек Авиация маъмурияти томонидан бир галлик ва мунтазам парвозлар учун берилдиган махсус рухсатномаларга биноан фаолият кўрсатадилар.

Хорижий ташувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзларининг ваколатхоналарини очишлари мумкин.

Хорижий юк ташувчиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий давлатлар иштирок этган ҳаво алоқаси тўғрисидаги халқаро шартномаларда ёки махсус рухсатномаларда кўзда тутилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий давлатга олиб кетиш ёки хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш учун кемага йўловчилар, қўл юки, юк ва почта олиш;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа бир манзилга етказиш учун Авиация маъмуриятининг махсус рухсатсиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кемага йўловчилар, қўл юки, юк ва почта олиш ман этилади.

### **112-м о д д а. Ташувчининг масъулиятини тартибга солишнинг умумий принциплари**

Ҳаво транспортида ташишда ташувчининг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, фуқаролик қонун ҳужжатлари ва ушбу Кодекс билан тартибга солинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

**113-м о д д а. Йўловчининг ўлими ёки соғлигига етказилган зарар учун ташувчининг масъулияти**

Ташувчи парвоз чоғида йўловчининг ўлими ёки соғлигининг ёмонлашувига олиб келган зарар учун, агар бу зарарнинг олдини олиш учун ташувчи барча зарур чораларни кўрганлигини ёки бундай чораларни кўришининг илоҳи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса, мулкий жавобгар бўлади.

Агар йўловчининг ўлими ёки соғлигининг ёмонлашуви қайтариб бўлмас куч натижасида содир бўлган бўлса, ташувчи, агар етказилган зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабранувчининг кўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини исботлаб бера олмаса, белгиланганига мувофиқ жавобгар бўлади.

Етказилган зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабранувчининг кўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини ташувчи исботлаб берган бошқа ҳолларда фуқароликка доир қонунларнинг умумий меъёрларига мувофиқ зарар учун тўланадиган товоннинг миқдори камайтирилиши мумкин ёки зарарни қоплашдан ҳалос этилиши мумкин.

Ташувчи йўловчининг ўлими ёки соғлиги шикастланганлиги учун етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминлаши шарт. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда).

**114-м о д д а. Ташувчининг қўл юкининг бутлиги учун жавобгарлиги**

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қўл юки ташишга қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан то у қабул қилувчига берилгунига ёки бошқа ваколатли шахсга топширилгунига қадар унинг йўқолганлиги, камомади ёки унга етказилган зарар учун ташувчи жавобгар бўлади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ-159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

Агар йўловчининг ёнидаги буюмлар йўқолса, ёки уларга зарар етказилса ва бу йўқотиш ёки зарар ташувчининг айби билан юз берганлиги исботланса, ташувчи бу буюмлар учун моддий жавобгар бўлади.

**115-м о д д а. Ташувчининг юкнинг бутлиги учун жавобгарлиги**

Агар юкнинг йўқолиши, камомади ёки унга етказилган зарар ҳаво транспортида ташиш вақтида юз бер-

ган бўлса, юкнинг йўқолганлиги, камомади ёки унга етказилган зарар учун ташувчи жавобгар бўлади.

Агар ташувчи юкнинг йўқолганлиги, камомади ёки унга зарар етказилганлиги билан боғлиқ зиён қуйидаги ҳолатлардан бири ёки бир нечаси натижасида юзага келганлигини исботлай олмаса, етказилган зиён учун жавобгар бўлади:

давлат органининг юкни олиб кириш, олиб чиқиш ёки унинг транзитига тааллуқли акти;  
уруш ёки қуролли тўқнашув акти;  
юкка хос бўлган нуқсон, унинг сифати ёки ундаги камчилик.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

**116-м о д д а. Юк, қўл юки, шунингдек йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолиши, камомади ёки уларга етказилган зарар учун ташувчи масъулияти миқдори**

Юк, қўл юки ёки йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолгани, камомади ва уларга етказилган зарар учун ташувчи:

а) ташиш учун олинган қиймати эълон қилинган юк ёки қўл юкининг йўқолгани, камомади ёхуд унга етказилган зарар учун – эълон қилинган қиймати миқдорида, агар ташувчи эълон қилинган қиймат ҳақиқий қийматдан баландлигини исбот қилса – ҳақиқий қиймат миқдорида; (биринчи қисмнинг «а» банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

б) қиймати эълон қилинмаган ҳолда ташиш учун қабул қилинган юкнинг ёки қўл юкининг, шунингдек йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолганлиги, камомади ёхуд уларга етказилган зарар учун – Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади. (Биринчи қисмнинг «б» банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

Агар етказилган зарар ташувчи ёки унинг ваколатли шахслари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қасддан қилинган ёки кўпол эҳтиётсизликлари натижаси эканлиги исботланса жавобгарлик меъёрлари қўлланилмайди.

(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ-337-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

Ҳаво кемасида ҳайвонларни кузатиб бораётган шахснинг ўлими ёки унинг соғлигига етказилган зарар учун, агар бу ҳалокат ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати туфайли рўй берган бўлса, ташувчи жавобгар бўлмайди.

Ҳайвонларнинг ўлими ёки жароҳатлангани учун, агар бу кўнгилсизлик табиий сабабларга кўра ёки уларни кузатиб бораётган шахснинг хатти-ҳаракати натижасида рўй берган бўлса, ташувчи жавобгар бўлмайди.

**117-м о д д а. Йўловчи, қўл юки ёки юк ташиш кечиккани учун ташувчининг жавобгарлиги**

Йўловчи, қўл юки ёки юк ташишнинг кечиккани учун ташувчи – агар у кечикишнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрганлигини ёки бу чораларни кўришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса – жавобгар бўлади. Жавобгарлик миқдори ташиш қоидаларига мувофиқ аниқланади.

Олдини олиш мумкин бўлмаган ҳолатлар юзага келганида ташувчи жавобгарликдан озод қилинади.

**118-м о д д а. Почтани йўқотганлик, унга зиён етказганлик ва кечиктирганлик учун ташувчининг жавобгарлиги**

Почтани йўқотганлик, унга зиён етказганлик ёки кечиктирганлик учун – агар бу ташувчи айби билан юз берган бўлса – ташувчи Жаҳон почта иттифоқининг почта қоидалари ва ҳужжатларига мувофиқ почта жўнатувчилар ёки почтани олувчилар олдида алоқа органлари белгилайдиган миқдорда жавобгар бўлади.

**119-м о д д а. Жавобгарлик миқдорини камайтириш тўғрисидаги келишувларнинг гайриқонунийлиги**

Ташувчининг йўловчилар, юк жўнатувчилар ёки қабул қилувчилар билан ушбу Кодексда кўзда тутилган жавобгарлик миқдорини камайтириш тўғрисидаги барча келишувлари гайриқонунийдир.

**120-м о д д а. Жавобгарлик миқдорини ошириш тўғрисидаги келишув**

Ташувчи ўз масъулияти миқдорини ушбу Кодекс ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган миқдорлардан юқори қилиб белгилаб, шартнома тузишга ҳақлидир.

**121-м о д д а. Ҳаво транспортида ташиш шартномасининг бузилиши тўғрисидаги далолатномалар тузиш**

Ташувчи, йўловчи, юк жўнатувчи ва олувчиларнинг мулкий жавобгарликлари учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳаво транспортида ташиш шартномасининг бузилиши тўғрисидаги далолатнома билан гувоҳлантирилади. Ҳаво транспортида ташиш шартномасининг бузилиши тўғрисидаги далолатнома тузиш тартиби ҳамда ҳаво транспортида ташиш шартномасининг бузилиши тўғрисидаги далолатнома тузишни тақозо қилмайдиган ҳолатлар тартиби ташиш қоидалари билан белгиланади.

Ҳаво транспортида ташиш шартномасининг бузилиши тўғрисидаги далолатнома қўйидаги ҳолларда тузилади:

а) юкнинг номи, оғирлиги ёки юк ва почтанинг ўринлари сони ташиш ҳужжатида кўрсатилган маълумотларга номувофиқ бўлганида;

б) юкда камомад бўлганида ёки унга зарар етказилганида;

в) қўл юкида камомад бўлганида ёки унга зарар етказилганида;

г) почтада камомад бўлганида ёки унга зарар етказилганида;

д) ҳужжатсиз юк, қўл юки ва почта, шунингдек юксиз, қўл юкисиз ёки почтасиз ҳужжатлар топилганида. (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

**122-м о д д а. Талаб қўйиш тартиби**

Йўловчи, қўл юки, юк ёки почтани ташиш юзасидан ташувчига нисбатан даъво қўзғатишдан олдин унинг олдига талаб қўйилиши шарт, авиация ҳалокати натижасида йўловчининг ўлими ёки соғлигига зарар етиши билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда)

Ташиш битта ташувчи томонидан бажарилган тақдирда талаблар даъвогарнинг хоҳишига кўра парвоз бошланган ёки тугаган манзилда билдирилади. Ташиш бир нечта ташувчи томонидан бажарилган тақдирда, қўл юки ёки юк ташиш қоидаси бузилганлигига доир талаблар даъвогарнинг хоҳишига кўра биринчи ёхуд охириги ташувчига, йўловчининг ўлими юз берган ёки соғлигига зарар етказилган тақдирда эса, ташишни йўналишнинг зарар юзага келган участкасида бажарган ташувчига билдирилади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ–337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

Беvosита аралаш транспортларда ташишдан келиб чиқадиган талаблар:

а) агар ташишнинг сўнгги манзили аэропорт бўлса – ташувчига; (учинчи қисмнинг «а» банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ–337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

б) агар ташишнинг сўнгги манзили темир йўл ёки автотранспорт станцияси, бандаргоҳ ёки порт бўлса – тегишли транспорт ташкилотига тақдим этилади.

**123-м о д д а. Талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Йўловчи, юк жўнатувчи, юкни қабул қилувчи ёки улар ваколат берган шахслар йўловчини ва қўл юкни, почта ва юкни ҳаво транспортида ташиш шартномаси тузилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек ҳаво транспортида ташиш шартномаси бузилганлиги тўғрисидаги далолатномани тақдим этиб, ташувчига нисбатан талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳаво транспортида ташиш шартномаси бузилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг йўқлиги, агар бундай далолатнома ташувчининг ходимлари ёки агенти томонидан тузилмаганлиги исботланса, ташувчига нисбатан талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум эта олмайди.

Йўловчи, юк жўнатувчи, юкни қабул қилувчи вафот этган ёки улар соғлигининг ҳолати ташувчига нисбатан талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш имконини бермаган тақдирда, етказилган зарарнинг ўрнини қонун



ҳужжатларига мувофиқ қоллатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар талаб қўйиши ёки даъво қўзғатиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

#### **124-м о д д а. Мамлакат ичкарасидаги ташишларда талаб қўйиш муддатлари**

Мамлакат ичкарасидаги ташишларда ташувчига талаб олти ойлик муддат ичида, жарима тўланиши тўғрисидаги даъволар эса – 45 кун ичида тақдим этилиши мумкин.

Кўрсатилган муддат ҳисоби:

а) қўл юки, юк ёки почта камомадини ёхуд етказилган зарарни қоплаш, шунингдек қўл юки, юк ёки почта кечиктирилганлиги учун қўйиладиган талаблар бўйича – улар берилган кундан бошлаб;

б) йўқотилган юк бадалини қоплаш ҳақидаги талаблар бўйича – юк етказиб бериш учун мўлжалланган муддатдан 10 кун ўтгач;

в) йўқотилган қўл юки ёки почта бадалини қоплаш ҳақидаги талаблар бўйича – етказиб бериш муддати ўтгандан сўнг;

г) бошқа барча ҳолларда – талаб қилиш учун асос бўла оладиган воқеа рўй берган кундан эътиборан бошланади.

Талаб қилиш муддати тугаганидан сўнг ҳам, агар ташувчи кўрсатилган сабаб узрли деб ҳисобласа, талабларни кўриб чиқиш учун қабул қилишга ҳақлидир.

#### **125-м о д д а. Халқаро ташишларда талаб қўйиш муддатлари**

Қўл юки ёки юк эътироз билдирилмасдан қабул қилинган тақдирда, агар ўзга ҳолат тасдиқланмаган бўлса, улар тегишли ҳолатда ва ташиш ҳужжатларига мувофиқ етказиб берилган деб ҳисобланади.

Қўл юки ёки юкка зарар етказилган тақдирда, уни олишга ҳуқуқи бўлган шахс зарар аниқлангани ҳақида зудлик билан, аммо қўл юки олинган кундан кейинги 7 кун ҳамда юк олинган кундан кейинги 14 кундан кеч бўлмаган муддат ичида ташувчига талабнома тақдим этиши лозим. Етказиб бериш кечиктирилган тақдирда, қўл юки ёки юк олувчига берилган кундан бошлаб 21 кун ичида талаб қўйилиши лозим.

Қўл юки (юк) йўқотилгани тақдирда ташувчига талаблар ҳаво кемасининг белгиланган манзилга қўнганидан ёки ташиш тўхтатилган кундан кейинги икки йил давомида қўйилиши лозим. Кўрсатилган муддатларда билдирилган ёзма талабнома бўлмаса, ташувчига нисбатан даъво қўзғатилиши мумкин эмас.

#### **126-м о д д а. Талабларни кўриб чиқиш муддатлари**

Ташувчи талабни кўриб чиқиши ва унинг қондирилганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида уч ой ичида хабар қилиши шарт, бевосита аралаш ҳаво йўлларида ташишга ёки бир нечта ташувчи иштирок этаётган ташишга доир талаблар учун бу муддат олти ойдан, жарима тўлаш тўғрисидаги даъволар учун эса 45 кундан иборат.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 27 сентябрь ЎРҚ–337-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон, 447-модда)

#### **127-м о д д а. Даъвонинг эскириши ва судда кўриш эҳтимоли**

Ташувчига нисбатан қўйилган ташишга тааллуқли даъво ҳаво кемасининг белгиланган манзилга қўнган, қўниши лозим бўлган ёки парвози тўхтатилган кундан кейин икки йил ичида даъвогар истаган жойда; ташувчи жойлашган ерда, ташувчининг ташишга доир шартнома тузган ваколатхонаси бор жойда ёки парвоз тугаши белгиланган манзилдаги тегишли судда қабул қилинади.

### **XV боб. АВИАЦИЯ ИШЛАРИ**

#### **128-м о д д а. Авиация ишларига доир шартнома**

Авиация ишларига доир шартномага биноан томонлардан бири (эксплуатант) иккинчи томон (бюртмачи) учун бир ёки бир неча ҳаво кемасида шартномаларда назарда тутилган муддат, ҳажм ва шартларда авиация ишлари бажаришни ўз зиммасига олади.

#### **129-м о д д а. Авиация ишларига доир тарифлар**

Эксплуатант ва бюртмачи авиация ишларига доир шартнома тузиш вақтида шартнома тарифларини белгилашга ҳақлидирлар. Рухсатнома берган орган авиация ишларининг айрим турлари бўйича тарифлар белгилаши ва уларни қўллаш юзасидан қоидалар ишлаб чиқиши мумкин.

#### **130-м о д д а. Хорижий эксплуатантлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан авиация ишларининг бажарилиши**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида авиация ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган лицензиялар асосида хорижий эксплуатантлар, шунингдек чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан бажарилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хорижий эксплуатантлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз хусусий ҳаво кемаларидан, шу жумладан тегишли хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган ҳаво кемаларидан ёки Ўзбекистон Республикасининг ижарага олинган ҳаво кемаларидан фойдаланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида авиация ишларини бажарувчи хорижий эксплуатантлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли қоидалари татбиқ этилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–159-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 261-модда)

**131-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси эксплуатантлари томонидан хорижий давлат ҳудудида авиация ишларини бажариш**

Конкрет турдаги авиация ишлари учун тегишли рухсатнома олган Ўзбекистон Республикасининг эксплуатантлари хорижий давлат ҳудудида авиация ишлари бажаришлари мумкин.

**132-м о д д а. Авиация ишларини бажаришда суғурта**

Буюртмачи ўз ходимлари ва авиация ишларини бажариш ёки ўз буюртмасига биноан чипта сотиб олмай ташиш амалга оширилаётган вақтда технология жараёнини таъминлаш билан боғлиқ шахсларни суғурта қилиши шарт.

Эксплуатант авиация ишлари бажарилиши билан боғлиқ ҳолда етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш бўйича ўз жавобгарлигини суғурта қилиши шарт.

**133-м о д д а. Авиация ишларини бажариш чоғида етказилган зарар учун жавобгарлик**

Авиация ишларини бажариш чоғида одамларга ва мол-мулкка етказилган зарар учун эксплуатант ушбу Кодекснинг 112–116-моддаларида назарда тутилган тартиб ва шартларда жавобгар бўлади.

**134-м о д д а. Эътироз билдириш ва уларни қараб чиқиш муддатлари**

Авиация ишларини бажариш билан боғлиқ эътирозлар ана шундай эътирозлар билдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳодиса аниқланган кундан эътиборан олти ой ичида билдирилиши мумкин.

**135-м о д д а. Даъвонинг эскириши ва судда кўрилиши эҳтимоли**

Авиация ишларини бажариш билан боғлиқ даъволар даъво қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган воқеа аниқланган кундан эътиборан икки йил ичида даъвогар истаган жойда: жавобгар жойлашган ёки у яшайдиган жойдаги, авиация ишларини бажариш учун шартнома имзоланган ваколатхона жойлашган ердаги, авиация ишлари бажарилган жойдаги тегишли судда кўзғатилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 7 май,  
863–XII-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҲАВО КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 248-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини Кодекс билан мувофиқ ҳолга келтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига баён этилган Авиация маъмуриятининг вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Парвозлар Хавфсизлиги назорати давлат инспекцияси зиммасига юкласин. *(Учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)*

«Фуқаро авиацияси тўғрисида»ги ҳукуматлараро битимга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексини ҳисобга олган ҳолда Давлатлараро авиация қўмитаси тасарруфига бериладиган вазифаларнинг рўйхатини аниқласин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжатларни 1993–1994 йиллар давомида ишлаб чиқсин ва амалга киритсин.

3. Ҳаво кодексига қайд этиб ўтилган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилгунга ва қабул қилингунга қадар ҳаво транспорти соҳасида амал қилиб келаётган меъёрий ҳужжатлар қўллаб турилади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 7 май,  
864-ХII-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 1-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 22 сентябрь,  
2012–XII-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ\*

### УМУМИЙ ҚИСМ

#### Биринчи бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1 боб. ЖИНОЯТ КОДЕКСИНING ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

##### 1-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳуж- жатлари

Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборатдир.

##### 2-м о д д а. Кодекснинг вазибалари

Жиноят кодексининг вазибалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиний тажовулардан кўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ана шу вазибаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

##### 3-м о д д а. Кодекснинг принциплари

Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

##### 4-м о д д а. Қонунийлик принципи

Содир этилган қилмишнинг жинийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмади туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

##### 5-м о д д а. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи

Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

##### 6-м о д д а. Демократизм принципи

Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

\* 1995 йил 1 апрелдан қучга киритилган.

**7-м о д д а. Инсонпарварлик принципи**

Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

**8-м о д д а. Одиллик принципи**

Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

**9-м о д д а. Айб учун жавобгарлик принципи**

Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

**10-м о д д а. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи**

Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

**II БОБ. КОДЕКСНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИ****11-м о д д а. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши**

Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахс ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

Қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиний оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиний оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади.

Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса,

бундай жиноят учун ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

Амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

**12-м о д д а. Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудида ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноят учун ўша давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмасалар, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар.

**13-м о д д а. Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши**

Қилмишнинг жинийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиний оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиний оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.

Қилмишнинг жинийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиний қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

**Иккинчи бўлим. ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ****III БОБ. ЖИНОЯТ****14-м о д д а. Жиноят тушунчаси**

Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

### **15-м о д д а. Жинойтларни таснифлаш**

Жинойтлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жинойтларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинойтларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жинойтлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жинойтлар қиради.

Унча оғир бўлмаган жинойтларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жинойтлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жинойтлар қиради. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Оғир жинойтларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жинойтлар қиради.

Ўта оғир жинойтларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жинойтлар қиради. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

### **16-м о д д а. Жинойт учун жавобгарлик ва унинг асослари**

Жинойт учун жавобгарлик – жинойт содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жинойт содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Ушбу Кодексда назарда тутилган жинойт таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

## **IV боб. ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ШАХСЛАР**

### **17-м о д д а. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги**

Жинойт содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жинойт содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарлики оғирлаштирадиган ҳолатларда қасд-

дан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар.

Жинойт содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жинойтлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу Кодекснинг 122, 123, 127, 144, 146, 193–195, 205–210, 225, 226, 230–232, 234, 235, 279–302-моддаларида назарда тутилган жинойтлар учун жинойт содир этилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жинойт содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

### **18-м о д д а. Ақли расолик**

Жинойт содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфи хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади.

Ижтимоий хавфи қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Ижтимоий хавфи қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

### **19-м о д д а. Мастлик ҳолатида содир этилган жинойт учун жавобгарлик**

Мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жинойт содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

## **V боб. АЙБ**

### **20-м о д д а. Айбнинг шакллари**

Ушбу Кодексда назарда тутилган ижтимоий хавфи қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жинойт содир этилишида айбдор деб топилмиши мумкин.

### **21-м о д д а. Қасддан содир этилган жинойт**

Ушбу Кодекс моддасида жинойт тамом бўлган пайт ижтимоий хавфи қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жинойт қасддан содир этилган деб топилади.

Ушбу Кодекс моддасида жинойт тамом бўлган пайт ижтимоий хавфи оқибат юз берган вақт деб топилган

қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.

### **22-м о д д а. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят**

Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ега туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

### **23-м о д д а. Мураккаб айбли жиноят**

Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавfli оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

### **24-м о д д а. Айбсиз ҳолда зарар етказиш**

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади.

## **VI боб. ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТ**

### **25-м о д д а. Жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш**

Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиш ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади.

Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу

Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади.

### **26-м о д д а. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш**

Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқилишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади.

Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

## **VII боб. ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК**

### **27-м о д д а. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси**

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргаллашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.

### **28-м о д д а. Жиноят иштирокчиларининг турлари**

Жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади.

Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади.

Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

### **29-м о д д а. Иштирокчиликнинг шакллари**

Жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бишлаши уюшган гуруҳ деб топиллади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бишлаши жиноий уюшма деб топиллади.

### **30-м о д д а. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси**

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар.

Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги, жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади.

### **31-м о д д а. Жиноятга дахлдорлик**

Жиноятга тайёргарлик кўрилатганлиги, жиноят содир этилатганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик, ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноятчини, жиноят содир этиш куроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.

## **VIII боб. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ**

### **32-м о д д а. Такроран жиноят содир этиш**

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топиллади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят

содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топиллади.

Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

### **33-м о д д а. Жиноятлар мажмуи**

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топиллади.

Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг огирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

### **34-м о д д а. Рецидив жиноят**

Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топиллади.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топиллади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта огир жинояти учун ёки икки марта огир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта огир жиноят содир этилиши;

б) илгари огир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, огир ёки ўта огир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг огир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топиллади.

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда суд-



ланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.

### **Учинчи бўлим. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР**

#### **IX боб. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ**

##### **35-м о д д а. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси**

Қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, гайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Қуйидаги ҳолатлар, яъни кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охириги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади.

##### **36-м о д д а. Кам аҳамиятли қилмишлар**

Гарчи ушбу Кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди.

##### **37-м о д д а. Зарурий мудофаа**

Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа ҳуқуқи шахсга тегишлидир.

Зарар етказиш мақсадида қасддан ҳужум қилиш ис-тагини кўзғатиш зарурий мудофаа деб топилмайди.

##### **38-м о д д а. Охириги зарурат**

Охириги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки

давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди.

Шахснинг охириги зарурат ҳолатида содир этган қилмиши, башарти охириги зарурат чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, қонуний деб топилади.

Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охириги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Охириги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва юз бериш вақтининг яқинлиги, хавфни қайтарувчи шахснинг мавжуд имкониятлари, вужудга келган вазиятдаги руҳий ҳолати ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади.

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказганлик учун жавобгарлик масаласи ушбу модда қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

##### **39-м о д д а. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш**

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар.

##### **40-м о д д а. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш**

Шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс, умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Гайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки

бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади.

#### **41-м о д д а. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик**

Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди.

Агар содир этилган ҳаракат замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, қўйилган мақсадга эса, таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди.

Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

### **Тўртинчи бўлим. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ**

#### **Х боб. ЖАЗО ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

#### **42-м о д д а. Жазо тушунчаси ва мақсадлари**

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

#### **43-м о д д а. Жазо тизими**

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамок;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш. *(«з» банд Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

#### **44-м о д д а. Жарима**

Жарима айбдордан давлат даромадига ушбу Кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамокнинг ҳар бир ойи эса энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 апрель ЎРҚ-151-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14–15-сон, 94-модда)*

#### **45-м о д д а. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш**

Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муас-

сасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан беш йилгача муддатга, кўшимча жазо тариқасида тайинланганда – бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога кўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига кўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга кўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

#### **46-м о д д а. Ахлоқ тузатиш ишлари**

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

#### **47-м о д д а. Хизмат бўйича чеклаш**

Хизмат бўйича чеклаш – ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Иж-

тимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

#### **48-м о д д а. Қамоқ**

Қамоқ – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

#### **49-м о д д а. Интизомий қисмга жўнатиш**

Интизомий қисмга жўнатиш – муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

#### **50-м о д д а. Озодликдан маҳрум қилиш**

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайин-

ланиши мумкин эмас. (Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)

Озодликдан маҳрум қилиш ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. (Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 294-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар. (Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон ва 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади. (Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳрум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди. (Учинчи ва ўн биринчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

#### **51-м о д д а. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш**

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)

#### **52-м о д д а. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш**

Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига бинонан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

**53-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-И-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

## XI боб. ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

### 54-м о д а. Жазо тайинлашнинг умумий асослари

Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

### 55-м о д а. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар

Куйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқа гайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг гайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

### 56-м о д а. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар

Куйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;

в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

д) ўта шафқатсизлик билан;

е) кўпчилиқ учун хавfli бўлган усулда;

ж) ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;

и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;

м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;

н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

о) мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

### 57-м о д а. Енгилроқ жазо тайинлаш

Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Суд шу асосларни эътиборга олиб, ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган кўшимча жазони тайинлашга ҳам мумкин.

Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.

### 57<sup>1</sup>-м о д а. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш

Ушбу Кодекс 55-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу Кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган

энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида жавобгарликни огирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 18 май ЎРҚ–245-сон Қонуни билан киритилган, модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ–277-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 20-сон, 147-модда; 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

### **58-м о д д а. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш**

Суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади.

Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан:

жавобгарликни огирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қиргин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди; *(иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрель ЎРҚ–152-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 116-модда)*

Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

### **59-м о д д а. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш**

Шахс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.

Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ушбу Кодекснинг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати ушбу Кодекснинг 45-моддасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

### **60-м о д д а. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш**

Агар маҳқум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади.

Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

### **61-м о д д а. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари**

Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

а) қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари жазолари билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади.

### **62-м о д д а. Даствлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш қоидалари**

Суд жазо тайинлаш вақтида даствлабки қамоқнинг ҳар бир кунини:

а) қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;

б) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига тенглаштириб ҳисоблайди.

### **63-м о д д а. Жазо муддатларини ҳисоблаш**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга

жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг муддатлари ойлар ва йиллар билан ҳисобланади. Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари суткалар билан ҳисобланиши мумкин.

## **Бешинчи бўлим. ЖАВОБГАРЛИҚДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

### **XII боб. ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ**

#### **64-м о д д а. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш**

Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – уч йил;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – беш йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн йил;

г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно) ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади.

Агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади.

Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашнинг лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тайинланади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

**65-м о д д а. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавф-лиллигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш**

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида ша-роит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзи-нинг ижтимоий хавфлиллигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қили-ниши мумкин.

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида ша-роит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

**66-м о д д а. Айбдор ўз қилмишига амалда пу-шаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаси-да алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 де-кабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

**66<sup>1</sup>-м о д д а. Ярашилганлиги муносабати би-лан жиноий жавобгарликдан озод қилиш**

Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-модда-сида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан ба-данга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-мод-дасида (зарурий мудрофаа чегарасидан четга чиқиб, қасд-дан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (иж-тимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш-нинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, бадан-га қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасд-дан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсиз-лик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст ет-казиш), 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмла-рида (таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равиш-да туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг бирин-чи ва иккинчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифала-рини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-мод-дасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъмин-лашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддаси-нинг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик

ишлатиб гайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмла-рида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 143-моддасида (хат-ёзиш-малар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 149-мод-дасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлашти-риш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-мод-дасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончли суиистеъ-мол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-модда-сида (мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан небуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 180-модда-сида (сохта банкротлик), 181-моддасида (банкротлик-ни яшириш), 185<sup>2</sup>-моддасида (электр, иссиқлик энер-гияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 189-моддасида (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ун-дан фойдаланиш), 192-моддасида (рақобатчини об-рўсийлантириш), 229-моддасида (ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қис-мида (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бу-зиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнган хавф-сизлиги қоидаларини бузиш), 260-моддасининг би-ринчи қисмида (темирйўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транс-портининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавф-сизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг би-ринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бу-зиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (трансюр-нинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидалар-ни бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безо-рилиқ), 298-моддасининг биринчи қисмида (машина-ларни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидала-рини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир эт-ган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. *(Би-ринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 3 апрель ЎРҚ-201-сон, 2010 йил 24 май ЎРҚ-248-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон қонунлари таҳ-ририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 171-модда; 2010 йил, 21-сон, 161-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судлан-ганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилин-майди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда)*



### **67-м о д д а. Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш**

Жинойят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Бундай шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Бундай шахс ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади.

### **68-м о д д а. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш**

Жинойят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

## **XIII боб. ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ**

### **69-м о д д а. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш**

Агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб:

а) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда – уч йил;

б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – беш йил;

в) ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн йил;

г) ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳқум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади.

Агар маҳқум ушбу моддада назарда тутилган жазони ўташдан бўйин товласа, жазони ижро этиш муддати икки баравар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги керак.

Агар шахс ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жинойят содир этса, муддатларнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муддатларнинг ўтишини ҳисоблаш янги жинойят содир этилган пайтдан қайтадан бошланади.

Агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ўРҚ–99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жинойти учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

### **70-м о д д а. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш**

Жинойят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

### **71-м о д д а. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинойтни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жинойтнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Бошқа шахслар билан биргаликда жинойят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жинойтнинг олдини олиш, жинойтни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса, башарти у оғир ёки ўта оғир жинойят содир этишда бевоқиф иштирок этмаган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жинойят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда суд томонидан жазодан озод қилиниши лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ўРҚ–277-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

### **72-м о д д а. Шартли ҳукм қилиш**

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жинойтнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

### **73-м о д д а. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш**

Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган кўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир

этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга; *(«а» банд Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

б) ўта хавfli рецидивистга;

в) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчиларига;

г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабранувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуроолларини, шундай қуроолларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон, 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон ва 2007 йил 24 сентябрь ЎРҚ-115-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 401-модда)*

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

### **74-м о д д а. Жазони енгилроғи билан алмаштириш**

Озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазони энгилроги билан алмаштириш маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча огир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) огир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

в) ўта огир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони энгилроги билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Жазонинг ўталмаган қисмини энгилроги билан алмаштириш ушбу Кодекснинг 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар энгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин ушбу Кодекснинг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

Жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

#### **75-м о д д а. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш**

Шахс ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача огир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаши мумкин.

Бундай шахслар тузалганидан кейин, ушбу Кодекснинг 69-моддасида назарда тутилган ва суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, жазо ижро этилади.

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиги ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат

бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар, шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар.

#### **76-м о д д а. Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш**

Ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми энгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Агар амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёхуд жазони энгилроги билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

#### **XIV бoб. СУДЛАНГАНЛИК**

##### **77-м о д д а. Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти**

Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганлик ушбу Кодекса назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик тугаланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

### **78-м о д д а. Судланганлик ҳолатининг тугаланиши**

Шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан – синов муддати тугаган кундан бошлаб;

б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач.

### **79-м о д д а. Судланганликнинг олиб ташланиши**

Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра суд ушбу Кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу Кодексининг 178 – 184, 185 – 185<sup>2</sup>, 189 – 192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, ушбу Кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавfli рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиқганидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят

содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу Кодексининг 13-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам судланганлик олиб ташланиши мумкин.

Судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

### **80-м о д д а. Судланганлик ҳолатининг тугаланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш**

Судланганлик ҳолатининг тугаланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Агар ушбу Кодексининг 44, 46-моддалари асосида ҳукм бўйича тайинланган жазони суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхта-тилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охириги содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

### **Олтинчи бўлим. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **XV боб. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ**

##### **81-м о д д а. Жазо тизими**

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

а) жарима;

б) ахлоқ тузатиш ишлари;

в) қамоқ;

г) озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан, жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

##### **82-м о д д а. Жарима**

Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Маҳрум жарима тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиради. Бунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридоги жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштириб ҳисобланади.

### **83-м о д д а. Ахлоқ тузатиш ишлари**

Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини қамоқнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, қамоқ жазоси билан алмаштиради, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

### **84-м о д д а. Қамоқ**

Қамоқ бир ойдан уч ойгача муддатга тайинланади. *(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

### **85-м о д д а. Озодликдан маҳрум қилиш**

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

а) *(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 24 сентябрь ЎРҚ-182-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 391-модда)*

б) оғир жиноят учун – олти йилгача;

в) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

а) *(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 24 сентябрь ЎРҚ-182-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 391-модда);*

б) оғир жиноят учун – етти йилгача;

в) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят

содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

*(Олтинчи ва еттинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-11-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

### **86-м о д д а. Жазо тайинлаш**

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятнинг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

## **XVI боб. ЖАВОБГАРЛИҚДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

### **87-м о д д а. Мажбурлов чораларини қўлаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг

биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 30 сентябрь ЎРҚ–10-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 39-сон, 294-модда)*

Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

### **88-м о д д а. Мажбурлов чоралари**

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

а) суд белгиладиган шаклда жабрланувчидан узраш мажбуриятини юклаш;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади;

в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Вояга етмаган шахсларни махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

### **89-м о д д а. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш**

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга

нисбатан ушбу Кодекснинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

### **90-м о д д а. Жазони енгилроғи билан алмаштириш**

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келадиган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Озодликдан маҳрум қилиш тартибидидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан енгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлинганидан кейин ушбу Кодекснинг 89-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

### **Еттинчи бўлим. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ**

#### **XVII боб. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ**

### **91-м о д д а. Мажбурлов чораларининг мақсадлари**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир эт-

ган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Суд жазолаш билан бир қаторда алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан – даволаш учун ва жазолаш мақсадида эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

### **92-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашнинг умумий асослари**

Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавфли деб топилса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинлаши мумкин.

### **93-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

- а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;
- б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;
- в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;
- г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

### **94-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш**

Мажбурий амбулатория кузатуви ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан, бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланиши мумкин.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган, умумий асосларда даволаш талаб этиладиган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфлилиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиладиган, уларни эса ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган руҳий касалларга нисбатан умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаш тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимида мажбурий даволаш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқига кўра умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишининг имкони бўлмаган руҳий касалларга нисбатан

тайинланиши мумкин. Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимида руҳий касаллар батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади.

### **95-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш масаласини руҳий касалликлар шифокорлари комиссиясининг хулосасига асосланган ҳолда суд ҳал қилади.

Агар руҳий касалга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўллаш зарурати бўлмаса, шунингдек бу чоралар бекор қилинган бўлса, суд уни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасаларига юбориш масаласини ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

### **96-м о д д а. Алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларни қўллаш**

Алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилгани тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга тиббий йўсиндаги чораларни ҳам тайинлаши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган бўлса, тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган бўлса, уларни даволаш жазони ўтаётган жойда амалга оширилади, жазони ўтаб бўлганидан кейин агарда даволашни давом эттиришга зарурат бўлса, умумий асосда тиббий муассасаларда даволанади.

## **МАХСУС ҚИСМ**

### **Биринчи бўлим. ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **I боб. ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **97-м о д д а. Қасддан одам ўлдириш**

Қасддан одам ўлдириш – ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;
- в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни;
- г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини;
- д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усудда;

- е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
  - ж) ўта шафқатсизлик билан;
  - з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;
  - и) тамагирлик ниятида;
  - к) миллий ёки ирқий адоват замирида;
  - л) безорилик оқибатида;
  - м) диний таассублар замирида;
  - н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;
  - о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;
  - п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;
  - р) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
  - с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши –
- ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

#### **98-м о д д а. Кучли руҳий қаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш**

Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки огир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **99-м о д д а. Онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши**

Онанинг ўз чақалогини тугиш вақтида ёки тугилиши ҳамон қасддан ўлдириши –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **100-м о д д а. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш**

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **101-м о д д а. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш**

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **102-м о д д а. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш**

Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш – икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида икки ва ундан ортиқ одам ўлдириш –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **103-м о д д а. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш**

Моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **II боб. СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **104-м о д д а. Қасддан баданга огир шикаст етказиш**

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга огир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишига ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки хомиланинг тушиши ёхуд баданининг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга огир шикаст етказиш:

а) хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

в) ўта шафқатсизлик билан;

г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

д) тамагирлик ниятида;

е) безорилик оқибатида;

ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;

з) диний таассублар замирида;

и) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида;

к) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- г) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
- д) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса, – саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

#### **105-м о д д а. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш**

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизгача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
  - б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
  - в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
  - г) ўта шафқатсизлик билан;
  - д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
  - е) тамагирлик ниётида;
  - ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
  - з) диний таассублар замирида;
  - и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
  - к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан;
  - л) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –
- уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **106-м о д д а. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш**

Жабрланувчи томонидан қилинган гайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айбдорнинг ёки унинг яқин кишининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа гайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати-

да қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **107-м о д д а. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш**

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

#### **108-м о д д а. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш**

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

#### **109-м о д д а. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш**

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

#### **110-м о д д а. Қийнаш**

Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, агар ушбу Кодекснинг 104, 105-моддаларида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлса, –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) вояга етмаган шахсга нисбатан;
  - б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
  - в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –
- икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **111-м о д д а. Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш**

Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир шикаст етказиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртача оғир ёки баданга оғир шикаст етказиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ билан жазоланади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

### **III боб. ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **112-м о д д а. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш**

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **113-м о д д а. Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш**

Била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш –

олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Модданинг номи ва тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 май ЎРҚ–248-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 21-сон, 161-модда)

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши, –

олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 май ЎРҚ–248-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 21-сон, 161-модда)

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

#### **114-м о д д а. Жиной равишда ҳомила тушириш (аборт)**

Шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила тушириш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Сунъий равишда ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахснинг бундай ишни амалга ошириши –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида:

а) жабрланувчининг ўлишига;

б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **115-м о д д а. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш**

Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, агар ҳомила сунъий туширилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

### 116-м о д д а. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик

Шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртача огир ёки огир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача огир ёки огир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига сабаб бўлса, –

уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача огир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### 117-м о д д а. Хавф остида қолдириш

Ҳаёти ёки соғлиги хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача огир ёки огир шикаст етказилишига олиб келса, –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача огир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

## IV БОБ. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 118-м о д д а. Номусга тегиш

Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш, –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) ўлдириш билан кўрқитиб содир этилган бўлса, – етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

а) шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;

б) яқин қариндошга нисбатан;

в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;

г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

д) огир оқибатларга олиб келган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

### 119-м о д д а. Жинсий эҳтиётни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш

Зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиётни ғайритабиий усулда қондириш –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) ўлдириш билан кўрқитиб содир этилган бўлса, – етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) жабрланувчининг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;

б) яқин қариндошига нисбатан;

в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;

г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

д) огир оқибатларга олиб келган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-I-сон

Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)

### **120-м о д д а. Бесоқолбозлик**

Бесоқолбозлик, яъни эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши – уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **121-м о д д а. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш**

Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **V боб. ОИЛАГА, ЁШЛАРГА ВА АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **122-м о д д а. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш**

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ўРҚ–153-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)

Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ўРҚ–153-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)

### **123-м о д д а. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш**

Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

### **124-м о д д а. Болани алмаштириб қўйиш**

Тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

### **125-м о д д а. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш**

Фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса;

б) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

### **126-м о д д а. Кўп хотинли бўлиш**

Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **127-м о д д а. Вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш**

Вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ туза-

тиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ЎРҚ–153-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)*

Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш – уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни гайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;

в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **128-м о д д а. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш**

Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондириш –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) илгари ушбу Кодекснинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **129-м о д д а. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш**

Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **130-м о д д а. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунинг-

дек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 апрель ЎРҚ–324-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 15-сон, 166-модда)*

#### **130<sup>1</sup>-м о д д а. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 апрель ЎРҚ–324-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 15-сон, 166-модда)*

#### **131-м о д д а. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш**

Фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, шунингдек гаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда;

б) такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан содир қилинган бўлса, –

олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон ва 2001 йил 29 август 254-11-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2001 йил 9–10-сон, 165-модда)

### **132-м о д д а. Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш**

Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

### **133-м о д д а. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш**

Шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) гаразгүйлик ёки бошқа паст ниятларда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **134-м о д д а. Қабрни таҳқирлаш**

Қабрни ёки мурдани таҳқирлаш, шунингдек мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **VI боб. ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА КАДР-КИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **135-м о д д а. Одам савдоси**

Одам савдоси, яъни одами олиш-сотиш ёхуд одами нундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали;

б) икки ёки нундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил биртириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрь ЎРҚ–179-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37–38-сон, 366-модда)

### **136-м о д д а. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш**

Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

### 137-м о д д а. Одам ўғирлаш

Ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда одам ўғирлаш – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан;

б) гаразгүйлик ёки бошқа паст ниятларда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### 138-м о д д а. Зўрлик ишлатиб гайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш

Бировни зўрлик ишлатиб гайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жисмоний азоб бериб;

б) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли шароитда сақлаган ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### 139-м о д д а. Тухмат

Тухмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Тухмат:

а) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб;

б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда;

в) хавфли рецидивист томонидан;

г) гаразгүйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, – уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ-18-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

### 140-м о д д а. Ҳақорат қилиш

Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ҳақорат қилиш:

а) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда;

б) хавфли рецидивист томонидан ёки тухмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса –

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ-18-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

## VII боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 141-м о д д а. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини бузиш

Жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **142-м о д д а. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш**

Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб гайриқонуний бостириб кириш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **143-м о д д а. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш**

Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

#### **144-м о д д а. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Мурожаат кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш ёҳуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда)*

Фуқарони давлат органига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид, шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **145-м о д д а. Виждон эркинлигини бузиш**

Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёҳуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёҳуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурият билан боглиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёҳуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)*

#### **146-м о д д а. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёҳуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо varaқаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **147-м о д д а. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш**

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловол-



ди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахнинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдан ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **148-м о д д а. Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш**

Била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

#### **149-м о д д а. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш**

Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошқор қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

### **Иккинчи бўлим. ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **VIII боб. ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

##### **150-м о д д а. Урушни тарғиб қилиш**

Урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан кўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки қаҳриқлар тарқатиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

##### **151-м о д д а. Агрессия**

Босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик урушини бошлаш ва уни олиб бориш – ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

##### **152-м о д д а. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш**

Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-I-сон ва 2001 йил 29 август 254-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

##### **153-м о д д а. Геноцид**

Геноцид, яъни миллий, этник, иркий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахнинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола тугилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

##### **154-м о д д а. Ёлланиш**

Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколоти берилмаган шахнинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қурол-

ли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш –

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

**154<sup>1</sup>-м о д д а. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга ёлланиши –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

**155-м о д д а. Терроризм**

Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, қуч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф тугдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-И-сон ва 2007 йил 11 июль УРҚ-99-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

**156-м о д д а. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатиш**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки даҳрийлигига қараб фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;

б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;

в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;

г) масъул мансабдор шахс томонидан;  
 д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –  
 беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 22 июнь ЎРҚ–37-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25–26-сон, 226-модда)*

## **IX боб. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIGA ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **157-м о д д а. Давлатга хоинлик қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан давлатга хоинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, муҳофаза салоҳияти, иқтисодийётига зарар етказган ҳолда қасддан содир этилган қилмиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Чет эл давлат ёки ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган давлатга зарар етказувчи фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун жалб қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ўзининг бундай ҳамкорлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда арз қилса, унинг фаолияти эса республика манфаатларига зарар етказмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

### **158-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681–I-сон ва 2001 йил 29 август 254–II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига қасддан шикаст етказиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳ-*

*ририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тўхмат қилиш, шунингдек матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга тўхмат қилиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **159-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон, 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон ва 2006 йил 22 июнь ЎРҚ–37-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда; 2006 йил, 25–26-сон, 226-модда)*

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

- а) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, –  
 беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни*

таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

### 160-м о д д а. Жосуслик

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиши, худди шунингдек етказиш мақсадида кўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши, шунингдек чет эл разведкасининг топшириги бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиши ёки йиғиши –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон, 2001 йил 29 август 254-11-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568-11-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

Чет эл разведкаси билан ҳамкорлик қилишга жалб қилинган шахс, башарти, ўзига юклатилган топшириқни бажариш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат содир этмасдан, бу ҳақда ўз ихтиёри билан ҳокимият органларига хабар берса, жавобгарликдан озод қилинади.

Ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

### 161-м о д д а. Кўпорувчилик

Кўпорувчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлигига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

### 162-м о д д а. Давлат сирларини ошкор қилиш

Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд шахс фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши, башарти, бу қилмишда давлатга хоинлик аломатлари бўлмаса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### 163-м о д д а. Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш

Ҳужжатларнинг, шунингдек ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сири ёки ҳарбий сирини ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилиши, башарти бу йўқотиш ана шу ҳужжатлар, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижасида рўй берган бўлса, –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### Учинчи бўлим. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

#### Х боб. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ

##### 164-м о д д а. Босқинчилик

Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон ва 2001 йил 29 август 254-11-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Босқинчилик:

а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) анча миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боглиқ ҳолда содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик:

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда;

г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –  
ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 165-м о д д а. Товламачилик

Товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгача мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –  
беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –  
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 166-м о д д а. Талончилик

Талончилик, яъни ўзгача мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

а) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса, –  
уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –  
беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –  
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485–I-сон ва 2001 йил 29 август 254–II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 167-м о д д а. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзгача мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш –  
энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 168-м о д д а. Фирибгарлик

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгача мулкни ёки ўзгача мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фирибгарлик:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **169-м о д д а. Ўғирлик**

Ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик:

- а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);
- б) анча миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) компьютер тизимига рухсатсиз кириб;
- в) кўп миқдорда содир этилган бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республи-*

*каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **XI бoб. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР**

##### **170-м о д д а. Алдаш ёки ишончни суиистеъ- мол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш**

Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш, башарти, бу қилмишда талон-торож қилишнинг аломатлари бўлмаса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) моддий жавобгар шахс томонидан;
- в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қамоқ тарихидаги жазо қўлланилмайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

##### **171-м о д д а. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш**

Мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
  - б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –
- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
  - б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
  - в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –
- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**172-м о д д а. Мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш**

Шахснинг мулкни кўриқлаш юзасидан ўз вазифаларини виждонсиз бажариши натижасида мол-мулк талон-торож қилиниши, унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу қилмишда мансабдорлик жинояти аломатлари бўлмаса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

**173-м о д д а. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш**

Ўзганинг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш анча миқдорни ташкил этса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида;

б) атрофдагилар учун хавfli усулда;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

**174-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрь ЎРҚ–137-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 532-модда)**

**XII БОБ. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

**175-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш**

Давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) тақроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**176-м о д д а. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш**

Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) тақроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон, 1999 йил 20 август 832-1-сон ва 2001 йил 29 август 254-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **177-м о д д а. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш**

Фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  
б) кўп миқдорда;  
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;  
б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –  
энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон ва 2001 йил 29 август 254-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Тайёргарлик кўриладиган ёки содир этиладиган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрь ЎРҚ–271-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 482-модда)*

### **178-м о д д а. Чет эл валютасини яшириш**

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасддан яшириб қолиниши –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ғаразгўйлик билан;  
б) такроран;  
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –  
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон ва 2001 йил 29 август 254-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **179-м о д д а. Сохта тадбиркорлик**

Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзлаб олинган ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни қамайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **180-м о д д а. Сохта банкротлик**

Сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектининг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

### **181-м о д д а. Банкротликни яшириш**

Хўжалик юритувчи субъектининг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум



қилиш билан жазоланади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Етказилган моддий зарар уч қарра миқдоридан қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-І-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

### **182-м о д д а. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568-ІІ-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

### **183-м о д д а. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Монополияга қарши органга ахборот тақдим этмаслик ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Монополияга қарши органнинг қоидабузарликни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш

ёки ўз вақтида бажармаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

### **184-м о д д а. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш**

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш:

а) тақоран;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон, 2003 йил 12 декабрь 568-ІІ-сон ва 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–197-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда)

### **184'-м о д д а. Бюджет интизомини бузиш**

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

#### **185-м о д д а. Қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш**

Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузиш, давлатга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

#### **185<sup>1</sup>-м о д д а. Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш**

Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки

йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни билан киритилган ва 2007 йил 6 апрель ЎРҚ-85-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 134-модда)*

#### **185<sup>2</sup>-м о д д а. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 31 декабрь ЎРҚ-19-сон Қонуни билан киритилган; 2009 йил 15 сентябрь ЎРҚ-220-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 385-модда; 2009 йил, 38-сон, 414-модда)*

### **XIII боб. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **186-м о д д а. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш**

Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 апрель ЎРҚ–93-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 17–18-сон, 171-модда)*

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, –  
уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **186<sup>1</sup>-м о д д а. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш**

Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 24 сентябрь ЎРҚ–182-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 391-модда)*

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, –

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729–I-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 апрель ЎРҚ–93-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 17–18-сон, 171-модда)*

#### **186<sup>2</sup>-м о д д а. Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш**

Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқени суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 апрель ЎРҚ–93-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 17–18-сон, 171-модда)*

**186<sup>3</sup>-м о д д а. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш**

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача огир ёхуд огир шикаст етказилишига сабаб бўлса;

е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

в) одам ўлишига сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) одамлар ўлимига сабаб бўлса;

б) бошқача огир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрь ЎРҚ–221-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 38-сон, 415-модда)*

**187-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

**188-м о д д а. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шугулланиш**

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса, –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса, –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**189-м о д д а. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш**

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузиш, шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш:

а) хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 188 ёки 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **190-м о д д а. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш**

Лицензия олинмиши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Лицензия олинмиши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-I-сон ва 2001 йил 29 август 254-III-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **191-м о д д а. Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш**

Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **192-м о д д а. Рақобатчини обрўсизлантириш**

Рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

#### **Тўртинчи бўлим. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **XIV боб. АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **193-м о д д а. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш**

Саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### **194-м о д д а. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш**

Махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиги, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, –  
уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**195-м о д д а. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бар-  
тараф қилиш чораларини  
кўрмаслик**

Мансабдор шахснинг экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини қуришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, –  
уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**196-м о д д а. Атроф табиий муҳитни ифлос-  
лантириш**

Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, –  
уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**197-м о д д а. Ер, ер ости бойликларидан фой-  
даланиш шартларини ёки улар-  
ни муҳофаза қилиш талаблари-  
ни бузиш**

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**198-м о д д а. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-  
дарахтларга шикаст етказиш  
ёки уларни нобуд қилиш**

Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832–I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**199-м о д д а. Ўсимликлар касалликлари ёки  
зараркунандалари билан ку-  
раш талабларини бузиш**

Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **200-м о д д а. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш**

Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **201-м о д д а. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш**

Хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёҳуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, –

уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **202-м о д д а. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш**

Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёҳуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йигиш ёки тайёрлаш, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. *(Биринчи қисмнинг диспозицияси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ўРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Ўша қилмишлар:

а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг Қизил китобга киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) хавfli рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **203-м о д д а. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш**

Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **204-м о д д а. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш**

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, – *(модданинг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ўРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёҳуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки объектларни қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёҳуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёҳуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## Бешинчи бўлим. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### ХV боб. БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 205-м о д д а. Ҳокимият ёки мансаб ваколати-ни суистеъмол қилиш

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;  
б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;  
в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 206-м о д д а. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;  
б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;  
в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 206<sup>1</sup>-м о д д а. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;  
б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;  
б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;  
в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 11 сентябрь ЎРҚ–333-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 423-модда)*

#### 207-м о д д а. Мансабга совуққонлик билан қараш

Мансабга совуққонлик билан қараш, яъни мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –



энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2005 йил 30 сентябрь ЎРҚ-10-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 39-сон, 294-модда)*

### **208-м о д д а. Ҳокимият ҳаракатсизлиги**

Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **209-м о д д а. Мансаб сохтакорлиги**

Мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг гаразгүйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республи-*

*каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **210-м о д д а. Пора олиш**

Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф қўриши –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) тамагириклик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) масъул мансабдор шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **211-м о д д а. Пора бериш**

Пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилади.

### **212-м о д д а. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш**

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш билан;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

г) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

### **213-м о д д а. Хизматчини пора эвазига оғдириш**

Хизматчини пора эвазига оғдириш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисига ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажар-

маслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдираётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210–212-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **214-м о д д а. Товламачилик йўли билан қақ беришни талаб қилиш**

Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўз ўзини бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига қирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат кўрсатиши эвазига ҳақ беришни ёки мулкый йўсиндаги манфаатни талаб қилиши, шунингдек, шахсни қасддан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**215-м о д д а. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш**

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

**216-м о д д а. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш**

Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон ва 1999 йил 15 апрель 772-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 1999 йил, 5-сон, 124-модда)

**216<sup>1</sup>-м о д д а. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш**

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган, 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 1999 йил, 5-сон, 124-модда)

**216<sup>2</sup>-м о д д а. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йигилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)

**217-м о д д а. Йигилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йигилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний йигилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон ва 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ-18-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)

**218-м о д д а. Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида қорхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш**

Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек фавқулодда ҳолат шароитида қорхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**219-м о д д а. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш**

Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш –

уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**220-м о д д а. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар**

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакиллариغا ҳужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жинсий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўта хавфли рецидивист;
  - б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс;
  - в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, –
- беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**221-м о д д а. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик**

Озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслиги ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилса, –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Ўша қилмишлар:

- а) ўта хавфли рецидивист;
  - б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган бўлса, –
- уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**222-м о д д а. Қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш**

Қамоқда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг

қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Қочиш:

- а) баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказган ҳолда;
  - б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
  - в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, –
- беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**223-м о д д а. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш**

Белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 декабрь ЎРҚ–70-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51–52-сон, 498-модда)*

Ўша ҳаракатлар:

- а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) тақдоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан;
- д) Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи қисмнинг диспозицияси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар.

**224-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш**

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагача чиқиб кетишдан

бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги, агар шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль ЎРҚ–161-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 263-модда)

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлиб, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон ва 2006 йил 15 декабрь ЎРҚ–70-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51–52-сон, 498-модда)

#### **225-м о д д а. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш**

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақириви резерви хизмати сафига олиниш ёхуд хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлаши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўз баданига шикаст етказиш;

б) ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаши –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

#### **226-м о д д а. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш**

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши, мазкур шахсга шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Маъмурий назорат қоидаларини бузиш:

а) маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;

б) маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиш вақтида шахсга нисбатан ўрнатилган бўлиб, у ўзи танлаган яшаш жойига узрли сабабларсиз муайян муддатда етиб келмаслиги туфайли содир этилган бўлса, –

икки йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### **227-м о д д а. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомобил-транспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек автомобил-транспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 8 сентябрь ЎРҚ–215-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 37-сон, 402-модда)

Ўша ҳаракатлар:

а) паспорт, ҳарбий билет ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларга нисбатан ёхуд ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларга нисбатан содир этилган бўлса;

б) огир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч

йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

**228-м о д д а. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш**

Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

**228<sup>1</sup>-м о д д а. Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Фаразгүйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек уни қалбакилаштириш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни билан киритилган, 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

*публикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда; 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

**229-м о д д а. Ўзбошимчалик**

Ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

**229<sup>1</sup>-м о д д а. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш**

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-I-сон Қонуни билан киритилган, 1999 йил 20 август 832-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**229<sup>2</sup>-м о д д а. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш**

Махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг руҳсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)*

**XVI боб. ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

**230-м о д д а. Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш**

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортиш, –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир ёки ўта оғир ижтимоий хавфли қилмиш содир этганликда айблаб содир этилса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**231-м о д д а. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш**

Олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**232-м о д д а. Суд ҳужжатини ижро этмаслик**

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**233-м о д д а. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш**

Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш аъна миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, – худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Етказилган моддий зарар уч карра миқдоридан қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**234-м о д д а. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш**

Била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**235-м о д д а. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш**

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқдорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф рўхий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) тақдоран;

д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

### **236-м о д д а. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш**

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **237-м о д д а. Ёлгон хабар бериш**

Ёлгон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб, ёлгон хабар бериш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;

б) гаразгўйлик ниятларида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **238-м о д д а. Ёлгон гувоҳлик бериш**

Ёлгон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бериш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлгон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлгон кўрсатув бериши ёки экспертнинг ёлгон хулоса бериши ёхуд таржимонни нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш орқали ёлгон кўрсатув беришга мажбур қилиш –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **239-м о д д а. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш**

Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **240-м о д д а. Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши**

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг хулоса бериши рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги учун, шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганда жавобгарликка тортилмайдилар. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 514-модда)*

### **241-м о д д а. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш**

Тайёргарлик кўриладиган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **241<sup>1</sup>-м о д д а. Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш**

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига қирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши –



энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 сентябрь ЎРҚ–181-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 390-модда)

## **Олтинчи бўлим. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **XVII боб. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **242-м о д д а. Жиноий уюшма ташкил этиш**

Жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

#### **243-м о д д а. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблаглари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ЎРҚ–223-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда)

#### **244-м о д д а. Оммавий тартибсизликлар**

Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан кўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қиргин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш орқа-

ли содир этилган оммавий тартибсизликлар ташкил қилиш, шунингдек оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

#### **244<sup>1</sup>-м о д д а. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш**

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қиргин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадига сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қиргин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадига диндан фойдаланиш, –

энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни билан киритилган, 2001 йил 29 август 254–II-сон ва 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)

**244<sup>2</sup>-м о д д а. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш**

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш –

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган, 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда; 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

**244<sup>3</sup>-м о д д а. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш**

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 22 июнь ЎРҚ-37-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25-26-сон, 226-модда)*

**245-м о д д а. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш**

Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шarti билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ушбу Кодекснинг 155, 165-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

**246-м о д д а. Контрабанда**

Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қуролафроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролнинг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 281-I-сон, 1998 йил 1 май 621-I-сон, 1998 йил 29 август 681-I-сон ва 2001 йил 29 август 254-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 144-модда; 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 9-сон, 181-модда; 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

**247-м о д д а. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш**

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) тақоран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан;

г) талончилик;

д) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) босқинчилик йўли билан;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**248-м о д д а. Курол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш**

Тегишли рухсатномасиз ўқотар курол, шунингдек ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш, олиб ўтиш ёки жўнатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлаш қурилмаларини ўтказиш, –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган буюмларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-I-сон, 2001 йил 29 август 254-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**249-м о д д а. Ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш**

Ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**250-м о д д а. Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қamoқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**250<sup>1</sup>-м о д д а. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи**

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

в) одам ўлишига сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрь ЎРҚ-261-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 38-сон, 329-модда)

**251-м о д д а. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш**

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўгрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) босқинчилик йўли билан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**251<sup>1</sup>-м о д д а. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киришиш**

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд жўнатиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу

эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)

**252-м о д д а. Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш**

Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш –

олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**253-м о д д а. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Радиоактив материалларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш ва улар билан муомалада бўлишнинг бошқа қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**254-м о д д а. Радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш**

Радиоактив материалларга, яъни қурилмада ёки буюм таркибида ҳар қандай физик ҳолатда ёинки бошқа кўринишда турган ион нурлари тарқатувчи манбаларга, радиоактив модда ёки ядро материалларига қонунга хилоф равишда эга бўлиш, уларни сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни бировга ўтказиш ёки бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**255-м о д д а. Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**255<sup>1</sup>-м о д д а. Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш**

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари билан таққикланган бактериологик (биологик), кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни билан киритилган, 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси

публикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда; 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)

**256-м о д д а. Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш**

Илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъул шахс томонидан содир этилган бўлса;
- б) кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**257-м о д д а. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

**257<sup>1</sup>-м о д д а. Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш**

Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)*

### **258-м о д д а. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

### **259-м о д д а. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

## **XVIII боб. ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН Фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар**

### **260-м о д д а. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Транспорт воситасининг ҳаракат ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортини бошқарувчи шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

### **261-м о д д а. Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш**

Транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиши баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **262-м о д д а. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш**

Таъмирлаш ишларини бажараётган ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ва ундан фойдаланилиши учун масъул бўлган шахснинг темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль ёки бошқа транспорт воситасини, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирлаши, шунингдек транспорт воситасининг техника ҳолати жиҳатидан бузуқлигини била туриб, уни фойдаланишга чиқаришга рухсат бериши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, – беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**263-м о д д а. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш**

Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**264-м о д д а. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш**

Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**265-м о д д а. Халқаро учиш қоидаларини бузиш**

Рухсатномада кўрсатилган учиш йўналишига, кўниш жойларига, ҳаво дарвозаларига, учиш баландлигига риоя қилмаслик ёки халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

**266-м о д д а. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**267-м о д д а. Транспорт воситасини олиб қочиш**

Транспорт воситасини олиб қочиш – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

**268-м о д д а. Транспортнинг хавфсиз ишларини таъминлашга доир қоидаларни бузиш**

Йўловчи, пиёда, велосипед, от-улов транспортининг хайдовчиси ёки йўл ҳаракатининг бошқа катнашчилари томонидан, ушбу Кодекснинг 261–263, 265 ёки 266-моддаларида назарда тутилган шахслардан ташқари, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ёки барча турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, – олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) одамлар ўлимига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**269-м о д д а. Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш**

Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш, яъни автомобиль йўлларида ва шу йўллар учун ажратилган минтақада тегишли руҳсатсиз ер ости ва ер усти коммуникациялари ўтказиш, уларни таъмирлаш, бу ишларни бажаришнинг белгиланган шартлари ва муддатларига риоя қилмаслик, ўзбошимчалик билан арklar, тўсиқлар, шлагбаумлар ёки бошқа иншоотлар ўрнатиш, йўлларга материал ва бошқа нарсаларни уюб қўйиш, йўл устини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) одамларнинг ўлимига;
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**ХИХ БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР**

**270-м о д д а. Тақиқланган экинларни етиштириш**

Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталиқдаги экин майдонида содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) катта экин майдонида содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

**271-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш**

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда, ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб;

е) тамагирлик йўли билан;

ж) кўп миқдорда содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, – ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)



**272-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-І-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**273-м о д д а.** **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа қаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш**

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш –

олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, шунингдек бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органлари-

га арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-І-сон ва 2001 йил 29 август 254-ІІ-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**274-м о д д а.** **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахсинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озод-

ликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**275-м о д д а.** **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**276-м о д д а.** **Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа қаракатлар**

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) кўп миқдорда;

б) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

## **XX боб. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **277-м о д д а. Безорилик**

Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади.

Безорилик:

а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан;

в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб;

г) ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;

д) ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб;

е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса, –

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Безорилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан кўрқитиб ёки қўллаб;

в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;

г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **278-м о д д а. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташқил этиш ҳамда ўтказиш**

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташқил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташқил этиш ёки уларни сақлаш –

етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамок билан жазоланади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташқил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрь ЎРҚ–109-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37–38-сон, 377-модда)*

## **XX' боб. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР\***

### **278'-м о д д а. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш**

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқландиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади.

\*XX' боб Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрь ЎРҚ–137-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 532-модда.

### **278<sup>2</sup>-м о д д а. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш**

Компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **278<sup>3</sup>-м о д д а. Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш**

Ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

### **278<sup>4</sup>-м о д д а. Компьютер ахборотини модификациялаштириш**

Компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб

унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **278<sup>5</sup>-м о д д а. Компьютер саботажи**

Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **278<sup>6</sup>-м о д д а. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш**

Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## Еттинчи бўлим. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### XXI боб. БЎЙСУНИШ ВА ҲАРБИЙ ШАЪНГА РИОЯ ЭТИШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 279-м о д д а. Бўйсунмаслик

Бўйсунмаслик, яъни буйруқни бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиш, шунингдек, буйруқни бошқа тарзда қасддан бажармаслик –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### 280-м о д д а. Буйруқни бажармаслик

Буйруқни эҳтиётсизлик орқасида бажармаслик кўп миқдорда зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат юзасидан чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### 281-м о д д а. Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш

Бошлиққа, шунингдек ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатиш ёки уни мазкур вазифаларни бузишга мажбур этиш –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### 282-м о д д а. Бошлиқни кўрқитиш

Жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, бундай ҳаракат амалга оширилиши учун етарли асослар мавжуд бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#### 283-м о д д а. Баданга шикаст етказиш

Бошлиқни дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш у ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда содир этилган бўлса, –

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Баданга оғир шикаст етказиш, шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 284-м о д д а. Бўйсунувчининг ўз бошлиқини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши

Бўйсунувчининг ўз бошлиқини, шунингдек бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши шундай ҳаракатлар учун интизомий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

#### 285-м о д д а. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид уст- тав қоидаларини бузиш

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид уст-тав қоидаларини бузиш, яъни мунтазам хўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш ёки ўртача оғир шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш –

олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;

в) баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –  
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамларнинг ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

### **286-м о д д а. Мародёрлик**

Мародёрлик, яъни ҳалок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаш, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **XXII боб. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **287-м о д д а. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш**

Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек ҳарбий қисмдан қисқа муддатга рухсат берилганда, бошқа хизматга тайинланганда ёки бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сифаридан, отпусказдан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз бир кеча-кундуздан ортиқ, лекин ўн кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида ҳозир бўлмаслиги, шундай қилмишлар учун интизомий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси, офицерлар таркибидан бўлган шахс ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек узрли сабабларсиз белгиланган муддатдан ўн кеча-кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойига етиб келмаслиги –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек хизматга белгиланган муддатдан узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ вақт ичида етиб келмаслик ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, муддатидан қатъи назар, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **288-м о д д а. Дезертирлик**

Дезертирлик, яъни ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш офицерлар таркибидан бўлган шахс ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

### **289-м о д д а. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш**

Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаган командир томонидан, шунингдек командирнинг тегишли фармойиши бўлмасдан кема командаси таркибидаги шахс томонидан ташлаб кетилиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **290-м о д д а. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш**

Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш, яъни ҳарбий хизматчининг ўз баданига бирон шикаст етказиш йўли билан, шунингдек ўзини ёлгондан касалликка солиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши ёки бу вазифаларни бажаришдан бош тортиши –

олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат жанговар вазиятда содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **291-м о д д а. Қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш**

Қоровул (соқчилик) хизмати устав қоидаларини қоровул таркибига кирган шахс томонидан зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, башар-

ти, мазкур қоровул бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд уч ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) баданга оғир шикаст етказилишига;

б) одам ўлишига;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**292-м о д д а. Ички хизматни ўташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш**

Ички хизмат устави қоидаларини, шунингдек гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, тегишли хизмат бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**293-м о д д а. Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш**

Жанговар навбатчиликни ўташ (жанговар хизмат) қоидаларини бузиш кўриқланаётган объектларга зарар етказилишига ёки жанговар топшириқ бажарилмай қолишига сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш Ўзбекистон Республикасига тўсатдан қилинган ҳужумни ўз вақтида пайқамаганлик ёки даф этмаганликда ифодаланса, шунингдек, оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**294-м о д д а. Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш**

Чегарачилар наряди таркибида бўлган шахснинг чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиши чегаранинг дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) қонунга хилоф равишда чегарадан ўтишга;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**XXIII БОБ. ҲАРБИЙ МУЛКНИ САҚЛАШ  
ЁКИ УНДАН ФойДАЛАНИШ ТАРТИБИГА  
ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

**295-м о д д а. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш**

Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйиши –

олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўшбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**296-м о д д а. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш**

Қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

**297-м о д д а. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш**

Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек ўқ-дори, портловчи, радиоактив ёки бошқа модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш баданга ўртacha оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртacha оғир шикаст етказилишига;

б) оғир шикаст етказилишига;  
в) одам ўлишига сабаб бўлса, –  
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;  
б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –  
саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**298-м о д д а. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига;  
б) одам ўлишига сабаб бўлса, –  
уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;  
б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –  
етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

**299-м о д д а. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш**

Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини, шунингдек учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳалокат юз беришига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**300-м о д д а. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш**

Кемани бошқариш қоидаларини бузиш кеманинг ҳалокатга учрашига ёки унга жиддий шикаст етказилишига, одамлар ҳалок бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**XXIV боб. ҲАРБИЙ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ**

**301-м о д д а. Ҳокимиятни суиистеъмом қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги**

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмом қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб, содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;  
б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –  
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

**302-м о д д а. Хизматга совуққонлик билан қараш**

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832–I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

## Саккизинчи бўлим\*. АТАМАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАЪНОСИ

**Анча миқдор** – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор.

**Анча миқдордаги зарар** – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

**Бошқа ҳуқуқий таъсир чораси** – жазо ҳисобланмайдиган, лекин ушбу Кодексда назарда тутилган чора (вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари).

**Валюта операциялари** – валюта қимматликларига мулк ҳуқуқининг бировга ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда чет эл валютасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси пул бирлигидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ операциялар; валюта қимматликларини чет элдан Ўзбекистон Республикасига келтириш ва жўнатиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасидан четга олиб чиқиш ва жўнатиш; халқаро миқёсда пул ўтказиш операциялари.

**Валюта қимматликлари** – чет эл валютаси; чет эл валютасидаги қимматли қозғолар – фонд бойликлари (акция, облигация ва бошқалар); чет эл валютаси билан тўланадиган тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитив ва бошқалар); ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар – олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, радий, рутений ва осмий), шундай металллардан ясалган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари ҳамда уларнинг резгилари бундан мустасно; хом ашё ёки ишлов берилган ҳолатдаги табиий қимматбаҳо тошлар – олма, ёқут, зумрад, сапфир, александритлар, шунингдек марваридлар, шундай тошлар ҳамда уларнинг резгиларидан ясалган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари бундан мустасно.

**Гиёҳвандлик воситалари** – «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги БМТнинг 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II Рўйхатларига киритилган табиий ёки сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари, «1961 йилги «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги Ягона Конвенцияга тузатишлар ҳақида»ги 1972 йилги Протоколга асосан киритилган тузатишлар билан бирга.

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги кўп миқдор** – Тегишли давлат органининг ҳулосасига мувофиқ белгиланади.

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги озгинадан кўпроқ миқдор** – Тегишли давлат органининг ҳулосасига мувофиқ белгиланади.

**Давлат сири** – ошкор этилиши республика ҳарбий иқтисодий салоҳиятининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар.

**Давлат сирлари** – давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чеклаб қўйилган ўта муҳим, мутлақ махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа маълумотлардир. Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари: давлат, ҳарбий ва хизмат сирига бўлинади.

**Жуда кўп зарар** – энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар.

**Жуда кўп миқдор** – энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор.

**Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот** – бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар.

**Катта экин майдони** – 1000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган экин майдони.

**Кўп бўлмаган зарар** – энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

**Кўп миқдор** – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор.

**Кўп миқдордаги зарар** – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

**Кўпчилик учун хавфли усул** – ўт қўйиш, портлатиш, сув бостириш ва одамлар ҳалок бўлиши ёки кўп миқдорда зарар етказиш хавфини туғдирадиган бошқа усуллар.

**Мансабдор шахс** – ташкилий-бошқарув ёки маъмурий ҳўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

**Масъул мансабдор шахс** – 1) ҳокимият вакиллари;

2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-ҳўжалик вакилларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;

3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;

4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

**Одамлардан фойдаланиш** – бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш.

\* Саккизинчи бўлим Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-сон, 2002 йил 30 август 405-II-сон, 2007 йил 14 сентябрь ЎРҚ-109-сон, 2008 йил 16 сентябрь ЎРҚ-179-сон, 2012 йил 12 апрель ЎРҚ-324-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон қонунлари тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; 2002 йил, 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 377-модда; 2008 йил, 37-38-сон, 366-модда; 2012 йил, 15-сон, 166-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда.



**Олдиндан аён бўлиш** – қонунда баён этилган хулқ-атвор ва шарт-шароитларга муносабат ва бу муносабатнинг шахс улардан хабардорлигидан далолат бериши.

**Олдиндан тил бириктириш** – жиноят иштирокчилари ўртасида жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланиш тўғрисида бундай ҳаракатларни амалга оширишдан аввал келишиб олиш.

**Прекурсорлар** – БМТнинг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги 1988 йилги Конвенциясига Илованинг I ва II жадвалларига киритилган ҳар қандай модда.

**Порахўрлик** – пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш.

**Порнографик маҳсулот** – бадиий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатирилган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар.

**Психотроп модда** – БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал.

**Тамом бўлган жиноят** – муайян жиноят таркибининг барча зарур аломатларини ўз ичига оладиган ижтимоий хавфли қилмиш.

**Тамом бўлмаган жиноят** – шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ёки жиноят қилишдан ихтиёрий равишда қайтиш туфайли охирига етказилмай қолган жиноят.

**Фуқаролиги бўлмаган шахс** – бирон бир давлатнинг фуқароси юридик мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс.

**Хизмат сир** – ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳаларига доир маълумотлар.

**Хўжалик юритувчи субъект** – мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар.

**Чет эл валютаси:** – 1) тегишли чет эл давлатининг муомаласида бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган, лекин Ўзбекистон Республикасининг пул белгиси билан алмаштирилиши лозим бўлган банкнот тарзидаги чет эл пул белгиси;

2) чет эл давлатларининг пул бирликларида ва халқаро ҳисоб-китоб бирликларидаги счётлар ва омонатлардаги маблағлар.

**Чет эл фуқароси** – бирон бир чет эл давлат фуқаросининг юридик мақомига эга бўлган шахс.

**Яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-ониси, ака-ука ва опа-сингиллари.

**Ўзбекистон Республикаси фуқароси** – қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси юридик мақомига эга бўлган шахс.

**Ўртача катталиқдаги экин майдони** – 250 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача бўлган экин майдони.

**Қилмиш** – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

**Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин** – ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ва (ёки) ўйин иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино, шунингдек ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин.

**Ғаразғўйлик ниятлари** – содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутилишга интилишда ифодаланган ният.

**Ҳаракат** – шахснинг ижтимоий хавфли, онгли ва фаол хулқ-атвори.

**Ҳаракатсизлик** – шахснинг норматив ҳужжатларда бажариши шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармасликда ифодаланган ижтимоий хавфли, онгли ва суст хулқ-атвори.

**Ҳарбий жиноятлар** – ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар.

**Ҳарбий сир** – ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикаси мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий йўсиндаги маълумотлар.

**Ҳокимият вакили** – давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

**Ҳужжат** – ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами) мавжуд бўлган ёзма ҳужжат.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЖИНОЯТ КОДЕКСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 2-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилсин.

2. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ 1995 йилнинг 1 апрелига қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва кўшимча жазодан) озод қилинсин.

3. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларининг юритишидаги ишлар тугатилсин.

4. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ ҳукм қилинган, жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо чоралари, башарти, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилганига нисбатан оғирроқ бўлса, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига мувофиқ ҳолга келтирилсин. Жазо чораси судлар томонидан 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасига қадар камайтирилади.

5. Озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 23<sup>2</sup>-моддаси) ёки ҳукмнинг ижросини кечиктириш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 44<sup>1</sup>-моддаси) қўлланилган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилиш (1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддаси) билан алмаштирилсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 50<sup>2</sup>-моддаси) қўлланилган шахсларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасида назарда тутилган тартибда енгилроқ жазо билан алмаштирилсин.

7. Ахлоқ тузатиш-меҳнат ёки тарбия-меҳнат колонияларида озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларни сақлаш тартиби 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ ҳолга келтирилсин.

8. Ушбу Қарорнинг 2-бандига мувофиқ жазодан озод қилинган шахслар, шунингдек 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишлар учун ҳукм қилиниб, жазони илгари ўтаб чиққан ёки жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу Қарорнинг ижроси:

а) 2, 4, 5, 6, 7-бандларда ўқтирилган шахсларга нисбатан – ана шу шахсларга нисбатан ҳукмларни ижро этувчи органларнинг тақдимномасига биноан жазони ўташ жойларидаги судлар зиммасига;

б) 3-бандга мувофиқ тугатилиши лозим бўлган ишларга нисбатан – суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор 2–7-бандларининг ижроси 1995 йилнинг 1 октябрга қадар амалга оширилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу Қарорнинг ижросини таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг қонунларини 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ ҳолга келтирсин;

Республика вазирликлари, Давлат қўмиталари ва идоралари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодексига зид келадиган ўзларининг норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексидан келиб чиқадиган норматив ҳужжатлар 1996 йилнинг 1 январига қадар ишлаб чиқилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Кенгаши Раиси**  
**вазифасини бажарувчи**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 22 сентябрь,  
2014-ХII-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ****«ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИ ҲАМДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 166-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари Қонунга биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва қўшимча жазолардан) озод қилинсин.
3. Қонунга мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг юртишидаги ишлар тугатилсин.
4. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо турлари ва чоралари, башарти Қонуннинг тегишли моддасида назарда тутилганига нисбатан оғирроқ бўлса, Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилсин. Жазо чораси судлар томонидан Қонуннинг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасига қадар камайтирилади.
5. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида ва тарбия колонияларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларни сақлаш тартиби Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилсин.
6. Ушбу Қарорнинг 2-моддасига мувофиқ жазодан озод қилинган шахслар, шунингдек Қонунга мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишлар учун ҳукм қилиниб, жазони илгари ўтаб чиққан ёки жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисоблансин.
7. Белгилаб қўйилсинки, қўшимча жазо тариқасида мол-мулкнинг мусодара этилишини назарда тутувчи, лекин Қонун амалга киритилган кунга қадар ижро этилмаган суд ҳукмлари ижро этилиши мумкин эмас.
8. Ушбу Қарорнинг ижроси:
  - 1) 2, 4, 5 ва 7-бандларда ўқтирилган шахсларга нисбатан – ана шу шахсларга нисбатан ҳукмларни ижро этувчи органларнинг тақдимномасига биноан жазони ўташ жойларидаги судлар зиммасига;
  - 2) 3-бандга мувофиқ тугатилиши лозим бўлган ишларга нисбатан – суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар зиммасига юклатилсин.
9. Ушбу Қарор 2–8-бандларининг ижроси Қонун амалга киритилган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида амалга оширилсин.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу Қарорнинг ижросини таъминласинлар.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2001 йил 29 август,  
255-II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
Қ О Н У Н И****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ  
ТАСДИКЛАШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 2-сон, 4-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 22 сентябрь,  
2013–XII-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ\*****УМУМИЙ ҚИСМ****Биринчи бўлим. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР****1-боб. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИ****1-м о д д а. Жиноят ишларини юритиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

**2-м о д д а. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари**

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

**3-м о д д а. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши**

Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

**4-м о д д а. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ажнабий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши**

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексга мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

**5-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 28 сентябрь ЎРҚ-262-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 39-сон, 340-модда)**

\* 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган.

**6-модда.** (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 28 сентябрь ЎРҚ-262-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 39-сон, 340-модда)

**7-модда.** (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 28 сентябрь ЎРҚ-262-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 39-сон, 340-модда)

**8-модда.** (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 28 сентябрь ЎРҚ-262-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 39-сон, 340-модда)

**9-модда.** (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 28 сентябрь ЎРҚ-262-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 39-сон, 340-модда)

**10-модда.** (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 28 сентябрь ЎРҚ-262-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 39-сон, 340-модда)

## 2-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ПРИНЦИПЛАРИ

### 11-модда. Қонунийлик

Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, химоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

### 12-модда. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади.

### 13-модда. Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш

Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади. Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади.

Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)

Суд раёсати ишларни раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми унинг таркибидагилардан камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ишларни кўриб чиқади.

### 14-модда. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi

Одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсундилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал қиладилар.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

### 15-модда. Жиноят ишини кўзгатишнинг муқаррарлиги

Прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини кўзгатишлари, жиноий ходисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

### 16-модда. Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш

Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан

қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

### **17-м о д д а. Шахснинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиш**

Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилишлари шарт.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади.

### **18-м о д д а. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш**

Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Суд ва прокурор қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёҳуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланади.

Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ишни юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим.

### **19-м о д д а. Судда жиноят ишларининг ошқо-ра кўрилиши**

Барча судларда, давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошқо-ра кўрилади.

Бундан ташқари ўн сақиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки

уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситадиган маълумотларни ошқо-ра қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошқо-ра қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида бир қисмига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ.

Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни мазкур мажлисда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошқо-ра қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг ёпиқ мажлисда иштирокчиларига рухсат беришга ҳақлидир.

Суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айрим шахсларнинг суднинг очиқ мажлисларида қатнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошқо-ра эълон қилинади.

Судлов фаолиятида ошқо-раликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида хабар бериши, шунингдек процессларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин.

### **20-м о д д а. Жиноят ишлари юритиладиган тил**

Жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Иш юритиладиган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билладиган бошқа тилда озгаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бундай ҳолларда, шунингдек иш материаллари билан танишиш вақтида процесс иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар билладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

### **21-м о д д а. Жиноят ишларини юретишда жамоатчиликнинг иштироки**

Жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жиноят ишини юретишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидир.

### **22-м о д д а. Ҳақиқатни аниқлаш**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам энгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим.

### **23-м о д д а. Айбсизлик презумпцияси**

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

### **24-м о д д а. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш**

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни ту-

шунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

### **25-м о д д а. Судда ишларни юретишда тортишув**

Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юретиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.

Иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Биринчи инстанция судида иш юретиш фақат айблов хулосаси ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин.

Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.

Суд холислик ва бегаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради. *(Бешинчи ва олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **26-м о д д а. Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш**

Жиноят ишини юретишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари шарт. Ушбу Кодексда назарда тутилган алоҳида ҳоллардагина бу қоидалардан четга чиқишга йўл қўйилиши мумкин.

Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

### **27-м о д д а. Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи**

Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юретишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва



суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маҳкум (окланган шахс), унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Процесснинг исталган пайтида илтимоснома билдириш ва шикоят бериш мумкин. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

## **Иккинчи бўлим. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

### **3-боб. ЖИНОЯТ ИШНИ ЮРИТИШГА МАСЪУЛ БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР**

#### **28-м о д д а. Суд**

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **29-м о д д а. Суднинг ваколатлари**

Суднинг ваколатларига: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги

илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь УРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Юқори судлар, бундан ташқари, ўз ваколатлари доирасида қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширадilar.

#### **30-м о д д а. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари**

Жиноят ишини кўришда ушбу суд таркибига тайинланган ёки сайланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари қатнашадilar.

#### **31-м о д д а. Судьянинг ваколатлари**

Судья яқка ўзи ёки суд таркибида иш тутиб, ушбу Кодекснинг 29-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади. Бундан ташқари, судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларни бажаради, суд мажлисида раислик қилади ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширади.

#### **32-м о д д а. Суд мажлиси котиби**

Суд мажлиси котиби раислик қилувчининг топширигига биноан жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлайди; суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларига хабар беради; судга чақирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади ва ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда судга маълум қилади; суд мажлислари баённомасини ёзиб боради; раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

Котиб баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек суд мажлиси барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, ариза, илтимос ва кўрсатувларини тўла ва тўғри баён қилиб бориши шарт.

#### **33-м о д д а. Прокурор**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

#### **34-м о д д а. Прокурорнинг ваколатлари**

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ушбу Кодекснинг 243, 382–388, 558, 559-мод-

даларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)*

Прокурор суд муҳокамасида қатнашиб, ушбу Кодекснинг 409-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

### **35-м о д д а. Терговчи**

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар.

### **36-м о д д а. Терговчининг ваколатлари**

Терговчи: жиноят ишини кўзғатишга ва тугатишга, ишни кўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ушбу Кодексда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида қарор қабул қилишга, қамоққа олиш бундан мустасно; ўз юртувига қабул қилган ишлар бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга; қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур процессуал мажбурлов чораларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга; амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритишга ҳақлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон, 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон ва 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда; 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор руҳсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.

Терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги, амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома ки-

ритиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда куйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига топширади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон, 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон, 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон ва 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда; 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

### **37-м о д д а. Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлигининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари**

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишни назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлигининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир.

Олинган кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилиниши, ушбу Кодекс 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

### **38-м о д д а. Суриштирув органлари**

Қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланади:

- 1) милиция;
- 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юр்தларининг

бошлиқлари – уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёки ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари – қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазо ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари – шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича; (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон ва 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)

5) давлат ёнгиндан назорат қилиш органлари – ёнгинларга доир ва ёнгинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6) чегарани кўриқлаш органлари – давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари – тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича; (8-банд Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

9) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича. (9-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)

10) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича. (10-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрь ЎРҚ-256-сон Қону-

ни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 314-модда)

### **39-м о д д а. Суриштирув органи бошлигининг ва суриштирувчининг ваколатлари**

Ушбу Кодекснинг 38-моддасида санаб ўтилган ҳар бир органнинг раҳбарлари суриштирув органининг бошлиги сифатида жиноят ишини кўзгатишга, бу ишни ўзининг иш юритишига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топширишга ёхуд иш кўзгатишни рад этишга ёки аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Суриштирув органи бошлигининг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган суриштирувчи иш бўйича ушбу Кодекснинг 339-моддасида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун зарур, кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт.

Суриштирувчи зиммасига, шунингдек терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида кўмаклашиш мажбурияти юклатилади.

Суриштирувни амалга ошираётганда, худди шунингдек терговчининг топширигини бажараётганда суриштирувчи дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатлари олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиги ҳам, башарти у суриштирувчининг вазифаларини бажараётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қилади.

Суриштирувчининг қарори суриштирув органининг бошлигининг тасдиқланиши лозим. Суриштирув органи бошлигининг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиги ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиги ва суриштирувчи прокурор кўрсатмасига рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан оқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

### **4-БОБ. ЖИНОЯТ ИШНИНГ ЮРИТИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ, ЖАМОАЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ**

#### **40-м о д д а. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг жиноят процессида кўрилиши лозим бўлган ариза ва илтимослари**

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга муурожаат этишлари мумкин. Улар: айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни тан-

лаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

#### **41-м о д д а. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларни жиноят ҳақида хабардор қилиш**

Суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради.

#### **42-м о д д а. Жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари**

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакилларини юборишлари мумкин.

Жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йиғилиши кўрсатади. Йиғилиш қарори судга тақдим этилиши лозим.

Жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидир.

#### **43-м о д д а. Жамоат айбловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат айбловчиси иш материаллари билан танишишга; далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Жамоат айбловчиси айбловдан воз кечишга ҳақли.

Жамоат айбловчиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт.

#### **44-м о д д а. Жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат ҳимоячиси: иш материаллари билан танишишга, далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, судланувчини оқлайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатлар хусусида судга фикр билдиришга ҳақлидир.

Жамоат ҳимоячиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва ишнинг судланувчининг аҳолини енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт.

### **5-боб. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЎЗ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР. ҲИМОЯЧИЛАР ВА ВАКИЛЛАР**

#### **45-м о д д а. Айбланувчи**

Айбланувчи ушбу Кодексда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир.

Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса маҳкум ёки оқланган деб аталади.

#### **46-м о д д а. Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгирок қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

Судланувчи охириги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қил-

маслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг терговчи ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

#### **47-м о д д а. Гумон қилинувчи**

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

#### **48-м о д д а. Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгирок қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувиغا биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жой-

лаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

#### **49-м о д д а. Ҳимоячи**

Ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажрими биноан йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатлини эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 15 сентябрь ЎРҚ-178-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37-38-сон, 365-модда)*

#### **50-м о д д а. Ҳимоячини таклиф этиш**

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи ишталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг*

1997 йил 30 август 485-1-сон ва 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)

Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади.

### **51-м о д д а. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар**

Куйидаги ишлар бўйича:

1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;  
2) соқовлар, қарлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;

3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;

4) жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича; (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)

5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;

6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;

7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)

### **52-м о д д а. Ҳимоячидан воз кечиш**

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учраганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)

Ушбу Кодекс 51-моддаси биринчи қисмининг 1-4 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмас.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак. Суд тергов давомида ҳимоячининг иштирок этиши ҳақида берилган илтимоснома ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб ва судланувчига ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш манфаатларини кўзлаб суд томонидан ҳал этилади. Ҳимоячининг суд мажлиси давомида ишга киришиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди.

### **53-м о д д а. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалар ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маъ-

лумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамокда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь УРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Ҳимоячи ўз вазифасини амалга ошириши муносабати билан билган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳимоячи: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни энгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас.

#### **54-м о д д а. Жабрланувчи**

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади.

#### **55-м о д д а. Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Жабрланувчи: кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сунг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш,

материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2008 йил 31 декабрь УРҚ-198-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Жабрланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Жабрланувчи узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261-264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий олиб келиниши мумкин.

Жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадилар.

#### **56-м о д д а. Фуқаровий даъвогар**

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин.

#### **57-м о д д а. Фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Фуқаровий даъвогар: фуқаровий даъво кўзғатиш ва уни қувватлаш; далиллар тақдим қилиш; кўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; илтимоснома бе-

риш ва рад қилиш; суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъво ни таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон ва 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)

Фуқаровий даъвогар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим этиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айна вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради.

### **58-м о д д а. Фуқаровий жавобгар**

Айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкий жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

### **59-м о д д а. Фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан

шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон ва 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)

Фуқаровий жавобгар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим қилиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

### **60-м о д д а. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари**

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шуниингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл кўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади.

### **61-м о д д а. Қонуний вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Қонуний вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганидан хабардор бўлиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рўхсати билан шу шахснинг сўроқ қилинишида иштирок этиш; ўзи вакиллик қилаётган қамоқдаги шахс билан холи учрашиш; ўзи вакиллик қилаётган шахс ушбу Кодексга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Қонуний вакил: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.



Қонуний вакил гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда қонуний вакил юқорида айтиб ўтилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

### **62-м о д д а. Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари**

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакиллари тариқасида адвокатлар, вакил сифатида иштирок этишга махсус рухсатномалари бўлган шахслар, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ахжримига кўра ишда қатнашишга рухсат берилган яқин қариндошлар ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Вакилнинг ишда иштирок этиши учун унинг жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар билан тузган топшириқ шартномаси асос бўлади. Юридик шахснинг вакили сифатида унинг раҳбари иштирок этиши учун алоҳида ваколатнома керак эмас. Раҳбар томонидан берилган ишонч қоғози бўйича юридик шахсларнинг вакиллари сифатида унинг штатдаги ходимларига ва адвокатларга рухсат этилади.

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили ишда ўзи вакиллик қилаётган шахс билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар иш юритишнинг исталган вақтида вакилдан воз кечишга ёки бошқа шахсни вакил қилиб олишга ҳақлидир.

### **63-м о д д а. Вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили тегишинча жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар эга бўлган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Вакил иш юритишнинг исталган вақтида ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттиришдан воз кечишга ҳақлидир.

Вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши; уларнинг ишончини суиистеъмол қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

### **64-м о д д а. Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини тушунтириб бериш ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш мажбурияти**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт. Шу билан бирга процесс иштирокчиларига юкланган мажбуриятлар ва уларни бажармаслик оқибатлари тушунтирилиши лозим.

## **6-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ БОШҚА ШАХСЛАР**

### **65-м о д д а. Гувоҳ**

Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин.

### **66-м о д д а. Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш; сўроқ юритилаётган тилни билмасга ёки етарлича билмасга, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261–264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек бида туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

### **66<sup>1</sup>-модда. Гувоҳнинг адвокати**

Гувоҳнинг адвокати белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс мазкур иш бўйича гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас.

Гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва ордерни тақдим этганидан сўнг, гувоҳ чақирилган пайдан эътиборан қўйилади.

Гувоҳнинг адвокати: ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг қайси жиноят иши бўйича чақирилганлигини билиш; гувоҳнинг сўроқ қилинишида, шунингдек у иштироки билан ўтказилаётган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш, унга қисқа маслаҳатлар бериш; сўроқ қилаётган шахснинг рухсати билан гувоҳга саволлар бериш; гувоҳни сўроқ

қилишда иштирок этаётган таржимонни рад қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда арз қилиш; сўроқ тугаганидан сўнг гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этиш ҳуқуқига эга.

Гувоҳнинг адвокати: гувоҳга зарур юридик ёрдам кўрсатиши; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга ҳилоф ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

### **67-м о д д а. Эксперт**

Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида қақирилиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

Эксперт қақирриш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш ушбу Кодекснинг 172–187-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

### **68-м о д д а. Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Эксперт: экспертиза предметиға оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган кўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ҳамда шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга экспертиза предметиға оид саволлар бериш; суд муҳокамасида экспертиза предметиға оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдиға кўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметиға оид ва иш учун аҳамиятға молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томондан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасиға киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоятлар қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: ушбу Кодекснинг 76 ва 78-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда

ўзини ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиши; ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдиға кўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қақиррувиға биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун кўшимча саволларға жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақлишини таъминлаши; иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибға риоя қилиши шарт.

Эксперт узрсиз сабабларға кўра келмаган тақдирда қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек узрсиз сабабларға кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгар бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **69-м о д д а. Мутахассис**

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчиға, терговчиға, прокурорға ва судға ёрдам бериш учун мутахассис қақиррилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакаға эга бўлган бошқа шахслар қақиррилиши мумкин.

Ҳимоячининг илтимосномасиға кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун қақиррилиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, киноға олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш учун мутахассис қақиррилиши мумкин.

Тергов ва суд муҳокамасиға мутахассис қақирриш ҳамда унинг иштирок этиши тартиби ушбу Кодекснинг 91, 92, 136–138, 146, 147, 149, 151, 156 ва 193-моддаларида назарда тутилган тартибда амалға оширилади.

### **70-м о д д а. Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Мутахассис: ўзининг қандай мақсадда қақиррилганлигини билиш; башарти тегишли билимларға эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларға оид иш материаллари билан танишиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларға алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларға суриштирувчининг, терговчи-

нинг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Мутахассис: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг қақурувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакадан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши; ўзи бажарётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши; жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

### **71-м о д д а. Таржимон**

Таржимон қуйидаги ҳолларда чақурилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмас ёки етарли даражада билмас ёкинки қар ёки соқов бўлса;

2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, қар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади.

### **72-м о д д а. Таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Таржимон: таржимани аниқлаштириш мақсадида процесс иштирокчиларига саволлар бериш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомаси, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳамда баённоммага киритилиши лозим бўлган мулоҳазалар билдириш; башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмас, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Таржимон: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, суднинг қақурувига биноан ҳозир бўлиши; ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш билан тасдиқлаши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

### **73-м о д д а. Холислар**

Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақурилади.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақурилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

### **74-м о д д а. Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Холис: тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённоммага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Холис: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қақурувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт.

Холис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ушбу Кодекснинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

### **75-м о д д а. Жабрланувчиларга ва уларнинг вакиллари, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ва холисларга уларнинг сарф-харажатларини тўлаш**

Жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақурилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақурилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади. Ишламайдиган шахсларга улар қундалик машғулоти билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари кўрсатилган ҳамма шахслар чақурилиш муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

Эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ушбу мажбуриятлар хизмат топшириги тарзида бажарилган ҳоллар бундан мустасно.

Сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

## **7-боб. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТИШГА МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР. РАД ҚИЛИШЛАР**

### **76-м о д д а. Судьянинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг ва суд мажлиси котибининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар**

Қуйидаги ҳолларда судья, шунингдек халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти:

1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса;

2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса;

3) унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Судья илгари шу ишни юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида кўришда қатнаша олмайди.

Биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида ишни кўришда иштирок этган судья унинг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Жиноят ишини биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини апелляция ёки кассация инстанциясида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини назорат тартибида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Суриштирувчининг, терговчининг, шунингдек суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, башарти ушбу иш қўшимча тергов юритиш ёки судда янгидан кўриш учун юборилган бўлса, улар томонидан тегишлича суриштирув, дастлабки тергов юритишга, шунингдек суд мажлиси баённомасини тузишга монелик қилмайди. *(Туртинчи-саккизинчи*

*қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

### **77-м о д д а. Жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар**

Жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ва жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг бошқа вакиллари ушбу Кодекснинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ишда иштирок этишга ҳақли эмаслар ва рад қилинишлари лозим.

### **78-м о д д а. Экспертнинг, мутахассиснинг, таржимоннинг, холисининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар**

Эксперт, мутахассис, таржимон, холис ушбу Кодекснинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим.

Бундан ташқари, башарти эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолойқлиги аён бўлиб қолса, холислар эса ички ишлар органи, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлсалар, рад қилинишлари лозим.

Материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмас.

Ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин.

### **79-м о д д а. Ҳимоячининг, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар вакилининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар**

Ҳимоячи, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили қуйидаги ҳолларда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас, башарти у:

1) илгари шу иш бўйича судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида иштирок этган бўлса;

2) ушбу ишнинг терговидида ёки судда кўрилишида иштирок этган ёхуд иштирок этаётган судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд мажлисининг котиби билан қариндошлик муносабатида бўлса ёхуд юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида у билан битим тузган процесс иштирокчисининг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахс билан қариндошлик муносабатида бўлса;

3) судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи лавозимида бўлса, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: ба-

шарти у муомалага лаёқатсиз шахсларнинг вакили бўлса ёки ўзи ишлайдиган ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб қилинган муассасанинг вакили сифатида қатнашса;

4) ўз ҳимоясидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки муқаддам шундай ёрдам кўрсатган бўлса.

### **80-м о д д а. Рад қилиш ва ўзини ўзи рад этиш ҳамда уларни ҳал қилиш тартиби**

Ушбу Кодекснинг 76–79-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг вакили, ҳимоячи, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили, эксперт, мутахассис, таржимон, холис ўзини ўзи рад этиши шарт. Агар ўзлари бундай қилмасалар, улар шу асосга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи томонидан, суд мажлисида эса бундан ташқари давлат айбловчиси, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили томонидан рад қилиниши мумкин.

Ишни тергов қилиш чоғида рад этиш масаласи прокурор, терговчи, суриштирувчи томонидан, суд мажлисида эса суд томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши керак.

Рад қилинган шахс рад этиш ҳақидаги масала кўрилгунга қадар тушунтириш беришга ҳақли.

Судьяни рад қилиш масаласи қолган судьялар томонидан рад қилинган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Овозлар тенг бўлинганда судья рад қилинган ҳисобланади. Кўпчилик судьяларни ёки суднинг буткул таркибини ёхуд суд мажлисининг котибини рад қилиш ҳақидаги масала тўла таркибдаги суд томонидан оддий кўпчилик овоз билан ҳал этилади. Ишни якка ўзи кўраётган судьяни рад қилиш масаласини унинг ўзи ҳал қилади.

Прокурорни рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида юқори турувчи прокурор томонидан, суд мажлисида эса ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилини рад қилиш масаласи ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Суриштирувчи ёки терговчини рад қилиш масаласи суриштирув ва дастлабки тергов устидан назорат олиб боровчи прокурор томонидан ҳал этилади.

Экспертни, мутахассисни, таржимонни, ҳимоячини, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакиллари рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида суриштирувчи ёки терговчи томонидан, суд мажлисида эса ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Холисни рад қилиш масаласи суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳал этилади.

Ишни тергов қилиш чоғида қўйилган рад қилиш масаласи суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан йигирма тўрт соат ичида ҳал этилади. Рад қилиш суд мажлисида қўйилган бўлса, бу масала шу мажлисда дарҳол ҳал этилади.

Рад қилишни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

## **Учинчи бўлим. ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР**

### **8-боб. ДАЛИЛЛАР**

#### **81-м о д д а. Далилларнинг турлари**

Ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашъвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

#### **82-м о д д а. Айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар**

Ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг ҳусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғлиқлик;

3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

#### **83-м о д д а. Реабилитация учун асослар**

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

### **84-м о д д а. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш учун асослар**

Куйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши кўзгагиши рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикоятини билан кўзгагилашган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиний жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;

8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса. *(8-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

Жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан маҳрум этилган руҳий касалликка чалиниб қолган шахс тўғрисидаги жиноят иши ушбу Кодекснинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Жиноят иши куйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти:

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса; *(бешинчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

### **9-БОБ. ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ**

#### **85-м о д д а. Исбот қилиш**

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

#### **86-м о д д а. Исбот қилиш иштирокчилари**

Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади.

Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар ушбу Кодексда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боглик ҳуқуқларни амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

#### **87-м о д д а. Далиллар тўплаш**

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади.

Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; дав-

лат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли.

Ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–198-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

### **88-м о д д а. Ишот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқлаш**

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўриқлаш таъминланиши керак.

Ишот қилишда қуйидагилар тақиқланади:

1) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;

2) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш;

3) тунги вақтда, яъни кеч соат 22<sup>00</sup> дан эрталаб соат 6<sup>00</sup> гача, тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Тергов ёки суд ҳаракатлари билан боғлиқ ишларни бажараётганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғоч қилиб ечинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва бошқаларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қилмаслик чора-тадбирларини кўриши шарт. Бунинг учун шундай маълумотлар аниқланиши мумкин бўлган тергов ёки суд ҳаракатлари олиб борилаётганда иштирок этадиган шахслар доираси чекланади, иштирокчилар эса уларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар ва ҳужжатлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши керак. Шу билан бирга нарса ёки ҳужжат эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинади. Ишга алоқаси бўлмаган нарса ва ҳужжатлар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак. Фуқаролар сақлаши тақиқланган нарса ва ҳужжатлар йўқ қилиниши ёхуд уларни сақлашга

ваколати бўлган ва уларни тасарруф этадиган муассасалар ёки ташкилотларга берилиши лозим.

### **89-м о д д а. Давлат сирларини кўриқлаш**

Давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига биноан ёхуд суд ажримига кўра амалга оширилиши мумкин.

Прокурор ёки суд мажлисида раислик қилувчи бундай ҳаракатларни ўтказиш вақти, жойи ва бошқа шартларини шу ҳужжатлар ёки нарсаларни сақлаш учун жавобгар бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари билан келишиб олади.

Бундай ҳаракатларни юритишда эксперт, мутахассис, холис сифатида фақат давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ва нарсалар билан танишишга рухсат берилган шахслар иштирок этадилар.

### **90-м о д д а. Далилларни баённомада қайд этиш**

Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Баённомалар юритиш учун масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби зиммасига юклатилади.

Баённомаларга: тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар; тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартиббузарлик ҳоллари, шунингдек бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар киритилади.

### **91-м о д д а. Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар**

Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустақамлашнинг бу усулларини қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ёки суд ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирувчи ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар, судда эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

### **92-м о д д а. Далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш**

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши керак.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланок, бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Шундай тартибда раислик қилувчи ёки унинг топширигига биноан суд мажлиси котиби суд залидан ташқарида бажарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек тарафларни суд мажлиси баённомасидаги ушбу суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таништиради.

Оғзаки билдирилган қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар хусусида баённома охиридаги имзолар олдидан изоҳот берилади.

Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

### **93-м о д д а. Баённомага имзо чекишдан бош тортиш ёки имзо чека олмаслик ҳолларини тасдиқлаш**

Суриштирувчи ёки терговчи процесс иштирокчиларидан биронтасининг ёки бошқа шахсларнинг ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари баённомасига имзо чекишидан бош тортганлиги тўғрисида баённомага ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Юқорида назарда тутилган ҳолларда суд мажлиси баённомасининг суд ҳаракатлари тўғрисидаги ёзувларини имзолашдан бош тортганлиги ҳақида шу баённомага ёзилади ҳамда уни раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

Баённомага имзо чекишдан бош тортган шахс бош тортиш сабабини тушунтиришга ҳақли. Бу тушунтириш баённомага киритилиши лозим.

Тергов ёки суд ҳаракати иштирокчиси ўзининг жисмоний нуқсонли туфайли баённомани ўқиб, имзолай олмас, баённомани унинг розилиги билан ҳимоячи, вакил ёки мазкур шахс ишонадиган бошқа фуқаро ўқиб беради ва имзо чекади. Бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

### **94-м о д д а. Далилларни текшириш**

Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текшириладиган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.

### **95-м о д д а. Далилларга баҳо бериш**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92–94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

### **10-БОБ. СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ**

#### **96-м о д д а. Сўроқ қилиш жойи**

Суриштирувчи ёки терговчи гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини ва айбланувчини суриштирувчи, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда, суд эса суд муҳокамаси юритиладиган жойда сўроқ қилади.

#### **97-м о д д а. Сўроқ қилиш учун чақирув**

Гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қозғоғи билан чақирилади. Чақирув қозғоғи почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин.

Чақирув қозғоғида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақириладиганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.



Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Қамоқда сақлаш жойларида, реабилитация марказларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар сўроқ қилиш учун мазкур жойлар ва муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь УРҚ–299-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил. 40-сон, 410-модда)

#### **98-м о д д а. Сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш**

Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулоти тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим.

#### **99-м о д д а. Сўроқ қилинувчининг қайси тилда кўрсатув бера олишини аниқлаш**

Сўроқ қилинувчи иш юритилаётган тилни билади-ми, у қайси тилда кўрсатув бера олиши мумкин, деган саволлар туғилиб қолса, бу масала аниқланиши лозим. Ушбу Кодекснинг 71-моддасида назарда тутилган ҳолларда таржимон чақирилади ва у келгунча сўроқ қилиш тўхтатиб турилади.

#### **100-м о д д а. Ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш**

Сўроқ қилинувчининг шахси аниқлангандан кейин унга ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилганлиги сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

#### **101-м о д д а. Ишнинг ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб бериш**

Сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида сўзлаб бериш таклиф қилинмоғи лозим. Сўроқ қилинувчи эркин сўзлаб берганидан кейин унинг кўрсатувларини тўлдириш ва аниқлашга қаратилган саволлар берилиши мумкин.

#### **102-м о д д а. Ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмаслиги**

Қутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар деб ҳисобланади. Ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади.

#### **103-м о д д а. Сўроқ қилинувчининг ҳужжатлар ва бошқа ёзувлардан фойдаланиши**

Сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари рақамлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у сўроқ жараёнида ўзидаги ёки ишга қўшиб қўйилган ҳужжатлардан ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин.

Сўроқ қилинувчига сўроқ қилиш жараёнида ўзидаги ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни ўқиб эшиттиришга рухсат этилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга қўшиб қўйиши мумкин.

#### **104-м о д д а. Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқларда берган кўрсатувларини ўқиб эшиттириш**

Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатувлари фақат унинг ҳозирги сўроқда берган кўрсатувлари тингланиб, қайд қилиниб, у имзо чекканидан кейин ва қуйидаги ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин:

- 1) ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда;
- 2) сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортганда;
- 3) иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқилаётганда.

#### **105-м о д д а. Сўроқ қилинувчига нарсалар ва ҳужжатларни кўрсатиш**

Сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи ва суд, шунингдек суд муҳокамасида тарафлар ишга қўшиб қўйилган ёки тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатишлари, шунингдек бу ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкин.

Сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайси нарса ёки ҳужжат кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарса ёки ҳужжатни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттирилиши керак.

#### **106-м о д д а. Сўроқ жараёни ва натижаларини қайд қилиш**

Сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.

Кўрсатувлар баённомага биринчи шахс номидан, имкон борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи томонидан четлатилган, шунингдек сўроқ қилинувчи жавоб бериш-

дан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Баённомада бундан ташқари, сўроқ қилинувчи томонидан аввалги сўроқларда берилган кўрсатувларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатув бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва ҳужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш ўтказилгани қайд қилинади. Фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади.

Сўроқ тугаганидан кейин баённома ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинувчига кўрсатилади ёхуд унинг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан унга ўқиб берилади.

Сўроқ қилинувчи кўрсатувни ўз қўли билан ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Ўз қўли билан ёзилган кўрсатув баённомага илова қилиниб, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган овоз, видеоёзув ёки кинотасвир намойиш қилиниши мумкин. Улар билан баённома ўртасида жиддий тафовут бўлган ҳолларда, тафовут сабабини аниқлаш учун янгитдан сўроқ қилиниши мумкин.

Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб, тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади.

Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги кўрсатувини унга оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларини эса ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатувлар ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шунингдек сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларининг таржимасига имзо чекади.

### **107-м о д д а. Сўроқнинг давом этиш вақти**

Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди.

### **108-м о д д а. Қўшимча сўроқ**

Қўшимча сўроқ қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

1) сўроқ қилинувчи ишнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бера олиши учун ушбу Кодекснинг 107-моддасида назарда тутилган сўроқнинг умумий давом этиш вақти етарли бўлмаса;

2) сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатувларини тўлдирish ёки ўзгартириш истагини билдирса;

3) айбланувчига янги ёки ўзгартирилган ёхуд қўшимча айблов эълон қилинса;

4) суриштирувчи ёки терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини прокурор қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топса;

5) суриштирувчи ёки бошқа терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини ишни юритиш учун қабул қилган терговчи қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топса;

6) илгари сўроқ қилинган шахсга берилиши керак бўлган иш учун муҳим янги саволлар туғилса;

7) шахс сўроқ қилинганидан кейин ишга киришган захирадаги халқ маслаҳатчиси ушбу шахсни янгитдан сўроқ қилишни талаб қилса.

## **11-БОБ. ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ**

### **109-м о д д а. Гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш тартиби**

Гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш ушбу Кодекснинг 96–108-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга, шунингдек ушбу бобнинг қуйидаги моддаларига риоя қилган ҳолда олиб борилади.

### **110-м о д д а. Сўроқ қилиш муддатлари**

Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак.

Суд тергови кетаётганда судланувчига истаган вақтида кўрсатув бериш ҳуқуқи судья томонидан таъминланиши шарт. Агар судланувчи бирор суд ҳаракати ўтказилаётган пайтда кўрсатув бериш тўғрисида истақ билдирса, суд унга шу ҳаракатлар тугаши биланок кўрсатув бериш учун имконият яратади.

### **111-м о д д а. Гумон қилинувчи ёки айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдинги ҳаракатлар**

Гумон қилинувчини, шунингдек айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан бевосита олдин суриштирувчи, терговчи ушбу Кодекснинг 98–100-моддаларида назарда тутилган ҳаракатларни бажариши шарт.

Шундан сўнг суриштирувчи, терговчи:

1) гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ушбу Кодекснинг 46 ва 48-моддаларида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд, агар гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди;

3) гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлигини эълон қилади;

4) гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Суриштирувчи, терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисобла-

ши-ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт.

Суриштирувчи, терговчи ушбу моддада санаб ўтилган ҳаракатларнинг бажарилишини гумон қилинувчи ёки айбланувчининг сўроқ баённомасида, суд эса суд мажлиси баённомасида қайд қилади.

### **112-м о д д а. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини баҳолаш**

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши, бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим.

### **113-м о д д а. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз**

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз – ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабаридир.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ушбу Кодекснинг 112-моддасида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ баҳоланади.

## **12-БОБ. ГУВОҲ ВА ЖАБРЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ**

### **114-м о д д а. Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби**

Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш ушбу Кодекснинг 96–108-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга, шунингдек ушбу бобнинг қуйидаги моддаларига риоя қилган ҳолда олиб борилади.

Сўроққа ўз адвокати билан ҳозир бўлган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилади. Сўроқ тугаганидан сўнг адвокат гувоҳнинг ёки жабрланувчининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этишга ҳақли. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–198-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

### **115-м о д д а. Гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар**

Гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида:

1) ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида – судьяни ва халқ маслаҳатчисини;

2) жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – ҳимоячини, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилини;

3) руҳий ёки жисмоний нуқсонли сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмас.

### **116-м о д д а. Гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўз розилиги билан сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар**

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин.

### **117-м о д д а. Гувоҳ ва жабрланувчини процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш**

Гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди.

### **118-м о д д а. Алоҳида ҳолатларни баҳона қилиб кўрсатув беришдан бош тортишга йўл қўйилмаслиги**

Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан аниқланаётган ҳолатлар ўзида давлат сирларини ёки касб сирини ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирганлигини баҳона қилиб, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзида давлат сирини ёки касб сирини акс эттиради ёхуд шахслар ҳаётининг сир тугиладиган томонларига тегишли деб ҳисоблаш учун асос бўлганда, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида бу ҳолатларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши шарт.

### **119-м о д д а. Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари**

Гувоҳ ёки жабрланувчи процессуал мажбуриятлари бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганидан кейин жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар билан ўзаро муносабатлари, гувоҳ эса, шунингдек жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги саволларга жавоб беради. Шундан сўнг сўроқ қилувчининг таклифига кўра гувоҳ ёки жабрланувчи иш бўйича ўзлари билган барча маълумотларни айтиб берадилар. Улар иш учун аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат тўғрисида, шу жумладан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ва процесс бошқа иштирокчиларининг шахси ҳақида ҳам кўрсатувлар беришлари мумкин.

### **120-м о д д а. Гувоҳни ва жабрланувчини уларнинг илтимосига кўра сўроқ қилиш**

Тергов олиб борилаётган жойда ёки судда бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришга хоҳиш билдирса, улар қоида тариқасида ўша куннинг ўзида ёки кейинги кундан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришга хоҳиши тўғрисидаги хабар терговчи ёки судга почта орқали келса, унга сўроқ ўтказиладиган жой ва вақт дарҳол хабар қилинади ва у келиши биланок сўроқ ўтказилади.

### **121-м о д д а. Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари**

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг руҳсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эсла-тиб ўтади.

## **13-БОБ. ЮЗЛАШТИРИШ**

### **122-м о д д а. Юзлаштириш учун асослар**

Юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади.

Юзлаштиришда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин.

### **123-м о д д а. Юзлаштириш ўтказишнинг тартиби**

Юзлаштириш ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг 96–108-моддаларида назарда тутилган сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига, шунингдек ушбу бобнинг қуйидаги қоидаларига риоя қилинади.

Юзлаштириб сўроқ қилиш олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслигини, ўзаро муносабатлари қандай эканлигини сўрайди ва жавобларини тинглайди. Шундан сўнг ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама-қаршилик келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти қарама-қаршилик бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатув бергач, уларга кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг руҳсати билан бошқа сўроқ қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида сўроқ қилинувчиларнинг ҳар иккаласига халқ маслаҳатчилари, шунингдек тарафлар савол беришлари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки юзлаштиришда аниқлаштирилаётган қарама-қаршиликка тааллуқли бўлмаган саволларни четлатишга ҳақлидир.

### **124-м о д д а. Юзлаштириш чоғида илгариги кўрсатувларни ўқиб эшиттириш**

Юзлаштириш чоғида сўроқ баённомаси ёки сўроқ қилинаётган шахслар аввалги сўроқларда берган кўрсатувларнинг фонограммалари шу шахслар юзлаштирилиб, уларнинг кўрсатувлари баённомага киритилганидан кейингина ўқиб берилиши ёки эшиттирилишига йўл қўйилади.

## **14-БОБ. ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ**

### **125-м о д д а. Таниб олиш учун кўрсатиш асослари**

Таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда;

2) суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўп-лаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда.

### **126-м о д д а. Таниб олиш учун кўрсатишдан олдин сўроқ қилиш**

Таниб олувчи таниб олиш лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозим.

### **127-м о д д а. Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби**

Шахс таниб олиш учун тергов олиб борилаётган ишга алоқаси бўлмаган, ташқи белгилари билан ўзига ўхшайдиган шахслар гуруҳи орасида ҳолислар ҳузурида кўрсатилади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган шахсларнинг умумий сони уч нафардан кам бўлмаслиги керак.

Таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасида истаган жойни эгаллаш таклиф қилинади.

Таниб олинувчи кийими, соч қирқтириши ёки тараши ёхуд бошқа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмаслиги лозим.

Шахсни таниб олиш учун кўрсатишнинг иложи бўлмаганда ёхуд хавфсизлики таъминлаш мақсадида унинг фотосуратидан фойдаланиш мумкин.

Таниб олиш учун жадвал қоғозга яхшилаб ёпиштирилиб, муҳрланган ва рақамланган, лекин суратга олинган шахсларнинг исми ва фамилиялари кўрсатилмаган камида учта фотосурат кўрсатилади.

### **128-м о д д а. Кўчар нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби**

Тергов олиб борилаётган жойга, судга ёки бошқа жойга олиб борилиши мумкин бўлган нарсалар, нарсаларнинг бўлаги ва ҳайвонлар ушбу ишга алоқаси бўлмаган бошқа турдош нарсалар орасида таниб олиш учун кўрсатилади.

Таниб олувчи сўроқ қилинганда тасвирлаганидан ташқи белгилари, аломатлари, хусусиятлари бўйича жиддий фарқ қилмайдиган нарсалар турдош деб ҳисобланади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган нарсаларни жойлаштириш тартиби суриштирувчи, терговчи томонидан ҳолислар ҳузурида белгиланади.

Турдош объектлар орасидан таниб олиш тўғрисидаги қоида мурдани таниб олишда қўлланилмайди.

### **129-м о д д а. Кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби**

Жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи жой, бино, бинодаги алоҳида хона ёки бошқа кўчмас объект номини айтиб ва тасвирлаб берса-да, бироқ унинг жойлашган ўрнини аниқ айтиб бера олмаса, бирор аниқ жойдан объекта бориш йўлини кўрсатишга истак билдирса, унга шу объектни кўрсатишига имкон берилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар ёхуд суд таркиби ва тарафлар таниб олувчи билан биргаликда у айтган жойга келади. Таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчилари шу жойдан бошлаб таниб олувчининг кўрсатуви бўйича юра бошлайдилар. Бунда таниб олувчига таниб олиш учун кўрсатишнинг бошқа иштирокчилари ёки ёт шахслар тарафидан йўналиш айтиб қўйилишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

### **130-м о д д а. Таниб олиш учун кўрсатиш чоғида таниб олувчининг кўрсатуви**

Таниб олиш учун бир гуруҳ шахслар ёки бир нечта нарсани кўрсатилганидан кейин таниб олувчига у ил-

гари тасвирлаган шахс ёки нарсани кўрсатиш таклиф этилади.

Таниб олувчи кўрсатилган шахслардан ёки нарсалардан бирини кўрсатса, унга кўрсатилган бошқа шахслар ёки нарсалар орасидан бу шахсни ёки нарсани қайси белгилари ёки хусусиятларига кўра таниганлигини тушунтириб бериш таклиф қилинади.

Таниб олувчи таниб олиш учун унга кўрсатилган шахслар ёки нарсаларни илгари кўрмаганлигини айтса, унга қидирилаётган шахс ёки қидирилаётган нарса улардан нимаси билан фарқ қилишини тушунтириб бериш таклиф қилинади.

### **131-м о д д а. Таниб олиш учун кўрсатиш ҳолатини мустаҳкамлаш**

Суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади. Суд муҳокамасида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

Барча ҳолларда баённомага: таниб олувчи, таниб олиш учун кўрсатиш шароити, жараёни ва натижалари, таниб олиш учун кўрсатилган шахслар, уларнинг ёши, бўйи, миллати, турар жойи, кўзга ташланувчи белгилари, кийимлари; таниб олиш учун кўрсатилган нарсалар тавсифи; таниб олиш учун кўчмас объектлар кўрсатилганда эса, шунингдек таниб олувчи кўрсатган йўналишлар ва изланаётган объектга бирор аниқ жойдан бориш йўллари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши лозим.

Таниб олиш учун фотосуратлар кўрсатилган бўлса, баённомага фотожадвал илова қилиниши лозим.

Таниб олувчининг кўрсатувлари, шунингдек унга суриштирувчи, терговчи, суд, тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар ушбу Кодекснинг 106-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда баённомага ёзиб борилади.

### **15-боб. КўРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА ТЕКШИРИШ**

#### **132-м о д д а. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш учун асослар**

Суриштирувчи, терговчи, суд гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текширилаётган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўришга ҳақлидир.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан мақсад: кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айна бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги

шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш натижалари, бу шахсларнинг муайян ҳодисалар ҳақида билганлари фақат уларнинг жиноят содир этишга дахлдорлигидан дарак берсагина, далил кучига эга бўлади.

### **133-м о д д а. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тартиби**

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишни суриштирувчи ёки терговчи холислар иштирокида, суд эса тарафлар иштирокида ўтказилади. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишга мутахассислар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафлар ва бу тергов ҳаракатининг бошқа қатнашчилари иштирокида текширилаётган кўрсатувларни эълон қилади, кўрсатув берган шахсдан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж бор ёки йўқлигини сўрайди, текширишнинг мақсади ва тартибини тушунтиради. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текширилаётган бўлса, улар, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларни истисно қилганда, кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш ҳақида огоҳлантирилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида бир неча шахснинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишга йўл қўйилмайди.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: кўрсатув берган шахс текширилаётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди; иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади; айрим ҳаракатларни намойиш қилади; текширилаётган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади; ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади; ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади. Бу ҳаракатлар вақтида четдан аралаштиришга, гап ўргатишга ва ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди.

Кўрсатуви текширилаётган шахс эркин сўзлаб берган ва ҳаракатларни эркин намойиш қилиб бўлган, унга саволлар берилиши мумкин. Кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда қатнашаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатларини аниқлаштиришга ёрдам берадиган барча нарсаларга қаратишга, баъзи ҳаракатларнинг такрорланишини талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текширилаётган шахс ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ўтказилаётган тергов ҳаракати юзасидан уларни қўшимча равишда сўроқ қилишни талаб этишга ҳақлидир.

### **134-м о д д а. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси**

Кўрсатувлар ҳодиса содир бўлган жойда текширилгани ҳақида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса текширувнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасига киритади.

Бундан ташқари баённомада: кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қаерда, қачон, қандай шароитда ўтказилганлиги; қандай жойлар ва нарсалар кўздан кечирилганлиги; ҳодиса содир бўлган жойда берилган кўрсатувларнинг мазмуни қандайлиги; ҳодисанинг шароити ва ҳолатларини тиклаш нимада ўз аксини топганлиги; шахс ўзининг аввалги кўрсатувларига қандай аниқликлар киритганлиги кўрсатилиши лозим.

## **16-БОБ. КЎЗДАН КЕЧИРИШ**

### **135-м о д д а. Кўздан кечириш учун асослар**

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (ушбу Кодекснинг 142–147 ва 172–187-моддалари) амалга оширилади. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим.

### **136-м о д д а. Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари**

Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади. Жиноят иши кўрилатган вақтда кўздан кечиришга зарурат тутилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказилади.

Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказилади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар холисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим.

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

### 137-м о д д а. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзгатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин. Бу ҳолда кўздан кечириш ўтказилганидан сўнг кечи билан етмиш икки соатда, алоҳида ҳолларда эса ўн кун ичида жиноят ишини кўзгатиш ҳақида ёки кўзгатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар ҳолис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим.

### 138-м о д д а. Мурдани кўздан кечириш

Суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда ҳолислар ва суд-тиббийёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечирилади. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилинади.

Экспертлар вақтида мурдани кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 148–152-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида ушбу Кодекснинг 126 ва 131-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинади. Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олинishi шарт. Ушбу Кодекснинг 188–191, 193 ва 197-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда мурдадан текшириш учун бошқа хил намуналар ҳам олинishi мумкин.

Таниб олинмаган мурдани фақат прокурор рухсати билангина кўмилади.

### 139-м о д д а. Теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш

Суриштирувчи, терговчи ва суд теварак-атроф ва биноларни қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилади.

Фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Турар жойи кўздан кечириладиган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чекирилади.

Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса – маъмурият вакилининг, ҳарбий қисмда, штабда ва муассасада ўтказилса – қўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса моддий жавобгар шахснинг

қатнашиши шарт. Биноларни кўздан кечиришда ушбу Кодекснинг 160 ва 161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.

### 140-м о д д а. Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш

Суриштирувчи, терговчи ва суд нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирилади.

Кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, башарти нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, ўтказилиши мумкин.

### 141-м о д д а. Кўздан кечириш баённомаси

Ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузади, суд эса кўздан кечириш жараёнини ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади.

Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади.

Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

## 17-БОБ. ГУВОХЛАНТИРИШ

### 142-м о д д а. Гувоҳлантириш учун асослар

Гувоҳлантириш:

1) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати тугилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса;

2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати тугилган ҳолларда ўтказилади.

### 143-м о д д а. Гувоҳлантириладиган шахслар

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилишлари мумкин. Гувоҳ унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкин.

### **144-м о д д а. Гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим**

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг ғайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотлар бўлса, гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Қарорда ёки ажримда: гувоҳлантиришни ким ва қандай мақсадда ўтказиши; кимни гувоҳлантириш кераклиги; гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши лозим.

### **145-м о д д а. Гувоҳлантириш ҳақидаги қарорнинг ёки ажримнинг мажбурийлиги**

Суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу тўғридаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир.

Гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин.

### **146-м о д д а. Гувоҳлантиришни ўтказиш тартиби**

Гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилинади. Гувоҳлантиришнинг барча иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозим.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш, шунингдек унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлмаган гувоҳлантириш суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳолислар иштирокида, зарур ҳолларда эса шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади. Ушбу турдаги гувоҳлантириш тарафлар иштирокида суд томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек ушбу Кодекс 142-моддасининг иккинчи бандида назарда тутилган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади.

### **147-м о д д а. Гувоҳлантириш баённомаси**

Гувоҳлантириш ўтказилганлиги ҳақида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса гувоҳлантириш жараёни ва натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Баённомада гувоҳлантириш ўтказган шахснинг ҳамма ҳаракатлари ва гувоҳлантириш давомида аниқланган барча излар, хусусиятлар ва белгилар қайд этилган бўлиши лозим.

Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилган бўлса, у баённома тузади ва имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва ҳолислар ҳам имзолаганидан сўнг баённомани тегишинча суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этади.

### **18-боб. МУРДАНИ ЭКСГУМАЦИЯ ҚИЛИШ**

#### **148-м о д д а. Мурдани эксгумация қилиш асослари**

Кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш зарур бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи бу ҳақда қарор чиқаради ва прокурорнинг санкциясини олади. Суд эксгумацияни суриштирув органига ёки терговчига топшириши мумкин бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

#### **149-м о д д а. Мурдани эксгумация қилиш тартиби**

Суриштирувчи, терговчи ёки суд мурдани эксгумация қилишни соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда ва мурда кўмилган жой вакилининг иштирокида амалга оширади. Эксгумация суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида амалга оширилаётган бўлса, ҳолисларнинг иштирок этиши шарт. Суд эксгумацияни тарафлар иштирокида амалга оширади.

Мурдани эксгумация қилишда суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис шифокор, зарур бўлса, бошқа мутахассислар ҳам қатнашадилар. Агар экспертиза тайинланган бўлса, эксгумация ўтказишда суд тиббиёти экспертнинг иштирок этиши шарт.

Зарур ҳолларда, эксгумацияни ўтказишга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек мурдани таниб олиши мумкин бўлган шахслар жалб қилиниши мумкин.

#### **150-м о д д а. Мурдани эксгумация қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар**

Эксгумация экспертиза қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, экспертиза ўтказиш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарилиши лозим. Бунда мурда экспертиза муассасасига жўнатилади ёки экспертиза мурда кўмилган жойнинг ўзида ўтказилади.

Мурдани кўздан кечириш, таниб олиш ва эксперт текшируви учун намуналар олиш ушбу Кодекснинг 125, 126, 131, 138, 188–191, 193 ва 197-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

#### **151-м о д д а. Мурдани эксгумация қилиш баённомаси**

Мурдани эксгумация қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса эксгумация жараёни ва натижаларини суд мажлисининг баённомасида қайд этади. Баённомага қабр, тобут ва мурданинг фотосуратлари, кинотасвир ва видеоёзувлари илова қилиниши мумкин.

Мурда эксгумация қилинганидан сўнг кўздан кечириш, таниб олиш ёки эксперт текшируви учун намуналар олиш амалга оширилган бўлса, мазкур тергов ҳаракатлари тўғрисида баённома тузилади.



### **152-м о д д а. Мурдани эксгумациядан сўнг кўмиш**

Эксгумациядан ва бошқа процессуал ҳаракатлардан сўнг мурдани кўмиш мурдани эксгумация қилиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган шахснинг иштирокида амалга оширилади. Мурда кўмилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

## **19-боб. ЭКСПЕРИМЕНТ**

### **153-м о д д а. Эксперимент ўтказиш учун асослар**

Суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабранувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир.

Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади.

### **154-м о д д а. Эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим**

Эксперимент ўтказиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкӣ зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартиботининг, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимол бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим.

Эксперимент жамоат тартиби ёки ахлоқ нормаларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Эксперт томонидан ўтказиладиган эксперимент суд экспертизасининг таркибий қисми ҳисобланади.

### **155-м о д д а. Экспериментни ўтказиш тартиби**

Суриштирувчи ёки терговчи экспериментни холислар, суд эса тарафлар иштирокида ўтказилади.

Эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, шунингдек тажриба ҳаракатларини олиб борувчи шахслар жалб қилиниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар холис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказишга, шунингдек кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабранувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Эксперимент иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказиш тартиби тушунтирилади.

Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатув

ёки тусмолларга тўла мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабранувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шохид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказиши, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи борица ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкон борица бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгарилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабранувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертга эксперимент юзасидан савол берилиши мумкин. Суднинг ижозати билан экспериментда иштирок этаётган шахсларга тарафлар ҳам савол бериши мумкин. Тарафлар ва экспериментда иштирок этаётган бошқа шахслар суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратишга, эксперимент шароитига аниқлик киритишни ва тажриба ҳаракатларини такрорлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатув текширилаётган шахс эксперимент муносабати билан ўзининг қўшимча сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин.

### **156-м о д д а. Эксперимент баённомаси**

Эксперимент ўтказилганлиги ҳақида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи, терговчи баённома тузади, суд эса экспериментнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасида акс эттиради. Бундан ташқари, баённомада: эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодисанинг шароитини ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

## **20-боб. ОЛИБ ҚЎЙИШ ВА ТИНТУВ**

### **157-м о д д а. Олиб қўйиш учун асослар**

Жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишга ҳақлидир.

### **158-м о д д а. Тинтув ўтказиш учун асослар**

Суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Тинтув қидирилаётган шахсни, шунингдек мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

### **159-м о д д а. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисида қарор ёки ажрим**

Олиб қўйиш ёки тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади, бунда улар олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишни суриштирув органига ёки терговчига топширишга ҳақлидирлар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда бу ҳаракатлар қаерда ва кимникида ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган бўлиши керак.

### **160-м о д д а. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ҳозир бўладиган шахслар**

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда ҳолислар, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва таржимон ҳам иштирок этадилар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш жараёнида бу ҳаракатлар уйда ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Башарти уларнинг иштирок этишини таъминлашга имкон бўлмаса, тегишли ҳокимлик ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакили тақлиф қилинади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар жойлашган биноларда олиб қўйиш ёки тинтув уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

Тинтув қилинаётганларга, ҳолисларга, мутахассисларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилишидан аввал уларнинг суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бундай арз баённомага киритилиши шарт.

### **161-м о д д а. Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш тартиби**

Тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослан-тирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг прокурорга юборган хабарномасида асослан-тирилиши лозим. Хабарноманинг нухаси ишга қўшиб қўйилади.

Суриштирувчи ёки терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга асосан иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни қидириб топиш мақсадида турар жойга ёки бошқа бинога киришга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишга киришишдан олдин олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб имзо қўйдириши шарт.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки ўзга жойда турган шахсларнинг олиб қўйиш ёки тинтув тамом бўлгунга қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетишини, шунингдек уларнинг бир-бирлари билан ёки бошқа шахслар билан гаплашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш чоғида қарор ёки ажрим билан таништирганидан сўнг олиниши лозим бўлган нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий равишда беришни тақлиф қилади, тақлиф рад этилган тақдирда мажбурий равишда олади. Башарти бу нарса ва ҳужжатлар олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган жойдан топилмаса, у ҳолда тинтув ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказишга киришаётганида қарор ёки ажрим тақдим этганидан сўнг, олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва ҳужжатларни беришни тақлиф қилади. Башарти улар ихтиёрий равишда берилса, олиб қўйиш баённомаси тузилади. Агар қидирилаётган нарса ёки ҳужжатлар берилмаса ёхуд тўлиқ ҳолда топширилмаган бўлса, тинтув ўтказилади. Тинтув чоғида бу хусусдаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган нарса ёки ҳужжатлар қидирилади ва олинади. Иш учун аҳамиятга молик бошқа нарса ёки ҳужжатлар, шунингдек сақланиши тақиқланган ашёлар топилган тақдирда, улар ҳам олиб қўйилиши лозим. Суриштирувчини, терговчини бу нарса ёки ҳужжатларни олиб қўйишга ундаган асослар тинтув ўтказилганлиги ҳақидаги баённомада акс эттирилади.

Олинаётган нарса ва ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳолисларга, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларга кўрсатилади, баённомада тўлиқ акс эттирилади, зарурат бўлган тақдирда ўралиб, муҳрланади. Ўралган ва муҳрланган нарса ва ҳужжатларни кейинги тергов давомида очишга фақат ҳолислар иштирокида йўл қўйилади.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ёпиқ биноларни ёки буюмлар сақланадиган жойни унинг эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортса, суриштирувчининг, терговчининг ўзи уларни очишга ҳақлидир. Бунда зарурат бўлмаганда кулфлар, эшиклар ва бошқа нарсаларнинг шикастлантирилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслиги лозим.

### **162-м о д д а. Шахсий тинтув ва олиб қўйиш**

Ушбу Кодекснинг 157 ва 158-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи ёки терговчи шахснинг кийимлари, унинг ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши мумкин.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 157–161-моддаларида кўрсатилган қоидалар асосида ўтказилади. Аммо шахсий тинтув ва олиб қўйиш қўйи-даги ҳолларда алоҳида қарор ёки ажрим чиқарилмасдан ўтказилиши мумкин:

1) жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажарётган милиция ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда (ушбу Кодекснинг 224-моддаси);

2) гумон қилинувчи милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида ушбу Кодекснинг 225-моддасига асосан баённома тузилганда;

3) айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида;

4) олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки бошқа жойда турган шахс олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга кўра олиниши зарур бўлган нарса ёки ҳужжатларни ўз ёнида яширинча сақламоқда деб ўйлаш учун етарли асослар бўлганида.

Шахсий тинтув ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги суриштирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис ҳамда ҳолислар иштирокида ўтказилиши мумкин.

### **163-м о д д а. Олиб қўйиш ёки тинтув баённомаси**

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилгани тўғрисида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда баённома тузади. Суд томонидан ўтказилган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш натижалари суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Баённомада нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда берилганлиги ёки мажбурий равишда олинганлиги кўрсатилиши лозим. Барча олинган нарса ва ҳужжатлар баённомада бирма-бир қайд қилиниб, уларнинг миқдори, ўлчови, огирлиги, ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлган тақдирда ўрналиши ва муҳрланиши лозим.

Олиб қўйиш ёки тинтув вақтида изланаётган нарса ва ҳужжатларни йўқ қилишга ёки яширишга уриниш ҳоллари содир бўлган тақдирда, бу ҳол суриштирувчи ёки терговчи томонидан кўрилган чоралар ҳам кўрсатилиб баённомада акс эттирилиши лозим.

### **164-м о д д а. Олиб қўйиш ёки тинтув тўғрисидаги қарор ва баённоманинг нусхасини топшириш шартлиги**

Олиб қўйиш ёки тинтув тўғрисидаги қарор ва баённоманинг нусхаси ё суд мажлисининг олиб қўйишни ўтказиш тўғрисидаги баённомасидан кўчирма тинтилган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларига, улар бўлмаган тақдирда эса тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Зарур ҳолларда мазкур шахсларга олиб қўйилаётган ҳужжатларнинг нусхалари берилади.

### **165-м о д д а. Дипломатия ваколатхоналарининг биноларидан ва дипломатия вакилларида олиб қўйиш ёки уларда тинтув ўтказиш**

Олиб қўйиш ёки тинтув дипломатия ваколатхонаси ҳудудида ўтказилаётганда дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг дипломатия дахлсизлигига эга

бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари эгаллаб турган биноларда фақат дипломатия ваколатхонаси бошлигининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин, дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларининг истиқомат жойларида ёхуд улар эгаллаб турган бошқа биноларда олиб қўйиш ва тинтув уларнинг илтимосларига кўра ёки розиликлари билан ўтказилиши мумкин. Кўрсатилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинмаган бўлса-да, дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ажнабий вакилларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

Дипломатия дахлсизлигига эга бўлган шахсга ва унинг оила аъзоларига нисбатан шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Дипломатия вакили ёки унинг оила аъзоларининг олиб қўйишга ёки тинтув ўтказишга розилиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади.

Дипломатия ваколатхоналари ва дипломатия дахлсизлигидан фойдаланадиган вакиллар, шунингдек уларнинг оила аъзолари жойлашган биноларда тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш чоғида прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили ҳозир бўлиши шарт.

### **166-м о д д а. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш**

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бошқа шахсларга юборган ёхуд бошқа шахслар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига юборган почта-телеграф жўнатмаларида содир этилган жиноятга доир маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар бор деб гумон қилиш учун етарлича асослар бўлганда, суриштирувчи, терговчи, суд бу шахсларнинг барча почта-телеграф жўнатмаларини ёки уларнинг айримларини хатлаб қўйишга ҳақлидир.

Хатлаб қўйилиши мумкин бўлган почта-телеграф жўнатмаларига барча турдаги хатлар, телеграммалар, радиограммалар, бандероллар, посилкалар, почта контейнерлари киаради.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида суриштирувчи ва терговчи прокурорнинг санкцияси олинган қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримда: жўнатмалари ушлаб турилиши лозим бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; бу шахснинг аниқ манзили; хатланаётган почта-телеграф жўнатмаларининг тури; хатлаш чорасининг муддати; жўнатмаларни ушлаб туриш ва бу ҳақда суриштирувчи ёки терговчига маълум қилиш қайси алоқа муассасасига юклатилганлиги кўрсатилиши лозим.

Суд ажримда почта-телеграф жўнатмаларини судга етказиб бериш ҳақида алоқа муассасасига кўрсатма берилиши лозим.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақидаги қарор ёки ажрим тегишли алоқа муассасасининг бошлиги номига юборилади ва уни бажариш мазкур бош-

лик учун мажбуридир. Бу қарорни ёки ажримни ба-  
жармаслик ёки унинг ошкор этилиши қонунда белги-  
ланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Алоқа муассасасининг бошлиғи суриштирувчи, тер-  
говчининг қарорида ёки суднинг ажрида кўрсатил-  
ган хат-хабарлар ва бошқа жўнатмаларни ушлаб тура-  
ди ҳамда бу ҳақда суриштирувчи, терговчи ёки судга  
дарҳол маълум қилади.

#### **167-м о д д а. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш**

Суриштирувчи ёки терговчи алоқа муассасасига  
бориб, ушланган почта-телеграф жўнатмаларини хо-  
лислар иштирокида, зарурат бўлганда эса тегишли  
мутахассис иштирокида очиб, кўздан кечирилади. Иш  
учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарса-  
лар топилган тақдирда, суриштирувчи, терговчи  
почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўяди ёхуд  
улардан нусха кўчириш билан чегараланади. Агар  
кўздан кечирилган жўнатмаларда иш учун аҳамиятга  
молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар бўлмаса,  
суриштирувчи, терговчи уларни эгаларига ётказиш  
ёки ўзи белгиланган муддатга ушлаб туриш ҳақида  
кўрсатма беради.

Ушланган жўнатмалар кўздан кечирилган ҳар бир  
ҳолда баённома тузилиб, унда қайси почта-телеграф  
жўнатмалари кўздан кечирилганлиги, нималар олин-  
ганлиги ва нималар эгаларига юборилиши, нималар  
эса вақтинча ушлаб қолиниши кераклиги, қайси  
жўнатмалардан нусхалар олинганлиги кўрсатилиши  
лозим. Баённома ушбу Кодекснинг 90–92-моддала-  
рида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда  
тузилади.

#### **168-м о д д а. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишни бекор қилиш**

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш чо-  
расини қўллашга зарурат қолмаса, бу чора хатлаб  
қўйган суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан  
бекор қилинади. Дастлабки тергов давомида иш ту-  
гатилганда, биринчи инстанция судида эса ишни ту-  
гатиш ҳақида ажрим чиқарилганда ёхуд ҳукм қонуний  
кучга киргач, хатлаб қўйиш чораси бекор қилиниши  
лозим.

### **21-БОБ. ТЕЛЕФОН ВА БОШҚА СЎЗЛАШУВ ҚУРИЛМАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИБ ТУРИШ**

#### **169-м о д д а. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бо- риладиган сўзлашувларни эши- тиб туриш асослари**

Иш бўйича тўпланган далиллар иш учун аҳамиятга  
молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли дара-  
жада асос бўла олса, суриштирувчи, терговчи теле-  
фон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзла-  
шувларни эшитиб туриш тўғрисида қарор чиқаришга  
ҳақлидир.

#### **170-м о д д а. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бо- риладиган сўзлашувларни эши- тиб туриш тартиби**

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг те-  
лефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб  
бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш суриш-  
тирувчи, терговчи прокурорнинг санкциясини олиб чи-  
қарган қарорга биноан ёки суд ажримида кўра амалга  
оширилади.

Жабрланувчига, гувоҳга, шунингдек уларнинг қарин-  
дошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товла-  
мачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир  
этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризалари  
бўйича ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг  
санкцияси билан ёхуд суднинг ажримида кўра улар-  
нинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали  
бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш амалга оши-  
рилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи кечиктириб бўлмайдиган  
ҳолларда, прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равиш-  
да хабардор этиш шарти билан, унинг санкциясиз  
сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарорни  
миллий хавфсизлик хизмати органларига юборишга  
ҳақлидир. Прокурорнинг санкциясиз сўзлашувларни  
эшитиб туриш тўғрисидаги қарор бир сутка давомида  
қонуний кучга эга бўлади.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали  
олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тўғри-  
сидаги қарор ёки ажрим унда эшитиладиган ахборот-  
лар хусусияти ва ҳажми, шунингдек сўзлашувларни  
эшитиб туришнинг боришини ва натижаларини қайд  
этиш шакли белгиланиб, миллий хавфсизлик хизмати  
органларига ижро этиш учун юборилади. Сўзлашувлар-  
ни эшитиб туриш олти ойдан ортиқ давом этиши мум-  
кин эмас.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали  
олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш чо-  
ғида овоз ёзиш мосламалари қўлланилиши лозим.  
Сўзлашув фонограммаси акс эттирилган магнит тас-  
маси тергов ҳаракати баённомасига қўшиб қўйилиши  
лозим.

#### **171-м о д д а. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бо- риладиган сўзлашувларни эши- тиб туриш баённомаси**

Эшитиб туриш ва овоз ёзишни амалга оширган  
шахс ишга алоқадор сўзлашувлар фонограммаси маз-  
мунининг қисқача баённомасини тузади. Фонограмма  
муҳрланади ва баённомага қўшиб қўйилади, унинг иш  
учун аҳамиятли бўлмаган қисми ҳукм қонуний кучга  
кирганидан кейин йўқ қилинади.

Эшитиб туриш ва овоз ёзиш баённомасида аобо-  
нент рақами, эшитиб туриш ва овоз ёзиш вақти ва  
жойи, фойдаланилган техникавий воситалар тури ва  
моделли, бу ишларни амалга оширган шахсларга оид  
маълумотлар ҳамда иш учун аҳамияти бўлиши мум-  
кин деб ҳисобланган бошқа маълумотлар акс этти-  
рилади.

## 22-БОБ. ЭКСПЕРТИЗА

### 172-м о д д а. Экспертиза тайинлаш учун асослар

Иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, ҳолисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди.

Эксперт олдида қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас.

Экспертизани ушбу Кодексда белгиланган тартибга ҳилоф равишда ўтказиладиган текширув билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Идоравий текширув хулосаси, тафтиш ҳужжатлари, мутахассислар маслаҳати экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмайди.

### 173-м о д д а. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги

Башарти, иш бўйича:

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа тугдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиний жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт.

Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа

воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказиш шарт.

### 174-м о д д а. Эксперт этиб тайинланадиган шахслар

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

Суд-тиббийет, суд-психиатрия, суд-психология, суд-автотехника, суд-иқтисодий, криминалистика экспертизаларини фақат давлат суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, бошқа корхона, муассаса, ташкилотларнинг мутахассислари ўтказиши мумкин. Алоҳида ҳол экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослантирилиши лозим.

Суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиши тўғрисидаги талаби ушбу шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ўРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)

### 175-м о д д а. Текшириш объектлари

Ашёвий далиллар, эксперт текшируви учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, шунингдек экспертиза ўтказиладиган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Эксперт текширувлари тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади.

Экспертизани ўтказишда текшириш объектлари (тирик одамдан ташқари) эксперт текширувини ўтказиш учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада шикастланиши ёки ишлатилиши мумкин. Бунда текшириш объектининг қисман шикастланиши ёки ишлатилишига экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) ёзма рухсати олинishi зарур, тайинланган экспертизанинг ўзига хос хусусиятлари объектнинг шикастланишини (бузилишини) ёки ишлатилишини тақозо этувчи ҳоллар бундан мустасно.

Текшириш объектларининг экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) ёзма рухсати билан ёхуд тайинланган экспертизанинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шикастланганлиги ёки ишлатилганлиги давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ёки эксперт томонидан мазкур объектларнинг мулкдорига зарарнинг ўрни қоплаб берилишига сабаб бўлмайди.

Текшириш объектлари, агар уларнинг ўлчамлари ва хоссалари имкон берса, ўралган ва муҳрланган ҳолда экспертга топширилиши керак.

Текшириш объектини экспертнинг иш жойига етказиб беришнинг иложи бўлмаганда, экспертизани тайинлаган орган (шахс) унга мазкур объектни монеликсиз кириб кўришни ва уни текшириш имкониятини таъминлайди.

Текшириш объектлари давлат суд-экспертиза муассасаларида, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларида ва судларда ашёвий далилларни сақлаш қоидаларига риоя қилинган ҳолда сақланади.

Экспертиза тугалланганидан кейин текшириш объектлари, агар улар тўла ишлатилган бўлмаса, экспертизани тайинлаган органга (шахсга) қайтарилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **176-м о д д а. Кўшимча ва қайта экспертизалар**

Кўшимча экспертиза эксперт (экспертлар комиссияси) хулосасидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади.

Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослан-тирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа тугилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

Қайта экспертиза тайинланганда эксперт (экспертлар комиссияси) олдида илгари қўлланилган эксперт текшируви усуллари-нинг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қайта экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда қайта экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) биринчи (олдинги) экспертиза хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Қайта экспертизани ўтказиш бошқа экспертга (экспертлар комиссиясига) топширилади. Биринчи (олдинги) экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси) қайта экспертизани ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у эксперт текширувини ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **176'-м о д д а. Экспертизанинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши**

Экспертиза бир хил (комиссиявий экспертиза) ёки турли хил (комплекс экспертиза) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча эксперт томонидан ўтказилиши мумкин.

Экспертизанинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши экспертизани тайинлаган орган (шахс) ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Экспертизани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси ўз олдида қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган эксперт текширувларининг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олади.

Экспертизани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси таркибидаги ҳар бир эксперт эксперт текширувларини мустақил ва алоҳида олиб боради, шах-

сан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз махсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Эксперт текширувларининг экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман ўтказилишига йўл қўйилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **177-м о д д а. Комиссиявий экспертиза**

Комиссиявий экспертиза ўтказилаётганда экспертларнинг ҳар бири эксперт текширувларини тўлиқ ҳажмда ўтказиши ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади.

Экспертлар умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди.

Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **178-м о д д а. Комплекс экспертиза**

Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча эксперт текширувини ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.

Комплекс экспертизани ўтказишда экспертларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида эксперт текширувларини олиб боради. Комплекс экспертизанинг хулосасида экспертларнинг ҳар бири қайси эксперт текширувларини ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Экспертларнинг ҳар бири хулосанинг ушбу эксперт текширувлари баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган экспертлар қилади. Агар экспертлар комиссияси яқуний фикрининг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида экспертлардан бирининг (алоҳида экспертларнинг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак.

Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Агар комплекс экспертизани ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унда ушбу экспертизани ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **179-м о д д а. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари**

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза тайинлаш ва ўтказишда:

1) экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиш. Бу ҳақда баённома тузилади ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади;

2) экспертни рад этиш;

3) ўзи кўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинлашини илтимос қилиш;

4) эксперт хулоса бериши учун унинг олдига қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш;

5) экспертиза ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, суднинг рухсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш;

6) эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Санаб ўтилган ҳуқуқлардан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланаётган шахс ҳам, агар бунга унинг руҳий ҳолати имкон берса, фойдаланади.

### **180-м о д д а. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим**

Экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдига қўйилган саволлар; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим.

Зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишдан олдин ҳам тайинланиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унга тааллуқли шахслар учун мажбурийдир.

### **181-м о д д а. Экспертиза ўтказишда мажбурлов чегараси**

Мураккаб тиббий текширув усулларидан, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказилаётган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. Башарти бундай шахс ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, экспертиза унинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийсининг розилиги билан амалга оширилади.

### **182-м о д д а. Давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда экспертиза ўтказиш**

Суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ўзи чиқарган қарорни ёки ажримни,

текшириш объектларини, зарур ҳолларда эса жиноят ишини ҳам давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбарига юборади. Агар қарор ёки ажримда эксперт кўрсатилмаган бўлса, ташкилотнинг раҳбари мазкур ташкилот ходимларидан қайси бири экспертиза ўтказиш тўғрисида фармойиш бериши керак. Бу ҳақда у экспертизани тайинлаган органга (шахсга) хабар беради.

Давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари экспертиза ўтказишни ташкил қилади, текшириш объектларининг сақлалишини таъминлайди, экспертизани ўтказиш муддатларини аниқлайди, эксперт текшируви тугаганидан сўнг хулосани, текшириш объектлари ва иш материалларини экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юборади.

Давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари, агар мазкур ташкилотда эксперт текширувларини ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёхуд зарур моддий-техник база ёки махсус шароитлар бўлмаса, экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда экспертизани ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш; экспертизани тайинлаган органдан (шахсдан) экспертлар комиссияси таркибига ушбу ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан бошқа давлатлардан мутахассисларни, агар экспертизани ўтказиш учун уларнинг махсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) розилигисиз экспертизани ўтказиш учун ушбу ташкилотда ишламайдиган мутахассисларни жалб этишга; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча текшириш объектларини экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримсиз талаб қилиб олишга ҳақли эмас.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)

### **183-м о д д а. Экспертиза муассасасидан ташқарида экспертиза ўтказиш**

Экспертиза экспертиза муассасасидан ташқарида ўтказиладиган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқаргандан кейин экспертиза ўтказиш топширилаётган шахсни чақиртиради, унинг шахси ва малакасини, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, жабрланувчига бўлган муносабатини ва уни рад этишга асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертга экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарорни ёки ажримни тақдим этади, уни ушбу Кодекснинг 68-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништиради ва била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғри-

сида огохлантиради. Эксперт берган ариза ва илтимосномалар ҳам шу зайлда қайд этилади. Экспертнинг илтимоси рад этилса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқаради. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг баданини ёхуд руҳий ҳолатини текшириш зарурати пайдо бўлса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд уларнинг экспертга олиб келинишини таъминлаши шарт.

#### **184-м о д д а. Экспертнинг ёки экспертлар комиссиясининг хулосаси**

Эксперт ёки экспертлар комиссияси эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада: экспертиза ўтказилган сана ва жой; экспертизани ўтказиш асоси; экспертизани тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар; эксперт (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огохлантирилганлиги; экспертнинг олдига қўйилган саволлар; экспертга тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда эксперт текширувларининг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу эксперт текширувлари, агар экспертлар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; эксперт текшируви натижаларининг баҳолалиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Эксперт текширувининг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги эксперт текшируви давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга

жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Эксперт текшируви тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юборилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **185-м о д д а. Хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат**

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмастлигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмастлигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермастлигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юборади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **186-м о д д а. Экспертни сўроқ қилиш**

Экспертнинг хулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларини тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки эксперт фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертни ушбу Кодекснинг 98–108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

Эксперт фақат ўзи томонидан берилган хулоса ва шахсан ўтказган эксперт текширувлари юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

Экспертни у хулоса берганига қадар сўроқ қилиш тақиқланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **187-м о д д а. Эксперт хулосасини баҳолаш**

Эксперт хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Экспертнинг хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эга эмас. Хулосага қўшилмаслик қарорда ёки ажримда асослаб берилиши лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча экспертиза ўтказилган ва экспертлар бир хил фикрга келмаган бўлсалар, суриштирувчи, терговчи ёки суд баъзи экспертларнинг хулосаларига қўшилиш ва бошқа экспертларнинг хулосаларига қўшилмаслик тўғрисидаги ўз фикрини асослаб бериши лозим.



## 23-бoб. ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ

### 188-м о д д а. Намуналарнинг турлари ва уларни олиш усуллари

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тирик одамнинг, мурданинг, хайвоннинг, ўсимликнинг, буюминг, материалнинг ёки модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олишга, башарти уларнинг эксперт текшируви эксперт олдига қўйилган саволларни ҳал қилиш учун зарур бўлса, ҳақлидир. (Биринчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда*)

Тирик одамдан ўзида унинг хусусиятларини акс эттирувчи: биологик – қон, соч, сўлак, инсон организмидан ажралиб чиқадиغان моддалар; психофизик – дастхат; анатомик – тери нақшининг чизиқлари, тиш қолиплари; шунингдек овознинг хусусиятлари, касб малакасини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин. Мурдани кўздан кечиришда ҳам текширув ўтказиш учун керакли моддий намуналар олиниши мумкин.

Намуна тариқасида хом ашё, маҳсулот ва бошқа материаллардан модданинг турга оид ёки ўзига хос физик ёхуд кимёвий хоссаларини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин.

Текширув ўтказиш жараёнида эксперт гильза, ўк, бузиш асбоблари ва бошқа объектларнинг тажриба намуналарини тайёрлашга ва уларнинг экспериментал изларига қараб, ўхшашлик ёки фарқлиниш масаласини ҳал этишга ҳақлидир.

### 189-м о д д а. Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар

Эксперт текшируви намуналар олинадиган шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлмаса ва алоҳида касб маҳоратини талаб қилмаса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ўзи, зарурат бўлганда эса шифокор, бошқа мутахассис, эксперт иштирокида эксперт текшируви учун намуналар олишга ҳақлидир.

Эксперт текшируви учун намуналар олиш яланғоч бўлишни тақозо этса ёки алоҳида касб маҳоратини талаб қилса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топширигига биноан текширув учун намуналарни шифокор ёки бошқа тиббий мутахассис олади.

### 190-м о д д а. Намуна олиниши мумкин бўлган шахслар

Эксперт текшируви учун намуналар гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича устидан иш юритилаётган шахсдан олиниши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкин.

### 191-м о д д а. Намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Намуна олиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: намуна оладиган

шахс ёки орган; намуна олиниши керак бўлган шахс; айнан қандай намуна ва қанча миқдорда олиниши лозимлиги; намуна олинадиган шахс қачон ва кимнинг ҳузурига келиши зарурлиги; олинган намунанинг қачон ва кимга тақдим қилиниши кераклиги кўрсатилиши лозим.

### 192-м о д д а. Намуна олишда мажбурлов чегараси

Ўзидан намуна олиниши учун келишдан бош тортаётган гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, жабрланувчилар мажбурий келтирилиши мумкин, бунда, башарти қўлланиладиган усуллар оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлса, улардан мажбурлов йўли билан намуналар олинади.

Ўзга шахслардан намуналар фақат ушбу Кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳолларда ҳамда таноқил касаллиги ва бошқа юқумли касалликларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда мажбурлов йўли билан олиниши мумкин.

### 193-м о д д а. Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан намуналар олиш тартиби

Суриштирувчи ёки терговчи намуна олиниши керак бўлган шахсни чақиртиради ёки у турган жойга бориб, уни намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ўзига келиб тушган ажрими билан таништириб тилхат олади ва бу шахсга, мутахассисга, ҳолисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, агар кимдир рад этилган бўлса, бу масалани ҳал қилади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи керакли ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалар қўлланилиши мумкин.

Мурдадан, шунингдек хом ашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш, эксгумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Олинган намуналар ўралади ва муҳрланади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи уларни намуна олиш баённомаси билан бирга тегишли экспертга юборади. Агар намуна олиш суднинг ажримига биноан амалга оширилган бўлса, ушбу ажримни бажарган суриштирувчи ёки терговчи намуналарни уларни олиш тўғрисидаги баённома билан бирга судга юборади. Суд тарафлар иштирокида намуналарни кўздан кечириб, уларнинг ҳақиқийлигига ва тўла сақланганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин олинган намунани ажрим ва баённома билан бирга тегишли экспертга юборади.

### 194-м о д д а. Шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан намуналар олиш тартиби

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли шахсни, шунингдек ундан намуна олиш тўғрисидаги қарорни ёки ажримни шифокорга ёки бошқа мутахассисга юборади. Шифокорни, бошқа мутахассисни, ҳолисларни рад этиш масаласини қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳал қилади.

Шифокор ёки бошқа мутахассис зарур ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалардан фойдаланилиши мумкин. Намуналар ўралиб ва муҳрланиб, суриштирувчи, терговчи ёки судга юборилади.

Текшириш учун ҳайвонлардан намуналар олиш зарурати тугилса, суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли қарорни ёхуд ажримни ветеринарга ёки бошқа мутахассисга юборади.

#### **195-м о д д а. Эксперт томонидан тажриба учун намуналар олиш**

Текширув ўтказиш жараёнида эксперт томонидан ушбу Кодекс 188-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тажриба намуналари тайёрланиши мумкин.

Суриштирувчи ёки терговчи бундай намуналарни тайёрлаш чоғида ҳозир бўлишга ҳақли бўлиб, бу ҳол улар томонидан тузиладиган баённомада акс эттирилади.

Эксперт текширув ўтказиб бўлганидан кейин намуналарни муҳрланган ҳолда ўз хулосасига қўшиб қўяди.

Суриштирувчи ёки терговчи, суд муҳокамасида эса суд ва тарафлар эксперт тақдим қилган тажриба намуналарини кўздан кечирадидлар, шундан сўнг улар ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйилади.

#### **196-м о д д а. Намуналар олишда шахс ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши**

Эксперт текшируви учун намуналар олишда қўлланадиган усуллар ва илмий-техникавий воситалар инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлиши лозим. Кучли оғриқ берадиган мураккаб тиббий тадбирлар ва усулларни қўллаш намуна олиниши лозим бўлган шахснинг розилиги билан, башарти у ўн олти ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, унинг қонуний вакили, васийлари ёки ҳомийларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Намуна олиш намуна олинувчини ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, шифокор, бошқа мутахассис, ҳолислар намуна олинувчи шахс билан бир жинсда бўлишлари лозим.

#### **197-м о д д а. Намуналар олиш баённомаси**

Эксперт текшируви учун намуналар олинганлиги тўғрисида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса ўзига келган намуналарни суд мажлиси баённомасида акс эттиради.

### **24-БОБ. НАРСАЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ**

#### **198-м о д д а. Нарсаларни уларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш**

Фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун аҳамиятга молик бўлган нарсаларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тақдим қилинган нарсани ушбу Кодекснинг 136, 137, 139 ва 140-моддаларида баён қилинган қоидаларга асосан кўздан кечирши, агар тақдим қилинган нарсани иш учун аҳамиятли деб топса ёки келгусида аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобласа, уни қабул қилиши шарт. Шунингдек ушбу иш учун аҳамиятли бўлмаган, лекин муомаладан чиқарилган нарсалар (қурооллар, гиёҳвандлик воситалари, порнография нашрлари ва бошқалар) ҳам қабул қилиб олиниши лозим.

Иш учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нарсалар тақдим қилинган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи ёки суд уларни кўздан кечириб бўлганидан кейин эгаларига дарҳол қайтариб беради.

#### **199-м о д д а. Суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра нарсаларни тақдим қилиш**

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тинтув ёки олиб қўйиш ўтказмасдан туриб, корхона, муассаса, ташкилот раҳбаридан, шунингдек фуқародан тергов ва суд ҳаракатларини юритиш чоғида вақтинча фойдаланиш учун зарур бўлган нарсаларни тақдим этишларини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нарсалар жумласига қуйидагилар киради:

1) эксперимент ўтказишда текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини ва шароитини қайта тиклаш учун фойдаланиладиган ўхшаш нарсалар ёки макетлар;

2) таниб олиш учун кўрсатилаётган нарса билан турдош бўлган нарсалар;

3) тергов ёки суд ҳаракатларини юритиш ёхуд эксперт текширувини ўтказиш учун зарур бўлган мосламалар, асбоб-ускуналар, анжомлар, материаллар, агар бундай нарсалар суриштирувчи, терговчи ёки судда ёхуд уларнинг топшириги бўйича ҳаракат қилаётган мутахассис, эксперт ёки экспертиза муассасасида бўлмаса. Зарурат қолмагач, бу нарсалар эгасига қайтарилиши лозим.

#### **200-м о д д а. Ҳужжатларни, уларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш**

Фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ихтиёрларидаги ҳужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидирлар.

#### **201-м о д д а. Суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра ҳужжатларни тақдим қилиш**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра ўз ихтиёрларидаги ҳужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари суриштирувчи,

терговчи ёки суднинг талабига кўра ўз ваколатлари доирасида ҳужжатли тафтиш ёки бошқа хизмат текширувни ўтказишлари ва тафтиш ёки текширув далолатномасини барча иловалари билан бирга белгиланган муддатда тақдим қилишлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тафтиш ёки текширув далолатномасида ёхуд бошқа ҳужжатда белгиланган қоидалардан чекинишга, нуқсон, зиддият ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлаганда ушбу камчиликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **202-м о д д а. Нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомаси**

Ашёвий далиллар сифатида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатлар тақдим қилинганлиги тўғрисида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи, терговчи баённома тузади, суд эса суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўяди.

Баённомада:

- 1) нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 2) бу шахснинг нарса ёки ҳужжатни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси;
- 3) нарса ёки ҳужжатни кўздан кечириш жараёни ва натижалари, агар у почта орқали юборилган бўлса, унинг ўрамасини кўздан кечириш натижалари;
- 4) нарса ёки ҳужжатнинг суриштирувчи, терговчи ёки судга ҳақиқатан ҳам топширилгани ёхуд нарса ёки ҳужжат уни келтирган шахсга қайтариб берилгани кўрсатилади.

Ашёвий далил сифатида аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахсга суриштирувчи ёки терговчи баённомадан нусха, суд мажлисида раислик қилувчи эса суд мажлиси баённомасидан кўчирма беради.

Қабул қилиб олинган нарса ёки ҳужжат почта орқали келган бўлса, баённоманинг нусхаси ёки ундан олинган кўчирма нарсани ёки ҳужжатни юборган шахсга жўнатилади, почта паттаси баённомага илова қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд почта орқали олинган нарса ёки ҳужжатни ишга алоқадор эмас деб топиб, уни юборувчига почта орқали қайтарган тақдирда ҳам почта паттаси баённомага қўшиб қўйилади.

Тақдим этилган нарса ёки ҳужжатни ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги илтимосни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Тафтишлар ва бошқа хизмат текширувларининг далолатномалари ёзма далил сифатида тақдим қилинган бошқа ҳужжатлар қатори ишга маҳсус расмийлаштирилмасдан қўшиб қўйилади.

Тергов ёки суд ҳаракатларини юритишда вақтинча фойдаланиш учун сўралган нарсаларнинг қабул қилингани ва қайтариб берилгани суриштирувчи, терговчи, суд мажлисида раислик қилувчи ёки суд мажлисининг котиби, шунингдек нарсаларнинг эгаси томонидан бериладиган тилхатлар билан расмийлаштирилади. Тақдим қилинган нарсалар иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса, уларнинг белгилари, хоссалари, техникавий тавсифи, башарти улар юритилаётган тергов давомида ишлатилган бўлса, шу тергов ҳаракати баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

## **25-БОБ. НАРСА ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ АШЁВИЙ ВА ЁЗМА ДАЛИЛ СИФАТИДА ИШГА ҚЎШИБ ҚЎЙИШ**

### **203-м о д д а. Ашёвий далиллар**

Келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади.

### **204-м о д д а. Ёзма далиллар**

Мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан сўз, рақам, чизма ёки бошқа шаклда ёзилган ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган ҳужжат ёки бошқа ёзувлар ёзма далил ҳисобланади.

Тергов ҳаракатининг баённомаси, суд мажлисининг баённомаси ва уларнинг иловалари ҳам ёзма далил ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 203-моддасида кўрсатилган аломатлари, белгилари, излари бўлган ҳужжатлар ва бошқа хатлар ҳам ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### **205-м о д д а. Ашёвий ва ёзма далилларни олиш усуллари**

Ашёвий ва ёзма далил сифатида фойдаланиладиган нарсалар, ҳужжатлар ва бошқа ёзувлар ҳодиса содир бўлган жойни ёки бошқа жойларни, биноларни кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш жараёнида олиниши мумкин ёхуд улар ушбу Кодекснинг 198–202-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиниши мумкин.

### **206-м о д д а. Ашёвий далилларни кўздан кечириш**

Бошқа шахслардан топилган, олиб қўйилган ёки қабул қилиб олинган нарсалар ушбу Кодекснинг 135–137, 139 ва 140-моддаларида кўрсатилган қоидаларга асосан дарҳол кўздан кечирилади.

Кўздан кечиришда нарсанинг ишга тааллуқлилиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўладиган, шунингдек уни бошқа нарсалардан фарқловчи белгилар аниқланиши лозим.

Кўздан кечириш жараёни ва унинг натижалари нарса олинган пайтда ўтказилаётган тергов ҳаракати баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

### **207-м о д д а. Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш**

Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида суриштирувчи,

терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарор ёки ажримда ашёвий далилни ишда қолдириш ёки уни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим.

### **208-м о д д а. Ашёвий далилларни сақлаш ва бошқа жойга юбориш**

Ашёвий далилларни сақлаш, шунингдек уларни экспертиза ўтказиш учун юборишда ёки жиноят иши бошқа суриштирув, дастлабки тергов органига, прокурорга ёхуд судга ўтказилиши муносабати билан юбориш чоғида ашёвий далилларнинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

Ишни ўтказишда у билан бирга йўлланадиган ашёвий далиллар илова хатда ёки унга илова қилинадиган рўйхатда бирма-бир санаб ўтилади. Бундан ташқари, айблов хулосасига илова қилинган маълумотномада ишга доир барча ашёвий далиллар, ҳар бирининг қаерда эканлиги кўрсатилиб, бирма-бир санаб ўтилиши лозим.

Ашёвий далиллар почта ёки чопар орқали етказиб берилганда суриштирувчи, терговчи ёки судья ҳолислар иштирокида, зарур бўлганда эса, шунингдек эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида олинган далилларни кўздан кечирилади ва уларни илова хати ёки рўйхати билан солиштирилади. Кўздан кечириш жараёни ва натижаси ҳақида баённома тузилади.

Ашёвий далиллар, улар ҳақидаги масала суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ишни тугатиш тўғрисидаги қарори билан ҳал қилинмагунга қадар сақлаб турилади. Ушбу Кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган ҳолларда ашёвий далилларга оид қарор иш юритиш тамом бўлгунга қадар қабул қилиниши мумкин.

Ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсага эгалик қилиш ҳуқуқи борасидаги низо фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилиниши лозим бўлганда, бу нарса фуқаровий иш бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланиши лозим.

### **209-м о д д а. Пул, қимматли қогозлар, валюта бойликлари ва заргарлик буюмларини сақлаш учун топшириш**

Ишга ашёвий далил сифатида қўшиб қўйилган пул, қимматли қогозлар, валюта бойликлари, заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан, қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар, шунингдек бундай буюмларнинг резгилари топилганда мутахассис иштирокида кўздан кечирилиши ва белгиланган тартибда сақлаш учун топширилиши лозим.

Фуқаровий даъво ни таъминлаш мақсадида ёхуд гаиров тариқасида олиб қўйилган ёки қабул қилинган пуллар уч суткадан кечиктирмай суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобига топширилиши шарт. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-И-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **210-м о д д а. Жиноят ишини юритиш тамом бўлгунга қадар ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар**

Ашёвий далиллардан: тез бузиладиган нарсалар, кундалик рўзғорда зарур бўладиган нарсалар; уй ҳайвонлари, паррандалар ва боқиш лозим бўлган бошқа ҳайвонлар зарур тергов ҳаракатлари ўтказилгач, кечиктирмай эгаларига қайтариб берилиши лозим.

Тез бузиладиган нарсалар ёки уй ҳайвонлари, паррандалар ва бошқа ҳайвонларнинг қонуний эгаси ёхуд мулкдори номаълум бўлган ёки бошқа сабабларга кўра уларни қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда улар қараб туриш ёки белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун тегишли корхона, муассаса, ташкилотга топширилиши лозим.

### **211-м о д д а. Жиноят ишини юритиш тамом бўлганлиги муносабати билан ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар**

Ҳукмда, шунингдек жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи кўйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

1) жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади; *(1-бадд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 сентябрь ЎРҚ-176-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37–38-сон, 363-модда)*

2) муомаладан чиқарилган ашёлар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

3) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса уларга берилиши мумкин;

4) жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқ ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

5) жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулккий зарарни қоплашга ўтказилади, мулккий зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади;

6) ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади.

### **212-м о д д а. Ашёвий далилларни шикастланганлик ёки йўқотганлик учун жавобгарлик**

Экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний ҳаракатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати суд чиқимларига қўшилади.

Айблов ҳукми чиқарилганда, агар бу ашё маҳқумга ёки фуқаровий жавобгарга тегишли бўлса, унинг

қиймати тўланмайди; агар ашё бошқа бирор шахсга тегишли бўлса, унинг қиймати бу шахсга суд томонидан тўланиши ва айни вақтда бу сумма маҳкум ёки фуқаровий жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига ундирилиши лозим.

Оқлов ҳукми чиқарилганда ҳамда иш тугатилган ҳолларда экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний ҳаракатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати қонуний эгасига ёки мулкдорига, шунингдек процессуал мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ворислари ва меросхўрларига тўланади.

Ашёвий далиллар шикастланган ёки йўқолган бошқа барча ҳолларда уларнинг қиймати зарар келтириш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларга доир фуқаровий қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ тўлатирилиши лозим.

## Тўртинчи бўлим. ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ

### 26-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ АСОСЛАРИ ВА ЧЕГАРАЛАРИ

#### 213-м о д д а. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар

Жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиний фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашга ҳақлидир.

#### 214-м о д д а. Процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги ва асослиги

Процессуал мажбурлов чоралари фақат асослар мавжуд бўлганда ва қонунда белгиланган тартибда қўлланилиши мумкин.

Ушбу Кодексда бошқача асослар назарда тутилмаган бўлса, процессуал мажбурлов фақат кўзгатилган жиноят иши бўйича ва суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримда кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

#### 215-м о д д а. Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахслар билан муносабатда бўлиш

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахслар, улар сақланадиган жойлардаги тартибга оид чеклашларни истисно этганда, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга эгадирлар ва шу ҳужжатларда кўрсатилган мажбуриятларни бажарадилар.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахсларга нисбатан гайрининсоний муносабатда бўлиш мумкин эмас.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахсга ўзининг ҳимоячи-

си билан холи учрашиш, қонун ҳужжатларидан фойдаланиш имконияти берилиши, шикоят, илтимоснома ва бошқа процессуал ҳужжатларни ёзиши учун ихтиёрида қоғоз ва ёзув жиҳозлари бўлиши лозим.

**216-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

#### 217-м о д д а. Процессуал мажбурлов чораси қўлланилгани ҳақида хабар қилиш

Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида, бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, юқорида кўрсатилган муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши шарт. Хабарноманинг нусхаси ишга илова қилинади.

#### 218-м о д д а. Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қарамонидагиларга ҳомийлик қилиш ва унинг мол-мулкни қўриқлаш чоралари

Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қаровсиз ва ёрдамга муҳтож вояга етмаган фарзандлари, кексайган ота-оналари, бошқа боқимлари бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уларни қариндошларининг ёки бошқа шахслар ёхуд муассасаларнинг ҳомийлигига топшириши, мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг назоратсиз қолаётган мол-мулки ёхуд уй-жойи бўлса, уларни қўриқлаш чорасини кўриши шарт.

#### 219-м о д д а. Прокурорнинг процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги кўрсатмасининг мажбурийлиги

Прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги кўрсатмаси суриштирувчи ва терговчи учун мажбурийдир. Бундай кўрсатмаларга эътирозлар ушбу Кодекснинг 36 ва 39-моддаларида назарда тутилган тартибда юқори турувчи прокурорга тақдим этилиши мумкин.

## 27-боб. УШЛАБ ТУРИШ

### 220-м о д д а. Ушлаб туриш мақсади

Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Кейинги ҳолатда ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

### 221-м о д д а. Ушлаб туриш асослари

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйда содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

### 222-м о д д а. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар гумон қилинувчини ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

### 223-м о д д а. Ушлаш чогида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар

Депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас. Мазкур тақиқ ушбу Кодекс 221-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ушлаб туриш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 апрель ЎРҚ-209-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 179-модда)*

## 224-м о д д а. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби

Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослардан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимочига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир, далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланиши мумкинлигини билдириши шарт. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга ва олиб қўйиш ўтказишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳузурида тузилиши мумкин.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

### 225-м о д д а. Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослигини текшириш

Ушлаб турилган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг навбатчиси ёки бошқа ходими бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол ушлаб туриш баённомасини тузиши ва унда қуйидагиларни акс эттириши лозим: кимнинг, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушлангани; ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётгани; милиция бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга у қачон олиб келингани. Баённомани ушлаб туришнинг асослигини текшириш топширилган милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирилган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва ҳолислар имзо чекиб тасдиқлайдилар.

Милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ходими амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайдан бошлаб ўн икки соат ичида прокурорга

ёзма шаклда хабар бериши шарт. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

Ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва кўздан кечириш ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай ўтказилиши лозим.

Ушлаб туришга асос бўлмаган тақдирда милиция бўлинмасининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс ушланганни озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Қарорнинг нусхаси дарҳол прокурорга юборилади.

Ушлаб туриш, жиноят иши кўзғатиш, ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорлар дарҳол гумон қилинувчига эълон қилинади, айна вақтда унга ушбу Кодекснинг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари тушунтирилади ва танланган ёки тайинланган ҳимоячига танишиб чиқиш учун тақдим этилади. Қарор билан таништирилгани ва ҳуқуқлари тушунтирилгани қарорда қайд этилиб, ваколатли шахс ва ушланган шахс томонидан имзолашиб, тасдиқланади. Бунда ушланган шахс ушлаб келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши лозим. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

#### **226-м о д д а. Ушлаб туриш муддати**

Ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб кўпи билан етмиш икки соатни ташкил этади. Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ушбу Кодекснинг 109–112-моддаларидаги қоидалар бўйича сўроқ қилиниши ва ушбу Кодекснинг 236–240-моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

Алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади. Жиноят иши кўзгатирилганидан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов

ҳаракатлари ўтказишлари мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

#### **227-м о д д а. Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш**

Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахс ушбу Кодекснинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Амалга оширилган ушлаб туриш тўғрисида ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарган ваколатли шахс дарҳол хабардор қилиниши лозим. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақт айбланувчини қамоқда сақлаш ҳамда Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланганига мутаносиб равишда суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади.

#### **228-м о д д а. Ушлаб турилганларни сақлаш жойлари**

Ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса гауптвахтага жойлаштирилади.

Ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида махсус мослаштирилган биноларда, денгиз ва дарё кемаларида эса махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида ушлаб турилганларни сақлаш учун махсус камералар жиҳозланади.

Ушлаб турилганларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаш тартиби ва шарт-шароитлари қонунда белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

#### **229-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)**

### **230-м о д д а. Ушлаб турилганларга учрашиш учун рухсат бериш**

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан учрашувга ушбу Кодекс 46-моддасининг биринчи қисмида ва 48-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга кўра рухсат берилади.

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроққача рухсат берилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланаётган ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан учрашувига ушбу Кодекс 226-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инобатга олинган ҳолда рухсат берилади ҳамда учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

Ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритувида бўлса, фақат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради, ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

**231-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

**232-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

**233-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

### **234-м о д д а. Ушлаб турилганни озод қилиш асослари ва тартиби**

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс, агар:

- 1) жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;
- 2) ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса ёки уни қўллаш суд томонидан рад этилса;
- 3) ушлаб туришнинг белгиланган муддати тугаган бўлса ва ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тар-

зидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаган ёхуд ушбу Кодекс 243-моддаси ўнинчи қисмининг 3-бандига мувофиқ ушлаб туриш муддати узайтирилмаган бўлса, озод қилинади. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

Ушлаб турилган шахсни бундан буён ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланиши биланоқ суриштирувчи ва терговчи уни дарҳол озод қилишлари шарт.

Прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг ушлаб турилган шахсни озод қилиш ҳақидаги қарори ёхуд суднинг уни ушлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажрими қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати ичида ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушмаса, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи бу шахсни озод қилади ва унинг озод қилинганлиги тўғрисида прокурорга, терговчига ёки суриштирувчига билдириш хати юборади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Зарур ҳолларда ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти озод қилинган шахсларнинг яшаш жойига текин жўнаб кетишини таъминлайди; уларнинг илтимосига кўра, ушлаб турилганлар сақланадиган жойда бўлган вақти ҳақида маълумотнома беради.

### **235-м о д д а. Ушлаб туриш туфайли етказилган зиённи ундириш**

Шахсга қонунсиз ушлаб туриш туфайли етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра иш тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади.

## **28-БОБ. ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ**

### **236-м о д д а. Эҳтиёт чоралари қўлланилишининг мақсад ва асослари**

Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Айбланувчи, судланувчи содир этган, Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлиги туфай-



ли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилишини кутаётган, шунингдек ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир қилганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан эҳтиёт чоралари улар яширинишининг ва бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишининг олдини олиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги суд ажрими ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

### **237-м о д д а. Эҳтиёт чораларининг турлари**

Эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади.

### **238-м о д д а. Эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинadиган ҳолатлар**

Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қўйилган айбнинг огирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиги, оилавий аҳоли ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади.

### **239-м о д д а. Эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар**

Эҳтиёт чораси айбланувчига, судланувчига, маҳкумга ва ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатангина қўлланилиши мумкин.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги билан;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги билан;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутати, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатига нисбатан – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки уларнинг раҳбарлари розилиги билан;

4) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари судьяларига нисбатан – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилиги билан;

5) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ўРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

### **240-м о д д а. Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим**

Эҳтиёт чораси суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан қўлланилиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин.

Ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ушбу эҳтиёт чорасини айнан ўша шахсга нисбатан қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга такроран мурожаат этишга монелик қилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ўРҚ-100-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда: шахснинг қандай жиноятни содир этишда айбланаётганлиги; эҳтиёт чораси қандай қонуний асосларга таяниб қўлланганлиги ёхуд тегишли далиллар келтириш йўли билан бу асослар йўқлиги ёки ўзгаргани; эҳтиёт чорасини танлашга таъсир қилувчи, қонун билан белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб, эҳтиёт чораларини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш заруратини изоҳловчи сабаблар кўрсатилган бўлиши лозим. Қарор ёки ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга дарҳол эълон қилинади, шахснинг огир касаллиги ёки унинг қочиб кетганлиги туфайли эълон қилиниши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинган ёхуд ўзгартирилган тақдирда, қамоқда сақланаётган шахс дарҳол озод қилиниши керак. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ўРҚ-100-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

### **241-м о д д а. Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш**

Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан терговни назорат қилаётган, уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олган пайдан эътибо-

ран уч сутка ичида уни кўриб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни ўз қароридан хабардор этиши шарт.

Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажримни устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилди, мазкур суд уларни йигирма тўрт соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди кўрсатилган материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Шикоят ёки протест берилиши эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича қарор ижросини тўхтатиб қўймайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

### **242-м о д д а. Қамоққа олиш**

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида, қўлланилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

### **243-м о д д а. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби**

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи та-

риқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва дастлабки тергов давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақида қарор чиқаради.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар ва бошқа эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмаслик асослари баён қилинади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Прокурор қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимоснома кўзгатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан кўзгатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яққа тартибда кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади. Ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига олиб келинади. Суд мажлисида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек терговчи иштирок этишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди, айбланувчининг келмаганлиги ҳоллари бундан мустасно. Қидирув эълон қилинган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурор

маърузаси билан бошланади, у мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Шундан сўнг гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;

2) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;

3) тарафлар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида.

Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшитirilган пайдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгартирмасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоқдан озод қилиш ёхуд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақли.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, айнан ўша гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамоққа олишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

## **244-м о д д а. Қамоқда сақлаш жойлари**

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган гумон қилинувчилар ва айбланувчилар тергов ҳибсхонасининг камераларида сақланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчиларни ва айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига ёзма кўрсатма беришга ҳақли.

Агар қамоққа олинганлар Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу

чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошганларга, шифокорнинг ёзма хулосаси билан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Қамоққа олинганлар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ўн суткагача сақланиши мумкин. Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига олислиги ёки лозим даражадаги қатнов йўллари мавжуд эмаслиги туфайли олиб боришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, бундай шахслар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида терговчининг прокурор билан келишилган қарорига, шунингдек прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига кўра ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

Қамоққа олинган ҳарбий хизматчилар гауптвахталарда кўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, бу эҳтиёт чорасининг бутун амал қилиш муддати мобайнида сақланиши мумкин. Ҳарбий хизматчини гауптвахтада сақлаш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш вақтига, лекин кўпи билан ўн беш суткага узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга юборишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳукм қонуний кучга киргунига қадар гауптвахталарда сақланиши мумкин.

Тергов ҳаракатларини бажариш ёки жиноят ишларини тергов ҳибсхоналари жойлашган аҳоли пунктлари ҳудудидан ташқарида судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳолларда, қамоққа олинганларни мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ва суд мажлисларини ўтказиш учун ҳар куни олиб бориш имконияти бўлмаганда улар тергов ҳибсхоналаридан вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига ўтказилиши, лекин бир ой мобайнида кўпи билан ўн суткага ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш учун қамоққа олинганни бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими асос бўлади.

Башарти маҳкум бошқа жиноят иши бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, у суд ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин жазони ижро этиш муассасасидан тергов ҳибсхонасига ўтказилиши ёки тергов ҳибсхонасида қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда маҳкум: Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари розилиги билан олти ойгача муддатга, суднинг ажримига кўра эса иш судда кўриб чиқилиши вақтига тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин.

Бошқа туманда (шаҳарда) турган маҳкум бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг прокурор билан келишилган қарорига, шунингдек прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига мувофиқ бошқа ерга ўтказилади. Маҳкумни бошқа ерга кўчиришни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари зиммасига юкланади.

Қамоққа олинганларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаш тартиби ва шарт-шароитлари қонунда белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ–299-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

**245-м о д д а. Қамокда сақлаб туриш муддати**

Жиноятлар тергов қилинаётганда қамокда сақлаб туриш муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади.

Қамокда сақлаб туришнинг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатини:

5 ойгача – Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг;

7 ойгача – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг;

9 ойгача – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;

бир йилгача – алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан узайтириш имкони суд томонидан кўриб чиқилади. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган барча илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Қамокда сақлаб туриш муддатига ушбу Кодекснинг 599-моддасига мувофиқ шахсни Ўзбекистон Республикасига ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга кўра унинг хорижий давлат ҳудудида қамокда сақланган вақти кўшиб ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи ёки бешинчи хатбошисида белгиланган қамокда сақлаб туришнинг охириги муддати тугаган бўлса ва ишнинг ҳолатларига кўра қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан суд ушбу Кодекснинг 247-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда, қамокда сақлаб туришнинг кўшимча, лекин шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча сақлаш ҳибсхонасига ёхуд тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган пайтдан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатини белгилашга ҳақли.

Тергови тамомланган жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи ёки бешинчи хатбошисида ёхуд тўртинчи қисмида назарда тутилган қамокда сақлаб туришнинг охириги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилган бўлиши лозим. *(Учинчи – бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрель ЎРҚ–287-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 161-модда)*

Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ишнинг материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди.

**246-м о д д а. Жиноят иши кўшимча терговга қайтарилганида қамокда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш**

Айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд кўшимча терговга қайтарган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаса, қамокда сақлаб туриш муддатини бир ойгача узайтириш жиноят ишини кўшимча терговга қайтарган суд томонидан амалга оширилади, бу муддат иш прокурорга келиб тушган пайтдан бошлаб ҳисобланиб, прокурор жиноят ишини уч суткадан кечиктирмай терговчига юбориши шарт. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунига қадар қамокда бўлган вақт ҳисобга олинган ҳолда ушбу Кодекс 245-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган тартибда ва доирада амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрель ЎРҚ–287-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 161-модда)*

**247-м о д д а. Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби**

Айбланувчини қамокда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, бу қарор судга юборилади.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда терговнинг чўзилиб кетганлиги сабаблари, текширилиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, кўшимча равишда сўралаётган муддат кўрсатилиши керак.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, айбланувчи, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи иштирокида кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Айбланувчи стационар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирил-

ган тақдирда, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судья қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида;

2) қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида.

Судьянинг қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса айбланувчига, ҳимоячига юборилади. Судьянинг ажрими устидан ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга биноан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгартирмасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга ҳақли. Қамоқда сақлаш муддати тугаб, озод этилган айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддати узайтирилган тақдирда, суд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

### **248-м о д д а. Қамоқда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли етказилган зарарни қоплаш**

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли шахсга етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки жиноят иши ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади. Бунда ушбу Кодекснинг еттинчи бўлими қоидалари қўлланилади.

### **249-м о д д а. Гаров**

Гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб варағига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзиб қўяди. Баённомада айбланувчига, судланувчига унинг ушбу Кодекснинг

46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка у сўз берганлиги, гаровга қўювчига эса айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйилганларидан маҳрум бўлиши маълум қилингани кўрсатилиши лозим. Баённома гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи томонидан имзоланади.

Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг огирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкий аҳолини ва унинг айбланувчи билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди.

Гаровни топшириш вақтида, гаровга қўювчи шу эҳтиёт чораси танланган ишнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига тайинланиши мумкин бўлган жазо ва ўзининг жавобгарлиги тўғрисида хабардор қилиниши лозим. У ўзининг олган мажбуриятдан гаровнинг давлат фойдасига ўтиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар воз кечиши мумкин.

Гаровга қўювчи айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмас, у бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли рўй бермаётган бўлса, шунингдек иш бўйича иш юритиш тугатилган ҳолларда ёхуд суд ҳукми кучга кириши муносабати билан гаров гаровга қўювчига қайтарилади.

Айбланувчи, судланувчи зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади ва айбланувчига, судланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади.

### **250-м о д д а. Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат**

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат айбланувчининг ёки судланувчининг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, жиноий фаолият билан шуғullanмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақируви билан етиб келиш ҳақида берган ёзма мажбуриятдан иборатдир. Тилхат берувчи шахс бундан ташқари, ўз зиммасига суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг ижозатисиз ушбу аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик ва шу аҳоли пункти доирасида истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

Айбланувчи ёки судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин, бу ҳақда у тилхат олиш чоғида огоҳлантирилади.

### **251-м о д д а. Шахсий кафиллик**

Шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир.

Кафиллар сонини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Алоҳида ҳолларда юсак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазо, олдини олиш мақсадида кафиллик тарикасидаги эҳтиёт чораси кўрилган ҳаракат айбланувчи, судланувчи томонидан содир этилган тақдирда кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Бу маълумотлар кафилликка бериш баённомасида қайд қилиниб, уни шу эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахс, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар имзолаши лозим ёки бу маълумотлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир кафилликка олувчи кафиллик тўғрисида тилхат беради.

Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олинган мажбуриятлардан воз кечишлари мумкин.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар, улар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Айбланувчи, судланувчи олди олиниши учун шахсий кафиллик қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кафил қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши мумкин.

### **252-м о д д а. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги**

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ўз қарорини айбланувчининг, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилади. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айни вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси жиддийроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

Айбланувчи, судланувчи бошқа ишга ўтган ёхуд истиқомат жойини ўзгартирган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа бу ҳақда эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дарҳол хабар бериши шарт. Бундай ҳолларда жамоа кафиллиги бекор қилинади ва бошқа эҳтиёт чораси билан алмаштирилиши мумкин.

Айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори номуносиб бўлган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафилликдан воз кечишга ҳақлидир.

### **253-м о д д а. Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш**

Вояга етмаганларни ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, болалар муассасасининг маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш ушбу Кодекснинг 556-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

### **254-м о д д а. Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан кўмондонлик кузатуви**

Айбланаётган муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси ёки ўқув йигинига қақрилган ҳарбий хизматга мажбур шахс суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими бўйича ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса, ҳарбий ўқув юрти кўмондонлигининг кузатувида берилиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Кўмондонлик кузатуви қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайдиган чораларни кўришдан иборат.

Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими кўмондонлик учун мажбурийдир, унга ҳарбий хизматчи устидан кузатув ўрнатиш заруратини келтириб чиқарган айбловнинг моҳияти тушунтирилиши лозим. Айбланувчи олдини олиш мақсадида мазкур эҳтиёт чораси қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кўмондонлик суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни бу ҳақда дарҳол хабардор қилиши шарт.

## **29-БОБ. ЛАВОЗИМДАН ЧЕТЛАШТИРИШ**

### **255-м о д д а. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш асослари ва муддатлари**

Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиний фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимидан четлаштирилиши мумкин.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар бекор бўлгунга қадар ўтган вақт мобайнида қўлланилади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда терговчи, прокурор, суд томонидан бекор қилинади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш рад қилинган ёки у бекор қилинган тақдирда, айнан ўша айбла-

нувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга лавозимдан четлаштириш учун асос бўладиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**256-м о д д а. Ишни судга қадар юритиш босқичида айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш**

Айбланувчини лавозимдан четлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда: лавозимдан четлаштирилмаган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**257-м о д д а. Айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур бўлганда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**258-м о д д а. Суд ажрими**

Судья айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида ёки айбланувчини лавозимдан четлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Судьянинг айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги ажримида: лавозимдан четлаштирилмаган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари; айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига қўйилмаган талаб кўрсатилади.

Судьянинг айбланувчини лавозимдан четлаштиришни рад қилиш ҳақидаги ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Судьянинг айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига ижро учун, прокурорга, айбланувчига, ҳимоячига эса маълумот учун юборилади.

Судьянинг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, лавозимдан четлаштирилган айбланувчи ишлаган тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест бериш суднинг айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги ажрими ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва айбланувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш тарзидаги про-

цессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**259-м о д д а. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримни ижро этиш**

Суднинг айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, раҳбар ажримни олиши билан дарҳол уни ижро этиши ҳамда бу ҳақда терговчини, прокурорни ва судни хабардор қилиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**260-м о д д а. Шахсни лавозимдан қонунга хилоф равишда четлаштириш оқибатида етказилган зиённи қоплаш**

Шахснинг лавозимидан қонунга хилоф равишда четлаштиргани оқибатида етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўла ҳажмда қопланади.

**30-БОБ. МАЖБУРИЙ КЕЛТИРИШ**

**261-м о д д а. Чакирувга биноан ҳозир бўлиш мажбурияти**

Жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чакирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт.

Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтириладилар.

**262-м о д д а. Мажбурий келтириш лозим бўлган шахслар**

Мажбурий келтириш гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чакирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб, мажбурий келтиришга алоҳида ҳолларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдириладиган ва бунда унинг

турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда йўл қўйилади.

Гувоҳга ёки жабрланувчига нисбатан мажбурий келтиришнинг қўлланилгани уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

**263-м о д д а. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

**264-м о д д а. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни ёки ажримни бажариш**

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафарида эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

**31-БОБ. ШАХСНИ ТИББИЙ МУАССАСАГА ЖОЙЛАШТИРИШ**

**265-м о д д а. Суд экспертизасини ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари ва муддатлари**

Агар суд-тиббийёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчини, судланувчини стационар кўриқдан ўтказиш зарурати вужудга келса, улар тегишли тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин.

Рухий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган гумон қилинувчи ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун тиббий психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Агар шахснинг гумон қилинувчи тариқасида бўлиши муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси



тамом бўлгунига қадар тугаса, унинг руҳий ҳолати имкон берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий психиатрия муассасасидан озод қилиш ёхуд уни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш зарур.

Жабрланувчилар ва гувоҳлар тегишли суд экспертизасини ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштирилиши мумкин эмас, улар гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган офир ёки ўта офир жиноятларни содир этганлигини фош қилаётган ва улар берган кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, шифокорларнинг стационар суд экспертизасини ўтказиш давомида олинган хулосасига асосан, бу муддат суд томонидан фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Айбланувчининг ишни судга қадар юритиш босқичида тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш суд томонидан прокурорнинг ушбу бобда белгиланган тартибда киритилган илтимосномасига биноан, судланувчининг тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи тиббий муассасада бўлишининг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор томонидан киритилади.

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тиббий муассасага жойлаштирилаётганда, агар бу муассаса қамоққа олинганларни сақлаш учун мослаштирилган бўлса, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин. Бошқа ҳолда мазкур эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки энгилроги билан алмаштирилиши керак.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**266-м о д д а. Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш**

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома

кўзгатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарорда: тиббий муассасага жойлаштирилган шахс ҳақидаги маълумотлар ва унинг процессуал ҳолати; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи; эҳтиёт чораси тўғрисида таклиф этилаётган қарор кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юбориши.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**267-м о д д а. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яққа тартибда кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, ҳимоячи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ўзига нисбатан экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш масаласи кўриб чиқиладиган шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати, қонуний вакиллар иштирокида кўриб чиқилади. Тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар унинг соғлиғи имкон берса, суд мажлисида қатнашишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга қақририлиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг кел-

маганлиги шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида ҳонага киради.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойда ёки тиббий муассасага жойлашган ерда, ушбу моддада назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослигини, шунингдек процессуал нормаларга ва талабларга риоя этилганлигини ҳисобга олади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

#### **268-м о д д а. Суд ажрими**

Судья шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Суднинг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ажримида: тиббий муассасага жойлаштирилган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг процессуал ҳолати; шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор, зарур ҳолларда эса, шахсни мазкур муассасага кўчириш тўғрисидаги фармойиш кўрсатилади.

Судья айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақида ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан кучга киради. Ажрим ижро учун прокурорга, маълумот учун эса ҳимоячига, жабрланувчининг вакилига, гувоҳнинг адвокатига, қонуний вакилга юборилади.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати ва қонуний вакил томонидан апелляция тартибда шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни қирқ

саккиз соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест берилиши суд ажримининг ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришга ёхуд мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

#### **269-м о д д а. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш**

Стационар суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизаси хулосасини олганидан сўнгра прокурор, терговчи қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш ҳақида қарор чиқаради.

Суд экспертизаси натижаларига кўра шахс ақли норасо деб эътироф этилганда унинг тиббий муассасада бундан буён бўлиши тўғрисидаги масала ушбу Кодекснинг 61-боби нормаларига мувофиқ ҳал этилади, жабрланувчи, гувоҳ ақли норасо деб эътироф этилган ёки шахснинг психиатрия ёрдами кўрсатиш талаб этиладиган бошқа турдаги руҳий касаллиги аниқланган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий асосларда ҳал этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

#### **32-БОБ. ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ. СУРИШТИРУВ, ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ВА СУДДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАР ҲАМДА ТАРТИБНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

#### **270-м о д д а. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш**

Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, тергов-

чи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилиш, шунингдек айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш хусусида ёзма равишда топшириқ беришга ҳақлидир.

Ички ишлар органи хавф таҳдид солаётган шахсларга доир жиноят ишидаги мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этилиши лозим.

### **271-м о д д а. Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик**

Жиноят ишини юритиш чогида Жиноят кодексининг 230–241-моддаларида назарда тутилган, одил судловга қарши қаратилган жиноятни содир этган процесс иштирокчилари ушбу Кодекснинг умумий қоидаларига биноан жавобгарликка тортиладилар.

Бундан ташқари процессуал мажбуриятларни бузганликлари учун, хусусан:

жабрланувчилар ва гувоҳлар – суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларни бажаришдан бош тортганлик учун;

уйида олиб қўйиш, тинтув ўтказилаётган шахслар, шунингдек мол-мулк хатланган шахслар (гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошларидан ташқари) – суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортганлик учун;

алоқа муассасаларининг ходимлари – суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорини бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун;

мансабдор шахслар ва фуқаролар – башарти улар ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, тергов эксперименти ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб қўйиш ва тинтув ўтказишга тўсқинлик қилсалар;

процесс иштирокчилари – суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун, агар улар маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан огоҳлантирилган бўлсалар;

корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари – суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилганлик, жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин.

### **272-м о д д а. Суд мажлисида тартибни бузганлик учун жавобгарлик**

Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартиббузар бундай ҳаракатларнинг такрорланиши уни суд мажлиси залидан чиқариб юборишга сабаб бўлажаги ҳақида, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартиббузар эса бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида огоҳлантирилади. Бу огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесс иштирокчиси суднинг ажримида, бошқа шахслар эса раислик қилувчининг фармойишига мувофиқ суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Ишни кўриш чиқариб юборилган шахсларсиз давом эттирилади.

Суднинг ажрими айбловчи ёки ҳимоячига тааллуқли бўлса, ишни эшитиш кейинга қолдирилиши лозим, бир шахсни бир неча айбловчи айблаётган ёки бир неча ҳимоячи ҳимоя қилаётган ҳоллар бундан мустаснодир. Залдан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг номуносиб хулқ-атвори тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни тегишлилигига қараб, юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборади. (Иккинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон ва 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда*)

Суд залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилинганидан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олинishi лозим.

Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахс (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи томонидан унинг жойининг ўзида чиқарган ажримга асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилади.

### **273-м о д д а. Суд мажлисида процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни юклашга қаратилган суд ҳаракатлари**

Агар процесс иштирокчисининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганда аниқланган бўлса, унда суд жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

(*Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда*)

### **274-м о д д а. Пул ундириш ва жарима солиш тўғрисидаги масалани суд томонидан ҳал қилиш тартиби**

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда пул ундириш ва жарима солиш жиноят ишини кўриш қайси

судга тааллуқли бўлса, шу суд томонидан амалга оширилади. Процессуал мажбуриятларни ёки тартибни бузишга бевосита суд мажлисида йўл қўйилган бўлса, жарима солиш ҳақидаги ажрим ишни кўраётган суд томонидан шу мажлиснинг ўзида чиқарилади.

Бошқа ҳолларда пул ундириш тўғрисидаги масала суд томонидан пул ундирилаётган шахс чақирилиб ҳал қилинади. Мазкур шахснинг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ишни кўришга монелик қилмайди.

Суд мажлисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тартиббузарлик тўғрисида тузилган баённома ва унга илова қилинган материаллар ёхуд суд мажлиси баённомасидан олинган тегишли кўчирма ўқиб эшиттирилади. Шундан сўнг жавобгарликка тортилаётган шахснинг изоҳлари, суд мажлисида прокурор қатнашаётган бўлса, унинг фикри эшитилади ва ажрим чиқарилади.

Таржимонга, мутахассисга, кафилга пул ундириш ёхуд суд мажлиси залида тартибни бузган шахсга жарима солиш тўғрисидаги ажримни чиқарган суд бу ажримнинг ижросини уч ойгача муддатга кечиктиришга ёки ижронинг бўлиб-бўлиб бажарилишига рухсат беришга ҳақлидир.

## **Бешинчи бўлим. ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ**

### **33-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВО. БОШҚА МУЛКИЙ УНДИРИШЛАР**

#### **275-м о д д а. Жиноят процессида кўрилади-ган фуқаровий даъволар**

Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.

Фуқаровий даъвонинг судловга тегишлилиги бу даъво кўзгатилган жиноят ишининг қайси судловга тегишлилигига қараб аниқланади.

#### **276-м о д д а. Фуқаровий даъвони кўзгатиш**

Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши кўзгатилган пайдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво кўзгатишга ҳақлидир.

Жиноят содир этиш ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки шикастланган шахс вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам кўзгатилиши мумкин. Оғзаки даъво аризаси баённомага ёзиб қўйилади.

Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатиш, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун давлат божи ундирилмайди.

Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатмаган шахс, шунингдек даъвоси кўрилмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибидан кўзгатишга ҳақлидир.

#### **277-м о д д а. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш**

Фуқаровий даъво кўзгатилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкий зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони кўзгатган шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади. Бунда фуқаровий даъвогарга ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

#### **278-м о д д а. Ишда фуқаровий жавобгар тариқасида иштирок этишга жалб қилиш**

Ариза берувчи фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ва айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилиши тўғрисидаги масала қўйилган шахснинг қилмишлари оқибатида етказилган зиён учун қонунга кўра бошқа шахслар мулкий жавобгар эканлиги аниқлангач, тегишли фуқарони ёки юридик шахсни ишда фуқаровий жавобгар тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор ёки ажрим фуқаровий жавобгарга ёки унинг вакилига эълон қилинади. Бунда уларга ушбу Кодекснинг 59 ва 63-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилади.

#### **279-м о д д а. Прокурорнинг фуқаровий даъвони кўзгатиши ва уни қувватлаши**

Прокурор фуқаровий даъвони кўзгатиши ёки кўзгатилган фуқаровий даъвони қувватлаши ёхуд, башарти давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдириши шарт.

#### **280-м о д д а. Жиноят процессида фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларидаги қоидаларнинг қўлланиши**

Суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фуқаровий даъво бўйича иш юритиш ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво бўйича юзага келадиган процессуал муносабатлар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процесси принципларига хилоф бўлмаган фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади.

**281-м о д д а. Зиёни ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши. Даъво муддати**

Фуқаровий даъво бўйича иш юритишда зиёни ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули фуқаровий, меҳнат ва бошқа соҳа қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ аниқланади.

Бошқа соҳа қонун ҳужжатларида белгиланган даъво муддати жиноят процессидаги фуқаровий даъвога нисбатан қўлланилмайди.

**282-м о д д а. Даъвони тан олиш, тарафларнинг ўзаро келишуви ва даъводан воз кечиш оқибатлари**

Айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг даъвони тан олганлиги, шунингдек фуқаровий даъвогар, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгарнинг ўзаро келишганлик тўғрисидаги ариза-си фуқаровий даъво бўйича иш юритишнинг тугатилишига олиб келмайди ва суриштирувчини, терговчини фуқаровий даъвога доир ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш мажбуриятидан, судни эса фуқаровий даъвони кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Даъводан воз кечишнинг қабул қилиниши даъво бўйича иш юритишни тугатишга асос бўлади ва жиноят процессида ҳам, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳам фуқаровий даъвогарни ўша шахсга ҳудди шу асос билан даъвони қайта кўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

**283-м о д д а. Суднинг фуқаровий даъвога оид ҳукми ва ажрими**

Айблов ҳукмини чиқаришда, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки содир этган қилмишнинг хусусиятига ва ўзининг руҳий ҳолатига кўра шахс ижтимоий хавфли бўлмаган ҳолларда бундай чорани қўллагаслик ҳақида ажрим чиқаришда суд асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд уни қаноатлантиришни рад этади.

Суд оқлов ҳукмини чиқараётганда, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқараётганда фуқаровий даъвони қондиришни қуйидаги ҳолларда рад этади, башарти:

1) жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш ҳодисаси юз бермаган бўлса;

2) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг содир этилган жиноятга ёки ижтимоий хавфли қилмишга дахли йўқлиги аниқланган бўлса;

3) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг мулкий зиён келтирган ҳаракати зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса.

Судланувчи томонидан содир этилган қилмиш ижтимоий деб топилмаганлиги сабабли у оқланган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан бошқа асосларга кўра тиб-

бий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритиш тугатилганда суд даъвонинг исботланиш даражаси ва ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

Даъвонинг ҳажми жиноят тавсифига ва айбдорга жазо чораси тайинлашга таъсир этмаса, фуқаровий даъвони қаноатлантиришда суд даъво талаби чегарасидан чиқишга ҳақлидир.

Жиноят процессида кўзғатилган фуқаровий даъво қаноатлантирилмаган тақдирда даъвогар шу шахсга ва худди шу асослар бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво кўзгатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

**284-м о д д а. Жиноят нарсаларини давлат эгалигига ўтказиш**

Жиноят нарчаси бўлган мол-мулк, башарти аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади. Бу мол-мулк топилмаган бўлса, суд ҳукми билан, жиноят иши тугатилган бўлса, суднинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида чиқарган ҳал қилув қарорига кўра унинг қиймати давлат фойдасига ундирилади.

**285-м о д д а. Жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкнинг бундан буён қимматга тегишли бўлишини белгилаш**

Айбланувчи томонидан жиноий йўл билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан етказилган мулкий зиённи қоплаш учун сарфланади, зиённи қоплашдан ортган сумма эса давлат фойдасига ўтказилади.

Жиноят нарчаси бўлмиш мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тортиб олинган ва тегишлигига қараб, қайтарилган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йўли билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади. Мол-мулкни инсофли эгалловчига бу мол-мулк эгасига қайтарилиши натижасида етказилган зиённи ундириш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво кўзгатиш ҳуқуқи тушунтирилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 декабрь ЎРҚ-311-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 51-сон, 542-модда)*

**286-м о д д а. Ҳукмнинг фуқаровий даъво ва бошқа мулкий ундиришлар билан боғлиқ қисмини ижро этиш**

Ҳукмнинг ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримнинг фуқаровий даъвони қаноатлантиришга, шунингдек бошқа мулкий ундиришларга оид қисми қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ижро этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

### 34-боб. МОЛ-МУЛКНИ ЖАБРЛАНУВЧИ ЁКИ ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОГАРГА ҚАЙТАРИШ

#### 287-м о д д а. Йўқолган мол-мулкни қайтариш

Жинойят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулки эгасига қайтарилиши лозим. Жабрланувчи вафот этган тақдирда унинг мол-мулки меросхўрларига, тугатилган юридик шахснинг мол-мулки эса унинг ҳуқуқ ворисига ўтказилади.

Эгасини аниқлаб бўлмаган мол-мулк давлат эгалигига ўтказилади.

Мол-мулкни қайтариб бериш ёки уни давлат эгалигига ўтказиш суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримига асосан, иш тугатилганда эса суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

#### 288-м о д д а. Мол-мулк қийматини ундириб бериш тўғрисида даъво мавжуд бўлган тақдирда унинг бундан буён кимга тегишли бўлишини белгилаш

Жинойят содир этилиши натижасида маҳрум бўлинган ва иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкнинг мулкдори ёки қонуний эгаси бу мол-мулкдан воз кечса ва унинг қийматини ундириб бериш тўғрисида фуқаровий даъво қўзгатса, суд мол-мулкдан воз кечишни асосли деб топиб, фуқаровий даъвони қаноатлантирган ҳолда мол-мулкни маҳкумга ёки фуқаровий жавобгарга беради.

Суд мол-мулкдан воз кечишни асоссиз деб топса, даъвони қондирмайди ёки қисман қондириб, қайтариладиган мол-мулкнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шу суммани ёхуд товар кўринишини йўқотганлиги сабабли таъмирлашга қилинадиган чиқим суммасини ва товонини жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар фойдасига ундириб беради. Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар кўринишини йўқотганлик учун товон пули мутахассис ёки эксперт иштирокида аниқланади, таъмирлаш қиймати эса таъмирлашни амалга ошираётган корхона берган ҳужжат асосида аниқланади.

#### 289-м о д д а. Жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг мол-мулкни реквизиция қилиш ва мусодара этиш

Хусусий эгаликда бўлиши ман қилинган мол-мулк иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, мулкдор тўғри ёки ғайриҳуқуқий равишда қўлга киритганига қараб, у реквизиция қилинади ёки мусодара этилади, яъни мол-мулк ҳақини тўлаш ёки тўламаслик шарти билан суд томонидан бундай мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасаруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга берилади.

### 35-боб. ҲУКМНИНГ МУЛКИЙ УНДИРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚИСМИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

#### 290-м о д д а. Мол-мулкни хатлаш

Ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.

Турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, қўпурчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда – бу жойлар хатланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасаруф қилиш, зарур ҳолларда эса ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатдир.

Мулкни хатлаш суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими бўйича амалга оширилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Хатлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда у ким томонидан, қачон ва қайси иш бўйича чиқарилгани, нима мақсадда ва кимнинг мол-мулки хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланаётганда эса хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ҳукмнинг мулкий ундириш ёхуд мулкий йўсиндаги жазо қисмининг ижросини таъминловчи чораларни кўрмаган тақдирда, ишни юриятаётган суд уларга бундай чораларни кўриш мажбуриятини юклайди.

Фуқаровий даъвони қаноатлантирганда ёки бошқа мулкий ундиришларни қўллаётганда ҳукм қонуний кучга киргунига қадар, башарти олдин чора кўрилмаган бўлса, суд ҳукмнинг шу қисми ижросини таъминлайдиган чоралар кўриш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Дипломатия ваколатхоналари биноларидаги ва дипломатия вакилларига қарашли мол-мулкни хатлашда ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.

### **291-м о д д а. Мол-мулкни хатлаш баённомаси**

Суриштирувчи ёки терговчи мол-мулкни хатлаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 90–92-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда икки нафардан кам бўлмаган ҳолислар иштирокида баённома тузади. Баённомада хатланган барча мол-мулкнинг номи, ўлчови, оғирлиги, эскириш даражаси ва бошқа ўзига хос белгилари санаб ўтилиб, мол-мулкни хатлаётган шахснинг ҳаракатлари тўғрисидаги ва баённомага киритилган мол-мулкнинг учинчи шахсларга тегишлилиги ҳақидаги арзлар баён этилади. Мол-мулк олиб қўйилган тақдирда айнан ниманинг олинганлиги ва қаерга ёки қимга сақлаш учун топширилганлиги баённомада кўрсатилади.

Мол-мулкни хатлаш чоғида уни яшириш, йўқ қилиб юбориш ёки шикастлашга уринишлар қилинган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи томонидан қўлланган чоралар кўрсатилиб, баённомада акс эттирилиши лозим.

### **292-м о д д а. Мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхасини тақдим қилиш мажбурийлиги**

Мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхаси мол-мулкни рўйхатга олинган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, мол-мулк рўйхатга олинган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб тилхат олинади.

Қорхона, муассаса, ташкилот ёки дипломатия ваколатхонаси ҳудудидаги мол-мулкни рўйхатга олиш ўтказилган бўлса, мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхаси тегишли маъмурият ёки дипломатия ваколатхонаси вакилига топширилиб, қўл қўйдириб олинади.

### **293-м о д д а. Хатлаш чоғида мол-мулкни баҳолаш**

Хатланаётган мол-мулк суриштирувчи ёки терговчи томонидан унинг эскириш даражасини эътиборга олиб, баҳолаш пайтида мавжуд бўлган бозор нархида баҳоланади. Зарур ҳолларда баҳолаш мутахассис иштирокида ёки баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрь ЎРҚ–257-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда)*

Пуллар, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар ўз қиймати бўйича ҳисобга олинади. Ҳукмнинг фуқаровий даъво қисми ижросини таъминлаш учун мол-мулкни хатлашда баённомага қиймати зиёни қоплаш учун етарли мол-мулк киритилади. Бунда мулкдор ёки мол-мулк эгаси, ўзининг фикрича, қайси мол-мулкни баённомага киритиш зарур деб ҳисобласа, шу мол-мулкни кўрсатишга ҳақлидир.

### **294-м о д д а. Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш ва сақлаш**

Хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин.

Хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинади.

Муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши керак. Уларни сақлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиб қўйилмайди, лекин мол-мулк хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланок, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилади.

### **295-м о д д а. Мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш**

Оқлов ҳукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан қўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

## **Олтинчи бўлим. ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

### **36-боб. ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

#### **296-м о д д а. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти**

Жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт.

#### **297-м о д д а. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

**298-м о д д а. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими**

Жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади.

**299-м о д д а. Тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти**

Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт.

Тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

**300-м о д д а. Фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажрим**

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор – тақдимнома, суд эса хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасрат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

**Еттинчи бўлим. РЕАБИЛИТАЦИЯ**

**37-боб. РЕАБИЛИТАЦИЯ АСОСЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ**

**301-м о д д а. Реабилитация асослари**

Оқлов ҳукми, шунингдек ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар, шахсни реабилитация этишга асос бўлади.

**302-м о д д а. Реабилитация этилишнинг мулкӣ ва бошқа оқибатлари**

Реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани, ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилингани туфай-

ли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкӣ зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолларда реабилитация этилган шахснинг ушбу Кодекснинг 310-моддасида назарда тутилган меҳнат қилиш, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари ҳам тикланиши лозим.

**303-м о д д а. Қисман реабилитация этишнинг асослари ва оқибатлари**

Шахснинг қисман реабилитация этилишига қуйдагилар асос бўлади:

1) шахс қамоқда сақлаб турилганига қараганда қамроқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги;

2) ҳукмдан айблов қисман чиқариб ташланиши ва бунинг натижасида қонунга кўра қамоқда сақлаш ёки озодликдан маҳрум қилиш мумкин эмаслиги;

3) озодликдан маҳрум қилиш муддатининг юқори суд томонидан ҳақиқатда ўталган муддатга қараганда камайтирилганлиги ёхуд бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштирилганлиги;

4) жиноий жазо тайинламай ҳукм чиқарилган ҳолларда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, тиббий муассасага жойлаштиришнинг асоссизлиги.

Қисман реабилитация этиш айбланувчига ёки маҳкумга етказилган мулкӣ зиённинг асоссиз қисми қопланишига ва маънавий зиён оқибатларининг асоссиз қисми бартараф қилинишига сабаб бўлади.

**38-боб. РЕАБИЛИТАЦИЯ ЭТИЛГАН ШАХСГА ЕТКАЗИЛГАН ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ВА УНИНГ БОШҚА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТИКЛАШ ТАРТИБИ**

**304-м о д д а. Мулкӣ зиённи қоплаш ҳажми**

Реабилитация этилган шахсга ушбу Кодекснинг 302 ва 303-моддаларида кўрсатилган қонунга хилоф ҳаракатлар билан етказилган мулкӣ зиён тўла ҳажмда қопланади.

Қуйдагилар қопланиши лозим бўлади:

1) реабилитация этилган шахс ўзига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар;

2) пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса;

3) пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати;

4) суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати;

5) суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари;

6) юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига тўланган пул, шунингдек унга нисбатан содир этилган



қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа харажатлар. (6-банд Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда)

Реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда ушбу модданинг 1, 3, 4, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига унинг меросхўрлари, 2-бандида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига эса боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи оила аъзолари эга бўладилар.

### **305-м о д д а. Мулкий зиённи қоплаш манбаи**

Ушбу Кодекс 304-моддасининг 1,3,4,5 ва 6-бандларида кўрсатилган зиён молия органлари томонидан, 2-бандида кўрсатилган зиён Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ–254-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда)

### **306-м о д д а. Мулкий зиённи ундириш ҳуқуқи ва унинг миқдори масаласини ҳал қилиш**

Ушбу Кодекс 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра чиқарилган оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда (қарорда) суд, ишни тугатиш тўғрисидаги қарорда эса терговчи, прокурор реабилитация этилган шахснинг ўзига етказилган мулкий зиённи ундириб олиш ҳуқуқини эътироф этишлари лозим. Ҳукм, ажрим ёки қарорнинг нусхаси реабилитация этилган шахсга топширилади ёки почта орқали юборилади. Айни вақтда унга ҳукм, ажрим ёки қарор устидан шикоят қилиш тартиби, шунингдек мулкий зиённи қоплаш ва бошқа ҳуқуқларини тиклаб олиш тартиби тушунтирилади.

Реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган суд, прокурор ёки терговчи реабилитация этилган шахсдан ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан зиён миқдорини аниқлайди, зарурат тугилганда бунинг учун молия органларидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларидан ҳисобкитоб талаб қилиб олади. Иш кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида суд томонидан тугатилган бўлса, зиён миқдорини ҳукм чиқарган суд аниқлайди. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ–254-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда)

### **307-м о д д а. Мулкий зиённи қоплаш тартиби**

Мулкий зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Ажрим ёки қарорнинг нусхаси гербли муҳр билан тасдиқланиб, тўловни амалга ошириши лозим бўлган

органларга тақдим этиш учун реабилитация этилган шахсга, у вафот этган бўлса, ушбу Кодекснинг 304-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган шахсларга берилди ёки юборилади.

### **308-м о д д а. Тўловни амалга ошириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш**

Терговчининг, прокурорнинг пул тўловини амалга ошириш тўғрисидаги қарори устидан манфаатдор шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда ва муддатда судга шикоят қилишлари мумкин.

Суднинг тўловни амалга ошириш тўғрисидаги ажрими устидан манфаатдор шахслар юқори судга умумий тартибда шикоят қилишлари, прокурор эса протест киритиши мумкин.

### **309-м о д д а. Реабилитация этилган шахсга етказилган маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш**

Шахс ушлаб турилганлиги, қамалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинган, радио, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, реабилитация этилган шахснинг, у вафот этган бўлса, қариндошларининг, суд, прокурор, терговчининг талабига кўра тегишли оммавий ахборот воситалари унинг реабилитация этилганлиги тўғрисида бир ой ичида хабар беришлари шарт.

### **310-м о д д а. Реабилитация этилган шахснинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш**

Қонунга хилоф равишда ҳукм қилингани, қонунга хилоф равишда тиббий муассасага жойлаштирилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қонунга хилоф равишда қамоққа олингани, қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани туфайли ишдан (лавозимидан) озод қилинган ёки ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштираётган жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан қонунга хилоф равишда четлаштирилган шахс олдин ишлаган ишига (лавозимига) тикланиши лозим, корхона, муассаса, ташкилот тугатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар уни олдинги ишлаб турган ишига (лавозимига) тиклаш имкониятини бермаган тақдирда унга аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши лозим.

Реабилитация этилган шахснинг қонунга хилоф равишда эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган вақти, жазо ўтаган вақти, лавозимидан четлаштирилганлиги туфайли ишламай юрган вақти, тиббий муассасада сақланган вақти умумий меҳнат стажига ва ихтисослик бўйича иш стажига кўшилади.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлангани, ушлаб турилгани ёки тиббий муассасага жойлаштирилгани туфайли ўқув юртидан ҳайдалган шахс илтимосига кўра ўқишга тикланиши шарт.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилгани ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилгани туфайли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган

шахсга илгари у эгаллаб турган уй-жой қайтариледи, башарти уни қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, ўша аҳоли пунктининг ўзида аввалгисига тенг қулайликларга эга бўлган уй-жой бериледи.

### **311-м о д д а. Хуқуқларни даъво тартибида тиклаш**

Шахснинг меҳнат қилиш, пенсия олиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилмаган бўлса ёхуд шахс қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, у тегишли талаб билан даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

### **312-м о д д а. Талаб қилиш муддати**

Мулкий зиённи қоплаш учун пул товони тўлашни реабилитация этилган шахс ёки ушбу Кодекс 304-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар бундай тўловларни амалга ошириш ҳақидаги ажрим ёки қарорни олган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида талаб қилишлари мумкин.

Бошқа хуқуқларни тиклашни реабилитация этилган шахс хуқуқларини тиклаш тартибини тушунтирувчи билдириш хати олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида талаб қилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра бу муддат ўтказиб юборилган ҳолларда у манфаатдор шахснинг аризасига биноан терговчи, прокурор ёки суд томонидан тикланиши лозим.

### **313-м о д д а. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг мулкий ва бошқа хуқуқларини тиклаш**

Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий хуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш ушбу бобда белгиланган қоидаларга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири ва Миллий хавфсизлик хизмати раиси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **Саккизинчи бўлим. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР ВА ЧИҚИМЛАР**

### **39-боб. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР**

#### **314-м о д д а. Муддатларни ҳисоблаш**

Ушбу Кодексда белгиланган муддатлар, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланган муддатлар соатлар, суткалар ва ойлар билан ҳисобланади. Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас.

Муддатни ҳисоблашда ишдан холи вақт ҳам эътиборга олинади. Муддатлар суткалар билан ҳисоблан-

ганда муддат охири суткада соат 24<sup>00</sup> да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат охири ойнинг муддат бошланган кунига тўғри келган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойда тўғри келса, муддат шу ойнинг сўнги суткасида тамом бўлади. Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунига тугайди, ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

#### **315-м о д д а. Процессуал мажбурлов чоралари қўлланганда муддатларни ҳисоблаш**

Шахсни ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасага жойлаштиришда муддат ушбу чоралар амалда қўлланилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Ушбу Кодекснинг тегишинча 226, 245 ва 268-моддаларида кўрсатилган муддат ўтгач, шахс дарҳол озод қилиниши лозим.

Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар уни қабул қилишга ваколатли шахсга топширилган ёхуд хабар қилинган бўлса, муддатга риоя этилган деб ҳисобланади. Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар почтага топширилган бўлса, қамоқда сақланаётган ёхуд тиббий муассасадаги шахслар учун эса дастлабки қамоқ ёки тиббий муассаса маъмуриятига топширилган бўлса, муддат ўтган деб ҳисобланмайди.

#### **316-м о д д а. Муддатни узайтириш**

Ушбу Кодексда белгиланган муддатлар унда назарда тутилган ҳоллардагина узайтирилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан муайян ҳаракатни бажариш учун белгиланган муддат процесснинг манфаатдор иштирокчиси қилган илтимосга биноан муддатни белгилаган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

#### **317-м о д д а. Муддатни тиклаш**

Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тикланиши лозим. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки рад этиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Муддатни тиклашнинг рад этилиши ус-тидан умумий тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтказиб юборилгандан сўнг шикоят қилинганда ажрим ёки қарорнинг ижроси манфаатдор процесс иштирокчисининг илтимосига биноан, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ҳал қилингунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

## **40-бoб. ПPOЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАР ВА УЛАРНИ ҚOПЛАШ**

### **318-м o д д а. ПPOцессуал чиқимлар**

ПPOцессуал чиқимлар:

1) жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан;

2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;

3) экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан, ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибда бажарилган ҳоллар бундан мустасно;

4) ушбу Кодекснинг 50-моддасига мувофиқ судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдан;

5) ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;

6) экспертиза муассасарида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммадан;

7) шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан;

8) жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан иборат бўлади.

Ушбу модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларида кўрсатилган суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

### **319-м o д д а. Ўртача иш ҳақининг сақланиши**

Гувоҳ тариқасида, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида қақирладиган шахснинг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга қақирилганлиги билан боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

### **320-м o д д а. ПPOцессуал чиқимларни ундириш**

ПPOцессуал чиқимлар, ушбу модданинг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилгандан ташқари ҳолларда, маҳкумлардан ундирилади ёки давлат ҳисобига ўтказилади.

Суд процессуал чиқимларни, таржимонга тўланган суммадан ташқари, маҳкумдан ундиришга ҳақли. ПPOцессуал чиқимлар жазодан озод қилинган маҳкум, шунингдек жазо тайинланмаган маҳкум зиммасига юклатилиши мумкин.

Суд бир неча судланувчини айбли деб топган тақдирда, уларнинг ҳар биридан қанча миқдорда процессуал чиқимларни ундириш лозимлигини белгилайди. Бу ҳолда суд айбнинг оғир ёки енгиллигини, жиноят учун жавобгарлик даражаси ва маҳкумларнинг мулкий аҳолини инобатга олади.

Судланувчи оқланган ёки ушбу Кодекснинг 83-моддасига мувофиқ иш тугатилган тақдирда процессуал чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади. Судланувчи бир айблов бўйича оқланган, бошқа айблов бўйича эса айбли деб топилган бўлса, суд у айбли деб топилган айблов билан боғлиқ процессуал чиқимларни тўлашни унинг зиммасига юклайди.

ПPOцессуал чиқимлар ундирилиши лозим бўлган шахснинг тўловга моддий имконияти бўлмаган тақдирда чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади. Маҳкумнинг процессуал чиқимни тўлаши унинг қарамоғида бўлганларнинг моддий аҳолига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суд маҳкумни процессуал чиқимларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини тўлашдан озод этишга ҳақлидир. Маҳкум ҳуқуқий ёрдам учун тўловдан озод этилган тақдирда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ процессуал чиқимлар, шунингдек таржимонга бериладиган пуллар давлат ҳисобидан тўланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга қонунда белгиланган тартибда қақирилган процесс иштирокчисининг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги оқиба-тида ишнинг судда кўрилишини ёхуд тергов ҳаракатлари ўтказишни кечиктириш билан боғлиқ процессуал чиқимлар ана шу келмаган шахсдан ундирилади.

Моддий жавобгарлик: адвокат узрсиз сабабларга кўра келмагани учун тегишли адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узрсиз сабабларга кўра келмагани учун тегишли жамоат бирлашмаси ёхуд жамоага юклатилиши мумкин. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аҳборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда)*

Суд вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар юзасидан процессуал чиқимларни тўлашни вояга етмаганнинг хулқ-атвори устидан тегишли назорат йўқлигида айби бўлган тақдирда вояга етмаган маҳкумнинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга юклаши мумкин.

Жабрланувчининг шикоятни бўйича қўзғатилган иш юзасидан судланувчи оқланган тақдирда суд процессуал чиқимларни иш юритилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахсдан тўлиқ ёки қисман ундиришга ҳақлидир.

## **МАХСУС ҚИСМ**

### **Тўққизинчи бўлим. ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ**

#### **41-бoб. ЖИНОЯТ ИШНИ ҚЎЗҒАТИШ**

##### **321-м o д д а. Жиноят ишини қўзғатиш мажбурияти**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

### **322-м о д д а. Жиноят ишени кўзгатиш сабаблари ва асослари**

Жиноят ишени кўзгатиш учун:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг бевосита ўзи аниқлаши; (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишени кўзгатиш учун асос бўлади.

### **323-м о д д а. Жиноят ишени аноним хабарларга асосан кўзгатишга йўл кўйилмаслиги**

Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишени кўзгатиш учун сабаб бўла олмайди.

### **324-м о д д а. Шахсларнинг аризалари**

Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим. Башарти арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар билан текшириш чораси кўрилиши керак.

Арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлгон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Сўнгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борича сўзмас-сўз акс эттирилади. Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайдилар.

Жиноят ишени кўзгатишга ушбу Кодекснинг 113-моддасида назарда тутилган айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз сабаб бўлса, била туриб ёлгон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилмаслигини мустасно этганда, унга шахсларнинг аризаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тўғрисидаги ушбу моддада назарда тутилган барча қоидалар тааллуқлидир.

### **325-м о д д а. Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши кўзгатиш**

Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-мод-

дасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина кўзгатилади. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишени кўзгатиши шарт. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 январь ЎРҚ-317-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 1-сон, 3-модда)

Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра кўзгатилади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

### **326-м о д д а. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар жиноят тўғрисида берган хабарлар хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма ёхуд радиogramма шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиб юбориши мумкин.

### **327-м о д д а. Оммавий ахборот воситалари берган хабарлар**

Муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжагли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишени кўзгатишга сабаб бўлади.

Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига асосан ўз ихтиёрларида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт.

### **328-м о д д а. Жиноят ишени кўзгатиш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахс томонидан жиноятга оид маълумотларнинг бевосита аниқланиши**

Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши қуйидаги ҳолларда жиноят ишени кўзгатишга сабаб бўлиши мумкин:

- 1) суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни олганида;

2) терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни олганида;

3) прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни олганида;

4) (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда);

5) (5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда).

### **329-м о д д а. Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби**

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечикмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайдан бошлаб ҳамда то ишни кўзғатиш ёки кўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунигача қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунигача қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлайётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 21 декабрь ЎРҚ–237-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 552-модда)

### **330-м о д д а. Жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинадиган қарорлар**

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бе-

восита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: (биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

1) жиноят ишини кўзғатиш ҳақида;

2) ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида;

3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

### **331-м о д д а. Жиноят ишини кўзғатиш тартиби**

Ушбу Кодекснинг 322-моддасида назарда тутилган сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқаради. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

Қарорда: ишни кўзғатиш сабаблари ва асослари; Жиноят кодексининг жиноят иши кўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; бундан буён ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини ушбу ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади. (Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

Иш кўзғатилгандан кейин узоққа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамияти бўлиши эҳтимол тутилган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чоралар кўриш лозим.

### **332-м о д д а. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш**

Битта тергов ёки суд иш юритувига фақат бир неча шахснинг бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этганликда айбланишига доир ишлар ёхуд бир шахснинг бир неча жиноятни содир этганликда айбланишига доир ишлар бирлаштирилиши мумкин.

Бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ва ҳолисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади.

Тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши кўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилади.

Ишларни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилади. (Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ–123-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 502-модда)

### **333-м о д д а. Жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш**

Ушбу Кодекс 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3–7-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Суриштирувчи, терговчи жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини прокурорга юбориши. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон, 2012 йил 5 январь ЎРҚ–317-сон ва 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда; 2012 йил, 1-сон, 3-модда; 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш ушбу Кодекснинг 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)*

Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишени кўзгатишни рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилган шахс ёки вафот этган бундай шахсининг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ–277-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

### **334-м о д д а. Маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар бўйича кўриладиган чоралар**

Келиб тушган хабарда жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ёхуд ахлоқ нормалари бузилганлиги ҳақида маълумот бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш билан бир пайтда хабарни ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан маъмурий, интизомий жавобгарлик ёки жамоат таъсир чоралари қўллаш учун ҳуқуқни бузган шахс ишлайдиган ёки ўқийдиган жой маъмуриятига, унинг турар жойидаги жамоага, жамоат бирлашмасига ёки вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга, тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсга юбориши. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Келиб тушган хабарда фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари бузилганли-

ги, шунигиндек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўриқланадиган қонуний манфаатлари бузилганлиги кўзга ташланса, унда ишени кўзгатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Башарти улар маълум сабабларга кўра, суд орқали ўзларини ҳимоя қилишни сўраш имкониятига эга бўлмасалар, прокурор бундай шахсларни ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

### **335-м о д д а. Жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юбориш**

Аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишени кўзгатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туманда (шаҳарда) ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади.

### **336-м о д д а. Жиноят ишени иш кўзгатиладиганидан кейин юбориш**

Жиноят ишени кўзгатиш тўғрисида қарор чиқарилганидан кейин ишени: *(Биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

1) *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

2) прокурор – иш бўйича ушбу Кодекснинг 345-моддасига мувофиқ дастлабки тергов олиб бориш учун терговчига ёки суриштирув олиб бориш учун суриштирув органи бошлиғига юбориши ёхуд ўзи дастлабки терговни юритишга киришади;

3) терговчи – дастлабки тергов юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади;

4) суриштирув органининг бошлиғи – ишени суриштирув ўтказиш учун суриштирувчига юбориши ёки ўзи суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади;

5) суриштирувчи – суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади.

### **337-м о д д а. Жиноят ишени кўзгатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати**

Жиноят ишени кўзгатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор:

1) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят ишени кўзгатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш кўзгатишни рад қилишга;

2) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят иши кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айна вақтда иш кўзгатишга ҳақлидир. *(2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

3) (3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

### **338-м о д д а. Жиноят иши кўзгатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш**

Прокурорнинг жиноят иши кўзгатиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин. Суриштирувчи ёки суриштирув органи бошлигининг, терговчининг иш кўзгатиш тўғрисидаги қарорининг прокурор томонидан бекор қилиниши устидан ҳам худди шундай тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг иш кўзгатиши рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан прокурорга, прокурорнинг иш кўзгатиши рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг ажрими устидан эса юқори судга шикоят қилиниши мумкин.

## **42-БОБ. СУРИШТИРУВ**

### **339-м о д д а. Суриштирувнинг вазифалари**

Суриштирув:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
- 2) далилларни тўплаш ва сақлаш;
- 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;
- 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопла-нишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу мақсадда тезкор-қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидир. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 август 125-II-сон, 2001 йил 30 август 271-II-сон, 2003 йил 25 апрель 482-II-сон ва 2012 йил 5 январь ЎРҚ–317-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 7–8-сон, 217-модда; 2001 йил, 9–10-сон, 182-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 1-сон, 3-модда)

### **340-м о д д а. Суриштирувнинг бошланиши**

Суриштирувчи жиноят ишини кўзгатишдан кейин ёки прокурор ёхуд суриштирув органининг бошлиғи томонидан кўзгатиш ишни олгач, дарҳол уни ўз иш юритувига қабул қилади ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажаришга киришади.

### **341-м о д д а. Суриштирув юритиш муддати**

Жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим.

### **342-м о д д а. Суриштирувни тамомлаш**

Суриштирув жиноят ишини терговчига ўтказиш ёки ишни тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома кири-тиш тўғрисидаги тақдимнома билан бирга прокурорга юбориш билан тамомланади.

Суриштирувчи қуйидаги ҳолларда суриштирув юри-тиш муддати ўтишини кутмасдан ишни дарҳол тер-говчига ёки прокурорга ўтказиши лозим, башарти: (биринчи ва иккинчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Респу-бликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)

- 1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;
- 2) гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тар-зидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса; (2-банд Ўзбеки-стон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)
- 3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини та-лаб қилган бўлса.

Суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради.

(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)

### **343-м о д д а. Терговчининг топшириқлари, кўрсатмалари ва талабларининг суриштирувчи томонидан бажарилиши**

Терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини ба-жариш тўғрисидаги топшириқларини суриштирувчи терговчининг ижро этиш шартлари, тартиби ва муд-датлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажари-ши шарт.

Топшириқни белгиланган муддатда бажариш им-конияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтириш-ни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгарти-ришни илтимос қилади.

Терговчининг талабига асосан суриштирувчи тер-гов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шу-нингдек жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўли-ши эҳтимол тутилган ҳужжатлар ва бошқа материал-ларни танишиб чиқиш ёки ишга қўшиб қўйиш учун тақдим қилиши шарт.

Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органи-нинг бошлиғи орқали юборади.

### 43-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

#### 344-м о д д а. Даствлабки терговни олиб боришга ваколатли мансабдор шахслар

Даствлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради.

Даствлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин.

#### 345-м о д д а. Жиноят ишининг терговга тегишлилиги

Барча жиноят ишлари бўйича даствлабки тергов ўтказилиши шарт.

Жиноят кодексининг 97–103, 141–149, 175, 184<sup>1</sup>, 205–212, 215, 218–221, 230–236, 241<sup>1</sup>, 242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича даствлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 279–302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича даствлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 150–163, 182, 223, 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича даствлабки тергов миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 104–140, 164–166, 168–173, 183, 186–186<sup>2</sup>, 193–204, 213, 214, 216–217, 222, 224–229<sup>2</sup>, 243, 244, 245, 247–264, 266–278<sup>6</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича даствлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 167, 176–181, 184, 185–185<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188–192, 244<sup>1</sup>–244<sup>3</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича даствлабки тергов ишни кўзгатган орган томонидан олиб борилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 сентябрь ЎРҚ–181-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 390-модда)*

Жиноят кодексининг 237–241-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича даствлабки тергов ушбу иш кўзгатилишига сабаб бўлган жиноят қайси органнинг терговига тегишли бўлса, ўша орган томонидан олиб борилади.

Терговни олиб боришда бошқа даствлабки тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритаётган даствлабки тергов органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги билан терговни тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Турли даствлабки тергов органлари терговига тегишли жиноят ишлари битта иш юритувига бирлаштирилганда, прокурор терговни олиб боришни огирроқ жиноят тўғрисидаги жиноят ишининг терговига қайси

органга тегишли бўлса, шу органга, жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси тенг бўлганда эса жиноят ишини узокрок муддат давомида тергов қилаётган органга топширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳолларда асослантирилган қарорга биноан жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, бир даствлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли:

1) агар жиноят ишининг терговига тегишли бўлган орган жиноятни ҳисобга олишдан илгари яширган бўлса;

2) жиноят ишининг терговига тегишли бўлган органининг раҳбари ёки раҳбарнинг яқин қариндоши иш юзасидан жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи, фуқаровий даъвогар ёхуд фуқаровий жавобгар деб топилган бўлса;

3) айбсизлиги аён бўлган шахс айбланувчи тариқасида жалб этилганда ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида олдиндан била туриб қонунга хилоф равишда илтимоснома кўзгатирилганда;

4) даствлабки терговни олиб боришда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қўлланилганда;

5) терговнинг натижаларига ва иш бўйича қонуний қарор қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тарзда ушбу Кодекс талаблари бузилганда.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрь ЎРҚ–221-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 38-сон, 415-модда)*

#### 346-м о д д а. Худудий жиҳатдан терговга тегишлилик

Жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (шаҳар) терговчисининг терговига тегишли бўлади.

Даствлабки тергов, башарти иш ҳолатларини анча тез, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ёрдам берса, иш кўзгатирилган жойда ёки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ёки гувоҳларнинг кўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин.

Юқори турувчи прокурор ёки юқори тергов бўлини маси бошлигининг фармойишига асосан даствлабки тергов худудий жиҳатдан терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда олиб борилиши ҳам мумкин.

#### 347-м о д д а. Терговчининг топшириқларини бажариш

Ҳар бир терговчи ўз юритувида бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикасининг худудидида исталган жойда бирор тергов харакатини шахсан ўзи бажаришга ёхуд уни ўтказишни бошқа терговчига ёки суриштирувчига топширишга ҳақлидир.

Терговчининг топширигида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати кўрсатилади. Терговчининг топширигини бу муддат ичида ижро этишининг иложи бўлмаса, топшириқ олган шахс топшириқ берган терговчига топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда, телеграмма ёки телефо-



нограмма орқали хабар қилади ва унинг кўрсатмаларига биноан топшириқни бажаришни давом эттиради.

### **348-м о д д а. Жиноят ишини бошқаларга ўтказиш**

Жиноят ишини бир тергов бўлини доирасида бир терговчидан бошқа терговчига ўтказиш шу тергов бўлини масининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ишни бир тергов бўлини масидан бошқасига ўтказиш юқори тергов бўлини масининг бошлиғи томонидан прокурор розилиги билан амалга оширилади.

Ишни бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади.

### **349-м о д д а. Дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки**

Терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда у жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш холисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ татбиқ этилади.

### **350-м о д д а. Дастлабки терговнинг бошлаши**

Терговчи жиноят ишини кўзғатиб, уни ўз иш юритувига олади ва бу ҳақда иш кўзғатилганлиги тўғрисидаги қарорга ёзиб қўяди. Башарти терговчига олдин кўзғатилган иш берилган бўлса, у ишни ўз юритувига олганлиги тўғрисида қарор чиқаради, шундан сўнг дастлабки терговни бошлайди.

### **351-м о д д а. Дастлабки тергов муддатлари**

Дастлабки тергов жиноят иши кўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узоқроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олинади ва қўшимча равишда ҳисобга олинмайди.

Алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати, агар жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади. Қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга аж-

ратилган бўлса, ўша жиноят иши кўзғатилган пайтдан эътиборан ҳисобланади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ–123-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 502-модда)*

Иш айблов ҳулосаси билан, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома билан прокурорга топширилган кун ёхуд ишни тугатиш ҳақида қарор чиқарилган кун дастлабки тергов тамомланган ҳисобланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)*

Дастлабки тергов муддатига қуйидагилар кирмайди:

1) айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиққан вақт;

2) дастлабки тергов тўхтатиб турилган вақт;

3) қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган иш терговчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган дастлабки тергов муддати тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик дастлабки тергов муддати фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари томонидан етти ойгача ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Суд ишни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юргизаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш иш судга берилгунга, тўхтатиб турилгунга ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади.

Тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топширади. Прокурор ўз устхати билан илтимосномани қаноатлантиради ёки дастлабки терговни тамомлаб, ишни судга юбориш тўғрисида кўрсатма беради ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

### **352-м о д д а. Тергов ҳаракатларини ўтказишда холисларнинг иштироки**

Дастлабки терговда олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтка-

зиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади.

Башарти бир тергов ҳаракатини бир неча терговчи ёки терговчи ва у раҳбарлик қилаётган суриштирувчилар бир пайтнинг ўзида турли хоналарда ёки биридан анча узоқ жойларда ўтказаетган бўлсалар, ҳар бир терговчи ва суриштирувчи ҳузурида доимо камида икки нафар холис иштирок этиши лозим.

Фуқаро терговчининг қонуний талабларини ва таклифларини бажаришдан бош тортаётганлигини ёки терговчига қаршилик кўрсатаётганлигини ёхуд дастлабки тергов юритиш тартибига тўғри келмайдиган бошқа ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар қилаётганини тасдиқлаш учун ҳам холислар таклиф қилинадилар. Ушбу Кодекснинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **353-м о д д а. Жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти**

Терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган деб эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин. Тилхатда, шунингдек мазкур мажбуриятни бузганлик учун Жиноят кодексининг 239-моддасига биноан жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириш ҳам акс эттирилади. (*Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда*)

Ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти гумон қилинувчи ва айбланувчи зиммасига юкланиши мумкин эмас.

Ҳимоячининг ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти унинг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан бўладиган суҳбатига тааллуқли эмас.

### **354-м о д д а. Дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш**

Жиноят иши кўп меҳнат талаб этса, жуда мураккаб ёки ўта долзарб бўлса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи шу иш бўйича дастлабки тергов юритишни доимий ёки махсус тузилган тергов гуруҳига топшириши мумкин. Бундай топшириқ ҳақида қарор чиқарилиши лозим бўлиб, унда тергов гуруҳининг раҳбари ва аъзолари кўрсатилади. Башарти дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш тўғрисидаги қарор жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарор билан айна бир вақтда қабул қилинган бўлса, иккала масала бир қарорнинг ўзида баён этилади. Гуруҳ таркибида ўзгаришлар бўлганда ва гуруҳ раҳбари ўзгартирилганда ҳам қарор чиқарилади.

### **355-м о д д а. Терговчилар гуруҳи раҳбарининг ваколатлари**

Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи жиноят ишини ўз юритишига қабул қилиб олади ва дастлабки терговнинг умумий йўналиши ва пировард натижаси учун, шунингдек жиноят процессининг шу босқичида бажариладиган ҳар бир ҳаракат ва қарорнинг қонуний ҳамда асосланган бўлиши учун тўла жавобгар бўлади.

Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи:

1) ишни ўзи раҳбарлик қилаётган терговчиларга тақсимлаб беради, уларнинг ҳар бири бажарадиган иш қисми ёки тергов йўналишини белгилайди, айрим тергов ҳаракатлари бажаришни топшириб, уларни ижро этиш муддатини белгилайди;

2) шахсан ўзи тергов ҳаракатларини бажаради ва раҳбарлиги остидаги терговчилар ўтказаетган айрим тергов ҳаракатларида иштирок этади;

3) қарорлар чиқаради, шу жумладан шахсни ишда айбланувчи тарқиқасида иштирок этишга жалб қилиш, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимосномалар кўзғатиш, ишни тўла ёки унинг бирор қисмини тугатиш ёхуд тўхтатиш ҳақида қарорлар чиқаради; (*3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда*)

4) прокурорнинг кўрсатмалари ижро этилишини таъминлайди, ушбу Кодекс 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишни ўз эътирозлари билан бирга юқори турувчи прокурорга юборади;

5) суриштирув органига тергов ва қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида топшириқлар ва кўрсатмалар беради, шунингдек ундан терговчилар бажараётган тергов ҳаракатларини ўтказишда ёрдам беришни талаб қилади, ўз топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат қилиб боради;

6) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чоралари тўғрисида тақдимномалар юборади;

7) айблов хулосасини тузади ёки тиббий йўсиндаги мажбурув чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва тасдиқлаш учун уларни иш билан бирга прокурорга юборади ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома киритади. (*7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда*)

### **356-м о д д а. Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар**

Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар гуруҳ раҳбари бўлган терговчи топшириқларини, кўрсатмаларини бажарадилар ва бу тўғрида уни хабардор қиладилар.

Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар томонидан бажарилган тергов ҳаракатларининг натижалари жиноят ишини юритишга қабул қилиб олган терговчи бажарган ҳаракатнинг натижалари билан бир хил аҳамиятга эгадир.

Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи гуруҳ раҳбари бўлган терговчининг топширигини, кўрсатмасини қонунга хи-

лоф ёки асоссиз деб ҳисобласа, бу ҳақда у гуруҳ раҳбарига ўз эътирозларини билдиради. Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи бу эътирозларни кўриб чиқиб, топшириқни ёки кўрсатмани бекор қилади ёки уни ижро этиш учун бошқа терговчига беради ёхуд ўзи тегишли тергов ҳаракатини бажаради. Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи ўз эътирозлари бўйича терговчилар гуруҳининг раҳбари қабул қилган қарорга рози бўлмаса, назорат олиб борувчи прокурорга ўз эътирозларини етказди, прокурор узил-кесил қарор қабул қилади.

### **357-м о д д а. Тергов ҳаракатининг бир неча терговчи томонидан бажарилиши**

Муайян шароитларда ва мақсадларда кўздан кечириш, тинтув, эксперимент ёки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда унинг иштирокчилари айни бир вақтда турли биноларда бўлишлари ёки бир-бирларидан анча масофага узоқлашишлари, шунингдек башарти тергов ҳаракатларини юритишда бир қанча иштирокчиларни ёки ҳозир бўлган шахсларни кузатиш таъминланиши лозим бўлиб қолса, тергов ҳаракатларини бир неча терговчи ёки терговчининг ўзи унга ёрдам бераётган суриштирувчилар билан амалга ошириши мумкин. Бунда терговчилардан бири қолган терговчилар, суриштирувчилар ва бошқа тергов ҳаракати иштирокчилари фаолияти устидан раҳбарлик қилади.

### **358-м о д д а. Терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят бериш**

Терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят тергов бўлини маси бошлиғига ва ишни тергов қилишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат олиб бораётган прокурорга берилади.

Прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят юқори турувчи прокурорга берилади.

### **44-бoб. ЖИНОЯТ ИШИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ВА АЙБЛАНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ**

#### **359-м о д д а. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари**

Шахс ушбу Кодекснинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади.

#### **360-м о д д а. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор**

Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш кўзгатишга қадар ушланган бўлса ва ушбу Кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш кўзгатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

Қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Жиноят кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда тутилгани, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари кўзгатилмаган бўлса, жиноят ишини кўзгатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор кўрсатилиши керак.

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўрок қилингунига қадар эълон қилинади. Айни вақтда унга ушбу Кодекснинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

#### **361-м о д д а. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор**

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговчи ёки прокурор қарор чиқаради, унда:

1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, ойи ва йили;

2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;

3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айблаганда, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши лозим.

#### **362-м о д д а. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш**

Башарти тергов ўтказиш чоғида дастлабки айбловни қайта кўриб чиқишни тақозо этадиган янги далиллар тўпланган бўлса ёки дастлабки айбловнинг ноаниқлиги ёхуд юридик тавсифи нотўғрилиги маълум бўлиб қолса, дастлабки айблов ўзгартирилиши, қисман тугатилиши ёки тўлдирилиши лозим. Бу ҳақда терговчи қарор чиқаради ва унда айбловнинг янги мазмунини баён қилади.

Ушбу Кодекснинг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган айбланувчини реабилитация этиш учун асос бўладиган ёки ишни юритиш учун монелик қиладиган ҳолатлар аниқланса, айблов тугатилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси)*

қаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)

Айбловни тугатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради. Бир йўла шу қарор билан терговчи айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси, мулкни хатлаш, лавозимдан четлаштириш чораларини бекор қилади ва шахсга айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга қонунсиз жалб қилинганлиги сабабли кўрган зиёнларини ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради. Қарорнинг нусхаси шу шахсга дарҳол тақдим қилиниши ёки юборилиши лозим.

### **363-м о д д а. Тугатилган айбловни қайта тиклаш**

Башарти Жиноят кодекси ёки ушбу Кодекс нормаларини қўлланишдаги хатолар натижасида иш тугатилган бўлса, шунингдек айбланувчининг айблилигини кўрсатувчи янги далиллар аниқланса, тугатилган айблов қайта тикланиши мумкин. Бундай ҳолларда, шунингдек айбловни нотўғри тугатиш одил судловга қарши қаратилган жиноятнинг ёки айбланувчи томонидан ёхуд айбланувчининг илтимоси ёки розилиги билан ҳаракат қилган ўзга шахс томонидан далилларни қалбакилаштириш, яшириш ёхуд йўқ қилиб юборишнинг оқибати бўлса, айблов Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддати ичида қайта тикланиши мумкин.

## **45-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ**

### **364-м о д д а. Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби**

Дастлабки тергов:

- 1) иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;
- 2) айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;
- 3) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга қилиниши таъминлаш имконияти бўлмаса;
- 4) айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Дастлабки тергов ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар юзага келган вақтдан бошлаб тўхтатилади. Лекин дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар терговчи айбланувчи йўқлигида бажариш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини бажариши шарт.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокуратурага юборади.

### **365-м о д д а. Қидирув эълон қилиш**

Айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса унга нисбатан қидирув эълон қилиши шарт.

Терговчи фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга ҳақли.

Қидирув дастлабки тергов ўтказилаётганида ҳам, шунингдек дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ҳам эълон қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 242 ва 243-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда қидирилаётган айбланувчи топилган тақдирда, суднинг ажрими билан унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ўРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)

Қидирилаётган айбланувчи ушланган тақдирда у ушланган жойдаги прокурор ушланган шахснинг қидирилаётган айбланувчи эканлигини аниқлаши ва қамоққа олиш учун қонуний асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

### **366-м о д д а. Айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки терговни тўхтатиш**

Суд-тиббий эксперти ёки психиатр-эксперт айбланувчининг касалини жиноят ишини юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаллик деб топса, иш бўйича дастлабки тергов айбланувчи соғайгунга қадар тўхтатилади.

Бундай ҳолда айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чораси терговчи томонидан ушбу Кодекснинг 236–254-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда сақлаб қолиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

### **367-м о д д а. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган ҳолларда дастлабки терговни тўхтатиш**

Барча тергов ҳаракатлари бажариб бўлинганидан кейин ҳам жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаса, иш юритишни тўхтатиш мумкин.

Бундай ҳолларда терговчи суриштирув органи орқали айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли тўхтатилган иш Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетгач, тугатилиши лозим.

### **368-м о д д а. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган тақдирда дастлабки терговни тўхтатиш**

Айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги аниқланган бўлса ва бу ҳол дастлабки тергов ҳаракатларида унинг ҳозир бўлишини таъминлаш имконини бермаса, барча тергов ҳаракатлари бажарилганидан кейин иш бўйича дастлабки терговни ўтказиш тўхтатилади.

### **369-м о д д а. Даствлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор**

Жиноят иши бўйича даствлабки тергов терговчининг қарори билан тўхтатилади. Бу қарорда ишнинг моҳияти ҳамда терговни тўхтатиш асослари, ушбу Кодекс 364-моддасининг биринчи қисмидаги 2, 3 ва 4-бандларда назарда тутилган ҳолларда эса айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳам кўрсатилади.

Терговчи даствлабки терговни тўхтатгач, бу ҳақда жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ёки уларнинг вакилларини хабардор қилади.

### **370-м о д д а. Терговчининг даствлабки тергов тўхтатилгандан кейинги ҳаракатлари**

Терговчи даствлабки терговни тўхтатиш асосларига қараб ички ишлар органлари ва бошқа ваколатли органлардан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш, яшириниб юрган айбланувчиларни қидириб топиш учун кўрилаётган чоралардан мунтазам хабардор бўлиб туради ва шу мақсадда ўзи сўров хатлари юборади, маълумотлар ва тушунтирувлар олади, жамоатчиликнинг ёрдамидан фойдаланади ёхуд айбланувчининг даствлабки терговнинг тўхтатилишига сабаб бўлган касаллигидан вақти-вақти билан хабардор бўлиб туради. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолларда терговчи жиноят содир этишда айбланаётган ва бошқа давлатлар ҳудудидан яшириниб юрган шахсларни ушлаб беришни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ чоралар кўради.

Даствлабки тергов тўхтатилгандан кейин ва у қайта тиклангунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказилишига йўл қўйилмайди.

### **371-м о д д а. Тўхтатилган жиноят иши бўйича даствлабки терговни қайта тиклаш**

Тўхтатилган жиноят иши бўйича даствлабки тергов:  
1) терговни тўхтатиш учун асос тариқасида ушбу Кодекснинг 364-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганда;

2) иш бўйича айбланувчининг иштирокисиз бажарилиши мумкин бўлган қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати тугилганда қайта тикланади.

Даствлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қонунга номувофиқ бўлса, прокурор уни бекор қилиши ва даствлабки терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Терговчи даствлабки терговнинг қайта тикланганлиги ҳақида прокурорга дарҳол хабар қилади.

Иш юзасидан даствлабки тергов қайта тикланиши билан бир пайтда даствлабки терговнинг ўтиш муддати ҳам тикланади. Тергов муддатининг кейинчалик узайтирилиши даствлабки терговни тўхтатишдан олдин ўтган тергов муддатини эътиборга олган ҳолда ушбу Кодекснинг 351-моддасига биноан амалга оширилади.

### **46-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТАМОМЛАШ**

#### **372-м о д д а. Даствлабки терговни тамомлаш турлари**

Даствлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиш, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ўрқ-193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)

#### **373-м о д д а. Жиноят ишини тугатиш**

Жиноят иши ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади.

Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлганда, жиноят ишини тугатиш ушбу Кодекснинг 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ўрқ-193-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)

#### **374-м о д д а. Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор**

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида:

1) жиноят ишини кўзғатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларга қўйилган айб ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, башарти бу шахсларга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

3) жиноят ишини тугатиш асослари;

4) бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

5) ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос қилинган бўлса;

6) фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари баён қилинади. (6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Қарорнинг хулоса қисмида:

1) жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги;

2) гумонни ёки айбловни олиб ташлаш тўғрисидаги;

3) эҳтиёт чораларини, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини, шунингдек фуқаровий даъво ни таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисидаги; (учинчи қисмнинг 3-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда*)

4) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар баён қилинади.

Терговчи ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган, бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига, худди шунингдек иш корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабари билан қўзғатилган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот вакилига ёхуд фуқарога хабар қилади. Айтилган вақтда уларга ишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилади.

*(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсга нисбатан иш тугатилганда терговчи бу ҳақда етти кунлик муддат ичида ёзма тарзда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қилади.

### **375-м о д д а. Жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқини таъминлаш**

Терговчи тўпланган далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топганидан кейин айбланувчи ва ҳимоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилади, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишга доир ҳуқуқларини тушунтиради ва танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Башарти иш тугатилган бўлса, терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиб ҳуқуқи ҳақида гумон қилинувчини, айбланувчини ва ҳимоячини хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов хулосаси билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар қилади, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Сўнг терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун уларга ишни тақдим этади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳолислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг ҳимоячиси ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг

вакили узрли сабабларга биноан белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилади.

### **376-м о д д а. Жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш тартиби**

Терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилдаги ҳужжатларни рўйхат қилган тарзда тақдим этади.

Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишиб чиқиш атайлаб чўзишга уринаётган бўлсалар, терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиб чиқиш учун муайян муддат белгилашга ҳақлидир.

Иш билан танишиб чиқаётган шахс ишдаги ҳужжатлардан кўчирмалар ёзиб олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговчи ишдаги материаллар билан танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади.

Иш билан танишиб чиққандан кейинги оғзаки илтимосларни терговчи баённомага киритади. Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома бериши мумкин, бу ҳақда баённомада ёзиб қўйилади.

### **377-м о д д а. Илтимослар қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

Айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишга ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан кўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини аниқлайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Тарафларнинг аризасига биноан илтимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч сутка доирасида вақт берилиши мумкин. Терговчи илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида аризага хабар беради.

Аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққанидан кейин икки сутка ичида прокурорга рад этилганлик устидан шикоят қилиши мумкин.

### **378-м о д д а. Илтимос қондирилгандан кейин жиноят иши билан қайта таништириш**

Терговчи илтимос қондирилгандан кейин, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишидан қатъи назар, айбланувчи, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар,

фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имкониятини беради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

### **379-м о д д а. Айблов хулосаси**

Айбланувчи ва унинг ҳимоячисини жиноят ишидаги барча материаллар билан таништириб бўлгач, терговчи, башарти ишни судга юбориш учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги фикри ўзгармаган бўлса, айблов хулосаси тузади.

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Айблов хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Айблов хулосаси қаерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, терговчи томонидан имзоланади.

### **380-м о д д а. Айблов хулосасига иловалар**

Айблов хулосасига терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамоқда сақланганлиги тўғрисидаги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, суд чикимлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хулосалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг тахаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин.

### **381-м о д д а. Жиноят ишининг прокурорга юборилиши**

Терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади.

## **47-БОБ. СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ**

### **382-м о д д а. Прокурорнинг ваколатлари**

Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида:

суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади;

суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга ҳилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади; *(учинчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади; *(учинчи қисмнинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади; *(учинчи қисмнинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ-193-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)*

суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни, суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар қўриш тўғрисида кўрсатмалар беради; (учинчи қисмнинг саккизинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда*)

суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ушбу Кодексга мувофиқ ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади; (учинчи қисмнинг тўққизинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 сентябрь ЎРҚ-181-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 390-модда*)

тинтув ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органи ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради; (учинчи қисмнинг ўнинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда*)

дастлабки тергов муддатларини ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда узайтиради; (учинчи қисмнинг ўн биринчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда*)

ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

жиноят ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказиши; (учинчи қисмнинг ўн учинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 сентябрь ЎРҚ-181-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 390-модда*)

суриштирувчини ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

жиноят ишлари кўзғатади ёки уларни кўзғатишни рад этади, ишларни тугатади ёхуд юритилишини тўхтади; қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради; айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишларни судга юборади.

Прокурорнинг ушбу Кодексда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов орган-

ларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни кўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

### **383-м о д д а. Кўп воқеали жиноят ишлари бўйича прокурорнинг ваколатлари**

Прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айбловнинг айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўпланган далилларни айблов хулосаси тузиш учун етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақли.

### **384-м о д д а. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар**

Прокурор ёки унинг ўринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва:

1) айбланувчи зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини;

2) қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослантирилган-асослантирилмаганлигини;

3) айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов мазмунига киритилган-киритилмаганлигини;

4) жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган-қилинмаганлигини;

5) айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор-йўқлигини;

6) айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлигини;

7) эҳтиёт чораси тўғри ёки нотўғри танланганлигини;

8) фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари қўрилган-қўрилмаганлигини; (*8-банд Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда*)

9) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари қўрилган-қўрилмаганлигини;

10) тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилган-ўтказилмаганлигини, барча важлар текширилганлигини ва ҳимоянинг илтимосномалари қўриб чиқилганлигини; (*10-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда*)

11) айблов хулосаси ушбу Кодекснинг 379 ва 380-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилган-тузилмаганлигини;

12) суриштирувчи ва терговчи ушбу Кодекснинг бошқа талабларига риоя қилган-қилмаганлигини текшириши шарт.



### **385-м о д д а. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори**

Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят ишини кўпи билан беш суткада кўриб чиқиши ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт:

- 1) ишни судга юбориш учун асослар мавжуд деб топиб, айблов хулосасини тасдиқлаш;
- 2) ўз қарори билан айблов мазмунидан айрим бандларни чиқариб ташлаш, енгилроқ жиноятни назарда туғувчи қонунни қўллаш ва шу ўзгартиришлар билан айблов хулосасини тасдиқлаш;
- 3) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз кўрсатмалари билан терговчига қайтариш;
- 4) ишни юритишни тўхтатиш;
- 5) ишни тугатиш;
- 6) амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш. *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ-193-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)*

Башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради.

### **386-м о д д а. Эҳтиёт чораси тўғрисида қарор**

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари эҳтиёт чорасини ўз қарори билан бекор қилишга, ўзгартиришга ёки илгари эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, шундай чорани татбиқ этишга ҳақлидир. Бунда ушбу Кодекснинг 28-бобидаги қоидалар қўлланилади.

### **387-м о д д а. Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини ўзгартириш**

Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори билан қисқартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир. Бунда айбланувчилар, муомала лаёқатига эга бўлган жабрланувчилар, вояга етмаган айбланувчиларнинг қонуний вакиллари, шунингдек фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан тушириб қолдирилиши мумкин эмас. Дастлабки терговда гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаган ва эксперт сифатида хулоса бермаган шахслар рўйхатга қўшимча қилиб киритилиши мумкин эмас.

### **388-м о д д а. Жиноят ишини судга юбориш**

Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборди. Шу судга иш билан бирга суд мажлисида текшириш ва ҳал этиш учун барча илтимослар ва шикоятлар юборилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикаси-*

*нинг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Прокурор ёки унинг ўринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва химоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дархол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади. Айни вақтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига ва химоячига айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловага ўзгартишлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади.

Агар айбланувчи қамоқда сақланаётган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар прокурорнинг топширигига кўра унга қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан улар келиб тушган куни тилхат олиб топширилади, тилхат ҳужжатлар топширилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

## **Ўнинчи бўлим. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ**

### **48-БОБ. СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК**

#### **389-м о д д а. Жиноят ишларининг судловга тегишлилиги**

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми, 118-моддасининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158-моддалари, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161-моддалари, 210-моддасининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 244-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 апрель ЎРҚ-141-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 84-модда)*

Ҳарбий судлар судловига тегишли ишлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига ўта мураккаб ва аҳамиятли ишлар тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси ушбу мод-

данинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек округ ёки ҳудудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**390-м о д д а. Юқори суднинг ўзи кўриши учун қуйи суд судловига тегишли жиноят ишини олиш ҳуқуқи**

Юқори суд қуйи суд судловига тегишли ҳар қандай жиноят ишини биринчи инстанция суди тариқасида ўзи кўриш учун олишга ҳақлидир.

**391-м о д д а. Жиноят ишининг ҳудудий жиҳатдан судловга тегишлилиги**

Жиноят иши жиноят содир этилган жойдаги судда кўрилади.

Жиноят содир этилган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, иш дастлабки тергов тамом бўлган ҳудуддаги суд томонидан кўрилади.

Узоққа чўзилган ёки давомли жиноятларга доир ишлар жиноят қайси ҳудудда тамомланган ёки тўхта-тилган бўлса, шу ҳудуддаги суднинг судловига тегишли бўлади.

**392-м о д д а. Жиноят ишлари бирлаштирилганда уларнинг судловга тегишлилиги**

Бир неча шахсни турли ҳудудларда содир этган жиноятлари учун айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари, шунингдек бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари бирлаштирилганда, агар бу ишлар бир хил даражадаги икки ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, иш дастлабки тергов қайси ҳудудда тамомланган бўлса, шу ҳудуддаги суд томонидан кўрилади.

Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларнинг судловига тегишли бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлса, бундай ишлар юқори суд томонидан кўрилади.

Башарти иш бўйича бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айблансалар ва бу шахслардан лоақал бири ёки жиноятлардан бири ҳақидаги иш ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ва барча шахсларга доир иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

**393-м о д д а. Жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра ўтказилиши**

Жиноят иши тўла, холисона ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш мақсадида ишни бир суддан бошқа судга юқори суд раиси қарори билан ўтказиш мумкин.

Ишни бошқа вилоятдаги ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги судга ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси томонидан ҳал этилади.

Башарти судья жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида иш мазкур суднинг судловига тегишли эмаслигини аниқласа, ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ишнинг ўтказилишга фақат иш суд мажлисида кўри-ла бошлангунга қадар йўл қўйилади.

Иш шу даражадаги бошқа суднинг судловига тегишли экани суд мажлисида маълум бўлиб қолса, ишнинг ҳолатларини тўла текширишга зарар етказмайдиган бўлса, суд ишни кўришни давом эттираверади, акс ҳолда суд ишни судловга тегишлилигига кўра бошқа судга юбориб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

Суд ўз мажлисида ишнинг юқори суд ёки ҳарбий суд судловига тегишлилигини аниқлагач, уни тегишли судга юбориб, бу хусусда ажрим чиқаради.

Юқори суднинг суд мажлисида кўрила бошланган ишни қуйи судга юборишга йўл қўйилмайди.

**394-м о д д а. Судловга тегишлилик хусусида тортишувга йўл қўйилмаслиги**

Судловга тегишлилик хусусида судлар ўртасида баҳс бўлишига йўл қўйилмайди. Ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда бир суддан бошқа судга юборилган жиноят иши албатта кўриб чиқиш учун қабул қилиниши лозим.

**49-БОБ. ЖИНОЯТ ИШНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ**

**395-м о д д а. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёхуд бошқача қарор қабул қилиш тартиби**

Судья жиноят ишини айблов ҳулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради:

- 1) ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;
- 2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- 3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш, судга келиб тушган кундан бошлаб, етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

**396-м о д д а. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар**

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим:

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми;
- 3) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми;
- 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;
- 6) жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарни қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми; *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*
- 7) айблов ҳулосаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилганми.

### **397-м о д д а. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарор**

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда:

- 1) қачон ва қаерда чиқарилгани;
- 2) судьянинг лавозими ва фамилияси;
- 3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, Жиноят кодексининг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси;
- 4) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги ҳулоса;
- 5) судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор;
- 6) суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячининг иштироки;
- 7) суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилиши лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

### **398-м о д д а. Мулкий зарарни қоплашни таъминлаш чоралари**

Судья дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

### **399-м о д д а. Жиноят ишини юретишни тўхтатиш**

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишни юретишни тўхтатиш ва унга нисбатан кидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради, ушбу

Кодекс 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Аини чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза ҳулосаси билан тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишни юретишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

### **400-м о д д а. Тўхтатилган жиноят ишини прокурорга ўтказиш**

Ушбу Кодекс 399-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юретишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

### **401-м о д д а. Жиноят ишини тугатиш**

Ушбу Кодекснинг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади. Шу билан бирга суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар масаласини ҳал этади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Суд ушбу Кодекс 84-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳақлидир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

Ишнинг тугатилгани тўғрисида айбланувчи ва жабранувчига хабар берилади.

### **402-м о д д а. Процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш**

Судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинлангандан сўнг прокурор, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек судланувчи, жабранувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, башарти улар дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлсалар, ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишларига имконият яратиши шарт.

### **403-м о д д а. Суд мажлисига чақириш**

Судья ўз қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради, уларга чақирув қоғози топширилишини таъминлайди, шунингдек суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чораларни кўради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

**404-м о д д а. Суднинг жиноят ишени кўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажримни устидан шикоят бериш ва протест билдириш**

Суднинг жиноят ишени кўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажримни устидан айбланувчи, жабрланувчи хусусий шикоят бериши ва прокурор хусусий протест билдириши мумкин.

**405-м о д д а. Суд мажлисида жиноят ишени муҳокама қилиш муддати**

Жиноят ишени судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишени кўришни бошлаши лозим.

Жиноят ишени судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

Жиноят ишени кўриш тўхтатиб турилган вақт ишени муҳокама қилиш муддатига кирмайди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси томонидан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроқга узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Биринчи инстанция судининг ажримига асосан беш ойгача бўлган бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва олти ойгача бўлган шундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-И-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда; 2004 йил 1–2-сон, 18-модда)*

**50-БОБ. СУД МУҲОКАМАСИНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ**

**406-м о д д а. Жиноят ишени муҳокама қилиш чоғида суд таркибининг ўзгармаслиги**

Ҳар бир жиноят иши бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим.

**407-м о д д а. Захирадаги халқ маслаҳатчиси**

Башарти ишни муҳокама қилиш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, ишда захирадаги халқ маслаҳатчиси қатнашиши мумкин бўлиб, у ишни муҳокама қилиш бошланган пайтдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлади ва судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади, суд маслаҳатлашувларида ва иш бўйича қарор чиқариш вақтида қатнашиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Халқ маслаҳатчиси суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда захирадаги халқ маслаҳатчиси унинг ўрнини эгаллайди ва ишни муҳокама қилиш давом этади.

**408-м о д д а. Суд мажлисида раислик қилувчи**

Суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади.

Раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилади, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳамма чораларни кўради, кўрилатган ишга алоқаси бўлмаган ҳолатларни суд муҳокамасига киритмайди.

Раислик қилувчи суд мажлиси залида тартибга риоя қилинишини таъминлайди. Унинг фармойишлари тарафлар ва барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир.

Тарафлардан ёки бошқа шахслардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатларига эътироз билдирган тақдирда бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

**409-м о д д а. Суд муҳокамасида прокурорнинг иштироки**

Прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради, Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради.

Прокурор давлат айбловини қувватлар экан, ушбу Кодекснинг, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунларининг талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга асосланган ўз ишончига амал қилади.

Суд тергови маълумотлари асосида прокурор судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, у бу ҳақда судга асослантилган баёнот бериши шарт.

Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт.

Прокурор айбловнинг мазмунини ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш сабаблари хусусидаги фикрини судга ёзма равишда тақдим этиши шарт.

Прокурор, башарти фуқароларнинг ҳуқуқларини ва жамият манфаатларини муҳофаза этиш мақсадлари талаб қилса, даъво кўзгатади ёки жабрланувчи томонидан кўзгатирилган фуқаровий даъвони қувватлайди.

Прокурор жиноят ишларини кўришда ёки ҳукмни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ёхуд ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда бошқа масалаларни ҳал этишда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида иштирок этади. *(Еттинчи қисм Ўзбекис-*

тон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)

#### **410-м о д д а. Суд муҳокамасида судланувчининг иштироки**

Биринчи инстанция судининг мажлисида жиноят иши судланувчининг иштирокида муҳокама қилинади, судланувчининг судга келиши шарт.

Судланувчи суд мажлисига келмаса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Судга келмаган судланувчини суд мажбурий келтиришга, шунингдек унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ёки эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ҳақлидир.

Ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у ушбу Кодекс 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса, йўл қўйилиши мумкин.

#### **411-м о д д а. Жабрланувчининг суд мажлисига келмаслиги оқибатлари**

Жабрланувчи суд мажлисига келмаса, суд жабрланувчининг иштирокисиз ишдаги барча ҳолатларни тўла аниқлаш ҳамда унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигига қараб, жиноят ишини муҳокама қилиш ёки кейинга қолдириш масаласини ҳал этади.

Жабрланувчи суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд уни мажбурий келтириш ҳақида ажрим чиқаради.

#### **412-м о д д а. Прокурорнинг, ҳимоячининг, жамоат айбловчисининг, жамоат ҳимоячисининг суд мажлисига келмаслиги оқибатлари**

Прокурор суд мажлисига келмай қолган тақдирда жиноят ишини муҳокама қилиш кейинга қолдирилади.

Ҳимоячи суд мажлисига келмаса, уни бошқа ҳимоячи билан алмаштиришга фақат судланувчининг розилиги билан йўл қўйилади. Шу суд мажлисида ҳимоячини алмаштириш имконияти бўлмаса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилади.

Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси судга келмай қолса, ишнинг ҳолатларига қараб, суд ишни улар иштирокисиз кўриш мумкинлиги ёки муҳокама иш кейинга қолдириш масаласини ҳал этади.

Ишга янги киришган прокурорга ёки ҳимоячига суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун зарур вақт берилиши лозим.

Прокурор ёки ҳимоячининг узрсиз сабабларга кўра судга келмаганлиги тўғрисида суд тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига хабар қилади. Жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд бу ҳақда тегишли жамоат

бирлашмасига ёки жамоага хабар қилади. (Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-I-сон ва 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)

#### **413-м о д д а. Фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг суд мажлисига келмаслиги оқибатлари**

Фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили суд мажлисига келмаган тақдирда, суд фуқаровий даъвони кўрмайди; бу ҳолда мулкӣ зарар кўрган шахснинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда даъво қилиш ҳуқуқи сақланади.

Суд фуқаровий даъвони фуқаровий даъвогарнинг илтимосига кўра унинг иштирокисиз кўришга ҳақлидир.

Башарти фуқаровий даъвони прокурор қувватласа ёки суд уни кўриш зарур деб топса, фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили келиш-келмаслигидан қатъи назар, суд фуқаровий даъвони кўраверади.

Фуқаровий жавобгар ёки унинг вакилининг суд мажлисига келмаслиги фуқаровий даъвони кўришни тўхтатмайди.

#### **414-м о д д а. Суд муҳокамасининг доираси**

Судда жиноят ишини муҳокама қилиш фақат айбланувчиларга нисбатан олиб борилади.

Тайинланган жазонинг енгиллиги ёки огирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги туфайли ҳукм бекор қилинганидан кейин иш кўриб чиқилган тақдирда суд муҳокамаси судланувчининг умуман айбдор-айбдор эмаслиги масаласига дахл қилмаган ҳолда жиноятни тавсифлаш ва жазо чораси хусусидагина боради.

#### **415-м о д д а. Айбловнинг суд томонидан ўзгартирилиши**

Суд айбловни ўзгартиришга ҳақли. Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланади.

Айбловнинг суд томонидан огирроғи билан ёки дастлабки айбловга нисбатан фактик ҳолатлари жиддий фарқ қиладиган айблов билан ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

#### **416-м о д д а. Судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар аниқланганда суднинг ҳаракатлари**

Агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда бутун иш қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**417-м о д д а. Жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда суднинг ҳаракатлари**

Агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини кўзга-тиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Тахмин қилинаётган жиноят кўрилатган иш билан узвий боғлиқ бўлган ва бу ишларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд бутун ишни кўшимча тергов юритиш учун юборади.

Агар суд тергови вақтида била туриб ёлгон кўрсатув берган гувоҳ, жабрланувчи ёки била туриб нотўғри хулоса берган эксперт ёхуд била туриб нотўғри таржима қилган таржимон томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд ҳукм чиқарганидан сўнг жиноят ишини кўзга-тиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

**418-м о д д а. Жиноят ишининг муҳокамасини кейинга қолдириш**

Суд мажлисига қақирилган шахслардан бирортаси келмай қолганлиги ёки янги далиллар талаб қилиб олиш зарур бўлганлиги сабабли, жиноят ишини муҳокама қилиш мумкин бўлмаса, суд ишни муҳокама қилишни кейинга қолдиради ва суд мажлисига келмаган шахсларни қақириш ёки янги далилларни талаб қилиб олиш чораларини кўради.

**419-м о д д а. Жиноят ишини кўшимча тергов юритиш учун қайтариш**

Суд қўидаги ҳолларда жиноят ишини кўшимча тергов юритиш учун фақат икки мартагача қайтаради:

1) дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса;

2) суриштирувчи ёки терговчи томонидан ушбу Кодекс талаблари жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилса;

3) айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса;

4) шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишдан ажратиш мумкин бўлмаса;

5) иш нотўғри бирлаштирилган ёки ажратилган бўлса.

Ишни прокурорга қайтарганда суд ўз ажримда қайтариш асосларини ва қандай ҳолатлар кўшимча равишда аниқланиши лозимлигини кўрсатиши шарт.

**420-м о д д а. Жиноят ишини кўришни тўхтатиш**

Судланувчи яширинган бўлса, шунингдек судга келишга имконият бермайдиган руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалинган тақдирда, суд мазкур судланувчига нисбатан ишни тўхтатади ва бошқа судланувчиларга нисбатан ишни муҳокама қилишни давом эттираверади. Борди-ю, ишни айрим-айрим ҳолда муҳокама қилиш ҳақиқатни аниқлашни қийинлаштиради, ишни юритиш бутунлай тўхтатади. Яширинган судланувчини қидирув суд ажрими билан эълон қилинади.

Судланувчининг оғир касал бўлганлиги туфайли ишни кўриш тўхтатилган тақдирда суд унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини муҳокама қилиши лозим.

Суд жиноят ишини кўришни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

**420<sup>1</sup>-м о д д а. Жиноят ишини кўришни қайтадан бошлаш**

Жиноят ишини кўришни тўхтатишнинг асоси сифатидаги, ушбу Кодекснинг 420-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилгач, тўхтатилган жиноят ишини кўриш қайтадан бошланади.

Суд жиноят ишини кўришни қайтадан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят ишини кўриш қайтадан бошланганда жиноят ишини муҳокама қилиш муддатининг ўтиши ҳам бир вақтнинг ўзида қайтадан бошланади. Мазкур муддатни яна узайтириш ушбу Кодекснинг 405-моддаси асосида, жиноят ишини муҳокама қилишнинг жиноят ишини кўриш тўхтатилишидан олдинги муддатини инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

**421-м о д д а. Суд мажлисида жиноят ишининг тугатилиши**

Агар суд мажлисида ушбу Кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар аниқланса, суд ишни кўришни давом эттиради ҳамда 83-моддада назарда тутилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича эса айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқаради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

**422-м о д д а. Эҳтиёт чораси масаласини ҳал этиш**

Суд муҳокамаси вақтида суд судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақлидир.

**423-м о д д а. Суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби**

Суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқаради.

Жиноят ишини қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги, ишни тугатиш ёки тўхта-тиш ҳақидаги, эҳтиёт чораларини қўллаш (ўзгартириш, бекор қилиш) тўғрисидаги, айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги, рад қилишлар тўғрисидаги ажримларни, шунингдек хусусий ажримларни суд алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқаради. Бу ажримлар алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Бошқа барча ажримлар суднинг хоҳиши билан ё юқорида кўрсатилган тартибда ёки ўз жойида чиқарилиб, бу ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши лозим.

**424-м о д д а. Суд мажлисининг тартиби**

Судьялар кириб келаётганда суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўринларидан турадилар.

Суд процессининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда мурожаат қиладилар, кўрсатувлар берадилар ва баёнотлар қиладилар. Ушбу қоидадан фақат раислик қилувчининг рухсати билангина четга чиқилиши мумкин.

Суд процессининг барча иштирокчилари, шунингдек суд залида ҳозир бўлган барча шахслар раислик қилувчининг суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилиш тўғрисидаги фармойишларини сўзсиз бажаришлари лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахслар, башарти улар судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ бўлмасалар, суд мажлиси залига киритилмайдилар.

**425-м о д д а. Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар**

Тартиббузар суд мажлисида тартибни бузганида, раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаганида ёки судга ҳурматсизлик қилганида унга нисбатан ушбу Кодекснинг 272-моддасида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

**426-м о д д а. Суд мажлисининг баённомаси**

Суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади.

Суд мажлисининг баённомасида куйидагилар кўрсатилади: суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой ва сана; суднинг номи ва таркиби; суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек суд қақирган бошқа шахслар; кўрилатган иш; судланувчининг шахсига доир маълумотлар; ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари. Баённомада: раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимослари; судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларининг батафсил мазмуни; берилган саволларга экспертнинг жавоблари; суд музокараларининг тартиби, суд музокараларида иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчи охириги сўзининг мазмуни; башарти процесс иштирокчилари илтимос қилсалар, ишни кўриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғрисидаги мулоҳазалар акс эттирилади.

Суд зарур деб топган ҳолларда гувоҳлар ва жабрланувчилар ўзлари берган кўрсатувларини суд мажлисининг баённомасида имзолайдилар.

Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади.

Баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт, бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади.

Баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим.

**427-м о д д а. Суд мажлисининг баённомаси юзасидан мулоҳазалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

Суд мажлиси баённомаси имзоланганидан кейин беш сутка ичида тарафлар шу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидирлар. Мулоҳазаларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилган тақдирда уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди.

Раислик қилувчи суд мажлиси баённомаси юзасидан берилган мулоҳазаларга қўшилмаган тақдирда, бу мулоҳазалар ушбу ишни кўрган суд таркиби ҳал этиши учун киритилади. Башарти ишни судьянинг яқка ўзи кўриб чиққан бўлса, раислик қилувчининг қарори узил-кесил ҳисобланади, лекин манфаатдор тарафлар бу қарор устидан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

## 51-боб. СУД МАЖЛИСИНING ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИ

### 428-м о д д а. Суд мажлисини очиш

Раислик қилувчи тайинланган вақтда суд мажлисини очади ва қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилади.

### 429-м о д д а. Процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш

Суд мажлисининг котиби давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, судланувчи, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари судга келган-келмаганлиги тўғрисида ахборот беради. Шундан кейин судга таржимон, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар келган-келмаганлиги текширилади. Котиб ҳозир бўлмаганларнинг нима сабабдан келмаганлигини маълум қилади.

Ишда иштирок этаётган шахсларнинг кимлиги паспорт ёки уларнинг шахсини гувоҳлантирувчи бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланади.

### 430-м о д д а. Таржимонга унинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарлигини тушунтириш

Раислик қилувчи таржимонга ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жавобгарлигини тушунтиради.

### 431-м о д д а. Суд таркибини, тарафларни эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, кимлар давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси эканлигини, кимлар жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва кимлар уларнинг вакиллари эканлигини, кимлар суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон эканлигини маълум қилади. Шундан кейин судланувчига ва бошқа тарафларга уларнинг судьяни, суд таркибини ёки судьялардан бирортасини, шунингдек тарафлардан бирортасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтиради.

Суд мажлисида захирадаги халқ маслаҳатчиси иштирок этаётган бўлса, раислик қилувчи бу ҳақда эълон қилади ва унинг фамилиясини айтади. Захирадаги халқ маслаҳатчиси ҳам рад қилиниши мумкин.

Рад қилишлар ушбу Кодекснинг 80-моддасида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилинади.

### 432-м о д д а. Гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариб туриш

Раислик қилувчи гувоҳларнинг суд мажлиси залидан алоҳида ҳонага чиқиб туришлари тўғрисида фармойиш беради. Кейинчалик у сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар билан, шунингдек суд мажлиси залидаги бошқа шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги чораларини кўради.

### 433-м о д д а. Процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаганда жиноят ишини кўриш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласини ҳал қилиш

Судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган тақдирда суд жиноят ишини муҳокама қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тарафларнинг фикрини эшитади ва муҳокамани давом эттириш ёки уни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Муҳокамани кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда суд ҳозир бўлган гувоҳлар ва экспертни сўроқ қилиши мумкин. Башарти кейинчалик иш суднинг яна ўша таркибида ёки ўша судья томонидан кўриладиган бўлса, процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлисига иккинчи марта фақат зарурат туғилган ҳолларда чақирилиши мумкин.

### 434-м о д д а. Судланувчининг шахсини ва унга процессуал ҳужжатларнинг нусхалари топширилган вақтни аниқлаш

Раислик қилувчи судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойини, яшаб турган жойи, машғулоти, маълумоти, оилавий аҳволи ва унинг шахсига дахлдор бошқа маълумотларни сўраб, унинг шахсини аниқлайди.

Сўнгра раислик қилувчи судланувчидан айблов ҳулосасининг нусхаси, шунингдек ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган процессуал ҳужжатларнинг нусхалари унга топширилган-топширилмаганлигини ва айнан қачон топширилганлигини сўрайди. Бу ҳужжатларнинг нусхалари топширилмаган ёки суд мажлиси бошланишига уч суткадан кам муддат қолганда топширилган бўлса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим.

### 435-м о д д а. Судланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириш

Раислик қилувчи судланувчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга ушбу Кодекснинг 46-моддасида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқларини тушунтиради. Сўнгра судланувчидан ана шу ҳуқуқларнинг ҳар бирини тушунган ёки тушунмаганлигини сўрайди. Башарти судланувчи салбий жавоб берса, раислик қилувчи унинг ёшини, умумий заковат даражасини, руҳий ва жисмоний ҳолатини эътиборга олиб, унга ҳуқуқларини қайтадан тушунтиради.

### 436-м о д д а. Тарафларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш

Раислик қилувчи жамоат айбловчисига, жамоат ҳимоячисига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ушбу Кодекснинг тегишлича 43, 44, 55, 57, 59, 61 ва 63-моддаларида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.



#### **437-м о д д а. Экспертга ва мутахассисга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш**

Раислик қилувчи экспертга ва мутахассисга уларнинг ушбу Кодекснинг тегишлича 68 ва 70-моддаларида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

#### **438-м о д д а. Илтимослар қилиш ва уларни ҳал этиш**

Суд мажлисининг тайёрлов қисми илтимослар бор-йўқлигини аниқлаш билан яқунланади. Раислик қилувчи тарафлардан янги гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар чақириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисида уларнинг илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Илтимос қилувчи тараф қўшимча далиллар айнан қайси ҳолатларни аниқлаш учун зарурлигини кўрсатиши шарт.

Тараф арз қилган ҳар бир илтимосни муҳокама қилиб, суд бошқа тарафнинг фикрини тинглайди ва башарти, илтимос иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган бўлса, уни қаноатлантиради, акс ҳолда қаноатлантиришни рад этади.

Илтимоснинг рад этилиши суд муҳокамаси давомида тарафни кейинчалик бошқа асосларга кўра яна шу илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Суд ўзининг ташаббуси билан янги гувоҳларни чақириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатларни ва бошқа қўшимча далилларни талаб қилиб олиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Башарти суд қўшимча далилларни текширишни лозим деб топса, суд мажлисига янги гувоҳлар, экспертлар келишини ёки ҳужжатлар талаб қилиб олинишини таъминлаш чораларини кўриб, айнаи чоғда муҳокамани давом эттиради ёки уни кейинга қолдиради.

### **52-БОБ. СУД ТЕРГОВИ**

#### **439-м о д д а. Суд терговининг бошланиши**

Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тўғрисида эълон қилади. Суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади. Раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўрайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

#### **440-м о д д а. Далилларни текшириш навбатини белгилаш**

Судланувчилардан ўз айбларига иқрорликлари ёки иқрор эмасликлари тўғрисида сўраб бўлгач, суд далилларни текшириш навбати тўғрисида тарафларнинг таклифларини эшитади. Бундай навбатни суд ажримда акс эттиради.

Башарти далилларни текшириш судланувчиларни сўроқ қилиш билан бошланган бўлса, улардан кейин суд жабрланувчиларни сўроқ қилади. Судланувчилар кўрсатув беришдан бош тортган ёки бошқа далилларнинг текширилишидан олдин кўрсатув беришга рози бўлмаган тақдирда жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисидаги масалани суд ишнинг муайян ҳолатларини ва тарафларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади.

#### **441-м о д д а. Гувоҳнинг қасамёди ва уни жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш**

Гувоҳни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Сўнгра раислик қилувчи гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда куйидаги мазмунда қасамёд қилишни таклиф этади: «Иш юзасидан ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман.» Қасамёд матни гувоҳга унинг мажбурияти ва жавобгарлиги тушунтирилгани ҳақидаги гувоҳнинг тилхати билан биргаликда суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

Ун олти ёшга тўлмаган гувоҳга ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ошкора қасамёд қилиш таклиф қилинади, лекин кўрсатув беришдан бош тортгани ёки била туриб, ёлгон кўрсатув бергани учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди ва ундан тилхат олинмайди.

#### **442-м о д д а. Судда сўроқ қилиш тартиби**

Судда сўроқ қилиш ушбу Кодекснинг 96–108-моддаларида назарда тутилган талабларга, шунингдек куйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Ҳар бир гувоҳ ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар йўқлигида сўроқ қилинади. Сўроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва суд тергови тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин.

Вога етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрим билан судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. Судланувчи суд мажлиси залига қайтиб киргандан кейин гувоҳнинг берган кўрсатувлари унга маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга саволлар беришга имконият яратилиши лозим.

Ун олти ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим.

Жабрланувчи, шунингдек эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

Судланувчини сўроқ қилиш ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қиладилар. Сўнгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин.

Жабрланувчиларни, шунингдек айблов хулосасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисига чақирилган ёки айбловчи томоннинг илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳлар ва экспертларни сўроқ қилиш ҳам ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказилади. Башарти гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига ҳимоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг ҳимоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари сўроқ қиладилар.

Раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар беришга ҳақлидир.

Суд мажлисида кўрсатув бериб бўлган шахсларга берган кўрсатувларини тўлдириш ва аниқликлар киритиш учун суднинг ижозати билан саволлар берилиши мумкин.

#### **443-м о д д а. Ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини текшириш**

Тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшиб қўйилган, иш учун аҳамиятли бўлиши эҳтимол тутилган ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттиради.

Суднинг талабига кўра ёки бошқа шахсларнинг ташаббуслари билан тақдим қилинган ҳужжатларни суд ўқиб эшиттиради ва тарафларга тақдим қиладди, улар эса шу ҳужжатларнинг ишга аҳамияти бор-йўқлиги тўғрисида ўз фикрларини баён қиладилар. Сўнгра суд ҳужжатларни ишга қўшиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

#### **444-м о д д а. Кўздан кечириш**

Суд кўздан кечиришни ушбу Кодекснинг 135–141-моддаларида назарда тутилган талабларга ва қуйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ўтказлади.

Суд суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшилган ашёвий далилларни, шунингдек тарафлар ва бошқа шахслар бевосита суд муҳокамасида тақдим этган нарсаларни суд мажлиси залида тарафларнинг иштирокида кўздан кечирилади. Суд кўздан кечиришни ўтказишга экспертларни, мутахассисларни, гувоҳларни ҳам жалб этиши мумкин.

Суд жой, бинолар, иншоотлар, хоналарни, шунингдек суд мажлиси залига келтириб бўлмайдиган транс-

порт воситалари ва бошқа объектларни улар турган жойга бориб ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар иштирокида кўздан кечирилади.

#### **445-м о д д а. Гувоҳлантириш**

Суд терговда гувоҳлантиришни суд ушбу Кодекснинг 142–147-моддаларида назарда тутилган талабларга ҳамда қуйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ўтказлади.

Гувоҳлантириш ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, алоҳида хонада шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан, гувоҳлантирилаётган шахснинг жинсидаги ҳолислар иштирокида ўтказилади. Гувоҳлантириш ўтказиб бўлинганидан сўнг процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлиси залига қайтиб кирадилар ва у ерда тарафларнинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва ҳолисларнинг иштирокида шифокор ёки бошқа мутахассис гувоҳлантирилган шахснинг баданида излар ёки белгилар аниқланган бўлса, шу хусусда ахборот беради ҳамда тарафларнинг, судьяларнинг саволларига жавоб беради. Бу маълумотлар, шунингдек гувоҳлантирилган шахснинг ҳамда ҳолисларнинг мулоҳаза ва тушунтиришлари суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва улар шифокорнинг, бошқа мутахассиснинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва ҳолисларнинг имзолари билан тасдиқланади.

#### **446-м о д д а. Экспертиза**

Суд терговда экспертиза ушбу Кодекснинг 172–187-моддаларида назарда тутилган талабларга ва қуйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда тайинланади ва ўтказилади.

Суд мажлисида экспертизани илгари дастлабки терговда хулоса берган экспертлар ёки суд тайинланган янги экспертлар ёхуд ҳам илгариги, ҳам кейин тайинланган экспертлар биргаликда ўтказлади.

Тарафлардан бирортасининг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради ва уни суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Ажримда экспертиза ўтказиш топширилган шахс ёки экспертиза муассасаси кўрсатилади ва эксперт олдида саволлар қўйилади. Бунда суд тарафларга уларнинг экспертни рад этиш, тараф кўрсатган қўшимча шахсни экспертлар сафига киритиш, эксперт олдида қўшимча саволлар қўйиш, экспертизани тарафларнинг иштирокида ўтказиш тўғрисида илтимослар қилиш, шунингдек экспертиза давомида изохот бериб бориш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради.

Илтимослар ёки экспертни рад қилиш тўғрисидаги арзларни суд ушбу Кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳолда кўриб чиқади.

Суд терговда эксперт сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар беришга, ёзма далиллар, тергов ҳаракатларининг баённомалари, бошқа экспертларнинг хулосалари билан танишишга, кўздан кечиришлар, экспериментларда ва экспертиза предметида оид суднинг бошқа ҳаракатларида иштирок этишга ҳақлидир.

Суд тергови давомида экспертнинг олдида қўшимча саволлар қўйилиши мумкин.

Экспертиза предметида оид ҳолатлар текшируви тугаллангач, суд хулоса тайёрлаш учун экспертга муҳлат беради. Башарти бунинг учун лаборатория тадқи-

қотлари ўтказиш лозим бўлса, суд экспертга тегишли объектларни беради.

Эксперт ўз хулосасини суд мажлисида ўқиб эшитиради. Хулоса суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

Эксперт хулоса берганидан сўнг, хулосада баён қилинган ҳолатлар бўйича у суд мажлисида сўроқ қилиниши мумкин.

#### **447-м о д д а. Таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш**

Суд терговиди таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ва эксперт текшируви учун намуналар олиш ушбу Кодекснинг 125–131, 153–156, 188–197-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ўтказилади. Тарафлар шу суд ҳаракатлари муносабати билан илтимослар қилишга ва ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар.

Суд ушбу ҳаракатларни ўтказишда қўмаклашишни суриштирув органининг бошлиги ёки терговчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ҳамда намуналар олиш жараёни ва натижалари, шунингдек мазкур суд ҳаракатларининг юритилиши муносабати билан билдирилган илтимослар, мулоҳазалар ва тушунтиришлар суд мажлисининг баённомасида қайд қилинади.

#### **448-м о д д а. Суд терговининг тамомланиши**

Барча далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи тарафлардан улар суд терговини тўлдирмоқчиларми ва тўлдирмоқчи бўлсалар, нима билан тўлдирмоқчи эканликларини сўрайди. Башарти бу ҳақда илтимос қилинса, суд уни муҳокама қилади ва ҳал этади.

Илтимосларни қаноатлантириш учун зарур бўлган қўшимча ҳаракатлар бажарилганидан сўнг раислик қилувчи суд терговини тамом бўлган деб эълон қилади.

### **53-БОБ. ТАРАФЛАРНИНГ МУЗОКАРАСИ ВА СУДЛАНУВЧИНИНГ ОХИРГИ СЎЗИ**

#### **449-м о д д а. Тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартиби**

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади. Сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инobatта олган ҳолда белгилайди.

Тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговиди кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инobatта олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади.

Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин. Сўнгги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади.

Суд тарафларнинг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи музокарада иштирок этаётган шахсларнинг нутқларини, башарти улар кўрилатган ишга дахли йўқ ҳолатларга тааллуқли бўлса, тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

#### **450-м о д д а. Тарафларнинг айбловнинг моҳияти юзасидан таклифлари**

Музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар ушбу Кодекс 457-моддасининг биринчи қисмидаги 1–6-бандларда назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи учун қарорнинг бундай мазмунини судга тақдим этиш мажбурийдир.

#### **451-м о д д а. Судланувчининг охириги сўзи**

Тарафларнинг музокараси тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига охириги сўз беради. Судланувчининг охириги сўзи вақтида унга ҳеч қандай савол беришга йўл қўйилмайди.

Суд судланувчининг охириги сўзини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи судланувчининг сўзини, у ишга мутлақо алоқаси йўқ ҳолатларни баён қила бошлаган ҳолларда, тўхтатишга ҳақлидир.

#### **452-м о д д а. Суд терговини янгидан бошлаш**

Башарти тарафлар музокарадаги нутқларида ёки судланувчи охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида гапирсалар ёки муқаддам текширилмаган, лекин ишга алоқадор далилларни келтирсалар, суд тарафларнинг илтимосларига кўра ёки ўз ташаббуси билан суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Янгидан бошланган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгитдан очади ва судланувчига охириги сўз беради.

#### **453-м о д д а. Суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши**

Судланувчининг охириги сўзини эшитиб бўлганидан сўнг суд ҳукм чиқариш ёки ажрим чиқариш учун дарҳол алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради. Бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

**54-боб. ҲУКМ****454-м о д д а. Ҳукм чиқариш**

Суд ҳукми Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради.

**455-м о д д а. Ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши**

Ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт.

Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади.

Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади.

Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади.

Суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди.

Суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозим.

**456-м о д д а. Судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши**

Судья ҳукми алоҳида хонада, суд эса маслаҳатхонада чиқаради. Бундай пайтда мазкур хонада фақат судьянинг ўзи ёки ушбу иш бўйича суд таркибига кирган судьялар ҳозир бўлишлари мумкин. Бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишларига йўл қўйилмайди.

Кеч кириши билан, зарурат бўлган тақдирда эса, кун давомида ҳам суд маслаҳатни тўхтатишга ҳақлидир. Маслаҳатлашув дам олиш куни ва байрам кунида ҳам тўхтатилади. Судьялар маслаҳатлашув вақтида айтилган мулоҳазаларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

**457-м о д д а. Ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар**

Суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада (маслаҳатхонада) куйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми;

2) бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;

3) бу қилмишни судланувчи содир этганми;

4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими ва, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;

5) судланувчининг жавобгарлигини энгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;

6) судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;

7) судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;

8) судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавfli рецидивист деб топиш лозими;

9) озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

10) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво кўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибда жавобгарликка тортилишлари лозими;

11) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак; (11-банд Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

12) ашёвий далилларни нима қилиш керак;

13) процессуал чиқимларни кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

14) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

15) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми;

16) судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш керакми. (16-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

Судланувчи бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, суд ушбу модданинг 1–8-бандларида назарда тутилган масалаларни ҳар бир жиноят бўйича алоҳида-алоҳида ҳал қилади.

Жиноятни содир этишда бир неча судланувчи айбланаётган бўлса, суд ушбу моддада кўрсатилган масалаларни ҳар бир судланувчига нисбатан алоҳида-алоҳида ҳал қилади.

Ушбу модданинг 15-бандида назарда тутилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари экспертнинг тегишли хулосаси мавжуд бўлгандагина қўлланилиши мумкин.

Суд муҳокамаси жараёнида ушбу Кодекс 533-моддасининг биринчи қисми 1–4-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бирортаси аниқланиб қолса, суд ҳукмнинг ижросини қонунда белгиланган тартибда кечиктириш масаласини муҳокама қилиши шарт.

**458-м о д д а. Судланувчининг руҳий касаллиги ва ақли норасолиги масаласини муҳокама қилиш**

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси пайтида судланувчининг руҳий касаллиги ва ақли норасолиги ҳақидаги масала келиб чиққан ҳолларда суд ҳукм чиқариш вақтида бу масалани яна бир бор муҳокама қилиши шарт. Судланувчи ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган ёки уни содир этгандан кейин ўзо ҳаракатларини идрок эта олмайдиган ёки идора қила олмайдиган руҳий касалликка чалинган деб топган тақдирда, суд ушбу Кодекснинг 577-моддасида назарда тутилган ажримни чиқаради.

#### **459-м о д д а. Шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб бориш масаласини муҳокама қилиш**

Шартли ҳукм қўлланилганда суд шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб боришни кимга юклатиш лозимлигини ҳал қилади.

Шартли ҳукм қилиш тўғрисида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномаси бўлса, суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атворини кузатиш учун уни шу бирлашма ёки жамоага топшириши мумкин.

#### **460-м о д д а. Судьяларнинг маслаҳатлашув тартиби**

Иш суд таркиби томонидан кўриладиган бўлса, ҳукм чиқариш олдидан раислик қилувчи бошчилигида судьяларнинг маслаҳатлашуви ўтказилиб, раислик қилувчи суд ҳал қилиши лозим бўлган саволларни ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган изчилликда кўяди. Ҳар бир савол шундай шаклда қўйилиши керакки, токи бу саволга ё маъқулловчи, ёки рад этувчи жавоб қайтарилган бўлсин. Жавоб қайтарганидан сўнг судья жавобнинг сабаб-асосларини ифодалаши мумкин.

Ҳар бир саволни ҳал қилишда судьялардан ҳеч бири овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Барча масалалар овозларнинг оддий кўпчилиги билан ҳал қилинади. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Биринчи навбатда судланувчининг манфаатига тўла-роқ мос келадиган фикр овозга қўйилади. Башарти оқлаш тўғрисида овоз берган судья ёки судьялар озчиликини ташкил қилиб, бошқа судьялар эса жиноятнинг тавсифи ёки жазо чораси тўғрисида ҳар хил фикрда бўлсалар, оқлаш учун берилган овоз ёки овозлар Жиноят кодексининг енгилроқ жазо чорасини назарда тутган тегишли моддаси бўйича тавсиф қилиш учун берилган овозга қўшилади.

Ишни судья кўраётган бўлса, ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида кўрсатилган масалаларни яқка ўзи ҳал қилади.

#### **461-м о д д а. Суд терговини яна давом эттириш**

Ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида кўрсатилган масалаларни алоҳида хонада (маслаҳатхонада) муҳокама қилиш вақтида суд иш учун аҳамияти бўлган бирор ҳолат қўшимча равишда аниқланиши керак деб топса, ҳукм чиқармай, суд терговини яна давом эттириш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд тергови тамом бўлганидан кейин суд яна тарафларнинг музокарасини бошлади ва судланувчининг охириги сўзини эшитади.

#### **462-м о д д а. Ҳукм турлари**

Суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкин. Судланувчига нисбатан қандай турда ҳукм чиқариш масаласини ҳал қилиш вақтида суд ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи талабларига амал қилиши шарт.

#### **463-м о д д а. Айблов ҳукми чиқариш асослари**

Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим.

Суд куйидаги ҳолларда жазодан озод қилиб, айблов ҳукмини чиқаради, башарти:

1) мазкур ҳукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) шахснинг ҳукм чиққунга қадар қамоқда бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамоқни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса.

Суд куйидаги ҳолларда жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқаради, башарти:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса;

3) ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса;

4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат тавсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;

5) ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.

6) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса. (6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)

#### **464-м о д д а. Оқлов ҳукмини чиқариш асослари**

Оқлов ҳукми куйидаги ҳолларда чиқарилади, башарти:

1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;

3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса.

Жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонarli тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асосга кўра судланувчини оқлайди. Башарти ўша асос

бўйича оқлов ҳукми чиқарилганда жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахсни аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш чораларини кўриш учун ишни ҳукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборади.

#### **465-м о д д а. Ҳукми тузиш**

Ушбу Кодекснинг 457–459-моддаларида назарда тутилган масалалар ҳал этилганидан сўнг суд ҳукми тузишга киришади. Судда иш қайси тилда кўрилган бўлса, ҳукм шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда баён қилинади ва кириш, тавсиф ҳамда қарор қисмларидан иборат бўлади.

Ҳукм уни чиқаришда қатнашган судьялардан бири ёки ҳукми якка ўзи чиқарган судья томонидан қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзилиш лозим. Ҳукмга киритилган тузатишлар ҳукм эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва судьянинг (судьяларнинг) имзоси билан тасдиқланиши лозим.

#### **466-м о д д а. Ҳукмнинг кириш қисми**

Ҳукмнинг кириш қисмида:

1) ҳукм қачон ва қаерда чиқарилганлиги;  
2) ҳукми чиқарган суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлисининг котиби, тарафлар, таржимон;  
3) судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулот, маълумоти, оилавий аҳволи ва судланувчи хусусидаги иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар;

4) судланувчига қўйилган айблов Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлиги кўрсатилади.

#### **467-м о д д а. Айблов ҳукмининг тавсиф қисми**

Айблов ҳукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим. Ҳукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилади. Жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбнинг бир қисми асоссиз деб топилган тақдирда ёки жиноятнинг тавсифи нотўғрилиги аниқланганда эса айбловни ўзгартириш асослари ва сабаблари кўрсатилади.

Суд, шунингдек Жиноят кодекси моддасининг жазо қисмида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чоралари ҳам назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо нимага асосланиб тайинлаганини; озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганга колонияда сақлаш тартибининг муайян турини белгилашни ёки озодликдан маҳрум этиш жазосини турмада ўташни тайинлашни; судланувчи ўта хавфли рецидивист деб топилганлигини; шартли ҳукм қўлланилганини; Жиноят кодексининг моддасида худди шундай жиноят учун назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинланганлигини; бошқа енгилроқ жазога ўтилганлигини; умум-

мий қоидалардан чекиниб колония тури тайинланганлигини; бошқа таъсир чораларини қўллаб ёки қўлланмасдан судланувчи жазодан озод этилганлигини асослаб бериши шарт.

Суд қонун ҳужжатларига мувофиқ судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш ёки унинг устидан ҳомийлик тайинлаш лозим деб топса, бундай қарорга келиш сабабларини кўрсатиши шарт.

Жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг судланувчини шартли ҳукм қилиб, у билан тарбиявий иш олиб бориш учун ўзларига беришни сўраган илтимосномалари бўлса, суд бу илтимосномаларни қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини ҳукмда кўрсатади.

Суд, шунингдек кўзгатирилган фуқаровий даъво тўғрисида ёки жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси билан чиқарган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиши лозим.

#### **468-м о д д а. Айблов ҳукмининг қарор қисми**

Айблов ҳукмининг қарор қисмида:

1) судланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;  
2) судланувчининг жиноят содир этганликда айбли деб топилганлиги тўғрисидаги қарор;

3) Жиноят кодексининг судланувчининг айбли деб эътироф этилишига асос бўлган моддаси (модданинг қисми, банди), шунингдек судланувчининг ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги, башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса;

4) судланувчи айбли деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри; Жиноят кодексининг моддаларига мувофиқ узил-кесил тайинланган ва ўталиши лозим бўлган жазо чораси; озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазо муддатини ўташи лозим бўлган тегишли тартибли колония тури;

5) судланувчи шартли равишда ҳукм қилинган бўлса, синов муддати ва маҳкумнинг устидан кузатув олиб бориш вазифаси юклатилган жамоа ёки шахс;

6) ушлаб турилган ёки қамокда сақланган вақтни жазо тайинлашда жазо муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги қарор;

7) ҳукм қонуний кучга киргунига қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасига доир қарор;

8) маҳкумнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар;

9) ушбу Кодекснинг 533-моддасида назарда тутилган асослар аниқланган ҳолларда ҳукмининг ижросини кечиктириш тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Башарти судланувчига Жиноят кодексининг бир неча моддаси билан айблов қўйилган бўлса, ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи қайси моддалар бўйича оқланганлиги ва қайси моддалар бўйича ҳукм қилинганлиги кўрсатилиши лозим.

Судланувчи жазони ўташдан озод қилинган бўлса, бу ҳақда ҳукмнинг қарор қисмида кўрсатилади.

Барча ҳолларда тайинланган жазо шундай ифодаланиши лозимки, токи ҳукми ижро этишда суд тайинлаган жазо тури ва меъёри хусусида ҳеч қандай шубҳа тугилмасин.

#### **469-м о д д а. Оқлов ҳукмининг тавсиф қисми**

Оқлов ҳукмининг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: судланувчига қўйилган айбловнинг моҳияти; суд аниқлаган иш ҳолатлари; судланувчининг айб-

сизлиги тўғрисидаги суд хулосасини тасдиқловчи далиллар; судланувчининг жиноят содир этишда айби бор деб даъво қилишга асос бўлган далилларни суд нима учун ишонарли эмас ёки етарли эмас деб ҳисоблаши ёки нима учун суд жиноий ҳодисанинг ўзи юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмишни жиноят эмас деб ҳисоблаши; фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари.

#### **470-м о д д а. Оқлов ҳукмининг қарор қисми**

Оқлов ҳукмининг қарор қисмида:

1) судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси;

2) судланувчини жиноят содир этилишида айбсиз деб эътироф этиш ва уни оқлаш тўғрисидаги қарор;

3) судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор; башарти эҳтиёт чораси сифатида у қамоқда сақланаётган бўлса, оқланган шахсни дарҳол, суд мажлиси залининг ўзида озод қилиш тўғрисидаги қарор;

4) қўзгатилган фуқаровий даъвони қаноатлантириш рад этилган бўлса, даъвони таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор;

5) (5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

6) оқланган шахснинг унга етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ушбу Кодекснинг 304–313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқини эътироф этиш.

#### **471-м о д д а. Ҳукмнинг қарор қисмида ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа масалалар**

Айблов ҳукмининг ҳам, оқлов ҳукмининг ҳам қарор қисми, ушбу Кодекснинг 468 ва 470-моддаларида кўрсатилган масалалардан ташқари, қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1) судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 255 – 260-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор; қўзгатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 283 – 289-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор; (1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

2) ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар тўғрисида ушбу Кодекснинг 289-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарор;

3) процессуал чиқимлар тўғрисида ушбу Кодекснинг 320-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарор;

4) ҳукм устидан ушбу Кодекснинг тегишинча 497<sup>3</sup>, 497<sup>4</sup>, 499 ва 500-моддаларида назарда тутилган апелляция ва кассация шикоятни бериш, протест билдириш тартиби, муддатлари. (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)

#### **472-м о д д а. Ҳукмнинг имзоланиши ва судьянинг алоҳида фикри**

Ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг яқка ўзи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, судьяларнинг ҳаммаси имзолайди. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган судья ҳукмга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир. Бу фикрни у бевосита маслаҳатхонада ёзиши лозим. Алоҳида фикр ишга илова қилинади, лекин суд мажлисининг залида эълон қилиниши мумкин эмас.

Алоҳида фикр мавжуд бўлган иш кассация тартибида кўрилмаган бўлса, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин иш юқори суд раисига юборилиши лозим, у эса иш билан танишиб чиқиб, ҳукм устидан назорат тартибида протест бериш-бермаслик масаласини ҳал қилиши керак.

#### **473-м о д д а. Ҳукми эълон қилиш**

Суд ҳукми имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан суд таркиби ҳам ҳукми тик туриб эшитадилар.

Агар ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукмнинг қарор қисми эълон қилингандан кейин, мазкур қисм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилиши керак. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Башарти судланувчи фавқулудда жазо чораси – умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон ва 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)

#### **474-м о д д а. Судланувчини қамоқдан озод қилиш**

Судланувчи оқланганда, шунингдек жазо тайинланмасдан ёки жазодан озод қилиб ёхуд шартли равишда озодликдан маҳрум этиб ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб ҳукм чиқарилганда ҳамда судланувчи дастлабки қамоқда сақланган вақтдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳ-

рум қилиш жазоси тайинланганда қамокда сақланаётган судланувчи дарҳол бевосита суд мажлиси залининг ўзида озод қилиниши лозим.

**475-м о д д а. Хукмнинг нусхасини маҳқумга ва оқланган шахсга бериш**

Хукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳқумга ва оқланган шахсга берилиши лозим. Бошқа тарафларга хукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан бериллади.

Агар маҳқум қамокда сақланаётган бўлса, хукмнинг кўчирма нусхаси унга қамокда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан хукм келиб тушган куни тилхат олиб топширилади, тилхат кўчирма нусха топширилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ-299-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

**476-м о д д а. Хукм чиқариш билан бир вақтда суд томонидан ҳал қилинадиган бошқа масалалар**

Озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахснинг вояга етмаган болалари, қари ота-оналари, қарамоғида бошқа шахслар бўлса ва улар қаровсиз ҳамда ёрдамсиз қолаётган бўлса, суд айблов хукмини чиқариш билан бир вақтда уларни қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ва муассасаларнинг васийлигига ёки ҳомийлигига топшириш тўғрисида, маҳқумнинг қаровсиз қолаётган мол-мулки ёки уй-жойи бўлса, уларни кўриклаб туриш чораларини кўриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ушбу Кодекснинг 50-моддасида кўрсатилган тартибда тайинланган адвокат ишда ҳимоячи бўлиб қатнашган ҳолларда суд адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбарининг илтимосномаси бўлган тақдирда ажрим чиқариб, унда адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси фойдасига маҳқумдан ҳақ ундириш ва бу ҳақнинг миқдори тўғрисидаги масалани ҳал қилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда)*

Ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда суд хукм чиқариш билан бир вақтда хусусий ажрим ҳам чиқаради.

Ушбу моддада кўрсатилган барча процессуал қарорлар суд мажлисининг залида хукм эълон қилинганидан кейин ўқиб эшиттирилиши лозим.

**477-м о д д а. Маҳқум билан учрашишга ижозат бериш**

Хукм эълон қилинганидан кейин раислик қилувчи ёки суд раиси қамокда сақланаётган маҳқумнинг яқин қариндошлари ёки унинг ҳимоячиси илтимосига кўра у билан учрашиш имкониятини бериши шарт.

**Ўн биринчи бўлим. ХУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ**

**55-боб. ХУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ**

**478-м о д д а. Хукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш турлари**

Суд хукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибда текширилиши мумкин.

Ишни юқори инстанция суди томонидан кўриш:

1) апелляция тартибда – ушбу Кодекснинг 497<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан;

2) кассация тартибда – ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан;

3) назорат тартибда – қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки улар ўринбосарларининг протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар муносабати билан эса, қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган прокурор ёки унинг ўринбосари протестига биноан амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**479-м о д д а. Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқи ҳамда унинг таъминланиши**

Ушбу Кодекснинг 497<sup>2</sup>, 498 ва 516-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг хукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибда шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек суд қарорларини назорат тартибда қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда улар ўз вазиларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этишлари мумкин.

Апелляция, кассация шикояти, апелляция, кассация ёки назорат протести тушганлиги тўғрисида суд тушган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчиларига маълум қилади ва айнаи вақтда мазкур ҳужжатларнинг нусхасини маҳқумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга жўнатади. Кўрсатилган шахслар иш билан, шу жумладан қўшимча тақдим этилган материаллар билан танишишга ҳамда судга ўз эътирозларини билдиришга ҳақлидир.

Апелляция ёки кассация шикояти берган шахс, шунингдек берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчилари суд томонидан ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади.



Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур шахслар ишни кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади. Иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин суд маҳкумни, оқланган шахсни, шунингдек жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакиллари тушунтириш бериш учун чақириши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **480-м о д д а. Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки**

Жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор қатнашади.

Ишнинг кўрилишида:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳайъатларида – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан воқолат берилган прокурор;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларида – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **481-м о д д а. Кўшимча материаллар тақдим этиш**

Апелляция, кассация, назорат инстанциясига процесс иштирокчилари иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар, мутахассисларнинг фикрлари ва бошқа кўшимча материалларни тақдим этишга ҳақлидирлар. Бундай материаллар суд томонидан ишни кўришга тайёрлаш вақтида ҳам талаб қилиб олиниши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил*

*14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Кўшимча материаллар ушбу Кодекснинг 149, 170, 290 ва 398-моддаларида назарда тутилган тергов ҳаракатлари ўтказишни терговчига топшириш йўли билан ҳам олиниши мумкин.

#### **482-м о д д а. Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси**

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўришда ҳукм, ажрим ва қарорнинг қонунийлигини, асослигини ва адолатлигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс иштирокчилари кўшимча тақдим этган ёҳуд суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни янгитдан кўришда эса, бу ҳолатларни тергов қилиш материаллари асосида текширади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Суд шикоят ёки протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

#### **483-м о д д а. Юқори судда жиноят ишини кўриш муддатлари**

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди жиноят ишини шикоят ёки протест келиб тушган кундан бошлаб ўн беш суткадан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса, бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши лозим. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқуллодда ҳолларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш суткага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ёки унинг ўринбосари эса, кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин.

Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида процесснинг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилиниши лозим.

#### **484-м о д д а. Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари**

Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;

2) ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

3) ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги;

4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

5) жазонинг адолатсизлиги.

Дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш пайтида бартараф этишнинг имкони бўлмаसा, ҳукм бекор қилиниши лозим.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

#### **485-м о д д а. Терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги**

Башарти иш бўйича:

1) ушбу Кодекснинг 82–84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар етарлича тўла аниқланмаган бўлса;

2) кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, шунингдек хужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса;

3) ишни қўшимча терговга ёки янгидан судда кўришга юборган суднинг ажримига ёки қарорига баён қилинган ҳолатлар текширилмаган бўлса, дастлабки тергов ёхуд суд тергови тўлиқ эмас ёки бир ёқлама ўтказилган деб эътироф этилади.

#### **486-м о д д а. Ҳукмда баён қилинган суд хулосалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги**

Қуйидаги ҳолларда ҳукм жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас деб эътироф этилади, башарти:

1) суд хулосалари суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқланмаган бўлса;

2) суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса;

3) иш учун муҳим аҳамиятли ҳолатларга оид далиллар бир-бирига зид бўлгани ҳолда, суд қайси асосларга кўра далиллардан баъзиларини ишонарли деб топиб, бошқаларини рад этганлиги ҳукмда кўрсатилмаган бўлса;

4) суднинг ҳукмда баён қилинган хулосаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ва юқори судда бу зиддиятларни бартараф этиш имконияти бўлмаса.

#### **487-м о д д а. Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши**

Процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши керак, башарти:

1) ҳукми қонунга хилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса;

2) судьянинг ҳукми яқка ўзи чиқариши тартиби ёки ҳукм чиқаришда судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса;

3) иш судланувчининг йўқлигида кўрилган бўлса, ушбу Кодекснинг 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

4) дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;

5) ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса;

6) судланувчига охириги сўз берилмаган бўлса;

7) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;

8) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;

9) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса;

10) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса.

#### **488-м о д д а. Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўлланиш**

Жиноят кодекси нормалари қуйидаги ҳолларда нотўғри қўлланилган деб эътироф этилади, башарти:

1) Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилган бўлса;

2) жиноят тавсифи Жиноят кодексининг қўлланилиши керак бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) ўрнига бошқа моддаси (модданинг қисми, банди) билан берилган бўлса;

3) маҳкумга Жиноят кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган жазо тури ва меъёри тайинланган бўлса.

#### **489-м о д д а. Жазонинг адолатсизлиги**

Гарчи жазо Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган доирада тайинланган бўлса-да, тури ва меъёри жиҳатидан рўйи рост адолатсиз бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқ деб эътироф этилади.

#### **490-м о д д а. Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрувчи суднинг ваколатлари**

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) суднинг ҳукми ёки ажримини (қарорини) ўзгартиришсиз қолдиради;

2) ҳукми ёки ажримни (қарорни) ўзгартиради;

3) ҳукми ёки ажримни (қарорни) бекор қилади ва ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун жўнатади ёхуд ишни тугатади.

Назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб, апелляция ёки кассация ажримини

бекор қилади, шунингдек агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказиши.

Апелляция инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Кассация ва назорат инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтиришга ҳақлидир. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

Юқори инстанция суди ҳукмининг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **491-м о д д а. Ҳукми ўзгартириш**

Ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди Жиноят кодексини нотўғри қўллагани ёхуд жиноятнинг огирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилгани аниқланса, суд ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, ушбу Кодекснинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **492-м о д д а. Ҳукми ёки ажримни (қарорни) бекор қилиб, жиноят ишини кўшимча терговга ёки янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориш**

Юқори суд ҳукм ёки ажримни (қарорни) бекор қилган тақдирда жиноят ишини кўшимча терговга ёхуд бошқа судья ёки судьяларнинг бошқа таркиби янгитдан кўриши учун ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарган судга ёхуд бошқа судга юбориши.

#### **493-м о д д а. Айблов ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини тугатиш**

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб, суд ушбу Кодекснинг 83-моддаси ва

84-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли бўлмаса ва кўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилади ва жиноят ишини тугатади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон ва 2010 йил 27 декабрь ЎРҚ-277-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 52-сон, 509-модда)*

#### **494-м о д д а. Жазони кучайтиришга ва огирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўйилмаслиги**

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек огирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг энгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция ёки кассация тартибида ҳукм бекор қилиниши ва иш янгитдан судда кўриш учун юборилиши мумкин.

Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахснинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ёки кассация шикояти, шунингдек назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **495-м о д д а. Юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги**

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўлатўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек Жиноят кодекси ҳамда ушбу Кодекс нормалари бузилишларини бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларига ишни янгитдан судда кўриш чоғида амал қилиш мажбурийдир.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди ишни кўшимча терговга ёхуд янгитдан судда кўриш учун юбораётганда айблов исботлангани ёки исботланмагани, у ёки бу далилларнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, жиноятнинг тавсифи ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса чиқариб қўйишга ҳақли эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **496-м о д д а. Юқори суд ажримнинг (қарорининг) мазмуни**

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўраётган суднинг ажримида (қарорида) қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

- 1) ажрим (қарор) чиқарилган вақт ва жой;
- 2) ажрим (қарор) чиқарган суднинг номи ва таркиби, ишни кўришда қатнашган прокурор ва бошқа шахслар;
- 3) апелляция, кассация шикоят, апелляция, кассация ёки назорат тартибида протест берган шахс;
- 4) шикоят ёки протест берилган ҳукмнинг, ажримнинг (қарорнинг) қарор қисми мазмуни;
- 5) шикоятнинг, протестнинг, уларга нисбатан билдирилган эътирозларнинг мазмуни, ишда иштирок этаётган шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ва прокурорнинг фикри;
- 6) шикоят, протест бўйича суднинг қарори.

Шикоят, протест қаноатлантирилмай қолдирилган тақдирда, уларда келтирилган вазиятлар қандай сабабларга кўра асоссиз ёки аҳамиятсиз деб топилганлиги ажримда (қарорда) кўрсатилиши лозим.

Ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳолларда апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди қонуннинг қайси моддаларидаги талаблар бузилганлигини ҳамда бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асоссизлиги нимадан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиши лозим.

Иш апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун юборилаётганда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилиши зарур.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда хусусий ажрим чиқаради.

Ажрим суднинг тўлиқ таркиби томонидан, суд раёсатининг қарори раислик қилувчи томонидан, Пленум қарори эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади. Чиқарилган ажрим (қарор) раислик қилувчи ёки суд таркибидаги судьялардан бири томонидан суд мажлиси залида дарҳол ўқиб эшиттирилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **497-м о д д а. Ажримни (қарорни) ижро этиш учун юбориш**

Ажрим (қарор) чиқарилганидан кейин у узоғи билан беш сутка ичида жиноят иши билан бирга қўшиб ҳукм ёки апелляция ёхуд кассация ажрими чиқарган судга ёки бошқа судга, иш қўшимча терговга жўнатилган тақдирда эса, айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро этиш учун юборилади.

Қамоқдан озод этилиши лозим бўлган маҳкумни, агар у суд мажлисида қатнашаётган бўлса, озод этишга доир ажрим (қарор) залнинг ўзидаёқ ижро этилади.

Бошқа ҳолларда ажрим (қарор) чиқарилган вақтдан эътиборан узоғи билан йигирма тўрт соат ичида унинг нусхаси суд томонидан жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига юборилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **55<sup>1</sup>-боб. АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ\***

##### **497<sup>1</sup>-м о д д а. Апелляция тартибида шикоят бериладиган ва протест билдирилдиган қарорлар**

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

##### **497<sup>2</sup>-м о д д а. Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари аса, протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Мазкур модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

##### **497<sup>3</sup>-м о д д а. Ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби**

Қуйидагиларнинг:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

\* 55<sup>1</sup>-боб Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айти шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанция судига топширилган бўлса, суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун уларни ҳукм чиқарган судга юборади.

#### **497<sup>4</sup>-м о д д а. Ҳукм устидан апелляция шикоятлари ва протестлари бериш муддати**

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олинishi мумкин эмас. Тарафлар шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидир.

Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади.

#### **497<sup>5</sup>-м о д д а. Апелляция шикояти ёки протести бериш муддатини тиклаш тартиби**

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан муурожаат қилишлари мумкин. Зарур ҳолларда бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашнинг рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин, у муддатни тиклашга ва ишни хусусий шикоят ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир. Бунда ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талаблар бажарилиши лозим.

#### **497<sup>6</sup>-м о д д а. Ҳукм устидан апелляция шикояти ёки протести бериш оқибатлари**

Апелляция шикояти берилиши ёки апелляция протести билдирилиши ҳукмни ижро этишни тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни

бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади.

Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

#### **497<sup>7</sup>-м о д д а. Апелляция шикояти ва протестининг мазмуни**

Апелляция шикояти ва протестида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи;
- 2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) ҳукмни чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) шикоят, протест берган шахснинг вазлари, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;
- 5) аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;
- 6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;
- 7) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест берувчи шахснинг имзоси.

#### **497<sup>8</sup>-м о д д а. Апелляция шикояти ёки протестини қайтариб олиш**

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирилган шахс ўз шикояти ёки протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқига юқори турувчи прокурор ҳам эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақлидир.

#### **497<sup>9</sup>-м о д д а. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят бериш ва протест билдириш**

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ушбу Кодекснинг 497<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Ҳукм чиқариш билан яқунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёхуд протест билдирилган тақдирда, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугагандан кейингина иш апелляция инстанцияси судига юборилади.

Суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан мазкур

модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шикоятлар бериш ва протестлар билдириш мумкин эмас. Буларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёхуд апелляция протестига киритилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

#### **497<sup>10</sup>-м о д д а. Апелляция инстанцияси суди мажлисини тайинлаш**

Биринчи инстанция судининг раиси апелляция шикояти ёки протести тушган ишни юқори турувчи судда кўриб чиқиладиган кун ва жойни белгилайди, ушбу Кодекснинг 497<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилган шахслар бундан хабардор қилинади.

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суднинг ихтиёрига биноан таклиф қилинадилар.

#### **497<sup>11</sup>-м о д д а. Апелляция инстанциясида иш юритиш тартиби**

Апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича, шунингдек ушбу бобда баён этилган қоидалар бўйича ўтказилади.

Иш кўриладиган жой ва сана ҳақида вақтида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги ишни кўриш ва қарор чиқаришга монелик қилмайди.

Раислик қилувчи қандай иш кўрилишини маълум қилади ва тарафларнинг келган-келмаганлигини аниқлайди, сўнгра суд таркиби аъзоларининг, прокурорнинг, суд котибининг, агар таржимон мажлисида иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг ҳамда ҳимоячининг фамилияси ва исми эълон қилади, рад қилиш ҳақида арзлар бор-йўқлигини текширади. Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг апелляция инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини тушунтиради. Шундан кейин раислик қилувчи ҳозир бўлган тарафлардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди ва билдирилган илтимослар бўйича апелляция инстанцияси ажрим чиқаради.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ёки протестнинг вазлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга кўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Раислик қилувчи апелляция шикояти берган шахсга, апелляция шикояти ва протести кимга нисбатан берилган бўлса ўша шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва вакилларига, сўнгра эса прокурорга сўз беради. Агар берилган апелляция шикоятлари орасида прокурорнинг апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади.

Суд тарафларнинг сўзларини эшитиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини лозим даражада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, бевосита суд мажлисида текшириладиган далиллар ҳажмини аниқлаш тўғрисида; суд мажлисида судланувчини, жабрланувчиларни, гувоҳларни,

экспертлар ва зарурат бўлса, бошқа шахсларни чақириш тўғрисида; судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин суд суд мажлисига чақирилган судланувчини, гувоҳларни, жабрланувчиларни сўроқ қилиш йўли билан далилларни текширишга, шунингдек тарафларнинг илтимоси бўйича ҳамда ўзининг ташаббуси билан ҳужжатларни, баённомаларни ва ишга оид бошқа материалларни ўқиб эшиттиришга киришади. Далилларни текшириш тартиби тарафларнинг фикрлари инobatга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд тарафларнинг илтимоси бўйича ёки ўзининг ташаббуси билан уларни чақиришни зарур деб топган бўлса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинадилар.

Тарафлар янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақлидир. Арз қилинган илтимосларни ҳал этиш ушбу Кодекснинг 438-моддаси қоидалари асосида амалга оширилади, бунда апелляция инстанцияси суди илтимос биринчи инстанция судида қаноатлантирилмаган деган асосда илтимосни қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмас.

Далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига кўшимча қилиш ҳақида илтимослари бор-йўқлигини суриштиради, суд бу илтимосларни ҳал этади ва суд музокараларига ўтади.

#### **497<sup>12</sup>-м о д д а. Суд музокаралари. Судланувчининг охириги сўзи**

Суд музокаралари ушбу Кодекснинг 449-моддаси қоидалари асосида ўтказилади, бунда шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Суд музокаралари тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига, агар у иштирок этаётган бўлса, охириги сўз беради, шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

#### **497<sup>13</sup>-м о д д а. Апелляция инстанция судининг ваколатлари**

Суд ишни апелляция тартибида кўриб, ўзининг ажрими билан:

- 1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;
- 2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришга;
- 3) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатишга;
- 4) биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгартиришга;
- 5) биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ва ушбу Кодекс 419-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишни кўшимча тергов юритиш учун юборишга;
- 6) биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгитдан судда кўриш учун юборишга ҳақли.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир томонлама олиб боришга ёхуд жиддий бўлмаган процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси ишни биринчи инстанция судига янгитдан судда кўришга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоидабузарликларни батараф этиш чораларини кўради ҳамда кўриб чиқиш натижаларини инobatга олган ҳолда ҳукмга ўзгартиришлар киритади.

Апелляция инстанцияси суди қароридида қандай асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоят ёки протестнинг важлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси қарор қабул қилаётганда биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга апелляция шикоятлари, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақлидир.

Қарор ушбу Кодекснинг 473-моддаси қоидалари асосида эълон қилинади.

#### **497<sup>14</sup>-м о д д а. Апелляция инстанцияси суд мажлисининг баённомаси**

Апелляция инстанцияси судида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 426-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади. Суд мажлиси баённомаси юзасидан мулоҳазалар берилиши мумкин, улар ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

#### **497<sup>15</sup>-м о д д а. Хусусий шикоят ва протестларни ҳал қилиш тартиби**

Хусусий шикоят ёки протест апелляция шикоятлари ёки протестлари билан бир вақтда кўриб чиқилади.

Хусусий шикоят ёки протестни ҳал қила туриб, раислик қилувчи суд муҳокамаси барча иштирокчиларининг фикрини сўрайди, зарур ҳолларда жиноят ишининг берилган шикоят ёки протестга алоқадор материалларини ўқиб эшиттиради. Ҳар бир хусусий шикоят ёки протест бўйича суд ўша ернинг ўзида ёки маслаҳатхонада ажрим чиқаради.

Иш юзасидан фақат хусусий шикоят ёки протест тушган бўлса, ҳукм чиқарган суд апелляция шикояти бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугаши билан ишни юқори судга юборади.

Хусусий шикоят ёки протестни ҳал қилиш суд томонидан шикоят ёки протест берган шахсни, шунингдек унинг томонидан келиши сўралган шахсларни ёхуд суднинг ўзи лозим деб топган шахсларни таклиф этган ҳолда амалга оширилади.

Хусусий шикоят ёки протест бўйича чиқарилган суд ажрими қатъий ҳисобланади.

#### **497<sup>16</sup>-м о д д а. Апелляция инстанцияси қарорларининг қонуний кучга кириши**

Апелляция инстанцияси қарорлари эълон қилиниши биланоқ дарҳол қонуний кучга қиради.

#### **497<sup>17</sup>-м о д д а. Апелляция инстанциясида ишни қўшимча кўриш**

Баъзи маҳкумларга дахли бўлган, белгиланган муддатда юборилган апелляция шикояти ёки протести бирор сабабга кўра апелляция инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса ёки ўтказиб юборилган муддат ушбу Кодекснинг 497<sup>5</sup>-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан тикланса, шунингдек маҳкумининг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция шикояти, ушбу маҳкумга доир иш процессининг бошқа иштирокчиси берган апелляция шикояти ёхуд протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, апелляция инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Бу ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибда протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жўнатилади.

Ишни қўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ва хусусий протестни ҳал қилишга ҳам тааллуқлидир.

#### **497<sup>18</sup>-м о д д а. Апелляция инстанцияси судининг ажрими**

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

#### **56-БОБ. КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ**

#### **498-м о д д а. Ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибда шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибда кўрилган бўлмаса, кассация тартибда шикоят беришга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибда кўрилган бўлмаса, кассация тартибда протест билдиришга ҳақлидир. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон ва 2004 йил 27 август 671-И-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда; 2004 йил, 9-сон, 171-модда)

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

#### **499-м о д д а. Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби**

Қуйидагиларнинг:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – шу судларнинг судлов ҳайъатларига;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – шу суднинг судлов ҳайъатига;

4) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Кассация шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёхуд протест бевосита кассация инстанцияси судига топширилган бўлса, суд уларни ҳукм чиқарган судга ушбу Кодекснинг 479-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборади.

#### **500-м о д д а. Суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат**

Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **501-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)**

#### **502-м о д д а. Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдиришнинг оқибатлари**

Ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, бир ойлик муддат ичида ишни шикоятлар, протестлар ва улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга кассация инстанцияси судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **503-м о д д а. Шикоят ёки протестни қайтариб олиш**

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёхуд протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Юқори турувчи прокурор ҳам протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли.

#### **504-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)**

#### **505-м о д д а. Ишни кўриб чиқишга тайинлаш ва суд мажлисига иштирокчиларни чақириш**

Биринчи инстанция судининг раиси кассация шикояти ёки протести тушган иш кассация инстанцияси судида кўриладиган кун ва жойни белгилайди, бу ҳақда ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар хабардор қилинади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суд лозим топсагина таклиф қилинадилар.

#### **506-м о д д а. Кассация инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби**

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини маълум қилади ва суд мажлисига кимлар келганини аниқлайди, шундан кейин суд ишни кўришга киришиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади. Сўнг раислик қилувчи суд таркибини, суд мажлисида ҳозир бўлган процесс иштирокчиларининг фамилияларини эълон қилади, ҳозир бўлганлардан рад қилиш ҳақида арзлари бор-йўқлигини сўрайди. Бундай арзлар бўлган тақдирда суд улар юзасидан қарор қабул қилади.

Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг кассация инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини тушунтиради, ушбу Ко-



декснинг 479-моддаси талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлайди ва зарур бўлса, уларни бажариш чораларини кўради.

Раислик қилувчи суд мажлисида иштирок этаётган шахслардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Билдирилган илтимослар бўйича суд ажрим чиқаради. Илтимосларни қаноатлантириш учун зарур бўлса, суд мажлиси кейинга қолдирилиши мумкин.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ёки протестнинг вазлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга кўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган маҳкум ёки оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари тушунтирув берадилар. Шикоят берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади. Иш протест бўйича кўрилатган бўлса, прокурор протестни асослаб беради. Ҳам шикоят, ҳам протест берилган ҳолларда сўзга чиқиш навбатини суд белгилайди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг тушунтирувлари эшитиб бўлингач, суд мажлисига чақирилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроқ қилинади. Улар суд муҳокамасининг қайси иштирокчиси ташаббуси билан чақирилган бўлса, аввало ўша шахс томонидан сўроқ қилинади. Ихтилофлар чиқиб қолса, уларни суд ҳал қилади.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроқ қилиниб бўлгач, суд тарафларнинг ушбу Кодекснинг 449-моддасига мувофиқ ўтказиладиган музокарасини бошлайди. Суд музокараси ва маҳкумнинг охириги сўзи тугагандан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага кириб кетади.

Суд муҳокамасининг бориши ва мазмуни ҳақида суд мажлисининг баённомаси тузилади. Баённома ушбу Кодекснинг 426-моддасида кўрсатилган муддатда тайёрланиши лозим. Баённома билан суд мажлисининг барча иштирокчилари танишишга ва зарурат бўлганда ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда унга ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

**507-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**508-м о д д а.** **Кассация инстанциясида жиноят ишини кўшимча кўриш**

Баъзи маҳкумларга дахли бўлган кассация шикояти ёки протести бирор сабабга кўра кассация инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса, шунингдек маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг кассация шикояти, ушбу маҳкумга доир иш процесснинг бошқа иштирокчиси берган кассация шикояти ёки протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб туш-

ган бўлса, кассация инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Бу ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибда протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жўнатилади.

Ишни кўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ва хусусий протестларни ҳал қилишга ҳам тааллуқлидир.

**509-м о д д а.** **Кассация инстанцияси судининг ажрими**

Кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

**57-БОБ. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ**

**510-м о д д а.** **Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибда шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Апелляция ёки кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ушбу Кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат тартибда шикоят беришлари мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**511-м о д д а.** **Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибда протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) билан бирга ишларни назорат тартибда кўриб чиқишга улар фақат апелляция ёки кассация тартибда кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест билдиргандагина йўл қўйилади.

Қуйидагилар протест билдиришга ҳақли:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси – барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суднинг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар – жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишinchа Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори – округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **512-м о д д а. Жиноят ишини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олиш**

Ушбу Кодекснинг 511-моддасида кўрсатилган шахслар ўз ваколатлари доирасида текшириш ва назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ҳар қандай жиноят ишини суддан талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Ишларни жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарлари, туман, шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадир. Ишларни округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан талаб қилиб олиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосарлари, округлар ҳарбий прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Ишларни талаб қилиб олишга фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг, ишни назорат тартибида юритиш ҳақида топширик олган адвокатларнинг илтимосномалари, судьялар ва прокурорларнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, шунингдек ишни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг бевоқиф шундай қарорга келишлари сабаб бўлади.

#### **513-м о д д а. Суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат**

Протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳолини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

#### **514-м о д д а. Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш муддатлари**

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинмаган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши лозим.

#### **515-м о д д а. Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бўйича қабул қилинадиган қарорлар**

Келиб тушган илтимоснома юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозим:

1) илтимосномада келтирилган важлар ҳукм ёхуд ажрим (қарор)нинг қонунийлиги ва асослигига шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

2) илтимосноманинг ўзида, шунингдек унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган важлар асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмалиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

3) протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қуйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёхуд ажрим (қарор)га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади.

#### **516-м о д д а. Талаб қилиб олинган жиноят ишини текшириш ва қарор қабул қилиш**

Назорат тартибида талаб қилиб олинган жиноят иши протест билдириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан ёки унинг топшириғига биноан илгари ушбу ишни кўришда қатнашмаган прокурор ёхуд судья томонидан текширилади.

Ҳукмни ёки ажримни (қарорни) қонунга хилоф ва асоссиз деб топган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар протест

билдирадилар ва ишни шу протест билан бирга тегишли назорат инстанцияси судига юборадилар. Протест билдиришга асос бўлган илтимоснома ва бошқа материаллар протестга илова қилинади. Протест билдирилгани ҳақида протест билдиришни сўраб илтимоснома билан муροжаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга, шунингдек маҳкумга, оқланган шахсга, уларнинг ҳимоячиларига ёхуд қонуний вакилларига хабар берилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Суднинг қарорига протест билдириш учун асослар мавжуд бўлмаганда ишни текширган прокурор ёки судья асосланган хулоса тузади, хулоса протест келтириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилади. Бу ҳақда илтимосномасига кўра иш талаб қилиб олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилади, иш эса судга қайтарилади.

Ишни талаб қилиб олишнинг ёки протест билдиришнинг рад этилиши устидан юқори суд раисига ёки юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

#### **517-м о д д а. Ҳукм ва ажрим (қарор) ижросини тўхтатиб туриш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг протест билдирилган ҳукми ва ажрими (қарори) ижро этилишини келтирилган протест назорат тартибида ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир. Қонуннинг очикдан-очиқ бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини то улар юзасидан протест билдирилгунга қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **518-м о д д а. Протестни қайтариб олиш**

Протест берган шахс протестни қайтариб олишга ҳақли. Юқори турувчи прокурор ўзига бўйсунувчи прокурор билдирган протестни қайтариб олишга ҳақли. Протестни қайтариб олишга фақат назорат инстанцияси суди ишни кўришни бошлагунга қадар йўл қўйилади. Протест ва уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдирилади.

#### **519-м о д д а. Жиноят ишларини протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи судлар**

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек мазкур судлар томонидан биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тариқасида кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарилган ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судини, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўрилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **520-м о д д а. Назорат инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби**

Назорат инстанцияси судида жиноят иши ушбу Кодекснинг 506-моддасида назарда тутилган қоғдаларга биноан кўрилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатида ишни кўриш чоғида протестни қаноатлантириш тарафдорлари билан қаршилар овози тенг келиб қолса, протест маҳкум (оқланган шахс) фойдасига ҳал қилинган ҳисобланади, маҳкумнинг (оқланган шахснинг) аҳолини оғирлаштириш ҳақидаги масала қўйилган протест эса рад этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**521-м о д д а. Юқори суд ажримлари ва қарорларини назорат тартибида бекор қилиш ҳамда ўзгартириш**

Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукми қонунга хилоф ва асоссиз деб топиб, бу ҳукми ҳамда шунингдек апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек назорат тартибида чиқарилган ажримлар ва қарорларни, агар улар туфайли ҳукм ўзгартиришсиз қолдирилган бўлса, бекор қилади ёки ўзгартиради. Бунда ушбу Кодекс 490-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин.

Протестни кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукм ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган, апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишни кўриш чоғида қонуннинг бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни тўғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари, назорат инстанцияси судининг ажримлари ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим.

Суд назорат тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ва апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**522-м о д д а. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар**

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашга қуйидагилар асос бўлади:

1) жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, шунингдек ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилинган қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2) иш бўйича тергов ўтказган суриштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жиноий суиистеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) мазкур ишни кўриш чоғида судьяларнинг жиноий суиистеъмолларга йўл қўйгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

4) ҳукм ёхуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган ёки иши тугатилган шахснинг айбдорлигидан даълолат берадиган бошқа ҳолатлар.

**523-м о д д а. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари**

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан айблов ҳукмини маҳкумнинг манфаатини кўзлаб қайта кўриб чиқиш ҳеч қандай муддатлар билан чегараланмайди.

Маҳкумнинг ўлими уни реабилитация қилиш мақсадида иш юритишни янги очилган ҳолатлар муносабати билан қайтадан бошлашга тўсқинлик қилмайди.

Оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш ҳақидаги суднинг ажримини (қарорини) қайта кўриш, шунингдек суднинг айблов ҳукмини ва ажримини (қарорини) жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги сабабли қайта кўриш фақат Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати давомида ва янги ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан амалга оширилиши мумкин.

Янги ҳолатлар очилган кун қуйидагича ҳисобланади:

1) ушбу Кодекс 522-моддасининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолларда – сохта далиллар тақдим этганликда, била туриб нотўғри таржима қилганликда ёки иш бўйича тергов юритишда ёхуд ишни судда кўришда жиноий суиистеъмол содир этганликда айб-ли шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган кун;

2) ушбу Кодекс 522-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисида прокурор қарор чиқарган кун.

**524-м о д д а. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзгатиш**

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзгатиш ҳуқуқига прокурор эга.

Фуқароларнинг мурожаатлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг, жамоат бирлашмаларининг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари, шунингдек бошқа жиноят ишлари бўйича бевосита тергов юритиш ёки судда кўриб чиқиш жараёнида олинган маълумотлар янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзгатишга сабаб бўлади.

Ушбу Кодекс 522-моддасининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бири бўйича етарли маълумотлар бўлса, прокурор жиноят ишини кўзгатади, кейин иш умумий тартибда тергов қилинади ва кўриб чиқилади.

Ушбу Кодекс 522-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлса, прокурор ўз ваколати доирасида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзгатиш ҳақида қарор чиқаради ва иш юзасидан тергов олиб боради ёхуд буни терговчига топширади.

Прокурор янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзгатишга асос йўқ деб ҳисобласа, ўз қарори билан иш кўзгатишни рад этади. Бу ҳақда иш кўзгатиш сўраб илтимоснома билан мурожаат қилган шахсга хабар берилиб, унга қарор юзасидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

### **525-м о д д а. Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказиш**

Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказиш қонун бўйича жиноят ишини кўзгатиш учун асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш билан чекланади. Бунда ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда сўроқ қилиш, кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа зарур тергов ҳаракатлари ўтказиш мумкин.

### **526-м о д д а. Янги очилган ҳолатлар бўйича тергов тамомланганидан кейин прокурорнинг ҳаракатлари**

Иш юриштишни қайтадан бошлашга асослар мавжуд бўлганда прокурор ишни судга юборади. Ушбу Кодекс 522-моддасининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолларда иш судга прокурорнинг протести ҳамда қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси билан, ўша модданинг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда эса, тергов материаллари билан биргаликда юборилади.

Иш юриштишни қайтадан бошлаш учун асослар бўлмаса, прокурор ўз қарори билан ишни тергов қилишни тугатади. Бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар берилади ва уларга қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

### **527-м о д д а. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юриштишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масаланинг суд томонидан ҳал қилиниши**

Прокурорнинг янги очилган ҳолатлар туфайли иш юриштишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги протести:

1) туман (шаҳар) судлари ва гарнизон ҳарбий судлари томонидан ҳукм ёки ажрим чиқарилган ишлар бўйича – тегишли юқори суднинг раёсатида;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, шунингдек Қуролли Кучларнинг ҳарбий суди томонидан ҳукм, ажрим, қарор чиқарилган ишлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли ҳайъатларида;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ҳукм ва ажрим чиқарилган ишлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ёки Пленуми томонидан қарор чиқарилган ишлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида кўриб чиқилади.

## **Ўн иккинчи бўлим. ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ**

### **58-боб. ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТТИРИШ**

#### **528-м о д д а. Ҳукмнинг қонуний кучга кириши ва уни ижро этиш**

Ҳукм унинг устидан апелляция шикояти бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикояти берилган ёки протест бил-

дирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан қуни қонуний кучга киради.

Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, башарти шулардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради.

Ҳукм қонуний кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро этирилади. Иш фақат биринчи инстанция судига юборилиши лозим, прокурорга ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **529-м о д д а. Суд мажлиси залида қамоқдан озод этиш**

Суд ҳукми эълон қилгач, суд мажлиси залида қуйидагиларни дарҳол қамоқдан озод қилади:

1) оқланган шахсни;

2) жазо тайинланмаган маҳкумни;

3) жазодан озод этилган маҳкумни;

4) ушлаб туриш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш оқиба-тида қамоқда бўлган вақтдан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган ҳукмга биноан шу иш бўйича жазони ўтаган вақтдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумни;

5) шартли равишда озодликдан маҳрум этилган маҳкумни;

6) озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилган шахсни.

#### **530-м о д д а. Суд ажрими, қарорининг қонуний кучга кириши ҳамда уларни ижро этиш**

Биринчи инстанция судининг ажрими шу ажрим устидан кассация тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш муддати ўтиши билан ёхуд шикоят ёки протест билдирилган тақдирда иш юқори судда кўрилиб бўлгандан кейин қонуний кучга киради ва ижро этилади.

Суднинг шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши билан оқ дарҳол кучга киради ва ижро этилади.

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суд ажримининг айбланувчини ёки судланувчини қамоқдан озод қилишга оид қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Кассация инстанцияси судининг ажрими у эълон қилинган пайтдан қонуний кучга киради.

Юқори инстанция судининг ажрими, қарори ушбу Кодекснинг 497-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиб ижро этирилади.

#### **531-м о д д а. Ҳукми, ажрими ва қарорни ижро этириш тартиби**

Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади.

Ҳукми ижро этиш тўғрисидаги фармойиш судья ёки суд раиси томонидан ҳукми ижро этиш мажбурияти юклатилган органга ҳукмининг нусхаси билан бирга қилинади. Иш апелляция, кассация ёки назорат тартибда кўрилганда ҳукм ўзгартирилган бўлса, ҳукм нусхасига апелляция, кассация ёки назорат инстанции судининг ажрими ёхуд қарори нусхаси илова қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Ҳукми ижро этувчи органлар унинг ижро этилганлиги ҳақида ҳукми чиқарган судга дарҳол хабар беради. Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум жазони қаерда ўтаётгани ҳақида ҳукми чиқарган судга хабар бериши шарт.

Суд қарорини ўз вақтида ёки тўла бажармаслик қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонуний кучга кирган ҳукмининг нусхаси зарур ҳолларда маҳкумнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига юборилади.

Қонуний кучга кирган ҳукм ҳақида зарур ҳолларда матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка маълум қилинади.

Суд маҳкумни ҳарбий унвонидан ёки махсус унвонидан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, суд ҳукмининг нусхасини ижро этиш учун ана шу унвон берган органга юборади. Суд давлат мукофотлари билан тақдирланган ёки олий ҳарбий ёхуд махсус унвонга эга бўлган шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқаришда уни ана шу мукофотлар ёки унвонлардан маҳрум этиш тўғрисида тегишли органга тақдимнома киритишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилади.

Ҳукмининг жарима солиш ва бошқа мулкий ундиришлар қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари маҳкумнинг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги, шунингдек маҳкумнинг мулки бор жойдаги суд ижрочиларига юборилади. *(Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 24 сентябрь ЎРҚ-115-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 401-модда)*

Қамоқда сақланаётган маҳкумни озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукм қонуний кучга киргани ва ижро этирилиши ҳақида суд маҳкумнинг оиласини хабардор қилиши шарт.

Қамоқда сақланаётган маҳкум билан учрашувларга ҳукми ижро этирилишдан аввал ушбу Кодекснинг 477-моддаси асосида рухсат этилади.

Суд томонидан маҳкумнинг вояга етмаган фарзандларини муассасаларнинг, қариндошларининг ёки бошқа шахсларнинг ҳомийлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, суд бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик органига, шунингдек маҳкумга хабар беради.

Маҳкумнинг қаровсиз қолган мол-мулки ва турар жойини қўриқлаш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида суд мол-мулк ва турар жой жойлашган ердаги ҳокимликка ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилади, бу ҳақда маҳкумни хабардор этади.

### **532-м о д д а. Ҳукми ижро этиш босқичида маҳкумнинг ҳуқуқлари**

Ҳукми ижро этиш босқичида маҳкум: судга ҳукмининг ижросини кечиктириш ҳақида, касаллиги ёки ногиронлиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш ҳақида, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ва муддатидан олдин шартли озод қилиш ҳақида, жазони ижро этиш жойларида сақлаш шароитларини ўзгартириш ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича аризалар беришга; суд мажлисида иштирок этишга ва кўрсатувлар беришга, далиллар тақдим қилишга, илтимослар қилишга ва рад этишга; ишдаги барча материаллар билан танишишга, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар беришга ҳақли.

### **59-БОБ. ҲУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШДА ЮЗАГА КЕЛГАН МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

#### **533-м о д д а. Ҳукмининг ижросини кечиктириш**

Судья озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ҳукм ижросини қуйидаги асослардан бирортаси мавжуд бўлганда кечиктириши мумкин:

- 1) маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида – у соғайгунча;
- 2) ҳукми ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса – бир йилдан ошиб бўлмаган муддатга;
- 3) маҳкумнинг ёш боласи бўлса – у уч ёшга тўлгунча қадар;

4) жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса – уч ойдан ошмаган муддатга.

Ҳукмининг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилади.

Ўта хавфли рецидивистларга ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳукмининг ижросини кечиктириш мумкин эмас.

#### **534-м о д д а. Касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш тартиби**

Маҳкум жазони ўтаётган вақтида жазони ўташга монелик қиладиган сурункали руҳий касалликка ёки бошқа оғир касалликка дучор бўлган тақдирда судья жазонинг ижро қилинишига мутасадди органнинг тақдимномасига биноан, махсус тиббий комиссиянинг ҳулосасига асосан маҳкумни ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Сурункали руҳий касалликка дучор бўлган маҳкумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда судья унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашга ёки уни соғлиқни сақлаш органлари ёхуд қариндошлари васийлигига беришга ҳақлидир.

Бундай шахслар соғайган тақдирда, башарти бу ҳол жазонинг ижро этиш муддати тугашига қадар содир бўлса, суд тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Руҳий касалликка дучор бўлган шахслардан ташқари, оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлигини, маҳкумининг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади.

Маҳкумни ўталмай қолган жазодан касаллиги туфайли озод қилганда судья уни фақат асосий жазодан эмас, балки қўшимча жазо чорасидан ҳам озод қилишга ҳақли, бу ажримда кўрсатилиши лозим.

### **535-м о д д а. Жазонинг шартлилигини бекор қилиш тартиби**

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан Жиноят кодекси 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

### **536-м о д д а. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиби**

Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига ёки маҳкумининг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланилади.

Интизомий қисмда жазони ўтаётганларга нисбатан ана шу чоралар интизомий қисм кўмондонлигининг тақдимномасига ёки маҳкумининг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланилади. (Биринчи ва иккинчи қисмлар *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда*)

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумининг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумининг ўзи ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан амалга оширилади.

Ушбу масалалар тўғрисидаги тақдимномалар ёки илтимосномалар уларни рад этиш тўғрисида қарор чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтгач, қайта кўриб чиқилиши мумкин. (*Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикаси*

*ликасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда*)

### **536<sup>1</sup>-модда. Маҳкумни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш тартиби**

Маҳкумни амнистия актига асосан асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш прокурорнинг илтимосномасига биноан маҳкумининг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан амалга оширилади.

(*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ-193-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда*)

### **537-м о д д а. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш шароитини жазони ўташ вақтида ўзгартириш**

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан, шунингдек маҳкумининг ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига кўра судья томонидан амалга оширилади.

Судья жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга, колониядан турмага ўтказишни рад этса, бу масала юзасидан киритилган тақдимнома ёки илтимоснома рад қилиш ҳақида қарор чиқарилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади. (*Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда*)

Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун, узоғи билан йигирма ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин.

### **538-м о д д а. Маҳкумни тергов ҳибсхонасида сақлаб туриш**

Бошқа шахс содир этган жиноят ҳақидаги иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориш зарур бўлганда жазони ижро этиш муассасасида жазони ўташ шартли

билан озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкум тергов ҳибсхонасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан – уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг розилиги билан эса олти ойгача муддатга ёки иш судда кўрилиши муносабати билан – суд ажримига кўра иш судда кўриб чиқиладиган вақтга қадар ушлаб турилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ–299-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)

**539-м о д д а. Жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тартиби**

Жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш Жиноят кодексининг 44 ва 46-моддаларига мувофиқ судья томонидан жазони ижро этувчи органлар тақдимномаси билан ёки жамоат бирлашмаси ёхуд жамоанинг илтимосномаси бўйича амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 24 сентябрь ЎРҚ–115-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 401-модда)

**539<sup>1</sup>-м о д д а. Ҳукмлар, ажримлар ва қарорларни ижро этишда фуқаровий даъво ҳамда бошқа мулкый ундирувларга оид қисми бўйича юзага келадиган масалаларни ҳал этиш**

Ҳукмлар, ажримлар ва қарорларни ижро этишда фуқаровий даъво ҳамда бошқа мулкый ундирувларга оид қисми бўйича юзага келадиган масалалар фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)

**540-м о д д а. Ижро қилинмаган бошқа ҳукмлар мавжуд бўлган тақдирда ҳукми ижро этиш тартиби**

Маҳкумга нисбатан ижро этилмаган бир неча ҳукм мавжуд бўлиб, кейинги ҳукми чиқарган суд бундан беҳабар бўлса, ҳукм ижро этилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди ҳукм қилинган шахсга Жиноят кодексининг 60-моддасига амал қилиб, мазкур ҳукмларнинг ҳаммасида белгиланган жазоларни қўллаш тўғрисида ажрим чиқаради.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)

**541-м о д д а. Ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросига тааллуқли масалаларни ҳал қилувчи судлар**

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган шахсларни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги, ҳукм ижросини кечиктириш тўғрисидаги, ҳукми ижро қилмаслик тўғрисидаги, жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни умумий мейнат стажига қўшиш тўғрисидаги, руҳий касал шахсларга қўлланаётган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги, алкоғолизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларга нисбатан мажбурий даволаш чораларини қўллаш, узайтириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги фуқаровий даъво ҳамда бошқа мулкый ундирувларга оид қисми бўйича масалаларни, шунингдек ҳукми ижро этишда юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукми чиқарган суд ҳал қилади. Башарти ҳукм уни чиқарган суд фаолият кўрсатаётган ҳудуддан ташқарида ижро этилаётган бўлса, бу масалалар тенг даражадаги суд томонидан ҳал этилади, ҳукм ижро этилаётган ҳудудда тенг даражадаги суд бўлмаса, юқори суд томонидан ҳал этилади. Бундай ҳолларда ажримнинг нухаси ҳукм чиқарган судга жўнатилади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)

Маҳкумни касаллиги ёки ногиронлиги сабабли жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисидаги, бир жазони ижро этиш колониясидан ёки тарбия колониясидан бошқа турдаги колонияга, жазони ижро этиш колониясидан турмага ва турмадан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш ҳақидаги масалаларни маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси ҳал қилади.

Озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш ёки шартли ҳукми бекор қилиб, маҳкумни ҳукмда белгиланган жазони ўташ учун жўнатиш ҳақидаги, ҳукмнинг ижро этилиши кечиктирилган маҳкумни жазодан озод этиш, шунингдек ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ва маҳкумни озодликдан маҳрум этишни ўташ учун юбориш тўғрисидаги, судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги масалалар шу маҳкумнинг истиқомат жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди судьяси томонидан ҳал қилинади. (Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

**542-м о д д а. Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби**

Ҳукми ижро этиш тўғрисидаги масалалар судья томонидан прокурор ҳамда маҳкум иштирокида суд



мажлисида ҳал қилинади. Маҳкумнинг ушбу Кодекс 532-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари таъминланади. Судья вояга етмаган, шунингдек жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган маҳкумларга доир ҳукмларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқаётганида ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмуриятнинг йўлланмаси бўйича ўзи туриши лозим бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумни манзил-колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосномасига биноан кўриб чиқилади. Маҳкумнинг судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Бунда маҳкумни қамоққа олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши керак. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ-124-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 503-модда)*

Жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жарима жазосини ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши учун судда узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ҳолда жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда, суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш масаласини ҳал қилиши керак. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 апрель ЎРҚ-151-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14–15-сон, 94-модда)*

Агар масала ҳукмнинг фуқаровий даъво тўғрисидаги қисмини ижро этишга тааллуқли бўлса, суд мажлисида фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари ҳам қақрилади. Мазкур шахсларнинг суд мажлисига келмай қолиши ишни кўришни тўхтатиб қўймайди.

Маҳкумни касаллиги, ногиронлиги сабабли жазони ўташдан озод этиш тўғрисидаги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисидаги, бир жазони ўташ колониясидан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги, тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига, жазони ижро этиш колониясидан турмага ва турмадан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш тўғрисидаги, махсус тартибли жазони ўташ колониясидан қаттиқ тартибли жазони ўташ колониясига ўтказиш тўғрисидаги, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг меҳнат стажига қўшиш, шунингдек маҳкумларга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масалалар маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги туман (шаҳар) судининг ажрими билан ҳал этилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон ва 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ-193-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-мод-*

*да; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда)*

Иш жазонинг ижросини амалга оширувчи муассаса ҳамда вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан кўриб чиқиладиган ҳолларда судья мазкур комиссияни илтимоснома кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилади.

Бошқа маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида муддатидан илгари шартли озод этиш ҳақидаги тақдимнома судья томонидан жазони ижро этиш колониясида ёки тарбия колониясида кўриб чиқилиши мумкин.

Ишни кўриш тақдимнома ёки илтимосномани ўқиб эшиттиришдан бошланади, кейин судья тақдим этилган материалларни текширади ва суд мажлисида ҳозир бўлган шахсларнинг фикрларини эшитади. Охирида маҳкум ёки унинг ҳимоячисига сўз берилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

#### **543-м о д д а. Синов муддати тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш**

Судья шартли ҳукм қилинган шахснинг синов муддатини қисқартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқаётганида суд мажлисига ана шу шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи органларнинг, шунингдек маҳкумни кузатиб турувчи ва у билан тарбиявий иш олиб борувчи жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакиллари тақлиф этилади.

#### **544-м о д д а. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш**

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масала судья томонидан жазони ўтаб бўлган шахснинг, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг суд мажлисида қатнашиши шарт. У ҳимоячи олиш ҳуқуқи билан таъминланади. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан берилган бўлса, уларнинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тақдим қилинган илтимосномани ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг судья судда ҳозир бўлганларнинг фикрларини эшитади ва ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судланганликни олиб ташлаш рад этилса, судьяга бу масалага доир қайта илтимоснома ажрим чиққан кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан кейин киритилиши мумкин.

#### **545-м о д д а. Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш**

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала

жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала судья томонидан кўриб чиқилаётган пайтда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимос кўзгатган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттириш билан бошланади, сўнг судья чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишларини ўташ вақтида ҳалол меҳнат қилганлиги ва намунали хулқидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан судья чиқарган ажрим устидан юқори судга шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

**546-м о д д а. Хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳисобга киритиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш**

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 24 сентябрь ЎРҚ–115-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 401-модда)*

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилаётган пайтда илтимоснома ким ҳақида киритилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимоснома киритилган қўмондонликнинг вакили қатнашиши шарт.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтида виждонан хизмат қилганлигидан ва намунали хулқ-атворидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чиқарган ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин. *(Иккинчи – тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 24 сентябрь ЎРҚ–115-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 401-модда)*

**Ўн учинчи бўлим. АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ**

**60-60б. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

**547-м о д д а. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби**

Жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби умумий қоидалар, шунингдек ушбу Кодекснинг 548–564-моддалари асосида белгиланади.

**548-м о д д а. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар**

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ушбу Кодекснинг 82–84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

- 1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (тутилган йили, ойи, куни);
- 2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- 3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- 4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

**549-м о д д а. Вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашиши**

Вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унга ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилади.

Қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилади.

**550-м о д д а. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш**

Вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради. Шу мақ-

садда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакилининг ёхуд бошқа шахсларнинг топшириги ёки розилиги билан қақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур.

**551-м о д д а. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида иштирок этишга жалб қилиш**

Суд вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхонани, муассасани, ташкилотни, вояга етмаганларнинг иши билан шуғулланувчи комиссияни, зарур бўлса, бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади. Суд бу ташкилотларнинг вакиллари, судланувчининг васий ёки ҳомийсини суд мажлисига қақирушга ҳақлидир.

**552-м о д д а. Вояга етмаган шахсга айблов эълон қилиш**

Вояга етмаган шахсга айблов эълон қилиш вақтида ҳимоячи билан бир қаторда вояга етмаган шахснинг қонуний вакили ҳам иштирок этишга ҳақлидир.

**553-м о д д а. Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш**

Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади.

Сўроқ қилиш чоғида терговчининг рухсати билан вояга етмаганнинг қонуний вакили иштирок этиши мумкин.

Ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчига ва айбланувчига саволлар беришга ҳақли. Сўроқ охирида ҳимоячи ва қонуний вакил баённома билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

Вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, олти соатдан ошмаслиги керак.

**554-м о д д а. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки**

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. У терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ туганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

**555-м о д д а. Вояга етмаган айбланувчига нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чоралари**

Ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда вояга етмаган айбланувчига ушбу Кодекснинг 237-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораларидан бирини қўллаш мумкин. Вояга етмаган шахс ота-онасининг, ҳомийлар, васийларнинг қаровига ёки, башарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбарларининг қаровига ҳам берилиши мумкин.

Вояга етмаган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чоралари қўлланилгани тўғрисида унинг қонуний вакилига, агар бундай вакил бўлмаса, бошқа қариндошларига хабар қилинади.

**556-м о д д а. Вояга етмаган шахсни қаровга топшириш тартиби**

Вояга етмаган шахсни ота-онаси, васийлар, ҳомийлар ёки болалар муассасаси раҳбарларининг қаровига топшириш мазкур шахслардан биронтаси вояга етмаганнинг терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини, шунингдек айбланувчининг ушбу Кодекс 46-моддасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришини таъминлаш масъулиятини ёзма равишда ўз зиммасига олишидан иборатдир.

Вояга етмаганни ота-онасининг, васийларнинг, ҳомийларнинг ёки бошқа шахсларнинг қаровига топшириш уларнинг, шунингдек вояга етмаган шахснинг ўзининг розилиги билангина амалга оширилади.

Терговчи, прокурор, суд вояга етмаган шахсни қаровга топширишдан олдин ота-оналар, васийлар ёки ҳомийларнинг шахси, уларнинг вояга етмаган шахс билан ўзаро муносабати ҳақида маълумот тўплаши ва улар ўсмирни қаров остига олишни лозим даражада амалга оширишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ота-оналар, васийлар, ҳомийлар ўзларининг касалликлари, иш билан банд эканликлари, вояга етмаган шахс билан ўзаро муносабатлари ёмонлашганлиги ва шунинг оқибатида унинг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлай олмаглики сабабли вояга етмаган шахс ўз қаровларида бўлишидан истаган вақтда воз кечишга ҳақлидир.

Ота-оналардан, васийлардан, ҳомийлардан болалар муассасаси раҳбарларидан вояга етмаган шахсни қаровга қабул қилиш ҳақида тилхат олинаётганда улар ушбу эҳтиёт чораси қўлланишига асос бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига тайинланиши мумкин бўлган жазо ва вояга етмаган шахс содир этиши эҳтимол тутилган қилмишларнинг олдини олиш мақсадида қаровга берилганидан кейин у худди ана шу хатти-ҳаракатларни содир этса, қаровга олувчиларнинг жавобгарлиги ҳақида хабардор қилиниши лозим. Бу маълумотлар қаровга бериш баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Айбланувчи ўз вазифасини бажармаган тақдирда уни ўз қарамоғига олган шахс қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

### **557-м о д д а. Вояга етмаган шахсни болалар муассасасига жойлаштириш**

Эҳтиёт чораларини қўллаш учун асослар бўлган тақдирда, вояга етмаган айбланувчини, судланувчини турмуш ва тарбияланиш шароитига кўра илгариги яшаш жойида қолдириб бўлмаса, у терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёки суднинг ажримига биноан болалар муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

### **558-м о д д а. Вояга етмаган айбланувчини қамоққа олиш**

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш вояга етмаган шахсга нисбатан фақат ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда прокурор иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослигини текшириши, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши шарт. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–100-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда)*

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилган вояга етмаган шахслар катта ёшдагилардан, шунингдек вояга етмаган маҳкумлардан алоҳида сақланиши лозим.

### **559-м о д д а. Даствлабки терговни тамомлаш ва вояга етмаган шахсни иш материаллари билан таништириш**

Вояга етмаган айбланувчига даствлабки тергов тамомланганлиги эълон қилиниб, унга иш материаллари кўрсатилаётганда унинг қонуний вакили иштирок этишга ҳақли. Терговчи қонуний вакилга айбланувчини иш материаллари билан таништириш вақти ва жойи тўғрисида хабар бериши керак.

Терговчи вояга етмаган айбланувчига унинг шахси шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган иш материалларини танишиш учун кўрсатмаслик тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

### **560-м о д д а. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш**

Ушбу Кодекс 19-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган

ларнинг жиноятлари тўғрисидаги иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади.

### **561-м о д д а. Вояга етмаган судланувчини суд мажлиси залидан чиқариб туриш**

Вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек прокурорнинг фикрини эшитиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текширилаётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли.

Вояга етмаган шахс суд залига қайтарилганидан сўнг раислик қилувчи унга йўқлигида бўлиб ўтган муҳокама мазмунини етарли ҳажмда ва шаклда маълум қилади ва унинг йўқлигида сўроқ қилинган шахсларга савол бериши учун вояга етмаганга имконият яратиб беради.

### **562-м о д д а. Вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссияга ишнинг кўрилиши ҳақида хабар бериш**

Суд, зарурат бўлганда, вояга етмаган шахснинг жинояти тўғрисидаги ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссияга хабар беради. Суд, шунингдек бу комиссия вакиллари гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиришга ҳақлидир.

### **563-м о д д а. Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд томонидан ҳал этиладиган масалалар**

Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

### **564-м о д д а. Вояга етмаган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда озод қилиш**

Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссияда кўришга топширишда терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда Жиноят кодекси 87-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисида асослантилган ажрим чиқаради.

Мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисидаги ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

## **61-бoб. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

### **565-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалаларни кўриш тартиби**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалаларни кўриш тартиби ушбу Кодекснинг умумий қоидалари, шунингдек 566–581-моддалари асосида белгиланади.

### **566-м о д д а. Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар**

Жиноят қилгандан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг жинояти тўғрисидаги иш бўйича шахсда жиноят содир этгандан кейин юзага келган ва жазо қўллашни истисно этувчи руҳий касаллик борлиги исботланиши лозим.

Ақли норасонинг ижтимоий хавфли қилмиши тўғрисидаги иш юзасидан қуйидагилар исботланиши лозим:

1) ушбу Кодекс 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар;

2) шахс, қилмиш содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо ҳолатда бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги ёки ўз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги;

3) мазкур шахснинг дастлабки тергов юритиш ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати.

Шу билан биргаликда жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг иши бўйича, шунингдек ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахснинг иши бўйича шахснинг бундан кейинги хатти-ҳаракати ўзи ва атрофдагилар учун хавф тўғдириши мумкинми-йўқми эканлиги, унинг даволанишга муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашига зарурат бор ёки йўқлигини ва қандай чоралар қўллаш лозимлигини ҳал қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳам исботланиши лозим.

### **567-м о д д а. Суд-психиатрия экспертизаси**

Терговчи ёки суд айбланувчининг, судланувчининг ёхуд ишга айбланувчи, судланувчи тариқасида жалб қилинмаган шахснинг руҳий касаллиги масалалари юзасидан унинг жиноят содир этганлиги ёки Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги ҳақида ишонарли далиллар мавжуд бўлган тақдирда, дастлабки терговни юритиш ва суд муҳокамаси вақтида мазкур шахснинг ақли норасолиги ёки руҳий касаллиги тўғрисида асосли шубҳа тугилган бўлса, суд-психиатрия экспертизаси тайинлади.

### **568-м о д д а. Суд-психиатрия экспертизаси аниқлайдиган масалалар**

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказишда қуйидаги масалалар аниқланиши лозим:

1) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтда ўз ҳаракатларини идора эта олмайдиган ёки идора

қила олмайдиган даражада руҳий касаллик ҳолатида, руҳияти вақтинчалик бузилиш, ақли заиф ёки бошқа касаллик ҳолатида бўлганлиги;

2) шахс ҳозирги вақтда руҳий касаллик ҳолатида бўлиб, ҳукм қилиш ва жазолаш унга ахлоқ тузатиш жиҳатидан таъсир кўрсата олмаслиги;

3) ушбу касаллик сурункалими ёки шахс муайян вақт мобайнида тузалиши мумкинми;

4) шахс дучор бўлган руҳий касаллик яна ижтимоий хавфли қилмиш келтириб чиқариши ёки бунга сабаб бўлиши мумкинми;

5) шахс ўзининг руҳий ҳолатига кўра тўғри кўрсатув беришга, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш ва бошқа тергов ҳамда суд ҳаракатларида иштирок этишга қодирми;

6) ҳозирги вақтда шахснинг ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий нуқсонлари борми ва улар нималардан иборат.

Шахсни эксперт тадқиқоти ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ушбу Кодекснинг 265–269-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиб амалга оширилади.

### **569-м о д д а. Шахс тиббий муассасага жойлаштирилганда жиноят ишини юритишнинг тўхтатиб турилиши**

Башарти гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги амбулатория экспертизаси хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса ва қандай касалликка дучор бўлганлигини аниқлаш, ақли расолиги, муомалага лаёқатлиги масаласини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш учун стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, башарти бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳожат бўлмаса, ишни юритиш тўхтатиб турилиши мумкин.

Ишни юритишнинг тўхтатиб турилиши айбланувчини қамоқда сақлаш ва шахснинг тиббий муассасада бўлишига оид қонунда белгиланган муддатлар ўтишини тўхтатмайди.

### **570-м о д д а. Шахснинг тергов ва суд ҳаракатларини юритишдаги иштироки**

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши тўғрисида иш юритилаётган шахс соғайса ёки унда барқарор ремиссия ҳолати юз берса ва шу туфайли сўроқларда тўғри кўрсатув бера олса ҳамда бошқа тергов ва суд ҳаракатларида иштирок эта олса, терговчи ва суд бу шахсга тергов қилишда ва суд муҳокамасида қатнашиш ҳамда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш имконини бериши лозим.

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахс: унга қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик учун айб қўйилаётганини билишга; кўрсатув беришга; далиллар тақдим қилишга; илтимослар қилишга; дастлабки тергов тамомланганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш қилишга; ҳимоячига эга бўлишга; суд муҳокамасида қатнашишга; рад қилишга; терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Терговчи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ишини юритишни бошлаш ва суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарорни эълон қилганда мазкур шахсга ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқларини тушунтириб беради. Ҳуқуқлар тушунтирилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

Мазкур шахс алоҳида тергов ва суд ҳаракатларини юритиш вақтида ушбу Кодексдаги айбланувчи ва судланувчилар учун белгиланган ҳуқуқларга ҳам эга.

#### **571-м о д д а. Ҳимоячининг иштироки**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишда суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ишга киришган вақтдан бошлаб ҳимоячи, башарти ҳимояси остидаги шахснинг соғлиги халал бермаса, у билан холи учрашишга ҳақли, шунингдек ушбу Кодекснинг 53-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижрога юборишдан олдин терговчи ёки суд у билан ҳимоячинини таништириши ва унинг қуйидаги ҳуқуқларини таъминлаши зарур: тайинланган экспертни ёки умуман экспертиза муассасасини рад қилиш; муайян шахсни эксперт қилиб тайинлашни илтимос қилиш; экспертнинг олдига қўшимча саволлар қўйиш; экспертиза ўтказилаётганда қатнашиш учун рухсат сўраш. Терговчи ёки суд ҳимоячининг илтимосномасини, башарти асослар бўлса, қондиради ва экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга тегишли қўшимчалар ва ўзгартишлар киритади.

Суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра, ҳимоя остидаги шахс жиноят содир этилгандан сўнг руҳий касал бўлиб қолган ёки ақли норасо бўлса ёхуд унинг ақли расолигини истисно этмайдиган, аммо ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини мустақил амалга оширишда қийинчилик туғдирадиган руҳий камчиликлари бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳимоячининг ишда иштирок этиши шартлиги ҳақидаги қондаси амал қилишда давом этади.

Кейинчалик суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси асосида шахс ақли расо ва руҳий соғлом деб топилса, ишда ҳимоячининг иштироки масаласи умумий тартибда ҳал қилинади.

#### **572-м о д д а. Ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор**

Терговчи процесс иштирокчиларини иш материаллари билан таништиргач ва илтимосномаларни ҳал қилгач, ишни судга юбориш тўғрисида қарор тузади.

Терговчи қарорнинг тавсиф-асослаш қисмида ушбу Кодекснинг 566-моддасида назарда тутилган ҳолатларни, шунингдек ишни судга юбориш асосларига норози бўлган ҳимоячининг ва бошқа шахсларнинг вазларини, агар шундай вазлар билдирилган бўлса, баён қилади ва иш саҳифаларига ҳавола қилиб, унинг фикрича, ишни судга юбориш учун асослар борлигини тасдиқловчи далиллар келтиради.

Ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорга суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек дастлабки тергов юритилган муддат, устидан тергов ўтказилган шахснинг қамоқда ва тиббий муассасада бўлган муддати, ашёвий далиллар, фуқаровий даъво ва уни таъминлаш чоралари, процессуал чикимлар тўғрисидаги маълумотномалар илова қилинади.

#### **573-м о д д а. Ишни прокурорга ўтказиш ва судга ошириш**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни терговчи уни судга ошириш тўғрисидаги қарор билан бирга прокурорга ўтказилади.

Прокурор иш билан танишиб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида (84-модданинг биринчи қисми 2-банди бундан мустасно) назарда тутилган асосларга кўра ишни тугатиш; (1-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ-193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда*)

2) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни терговчига қайтариш;

3) қарорни тасдиқлаб, ишни судга ошириш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш. (3-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ-193-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда*)

#### **574-м о д д а. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш**

Судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни прокурордан олгач, уни ушбу Кодекснинг 395–405-моддаларида назарда тутилган қондаларга биноан ўтказиладиган суд муҳокамасига тайинлайди.

#### **575-м о д д а. Суд муҳокамаси**

Суд муҳокамаси ушбу Кодекснинг 50–52-бобларида назарда тутилган қондаларга мувофиқ равишда ўтказилади.

Суд мажлисида прокурор ва ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Суд тергови прокурорнинг ишни судга ошириш тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг суд тарафларнинг иштирокида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки рад этилган далилларни текширади: сўроқ қилади, кўздан кечириш ўтказилади, ҳужжатларни ўқиб эшиттиради, экспертларни тинглайди, ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасига ўтади. Музокарада прокурор, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этадилар. Музокаранинг охирида ҳимоячи сўзга чиқади. Охириги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳам унга берилади.

Тарафларнинг нутқларини эшитиб бўлгач, судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

### **576-м о д д а. Алоҳида хонада суд ҳал қиладиган масалалар**

Алоҳида хонада суд қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- 1) жиноят содир этилганми ёки ақли норасо шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этганми;
- 2) ана шу жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш иши кўрилаётган шахс томонидан содир этилганми;
- 3) мазкур шахс ҳозирги вақтда руҳий касалми;
- 4) жиноят содир этганидан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган ёки ақли норасо ҳолда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш талаб этиладими ва агар талаб этилса, айнан қандай чорани қўллаш керак;
- 5) мазкур шахс руҳий касалликдан умумий асосларда даволанишга муҳтожми.

Суд, шунингдек ушбу Кодекс 457-моддаси биринчи қисмининг 10–14-бандларида назарда тутилган масалаларни ҳам ҳал қилади.

### **577-м о д д а. Суд ажрими**

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши ҳақидаги иш бўйича суд мажлисида чиқарилган суд ажрими қуйидаги қоидалар асосида тузилади.

Суд ажримнинг кириш қисмида иши кўрилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили, ойи, куни ва жойи, турар жойи, иш жойи, машғулот тури, маълумотини ва шахси тўғрисидаги иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотларни кўрсатади.

Ажримнинг тавсиф-асослаш қисмида суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни баён қилади, шу чорани қўллашни тақозо қиладиган, шубҳа остига қўядиган ёки унга монелик қиладиган далиллар келтиради. Шундан сўнг ажримда суд ушбу Кодекснинг 576-моддасида санаб ўтилган масалаларга ўзининг жавобларини ифодалайди.

Ажримнинг хулоса қисмида суд қуйидаги қарорлардан бирини баён қилади:

- 1) шахсни жиноят содир этган, кейинчалик руҳий касал бўлиб қолган деб эътироф этиш ёхуд уни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб тан олиш тўғрисида, шунингдек бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида;
- 2) иши кўрилаётган шахс қилган деб ҳисобланаётган жиноят ҳодисаси ёки ижтимоий хавфли қилмиш йўқлиги сабабли ишни тугатиш тўғрисида;
- 3) шахсининг содир этилган ишга дахлдор эмаслиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақида ва ҳақиқатда жиноят содир этган шахсни аниқлаш мақсадида ишни кўшимча терговга қайтариш тўғрисида;
- 4) мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва дастлабки терговни умумий тартибда мамонлаш учун ишни прокурорга қайтариш тўғрисида.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлган шахснинг содир этган жинояти ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши туфайли мулкий зиён етказилган бўлса, зиённинг ўрнини қоплаш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда ҳал этилади.

Руҳий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган тақдирда суд бу ҳақда шахснинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дарҳол хабар қилади.

### **578-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс соғайган тақдирда ёки соғлиги ўзгариб, шахс руҳий касал бўлса-да, суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хил даволанишга муҳтож бўлса ёхуд бу хилдаги чораларга муҳтож бўлмаса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилади ёки ўзгартиради.

### **579-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишни тиклаш**

Жиноят содир этган ва кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолганлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда суд ишни шахс руҳий касал бўлган босқичдан бошлаб умумий тартибда юритишни тиклаш масаласини ҳал қилиши лозим.

### **580-м о д д а. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш ва иш юритишни тиклаш**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш ва иш юритишни умумий тартибда тиклаш тўғрисидаги масалаларни судда кўриб чиқишга қуйидагилар сабаб бўлади:

- 1) мажбурлов чораси тайинланган шахс сақланаётган тиббий муассаса маъмуриятининг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган илтимосномаси;
- 2) прокурорнинг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган тақдимномаси;
- 3) мазкур шахснинг ҳимоячиси, яқин қариндошлари, қонуний вакиллари ёки бошқа манфаатдор фуқароларнинг, шунингдек жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг илтимосномаси.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш, шунингдек иш юритишни умумий тартибда тиклаш масалаларини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган суд ёки ушбу чора қўлланаётган жойдаги суд кўриб чиқади.

Иш судда кўришга тайинлангани тўғрисида суд тарафларга, шунингдек илтимоснома билан мурожаат қилган тиббий муассаса маъмуриятига, шахсларга, жамоат бирлашмалари ва жамоалар раҳбарларига хабар қилади.

Суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда судья ишни судда кўришга тайинлашдан олдин тегишли тиббий муассасадан шу шахнинг соғлиғи тўғрисида шифокорлар комиссиясининг ҳулосасини талаб қилиб олади.

Шифокорлар комиссиясининг илтимосномага қўшиб берилган ёки талаб қилиб олинган ҳулосаси судда шубҳа туғдирса, суд суд-психиатрия экспертизасини тайинлаши, қўшимча ҳужжатлар талаб қилиши, илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахсни, жабрланувчини, гувоҳларни сўроқ қилиши ва бошқа зарурий ҳаракатларни ўтказиши мумкин.

Суд мажлисида далилларни текшириш ушбу Кодекснинг 439–448-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

Далилларни текшириш ниҳоясига етгач, суд томонларнинг музокарасини эшитади, бу музокара прокурор ва ҳимоячи нутқидан иборат бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш, ўзгартириш, шунингдек бекор қилишни ёки ўзгартиришни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, бу ажрим суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш рад қилинган тақдирда тақрорий илтимоснома рад этиш ҳақида ажрим чиққан кундан олти ой ўтгандан кейингина кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин.

### **581-м о д д а. Суднинг ажрими устидан шикоят бериш ёки протест билдириш**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишни юритишни тўхтатиш ва тугатиш, ушбу чораларни қўллаш, уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш, ишни юритишни умумий тартибда тиклаш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартиришни рад этиш тўғрисидаги ҳамда иш юритишни умумий тартибда тиклашни рад этиш тўғрисидаги суд ажрими устидан ўзига нисбатан суд ажрими чиқарилган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ва унинг вакили хусусий шикоятлар бериш, прокурор эса хусусий протест билдириш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича суд ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят беришга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган ажрим устидан берилган шикоят ва протестларни юқори суд ушбу Кодекснинг 505–507-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда кўриб чиқади.

### **62-БОБ. ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ\***

#### **582-м о д д а. Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари**

Ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

#### **583-м о д д а. Ярашув тўғрисидаги ариза**

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартираф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

#### **584-м о д д а. Жиноят ишини судга юбориш тартиби**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши кўзгатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Қарорнинг қарор қисмида:

- 1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;
- 2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги;
- 3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

#### **585-м о д д а. Суд муҳокамаси**

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг

\* 62-боб Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда.



қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд:

ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқроқ бўлганлигини;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;

жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйик бўлган-бўлмаганлигини;

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ярашувга розилиklarини аниқлайди.

Шундан сўнг суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқроқ бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

### **586-м о д д а. Суд ажрими**

Суднинг ажрими қуйидаги қоидалар бўйича тузилади.

Суд ажримининг кириш қисмида:

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулот, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1) суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги;

4) зарарни қоплаш тўғрисидаги.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **63-боб. ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСКИЧИДА АМНИСТИЯ АКТИНИ ҚЎЛЛАШ\***

#### **587-м о д д а. Терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш тартиби**

Амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Агар бир нечта шахсга нисбатан жиноят иши бўйича улардан лоақал биттаси амнистия актининг таъсир доирасига тушса, унга нисбатан жиноят ишининг қисми амнистия актини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш учун ушбу Кодекснинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан алоҳида иш юритишга ажратилиши мумкин.

#### **588-м о д д а. Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза**

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза терговга қадар текширув қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан, тегишинча терговга қадар ўтказилган текширувнинг, суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида берилиши мумкин.

#### **589-м о д д а. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани судга киритиш тўғрисидаги масаланинг прокурор томонидан кўриб чиқиш тартиби**

Прокурор суриштирувчининг, терговчининг тақдимномаси асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёхуд жиноят иши билан бирга судга юборади. Прокурор илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай судга юбориши лозим.

\* 63-боб Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда.

Жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун асослар бўлмаган тақдирда, прокурор терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишени суриштирувчига ёхуд терговчига қайтариш ҳақида асосланган қарор чиқаради. Прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят берилиши мумкин.

### 590-м о д д а. Суд мажлиси

Прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш ҳақидаги ёки жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси белгилайдиган бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яққа тартибда кўриб чиқилади.

Суд мажлиси илтимоснома жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши билан бирга судга келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Илтимосномани кўриб чиқиш суд томонидан прокурор албатта иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади.

Суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг уэрсиз сабабларга кўра келмаганлиги суд мажлисининг ўтказилишига монелик қилмайди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қайси гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан танланган бўлса, ўша гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этиши зарурлиги масаласи суд томонидан ҳал қилинади.

Суд мажлиси прокурорнинг маърузаси билан бошланади, прокурор амнистия актига асосан жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш ёки жиноят ишени тугатиш зарурлигини асослаб беради. Сўнгра амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, ҳимоячининг, қонуний вакилнинг сўзлари эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга кўра баённома юритилади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича судья қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради, ушбу ажримнинг гумон қилинувчини ёки айбланувчини қамоқдан озод қилишга доир қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Суднинг ажрими ижро этиш учун прокурорга, маълумот учун эса амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилган бўлса, ўша шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига, жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга), ҳимоячига ва қонуний вакилга юборилади.

Агар суд мажлиси давомида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд эмаслиги аниқланса, суд терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишени умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишени юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

### 591-м о д д а. Суднинг ажрими

Суд ажримининг кириш қисмида:

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, оғи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти, оилавий аҳоли ва уларнинг шахси тўғрисидаги, иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади.

Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

амнистия актига асосан жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш ҳақидаги ёхуд жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги;

прокурорнинг жиноят ишени кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишени тугатиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ҳамда терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёхуд жиноят ишени умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишени юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

ашёвий далиллар тўғрисидаги;

фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги.

Суднинг ажримига амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилган бўлса, ўша шахс томонидан, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари томонидан хусусий шикоят берилиши ва прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин, бундай шикоят ва протестлар тегишинча апелляция, кассация ва назорат тартибда кўриб чиқилиши лозим.

**Ўн тўртинчи бўлим. ЖИНОЙ СУД  
ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДАГИ  
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК\***

**64-боб. СУДЛАР, ПРОКУРОРЛАР, ТЕРГОВЧИЛАР  
ВА СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ  
ДАВЛАТЛАР ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН  
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**592-м о д д а. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисида сўров юбориш**

Ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритади.

Ўзаролик принципи сўров киритилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда хорижий давлатнинг ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ёзма мажбурияти билан тасдиқланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров:

умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали;

қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади.

Зарур ҳолларда, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган органлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан алоқа боғлайди.

**593-м о д д а. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва шакли**

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровда қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) сўров юбораётган органнинг номи;
- 2) сўров юборилаётган органнинг номи ва жойлашган ери;
- 3) жиноят ишининг номланиши ва сўровнинг хусусияти;

\* Ўн тўртинчи бўлим Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 28 сентябрь ЎРҚ–262-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 39-сон, 340-модда.

4) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан унинг туғилган санои ва жойи, фуқаролиги, машғулоти тури, яшаш жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар, унинг процессуал мақоми, юридик шахс учун эса унинг номи, юридик манзили ва жойлашган ери;

5) аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни, шунингдек сўралаётган ҳужжатлар, ашёвий ва бошқа далиллар рўйхати;

6) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг тавсифи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиш жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;

7) агар жиноят натижасида зарар етказилган бўлса, унинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровда уни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров уни юбораётган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар сўровни юбораётган органнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда улар юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бошқа тилга таржима қилинади.

**594-м о д д а. Хорижий давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи**

Хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиш давомида унинг ваколатли органлари томонидан олинган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида шахсни жиний жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровга илова қилиниб, Ўзбекистон Республикасига юборилган, белгиланган тартибда тасдиқланган ва топширилган далиллар ушбу Кодекс талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган далиллар сингари юридик кучга эга бўлади.

**595-м о д д а. Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш**

Суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган, ўзларига белгиланган тартибда топширилган процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида ижро этади.

Агар процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров келиб тушган орган уни ижро этишга ваколатли бўлмаса, у сўровни ваколатли органга юборди ва бу ҳақда сўров ташаббускорини ёзма равишда хабардор қилади.

Бевосита судга, прокурорга, тергов органига, суриштирув органига процессуал ҳаракатларни бажариш

тўғрисида келиб тушган сўров ушбу Кодекс 592-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган тегишли органлар билан келишилган ҳолдагина ижро этилиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этишда ушбу Кодекс нормалари қўлланилади. Хорижий давлат ваколатли органининг илтимоси бўйича, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, хорижий давлат процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда ёки ўзаролик принципи асосида, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этишда хорижий давлат ваколатли органининг вакиллари ушбу Кодекс 592-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган тегишли органлар рухсати билан ҳозир бўлиши мумкин.

Агар процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиш мумкин бўлмаса, у ҳолда олинган ҳужжатлар сўровни ижро этишга тўсқинлик қилган сабаблар кўрсатилиб, сўровни олган орган орқали, зарур бўлганда эса дипломатик йўллар орқали хорижий давлатнинг сўровни юборган ваколатли органига қайтариб юборилади.

Агар сўров Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки унинг ижроси Ўзбекистон Республикаси суверенитетига ёхуд хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса, у ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

**596-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳни, жабрланувчини, экспертни, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакиллари чакориши**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида процессуал ҳаракатларни бажариш учун жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс томонидан чақирилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни чақириш тўғрисидаги сўров ушбу Кодекснинг 592-моддасида белгиланган тартибда юборилади. Шахсларни чақиришда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш таҳдиди бўлмаслиги керак.

Чақирув бўйича келган, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтгунига қадар содир этилган қилмишлар учун ёки чиқарилган ҳукмлар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёхуд шахсий эркинликнинг бошқача чекланишларига дучор этилиши мумкин эмас. Агар чақирув бўйича келган шахс унинг ҳозир бўлиши чақиртирган мансабдор шахсга бошқа керак бўлмай қолган пайтдан эътиборан ўн беш суткалик узлуксиз муддат ўтгунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиш имкониятига эга бўла туриб, шу ҳудудда қолишда давом этса ёки жўнаб кетгандан кейин Ўзбекистон Республикасига қайтиб келса, мазкур иммунитетнинг амал қилиши тугайди.

Хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланаётган шахс, башарти бу шахс ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни чақириш тўғрисидаги сўровда назарда тутилган процессуал ҳаракатлар бажарилиши учун хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча ўтказилган бўлса, ушбу моддада белгиланган тартибда чақирилади. Бундай шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўладиган бутун даврида қамоқда сақланаверади. Уни қамоқда сақлашга хорижий давлат ваколатли органининг тегишли қарори асос бўлади. Мазкур шахс сўровга берилган жавобда кўрсатилган муддатларда тегишли хорижий давлат ҳудудига қайтарилиши керак.

Шахсни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки ўзаролик принципи асосида белгиланади.

**597-м о д д а. Жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш**

Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган, кейинчалик унинг ҳудудидан чиқиб кетган ҳамда процессуал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг иштирокида бажаришнинг имкони бўлмаган тақдирда, тергов қилинаётган жиноят ишининг барча материаллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига топширилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур материалларни хорижий давлатнинг ваколатли органига тергов қилиш учун юбориш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Жиноят иши материалларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ариза, шунингдек далиллар илова қилинади. Ишдаги ҳар бир ҳужжат мазкур жиноят ишини юритаётган органнинг гербли муҳри билан тасдиқланган ва юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бошқа тилга таржима қилинган бўлиши керак.

**598-м о д д а. Жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш**

Хорижий давлат ваколатли органининг хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўрови Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан кўриб чиқилади. Бундай ҳолларда жиноят ишини юритиш ушбу Кодексда белгиланган тартибда олиб борилади. Жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қабул қилган орган қарорнинг кўчирма нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қабул қилинган қарор ҳақида хорижий давлатнинг сўровни юборган ваколатли органини ёзма равишда хабардор қилади. Мазкур органнинг илтимосига кўра жиноят иши бўйича узил-кесил қарорнинг кўчирма нусхаси ҳам юборилиши мумкин.

## **65-БОБ. ШАХСНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ЁКИ ҲУКМНИ ИЖРО ЭТИШ УЧУН УШЛАБ БЕРИШ**

### **599-м о д д а. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориш**

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органига хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориши мумкин.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юбориш, агар сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиш ҳар иккала давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш бўлса ва шахс жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб берилган тақдирда — уни содир этганлик учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ёки оғирроқ жазо назарда тутилганда ёхуд шахс ҳукмни ижро этиш учун ушлаб берилган тақдирда — у олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинганида амалга оширилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юбориш зарурияти юзага келганда ҳамда бунинг учун ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган асослар ва шартлар мавжуд бўлганда, барча зарур материаллар мазкур сўровни юбориш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровда қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) сўров юбораётган органнинг номи;
- 2) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, яшаш жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар ва унинг шахси ҳақидаги бошқа маълумотлар, шунингдек имкони борича ташқи киёфаси тавсифи, фотосурати ва шахсни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа материаллар;
- 3) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари баёни ва тавсифи, шу жумладан у томонидан етказилган зарарнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиш жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;
- 4) шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор ёхуд ҳукм чиқарилган жой ва сана тўғрисидаги, шунингдек ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги маълумотлар.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг тасдиқланган қўчирма нусхалари илова қилиниши керак. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўров-

га қонуний кучга кирган ҳукмнинг тасдиқланган қўчирма нусхаси ва жазонинг ўталмаган муддати тўғрисидаги маълумотнома илова қилиниши керак.

### **600-м о д д а. Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жи- ноий жавобгарлиги доираси**

Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда хорижий давлатнинг розилиги талаб қилинмайди, агар:

у ушлаб берган шахс жиноят иши тугатилган кундан эътиборан, ҳукм қилинган тақдирда эса жазо ўталган ёки ҳар қандай қонуний асосга кўра жазодан озод қилинган кундан эътиборан бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этмаган бўлса. Ушлаб берилган шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиш имкониятига эга бўлмаган вақт бу муддатга қўшиб ҳисобланмайди;

у ушлаб берган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этган, аммо кейин ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган бўлса.

Хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қабул қилган орган унинг қўчирма нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини у томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят ишини юриштириш натижалари ҳақида ёзма равишда хабардор қилади. Мазкур органнинг илтимосига кўра жиноят иши бўйича узил-кесил қарорнинг қўчирма нусхаси ҳам юборилиши мумкин.

### **601-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳуду- дида бўлган шахсни ушлаб бе- риш тўғрисидаги сўровни ижро этиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўров Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қўриб чиқилади.

Ўзаролик принципи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юборган хорижий давлат ваколатли органининг шунга ўхшаш вазиятда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг сўровига биноан шахсни ушлаб бериш амалга оширилиши ҳақидаги ёзма ваъдаси билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

агар шахс жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб берилаётганида содир этилган қилмиш учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ёки оғирроқ жазони назарда тутса;

агар ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров юборилган шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлса;

сўровни юборган хорижий давлат ўзига нисбатан сўров юборилган шахснинг фақат сўровда кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилишини ҳамда суд муҳокамаси тугаганидан ва жазони ўтаганидан кейин мазкур давлат ҳудудини эркин тарқ эта олишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг розилигисиз учинчи давлатга чиқариб юборилмаслигини, топширилмаслигини ёхуд ушлаб берилмаслигини, худди шунингдек қўйноқларга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилмаслигини ва унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигини кафолатласа.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади. Айни бир шахсни ушлаб бериш тўғрисида бир неча давлатнинг сўрови мавжуд бўлганда, шахсни қайси давлатга ушлаб бериш кераклиги тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қабул қилинган қарор тўғрисида ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсни йигирма тўрт соат ичида ёзма равишда хабардор қилади ва унга мазкур қарор устидан ушбу Кодекснинг 602-моддасига мувофиқ шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахс ёзма равишда хабардор этилган пайтдан эътиборан ўн сутка ўтиши билан кучга киради. Қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинган тақдирда, шахсни ушлаб бериш суднинг ажрими қонуний кучга киргунига қадар амалга оширилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш муддати ўтгач ёки суднинг ажрими қонуний кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қабул қилинган қарорни, суднинг ажримини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборади.

### **602-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан сўралаётган шахс қамокда сақланаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судларига мазкур шахс ёхуд унинг ҳимоячиси томонидан хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўн сутка ичида шикоят қилиниши мумкин.

Сўралаётган шахс қамокда сақланаётган жойнинг маъмурияти шикоятни олиши билан уни дарҳол судга юборади ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хабарнома олинган кундан эътиборан уч суткадан кечик-

тирмай судга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини тасдиқловчи материалларни юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш шикоят суд томонидан олинган кундан эътиборан ўн сутка ичида уч нафар судьядан иборат таркибда, очиқ суд мажлисида прокурор, ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган шахс ва, агар ишда иштирок этаётган бўлса, унинг ҳимоячиси иштирокида амалга оширилади.

Суд мажлиси бошланишида раислик қилувчи қайси шикоят кўриб чиқилишини эълон қилади, ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради. Аризачи ва (ёки) унинг ҳимоячиси шикоятни асослаб беради, шундан сўнг сўз прокурорга берилади.

Суд муҳокамаси давомида суд шикоят берган шахснинг айблилиги масаласини муҳокама қилмай, устидан шикоят берилган қарорнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини текшириш билан чекланади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижасида суд қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида.

Суднинг ажрими апелляция шикояти бериш ёки протести билдириш муддати тугаши билан қонуний кучга киради.

Суднинг ажрими ўқиб эшиттирилганидан кейин дарҳол прокурорга, шунингдек ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган шахсга ва, агар ишда иштирок этган бўлса, унинг ҳимоячисига юборилади.

Суднинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Апелляция шикояти ёки протести ажримни чиқарган суд орқали берилиб, суд уни материаллар билан биргаликда уч сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига юбориши ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Апелляция шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикоятини ёки протестини кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

суд ажримини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини ёки протестини эса қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида;

суднинг ажримини бекор қилиш тўғрисида.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради ва дарҳол ижро этилиши керак. Апелляция инстанцияси судининг ажрими прокурорга ижрони ташкил этиш учун, ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисидаги қарор

қабул қилинган шахсга ва, агар ишда иштирок этган бўлса, унинг ҳимоячисига маълумот учун юборилади.

**603-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришни рад этиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар:

ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса;

сўров юборилишига сабаб бўлган жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси манфаатларига қарши унинг ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса;

сўралаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айна ўша қилмиш учун қонуний кучга кирган ҳукм ёки суднинг ажрими (қарори) ёхуд ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши кўзгатишни рад этиш ҳақидаги ёки уни тугатиш тўғрисидаги бекор қилинмаган қарори мавжуд бўлса;

сўров юборилишига асос бўлган қилмиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра жиноят бўлмаса;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят иши кўзгатиш мумкин бўлмаса ёки тугатилиши лозим бўлса ёхуд муддати ўтиб кетганлиги туфайли ёки бошқа қонуний асосга кўра ҳукми ижро этиш мумкин бўлмаса;

сўралаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасида айна ўша қилмиш учун жиноят иши кўзгатиш бўлса;

ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахсга уни сўраётган давлатда ирки, диний эътиқоди, фуқаролиги, миллати, муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги ёки сиёсий эътиқодига кўра таъқиб этилиши мумкинлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида бошлана берилган бўлса.

Сўралаётган шахсга нисбатан унинг йўқлигида чиқарилган ҳукми ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш, агар ҳукм қилинган шахс ўзининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлаш учун етарлича имкониятга эга бўлмаган деб ҳисоблашга асослар бўлса, рад этилиши мумкин. Агар сўровни юборган хорижий давлат ҳукм қилинган шахсга унинг иштирокида такрорий суд муҳокамаси ўтказилишига бўлган ҳуқуқни кафолатласа, ушлаб бериш амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш амалга оширилмаса, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

**604-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб беришни кечиктириш ва вақтинча ушлаб бериш**

Ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров келиб тушган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилаётган ёки жазони ўтаётган бўлса, уни ушлаб бериш

жиноят иши тугатилгунигача, ҳукм ижро этилгунигача ёки ҳар қандай қонуний асосга кўра жазодан озод қилинганга қадар кечиктирилиши мумкин.

Агар жазони ўтаётган шахсни ушлаб беришни кечиктириш жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетишига сабаб бўлиши ёки жиноятни тергов қилишга зарар етказиши мумкин бўлса, сўралаётган шахс, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари томонидан белгиланган шартларга риоя этиш мажбурияти мавжуд бўлган тақдирда, вақтинча ушлаб берилиши мумкин.

Вақтинча ушлаб берилган шахс жиноят иши бўйича қайси процессуал ҳаракатлар бажарилиши учун ушлаб берилган бўлса, ўша процессуал ҳаракатлар бажарилганидан кейин, бироқ шахс топширилган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай қайтариб берилиши керак. Ҳар иккала давлат ваколатли органларининг ўзаро аҳдлашувига кўра бу муддат шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган ёки қонунга мувофиқ ҳукм қилиниши мумкин бўлган жазо муддатидан ортик бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

**605-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш учун ушлаб туриш ва қамоққа олиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида хорижий давлатнинг ваколатли органидан тегишли тарзда расмийлаштирилган сўров олинганда ва мазкур шахсни ушлаб бериш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ушбу шахс ушлаб турилиши ва унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Хорижий давлат ваколатли органининг илтимосномасига биноан шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўров олинганга қадар ҳам ушлаб турилиши мумкин. Илтимосномада қамоққа олиш тўғрисидаги қарорга ёки қонуний кучга кирган ҳукмга ҳавола ва мазкур сўров қўшимча равишда тақдим этилиши кўрсатилиши керак. Шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги илтимоснома ушбу сўров юборилгунигача қадар почта, телеграф, телекс, факс ёки бошқа алоқа воситалари орқали етказилиши мумкин.

Шахс, агар у бошқа давлат ҳудудида уни ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноят содир этган деб гумон қилиш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган илтимосномасиз ҳам етмиш икки соатгача ушлаб турилиши мумкин.

Шахс ушланганидан кейин ички ишлар органларининг ёки бошқа суриштирув органларининг ходимлари олинган материалларни прокурорга тақдим этади, у материалларни ўрганиб чиқади ва ушлаб турилган шахснинг қидирув эълон қилинган шахс эканлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлган, шунингдек ушбу Кодекснинг 603-моддасида баён қилинган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни судга юборади.

Прокурорнинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома киритиши, унинг

судья томонидан кўриб чиқилиши, ажрим чиқарилиши, шунингдек судьянинг ажрими устидан шикоят бериш ёки протест билдириш ушбу Кодекснинг 241 ва 243-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Шахс қамоққа олинганлиги тўғрисида прокурор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни қамоққа олиш ҳақида илтимоснома ёки ушлаб бериш тўғрисида сўров юборган ёхуд юбориши мумкин бўлган хорижий давлатнинг ваколатли органини дарҳол ёзма равишда хабардор қилади.

Ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисидаги масала кўрилаётган шахсни қамоқда сақлаб туриш муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади. Мазкур муддат ушлаб бериладиган шахснинг топширилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек хорижий давлатнинг ваколатли органидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўров юзасидан қўшимча маълумотлар талаб қилинган ҳолларда ушбу Кодекснинг 245-моддаси иккинчи қисмида ва 247-моддасида назарда тутилган тартибда узайтирилиши мумкин.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари талабларига риоя этилганлигини ҳисобга олади.

#### **606-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсни озод қилиш**

Ушлаб беришни таъминлаш учун ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс прокурорнинг қарори асосида дарҳол озод қилиниши керак, агар:

ушбу Кодекс 605-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ушлаб турилган шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги илтимоснома у ушланган пайтдан эътиборан уч сутка ичида келиб гушмаган бўлса;

хорижий давлат ваколатли органининг уни озод қилиш зарурлиги тўғрисидаги хабарномаси келиб тушган бўлса;

қамоққа олинган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан қирқ сутка ичида тақдим этилмаган бўлса;

хорижий давлатнинг ваколатли органидан қамоққа олинган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга қўшимча равишда сўралган маълумотлар бир ой ичида, хорижий давлат ваколатли органининг илтимоси келиб тушган тақдирда эса икки ой ичида келиб тушмаган бўлса;

унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш суд томонидан рад этилган бўлса;

уни ушлаб беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

уни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор суд томонидан бекор қилинган бўлса;

ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган шахс уни топшириш учун белгиланган кундан эътиборан ўн беш сутка ичида хорижий давлатнинг ва-

колатли органи томонидан қабул қилиб олинмаган бўлса, агар бундай топшириш санаси кўчирилмаган бўлса.

Прокурор қабул қилинган қарор ҳақида қамоққа олиш тўғрисида ажрим чиқарган судни ёзма равишда хабардор қилади.

Шахсни ушлаб бериш мақсадида тақдоран ушлаб туриш ва қамоққа олишга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида янги сўров олинганидан кейин йўл қўйилади, ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **607-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ушлаб бериладиган шахсни топшириш**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушлаб бериладиган шахсни топшириш жойи, санаси ва вақти ҳақида хорижий давлатнинг ваколатли органини ёзма равишда хабардор қилади. Агар мазкур шахс топшириш учун белгиланган кундан эътиборан ўн беш сутка ичида қабул қилиб олинмаса, у қамоқдан озод қилинади.

Хорижий давлатнинг ваколатли органи ушлаб берилиши лозим бўлган шахсни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли қабул қилиб олиши мумкин бўлмай қолган ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилган тақдирда, топшириш санаси кўчирилиши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ушлаб берилиши лозим бўлган шахсни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли топшириши мумкин бўлмай қолса, топшириш санаси ўша тартибда кўчирилиши мумкин.

#### **608-м о д д а. Ушлаб берилган шахсни транзит тарзида ўтказиш**

Хорижий давлат ваколатли органининг учинчи давлат томонидан мазкур органга ушлаб берилган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаси ушбу Кодекснинг 601 ва 603-моддалари талабларига риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади.

#### **609-м о д д а. Ашёларни топшириш**

Шахсни хорижий давлатнинг ваколатли органига ушлаб беришда жиноят қуроли бўлган ашёлар, шунингдек жиноят изларини ўзида акс эттирган ёки жиноий йўл билан топилган ашёлар топширилади. Бу ашёлар шахсни ушлаб бериш унинг вафот этганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли амалга оширилиши мумкин бўлмай қолган тақдирда ҳам мазкур органнинг илтимосига биноан топширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ашёларни топшириш, агар мазкур ашёлар бошқа жиноят ишини юритиш учун зарур бўлса, вақтинча кечиктириб турилиши мумкин.

Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ашёларни топшириш хорижий давлат ваколатли органининг жиноят ишини юритиш таъминлаши билан ашёларни қайтариш тўғрисидаги кафолатлари мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 2-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилсин.

2. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси мувофиқ 1995 йилнинг 1 апрелига қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва қўшимча жазодан) озод қилинсин.

3. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларининг юритишидаги ишлар тугатилсин.

4. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси мувофиқ ҳукм қилинган, жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо чоралари, башарти, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилганига нисбатан огирроқ бўлса, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси мувофиқ ҳолга келтирилсин. Жазо чораси судлар томонидан 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасига қадар камайтирилади.

5. Озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 23<sup>2</sup>-моддаси) ёки ҳукмнинг ижросини кечиктириш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 44<sup>1</sup>-моддаси) қўлланилган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилиш (1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддаси) билан алмаштирилсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш (1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 50<sup>2</sup>-моддаси) қўлланилган шахсларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасида назарда тутилган тартибда енгилроқ жазо билан алмаштирилсин.

7. Ахлоқ тузатиш-меҳнат ёки тарбия-меҳнат колонияларида озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларни сақлаш тартиби 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси мувофиқ ҳолга келтирилсин.

8. Ушбу Қарорнинг 2-бандига мувофиқ жазодан озод қилинган шахслар, шунингдек 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишлар учун ҳукм қилиниб, жазони илгари ўтаб чиққан ёки жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу Қарорнинг ижроси:

а) 2, 4, 5, 6, 7-бандларда ўқтирилган шахсларга нисбатан – ана шу шахсларга нисбатан ҳукмларни ижро этувчи органларнинг тақдимномасига биноан жазони ўташ жойларидаги судлар зиммасига;

б) 3-бандга мувофиқ тугатилиши лозим бўлган ишларга нисбатан – суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор 2–7-бандларининг ижроси 1995 йилнинг 1 октябрига қадар амалга оширилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу Қарорнинг ижросини таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг қонунларини 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекси мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекси мувофиқ ҳолга келтирсин;

Республика вазирликлари, Давлат қўмиталари ва идоралари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекси зид келадиган ўзларининг норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексидан келиб чиқадиган норматив ҳужжатлар 1996 йилнинг 1 январига қадар ишлаб чиқилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Кенгаши Раиси**  
**вазифасини бажарувчи**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 22 сентябрь,  
2014–XII-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ****«ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИ ҲАМДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 166-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари Қонунга биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва қўшимча жазолардан) озод қилинсин.

3. Қонунга мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг юриртишидаги ишлар тугатилсин.

4. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо турлари ва чоралари, нисбатан оғирроқ бўлса, Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилсин. Жазо чораси судлар томонидан Қонуннинг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасига қадар камайтирилади.

5. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида ва тарбия колонияларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларни сақлаш тартиби Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилсин.

6. Ушбу Қарорнинг 2-моддасига мувофиқ жазодан озод қилинган шахслар, шунингдек Қонунга мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишлар учун ҳукм қилиниб, жазони илгари ўтаб чиққан ёки жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисоблансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, қўшимча жазо тариқасида мол-мулкнинг мусодара этилишини назарда тутувчи, лекин Қонун амалга киритилган кунга қадар ижро этилмаган суд ҳукмлари ижро этилиши мумкин эмас.

8. Ушбу Қарорнинг ижроси:

1) 2, 4, 5, ва 7-бандларда ўқтирилган шахсларга нисбатан – ана шу шахсларга нисбатан ҳукмларни ижро этувчи органларнинг тақдимномасига биноан жазони ўташ жойларидаги судлар зиммасига;

2) 3-бандга мувофиқ тугатилиши лозим бўлган ишларга нисбатан – суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Қарор 2–8-бандларининг ижроси Қонун амалга киритилган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида амалга оширилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу Қарорнинг ижросини таъминласинлар.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2001 йил 29 август,  
255–II-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 22 сентябрь,  
2015–XII-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ\*

### **Биринчи бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **І боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1-м о д д а. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатдир.

Ушбу Кодекс қоидалари мазкур Кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

#### **2-м о д д а. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни,

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

#### **3-м о д д а. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

#### **4-м о д д а. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига берилади:

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қоидаларини белгилаб бериш;

\* 1995 йил 1 апрелдан қучга киритилган.

маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш;

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари ҳамда ҳокимлари маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилаш.

**5-м о д д а. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси ихтиёрига берилади:

жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солилмаган бўлса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича маъмурий жавобгарлик белгилаш;

ушбу Кодекснинг 90, 109, 110, 161, 162-моддаларига, 164-моддасининг иккинчи қисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни белгилаш.

**6-м о д д а. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари**

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солилмаган бўлса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

ушбу Кодекснинг 90, 109, 110, 161, 162-моддаларига, 164-моддасининг иккинчи қисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни белгилаш.

**7-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон

Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

**8-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўлайдилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

**9-м о д д а. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бу ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб турувчи қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очик ҳаво ёки сув бўшлиғида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрель ЎРҚ-145-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14–15-сон, 88-модда)*

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилатган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида юритилади.

## **Иккинчи бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

### **УМУМИЙ ҚИСМ**

#### **II боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК**

##### **10-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушун- часи**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатла- рига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркин- ликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга таъовуз қилувчи гайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга са- баб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

##### **11-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасд- дан содир этиш**

Башарти, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гайриҳуқуқий экан- лигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатлар- нинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этил- ган, деб ҳисобланади.

##### **12-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш**

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан улар- нинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, деб ҳисобланади.

##### **13-м о д д а. Маъмурий жавобгарликка торти- лиш ёши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка торти- ладилар.

##### **14-м о д д а. Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етма- ганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғриси- даги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 138, 183, 184,

185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутил- ган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдир- да, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти- ни ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194-мод- дасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир эт- ган шахслар бундан мустасно) ишлар вояга етмаган- лар иши билан шуғулланувчи шахар, туман, шахар- лардаги туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда ту- тилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекис- тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

##### **15-м о д д а. Мансабдор шахсларнинг маъму- рий жавобгарлиги**

Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат ва- зифаларига қирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаган- лик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир эт- ганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилиш- лари лозим.

Мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкilotда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бе- риш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифа- лар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисоб- ланади.

##### **16-м о д д а. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уствалари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органла- рининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига ман- суб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом устваларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахс- лар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ ту- тиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, бож- хона қоидаларини бузганликлари учун умумий асос- ларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳар- бий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республика- сининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳ- ририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахс- лар жумласига кирмайдиган, интизом уствалари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этила- диган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий

жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

### **17-м о д д а. Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

### **18-м о д д а. Зарурий мудофаа**

Ушбу Кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини гайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

### **19-м о д д а. Охирги зарурат**

Ушбу Кодексда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этилаётган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

### **20-м о д д а. Ақли норасолик**

Гайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

### **21-м о д д а. Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш**

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, иш ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал

этиш учун ушбу Кодекснинг 308<sup>1</sup>-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ўрқ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

## **III боб. МАЪМУРИЙ ЖАЗО**

### **22-м о д д а. Маъмурий жазонинг мақсади**

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

### **23-м о д д а. Маъмурий жазонинг турлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2–5-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

### **24-м о д д а. Асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари**

Ашёларни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида; ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

### **25-м о д д а. Жарима**

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга – юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиладиган жариманинг энг кўп миқдори ушбу Кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги керак.

### **26-м о д д а. Ҳақини тўлаш шартини билан олиб қўйиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шартини билан олиб қўйиш, шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шартини билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Ашёни ҳақини тўлаш шартини билан олиб қўйиш чорасини қўлланиш тартиби ва тортиб олинадиган ашёларнинг турлари ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **27-м о д д а. Мусодара қилиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш шу ашёнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора: туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан; божхона органлари томонидан – акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортнинг (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда; солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан – акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар

сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек яширин равишда ишлаб чиқарилганда. Башарти, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёга мусодара қилиниши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон, 2001 йил 30 август 271-II-сон, 2003 йил 25 апрель 482-II-сон ва 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ–56-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 2001 йил, 9-10-сон, 182-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 385-модда)*

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Мусодара қилиш чорасини қўлланиш тартиби ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **28-м о д д а. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш**

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, ушбу Кодекс 128<sup>3</sup>-моддасининг тўртинчи қисмида, 128<sup>4</sup>-моддасининг учинчи қисмида, 131-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳоллар бундан мустасно. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

### **29-м о д д а. Маъмурий қамоққа олиш**

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиги томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.



**IV боб. МАЪМУРИЙ ЖАЗОНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ****30-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо ушбу Кодекс ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

**31-м о д д а. Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар**

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пуншаймон бўлиши;
- 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

**32-м о д д а. Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар**

Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) гайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколоти бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;
  - 2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;
  - 3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;
  - 4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;
  - 5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулдда ҳолатларда содир этилиши;
  - 6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.
- Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

**33-м о д д а. Енгилроқ маъмурий жазо чорасининг қўлланилиши**

Суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни ушбу Кодекснинг 308<sup>1</sup>-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ўРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**34-м о д д а. Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш**

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти, шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти, шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти, шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 188<sup>1</sup>-моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ўРҚ-153-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)*

**35-м о д д а. Маъмурий қамоқ ва махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш**

Маъмурий қамоқ муддати суткалар билан, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати эса – кунлар, ойлар, йиллар билан ҳисобланади.

### **36-м о д д а. Маъмурий жазо қўллаш муддатлари**

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель 621-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 5-сон, 90-модда)*

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ашёларни божхонага доир қонун ҳужжатлари асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

### **37-м о д д а. Тугаганидан сўнг шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат**

Башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

### **38-м о д д а. Етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, маъмурий ишлар бўйича судья эса – бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қилаверади.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқий тартибда ҳал қилинади.

### **39-м о д д а. Бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани ижро этиш**

Маъмурий жазони қўллаш маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди.

## **МАХСУС ҚИСМ**

### **V боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

#### **40-м о д д а. Тухмат**

Тухмат, яъни била туриб ёлгон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш – энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

#### **41-м о д д а. Ҳақорат қилиш**

Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш –

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

#### **42-м о д д а. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик, – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **43-м о д д а. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **44-м о д д а. Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш**

Фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**45-м о д д а. Фуқароларнинг турар жойи дахл-сизлигини бузиш**

Турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш, мансабдор бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**46-м о д д а. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш**

Тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**47-м о д д а. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик**

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**47<sup>1</sup>-м о д д а. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар бермаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар бериш, – мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ўРҚ–153-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)

**47<sup>2</sup>-м о д д а. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ўРҚ–153-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)

**48-м о д д а. Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш**

Васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдириш –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**49-м о д д а. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 21 декабрь ўРҚ–236-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 551-модда)

**49<sup>1</sup>-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш**

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 21 декабрь ўРҚ–236-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 551-модда)

**49<sup>2</sup>-м о д д а. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги**

Иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жа-

вобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 20 декабрь ЎРҚ–268-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 479-модда)*

**49<sup>3</sup>-м о д д а. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш**

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

**50-м о д д а. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош тортиш**

Бўш ишчи ўринлари (бўш лавозимлар) бўлгани ҳолда маҳаллий меҳнат органлари томонидан қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилган фуқароларни ишга олишдан асоссиз бош тортиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

**51-м о д д а. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов**

Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 21 декабрь ЎРҚ–236-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 551-модда)*

**VI боб. АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**52-м о д д а. Енгил тан жароҳати етказиш**

Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**53-м о д д а. Санитария қонун ҳужжатларини бузиш**

Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)*

**54-м о д д а. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш**

Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)*

**55-м о д д а. Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш**

Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**56-м о д д а. Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда гайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш**

Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда гайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш –

гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёхвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

**57-м о д д а. Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш**

Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган беморнинг касаллик юқтирилган манбани, шунингдек ўзи билан алоқа қилиб таносил касаллиги ва ОИВ касаллиги/ОИТС юқиши хавфини тугдирган шахсларни яшириши –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 май ЎРҚ–248-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 21-сон, 161-модда)

**58-м о д д а. Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши**

Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширишдан бўйин товлаши –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 май ЎРҚ–248-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 21-сон, 161-модда)

**59-м о д д а. ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик**

ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришга олиб келадиган тиббий ва косметик муолажа ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 май ЎРҚ–248-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 21-сон, 161-модда)

**VII боб. МУЛККА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**60-м о д д а. Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш**

Ердан, ер ости бойликларидан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш

ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларига эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, худди шунингдек ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)

**61-м о д д а. Оз миқдорда талон-торож қилиш**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўгирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмоқ қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)

Башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни уларнинг ходими томонидан ўгирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмоқ қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

**62-м о д д а. Топиб олинган мол-мулкни яшириш**

Топиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкни яшириш –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **63-м о д д а. Файриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш**

Файриқонуний ов маҳсулотларининг тайёрлов ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиб олиниши –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **64-м о д д а. Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## **VIII боб. ТАБИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

### **65-м о д д а. Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш**

Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **66-м о д д а. Ер бериш тартибини бузиш**

Ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва поллизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

### **67-м о д д а. Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик**

Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармаслик –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **68-м о д д а. Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш**

Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмағи туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **69-м о д д а. Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш**

Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **70-м о д д а. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш**

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма конларини табиатни муҳофаза қилиш ва кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган кудукларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойда-

ланувчилар томонидан умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хомашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бургиланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бургиланган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **71-м о д д а. Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш**

Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўғри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва керналарини йўқотиб қўйиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **72-м о д д а. Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Сувларни ифлослантириш ёки булгатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режими-ни бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булганиши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув қудуқларини казишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга солидиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувларининг ифлосланиши ёки уларнинг сифати ёмонлашиши манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саннат, қишлоқ ҳўжалик иншоотлари ва бошқа объектларни жойлаштириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **73-м о д д а. Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик**

Кема ёки бошқа сузиш воситаси капитани ёки бошлиқлар таркибига мансуб бошқа шахслар томонидан зарарли моддалар ёки қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **74-м о д д а. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш**

Табиий сув оқимлари (жилгалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан олти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан икки қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан олти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – олти бараваридан ўн тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрь ЎРҚ–240-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 555-модда)*

#### **75-м о д д а. Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш**

Сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишининг белгиланган тартибини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **76-м о д д а. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, –

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **77-м о д д а. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш

мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва мол боқиш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **78-м о д д а. Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш**

Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **79-м о д д а. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш**

Дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **80-м о д д а. Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш**

Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **81-м о д д а. Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш**

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг



илдизлари, поялари, шохлари, барглари, гуллари, ме-валари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш, – фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қис-мидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чора-си қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки баравари-дан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима со-лишга сабаб бўлади.

### **82-м о д д а. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш**

Давлат қўриқхонаси режимини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бара-варидан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ре-сурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатларара-ро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми-дан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Модданинг номи ва биринчи – иккинчи қисмларининг диспозицияси *Ўзбекистон Республика-сининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни таҳри-рида – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда*)

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмлари-да назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чо-раси қўлланилганидан кейин бир йил давомида так-рор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима со-лишга сабаб бўлади.

### **83-м о д д а. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш**

Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми-дан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **84-м о д д а. Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузиш**

Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми-дан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чора-си қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки баравари-дан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима со-лишга сабаб бўлади.

### **85-м о д д а. Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмос-фера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавоси-дан белгиланган талабларни буз-ган ҳолда фойдаланиш**

Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик орга-низмларни йўл қўйиладиган нормалардан ортиқ дара-жада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; мах-сус ваколат берилган давлат органларининг рухсати-сиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва био-логик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжат-ларига мувофиқ махсус ваколат берилган давлат орган-ларининг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига за-рарли физикавий таъсир кўрсатиш, худди шунингдек ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлув-чи ифлослантирувчи моддалар ва биологик организм-ларни чиқариб ташлашни камайтириш чора-тадбир-ларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай модда-ларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бара-варидан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳаво-сидан белгиланган нормативлардан ортиқча фойдала-ниш, худди шунингдек атмосфера ҳавосидан тасдиқ-ланган нормативларсиз ёки махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз фойдаланиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима со-лишга сабаб бўлади.

(*Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда*)

### **86-м о д д а. Атмосферага чиқариладиган зар-рарли моддаларни тозалаш ин-шоотидан фойдаланиш қоидала-рини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик**

Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, усқуналар, аппа-ратуралардан, шунингдек чиқариб ташланадиган зарар-ли моддалар миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**87-м о д д а. Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш**

Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш, ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда)*

Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**88-м о д д а. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик**

Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

**89-м о д д а. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етишига олиб келса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**89<sup>1</sup>-м о д д а. Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш**

Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантириш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда)*

**90-м о д д а. Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш**

Ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш, шунингдек, ов қилиш ёки балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузиш –

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга, ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 281-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 144-модда)*

**91-м о д д а. Саноат, рўзгор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш**

Саноат, рўзгор чиқиндиларини ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, ёхуд табиий муҳитга зарар етказилса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**92-м о д д а. Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш**

Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўлларида муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва

ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекциялар билан савдо қилиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**93-м о д д а. Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш**

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб келиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**94-м о д д а. Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш**

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдириқ кўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инларини, уяларини ва бошқа яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш –

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**95-м о д д а. Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик**

Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**96-м о д д а. Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш**

Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўёбга чиқариш, шунингдек бундай хулосаси бўлмайд туриб объектларни маблаг билан таъминлашни бошлаш ёки маблаг билан таъминлаш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**IX боб. САНОАТДАГИ, ҚУРИЛИШДАГИ ВА ИССИҚЛИК ҲАМДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**97-м о д д а. Саноатда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари назорати остидаги бошқа объектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузиш**

Саноатда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари назорати остидаги бошқа объектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга

сабаб бўлади. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 9 сентябрь ЎРҚ–294-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 36-сон, 365-модда)

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**98-м о д д а. Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Саноатда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормалари ҳамда йўриқномаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 9 сентябрь ЎРҚ–294-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 36-сон, 365-модда)

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**99-м о д д а. Қурилиш нормалари ва қоидаларини бузиш**

Ишларни бажариш ва қабул қилиб олиш вақтида қурилиш нормалари ва қоидаларини, техник шартларини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш, шунингдек шаҳарлар ва туман марказларини режалаштириш ҳамда қуриш юзасидан тасдиқланган лойиҳаларни қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**100-м о д д а. Электр ва иссиқлик энергиясини бехуда сарфлаш**

Электр ва иссиқлик энергиясини бехуда сарфлаш, яъни электр двигателларидан, электр печлари ва бошқа

электр ҳамда иссиқлик ускуналаридан мунтазам равишда, ишлаб чиқариш зарурати бўлмаган ҳолда тўлиқ фойдаланмаслик ёки уларни бекорга ишлатиб қўйиш, зичланган ҳаво, сув ва иссиқликнинг мунтазам равишда нобуд бўлиши, энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг рухсатсиз хизмат бинолари ва бошқа биноларни иситиш учун, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун электр энергиясидан фойдаланиш, ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

### **101-м о д д а. Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашуш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 сентябрь ЎРҚ–220-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 38-сон, 414-модда)*

### **102-м о д д а. Электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

1000 вольтгача кучланишли электр тармоқларини (ҳаво, ер ости ва сув ости электр узатиш, киритма ва тақсимлаш қурилмаларини) муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланишига ёки халқ хўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1000 вольтдан ортиқ кучланишли электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланишига ёки халқ хўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **103-м о д д а. Газдан ёқилги ёки хомашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар**

Газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш ёки газ истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаларида газ сарфлашнинг тасдиқланган солиштирма нормаларисиз газ сарфлаш ёки бундай нормалардан ортиқча сарфлаш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-сон ва 2004 йил 3 декабрь 714-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда; 2005 йил, 1-сон, 18-модда)*

Газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб ёки газ қўлланиб ҳосил қилинадиган иссиқлик энергияси ва маҳсулотларни ҳисобга олмай туриб ишлатиш ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаси лойиҳасида назарда тутилган газ ёниш жараёнини автомат тарзда бошқариб турувчи воситаларнинг, иссиқлик техникаси назорати асбобларининг ёки газдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан фойдаланиш ускуналарининг бўлмаслиги (бузуқлиги) –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Газ истеъмол қилувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар учун назарда тутилган резерв ёқилги хўжалигининг ишга тайёр эмаслиги ёки газдан фойдаланиш қурилмаларининг белгиланган резерв ёқилги турларида ишлашга тайёр эмаслиги –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **Х боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

#### **104-м о д д а. Экинзорларни пайхон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш**

Чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайхон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиш –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 6 октябрь ЎРҚ–227-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 41-сон, 439-модда)*

**104<sup>1</sup>-м о д д а. Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш**

Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

**105-м о д д а. Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни кўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик**

Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган наша ва мойли кўкнор экинларини, мазкур экинлар ҳосилини сақлаш ва қайта ишлаш жойларини кўриқлаш юзасидан белгиланган тартибни таъминлаш чораларини кўрмаганлик, шунингдек таркибида гиёҳванд моддалар бўлган шундай экинларнинг анғизлари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиб ташлаш чораларини кўрмаганлик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**106-м о д д а. Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик**

Тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**107-м о д д а. Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузиш**

Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг санитария қоидаларини ва бошқа хил қоидаларни бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир

бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан заҳарли бегона ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаганлик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**108-м о д д а. Карантин текширувидан ва тегишли тартибда ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш**

Чет мамлакатлардан келтирилиб, карантин текширувидан ва тегишли ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни чегарадаги дарё портларидан (пристанларидан), темир йўл станцияларидан, автовокзаллардан (автостанциялардан), аэропортлардан ва бошқа чегара пунктларидан ташиб чиқиб кетиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**109-м о д д а. Ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузиш**

Ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузиш, эпизоотияларга қарши кураш чораларини кўрмаганлик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**110-м о д д а. Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш**

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқининг қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**111-м о д д а. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш**

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, худди шунингдек ҳайвонларни қийнаш –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**112-м о д д а. Механизаторлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш**

Механизаторлар томонидан тракторлар, комбайнлар ва бошқа хил ўзиюрар қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш –

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки механизаторларни ушбу машиналарни бошқариш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум қилишга сабаб бўлади.

**XI боб. ТРАНСПОРТДАГИ, ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ВА АЛОҚА СОҲАЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**113-м о д д а. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Темир йўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек темир йўлни, ихота дарахтларини ва қор тўсиш ғовларини ҳамда бошқа йўл объектларини, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш ва чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорва молларни темир йўл яқинида боқиш қоидаларини бузиш –

энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўл транспортига юк ортиш вақтида белгиланган габаритларга риоя қилмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш –

энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш – энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**114-м о д д а. Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Зарурат бўлмади туриб, ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юк поездларида ўзбошимчалик билан юриш, поезд юриб кетаётганда поездга чиқиш ва поезддан тушиш, вагонларнинг зинапояларида ва томларида кетиш –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**115-м о д д а. Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**116-м о д д а. Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Аэродром минтақасида аэродромларни аниқлаш учун қабул қилинган белгилар ва қурилмаларга ўхшаш бирон-бир белги ва қурилмалар ўрнатиш ёки аэропорт, аэродром маъмуриятининг рухсатисиз пиротехника буюмларини ёқиш ёхуд ҳаво кемаларининг учиши учун хавфли бўлган ва паррандаларнинг кўплаб йиғилишига сабаб бўлувчи объектлар қуриш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бинолар ва иншоотларда тунги ва кундузги аниқлаш белгилари ёки қурилмаларини ўрнатиш қоидаларини бажармаганлик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Аэродром ускуналарини, аэродром белгиларини, ҳаво кемаларини ва уларнинг ускуналарини шикастлантириш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмади туриб аэропортлар (аэровокзаллардан ташқари), аэродромлар, учишни радио ва ёруғлик билан таъминлаб турувчи объектлар ҳудудида пиёда ёки транспортда юриш –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маст ҳолдаги экипаж аъзоларининг ҳаво кемасини бошқаришига ижозат бериш –

экипаж аъзоларини ҳаво кемасини бошқаришга ижозат бериш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**117-м о д д а. Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш**

Ҳаво кемасида бўлган шахсларнинг кема командири фармойишларини бажармаслиги –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш, шунингдек радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш –

фото-киноплёнка ёки видеокассеталар мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрель ўрқ-145-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14–15-сон, 88-модда)*

### **118-м о д д а. Сув транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Сув транспорти соҳасида кемаларнинг портга кириши ва портдан чиқиши, порт сувларида кемаларнинг ҳаракати ва туриши ҳамда шатакка олиниши қоидаларини ёхуд сигнал чироқлари бериш, товуш сигналлар, шунингдек кўрилма ва кўндүзги сигналлар алма шинишнинг белгиланган тартибини бузиш ёки кема йўлига балиқ тутиш қурилмаларини ўрнатиш –

энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Порт сувларида тегишли рухсати бўлмағи туриб ғаввослик ишларини бажариш, шундай ишларни олиб борган чоғда сигналлар бериш қоидаларига риоя қилмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув транспортида хавфсизликни таъминловчи сигнал ва алоқа иншоотлари ҳамда қурилмаларини шикастлантириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **119-м о д д а. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек бундай кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси назоратидаги кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кичик ҳажмли кемалар ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд кема ҳайдовчиларини кемани бошқариш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

### **120-м о д д а. Портларда юкларни ортиш, тушириш ва тахлаш қоидаларини бузиш**

Портларда юкларни ортиш, тушириш ва тахлаш қоидаларини бузиш –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **121-м о д д а. Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш**

Локомотивлар, вагонлар, дарё ва ҳаво кемалари, худди шунингдек ҳамма турдаги махсус транспортларнинг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Автобусларнинг, таксиларнинг, маршрут таксиларининг, шаҳар электр транспортининг ва метрополитен вагонларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрель ЎРҚ-145-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 88-модда)*

### **122-м о д д а. Транспортда белгиланмаган жойларда чекиш**

Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбулларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиغان автобусларда чекиш, шунингдек таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида чекиш –

энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемаларида чекиш – энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрель ЎРҚ-145-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 88-модда)*

### **123-м о д д а. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш**

Поездларнинг вагонлари, автомобиль ва шаҳар электр транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **124-м о д д а. Транспортда ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Транспортда белгиланган ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **125-м о д д а. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, худди шунингдек мотоцикл ҳайдовчиларининг мототшлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги, –

энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 апрель ЎРҚ-86-сон ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари*



тўплами, 2007 йил, 14-сон, 135-модда; 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

Хайдовчиларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган ёхуд фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бўлган, худди шунингдек ишлаётганида ташқарига чиқараётган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори, шунингдек шовқин даражаси белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларини бошқариши, –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Хайдовчиларнинг тормоз тизимида, руль бошқарувида ёки уловчи қурилмада носозлиги бўлган ёхуд тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариши, –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Хайдовчиларнинг шахарлараро ва халқаро йўловчи ташишни амалга оширадиган автобусларни назорат асбобларисиз (тахографларсиз) ёки тахографларни ўчирган ҳолда бошқариши, –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. (Иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

Фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси ўзбошимчалик билан ечиб олинган транспорт воситаларини бошқариш –

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. (Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ–125-сон ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 504-модда; 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

Давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқариш –

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. (Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ–125-сон Қонуни билан киритилган ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 504-модда; 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини ишдан ташқари вақтда улардан фойдаланиш шартларига мувофиқ келадиган тарзда махсус жиҳозланмаган жойда сақлаш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир баравари, мансабдор шахсларга эса – икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. (Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

Ушбу Кодекснинг 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 139, 140, 141-моддаларида транспорт воситалари дейилганда барча турдаги автомобиллар ва тракторлар, бошқа хил ўзиюлар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, шунингдек мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситаларини тушуномқо керак. (Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

### **125<sup>1</sup>-м о д д а. Юк ташиш қоидаларини, шатакка олиш қоидаларини бузиш**

Юк ташиш қоидаларини, худди шунингдек шатакка олиш қоидаларини бузиш, –

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга, юк ташиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга эса – энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

### **126-м о д д а. Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш**

Давлат стандарти нормаларига мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек хайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган кўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

**127-м о д д а. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек уларни ўзгартириб ўрнатиш – энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсат олмай туриб транспорт воситаларига товуш чиқарувчи ва ёритувчи махсус қурилмаларни ўрнатиш –

ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

**128-м о д д а. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлқаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги**

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлқаларидан юргизиши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги (ушбу Кодекснинг 128<sup>3</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup> ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, сутканинг қоронги вақтида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек йўловчиларга лойқа сачратиши, –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни уч марта ва ундан ортиқ маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

**128<sup>1</sup>-м о д д а. Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши**

Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши, –

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 26 декабрь ЎРҚ–73-сон Қонуни билан киритилган ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51–52-сон, 501-модда; 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

**128<sup>2</sup>-м о д д а. Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш**

Транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш – энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ–125-сон Қонуни билан киритилган ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 504-модда; 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

**128<sup>3</sup>-м о д д а. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юбориши, –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши,

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, –

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун уч марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, –

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**128<sup>4</sup>-м о д д а. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши, –

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**128<sup>5</sup>-м о д д а. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳалақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига ҳалақит бериши, –

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқиши, худди шунингдек авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизлигини ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи ҳуқуқбузарликни содир этиши, –

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**128<sup>6</sup>-м о д д а. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши, –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни икки марта маъ-

мурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни уч марта ва ундан олти марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**129-м о д д а. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши**

Мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

*(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**130-м о д д а. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон Қонуни билан киритилган ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда;*

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**131-м о д д а. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш**

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши –

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549–I-сон ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**132-м о д д а. Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши**

Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмдаги кемаларни маст ҳолда бошқариши, шунингдек кичик ҳажмли кемаларни бошқаришни алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолдаги шахсларга топшириш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки кема ҳайдовчиларини кемани бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

**133-м о д д а. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Анча миқдордаги моддий зарар деганда, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ошиб кетган зарар тушунилади.

**134-м о д д а. Хайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши**

Транспорт воситалари хайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситалари, йўл ҳаракатини тартибга солиувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келса, лекин анча миқдорда моддий зарар етказмаса, –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

**135-м о д д а. Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (ушбу Кодекс 135<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси ёнида бўлмаган хайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши, –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқариши, – энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**135<sup>1</sup>-м о д д а. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш**

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисларида назарда тутилмаган фойдаланиш даври-

да транспорт воситаларини бошқариш, худди шунингдек фақат мазкур суғурта полисларида кўрсатилган хайдовчилар айна шу транспорт воситаларини бошқариши тўғрисида мазкур суғурта полисларида назарда тутилган шартларни бузган ҳолда транспорт воситаларини бошқариш, –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича қонунда белгиланган мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилмаслиги, худди шунингдек, агар бундай мажбурий суғурта қилинмаганлиги олдиндан аён бўлса, транспорт воситаларини бошқариш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир баравари, мансабдор шахсларга эса – энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрель ЎРҚ–156-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 17-сон, 129-модда)*

**136-м о д д а. Транспорт воситалари хайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маёт эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши**

Транспорт воситалари хайдовчиларининг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши –

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг мопед, велосипед хайдовчи, уловли аравани бошқариб борувчи шахс томонидан содир этилиши, –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**137-м о д д а. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш**

Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолиши –

энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этишга ёхуд ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

**138-м о д д а. Пиедалар ва йўл ҳаракати бошқа ишгирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши**

Пиедаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, шунингдек мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги –

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа чегарасида мол боқиш – энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши авария ҳолатини вужудга келтирса, –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Мопед, велосипед ҳайдовчининг, уловли аравани бошқариб борувчи шахснинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши, –

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

**139-м о д д а. Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш**

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқариш, –

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланилиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Носозлиги бўлган ёки муайян шартлар туфайли транспорт воситасидан фойдаланиш тақиқланган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини йўлга чиқариш, –

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланилиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

**140-м о д д а. Маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш**

Алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)

**141-м о д д а. Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақоадида фойдаланиш**

Ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкilotларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**142-м о д д а. Хавfli моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш**

Темир йўл, ҳаво ва сув транспортида қўл юки сифатида ёнувчан, захарловчи, тез алангаланувчи, портловчи ҳамда захарли моддалар ва ашёларни олиб юриш қоидаларини бузиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юк сақлаш камерасига портловчи, тез алангаланувчи, захарли ва бадбўй моддалар ва ашёларни топшириш – ана шу моддалар ва ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиб ёки олиб қўймай ёхуд мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Троллейбусда, трамвайда, метрополитенда, автобусда, маршрут таксисида портловчи, тез алангаланувчи, захарловчи ҳамда захарли моддалар ва ашёларни олиб юриш –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**143-м о д д а. Кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш**

Троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиған автобусда, маршрут таксисида кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш –

ҳар бир юк жойи учун энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**144-м о д д а. Транспортда чиптасиз юриш**

Йўловчининг транспортда чиптасиз юриши, ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юриш:

а) шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларда, – энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади;

б) маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда, –

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларда, маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юриш –

энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўловчиларнинг самолётда чиптасиз юриши – энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шаҳарлараро қатнайдиغان автобусда чиптасиз юриш – энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўловчининг троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиغان автобусда чиптасиз юриши –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

#### **145-м о д д а. Йўловчиларни чиптасиз ташиш**

Ҳаво, темир йўл транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув, автомобиль транспортида ва шаҳар электр транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **146-м о д д а. Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш**

Темир йўлнинг юк ташиш учун мўлжалланган қатнов таркибига, контейнерларга, сузувчи ва бошқа транспорт воситаларига, шунингдек юк ташувчи мосламаларга шикаст етказиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемалари, юк вагонлари, автомобиллар, автомобиль тиркамалари, контейнерларнинг, сузувчи воситалар трюмлари ва бошқа юкхоналарининг пломбаларига ва бекиткич қурилмаларига шикаст етказиш, уларнинг пломбаларини бузиш, айрим юк ўринларига ва юк ўрамаларига, пакетларига, юк қўраларининг, темир йўл станцияларининг, юк автомобиллари станцияларининг, контейнер пунктларининг (майдончаларининг), портларнинг (пристанларнинг) ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш учун фойдаланиладиган омборларнинг тўсиқларига шикаст етказиш, шунингдек тегишли рухсати бўлмағи туриб юк қўраларига, контейнер пунктларига (майдончаларига), портлар (пристанлар), шлюзларнинг юк турган ҳудудларига (жойларига) ва юқорида зикр этилган омборларга кириш –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг бут сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

#### **147-м о д д а. Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш**

Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасддан ҳалал бериш, шу жумладан, йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан ҳалал бериш –

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўл белгиларини ўрнатиш, йўлларни, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидаларини бузиш ёки йўлнинг айрим қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёки чеклаш чораларини кўрмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

#### **148-м о д д а. Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, сааноат, мелiorация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқишиш, шунингдек ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўртдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **149-м о д д а. Ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиши**

Автомобиль йўлларига ажратилган минтақага туташ жойлардаги ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг умум фойдаланишдаги йўллардаги аҳоли пункт-

лари доирасида, ўзларига бириктириб қўйилган ер майдони чегарасида пиёдалар юрадиган йўлчалар ва улар ўтадиган кўприкчалар қуриш, уларни таъмирлаш ва мунтазам орасталаб туриш мажбуриятларини, шунингдек ўзларига бириктирилган ер майдонидан чиқиш йўллари ёки умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб туташадиган йўлларни, шу жумладан кесиб ўтиладиган кўприкларни техник жиҳатдан соз ҳолда ва озода сақлаш мажбуриятларини бажармаслик, –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **150-м о д д а. Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми, мансабдор шахсларга эса – бир баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **151-м о д д а. Рухсатсиз радиоузаткич шохбчаси ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, шунингдек абонентлик қурилмасини электр алоқа тармоқларига улаш**

Қувватидан қатъи назар радиоузаткич шохбчасини рухсатсиз ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш – фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш –

абонентлик қурилмасини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

#### **152-м о д д а. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш**

Радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, радионурланишнинг давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатиш параметрларига риоя этмаслик, –

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни тайёрлаш, олиш, сотиш ёки ўзгага доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш учун бериш тартибини бузиш –

радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

#### **153-м о д д а. Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини бузиш**

Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини, давлат алоқа тармоғи билан боғланидиган симли электр алоқа воситаларининг, радионурланишларининг параметрларини бузиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

#### **154-м о д д а. Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

Алоқа йўллари ва иншоотларини, шунингдек алоқа йўли ва кабель иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, –

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

#### **155-м о д д а. Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз кириб олишда ифодаланган ахборот ва



ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ахборот тизимларининг ишини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-ҳисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига қонунга хилоф равишда улаш, бу тармоқларга тегишли ҳимоя чораларини кўрмасдан уланиш, худди шунингдек улардан маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **155<sup>1</sup>-м о д д а. Компьютер тизимдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Компьютер тизимдан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик ўта муҳим ахборот мавжуд бўлган компьютер тизимдан фойдаланиш вақтида содир этилса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрь ЎРҚ–137-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 532-модда)*

#### **156-м о д д а. Автомат телефонларни шикастлантириш**

Автомат телефонларни шикастлантириш – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **XII боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙ ҲУҚУҚЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ, КОММУНАЛ ХИЗМАТ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

#### **157-м о д д а. Ҳисобга олиш тартибини ҳамда уйларга ва турар жой биноларига кўчиб кириш муддатларини бузиш**

Турар жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва фуқароларга турар жой бериш тартибини бузиш, уйларга ва турар жойларга кўчиб киришнинг белгиланган муддатларига риоя қилмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **158-м о д д а. Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш қоидаларини бузиш**

Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш қоидаларини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **159-м о д д а. Турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидаларини ва нормаларини бузиш**

Турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, умум фойдаланадиган жойларни санитария ҳолатида сақлаш қоидаларини бузиш, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш, кўп квартирали уйлардаги турар жойларда чорва молларни, худди шунингдек одамларнинг саломатлигига хавф солувчи ҳайвонларни боқиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

#### **159<sup>1</sup>-м о д д а. Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик**

Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

**160-м о д д а. Уй жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик**

Фуқароларнинг уй-жойларни, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларини бузиши, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслиги, –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

**161-м о д д а. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш**

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**162-м о д д а. Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш**

Айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслиги –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**163-м о д д а. Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан улашиш ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни

бажараётганда водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 31 декабрь ЎРҚ–19-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 385-модда)*

**163<sup>1</sup>-м о д д а. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек ер участкаларини канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган оқова сувларни канализацияга оқишиш ҳамда канализациядан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда канализация тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 31 декабрь ЎРҚ–19-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 385-модда)*

**XIII боб. САВДО, ТАДБИРКОРЛИК ВА МОЛИЯ СОҲАЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**164-м о д д а. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш**

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)*

Ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш –

сотилаётган ашёларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

### **165-м о д д а. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш**

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 18 сентябрь ЎРҚ–180-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37–38-сон, 367-модда)*

### **165<sup>1</sup>-м о д д а. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш**

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш –

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш курали ва ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрь ЎРҚ–221-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 38-сон, 415-модда)*

### **166-м о д д а. Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш**

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиши, худди шунингдек сотиш мақсадида олиши –

молларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансаб-

дор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

молларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш, шунингдек реализация қилиш мақсадида сотиш олиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 281-1-сон ва 1999 йил 20 август 832-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 144-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

### **167-м о д д а. Видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видео муассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш**

Эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассеталарни сотиш –

видео кассеталарни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсат олмай туриб видео муассасаларни (видеоёзувли кассеталарни ижарага бериш пунктлари, видеозаллар, кабель телевидениеси студияларини) очиш ёки бундай муассасаларни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ҳам уларнинг фаолиятини давом эттириши –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Видео муассасаларда эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассеталардан фойдаланиш –

видеоёзувли кассеталарни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

видеоёзувли кассеталарни ва видео аппаратурани мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **168-м о д д а. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш**

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**169-м о д д а. Таркибида кимёвий моддаларнинг қолдиги йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш**

Таркибида одамлар ва ҳайвонлар саломатлиги учун зарарли бўлган пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг қолдиқ миқдори йўл қўйилиши мумкин деб белгиланган даражадан ортиқ эканлигини била туриб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, худди шунингдек заҳарли ёввойи ўсимликларни, уларнинг ҳосилини, меваларини, уруғларини, барглари ва илдизларини бозорларда сотиш –

маҳсулотларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

маҳсулотларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**170-м о д д а. Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш**

Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш –

валюта бойликларларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

**171-м о д д а. Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш**

Валюта операцияларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва банклар ходимларининг чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклардаги валюта счетларига яшириб қолиш мақсадини кўзламай туриб, вақтида ёхуд тўлиқ ўтказилмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрь 179-1-сон ва 1999 йил 15 апрель 772-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 209-модда; 1999 йил, 5-сон, 124-модда)

**172-м о д д а. Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш**

Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**173-м о д д а. Стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш**

Стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ва кўплаб заҳарли моддалар чиқишига олиб келадиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**174-м о д д а. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш**

Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-197-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда)

Худди шундай ҳуқуқбузарлик анча миқдорда содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 165-модда)

Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**174<sup>1</sup>-м о д д а. Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Эмитентлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни эълон қилмаслик ёки ўз вақтида эълон қилмаслик, шунингдек давлат назорати органларига ҳисоботлар ёхуд ахборотни топширмаслик ёки ўз вақтида топширмаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эмитентлар томонидан қимматли қоғозлар чиқариш тартибини бузиш инвесторлар манфаатларига зарар етказмаган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Инвесторлар, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг белгиланган тартибини бузиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли даромадларни инвесторларга тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ваколатли давлат органининг ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш тўғрисидаги қўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**175-м о д д а. Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш**

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг суммасини камайтиришга олиб келса, шунингдек бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқларни, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, худди шунингдек камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–242-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 557-модда)*

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкассо топшириқларини бажармаслик, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларини очиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналарга ўз вақтида инкассо топшириқномасини тақдим этмаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 август 118-1-сон ва 1998 йил 1 май 621-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 193-модда; 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)*

**175<sup>1</sup>-м о д д а. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

**175<sup>2</sup>-м о д д а. Бюджет интизомини бузиш**

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

### **175<sup>3</sup>-м о д д а. Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланish тартибини бузиш**

Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланish тартибини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

### **175<sup>4</sup>-м о д д а. Иш ҳақини тақиқланган шакларда тўлаш**

Иш ҳақини тақиқланган шакларда тўлаш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 август 271-1-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 182-модда; 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

### **175<sup>5</sup>-м о д д а. Ходимлар сонини яшириш**

Ходимлар сонини яшириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

## **176-м о д д а. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш**

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда амалга ошириш –

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон ва 2001 йил 29 август 254-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар анча миқдорда содир этилган бўлса, – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август 254-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда)*

### **176<sup>1</sup>-м о д д а. Шартнома интизомини бузиш**

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкый зарар етказиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)*

### **176<sup>2</sup>-м о д д а. Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш**

Хўжалик юритувчи субъект томонидан почта манзили (жойлашган ери), банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ёки ўзи қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўн кунлик муддат ичида ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёхуд ёлғон маълумотларни тақдим этиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон ва 1999 йил 20 август 832-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,*

1998 йил, 5–6-сон, 102-модда; 1999 йил, 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда)

**176<sup>3</sup>-м о д д а. Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш**

Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ–56-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 385-модда)

**176<sup>4</sup>-м о д д а. Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш**

Ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқариш, –

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Белгиланган тартибда ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилари томонидан мазкур белгилардан қасддан фойдаланмаслик ёки улар шикастланганлигига қарамай йўловчиларни ташиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

**177-м о д д а. Маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш**

Бир хил маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан ёхуд унга ўхшаш белгидан маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**178-м о д д а. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Монополияга қарши органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот так-

дим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд уларга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Монополияга қарши органнинг қоидабузарликни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талабларни бузиш, – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

**178<sup>1</sup>-м о д д а. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шунингдек ваколатли давлат органининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмасини ўз муддатида бажармаганлик –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772–I-сон Қонуни билан киритилган; 2010 йил 17 сентябрь ЎРҚ–259-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 317-сон)

**179-м о д д а. Аудиторнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириши, била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик ҳулосасини тузиши**

Аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ўзи аниқлаган бухгалтерия ҳисобини юритишга, шунингдек молиявий ҳисобот тузишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши, худди шунингдек аудиторнинг била

туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ–125-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 504-модда)*

**179<sup>1</sup>-м о д д а. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш**

Хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиши –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

**179<sup>2</sup>-м о д д а. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисобварақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 сентябрь ЎРҚ–8-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 37–38-сон, 280-модда)*

**179<sup>3</sup>-м о д д а. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ёки тақдим этиш муддатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёхуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўхтатишга доир чора-тадбирларни кўрмаслик, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ташкил этувчи маълумотларни гайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ЎРҚ–223-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда)*

**XIV боб. ОДИЛ СУДЛОВГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**180-м о д д а. Судга ҳурматсизлик қилиш**

Гувоҳ, жабранувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**181-м о д д а. Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик**

Мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**182-м о д д а. Халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш**

Мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилиши –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



## **XV боб. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

### **183-м о д д а. Майда безорилик**

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

### **184-м о д д а. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш**

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоёлари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларнинг тарқатиш мақсадида сақлаш, –

материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон ва 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)

### **184<sup>1</sup>-м о д д а. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)

### **184<sup>2</sup>-м о д д а. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш**

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, –

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 22 июнь ЎРҚ–37-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25–26-сон, 226-модда)

### **184<sup>3</sup>-м о д д а. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, –

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 22 июнь ЎРҚ–37-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25–26-сон, 226-модда)

### **185-м о д д а. Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш**

Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш –

қурол ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **185<sup>1</sup>-м о д д а. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи**

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жунатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш –

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрь ЎРҚ–261-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 38-сон, 329-модда)

### **186-м о д д а. Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши**

Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши –

сотилган мўлжалланган ашёларни ва тайёрлаш воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш

бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**186<sup>1</sup>-м о д д а. Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш**

Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш –

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 24 сентябрь ЎРҚ-182-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 391-модда)*

**187-м о д д а. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш**

Кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни қуйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**188-м о д д а. Вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш**

Вояга етмаган шахсни тиланчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, ирода-сига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ЎРҚ-153-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)*

**188<sup>1</sup>-м о д д а. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш**

Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ЎРҚ-153-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон*

*Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)*

**188<sup>2</sup>-м о д д а. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш**

Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 май ЎРҚ-244-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 20-сон, 146-модда)*

**189-м о д д а. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, –

порнографик маҳсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 апрель ЎРҚ-324-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 15-сон, 166-модда)*

**189<sup>1</sup>-м о д д а. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, –

зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 апрель ЎРҚ-324-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 15-сон, 166-модда)*

**190-м о д д а. Фоҳишалик билан шуғулланиш**

Фоҳишалик билан шуғулланиш, – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**191-м о д д а. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар**

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш –

ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш ёхуд вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш –

ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет ҳаётини ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ёки хизматлар кўрсатишга қўмаклашиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш –

компьютер ва бошқа ёрдамчи воситаларни, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрь ЎРҚ–109-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37–38-сон, 377-модда)*

**192-м о д д а. Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш**

Тунги вақтда – соат 23.00 дан 06.00 гача – фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радио-приёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса – учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорда, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**XVI боб. БОШҚАРУВНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК****193-м о д д а. Депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиш**

Давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари депутатлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслиги, уларнинг ишига тўсқинлик қилиши, уларга атайлаб сохта маълумот бериши, депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиши –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**194-м о д д а. Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик**

Милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, милицияга бориш ёки кўрсатилган муддатда милицияда бўлишдан иборат қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**195-м о д д а. Милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш**

Милиция ходимининг ўз вазифаларини бажаришга тааллуқли қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдиди даъват қилиш, худди шунингдек милиция ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмаларни тарқатиш –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

**196-м о д д а. Хуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик**

Хуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**196<sup>1</sup>-м о д д а. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш**

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тўхтатиш, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдидан даъват этиш, оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмалар тарқатиш йўли билан чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик кўрсатиш, худди шунингдек чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг хуқуқбузарликларни тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабларига бўйсунмаслик, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган хуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрь ЎРҚ–114-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 400-модда)*

**197-м о д д а. Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик**

Далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этишининг текширишлар ва тафтишлар ўтказишни, мутахассислар ажратишни рад этишда, прокуратурага келишдан, қонунни бузганлик тўғрисида тушунтириш беришдан бўйин товлашда ифодаланган прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик

қилиш ва унинг талабларини бажармаслик, худди шунингдек прокурор фикри билдирилган ҳужжатларни кўриб чиқмаслик ёки уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, шунингдек прокурорнинг гайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатганлик –

энг кам иш ҳақинини икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**197<sup>1</sup>-м о д д а. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш**

Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–198-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда)*

**197<sup>2</sup>-м о д д а. Нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш**

Нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, шу жумладан нотариусга нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаслик, –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ–255-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

**198-м о д д а. Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш**

Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такрор содир этганлик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**198<sup>1</sup>-м о д д а. Қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслиги**

Қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узр-

сиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжати узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгиллаган муддатда ижро этилмаслиги, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**198<sup>2</sup>-м о д д а. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик**

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, яъни қарздорнинг даромадлари ва мулкий аҳволи ҳақида нотўғри маълумотлар берганлик, ижро ҳужжати йўқотганлик, ундирувчи қарздорнинг иш ҳақидан ҳамда унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолиш учун юборилган ижро ҳужжатларини ижро этиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш тартибини бузганлик, шунингдек қарздор ўзининг янги иш, ўқиш жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида маълум қилмаганлиги, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**199-м о д д а. Махсус хизматларни қасддан алдаб чақирганлик**

Милиция, ёнғинга қарши хизмат, тиббий тез ёрдам ва бошқа махсус хизматларни қасддан алдаб чақирганлик –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**200-м о д д а. Ўзбошимчалик**

Ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга ошириш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**200<sup>1</sup>-м о д д а. Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш**

Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**201-м о д д а. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш – энг кам иш ҳақининг олтинчи бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, –

энг кам иш ҳақининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

**202-м о д д а. Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш учун шароитлар яратиш**

Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар қатнашчиларига бинолар ёки бошқа мулк (алоқа воситалари, кўпайтирадиган ва бошқа хил техник ускуналар, транспорт)ни бериш ёки шундай тадбирларни ўтказиш учун бошқа шароитларни яратиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса, – етмиш бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

**202<sup>1</sup>-м о д д а. Файриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш**

Ўзбекистон Республикасида фэйриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз барава-  
ригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага-  
ча муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган; 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ-18-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Респуб-  
ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

**203-м о д д а. Байроқлар ва вимпеллардан  
гайриқонуний фойдаланиш,  
плакатлар, эмблемалар ва  
рамзларни тайёрлаш, тарқатиш  
ёки тақиб юриш**

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган бай-  
роқлар ва вимпеллардан жамоат жойларида фойдала-  
ниш, худди шунингдек мазмуни давлат ва жамоат тар-  
тибига, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва қонуний ман-  
фаатларига зарар етказишга қаратилган плакатлар,  
эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки та-  
қиб юриш –

мазкур ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг  
кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир барава-  
ригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч  
бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қизил Хоч ва қизил Ярим Ой эмблемалари ва фарқлов-  
чи белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш –  
фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан  
уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бара-  
варидан беш бараваригача миқдорда жарима солишга  
сабаб бўлади.

**203<sup>1</sup>-м о д д а. Давлат рамзлари тўғрисидаги  
қонун ҳужжатларини бузиш**

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон  
Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд  
Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бу-  
зиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача,  
мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бара-  
варигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чора-  
си қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор  
содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан  
беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти  
бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш-  
га сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь  
ЎРҚ-273-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон  
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил,  
51-сон, 484-модда)*

**204-м о д д а. Фавқулодда ҳолат тартибининг  
талабларини бузиш**

Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш –  
энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн баравари-  
гача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача  
муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**204<sup>1</sup>-м о д д а. Аҳолини ва ҳудудларни табиий  
ҳамда техноген хусусиятли фав-  
қулодда вазиятлардан муҳофа-  
за қилиш, шунингдек фуқаро  
муҳофазаси тўғрисидаги қонун  
ҳужжатлари талабларини ба-  
жармаслик**

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген ху-  
сусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш,  
шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳуж-  
жатлари талабларини бажармаслик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми-  
дан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч  
бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима со-  
лишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлигига,  
юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар  
етказишга олиб келса, шунингдек атроф табиий му-  
ҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан  
уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти ба-  
раваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга  
сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият-  
лар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақ-  
дим этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот  
тақдим этиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти  
бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга  
сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 декабрь  
ЎРҚ-230-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон  
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил,  
50-51-сон, 529-модда)*

**205-м о д д а. Фавқулодда ҳолат тартиби ша-  
роитида жамоат тартибига та-  
жовуз қилиш**

Фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда миш-  
мишлар тарқатиш ва ҳуқуқ-тартиботни бузишга ундов-  
чи ёки миллий адоватни авж олдирувчи бошқа ҳара-  
катлар, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз қону-  
ний ҳуқуқлари ва бурчларини амалга оширишларига  
фаол тўсқинлик қилиш, худди шунингдек ички иш-  
лар органлари ходимининг, ҳарбий хизматчи ёки  
жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажарётган  
бошқа шахсларнинг қонуний фармоиши ёки тала-  
бига қасддан бўйсунмаслик ёхуд жамоат тартибини ва  
фуқаролар осовишталигини бузадиган бошқа шунга  
ўхшаш ҳаракатлар ёки маъмурий назорат қоидалари-  
ни бузиш –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн баравари-  
гача миқдорда жарима солишга ёки ўттиз суткагача  
муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**206-м о д д а. Маъмурий назорат қоидалари-  
ни бузиш**

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларнинг  
бундай назорат қоидаларини бузиши –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч баравари-  
гача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**207-м о д д а. Вояга етмаганни қаровга олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни бажармаслик**

Ота-оналарнинг, уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, болалар муассасалари раҳбарларининг ўз қаровига олган вояга етмаганга нисбатан ўзлари қабул қилган ёзма мажбуриятларни бажармаслиги – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**208-м о д д а. Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги**

Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги, олдини олиш учун шахсий кафолат қўлланилган ҳаракатлар айбланувчи томонидан содир этилишига олиб келган бўлса, – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**209-м о д д а. Давлат мукофотларига нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш**

Орден, медаль, фахрий унвоннинг кўкракка тақилдиган нишонини қонунга хилоф равишда тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, айирбошлаш ёки бировга бошқача тарзда ҳақ эвазига бериш – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**210-м о д д а. Қамокда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш**

Қамокда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга берилиши тақиқланган нарсаларни кўздан кечиришдан яшириб бериш ёки бошқа ҳар қандай усул билан беришга уриниш –

бериш тақиқланган ашёларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ–299-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)*

**211-м о д д а. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

Корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, жамоат жойларида, омборхона биноларида, ётоқхоналар ва турар жойларда, шунингдек тегишли объектларни лойihalаштириш, қуриш ва қайта қуриш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ёки ёнғинга қарши инвентарлар, ускуналар, ёнғинни аниқлаш ва ўчиришнинг автомат воситаларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, агар ёнғин чиқишига олиб келган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**212-м о д д а. Стандартларни бузиш**

Ўҳжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартларнинг бузилиши –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**213-м о д д а. Метрология қоидаларини бузиш**

Метрология қоидаларини бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**214-м о д д а. Сертификатлаштириш қоидаларини бузиш**

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) маҳсулотни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиши –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**215-м о д д а. Давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш**

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатуви олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши –

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон ва 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда; 2003 йил, 1-сон, 8-модда)*

**215<sup>1</sup>-м о д д а. Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини бузиш**

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни мансабдор шахслар томонидан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига тақдим этмаслик ёки вақтида тақдим этмаслик –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин, бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

**215<sup>2</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 23 апрель ЎРҚ-92-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 17-18-сон, 170-модда)*

**215<sup>3</sup>-м о д д а. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини бузиш**

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тартибининг кўрсатилган ахборотни тақдим этмасликда, ўз вақтида тақдим этмасликда ёки бузиб кўрсатган ҳолда тақдим этишда ифодаланган бузилиши –

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-242-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 557-модда)*

**216-м о д д а. Кимошди савдоси ёки танловда қатнашиш учун берилган талабномаларни яшириш**

Давлат корхоналари ва бошқа объектлар хусусийлаштирилиши муносабати билан ёпиқ тендер тарзидаги кимошди савдосида ёки танловда қатнашиш учун берилган талабномаларни яшириш, кимошди савдоси, танлов натижаларини яқунлашда талабномаларни ҳисобга олмаслик –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**217-м о д д а. Матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналарини очиш ҳамда уларнинг фаолият олиб бориши қоидаларини бузиш**

Матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналари ва ус-тахоналарини очиш ва уларнинг фаолият олиб бориши қоидаларини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Матбаа ускуналари, ҳарфлар, матрицалар, муҳрлар ва штампларни қўлга киритиш, сотиш, фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сақлаш қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг бу қоидаларни бузиши, –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**218-м о д д а. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиш**

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан ёки уларни чиқаришни ёхуд нашр этишни тўхтатиш тўғрисида



қарор қабул қилингандан кейин қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиш –

босма ёки бошқа маҳсулотларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**219-м о д д а. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг ёки таркибда шундай металл ва тошлар бўлган буюмларнинг муомалада бўлиш қоидаларини бузиш**

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ҳамда таркибида шундай металл ва тошлар бўлган буюмларни ишлаб чиқаришда, қайта ишлашда, улардан фойдаланиш чоғида қабул қилиб олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, шунингдек уларнинг парчалари ва чиқитларини тўплаш ҳамда давлат жамғармасига топшириш қоидаларини бузиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**219<sup>1</sup>-м о д д а. Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш**

Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металлларни, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш –

рангли металлларни, уларнинг парча ва резги-чиқитларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май 82-II-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 апрель ЎРҚ-85-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 135-модда)*

**220-м о д д а. Ўқотар қуrollар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш**

Қуroll сақлашга ички ишлар органларидан рухсати бўлган фуқароларнинг ўқотар қуrollлар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиши –

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга ёки ҳақини тўлаб шу қуrollлар ва ўқ-дориларни олиб қўйишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

қуrollлар ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўқотар қуrollлар ва ўқ-дориларни сақлаш учун масъул бўлган ходимларининг уларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек бу ходимларнинг ўқотар қуrollлар ва ўқ-дориларни бошқа мақсадларда ишлатиши –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**221-м о д д а. Ўқотар қуrollларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш**

Ўқотар қуrollларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) юзасидан белгиланган муддатларни ёки истиқомат жойи ўзгарган тақдирда бундай қуrollларни ички ишлар органларида ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**222-м о д д а. Ўқотар ов қуrollлари ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаш**

Овчилик жамиятидан чиққанликлари муносабати билан ички ишлар органлари ўқотар ов қуrollлари ва ўқ-дориларни сақлаш учун берган рухсатини бекор қилган фуқароларнинг бундай қуrollлар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаши –

ҳақини тўлаш шарти билан бу қуroll ва ўқ-дориларни олиб қўйиб, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**223-м о д д а. Паспорт тизими қоидаларини бузиш**

Паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисмнинг диспозицияси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан гаразли мақсадларда фойдаланиши –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ёхуд вақтинча ёки доимий пропискасиз, турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшашга йўл қўйиши, худди шунингдек фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйиши –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ўн бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, худди шунингдек вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш, шунингдек фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уларнинг паспортларини гаровга олиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Учинчи ва тўртинчи қисмларнинг диспозициялари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)

**224-м о д д а. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш**

Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)

Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга киришга ҳамда уларда яшашга оид қоидаларни бузган фуқароларнинг бундай жойларда яшашга йўл қўйиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараварига-ча, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

**224<sup>1</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш, яъни

шахслар ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларида бўлиши ҳамда ҳаракатланиши тартибига риоя этмаслик, шахсларнинг ўтказиш пунктларидаги тақиқланган жойларга ва транспорт воситаларига гайриқонуний кириши –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараварига-ча, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараварига-ча, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрь ЎРҚ–114-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 400-модда)

**224<sup>2</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш –

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараварига-ча, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараварига-ча, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараварига-ча миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрь ЎРҚ–114-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 400-модда)

**225-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш**

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчи ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш мuddати туғачан чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, –

мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса, – энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон ва 2006 йил 15 декабрь ЎРҚ-70-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 498-модда)*

#### **226-м о д д а. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни сўраб мурожаат этишнинг белгиланган тартибини бузиш –

қонунга хилоф равишда расмийлаштирилган ҳужжатларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Белгиланган тартибни бузган ҳолда чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **227-м о д д а. Божхона назорати зонаси режимининг бузилиши**

Божхона органининг рухсатсиз божхона назорати зонаси чегараси орқали ва унинг доирасида товарлар, транспорт воситалари ва шахсларни олиб ўтиш ёки божхона назорати зонаси режимини бузувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

#### **227<sup>1</sup>-м о д д а. Божхона чегарасини кесиб ўтганлик тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига хабар бериш тартибини бузиш\***

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш чоғида Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтганлик тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига хабар бермаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига нотўғри хабар бериш, агар бундай хабар божхона органи томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган бўлса, худди шунингдек товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойга ҳамда белгиланган вақтда етказиб бермаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **227<sup>2</sup>-м о д д а. Фалокат юз берган ёки енгиб бўлмас куч таъсир этган ҳолда чора кўрмаслик**

Фалокат юз берган ёки енгиб бўлмас куч таъсир этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 63-моддасида назарда тутилган чора-тартирларни кўрмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **227<sup>3</sup>-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини етказиб берилган жойда кўрсатмаслик ҳамда уларнинг ҳужжатларини топширмаслик**

Товарлар ва транспорт воситаларини етказиб берилган жойда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 61-моддасида назарда тутилган муддатда божхона органларига кўрсатмаслик ҳамда уларнинг ҳужжатларини топширмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

\* Кодекс Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан 227<sup>1</sup>-227<sup>27</sup>-моддалар билан тўлдирилди – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда

**227<sup>4</sup>-м о д д а. Товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини божхона органининг рухсатисиз бериш, уларни йўқотиш ёки етказиб бермаслик**

Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатисиз бериш, уларни йўқотиш ёки божхона органи белгиланган жойга етказиб бермаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Божхона органига топшириш учун қабул қилинган, божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатларини йўқотиш ёхуд етказиб бермаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини етказиб беришнинг божхона органи томонидан белгиланган муддатига риоя қилмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>5</sup>-м о д д а. Транспорт воситасини тўхтатмаслик ёки божхона органининг рухсатисиз жўнатиб юбориш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтаётган транспорт воситасини божхона органи томонидан белгиланадиган жойда тўхтамаслик, шунингдек божхона назорати остида турган транспорт воситасини тўхтаб туриш жойидан божхона органининг рухсатисиз жўнатиб юбориш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>6</sup>-м о д д а. Божхона назорати остида турган кема ва бошқа сузувчи воситалар ёнига келиб тўхташ**

Кемалар ва бошқа сузувчи воситаларнинг божхона назорати остида турган кема ва бошқа сузувчи воситалар ёнига божхона органининг рухсатисиз келиб тўхташи, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>7</sup>-м о д д а. Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини бузиш**

Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини бузиш, яъни божхона расмийлаштирувини бошлаш ва тугаллаш, уни ўтказиш жойи, вақти ва таомили тўғрисидаги белгиланган талабларга риоя этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>8</sup>-м о д д а. Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан гайриқонуний операциялар, шунингдек божхона органининг рухсатисиз юк операциялари ва бошқа операциялар ўтказиш**

Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан операциялар ўтказиш, белгиланган талаблар ва шартларни бузиб, уларнинг ҳолатини ўзгартириш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатисиз транспортда ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш, бузилган ўровни тузатиш, ўраш, қайта ўраш ёки ташиш учун қабул қилиш, шундай товарлардан намуналар ва нусхалар олиш, бундай товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган бинолар ва бошқа жойларни очиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>9</sup>-м о д д а. Қиёслаш воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш**

Божхона органи томонидан қўлланилган қиёслаш воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>10</sup>-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш**

Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш, яъни декларациялаш шакли, жойи ва уни амалга ошириш таомили ҳақидаги белгиланган талабларга риоя этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун божхона декларациясини, худди шунингдек ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>11</sup>-м о д д а. Божхона органи мансабдор шахсининг боғхона назоратини ўтказиш учун ҳудуд ва бинога киришига тўсқинлик қилиш**

Боғхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари, бундай назоратни ўтказиш учун керакли ҳужжатлар мавжуд бўлган ёки назорат этиш боғхона органлари зиммасига юкланган фаолият амалга ошириладиган ҳудуд ёхуд бинога боғхона органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>12</sup>-м о д д а. Боғхона органига ҳисоботларни тақдим этмаслик ва ҳисобкитоб юритиш тартибига риоя қилмаслик**

Боғхона назорати остида ёхуд эркин боғхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудида бўлиб, олиб қилинадиган, олиб чиқилнадиган, келиб тушадиган, сақланадиган, қайта ишланадиган, тайёрланадиган, сотиб олиннадиган ва сотилнадиган товарлар ҳақида белгиланган тартибда боғхона органига зарур ҳисоботларни тақдим этмаслик, худди шунингдек бундай товарлар ҳисоб-китобини юритиш тартибига риоя этмаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>13</sup>-м о д д а. Товарларни сақлаш учун қўйиш, уларни сақлаш ва улар билан операциялар ўтказиш тартибини бузиш**

Ушбу Кодекснинг 227<sup>4</sup>, 227<sup>8</sup>, 227<sup>9</sup> ва 227<sup>11</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, товарларни сақлаш учун қўйишнинг белгиланган талаблари ва шартларига, уларни сақлаш, худди шунингдек боғхона омборларида ва эркин омборларда товарлар билан операциялар ўтказиш тартибига ва муддатларига риоя этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>14</sup>-м о д д а. Товарларни қайта ишлаш тартибини бузиш**

Товарларни қайта ишлаш тартибини бузиш, яъни товарларни қайта ишлашда белгиланган талабларга, чеклашлар ва шартларга, шу жумладан қайта ишлаш муддатлари, қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш

миқдори, товарларни қайта ишлаш бўйича операциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги талаблар, чеклашлар ва шартларга риоя этмаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қайта ишлаш маҳсулотларини бошқа товарларга алмаштириб қўйиш, –

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>15</sup>-м о д д а. Эркин боғхона зоналари ва эркин омборларда ишлаб чиқариш, тижорат ҳамда бошқа фаолиятини амалга ошириш тартибини бузиш**

Эркин боғхона зоналари ва эркин омборларда ишлаб чиқариш, тижорат ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эркин боғхона зонаси амал қилнадиган ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг Боғхона кодексига белгиланган тартибни бузган ҳолда бинолар, иморатлар ва иншоотлар барпо этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>16</sup>-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг боғхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик ёки уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кирмаслик**

Ўзбекистон Республикасининг боғхона ҳудудига илгари олиб қилинган товарлар ва транспорт воситаларини боғхона ҳудудидан ташқарига белгиланган муддатларда олиб чиқмаслик, агар уларни қайтариб олиб чиқиш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг боғхона ҳудудидан илгари олиб чиқиб қилинган товарлар ва транспорт воситаларини боғхона ҳудудига белгиланган муддатларда қайтариб олиб кирмаслик, агар уларни қайтариб олиб кириш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **227<sup>17</sup>-м о д д а. Товарларни йўқ қилиш тартибини бузиш**

Товарларни йўқ қилиш тартибини бузиш, яъни товарларни йўқ қилишнинг, уларни йўқ қилиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни тегишли божхона режимига жойлаштиришнинг белгиланган талаблари, чеклашлари ва шартларига риоя этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **227<sup>18</sup>-м о д д а. Муайян божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва транспорт воситалари билан гайриқонуний операцияларни амалга оширганлик**

Товарлар ва транспорт воситалари билан гайриқонуний операцияларни амалга ошириш, уларнинг ҳолатини ўзгартириш, улардан божхона режимига номувофиқ тарзда фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, худди шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига назарда тутилган ҳоллардан ташқари, божхона режимининг бошқа талаблари, чеклашлари ва шартларига риоя қилмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **227<sup>19</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чекловларни қўлланиш тартибига риоя қилмаслик**

Иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чекловлар қўлланиладиган товарларни ана шу чоралар ва чекловларни қўлланишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига назарда тутилган ҳоллардан ташқари, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **227<sup>20</sup>-м о д д а. Тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган товарлар ниқоби остида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш**

Ушбу Кодекс 227<sup>25</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали аслида ишлаб чиқариш ёки тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган товарлар ниқоби остида олиб ўтиш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **227<sup>21</sup>-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш**

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали божхона назоратини четлаб, яъни божхона органлари томонидан белгиланган жойларни четлаб ёки божхона расмийлаштирувининг белгиланган вақтидан ташқари пайтда олиб ўтиш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона назоратини яшириш, яъни хуфядонлардан ёки товарларни топишни қийинлаштирадиган бошқа усуллардан фойдаланиш ёхуд бир товарни бошқа товарга ўхшаш қилиб қўйиш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳужжатлардан ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, ушбу Кодекснинг 227<sup>22</sup>-моддаси ва 227<sup>25</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### **227<sup>22</sup>-м о д д а. Товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш, яъни товарлар, уларнинг божхона режими ва бошқалар ҳақида божхона мақсадлари учун зарур бўлган белгиланган ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклдаги маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш, ушбу Кодекснинг 227<sup>7</sup>, 227<sup>10</sup>, 227<sup>19</sup>, 227<sup>20</sup>, 227<sup>21</sup>-моддаларида ва 227<sup>25</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри маълумотларни кўрсатиш, бу маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, уларни талаб этилаётган

божхона режимига жойлаштириш, божхона тўловлари миқдори тўғрисида божхона органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир этмаган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>23</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона қоидаларини бузган ҳолда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона назоратини четлаб ўтиб ёхуд божхона назоратидан яшириб ёхуд ҳужжатлар ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланиб олиб кирилган ёхуд декларацияланмаган ёки нотўғри декларацияланган ҳолда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, шунингдек ушбу товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш, худди шунингдек бож тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, бундай имтиёзлар берилишига сабаб бўлганидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётган ёхуд тасарруфдан чиқарилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатисиз ташиш, сақлаш ва сотиб олиш, –

фуқароларга товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>24</sup>-м о д д а. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этиш тартибини бузиш**

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан имтиёзлар берилишига сабаб бўлганидан бошқа мақсадларда божхона органининг рухсатисиз фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>25</sup>-м о д д а. Божхона тўловларидан гайриқонуний озод қилишга, уларни камайитиришга, тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловлар ва бошқа ҳақни олишга ёхуд етарли асосларсиз уларни қайтармасликка қаратилган хатти-ҳаракатлар**

Божхона декларацияси ва бошқа ҳужжатларда божхона тўловларидан озод қилиш ёки уларнинг миқдори-

ни камайитириш учун асос бўладиган нотўғри маълумотларни кўрсатиш, ушбу Кодексининг 227<sup>20</sup>-моддаси ва 227<sup>21</sup>-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловларни ва бошқа ҳақни олиш ҳуқуқини берадиган нотўғри маълумотлардан иборат ҳужжатларни божхона органига тақдим этиш ёки етарли асосларсиз уларни қайтармаслик ёхуд бу тўловларни ва бошқа ҳақни тўлиқ бўлмаган ҳажмда қайтарганлик, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>26</sup>-м о д д а. Божхона тўловларини тўлаш муддатларини бузиш**

Божхона тўловларини белгиланган муддатларда тўламаслик, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**227<sup>27</sup>-м о д д а. Божхона брокери ёки божхона ташувчиси сифатидаги фаолият шартларини бузиш**

Божхона брокери ёки божхона ташувчиси сифатидаги фаолият шартларини бузиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**228-м о д д а. Мухрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш**

Ушбу Кодекс 146-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда ваколатли мансабдор шахс қўйган мухрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**229-м о д д а. Бўш иш жойларини яшириш**

Бўш иш жойлари (бўш лавозимлар)ни яшириш, шунингдек ҳар бир ходим бўшатиб олиниши қутилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида бермаслик. Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)

**230-м о д д а. Фуқаролик ҳолати актлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқаролик ҳолати актларини ёзиш органларига атайин ёлгон маълумотлар бериш ёки тегишли органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқаролик ҳолати актлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**231-м о д д а. Чақирув участкаларида қайд ҳисобидан ўтиши лозим бўлган ёшларнинг рўйхатларини мудофаа ишлари органларига тақдим этмаслик**

Ҳарбий ҳисоб ишлари учун масъул бўлган шахсларнинг чақирув участкаларида қайд ҳисобидан ўтиши лозим бўлган ёшларнинг рўйхатларини туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига белгиланган муддатда тақдим этмаслиги –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**232-м о д д а. Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларга улар мудофаа ишлари органларига чақирилаётганлиги тўғрисида хабар беришни таъминламаганлик**

Раҳбарлар ёки ҳарбий ҳисоб ишлари учун масъул бўлган бошқа шахсларнинг туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари талаби бўйича чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларга улар мудофаа ишлари органларига чақирилаётганлиги тўғрисида хабар беришни ташкил этмаганликлари ёхуд фуқароларнинг чақирув участкаларига ёки йиғин жойларига ўз вақтида боришларига тўсқинлик қилиш –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**233-м о д д а. Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг дастлабки ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик**

Раҳбарлар ёки ҳарбий ҳисоб ишлари учун масъул бўлган бошқа шахсларнинг, шунингдек уй эгаларининг туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига ва ҳокимликларга уй дафтарларини, чақирилувчилар ёки ҳарбий хизматга мажбур ҳисобланган шахсларнинг қайд

қилиш карточкаларини ва ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини ҳарбий ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш учун ўз вақтида тақдим этмаслиги –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**234-м о д д а. Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар тўғрисидаги маълумотларни хабар қилмаганлик**

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари мансабдор шахсларининг ногиронлик гуруҳидан қатъи назар, ногирон деб топилган барча чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар тўғрисидаги маълумотларни мудофаа ишлари органларига хабар қилмаганлиги –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идоралари мансабдор шахсларининг туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг фамилияси, исми, отасининг исмидаги ўзгаришларга оид, уларнинг туғилган санаси ва жойи тўғрисида фуқаролик ҳолати актларини ёзиш дафтарига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги, шунингдек чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг вафотини қайд этиш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни хабар қилмаганлиги –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**235-м о д д а. Ҳарбий ҳисобдан ўтиш қоидаларини бузиш**

Фуқароларнинг мудофаа ишлари органларига чақирув участкаси қайд ҳисобидан ўтиш учун чақирув бўйича узрли сабабларсиз келмаганлиги –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларини бузиши, шунингдек чақирув бўйича мудофаа ишлари органларига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ёки турар жойи, ўқиш жойи, иш жойи ва лавозимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қаерда ҳарбий ҳисобда турган бўлса, шу органга ўз вақтида маълум қилмаслиги –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



**236-м о д д а. Ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини қасддан яроқсизлантириш ёки уларни бепарволик туфайли йўқотиш**

Ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини (ҳарбий билетни, муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасини ҳамда чақирув участкасида қайд этилганлик тўғрисидаги гувоҳномани) қасддан яроқсизлантириш ёки бепарволик билан сақлаш уларнинг йўқолишига олиб келса, –

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**237-м о д д а. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш**

Муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақируви резерви хизмати сафига олинишдан ёки хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида ўташдан бўйин товлаш – энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

**238-м о д д а. Муқобил хизмат хизматчисининг ўз вазифаларини бажармаслиги**

Муқобил хизматни ўтаётган шахснинг ўз вазифаларини бажармаслиги, –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**239-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиши**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (диний ташкилотлар бундан мустасно), шунингдек уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан (ҳисобга олинмасдан) фаолиятни амалга ошириши –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг ҳамда уларнинг ходимларининг сиёсий фаолиятда, шунингдек уставдаги мақсад ва вазифаларга тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда қатнашиши, худди шунингдек уларнинг сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ҳамда тadbирларни молиялаштириши, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқиши ва шундай ташкилотларни тузишни қўллаб-қувватлаши –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгиларни ишлатиши –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари рўйхатдан ўтказувчи органнинг розилигисиз тadbирлар ўтказиши, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтказётган тadbирларга рўйхатдан ўтказувчи орган вакилининг эркин киришини рад этиш –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этмаслиги, ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиши, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборотни, шу жумладан улар томонидан мол-мулк ёки пул маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаслиги –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

**239<sup>1</sup>-м о д д а. Жамоат фондининг харажатларни белгиланган энг юқори миқдордан ошириб юбориши ва йиллик ҳисоботни эълон қилмаслиги**

Жамоат фондининг ҳар йилги маъмурий харажатларининг жами суммасини, шунингдек фонднинг вассийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошириб юбориши –

мансабдор шахсларга харажатларнинг энг юқори суммасидан ошиб кетган миқдордаги пул маблағларини мусодара қилган ҳолда энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамоат фондининг мол-мулкдан фойдаланганлик тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни эълон қилмаслиги – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ–18-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

**240-м о д д а. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан бола-

лар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон ва 2005 йил 28 декабрь ЎРҚ-18-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 384-модда)*

#### **241-м о д д а. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш**

Махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)*

#### **241<sup>1</sup>-м о д д а. Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш**

Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни гайриқонуний рад этиш ёки рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлash, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни гайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлash, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ёхуд назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилиб олиш, худди шунингдек унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда гайриқонуний аралаштириш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-11-сон ва 2007 йил 13 апрель ЎРҚ-91-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда; 2002 йил, 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 154-модда)*

#### **241<sup>2</sup>-м о д д а. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштириш**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштириш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 11 сентябрь ЎРҚ-333-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 423-модда)*

### **Учинчи бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТИ БЎЛГАН ОРГАНЛАР (МАНСАБДОР ШАХСЛАР)**

#### **XVII боб. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР**

#### **242-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судлари, фуқаролик ишлари бўйича судлар; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон ва 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

2) шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;

3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари;

4) ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари), давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари) ва ушбу Кодекс билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқадилар.

### **243-м о д д а. Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг ваколатлари**

Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ўз ваколатларига кирадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркиби аъзоларининг камида ярми бўлганида кўриб чиқишга ҳамда ушбу Кодекснинг Махсус қисмида кўзда тутилган маъмурий жазоларни ўз ваколатлари доирасида қўллашга ва оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

### **244-м о д д а. Мансабдор шахсларнинг ваколатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ушбу Кодекснинг 242-моддаси 4-бандида кўрсатилган органлар номидан кўриб чиқувчи мансабдор шахсларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилган маъмурий жазо чораларини ўз ваколатлари доирасида ва фақат хизмат бурчини бажариб турган чоғдагина қўллашлари мумкин.

## **XVIII боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИНГ ТААЛУҚЛИЛИГИ**

### **245-м о д д а. Маъмурий ишлар бўйича судьялар**

Маъмурий ишлар бўйича судьялар ушбу Кодекснинг 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 47<sup>1</sup>, 47<sup>2</sup>, 48, 49<sup>1</sup>, 52, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 64, 66, 67-моддаларида, 76-моддасида (сув ҳўжалиги иншоотларига зарар етказишга оид қисмида), 90-моддасининг иккинчи қисмида, 94, 99, 100, 101, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида, 112-моддасида (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга оид қисмида), 119-моддасининг иккинчи қисмида, 125<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128-моддасининг тўртинчи қисмида, 128<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг учинчи қисмида, 128<sup>3</sup>-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг учинчи қисмида, 128<sup>5</sup>-моддасининг учинчи қисмида, 129-моддасининг иккинчи қисмида, 130-моддасининг иккинчи қисмида, 131, 132, 133, 134-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137-моддасида, 142-моддасининг иккинчи қисмида, 146-моддасининг учинчи қисмида, 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов

ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 149, 150-моддаларида, 151-моддасининг иккинчи қисмида, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 155, 155<sup>1</sup>, 157, 158, 159-моддаларида, 160-моддасининг биринчи қисмида, 161, 163, 163<sup>1</sup>-моддаларида, 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 165, 165<sup>1</sup>, 166, 167, 169, 170, 173, 174<sup>1</sup>-моддаларида, 175-моддасининг бешинчи қисмида, 175<sup>1</sup>, 175<sup>3</sup>-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176<sup>3</sup>, 176<sup>4</sup>, 177, 179, 179<sup>2</sup>, 179<sup>3</sup>, 180, 181, 182, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 185, 185<sup>1</sup>, 186, 186<sup>1</sup>-моддаларида (акциз маркаси билан маркаланмаган товарларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага кириштириш ҳоллари бундан мустасно), 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188, 188<sup>1</sup>, 188<sup>2</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 193, 194, 195, 196, 196<sup>1</sup>, 197, 197<sup>1</sup>, 197<sup>2</sup>, 198, 199, 200, 200<sup>1</sup>, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 203, 203<sup>1</sup>, 204, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 215<sup>2</sup>, 216, 217, 218, 219<sup>1</sup>-моддаларида, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 222, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>, 226-моддаларида, 227<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 227<sup>8</sup>, 227<sup>9</sup>, 227<sup>13</sup>, 227<sup>14</sup>-моддаларида, 227<sup>15</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 227<sup>16</sup>, 227<sup>17</sup>, 227<sup>18</sup>, 227<sup>19</sup>, 227<sup>20</sup>, 227<sup>21</sup>, 227<sup>22</sup>, 227<sup>23</sup>, 227<sup>24</sup>, 227<sup>25</sup>, 227<sup>26</sup>, 227<sup>27</sup>-моддаларида, 228-моддасида (муҳрлар (пломбалар) табиатни муҳофаза этишга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қўйилган ҳоллар бундан мустасно), 230, 231, 232, 233, 234, 237, 238, 239, 239<sup>1</sup>, 240, 241, 241<sup>1</sup>, 241<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ишлар бўйича судьялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевоқифа кўриб чиқади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон, 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон ва 2012 йил 12 апрель ЎРҚ-324-сон, 2012 йил 11 сентябрь ЎРҚ-333-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда; 2011 йил, 52-сон, 556-модда; 2012 йил, 15-сон, 166-модда; 2012 йил, 37-сон, 423-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

### **245<sup>1</sup>-м о д д а. Хўжалик судлари**

Хўжалик судлари хўжалик низоларини ҳал этиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаган ҳолларда ушбу Кодекс 175-моддасининг учинчи қисмида, 176<sup>1</sup>, 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**245<sup>2</sup>-м о д д а. Адлия органлари**

Адлия органларининг мансабдор шахслари пахта хариди бўйича контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида хўжалик юритувчи субъектга мулкый зарар етказилганлиги факти аниқланган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда хўжалик судига юборилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)*

**245<sup>3</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларига ушбу Кодекснинг 198<sup>1</sup> ва 198<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда маъмурий жазо қўллашга Департамент органларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижросини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслари ҳақлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**245<sup>4</sup>-м о д д а. Фуқаролик ишлари бўйича судлар**

Фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролик ишларининг муҳокамаси чогида маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ–288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

**246-м о д д а. Маъмурий комиссиялар**

Туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар ушбу Кодекснинг 56, 60, 64, 65, 69, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида, 148-моддаси (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган ма-

софада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш учун), 149, 159, 160, 161, 163, 186, 187, 200, 203, 209, 231, 232, 234, 235, 236, 238-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 591 I-сон ва 2009 йил 16 апрель ЎРҚ 153-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)*

**247-м о д д а. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар**

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари вояга етмаган шахслар томонидан ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилганидан бўлак содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Ушбу Кодекснинг 61, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 137, 138, 183, 184, 185, 220, 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар мазкур ишлар келиб тушган орган (мансабдор шахс) ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқади. Вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ушбу Кодекснинг 47-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ЎРҚ–153-сон ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда; 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

**248-м о д д а. Ички ишлар (милиция) органлари**

Ички ишлар органларига ушбу Кодекс 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 115-моддаларида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123, 125-моддаларида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135<sup>1</sup>-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141-моддаларида, 142-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147, 156, 161, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 192, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223, 224, 225-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Куйидагилар ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

1) ушбу Кодекснинг 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114-моддасида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123, 142, 144, 145-моддалари, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 156, 183, 191, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223, 224, 225-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – туман, шаҳар, шаҳардаги туман ва транспортдаги ички ишлар бўлимлари (бошқармалар) бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ички ишлар органлари тизимидаги милициянинг худудий (транспорт) бўлинмалари бошлиқлари;

2) ушбу Кодекснинг 113-моддаси биринчи қисмида, 114-моддаси биринчи қисмида, 115-моддасида, 121-моддасининг иккинчи қисмида, 122, 123, 156, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари;

3) ушбу Кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг чет элга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимлари (бошқармалари)нинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

4) ушбу Кодекснинг 122, 123-моддалари, 127-моддаси (мақсадсиз овозли сигнал бериш қисмида), 161-моддаси (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисми, 191, 221-моддалари, 223-моддасининг биринчи қисмида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – милиция участкаси бошлиқлари, милициянинг участка катта инспекторлари ва участка инспекторлари;

5) ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135<sup>1</sup>-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Бош бошқармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари, йўл-патруль хизмати ни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автомобилотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинмаси) бошлиғи, автомобилотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдала-

ниш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг катта инспектори, автомобилотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135<sup>1</sup>-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, мобиль гуруҳи) командири ёки унинг ўринбосари;

7) ушбу Кодекс 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ўРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

## **249-м о д д а. Давлат ёнгин назорати органлари**

Давлат ёнгин назорати органларига ушбу Кодекснинг 84, 124, 211-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Давлат ёнгин назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга куйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси ёнгин назорати бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваригача миқдорда жарима солишга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ҳамда транспортдаги ёнгин назорати бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ёнгин назорати бўйича бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача, мансабдор шахсларга эса – саккиз бараваригача миқдорда жарима солишга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ҳамда транспортдаги ёнгин назорати бўйича бош давлат инспекторларининг катта ёрдамчилари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваригача миқдорда жарима солишга;

туманлар (шаҳарлар), ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги, транспортдаги ва жазони ижро этиш муассасалари ёнгин назорати бўйича катта давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваригача миқдорда жарима солишга;

туманлар (шаҳарлар), ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги, транспортдаги ва жазони ижро этиш муассасалари ёнгин назорати бўйича давлат инспекторлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваригача миқдорда жарима солишга.

(Модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь УРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

#### **249<sup>1</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари**

Ушбу Кодекснинг 204<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 декабрь УРҚ–230-сон Қонуни билан киритилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 50–51-сон, 529-модда)

#### **250-м о д д а. Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари**

Темир йўл транспорти органларига ушбу Кодекснинг 113, 114-моддаларида, шунингдек 53, 121, 122, 123, 124, 142, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (темир йўл транспортда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)

Метрополитен органларига ушбу Кодекснинг 115-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар темир йўл транспорти ва метрополитен органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

станция бошлиғи ва унинг ўринбосари, вокзал бошлиғи ва унинг ўринбосари, локомотив (вагон) депоси-

нинг бошлиғи, йўловчилар поездининг бошлиғи (йўловчилар поездининг механик-бригадири);

йўловчилар поездининг назоратчи-тафтишчиси, йўловчилар поездининг тафтишчи-йўриқчиси, даромадларни назорат қилиш бўйича тафтишчи, йўл устаси, йўл дистанцияси бошлиғи, сигнализация ва алоқа дистанцияси бошлиғи;

ҳарбийлаштирилган соқчилик бошлиғи ва унинг ўринбосари, ёнгиннинг олдини олиш бўйича отряд (команда, ўт ўчириш поезди) бошлиғи ва унинг ўринбосари, катта йўриқчи ва йўриқчи, команданинг, ўт ўчириш поездининг, ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг бўлинмаси (қоровул) бошлиғи;

бош санитария врачлари (тиббий-санитария хизмати бошлигининг ўринбосари), Марказий санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари.

Йўловчилар поездининг бошлиғи (йўловчилар поездининг механик-бригадири), йўл устаси, команданинг, ўт ўчириш поездининг, ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг бўлинмаси (қоровул) бошлиғи, бош санитария врачлари (тиббий-санитария хизмати бошлигининг ўринбосари), Марказий санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари, санитария-эпидемиология станциясининг бош санитария врачлари сола-диган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан ошмаслиги керак.

#### **251-м о д д а. Ҳаво транспорти органлари**

Ҳаво транспорти органларига ушбу Кодекснинг 53, 121, 122, 124, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳаво транспортдаги ҳуқуқбузарлик қисми), 116-моддасида (фуқаролар авиацияси органлари қарамоғидаги аэродромларда ёки ана шундай аэродромлар жойлашган ҳудудда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун), 117-моддасида, 142-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 144-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)

Қуйидагилар ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

Миллий авиакомпаниянинг Бош директори ва унинг ўринбосарлари, авиакомпания учми мажмуининг директори ва унинг ўринбосари, аэропортда йўловчи ва юк ташиш хизмати бошлиғи, авиакомпания Бош инспекцияси бошлиғи, Бош инспекция бўлим бошлиқлари ва назоратчиси, ҳаво кемаси командири;

Миллий авиакомпания назорат-тафтиш бўлимининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, шу бўлимнинг тафтишчилари, Миллий авиакомпаниянинг тиббий-санитария хизмати бошлиғи;

аэропортнинг ҳарбийлаштирилган соқчилик отряди ва алоҳида командасининг бошлиғи.

Фуқаролар авиацияси бошқармаси (ҳудудий бошқармаси) назорат-тафтиш бўлимининг катта тафтишчиси, тижорат тафтишчиси, тафтишчиси, авиакорхона (аэропорт) йўловчи ва юк ташишни ташкил этиш хизматининг бошлиғи, фуқаролар авиацияси санитария-эпидемиоло-

гия станциясининг бош врачлари, авиакорхона (аэропорт) ҳарбийлаштирилган соқчилик алоҳида командасининг бошлиғи соладиган жарима миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан ошмаслиги керак.

### **252-м о д д а. Сув транспорти органлари**

Сув транспорти органларига ушбу Кодекснинг 53, 121, 122, 124, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (сув транспортидаги ҳуқуқбузарлик учун), 118, 120-моддаларида, 142-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Порт бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, пристань ва вокзалларнинг бошлиқлари, порт, пристань ва вокзалларнинг навбатчи маъмурлари, порт худудлари бошлиқлари ва шлюз бошлиқлари, кемаларнинг капитанлари, уларнинг ёрдамчилари ва штурманлари, кема қатнови инспекцияларининг катта инспекторлари ва инспекторлари, кема тафтишчилари, порт, пристань жойлашган ердаги ҳарбийлаштирилган идоравий соқчилигининг юқори мансабдор шахси (бирлашган отряд бошлиғи, отряд бошлиғи, командир, ёнғиндан сақлаш йўриқчиси) сув транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақлидирлар.

### **253-м о д д а. Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органларига ушбу Кодекс 119-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекциясининг бошқармаси (бўлими) бошлиғи ва унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекторлари Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақлидирлар.

### **254-м о д д а. Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари**

Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органларига ушбу Кодекснинг 121, 122, 123, 124, 142, 143, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (шаҳар, шаҳарлараро автомобиль транспортида ва электр транспортида содир этилган ҳуқуқбузарликлар қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти назоратчи-тафтишчилари, чипта текширувчилари ва тегишли ваколлати бўлган бошқа ходимлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақлидирлар.

### **255-м о д д а. Меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий ва техник инспекторлари**

Меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий ва техник инспекторлари ушбу Кодекснинг 49, 49<sup>2</sup>, 49<sup>3</sup>, 50, 51, 229-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 20 декабрь ЎРҚ-268-сон ва 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 479-модда; 51-сон, 485-модда)*

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораси қўллашга қуйидагилар ҳақлидирлар:

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун – меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий инспекторлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун, шунингдек иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги учун – меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари;

меҳнат нормалари ва меҳнат шарт-шароитлари қоидаларини бузганлик учун – меҳнат шарт-шароитлари давлат экспертизаси мансабдор шахслари. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-II-сон ва 2010 йил 20 декабрь ЎРҚ-268-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 479-модда)*

### **256-м о д д а. Мудофаа вазирлиги органлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органларига ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135<sup>1</sup>, 138, 139, 140, 141-моддаларида (транспорт воситаларининг ҳайдовчилари – ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган) ҳамда 235, 236-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга ҳақлидирлар:

ушбу Кодекснинг 235, 236-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлиmlари бошлиқлари ва туман (шаҳар) муқобил хизмат бўлиmlари бошлиқлари; ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисmlарида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисmlарида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисmlарида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисmlарида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисmlарида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135<sup>1</sup>, 138, 139, 140, 141-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – ҳарбий автомобиль инспекциясининг бошлиғи, катта инспектори. *(Иккинчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари – ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга қақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда белгилаб қўядиган тартибда ҳарбий автомобиль инспекциясига юборилади.

### **257-м о д д а. Давлат санитария назорати органлари**

Давлат санитария назорати органларига ушбу Кодекснинг 53, 54, 55-моддаларида, 85-моддасида (атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига зарарли биологик организмлар чиқариб ташлаганлик, шунингдек махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига биологик организмлар чиқариб ташлаганлик учун, агар бу ҳуқуқбузарликлар санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 86, 88, 89, 95-моддаларида (агар атмосфера ҳавосига физикавий таъсир кўрсатилган бўлса ва бу ҳуқуқбузарликлар санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 87-моддасида (автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ҳамда қурилмаларни ишлаш пайтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиб кетганлиги учун), 96-моддасида (санитария-экологик экспертизаси қисмида), 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда)*

Давлат санитария назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни

кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўллашга куйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва унинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, туманларга бўлинган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ва сув транспортидаги ҳавзалар бош давлат санитария врачлари;

туманларнинг, туманларга бўлинмаган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги портлар ва сув йўллари участкалари бош давлат санитария врачлари. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 август 271-II-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 182-модда)*

### **258-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматларига ушбу Кодекснинг 53, 54, 55-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар (шу жумладан, санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузганлик) тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Куйидагилар ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Мудофаа вазирлиги бош санитария врачлари – марказий санитария-эпидемиология лабораториясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармаси бош санитария врачлари ва унинг ўринбосари (республика санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бўлимининг бош санитария врачлари ва унинг ўринбосари (санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи), вилоятлар, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари тиббиёт бўлиmlарининг бош санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари (санитария-эпидемиология станцияларининг бошлиқлари); *(иккинчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий-тиббий хизмат санитария-эпидемиология станцияси бошлиғи.

### **259-м о д д а. Давлат ветеринария назорати органлари**

Давлат ветеринария назорати органларига ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Куйидагилар давлат ветеринария назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги



ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўлланишга ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар (Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари) бош давлат ветеринария инспекторлари, темирйўл бош давлат ветеринария инспектори – энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда;

туманлар, шаҳарларнинг давлат ветеринария инспекторлари, чегара текшируви ветеринария пунктларининг бошлиқлари, дезинфекция-ювиш станциялари ва пунктларидаги ветеринария назорати бошлиқлари, участка ветеринария шифохоналарининг, ветеринария участкаларининг, ветеринария-санитария участкаларининг мудирлари, ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияларининг мудирлари – энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга.

**260-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 55, 70-моддаларида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бундан мустасно), 72-моддасида (термал сувларга доир қисмида), 97, 98-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўлланишга ҳақлидирлар: (модданинг номи, биринчи қисми ва иккинчи қисмнинг биринчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 9 сентябрь ЎРҚ–294-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 36-сон, 365-модда*)

Давлат инспекцияси бошлиғи ва унинг ўринбосари – энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

тармоқ инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

минтақавий кон-техник инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

давлат инспекторлари – энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда.

**261-м о д д а. Табиатни муҳофаза қилувчи органлар**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 65-моддасининг иккинчи қисмида (қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик бундан мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисми), 70-моддасида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 72-моддасида (термал сувларга доир қисми бундан мустасно), 73-моддасида, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (иригация тармоқларидан олинган сувларни ҳисобга олиш бундан мустасно, шуниингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш бундан мустасно), 86, 87, 88, 89-моддаларида (атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно), 89<sup>1</sup>-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида, 91, 92, 93, 95-моддаларида, 96-моддасида (давлат экология экспертизаси қисмида), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бундан мустасно), 162-моддасида, 178-моддасида (истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида), 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 228-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган холлар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-1-сон ва 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 141-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг катта давлат инспекторлари, туманлараро, туманлар, шаҳарлар инспекциясининг бошлиқлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг давлат инспекторлари, давлат қўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат биосфера резерватларининг қўриқлаш ходимлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваригача миқдорда жарима солишга. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон ва 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)

#### **262-м о д д а. Божхона органлари**

Божхона органларига ушбу Кодекснинг 227, 227<sup>1</sup>, 227<sup>2</sup>, 227<sup>3</sup>-моддаларида, 227<sup>4</sup>-моддасининг учинчи қисмида, 227<sup>5</sup>, 227<sup>6</sup>, 227<sup>7</sup>, 227<sup>10</sup>, 227<sup>11</sup>, 227<sup>12</sup>-моддаларида, 227<sup>15</sup>-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

Божхона бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари божхона органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, транспортировка (ҳалқаро транзит бундан мустасно) қилинаётган ва сақланаётган акциз маркаси қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотни мусодара қилишга ҳақлидирлар. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель 231-I-сон ва 1998 йил 1 май 621-I-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5–6-сон, 69-модда; 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)

#### **263-м о д д а. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг давлат инспекция органлари**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимининг давлат алоқа инспекцияси органларига ушбу Кодекс 151-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг биринчи қисмида, 153, 154, 156-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи, шунингдек

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат алоқа инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидир.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь 549-I-сон, 1998 йил 29 август 681-I-сон ва 2003 йил 25 апрель 482-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 3-сон, 38-модда, 9-сон, 181-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

#### **264-м о д д а. Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари**

Давлат солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларига ушбу Кодекс 159<sup>1</sup>-моддасида, 160-моддасининг иккинчи қисмида, 164-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида, 168, 171-моддаларида, 172, 174-моддаларида, 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 175<sup>4</sup>, 175<sup>5</sup>-моддаларида, 176-моддасининг биринчи қисмида, 176<sup>2</sup>, 179<sup>1</sup>, 186<sup>1</sup> (акциз маркаси билан маркаланмаган товарлар қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган ёки муомалага киритилган ҳолларда), 215<sup>3</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Давлат солиқ органларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи, унинг ўринбосари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар бўлимларининг бошлиқлари тегишинча ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидирлар. (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 август 271-II-сон, 2001 йил 7 декабрь 320-II-сон, 2003 йил 25 апрель 482-II-сон, 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ-56-сон, 2008 йил 24 сентябрь ЎРҚ-182-сон, 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-242-сон, 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон ва 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 182-модда; 2002 йил, 1-сон, 20-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 385-модда; 2008 йил, 39-сон, 391-модда; 2009 йил, 52-сон, 557-модда; 2010 йил, 51-сон, 485-модда; 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

### **264<sup>1</sup>-м о д д а. Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органларига ушбу Кодекснинг 175<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

### **265-м о д д а. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари**

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларга ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми), 212, 213-моддаларида, 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга доир қисми бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 281-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 144-модда)*

Қуйдагилар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар:

стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси бош давлат инспектори, вилоятлар, Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат қилувчи давлат инспекторлари – энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда жарима солишга.

### **266-м о д д а. Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари**

Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 112-моддасида, 139-моддасида (қишлоқ хўжалик техникасига тааллуқли қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекциясининг бошлиги ва унинг ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислари, вилоятлар инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман инспекцияларининг бошлиқлари қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини (бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бундан мустасно) қўллашга ҳақлидирлар.

### **266<sup>1</sup>-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари**

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органларига ушбу Кодекснинг 65-моддасида (ерларни ишлаб чиқариш ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан инфослантирганлик бундан мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари бундан мустасно), 69-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйдагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари, – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни билан киритилган; модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда; 2005 йил 1-сон, 18-модда)*

### **266<sup>2</sup>-м о д д а. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари**

«Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 74-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинадиган сув миқдорини ҳисобга олиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибидан бузишга оид қисми), 76-моддасининг иккинчи

қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарихида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар:

«Ўзсувназорат» республика сув инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув инспекцияларининг бошлиқлари, сув инспекцияларининг катта инспекторлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваригача миқдорда; сув инспекцияларининг туман инспекторлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель 421-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сон, 126-модда)

**266<sup>3</sup>-м о д д а.** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органларига ушбу Кодекснинг 104<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарихида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори – энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат маркази инспекторлари, қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоятлар давлат инспекторлари – энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича туманлар инспекторлари – энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)

**267-м о д д а.** Давлат статистика органлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси органларига ушбу Кодекснинг 215-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туманлар, шаҳарлар статистика бўлиmlарининг бошлиқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-11-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

**267<sup>1</sup>-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 19 декабрь ЎРҚ–14-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 374-модда)

**268-м о д д а.** Давлат пробир назорати органлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг давлат пробир палатаси органларига ушбу Кодекснинг 219-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси давлат пробир палатасининг бошлиғи давлат пробир палатаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидир.

**268<sup>1</sup>-м о д д а.** Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 178, 178<sup>1</sup> ва 215<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарихида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга.

(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 281-1-сон Қонуни билан киритилган; 2010 йил 6 октябрь ЎРҚ–264-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 40-41-сон, 343-модда)

## **268<sup>2</sup>-м о д д а. Архитектура ва қурилиш органлари**

Архитектура ва қурилиш органларига ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмољчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга қуйдагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда; архитектура ва қурилиш ҳудудий органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга. (Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 281-І-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1996 йил, 9-сон, 144-модда)

## **Тўртинчи бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

### **ХІХ БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **269-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

#### **270-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **271-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш-ни истисно этувчи ҳолатлар**

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;

3) гайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;

4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охириги зарурат ҳолатида қилган бўлса;

5) амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;

6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;

7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;

8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ҳусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса.

#### **272-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни фуқароларнинг тенглиги асосида кўриб чиқиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, irqи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади.

#### **273-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиладиган тил**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иш иштирокчиларига таржимон орқали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

#### **274-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг очик кўрилиши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очик кўрилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

#### **275-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати**

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади экан:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга;

иш материаллари билан танишиб чиқишга;  
иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)-нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга;  
ишни кўриб чиқишда қатнашишга;  
ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишга, хулосалар беришга;  
маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини текширишга;  
маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест келтиришга;  
қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақлидир.

### **276-м о д д а. Далиллар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Бу маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

### **277-м о д д а. Далилларга баҳо бериш**

Орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

### **278-м о д д а. Материалларни прокурорга топшириш**

Башарти, ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, материалларни прокурорга топширади.

## **XX боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМА**

### **279-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади.

Ушбу Кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳолларда баённома тузилмайди.

### **280-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар**

Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва

назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юкланган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

### **281-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённоманинг мазмуни**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти, ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса – баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортиган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

### **282-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани жўнатиш**

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

### **283-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳоллар**

Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан эса фақат ушбу Кодекс 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади.

Башарти, фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда ушбу Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади.

#### **284-м о д д а. Хуқуқбузарни ушлаб келтириш**

Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни хуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, хуқуқбузар милиция ходими ёки маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс томонидан милицияга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилиши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юклари бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда хуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти хуқуқбузарнинг шахсини хуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек милиция ходимлари шундай хуқуқбузарлик содир этган шахсларни милицияга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Хуқуқбузар табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Юридик шахсларнинг кўриқланадиган объектлари-га, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ хуқуқбузарлик содир этилган тақдирда хуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан хуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, хуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Хуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

### **XXI боб. МАЪМУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН УШЛАБ ТУРИШ, АШЁЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ, АШЁЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ**

#### **285-м о д д а. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари**

Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий хуқуқбузарликни тўхтатиш, хуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни хуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади.

Ушбу моддада назарда тутилган мақсадларда шахсини маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **286-м о д д а. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

#### **287-м о д д а. Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш бу ишга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина амалга оширилиши мумкин, чунончи:

1) ушбу Кодекснинг 56, 57, 58, 61, 90, 91, 92, 94, 113, 114, 115, 116, 117-моддаларида, 118-моддасининг учинчи қисмида, 121, 122, 123, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 137, 138, 141, 142-моддаларида, 144-моддасининг учинчи қисмида, 146-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 154, 156-мод-

даларида, 164-моддасининг учинчи қисмида, 170-моддасида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176<sup>3</sup>-моддасида, 176<sup>4</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 185, 186, 187, 188, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 192, 194, 195, 198, 199, 201, 203, 204, 205, 209, 210, 218, 220, 224-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида. 228. 240-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – ички ишлар органлари томонидан; (1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон, 2012 йил 12 апрель ЎРҚ–324-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда; 2012 йил, 15-сон, 166-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

2) ушбу Кодекснинг 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 196<sup>1</sup>, 224, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – чегара қўшинлари томонидан;

3) ушбу Кодекснинг 61, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – шу қўрикланадиган объект жойлашган ердаги ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси томонидан;

4) Қуролли Кучлар ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчилар ёки бошқа шахслар ушбу Кодекснинг 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 137, 138, 141-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда – ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан; (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

5) ушбу Кодекснинг 60-моддасида, 69-моддасида (қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 77, 79, 81, 82, 83, 84, 90, 91, 92, 93, 94, 162, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

6) ушбу Кодекснинг 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 198, 227, 227<sup>1</sup> – 227<sup>27</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда – божхона органлари хизматчилари томонидан;

7) ушбу Кодекснинг 194, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – ҳарбий патруль томонидан;

8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг учинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176<sup>3</sup>-моддасида, 176<sup>4</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 186<sup>1</sup>, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – давлат солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга

қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан. (8-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

(Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель 421-1-сон, 1998 йил 29 август 681-1-сон, 2002 йил 30 август 405-11-сон, 2006 йил 22 июнь ЎРҚ–37-сон, 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ–56-сон, 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон, 2006 йил 26 декабрь ЎРҚ–73-сон, 2007 йил 20 сентябрь ЎРҚ–114-сон, 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ–125-сон, 2008 йил 21 апрель ЎРҚ–156-сон ва 2008 йил 24 сентябрь ЎРҚ–182-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сон, 126-модда; 1998 йил, 9-сон, 181-модда; 2002 йил, 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25–26-сон, 226-модда; 39-сон, 385-модда, 41-сон, 405-модда; 51–52-сон, 501-модда; 2007 йил, 39-сон, 400-модда; 50–51-сон, 504-модда; 2008 йил, 17-сон, 129-модда; 39-сон, 391-модда)

#### **288-м о д а. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса – ушлаб пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг учинчи қисмида, 170, 183, 184, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 191, 194, 195, 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин 24 соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-11-сон ва 2006 йил 22 июнь ЎРҚ–37-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25–26-сон, 226-модда)

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса – улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади.



**289-м о д д а. Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш**

Шахсни кўриқдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари ва чегара қўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунга ваколати бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириб чиқиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чегара қўшинларининг, солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек тегишли ваколати бўлган органларнинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон, 2003 йил 25 апрель 482-II-сон ва 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ-56-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 385-модда)*

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмларни мулкдорсиз (эгасисиз) иккита холис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб қўйилади.

Божхона муассасаларида шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш божхонага доир қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**290-м о д д а. Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш**

Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўриқдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлмиш ашё ва ҳужжатлар ушбу Кодекснинг 287 ва 289-моддаларида назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар

шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса – сотиб юборилади.

Олиб қўйилган ордено, медал, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

Божхона қоидалари ёки солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, башарти ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон ва 2003 йил 25 апрель 482-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда бу ҳусудда баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексга мувофиқ транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин бўлса, ҳуқуқбузардан унинг иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар транспорт воситаси, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, овчилик билети олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунингдек ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига, кема бошқарувчиси гувоҳномасининг талонига тегишлича ёзиб қўйилиб, талонлар транспорт воситаси ҳайдовчисига, кема бошқарувчисига қайтариб берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ва ов қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 185-моддасида, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 221 ва 222-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, милиция ходимлари иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қуролни, шунингдек ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақлидирлар, бу ҳусудда мазкур қуролнинг марка ёки модели, калибри, туркуми ва тартиб рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

### **291-м о д д а. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби**

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин, чунончи:

а) транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ушбу Кодекс 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 126-моддасида, 128<sup>6</sup>-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса), 131, 135, 135<sup>1</sup>-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, 176<sup>3</sup>-моддаларида, 194-моддасида (милиция ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганда, шунингдек қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда – ички ишлар органлари томонидан; (биринчи қисмнинг «а» банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ–289-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

б) Қуролли Кучларнинг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар ва бошқа шахслар йўл ҳаракати қоидаларини бузганда – ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан; (биринчи қисмнинг «б» банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

в) ушбу Кодекснинг 60, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 92, 94-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

г) ушбу Кодекснинг 198, 227-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда – Ўзбекистон Республикаси Божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан;

д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 176<sup>3</sup>, 186<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан; (биринчи қисмнинг «д» банди Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон, 2004 йил 27 август 671–II-сон; 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ–56-сон ва 2008 йил 24 сентябрь ЎРҚ–182-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда; 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда; 2006 йил, 39-сон, 385-модда; 2008 йил, 39-сон, 391-модда)

е) ушбу Кодекснинг 196<sup>1</sup>, 224, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда – чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан. (биринчи қисмнинг «е» банди Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрь ЎРҚ–114-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 39-сон, 400-модда)

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

### **292-м о д д а. Транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш**

Транспорт воситаларини бошқараётган мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **293-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари устидан шикоят бериш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўриқдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга), прокурорга ёки судга шикоят бериши мумкин.

### **XXII боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИ ЮРИТИШДА ҚАТНАШУВЧИ ШАХСЛАР**

#### **294-м о д д а. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этиш-

га, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти, содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш чораларини қўлланиш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлагани тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона органи томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаердалигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель 231-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1996 йил, 5-6-сон, 69-модда)*

### **295-м о д д а. Жабрланувчи**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилади.

Жабрланувчи ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатувлар беришга, далиллар келтиришга, илтимослар қилишга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

### **296-м о д д а. Қонуний вакиллар**

Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий касалликлари сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган – маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар.

Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга ва манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс

номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

### **297-м о д д а. Адвокат**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топширигига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

### **298-м о д д а. Гувоҳ**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Ишни юритаётган органининг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

### **299-м о д д а. Эксперт**

Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинлиниши мумкин.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

Эксперт: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг экспертиза предметиға оид материаллари билан танишиши, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) рухсати билан ишни кўриб чиқишда ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга экспертиза предметиға оид саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдиға қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметиға оид ва иш учун аҳамиятға молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни

кўриб чиқиш баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма хулоса бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) қақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошқор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоя қилиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **299<sup>1</sup>-м о д д а. Экспертнинг ёки экспертлар комиссиясининг хулосаси**

Эксперт ёки экспертлар комиссияси эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада: экспертиза ўтказилган сана ва жой; экспертизани ўтказиш асоси; экспертизани тайинлаган орган (мансабдор шахс) тўғрисида маълумотлар; эксперт (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; экспертнинг олдига қўйилган саволлар; экспертга тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда эксперт текширувларининг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу эксперт текширувлари, агар экспертлар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; эксперт текшируви натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Эксперт текширувининг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар экспертизани тайинлаган органнинг (мансабдор шахснинг) талабига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги эксперт текшируви давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Эксперт текшируви тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган органга (мансабдор шахсга) юборилади.

Хулоса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) учун мажбурий эмас, бироқ унинг хулосага қўшилмаслиги асослантирилган бўлиши керак.

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган органга (мансабдор шахсга) юборади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **300-м о д д а. Таржимон**

Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади.

Таржимон мазкур органнинг (мансабдор шахснинг) қақиригига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажариши шарт.

### **301-м о д д а. Жабранувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонларнинг қопланиши лозим бўлган харажатлари**

Жабранувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан уларнинг қилган харажатлари белгиланган тартибда қопланади.

Жабранувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар сифатида қақирилган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан улар ишда бўлмаган вақтда ўз иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланади.

Эксперт ва таржимон хизмат топшириги тартибда бажарилган ҳоллардан ташқари, ўзининг вазифаларини бажарганлиги учун мукофотлиниш ҳуқуқига эгадир.

### **302-м о д д а. Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги сабабли фуқарога етказилган зарарни қоплаш**

Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Зарарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирдагина вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юри-таётган орган (мансабдор шахс) фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириб бериши ва маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш учун қонунда назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

## **XXIII БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

### **303-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрланиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

- 1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;
- 3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;
- 4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;
- 5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

### **304-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жойи**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Ушбу Кодекснинг 113-моддасининг бешинчи қисмида, 119, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилиши ҳам мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрель ЎРҚ-156-сон ва 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон қонуллари таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 17-сон, 129-модда; 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

Ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарликнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарликнинг истиқомат жойида кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

### **305-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Ушбу Кодекснинг 170, 180, 181, 183, 184, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилади, ушбу Кодекснинг 164-моддасининг иккинчи қисмида, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар – уч сутка ичида, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ишлар эса – беш сутка ичида кўриб чиқилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

### **306-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тартиби**

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисда ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

### **307-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини,

унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни энгиллаштирувчи ёки огирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкый зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

### **308-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

- 1) мажлис бўлган сана ва жой;
- 2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;
- 3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;
- 4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- 5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;
- 6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;

7) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс эттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

### **308<sup>1</sup>-м о д д а. Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этиш тартиби**

Агар орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилади.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши ёки унга нисбатан

енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилади.

Суд ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, ушбу Кодекснинг 310-моддасида назарда тутилган қарорлардан бирини чиқаради.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида ушбу Кодекснинг 303, 304, 306 — 309-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

### **309-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор**

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи; иш кўриб чиқилган сана; иш кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Ушбу Кодекснинг 308<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳолларда қарорда ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги тўхтам ҳам кўрсатилиши керак. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

Башарти, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодекснинг 242-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи бандларида кўрсатиб ўтилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий жазони қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида айбдордан етказилган мулкый зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиан бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегиял орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, орган-

нинг қарори – мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жазо қўлланилганлиги тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

### **310-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг турлари**

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида;
- 2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда чиқарилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

Суд томонидан ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор огоҳлантириш эълон қилинганда ҳам чиқарилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрель ЎРҚ-289-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 17-сон, 168-модда)*

### **311-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни эълон қилиш ва унинг нусхасини бериш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланок дарҳол эълон қилинади.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига қўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатишга, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўқотар қуроллар, шунингдек ўқ-дорилар хизмат ва зифаларини бажариши муносабати билан ишониб топширилган ёки корхона, муассаса, ташкилот томонидан вақтинча фойдаланиш учун берилган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг 185-моддасида, 220-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорнинг нусхаси маълумот учун тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотга, мазкур шахснинг ўқотар қуролдан фойдаланишини тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун эса ички ишлар органига юборилади.

### **312-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар эътиборига етказиш**

Ушбу Кодекснинг 61, 131, 140, 183, 187, 233, 237-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар

ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қабул қилинган қарор тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг эътиборига етказилади.

### **313-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома**

Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

### **XXIV БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР ХУСУСИДА ШИКОЯТ БЕРИШ ВА ПРОТЕСТ БИЛДИРИШ**

#### **314-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ҳуқуқи**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

#### **315-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса – туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши мумкин. Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-сон ва 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни уч сутка ичида иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

**316-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш муддати**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нухасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

**317-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида протест билдириш**

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси қарори устидан – туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга;

2) бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан – қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.

Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига белгиланган тартибда протест келтирилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)*

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган тартибда протест келтирилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ–288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

**318-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ижросини тўхтатиб туриш**

Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини

шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

**319-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади.

**320-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кассация инстанцияси судида кўриб чиқиш**

Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки протест бўйича кассация инстанцияси судида иш юритиш тартиби мазкур моддада кўзда тутилган истиснолардан ташқари ушбу боб қоидалари билан белгиланади.

Маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича иш кассация инстанцияси судьяси томонидан суд раиси топшириғига биноан кўриб чиқилади.

Кассация инстанцияси суди судьясининг маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича ҳал қилув қарори қарор шаклида чиқарилади ва чиқарилган вақтдан бошлаб кучга киради. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

**321-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқувчи органнинг (мансабдор шахснинг) ҳал қилув қарори**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (ман-



сабдор шахс) куйидаги ҳал қилув қарорларидан бири-ни қабул қилади:

1) чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

2) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

3) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юри-тишни тўхтатади;

4) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъ-мурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгар-тиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун: орган (мансабдор шахс) томонидан ишни тўлиқ бўлма-ган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши; орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу Ко-декс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъ-мурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмасли-ги; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланил-ган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ишни кўриб чиқишга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор бекор қилинади, иш эса ваколатли органга (мансаб-дор шахсга) кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзаси-дан чиқарилган қарор юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида: у чиқарилган вақт ва жой; шикоят ёки про-тестни кўриб чиқаётган мансабдор шахс; прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар; шикоят берган шахс ёки протест билдирган прокурор; маъмурий ҳуқуқбу-зарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган, шикоят берилган ёки протест билдирилган қарорнинг ҳамда шикоят, протестнинг моҳияти; чиқарилаётган қарор-ни асосланиши; шикоят ёки протест юзасидан қарор кўрсатилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзаси-дан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестга доир ҳал қилув қарорининг нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичида юборилади, жабрланувчига эса – унинг илтимосига биноан юборилади. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга маъ-лум қилинади.

**322-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни қайта кўриб чиқувчи органнинг (мансабдор шахснинг) ваколатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор юқори турув-чи орган раҳбари, прокурорнинг протести бўйича эса уни чиқарган орган томонидан ҳам ушбу Кодекснинг 321-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида белги-ланган асослар бўйича бекор қилиниши ёки ўзгарти-рилиши мумкин.

**323-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган ши-коят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест билди-риш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан берилган шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига прокурор протест бил-дириши мумкин.

Шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест мазкур қарорни чиқарган органдан (мансаб-дор шахсдан) юқори турувчи органга киритилади.

**324-м о д д а. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-сидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш оқибатлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш-ни тугатиш билан қарорни бекор қилиш ундириб олин-ган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб қўйилган ва му-содара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шу-нингдек илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади. Нар-сани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қоп-ланади.

Фуқарони маъмурий қамоққа олиш ғайриқонуний равишда қўлланилганлиги натижасида етказилган зар-рар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоп-ланади.

**Бешинчи бўлим. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ**

**XXV боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**325-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросининг мажбурийлиги**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

**326-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни ижро этишга қаратиш**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, ба-шарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланма-ган бўлса, чиқарилган пайдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорга ши-коят берилган ёки протест билдирилган тақдирда бу қарор берилган шикоят ёки билдирилган протест қаноатлантиришсиз қолдирилгандан кейин ижро эти-лиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган

жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда бажаришнинг ушбу Кодекснинг 332-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (мансабдор шахс) томонидан ижро этишга қаратилади.

### **327-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан ижро этилади.

Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида бир неча қарор чиқарилган ҳолларда уларнинг ҳар бири мустақил равишда ижро этилади.

### **328-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини кечиктириш**

Маъмурий қамокқа олиш ёки жарима солиш (жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш бундан мустасно) тарзида маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) унинг ижросини бир ойгача муддатга кечиктириши мумкин.

### **329-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тугатиш**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳолларда унинг ижросини тугатади:

- 1) амнистия акти эълон қилиниб, у маъмурий жазо чорасини қўлланишни йўқ қилса;
- 2) маъмурий жавобгарликни белгилловчи норматив ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 3) устидан қарор чиқарилган шахс вафот этган бўлса.

### **330-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросининг муҳлати**

Башарти, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди. Ушбу Кодекснинг 318-моддасига мувофиқ қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган тақдирда, кучини йўқотиш муддатининг кечиши шикоят ёки протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўйилади. Ушбу Кодекснинг 328-моддасига мувофиқ қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда, кучини йўқотиш муддатининг кечиши муддатини кечиктириш даври ўтгунга қадар тўхтатиб қўйилади.

### **331-м о д д а. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш**

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал этади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади.

Органларнинг (мансабдор шахсларнинг) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросига оид ҳаракати хусусида берилган шикоятлар ушбу Кодекснинг 315-моддасида айтиб ўтилган органлар томонидан 319 ва 320-моддаларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ҳал этилади.

## **XXVI боб. ЖАРИМА СОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

### **332-м о д д а. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш муддатлари ва тартиби**

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан тегишли банк муассасасига тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима бундан мустасно. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

### **333-м о д д а. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни мажбурий ижро этиш**

Ҳуқуқбузар жаримани ушбу Кодекснинг 332-моддасида белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти, жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижросиси томонидан жарима

солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Жарима Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкдан ундириб олиниши мумкин эмас.

**334-м о д д а. Жойнинг ўзида ундириб олинган жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Ушбу Кодекснинг 283-моддасига мувофиқ жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ундириб олинган тақдирда ҳуқуқбузарга қатъий молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланган белгиланган нусхадаги квитанция берилади.

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тўланмаса, ишни кўриб чиқиш ва қарорни ижро этиш ушбу Кодекснинг 332 ва 333-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**335-м о д д а. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ишларини тугаллаш**

Жарима солиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ жарима тўла-тўқис ундириб олингач, унинг ижро этилганлиги ҳақида белги қўйилиб, шу қарорни чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки судга қайтарилади.

**XXVII боб. НАРСАНИ ҲАҚИНИ ТўЛАШ ШАРТИ БИЛАН ОЛИБ ҚўЙИШ ТўҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БўЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

**336-м о д д а. Нарсани ҳақини тўлаш шартини билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Ҳақини тўлаш шартини билан олиб қўйилган нарсалар белгиланган тартибда шартнома-воситачилик асосида ёхуд аукцион шаклидаги кимовиди савдосида реализация қилинади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

Ҳақини тўлаш шартини билан олиб қўйилган нарсани сотишдан тушган пуллар ушбу Кодекснинг 26-моддасига мувофиқ олиб қўйилган нарсаларни сотиш харажатларини чегириб қолиб, шу нарсаларнинг собиқ эгасига топширилади.

**XXVIII боб. НАРСАНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ ТўҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ БўЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

**337-м о д д а. Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари суд ижрочилари томонидан ижро этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон ва 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил 3-сон, 9-модда)*

**338-м о д д а. Мусодара қилинган нарсани сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган мусодара қилинган нарсани сотиш ва йўқ қилиб ташлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**339-м о д д а. Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритишнинг тугаллиниши**

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган нарсани ёки бевосита маъмурий ҳуқуқбузарлик нарсасини мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг суд ижроچиси ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нусхаси қўйидагиларга юборилади:

уни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судьяга;  
Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, транспортировка (ҳалқаро транзит бундан мустасно) қилинаётган ва сақланаётган акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган божхона органининг мансабдор шахсига;

сақланаётган, реализация қилинаётган, яширин равишда ишлаб чиқилаётган акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган солиқ органининг мансабдор шахсига.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-I-сон ва 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**XXIX боб. МАХСУС ХУҚУҚДАН МАХРУМ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ  
БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

**340-м о д д а. Махсус ҳуқуқдан махрум этиш  
тўғрисидаги қарорни ижро  
этувчи органлар**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан махрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 248-моддасида кўрсатиб ўтилган ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан махрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 253-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан махрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 261-моддаси иккинчи қисмида айтиб ўтилган ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

**341-м о д д а. Транспорт воситаларини ёки  
кичик ҳажмли кемаларни бошқариш  
ҳуқуқидан махрум этиш  
тўғрисидаги қарорни ижро  
этиш тартиби**

Транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан махрум этиш тўғрисидаги қарор ҳайдовчилик гувоҳномасини, шунингдек унинг талонини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Башарти, ҳайдовчи ёки кема ҳайдовчиси транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг айрим турларини бошқариш ҳуқуқидангина махрум этилган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномасига ва унинг талонига транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг қайси турларини бошқариш ҳуқуқидан махрум этилганлиги ёзиб қўйилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

**342-м о д д а. Ов қилиш ҳуқуқидан махрум  
этиш тўғрисидаги қарорни  
ижро этиш тартиби**

Ов қилиш ҳуқуқидан махрум этиш тўғрисидаги қарор овчилик билетини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан махрум этилган шахс овчилик билетини топширишдан бўйин товлаган тақдирда ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар овчилик билетини белгиланган тартибда олиб қўядилар.

**343-м о д д а. Махсус ҳуқуқдан махрум этиш  
муддатини қисқартиришнинг  
асослари ва тартиби**

Муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан махрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулиқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач, корхона, муасаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан махрум этиш муддатини қисқартириши мумкин.

**344-м о д д а. Махсус ҳуқуқдан махрум этиш  
муддатини ҳисоблаш**

Транспорт воситаларини ҳайдовчилар ва ов қилиш қоидаларини бузган шахслар махсус ҳуқуқдан махрум этиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб шундай ҳуқуқдан махрум этилган деб ҳисобланадилар.

Махсус ҳуқуқдан махрум қилиш муддати ўтгач, шунингдек бу муддат ушбу Кодекснинг 343-моддасига мувофиқ қисқартирилган тақдирда, шундай маъмурий жазо чорасига тортилган шахсга ундан олиб қўйилган хужжатлар белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан махрум этилган ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасини топширишдан бош торган тақдирда, бу ҳуқуқдан махрум этиш муддати гувоҳнома олиб қўйилган кундан бошлаб, лекин қарор чиқарган орган белгиланган махрум этиш муддати тугашидан кечиктирмасдан ҳисобланади.

**XXX боб. МАЪМУРИЙ ҚАМОҚҚА ОЛИШ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ИЖРО ЭТИШ  
БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

**345-м о д д а. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин дарҳол ижро этилади.

**346-м о д д а. Маъмурий қамоқни ўташ тартиби**

Маъмурий қамоққа олинган шахслар ички ишлар органлари белгилаб қўйган жойларда қамоқда сақланадилар. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида қамоққа олинганлар шахсий кўриқдан ўтказиладилар.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати маъмурий қамоқ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Маъмурий қамоқни ўташ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний ишларда фойдаланилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи тўланмайди.

### **XXXI боб. ҚАРОРНИНГ МУЛКИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИБ ОЛИШ ХУСУСИДАГИ ҚИСМИНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ**

#### **347-м о д д а. Қарорнинг мулкий зарарни ун- дириб олиш хусусидаги қисми- ни ижро этиш тартиби ва муд- датлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ижро этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми ижро ҳужжати ҳисобланади.

Мулкий зарар ҳуқуқбузар томонидан унга қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим (ушбу Кодекснинг 311-моддаси), бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги маълум қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай қопланиши лозим.

#### **348-м о д д а. Қарорнинг мулкий зарарни ун- дириб олиш хусусидаги қисми- ни бажармаслик оқибатлари**

Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олишга оид қисми ушбу Кодекс 347-моддасининг учинчи қисмида белгиланган муддатда ижро этилмаса, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ижро учун суд ижрочисига юборилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
КЕНГАШИНING ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ  
ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 7-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси амалга киритилган кундан бошлаб маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг Кодексга зид келмайдиган қисми қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1995 йилнинг 31 мартдан кейин содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юриштининг Кодекс билан белгиланган тартиби Кодекс амалга киритилгунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

1995 йилнинг 1 апрелига қадар кўрилмай қолган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан белгилаб берилган кимга тааллуқли эканлигидан қатъи назар қайси органнинг (мансабдор шахснинг) юриштида бўлса, шу орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилади.

5. Туман (шаҳар) судлари 1995 йилнинг 1 февралидан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексда кўзда тутилган ахлоқ тузатиш меҳнат ишларига жалб этиш тарзидаги маъмурий жазони қўллагасинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ ҳолга келтириш хусусида Олий Кенгашга таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ ҳолга келтирсин;

республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга зид келадиган ўзларининг норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши Раиси  
вазифасини бажарувчи**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 22 сентябрь,  
2016–XII-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
Қ О Н У Н И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНING БИРИНЧИ ҚИСМИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми тасдиқлансин.
2. Фуқаролик кодексининг биринчи қисми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмини амалга киритиш билан бир вақтда амалга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 21 декабрь,  
163-I-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
Қ О Н У Н И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНING ИККИНЧИ ҚИСМИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 11-12-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 29 август,  
256-I-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ\*

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-кичик бўлим. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-боб. ФУҚАРОЛИК ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

###### 1-м о д д а. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари

Фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрklarига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар.

Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлади.

Хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, товарлар ва хизматлар ҳаракатда бўлишини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин.

###### 2-м о д д а. Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар

Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидалар чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади.

Шахсий номулкий муносабатлар ва мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатларнинг моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган белгиларга жавоб берадиган оилавий муносабатларга, меҳнат муносабатларига ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш муносабатларига нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари бу муносабатлар махсус қонунлар билан тартибга солинмайдиган ҳолларда қўлланилади.

Бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсуншига асосланган мулкий муносабатларга, шу жумладан, солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

###### 3-м о д д а. Фуқаролик қонун ҳужжатлари

Фуқаролик қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан, ушбу Кодекс 2-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунлар ҳамда қонун ҳужжатларидан иборат.

Бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт.

Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат органлари ушбу Кодексда, бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар чиқаришлари мумкин.

###### 4-м о д д а. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши

Фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Қонун у амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатларга қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.

Фуқаролик қонун ҳужжати амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонун ҳужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади.

Агар шартнома тузилганидан кейин тарафлар учун мажбурий бўлган, шартнома тузилаётган пайтдагидан бошқача қоидаларни белгилайдиган қонун қабул қилинган бўлса, тузилган шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолади, қонуннинг аввал тузилган шартномалардан келиб чиққан муносабатларга татбиқ этилиши кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

###### 5-м о д д а. Фуқаролик қонун ҳужжатларини ўхшашлик бўйича қўллаш

Ушбу Кодекс 2-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган муносабатлар

\* 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган.



қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган ҳолларда фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси қўлланилади (қонун ўхшашлиги).

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган нормаларни ўхшашлик бўйича қўлланишга йўл қўйилмайди.

### **6-м о д д а. Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар**

Тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳулқ-атвор қондаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади.

Тегишли муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига ёки шартномага зид бўлган иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилмайди.

### **7-м о д д а. Фуқаролик қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар ҳамда битимлар**

Агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

## **2-БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

### **8-м о д д а. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиш асослари**

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қуйидагилардан вужудга келади:

1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан;

2) қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;

3) суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қароридан;

4) қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида;

5) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;

6) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;

7) асоссиз бойиб кетиш натижасида;

8) фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида;

9) қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унга бўлган тегишли ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

### **9-м о д д а. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш**

Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса – иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданингни учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, суд шахсга қарашли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкин.

### **10-м о д д а. Фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш**

Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлик суди (бундан кейин суд) томонидан ҳимоя қилинади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда).*

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъ-

мурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

### **11-м о д д а. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари**

Фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини тугдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;
- шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
- зарарни тўлаш;
- неустойка ундириш;
- маънавий зиённи қоплаш;
- ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

### **12-м о д д а. Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш**

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда ҳимоя қилиниши керак.

### **13-м о д д а. Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиши**

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

### **14-м о д д а. Зарарни қоплаш**

Агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Зарар деганда, ҳуқуқ бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаражатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи

шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқ бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

### **15-м о д д а. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни тўлаш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларнинг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда).*

## **2-кичик бўлим. ШАХСЛАР**

### **3-боб. ФУҚАРОЛАР (ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР)**

#### **16-м о д д а. Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси**

Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари барча фуқароларга нисбатан қўлланилади.

#### **17-м о д д а. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати**

Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

#### **18-м о д д а. Фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни**

Фуқаролар:

мулк ҳуқуқни асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар ту-

зишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машгулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### **19-м о д д а. Фуқаронинг исми**

Агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро тахаллусдан (тўқилган исмдан) фойдаланиши мумкин.

Фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Фуқаро ўз исмини ўзгартирганлиги ҳақида қарздорлари ва кредиторларига хабар бериш учун зарур чораларни кўриши шарт ва у мазкур шахсларда фуқаронинг исми ўзгарганлиги ҳақида маълумот йўқлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади.

Исмини ўзгартирган фуқаро ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишга ҳақли.

Фуқаро туғилган вақтида олган исмини, шунингдек ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак.

Бошқа шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди.

### **20-м о д д а. Исмни ҳимоя қилиш**

Ўз исми билан яшаш ҳуқуқига эътироз билдириладиган ёки исмидан қонунсиз фойдаланиладиганлиги муносабати билан манфаатлари бузиладиган шахс манфаатларини бузувчидан бундай ҳаракатларга чек қўйиши ва раддия беришни талаб қилиши мумкин. Агар манфаатлар қасддан бузиладиган бўлса, жабрланган шахс қўшимча суратда зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Зарарни қоплаш учун манфаатни бузган шахснинг даромадини бериш талаб қилиниши мумкин. Манфаат қасддан бузилганида жабрланувчи маънавий зиённинг қопланишини ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Исм ёки шахсий шаън эгаси бўлмаган, лекин оилавий мавқеига кўра бундан манфаатдор бўлган шахс ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга чек қўйиш ёки раддия бериш ҳақидаги талабларни қўйиши мумкин. Бу шахс бошқа шахснинг ўлиmidан кейин ҳам унинг исмини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган талабларнинг бажарилишига ҳаракат қилиши мумкин. Исмни ва шаънни бузиш туфайли келтирилган зарарни қоплаш талаби ўлимдан кейин тан олинмайди.

### **21-м о д д а. Фуқаронинг яшаш жойи**

Фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

### **22-м о д д а. Фуқаронинг муомала лаёқати**

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

### **23-м о д д а. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга йўл қўйилмаслиги**

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас.

Фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгилаб қўйилган шартлари ва тартибига риоя қилмаслик давлат органининг тегишли чеклашни белгилайдиган ҳужжати ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатидан ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир, бундай битимларга қонун томонидан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

### **24-м о д д а. Фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти**

Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга ушбу Кодекснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

**25-м о д д а. Фуқаронинг мулкӣ жавобгарлиги**

Фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

**26-м с д д а. Якка тадбиркорнинг ночорлиги (банкрот бўлиши)**

Якка тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилши мумкин.

Якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русмларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русмлари тамом бўлганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Якка тадбиркор банкрот деб топилган тақдирда унинг, кредиторларнинг талаблари ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган тартибда қондирилади.

Суд томонидан якка тадбиркорни банкрот деб топишнинг ёки якка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилишнинг асослари ва тартиби қонун билан белгиланади.

**27-м о д д а. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати**

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

- 1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;
- 2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;
- 3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;
- 4) ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равишда мулкӣ жавобгар бўладилар. Бундай вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун ушбу Кодексга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик

ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин, бундай вояга етмаган шахс ушбу Кодекс 22-моддасининг иккинчи қисмига ёки 28-моддасига мувофиқ тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган ҳоллар бундан мустасно.

**28-м о д д а. Эмансипация**

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

**29-м о д д а. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати**

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

- 1) майда маиший битимлар;
- 2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;
- 3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийи, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкӣ жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

**30-м о д д а. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш**

Рухий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни уни васийи амалга оширади.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилшига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

### **31-м о д д а. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш**

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини огир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкй жавобгар бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.

### **32-м о д д а. Васийлик ва ҳомийлик**

Васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади.

### **33-м о д д а. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш**

Агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин.

Йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин бўлмаса, бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса – кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.

### **34-м о д д а. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш оқибатлари**

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни доимий суратда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади.

Ушбу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ боқиши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади ва унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича қарзлари тўланади.

Васийлик ва ҳомийлик органи йўқолган фуқаронинг қаердалиги тўғрисида маълумот олинган кундан бошлаб бир йил ўтгунга қадар ҳам унинг мол-мулкни муҳофаза қилувчи шахсни белгилаши мумкин.

Шахсни бедарак йўқолган деб топишнинг ушбу моддада назарда тутилмаган оқибатлари қонун билан белгиланади.

### **35-м о д д а. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорнинг бекор қилиниши**

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаро қайтиб келган ёки унинг турар жойи аниқланган тақдирда, суд уни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорни бекор қилади. Суднинг қарори асосида фуқаронинг мол-мулкни бошқариш бекор қилинади.

### **36-м о д д а. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш**

Агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, ба-шарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан камида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ўлган куни деб ҳисобланади. Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг ўлган куни деб топиши мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради.

### **37-м о д д а. Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг оқибатлари**

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган

тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин у ҳар қандай шахсдан бу шахсга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мулкни ўзига қайтариб беришни уч йил мобайнида суд орқали талаб қилишга ҳақли, ушбу Кодекснинг 229-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулки унинг ворислари томонидан учинчи шахсларга сотилган бўлиб, бу шахслар харид нарҳини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом тўламаган бўлсалар, бу ҳолда тўланмаган суммани талаб қилиш ҳуқуқи қайтиб келган фуқарога ўтади.

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни ҳақ тўлашни назарда тутадиган битимлар асосида олган шахслар мол-мулкни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг тириклигини била туриб сотиб олганликлари исботланса, улар фуқарога бу мол-мулкни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мулкни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, унинг қиймати тўланади.

Агар вафот этган деб эълон қилинган шахснинг мол-мулки мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган ва сотиб юборилган бўлса, фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин унга мол-мулкни сотишдан тушган пул қайтариб берилади.

### **38-м о д д а. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш**

Қуйидаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак:

- 1) туғилиш;
- 2) ўлим;
- 3) никоҳ тузилганлиги;

4) никоҳдан ажралиш. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органлари томонидан фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш дафтари (ҳужжатлар дафтари)га тегишли ёзувларни киритиш ҳамда шу ёзувлар асосида фуқароларга гувоҳномалар бериш йўли билан амалга оширилади.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсининг ўзгартирилиши каби воқеа ва фактлар ушбу модданиннг биринчи қисмида назарда тутилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларида уларга тегишли ўзгаришлар киритиш йўли билан ифодаланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини тузатиш ва ўзгартириш етарли асослар бўлса ҳамда манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаса, фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса ёки фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи ёзувни

тузатиш ёки ўзгартиришни рад этса, низо суд томонидан ҳал қилинади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини бекор қилиш ва тиклаш фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи томонидан, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса ёки фуқаролик ҳолати ҳужжатларидаги ёзувларда жиддий тафозатлар бўлса – суд қарори асосида амалга оширилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этувчи органлар, бу ҳужжатларни қайд этиш тартиби, фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини ўзгартириш, тиклаш ва бекор қилиш тартиби, ҳужжат дафтарлари ва гувоҳномаларнинг шакллари, шунингдек ҳужжатлар дафтарларини сақлаш тартиби ва муддатларини белгиловчи органлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **4-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАР**

### **1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **39-м о д д а. Юридик шахс тушунчаси**

Ўз мулкида, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

#### **40-м о д д а. Юридик шахсларнинг турлари**

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га ва бошқа бирлашмаларга қонунга мувофиқ бирлашишлари мумкин. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

Юридик шахс ушбу Кодекс, бошқа қонун ҳужжатлари шунингдек устав ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

#### **41-м о д д а. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати**

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади (ушбу Кодекс 44-моддасининг тўртинчи қисми) ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади (ушбу Кодекс 55-моддасининг ўнинчи қисми).

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назар тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **42-м о д д а. Юридик шахсларнинг вужудга келиши**

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

#### **43-м о д д а. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари**

Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса – тасдиқланади.

Ушбу Кодексга мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса – давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини ваз қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

#### **44-м о д д а. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 апрель ЎРҚ-91-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 154-модда)*

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагина қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

#### **45-м о д д а. Юридик шахснинг органлари**

Юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин.

Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари-га мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

#### **46-м о д д а. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери**

Юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак.

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига ана шундай номни ёхуд давлат рамзлари элементларини қўйишга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт.

Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирмага номига эга бўлиши лозим.

Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

#### **47-м о д д а. Ваколатхоналар ва филиаллар**

Ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадиган ҳамда у тасдиқланган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс то-

монидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

#### **48-м о д д а. Юридик шахснинг жавобгарлиги**

Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат корхонаси ва мулкдор томонидан моллиявий таъминланадиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ушбу Кодекс 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб берадилар.

Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкнинг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодексда ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Муассис (иштирокчи) ёки юридик шахс мол-мулкнинг мулкдори шу юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тақдирдагина мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга.

Юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) ёки мулкдор юридик шахснинг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишни олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) уларнинг томонидан вужудга келтирилган деб ҳисобланади. *(Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 357-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 56-модда)*

#### **49-м о д д а. Юридик шахсни қайта ташкил этиш**

Юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбо-риш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси



бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга қўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсини қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганда қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

#### **50-м о д д а. Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик**

Юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ ўтади.

Юридик шахс бўлган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

#### **51-м о д д а. Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси**

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳшлашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш учун тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишинча топшириш ҳужжатини ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўқлиги янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келади.

#### **52-м о д д а. Юридик шахс қайта ташкил этилганда кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари**

Юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредитори шу юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар.

#### **53-м о д д а. Юридик шахсни тугатиш**

Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

Юридик шахс қўидаги ҳолларда тугатилиши мумкин: унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан қўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида (савдо ва савдовоситачилик корхонаси эса – уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолияти амалга оширилмаган, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари бундан мустасно, ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ. *(Иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик

шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин.

#### **54-м о д д а. Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган шахснинг бурчлари**

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар беришлари керак, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахс тугатиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўяди.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тугатувчини – тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлайдилар ҳамда ушбу Кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайдилар. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

Тугатувчи тайинланган пайдан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш бўйича ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 декабрь ЎРҚ–127-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 506-модда).*

#### **55-м о д д а. Юридик шахсни тугатиш тартиби**

Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида юридик шахснинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек кредиторларни юридик шахс тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. *(Биринчи–учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 декабрь ЎРҚ–127-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 506-модда).*

Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан тасдиқланади. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, оралиқ тугатиш баланси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил*

*4 апрель ЎРҚ–28-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 14-сон, 110-модда)*

Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи юридик шахснинг мол-мулкни ким ошди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади.

Тугатилаётган юридик шахс кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатувчи томонидан ушбу Кодекснинг 56-моддасида белгилаб қўйилган навбат тартибидан, оралиқ тугатиш баланси мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади. *(Бешинчи ва олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 декабрь ЎРҚ–127-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50–51-сон, 506-модда).*

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугагандан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, уни юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тасдиқлайди. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатиш баланси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрель ЎРҚ–28-сон ва 2007 йил 14 декабрь ЎРҚ–127-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 14-сон, 110-модда; 2007 йил, 50–51-сон, 506-модда)*

Тугатилаётган давлат корхонасининг мол-мулки, тугатилаётган муассасанинг эса – пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисмини ушбу корхона ёки муассаса мулкдори ҳисобидан қондириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки унинг шу мол-мулқа ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига (иштирокчиларига), агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш, шунингдек уларни муассислари йўқлигида тугатиш таомили ва хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилгандан сўнг, юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

#### **56-м о д д а. Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш**

Юридик шахс тугатилаётганида биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлари-

дан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблари, шунингдек ҳаётига ёки соғлигига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

Бошқа кредиторларнинг талаблари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда қаноатлантирилади.

### **57-м о д д а. Юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги)**

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин.

Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахс банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этади.

Суднинг юридик шахсни банкрот деб ҳисоблаши асослари, шунингдек бундай юридик шахсни тугатиш тартиби қонунда белгиланади. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

## **2-§. ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ**

### **58-м о д д а. Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўғрисидаги асосий қоидалар**

Улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, командит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлар жамияти шаклида тузилиши мумкин.

Якка тадбиркорлар ва (ёки) тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари ҳамда командит ширкатларда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахслар хўжалик жамиятларида иштирокчилар ва командит ширкатларда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ҳамда командит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишга ҳақли эмаслар.

Мулқдорлар томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассасалар, қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, мулқдорнинг розилиги билан хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ва командит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Қонун айрим тоифадаги фуқароларнинг хўжалик ширкатларида ва жамиятларида иштирок этишини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиши мумкин, очиқ акциядорлар жамиятлари бундан мустасно.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқа хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишлари мумкин, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қозғалар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкин.

Хўжалик жамияти иштирокчисининг қўшган ҳиссасини пул билан баҳолаш жамиятнинг муассислари (иштирокчилари) ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса – баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши керак. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрь ЎРҚ-257-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда)*

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (акциядорлар жамиятидан ташқари) акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

### **59-м о д д а. Хўжалик ширкати ёки жамияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари**

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

ширкатнинг ёки жамиятнинг ишларини бошқаришда қатнашиш, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ширкатнинг ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлашда қатнашиш;

ширкат ёки жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида, ширкат ёки жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг иштирокчилари: таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари; ширкат ёки жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Хўжалик ширкати ёки жамияти иштирокчиларининг ширкат ёки жамият таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа бурчлари ҳам бўлиши мумкин.

### **60-м о д д а. Тўлиқ ширкат**

Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари

бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг фирма номи унинг барча иштирокчиларининг номлари (номланиши)ни, шунингдек «тўлиқ ширкат» деган сўзларни, ёхуд бир ёки бир неча иштирокчининг «ва компания» деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек «тўлиқ ширкат» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

### **61-м о д д а. Коммандит ширкат**

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боглиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Коммандит ширкатда қатнашаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ушбу Кодекснинг қоидалари билан белгиланади.

Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

Коммандит ширкатнинг фирма номи барча тўлиқ шерикларнинг номлари (номланиши)ни, шунингдек «коммандит ширкат» деган сўзларни ёки камида битта тўлиқ шерикнинг «ва компания» деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек «коммандит ширкат» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига ҳисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай ҳисса қўшувчи тўлиқ шерикка айланади.

Коммандит ширкатга тўлиқ ширкат ҳақидаги қоидалар қўлланилади, агар бу ҳол ушбу Кодекснинг қоидаларига зид бўлмаса.

### **62-м о д д а. Масъулияти чекланган жамият**

Масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боглиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек «масъулияти чекланган» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий мавқеи, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **63-м о д д а. Қўшимча масъулиятли жамият**

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматида нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қаррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек «қўшимча масъулиятли» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Ушбу Кодекснинг масъулияти чекланган жамият ҳақидаги қоидалари, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўшимча масъулиятли жамиятга нисбатан қўлланилади.

### **64-м о д д а. Акциядорлар жамияти**

Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлар жамияти ҳисобланади; акциядорлар жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб берадиган ва жамият фаолияти билан боглиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар акциядорлар жамиятининг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлар жамиятининг фирма номида жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Акциядорлар жамиятининг ҳуқуқий мавқеи ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **65-м о д д а. Очиқ акциядорлар жамияти**

Иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган акциядорлар жамияти очиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади. Бундай акциядорлар жамияти ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган шартлар асосида очиқ обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли.

Очиқ акциядорлар жамияти ҳар йили йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағини барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

### **66-м о д д а. Ёпиқ акциядорлар жамияти**

Акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар дои-

расида тақсимланадиган акциядорлар жамияти ёпиқ акциядорлар жамияти ҳисобланади. Бундай жамият ўзи чиқарадиган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган доирадаги шахсларга бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас.

Ёпиқ акциядорлар жамияти иштирокчиларининг сони қонун билан белгилаб қўйилган миқдордан ошмаслиги керак. Бу сон белгиланган миқдордан ошиб кетган ҳолда у бир йил ичида очиқ акциядорлар жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тамом бўлганидан кейин эса, агар акциядорлар сони белгиланган даражага камаймаса, суд тартибда тугатилиши лозим.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёпиқ акциядорлар жамияти ушбу Кодекс 65-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

### **67-м о д д а. Шўъба хўжалик жамияти**

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши тўғрисида улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди.

Асосий жамият (ширкат) айби билан шўъба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Шўъба хўжалик жамияти иштирокчилари (акциядорлари) асосий жамиятдан (ширкатдан) унинг айби билан шўъба жамиятга етказилган зарарни тўлашни, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

### **68-м о д д а. Қарам хўжалик жамияти**

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади.

Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондида ўзаро қатнашишининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади.

### **69-м о д д а. Ишлаб чиқариш кооперативлари**

Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашма-

си ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставига назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Кооперативнинг фирма номи кооперативнинг номи, шунингдек «ишлаб чиқариш кооперативи» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи ва улар аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда бурчлари ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **70-м о д д а. Унитар корхона**

Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг уставига ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари корхона устав фондининг миқдори тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юретиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкнинг эгаси кўрсатилган бўлиши керак.

Унитар корхона бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради.

Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Унитар корхона ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Унитар корхоналарнинг ҳуқуқий мавқеи ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

Унитар корхона мол-мулкнинг эгаси корхона мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодекс 48-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бу қоида шўъба корхона таъсис этган унитар корхонанинг шўъба корхона мажбуриятлари бўйича жавобгарлигига нисбатан ҳам қўлланилади.

### **71-м о д д а. Хўжалик юретиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона**

Хўжалик юретиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Хўжалик юретиш ҳуқуқига асосланган корхонанинг таъсис ҳужжати унинг белгиланган тартибда тасдиқланган уставидан иборатдир.

Хўжалик юретиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкнинг бир қисмини хўжалик юретиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юри-

дик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шўъба корхона) ташкил этиши мумкин.

Муассис шўъба корхонанинг уставини тасдиқлайди ва унинг раҳбарини тайинлайди.

### **72-м о д д а. Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси**

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизида оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин.

Давлат корхонасининг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат корхонасининг фирма номи унинг давлат корхонаси эканлигини кўрсатиши керак.

Давлат корхонасининг ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 178 ва 179-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

## **3-§. ТИЖОРАТЧИ БЎЛМАГАН ТАШКИЛОТЛАР**

### **73-м о д д а. Матлубот кооперативи**

Иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Матлубот кооперативининг уставига ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг миқдори тўғрисидаги; кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларни қўшиш тартиби ҳамда уларнинг бадални қўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги; кооперативни бошқариш органларининг таркиби ҳамда ваколатлари ва улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки овозларнинг малакали кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги; кооператив кўрган зарарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги.

Матлубот кооперативининг номида унинг фаолиятининг асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек «кооперативи» сўзи ёки «матлубот уюшмаси» ёхуд «матлубот жамияти» деган сўзлар бўлиши керак.

Матлубот кооперативининг аъзолари кўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганидан кейин уч ой мобайнида қўшимча бадаллар тўлаш йўли билан қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабларига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадалнинг тўланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўладилар. Бу ҳолда кооператив аъзолари солидар жавоб берадилар.

Матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан ушбу Кодекснинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Матлубот кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи, шунингдек улар аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ белгиланади.

### **74-м о д д а. Жамоат бирлашмалари**

Маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашмалар эса – ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **75-м о д д а. Жамоат фондлари**

Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижора ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятнома ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятнома ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставига белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади. Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан ўз уставига белгиланган мақсадларга тўғри келадиган доирада шуғулланиши мумкин. Фонднинг тижорат ташкилотлари устав фондидаги (устав капиталидаги) иштироки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамоат фонди ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт.

Жамоат фондини бошқариш тартиби ва унинг органларини шакллантириш тартиби унинг уставига белгиланади.

Жамоат фондининг уставиди ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилганидан ташқари қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: фонд органларининг тузилиши, ваколатлари ва шакллантирилиш тартиби; фонд органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш (сайлаш) ва лавозимидан озод қилиш тартиби; фондининг мол-мулкни шакллантириш манбалари; фондининг, унинг ваколатхоналари ҳамда филиалларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; фонд ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш тартиби; фондини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби; фонд тугатилган тақдирда унинг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби; фонд уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Жамоат фондининг уставиди фондининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгисининг тавсифи, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоат фондлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель 621-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 5-сон, 90-модда)*

#### **76-м о д д а. Муассасалар**

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

Муассасаниннг ўзига бириктириб қўйилган ва ўзи сотиб олган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ушбу Кодекснинг 178 ва 180-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидияр жавобгар бўлади.

Айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **77-м о д д а. Юридик шахслар бирлашмалари**

Тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин. Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда ҳўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланади.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари уларнинг мажбуриятлари бўйича уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидияр жавобгар бўладилар.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг номи уларнинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга «уюшмаси», «иттифоқи» сўзлари ёки бирлашма турини кўрсатадиган бошқа сўз киритилган бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари белгиланиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

#### **78-м о д д а. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулкидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мавқеи қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **5-БОБ. ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ИШТИРОКЧИСИ СИФАТИДА**

#### **79-м о д д а. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши**

Давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баравар асосларда иштирок этади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар.

Давлат ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради.

#### **80-м о д д а. Давлат ва юридик шахслар жавобгарлигининг фарқлаб қўйилиши**

Давлат томонидан тузилган юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат ўзи тузган юридик шахсининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ушбу модданиннг қоидалари давлат тузган шартнома асосида юридик шахсининг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ёки мазкур юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ҳолларга тааллуқли эмас.

### 3-кичик бўлим. ОБЪЕКТЛАР

#### 6-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

##### 81-м о д д а. Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари

Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради.

##### 82-м о д д а. Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг муомалада бўлиши

Фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак.

Муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг (муомалада бўлиши чекланган объектларнинг) турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгиланади.

#### 7-боб. МОДДИЙ НЕЪМАТЛАР

##### 83-м о д д а. Мол-мулкнинг турлари

Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрель ўРҚ-83-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 132-модда)*

Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга кириши ва улар бекор бўлишининг хусусиятлари қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

##### 84-м о д д а. Кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахс-

ларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ ёки битим тўғрисида ҳужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар ҳақидаги ахборотни ҳар қандай шахсга бериши шарт.

Ахборот, рўйхатдан ўтказиш қаерда амалга оширилганидан қатъи назар, кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказувчи ҳар қандай орган томонидан берилади.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ёки у ҳақда тузилган битимни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

##### 85-м о д д а. Корхона

Бутун корхона мулкӣ комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади.

Бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Мулкӣ комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради.

##### 86-м о д д а. Ашёларнинг таснифи

Ашёлар фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари сифатида қуйидагиларга бўлинади:

хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар;

бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар; истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар;

асосий ва мансуб ашёлар;

мураккаб ашёлар.

##### 87-м о д д а. Хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиладиган ашёлар

Алоҳида, фақат ўзигагина хос, уни бир хил ашёлар орасидан ажратиб турадиган ва шу тариқа хусусий аломатларга эга бўлган ашё хусусий аломатлари билан белгиланган ашё ҳисобланади. Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар жумласига ноёб, яъни ўзи бир



дона бўлган ашёлар, шунингдек муайян усул билан ажратиб қўйилган ашёлар (муҳр босиш, алоҳида белгилар тушириш, номер, рақам бериш ва шу кабилар) киради.

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир.

Бир турдаги ҳамма ашёларга хос аломатларга эга бўлган ҳамда сони, огирлиги, ўлчови ва шу кабилар билан белгиланадиган ашёлар турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ҳисобланади.

Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштирса бўладиган ашёлардир.

### **88-м о д д а. Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар**

Бўлиш натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хос-саларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё бўлинадиган ашё ҳисобланади.

Бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашёнинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади.

### **89-м о д д а. Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар**

Бир карра фойдаланиш натижасида йўқолиб кетадиган ёки дастлабки ҳолатида мавжуд бўлмай қоладиган ашёлар (хом ашё, ёқилги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу кабилар) истеъмол қилинадиган ашёлар ҳисобланади.

Қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёлар (бинолар, ускуналар, транспорт воситалари) истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳисобланади.

### **90-м о д д а. Асосий ва мансуб ашёлар**

Фойдаланиш туфайли вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти билан бошқа ашё (мансуб ашё)га боглиқ мустақил ашё асосий ашё ҳисобланади.

Асосий ашёга хизмат қилиши керак бўлган ва у билан умумий хўжалик вазифаси орқали боглиқ ашё мансуб ашё ҳисобланади.

Мансуб ашё, агар қонунлар ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий ашёнинг тақдирига боглиқ бўлади.

### **91-м о д д а. Мураккаб ашёлар**

Агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади.

Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, унинг барча таркибий қисмларига тааллуқли бўлади.

### **92-м о д д а. Ҳосил ва даромадларга бўлган ҳуқуқ**

Ашёдан келадиган ҳосил ва даромадлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ашё эгасига тегишлидир.

### **93-м о д д а. Ҳайвонлар**

Қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мол-мулк тўғрисидаги умумий қоидалар ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида ҳайвонлар билан шафқатсиз муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди.

### **94-м о д д а. Пул (валюта)**

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир. Сўм ёзиб қўйилган қиймати бўйича қабул қилиниши шарт бўлган қонуний тўлов воситасидир.

Тўловлар нақд пул билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга ошириш ҳоллари, тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **95-м о д д а. Валюта қимматликлари**

Валюта қимматликлари деб ҳисобланадиган мол-мулк турлари ва улар хусусида битимлар тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.

Валюта қимматликларига мулк ҳуқуқи умумий асосларда ҳимоя қилинади.

### **96-м о д д а. Қимматли қоғозлар**

Мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизи́тларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади.

Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

Қимматли қоғозлар жумласига қуйидагилар киради: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ЎРҚ-223-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда).

## **8-БОБ. НОМОДДИЙ НЕЪМАТЛАР**

### **97-м о д д а. Интеллектуал фаолият натижалари**

Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади.

Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг руҳсати билангина фойдаланишлари мумкин. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)

**98-м о д д а. Хизмат ва тижорат сири**

Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади.

**99-м о д д а. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар**

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда тугилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин.

**100-м о д д а. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш**

Фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади.

Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айна шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим.

Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки қақриб олиниши керак.

Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда у айна ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Башарти, суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қароридан назарда тутилган ҳаракатларни бажариш вазифасидан озод этмайди.

Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Ушбу моддадаги фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади.

**4-кичик бўлим. БИТИМЛАР ВА ВАКИЛЛИК****9-боб. БИТИМЛАР****1-§. БИТИМЛАР ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА ШАКЛИ****101-м о д д а. Битимлар тушунчаси**

Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

**102-м о д д а. Битим турлари**

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин.

Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади.

Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

**103-м о д д а. Бир тарафлама битимларни ҳуқуқий тартибга солиш**

Бир тарафлама битим уни тузган шахс учун бурчлар келтириб чиқаради. У бошқа шахслар учун қонунларда ёки бу шахслар билан келишувда белгиланган ҳоллардагина бурчлар келтириб чиқариши мумкин.

Бир тарафлама битимларга нисбатан, башарти қонун ҳужжатларига, битимнинг табиати ва моҳиятига зид бўлмаса, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу Кодекснинг III бўлими) тегишинча қўлланилади.

**104-м о д д а. Шартли битимлар**

Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, битим кечиктириш шarti билан тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шarti билан тузилган битим ҳисобланади.

Агар шартнинг юз беришига унинг юз беришидан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилиқ кўрсатган бўлса, бу шарт юз берган деб ҳисобланади.

Агар шартнинг юз беришига ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тараф инсофсизлик билан ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади.

**105-м о д д а. Битимларнинг шакли**

Битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

Сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади.

#### **106-м о д д а. Битимнинг огзаки шакли**

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим огзаки тузилиши мумкин. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

Жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, огзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ огзаки тузилиши мумкин.

#### **107-м о д д а. Битимнинг ёзма шакли**

Ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак.

Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Икки тарафлама битимлар ҳар бирини бераётган тараф имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш йўли билан тузилиши мумкин.

Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телеайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодаладиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли битимни шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан гувоҳлантирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаблари кўрсатилиши шарт.

Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижрони тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Огзаки тадбиркорлик битимини бажарган тараф ҳам ана шундай ҳуқуққа эга, тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битимлар бундан мустасно.

#### **108-м о д д а. Битимнинг оддий ёзма шакли**

Нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади:

1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари;

2) фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса – битим суммасидан қатъи назар бошқа битимлар.

Ушбу Кодекснинг 106-моддасига мувофиқ огзаки тузилиши мумкин бўлган битимлар учун оддий ёзма шаклга риоя этиш талаб қилинмайди.

#### **109-м о д д а. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик оқибатлари**

Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

#### **110-м о д д а. Битимларни нотариал тасдиқлаш**

Битимни нотариал тасдиқлаш ушбу Кодекснинг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

#### **111-м о д д а. Битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулк хусусида тузилган битимларни рўйхатдан ўтказиш ва тегишли реестрларни юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида муайян турдаги кўчар мол-мулк хусусида тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилиши мумкин.

#### **112-м о д д а. Битимнинг нотариал шаклига ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмасликнинг оқибатлари**

Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса,

иккинчи тараф эса – битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортаётган тараф битимни тузиш кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

## 2-§. БИТИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ

### 113-м о д д а. Низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар

Битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни ушбу Кодексда кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

### 114-м о д д а. Битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги умумий қоидалар

Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

### 115-м о д д а. Битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик

Битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

### 116-м о д д а. Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тарти-

бот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекс 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

### 117-м о д д а. Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустасно.

Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсани иккинчи тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса – унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, иккинчи тарафга у кўрган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

### 118-м о д д а. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан ушбу Кодекснинг 27-моддасига мувофиқ унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг розилиги талаб қилинадиган ҳолларда уларнинг розилигисиз тузилган битим ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Агар бундай битим ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бу модданинг қоидалари ушбу Кодекс 22-моддасининг иккинчи қисми ва 28-моддасида назарда тутилган ҳолларда тўла муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаганларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### 119-м о д д а. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Рухий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

### 120-м о д д а. Муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳванд воситаларни суиистеъмол қилиш оқибатида муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан ҳомийсининг розилигисиз тузилган битимни суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Агар бундай битим ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бу модданинг қоидалари ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тузилган вақтнинг

ўзидаёқ бажариладиган майда маиший битимларга тааллуқли бўлмайди.

**121-м о д д а. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги**

Гарчи муомалага лаёқатли бўлсада, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим шу фуқаронинг ёки ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бундай битимни тузиш натижасида бузилган бошқа шахсларнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кейинчалик муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимни, агар битимни тузиш пайтида фуқаро ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги исботланган бўлса, унинг васийси қилган даъвога мувофиқ суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Агар битим ушбу модда асосида ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, ушбу Кодекс 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бундан ташқари, битим тузиш пайтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни бошқара олмаган тарафга иккинчи тараф, агар у ўзи билан битим тузган фуқаронинг бундай ҳолатда эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, қилинган харажатларни, йўқотилган мол-мулкнинг ёки унга етказилган шикастнинг ҳақини тўлаши керак.

**122-м о д д а. Янглишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги**

Жиддий аҳамиятга эга бўлган янглишиш таъсирида тузилган битим янглишиш таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Битимнинг табиати, унинг нарсасининг ўз вазифаси бўйича фойдаланиш имкониятини анча пасайтирадиган ўхшашлиги ёки сифати ҳақида янглишиш жиддий аҳамиятга эгадир. Битимнинг сабаблари хусусида янглишиш жиддий аҳамиятга эга эмас.

Агар битим янглишиш таъсирида тузилганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Бундан ташқари, ўз даъвосига кўра битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф янглишиш иккинчи тарафнинг айби билан юз берганлигини исботлай олса, иккинчи тарафдан ўзига етказилган ҳақиқий зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар бу ҳол исботланмаса, ўз даъвосига кўра битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф иккинчи тарафнинг талаби билан, башарти ҳатто янглишиш янглишган тарафга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юз берган бўлса ҳам етказилган ҳақиқий зарарни унга тўлаши шарт.

**123-м о д д а. Алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги**

Алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар битим юқорида кўрсатилган асослардан бирига кўра ҳақиқий эмас деб топилса, иккинчи тараф жабрланувчига унинг битим бўйича бажарган ҳамма нарсасини қайтариб бериши керак, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса – унинг қийматини пул билан тўлаши керак. Жабрланувчи битим бўйича иккинчи тарафдан олган мол-мулк, шунингдек иккинчи тарафга топширилган нарса эвазига ўзига тегишли бўлган мол-мулк давлат даромдига ўтказилади. Мол-мулкни асл ҳолида давлат даромдига ўтказиш мумкин бўлмаса, унинг қиймати пул билан ундириб олинади. Бундан ташқари, жабрланувчига иккинчи тараф унинг қилган харажатларини, унинг мол-мулки йўқотилиши ёки бузилиши натижасида етказилган зарарни тўлайди.

**124-м о д д а. Қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги**

Юридик оқибатлар тугдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади.

**125-м о д д а. Юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимнинг ҳақиқий эмаслиги**

Юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**126-м о д д а. Битим тузиш ваколатларини чеклаш оқибатлари**

Агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнқи битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, би-

тимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

### **127-м о д д а. Битимнинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланиш пайти**

Ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий эмас ҳисобланади. Битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги англашилса, ҳақиқий эмас деб топилган битим келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтади.

### **128-м о д д а. Битимнинг бир қисми ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари**

Битимнинг бир қисми ҳақиқий саналмаслиги битимга ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди.

## **10-БОБ. ВАКИЛЛИК ВА ИШОНЧНОМА**

### **129-м о д д а. Вакиллик**

Ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Ўз характериға кўра фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган битимни, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айна бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас, тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно.

### **130-м о д д а. Муомалага лаёқатли шахслар номидан вакиллик қилиш**

Муомалага лаёқатли шахслар ўзлари танлаган вакиллар орқали битимлар тузишлари мумкин, битим ўз характериға кўра фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

### **131-м о д д а. Муомалага лаёқатсиз шахслар номидан вакиллик қилиш**

Муомалага лаёқатсиз фуқаролар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва васийлари тузадилар.

### **132-м о д д а. Ваколатсиз вакиллик**

Вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради

ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади.

Битим тузишга ваколат берган шахс томонидан битимнинг кейинчалик маъқулланиши уни тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий битимга айлантиради.

### **133-м о д д а. Тижорат вакиллиги**

Тадбиркорлар шартномалар тузаётганида улар номидан доимо ва мустақил суратда вакиллик қилувчи шахс (тижорат вакили) вакилнинг ваколатлари кўрсатилган ёзма шартнома асосида, бундай ваколатлар кўрсатилмаган тақдирда эса – ишончнома асосида ҳам иш олиб боради.

Тижорат вакили ўзининг иштирокида тузилган шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини фақат бу тарафларнинг розилиги билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллардагина айна бир вақтда ифодалаши мумкин.

Агар тарафлар билан тузилган битимда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тижорат вакили шартлашилган ҳақни ва топшириқни бажариш вақтида қилган чиқимларини тенг улушларда тўлашни шартномадаги тарафлардан талаб қилишга ҳақли.

Тижорат вакили ўзига берилган топшириқни бажариб бўлганидан кейин ҳам савдо битимлари тўғрисида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши шарт.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим соҳаларидаги тижорат вакиллигининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **134-м о д д а. Ишончнома**

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

### **135-м о д д а. Ишончноманинг шакли**

Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

### **136-м о д д а. Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар**

Қуйидагилар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизмат-

чиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса – ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ–56-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 385-модда)*

#### **137-м о д д а. Ишончноманинг бошқа шакллари**

Хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 декабрь ЎРҚ–311-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 51-сон, 542-модда)*

#### **138-м о д д а. Юридик шахснинг ишончномаси**

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтерлари томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

#### **139-м о д д а. Ишончноманинг муддати**

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган кун кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

#### **140-м о д д а. Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш (бошқа шахсга ўтказиш)**

Ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ваколатларини бошқага берган шахс ишончнома берган шахсга буни маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатларини бошқага берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун худди ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

#### **141-м о д д а. Ишончноманинг бекор бўлиши**

Ишончноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) ишончнома муддатининг тамом бўлиши;
- 2) ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши;
- 3) ишончнома берилган шахснинг бош тортиши;
- 4) номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- 5) номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- 6) ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши;
- 7) ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса – ундан воз кечиши мумкин. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги битим ҳақиқий эмас.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади.

#### **142-м о д д а. Ишончноманинг бекор бўлганлиги ҳақида шахсларга хабар бериш**

Ишончнома берган шахс унинг бекор бўлганлиги ҳақида ишончнома олган шахсни, шунингдек ишончнома қаратилган ўзига маълум учинчи шахсларни ҳам хабардор қилиши шарт. Ишончнома ушбу Кодекс 141-моддаси биринчи қисмининг 4–7-бандларида на-

зарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган ҳолларда ишончнома берган шахснинг ҳуқуқий ворислари зим-масига ҳам шундай вазифа юклатилади.

**143-м о д д а. Ишончнома олган шахснинг ишончнома бекор бўлганидан кейин қилган ҳаракатлари**

Ишончнома олган шахснинг ишончнома бекор бўлганлигини билгунча ёки билиши лозим бўлгунча қилган ҳаракатлари ишончнома берган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари учун учинчи шахсларга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади.

Ишончнома олган шахснинг ишончнома бекор бўлганлигини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин қилган ҳаракатлари ишончнома берган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Агар учинчи шахс ишончноманинг амал қилиши бекор бўлганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

**144-м о д д а. Ишончномани қайтариш мажбурияти**

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлганидан кейин ишончнома олган шахс ёки унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) дарҳол ишончномани қайтариб беришлари шарт.

**5-кичик бўлим. МУДДАТЛАР. ДАЪВО МУДДАТИ**

**11-боб. МУДДАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ**

**145-м о д д а. Муддат белгилаш**

Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган, шунингдек суд томонидан тайинланадиган муддат календар сана билан ёхуд йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади.

Муддат муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин.

**146-м о д д а. Вақт даври билан белгиланган муддатнинг бошланиши**

Вақт даври билан белгиланган муддат календар санадан кейинги ёки унинг бошланиш куни деб белгиланган воқеа юз берганидан кейинги кундан ўта бошлайди.

**147-м о д д а. Вақт даври билан белгиланган муддатнинг тамом бўлиши**

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охири йилидаги тегишли ой ва кунда тамом бўлади.

Ярим йил деб белгиланган муддатга нисбатан ойлар билан ҳисобланадиган муддатлар учун белгиланган қоидалар қўлланилади.

Йил чораклари билан ҳисобланадиган муддатга нисбатан ойлар билан ҳисобланадиган муддатлар учун белгиланган қоидалар қўлланилади. Бунда йил чораги уч ойга тенг деб ҳисобланади, йил чоракларининг ҳисоби эса – йил бошидан юритилади.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат шу муддатнинг охири ойидаги тегишли кунда тугайди.

Ярим ой деб белгиланган муддатга кунлар билан ҳисобланадиган муддат деб қаралади ва у ўн беш кунга тенг бўлади.

Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тамом бўлиши тегишли рақам бўлмаган ойга тўғри келса, у ҳолда муддат шу ойнинг охириги кунда тугайди.

Ҳафталар билан ўлчанадиган муддат шу муддатнинг охириги ҳафтасидаги тегишли кунда тугайди.

**148-м о д д а. Муддатнинг охириги кунда ҳаракатни амалга ошириш тартиби**

Агар муддат бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш учун тайинланган бўлса, бу ҳаракат муддатнинг охириги кундаги соат йигирма тўртга қадар бажарилиши мумкин.

Агар, бу ҳаракат ташкилотда амалга оширилиши керак бўлса, у ҳолда муддат белгиланган қоидаларга мувофиқ ушбу ташкилотда тегишли операциялар тўхта-тиладиган соатда тамом бўлади.

Муддатнинг охириги кунда соат йигирма тўртга қадар алоқа ташкилотига топширилган ёки бошқа алоқа воситалари билан юборилган барча ёзма баёнотлар ва хабарлар, пул ўтказмалари муддатида қилинган ҳисобланади.

**12-боб. ДАЪВО МУДДАТИ**

**149-м о д д а. Даъво муддати тушунчаси**

Даъво муддати – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

**150-м о д д а. Умумий даъво муддати**

Умумий даъво муддати – уч йил.

**151-м о д д а. Махсус даъво муддатлари**

Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс 152–162-моддаларининг қоидалари махсус даъво муддатларига ҳам жорий қилинади.

**152-м о д д а. Даъво муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги битимнинг ҳақиқий саналмаслиги**

Даъво муддатлари ва уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Даъво муддатлари ўтишини тўхтатиш ва унинг узилиш асослари ушбу Кодекс билан белгиланади.

**153-м о д д а. Даъво муддатини қўллаш**

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунча берган аризасига мувофиқ қўлланади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.



**154-м о д д а. Даъво муддатининг ўта бошлаши**

Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Бу қоидадан истиснолар ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

Муайян ижро муддатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича даъво муддати ижро муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Ижро этиш муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш пайти ижро этиш муддати билан белгиланган мажбуриятлар бўйича даъво муддати кредиторда мажбуриятни бажариш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан ўта бошлайди, борди-ю, қарздорга бундай талабни бажариш учун имтиёзли муддат берилса, даъво муддати имтиёзли муддат тамом бўлганидан кейин ҳисоблана бошлайди.

Регресс мажбуриятлар бўйича даъво муддати асосий мажбурият бажарилган пайтдан ўта бошлайди.

**155-м о д д а. Мажбуриятдаги шахслар алмашинида даъво муддати**

Мажбуриятдаги шахсларнинг алмашилиши даъво муддати ва уни ҳисоблаш тартибининг ўзгаришига олиб келмайди.

**156-м о д д а. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши**

Даъво муддатининг ўтиши қуйидаги ҳолларда тўхта-тилади:

1) агар даъво қўзғатилиши учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулдда ҳодиса (енгиб бўлмас куч) тўсқинлик қилган бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мажбуриятларни бажаришни кечиктирганлиги (мораторий) туфайли;

3) агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса;

4) агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса;

5) тегишли муносабатни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг амал қилиши тўхтатилган бўлса.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар даъво муддатининг охириги олти ойида, бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Муддатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

**157-м о д д а. Даъво муддати ўтишининг узилиши**

Даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади.

Узилишдан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади, узилишгача ўтган вақт эса – янги муддатга қўшилмайди.

**158-м о д д а. Даъво кўрилмасдан қолдирилган тақдирда даъво муддатининг ўтиши**

Агар даъво суд томонидан кўрилмасдан қолдирилган бўлса, даъво қўзғатилгунга қадар ўта бошлаган даъво муддати умумий тартибда давом этади.

Агар жиноят иши бўйича қўзғатилган даъво суд томонидан кўрилмасдан қолдирилган бўлса, даъво қўзғатилгунга қадар ўта бошлаган даъво муддати даврони кўрмасдан қолдирган ҳукм қонуний кучга киргунича тўхтатиб турилади, даъво муддати тўхтатиб турилган вақт даъво муддатига қўшилмайди. Бунда муддатнинг қолган қисми олти ойдан кам бўлса, у олти ойгача узайтирилади.

**159-м о д д а. Даъво муддатини тиклаш**

Башарти, суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак. Даъво муддатини ўтказиб юбориш сабаблари даъво муддатининг охириги олти ойида, бу муддат олти ойга тенг ёки олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида юз берган бўлса, улар узрли деб ҳисобланиши мумкин.

**160-м о д д а. Махсус даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тикланиши**

Даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тикланиши ҳақидаги қоидалар (ушбу Кодекснинг 156, 157 ва 159-моддалари), агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, махсус даъво муддатига нисбатан ҳам қўлланади.

**161-м о д д а. Даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш**

Даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятини бажарган шахс ижро этиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлигини билган ёки билиши лозим бўлганлигидан қатъи назар, бажарган нарсасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

**162-м о д д а. Қўшимча талабларга нисбатан даъво муддатини қўллаш**

Асосий талаб бўйича даъво муддати ўтиши билан қўшимча талаблар (неустойка, гаров, кафолат ва шу кабилар) бўйича даъво муддати ҳам ўтган ҳисобланади.

**163-м о д д а. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар**

Даъво муддати қуйидагиларга жорий қилинмайди: шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар буздан мустасно; омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига; фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

жиноят тўфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларга;

мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга;

қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга.

## II бўлим. МУЛК ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР

### 13-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 164-м о д д а. Мулк ҳуқуқи тушунчаси

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

#### 165-м о д д а. Мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларининг мазмуни

Мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади:

хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи;

мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;

ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи;

сервитутлар.

Мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, агар қонун ҳужжатларида ўзга тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулкка нисбатан ўзга ашёвий ҳуқуқларнинг бекор бўлиши учун асос бўлмайди.

Мулкдор бўлмаган шахснинг ашёвий ҳуқуқларининг бузилиши ушбу Кодекснинг 232-моддасида назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

#### 166-м о д д а. Мулкнинг дахлсизлиги

Мулк дахлсиздир ва қонун билан кўриқланади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир.

Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

#### 167-м о д д а. Мулк шакллари

Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади.

#### 168-м о д д а. Мулк ҳуқуқининг субъектлари

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин.

Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулк бўлишига қараб мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

#### 169-м о д д а. Мулк ҳуқуқининг объектлари

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин.

#### 170-м о д д а. Ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи ва ўзга ашёвий ҳуқуқлар

Ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи ва ўзга ашёвий ҳуқуқлар ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

#### 171-м о д д а. Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни амалга ошириш хусусиятлари

Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш хусусиятлари ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

#### 172-м о д д а. Мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари

Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкдан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

#### 173-м о д д а. Ўзганин ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи

Кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси кўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса – бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганин ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзганин ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур

линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса ёки унинг шартларида мурасага келинмаса, баҳс сервитут белгилашни талаб қилаётган шахснинг даввоси бўйича суд томонидан ҳал этилади.

Участка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилган ёки доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган шахснинг манфаатлари ва талаби бўйича ҳам ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган шартларда ва тартибда сервитут белгиланиши мумкин.

Сервитут белгиланган участканинг эгаси, агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир.

#### **174-м о д д а. Мол-мулкни сақлаш вазифаси**

Ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидадир.

#### **175-м о д д а. Мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи**

Мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасидадир.

### **14-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҲУҚУҚИ. ОПЕРАТИВ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ**

#### **176-м о д д а. Хўжалик юритиш ҳуқуқи**

Хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка ушбу Кодексда белгиланадиган доирада эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

#### **177-м о д д а. Хўжалик юритишида бўлган мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқлари**

Хўжалик юритишида бўлган мол-мулкнинг эгаси қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага

қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қилади.

Мулкдор корхонанинг хўжалик юритишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустақил тасарруф этади.

#### **178-м о д д а. Оператив бошқариш ҳуқуқи**

Давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадирлар.

Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

#### **179-м о д д а. Давлат корхонасининг мол-мулкни тасарруф этиш**

Давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли.

Давлат корхонаси ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ўзи мустақил тасарруф этади.

Давлат корхонасининг даромадларини тақсимлаш тартиби унинг мулкдори томонидан белгиланади.

#### **180-м о д д а. Муассаса мол-мулкни тасарруф этиш**

Муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

#### **181-м о д д а. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши**

Мулкдорнинг қарори билан унитар корхонага ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ушбу корхона ёки муассасада унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади, башарти қонун ҳужжатларида ёки мулкдорнинг қарори билан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Хўжалик юретишида ёки оператив бошқаришида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун белгилаб қўйилган тартибда корхона ёки муассасанинг хўжалик юретишига ёки оператив бошқаришига ўтади.

Мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдорнинг қарори билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда бекор қилинади.

### **15-боб. МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ**

#### **182-м о д д а. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари**

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қуйидагилардан иборат: меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкни хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар.

#### **183-м о д д а. Мулкни яратиш ва кўпайтириш**

Мулк ҳуқуқи янги мол-мулкни яратиш ҳамда мулкдор ихтиёридаги мол-мулкни кўпайтириш натижасида вужудга келиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан хўжалик усулида ва ўзгача усулда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, ҳосил ва бошқа даромадлар мулкдорга тегишли бўлади.

#### **184-м о д д а. Битим бўйича мол-мулкни олиш**

Мол-мулк олиш-сотиш, айрибошлаш, ҳадя қилиш шартномалари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин.

Башарти, қонунларда бошқача кўрсатилмаган бўлса, мол-мулк янги мулкдорга ўтганида, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида солиқ мулкдорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам унга ўтади.

#### **185-м о д д а. Шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайти**

Шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мулкни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганида эса – рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

#### **186-м о д д а. Ашёларни топшириш**

Ашёларни олувчига топшириш, шунингдек етказиб бериш мажбуриятини олмаган ҳолда бошқа шахсга берилган ашёларни олувчига жўнатиш учун транспорт ташкилотига ёки алоқа ташкилотига топшириш ашёларни топшириш ҳисобланади.

Ашё олувчининг ёки у кўрсатган шахснинг ихтиёрига амалда тушган пайтдан бошлаб олувчига топширилган ҳисобланади.

Ашёни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартнома тузилаётган пайтгача у олувчининг ихтиёрига ўтиб бўлган бўлса, ашё унга шу пайтдан эътиборан топширилган ҳисобланади.

Коносаментни ёки ашёга тегишли бошқа тасарруф этувчи ҳужжатни топшириш ҳам ашёни топширишга тенглаштирилади.

#### **187-м о д д а. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат**

Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсда ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олгунга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Эгалик қилиш муддатини важ қилиб келтирадиган шахс ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахснинг бу мол-мулкка эгалик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгалик қилиш вақтига қўшиши мумкин.

Шахс ихтиёрида бўлиб, ушбу Кодекснинг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

#### **188-м о д д а. Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи**

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади.

#### **189-м о д д а. Ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш**

Қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбуруғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин.

### **190-м о д д а. Тарих ва маданият ёдгорликларини хўжасизларча сақлаш**

Агар мулкдор ўзига қарашли тарих ва маданият ёдгорлигига хўжасизларча муносабатда бўлса ва унинг яхши сақланишини таъминламаса, зиммасида ёдгорликларни сақлаш вазифаси бўлган давлат органлари мулкдорни ёдгорликка хўжасизларча муносабатда бўлишни тўхтатиш ҳақида огоҳлантирадilar.

Агар мулкдор ушбу талабни бажармаса, тегишли органларнинг даъвосига кўра суд ёдгорликни олиб қўйиш ҳақида қарор чиқариши мумкин, бу ёдгорлик давлат мулкига ўтади. Олиб қўйилган тарих ва маданият ёдгорлигининг қиймати мулкдорга келишувда белгиланган, низо чиққан тақдирда эса – суд томонидан белгиланган миқдорда тўланади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тарих ва маданият ёдгорлигини олиб қўйиш ҳақидаги даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин.

### **191-м о д д а. Эгасиз ашё**

Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади.

Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз ҳайвонлар ва хазина тўғрисидаги қоидаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгаллигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

### **192-м о д д а. Топилма**

Йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс

топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир.

### **193-м о д д а. Топилмага эгалик ҳуқуқини олиш**

Башарти, топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади.

Башарти, ашёни топиб олган шахс топилган ашёни мулк қилиб олишдан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтади.

### **194-м о д д а. Топилма билан боғлиқ харажатларни тўлаш ва ашёни топиб олган шахсни тақдирлаш**

Ашёни топиб олган ҳамда уни олишга ҳақли бўлган шахсга қайтариб берган шахс ана шу шахсдан, ашё давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтган ҳолларда эса – тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан ашёни сақлаш, топшириш ёки сотиш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек ашёни олишга ҳақли бўлган шахсни топиш учун кетган харажатларни ундириш ҳуқуқига эга.

Ашёни топиб олган шахс уни олишга ҳақли бўлган шахсдан топилма учун ашё қийматининг йигирма фоизига қадар миқдорда мукофот талаб қилишга ҳақлидир.

Башарти, топиб олинган ҳужжатлар ёки ўзга ашёлар уларни олишга ҳақли бўлган шахснинг ўзи учунгина қимматга эга бўлса, мукофот миқдори шу шахс билан келишув асосида, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса – суд орқали белгиланади. Топилган ашёни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлган шахс топилма учун кўпчилик ўртасида мукофот ваъда қилган бўлса, у кўпчилик ўртасида ваъда қилинган мукофотни ўша шартларга мувофиқ тўлайди.

Башарти, ашёни топиб олган шахс топилма ҳақида хабар қилмаган бўлса ёки уни яширишга уринган бўлса, мукофот олиш ҳуқуқи вужудга келмайди.

### **195-м о д д а. Қаровсиз ҳайвонлар**

Қаровсиз ёки адашган чорва молларини ёхуд бошқа қаровсиз уй ҳайвонлари ёки қўлга ўргатилган ҳайвонларни тутиб олган шахс уларни эгасига қайтариши шарт, башарти ҳайвонларнинг эгаси ёки унинг қардалиги номаълум бўлса, тутиб олган пайтдан бошлаб уч кундан кечиктирмай топилган ҳайвонлар тўғрисида милицияга, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилиши шарт, улар ҳайвонларнинг эгасини қидириш чораларини кўрадилар.

Ҳайвонларнинг эгаси қидирилаётган вақтда уларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш учун тутиб олган шахс-

да қолдирилиши ёхуд зарур шароити бўлган бошқа шахсга сақлаш ва фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Қаровсиз ҳайвонларни тутиб олган шахснинг илтимосига кўра ҳайвонларни боқиши учун зарур шароити бўлган шахс-ни топиш ҳамда ҳайвонларни унга топширишни милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи амалга оширади.

Қаровсиз ҳайвонларни тутиб олган шахс ҳамда бу ҳайвонлар сақлаш ва фойдаланиш учун бериб турилган шахс уларни лозим даражада сақлашлари шарт ва ҳайвонлар нобуд бўлиши ёки шикастланиши учун айбдор бўлсалар, ҳайвонларнинг нархи доирасида жавобгар бўладилар.

### **196-м о д д а. Хазина**

Эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган хазина, яъни ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёхуд қимматбаҳо буюмлар хазина яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва шу кабилар) мулкдори бўлган шахс ва хазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазिशма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши керак.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда хазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Бундай хазинани у яшириб қўйилган мол-мулк эгасининг розилигисиз қазिशма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс топиб олса, бу шахсга мукофот тўланмайди ва хазина батамом мулкдорнинг ихтиёрига ўтади.

Хазина топиш учун қазिशма ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига кирадиган шахсларга нисбатан ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

### **197-м о д д а. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари**

Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади.

### **198-м о д д а. Мол-мулкни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш**

Мол-мулкни йўқ қилиш (тугатиш) натижасида мулк ҳуқуқини бекор қилишга қонунларга зид бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади.

Мулкдор томонидан тарихий ёки маданий бойлик бўлган мол-мулкнинг йўқ қилинишига йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда суд қарори билан мазкур мол-мулк мусодара қилиниши ёки агар у йўқ қилинган бўлса, унинг қиймати ундириб олиниши мумкин.

Мол-мулкни юридик шахснинг баланс ҳисобидан чиқариш натижасида мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

### **199-м о д д а. Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйиш**

Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади.

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади.

### **200-м о д д а. Қарзни низосиз тартибда ундириб олиш**

Мажбуриятлар бўйича қарзни, шу жумладан бюджетга тўловлар бўйича қарзни низосиз тартибда ундириб олишга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Мулкдор низосиз тартибда ундириб олиш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақли.

### **201-м о д д а. Қимматбаҳо металллар ва тошларга мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ҳамда бекор бўлиш хусусиятлари**

Хом ва ишлов берилган қимматбаҳо металллар ва тошларга (заргарлик ва бошқа маиший буюмлардан ташқари) мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ҳамда бекор бўлиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **202-м о д д а. Национализация**

Национализация – фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли национализация қилинаётган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказишдан иборат.

Мазкур мол-мулк кейинчалик денационализация қилинган тақдирда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

### **203-м о д д а. Реквизиция**

Табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулкдордан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин (реквизиция).

Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### **204-м о д д а. Мусодара**

Қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйилиши мумкин (мусодара).

#### **205-м о д д а. Мол-мулкни олиб қўйиш чоғида унинг қийматини аниқлаш ва зарарларни ундириб олиш ҳуқуқи**

Мулк ҳуқуқи бекор қилинганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб ўрнатилган бўлмаса, баҳоловчи ташкилот томонидан мулк ҳуқуқи бекор қилинган пайтда белгиланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрь ЎРҚ–257-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда)*

Олиб қўйилган мол-мулкнинг қийматини мулкдорга тўлаш баҳоси ҳақида мулкдор судга эътироз билдириши мумкин.

Мулкдор мол-мулкнинг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган бошқа зарарларни тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли.

#### **206-м о д д а. Мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши**

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва унинг кўрган бошқа зарарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда тўланади.

Мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга мулкдор рози бўлмаган тақдирда, бу қарор низо суд томонидан ҳал қилинганча амалга оширилиши мумкин эмас. Низони кўриб чиқиш вақтида мулкдорга етказилган зарарни тўлаш билан боглиқ барча масалалар ҳам ҳал қилинади.

### **16-БОБ. ХУСУСИЙ МУЛК**

#### **207-м о д д а. Хусусий мулк ҳуқуқи**

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

#### **208-м о д д а. Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари**

Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар.

#### **209-м о д д а. Хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари**

Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

#### **210-м о д д а. Уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби**

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қуриладиган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан қуриладиган уй-жой қурилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Давлатга қарашли уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоққа ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

#### **211-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкки**

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоярлар, зинапоярлар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердақлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка эгалик ҳуқуқидаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари улушларининг миқдори ҳамда мазкур мол-мулкни сақлаш ва асраш бўйича харажатларни мулкдорлар ўртасида тақсимлаш тартиби уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси ўз улушини бошқа шахсга беришга, ундан фуқаролар ёки юридик шахслар фойдасига воз кечишга, шунингдек уни ўзига

қарашли турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига сабаб бўлувчи ўзга хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақли эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 3-модда)*

### **212-м о д д а. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмадан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга – сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим, ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса эътироф этилиши мумкин. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгилаган миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф тугдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

## **17-БОБ. ОММАВИЙ МУЛК**

### **213-м о д д а. Оммавий мулк тушунчаси**

Республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

Қорақалпоғистон Республикасида мулкчилик муносабатлари, шу жумладан оммавий мулк муносабатлари ушбу Кодекс билан, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

### **214-м о д д а. Республика мулки**

Ер, ер исти бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблаглари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва бошқа мулккий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблаглари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин.

Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тасарруф қиладилар.

Республика мулки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга кўра бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-197-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда)*.

Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

### **215-м о д д а. Муниципал мулк**

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблаглари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулккий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Муниципал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-197-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда)*.



Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

## 18-БОБ. УМУМИЙ МУЛК

### 216-м о д д а. Умумий мулк тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргаликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Тақсимланадиган мол-мулкнинг умумий биргаликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади.

Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса – суднинг қарорига мувофиқ умумий мол-мулк бу шахсларнинг улушли мулки қилиб белгилаб қўйилиши мумкин.

### 217-м о д д а. Улушли мулкдаги улушларни аниқлаш

Агар улушли мулк иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисобланади.

Улушли мулк барча иштирокчиларнинг келишуви билан иштирокчилардан ҳар бирининг улушини уларнинг умумий мол-мулкни вужудга келтириш ва кўпайтиришга қўшган ҳиссасига қараб аниқлаш ва ўзгартириш тартиби белгиланиши мумкин.

Умумий мол-мулкдан фойдаланишнинг белгилаб қўйилган тартибига амал қилган ҳолда ушбу мол-мулкни ўз ҳисобидан ажратиб олиш мумкин бўлмайдиган тарзда яхшилаган улушли мулк иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушининг тегишли даражада кўпайтирилишига ҳақли бўлади.

Умумий мол-мулкдаги ажратиб олиш мумкин бўладиган яхшилашлар, агар улушли мулк иштирокчиларининг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу яхшилашларни амалга оширган иштирокчининг мулкига қўшилади.

### 218-м о д д а. Улушли мулкдаги мол-мулкни тасарруф этиш

Улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади.

Улушли мулк иштирокчиси ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қол-

диришга, гаровга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида ушбу Кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади.

### 219-м о д д а. Улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш

Улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)

Улушли мулк иштирокчиси умумий мол-мулкнинг иштирокчи улушига тенг бўлган қисми ўзининг эгалиги ва фойдаланишига берилишига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда эса – ўз улуши бўлган мол-мулкка эгалик қилаётган ва ундан фойдаланаётган бошқа иштирокчилардан тегишли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 220-м о д д а. Улушли мулкдаги мол-мулкдан фойдаланиш натижасида келадиган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар

Улушли мулкдаги мол-мулкдан фойдаланиш натижасида келадиган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар умумий мол-мулк таркибига қўшилади ва улушли мулк иштирокчилари ўртасидаги келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

### 221-м о д д а. Умумий улушли мулкдаги мол-мулкни сақлаш харажатларини тақсимлаш

Ҳар бир мулкдор умумий мол-мулк бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда, шунингдек мол-мулкни сақлаш ва асраш чиқимларида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улушига қараб қатнашиши шарт. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-197-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда).

Зарур бўлмаган ҳамда мулкдорлардан бири томонидан қолганларнинг розилигисиз қилинган харажатлар унинг ўз зиммасига тушади. Бунда келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал қилиниши керак.

### 222-м о д д а. Умумий мулк ҳуқуқидаги улушнинг шартнома бўйича олувчига ўтиш пайти

Умумий мулк ҳуқуқидаги улуш шартнома бўйича олувчига, агар тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўтади.

Умумий мулк ҳуқуқидаги улушнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган шартнома бўйича бошқа

шахсга ўтиш пайти ушбу Кодекс 185-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

### **223-м о д д а. Улушли мулкдаги мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш**

Улушли мулкдаги мол мулк иштирокчилар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкин.

Улушли мулк иштирокчиси ўз улушини умумий мол-мулкдан ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли.

Улушли мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эриша олма-салар, улушли мулк иштирокчиси ўз улушини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб олишга қонун йўл қўймас ёки уни умумий мулк бўлган мол-мулкка номутаносиб зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, ажралиб чиқаётган мулкдор улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари томонидан улушининг қиймати тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу модда асосида улушли мулк иштирокчисига асл ҳолида ажратиб берилаётган мол-мулкнинг унинг мулк ҳуқуқидаги улушига номутаносиблиги тегишли пул суммасини тўлаш ёки бошқача компенсация тўлаш йўли билан бартараф этилади.

Улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўланишига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади. Мулкдорнинг улуши арзимас бўлган, амалда ажратиб берилиши мумкин бўлмаган ва у умумий мол-мулкдан фойдаланишдан катта манфаатга эга бўлмаган ҳолларда суд ушбу мулкдор розилик бермаган тақдирда ҳам улушли мулкнинг қолган иштирокчилари зиммасига мазкур мулкдорга компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Ушбу моддага мувофиқ мулкдор компенсация олганидан кейин умумий мол-мулкдаги улушига бўлган ҳуқуқини йўқотади

### **224-м о д д а. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи**

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нарҳда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно.

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нарҳини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт.

Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса – ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

Улушни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

Давлат органи ёки бошқа юридик шахс умумий мулк бўлган уй-жой (хонадон)даги ўз улушини сотган вақтида уйнинг (хонадоннинг) тегишли қисмида ижарага олувчилар сифатида яшаётган шахслар ушбу модда қоидалари асосида имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар, улар бу ҳуқуқдан воз кечсалар ёки уни амалга оширмасалар – бошқа мулкдорлар бу ҳуқуққа эга бўладилар.

Ушбу модданинг қоидалари айирбошлаш шартномаси бўйича улушни бошқа шахсга бериш чоғида ҳам қўлланилади.

### **225-м о д д а. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш**

Агар биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргалашиб эгалик қилдилар ва ундан фойдаланадилар.

Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади.

Биргаликдаги мулкнинг ҳар бир иштирокчиси, агар барча иштирокчиларнинг келишувидан бошқача тартиб ағлашилмаса, умумий мол-мулкни тасарруф этиш хусусида битимлар тузишга ҳақли. Биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бири тузган умумий мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим уни тузган иштирокчининг зарур ваколатлари йўқлиги сабабли, битимдаги иккинчи тараф буни билган ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган тақдирдагина қолган иштирокчиларнинг талабига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Биргаликдаги мулкнинг айрим турлари учун ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилади.

### **226-м о д д а. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш**

Умумий мол-мулкни биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек улардан бирининг улушини ажратиш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улуши аниқланганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Умумий мулк тақсимланганида ва ундан улуш ажратилганида, агар қонунда ёки иштирокчиларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг улушлари тенг ҳисобланади.

Умумий мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш асослари ҳамда тартиби ушбу Кодекс 223-моддаси билан, биргаликдаги мулкнинг айрим турлари учун эса – бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **227-м о д д а. Ундирувни умумий мол-мулкдаги улушга қаратиш**

Улушли ёки биргаликдаги мулк иштирокчисининг кредитори мулкдорда бошқа мол-мулк етарли бўлмаганида ундирувни қарздорнинг умумий мол-мулк-

даги улушига қаратиш учун бу улушни – ажратишни талаб қилишга ҳақли.

Агар бундай ҳолларда улушни асли ҳолида ажратиш мумкин бўлмаса ёки улушли ёхуд биргаликдаги мулкнинг қолган иштирокчилари бунга эътироз билдирсалар, кредитор қарздор ўз улушини умумий мулкнинг қолган иштирокчиларига ушбу улушнинг қийматига муносиб нарҳда сотиб, сотишдан тушган маблағларни қарзни узишга қаратишини талаб қилишга ҳақли.

Умумий мулкнинг қолган иштирокчилари қарздорнинг улушини сотиб олишдан воз кечган тақдирда кредитор ундирувни қарздорнинг умумий мулк ҳуқуқидаги улушига ушбу улушни ким ошди савдоси орқали сотиш йўли билан қаратишни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

### **19-боб. МУЛК ҲУҚУҚИНИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

#### **228-м о д д а. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация)**

Мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация).

#### **229-м о д д а. Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш**

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Пул, инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ЎРҚ–223-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда).

#### **230-м о д д а. Мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олинганда даромадлар ва харажатларни тўлаш**

Ушбу Кодекснинг 228-моддасига мувофиқ, мулкдор мол-мулкни талаб қилиб олаётганида қуйидагиларни ҳам талаб қилиб олишга ҳақлидир:

ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахсдан (инсофсиз эгалловчи) ушбу шахс мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тўлашни;

инсофли эгалловчидан эса – у ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни.

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларини тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи мазкур нарсаларни ўзида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, лекин бу харажатлар ашёга қўшилган қийматдан кўп бўлмаслиги керак.

#### **231-м о д д а. Мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво)**

Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво).

#### **232-м о д д а. Мулкдор бўлмаган эгалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, лекин мол-мулкка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, хўжалик юртиш, оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ёки қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга кўра эгалик қилаётган шахс ҳам ушбу Кодекснинг 228–231-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

#### **233-м о д д а. Мулк ҳуқуқининг қонунга мувофиқ бекор бўлиш оқибатлари**

Мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонун қабул қилинган тақдирда, ушбу қонунни қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарар, шу жумладан мол-мулкнинг қиймати давлат томонидан тўланади. Зарарни тўлаш билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал қилинади.

### **III бўлим. МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ**

#### **1-кичик бўлим. МАЖБУРИЯТЛАР ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **20-боб. МАЖБУРИЯТ ТУШУНЧАСИ ВА ТАРАФЛАРИ**

#### **234-м о д д а. Мажбурият тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари**

Мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (креди-

тор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

### **235-м о д д а. Мажбуриятнинг тарафлари**

Мажбуриятнинг тарафлари – кредитор ёки қарздор сифатида бир ёки бир пайтнинг ўзида бир неча шахс иштирок этиши мумкин.

Мажбуриятда қарздор томонида иштирок этган шахслардан бирига кредитор билдирган талабларнинг ҳақиқий эмаслиги, шунингдек бундай шахсга талаб қўйишга доир даъво муддати ўтиб кетганлиги кредиторнинг қолган шахсларга бўлган талабларига ўзича дахл этмайди.

Агар тарафлар шартномага биноан бир-бирларига нисбатан мажбуриятли бўлса, тарафлардан ҳар бири бошқа тараф олдида унинг фойдасига нима қилиши шарт эканлиги жиҳатидан унинг қарздори ва айни бир пайтнинг ўзида ундан нима талаб қилишга ҳуқуқли эканлиги жиҳатидан унинг кредитори ҳисобланади.

Мажбурият унда тарафлар сифатида қатнашмаган шахслар (учинчи шахслар) учун бурчлар ҳосил қилмайди.

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда мажбурият учинчи шахслар учун мажбуриятнинг бир тарафи ёки ҳар иккала тарафига нисбатан ҳуқуқ вужудга келтириши мумкин.

## **21-БОБ. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ**

### **236-м о д д а. Умумий қоидалар**

Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

### **237-м о д д а. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги**

Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **238-м о д д а. Мажбуриятнинг келишилган ва мақбул усулда бажарилиши**

Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак.

### **239-м о д д а. Мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилиши**

Башарти бошқача тартиб қонун ҳужжатларида, шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки иш муомаласи одатларидан ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қилмасликка ҳақли.

### **240-м о д д а. Мажбуриятнинг тегишли шахс учун бажарилиши**

Агар бошқача тартиб тарафларнинг келишувида назарда тутилган бўлмаса ва иш муомаласи одатларидан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор мажбуриятни бажариш чоғида ижрони кредиторнинг ўзи ёки бу иш учун у ваколат берган шахс қабул қилаётганлигини исботлашни талаб қилишга ҳақли бўлади ва бундай талабни қўймаганлик оқибатлари хавфи унинг зиммасида бўлади.

### **241-м о д д а. Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш**

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятни тўла ҳажмда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек агар учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт.

Мажбурият бажарилмаганлиги учун, башарти қонун ҳужжатлари ёки шартномада учинчи шахснинг жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса, шартномадаги тараф жавобгар бўлади.

### **242-м о д д а. Мажбуриятни бажариш муддати**

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса – ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

### **243-м о д д а. Мажбуриятни муддатидан илгари бажариш**

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан ёнки иш муомаласи одатларидан ёки одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилса, қарздор мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга ҳақли, кредитор эса – ижрони муддатидан илгари қабул қилиши шарт.

### **244-м о д д а. Мажбуриятни бажаришни кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб бажариш**

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажариш

ришни кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажаришга йўл қўйилмайди.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд қарздорга мажбуриятни бажаришни кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб бажариш имконини беришга ҳақли.

#### **245-м о д д а. Пул мажбуриятларининг валютаси**

Пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (эю, «махсус қарз олиш ҳуқуқлари» ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг бошқача курси ёки бошқача санаси қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида чет эл валютасидан, шунингдек чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар, тартиб ва шартлар асосида йўл қўйилади.

#### **246-м о д д а. Мажбуриятни бажариш жойи**

Агар мажбуриятни бажариш жойи қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгилаб қўйилган бўлмаса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан ёнкин одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилмаса, ижро қўйидаги жойларда амалга оширилиши керак:

1) кўчмас мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича – мол-мулк турган жойда;

2) ташишни назарда тутадиган товар ёки бошқа мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича – товарни кредиторга ётказиб бериш учун уни биринчи ташувчига топшириш жойида;

3) қарздорнинг товарни ёки бошқа мол-мулкни топшириш юзасидан ўзга мажбуриятлари бўйича – мол-мулкни тайёрлаш ва сақлаш жойида, башарти мажбуриятнинг келиб чиқиши пайтида бу жой кредиторга маълум бўлган бўлса;

4) пул мажбурияти бўйича – мажбурият вужудга келган пайтда кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса – унинг мажбурият вужудга келган пайтда жойлашган ерида, агар кредитор мажбуриятни бажариш вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган ерини ўзгартирган бўлса ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса – ижро этиш жойи ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида ёки жойлашган ерида;

5) бошқа барча мажбуриятлар бўйича – қарздорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида.

#### **247-м о д д а. Фуқаронинг таъминоти учун тўланадиган суммани кўпайтириш**

Пул мажбурияти бўйича бевосита фуқаронинг таъминоти учун тўланадиган сумма (ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни тўлаш, умрбод таъминлаш шартномаси

бўйича ва бошқа ҳолларда) меҳнатга тўланадиган ҳақнинг қонун томонидан белгилаб қўйилган энг кам миқдори оширилишига мутаносиб равишда кўпайтириб борилади.

#### **248-м о д д а. Пул мажбурияти бўйича талабларни қондириш навбати**

Амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаганида, бошқа келишув бўлмаса, у энг аввало кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг қолган қисми эса – қарзнинг асосий суммасини узади.

#### **249-м о д д а. Қарзни депозитга қўйиш йўли билан мажбуриятни бажариш**

Қарздор ўзи тўлаши лозим бўлган пул ёки қимматли қоғозларни нотариуснинг депозитига, қонунда белгиланган ҳолларда эса – суднинг депозитига қўйишга ҳақли, башарти мажбурият қарздор томонидан қўйидагилар туфайли бажарилиши мумкин бўлмаса:

1) мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса;

2) кредитор муомалага лаёқатсиз бўлса ва унинг вакили бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса;

3) мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги ҳусусида аниқлик йўқлиги кўриниб турган бўлса, ҳусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан;

4) кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан.

Пул суммасини ёки қимматли қоғозларни нотариус ёхуд суднинг депозитига қўйиш мажбуриятни бажариш ҳисобланади.

Депозитига пул ёки қимматли қоғозлар қўйилган нотариус ёхуд суд кредиторни бундан хабардор қилади.

#### **250-м о д д а. Муқобил мажбуриятни бажариш**

Агар қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини қилиши ёхуд кредиторга бир ёки бошқа мол-мулкни топшириши лозим бўлса, башарти қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, танлаш ҳуқуқи қарздор ихтиёрида бўлади.

#### **251-м о д д а. Бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этадиган мажбуриятни бажариш**

Агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонундан ёки шартномадан бошқача тартиб англашилмаса, у ҳолда ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда бажаришни талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса бу талабни бажариши шарт.

#### **252-м о д д а. Солидар қарздорлар мажбурияти бўйича кредиторнинг ҳуқуқлари**

Қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганида кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар ба-

жаришни ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Солидар қарздорларнинг биридан тўлиқ қаноатланмаган кредитор ололмаган нарчасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунича бурчли бўлиб қолаверадилар.

### **253-м о д д а. Солидар қарздорларнинг кредитор талабларига қарши эътирозлари**

Қарздор солидар бўлиб мажбурият олган тақдирда бошқа қарздорларнинг кредитор билан мазкур қарздор қатнашмайдиган муносабатларига асосланган эътирозларни кредиторнинг талабларига қарши қўйишга ҳақли эмас.

### **254-м о д д а. Солидар мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан бажарилиши**

Солидар мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан тўлиқ бажарилиши қолган қарздорларни кредитор олдидаги мажбуриятни бажаришдан озод қилади.

Агар қонунларда ёки шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, солидар мажбуриятни бажарган қарздор ўз улушини чегириб ташлаб, бошқа қарздорларга тенг улушларда регресс талаби қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Солидар мажбуриятни бажарган қарздорга тўланмаган ҳақ бу ва бошқа қарздорлар зиммасига тенг улушларда тушади.

### **255-м о д д а. Солидар талаблар**

Талаб солидар бўлиб қўйилганида ҳар қандай солидар кредитор қарздорга тўла ҳажмда талаб қўйишга ҳақли бўлади.

Қарздор солидар кредиторлардан бирининг талабига қарши ўзининг ушбу кредитор қатнашмайдиган бошқа солидар кредиторлар билан муносабатларига асосланган эътирозларни қўйишга ҳақли эмас.

Мажбуриятни солидар кредиторлардан бирига нисбатан тўла бажариш қарздорни мажбуриятни бошқа солидар кредиторларга нисбатан бажаришдан озод қилади.

Қарздордан мажбуриятнинг ижросини қабул қилиб олган солидар кредитор, башарти улар ўртасидаги муносабатлардан бошқача тартиб англашилмаса, бошқа кредиторларга тегишли бўлган улушларни уларга тўлаши шарт.

### **256-м о д д а. Мажбуриятларни муқобил суратда бажариш**

Тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади.

Бурчли тараф шартномада белгилаб қўйилган мажбуриятни бажармаган ёки мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаслигини очиқ кўрсатиб турган вазият мавжуд бўлган тақдирда, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятини бажармай туришга ёки

бу мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ва қўрилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада кўрсатилган мажбурият тўла ҳажмда бажарилмаган бўлса, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятининг иккинчи тарафнинг тўла ҳажмда бажарилмаган мажбуриятига мос келаётган қисмини бажаришни тўхтатиб қўйишга ёки бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Агар бир тараф шартномада белгилаб қўйилган ўз мажбуриятини бажармаган бўлишига қарамай, иккинчи тараф мажбуриятнинг муқобил ижросини амалга оширган бўлса, биринчи тараф ўз мажбуриятини бажариши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар шартнома ёки қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса қўлланилади.

### **257-м о д д а. Мажбуриятнинг бажарилганлигини тасдиқлаш**

Кредитор мажбуриятнинг бажарилишини қабул қилиб олган вақтида, қарздорнинг талаби билан унга мажбуриятнинг тўла ёки қисман бажарилишини қабул қилиб олганлиги ҳақида тилхат бериши шарт. Огзаки битимлар юридик шахслар билан фуқаролар ўртасида бажарилганида товарлар ёки хизматлар ҳақини тўлаган юридик шахс бошқа тарафдан пул тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни ва тўлов асосини олиши керак.

Агар қарздор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ижрони қабул қилиб олаётган вақтида ушбу ҳужжатни қайтариб бериши, қайтариб беришнинг имкони бўлмаганида эса – буни ўзи бераётган тилхатда кўрсатиши керак. Тилхат ўрнига қайтариб берилаётган қарз ҳужжати устхат ёзилиши мумкин. Қарз ҳужжатининг қарздорда бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди.

### **258-м о д д а. Мажбурият бажарилганлигини тасдиқлаш ҳақидаги талабни бажармаслик оқибатлари**

Кредитор тилхат беришдан, қарз ҳужжатини қайтаришдан ёки қайтариб бериш имкони йўқлигини тилхатда кўрсатишдан бош тортган тақдирда, қарздор ижрони тўхтатиб туришга ҳақли бўлади. Бундай ҳолларда кредитор муддатни кечиктирган ҳисобланади.

## **22-БОБ. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ**

### **259-м о д д а. Умумий қоидалар**

Мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатал ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги ушбу мажбуриятнинг (асосий мажбуриятнинг) ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

## 1-§ НЕУСТОЙКА

### 260-м о д д а. Неустойка тушунчаси

Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас.

Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади.

Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

### 261-м о д д а. Неустойка шакллари

Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

### 262-м о д д а. Неустойка тўғрисидаги келишувнинг шакли

Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак.

### 263-м о д д а. Қонуний неустойка

Неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

## 2-§. ГАРОВ

### 264-м о д д а. Гаров тушунчаси ва унинг вуждга келиш асослари

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин, ҳақли бўлади.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун сугурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига сугурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли, башарти мол-мулкни

йўқотиш ёки унга зиён етказиш гаровга олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса.

Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади.

### 265-м о д д а. Гаров турлари

Гаров закатат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закатат деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

### 266-м о д д а. Гаровга қўювчи

Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Ашённинг мулкдори ашёни гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

### 267-м о д д а. Гаров нарсаси

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкӣ ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкни гаровга қўйиш қонун ҳужжатлари билан ман этилиши ёки чекланиши мумкин.

### 268-м о д д а. Гаров билан таъминланадиган талаб

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров талабнинг уни қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан фоизлар, неустойка, ижрон кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарар тўланишини, шунингдек гаровга олувчининг гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлайди.

### 269-м о д д а. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг гаровга олувчига берилиши ва берилмаслиги

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади.

Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар гаровга олувчига топширилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрель ЎРҚ-83-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 132-модда)*

Гаров нарсаси гаровга олувчи томонидан қулфланган ва муҳрланган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин.

Гаров нарсаи гаровга қўйилганлигини билдирувчи белгилар қўйган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин (қатъий гаров).

Гаровга қўювчи томонидан эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун вақтинча учинчи шахсга топширилган гаров нарсаи гаровга қўювчида қолдирилган ҳисобланади.

Қимматли қонун билан тасдиқланган мулккий ҳуқуқ гаровга қўйилганида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчига ёки нотариус депозитига топширилади.

### **270-м о д д а. Гаров ҳуқуқининг вужудга келиши**

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса – нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса – у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Башарти, гаров нарсаи қонунга ёки шартномага асосан гаровга қўювчида бўлиши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаи берилган пайтдан, башарти бундай топшириш шартнома тузилишидан аввал амалга ошган бўлса – шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

### **271-м о д д а. Гаров тўғрисидаги шартнома, унинг шакли ва шартномани рўйхатдан ўтказиш**

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаи ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олиннадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги қоидаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

### **272-м о д д а. Гаровга олувчининг ҳуқуқлари жорий қилинадиган мол-мулк**

Гаров нарсаи бўлган ашёга гаровга олувчининг ҳуқуқлари (гаров ҳуқуқи), агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёнинг кимга мансублигига қараб жорий қилинади.

Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадларга гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда жорий қилинади.

Бутун қорхона ёки бошқа мулккий комплекс ипотекасида гаров ҳуқуқи унинг таркибига кирувчи кўчмас

ва кўчар мол-мулкнинг ҳаммасига, шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда ипотека даврида олинган ҳуқуқларга ҳам, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жорий қилинади.

Бино ёки иншоот ипотекасига айна бир вақтнинг ўзида ўша шартнома бўйича шу бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини ёхуд бу участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлашини таъминлайдиган қисмини ёки гаровга қўювчига қарашли бўлган ушбу участкани ёхуд унинг тегишли қисмини ижарага олиш ҳуқуқини бир вақтда ипотекага қўйган тақдирдагина йўл қўйилади.

Ер участкасини ипотекага қўйишда гаров ҳуқуқи, агар шартномада бошқача шарт назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчининг ушбу участкада бўлган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига жорий қилинмайди.

Шартномада бундай шарт бўлмаса, ундирув гаровга қўйилган ер участкасига қаратилган тақдирда гаровга қўювчи ер участкаси унинг бино ёки иншоотдан ўз ўрнида фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини сақлаб қолади. Участканинг бу қисмидан фойдаланиш шартлари гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишуви асосида, низо чиққан тақдирда эса – суд томонидан белгиланади.

Агар гаровга қўювчига эмас, балки бошқа шахсга қарашли бинолар ёки иншоотлар жойлашган ер участкасига ипотека белгиланган бўлса, гаровга олувчи ундирувни ушбу участкага қаратганида ва у ким ошди савдосида сотилганида гаровга қўювчининг ушбу шахсга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари участкани сотиб олувчига ўтади.

Гаров тўғрисидаги шартномада, қонун асосида пайдо бўладиган гаровга нисбатан эса – қонунда, гаровга қўювчи келажақда эга бўладиган ашёларни ва мулкый ҳуқуқларни гаровга қўйиш назарда тутилиши мумкин.

### **273-м о д д а. Навбатдаги гаров**

Агар гаровга қўйилган мол-мулк бошқа талабларни таъминлаш учун яна бир гаров нарсаи айланса (навбатдаги гаров), навбатдаги гаровга олувчининг талаблари олдинги гаровга олувчиларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин ушбу мол-мулк қийматидан қаноатлантирилади.

Агар гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда навбатдаги гаров тақиқлаб қўйилган бўлмаса, навбатдаги гаровга йўл қўйилади.

Гаровга қўювчи ҳар бир навбатдаги гаровга олувчига ушбу мол-мулкнинг мавжуд бўлган барча гаровлари ҳақида маълум қилиши шарт ва у ушбу мажбуриятни бажармаслик туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарар учун жавоб беради.

### **274-м о д д а. Гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асраш**

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк кимдалигига қараб (ушбу Кодекснинг 269-моддаси):

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича,



борди-ю, мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан сугурталаш;

2) гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлаш учун, шу жумладан уни учинчи шахсларнинг тажовузулари ва талабларидан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриши;

3) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида иккинчи тарафни дарҳол огоҳлантириши шарт.

Гаровга олувчи ва гаровга қўювчи иккинчи тарафдаги гаровга қўйилган мол-мулкнинг мавжудлигини, миқдорини, ҳолатини ва уни сақлаш шароитларини ҳужжатлар асосида ва амалда текширишга ҳақли.

Гаровга олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган бурчларни гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиш ёки шикастланиш хавфини тугдирадиган даражада қўпол суратда бузганида гаровга қўювчи гаровни муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

### **275-м о д д а. Гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланишининг оқибатлари**

Агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади.

Агар гаровга олувчи ушбу Кодекснинг 333-моддасига мувофиқ жавобгарликдан озод этилиши мумкинлигини исботлай олмаса, у ўзига топширилган гаров нарчасининг бутунлай ёки қисман йўқолганлиги ёхуд шикастланганлиги учун жавоб беради.

Гаров нарчаси гаровга олувчига топшириш чоғида қанча суммага баҳоланган бўлишидан қатъи назар, гаровга олувчи гаров нарчаси йўқолганлиги учун унинг ҳақиқий қиймати миқдоридан, гаров нарчасига шикаст етказилганлиги учун эса – бу қиймат қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма миқдоридан жавоб беради.

Агар гаров нарчаси шикастланиш натижасида ундан бевосита ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, гаровга қўювчи ундан воз кечишга ва унинг йўқолганлиги учун ҳақ талаб қилишга ҳақли.

Шартномада гаровга олувчининг гаров нарчаси йўқолиши ёки шикастланиши туфайли гаровга қўювчига етказилган бошқа зарарни тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор бўлган гаровга қўювчи гаров нарчасининг йўқолиши ёки шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабни гаров билан таъминланган мажбуриятларни қоплаш учун ҳисобга олишга ҳақли.

### **276-м о д д а. Гаров нарчасини алмаштириш ва тиклаш**

Гаров нарчасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарчаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё ҳўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор

қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса – суд белгилаган муддатда) гаров нарчасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

### **277-м о д д а. Гаров нарчасидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш**

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарчасидан унинг вазифасига кўра фойдаланишга, шу жумладан ундан ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи фақат гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарчасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топширишга ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқини чеклайдиган қелишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Гаровга олувчи ўзига топширилган гаров нарчасидан шартномада назарда тутилган ҳоллардагина фойдаланишга ҳақли бўлиб, гаровга қўювчига ундан фойдаланиш тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб туради. Шартномага мувофиқ гаровга олувчи зиммасига асосий мажбуриятни бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб, гаров нарчасидан ҳосил ва даромадлар олиш бурчи юқлаб қўйилиши мумкин.

### **278-м о д д а. Гаровга олувчининг гаров нарчасига бўлган ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши**

Гаровга олувчи ўз ихтиёрида бўлган ёки бўлиши лозим бўлган гаровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашидан, шу жумладан гаровга қўювчининг эгаллашидан талаб қилиб олишга ҳақли (ушбу Кодекснинг 228, 229, 230, 232-моддалари).

Шартнома шартларига кўра гаровга олувчига ўзига топширилган гаров нарчасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳолларда у бошқа шахслардан, шу жумладан гаровга қўювчидан ҳам, ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишини бартараф этишни, гарчи бу бузилишлар эгаллик қилишдан маҳрум этиш билан боглиқ бўлмаса ҳам (ушбу Кодекснинг 231, 232-моддалари), талаб қилиши мумкин.

### **279-м о д д а. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш асослари**

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчининг талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мутлақо мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиш мумкин, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Респуб-*

ликосининг 2007 йил 5 апрель ЎРҚ-83-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 132-модда)

### **280-м о д д а. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тартиби**

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қўйматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга муурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарчасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрель ЎРҚ-83-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 132-модда)

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарчасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин.

Ундирув гаров нарчасига қўйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

- 1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганда;
- 2) гаров нарчаси жамият учун тарихий, бадий ёки ўзга маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;
- 3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

### **281-м о д д а. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш**

Ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган гаровдаги мол-мулкни сотиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотиш йўли билан амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни ким ошди савдосида сотишни бир йилгача муддатга кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкни гаровга қўйиш билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларига таъсир қилмайди ҳамда қарздорни кредиторнинг кечиктириш даври мобайнида кўпайган зарари ва неустойкани ундиришдан озод қилмайди.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошлангич сотиш баҳоси ундирув суд тартибидан мол-мулкка қаратилган ҳолларда суд қарори билан ёки бошқа ҳолларда гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан келишуви натижасида белгиланади.

Гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида энг юқори баҳони таклиф қилган шахсга сотилади.

Ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олиш-сотиш шартномаси қоидалари қўлланилади.

Такрорий ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаров нарчасини такрорий ким ошди савдосидаги бошлангич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарчасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда қарздорнинг бошқа мол-мулкдан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтариб берилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарчаси сотилгунча хоҳлаган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг ижроси кечиктириб юборилган қисмини бажариб, ундирувни унга қаратишга ва уни сотишга барҳам бериши мумкин. Бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

### **282-м о д д а. Гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажариш ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш**

Гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни қўйидаги ҳолларда муддатидан илгари бажариш талаб қилишга ҳақли:

- 1) агар гаров нарчаси гаровга қўювчида қолдирилган бўлиб, гаров тўғрисидаги шартнома бузилган ҳолда унинг эгалигидан чиққан бўлса;
- 2) гаровга қўювчи гаров нарчасини алмаштириш қоидаларини бузган бўлса (ушбу Кодекснинг 276-моддаси);
- 3) гаров нарчаси гаровга олувчи жавоб бермайдиган вазиятларда йўқолган бўлса, агар гаровга қўювчи ушбу Кодекс 276-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса.

Гаровга олувчи қўйидаги ҳолларда гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажариш талаб қилишга, агар унинг талаби қондирилмаса, ундирувни гаров нарчасига қаратишга ҳақли:

- 1) гаровга қўювчи навбатдаги гаров қондасини бузган бўлса (ушбу Кодекснинг 273-моддаси);
- 2) гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асраш юзасидан ушбу Кодекс 274-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида ҳамда иккинчи қисмида назарда тутилган бурчларни бажармаса;

3) гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни тасарруф этиш қоидаларини бузса (ушбу Кодекс 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари);

4) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган бўлса. (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрь ЎРҚ-260-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 38-сон, 328-модда)

### **283-м о д д а. Гаровнинг бекор бўлиши**

Гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида;

2) ушбу Кодекс 274-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослар бўлганида гаровга қўювчининг талаби билан;

3) гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида, башарти гаровга қўювчи ушбу Кодекс 276-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлмаса;

4) гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида сотилган тақдирда, шунингдек уни сотиш мумкин бўлмаган тақдирда (ушбу Кодекс 281-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари). Ипотека бекор бўлгани ҳақида ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган реестрга белги қўйилиши керак;

5) агар гаровга олувчи ушбу Кодекс 282-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, бундан гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинмаганлиги ва талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этганлиги ҳоллари мустасно. (5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрь ЎРҚ-260-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 38-сон, 328-модда)

Гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши натижасида ёки гаровга қўювчининг талаби билан гаров бекор бўлганида (ушбу Кодекс 274-моддасининг учинчи қисми) ихтиёрида гаровга қўйилган мол-мулк бўлган гаровга олувчи уни дарҳол гаровга қўювчига қайтариб бериши шарт.

### **284-м о д д а. Гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтганида гаровнинг сақланиши**

Гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки уни ҳўжалик асосида юритиш ҳуқуқи бу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Агар гаровга олувчи билан келишувда ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, гаровга қўювчининг ҳуқуқий вориси гаровга қўювчининг ўрнига ўтади ва унинг ҳамма бурчларини бажаради.

Агар гаровга қўювчининг гаров нарсаи бўлган мол-мулки ҳуқуқий ворислик тартибида бир неча шахсга ўтган бўлса, ҳуқуқий ворисларнинг (мол-мулкни олувчиларнинг) ҳар бири гаров билан таъминланган маж-

буриятни бажармасликнинг гаровдан келиб чиқадиган оқибатига мазкур мол-мулкнинг ўзига ўтган қисмига мутаносиб равишда жавоб беради. Агар гаров нарсаи бўлинмаса ёки бошқа асосларга қўра ҳуқуқий ворисларнинг умумий мулки бўлиб қолса, улар солидар гаровга қўювчиларга айланадилар.

### **285-м о д д а. Гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий равишда олиб қўйишнинг оқибатлари**

Агар гаровга қўювчининг гаров нарсаи бўлган мол-мулкка мулк ҳуқуқи қонун билан белгиланган асослар ва тартибда, давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги (ҳақини тўлаб олиш), реквизиция ёки национализация оқибатида бекор бўлса, гаровга қўювчига бошқа мол-мулк берилади ёки тегишли ҳақ тўланади. Бундай ҳолда ўринга-ўрин берилган мол-мулкка гаров ҳуқуқи тадбиқ этилади ёки тегишинча, гаровга олувчи гаровга қўювчига тегиши керак бўлган ҳақ суммасидан ўз талабини имтиёзли қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Гаров нарсаи бўлган мол-мулк аслида ушбу мол-мулкнинг эгаси бошқа шахс эканлиги (ушбу Кодекснинг 228-моддаси) асосида ёки жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун (ушбу Кодекснинг 204-моддаси) гаровга қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда ушбу мол-мулкнинг гаровга қўйилиши бекор бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни талаб қилишга ҳақли.

### **286-м о д д а. Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш**

Гаровга олувчи талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш йўли билан кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа шахсга бериш ҳақидаги қоидаларга (ушбу Кодекснинг 313–321-моддалари) риоя қилган ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга беришга ҳақли.

Гаровга олувчининг гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши, агар гаров билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш ҳуқуқидан ҳам ўша шахс фойдасига воз кечилган бўлса, ҳақиқий бўлади.

Агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечилиши ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечилишини ҳам англатади.

### **287-м о д д а. Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни бошқа шахсга ўтказиш**

Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан, агар гаровга қўювчи кредиторга янги қарздор учун жавоб беришга розилик берган бўлмаса, (ушбу Кодекснинг 322-моддаси), гаров бекор бўлади.

**288-м о д д а. Муомаладаги товарлар гарови**

Товарларни гаровга қўйиб, уларни гаровга қўювчида қолдириш ва уларнинг умумий қиймати гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилганидан камаймаслигини шарт қилиб қўйган ҳолда гаровга қўювчига гаровга қўйилган мол-мулкнинг таркиби ва асл шаклини (товар захиралари, хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва шу кабилар) ўзгартириш ҳуқуқининг берилиши муомаладаги товарлар гарови ҳисобланади.

Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар қийматининг камайишига, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилган қисмига мос келадиган даражада йўл қўйилади.

Гаровга қўювчи томонидан бошқа шахсларга берилган муомаладаги товарлар эгалловчининг мулкига, хўжалик юритишига ёки оператив бошқарувига ўтган пайдан бошлаб гаров нарсаи бўлмай қолади, гаровга қўювчи томонидан олинган, гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилган товарлар эса – гаровга қўювчида уларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайдан эътиборан гаров нарсаи айланади.

Гаровга қўювчи муомаладаги товарлар гарови шартларини бузган тақдирда, гаровга олувчи гаровга қўйилган товарларга ўз белгилари ва муҳрларини босиб, тартибни бузиш бартараф қилинганга қадар улар билан амалга ошириладиган операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли.

**289-м о д д а. Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши**

Фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар – лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади.

Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига сугурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши энгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда (ушбу Кодекс 281-моддасининг учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари) ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин ҳатто гаровга қўйилган мол-мулкни со-

тишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади.

Ломбардлар томонидан фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар билан унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўзидан ҳақиқий эмас.

**3-§. УШЛАБ ҚОЛИШ****290-м о д д а. Ушлаб қолиш асослари**

Қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилганга қадар ушлаб қолишга ҳақли.

Гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш ёки унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмасада, бироқ тарафлари тадбиркорлар сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни ушлаб қолиш билан таъминланиши мумкин.

Ашё кредитор эгалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз қўлидаги бу ашёни ушлаб қолиши мумкин.

Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилади.

**291-м о д д а. Талабларни ушлаб қолинган ашё ҳисобидан қондириш**

Ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қондирилади.

**4-§. КАФИЛЛИК****292-м о д д а. Кафиллик шартномаси**

Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

**293-м о д д а. Кафилнинг жавобгарлиги**

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумла-

дан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чикимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргаллашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

### **294-м о д д а. Кафилга нисбатан даъво кўзгатилган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Кафил кредиторнинг талабига қарши қарздор билдириши мумкин бўлган ҳамма эътирозларни қўйишга ҳақли. Ҳатто қарздор ўз эътирозларидан воз кечган ёки ўз мажбуриятини тан олган тақдирда ҳам кафил ушбу эътирозларга бўлган ҳуқуқини йўқотмайди.

Агар кафилга нисбатан даъво кўзгатилган бўлса, у қарздорни ишда иштирок этиш учун жалб қилиши шарт. Акс ҳолда қарздор кредиторга қарши ўзининг барча эътирозларини кафилнинг қарши талабига қарма-қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

### **295-м о д д а. Мажбуриятни бажарган кафилнинг ҳуқуқлари**

Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли.

Кафил мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт.

Ушбу моддада белгиланган қоидалар агар қонунда ёки кафилнинг қарздор билан шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўлланилади.

### **296-м о д д а. Қарздор мажбуриятини бажарганлиги ҳақида кафилни хабардор қилиш**

Кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажарган қарздор бу ҳақда кафилни дарҳол хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда ўз навбатида мажбуриятни бажарган кафил асоссиз олинганни кредитордан ундириб олишга ёки қарздорга регресс талаб қўйишга ҳақли. Регресс талаб қўйилган тақдирда қарздор асоссиз олинганнигина кредитордан ундириб олишга ҳақли.

### **297-м о д д а. Кафилнинг хизматларига ҳақ тўлаш**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил қарздорга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

### **298-м о д д а. Кафилликнинг бекор бўлиши**

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бош-

қа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, шунингдек кафил таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

Шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво кўзгатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво кўзгатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

## **5-Ў. КАФОЛАТ**

### **299-м о д д а. Кафолат тушунчаси**

Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

### **300-м о д д а. Принципалнинг мажбуриятларини кафолат билан таъминлаш**

Кафолат принципалнинг бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди.

Кафолат берилгани учун принципал кафилга ҳақ тўлайди.

### **301-м о д д а. Кафолатнинг асосий мажбуриятдан мустақиллиги**

Кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятга, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас.

### **302-м о д д а. Кафолатнинг чақириб олинмаслиги**

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас.

### **303-м о д д а. Кафолат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилмаслиги**

Кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

**304-м о д д а. Кафолатнинг кучга кириши**

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучга киради.

**305-м о д д а. Кафолат бўйича талаб тақдим этиш**

Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Бенефициарнинг талаби кафолатда белгиланган муддат тугагунча кафилга тақдим этилиши керак.

**306-м о д д а. Бенефициарнинг талабини кўриб чиқишда кафилнинг мажбуриятлари**

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнгра бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нухасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак.

Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса – мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонкуярлик кўрсатиши керак.

**307-м о д д а. Кафилнинг бенефициар талабини қондиришни рад этиши**

Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади.

Кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши шарт.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ёкинки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт.

**308-м о д д а. Кафил мажбуриятларининг чегаралари**

Кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади.

Кафолат бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кафилнинг бенефициар олдидаги жавобгарлиги, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат берилган сумма билан чекланмайди.

**309-м о д д а. Кафолатнинг бекор бўлиши**

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти куйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;
- 2) кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;
- 3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;
- 4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериши йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

Кафил мажбуриятининг ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2 ва 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши унга кафолат қайтариб берилган ёки қайтариб берилмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.

**310-м о д д а. Кафилнинг принципалга регресс талаблари**

Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб қўйилади.

Агар кафилнинг принципал билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил бенефициарга кафолат шартларига номувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас.

**6-Ў. ЗАКАЛАТ****311-м о д д а. Закалат тушунчаси. Закалат тўғрисидаги келишув шакли**

Шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак.

Шартномадаги тараф амалга ошириши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўланган сумма закалат эканлигига, хусусан, ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган қолидаги риоя қилинмаслиги оқибатида, шубҳа туғилган тақдирда, бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнак сифатида тўланган деб ҳисобланади.

**312-м о д д а. Закалат билан таъминланган мажбуриятни бекор қилиш ва бажармаслик оқибатлари**

Мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (ушбу Кодекснинг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда закалат пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

### **23-боб. МАЖБУРИЯТДАГИ ШАХСЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ**

#### **313-м о д д а. Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиш асослари ва тартиби**

Мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди.

Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган бўлмаса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади.

Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги қоидалар регресс талабларга нисбатан қўлланилмайди.

#### **314-м о д д а. Бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар**

Кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган ҳуқуқларнинг, хусусан алиментлар тўғрисидаги ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди.

#### **315-м о д д а. Бошқа шахсга ўтадиган кредитор ҳуқуқларининг ҳажми**

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга ҳуқуқ ҳам ўтади.

#### **316-м о д д а. Янги кредитор ҳуқуқларининг исботи**

Ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредитор талаб қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни унга бериши ва талабни амалга ошириш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни билдириши керак.

Қарздор талаблар янги кредиторга ўтганлигини исботловчи ҳужжатлар ўзига тақдим этилмагунча унга нисбатан мажбуриятни бажармасликка ҳақли.

#### **317-м о д д а. Қарздорнинг янги кредитор талабига қарши эътирозлари**

Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтида дастлабки кредиторга қарши эътирозларини янги кредиторнинг талабига қарши қўйишга ҳақли.

#### **318-м о д д а. Кредитор ҳуқуқларининг қонун асосида бошқа шахсга ўтиши**

Кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қуйидаги ҳолларда ўтади:

- 1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий во-рислик натижасида;
- 2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;
- 3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;
- 4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;
- 5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

#### **319-м о д д а. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартлари**

Кредиторнинг ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишига, башарти у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади.

Кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

#### **320-м о д д а. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шакли**

Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўша шаклда амалга оширилиши керак.

Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимни рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олиниши керак.

Ордерли қимматли қоғоз бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу қимматли қоғозга индоссамент (талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ёзуви) йўли билан амалга оширилади.

#### **321-м о д д а. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредиторнинг жавобгарлиги**

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ қарздор бу талабни бажармаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатни олган ҳоллар бундан мустасно.

#### **322-м о д д а. Қарзни бошқа шахсга ўтказиш**

Қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Янги қарздор кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни кредитор талабига қарши қўйишга ҳақли.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавоб беришга рози бўлмасалар, қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан кафиллик ёки учинчи шахс томонидан белгиланган гаров бекор бўлади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш шаклига ушбу Кодекс 320-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидалар тегишинча қўлланилади.

### **323-м о д д а. Қарзни ва ижрони бир пайтда бошқа шахсга ўтказиш**

Қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарзни ёки унинг қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат берилади. Бу ҳолда ҳар иккала қарздор мажбуриятнинг бажарилиши учун солидар жавобгар бўлади.

Қарздорнинг учинчи шахс билан шартномаси асосида учинчи шахс мажбуриятнинг бажарилиши бўйича кредитор олдида эмас, балки фақат қарздор олдида бурчли бўлади.

## **24-БОБ. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

### **324-м о д д а. Қарздорнинг зарарни тўлаш мажбурияти**

Қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, – даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади.

### **325-м о д д а. Неустойка ва зарар**

Агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади.

Қонунда ёки шартномада зарарни эмас, балки фақат неустойкани ундириб олишга йўл қўйилмаган; зарар ҳам неустойкадан ташқари тўла ҳажмда ундириб олиниши мумкин бўлган; кредиторнинг танловига кўра ёки неустойка ёхуд зарар ундириб олиниши мумкин бўлган ҳоллар белгиланиши мумкин.

### **326-м о д д а. Неустойкани камайтириш**

Агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

### **327-м о д д а. Пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик**

Бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан унга тегиши керак бўлган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### **328-м о д д а. Мажбуриятнинг қарздор ҳисобидан бажарилиши**

Қарздор ашёни тайёрлаш ва кредиторга мулк қилиб, хўжалик юритишга ёки оператив бошқаришга топшириш ёхуд ашёни фойдаланиш учун кредиторга бериш ёхуд унинг учун муайян ишни бажариш ёки унга хизмат кўрсатиш мажбуриятини бажармаган тақдирда кредитор, агар қонун ҳужжатларидан, шартномадан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, учинчи шахсларга мажбуриятни оқилона муддатда оқилона баҳоларда ижро этишни топширишга ёнки уни ўз кучлари билан бажаришга ҳамда қарздордан қилинган зарур харажатларни ва бошқа зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### **329-м о д д а. Субсидиар жавобгарлик**

Қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак.

Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин.

Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондиришни субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан низосиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса.

Субсидиар жавобгар шахс ўзига кредитор томонидан қўйилган талабни қондиришдан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огоҳлантириши, борди-ю бундай шахсга нисбатан даъво қўзғатилган бўлса – асосий қарз-



дорни ишда қатнашишга жалб қилиши керак. Акс ҳолда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътирозларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

### **330-м о д д а. Жавобгарлик ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш**

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият лозим даражада бажарилмаган тақдирда неустойка тўлаш ва зарарни қоплаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тўлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

Кечиктириб юбориш оқибатида ўзи учун аҳамиятини йўқотган (ушбу Кодекс 337-моддасининг иккинчи қисми) ижрони кредиторнинг қабул қилишдан бош тортиши, шунингдек воз кечиш ҳақи тарзида белгиланган неустойкани тўлаш (ушбу Кодекснинг 342-моддаси) қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

### **331-м о д д а. Хусусий белгили ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари**

Хусусий белгили ашёни кредиторнинг мулки қилиб, унинг хўжалик юритишига, оператив бошқарувига ёки фойдаланишига топшириш мажбурияти бажарилмаган тақдирда кредитор бу ашёни олиб қўйиш ва мажбуриятда назарда тутилган шартлар асосида ўзига топширишни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳуқуқ ашё бир хил ҳуқуққа эга бўлган учинчи шахсга топширилган бўлса, бекор бўлади. Агар ашё ҳали топширилмаган бўлса, вазият қайси кредиторнинг фойдасига олдинроқ вужудга келган бўлса, ўша кредитор устунликка эга бўлади, башарти буни аниқлаш мумкин бўлмаса, олдин даъво кўзгатган кредитор устунликка эга бўлади.

Кредитор мажбурият нарсаи бўлган ашёни ўзига топширишни талаб қилиш ўрнига, зарарнинг қоплашини талаб қилишга ҳақли.

### **332-м о д д а. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ҳажмини чеклаш**

Мажбуриятларнинг айрим турлари бўйича ҳамда муайян фаолият тури билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қонунда зарарни тўла қоплашга бўлган ҳуқуқ чеклаб қўйилиши мумкин (чекланган жавобгарлик).

Қўшилиш шартномаси ёки кредитор истеъмолчи сифатида иш олиб борувчи фуқаро бўлган бошқа шартнома бўйича қарздорнинг жавобгарлик ҳажмини чеклаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас, башарти мажбуриятларнинг ушбу тури ёки ушбу тартиббузарлик учун жавобгарлик ҳажми қонун билан белгилаб қўйилган бўлса ва агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни келтириб чиқарадиган вазиятлар юз бергунча келишувга эришилган бўлса.

### **333-м о д д а. Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари**

Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим у тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий эмас.

### **334-м о д д а. Учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги**

Башарти, қонун ҳужжатлари ёки шартномада бевосита ижрочи бўлган учинчи шахснинг жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, зиммасига мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахсларнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор жавоб беради.

### **335-м о д д а. Кредиторнинг айби**

Агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

### **336-м о д д а. Икки тарафлама шартномани бажармаслик оқибатлари**

Агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни бажариши мумкин бўлма қолса, иккинчи тараф, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномадан воз кечишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли.

### **337-м о д д а. Ижронинг қарздор ва кредитор томонидан кечиктириб юборилиши**

Ижрони кечиктириб юборган қарздор кечиктириб юбориш туфайли етказилган зарар учун ва кечиктириб юбориш даврида тасодифан ижрони бажариш мумкин бўлмаслиги вужудга келганлиги учун кредитор олдида жавоб беради.

Агар қарздор ижрони кечиктириб юборганлиги туфайли кредитор учун унинг аҳамияти қолмаган бўлса, у ижрони қабул қилишдан бош тортиши ва зарарни тўлашни талаб қилиши мумкин.

Агар кредитор қарздор томонидан таклиф қилинган лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош тортиган бўлса ёки ўзи амалга ошириши керак бўлган ва амалга оширилгунча қарздор ўз мажбуриятини бажара олмаган ҳаракатларни қилган бўлмаса, кредитор муддатни кечиктириб юборган ҳисобланади.

### **338-м о д д а. Кредиторнинг ижрони кечиктириб юбориши оқибатлари**

Кредиторнинг шартнома бўйича ўзига тегишли нарсани қабул қилишни кечиктириб юбориши қарздорга кечиктириб юбориш туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқини беради ва кейинчалик мажбуриятни ижро этиш мумкин бўлмай қолса, уни жавобгарликдан озод қилади, қарздорнинг қасддан иш тутиши ёки қўпол эҳтиётсизлик қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Пул мажбурияти бўйича кредитор ижрони кечиктириб юборган вақт учун қарздор фоиз тўлашга мажбур эмас.

### **339-м о д д а. Ижронинг кечиктириб юборилганлиги учун кредиторни жавобгарликдан озод қилиш**

Агар кредитор ижронинг кечиктириб юборилиши қонунга мувофиқ ёки кредиторнинг топшириғи билан ижрони қабул қилиш вазифаси юклатилган шахслар қасддан иш тутганлиги ёки эҳтиётсизлиги туфайли келиб чиққанлиги ини исботласа, у ижронини кечиктириб юборилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

## **25-БОБ. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ**

### **340-м о д д а. Мажбуриятларнинг бекор бўлиш асослари**

Мажбурият ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Мажбуриятни тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

### **341-м о д д а. Мажбуриятнинг бажарилиши билан бекор бўлиши**

Мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

### **342-м о д д а. Воз кечиш ҳақи**

Тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш,

мол-мулк бериш ва шу кабилар) билан бекор қилиниши мумкин. Воз кечиш ҳақининг миқдори, муддатлари ва уни бериш тартибини тарафлар белгилайдилар.

### **343-м о д д а. Ҳисобга ўтказиш билан мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Ҳисобга ўтказиш учун бир тарафнинг аризаси кифоя қилади.

### **344-м о д д а. Ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмаслиги**

Қуйидаги талабларни ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмайди:

- даъво муддати ўтган талабларни;
- фуқаронинг соғлигига шикаст етиши ёки унинг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабини;
- алиментлар ундириш ҳақидаги талабни;
- умрбод асраш шarti билан уй-жойни бошқа шахсга топшириш талабини;
- қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳоллардаги талабни.

### **345-м о д д а. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида ҳисобга ўтказиш**

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилган тақдирда қарздор ўзининг дастлабки кредиторга муқобил талабини янги кредиторнинг талабига қарши ҳисобга ўтказишга ҳақли.

Агар талаб қарздор бу талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилгани тўғрисидаги билдиришни олган пайтгача мавжуд бўлган асосга кўра вужудга келган бўлса ва талаб қилиш муддати ана шу билдириш олингунча келган бўлса ёки ушбу муддат кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган бўлса, ҳисобга олиш амалга оширилади.

### **346-м о д д а. Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбурият бекор бўлади.

### **347-м о д д а. Мажбурият янгиланиши билан унинг бекор бўлиши**

Тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади.

Ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва алиментларга нисбатан мажбуриятлар хусусида янгиланиш амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Агар тарафларнинг келишувига мувофиқ бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни янгилаш дастлабки мажбурият билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларни бекор қилади.

**348-м о д д а. Қарздан воз кечиш**

Кредитор қарздорни унинг зиммасидаги мажбуриятлардан озод қилиши билан, агар бу ҳол бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, мажбурият бекор бўлади.

**349-м о д д а. Бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Агар тарафлардан биронтаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, у бекор бўлади.

Башарти, қарздор мажбуриятни кредиторнинг айбли ҳаракатлари туфайли бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг мажбурият бўйича бажарганларини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

**350-м о д д а. Мажбуриятнинг давлат органи ҳужжати асосида бекор бўлиши**

Агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади. Бунинг натижасида зарар кўрган тарафлар ушбу Кодекснинг 12 ва 15-моддаларига мувофиқ уни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат органининг мажбурият бекор бўлишига асос бўлган ҳужжати белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилганида, агар тарафларнинг келишувидан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва мажбуриятни бажариш кредитор учун ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса, мажбурият тикланади.

**351-м о д д а. Фуқаро вафот этиши билан мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсий иштирокисиз бажариш мумкин бўлмаса ёки мажбурият бошқача тарзда қарздорнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, қарздор вафот этиши билан мажбурият бекор бўлади.

Агар мажбуриятни бажариш шахсан кредитор учун мўлжалланган ёки мажбурият бошқача тарзда кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, кредитор вафот этиши билан мажбурият бекор бўлади.

**352-м о д д а. Юридик шахс тугатилиши билан мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Юридик шахс (қарздор ёки кредитор) тугатилиши билан мажбурият бекор бўлади, қонун ҳужжатлари билан тугатилган юридик шахснинг мажбуриятларини бажариш бошқа шахс зиммасига юклатилган (ҳаётта ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш талаби ва бошқа талаблар бўйича) ҳоллар бундан мустасно.

**2-кичик бўлим. ШАРТНОМА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****26-боб. ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИ ВА ШАРТЛАРИ****353-м о д д а. Шартнома тушунчаси**

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.

Шартномаларга ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга, агар ушбу бобнинг қоидаларида ва ушбу Кодексда шартномаларнинг айрим турлари тўғрисида баён этилган қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу Кодекснинг 234–352-моддалари) қўлланилади.

Иккитадан ортиқ тарафлар тузадиган шартномаларга, бундай шартномаларнинг кўптарофламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

**354-м о д д а. Шартнома тузиш эркинлиги**

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи ушбу Кодексда, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Шартноманинг шартлари тарафлар келишувидан бошқача тартиб белгилаб қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма (диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шартли диспозитив норма билан белгиланади.

Агар шартнома шартлари тарафлар ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

**355-м о д д а. Ҳақ эвазига ва текинга тузилдиган шартномалар**

Шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажаргани учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўлашни лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади.

Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади.

### **356-м о д д а. Баҳо**

Шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳ.к.) қўлланилади.

Шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

### **357-м о д д а. Шартноманинг амал қилиши**

Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин.

Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажаришининг шартномада белгилаб қўйилган охириги муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

### **358-м о д д а. Оммавий шартнома**

Ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади. Бундай ташкилот оммавий шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси, шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди.

Ташкилот оммавий шартнома тузишдан асосиз бош тортганида ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати оммавий шартномаларни тузиш ва бажаришда тарафлар учун мажбурий бўлган қоидалар (намунавий шартномалар, қоидалар ва ҳ.к.) чиқариши мумкин.

Оммавий шартноманинг ушбу модда иккинчи ва бешинчи қисмлари билан белгилаб қўйилган талабларга мос келмайдиган шартлари ҳақиқий эмас.

### **359-м о д д а. Шартноманинг намунавий шартлари**

Шартномада унинг айрим шартлари тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган намунавий шартлар билан белгиланиши назарда тутилиши мумкин.

Шартномада намунавий шартларга ҳавола қилинмаган ҳолларда бундай намунавий шартлар тарафларнинг муносабатларига иш муомаласи одатлари сифатида қўлланилади.

Намунавий шартлар намунавий шартнома ёки ушбу шартларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжат шаклида ифодаланиши мумкин.

### **360-м о д д а. Қўшилиш шартномаси**

Шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул қилиши мумкин бўлган шартнома қўшилиш шартномаси дейилади.

Агар қўшилиш шартномаси гарчи қонун ҳужжатларига зид бўлмаса-да, бироқ қўшилувчи тарафни одатда ана шундай турдаги шартномалар асосида берилдиган ҳуқуқлардан маҳрум этса, иккинчи тарафнинг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлигини истисно этса ёки чекласа ёхуд унда қўшилган тараф учун очикдан-очиқ оғир бўлган, бу тарафда шартнома шартларини белгилашда қатнашиш имконияти бўлганида у ўзининг манфаатларини кўзлаб қабул қилмайдиган шартлар ёзиб қўйилган бўлса, шартномага қўшилган тараф шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шартномага қўшилган тараф қандай шартлар асосида шартнома тузаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмайди.

### **361-м о д д а. Дастлабки шартнома**

Дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар.

Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади. Дастлабки шартноманинг шакли тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак.

Дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади. Агар дастлабки шартномада бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузилган пайтдан бошлаб бир йил ичида тузилиши шарт.

Дастлабки шартномани тузган тараф асосий шартномани тузишдан бош тортган тақдирда ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Агар тарафлар асосий шартномани тузишлари лозим бўлган муддатнинг охиригача у тузилмаса ёки тарафларнинг биронтаси ҳам иккинчи тарафга ана шундай шартнома тузиш ҳақида таклиф юбормаса, дастлабки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади.

### **362-м о д д а. Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома**

Тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Қарздор кредиторга қарши қўйиши мумкин бўлган эътирозларини шартномада учинчи шахснинг талабларига қарши қўйишга ҳақли.

Учинчи шахс шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, башарти қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, кредитор бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

### **363-м о д д а. Шартномани шарҳлаш**

Суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шarti аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, тарафларнинг ҳақиқий умумий хоҳиш-иродаси шартноманинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бунда барча тегишли ҳолатлар, шу жумладан шартнома тузиш олдидан олиб борилган музокаралар ва ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт, иш муомаласи одатлари, тарафларнинг кейинчалик ўзларини қандай тутганлиги эътиборга олинади.

## **27-БОБ. ШАРТНОМА ТУЗИШ**

### **364-м о д д а. Шартнома тузиш тўғрисидаги асосий қоидалар**

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади.

Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

### **365-м о д д а. Шартноманинг тузилиш пайти**

Оферта йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтда шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ушбу Кодекснинг 185-моддаси).

### **366-м о д д а. Шартноманинг шакли**

Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Агар шартнома тузиш ҳақидаги ёзма таклиф ушбу Кодекс 370-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибда олинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

### **367-м о д д а. Оферта**

Бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак.

Оферта уни йўллаган шахсни оферта йўлланган шахс билан у офертани олган пайтдан бошлаб боғлайди.

Агар офертани чақириб олиш тўғрисидаги билдириш офертанинг ўзидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, оферта олинмаган ҳисобланади.

### **368-м о д д а. Офертанинг чақириб олинмаслиги**

Қабул қилувчи тараф олган оферта уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида чақириб олиниши мумкин эмас, башарти бошқача тартиб офертанинг ўзида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса.

### **369-м о д д а. Офертага таклиф этиш. Оммавий оферта**

Номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, офертага таклиф этиш деб қаралади.

Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф оферта (оммавий оферта) ҳисобланади.

### **370-м о д д а. Акцепт**

Оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади.

Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак.

Агар қонундан, иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

Офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

### **371-м о д д а. Акцептни чақириб олиш**

Агар акцептни чақириб олиш ҳақидаги билдириш оферта юборган шахсга акцептдан олдинроқ ёки у билан бир вақтда етиб келган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

### **372-м о д д а. Акцепт муддати кўрсатилган оферта асосида шартнома тузиш**

Офертада акцепт муддати кўрсатилган бўлса, акцепт оферта йўллаган шахс томонидан унда кўрсатилган муддат мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

### **373-м о д д а. Акцепт муддати кўрсатилмаган оферта асосида шартнома тузиш**

Ёзма офертада акцепт муддати кўрсатилмаган акцепт оферта йўллаган шахс томонидан қонун ҳужжат-

ларида белгилаб қўйилган муддатларда, агар бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса – бунинг учун нормал зарур бўлган вақт мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Оферта акцепт учун муддат кўрсатмасдан оғзаки тарзда қилинганида бошқа тараф уни акцептлаганини дарҳол айтган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

### **374-м о д д а. Кечикиб олинган акцепт**

Акцепт тўғрисида ўз вақтида йўлланган билдириш кечикиб олинган ҳолларда оферта йўллаган тараф бошқа тарафга акцепт кечикиб олинганини дарҳол билдириб қўймаса, акцепт кечиккан ҳисобланмайди.

Агар оферта йўллаган тараф бошқа тарафга унинг кечикиб олинган акцептини қабул қилганини дарҳол маълум қилса, шартнома тузилган ҳисобланади.

### **375-м о д д а. Бошқа шартлар асосидаги акцепт**

Офертада таклиф қилинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик билдириш ҳақидаги жавоб акцепт ҳисобланмайди. Бундай жавоб акцептдан бош тортиш ва айни вақтда янги оферта ҳисобланади.

### **376-м о д д а. Шартноманинг тузилган жойи**

Агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилган бўлмаса, шартнома оферта йўллаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган ҳисобланади.

### **377-м о д д а. Мажбурий тартибда шартнома тузиш**

Ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ оферта (шартнома лойиҳаси) йўлланган тараф учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда бу тараф оферта олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак.

Оферта йўллаган ҳамда шартнома тузиши мажбурий бўлган тарафдан офертани бошқа шартларда акцептлаш тўғрисида билдириш (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) олган тараф бундай билдириш олинган ёки акцепт учун муддат тугаган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга топширишга ҳақли.

Ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиш оферта (шартнома лойиҳаси) йўллаган тараф учун мажбурий бўлган ва унга ўттиз кун мобайнида шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси юбориладиган ҳолларда бу тараф келишмовчиликлар баённомасини олган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга шартномани унинг таҳририда қабул қилишини ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этишини билдириши шарт.

Келишмовчиликлар баённомаси рад этилганида ёки уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги билдириш кўрсатилган муддатда олинмаганида келишмовчиликлар баённомасини йўллаган тараф шартнома ту-

зиш чоғида юз берган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга топширишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатлар тўғрисидаги қоидалар, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса ёки тарафлар уларни келишиб олган бўлмасалар, қўлланилади.

Агар ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу туфайли етказилган зарарларни бошқа тарафга тўлаши керак.

### **378-м о д д а. Шартнома олдидан бўладиган низолар**

Шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликлар ушбу Кодекснинг 377-моддасига мувофиқ қараб чиқиш учун судга берилган ҳолларда шартноманинг тарафлар ўртасида келишмовчиликлар чиқишига сабаб бўлган шартлари суд қарорига мувофиқ белгиланади.

### **379-м о д д а. Ким ошди савдосида шартнома тузиш**

Агар шартноманинг мазмунидан бошқача тартиб аниқлашмаса, у ким ошди савдосини ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Шартнома ким ошди савдосида голиб чиққан шахс билан тузилади.

Ашёнинг мулкдори ёки мулкый ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот ким ошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин. Ихтисослашган ташкилот ашёнинг мулкдори ёки мулкый ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиш асосида иш олиб боради ва улар номидан ёки ўз номидан ҳаракат қилади.

Ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда кўрсатилган ҳолларда ашёни ёки мулкый ҳуқуқни сотиш тўғрисидаги шартномалар фақат ким ошди савдоси ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин.

Ким ошди савдоси аукцион ёки танлов шаклида ўтказилади.

Ким ошди савдосининг шакли, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, сотиладиган ашёнинг мулкдори ёки сотиладиган мулкый ҳуқуқнинг эгаси томонидан белгиланади.

Фақат битта иштирокчи қатнашган аукцион ва танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 380 ва 381-моддаларида назарда тутилган қоидалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суд қарорини ижро этиш тартибида ўтказиладиган ким ошди савдосига нисбатан ҳам қўлланилади.

### **380-м о д д а. Ким ошди савдосини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби**

Аукционлар ва танловлар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ аукционда ва очиқ танловда хоҳлаган шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ аукцион ва ёпиқ танловда шу мақсад учун махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашадилар.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташкилотчи ким ошди савдоси ўтказилиши тўғрисида камида ўттиз кун олдин хабар қилиши керак. Хабарда, ҳар қандай ҳолда ҳам, ким ошди савдосининг вақти, жойи ва шакли, ким ошди савдосига нима қўйилаётгани ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан ким ошди савдосида қатнашни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек бошлангич нарх тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Агар ким ошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилаётган бўлса, бўлажак ким ошди савдоси тўғрисидаги хабарда бунга бериладиган муддат кўрсатилиши керак.

Агар қонунда ёки ким ошди савдоси ўтказилиши ҳақидаги хабарда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хабар берган ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтида, лекин у ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин, танлов ўтказишдан эса – танлов ўтказиладиган кундан камида ўттиз кун олдин бош тортишга ҳақли.

Ким ошди савдосининг ташкилотчиси уни ўтказишдан мазкур муддатларни бузиб бош тортган ҳолларда иштирокчиларнинг кўрган ҳақиқий зарарларини тўлаши шарт.

Ёпиқ аукцион ёки ёпиқ танлов ташкилотчиси хабар юборилганидан кейин айнан қанча муддатда ким ошди савдосидан бош тортганлигидан қатъи назар, ўзи таклиф этган иштирокчиларнинг реал зарарини тўлаши шарт.

Ким ошди савдосининг қатнашчилари ким ошди савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда закат пули тўлайдилар. Агар ким ошди савдоси ўтказилмаса, закат қайтариб берилиши керак. Закат ким ошди савдосида қатнашган, лекин унда голиб чиқмаган шахсларга ҳам қайтариб берилади.

Ким ошди савдосида голиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади.

Ким ошди савдосида голиб чиққан шахс ва ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ёки танлов ўтказилган кун ким ошди савдосининг натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Ким ошди савдосида голиб чиққан шахс баённомани имзолашдан бош тортса, тўлаган закатидан маҳрум бўлади. Баённомани имзолашдан бош тортган ким ошди савдосининг ташкилотчиси закатни икки ҳисса қилиб қайтариши, шунингдек ким ошди савдосида голиб чиққан шахсга ким ошди савдосида қатнашиш туфайли ўзига етказилган зарарнинг закат пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлаши шарт.

Агар ким ошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилган бўлса, бундай шартномани тарафлар ким ошди савдоси тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан кейин кечи билан йигирма кунда ёки хабарда эълон қилинган бошқа муддатда имзолашлари керак. Улардан бири шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, шартнома тузишга мажбур этишни, шунингдек уни тузишдан бош тортиш натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### **381-м о д д а. Ким ошди савдосини ўтказиш қоидаларини бузиш оқибатлари**

Қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган ким ошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Ким ошди савдосини ҳақиқий эмас деб топилши ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади.

## **28-БОБ. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

### **382-м о д д а. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари**

Агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёҳуд тарафларнинг келишувига бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

### **383-м о д д а. Вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш**

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келиша олмagan бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра эса – ўзгартирилиши мумкин, агар айни вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждо-

нийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмagan бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкий манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганда суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган фавқулодда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

### **384-м о д д а. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёҳуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

### **385-м о д д а. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг оқибатлари**

Шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади.

Шартнома бекор қилинганда тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганда эса – суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувига бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар.



Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### 3-кичик бўлим. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ

#### 29-боб. Олди-сотди

##### 1-§. Олди-сотди тўғрисида умумий қоидалар

###### 386-м о д д а. Олди-сотди шартномаси

Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Агар қонунда қимматли қозғалар ва валюта қимматликларининг олди-сотдисига доир махсус қоидалар белгиланган бўлмаса, уларни олиш-сотишга нисбатан ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги товарларни олиш-сотишнинг ўзига хос жиҳатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак, Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)*

Ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар мулкий ҳуқуқларни сотишга нисбатан қўлланади, агар ушбу ҳуқуқлар мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса.

Айрим турдаги олди-сотди (чакана олди-сотди, товарлар етказиб бериш, энергия таъминоти, корхонани сотиш ва бошқалар) шартномаларига нисбатан, агар ушбу Кодекснинг бу турдаги шартномаларга доир қоидаларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

###### 387-м о д д а. Шартноманинг товар тўғрисидаги шарт

Олди-сотди шартномаси бўйича ҳар қандай ашёлар ушбу Кодекснинг 82-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда товар бўлиши мумкин.

Шартнома, агар қонунда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса ёки у товарнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, шартномани тузиш пайтида сотувчида мавжуд бўлган товарни, шунингдек келажақда сотувчи яратадиган ёки оладиган товарни олиш-сотиш ҳақида тузилиши мумкин.

Агар шартнома товарнинг номи ва миқдорини аниқлаш имконини берса, товар тўғрисидаги олди-сотди шартномасининг шартли келишилган ҳисобланади.

###### 388-м о д д а. Товарни топшириш юзасидан сотувчининг мажбуриятлари

Сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарни топшириши шарт.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчига ашёни бериш билан бир вақтда унга мансуб ашёни, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар)ни топшириши шарт.

###### 389-м о д д а. Товарни топшириш мажбуриятини бажариш муддати

Сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятини бажариш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади, агар шартнома бу муддатни аниқлаш имконини бермаса, у ушбу Кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

Белгиланган муддат бузилган тақдирда сотиб олувчида шартноманинг бажарилишига қизиқиш йўқолиши шартномадан аниқ билиниб турса, олди-сотди шартномаси уни қатъий белгиланган муддатда бажариш шартли билан тузилган ҳисобланади. Сотувчи бундай шартномани унда белгиланган муддатдан олдин ёки бу муддат тугагандан сўнг сотиб олувчининг розилигисиз бажаришга ҳақли эмас.

###### 390-м о д д а. Сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш пайти

Башарти, олди-сотди шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириш вазифаси қуйидаги пайтларда бажарилган ҳисобланади:

агар шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарни сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш пайтида;

агар товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтида. Шартномада назарда тутилган муддатда товар тегишли ерда сотиб олувчига топшириш учун тайёр бўлган ва сотиб олувчи шартномаларига мувофиқ товар топширишга тайёр эканлигидан хабардор қилинган вақтда товар сотиб олувчи ихтиёрига топширилган деб ҳисобланади. Агар товарнинг шартнома мақсадларига мослиги тамғалаш ёки бошқа йўл билан тасдиқланган бўлмаса, товар топшириш учун тайёр деб ҳисобланмайди.

Олди-сотди шартномасидан сотувчининг товарни сотиб олувчига етказиб бериш ёки товарни турган ерида сотиб олувчига топшириш мажбурияти келиб чиқмайдиган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига ёки алоқа ташкилотига топшириш пайтида сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

### **391-м о д д а. Сотувчининг сотилган мол-мулкни сақлаш мажбурияти**

Мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ мол-мулкни топширишдан олдин сотиб олувчига ўтган ҳолларда, сотувчи мол-мулкнинг ёмонлашишига йўл қўймай, уни топширгунга қадар сақлаши шарт. Бунинг учун қилинган зарур чиқимларни, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи сотувчига тўлаши шарт.

### **392-м о д д а. Товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфининг ўтиши**

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи сотувчи товарни сотиб олувчига топшириш бўйича ўз мажбуриятини қонун ёки шартномага мувофиқ бажарган деб ҳисобланган пайдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўлда бўлган пайтида сотилган товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи шартнома тузилган пайдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Олди-сотди шартномасининг товар тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи у биринчи ташувчига топширилган пайдан бошлаб сотиб олувчига ўтиши ҳақидаги шarti, агар шартнома тузилган пайтда сотувчи товар йўқолгани ёки шикастлангани билган ёки билиши лозим бўлган бўлса ва бу ҳақда сотиб олувчига маълум қилмаган бўлса, сотиб олувчи талабига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

### **393-м о д д а. Сотувчининг товарни учинчи шахслар ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириш мажбурияти**

Сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириши шарт, сотиб олувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товарни қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно. Бу қондан бажармаслик сотиб олувчига харид нархини камайтиришни ёки олди-сотди шартномасини бекор қилишни ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради, сотиб олувчи бу товарга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлигини билгани ёки билиши лозим бўлгани исботланадиган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар товарни сотиб олувчига топшириш пайтида унга учинчи шахсларнинг даъволари борлиги сотувчига маълум бўлган ҳолларда ҳам, агар бу даъволар кейинчалик белгиланган тартибда қонуний деб тан олинган бўлса, тегишли равишда қўлланади.

### **394-м о д д а. Товарни олиб қўйиш тўғрисида даъво қилинган тақдирда сотиб олувчи ва сотувчининг мажбуриятлари**

Агар учинчи шахс олди-сотди шартномаси бажарилгунга қадар юзага келган асос бўйича товарни олиб

қўйиш тўғрисида сотиб олувчига даъво қилса, сотиб олувчи сотувчини ишда қатнашишга жалб қилиши, сотувчи эса бу ишда сотиб олувчи томонида қатнашиши шарт.

Агар сотувчи, башарти ишда қатнашганида сотилган товар сотиб олувчидан олиб қўйилишининг олдини олган бўлиши мумкинлигини исботлаб берса, сотиб олувчининг сотувчини ишда қатнашишига жалб қилмаслиги сотувчини сотиб олувчи олдидаги жавобгарликдан озод қилади.

Сотиб олувчи томонидан ишда қатнашишга жалб қилинган, бироқ унда қатнашмаган сотувчи сотиб олувчининг ишни нотўғри юритганлигини исботлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

### **395-м о д д а. Сотиб олувчидан товар олиб қўйилган тақдирда сотувчининг жавобгарлиги**

Олди-сотди шартномаси бажарилгунга қадар вужудга келган асослар бўйича учинчи шахслар сотиб олувчидан товарни олиб қўйган ҳолларда сотувчи сотиб олувчига у кўрган зарарни қоплаши лозим, сотиб олувчи бундай асосларнинг мавжудлигини билган ёки билиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Олинган товар учинчи шахслар томонидан сотиб олувчидан талаб қилиб олинмаган ҳолларда тарафларнинг сотувчини жавобгарликдан озод қилиш ёки унинг жавобгарлигини чеклаш тўғрисидаги келишуви ҳақиқий эмас.

### **396-м о д д а. Сотувчи товарни топширишдан бош тортишининг оқибатлари**

Агар сотувчи сотилган товарни сотиб олувчига топширишдан бош тортса, сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Сотувчи хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни топширишдан бош тортса, сотиб олувчи сотувчига ушбу Кодекснинг 331-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли.

### **397-м о д д а. Товарга мансуб ашёларни ва ҳужжатларни топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари**

Агар сотувчи қонун ҳужжатларига ёки олди-сотди шартномасига мувофиқ топшириши шарт бўлган (ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисми) товарга мансуб ашёлар ёки ҳужжатларни сотиб олувчига топширмаса ёки топширишдан бош тортса, сотиб олувчи уларни топшириш учун унга оқилона муддат тайинлашга ҳақли.

Товарга мансуб ашёлар ёки ҳужжатлар сотувчи томонидан кўрсатилган муддатда топширилмаса, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи товардан воз кечишга ҳақли.

### **398-м о д д а. Товарнинг миқдори**

Сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган товарнинг миқдори олди-сотди шартномасида тегишли ўлчов бирликларида ёки пулда назарда тутилади. Товарнинг миқдори тўғрисидаги шарт шартномада уни аниқлаш тартибини белгилаш йўли билан келишилиши мумкин.

Агар олди-сотди шартномаси топширилиши лозим бўлган товар миқдорини аниқлаш имконини бермаса, шартнома тузилмаган ҳисобланади.

### **399-м о д д а. Шартноманинг товар миқдори тўғрисидаги шартларини бузиш оқибатлари**

Сотувчи олди-сотди шартномаси шартларини бузиб, сотиб олувчига шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширган бўлса, сотиб олувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ё товарнинг етишмаётган миқдорини топширишни талаб қилишга, ё топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю унинг ҳақи тўланган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасида кўрсатилганидан ортиқ миқдорда товар берган тақдирда, сотиб олувчи бу ҳақда ушбу Кодекс 416-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда сотувчига маълум қилиши лозим. Агар сотиб олувчидан хабар олганидан сўнг сотувчи оқилона муддатда тегишли товарни тасарруф қилмаса, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи товарнинг ҳаммасини қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчи олди-сотди шартномасида кўрсатилганидан ортиқ миқдорда товар қабул қилиб олган тақдирда, агар тарафларнинг келишуви билан бошқа баҳо белгиланган бўлмаса, тегишли товар учун шартномада белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

### **400-м о д д а. Товарларнинг ассортименти**

Агар олди-сотди шартномасига кўра товарлар тур, модель, ўлчам, ранг ва бошқа белгилари (ассортимент) бўйича муайян нисбатда топширилиши лозим бўлса, сотувчи товарларни сотиб олувчига тарафлар келишган ассортиментда топшириши шарт.

Агар олди-сотди шартномасида ассортимент белгиланмаган ҳамда шартномада уни белгилаш тартиби кўрсатилмаган бўлса, лекин мажбурийат моҳиятидан товарлар сотиб олувчига ассортимент бўйича топширилиши лозимлиги келиб чиқса, сотувчи сотиб олувчига товарларни сотиб олувчининг шартнома тузиш пайтида сотувчига маълум бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқадиган ассортиментда топширишга ёки шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

### **401-м о д д а. Шартноманинг товар ассортименти тўғрисидаги шартини бузиш оқибатлари**

Сотувчи олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарларни шартномага мос келмайдиган ассортиментда топширган тақдирда сотиб олувчи уларни қабул қилишдан ва ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотувчи сотиб олувчига ассортименти олди-сотди шартномасига мос келадиган товарлар билан бир қаторда ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарлар ҳам топширган бўлса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра:

шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлган товарларни қабул қилиш ва қолган товарларни қабул қилишдан бош тортиш;

топширилган барча товарларни қабул қилишдан бош тортиш;

шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлмаган товарларни шартномада назарда тутилган ассортиментдаги товарларга алмаштириб беришни талаб қилиш;

топширилган барча товарларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчи ассортименти олди-сотди шартномаси шартларига мос келмайдиган товарларни қабул қилишдан бош тортишга ёки ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарларни алмаштиришни талаб қилганида бу товарлар ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳам ҳақли.

Агар сотиб олувчи шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос келмайдиган товарларни олганидан сўнг уларни қабул қилишдан бош тортиши тўғрисида оқилона муддатда сотувчига хабар қилмаса, бундай товарлар қабул қилинган ҳисобланади.

Агар сотиб олувчи ассортименти шартномага мос келмайдиган товарларни қабул қилишдан бош тортишга, бу товарларнинг ҳақини сотувчи билан келишилган баҳода тўлаши шарт. Сотувчи баҳонини келишиш бўйича оқилона муддатда зарур чоралар кўрмаган тақдирда, сотиб олувчи товарлар ҳақини одатда шартнома тузиш пайтидаги ўхшаш вазиятларда худди шундай товарларга берилган баҳода тўлайди.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу модда қоидалари қўлланади.

### **402-м о д д а. Товарнинг сифати**

Сотувчи сотиб олувчига сифати олди-сотди шартномасига мос келадиган товарни топшириши шарт.

Олди-сотди шартномасида товарнинг сифати тўғрисидаги шартлар кўрсатилмаганда, сотувчи сотиб олувчига белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт.

Агар сотиб олувчи шартнома тузиш пайтида сотувчига товарни қандай аниқ мақсадлар учун сотиб олаётганини хабар қилган бўлса, сотувчи сотиб олувчига ушбу мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт.

Товар намунаси бўйича ва (ёки) таърифи бўйича сотилганда сотувчи сотиб олувчига намуна ва (ёки) таърифга мос келадиган товарни топшириши шарт.

Агар қонунда белгиланган тартибга мувофиқ, сотилаётган товар сифатига нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи сотиб олувчига ушбу мажбурий талабларга жавоб берадиган товарни топшириши шарт.

Сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ қонунда назарда тутилган тартибда товарнинг сифатига қўйилган мажбурий талабларга қараганда юқорироқ талабларга жавоб берадиган товар топширилиши мумкин.

**403-м о д д а. Товар сифатининг кафолати**

Сотувчи сотиб олувчига топшириши лозим бўлган товар уни сотиб олувчига топшириш пайтида ушбу Кодекснинг 402-моддасида назарда тутилган талабларга, агар товарнинг ушбу талабларга мувофиқлигини аниқлашнинг бошқа пайти олди-сотди шартномасида назарда тутилган бўлмаса, жавоб бериши ва оқилона муддат давомида белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлиши керак.

Олди-сотди шартномасида сотувчининг товар сифатига кафолат бериши назарда тутилган тақдирда, сотувчи сотиб олувчига шартномада белгиланган муайян вақтда (кафолат муддатида) ушбу Кодекснинг 402-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган товарни топшириши лозим.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар сифатининг кафолати барча бутловчи буюмларга ҳам тегишли бўлади.

**404-м о д д а. Товарнинг кафолат муддатини ҳисоблаш**

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайдан эътиборан ўта бошлайди.

Агар сотиб олувчи сотувчига боғлиқ бўлган ҳолатлар туфайли олди-сотди шартномасида кафолат муддати белгиланган товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлса, сотувчи тегишли ҳолатларни бартараф этмагунча кафолат муддатининг ўтиши бошланмайди.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 416-моддасида белгиланган тартибда сотувчига товарнинг камчиликлари ҳақида хабар қилиш шарти билан кафолат муддати товарда аниқланган камчиликлар туфайли ундан фойдаланиб бўлмаган вақтга узайтирилади.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бутловчи буюмнинг кафолат муддати асосий буюмнинг кафолат муддатига тенг ҳисобланади ва асосий буюмнинг кафолат муддати билан бир вақтда ўта бошлайди.

Товар (бутловчи буюм) алмаштирилганда кафолат муддати янгидан ўта бошлайди.

**405-м о д д а. Товарнинг яроқлилик муддати**

Қонун ҳужжатларида, шу жумладан давлат стандартларида товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади деб ҳисобланадиган вақт (яроқлилик муддати) белгиланиши мумкин.

Сотувчи яроқлилик муддати белгиланган товарни сотиб олувчига шундай мўлжал билан топшириши керакки, токи ундан яроқлилик муддати тугагунга қадар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлсин.

**406-м о д д а. Товарнинг яроқлилик муддатини ҳисоблаш**

Товарнинг яроқлилик муддати товар тайёрланган кундан бошлаб фойдаланиш учун яроқли бўлган давр билан ёки товар фойдаланиш учун яроқли бўлиб турадиган сана билан белгиланади.

**407-м о д д а. Товарнинг сифатини текшириш**

Агар қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида товарнинг сифатини текшириш назарда тутилган бўлса, текшириш уларда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Давлат стандартларида, стандартлаштириш бўйича бошқа норматив ҳужжатларда товарнинг сифатини текширишга нисбатан мажбурий талаблар белгиланган ҳолларда сифат улардаги кўрсатмаларга мувофиқ равишда текширилиши лозим.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида белгиланган тартибда товарнинг сифатини текшириш шартлари назарда тутилган бўлмаса, товарнинг сифати иш муомаласи одатларига ёки олди-сотди шартномаси бўйича топширилиши лозим бўлган товарни текширишнинг, одатда қўлланиладиган бошқа шартларига мувофиқ текширилиши лозим.

Агар қонун ҳужжатларида, шу жумладан давлат стандартларида ёки олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топшириладиган товар сифатини текшириш (синаш, таҳлил қилиш, кўздан кечириш ва ҳоказо) мажбурияти назарда тутилган бўлса, сотиб олувчининг талаби билан сотувчи унга товар сифати текширилганининг исботини тақдим қилиши лозим.

Сотувчи ва сотиб олувчи томонидан товарнинг сифатини текшириш айнан бир хил шартларда амалга оширилиши лозим.

**408-м о д д а. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни топшириш оқибатлари**

Агар товарнинг камчиликлари сотувчи томонидан маълум қилинмаган бўлса, тегишли даражада сифатли бўлмаган товар топширилган сотиб олувчи ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

Товарнинг бутлигига кирадиган қисми тегишли даражада сифатли бўлмаса, сотиб олувчи мазкур товарга нисбатан ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақли.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни сотган шахс уни тайёрлаган бўлмаса, товарни алмаштириш ёки унинг камчиликларини текинга бартараф этиш ҳақидаги талаблар сотувчига ёки товарни тайёрловчига қўйилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар, агар мазкур Кодекс ёки бошқа қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, қўлланилади.

**409-м о д д а. Товарнинг сотувчи жавобгар бўладиган камчиликлари**

Агар сотиб олувчи товардаги камчиликлар товар сотиб олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки шу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исбот қилиб берса, сотувчи товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

Агар сотувчи сифатига ўзи кафолат берган товардаги камчиликлар уни сотиб олувчига топширгандан сўнг сотиб олувчи товардан фойдаланиш ёки уни сақлаш қоидаларини бузганлиги ёки учинчи шахслар ҳаракати туфайли ёки олдини олиб бўлмайдиган куч

таъсирида пайдо бўлганини исботлай олмаса, сотувчи бу товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

#### **410-м о д д а. Топширилган товарнинг камчиликларини аниқлаш муддатлари**

Агар қонунда ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг камчиликлари ушбу моддада белгиланган муддатларда аниқланган тақдирда, сотиб олувчи товарнинг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Товарнинг кафолат муддати ёки яроқлилиқ муддати белгиланмаган ҳолларда, камчиликлар билан боғлиқ талаблар сотиб олувчи томонидан, агар қонунда ёки олди-сотди шартномасида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, камчиликлар оқилона муддатда, бироқ товар сотиб олувчига топширилган кундан бошлаб икки йил давомида аниқлангандагина қўйилиши мумкин. Ташиб берилиши ёки алоқа ташкилоти орқали жўнатилиши лозим бўлган товарнинг камчиликларини аниқлаш муддати товар белгиланган жойда олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар товарга кафолат муддати белгиланган бўлса, товарнинг камчиликлари кафолат муддатида аниқланганида сотиб олувчи товарнинг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Агар олди-сотди шартномасида бутловчи буюмга асосий буюмга нисбатан камроқ кафолат муддати белгиланган бўлса, сотиб олувчи асосий буюмнинг кафолат муддатида бутловчи буюмнинг камчиликларини аниқласа, бу камчиликлар тўғрисида талаб қўйишга ҳақли.

Агар олди-сотди шартномасида бутловчи буюмга асосий буюмнинг кафолат муддатига нисбатан узоқроқ кафолат муддати белгиланган бўлса, бутловчи буюмда кафолат муддатида камчиликлар аниқланган тақдирда, асосий буюмнинг кафолат муддати ўтган-ўтмаганлигидан қатъи назар, сотиб олувчи товарнинг камчиликлари тўғрисида талаб қўйишга ҳақли.

Яроқлилиқ муддати белгиланган товарга нисбатан, агар камчиликлар товарнинг яроқлилиқ муддатида аниқланган бўлса, сотиб олувчи унинг камчиликлари тўғрисида талаблар қўйиши мумкин.

Товарнинг камчиликлари сотиб олувчи томонидан кафолат муддати ёки яроқлилиқ муддати тугаганидан сўнг аниқланган ҳолларда, сотиб олувчи товардаги камчиликлар товар сотиб олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки бу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исбот қилиб берса, сотувчи камчиликлар учун жавобгар бўлади.

#### **411-м о д д а. Товарнинг бутлиги**

Сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасининг бутлик тўғрисидаги шартларига мувофиқ бўлган товарни топшириши шарт.

Олди-сотди шартномасида товарнинг бутлиги белгиланмаган ҳолларда сотувчи сотиб олувчига бутлиги иш муомаласи одатлари ёки одатда қўйиладиган бошқа талаблар билан белгиланадиган товарни бериши шарт.

#### **412-м о д д а. Бут товарлар**

Агар олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига муайян товарлар тўпламини бут ҳолида (бут

товарлар) бериш мажбурияти белгиланган бўлса, бут ҳолдаги барча товарлар берилган пайтдан бошлаб мажбурият бажарилган ҳисобланади.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотувчи бут ҳолдаги барча товарларни сотиб олувчига бир вақтда топшириши лозим.

#### **413-м о д д а. Бут бўлмаган товарни топшириш оқибатлари**

Бут бўлмаган товар топширилган тақдирда, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра сотувчидан:

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни; товарни оқилона муддатда бутлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар сотувчи оқилона муддатда сотиб олувчининг товарни бутлаш тўғрисидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра:

бутланмаган товарни бут товарга алмаштиришни талаб қилишга;

олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ва товар учун тўланган пул суммасини қайтариб беришни, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган оқибатлар сотувчининг сотиб олувчига бут товарларни топшириш мажбурияти бузилган ҳолларда ҳам қўлланилади.

#### **414-м о д д а. Идиш ва ўраш**

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотувчи сотиб олувчига товарни идишда ёки ўралган ҳолда топшириши шарт, ўз хусусиятига кўра идишга жойлаш ва (ёки) ўрашни талаб қилмайдиган товар бундан мустасно.

Агар олди-сотди шартномасида идиш ва ўраш ҳақида талаблар белгиланган бўлмаса, товар бундай товар учун одатдаги усулда, у бўлмаганда – сақлаш ва транспортда ташишнинг оддий шароитларида бундай турдаги товарнинг сақланишини таъминлайдиган усулда идишга жойлаштирилиши ва (ёки) ўралиши лозим.

Агар қонунда белгиланган тартибда идиш ва (ёки) ўрашга нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи сотиб олувчига товарни ушбу мажбурий талабларга мос келадиган идишда ва (ёки) ўралган ҳолда топшириши шарт.

#### **415-м о д д а. Товарни идишсиз ва (ёки) ўрамаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойламаган ва (ёки) тегишли даражада ўрамаган ҳолда топшириш оқибатлари**

Идишга жойланиши ва (ёки) ўралиши лозим бўлган товар сотиб олувчига идишсиз ва (ёки) ўрамаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойламаган ва (ёки) тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, агар олди-сотди шартномасидан, мажбурият моҳияти ёки

товарнинг хусусиятидан бошқа ҳол келиб чиқмаса сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва (ёки) ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва (ёки) ўрашни алмаштиришни талаб қилишга ҳақли. Сотувчига юқоридаги талабларни қўйиш ўрнига, сотиб олувчи унга сифати тегишли даражада бўлмаган товарни топширишдан келиб чиқадиган, ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли.

#### **416-м о д д а. Олди-сотди шартномаси тегишли даражада бажарилмагани ҳақида сотувчини хабардор қилиш**

Сотиб олувчи олди-сотди шартномасининг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва (ёки) ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида қонун ҳужжатларида ёки шартномада кўзда тутилган муддатда, агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг тегишли шarti бузилганлиги товарлар хусусияти ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим бўлганидан сўнг оқилона муддатда сотувчига маълум қилиши шарт.

Сотиб олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятни бажармаган тақдирда, сотувчи бу ҳол сотиб олувчининг талабларини қаноатлантириб бўлмайдиган қилиб қўйганини ёки сотувчи олди-сотди шартномаси шартлари бузилгани ҳақида ўз вақтида хабардор қилинганда сарфлаши мумкин бўлган маблағларга нисбатан номутаносиб харажатларга олиб келишини исботласа, у сотиб олувчининг тегишли талабларини қондиришдан тўлиқ ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Агар сотувчи сотиб олувчига топширилган товарлар олди-сотди шартномаси шартларига жавоб бермаслигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, у сотиб олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятни бажармаганлигини ваҳ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас.

#### **417-м о д д а. Сотиб олувчининг товарни қабул қилиш мажбурияти**

Сотиб олувчи ўзига сотувчи томонидан топширилган товарни қабул қилиб олиши шарт, у товарни алмаштириб беришни талаб қилиш ёки олди-сотди шартномасини бажаришни рад этишга ҳақли бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тегишли товарни топшириш ва олишни таъминлаш учун ўзи томонидан зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасини бузган ҳолда товарни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан бош тортса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

#### **418-м о д д а. Товарнинг баҳоси**

Сотиб олувчи товар ҳақини ушбу Кодекснинг 356-моддасига мувофиқ белгиланадиган баҳода тўлаши, шунингдек қонун ҳужжатлари, олди-сотди шарт-

номаси ёки одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни ўз ҳисобидан бажариши лозим.

Товарнинг баҳоси унинг оғирлигига қараб белгиланадиган бўлса, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у соф оғирлиги бўйича аниқланади.

Агар олди-сотди шартномасида товарнинг баҳоси уни белгилайдиган кўрсаткичлар (таннарх, харажатлар ва ҳоказо)га қараб ўзгартирилиши лозимлиги назарда тутилган бўлса, аммо шу билан бирга, баҳони қайта кўриб чиқиш усули белгиланган бўлмаса, баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайтдаги ва товарни топшириш пайтидаги ўзаро нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажаришни кечиктириб юборганида баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайтдаги ва шартномада назарда тутилган товар топшириладиган пайтдаги, агар шартномада товарни топшириш пайти назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ аниқланган пайтдаги нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

#### **419-м о д д а. Товар ҳақини тўлаш**

Агар қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасининг шартларидан товар баҳосини муайян муддатда тўлаш мажбурияти келиб чиқмаса, сотиб олувчи уни сотувчи ўзига товарни ёки ушбу товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг кечиктирмасдан тўлаши лозим.

Агар олди-сотди шартномасида товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи сотувчига топширилган товарнинг тўлиқ баҳоси миқдоридан ҳақ тўлаши лозим.

Агар сотиб олувчи олди-сотди шартномасига мувофиқ топширилган товар ҳақини ўз вақтида тўламаса, сотувчи товар ҳақини ва ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бузган ҳолда товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлашдан бош тортса, сотувчи ўз ихтиёрига кўра товар ҳақини тўлашни талаб қилиш ёки шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Сотувчи олди-сотди шартномасига мувофиқ сотиб олувчига ҳақи тўланмаган товарлардан ташқари бошқа товарларни ҳам топшириши лозим бўлганда, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у ушбу товарларни топширишни аввал топширилган барча товарлар ҳақи батамом тўлангунга қадар тўхташиб қўйишга ҳақли.

#### **420-м о д д а. Товар ҳақини олдиндан тўлаш**

Олди-сотди шартномасида сотувчи товарни топширишидан олдин сотиб олувчи унинг ҳақини тўлиқ ёки қисман тўлаш (олдиндан ҳақ тўлаш) мажбурияти назарда тутилган ҳолларда, сотиб олувчи товар ҳақини шартномада назарда тутилган муддатда, агар шартно-

мада бундай муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ белгиланган муддатда тўлаши лозим.

Сотиб олувчи олди-сотди шартномасида назарда тутилган товар ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда ушбу Кодекснинг 256-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Олдиндан тўланган суммани олган сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда сотиб олувчи ҳақи тўланган товарни топширишни ёки сотувчи топширмаган товар учун олдиндан тўланган суммани қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотувчи олдиндан ҳақи тўланган товарни топшириш мажбуриятини бажармаса ва олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, олдиндан тўланган сумма учун ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ, товарни топшириши лозим бўлган кундан бошлаб товар сотиб олувчига топширилган ёки унга олдиндан тўлаган суммаси қайтариб берилган кунгача фоизлар тўланиши лозим. Шартномада сотувчининг олдиндан тўланган сумма учун фоизларни бу сумма сотиб олувчидан олинган кундан бошлаб тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

#### **421-м о д д а. Насияга сотилган товар ҳақини тўлаш**

Олди-сотди шартномасида товар ҳақини у сотувчига топширилганидан сўнг маълум вақт ўтгач тўлаш (товарни насияга сотиш) назарда тутилган ҳолларда сотиб олувчи товар ҳақини шартномада кўрсатилган муддатда, агар шартномада бундай муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ белгиланган муддатда тўлаши лозим.

Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажармаса, ушбу Кодекснинг 256-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Товарни олган сотиб олувчи унинг ҳақини тўлаш бўйича олди-сотди шартномасида белгиланган мажбуриятни бажармаган ҳолларда сотувчи топширилган товар ҳақини тўлашни ёки ҳақи тўланмаган товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотиб олувчи топширилган товар ҳақини тўлаш мажбуриятини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда бажармаган ва ушбу Кодексда ёки олди-сотди шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, кечикиб тўланган сумма учун ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ шартномага биноан товар ҳақи тўланиши лозим бўлган кундан бошлаб сотиб олувчи товар ҳақини тўлаган кунгача фоизлар тўланиши лозим.

Олди-сотди шартномасида сотиб олувчининг сотувчи томонидан товар топширилган кундан бошлаб товар баҳосига тенг бўлган сумма учун фоизлар тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни насияга сотиш у сотилган кундаги нархларда амалга оширилади.

Товар сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб унинг ҳақи тўлаб бўлингунга қадар насияга сотилган товар сотиб олувчи томонидан товар ҳақини тўлаш мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун сотувчида гаровда турган деб ҳисобланади.

#### **422-м о д д а. Товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш**

Товарни насияга сотиш шартномасида товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шартни билан товарни насияга сотиш шартномасида олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари билан бир қаторда товар баҳоси, тўловларнинг тартиби, муддатлари ва миқдори кўрсатилган бўлса, бундай шартнома тузилган ҳисобланади.

Сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шартни билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

#### **423-м о д д а. Товарни суғурталаш**

Агар шартномада сотувчи ёки сотиб олувчининг товарни суғурталаш мажбурияти назарда тутилган бўлса, бироқ унда суғурталаш шартлари ва товар суғурталанадиган энг кам сумма белгиланмаган бўлса, суғурталаш шартномасида назарда тутилган суғурта пули товар баҳосидан кам бўлиши мумкин эмас.

Товарни суғурталашни лозим бўлган тараф шартнома шартларига мувофиқ суғурталашни амалга оширмаган ҳолларда бошқа тараф товарни суғурталашга ва суғурталашни лозим бўлган тарафдан суғурта харажатларини қоплашни талаб қилишга ёки шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

#### **424-м о д д а. Мулк ҳуқуқининг сотувчи ихтиёрида сақланиб қолиши**

Олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топширилган товарга мулк ҳуқуқи товар ҳақи тўлангунга ёки бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар сақланиши назарда тутилган ҳолларда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у товарнинг вазифасидан ва унинг хусусиятларидан келиб чиқмаса, сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча товарни ўзгага беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Топширилган товарнинг ҳақи олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда тўланмаганда ёки мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтадиган бошқа ҳолатлар юз бермаганда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчидан товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

## **2-§. ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ**

#### **425-м о д д а. Чакана олди-сотди шартномаси**

Чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзгорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади.

Чакана олди-сотди шартномаси оммавий ҳисобланади.

#### **426-м о д д а. Товарнинг оммавий офертаси**

Чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартларини ўз ичига олган ҳолда, товар рекламаси, каталоглар, шунингдек товарнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифлари орқали товар таклиф қилиш оммавий оферта деб ҳисобланади (ушбу Кодекс 369-моддасининг иккинчи қисми).

Товарларни кўргазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намойиш қилиш ёки савдо бўлаётган жойда сотилаётган товарлар ҳақида маълумотлар (таърифлар, каталоглар, фотосуратлар ва ҳоказолар) бериш, сотувчи тегишли товарлар сотишга мўлжалланмаганлигини аниқ белгилаган ҳоллардан ташқари, нархи ва олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилган-кўрсатилмаганидан қатъи назар, оммавий оферта деб ҳисобланади.

#### **427-м о д д а. Сотиб олувчига товар ҳақида ахборот бериш**

Сотувчи сотишга таклиф қилинган товар тўғрисида сотиб олувчига зарур ва тўғри ахборотни унинг мазмуни ва уни тақдим этиш усулига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ёки одатда чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериши шарт.

Сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, ўз олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни, агар бу ҳол товарнинг хусусияти туфайли истисно қилинмаса ва чакана савдода қабул қилинган қоидаларга зид бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

Агар сотиб олувчига сотиш жойида ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган товар тўғрисидаги ахборотни дарҳол олиш имкони берилмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавоб беради.

#### **428-м о д д а. Товарнинг сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда қабул қилиниши шarti билан сотиш**

Тарафлар сотиб олувчи товарни шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олиши шarti билан чакана олди-сотди шартномаси тузишлари мумкин, бу муддат мобайнида товар бошқа сотиб олувчига сотилиши мумкин эмас.

Агар чакана олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномада белгиланган муддатда сотиб олувчининг товарни қабул қилиш

учун келмаслиги ёки бошқа зарур ҳаракатларни амалга оширмаслигини сотувчи сотиб олувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши деб қаралиши мумкин.

Сотувчининг товарни сотиб олувчига чакана олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда топширишни таъминлаш борасидаги қўшимча ҳаражатлари, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг баҳосини а қўшилади.

#### **429-м о д д а. Товарни намуна бўйича сотиш**

Тарафлар товарни намуна (таъриф, каталог ва ҳоказо) бўйича олиш-сотиш шартномасини тузишлари мумкин.

Товарни намуна бўйича сотиш шартномаси ушбу Кодекс 431-моддасининг қоидаларига мувофиқ бажарилади.

Сотиб олувчи товар топширилгунга қадар сотувчининг чакана олди-сотди шартномасини бажаришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ зарур ҳаражатларини қоплаш шarti билан шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

#### **430-м о д д а. Автоматдан фойдаланган ҳолда товар сотиш**

Товар автоматдан фойдаланиб сотиладиган ҳолларда автомат эгаси сотувчининг номи (фирма номи), у жойлашган манзил, иш тартиби, шунингдек сотиб олувчи товарни олиш учун амалга ошириши зарур бўлган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни автоматга жойлаштириш ёки бошқача усулда сотиб олувчига тақдим қилиш йўли билан унга товар сотувчи тўғрисидаги ахборотни етказиши лозим.

Сотиб олувчи товарни олиш учун зарур ҳаракатларни амалга оширган пайтдан бошлаб автоматдан фойдаланган ҳолда чакана олди-сотди шартномаси тузилган ҳисобланади.

Агар сотиб олувчига ҳақи тўланган товар топширилмаса, сотувчи сотиб олувчига товар зудлик билан топширилишини ёки у тўлаган сумма қайтариб берилишини таъминлаши шарт. Бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Автоматдан пулни майдалаш, тўлов белгиларини сотиб олиш ёки валюта алмаштириш учун фойдаланилган тақдирда, агар мажбурият моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, чакана олди-сотди қоидалари қўлланади.

#### **431-м о д д а. Товарни сотиб олувчига етказиб бериш шarti билан сотиш**

Чакана олди-сотди шартномаси товарни сотиб олувчига етказиб бериш шarti билан тузилган ҳолларда сотувчи шартномада белгиланган муддатда товарни сотиб олувчи кўрсатган жойга, агар сотиб олувчи товарни етказиб бериш жойини кўрсатмаган бўлса, сотиб олувчи фуқаро истиқомат қиладиган ёки юридик шахс жойлашган манзилга етказиб бериши лозим.

Агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, товар сотиб олувчига, у бўлмаганда эса – шартнома тузилганидан ёхуд товарни етказиб бериш расмийлаштирилганидан гувоҳлик



берадиган квитанция ёки бошқа ҳужжатни тақдим қилган ҳар қандай шахсга топширилган пайтдан бошлаб чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан бажарилган ҳисобланади.

Чакана олди-сотди шартномасида товарни сотиб олувчига топшириш учун етказиб бериш вақти белгиланмаган ҳолларда товар сотиб олувчидан талаб тушганидан кейин оқилона муддатда етказиб берилиши лозим.

#### **432-м о д д а. Товар баҳоси ва унинг ҳақини тўлаш**

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотиб олувчи товар ҳақини чакана олди-сотди шартномаси тузилган пайтда сотувчи томонидан эълон қилинган баҳода тўлаши лозим.

Чакана олди-сотди шартномасида товарнинг ҳақини олдиндан тўлаш назарда тутилган ҳолларда, агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчининг товар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаслиги унинг шартномани бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланади.

Товарларни насияга чакана олиш-сотиш ҳақида тузилган, шу жумладан сотиб олувчининг товарлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаши шарт билан тузилган шартномаларга нисбатан ушбу Кодекс 421-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланмайди.

Сотиб олувчи товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашнинг шартномада белгиланган даврида истаган вақтида товар ҳақини батамом тўлашга ҳақли.

#### **433-м о д д а. Тегишли сифатли товарни алмаштириш**

Сотиб олувчи ўзига ноозик-овқат товари топширилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида, агар бундан узоқроқ муддат сотувчи томонидан эълон қилинмаган бўлса, харид қилинган тегишли сифатли товарни харид жойида ёки сотувчи эълон қилган бошқа жойларда ўлчами, шакли, ҳажми, андазаси, ранги, тўплами бошқача бўлган худди шундай товарга алмаштиришга ҳақли, бунда у нархларда фарқ бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китобни амалга оширади.

Сотувчида алмаштириш учун зарур товар бўлмаганида сотиб олувчи харид қилинган товарни сотувчига қайтариб бериш ва унга тўланган пул суммасини олиш ҳуқуқига эга.

Агар товардан фойдаланилмаган, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган бўлса ва ушбу сотувчидан сотиб олинганнинг исботи бўлса, сотиб олувчининг товарни алмаштириш ёки қайтариб олиш ҳақидаги талаби қаноатлантирилиши лозим.

Ушбу моддада кўрсатилган асослар бўйича алмаштирилмайдиган ёки қайтариб олинмайдиган товарлар рўйхати қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади.

#### **434-м о д д а. Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида унинг ҳуқуқлари**

Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шарт-

нома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни; кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

#### **435-м о д д а. Товарни алмаштирганда, харид нархини камайтирганда ва сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтарганда баҳолардаги фарқни тўлаш**

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни сифати тегишли даражада бўлган бошқа товарга алмаштириш чоғида сотувчи товарнинг чакана олди-сотди шартномасида белгиланган баҳоси билан товарни алмаштириш ёки суд томонидан товарни алмаштириш тўғрисида қарор чиқариш пайтида мавжуд бўлган товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни худди шундай, бироқ ўлчами, андазаси, нави ва бошқа белгилари ўзгача бўлган тегишли даражада сифатли товарга алмаштириш чоғида алмаштирилаётган товарнинг алмаштириш пайтидаги баҳоси билан сифати тегишли даражада бўлмаган товар ўрнига берилаётган товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқ тўлашни лозим. Агар сотиб олувчининг талаби сотувчи томонидан қондирилмаса, бу баҳолар суд товарни алмаштириш тўғрисида қарор чиқарган пайт бўйича аниқланади.

Товарнинг харид нархини мутаносиб равишда камайтириш тўғрисида талаб қўйилган тақдирда товарнинг баҳосини пасайтириш тўғрисида талаб қўйилган пайтдаги, агар сотиб олувчининг талаби ихтиёрий суратда қондирилмаган бўлса, суд баҳони мутаносиб равишда камайтириш тўғрисида қарор чиқарган пайтдаги баҳоси инobatга олинади.

Сотувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтариб бериш чоғида сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномасида белгиланган товарнинг баҳоси билан унинг талаби ихтиёрий суратда қондирилган вақтдаги, агар талаб ихтиёрий суратда қондирилмаган бўлса, суд қарор чиқарган пайтдаги тегишли товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### **436-м о д д а. Сотувчининг жавобгарлиги ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш**

Сотувчи чакана олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

## **3-§. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ**

### **437-м о д д а. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси**

Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

### **438-м о д д а. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг амал қилиш муддати**

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувига назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади.

Агар узоқ муддатли шартномада етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдори ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгиланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларни шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгиланиши лозим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома тегишинча бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

Узоқ муддатли шартнома тарафларидан бири етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорини ёки шартноманинг бошқа шартларини кейинги даврлар учун шартномада белгиланган тартибда келишиб олишни рад қилган ёки ундан бош тортиган тақдирда бошқа тараф тегишли даврларда товарларни етказиб бериш шартларини белгилаш тўғрисидаги ёхуд шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

### **439-м о д д а. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш вақтида келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш**

Бир тарафнинг товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш ҳақидаги таклифи шартнома лойиҳаси шаклида бошқа тарафга юборилган тақдирда, иккинчи тараф шартномани бошқа шартларда тузишга рози

бўлса, лойиҳани олганидан сўнг кечи билан ўттиз кун ичида келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган шартнома билан қайтаради, келишмовчиликлар баённомасини олган тараф ўттиз кунлик муддатда шартнома шартларини келишиш чораларини кўриши (имконият бўлса, бошқа тараф билан биргаликда) ёки шартнома тузишни рад этишини бошқа тарафга ёзма равишда билдириши лозим.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси шартлари бўйича келишмовчиликлар баённомасини олган, бироқ шартнома шартларини келишиш чораларини кўрмаган ва шартнома тузишни рад этишини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатда бошқа тарафга маълум қилмаган тараф шартнома шартларини келишиб олишдан бош тортиш оқибатида етказилган зарарни қоплашга мажбур.

### **440-м о д д а. Маҳсулот етказиб бериш даврлари**

Агар тарафлар товарларни шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида туркум-туркум қилиб етказиб бериш назарда тутилган бўлсалар ва унда алоҳида туркумларни етказиб бериш муддатлари (етказиб бериш даврлари) белгиланмаган бўлса, товарлар ҳар ойда бир хил туркумларда етказиб берилиши лозим, башарти қонун ҳужжатларидан, мажбуриятнинг моҳиятидан ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб аниқлашмаса.

Шартномада маҳсулот етказиб бериш даврларини белгилаш билан бир қаторда товарларни етказиб бериш (ўн кунлик, суткалик, соатлик ва ҳоказо) жадвали ҳам белгиланиши мумкин.

Товарларни муддатидан олдин етказиб бериш сотиб олувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Муддатидан олдин етказиб берилган ва сотиб олувчи томонидан қабул қилинган товарлар кейинги даврда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдorigа киритилади.

### **441-м о д д а. Товарларни етказиб бериш тартиби**

Товарларни етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарларни шартнома бўйича сотиб олувчига ёки шартномада олувчи сифатида кўрсатилган шахсга жўнатиш (топшириш) йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарларни олувчиларга жўнатиш тўғрисида сотиб олувчининг сотувчига кўрсатмалар бериш ҳуқуқи (жўнатиш разнарядкаси) назарда тутилган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи товарларни жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган олувчиларга жўнатади (топширади).

Жўнатиш разнарядкасининг мазмуни ва уни сотиб олувчи томонидан маҳсулот етказиб берувчига юбориш муддати маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланади. Агар жўнатиш разнарядкасини юбориш муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса, у маҳсулот етказиб берувчига маҳсулот етказиб бериш даври бошланишидан камида ўттиз кун олдин юборилиши лозим.

Сотиб олувчининг белгиланган муддатда жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслиги маҳсулот етказиб берувчига ё маҳсулот етказиб бериш шартномасини

бажаришдан бош тортиш, ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари маҳсулот етказиб берувчи жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслик туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

#### **442-м о д д а. Товарларни олиб бориб бериш**

Товарларни олиб бориб бериш етказиб берувчи томонидан уларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган транспортда ва унда белгиланган шартларда жўнатиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида олиб бориб бериш қайси транспорт турида ёки қандай шартларда амалга оширилиши белгиланган бўлмаса, олиб бориб берувчи транспорт турини танлаш ёки товарни олиб бориб бериш шартларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлади, башарти қонун ҳужжатларидан, мажбуриятнинг моҳияти ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб англашилмаса.

#### **443-м о д д а. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш**

Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлиқ етказиб бермаган товар етказиб берувчи, агар товар етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда (даврларда) тўлдириши лозим.

Узоқ муддатли шартномага мувофиқ товар етказиб беришнинг айрим даврида маҳсулот етказиб берувчи томонидан тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрни, агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарлар тўлиқ етказиб берилмаган йилнинг кейинги даврида (даврларида) тўлдирилиши лозим.

Товарлар маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки сотиб олувчининг жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган бир неча олувчига жўнатиш тақдирда бир олувчига шартномада ёки жўнатиш разнарядкасида назарда тутилганидан ортиқ миқдорда етказиб берилган товарлар бошқа олувчиларга тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини қоплаш учун ҳисобга олинмайди ва агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар етказиб берувчи томонидан тўлдирилиши лозим.

#### **444-м о д д а. Етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этиш**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли. Товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарларни сотиб олувчи қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши лозим.

#### **445-м о д д а. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдирганда уларнинг ассортименти**

Тўлиқ етказиб берилмаган товарларнинг ўрни тўлдирилиши керак бўлганида уларнинг ассортимен-

ти тарафлар келишуви билан белгиланади. Бундай келишув бўлмаганида маҳсулот етказиб берувчи тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлиқ етказиб бермасликка йўл қўйилган давр учун белгиланган ассортиментда тўлдиришга мажбур.

Бир номдаги товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилгандан кўпроқ миқдорда етказиб бериш шу ассортиментга кирадиган бошқа номдаги тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида ҳисобга олинмайди ва унинг ўрни тўлдирилиши лозим, бундай етказиб бериш сотиб олувчининг олдиндан берган ёзма розилиги билан амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **446-м о д д а. Товарларнинг сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши**

Сотиб олувчи (олувчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи (олувчи) ўзи қабул қилган товарни қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим.

Сотиб олувчи (олувчи) худди шу муддатда қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган тартибда текшириши ва товарнинг аниқланган номувофикликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Етказиб берилган товарлар транспорт ташкилотидан олинган тақдирда сотиб олувчи (олувчи) товарларнинг транспорт ва юк ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириши, шунингдек бу товарларни транспорт ташкилотидан белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда қабул қилиши лозим.

#### **447-м о д д а. Сотиб олувчи қабул қилмаган товарни масъулиятли сақлаш**

Сотиб олувчи (олувчи) қонун ҳужжатларига ёки маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи топширган товарни рад этган тақдирда у бу товарнинг бут сақланишини таъминлаши (масъулиятли сақлаш) ва бу ҳақда товар етказиб берувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчи (олувчи) масъулиятли сақлашга олган товарни олиб чиқиб кетиши ёки оқилона муддат ичида тасарруф этиши шарт. Агар маҳсулот етказиб берувчи шу муддатда товарни тасарруф этмаса, сотиб олувчи товарни реализация қилишга ёки маҳсулот етказиб берувчига қайтариб юборишга ҳақли.

Сотиб олувчининг товарни масъулиятли сақлашга қабул қилиш, товарни реализация қилиш ёки уни маҳсулот етказиб берувчига қайтариб юбориш билан боглиқ зарур харажатлари маҳсулот етказиб берувчи томонидан қопланиши лозим. Бунда товарни реализация қилишдан тушган пул суммаси, сотиб олувчига тегишли қисми чегириб қолинган ҳолда, маҳсулот етказиб берувчига топширилади.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган асослариз маҳсулот етказиб берувчи-

дан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

#### **448-м о д д а. Товарларни танлаб олиш**

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотиб олувчи (олувчи)нинг етказиб берувчи жойлашган ерда товарларни танлаб олиши назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи (олувчи) ўзига топширилаётган товарларни улар топшириладиган жойда кўздан кечириши лозим. Товарларнинг шартномага номувофиқлиги аниқланганда, у бундай товарларни олишдан бош тортишга ҳақли.

Сотиб олувчи (олувчи)нинг товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларнинг тайёрлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг билдириши хатини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаслиги маҳсулот етказиб берувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

#### **449-м о д д а. Етказиб бериладиган товарлар учун ҳисоб-китоблар**

Сотиб олувчи етказиб бериладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклига амал қилган ҳолда тўлайди. Агар тарафлар келишувида ҳисоб-китоблар тартиби ва шакли белгиланмаган бўлса, ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади.

Агар шартномада товарларни тўпламга кирадиган алоҳида қисмлар бўйича етказиб бериш назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи товарлар ҳақини, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўпламга кирадиган сўнгги қисм жўнатилганидан (танлаб олинганидан) кейин тўлайди.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарлар ҳақи олувчи (тўловчи) томонидан тўланиши назарда тутилган бўлса ва у ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортса ёки товарлар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаган бўлса, етказиб берувчи сотиб олувчидан етказиб берилган товарлар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

#### **450-м о д д а. Идишлар ва ўраш материалларини қайтариш**

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотиб олувчи (олувчи) товар келтирилган кўп марта ишлатиладиган идиш ва ўраш материалларини етказиб берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қайтариши шарт.

Бошқа идиш ва ўраш материаллари фақат маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина етказиб берувчига қайтарилиши лозим.

#### **451-м о д д а. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни етказиб бериш оқибатлари**

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарлар етказиб берилган сотиб олувчи (олувчи) маҳсулот етказиб берувчига ушбу Кодекснинг 434-моддасида назар-

да тутилган талабларни қўйишга ҳақли, етказиб берилган товарларнинг сифатсизлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олган маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларни тегишли даражада сифатли товарлар билан дарҳол алмаштирган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзига етказиб берилган товарларни чаканалаб сотадиган сотиб олувчи (олувчи), агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, истеъмолчи томонидан қайтарилган тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни оқилона муддат ичида алмаштиришни талаб қилишга ҳақли.

#### **452-м о д д а. Бут бўлмаган товарлар етказиб бериш оқибатлари**

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартлари, қонун ҳужжатларининг талаблари ёки товарларнинг бут бўлишига қўйиладиган одатдаги талабларни бузган ҳолда товарлар етказиб берганида сотиб олувчи (олувчи) маҳсулот етказиб берувчига ушбу Кодекснинг 413-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли, маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларнинг бут эмаслиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олганидан кейин товарларни дарҳол бутлаган ёки уларни бут товарлар билан алмаштирган ҳоллар бундан мустасно.

Товарларни чакана нархларда сотаётган сотиб олувчи (олувчи), агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, истеъмолчи томонидан қайтарилган бут бўлмаган товарларни оқилона муддат ичида бут товарлар билан алмаштиришни талаб қилишга ҳақли.

#### **453-м о д д а. Товарлар тўлиқ етказиб берилмаган, товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талаблар бажарилмаган ҳолларда сотиб олувчининг ҳуқуқлари**

Агар маҳсулот етказиб берувчи товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган миқдорда етказиб бермаган бўлса ёхуд сотиб олувчининг (олувчининг) тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни алмаштириш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини белгиланган муддатда бажармаса, сотиб олувчи етказиб берилмаган товарларни бошқа шахслардан олиб, уларни олиш билан боғлиқ барча зарур ва оқилона харажатларни маҳсулот етказиб берувчи зиммасига юклаш ҳуқуқига эга.

Маҳсулот етказиб берувчи товарларни тўлиқ етказиб бермаган ёки сотиб олувчининг товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини бажармаган ҳолларда сотиб олувчининг бошқа шахслардан товарлар олишга қилган харажатлари ушбу Кодекс 456-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Сотиб олувчи (олувчи) товарларнинг камчилиги бартараф этилгунча ва улар бутлангунча ёки алмаштирилгунча тегишли даражада сифатли бўлмаган ва бут бўлмаган товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш, бор-

ди-ю, товарлар ҳақи тўланган бўлса, – тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **454-м о д д а. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик учун неустойка**

Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун қонунда ёки шартномада белгиланган неустойка, агар неустойкани ундиришнинг бошқача тартиби қонунда ёки шартномада белгиланмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

#### **455-м о д д а. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш**

Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафларнинг бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Маҳсулот етказиб берувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш; товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

Сотиб олувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиш;

товарларни бир неча бор олиб кетмаслик.

Тарафларнинг келишувда маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш ёки уни бир томонлама ўзгартиришнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган ёки тарафлар келишувда белгиланмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

#### **456-м о д д а. Шартномани бекор қилиш вақтида зарарни ҳисоблаш**

Агар сотувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотиб олувчи шартномада назарда тутилган товар ўрнига бошқа шахсдан бирмунча юқори, ammo оқилона баҳода товар сотиб олса, сотиб олувчи сотувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар сотиб олувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотувчи товарни бошқа шахсга шартномада назарда тутилганидан бирмунча пастроқ, бироқ оқилона баҳода сотган бўлса, сотувчи сотиб олувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг

ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича шартнома бекор қилинганидан кейин унинг ўрнига бошқа битим тузилмаган ва товарнинг жорий баҳоси мавжуд бўлса, тараф шартномада белгиланган баҳо билан шартнома бекор қилинган пайтдаги жорий баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин.

Товар топширилиши лозим бўлган жойда одатда ўхшаш шароитларда бир хил товар учун ундирилган баҳо жорий баҳо деб эътироф этилади. Агар бу жойда жорий баҳо мавжуд бўлмаса, товарни ташиш харажатларидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда бошқа жойдаги унинг ўрнини боса оладиган оқилона жорий баҳодан фойдаланиш мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган талабларни қондириш ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тарафни бошқа тарафга етказган ўзга зарарни ушбу Кодекснинг 14-моддасига асосан қоплашдан озод қилмайди.

### **4-§. ТОВАРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ДАВЛАТ КОНТРАКТИ**

#### **457-м о д д а. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш**

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти асосида, шунингдек унинг асосида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланмаган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари давлат эҳтиёжлари дейилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш борасидаги муносабатларга ушбу Кодекс 437 – 456-моддаларининг қоидалари ҳам татбиқ этилади. Ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

#### **458-м о д д а. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракти**

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракти бўйича (бундан буён матнда давлат контракти деб юритилади) маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмасига биноан маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга шартлашилган муддатда товарлар етказиб беришни, давлат буюртмачиси эса, етказиб берилган товарлар ҳақи белгиланган муддатда тўланишини таъминлашни ўз зиммасига олади.

#### **459-м о д д а. Давлат контрактини тузиш асослари**

Давлат контракти давлат буюртмачисининг маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) қабул қилган давлат эҳтиёжлари

учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртмаси асосида тузилади.

Берган буюртмаси маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) томонидан қабул қилинган давлат буюртмачиси учун давлат контракти тузиш шарт ҳисобланади.

Давлат контракти тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина ва давлат контракти бажариш туфайли маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) кўриши мумкин бўлган барча зарарни давлат буюртмачиси қоплаган тақдирдагина маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) учун мажбурий ҳисобланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги шарт давлат корхонасига татбиқ этилмайди.

Агар давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртма танлов бўйича жойлаштирилса, танлов ғолиби деб эълон қилинган маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) билан давлат контракти тузиш давлат буюртмачиси учун мажбурий ҳисобланади.

#### **460-м о д д а. Давлат контракти тузиш тартиби**

Агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат контракти лойиҳаси давлат буюртмачиси томонидан ишлаб чиқилади ва маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га юборилади.

Давлат контракти лойиҳасини олган тараф кечи билан ўттиз кунлик муддатда уни имзолайди ва давлат контрактининг бир нусхасини бошқа тарафга қайтаради, давлат контракти шартлари юзасидан келишмовчиликлар мавжуд бўлса, худди шу муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган давлат контракти билан бошқа тарафга юборади ёки унга давлат контракти тузишдан бош тортишини маълум қилади.

Давлат контракти билан келишмовчиликлар баённомасини олган тараф ўттиз кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, контракт шартларини бошқа тараф билан мувофиқлаштириш чораларини кўриши ва унга давлат контракти келишилган тахрирда қабул қилиши ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида хабар бериши лозим. Бу муддат тугагач, манфаатдор тараф ҳал қилинмаган барча келишмовчиликларни ўттиз кунлик муддатда суд муҳокамасига топшириши мумкин.

Давлат контракти давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртмани жойлаштириш танлови натижалари бўйича тузиладиган ҳолларда давлат контракти танлов ўтказилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида тузилиши лозим.

Агар давлат контракти тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф бошқа тарафни давлат контракти тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

#### **461-м о д д а. Давлат контракти бажариш**

Давлат контракти шартларига мувофиқ товарлар бевосита давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмаси (жўнатиш разнарядкаси)га мувофиқ бошқа шахс (олувчи)га етказиб бериладиган ҳолларда контракти бажариш бўйича тарафларнинг муносабатлари ушбу Кодекснинг 437 – 456-моддаларинда назарда тутилган қоидалар билан тартибга солинади.

Агар давлат контрактида сотиб олувчиларга товарлар етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) томонидан давлат буюртмачиси белгилайдиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган бўлса, давлат буюртмачиси давлат контракти тузилган кундан бошлаб кечи билан ўттиз кунлик муддатда сотиб олувчининг етказиб берувчи (ижрочи)га бириктирилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчи-ижрочи ва сотувчига билдириш хати юборади.

Сотиб олувчи етказиб берувчи (ижрочи)га бириктирилгани тўғрисидаги билдириш хати давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар жўнатиш разнарядкаларида кўрсатилган олувчиларга етказиб берилган ҳолларда, агар давлат контрактида бошқача ҳисоб-китоб тартиби назарда тутилган бўлмаса, товарлар ҳақи давлат буюртмачиси томонидан тўланади.

Товарлар сотиб олувчиларга давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси бўйича етказиб берилган ҳолларда, агар давлат контрактида баҳо белгилаш ва ҳисоб-китобларнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчилар товарлар ҳақини давлат контрактига мувофиқ белгиладиган баҳоларда тўлайдилар.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти бўйича товарлар ҳақи сотиб олувчи томонидан тўланганда давлат буюртмачиси сотиб олувчининг ушбу мажбурияти бўйича кафили деб ҳисобланади.

#### **462-м о д д а. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш**

Агар давлат контрактида шартнома лойиҳасини тайёрлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса ёки шартнома лойиҳаси сотиб олувчи томонидан тақдим қилинган бўлмаса, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) бириктириш тўғрисидаги билдириш хатида кўрсатилган сотиб олувчига давлат буюртмачисидан билдириш хати олинган вақтдан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасининг лойиҳасини йўллаши лозим.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг лойиҳасини олган тараф кечи билан ўттиз кунлик муддатда уни имзолайди ва шартноманинг бир нусхасини иккинчи тарафга қайтаради, шартнома шартлари бўйича келишмовчиликлар бўлганда эса худди шу муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган шартнома билан биргаликда бошқа тарафга юборади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини келишмовчиликлар баённомаси билан олган тараф ўттиз кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, шартнома шартларини бошқа тараф билан мувофиқлаштириш чораларини кўриши ва унга шартномани келишилган тахрирда қабул қилиши ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида хабар бериши лозим. Манфаатдор тараф ҳал қилинмаган келишмовчиликларни ўттиз кунлик муддатда суд муҳокамасига топшириши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан бош тортса, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)ни сотиб олувчи ишлаб чиққан шартнома лойиҳаси шартларида шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**463-м о д д а. Сотиб олувчининг давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан бош тортиши**

Сотиб олувчи бириктириш ҳақидаги билдириш хатида кўрсатилган товарлардан ҳамда уларни етказиб бериш шартномасини тузишдан тўлиқ ёки қисман бош тортиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) бу ҳақда дарҳол давлат буюртмачисига маълум қилиши лозим ва давлат буюртмачисидан бошқа сотиб олувчини ўзига бириктириш тўғрисида билдириш хати беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)нинг билдириш хатини олган кундан бошлаб кечи билан ўттиз кун ичида ё маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га бошқа сотиб олувчини бириктириш тўғрисида билдириш хати беради, ёки маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га товарларни ким олиши кўрсатилган жўнатиш разнарядкасини юборади, ёхуд товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашга розилигини хабар қилади.

Давлат буюртмачиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) ё давлат буюртмачисидан товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашни талаб қилиш, ёки товарларни ўз ихтиёри билан реализация қилиб, товарларни реализация қилиш билан боғлиқ оқилона харажатларни давлат буюртмачисига юклаш ҳуқуқига эга.

**464-м о д д а. Давлат контрактининг бажарилиши ёки бекор қилиниши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш**

Агар давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ёки давлат контрактда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар (ушбу Кодекс 459-моддасининг учинчи қисми) давлат контрактга мувофиқ товар топширилган кундан эътиборан кўпи билан ўттиз кун ичида давлат буюртмачиси томонидан қопланиши лозим.

Давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар давлат контрактга биноан қопланмаган тақдирда маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат контрактини бажаришдан бош тортишга ва давлат контракт бекор қилинганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича давлат контракт бекор қилинганда маҳсулот етказиб берувчи давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасини бажаришдан бош тор-

тишга ҳақли. Маҳсулот етказиб берувчининг бундай бош тортиши туфайли сотиб олувчига етказилган зарар давлат буюртмачиси томонидан қопланади.

## 5-§. КОНТРАКТАЦИЯ

### 465-м о д д а. Контрактация шартномаси

Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, контрактация шартномасига нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги қоидалар, тегишли ҳолларда эса давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга доир давлат контракт тўғрисидаги қоидалар қўлланади.

### 466-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчининг мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Агар маҳсулот етиштирувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотни контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

### 467-м о д д а. Тайёрловчининг мажбуриятлари

Агар контрактация шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилиши (қабул қилиб туриши) ва олиб кетишни таъминлаши (таъминлаб туриши) шарт.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда ёки у кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан контрактация шартномасига мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Тайёрловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаган тақдирда етиштирувчига қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қийматини ва уни келтириш харажатларини тўлайди.

Контрактация шартномасига мувофиқ олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш чиқиндиларини тарафлар келишган нархда етиштирувчига қайтариши шарт.

## 6-§. ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ

### 468-м о д д а. Энергия таъминоти шартномаси

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчи) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

### 469-м о д д а. Энергия таъминоти шартномасини тузиш ва муддатини узайтириш

Энергия таъминоти шартномаси энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уланган энергия қурилмаси, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари ва асбоблари мавжуд бўлган абонент билан тузилади.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, абонент тармоққа белгиланган тартибда амалда биринчи марта уланган пайтдан бошлаб у билан шартнома тузилган ҳисобланади.

Энергия таъминоти шартномасининг муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Агар тарафлардан бири шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан олдин янги шартнома тузиш ҳақида таклиф киритса, тарафларнинг ўзаро муносабатлари янги шартнома тузилгунга қадар аввал тузилган шартнома билан тартибга солиб турилади.

### 470-м о д д а. Энергия миқдори

Энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва тарафлар келишган энергия бериш тартибига амал қилган ҳолда энергия бериши лозим. Энергия билан таъминловчи ташкилот берган ва абонент қабул қилган энергия миқдори ўлчов асбоблари кўрсаткичлари билан аниқланади.

Энергия таъминоти шартномасида абонентнинг ўзи қабул қиладиган энергиянинг шартномада белгиланган миқдорини энергия билан таъминловчи ташкилотнинг энергияни шартномада белгиланмаган миқдорда беришни таъминлаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш шarti билан ўзгартириш ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

Энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро энергия таъминоти шартномасига мувофиқ абонент бўлган тақдирда у энергиядан ўзи учун зарур бўлган миқдорда фойдаланишга ҳақли.

### 471-м о д д а. Энергия таъминоти шартномасининг энергия миқдори тўғрисидаги шартини бузиш оқибатлари

Агар энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан туташтирилган тармоқ орқали абонентга энергия таъминоти шартномасида назарда тутилгандан кам миқдорда энергия берилган бўлса, башарти қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу Кодекснинг 399-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

### 472-м о д д а. Энергия сифати

Энергия билан таъминловчи ташкилот берадиган энергиянинг сифати стандартлаштириш бўйича қонун ҳужжатларида ёки энергия таъминоти шартномасида белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

Энергия билан таъминловчи ташкилот энергия сифатига қўйиладиган талабларни бузган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида энергия таъминоти шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу Кодекснинг 408-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

### 473-м о д д а. Тармоқлар, асбоб ва ускуналарни сақлаш ва ишлатиш бўйича абонентнинг мажбуриятлари

Абонент ишлатилаётган энергетика тармоқлари, асбоб ва ускуналарнинг зарур техникавий ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаши, энергия ишлатишнинг белгиланган тартибига амал қилиши, шунингдек авариялар, ёнгинлар, энергияни ўлчаш асбобларидаги носозликлар ва энергиядан фойдаланиш пайтида келиб чиқадиган бошқа бузилишлар тўғрисида энергия билан таъминловчи ташкилотга дарҳол хабар бериши лозим.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, энергетика тармоқлари, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш асбобларининг зарур техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти энергия билан таъминловчи ташкилот зиммасига юклатилади.

Энергетика тармоқлари, асбоб ва ускуналарнинг техник ҳолатига ва уларни ишлатишга қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### 474-м о д д а. Энергия ҳақини тўлаш

Агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади, бу миқдор ушбу Кодекснинг 470-моддасига мувофиқ аниқланади.

### 475-м о д д а. Абонент томонидан энергиянинг бошқа шахсга берилиши

Абонент энергия билан таъминловчи ташкилотдан туташтирилган тармоқ орқали қабул қилиб олган



энергияни бошқа шахс (қўшимча абонент)га фақат энергия билан таъминловчи ташкилот розилиги билан бериши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки энергия таъминоти шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, абонент томонидан энергияни қўшимча абонентга бериш шартномасига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўлланади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергияни қўшимча абонентга бериш чоғида абонент энергия билан таъминловчи ташкилот олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

#### **476-м о д д а. Энергия таъминоти шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш**

Энергия беришдаги узилишларга, энергия беришни тўхтатиш ёки чеклашга тарафлар келишувига мувофиқ йўл қўйилади, абонентга қарашли энергетика қурилмаларининг қониқарсиз аҳволи авария хавфини келтириб чиқариши мумкинлиги ёки фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид туғдираётгани давлат энергетика назорати органи томонидан тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно. Энергия билан таъминловчи ташкилот абонентни энергия беришдаги узилишлар, энергия беришни тўхтатиш ёки чеклаш тўғрисида огоҳлантириши лозим.

Абонент билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ унга дарҳол хабар берган ҳолда энергия беришни вақтинча узиб қўйиш, тўхтатиш ёки чеклашга энергия билан таъминловчи ташкилот тизимида авариянинг олдини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарур бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда у энергия билан таъминловчи ташкилотга маълум қилиш ва фойдаланилган энергия ҳақини тўлиқ тўлаш шarti билан шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда абонент ўзи фойдаланган энергия ҳақини тўламагани туфайли энергия билан таъминловчи ташкилот шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқига эга, бунда у шартномани бажаришдан бош тортишдан камида бир ой олдин абонентни бу ҳақда огоҳлантириши лозим.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ юридик шахс абонент бўлган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ушбу Кодекснинг 455-моддасида назарда тутилган асосларга кўра шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **477-м о д д а. Энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик**

Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 ап-*

*рель ЎРҚ-325-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 16-сон, 176-модда)*

Агар энергия беришдаги узилишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тартибга солиш натижасида юз берган бўлса, энергия билан таъминловчи ташкилот айбдор бўлган тақдирдагина шартнома мажбуриятларини бажармагани ёки тегишли даражада бажармагани учун жавоб беради.

#### **478-м о д д а. Энергия таъминоти шартномаси қоидаларини туташтирилган тармоқ орқали таъминлаш боразидаги бошқа муносабатларга нисбатан қўллаш**

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, туташтирилган тармоқ орқали иссиқлик энергияси билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўлланади.

Агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўлланади.

### **7-§. КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ**

#### **479-м о д д а. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси**

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни (ушбу Кодекснинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади.

Корхоналарни сотишга нисбатан, башарти корхонани сотиш шартномаси тўғрисидаги қоидаларда (ушбу Кодекснинг 489–496-моддалари) бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграф қоидалари қўлланади.

#### **480-м о д д а. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шакли**

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади (ушбу Кодекс 366-моддасининг тўртинчи қисми).

Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

#### **481-м о д д а. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар тарафларнинг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариши уларнинг учинчи шахслар билан муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди.

Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги туфайли кўрган зарарини қоплаши шарт.

#### **482-м о д д а. Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқ**

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Сотувчи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган тақдирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қисмига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкни сотиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ берилади.

Агар шартномада кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган бўлмаса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган муайян қисмига мулк ҳуқуқи ўтади.

Сотувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкни, агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонун ёки шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ана шу ер участкаси мулкдорининг розилигисиз сотишга йўл қўйилади. Бундай кўчмас мулк сотилганида сотиб олувчи кўчмас мулкни сотаётган шахс ер участкасининг тегишли қисмида қандай шартларда фойдаланган бўлса, ўша шартларда фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

#### **483-м о д д а. Ер участкаси сотилганида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ**

Сотувчига қарашли бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк жойлашган ер участкаси ана шу кўчмас мулкни сотиб олаётган шахсга мулк қилиб топширмаган ҳолда сотилса, ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан сотувчининг фойдаланиш ҳуқуқи сотиш шартномасида белгиланган шартларда сақлаб қолинади.

Агар ер участкасининг тегишли қисмидан фойдаланиш шартлари уни сотиш шартномаси билан белгиланган бўлмаса, сотувчи ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан кўзланган мақсадларда фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини сақлаб қолади.

#### **484-м о д д а. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома нарсасини белгилаш**

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган

маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Шартномада бундай маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса, тузилмаган ҳисобланади.

#### **485-м о д д а. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида баҳо**

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида ана шу мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим.

Шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бунда ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қоидаси қўлланмайди.

Агар қонунда ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк билан бирга топширилаётган ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлигига ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган умумий баҳоси сотувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади.

#### **486-м о д д а. Кўчмас мулкни топшириш**

Кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалда оширилади.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бу мулк сотиб олувчига топширилганидан ва топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни тарафлар имзолаганидан кейин бажарилган ҳисобланади.

Тарафлардан бирининг кўчмас мулкни шартномада назарда тутилган шартларда топшириш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашдан бўйин товлаши, тегишли равишда сотувчининг мулкни топшириш мажбуриятини бажаришдан, сотиб олувчининг эса мулкни қабул қилиб олиш мажбуриятини бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланади.

Сотиб олувчининг кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкни қабул қилиб олиши, шу жумладан бундай мос келмаслик хусусида кўчмас мулкни топшириш тўғрисидаги ҳужжатда айтиб ўтилган ҳолларда ҳам, сотувчини шартномани тегишли даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлолмайди.

#### **487-м о д д а. Тегишли даражада сифатли бўлмаган кўчмас мулкни топшириш оқибатлари**

Агар сотувчи сотиб олувчига кўчмас мулкни сотиш шартномасининг кўчмас мулк сифати тўғрисидаги

шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкни топширса, ушбу Кодекс 434-моддасининг қоидалари қўлланилади, сотиб олувчининг тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни тегишли даражада сифатли бўлган бошқа товарга алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар бундан мустасно.

#### **488-м о д д а. Уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари**

Сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шarti – бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

### **8-§. КОРХОНАНИ СОТИШ**

#### **489-м о д д а. Корхонани сотиш шартномаси**

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.

Сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани сотиб олувчига берилмайди. Шартнома бўйича топширадиган корхона таркибига махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмагани туфайли сотиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритиш сотувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўладилар.

#### **490-м о д д а. Корхонани сотиш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Корхонани сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиб, унга ушбу Кодекснинг 491-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар албатта илова қилинади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузиладиган корхонани сотиш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши шарт эмас, ушбу Кодекснинг 110-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбе-*

*кстон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади, уни бажаришга йўл қўйилмайди ва унга нисбатан ушбу Кодекс 112-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилмайди.

#### **491-м о д д а. Сотиладиган корхона таркибини аниқлаш ва қийматини баҳолаш**

Сотиладиган корхона таркиби ва унинг қиймати корхонани сотиш шартномасида инвентаризациялашнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ ўтказиладиган корхонани тўлиқ инвентаризациялаш асосида аниқланади.

Корхонани сотиш шартномаси имзолангунга қадар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, аудиторлик хулосасини, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритиладиган барча қарз (мажбурият)лар рўйхатини тарафлар тузган ва кўриб чиққан бўлиши керак. Номлари айтиб ўтилган ҳужжатларда кўрсатилган мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, агар ушбу Кодекснинг 489-моддасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ҳамда у корхонани сотиш шартномасида белгиланган бўлмаса, сотувчи томонидан сотиб олувчига топширилиши лозим. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрь ЎРҚ–257-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда)*

#### **492-м о д д а. Корхонани сотишда кредиторларнинг ҳуқуқлари**

Сотиладиган корхона таркибига киритилган мажбуриятлар бўйича кредиторлар корхона сотиб олувчига топширилгунга қадар сотувчи томонидан унинг сотилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинишлари лозим.

Қарзнинг бошқа шахсга ўтказилишига розилигини сотувчига ёзма равишда билдирмаган кредитор корхона сотилиши тўғрисида билдириш хати олган кундан бошлаб уч ой мобайнида ё мажбуриятни бажаришни тўхтатишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва сотувчи томонидан зарар қопланишини, ё бўлмаса корхонани сотиш шартномасини бутунлай ёхуд унинг тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Корхонаниннг сотилиши тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилинмаган кредитор сотувчи корхонани сотиб олувчига топширгани тўғрисида хабар топган ёки хабар топиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил мобайнида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни қондириш ҳақида даъво қўзғатиши мумкин.

Корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг сотувчи ва сотиб олувчи топширилган корхона таркибига киритилган, сотиб олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

**493-м о д д а. Корхонани топшириш**

Сотувчининг корхонани сотиб олувчига топшириши топшириш далолатномасига мувофиқ амалга оширилади, унда корхонанинг таркиби ва кредиторлар корхона сотилиши тўғрисида хабардор қилинганлиги, шунингдек топширилган мол-мулкда аниқланган камчиликлар ҳақида маълумотлар ва йўқолганлиги туфайли топшириш мажбуриятлари вужудга келиши мумкин бўлмайдиган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилади.

Корхонани топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг мажбурияти ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Иккала тараф топшириш далолатномасини имзолаган кундан бошлаб корхона сотиб олувчига топширилган ҳисобланади. Шу пайтдан бошлаб корхона таркибда топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи сотиб олувчига ўтади.

**494-м о д д а. Корхонага мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши**

Корхонага мулк ҳуқуқи бу ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Сотиб олувчининг корхонага мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш, башарти корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг бевосита амалга оширилади.

Корхонани сотиш шартномасида корхона ҳақи тўлангунча ёки бошқа ҳолатлар юз бергунча сотувчининг сотиб олувчига топширилган корхонага мулк ҳуқуқи сақланиб қолиши назарда тутилган ҳолларда сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча топширилган корхона таркибига кирадиган мол-мулкни мулкий мажмуа сифатида корхона фаолиятини таъминлаш учун зарур даражада тасарруф қилишга, шунингдек ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли бўлади.

**495-м о д д а. Корхонани камчиликлар билан топшириш ва қабул қилиш оқибатлари**

Топшириш далолатномаси бўйича сотувчи томонидан таркиби шу жумладан топширилган мол-мулкнинг сифати, корхонани сотиш шартномасида назарда тутилган талабга мувофиқ бўлмаган корхонанинг топширилиши ва сотиб олувчининг қабул қилиши оқибатлари, агар шартномадан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва у ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 393 – 395, 399, 402, 408, 412-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида аниқланади.

Корхона топшириш далолатномасига мувофиқ топширилган ва қабул қилинган бўлиб, унда корхонанинг аниқланган камчиликлари ва йўқотилган мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган тақдирда, агар корхонани сотиш шартномасида бундай ҳолларда бошқа талабларни қўйиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи корхонанинг харид нархини тегишинча камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчига корхона таркибда сотувчининг корхонани сотиш шартномасида ёки топшириш далолатномасида кўрсатилмаган қарзлари (мажбуриятлари) ҳам топширилган тақдирда, агар сотиб олувчи шартнома тузиш ва корхонани топшириш вақтида бундай қарз (мажбурият)лар борлигини билганини сотувчи исботламаса, сотиб олувчи харид нархини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Сотувчи корхона таркибда топширилган мол-мулкдаги камчиликлар тўғрисида ёки топширилиши лозим бўлган айрим турдаги мол-мулкнинг бу таркибда йўқлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш хати олган ҳолларда тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни дарҳол алмаштириши ёки сотиб олувчига етишмаётган мол-мулкни бериши мумкин.

Агар корхонанинг сотувчи жавобгар бўлган камчиликлар туфайли корхонани сотиш шартномасида айтиб ўтилган мақсадлар учун яроқсизлиги ва бу камчиликлар ушбу Кодексга, қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ белгиланган шартларда, тартиб ва муддатларда сотувчи томонидан бартараф қилинмаганлиги ёки бундай камчиликларни бартараф қилиб бўлмаслиги аниқланган бўлса, сотиб олувчи корхонани сотиш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришни ва тарафлар шартномага мувофиқ бажарганларини қайтаришни суд тартибидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**496-м о д д а. Корхонани сотиш шартномасига нисбатан битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ва шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши**

Ушбу Кодекснинг битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ва олди-сотди шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги, шартнома бўйича бир ёки иккала тарафдан олинган нарсаларни қайтаришни ёки асл ҳолида ундиришни назарда тутадиган қоидалари, агар бундай оқибатлар сотувчи ва сотиб олувчининг кредиторларининг, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини жиддий бузмаса ва ушбу Кодекс 116-моддасининг қоидаларига зид келмаса, корхонани сотиш шартномасига нисбатан қўлланади.

**30-БОБ. АЙИРБОШЛАШ****497-м о д д а. Айирбошлаш шартномаси**

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Айирбошлаш шартномасига нисбатан тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади, башарти бу ушбу боб қоидаларига ва айирбошлаш моҳиятига зид келмаса. Бунда ҳар қайси тараф алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни сотиб олувчи ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранс-

порт воситаларини айирбошлаш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)

#### **498-м о д д а. Айирбошлаш шартномаси бўйича баҳо ва харажатлар**

Агар айирбошлаш шартномасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, айирбошланадиган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади, уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, товар ёки товарни тасарруф қилиш ҳужжатлари топширилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаши лозим.

Агар айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинса, бироқ уларнинг баҳоларидаги фарқ айирбошлаш шартномасида назарда тутилган бўлмаса ва шартнома шартларига қараб белгиланиши мумкин бўлмаса, нархлардаги фарқ ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

#### **499-м о д д а. Айирбошлаш шартномасига мувофиқ товарни топшириш мажбуриятини муқобил бажариш**

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарларни топшириш муддатлари бир-бирига тўғри келмаган тақдирда, товарни топшириш мажбуриятини бошқа тараф товарни топширганидан сўнг бажариши лозим бўлган тарафнинг товарни топшириш мажбуриятини бажаришига нисбатан мажбуриятни муқобил бажариши тўғрисидаги қоидалар қўлланади.

#### **500-м о д д а. Айирбошланадиган товарларга бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши**

Агар қонунда ёки айирбошлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, айирбошланадиган товарларга мулк ҳуқуқи айирбошлаш шартномасига мувофиқ сотиб олувчи ҳисобланадиган тарафларга иккала тараф тегишли товарларни топшириш мажбуриятини бажарганидан сўнг бир вақтда ўтади.

#### **501-м о д д а. Айирбошлаш шартномаси бўйича олинган товарни олиб қўйганлик учун жавобгарлик**

Айирбошлаш шартномаси бўйича олган товарини учинчи шахслар олиб қўйган тараф, ушбу Кодекснинг 395-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, бошқа тарафдан айирбошлаш асосида олинган товарни қайтаришни ва (ёки) зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **31-БОБ. ҲАДЯ**

### **502-м о д д а. Ҳадя шартномаси**

Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёнки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳадя деб тан олинмайди. Бундай шартномага нисбатан ушбу Кодекс 124-моддасининг иккинчи қисми қоидалари қўлланади.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажақда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулк мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарчасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадяга нисбатан ушбу Кодекснинг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланади.

### **503-м о д д а. Ҳадя олувчининг ҳадяни қабул қилишни рад этиши**

Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи ҳадя олувчидан ҳадяни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

### **504-м о д д а. Ҳадя шартномасининг шакли**

Ҳадя қилиш, айна пайтда ҳадяни ҳадя олувчига топшириш оғзаки амалга оширилиши мумкин, ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳадяни топшириш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш (калит ва ҳоказоларни тақдим қилиш) ёки ҳуқуқни белгиладиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Кўчар мулкни ҳадя қилиш шартномаси: ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганида; фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага шартнома тузилаётганда; шартномада келажақда ҳадя этиш ваъда қилинган ҳолларда оддий ёзма шаклда тузилиши лозим.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда оғзаки тузилган ҳадя шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат руиҳатидан ўтказилиши лозим бўлган автомобилотранспорт воситаларини ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-III-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)*

#### **505-м о д д а. Ҳадяни чеклаш**

Юридик шахс хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган ашёни, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилиги билан ҳадя этишга ҳақли. Бу чеклаш қиймати катта бўлмаган одатдаги совгаларга тааллуқли эмас.

Умумий биргаликдаги мулкни ҳадя қилишга ушбу Кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда умумий биргаликдаги мулкнинг барча иштирокчилари розилиги билан йўл қўйилади.

Ҳадя қилувчига тегишли учинчи шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини ҳадя қилиш ушбу Кодекс 313 – 317, 319 ва 320-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ижара ҳуқуқини ёки бошқаларнинг ашёсига ўзгача ҳуқуқни унинг мулкдорининг ёки унга нисбатан хўжалик юритиш ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг розилигисиз ҳадя қилишга, агар бундай ҳуқуққа асос бўлган қонунда ёки шартномада уни мазкур шахслар розилигисиз бошқа шахсларга бериш тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Ҳадя олаётган шахс ўрнига унинг учинчи шахс олдидаги мажбуриятини бажариш йўли билан ҳадя қилиш ушбу Кодекс 241-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳадя олувчининг учинчи шахсдан қарзини ҳадя қилувчининг ўзига олиши йўли билан ҳадя қилиш ушбу Кодекс 322-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳадя олувчининг номи ва ҳадя нарчаси кўрсатилмаган ҳадяни вакил томонидан амалга ошириш ишончномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

#### **506-м о д д а. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш**

Агар шартнома тузилгандан сўнг ҳадя қилувчининг моддий ахволи жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ҳадя олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш ё бўлмаса, уни мулкий мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Ушбу Кодекс 507-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларда ҳадя қилувчи келажакда ҳадя олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш ё бўлмаса, уни мулкий мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган асосларда ҳадя қилувчининг ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиши ҳадя олувчига зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди.

#### **507-м о д д а. Ҳадяни бекор қилиш**

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишга суд тартибда йўл қўйилади.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадя бекор этилишини суд тартибда талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахснинг талабига биноан суд яқка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблаглар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин.

Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин.

Ҳадя бекор қилинган тақдирда ҳадя олувчи ҳадя қилинган ашёни, агар у ҳадя бекор қилинган пайтда асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, қайтариши лозим.

#### **508-м о д д а. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлмаган ҳоллар**

Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар оғзаки тузилган ҳадя шартномаларига нисбатан қўлланмайди.

#### **509-м о д д а. Камчиликлари бўлган мол-мулкни ҳадя қилиш оқибатлари**

Ҳадя қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳадя олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлгани аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳадя қилувчи бу ҳақда билган бўлса-да, ҳадя олувчини огоҳлантирмаганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу Кодекс 57-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳадя қилувчи томонидан қопланиши лозим.

#### **510-м о д д а. Ҳадя ваъда қилинганида ҳуқуқий ворислик**

Агар ҳадя шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя ваъда қилинган ҳадя олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди.

Агар ҳадя шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

**511-м о д д а. Хайр-эҳсон**

Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади.

Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия, илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва бошқа маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг руҳсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эҳсон қилганда эса бу шартни қўйиши мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилиш оддий ҳадя деб ҳисобланади, қолган ҳолларда эса хайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан ҳадя олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

Аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хайр-эҳсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс хайр-эҳсон қилинган мулкдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим.

Агар хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулкдан бошқа мақсадда фақат хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билан, мол-мулкни хайр-эҳсон қилган фуқаро вафот этган бўлса ёки мулкни хайр-эҳсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса – суд қарорига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадга зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни мазкур модда олтинчи қисмининг қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш хайр-эҳсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эҳсонни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Ушбу Кодекс 507 ва 510-моддаларининг қоидалари хайр-эҳсонга нисбатан қўлланмайди.

**32-БОБ. РЕНТА****1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****512-м о д д а. Рента шартномаси**

Рента шартномасига мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) мулк қилиб беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 декабрь ЎРҚ-311-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 51-сон, 542-модда)*

Рента шартномасига мувофиқ рентани муддатсиз (доимий рента) ёки рента олувчи ҳаёт бўлган муддат мобайнида тўлаш (умрбод рента) мажбуриятини белгилашга йўл қўйилади. Умрбод рента фуқарони ўз қарамоғига олган ҳолда умрбод таъминлаш шартни билан белгиланиши мумкин.

**513-м о д д а. Рента шартномасининг шакли**

Рента шартномаси нотариал тасдиқланиши, кўчмас мол-мулкни рента тўлаш шартни билан бошқа шахсга беришни назарда тутадиган шартнома эса бундан ташқари давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши лозим.

**514-м о д д а. Мол-мулкни рента тўлаш шартни билан бошқа шахсга бериш**

Рента тўлаш шартни билан бошқа шахсга бериладиган мол-мулк рента олувчи томонидан рента тўловчига ҳақ эвазига ёки текинга мулк қилиб берилиши мумкин.

Рента шартномасида мол-мулкни ҳақ эвазига топшириш назарда тутилган тақдирда тарафларнинг мол-мулкни топшириш ва унинг ҳақини тўлаш бўйича муносабатларига нисбатан олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар, бундай мол-мулк текинга берилган ҳолларда эса ҳадя шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади, башарти ушбу бобнинг қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва бу ҳол рента шартномасининг моҳиятига зид келмаса.

**515-м о д д а. Кўчмас мулкдан рента олиш**

Рента тўлаш шартни билан берилган ер участкаси, корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкдан рента олинади. Рента тўловчи бундай мол-мулкни бошқа шахсга берган тақдирда рента шартномаси бўйича унинг мажбуриятлари мол-мулкни олувчига ўтади.

Рента олинadиган кўчмас мулкни бошқа шахсга мулк қилиб берган шахс, агар ушбу Кодексда, бошқа қонунда ёки шартномада бу мажбурият бўйича солидар жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, рента олувчининг рента шартномаси бузилгани туфайли келиб чиққан талаблари бўйича бошқа шахс билан субсидиар жавобгар бўлади.

**516-м о д д а. Рента тўлашни таъминлаш**

Рента тўлаш шартни билан ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулк берилганида рента олувчи рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш мақсадида бу мулкка гаров ҳуқуқини олади.

Рента сифатида пул суммаси ёки бошқа кўчар мол-мулкни беришни назарда тутадиган шартноманинг муҳим шартни шуки, унда рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажаришнинг гаровини тақдим этишга ёки ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик хавфини рента олувчи фойдасига суғурталашга мажбур бўлади.

Рента тўловчи ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек рента олувчи жавобгар бўлмайдиган ҳолатларда таъминлаш йўқотилган ёки таъминлаш шароитлари ёмонлашган тақдирда рента олувчи рента шартномасини бекор қилишга ва шартнома бекор қилиниши туфайли кўрган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**517-м о д д а. Рента тўлашни кечиктирганлик учун жавобгарлик**

Рента тўлашни кечиктирганлик учун рента тўловчи рента олувчига, агар рента шартномасида бошқача фоизлар миқдори назарда тутилган бўлмаса, ушбу Ко-

декснинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни тўлайди.

## 2-§. ДОИМИЙ РЕНТА

### 518-м о д д а. Доимий рентани олувчи

Доимий рентани фақат фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари олишлари мумкин, башарти, бу ҳол қонунга зид келмас ва уларнинг фаолият мақсадига мос бўлса.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, доимий рента шартномаси бўйича рента олувчининг ҳуқуқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга талабдан воз кечиш йўли билан топширилиши ва ворислик бўйича ёки юридик шахслар қайта ташкил қилинганда бошқа шахсларга ўтиши мумкин.

### 519-м о д д а. Доимий рента шакли ва миқдори

Доимий рента пул билан тўланиб, у рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкка ўхшаш мол-мулкни ижарага беришда қўлланиладиган мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг ўртача ставкаси доирасида шартнома билан белгиланадиган миқдорда, рента тўлаш шарти билан пул суммаси топширилганда эса ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган банк фоизининг тегишли даражада жорий этилган ставкаси доирасида бўлади.

Шартномада рентанинг пул суммасига тенг қийматдаги ашёларни бериш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам рента тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Агар доимий рента шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг тегишли ставкаси ёки банк фоизи ставкаси ўзгарса, тўланадиган рента миқдори ҳам мутаносиб равишда ўзгаради.

### 520-м о д д а. Доимий рентани тўлаш муддатлари

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса доимий рента йилнинг ҳар бир календарь чо-раги тугаши билан тўланади.

### 521-м о д д а. Тўловчининг доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқи

Доимий рентани тўловчи уни сотиб олиш йўли билан бундан буён рента тўлашдан бош тортишга ҳақли. Агар рента тўловчи рента тўлашдан бу тарзда бош тортишини рента тўлашни тўхтатишидан камида уч ой ёки шартномада назарда тутилганидек ундан ҳам аввалроқ ёзма равишда маълум қилган бўлса, бундай бош тортиш ҳақиқий ҳисобланади. Бунда рента тўлаш мажбурияти, агар шартномада сотиб олишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, рента олувчи сотиб олиш суммасининг ҳаммасини олиб бўлгунга қадар тўхтатилмайди.

Шартноманинг доимий рента тўловчи уни сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши тўғрисидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартномада доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқини рента олувчи ҳаётлигида ёки шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўттиз йилдан ошмайдиган муддат мобайнида амалга ошириб бўлмаслиги назарда тутилиши мумкин.

### 522-м о д д а. Рента олувчининг талабига кўра доимий рентани сотиб олиш

Қуйидаги ҳолларда доимий рента олувчи тўловчи-дан рентани сотиб олишни талаб қилишга ҳақли:

агар шартномада бошқача муддат белгиланган бўлмаса, рента тўловчи уни тўлаш муддатини бир йилдан ортиқ кечиктириб юборган тақдирда;

рента тўловчи рентани тўлашни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда;

рента тўловчи тўловга қодир эмас деб топилган ёки у рентани шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўламаслигини кўрсатадиган бошқа вазиятлар вужудга келган тақдирда;

рента тўлаш шарти билан топширилган кўчмас мулк умумий мулкка айланган ёки бир неча шахс ўртасида тақсимланган тақдирда;

шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.

### 523-м о д д а. Доимий рентани сотиб олиш баҳоси

Ушбу Кодекснинг 521 ва 522-моддаларида назарда тутилган ҳолларда доимий рента шартномада белгиланган баҳода сотиб олинади.

Рента тўлаш шарти билан мол-мулк ҳақ эвазига топширилган доимий рента шартномасида сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш йиллик рента тўловлари суммасига мос баҳода амалга оширилади.

Рента тўлаш шарти билан мол-мулк текинга берилган доимий рента шартномасида сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш баҳосига йиллик рента тўловлари суммаси билан бир қаторда топширилган мол-мулкнинг ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидалар бўйича аниқланадиган баҳоси ҳам киритилади.

### 524-м о д д а. Доимий рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи

Доимий рента тўлаш шарти билан бепул топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи рента тўловчи зиммасида бўлади.

Доимий рента тўлаш шарти билан ҳақ эвазига топширилган мол-мулк тасодифан нобуд бўлганда ёки тасодифан бузилганда тўловчи рента тўлаш мажбуриятини тегишли равишда тўхтатишни ёки уни тўлаш шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

## 3-§. УМРБОД РЕНТА

### 525-м о д д а. Умрбод рента олувчилар

Умрбод рента мулкни рента тўлаш шарти билан топшираётган фуқаро ҳаёт бўлган даврга ёки у кўрсатган бошқа фуқаро ҳаёт бўлган даврга белгиланиши мумкин.



Умрбод рентани бир неча фуқаро фойдасига белгилашга йўл қўйилади, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олиш ҳуқуқида уларнинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олувчиларнинг бири вафот этган тақдирда унинг рента олиш ҳуқуқидаги улуши ундан кейин ҳаёт бўлган рента олувчиларга ўтади, охириги рента олувчи вафот этган тақдирда рента тўлаш мажбурияти бекор бўлади.

Шартнома тузилган пайтгача вафот этган фуқаро фойдасига умрбод рента белгилайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

### **526-м о д д а. Умрбод рента миқдори**

Умрбод рента шартномада рента олувчи ҳаёт бўлган даврда унга вақти-вақти билан тўланадиган пул суммаси сифатида белгиланади.

Умрбод рентанинг шартномада белгиланадиган бир ойлик миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак, ушбу Кодекснинг 247-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса оширилиши лозим.

### **527-м о д д а. Умрбод рентани тўлаш муддатлари**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умрбод рента ҳар бир календарь ой тугаши билан тўланади.

### **528-м о д д а. Умрбод рента шартномасини рента олувчининг талаби билан бекор қилиш**

Рента тўловчи умрбод рента шартномасини жиддий бузган ҳолларда рента олувчи рента тўловчидан рентани ушбу Кодекснинг 523-моддасида назарда тутилган шартларда сотиб олишни ёки шартномани бекор қилиш ва зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар умрбод рента тўлаш шarti билан текинга квартира, уй ёки бошқа мол-мулк топширилган бўлса, рента тўловчи шартноманинг муҳим шартларини жиддий бузган тақдирда рента олувчи бу мол-мулкни унинг қийматини сотиб олинадиган рента ҳисобига қўшган ҳолда қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **529-м о д д а. Рента тўлаш шarti билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи**

Умрбод рента тўлаш шarti билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши рента тўловчининг рентани шартномада назарда тутилган шартларда тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди.

## **33-БОБ. УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН УЙ-ЖОЙ (КВАРТИРА)НИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ**

### **530-м о д д а. Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси**

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартно-

масига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришlash ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

### **531-м о д д а. Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг шакли ва шартлари**

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу Кодекс 110-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

### **532-м о д д а. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда бу уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотиш, ҳада қилиш, гаровга қўйишга ва уй (уйнинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй (уйнинг бир қисми), квартирага олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилмайди.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

### **533-м о д д а. Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш**

Агар уй-жой (уйнинг бир қисми) квартирани олувчи умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Агар олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой

(квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси олувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бошқа шахсга берувчининг талабига кўра бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни (уйнинг бир қисми), квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**534-м о д д а. Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятларнинг ворисларга ўтиши**

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

## 34-БОБ. МУЛК ИЖАРАСИ

### 1-Ў. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**535-м о д д а. Мулк ижараси шартномаси**

Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

**536-м о д д а. Ижарага олувчининг ижарага олинган мол-мулкдан олинган маҳсулот, мевалар ва даромадларга бўлган мулк ҳуқуқи**

Агар қонун ёки мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади.

**537-м о д д а. Мулк ижарасининг объектлари**

Ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмом қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида мулк ижарасига берилиши мумкин бўлмаган ёки чекланган корхоналар турлари

(гуруҳлари) ва мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

**538-м о д д а. Ижарага берувчи**

Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

**539-м о д д а. Мулк ижараси шартномасининг шакли**

Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.

**540-м о д д а. Мулк ижараси шартномасининг муддати**

Мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади.

Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса – уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Қонунда мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек мол-мулкни айрим турларини ижарага олиш учун энг кўп (охирги) муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, башарти ижара муддати шартномада белгиланган бўлмаса ва қонунда белгиланган охириги муддат тугагунча тарафлардан ҳеч қайсиси шартномадан воз кечмаса, охириги муддат ўтиши билан шартнома бекор бўлади. Қонунда белгиланган охириги муддатдан ортиқ муддатга тузилган бундай мулк ижараси шартномаси охириги муддатга тенг муддатга тузилган ҳисобланади.

**541-м о д д а. Ижарага олувчига мол-мулкни топшириш**

Ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топширмоғи лозим.

Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади.

Агарда бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатлар топширилган бўлмаса ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулкдан унинг ўз вазифаси бўйича фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарчасидан маҳрум бўлса, у ижарага берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи ушбу Кодекснинг 331-моддасига мувофиқ бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **542-м о д д а. Ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар учун ижарага берувчининг жавобгарлиги**

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам, жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи ўз хоҳишига кўра:

ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга;

ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга;

шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчининг талабларидан ёки унинг мол-мулкдаги камчиликларни ижарага берувчи ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни тегишли ҳолатда бўлган бошқа шундай мол-мулк билан дарҳол алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликни текинга бартараф этиши мумкин.

Агар ижарага олувчининг талабларини қаноатлантириш ёхуд унинг камчиликларни бартараф этиш харажатларини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан чегириб қолиши ижарага олувчи кўрган зарарни қопламаса, у зарарнинг қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартномани тузишда ёки мол-мулкни ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда ёхуд унинг созланиши текширилганда ижарага олувчи аниқлаши керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.

#### **543-м о д д а. Ижарага топшириладиган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари**

Мол-мулкнинг ижарага топширилиши бу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бекор бўлиши ёки ўзгариши учун асос бўлмайди.

Шартнома тузишда ижарага берувчи ижарага олувчини ижарага топшириладиган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари (сервитут, гаров ҳуқуқи ва ҳоказолар) ҳақида огоҳлантириши лозим. Ижарага берувчи томонидан бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ижарага олувчига мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни камайтиришни ёхуд шартномани бекор қилиш ва зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

#### **544-м о д д а. Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш**

Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади. Булар шартномада белгиланмаган ҳолларда одатда худди шундай мол-мулкни ўхшаш ҳолатларда ижарага беришда қўлланиладиган тартиб, шартлар ва муддатлар белгиланган деб ҳисобланади.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида-алоҳида ҳолда куйидаги кўринишларда белгиланади:

вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммада белгиланган тўловлар тариқасида;

ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, мевалар ёки даромадларнинг белгиланган улуши тариқасида;

ижарага олувчи томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлар тариқасида;

ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада келишилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тариқасида;

ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада келишилган харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш тариқасида.

Тарафлар мулк ижараси шартномасида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ушбу модданин учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган ҳақ шаклларини аралаш амалга оширишни ёки ҳақ тўлашнинг бошқа шаклларини назарда тутишлари мумкин.

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори шартномада белгиланган муддатларда, бироқ бир йилда кўпи билан бир марта тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек айрим мол-мулк турларининг ижараси учун ҳақ миқдорини қайта кўриб чиқишнинг бошқача энг кам муддатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра, шартномада назарда тутилган фойдаланиш шартлари ёки мол-мулкнинг ҳолати жиддий ёмонлашган бўлса, у мол-мулкдан фойдаланганлик учун

ижара ҳақини тегишли равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тўлаш муддатлари ижарага олувчи томонидан жиддий бузилган тақдирда, ижарага берувчи ундан ижара ҳақини муддатидан олдин, ижарага берувчи белгиланган муддатда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бунда ижарага берувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун кўпи билан икки муддатнинг ҳақини муддатидан олдин тўлашни талаб қилишга ҳақли.

#### **545-м о д д а. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш**

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса – мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим.

Агар ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, ижарага олувчи мол-мулкдан шартномани шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

#### **546-м о д д а. Ижарага олинган мол-мулкни тасарруф қилиш**

Агар ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи ижарага (қўшимча ижарага) топширишга, мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун беришга, шунингдек бу ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари устав фондига (капиталига) ҳисса сифатида ёки ишлаб чиқариш кооперативига пай бадали сифатида топширишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ижарага олувчи шартнома бўйича ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади, қайта ижара бундан мустасно. Мол-мулкни бошқа шахсларга топшириш ҳақидаги шартнома ижара шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмас.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага топшириш ҳақидаги шартномага нисбатан мулк ижараси шартномаси ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

#### **547-м о д д а. Ижарага берувчининг ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятлари**

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши шарт.

Ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар натижасида келиб чиққан шошилини зарурат туфайли ўтказиладиган таъмирлашни ижарага берувчи ўз ҳисобидан амалга ошириши шарт.

Капитал таъмирлаш мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар бу муддат шартномада бел-

гиланмаган ёки шошилини зарурат туфайли ўтказилса, оқилона муддатда амалга оширилмоғи лозим.

Ижарага берувчининг капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаслиги ижарага олувчига ўз хошига кўра:

шартномада белгиланган ёхуд шошилини зарурат тақозо этаётган капитал таъмирлашни амалга ошириб, таъмирлаш қийматини ижарага берувчидан ундириб олиш ёхуд мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ҳисобига ўтказиш:

ҳақни тегишинча камайтиришни талаб қилиш; шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

#### **548-м о д д а. Ижарага олувчининг ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятлари**

Агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, уни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим.

#### **549-м о д д а. Тарафлар ўзгарганда мол-мулк ижараси шартномасининг ўз кучида қолиши**

Ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк (хўжалик юритиш, оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш) ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулк ижараси шартномасининг ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

Кўчмас мулкни ижарага олган фуқаро вафот этган тақдирда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу мол-мулкни ижарага топшириш шартномаси бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворисга ўтади. Шартноманинг тузилиши ижарага олувчининг шахсий фазилатлари билан боғлиқ бўлган ҳоллардан ташқари ижарага берувчи бундай вориснинг шартнома амал қилишининг қолган муддатида шартномага қўшилишини рад этишга ҳақли эмас.

#### **550-м о д д а. Мулк ижараси шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда иккиламчи ижара шартномасининг бекор бўлиши**

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк ижараси шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши унга мувофиқ тузилган иккиламчи ижара шартномасининг бекор бўлишига олиб келади. Бу ҳолда иккиламчи ижарага олувчи иккиламчи ижаранинг қолган муддати давомида иккиламчи ижара шартномасига мувофиқ ўзи фойдаланиб келган мол-мулкни бекор бўлган мулк ижараси шартномасининг тегишли шартлари асосида ижарага олиш ҳақида шартнома тузиши мумкин.

Агар мулк ижараси шартномаси ушбу Кодексда назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топилса, унга мувофиқ тузилган иккиламчи ижара шартномалари ҳам ҳақиқий эмас деб топилди.

**551-м о д д а. Ижарага берувчининг талаби бўйича мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш**

Мулк ижараси шартномаси ижарага берувчининг талаби билан суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар ижарага олувчи:

ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарасдан мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса;

мол-мулкни жиддий ёмонлаштира;

шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланглик учун ҳақ тўламаса;

қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ капитал таъмирлаш ишларини бажариш ижарага олувчи зиммасидаги мажбурият бўлган ҳолларда шартномада белгиланган муддатларда, шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда мол-мулкни капитал таъмирлашни амалга оширмаса.

Мулк ижараси шартномасида ушбу Кодекснинг 382-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ижарага берувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Ижарага берувчи ижарага олувчини ёзма равишда огоҳлантирганидан ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берганидан кейингина шартнома муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

**552-м о д д а. Ижарага олувчининг талаби билан мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш**

Ижарага олувчининг талаби билан мулк ижараси шартномаси суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар:

ижарага берувчи мол-мулкни фойдаланиш учун ижарага олувчига бермаса ёки мол-мулкдан шартнома шартларига ёхуд мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга тўқинлик қилса;

ижарага олувчига топширилган мол-мулкда ундан фойдаланишга тўқинлик қиладиган камчиликлар бўлиб, уларни ижарага берувчи шартнома тузиш вақтида айтиб ўтмаган, ижарага олувчига олдиндан маълум бўлмаган ва шартнома тузаётганда мол-мулкни кўздан кечириш ёхуд унинг созлигини текшириш вақтида аниқланиши мумкин бўлмаган бўлса;

ижарага берувчи шартномада белгиланган муддатларда, агарда шартномада муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда ўз зиммасидаги мол-мулкни капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаса;

ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса.

Мулк ижараси шартномасида ушбу Кодекс 382-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ижарага олувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

**553-м о д д а. Янги муддатга мулк ижараси шартномаси тузишда ижарага олувчининг имтиёзли ҳуқуқи**

Агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишда шароитлар тенг бўлган ҳолларда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

Мулк ижараси шартномасини янги муддатга тузишда шартнома шартлари тарафларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчи билан янги муддатга шартнома тузишни рад этса-ю, аммо у билан тузилган шартнома муддати тугаганидан кейин бир йил ичида бошқа шахс билан мулк ижараси шартномасини тузса, ижарага олувчи ўз хоҳишига кўра ё тузилган шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзига ўтказилишини ва ўзи билан шартномани янгилашни рад этиш оқибатида ўзига етказилган зарарнинг тўланишини ёки фақат зарарнинг ўзи тўланишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар мулк ижараси шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ҳам ижарага олувчи мулкдан фойдаланишни давом эттирса ва ижарага берувчи бунга эътироз билдирмаган бўлса, шартнома аввалги шартлар асосида номаълум муддатга қайтадан тузилган ҳисобланади.

**554-м о д д а. Мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш**

Мулк ижараси шартномаси бекор бўлганидан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозим.

Агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечиктириб қайтарса, ижарага берувчи кечиктирилган барча вақт давомида мол-мулкдан фойдаланглик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчи кўрган зарарни қопламаган тақдирда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, неустойкадан ташқари зарар тўлиқ миқдорда ундирилиши мумкин.

**555-м о д д а. Ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш**

Агарда мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан мол-мулкнинг ажратиб олса бўладиган тарзда яхшиланиши унинг мулки ҳисобланади.

Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ўз маблағлари ҳисобидан ва ижарага берувчининг рози-

лиги билан яхшилаган, бу яхшилашни мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома бекор бўлгандан кейин, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу яхшилашлар қийматини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмайди.

Ижарага олинган мол-мулкдан амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилган, мол-мулкдан ажратиб олиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган яхшилашлар ижарага берувчининг мулки бўлади.

### **556-м о д д а. Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш**

Мулк ижараси шартномасида ижарага олинган мол-мулк ижара шартномасининг муддати тамом бўлгандан кейин ёки тамом бўлмасдан олдин ижарага олувчи шартномада келишилган сотиб олиш баҳосининг ҳаммасини тўлаган тақдирда унинг мулкига айланиши назарда тутилиши мумкин.

Агар ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш шарт шартномада назарда тутилмаган бўлса, у тарафларнинг қўшимча келишуви билан белгиланиши мумкин, бунда тарафлар мол-мулкдан фойдаланганлик учун илгари тўланган ҳақни харид нархига киритиш тўғрисида келишишга ҳақлидирлар.

Қонунларда ижарага олинган мол-мулкни сотиб олишни тақиқлаш ҳоллари белгилаб қўйилиши мумкин.

### **557-м о д д а. Мулк ижараси айрим турларининг ва айрим турдаги мол-мулкни ижарага беришнинг хусусиятлари**

Мулк ижараси шартномасининг айрим турларига ва айрим турдаги мол-мулкни ижарага бериш шартномаларига (прокат, транспорт воситалари ижараси, корхоналар ижараси, молиявий маблағлар ижараси ва ҳоказолар), агарда ушбу Кодекснинг қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

## **2-§. ПРОКАТ**

### **558-м о д д а. Прокат шартномаси**

Прокат шартномаси бўйича доимий тадбиркорлик фаолияти сифатида мол-мулкни ижарага берувчи ҳақ эвазига ижарага олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун кўчар мол-мулкни топшириш мажбуриятини олади.

Прокат шартномаси бўйича топширилган мол-мулкдан, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, истеъмол мақсадларида фойдаланилади.

Прокат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Прокат шартномаси оммавийдир.

### **559-м о д д а. Прокат шартномасининг муддати**

Прокат шартномаси бир йилгача муддатга тузилади.

Мулк ижараси шартномасини номуайян муддатга қайтадан тузиш ва ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқ ҳақидаги қоидалар прокат шартномасига нисбатан қўлланмайди.

Ижарага олувчи прокат шартномасини бажаришни истаган вақтида рад этишга ҳақли.

### **560-м о д д а. Ижарачига мол-мулкни топшириш**

Прокат шартномасини тузган ижарага берувчи ижарага топшириладиган мол-мулкнинг созлигини ижарага олувчи иштирокида текшириши, шунингдек уни мол-мулкдан фойдаланиш қоидалари билан таништириши ёки унга бу мол-мулкдан фойдаланиш ҳақидаги ёзма қўлланмани бериши шарт.

### **561-м о д д а. Ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш**

Агар ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида вужудга келган бўлса, ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни таъмирлаш ва транспортда ташини харажатларини тўлайди.

### **562-м о д д а. Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи**

Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммадаги тўловлар шаклида белгиланади.

Ижарага олувчи мол-мулкни муддатидан олдин қайтарган тақдирда ижарага берувчи унга мол-мулкдан фойдаланганлик учун олинган ҳақдан тегишли қисмини мол-мулк амалда қайтарилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисоблаган ҳолда қайтаради.

Мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи бўйича ижарага олувчининг қарзлари нотариуснинг ижро устхати асосида сўзсиз ундириб олинади.

### **563-м о д д а. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш**

Прокат шартномаси бўйича ижарага топширилган мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш ижарага берувчининг бурчидир.

Прокат шартномаси бўйича ижарага олувчига топширилган мол-мулкни иккиламчи ижарага беришга, ижарага олувчи прокат шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишига, бу мол-мулкнинг бепул фойдаланиш учун бериб қўйилишига, ижарага олувчининг ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига (капиталига) ҳисса тариқасида, ишлаб чиқариш кооперативларига пай бадаллари тариқасида қўйишга йўл қўйилмайди.

### 3-§. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИЖАРАСИ

#### 564-м о д д а. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси

Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради ва ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига ҳақ эвазига беради.

Ушбу бобнинг ижара шартномасини номуайян муддатга қайта тузиш ва ижарага олувчининг ижара шартномасини янги муддатга қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалари транспорт воситасини ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланмайди.

#### 565-м о д д а. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномасининг шакли

Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси, унинг муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 27 сентябрь ЎРҚ–56-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 385-модда)*

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автоматотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотаerial тасдиқланган бўлиши керак. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)*

#### 566-м о д д а. Транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатган ҳолда ижарага берилганда ижарага берувчининг мажбуриятлари

Ижарага берувчи шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага берилган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаши, шу жумладан жорий ва капитал таъмирлаши ҳамда зарур асбоб-ускуналарни бериши шарт.

Ижарага берувчининг транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича ижарага олувчига кўрсатадиган хизматлари ҳажми транспорт воситасининг шартномада кўрсатилган ижара мақсадларига мос равишда нормал ва хавфсиз ишлатилишини таъминлаши шарт. Ижара шартномасида ижарага олувчига кўрсатиладиган хизматларнинг янада кенгроқ доираси назарда тутилиши мумкин.

Транспорт воситаси экипажининг таркиби ва унинг малакаси тарафлар учун мажбурий бўлган қоидаларга ва шартномада белгиланган шартларга, борди-ю, тарафлар учун мажбурий бўлган қоидаларда бундай талаблар бел-

гилаб қўйилмаган бўлса, – шундай турдаги транспорт воситасини ишлатишнинг одатдаги амалиёти талаблари ва шартнома шартларига жавоб бериши лозим.

Экипаж аъзолари ижарага берувчи билан меҳнат муносабатларини сақлаб қоладилар. Улар ижарага берувчининг транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланишга доир кўрсатмаларига ва ижарага олувчининг транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатишга доир кўрсатмаларига бўйсундилар.

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, экипаж аъзоларининг хизматиға ҳақ тўлаш, шунингдек уларни сақлаш харажатлари ижарага берувчи зиммасида бўлади.

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, транспорт воситасини суғурта қилиш ва (ёки) унинг томонидан ёки уни ишлатиш муносабати билан етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарликни суғурталаш мажбурияти, бундай суғурталаш қонун ёки шартномага мувофиқ мажбурий бўлса, ижарага берувчи зиммасига юклатилади.

#### 567-м о д д а. Транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш бўйича ижарага олувчининг мажбурияти

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш муносабати билан ёниги ва ишлатиш жараёнида сарфланадиган бошқа материаллар ҳақини тўлаш, йигимлар ва бошқа чиқимларни тўлаш ижарага олувчи зиммасида бўлади.

#### 568-м о д д а. Транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганда ижарага олувчининг мажбуриятлари

Ижарага олувчи транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага олинган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаб туриши, жумладан уни жорий таъмирлашни, шунингдек, агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, капитал таъмирлашни ҳам амалга ошириши шарт.

Ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини ўз кучи билан бошқаради, шунингдек, ундан тижорат мақсадида ва техник фойдаланишни амалга оширади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини сақлаш, уни суғурталаш, шу жумладан ўз жавобгарлигини суғурталаш, транспорт воситасини ишлатиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширади.

#### 569-м о д д а. Транспорт воситасидан фойдаланиш ҳақида учинчи шахслар билан тузиладиган шартномалар

Агар ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган

транспорт воситасини экипаж билан ёки экипажсиз ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчининг розилиги билан қўшимча ижарага беришга ҳақли.

Ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз ўз номидан, агар ижара шартномасида назарда тутилган транспорт воситаларидан фойдаланиш мақсадлари а, борди-ю бундай мақсадлар белгилаб қўйилган бўлмаса, транспорт воситасининг вазифасига хилоф бўлмаса, учинчи шахслар билан ташиш шартномаларини ва бошқа шартномаларни тузишга ҳақли.

#### **570-м о д д а. Транспорт воситасига етказилган зарар учун жавобгарлик**

Ижарага берилган транспорт воситаси ҳалокатга учраган ёки шикастланган тақдирда, агар ижарага берувчи транспорт воситаси қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўладиган ҳолатларда ҳалокатга учраганини ёки шикастланганлигини исбот қилса, ижарага олувчи етказилган зарарни ижарага берувчига тўлаши шарт.

#### **571-м о д д а. Транспорт воситаси билан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Экипаж билан ижарага берилган транспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавобгарлик, ушбу Кодекснинг 57-боби қоидаларига мувофиқ, ижарага берувчи зиммасида бўлади. Ижарага берувчи зарар ижарага олувчининг айби билан етказилганлигини исботласа, учинчи шахсларга тўланган пул суммасини қоплашни ижарага олувчидан регресс тартибида талаб қилишга ҳақли.

Транспорт воситаси сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганида транспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун ушбу Кодекснинг 57-боби қоидаларига мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўлади.

#### **572-м о д д а. Айрим турдаги транспорт воситаларини ижарага бериш хусусиятлари**

Айрим турдаги транспорт воситаларини ижарага бериш хусусиятлари, ушбу параграфда назарда тутилган ҳоллардан ташқари қонун ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин.

### **4-§. БИНОЛАР ВА ИНШОТЛАР ИЖАРАСИ**

#### **573-м о д д а. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси**

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига бино ёки иншоотни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёхуд вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Агар ушбу Кодекснинг корхонани ижарага бериш тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграфнинг қоидалари корхоналар ижарасига татбиқ этилади.

#### **574-м о д д а. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

#### **575-м о д д а. Бино ёки иншоот ижарага берилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар**

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчига бундай кўчмас мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини топшириш билан бир вақтда ер участкасининг ана шу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Ижарага берувчи ижарага бериладиган бино ёки иншоот жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлса, ижарага олувчига ер участкасининг тегишли қисмига бўлган ижара ҳуқуқи ёхуд бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ топширилади.

Агар ижарага олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ шартномада белгилаб қўйилган бўлмаса, ер участкасининг бино ёки иншоот жойлашган ва улардан ўз вазифасига мувофиқ фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи бино ёки иншоот ижарага берилган муддатта ижарага олувчига ўтади.

Ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган бино ёки иншоотни ижарага беришга, агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонунда ёки ер участкасининг мулкдори билан тузилган шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ушбу участка мулкдорининг розилигисиз йўл қўйилади.

#### **576-м о д д а. Ер участкаси сотилганида ундан фойдаланиш ҳуқуқининг бино ёки иншоотни ижарага олувчида сақланиб қолиши**

Ижарага олинган бино ёки иншоот жойлашган ер участкаси бошқа шахсга сотилган ҳолларда ер участкасининг бино ёки иншоот жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу ер участкаси сотилгунига қадар амалда бўлган шартлар билан ана шу бино ёки иншоотни ижарага олувчи шахсда сақланиб қолади.



**577-м о д д а. Ижара ҳақининг миқдори**

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида ижара ҳақининг миқдори назарда тутилиши лозим. Ижара ҳақининг миқдори тўғрисида тарафлар ёзма шаклда келишган шартлар бўлмаган тақдирда, бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Бунда ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган нарх белгилаш қоидалари қўлланилмайди.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида белгиланган бино ёки иншоотдан фойдаланганлик ҳақи, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ёки иншоот жойлашган ер участкасидан ёхуд ер участкасининг бино ёки иншоот билан бирга топшириладиган тегишли қисмидан фойдаланганлик ҳақи ҳам киради.

Шартномада бино ёки иншоотнинг ижара ҳақи бино (иншоот) майдонининг бирлиги ёки унинг бошқа ўлчов кўрсаткичлари бўйича белгиланган бўлса, ижара ҳақи ижарага олувчига топширилган бино ёки иншоотнинг ҳақиқий ўлчовига қараб аниқланади.

**578-м о д д а. Бино ёки иншоотни топшириш**

Бино ёки иншоотни ижарага берувчи томонидан топшириш ва ижарага олувчи томонидан қабул қилиб олиш тарафлар имзолайдиган топириш далолатномаси ёки топширишга доир бошқа ҳужжат бўйича амалга оширилади.

Агар қонунда ёхуд бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг бино ёки иншоотни ижарага олувчига топшириш мажбурияти бино ёки иншоот ижарага олувчининг эгаллигига ёки фойдаланишига топширилганидан ва тарафлар топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни имзолаганларидан кейин бажарилган ҳисобланади.

Тарафлардан бирининг бино ёки иншоотни шартномада назарда тутилган шартларда топшириш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашдан бош тортиши тегишли бўлишига қараб, ижарага берувчининг мол-мулкни топшириш бўйича ўз мажбуриятларини, ижарага олувчининг эса, мол-мулкни қабул қилиб олиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши деб қаралади.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бекор қилинганида ижарага олинган бино ёки иншоот ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда ижарага берувчига қайтарилиши лозим.

**5-§. КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ****579-м о д д а. Корxonани ижарага бериш шартномаси**

Корxonани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкый комплекс сифатида бутун корxonани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустаном.

Ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма

равишда огоҳлантириши шарт, кредиторлар бунга рози бўлмаса, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарачига ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни талаб қилган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейингина корxonа ижарачига топширилиши мумкин.

Корxonа мулкый комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага олувчи топширилган корxonа таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас. Ижарачи махсус рухсатнома (лицензия)си бўлмаганлиги сабабли бажара олмайдиган мажбуриятларни шартнома бўйича топшириладиган корxonа таркибига киритиш ижарага берувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди.

**580-м о д д а. Корxonани ижарага бериш шартномасининг шакли**

Корxonани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Корxonани ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Корxonани ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

**581-м о д д а. Ижарага олинган корxonани топшириш**

Ижарага олинган корxonа ижарага олувчига топшириш далолатномаси бўйича топширилади.

Агар ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олинган корxonани топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг зиммасидаги мажбурият ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

**582-м о д д а. Ижарага олувчининг корxonани сақлаш ва уни ишлатиш харажатларини тўлаш бўйича мажбуриятлари**

Корxonани ижарага олувчи ижара шартномаси амал қилиб турган бутун вақт мобайнида корxonани тегишли техник ҳолатда сақлаб туриши, шу жумладан уни жорий таъмирлаши ва шартномада назарда тутилган ҳолларда капитал таъмирлаши шарт.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олинган корхонани ишлатиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек ижарага олинган мол-мулкни суғурталаш бўйича тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ижарага олувчи зиммасига юклатилади.

### **583-м о д д а. Ижарага олинган корхона мол-мулкдан фойдаланиш**

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи ижарага олинган корхона мол-мулки таркибига кирувчи моддий бойликларни ижарага берувчининг розилиги билан сотиш, айирбошлаш ва унинг розилигисиз вақтинча фойдаланишга ёхуд қарзга, қўшимча ижарага беришга, шунингдек корхона баҳосини пасайтирмаслик ва ижара шартномасининг бошқа бандларини бузмаслик шarti билан бундай бойликларга нисбатан ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтказишга ҳақли.

Агар корхонани ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган корхонани ижарага берувчининг розилигисиз қайта қуришга, уни кенгайтириб, техник қайта жиҳозлаб қийматини оширишга ҳақли.

### **584-м о д д а. Ижарачининг ижарага олинган корхонани яхшилаши**

Корхонани ижарага олиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани ижарага олувчи ижарага берувчининг рухсатидан қатъи назар, ижарага олинган мол-мулкни ажратиб бўлмайдиган тарзда яхшилаш қийматини олишга ҳақли.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчининг бундай яхшилашга қилган харажатлари ижарага олинган мол-мулкнинг қийматини унинг сифати ва (ёки) ундан фойдаланиш хусусиятларини яхшилашга қараганда бекиёс даражада ошириб юборганлигини ёки бундай яхшилашни амалга ошириш вақтида ҳалоллик ва оқилоналик тамойиллари бузилганлигини исботласа, суд уни бундай яхшилаш ҳақини ижарага олувчига тўлаш мажбуриятдан озод қилиши мумкин.

### **585-м о д д а. Корхонани ижарага бериш шартномасига битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳамда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш оқибатлари ҳақидаги қоидаларнинг татбиқ этилиши**

Ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги шартнома бўйича олинган нарсани бир тарафдан ёки ҳар иккала тарафдан қайтариб олишни ёки асли ҳолида ундириб олишни назарда тутувчи қоидалари, агар бундай оқибатлар ижарага берувчи ва ижарага олувчининг кредиторларининг, бошқа шахсларнинг муҳим ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини жиддий бузмаса ва ушбу Кодекс 116-моддасининг қоидаларига зид келмаса, корхонани ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланади.

### **586-м о д д а. Ижарага олинган корхонани қайтариш**

Корхонани ижарага бериш шартномаси бекор бўлганида, ижарага олинган мулккий комплекс ушбу Кодекснинг 579 ва 581-моддаларида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ижарага берувчига қайтарилиши шарт.

## **6-§. ЛИЗИНГ \***

### **587-м о д д а. Лизинг шартномаси**

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади. (*Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда*)

### **588-м о д д а. Лизинг объекти**

Истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно.

### **589-м о д д а. Лизинг субъектлари**

Келажақда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб тан олинади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади.

Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажақ фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажақда мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади. (*Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда*)

### **590-м о д д а. Лизинг тўлови**

Лизинг тўлови лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади.

(*Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрь ЎРҚ-138-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 533-модда*).

\* Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрь ЎРҚ-138-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 533-модда).

**591-м о д д а. Мол-мулкни лизингга топшириш тўғрисида сотувчини хабардор қилиш**

Лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига билдириши шарт.

**592-м о д д а. Лизинг шартномаси нарсасини лизинг олувчига топшириш**

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Агар лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қоплашини талаб қилишга ҳақли.

**593-м о д д а. Мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфининг лизинг олувчига ўтиши**

Лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади.

**594-м о д д а. Лизинг берувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги**

Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилган муддатда топшириши шарт.

Агар лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк етказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг олувчи олдида жавобгардир.

**595-м о д д а. Лизинг олувчининг ҳуқуқлари**

Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса:

лизинг тўловларини тўхтатиб туриш;

етказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектдан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига

қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 8-модда)*

Лизинг шартномасининг муддати тугагач, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

**596-м о д д а. Қўшимча лизинг**

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкни лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топширишга ҳақли.

**597-м о д д а. Лизинг олувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги**

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда)*

Лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувда шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур.

Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларни тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда)*

**598-м о д д а. Сотувчининг жавобгарлиги**

Лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бунда лизинг олувчи, мазкур мол-мулкнинг олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлгани каби, ушбу Кодексда сотиб олувчи учун назарда тутилган

ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қила олмайди.

Сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредиторлар бўладилар.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди, сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз хоҳишига қараб, солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдида ҳам, лизинг берувчи олдида ҳам қўйишга ҳақли.

### **599-м о д д а. Лизинг объекти бошқа мулкдорга ўтганида лизинг шартномасининг ўз кучида қолиши**

Лизинг бўйича топширилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтганида лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

## **35-БОБ. УЙ-ЖОЙ ИЖАРАСИ**

### **600-м о д д а. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси**

Уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф – уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) – бошқа тараф (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиши ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.

Уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланиши мумкин.

### **601-м о д д а. Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси**

Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойлар фуқароларга уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан берилади. Уй-жойни ижарага беришнинг бундай шартномаси бўйича ижарага олувчи билан бирга яшайдиган унинг оила аъзолари уй-жойни ижарага бериш шартномаси бўйича барча ҳуқуқлардан ижарага олувчи билан тенг фойдаланадилар ва барча мажбуриятларни бажарадилар.

Ижарага олувчи ва унинг оила аъзоларининг талабига биноан шартнома оила аъзоларининг биттаси билан тузилиши мумкин. Ижарага олувчи вафот этган ёки уй-жойдан чиқиб кетган тақдирда, шартнома уй-жойда яшаб турган оила аъзоларининг бири билан тузилади.

Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар, шартлар ва тартибда тузилади. Бундай шартнома-

га нисбатан ушбу Кодекс 603, 604, 607, 609, 610-моддаларининг, шунингдек 613-модда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларининг қоидалари қўлланади. Ушбу Кодекснинг бошқа қоидалари, агар уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланади.

### **602-м о д д а. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти**

Доимий яшаш учун яроқли бўлган алоҳида уй-жой (квартира, уй, квартиранинг ёки уйнинг бир қисми) уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти бўлиши мумкин.

Уй-жойнинг яшаш учун яроқлилиги уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Кўп квартирали уйдаги уй-жойни ижарага олган шахс ундан фойдаланиш билан бир қаторда ушбу Кодекснинг 211-моддасида кўрсатилган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

### **603-м о д д а. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг шакли**

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **604-м о д д а. Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганида уй-жойни ижарага бериш шартномасининг сақланиши**

Ижара шартномаси бўйича эгаллаб турилган уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши шартноманинг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига олиб бормайди. Бунда янги мулкдор илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчига айланади.

### **605-м о д д а. Уй-жойни ижарага берувчининг мажбуриятлари**

Ижарага берувчи ижарага олувчига доимий яшаш учун яроқли бўш уй-жойни бериши лозим.

Ижарага берувчи ижарага берилган турар жой жойлашган уйдан тегишли даражада фойдаланишни амалга ошириши, ижарага олувчига ҳақ эвазига зарур коммунал хизмат кўрсатиши ёки хизмат кўрсатилишини таъминлаши, кўп квартирали уйнинг умумий фойдаланиладиган мол-мулки ва турар жой биносида жойлашган коммунал хизмат кўрсатиш қурилмалари таъмирланишини таъминлаши лозим.

### **606-м о д д а. Ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар**

Уй-жойни ижарага олиш шартномасига биноан фақатгина фуқаро ижарага олувчи бўлиши мумкин.

Шартномада уй-жойда ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар кўрсатилиши лозим. Шартномада бундай кўрсатмалар бўлмаса, мазкур фуқароларни уй-жойга қўйиш ушбу Кодекс 608-моддасининг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар уй-жойдан фойдаланиш бўйича у билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Ижарага олувчи билан бундай фуқаролар ўртасидаги муносабатлар қонунда белгиланади.

Ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшаб, уй-жойни ижарага бериш шартномасининг шартларини бузаётган фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари учун ижарага берувчи олдида жавобгар бўлади.

Ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар ижарага берувчини хабардор қилган ҳолда уй-жойда доимий яшайдиган фуқароларнинг ҳаммаси ижарага олувчи билан бирга ижарага берувчи олдида солидар жавобгар эканликлари тўғрисида ижарага олувчи билан шартнома тузишлари мумкин. Бундай ҳолда ушбу фуқаролар биргаликда ижарага олувчи бўладилар.

#### **607-м о д д а. Уй-жойни ижарага олувчининг мажбуриятлари**

Ижарага олувчи уй-жойдан фақат унинг вазифаси бўйича фойдаланиши, уй-жойнинг сақланишини таъминлаши ва уни яхши ҳолда тутиши шарт.

Ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуришга ва тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Ижарага олувчи уй-жой ҳақини ўз вақтида тўлаб туриши шарт. Агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи коммунал хизматлар ҳақини мустақил тўлаши шарт.

#### **608-м о д д а. Уй-жойни ижарага олиш шартномасига ижарага олувчининг янги оила аъзоларини киритиш**

Уй-жойни ижарага олувчи, шунингдек унинг оила аъзолари бошқа фуқароларни оила аъзоси сифатида уй-жойни ижарага олиш шартномасига киритишни талаб қилишга ҳақли. Бундай фуқароларни уй-жойни ижарага олиш шартномасига киритиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **609-м о д д а. Вақтинча яшовчилар**

Ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар умумий келишувга биноан ва ижарага берувчини олдиндан хабардор қилган ҳолда вақтинча яшовчиларга (фойдаланувчиларга) уй-жойда бепул яшаб туришлари учун рухсат этишга ҳақлидирлар. Башарти, қонун ҳужжатларининг жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони нормаси ҳақидаги талабларига риоя этилмаса, ижарага берувчи вақтинча яшовчиларнинг яшаб туришларини тақиқлаб қўйиши мумкин. Вақтинча яшовчиларнинг яшаб туриш муддати олти ойдан ошмаслиги керак.

Вақтинча яшовчилар уй-жойдан фойдаланишда мустақил ҳуқуққа эга бўлмайдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари учун ижарага берувчи олдида ижарага олувчи жавобгардир.

Вақтинча яшовчилар улар билан келишилган яшаб туриш муддати ўтганидан кейин, агарда бундай муд-

дат келишилмаган бўлса, ижарага олувчи ёки у билан бирга доимий яшайдиган ҳар қандай фуқаро томонидан тегишли талаб қўйилган кундан эътиборан кўпи билан етти кун ичида уй-жойни бўшатишлари шарт.

#### **610-м о д д а. Ижарага берилган уй-жойни таъмирлаш**

Ижарага берилган уй-жойни жорий таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жойни капитал таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жой жойлашган уйни қайта жиҳозлашга, агар бундай қайта жиҳозлаш уй-жойдан фойдаланиш шарт-шароитларини жиддий равишда ўзгартирса, ижарага олувчининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

#### **611-м о д д а. Уй-жой учун тўланадиган ҳақ**

Уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори тарафларнинг ўзаро келишувига биноан уй-жойни ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади. Башарти, қонунга мувофиқ уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган бўлса, шартномада белгиланган ҳақ ана шу миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

Уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди, қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Уй-жой учун ҳақ ижарага олувчи томонидан уй-жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда тўлаб турилиши лозим. Агар шартномада бундай муддатлар назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ижарага олувчи томонидан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб турилиши шарт.

#### **612-м о д д а. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг муддати**

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у беш йилга тузилган ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган уй-жойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекс 606-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 609-моддасида, ушбу модданинг учинчи қисмида, 613 ва 614-моддаларида назарда тутилган қоидалар қўлланмайди.

Ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Агар ижарага берувчи уй-жойни бир йилдан кам бўлмаган муддатда ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, у янги муддатга шартнома тузишни рад қилишга ҳақли.

#### **613-м о д д а. Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш**

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасига биноан ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги

билан ўзи ижарага олган бинонинг бир қисмини ёки ҳаммасини муайян муддатга иккиламчи ижарага олувчига беради. Иккиламчи ижарага олувчи уй-жойдан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан ижарага олувчи ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномаси қонун ҳужжатларининг жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони нормаси ҳақидаги талабларига риоя этилган тақдирдагина тузилиши мумкин.

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномаси ҳақ эвазига амалга оширилади.

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати уй-жойни ижарага бериш шартномасининг муддатидан кўп бўлиши мумкин эмас.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда бир вақтнинг ўзида уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномаси ҳам бекор қилинади.

Янги муддатга шартнома тузишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги қоида уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **614-м о д д а. Уй-жойни ижарага бериш шартномасида ижарага олувчини алмаштириш**

Ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг талабига биноан ва ижарага берувчининг розилиги билан уй-жойни ижарага бериш шартномасидаги ижарага олувчи у билан бирга доимий яшайдиган вояга етган бошқа бир фуқаро билан алмаштирилиши мумкин.

Ижарага олувчи вафот этган ёки у уй-жойдан кетиб қолган тақдирда, шартнома аввалги шартларда амал қилаверади, аввалги ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқароларнинг умумий келишувига биноан улардан бири ижарага олувчи бўлади. Агар бундай келишувга эришилган бўлмаса, уй-жойда биргаликда доимий яшайдиган фуқароларнинг ҳаммаси биргаликда ижарага олувчи бўладилар.

#### **615-м о д д а. Ижара шартномасини бекор қилиш**

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси тарафларнинг келишуви билан бекор қилинади.

Уй-жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг розилиги билан ижарага берувчини уч ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси:

агар шартномада узокроқ муддат белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан уй-жой учун олти ой мобайнида, қисқа муддатли ижарада эса шартномада белгиланган ҳақ тўлаш муддати ўтганидан кейин икки мартадан кўпроқ ҳақ тўланмаган бўлса;

ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар томонидан уй-жой вайрон қилинса ёки унга путур етказилса, ижарага берувчининг талабига биноан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси:

агар уй-жой доимий яшаш учун яроқли бўлмай қолса, шуниингдек авария ҳолатига келиб қолса;

уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда шартномадаги исталган тарафнинг талабига биноан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Агар уй-жойни ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар уй-жойдан унинг вазифасига биноан фойдаланмасалар ёхуд мунтазам равишда қўшниларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузсалар, ижарага берувчи ижарага олувчини қоидабузарликларга барҳам бериш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши мумкин.

Агар ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар огоҳлантириш олганлардан кейин ҳам уй-жойдан унинг вазифасига биноан фойдаланмасликни ёки қўшниларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузишни давом эттирсалар, ижарага берувчи уй-жойни ижарага бериш шартномасини суд тартибида бекор қилишга ҳақли.

Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш учун асос бўлган қоидабузарликларга барҳам бериш тартиби ва муддатлари қонун билан белгилаб қўйилади.

#### **616-м о д д а. Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилишнинг оқибатлари**

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси бекор қилинган тақдирда, ижарага олувчи ва шартнома бекор қилинган вақтда уй-жойда яшаб турган бошқа фуқаролар суднинг қарорига асосан уй-жойдан кўчириб чиқарилиши лозим.

### **36-БОБ. ТЕКИН ФОЙДАЛАНИШ**

#### **617-м о д д а. Текин фойдаланиш шартномаси тушунчаси**

Текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси бўйича бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафга (ссуда олувчига) ашёни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ейилишни ҳисобга олиб худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Текин фойдаланиш шартномасига нисбатан ушбу Кодекс 537-моддасида, 540-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 545-моддасида, 553-моддасининг тўртинчи қисмида, 555-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

#### **618-м о д д а. Ссуда берувчи**

Ашёни текин фойдаланишга бериш ҳуқуқига унинг мулкдори ва қонун ёки мулкдор томонидан ваколат берилган бошқа шахслар эга бўлади.

Тижорат ташкилоти ўз муассиси, иштирокчиси (акциядори), раҳбари, ўз бошқарув ёки назорат органларининг аъзоси бўлган шахсга ашёни текин фойдаланишга беришга ҳақли эмас.

**619-м о д д а. Ашёни текин фойдаланиш учун бериш**

Ссуда берувчи ашёни ундан текин ҳамда вазифасига мувофиқ фойдаланиш шартларига жавоб берадиган ҳолатда топшириши шарт.

Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё ундан текин фойдаланиш учун барча мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари (фойдаланиш бўйича йўриқномалар, техник паспорти ва шу каби-лар) билан бирга берилади.

Агар бундай ашёлар ва ҳужжатлар берилмаган бўлиб, уларсиз ашёдан вазифасига мувофиқ фойдаланиб бўлмаса ёки ундан фойдаланиш ссуда олувчи учун ўз аҳамиятини анча йўқотса, ссуда олувчи бундай ашёлар ва ҳужжатлар берилишини ёки шартнома бекор қилиниб, ўзи кўрган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**620-м о д д а. Ашёни текин фойдаланишга бермаслик оқибатлари**

Агар ссуда берувчи ашёни ссуда олувчига бермаса, ссуда олувчи шартномани бекор қилиш ва етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**621-м о д д а. Текин фойдаланиш учун берилган ашёнинг камчиликлари учун жавобгарлик**

Ссуда берувчи текин фойдаланиш шартномасини тузиш пайтида қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик билан ашёнинг камчиликларини айтиб қўймаган бўлса, бу камчиликлар учун жавоб беради.

Бундай камчиликларни аниқлаганида ссуда олувчи ўз хоҳишига қараб, ссуда берувчидан ашёдаги камчиликларни текин бартараф этишни ёки ашёнинг камчиликларини бартараф этишга қилинган харажатларни қоплашни ёхуд текин фойдаланиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиб, ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Ссуда олувчининг талабларидан ёки унинг ашёдаги камчиликларни ссуда берувчининг ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ссуда берувчи бузқ ашёни кечиктирмасдан тегишли ҳолатдаги худди шундай ашё билан алмаштириши мумкин.

Ашёнинг текин фойдаланиш шартномасини тузиш вақтида кўрсатиб ўтилган ёки ссуда олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд у ашёни кўздан кечириш ёки шартнома тузиш ёхуд ашёни топшириш вақтида унинг созлигини текшириш чоғида аниқлаши лозим бўлган камчиликлари учун ссуда берувчи жавобгар бўлмайди.

**622-м о д д а. Текин фойдаланишга топширилётган ашёга учинчи шахсларнинг ҳуқуқи**

Ашёнинг текин фойдаланишга топширилиши бу ашёга учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текин фойдаланиш шартномасини тузишда ссуда берувчи бу ашёга учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари (сервитут, гаров ҳуқуқи ва бошқалар) тўғрисида ссуда олувчини огоҳлантириши шарт. Бу мажбурият-

ни бажармаслик ссуда олувчига шартномани бекор қилиш ва ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

**623-м о д д а. Ссуда олувчининг ашёни сақлаш мажбуриятлари**

Ссуда олувчи текин фойдаланиш учун олинган ашёни соз ҳолатда сақлаши шарт. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи ашёни жорий ва капитал таъмирлаши ва уни сақлаш билан боғлиқ ҳамма харажатларни тўлаши шарт.

**624-м о д д а. Ашёнинг тасодифан nobud бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи**

Агар ссуда олувчи ашёдан шартномага ёки унинг вазифасига номувофиқ ҳолда фойдаланиши ёхуд уни ссуда берувчининг розилигисиз учинчи шахсга бериши туфайли ашё nobud бўлса ёки бузилса, текин фойдаланиш учун олинган ашёнинг тасодифан nobud бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи ссуда олувчининг зиммасида бўлади. Ссуда олувчи ўз ашёсидан воз кечиб, ссудага берилган ашёнинг nobud бўлиши ёки бузилишини бартараф қилиш имкониятига эга бўлган бўлса ҳам, ашёнинг тасодифан nobud бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи унинг зиммасида бўлади.

**625-м о д д а. Ашёдан фойдаланиш натижасида учинчи шахсга етказилган зарар учун жавобгарлик**

Ссуда берувчи ашёдан фойдаланиш натижасида учинчи шахсга етказилган зарар учун, башарти бу зарар ссуда олувчи томонидан ёки бу ашё ссуда берувчининг розилиги билан қўлига тушиб қолган шахс томонидан қасддан ёхуд қўпол эҳтиётсизлик туфайли етказилганини ёинки зарар ссуда олувчининг эғалигидан ссуда берувчининг розилигисиз чиқиб кетган ашёдан фойдаланиб етказилганини исбот қилмаса, жавобгар бўлади.

**626-м о д д а. Текин фойдаланиш учун олинган ашёни учинчи шахсга топшириш**

Ссуда олувчи текин фойдаланиш учун олган ашёни учинчи шахсга фойдаланиш учун фақат ссуда берувчининг розилиги билан ва унинг олдида масъул бўлиб қолган ҳолда беришга ҳақли.

**627-м о д д а. Текин фойдаланиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш**

Ссуда берувчи қуйидаги ҳолларда шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, агар ссуда олувчи:

- ашёдан шартномага ёки ашёнинг вазифасига мувофиқ фойдаланмаса;
- ашёни соз ҳолатда сақлаш ёки уни асраш мажбуриятларини бажармаса;
- ашёнинг ҳолатини анча ёмонлаштира;
- ссуда берувчининг розилигисиз ашёни учинчи шахсга берган бўлса.

**37-БОБ. ПУДРАТ****1-§. ПУДРАТ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****631-м о д д а. Пудрат шартномаси**

Пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топширигига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Пудрат шартномасининг айрим турлари (маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойihalаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати)га, агар ушбу Кодекснинг бундай турдаги шартномалар тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

**632-м о д д а. Пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишлар**

Пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, иш пудратчининг материаллари, унинг кучи ва маблағлари ҳисобидан бажарилади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачининг топширигини бажариш усуллари пудратчи мустақил белгилайди.

Пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифати тегишли даражада бўлмаганлиги учун, шунингдек учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни берганлиги учун жавобгар бўлади.

**633-м о д д а. Материалларнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи**

Материалларнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, пудратчининг пудрат шартномасида шартлашилган ишни топшириш муддати келгунча материалларни берган тараф зиммасида, бу муддатдан кейин эса ишни топширишни кечиктириб юборган тараф зиммасида бўлади.

**634-м о д д а. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи**

Агар қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

Ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига ва 334-моддасига мувофиқ, бош пудратчи

Ссуда олувчи қуйидаги ҳолларда текин фойдаланиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли:

ашёдан нормал фойдаланишни мумкин бўлмайдиган ёки қийин қилиб қўядиган нуқсонларни аниқлаган бўлса, бу нуқсонлар хусусида шартнома тузиш пайтида билинган ва билиши мумкин бўлмаган тақдирда;

агар ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра ашё ундан фойдаланиш мумкин бўлмайдиган ҳолатга келиб қолса;

агар шартнома тузишда ссуда берувчи уни топшириладиган ашёга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида огоҳлантирмаган бўлса;

ссуда берувчи ашёни ёки унга мансуб ашёларни ва тегишли ҳужжатларни бериш мажбуриятини бажармаса.

**628-м о д д а. Текин фойдаланиш шартномасидан воз кечиш**

Агар ашёдан текин фойдаланиш муддати шартномада белгилаб қўйилган бўлмаса ва шартномада хабар қилишнинг бошқа муддати назарда тутилмаган бўлса, ҳар қайси тараф иккинчи тарафни бир ой олдин хабардор қилиб, шартномадан хоҳлаган пайтда воз кечишга ҳақли.

Агар текин фойдаланиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи муддати кўрсатиб тузилган шартномадан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда ҳар қачон воз кечишга ҳақли.

**629-м о д д а. Текин фойдаланиш шартномасидаги тарафларнинг ўзгариши**

Ссуда берувчи ашёни бошқа шахсга беришга ёки уни ҳақ эвазига фойдаланиш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли. Бунда аввал тузилган текин фойдаланиш шартномаси бўйича ҳуқуқлар янги мулкдор ёки фойдаланувчига ўтади, унинг ашёга нисбатан ҳуқуқлари қаторига ссуда олувчининг ҳуқуқлари қўшилади.

Ссуда берувчи фуқаро вафот этган ёхуд ссуда берувчи юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда текин фойдаланиш шартномаси бўйича уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари меросхўрга ёки бошқа ҳуқуқий ворисга ёхуд ашёга мулк ҳуқуқи ёки ашёни текин фойдаланиш учун топширишга асос бўлган ўзга ҳуқуқ ўтган бошқа шахсга ўтади.

Ссуда олувчи юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда, текин фойдаланиш шартномасида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, унинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

**630-м о д д а. Текин фойдаланиш шартномасининг бекор бўлиши**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ссуда олувчи фуқаро вафот этган ёки ссуда олувчи юридик шахс тугатилган ҳолларда текин фойдаланиш шартномаси бекор бўлади.



буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар бўлади, буюртмачи олдида эса, ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчининг ҳар бири бош пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни бир-бирига қўйишга ҳақли эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмидаги қоидаларни ёки пудрат шартномасини бузиб, шартномани бажариш учун ёрдамчи пудратчини жалб қилган пудратчи ушбу ёрдамчи пудратчи шартномани бажаришда қатнашиб, етказган зарар учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Бош пудратчининг розилигини олган ҳолда буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли. Бу ҳолда мазкур шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бевосита буюртмачи олдида жавобгар бўладилар.

### **635-м о д д а. Ишни бажариш муддатлари**

Пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошлангич ва охириги муддатлари кўрсатилади. Тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлар) ҳам назарда тутилиши мумкин.

Пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ишни бажаришнинг бошлангич ва охириги, шунингдек оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасида кўрсатилган ишни бажаришнинг бошлангич, охириги ва оралиқ муддатлари шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Ушбу Кодекс 337-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ижро муддатини кечиктириш оқибатлари ишни бажаришнинг охириги муддатиغا риоя этилмаган ҳолларда юзага келади.

### **636-м о д д а. Ишнинг баҳоси**

Пудрат шартномасида бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади. Улар шартномада кўрсатилган бўлмаса, ишнинг баҳоси ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Пудрат шартномасидаги ишнинг баҳоси пудратчининг чиқимларини ва унга тўланадиган ҳақни ўз ичига олади.

Ишнинг баҳоси смета тузиш йўли билан аниқланиши мумкин.

Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайдан бошлаб кучга эга бўлади ва пудрат шартномасининг бир қисми бўлиб қолади.

Ишнинг баҳоси (смета) тахминий ёки қатъий бўлиши мумкин. Пудрат шартномасида бундай кўрсатма бўлмаса, ишнинг баҳоси (смета) қатъий ҳисобланади.

Агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт. Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилиши мумкин.

Буюртмачини пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) ошириш зарурлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирмаган пудратчи иш учун шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда шартномани бажариши шарт.

Пудратчи, қоида тариқасида, қатъий баҳо (қатъий смета)ни оширишни, буюртмачи эса уни камайтиришни талаб қилишга, шу жумладан бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам, ҳақли эмас.

Пудратчи томонидан тақдим қилиниши керак бўлган материаллар ва ускуналар, шунингдек учинчи шахслар томонидан унга кўрсатиладиган хизматлар баҳоси анча ошган ва буни шартнома тузиш вақтида назарда тутиш мумкин бўлмаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 383-моддасига биноан пудратчи белгиланган иш баҳосини (сметани) оширишни талаб қилишга, буюртмачи бу талабни бажаришдан бош тортган тақдирда эса, шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

### **637-м о д д а. Пудратчининг тежами**

Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти буюртмачи пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этганлигини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун пудрат шартномасида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Пудрат шартномасида пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тақсимланиши назарда тутилиши мумкин.

### **638-м о д д а. Ишга ҳақ тўлаш тартиби**

Агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

Пудратчи қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва миқдордагина ўзига бўнак ёки закатат берилишини талаб қилишга ҳақли.

### **639-м о д д а. Пудратчининг ушлаб қолиш ҳуқуқи**

Шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлан-

гунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал қолдиги ва пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни ушбу Кодекснинг 290 ва 291-моддаларига мувофиқ ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

#### **640-м о д д а. Ишни буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажариш**

Пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши, иш тугаганидан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши, шунингдек унинг қолдигини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт.

Башарти пудратчи буюртмачи берган материални тегишли суратда қабул қилиб олаётганида ундаги камчиликларни аниқлаш мумкин бўлмаганлигини исбот қила олмаса, у буюртмачи берган материалнинг камчиликлари туфайли ишнинг лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлади.

#### **641-м о д д а. Буюртмачи берган мол-мулкнинг сақланмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги**

Пудрат шартномасини бажариш муносабати билан буюртмачи берган материал, ускуна, қайта ишлашга (ишлов беришга) топширилган ашё ва пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулк сақланмаганлиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

#### **642-м о д д а. Пудратчи ишни бажараётган вақтда буюртмачининг ҳуқуқлари**

Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли.

Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни сушт бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга агар иш кечиктириб бажарилмаган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиши лозим.

Агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тuzатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор

қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт.

#### **643-м о д д а. Пудратчи буюртмачини огоҳлантириб қўйиши шарт бўлган ҳолатлар**

Пудратчи қуйидагиларни аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

буюртмачи берган материал, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

пудратчига боглиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида буюртмачини огоҳлантирмаган ёки огоҳлантиришга жавоб олиш учун шартномада кўрсатилган муддат ўтишини, бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддат ўтишини кутмасдан ёхуд буюртмачи ишни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан ишни давом эттираверган пудратчи буюртмачи унга ёки пудратчи буюртмачига тегишли талаблар қўйганида мазкур ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас.

Агар буюртмачи пудратчининг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида ва асосли огоҳлантирганига қарамасдан, оқилона муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

#### **644-м о д д а. Буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича муқобил мажбуриятларни бажармаслиги**

Буюртмачи пудрат шартномаси бўйича ўзининг муқобил мажбуриятларини бажармаганлиги, хусусан материал, ускуналар, техник ҳужжатларни ёки қайта ишланиши (ишлов берилиши) керак бўлган ашёни бермаганлиги пудратчининг шартномани бажаришига тўсқинлик қилган ҳолларда, шунингдек мазкур мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаслигини яққол кўрсатиб турган ҳолатлар мавжуд бўлганда (ушбу Кодекснинг 256-моддаси) пудратчи ишга киришмасликка, бошланган ишни эса тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шартномани бажаришдан бош тортишга ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

**645-м о д д а. Буюртмачининг ёрдами**

Пудратчининг ишни бажаришига буюртмачи пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда, ҳажмда ва тартибда ёрдам бериши шарт.

Буюртмачи бу мажбуриятни бажармаса, пудратчи кўрилган зарарни, шу жумладан бекор туриб қолганлик оқибатидаги кўшимча чиқимларни қоплашни ёки ишни бажариш муддатини ўзгартириш ёхуд пудрат шартномасида кўрсатилган иш баҳосини оширишни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачининг ҳаракати ёки йўл қўйган хатоси туфайли пудрат шартномаси бўйича ишни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, пудратчи ишнинг бажарилган қисмини ҳисобга олган ҳолда шартномада кўрсатилган баҳони олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

**646-м о д д а. Буюртмачининг бажарилган ишларни қабул қилиши**

Буюртмачи бажарилган ишни (унинг натижасини) пудрат шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчига дарҳол маълум қилиши шарт.

Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи бу камчиликлар ёхуд уларни тuzатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатда кўрсатилган ҳоллардагина уларни ваз қилиб келтиришга ҳақли.

Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар (очиқ кўришиб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Буюртмачи иш қабул қилиб олинганидан сўнг унда пудрат шартномасидан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган бошқа хил камчиликлар (яширин камчиликлар)ни, шу жумладан, пудратчи қасддан яширган камчиликларни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт.

Буюртмачи билан пудратчи ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак. Экспертиза ўтказиш харажатлари пудратчи зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки пудратчининг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза харажатларини экспертиза ўтказишни талаб қилган тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош торганида, пудратчи шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин буюртмачини икки марта огоҳлантирган ҳолда иш

натижасини сотиб юборишга, тушган пулни эса, пудратчига тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига буюртмачининг номига киритиб қўйишга ҳақли. Пудратчи пудрат нарсасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли.

Агар буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлган бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтда буюртмачига ўтган деб ҳисобланади.

**647-м о д д а. Ишнинг сифати**

Пудратчи бажарган иш пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бажарилган иш натижаси буюртмачига топшириш пайтида шартномада кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган ҳуссиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида шартномада назарда тутилганидек фойдаланиш учун, агар у шартномада белгиланган бўлмаса, бундай турдаги ишнинг натижасидан одатдагидек фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

Агар қонун ҳужжатларида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган пудратчи ишни бундай мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шарт.

Пудратчи белгиланган мажбурий талабларга нисбатан сифат жиҳатидан бирмунча юқори талабларга жавоб берадиган ишни бажаришни пудрат шартномаси асосида ўз зиммасига олиши мумкин.

**648-м о д д а. Ишнинг сифатига кафолат бериш**

Қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчи буюртмачига ишнинг сифатига кафолат бериши назарда тутилган бўлса, пудратчи бутун кафолат муддати давомида ушбу Кодекс 647-моддасининг биринчи қисми талабларига мос келадиган иш натижаларини буюртмачига топшириши шарт.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишлар натижасининг сифатига берилган кафолат ишнинг натижасини ташкил этувчи ҳамма нарсага тегишли бўлади.

**649-м о д д а. Кафолат муддатини ҳисоблаш тартиби**

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилган ёки қабул қилиши лозим бўлган пайдан ўта бошлайди.

Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёхуд у пудрат шартномасининг хусусиятларидан келиб чиқмаса, пудрат шартномаси бўйича кафолат муддатини ҳисоблаш учун ушбу Кодекс 404-моддасининг иккин-

чи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган қоидалар тегишинча татбиқ этилади.

**650-м о д д а. Ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги**

Агар иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса ёки уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз хоҳишига кўра пудратчидан:

камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни;

иш учун белгиланган баҳони мутаносиб равишда камайтиришни;

шартномада буюртмачининг камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса, уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, буюртмачига шартномани бажаришни кечиктирганлик натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли. Бундай ҳолда буюртмачи илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг харақатига кўра уни қайтариб бериш мумкин бўлса, пудратчига қайтариб бериши шарт.

Агар ишдаги пудрат шартномаси шартларидан четга чиқишлар ёки бошқа хил камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса ёхуд аниқланган камчиликлар буюртмачи томонидан белгиланган оқилона муддатда бартараф этилмаган бўлса, буюртмачи шартномани бажаришдан бош тортишга ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудрат шартномасининг муайян камчилик учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги шarti, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли харақатлари ёки харақатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилмайди.

Ишни бажариш учун материал берган пудратчи унинг сифати учун сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар бўйича жавобгар бўлади.

**651-м о д д а. Иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаш муддатлари**

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ушбу моддада белгиланган муддатларда иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаган тақдирда, ишнинг натижаси лозим даражада сифатли эмаслиги билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Иш натижасига кафолат муддати белгиланмаган ҳолларда иш натижаларидаги камчиликлар оқилона муддатда, бироқ иш натижаси топширилган кундан бошлаб икки йил мобайнида аниқланган тақдирда, агар қонунда, шартномада ёки иш муомаласи одатларида

бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, буюртмачи иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйиши мумкин.

Буюртмачи кафолат муддати мобайнида аниқланган иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Шартномада назарда тутилган кафолат муддати икки йилдан кам бўлиб, буюртмачи иш натижасидаги камчиликларни кафолат муддати тамом бўлгач, бироқ ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган пайдан эътиборан икки йил давомида аниқлаган ва бу камчиликлар иш натижаси ўзига топширилгунича ёки топшириш пайтига қадар юзага келган сабабларга кўра пайдо бўлганлигини исбот қилса, улар учун пудратчи жавобгар бўлади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати бажарилган иш натижаси буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган ёки қабул қилиб олиниши лозим бўлган пайдан эътиборан ўта бошлайди.

Пудрат шартномаси бўйича кафолат муддатини ҳисоблашда, агар қонун ҳужжатларида, тарафлар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у пудрат шартномасининг хусусиятларидан келиб чиқмаса, ушбу Кодекс 404-моддаси иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларининг қоидалари тегишинча қўлланади.

**652-м о д д а. Иш сифатининг тегишли даражада эмаслиги хусусида даъво қўзғатиш муддати**

Иш сифатининг тегишли даражада эмаслиги туфайли келиб чиққан талаблар учун даъво қўзғатиш муддати ушбу Кодекс 150-моддасининг қоидаларига биноан белгиланади.

Агар қонун ҳужжатлари ёки пудрат шартномасида пудратчининг иш сифатига кафолат бериши назарда тутилган, кафолат муддати белгиланган ва ишдаги камчиликлар хусусидаги ариза кафолат муддатида берилган бўлса, даъво қўзғатиш муддати камчиликлар хусусида ариза берилган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Агар пудрат шартномасига мувофиқ буюртмачи иш натижасини қисмларга бўлиб қабул қилган бўлса, даъво муддати иш натижаси бутунлай қабул қилиб олинган кундан эътиборан ўта бошлайди.

**653-м о д д а. Пудратчининг буюртмачига ахборот бериш мажбурияти**

Агар шартномада назарда тутилган бўлса ёки ахборотнинг характеридан иш натижасидан пудрат шартномасида назарда тутилган мақсадларда ушбу ахборотсиз фойдаланиш мумкин эмаслиги англашилса, пудратчи буюртмачига ишнинг натижаси билан бирга пудрат шартномасининг нарчасини ишлатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишга тааллуқли бўлган ахборотни ҳам бериши шарт.

**654-м о д д а. Тарафлар олган ахборотнинг махфийлиги**

Агар бир тараф пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги туфайли иккинчи тарафдан янги ечимлар ва техникавий билимлар, жумладан

ҳуқуқий муҳофаза қилинмайдиган ечим ва билимлар, шунингдек тижорат сири деб ҳисобланиши мумкин бўлган маълумотлар олса, у бу маълумотларни иккинчи тарафнинг розилигисиз учинчи шахсларга маълум қилишга ҳақли эмас. Бундай ахборотдан фойдаланиш тартиби ва шартлари тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

### **655-м о д д а. Буюртмачига материал ва ускуналарни қайтариб бериш**

Агар буюртмачи ушбу Кодекс 642-моддасининг тўртинчи қисмига ёки 650-моддасининг учинчи қисмига асосан пудрат шартномасини бажаришдан воз кечса, пудратчи буюртмачи томонидан берилган материалларни, ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашё ва бошқа мол-мулкни буюртмачига қайтариб бериши ёки буюртмачи кўрсатган шахсга топшириши, агар бунинг иложи бўлмаса – материаллар, ускуналар, ашё ва бошқа мол-мулкнинг қийматини тўлаши шарт.

## **2-§. МАИШИЙ ПУДРАТ**

### **656-м о д д а. Маиший пудрат шартномаси**

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи-фуқаронинг топшириғи билан унинг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Агар қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада, шу жумладан буюртмачи кўшилган формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларнинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, пудратчи буюртмачига патта ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни берган пайдан бошлаб маиший пудрат шартномаси тузилган ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатларнинг буюртмачида бўлмаслиги, уни маиший пудрат шартномаси тузилганлигини ёки унинг шартларини тасдиқловчи гувоҳлар кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Маиший пудрат шартномаси оммавий шартномалар жумласига кирadi.

### **657-м о д д а. Буюртмачи ҳуқуқларининг кафолатлари**

Пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган кўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмас. Бу талаб бузилган тақдирда, буюртмачи тегишли иш ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли.

Буюртмачи иш унга топширилгунча истаган вақтда белгиланган ҳақнинг у пудрат шартномасини бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги билдиришни пудратчи олгунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини ва шартномани бажариш мақсадида шу пайтгача қилинган харажатларни пудратчига тўлаб, агар бу харажатлар иш учун тўланадиган ҳақнинг кўрсатиб ўтилган қисмига кирмаса, маиший буюртма шартномасини бажаришдан воз кечишга ҳақли. Шартноманинг буюртмачини бундай ҳуқуқдан маҳрум қилувчи шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

### **658-м о д д а. Таклиф этилаётган иш тўғрисида буюртмачига ахборот бериш**

Маиший пудрат шартномаси тузилгунга қадар пудратчи таклиф қилинаётган иш, унинг турлари ва хусусиятлари, баҳоси, ҳақ тўлаш шакли тўғрисида буюртмачига зарур ва ишонарли ахборотни топшириши, шунингдек буюртмачининг илтимосига биноан шартномага ва тегишли ишга доир маълумотларни унга бериши шарт. Агар ишнинг хусусияти бўйича аҳамияти бўлса, пудратчи уни бажарадиган аниқ шахсни кўрсатиши керак.

Пудратчидан олинган ахборотнинг тўлиқ ёки ишончли бўлмаганлиги оқибатида буюртмачи назарда тутилган хусусиятларга эга бўлмаган ишни бажариш тўғрисида шартнома тузилган бўлса, буюртмачи бажарилган ишга ҳақ тўламаган ҳолда маиший пудрат шартномасини бекор қилишни ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

### **659-м о д д а. Бажарилган ишдан фойдаланиш шартлари тўғрисида буюртмачини огоҳлантириш**

Пудратчи буюртмачига ишни топшириш вақтида иш натижасидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун риоя этилиши зарур бўлган талабларни, шунингдек тегишли талабларга риоя қилмаслик буюртмачининг шахсан ўзи ва бошқа шахслар учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини маълум қилиши шарт.

### **660-м о д д а. Ишни пудратчининг материалдан фойдаланиб бажариш**

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг материалдан фойдаланиб бажарилса, буюртмачи материал ҳақининг ҳаммасини шартнома тузиш вақтида тўлайди ёки унинг шартномада кўрсатилган қисми тўланиб, пудратчи бажарган ишни буюртмачи қабул қилиб олаётганида тўла ҳисоб-китоб қилинади.

Маиший пудрат шартномасига биноан материал пудратчи томонидан насияга берилиши, шу жумладан буюртмачи томонидан материалнинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ҳам берилиши мумкин.

Пудратчи томонидан берилган материал баҳосининг маиший пудрат шартномаси тузилганидан сўнг ўзга-риши қайта ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмайди.

### **661-м о д д а. Ишни буюртмачининг материалдан фойдаланиб бажариш**

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш буюртмачининг материалдан фойдаланиб бажарилса, шартнома тузилаётганда буюртмачига пудратчи томонидан бериладиган паттада ёки бошқа ҳужжатда материалнинг аниқ номи, таърифи ва тарафларнинг келишуви бўйича белгиланадиган баҳоси кўрсатилиши керак. Патта ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатдаги материалнинг баҳоси хусусида буюртмачи кейинчалик судда низолашиши мумкин.

### **662-м о д д а. Ишнинг баҳоси ва уни тўлаш**

Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади ва у пудратчи эълон қилган прејскурантда кўрсатилганидан

юқори бўлиши мумкин эмас. Пудратчи ишни бутунлай топширганидан сўнг буюртмачи унга ҳақ тўлайди. Тарафларнинг келишувига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилаётганда иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан тўлаши мумкин.

**663-м о д д а. Бажарилган ишда камчиликлар борлигини аниқлаш оқибатлари**

Буюртмачи иш натижасини қабул қилиб олаётган ёки пудрат нарчасидан фойдаланаётган пайтда камчиликларни аниқласа, ушбу Кодекснинг 650-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларидан бирини ушбу Кодекс 652-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган умумий муддат давомида, кафолат муддати бўлганида эса, шу муддат давомида амалга ошириши мумкин.

Маиший пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг буюртмачининг ўзи ва бошқа шахслар ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган камчиликларини текин бартараф этиш тўғрисидаги талаб, агар қонунда белгиланган тартибда узоқроқ муддат (хизмат муддати) назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ёки унинг қонуний вориси томонидан иш натижаси қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб ўн йил давомида қўйилиши мумкин. Бундай талаб ушбу камчиликлар қачон аниқланганлигидан қатъи назар, шу жумладан улар кафолат муддати тугагандан сўнг аниқланган бўлса ҳам, қўйилиши мумкин. Мазкур талаб пудратчи томонидан бажарилмаса, буюртмачи юқорида кўрсатилган муддат давомида ё иш учун тўланган ҳақнинг тегишли қисмини қайтаришни ёхуд ўз кучи билан ёки учинчи шахслар ёрдамида камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**664-м о д д а. Буюртмачи иш натижасини қабул қилиш учун келмаслигини оқибатлари**

Буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилиш учун келмаган ёки ишни қабул қилишдан бошқача тарзда бўйин товлаган тақдирда, пудратчи буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, бундай огоҳлантиришдан кейин икки ой ўтгач, ишнинг натижасини оқилона нархда сотишга, тушган пулни эса, ундан ўзига тегишли бўлган бутун тўловларни чегириб қолиб, ушбу Кодекснинг 249-моддасига мувофиқ буюртмачининг номига депозитга ўтказишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда пудратчи иш натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

**665-м о д д а. Маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачининг ҳуқуқлари**

Маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачи ушбу Кодекснинг 434 – 436-моддаларига мувофиқ сотиб олувчига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

**3-§. ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ**

**666-м о д д а. Қурилиш пудрати шартномаси**

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириги билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини) иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қондалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин уни шартномада кўрсатилган муддатда ишлатишни таъминлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади.

Тугалланмаган қурилишнинг мулкдори у буюртмачига топширилгунча ва унинг ҳақи тўлангунча пудратчи ҳисобланади.

**667-м о д д а. Пудрат объектининг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш хавфи**

Агар пудрат объекти нобуд бўлса ёки шикастланса, объект қабул қилиб олингунга қадар унинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш хавфи пудратчи зиммасида бўлади.

**668-м о д д а. Бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун жавобгарлик**

Бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

**669-м о д д а. Қурилиш объектини суғурталаш**

Агар шартномада тарафлар бошқача тартиб ва шартларни белгилаб қўйган бўлмасалар, шартномада назарда тутилган объектни ёки ишлар мажмуини пудратчи ўз ҳисобидан суғурталаш шарт.

Суғурталаш мажбурияти юклатилган тараф қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган тартибда иккинчи тарафга шартнома шартларига мувофиқ суғурта шартномаси тузганини тасдиқловчи далилларни, шу жумладан, суғурта қилувчи, суғурта суммаси миқдори ва суғурталанган таваккалчиликлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиши керак.

Суғурталаш тегишли тарафини суғурта ҳодисаси юз беришининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятидан озод қилмайди.

**670-м о д д а. Лойиҳа-смета ҳужжатлари**

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган

бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт.

Қурилиш пудрати шартномасида бошқа кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ҳамма ишларни бажариши шарт, деб таҳмин қилинади.

Қурилиш пудрати шартномасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни аниқланган, шунингдек қайси тараф ва қанча муддатда тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши керак.

Пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

Пудратчи буюртмачидан ўн кун ичида ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, агар қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган зарарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Агар буюртмачи қўшимча иш бажариш зарурати йўқлигини исботласа, бу зарарни қоплашдан озод этилади.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида белгиланган мажбуриятларни бажармаган пудратчи, агар буюртмачининг манфаатини кўзлаб, хусусан ишнинг тўхтатилиши қурилиш объектининг нобуд бўлишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин бўлганлиги муносабати билан дарҳол ҳаракат қилиш зарур бўлганлигини исботлай олмаса, у бажарган қўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлашни ва шу туфайли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Кўшимча иш бажариш ва унга ҳақ тўлашга буюртмачи рози бўлса, бу ишлар пудратчининг касб фаолияти соҳасига кирмайдиган ёки у ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уларни бажара олмаган ҳоллардагина пудратчи мазкур ишларни бажаришдан бош тортишга ҳақли.

#### **671-м о д д а. Лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш**

Агар техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, буюртмачи техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Техник ҳужжатларга ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганига нисбатан каттароқ ҳажмда ўзгартишлар киритиш тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Агар ишнинг қиймати пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сметада камидан ўн фоиз ошган бўлса, пудратчи ушбу Кодекснинг 382-моддасига мувофиқ сметани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш билан боғлиқ оқилона харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

#### **672-м о д д а. Қурилиш материаллар ва ускуналар билан таъминлаш**

Агар шартномада бутун қурилишни ёки унинг муайян қисмини моддий таъминлаш буюртмачи томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлмаса, қурилиш материаллар, шу жумладан деталлар ва конструкциялар, шунингдек ускуналар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади.

Қурилиш таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган тараф ўзи топширган материаллар (деталлар, конструкциялар)дан, шунингдек ускуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиб бўлмаслиги вужудга келганлиги учун, агар фойдаланиб бўлмаслик иккинчи тараф жавоб берадиган вазиятлар туфайли вужудга келганлигини исбот қилмаса, жавобгар бўлади.

Буюртмачи берган материаллар ёки ускуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиш мумкин эмаслиги аниқланган ва буюртмачи уларни алмаштиришдан бош тортган тақдирда, пудратчи қурилиш пудрати шартномасидан воз кечишга ва буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмига мутаносиб равишда шартнома нархини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

#### **673-м о д д а. Ишга ҳақ тўлаш**

Буюртмачи пудратчининг бажарган иши учун сметада назарда тутилган миқдорда, қонун ёки қурилиш пудрати шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда ҳақ тўлайди. Қонун ёки шартномада тегишли кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ушбу Кодекснинг 638-моддасига мувофиқ ҳақ тўланади.

Қурилиш пудрати шартномасида ишларга объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла ва тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

#### **674-м о д д а. Қурилиш учун ер участкаси бериш**

Буюртмачи қурилиш учун ер участкасини қурилиш пудрати шартномасида кўрсатилган катталиқда ва ҳолатда ўз вақтида бериши шарт. Шартномада булар кўрсатилган бўлмаса, ер участкасининг майдони ва ҳолати ишнинг ўз вақтида бошланиши, нормал олиб борилиши ва муддатида тугалланишини таъминлаши шарт.

#### **675-м о д д а. Қурилиш пудрати шартномасидаги буюртмачининг қўшимча мажбуриятлари**

Буюртмачи қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда пудратчига ишларни бажариш учун зарур бўлган бино ва иншоотларни фойдаланишга бериши, унинг манзиллига юкларнинг ташиб берилишини, вақтинчалик электр таъминоти тармоқлари, сув ва буғ қувурлари ўтказилишини таъминлаши ва бошқа хизматлар кўрсатиши шарт.

#### **676-м о д д а. Буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишларнинг бажарилишини текшириши ва назорат қилиши**

Буюртмачи, пудратчининг оператив-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ишларнинг бажарилишини ва

сифатини, уларни бажариш муддатларига (графикка) риоя этилишини, пудратчи берган материалларнинг сифатини, шунингдек буюртмачининг материалдан пудратчи тўғри фойдаланаётганлигини текширишга ва назорат қилишга ҳақли.

Буюртмачи ишларнинг бажарилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошираётганда қурилиш пудрати шартномаси шартларидан ишлар сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлган даражада чекишни ёки бошқа камчиликларни аниқласа, бу тўғрида дарҳол пудратчига хабар бериши шарт. Буни хабар қилмаган буюртмачи аниқланган камчиликларни кейинчалик ваз қилиб келтириш ҳуқуқини йўқотади.

Агар пудратчи буюртмачидан қурилиш жараёнида олган кўрсатмалар қурилиш пудрати шартномаси шартларига зид бўлмаса ва пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашидан иборат бўлмаса, пудратчи бундай кўрсатмаларни бажариши шарт.

Ишни тегишли даражада бажармаган пудратчи буюртмачининг бу ишларни текширмагани ва назорат қилмаганини ваз қилиб келтиришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида бундай текшириш ва назоратни амалга ошириш буюртмачининг зиммасига юкланган ҳоллар бундан мустасно.

#### **677-м о д д а. Қурилиш пудрати шартномасидаги тарафларнинг ҳамкорлик қилиши**

Агар қурилишни ва у билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қурилиш пудрати шартномасини тегишли даражада бажаришга тўсиқлар борлиги маълум бўлса, тарафларнинг ҳар бири бундай тўсиқларни бартараф этиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган тараф тегишли тўсиқлар бартараф этилмаганлиги туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда бир тараф ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун қилган харажатларни бошқа тараф тўлаши лозим.

#### **678-м о д д а. Пудратчининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш мажбуриятлари**

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ ишларни амалга ошираётган вақтда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб боришга доир қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши шарт ва бундай талаблар бузилганлиги учун учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Агар буюртмачи берган материаллар (деталлар, конструкциялар)дан ва ускуналардан ишни бажариш жараёнида фойдаланиш ёки унинг кўрсатмаларини бажариш атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш тўғрисидаги тарафлар учун мажбурий бўлган талабларнинг бузилишига олиб келса, пудратчи бу материаллар ва ускуналардан фойдаланишга, кўрсатмаларни бажаришга ҳақли эмас.

#### **679-м о д д а. Қурилиш консервация қилинганда буюртмачининг мажбуриятлари**

Агар тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишлар тўхтатилган бўлса ва қурилиш объекти консервация қилинган бўлса, буюртмачи пудратчига консервация қилинган пайтга қадар бажарилган ишлар ҳақининг ҳаммасини тўлаши, шунингдек ишларни тўхтатиш ва қурилишни консервация қилиш зарурияти туфайли қилинган харажатларни тўлаши шарт.

#### **680-м о д д а. Ишларни топшириш ва қабул қилиб олиш**

Пудратчидан қурилиш пудрати шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки, агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларни қабул қилиб олишда давлат органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этиши мумкин.

Ишларнинг алоҳида босқичларини олдиндан қабул қилиб олган буюртмачи уларнинг пудратчи айбдор бўлмаган ҳолда нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфини, шу жумладан қурилиш пудрати шартномасида ишнинг пудратчи томонидан таваккал қилиб бажарилиши назарда тутилган ҳолларда ҳам, ўз зиммасига олади.

Ишлар натижасининг пудратчи томонидан топширилиши ва буюртмачи томонидан қабул қилиб олиниши иккала тараф имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилади. Тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош қорғаса, бу тўғрида ушбу далолатномага ёзиб қўйилади ва далолатномани иккинчи тараф имзолайди.

Суд далолатномани имзолашдан бош тортиш сабабларини асосли деб топсагина, ишлар натижасини топшириш ёки қабул қилишнинг бир тарафлама далолатномасини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ёки шартнома юзасидан бажариладиган ишнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолларда иш натижасини қабул қилиб олишдан олдин дастлабки синов ўтказилиши керак. Бундай ҳолларда ишлар фақат дастлабки синов ижобий натижа бергандагина қабул қилиб олиниши мумкин.

Бажарилган ишда ундан қурилиш пудрати шартномасида кўрсатилган мақсадда фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар борлиги аниқланган ва уларни пудратчи, буюртмачи ёки учинчи шахс бартараф этиши мумкин бўлмаган тақдирда, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишдан бош тортишга ҳақли.

#### **681-м о д д а. Ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлиги**

Пудратчи қурилиш пудрати шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган



қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйилганлиги, шунингдек қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Бино ёки иншоот реконструкция қилинганда (янгиланган, қайта қурилган, реставрация қилинганда ва ҳоказо) бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустақамлиги, барқарорлиги, ишончлилиги пайсайдани ёки йўқолгани учун жавобгарлик пудратчи зиммасига юкланади.

Пудратчи буюртмачининг розилигисиз лойиҳа ҳужжатларидан буюртмачининг жиддий манфаатларига таъсир қилмайдиган тарзда озгина четга чиқиш ҳолларига йўл қўйганлиги учун, башарти бу ҳол қурилишнинг сифатига таъсир этмаганлигини исботлаб бера олса, жавобгар бўлмайди.

#### **682-м о д д а. Қурилиш пудрати шартномасида сифат кафолатлари**

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга эришишини ва объектни кафолат муддати давомида шартномага мувофиқ ҳолда ишлатиш мумкинлигини кафолатлайди. Агар қонунда ёки шартномада бошқача кафолат муддати назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати объект буюртмачи томондан қабул қилинган кундан бошлаб ўн йилни ташкил этади.

Агар пудратчи кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар (нуқсонлар) объектининг ёки унинг қисмларининг нормал эскириши, унинг нотўғри ишлатилиши ёхуд буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар ишлаб чиққан қўлланманиннг нотўғрилиги, объектни буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар тегишли даражада таъмирламаганлиги оқибатида вужудга келганлигини исботлай олмаса, бу камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Кафолат муддати пудратчи жавобгар бўлган камчиликлар натижасида объектдан фойдаланиш мумкин бўлмаган бутун вақтга тўхтатиб турилади.

Кафолат муддати давомида ушбу Кодекс 681-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган камчиликлар аниқланган тақдирда, буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейинги оқилона муддат давомида улар ҳақида пудратчини хабардор қилиши керак.

#### **683-м о д д а. Камчиликларни буюртмачи ҳисобидан бартараф қилиш**

Қурилиш пудрати шартномасида пудратчининг у жавобгар бўлмаган камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича ва буюртмачи ҳисобидан бартараф қилиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Камчиликларни бартараф қилиш иши қурилиш пудрати шартномасининг нарчасига бевосита боғлиқ бўлмаган ёки бу ишни пудратчи ўзига алоқаси йўқ сабабларга кўра бажара олмайдиган ҳолларда пудратчи ушбу модданиннг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ҳақли.

#### **684-м о д д а. Ер участкасининг ипотекаси**

Буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ўз зиммасига олган ҳар қандай мажбуриятларни бажариши, шу жумладан бажарилган ишлар ҳақини тўлаши, шартномада назарда тутилган ҳолларда пудрат нарчасини ушлаб қолиш билан бир қаторда қурилиш ёки унга боғлиқ ишлар олиб борилаётган ер участкасининг ипотекаси билан ҳам таъминланиши мумкин.

#### **685-м о д д а. Қурилиш пудратини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш**

Қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ муносабатлар ушбу Кодекс билан бир қаторда қурилиш пудрати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиниши мумкин.

### **4-§. ЛОЙИҲА ВА ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ПУДРАТИ**

#### **686-м о д д а. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси**

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (лойиҳаловчи, қидирувчи) буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лойиҳа ва қидирув ишлари шартномасини тасодифан бажариш мумкин бўлмаслиги хавфи буюртмачининг зиммасига тушади.

#### **687-м о д д а. Лойиҳа ва қидирув ишлари учун бошлангич маълумотлар**

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича буюртмачи пудратчига лойиҳалаш ҳақида топширик, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган бошқа бошлангич маълумотларни бериши шарт. Лойиҳалаш ҳақидаги вазифани буюртмачининг топшириғи бўйича пудратчи тайёрлаши мумкин. Бу ҳолда вазифа буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа бошлангич маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли.

#### **688-м о д д а. Буюртмачининг мажбуриятлари**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича қуйидагиларни бажариши:

барча ишлар бажариб бўлинганидан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши;

пудратчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги;

лойиҳа ва қидирув ишларини бажаришда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда пудратчи-га хизмат кўрсатиши;

тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда пудратчи билан бирга қатнашиши;

пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни пудратчига тўлаши;

тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга пудратчини жалб қилиши шарт.

#### **689-м о д д а. Пудратчининг мажбуриятлари**

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномасига мувофиқ пудратчи:

ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ бажариши;

тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек буюртмачи билан бирга тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиши;

тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;

буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

#### **690-м о д д а. Пудратчининг кафолатлари**

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи учинчи шахсларда пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

#### **691-м о д д а. Пудратчининг ҳужжатлар ва ишлардаги камчиликлар учун жавобгарлиги**

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда пудратчи буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бе-пул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши, шунингдек агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

#### **692-м о д д а. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудратини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш**

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси асосидаги муносабатлар ушбу Кодекс билан, шунингдек

лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

### **5-Ў. ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ, ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИШЛАРИ ПУДРАТИ**

#### **693-м о д д а. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномалари**

Илмий-текшириш ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (ижрочи) буюртмачи берган вазифада кўрсатилган илмий текширишларни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича эса – янги буюм намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини, янги технологияни ишлаб чиқиш ёки намуна нусхасини тайёрлаш мажбуриятини олади. Бунда буюртмачи пудратчига (ижрочига) техникавий топшириқ бериш, ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Пудратчи билан тузилган шартнома тадқиқот олиб бориш, намуналар ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг бутун жараёнини ҳам, уларнинг айрим босқичларини (элементларини) ҳам қамраб олиши мумкин.

#### **694-м о д д а. Ишларни бажариш**

Пудратчи илмий текширишларни шахсан ўзи олиб бориши шарт. Агар илмий-текшириш ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у буюртмачининг розилиги билан шартномани бажаришга учинчи шахсларни жалб қилишга ҳақли.

Пудратчи тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажарган вақтида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уни бажаришга учинчи шахсларни ёрдамчи пудратчи сифатида жалб қилишга ҳақли. Ижрочи билан учинчи шахслар ўртасидаги муносабатларга ушбу Кодекснинг 634-модда-сида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

#### **695-м о д д а. Шартнома тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги**

Агар илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тарафлар шартнома нарчасига, уни бажариш жараёни ва олинган натижаларга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари шарт. Махфий деб ҳисобланадиган маълумотлар ҳажми шартномада белгилаб қўйилади. Пудратчи буюртмачининг ёзма розилиги билан мазкур шартномалар бўйича бажарилган ишларнинг натижаларини патентлашга ҳақли.

#### **696-м о д д а. Иш натижаларига тарафларнинг ҳуқуқлари**

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаларидаги тарафлар иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан шартномада назарда тутилган доирда ва шартларда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ўзига пудратчи томонидан берил-

ган иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, пудратчи эса ўзи олган натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақли.

#### **697-м о д д а. Буюртмачининг мажбуриятлари**

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича буюртмачи: пудратчига техникавий топшириқ бериши ва у билан ишлар дастурини (техника-иқтисодий параметрларни) ёки мавзусини келишиб олиши;

пудратчига ишларни бажариш учун зарур ахборотни топшириши;

бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва уларнинг ҳақини тўлаши шарт.

#### **698-м о д д а. Пудратчининг мажбуриятлари**

Илмий-текшириш ишлари ёки тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи:

буюртмачи билан келишилган дастур (техника-иқтисодий параметрлар)га ёки мавзуга мувофиқ ишларни бажариши ва натижасини шартномада назарда тутилган муддатда буюртмачига топшириши;

интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларга риоя этиши;

бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, буюртмачининг техникавий топширигида ёки шартномада назарда тутилган техника-иқтисодий параметрлардан чекинишга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан барта-раф этиши;

кутилаётган натижаларни олиш мумкин эмаслиги ёки ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда буюртмачини дарҳол хабардор қилиши;

бундай шартномалар асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алоҳида ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида буюртмачига кафолат бериши шарт.

Агар илмий-текшириш ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи:

ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган илмий-техникавий натижаларни буюртмачининг розилигисиз эълон қилмаслиги;

ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижаларни ҳимоя қилиш чораларини кўриши ва бу ҳақда буюртмачини хабардор қилиши;

буюртмачига бажарилган ишларда қўлланилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ илмий-техникавий натижалардан фойдаланиш ҳақидаги махсус лицензияни бериши шарт.

#### **699-м о д д а. Илмий-текшириш ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатлари**

Агар илмий-текшириш ишлари жараёнида пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар оқибатида натижага эришиш мумкин эмаслиги маълум бўлса, буюртмачи шартномада назарда тутилган натижаларга эришиб

бўлмаслиги аниқлагунча амалга оширилган ишлар қийматини тўлаши шарт, аммо бу қиймат шартномада кўрсатилган ишлар баҳосининг тегишли қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

#### **700-м о д д а. Тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатлари**

Агар тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш жараёнида пудратчи айбдор бўлмагани ҳолда ишни давом эттириш мумкин эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, буюртмачи пудратчининг харажатларини тўлаши шарт.

#### **701-м о д д а. Шартномани бузганлик учун пудратчининг жавобгарлиги**

Пудратчи илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасини умуман ва тегишли даражада бажармаганлиги учун, агар шартноманинг бузилишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилмаса, буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, буюртмачининг ишлар қиймати доирасида кўрган реал зарарини пудратчи қоплаши шарт.

#### **702-м о д д а. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаларини ҳуқуқий тартибга солиш**

Илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари асосидаги муносабатлар ушбу Кодекс билан бир қаторда, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

### **38-БОБ. ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**

#### **703-м о д д а. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси**

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади. Ушбу Кодекснинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно.

#### **704-м о д д а. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бажариш**

Шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

**705-м о д д а. Хизматларга ҳақ тўлаш**

Буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт.

Ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда буюртмачи ижрочига ўнинг харажатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

**706-м о д д а. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлиги**

Ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилгандан кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

**707-м о д д а. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш**

Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шarti билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

**708-м о д д а. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш**

Пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ушбу бобнинг қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланади.

**39-БОБ. ЙЎЛОВЧИ, БАГАЖ ВА ЮК ТАШИШ****709-м о д д а. Йўловчи, багаж ва юк ташишнинг умумий қоидалари**

Йўловчи, багаж ва юк ташиш (қуйида ташиш деб юритилади) ташиш шартномаси асосида амалга оширилади.

Ташишнинг умумий шартлари ушбу Кодекс, транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидалар билан белгиланади.

Транспортнинг айрим турларида йўловчи, багаж ва юк ташиш шартлари, шунингдек тарафларнинг уларни ташиш бўйича жавобгарлиги, агар ушбу Кодексда, транспорт уставлари ва кодексларида, бошқа қонунларда ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

**710-м о д д а. Йўловчи ташиш шартномаси**

Йўловчи ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини, йўловчи багаж топширган бўлса – багажни ҳам белгиланган манзилга элтиб бериш ҳамда багажни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Бунда йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багаж топширган бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаш мажбуриятини олади.

Йўловчи ва багаж ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли чипта ва багаж паттаси билан тасдиқланади.

Йўловчи тегишли транспорт устави ёки кодексидан назарда тутилган тартибда:

ўзи билан болаларни бепул ёки бошқа имтиёзли шартларда олиб юриш;

белгиланган миқдор доирасида ўзи билан бепул багаж олиб юриш;

белгиланган миқдор доирасида бепул, миқдордан ортиқчаси учун эса – тариф бўйича ҳақ тўлаб, ташиш учун багаж топшириш ҳуқуқига эга.

**711-м о д д а. Юк ташиш шартномаси**

Юк ташиш шартномаси бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Юк ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли транспорт устави ёки кодексидан назарда тутилган ҳужжат (транспорт юкхати, коносамент ёки юкка доир бошқа ҳужжат)ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли билан тасдиқланади.

**712-м о д д а. Чартер (фрахтлаш) шартномаси**

Чартер (фрахтлаш) шартномаси бўйича бир тараф (фрахтчи) иккинчи тарафга (фрахтловчига) ҳақ эвазига бир ёки бир неча транспорт воситаси сифимининг ҳаммасини ёки бир қисмини йўловчи, багаж ва юк ташиш учун бир марта ёки бир неча марта қатнашга бериш мажбуриятини олади.

Чартер (фрахтлаш) шартномасини тузиш тартиби, унинг шакли ва турлари транспорт уставлари ва кодексларида белгилаб қўйилади.

**713-м о д д а. Бир йўналишда ҳар хил транспортда ташиш**

Ҳар хил транспортда ягона транспорт ҳужжати асосида йўловчи, багаж ва юк ташилганида (бир йўналишда ҳар хил транспортда ташиш) транспорт ташкилотларининг ўзаро муносабатлари, шунинг-

дек бундай ташишни ташкил қилиш тартиби бир йўналишда ҳар хил (аралаш) транспортда ташишга доир қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли турдаги транспорт ташкилотлари ўртасидаги келишув билан белгиланади.

#### **714-м о д д а. Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш**

Тижорат ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ташиш, агар қонун ҳужжатларидан ёки ушбу ташкилотга берилган рухсатномадан (лицензиядан) унинг ҳар қандай фуқаро ёки юридик шахс мурожаатига мувофиқ йўловчи, багаж ва (ёки) юк ташиши шартлиги англашилса, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш деб эътироф этилади.

Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш шартномаси оммавий шартномадир.

#### **715-м о д д а. Кира ҳақи**

Агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, йўловчи, багаж ва юк ташиганлик учун тарафлар келишуви билан белгиланган миқдорда ҳақ олинади.

Умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи, багаж ва юк ташиганлик учун олинadиган ҳақ транспорт уставлари ва кодексларида белгиланган тартибда тасдиқланadиган тарифлар асосида жорий этилади.

Ташувчи томонидан юк эгасининг талаби билан бажариладиган ва тарифларда назарда тутилмаган иш ва хизматлар учун тарафларнинг келишувига мувофиқ ҳақ тўланади.

Агар қонун ҳужжатларида, ташиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, ташувчи ташиш учун топширилган юкларни ўзига тегишли кира ҳақини ва ташиш бўйича бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

#### **716-м о д д а. Транспорт воситаларини бериш, юк ортиш (тушириш)**

Ташувчи юк жўнатувчига тегишли юкни ташишга яроқли шай ҳолдаги транспорт воситаларини жўнатувчидан қабул қилинган талабнома (буюртма)да, ташиш шартномасида ёки ташишни ташкил этиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатда юк ортиш учун бериши шарт.

Берилган транспорт воситалари тегишли юкни ташишга яроқсиз бўлса, юк жўнатувчи бундай транспортни рад этишга ҳақли.

Юк ортиш (тушириш) транспорт ташкилоти ёки жўнатувчи (олувчи) томонидан ташиш шартномасида назарда тутилган тартибда транспорт уставлари, кодекслари ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Юк жўнатувчи (олувчи)нинг куч ва воситалари билан амалга ошириладиган юк ортиш (тушириш) ишлари ташиш шартномасида назарда тутилган муддатларда, агар бундай муддатлар транспорт уставлари ва кодексларида ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда белгилаб қўйилган бўлмаса, бажарилиши керак.

#### **717-м о д д а. Йўловчи, багаж ва юкни элтиб қўйиш муддати**

Ташувчи йўловчи, багаж ёки юкни белгиланган манзилга транспорт уставлари, кодекслари ёки шартномада назарда тутилган тартибда белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, оқилона муддатда элтиб қўйиши шарт.

#### **718-м о д д а. Ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик**

Ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суратда бажармаган тақдирда, тарафлар ушбу Кодексда, транспорт уставлари ва кодексларида, шунингдек тарафларнинг келишувида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан ташувчининг қонунда белгилаб қўйилган жавобгарлигини чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги келишувлари ҳақиқий эмас.

#### **719-м о д д а. Ташувчининг транспорт воситаларини бермаганлик, жўнатувчининг эса берилган транспорт воситаларидан фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги**

Ташувчи юк ташиш учун транспорт воситаларини қабул қилинган талабнома (буюртма)га ёки бошқа ташиш шартномасига мувофиқ бермаганлиги учун, жўнатувчи эса юкни тақдим этмаганлиги ёки берилган транспорт воситаларидан бошқа сабабларга кўра фойдаланмаганлиги учун транспорт уставлари ва кодекслари, шунингдек тарафларнинг келишувлари билан белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Агар транспорт воситаларини бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик, ёхуд транспорт воситаларидан фойдаланмаслик:

енгиб бўлмас куч ёки бошқа стихияли ҳодисалар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар туфайли;

муайян йўналишларда юк ташиш тегишли транспорт устави ёки кодексда назарда тутилган тартибда тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, юк ташувчи ва юк жўнатувчи жавобгарликдан озод қилинади.

#### **720-м о д д а. Йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилгани учун ташувчининг жавобгарлиги**

Йўловчи ташиш учун транспорт воситасини кечиктириб жўнатганлик ёки бундай транспорт воситаси манзилга кечикиб келганлиги учун, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида ташиш бундан мустасно, ташувчи, агар кечикиш енгиб бўлмас куч ёхуд ташувчига боглиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар туфайли юз берганини исбот қилиб бермаса, йўловчига жарима тариқасида «неустойка» тўлайди. Жарима миқдори ва уни тўлаш тартиби транспорт уставлари ва кодекслари билан белгиланади.

Йўловчига жарима тўлаш ташувчини транспорт воситасини жўнатиш кечикканлиги ёки манзилга кечикиб етиб келганлиги сабабли йўловчи кўрган зарарни унга тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди.

Транспорт воситаларини жўнатиш кечикканлиги сабабли йўловчи уларда жўнашдан бош тортган тақдирда, ташувчи йўловчига кира ҳақини ва у қилган бошқа харажатларни қайтариши шарт.

**721-м о д д а. Юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун ташувчининг жавобгарлиги**

Агар ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юк ва багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун жавобгар бўлади.

Юк ёки багажни ташиш вақтида етказилган зарар ташувчи томонидан қуйидаги миқдорда тўланади:

юк ёки багаж йўқолган ёхуд кам чиққан тақдирда – йўқолган ёки кам чиққан юк ёхуд багажнинг қиймати миқдориди;

юк ёки багажга шикаст етказилган (бузилган) тақдирда – унинг қиймати қанча пасайган бўлса, шунча сумма миқдориди, шикастланган (бузилган) юк ёки багажни тиклаш мумкин бўлмаганида эса, унинг қиймати миқдориди;

баҳосини эълон қилган ҳолда ташишга топширилган юк ёки багаж йўқолган тақдирда – юк ёки багажнинг эълон қилинган қиймати миқдориди.

Транспорт ташкилоти реал зарарни тўлаш билан бирга йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) юкни ташиш учун олган кира ҳақини, агар у юкнинг баҳосига кирмаса, жўнатувчи (олувчи)га қайтариб беради.

Жўнатувчи ташувчидан юклар йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши (бузилиши) туфайли етказилган бошқа зарарни ҳам тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Юк йўқолганлиги, кам чиққанлиги, шикастланганлиги (бузилганлиги) учун бир йўналишда ҳар хил транспортда ташувчилар юк жўнатувчи (юк олувчи) олдида солидар жавобгар бўладилар.

Агар охириги ташувчи юкнинг кечикиб келишида ташувчиларнинг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, юкнинг кечикиб келганлиги учун жавобгар бўлади.

**722-м о д д а. Ташишни ташкил этиш шартномалари**

Ташувчи билан юк эгаси мунтазам ташишни амалга ошириш зарур бўлганида ташишни ташкил этиш ҳақида узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин.

Юк ташишни ташкил этиш шартномаси бўйича ташувчи шартлашилган ҳажмдаги юкларни белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш, юк эгаси эса – топшириш мажбуриятини оладилар. Юк ташишни ташкил этиш шартномасида ташиш учун бериладиган транспорт воситаларининг ва топшириладиган юкларнинг ҳажми, уларни топшириш муддатлари ва бошқа шартлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шунингдек ташишни ташкил этишнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

**723-м о д д а. Транспорт ташкилотлари ўртасидаги шартномалар**

Ҳар хил транспорт ташкилотлари ўртасида юк ташишни таъминлашга қаратилган ишларни ташкил этиш ҳақида шартномалар (асосий келишувлар, юкларни марказлаштирилган тартибда ташиб келтириш (ташиб кетиш) шартномалари ва бошқалар) тузилиши мумкин. Бундай шартномаларни тузиш тартиби транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**724-м о д д а. Юк ташишга нисбатан талаб ва даъволар**

Ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан олдин унга тегишли транспорт устави ёки кодексиди назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шарт.

Агар юк ташувчи талабни қондиришни тўлиқ ёки қисман рад этса ёки ўттиз кунлик муддат ичида талабга жавоб қайтармаса, юк жўнатувчи ёки юк олувчи ташувчига нисбатан даъво қўзғатиши мумкин.

Юк ташишдан келиб чиқадиган талаблар бўйича даъво қўзғатиш муддати ушбу Кодекснинг 154-моддасига мувофиқ белгиланадиган пайдан бошлаб бир йил қилиб белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари йўловчи ёки багаж ташишдан келиб чиқадиган талабларга тааллуқли эмас.

**725-м о д д а. Йўловчининг ҳаёти ёки соғлигига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги**

Йўловчининг ҳаёти ёки соғлигига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги, агар қонунда ёки шартномада кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 57-боби қоидалари бўйича белгиланади.

**40-БОБ. ТРАНСПОРТ ЭКСПЕДИЦИЯСИ**

**726-м о д д а. Транспорт экспедицияси шартномаси**

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедитор ҳақ эвазига ва мижоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

Транспорт экспедицияси шартномасида экспедиторнинг экспедитор ёки мижоз танлаган транспортда ва йўналишда юк ташишни ташкил этиш мажбурияти, мижоз ёки ўзининг номидан юк ташиш шартномаси (шартномалари)ни тузиш, юкнинг жўнатилишини ва олинишини таъминлаш мажбурияти, шунингдек ташиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин.

Қўшимча хизматлар сифатида транспорт экспедицияси шартномасида экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олиш, божхона расмиятчиликлари ёки ўзга расмиятчиликларни бажариш, юкнинг миқдорини ва ҳолатини текшириш, уни ортиш ва тушириш, мижоз зиммасига юклатиладиган божлар, йигимлар ва бошқа харажатларни тўлаш, юкни

сақлаш, уни белгиланган манзилда олиш каби юкни етказиб бериш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек шартномада белгиланган бошқа операциялар ва хизматларни бажариш назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ушбу бобнинг қоидалари транспорт экспедицияси шартномасига мувофиқ экспедиторнинг мажбуриятларини ташувчи бажарган ҳолларга ҳам тааллуқлидир.

Транспорт экспедицияси шартномасини бажариш шартлари, агар транспорт-экспедиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тарафларнинг келишуви билан аниқланади.

#### **727-м о д д а. Шартноманинг шакли**

Транспорт экспедицияси шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Агар экспедиторнинг ўз мажбуриятларини бажариши учун ишончнома зарур бўлса, мижоз уни бериши шарт.

#### **728-м о д д а. Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедиторнинг жавобгарлиги**

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун экспедитор ушбу Кодекс 24-бобининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган асосларда ва миқдорда жавобгар бўлади.

Агар экспедитор мажбуриятнинг бузилиши ташиш шартномалари тегишли равишда бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққанини исботласа, экспедиторнинг мижоз олдидаги жавобгарлиги тегишли ташувчи экспедитор олдида жавобгар бўладиган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

#### **729-м о д д а. Экспедиторга бериладиган ҳужжатлар ва бошқа ахборот**

Мижоз экспедиторга ҳужжатлар ҳамда юкнинг хоссалари, уни ташиш шартлари тўғрисидаги бошқа ахборотни, шунингдек экспедитор транспорт экспедицияси шартномасида назарда тутилган вазибаларни бажариши учун зарур бўлган бошқа ахборотни бериши шарт.

Экспедитор олинган ахборотдаги аниқланган камчиликлар ҳақида мижозга хабар қилиши, ахборот тўлиқ бўлмаганида эса, мижоздан зарур қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиши шарт.

Мижоз зарур ахборотни тақдим этмаган тақдирда, экспедитор бундай ахборот тақдим этилгунга қадар тегишли мажбуриятларни ижро этишга киришмасликка ҳақли.

Мижоз ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборотни тақдим этиш мажбуриятини бузганлиги муносабати билан экспедиторга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

#### **730-м о д д а. Учинчи шахснинг экспедитор мажбуриятини бажариши**

Агар транспорт экспедицияси шартномасидан экспедиторнинг ўз мажбуриятларини шахсан бажариши шартлиги келиб чиқмаса, экспедитор ўз мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни жалб қилишга ҳақли.

Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш экспедиторни транспорт экспедицияси шартномасининг бажарилиши учун мижоз олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди.

#### **731-м о д д а. Экспедиция шартномасидан бош тортиш**

Мижоз ёки экспедитор ўн кун олдин бошқа тарафни огоҳлантириб, транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортилганида, бу ҳақда маълум қилган тараф шартноманинг бекор қилиниши туфайли кўрилган зарарни иккинчи тарафга тўлайди.

### **41-БОБ. ҚАРЗ ВА КРЕДИТ**

#### **1-§. ҚАРЗ**

#### **732-м о д д а. Қарз шартномаси**

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

#### **733-м о д д а. Қарз шартномасининг шакли**

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгиладиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

#### **734-м о д д а. Қарз шартномаси бўйича фоизлар**

Агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар қарз шартномаси бўйича қарз олувчига турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар топширил-

са, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўланиши керак.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

### **735-м о д д а. Қарз олувчининг қарз суммасини қайтариш мажбурияти**

Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Фоиз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан, муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

### **736-м о д д а. Қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари**

Агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб, то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

Агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини тегишли фоизлари билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

### **737-м о д д а. Қарз шартномаси юзасидан даъволашиш**

Қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас, шартнома алдаш, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, қарз олувчининг вакили қарз берувчи билан ёмон ниятда келишиши ёки қийин вазиятлар таъсирида тузилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъволашуви жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатан ҳам қарз берувчидан олинмаганлиги аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада кўрсатилганидан амалда кам миқдорда олган ҳолларда шартнома ана шу миқдордаги пул еки ашёларга тузилган ҳисобланади.

### **738-м о д д а. Қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш**

Қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### **739-м о д д а. Аниқ мақсадли қарз**

Агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда (аниқ мақсадли қарз) фойдаланиши шarti билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Қарз олувчи қарз шартномасининг қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланиш ҳақидаги шартларини бажармаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### **740-м о д д а. Вексель**

Тарафларнинг келишувига мувофиқ қарз олувчи вексель берган бўлиб, бу вексель уни берувчининг (оддий вексель) ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг (ўтказма вексель) векселда назарда тутилган муддат келгач, қарзга олинган пул суммаларини тўлаш ҳақидаги ҳеч қандай шарт билан боғланмаган мажбуриятини тасдиқласа, тарафларнинг вексель бўйича муносабатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

### **741-м о д д а. Облигация**

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қарз шартномаси облигациялар чиқариш ва сотиш йўли билан тузилиши мумкин.

Облигация қимматли қозғоғ бўлиб, уни сақловчининг облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулккий эквивалентини олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Облигация уни сақловчига облигациянинг номинал қийматидан облигацияда қайд этилган миқдорда фоизлар олиш ҳуқуқини ёки бошқа мулккий ҳуқуқларни ҳам беради.

### **742-м о д д а. Қарзни янгилаб, қарз мажбуриятига айлантириш**

Тарафларнинг келишувига мувофиқ, олди-сотди, мулкни ижарага олиш ёки бошқа асослар туфайли



пайдо бўлган ҳар қандай қарз қарз мажбурияти билан алмаштирилиши мумкин.

Қарзнинг қарз мажбурияти билан алмаштирилиши ушбу Кодекснинг 347-моддасида назарда тутилган мажбуриятни янгилаш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади ва қарз шартномаси учун белгиланган шаклда бажарилади.

### **743-м о д д а. Давлат заёми шартномаси**

Давлат заёми шартномаси бўйича давлат қарз олувчи, фуқаро ёки юридик шахс эса қарз берувчи бўлади.

Давлат заёмлари ихтиёрийдир.

Давлат заёми шартномаси қарз берувчининг қарз олувчидан унга қарзга берилган пул маблағларини ёки заём шартларига боғлиқ ҳолда, – бошқа мол-мулкни, белгиланган фоизларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни заёмни муомалага чиқариш шартларида назарда тутилган муддатларда олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат облигациялари ёки бошқа давлат қимматли қоғозларини қарз берувчининг сотиб олиши йўли билан тузилади.

Муомалага чиқарилган заёмнинг шартларини ўзгартиришга (заёмни конверсиялаш), шу жумладан ушбу Кодекснинг 383-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат заёми шартномаси бўйича давлат ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

## **2-Ў. КРЕДИТ**

### **744-м о д д а. Кредит шартномаси**

Кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади.

Агар ушбу параграфнинг қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у кредит шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, кредит шартномаси муносабатларига нисбатан ушбу боб 1-параграфининг қоидалари қўлланади.

### **745-м о д д а. Кредит шартномасининг шакли**

Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт.

Ёзма шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

### **746-м о д д а. Кредит бериш ёки олишдан бош тортиш**

Кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган

кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Қарз олувчи кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши шарт. Қарз олувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда кредитор шартнома бўйича қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақли.

### **747-м о д д а. Ашёларни кредитга бериш шартномаси**

Тарафлар бир тарафнинг кредит шартномаси шартлари асосида турга хос аломатлари билан белгиланган ашёларни иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда туғувчи шартномани тузишлари мумкин.

Ашёларни кредитга бериш тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг берилаётган ашёларнинг миқдори, ассортимент, тўлиқлиги, сифати, идиши ва (ёки) ўралиши ҳақидаги шартлари товарларни олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт.

### **748-м о д д а. Тижорат кредити**

Бажарилиши учун пул суммаларини ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш талаб қилинадиган шартномаларда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгилаб қўйилган бўлмаса, кредит бериш, шу жумладан бўнак, олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ёки хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида кредит бериш (тижорат кредити) назарда тутилиши мумкин.

Тегишли мажбурият баён қилинган шартнома тўғрисидаги қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мазкур мажбуриятнинг моҳиятига зид келмаса, тижорат кредитига нисбатан тегишли суратда ушбу бобнинг қоидалари қўлланади.

## **42-БОБ. ПУЛ ТАЛАБНОМАСИДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ ЭВАЗИГА МОЛИЯЛАШ**

### **749-м о д д а. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси**

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Мижоз ўзининг молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қарздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича молия агентининг мажбуриятлари миждоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек миждозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

#### **750-м о д д а. Молия агенти**

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаларини молия агенти сифатида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек бундай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномаси (лицензияси) бўлган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам тузиши мумкин.

#### **751-м о д д а. Маблағ олиш мақсадида бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган пул талабномаси**

Тўлов муддати келган пул талабномаси ҳам (мавжуд талабнома), шунингдек келажакда вужудга келадиган пул маблағларини олиш ҳуқуқи (бўлажак талабнома) ҳам молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган нарса бўлиши мумкин.

Молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул талабномаси миждознинг молия агенти билан тузадиган шартномасида шундай белгиланган бўлиши керакки, мавжуд талабнома шартнома тузиш пайтига монанд бўлсин, бўлажак талабнома эса – кечи билан талаб вужудга келган пайтга монанд бўлсин.

Бўлажак пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида, у шартномада назарда тутилган талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул маблағларини қарздордан олиш ҳуқуқи вужудга келганидан кейин молия агентига ўтган ҳисобланади. Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш маълум воқеага боғлиқ бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу воқеа юз берганидан кейин кучга киради. Бундай ҳолларда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни қўшимча расмийлаштириш талаб қилинмайди.

#### **752-м о д д а. Миждознинг молия агенти олдидаги жавобгарлиги**

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, миждоз бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлади.

Агар миждоз пул талабномасини топшириш ҳуқуқига эга бўлса ва ушбу талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш пайтида у қарздор бу ҳуқуқни бажармасликка ҳақли бўладиган вазиятлардан беҳабар бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул талабномаси ҳақиқий ҳисобланади.

Агар миждоз билан молия агенти ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мо-

лия агенти бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган талабномани иждога тақдим этганида қарздор бу талабномани бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун миждоз жавобгар бўлмайди.

#### **753-м о д д а. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлашнинг ҳақиқий эмаслиги**

Миждоз билан унинг қарздори ўртасида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида келишув бўлган тақдирда ҳам, пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиш ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгилаб қўйилган қоида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида миждоз билан қарздор ўртасидаги келишувни бузган ҳолда талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечилиши муносабати билан миждозни қарздор олдидаги мажбуриятлар ёки жавобгарликдан озод қилмайди.

#### **754-м о д д а. Пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечиш**

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, молия агентининг пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишига йўл қўйилмайди.

Шартномада пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилган ҳолларда унга нисбатан ушбу модданинг қоидалари тегишли суратда қўлланади.

#### **755-м о д д а. Қарздорнинг пул талабномасини молия агентига иждо этиши**

Қарздор миждоздан ёки молия агентидан пул талабномасидан ушбу молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида ёзма билдиришнома олган ва унда иждо этилиши керак бўлган пул талабномаси белгиланган, шунингдек тўлов амалга оширилиши керак бўлган молия агенти кўрсатилган тақдирда қарздор тўловни молия агентига амалга ошириши шарт.

Қарздорнинг илтимосига кўра молия агенти оқилона муддатда қарздорга пул талабномасидан ҳақиқатан ҳам молия агенти фойдасига воз кечилганлигининг исботини тақдим этиши керак. Агар молия агенти ушбу мажбуриятни бажармаган бўлса, қарздор ушбу талабнома бўйича тўловни миждозга нисбатан амалга ошириб, унинг олдидаги ўз мажбуриятини бажаришга ҳақли.

Қарздорнинг пул талабномасини ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ молия агенти фойдасига бажариши қарздорни миждоз олдидаги тегишли мажбуриятдан озод қилади.

#### **756-м о д д а. Молия агентининг қарздордан олинган суммаларга ҳуқуқлари**

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси шартларига кўра молия агенти миждоздан бу талабни сотиб олиб, шу йўл билан уни молияласа, молия агенти қарздор

талабни бажариш учун тўлайдиган ҳамма суммани олиш ҳуқуқини қўлга киритади, мижоз эса молия агенти олган суммалар у сотиб олган талабноманинг баҳосидан кам бўлиб чиққанлиги учун агент олдида жавобгар бўлмайди.

Агар мижознинг мажбуриятлари молия агентига бажарилишини таъминлаш мақсадида пул талабномасидан унинг фойдасига воз кечилган бўлса ва талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, молия агенти мижозга ҳисобот тақдим этиши ҳамда мижознинг талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзидан ортиб қолган суммани мижозга бериши шарт. Агар молия агенти қарздордан олган пул маблағлари мижознинг молия агентига талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзи суммасидан кам бўлиб чиқса, мижоз қарзнинг қолдиғи учун молия агенти олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

#### **757-м о д д а. Қарздорнинг муқобил талаблари**

Молия агенти қарздорга мурожаат этиб, тўловни амалга оширишни талаб қилган тақдирда, қарздор ушбу Кодекснинг 343–345-моддаларига мувофиқ, ўзининг мижоз билан тузилган шартномага асосланган, қарздор талабномадан молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида билдириш олган пайтда ихтиёрида бўлган ўз пул талабномаларини инobatта олиш учун тақдим этишга ҳақли.

Мижоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги келишувни бузганлиги муносабати билан қарздор мижозга қўйиши мумкин бўлган талаблар молия агентига нисбатан кучга эга эмас.

#### **758-м о д д а. Молия агенти олган суммаларнинг қарздорга қайтарилиши**

Мижоз қарздор билан тузган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, қарздор молия агентига ўтган талабнома бўйича тўланган суммаларни, агар қарздор бундай суммаларни бевосита мижоздан олишга ҳақли бўлса, ундан қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Қарздор талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш натижасида молия агентига тўланган суммаларни бевосита мижоздан олиш ҳуқуқига эга бўлишига қарамай, агар молия агенти талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ ваъда қилинган тўловни мижозга тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги ёки мижоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ тўловни олиши керак бўлган қарздор олдидаги мажбуриятини бузганлигини била туриб, бундай тўловни амалга оширганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу суммалар молия агенти томонидан қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

### **43-БОБ. БАНК ОМОНАТИ**

#### **759-м о д д а. Банк омонати шартномаси**

Банк омонати шартномаси бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига

келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Банк омонати шартномаси омонат суммаси банкка келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Фуқаро омонатчи бўлган банк омонати шартномаси оммавий шартнома деб ҳисобланади.

Банк билан омонатчининг омонат қўйилган ҳисобварақ бўйича муносабатларига нисбатан банк ҳисобварағи шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар ушбу бобнинг қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у банк омонати шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, қўлланилади.

Ушбу бобнинг банкларга доир қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахслардан омонатлар қабул қилувчи бошқа кредит ташкилотларига нисбатан ҳам қўлланади.

#### **760-м о д д а. Пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳуқуқи**

Пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳуқуқига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия берилган банклар эга бўладилар.

Бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахс фуқародан омонат қабул қилган тақдирда, омонатчи дарҳол омонат суммасини қайтариб беришни, шунингдек бу суммага ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни тўлашни ҳамда фоиз суммаларидан ташқари омонатчига етказилган ҳамма зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар бундай шахс банк омонати шартномаси шартлари асосида юридик шахснинг пул маблағларини қабул қилган бўлса, ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий бўлмаслигининг асослари ва оқибатларига доир тегишли қоидалари қўлланади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган оқибатлар, ким бўлишидан қатъи назар, фуқаролар ва юридик шахсларнинг пул маблағларини:

омонат сақловчиларга омонатни талаб қилиши биланок олиш ва омонатчининг ушбу боб қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини бермайдиган векселлар ёки бошқа қимматли қоғозлар бериш;

уларга ғайриқонуний чиқарилган деб топилган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиш йўли билан омонатларга жалб қилиш ҳолларига нисбатан қўлланади.

#### **761-м о д д а. Банк омонати шартномасининг шакли**

Банк омонати шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлиши керак.

Агар омонатнинг қўйилганлиги омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган, қонунда, қонунга мувофиқ белгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик бундай шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

### **762-м о д д а. Омонатларнинг турлари**

Банк омонати шартномаси омонатни талаб қилиши биланоқ бериш (талаб қилинганча сақланадиган омонат) ёки омонатни шартномада белгиланган муддат туганидан кейин қайтариш (муддатли омонат) шarti билан тузилади.

Банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам назарда тутилиши мумкин.

Банк омонати шартномаси бўйича, омонатнинг туридан қатъи назар, банк омонатчининг талаби билан омонат суммасини ёки унинг бир қисмини бериши шарт, юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно.

Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шarti ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олинганча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт.

Муддатли ёки бошқа омонат, талаб қилиб олинганча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар тўланмайди.

Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат туганидан кейин ёки қайтаришнинг бошқа шартлари билан қўйилган омонат суммасини банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олганча сақлаш шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

### **763-м о д д а. Омонатга тўланадиган фоизлар**

Банк омонатчига омонат суммаси учун банк омонати шартномасида белгиланадиган миқдорда фоизлар тўлайди.

Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олинганча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олинганча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, фоизларнинг янги миқдори фоизлар камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланади. Агар банк омонати шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланади.

Омонатни муайян муддат ўтгач ёки шартномада назарда тутилган вазиятлар юз берганидан кейин қайтариш шarti билан қўйилган омонат юзасидан банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар миқдори, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас.

### **764-м о д д а. Омонатга фоизлар ёзиш ва тўлаш тартиби**

Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ёзилмайди.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк омонати суммасига фоизлар ҳар бир ой ўтганидан кейин унинг талаби билан омонат суммасидан алоҳида тўланади, бу муддатда талаб қилиб олинмаган фоизлар эса фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб боради.

Омонат қайтарилганида шу пайтгача ёзилган ҳамма фоизлар тўланади.

### **765-м о д д а. Омонатнинг қайтарилишини таъминлаш**

Банк қабул қилиб олган омонатларнинг қайтарилишини таъминлаш учун фойдаланиши шарт бўлган воситалар ва усуллар қонун билан ва банк омонати шартномаси билан белгиланади.

Банк омонатчининг талабига мувофиқ омонатнинг қайтарилиши таъминланганлиги тўғрисида ахборот бериши шарт.

Банк омонатнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаган, шунингдек таъминотни йўқотган ёки унинг шартларини ёмонлаштирган тақдирда, омонатчи банкдан омонат суммасини дарҳол қайтариб беришни, ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ унга фоизлар тўлашни ҳамда ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

### **766-м о д д а. Омонатни қайтариш ҳақидаги талабни бажармаганлик учун жавобгарлик**

Банк омонатчининг омонатни ёки унинг бир қисмини қайтариш ҳақидаги талабини ушбу Кодекснинг

762-моддасида назарда тутилган муддатларда бажармаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ банк омонатга фоизлар тўлашдан қатъи назар, келтирилган зарарни тўлаши шарт.

#### **767-м о д д а. Омонатчининг ҳисобварағига учинчи шахсларнинг пул маблағларини қўйиши**

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонатга учинчи шахслардан омонатчининг ҳисобварағи тўғрисидаги зарур маълумотларни кўрсатган ҳолда тушган пул маблағлари киритиб қўйилади. Бунда омонатчи бундай шахсларга омонат бўйича ҳисобварақ тўғрисидаги зарур маълумотларни бериш билан улардан пул маблағларини олишга рози бўлган деб ҳисобланади.

#### **768-м о д д а. Учинчи шахс фойдасига қўйилган омонат**

Омонат банкка муайян учинчи шахс фойдасига қўйилиши мумкин.

Номига омонат қўйилаётган фуқаронинг исмини ёки юридик шахснинг номини кўрсатиш банк омонати тўғрисидаги тегишли шартноманинг муҳим шартидир.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, номига омонат қўйилган учинчи шахс пул ўз ҳисобварағига келиб тушган пайтдан бошлаб омонатчи ҳуқуқларини қўлга киритади.

Номига омонат қўйилган учинчи шахс ундан воз кечган ҳолларда учинчи шахс номига банк омонати шартномаси тузган шахс омонатни қайтариб беришни талаб қилишга ёки уни ўз номига ўтказишга ҳақли.

#### **769-м о д д а. Омонат дафтарчаси**

Агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаро билан банк омонати шартномаси тузиш ҳамда унинг ҳисобварағига омонат бўйича пул маблағларини киритиб қўйиш омонат дафтарчаси билан тасдиқланади.

Омонат дафтарчасида банкнинг ёки унинг тегишли филиалининг номи, унинг жойлашган манзили ҳамда омонат бўйича ҳисобварақ номери, шунингдек ҳисобвараққа киритилган ҳамма пул маблағлари суммаси, ҳисобварақдан ўчирилган ҳамма пул маблағлари суммаси ва омонат дафтарчаси банкка тақдим этилган пайтда ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиги кўрсатилган ва тасдиқланган бўлиши шарт.

Агар омонатнинг бошқа ҳолати исбот қилинган бўлмаса, омонат тўғрисида омонат дафтарчасида кўрсатилган маълумотлар банк билан омонатчи ўртасида омонат бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлади.

Банк омонати шартномасида эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчасини бериш назарда тутилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ўРҚ-223-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда).*

Банк омонат дафтарчаси тақдим этилганида омонатни беради, унга фоизлар тўлайди ҳамда омонатчининг омонат бўйича ҳисобварақдаги пул маблағлари-

ни бошқа шахсларга ўтказиш ҳақидаги топшириғини бажаради.

Агар эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчаси йўқотилган бўлса ёки тақдим этиш учун яроқсиз ҳолга келтирилган бўлса, банк омонатчининг аризасига мувофиқ унга янги омонат дафтарчаси беради.

*(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ўРҚ-223-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда).*

#### **770-м о д д а. Омонат (депозит) сертификати**

Омонат (депозит) сертификати эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз бўлиб, банкка қўйилган омонат суммасини ҳам, омонатчининг (сертификат сақловчининг) белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин сертификатни берган банкка ёки ушбу банкнинг исталган филиалида омонат суммасини ва сертификатда кўрсатиб қўйилган фоизларни олиш ҳуқуқини ҳам тасдиқлайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ўРҚ-223-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда).*

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ўРҚ-223-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда).*

Омонат (депозит) сертификати пул тўлаш учун муддатидан олдин тақдим этилган тақдирда банк, агар сертификатнинг шартларида фоизларнинг бошқача миқдори белгилаб қўйилган бўлмаса, омонат суммасини ва талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизларни тўлайди.

### **44-БОБ. БАНК ҲИСОБВАРАҒИ**

#### **771-м о д д а. Банк ҳисобварағи шартномаси**

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф банк ёки бошқа кредит муассасаси (бундан буён матнда – банк) иккинчи тарафнинг – мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисоб варақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади.

Ушбу бобнинг банкларга тааллуқли қоидалари бошқа кредит ташкилотлари ўзларига берилган руҳсатнома (лицензия)га мувофиқ банк ҳисобварағи шартномасини тузиш ва бажариш чоғида уларга нисбатан ҳам қўлланади.

#### **772-м о д д а. Банкнинг мижозга қарашли пул маблағларидан фойдаланиши**

Банк мижознинг банк ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларидан ҳисобвараққа талаблар қўйилган вақтда маблағларнинг мавжуд бўлишини ҳамда ҳисобварақ эгасининг ушбу маблағларни ҳисобварақда турган суммалар доирасида монеликсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда фойдаланиши мумкин.

### **773-м о д д а. Мижознинг пул маблағларини тасарруф этиши**

Мижоз банкдаги ҳисобварақда турган ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этади.

Банк мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас.

Мижознинг банкдаги ҳисобварақда турган пул маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул шаклида олинishi мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

### **774-м о д д а. Банк ҳисобварағи шартномасининг шакли**

Банк ҳисобварағи шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак.

Банк ҳисобварағи шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

### **775-м о д д а. Банк ҳисобварағи шартномасини тузиш**

Банк ҳисобварағи шартномаси банк томонидан мижозга ёки у кўрсатган шахсга банкда тарафлар келишган шартларда ҳисобварақ очиш йўли билан тузилади.

Юридик шахслар ва фуқаролар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатадиган банкларни мустақил танлайдилар. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август 485-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 241-модда)*

Банк муайян турдаги ҳисобварақлар очиш учун эълон қилган, қонунда ва қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида назарда тутилган тегишли талабларга мос келадиган шартлар асосида ҳисобварақ очишни таклиф қилиб муурожаат этган мижоз билан банк ҳисобварағи шартномаси тузиши шарт.

Банк тегишли операцияларни амалга ошириш қонунда, банкнинг таъсис ҳужжатларида ва унга берилган лицензияда назарда тутилган ҳисобварақни очишни рад этишга ҳақли эмас, ана шундай рад этишга банкда банк хизмати кўрсатишга қабул қилиш имконияти йўқлиги сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Банк банк ҳисобварағи шартномасини тузишдан асоссиз равишда бош тортган тақдирда, мижоз унинг олдига ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли.

### **776-м о д д а. Ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлаш**

Мижоз номидан ҳисобварақдаги маблағларни ўтказиш ва бериш ҳақида кўрсатма берадиган шахсларнинг ҳуқуқлари мижоз томонидан банкка қонунда назарда

тутилган, қонунга мувофиқ банк қоидалари ҳамда банк ҳисобварағи шартномаси билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан тасдиқланади.

Мижоз учинчи шахсларнинг талабига мувофиқ, шу жумладан мижознинг ушбу шахслар олдигаги мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ талабига мувофиқ пул маблағларини ҳисобварақдан ўчириш ҳақида фармойиш бериши мумкин. Банк тегишли талаб қўйилган вақтда уни қўйишга ҳақли бўлган шахсни аниқлаш ва бундай талабнинг характери ва асосларини белгилаш имконини берадиган зарур маълумотлар бу фармойишларда ёзма равишда кўрсатилган тақдирда уларни қабул қилади.

Банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини электрон тўлов воситаларидан ҳамда уларда мижознинг ўз имзоси, кодлари, пароллари ҳамда фармойиш тегишли ваколати бўлган шахс томонидан берилганлигини тасдиқлайдиган бошқа воситаларнинг ўхшатмаларидан фойдаланилган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқлаш назарда тутилган бўлиши мумкин.

### **777-м о д д а. Ҳисобварақ бўйича банк бажарадиган операциялар**

Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк қонунда, қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланадиган иш муомаласи одатларида ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган операцияларни амалга ошириш йўли билан ҳисобвараққа келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиши ва киритиб қўйиши ҳамда мижознинг пул маблағларини қўлга бериш ҳақидаги топшириқларини бажариши шарт.

### **778-м о д д а. Ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш муддатлари**

Агар қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида бошқача муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк тегишли тўлов ҳужжати банкка тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тушган пул маблағларини ҳисобвараққа киритиб қўйиши, мижознинг топширигига мувофиқ ҳисобварақдан пул маблағларини қўлга бериши ёки ўтказиши шарт. Ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш муддатларини бузиш банк учун ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ЎРҚ–223-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда).*

### **779-м о д д а. Ҳисобварақни кредитлаш**

Банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ банк мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари йўқлигига қарамай, мижознинг талабларига мувофиқ тўловларни амалга оширган ҳолларда банк мижозга тўлов амалга оширилган кундан бошлаб тегишли суммага кредит берган (ҳисобварақни кредитлаш) ҳисобланади.

Тарафларнинг ҳисобварақни кредитлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар банк ҳисобварағи

шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз ва кредит тўғрисидаги қоидалар билан белгиланади.

**780-м о д д а. Банкнинг ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга оширишга қилган харажатларини тўлаш**

Мижоз банкнинг ҳисобварақда турган пул маблағлари билан операция қилиш бўйича хизматларига банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган шартлар асосида ҳақ тўлайди. Мазкур операцияларни амалга ошириш борасидаги банк хизматларининг нархи банк ҳисобварағи шартномасида белгилаб қўйилмаган ҳолларда хизматлар учун тўланадиган ҳақ ушбу Кодекснинг 356-моддасига мувофиқ белгиланади.

Банкнинг хизматлари учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақ, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ҳар ойнинг охирида миջознинг ҳисобварағида турган пул маблағларидан ундириб олинади.

**781-м о д д а. Ҳисобварақда турган пул маблағларидан банкнинг фойдаланганлиги учун фоиз тўлаш**

Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк ҳисобварақда турган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун миջозга фоизлар тўлайди, уларнинг суммаси ҳисобвараққа киритиб қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фоизлар банк томонидан банк ҳисобварағи шартномасида белгиланадиган миқдорда, шартномада тегишли шартлар назарда тутилмаган тақдирда эса – одатда банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар юзасидан тўлайдиган миқдорда тўланади.

Фоизлар суммаси банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган муддатларда, бундай муддатлар банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган ҳолларда эса – йилнинг ҳар чораги тамом бўлгач, ҳисобвараққа киритиб қўйилади.

**782-м о д д а. Банкнинг ва миջознинг муқобил талабларини ҳисобга олиш**

Банкнинг ҳисобварақни кредитлаш ҳамда банк хизматлари учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳолда миջоз олдига қўйиладиган пул талаблари, шунингдек миջознинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш ҳақида банк олдига қўядиган талаблари, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бир-бирларининг талабларини ҳисобга олиш йўли билан бекор қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талаблар банк томонидан ҳисобга олинаиб, у талаблар ҳисобга олинганлиги тўғрисида миջозга банк ҳисобварағи шартномасида белгилаб қўйилган тартибда ва муддатларда, борди-ю тегишли шартларни тарафлар келишиб олишмаган бўлса, банклар одатда тегишли ҳисобварақдаги пул маблағларининг ҳолати тўғрисида миջозларга ахборот берадиган тартибда ва муддатларда ахборот бериши шарт.

**783-м о д д а. Ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш асослари**

Банк ҳисобварақдан пул маблағларини миջознинг топшириги асосида ўчиради.

Миջознинг топширигисиз ҳисобварақда турган пул маблағларини ўчиришга суднинг қарори билан, шунингдек ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан миջоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

**784-м о д д а. Ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш навбати**

Ҳисобварақда унга қўйилган ҳамма талабларни қаноатлантириш учун етарли миқдорда пул маблағлари бўлса, бу маблағларни ҳисобварақдан ўчириш миջознинг фармойишлари ва ўчириш учун бошқа ҳужжатлар тушган тартибда (календарь навбат), агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, амалга оширилади.

Ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қуйидаги навбатда ўчирилади:

биринчи навбатда мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижрочи) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижрочи ҳужжатлар бўйича, муаллифлик шартномаларига биноан муқофотларни тўлаш бўйича, шунингдек ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича, бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар бўйича хўжалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижрочи ҳужжатлар бўйича пул ўчирилади;

иккинчи навбатда бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

учинчи навбатда бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календар навбат тартибда пул ўчирилади.

Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга пул маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳисобдан чиқариш, календар навбат тартибидан ташқари навбатда амалга оширилади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-І-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)*

**785-м о д д а. Ҳисобварақ бўйича операциялар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва пул маблағлари асоссиз ўчирилганлиги учун банкнинг жавобгарлиги**

Миջозга келган пул маблағлари ҳисобвараққа ўз вақтида киритиб қўйилмаган ёки банк ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда ўчирган ҳолларда банк миջознинг талаби билан тегишли суммани дарҳол ҳисобвараққа киритиб қўйиши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Банк ўз вақтида киритилмаган ёки асоссиз ўчирилган суммага ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ фоизлар тўлаши ва зарарнинг ўрнини қоплаши ҳам шарт. Банк ҳисобварақдан маблағларни ўз вақтида бермаганлиги ва мижознинг ҳисобварақдан маблағларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини ўз вақтида бажармаганлиги учун ҳам жавобгар бўлади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрь ЎРҚ-223-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 39-сон, 423-модда)

#### **786-м о д д а. Банк сир**

Банклар банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат мижозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин. Давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бундай маълумотлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилиши мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда, ҳуқуқлари бузилган мижоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақли.

#### **787-м о д д а. Ҳисобварақни тасарруф қилишнинг чекланиши**

Мижознинг ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмайди, ҳисобварақда турган пул маблағларини хатлаш ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

#### **788-м о д д а. Банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш**

Банк ҳисобварағи шартномаси мижознинг аризасига мувофиқ исталган вақтда бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси қуйидаги ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиги мижознинг тегишли ёзма аризаси олинганидан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

#### **789-м о д д а. Банкларнинг ҳисобварақлари**

Ушбу бобнинг қоидалари, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, вакиллик ҳисобва-

рақларига, вакиллик ёрдамчи ҳисобварақларига, банкларнинг бошқа ҳисобварақларига ҳам татбиқ этилади.

## **45-БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

### **1-§. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **790-м о д д а. Накд пуллар билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар**

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боглиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боглиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар қонундан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобварақлари очилган банклар, бошқа кредит ташкилотлари (бундан буён – банклар) орқали амалга оширилади.

#### **791-м о д д а. Накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганда тўлов топшириқномалари, аккредитивлар, чеклар билан ҳисоб-китоб қилишга инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилишга, шунингдек қонунда, қонунга мувофиқ чиқариладиган банк қоидаларида ҳамда банк амалиётида қўлланилаётган иш муомаласи одатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳисоб-китоб қилишга ҳам йўл қўйилади.

Шартномадаги тарафлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳисоб-китоб қилиш шаклларининг исталганини танлаб олишга ва шартномада назарда тутишга ҳақли.

### **2-§. ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ**

#### **792-м о д д а. Тўлов топшириқномалари билан қилинадиган ҳисоб-китоблар тўғрисида умумий қоидалар**

Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганда банк мижознинг топшириғига мувофиқ унинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдор пул суммасини мижоз кўрсатган шахснинг шу ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисобварағи шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади.



Тўлов топшириқномасида маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бундай ҳуқуқ қонунда ёки миқознинг банк билан тузган шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **793-м о д д а. Тўлов топшириқномасини банкнинг қабул қилиш шартлари**

Тўлов топшириқномасининг ҳамда у билан бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ва шакли банк қоидаларида белгилаб қўйилган талабларга мос келиши керак.

Миқознинг топшириғи унинг ҳисобварағида маблағлар бўлган тақдирдагина, агар миқоз билан банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ижрога қабул қилинади.

### **794-м о д д а. Топшириқни ижро этиш**

Миқознинг тўлов топшириқномасини қабул қилган банк тегишли пул суммасини топшириқномада кўрсатилган шахснинг ҳисобварағига ўтказиш учун уни маблағ олувчининг банкига ушбу Кодекснинг 792-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддатларда ўтказиши шарт.

Банк миқознинг топшириқномасида кўрсатилган ҳисобвараққа пул маблағларини ўтказиш операцияларини бажариш учун бошқа банкларни жалб қилишга ҳақли.

Банк миқознинг талабига кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, топшириқнинг бажарилганлиги ҳақида унга дарҳол хабар бериши шарт.

### **795-м о д д а. Топшириқни бажармаганлик ёки тегишли даражада бажармаганлик учун жавобгарлик**

Миқознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, банк бунинг учун ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ жавобгар бўлади.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда иштирок этадиган банклар ушбу топшириқни берган шахс олдида солидар жавобгар бўладилар.

## **3-§. АККРЕДИТИВ БҲЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

### **796-м о д д а. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида умумий қоидалар**

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда миқознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс (бундан кейинги матнда – маблағларни олувчи) ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент уни очиш вақтида миқознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

### **797-м о д д а. Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи билан олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Шартномада яна қуйидагилар бўлиши керак:

банк-эмитентнинг номи;  
аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;  
маблағларни олувчини аккредитив очилганлиги ҳақида хабардор қилиш усули;

аккредитив бўйича маблағлар олиш учун олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

### **798-м о д д а. Чақириб олинадиган аккредитив**

Банк-эмитент томонидан маблағ олувчини олдиндан хабардор қилмаган ҳолда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин бўлган аккредитив чақириб олинадиган аккредитив дейилади. Аккредитивни чақириб олиш банк-эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон-бир мажбурият юкламайди.

Агар ижро этувчи банк операцияларни бажариш пайтигача аккредитивнинг шартлари ўзгартирилганлиги ёки у бекор қилинганлиги ҳақида билдириш олмаган бўлса, у чақириб олинадиган аккредитив бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга ошириши шарт.

Агар аккредитивнинг матнида бошқа нарса назарда тутилган бўлмаса, у чақириб олинадиган аккредитив бўлади.

### **799-м о д д а. Чақириб олинмайдиган аккредитив**

Маблағ олувчининг розилигисиз бекор қилиниши мумкин бўлмаган аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив дейилади.

Банк-эмитентнинг илтимосига биноан аккредитив бўйича операцияни ўтказишда иштирок этаётган ижрочи банк чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мумкин (тасдиқланган аккредитив). Бундай тасдиқлаш ижрочи банк банк-эмитентнинг мажбуриятига қўшимча суратда аккредитив шартларига мувофиқ тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини билдиради.

Ижрочи банк томонидан тасдиқланган чақириб олинмайдиган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

### **800-м о д д а. Аккредитивни ижро этиш**

Аккредитивни ижро этиш учун маблағ олувчи ижрочи банкка аккредитивнинг ҳамма шартлари бажарилиши керак.

рилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади. Ушбу шартлардан бирортаси бузилган тақдирда аккредитив ҳисобидан пул тўланмайди.

Агар ижрочи банк аккредитив шартларига мувофиқ тўловни амалга оширган ёки бошқа операцияни бажарган бўлса, банк-эмитент унга қилинган харажатларни тўлаши шарт. Банк-эмитентнинг ушбу харажатлари, шунингдек аккредитивни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳамма харажатлари мижоз томонидан қопланади.

#### **801-м о д д а. Ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортиш**

Агар ижрочи банк ташқи аломатлари бўйича аккредитив шартларига мувофиқ келмайдиган ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортса, у бу ҳақда дарҳол маблағ олувчига ва банк-эмитентга сабабларни кўрсатган ҳолда маълум қилиши керак.

Агар банк-эмитент ижрочи банк томонидан қабул қилинган ҳужжатларни олгач, улар ташқи аломатларига кўра аккредитив шартларига мос келмайди деб ҳисобласа, уларни қабул қилишдан бош тортишга ҳамда ижрочи банкдан маблағ олувчига аккредитив шартларини бузган ҳолда тўланган суммани талаб қилишга, қопланмаган аккредитив бўйича эса тўланган суммани қоплашдан бош тортишга ҳақли бўлади.

#### **802-м о д д а. Аккредитив шартлари бузилганлиги учун банкнинг жавобгарлиги**

Аккредитив шартлари бузилганлиги учун мижоз олдида банк-эмитент, банк-эмитент олдида эса ижрочи банк жавобгар бўлади, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи банк қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини тўлашдан асоссиз бош тортган тақдирда маблағларни олувчи олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ижрочи банк аккредитив шартларини бузиш оқибатида қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини нотўғри берган тақдирда, мижоз олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

#### **803-м о д д а. Аккредитивни ёпиш**

Аккредитив ижрочи банкда:  
аккредитив муддати тамом бўлгач;

маблағ олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунча ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

пул тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман қақриб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай қақриб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёпилади.

Аккредитив ёпилганлиги ҳақида ижрочи банк банк-эмитентни хабардор қилиши керак.

Депонентланган аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёпилиши билан бир вақтда банк-эмитентга қайтариб берилиши керак. Банк-эмитент қайтариб берилган суммаларни тўловчининг маблағлар депонентланган ҳисоб варагига киритиб қўйиши шарт.

## **4-Ў. ИНКАССО БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

### **804-м о д д а. Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида умумий қоидалар**

Инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилинганда мижоз ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўловчидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини мижоз ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юборади.

Инкассо топшириғини олган банк-эмитент уни бажариш учун бошқа банкни (ижрочи банкни) жалб қилишга ҳақли.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатлари билан бошқарилади.

Мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган тақдирда, банк-эмитент унинг олдида ушбу Кодекснинг 24-бобида назарда тутилган асосларга кўра ва миқдорда жавобгар бўлади.

Агар ижрочи банк томонидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидалари бузилганлиги муносабати билан мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган бўлса, мижоз олдидаги жавобгарлик ушбу банк зиммасига юклатилиши мумкин.

### **805-м о д д а. Инкассо топшириғини бажариш**

Бирон-бир ҳужжат бўлмаган ёки ҳужжатлар ташқи аломатларига кўра инкассо топшириқномасига мос бўлмаган тақдирда ижро этувчи банк бу ҳақда дарҳол инкассо топшириқномасини берган шахсга хабар қилиши шарт. Мазкур камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, банк топшириқларни бажармасдан ҳужжатларни қайтариб юборишга ҳақли.

Ҳужжатлар қандай шаклда олинган бўлса, ўша шаклда тўловчига тақдим этилади, инкассо операциясини расмийлаштириш учун зарур бўлган банк белгилари ва ёзувлари бундан мустасно.

Агар ҳужжатлар олинishi биланоқ улар бўйича пул тўланиши шарт бўлса, ижрочи банк инкассо топшириқномасини олган заҳоти тўловга тақдим этиши шарт.

Агар ҳужжатлар бўйича пул бошқа муддатда тўланиши керак бўлса, ижрочи банк тўловчининг акцептини олиш учун ҳужжатларни инкассо топшириқномаси олиниши биланоқ, дарҳол акцептга тақдим этиши керак, тўлов талаби эса ҳужжатда кўрсатилган тўлов муддати бошланадиган кундан кечиктирмасдан қўйилиши керак.

Қисман бажариладиган тўловлар банк қоидаларида белгилаб қўйилган ҳолларда ёки инкассо топшириқномасида махсус рухсат бўлса қабул қилиниши мумкин.

Олинган (инкассоланган) суммалар ижрочи банк томонидан дарҳол банк-эмитент тасарруфига топширилиши, у эса бу суммаларни мижознинг ҳисобварагига киритиб қўйиши шарт. Ижрочи банк инкассо қилинган суммадан ўзига тегишли ҳақни ва харажатларни қоплашга кетадиган пулни ушлаб қолишга ҳақли.

### **806-м о д д а. Тўловдан бош тортишни хабар қилиш**

Агар тўлов ва (ёки) акцепт олинган бўлмаса, ижрочи банк пул тўланмаганлигининг ёки акцептдан бош

тортилганлигининг сабаблари тўғрисида банк-эмитентни дарҳол хабардор қилиши шарт. Банк-эмитент бу ҳақда дарҳол миждозга хабар бериши, ундан навбатдаги ҳаракатлар хусусида кўрсатмалар сўраши шарт.

Бундан кейинги ҳаракатлар тўғрисида банк қоидаларида белгиланган муддатда кўрсатмалар олинмаса, ижрочи банк ҳужжатларни инкассо топшириқномаси юборган банкка қайтаришга ҳақли.

## 5-§. ЧЕКЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ

### 807-м о д д а. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилишнинг умумий қоидалари

Чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек дейилади.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганда фақат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банкгина чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин.

Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунча уни чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Чекнинг берилиши – бажариш учун чек берилган пул мажбуриятини бекор қилмайди.

Тўлов муомаласида чеклардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

### 808-м о д д а. Чекнинг реквизитлари

Чекда қуйидагилар бўлиши шарт: ҳужжат матнига киритилган «чек» деган ном; муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топширик;

тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги;

тўлов валютаси;

чек тузилган сана ва жой;

чекни ёзиб берган шахснинг – чек берувчининг имзоси.

Ҳужжатда мазкур реквизитлардан биронтасининг бўлмаслиги чекни кучдан маҳрум қилади.

Тузилган жойи кўрсатилмаган чек чек берувчи турган жойда имзоланган деб ҳисобланади.

Чекнинг шакли ва уни тўлдириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### 809-м о д д а. Чек бўйича пул тўлаш

Чек бўйича пул чек берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланади.

Чек қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатда тўловга тақдим этилган тақдирдагина у бўйича пул тўланади.

Чек бўйича пул тўлаган шахс чекнинг тўлов олинганлиги ҳақидаги тилхат билан бирга ўзига берилишини талаб қилишга ҳақли.

### 810-м о д д а. Чек бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш

Чек бўйича ҳуқуқлар ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда бошқа шахсга берилади.

Эгасининг номи ёзилган чек бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Ўтказма чекда пул тўловчига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат кучига эга бўлади.

Тўловчи томонидан қилинган индоссамент ҳақиқий эмас.

Агар индоссамент бўйича олинган ўтказма чекка эга бўлган шахс ўзининг ҳуқуқини узлуксиз (бир-бирини тақозо этувчи) индоссаментлар қатори билан асослаб берса, у ўтказма чекнинг қонуний эгаси деб ҳисобланади.

### 811-м о д д а. Тўлов кафолати (аваль)

Чек бўйича тўлов кафолат (аваль) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин.

Авални тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин.

Аваль чекнинг олд томонига ёки қўшимча вараққа «аваль деб ҳисоблансин» деган ёзув билан ва у ким томонидан ҳамда ким учун берилганини кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар аваль ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, аваль чек берувчи учун берилган ҳисобланади.

Аваль авалчи томонидан имзоланиб, унинг яшаш жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади.

Авалчи у авални ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади.

Агар авалчи кафолатлаган мажбурият шаклга амал қилмаслиқдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади.

Чек бўйича пул тўлаган авалчи у кафолат берган шахсга нисбатан ҳам, бу шахс олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан ҳам чекдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади.

### 812-м о д д а. Чекни инкассо қилиш

Чек сақловчига хизмат қиладиган банкка тўловни олиш учун чекни инкассога тақдим этиш тўловга тақдим этиш деб ҳисобланади.

Чек бўйича ушбу Кодекснинг 805-моддасида белгилаб қўйилган тартибда пул тўланади.

Инкассоланган чек бўйича маблағларни чек сақловчининг ҳисобварағига киритиш, агар чек сақловчи билан банк ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўловчидан тўлов олинганидан кейин амалга оширилади.

### 813-м о д д а. Тўловчининг мажбуриятлари

Чек бўйича тўловчи чекнинг ҳақиқийлигига, шу жумладан тақдим этувчи чек бўйича вакил қилинган шахс эканлигига ҳам имкониятидаги ҳамма усуллар билан ишонч ҳосил қилиши керак.

Инкассоланган чек бўйича пул тўланганида тўловчи индоссантларнинг имзосини эмас, балки индоссаментлар тўғрилигини текшириши шарт.

Сохта, ўғирланган ёки йўқотиб қўйилган чек бўйича тўловчи пул тўлаши оқибатида кўрилган зарар кимнинг айби билан етказилганлигига қараб, тўловчининг ёки чек берувчининг зиммасига юклатилади.

### **814-м о д д а. Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганликни тасдиқлаш**

Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганлик қуйидаги усуллардан бири билан тасдиқланиши керак:

нотариус томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириш;

пул тўловчи чекка у бўйича пул тўлашдан бош тортганлиги ҳақида белги қўйилиб, чек ҳақ тўлаш учун тақдим этилган санани кўрсатиш;

инкассо қилувчи банкнинг чек ўз вақтида тақдим этилганлиги ва у бўйича пул тўланмаганлиги ҳақида, санасини кўрсатган ҳолда белги қўйиши.

Норозилик ёки шу каби ҳаракат чекни ҳақ тўлаш учун тақдим этиш муддати тугагунча амалга оширилиши керак.

Агар чек муддатнинг охири кунида тақдим этилган бўлса, норозилик ёки шу каби ҳаракат кейинги иш кунида амалга оширилиши мумкин.

### **815-м о д д а. Чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилиш**

Чек сақловчи пул тўланмаганлиги ҳақида норозилик билдирилган ёки шу каби ҳаракат амалга оширилган кундан кейинги икки иш куни мобайнида ўз индоссантига ва чек берувчига хабар қилиш шарт.

Ҳар бир индоссант билдириш олган кундан кейинги икки иш куни ичида ўзи олган билдириш ҳақида ўзининг (олдинги) индоссантига хабар бериши шарт. Ўша шахс учун аваль берган шахсга ҳам шу муддатда хабар юборилади. Кўрсатилган муддат давомида хабар юбормаган шахс чек бўйича ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлмайди. У чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилмагани туфайли келтирилган зарарнинг ўрнини чек суммаси доирасида қоплаши шарт.

### **816-м о д д а. Чек бўйича пул тўламаслик оқибатлари**

Тўловчи чек бўйича пул тўлашдан бош тортган ва бу ҳол ушбу Кодекснинг 814-моддасига мувофиқ тасдиқланганида чек сақловчи ўз хоҳишига кўра чек бўйича мажбуриятли бўлган битта, бир неча ёки барча шахсларга (чек берувчи, авалчилар, индоссантларга) нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, улар чек сақловчи олдида солидар жавобгар бўладилар.

Чек сақловчи мазкур шахслардан чек суммасини, чек бўйича пул олишга қилган ўз чиқимларини, шуниингдек фоизларни ушбу Кодекс 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуққа чек бўйича пул тўлаши шарт бўлган шахс ҳам чек бўйича пул тўлаганидан кейин эга бўлади.

Чек сақловчининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан даъвоси чекни ҳақ тўлашга тақдим этиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан олти ой мобайнида қўзғатилиши мумкин. Мажбуриятли шахсларнинг бир-бирларига нисбатан даъволари бўйича регресс талаблари тегишли мажбуриятли шахс талабни қондирган кундан ёки унга даъво қўзғатилган кундан бошлаб олти ой ўтгач қопланади.

## **46-БОБ. ТОПШИРИК**

### **817-м о д д а. Топшириқ шартномаси**

Топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади.

Топшириқ вакил томонидан бир ёки бир неча муайян юридик ҳаракатларни содир этиш ҳақида ёки топшириқ берувчининг ишларини унинг кўрсатмаларига мувофиқ юритиш ҳақида берилиши мумкин.

Вакил алоҳида ҳуқуқларга эга бўладиган топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (топшириқ берувчи) иккинчи тарафга (алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган вакилга) топшириқ берувчи номидан ва унинг ҳисобидан маълум соҳада ёки (ва) маълум ҳудудда топшириқ берувчи учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳаракатларни содир этишни топширади.

Топшириқ шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Топшириқ шартномаси вакил топшириқ берувчининг номидан иш олиб боришга ҳақли бўладиган муддатни кўрсатган ёки бундай муддатни кўрсатмаган ҳолда тузилиши мумкин.

### **818-м о д д а. Топшириқ шартномаси бўйича ҳақ тўлаш**

Агар қонун ҳужжатларида ёки топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса, топшириқ берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт.

Агар топшириқ шартномаси иккала тараф ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлса, топшириқ берувчи, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт.

Ҳақ тўлаш назарда тутилган топшириқ шартномасида тўланадиган ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш ҳақидаги шартлар бўлмаса, ҳақ ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ шунга ўхшаш хизматлар учун одатда қабул қилинган нархлар бўйича белгиланади ва топшириқ бажарилганидан кейин тўланади.

Вакил талаб қилинган ҳамма ҳаракатларни тегишли даражада амалга оширган, бироқ топшириқ у айбдор бўлмаган ҳолда бажарилмай қолган тақдирда ҳам ҳақ тўланиши керак.

Тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи ишончли вакил ушбу Кодекснинг 290-моддасига мувофиқ, топшириқ берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топшириқ шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли.

### **819-м о д д а. Топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажариш**

Вакил ўзига берилган топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт. Топшириқ берувчининг кўрсатмалари аниқ, йўл қўйладиган ва бажариладиган бўлмоғи керак.

Агар ишнинг ҳолатларига кўра топшириқ берувчининг манфаатлари учун унинг кўрсатмаларидан четга чиқиш зарур бўлса ҳамда вакил топшириқ берувчидан

бу ҳақда олдиндан сўрай олмаган ёхуд ўз сўровига оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, у топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқишга ҳақли. Бундай ҳолларда вакил хабар бериш имкони туғилиши биланоқ йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топшириқ берувчига хабар бериши шарт.

Топшириқ берувчи тижорат вакили сифатида иш олиб борадиган вакилга топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб олдиндан сўров юбормаган ҳолда топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқиш ҳуқуқини бериши мумкин. Бундай ҳолларда тижорат вакили, агар топшириқ шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топшириқ берувчига оқилона муддатда хабар бериши шарт.

### **820-м о д д а. Вакилнинг мажбуриятлари**

Вакил қуйидагиларни бажариши:  
ўзига берилган топшириқни ушбу Кодекснинг 822-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шахсан ўзи бажариши;

топшириқ берувчининг талабига мувофиқ унга топшириқ қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туриши;

топшириқни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма нарсани кечиктирмасдан топшириқ берувчига топшириши;

топшириқ бажариб бўлинганидан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топшириқ берувчига қайтариб бериши ва агар шартнома шартларига ёки топшириқнинг хусусиятига кўра зарур бўлса, ҳисобот тақдим этиб, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт.

### **821-м о д д а. Топшириқ берувчининг мажбуриятлари**

Агар топшириқ шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, топшириқ берувчи қуйидагиларни бажариши:

вакилни топшириқни бажариш учун зарур маблағлар билан таъминлаши;

вакил шартномага мувофиқ бажарган ишни кечиктирмасдан қабул қилиб олиши;

вакил топшириқни бажариш учун қилган зарур харажатларни тўлаши;

топшириқ бажарилганидан кейин, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса, вакилга ҳақ тўлаши шарт.

### **822-м о д д а. Топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топшириш**

Агар топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса ёки вакил топшириқ берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлса, вакил топшириқнинг бажарилишини бошқа шахсга (ўринбосарга) топширишга ҳақли.

Топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топширган вакил бу ҳақда дарҳол топшириқ берувчини хабардор қилиши шарт.

Топшириқ берувчи вакил танлаган ўринбосарни рад этишга ҳақли, ўринбосарнинг номи топшириқ шартномасида келтирилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар вакил ўринбосарининг номи шартномада кўрсатилган бўлса, вакил ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши учун жавобгар бўлмайди.

Агар ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса-ю, лекин ўринбосарнинг номи унда кўрсатилган бўлмаса, вакил ўринбосарнинг айбли ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

Агар вакилнинг ўринбосари томонидан иш юритилиши топшириқ шартномасида назарда тутилмаган бўлса, вакил ўз ўринбосарининг ҳар қандай ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.

### **823-м о д д а. Топшириқ шартномасининг бекор бўлиши**

Топшириқ шартномаси:  
топшириқ берувчи топшириқни бекор қилиши;  
вакил топшириқдан бош тортиши;  
топшириқ берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши, улардан бирининг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши натижасида тўхтатилади.

Топшириқ берувчи истаган вақтда топшириқни бекор қилишга, вакил эса топшириқдан бош тортишга ҳақли. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар вакил топшириқ шартномасининг бекор қилингани ҳақида билмаган ва билиши лозим бўлмаган бўлса, унинг топшириқ берувчининг кўрсатмасига мувофиқ қонуний равишда қилган ҳаракатлари топшириқ берувчи (унинг қонуний вориси) зиммасига учинчи шахслар ва вакилга нисбатан мажбурият юклайди.

Тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакил билан топшириқ шартномасидан бош тортаётган тараф шартномани бекор қилиш тўғрисида иккинчи тарафни, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилиши шарт. Тижорат вакили бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганида топшириқ берувчи ўз топшириғини ана шундай олдиндан хабар бермай туриб бекор қилишга ҳақли.

### **824-м о д д а. Топшириқ шартномасини бекор қилиш оқибатлари**

Агар топшириқ шартномаси топшириқ вакил томонидан тўлиқ бажарилишидан олдин бекор қилинган бўлса, топшириқ берувчи вакилга топшириқни бажариш вақтида қилинган чиқимларни тўлаши, вакилга ҳақ берилиши керак бўлганида эса, унга бажарилган ишга мувофиқ ҳақ тўлаши ҳам шарт. Бу ҳолда вакил топшириқнинг бекор қилинганини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин бажарган топшириққа татбиқ этилмайди.

### **825-м о д д а. Топшириқ шартномасида ҳуқуқий ворислик**

Вакил вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари ёки мерос мулкнинг сақланишини таъминлаш мажбурияти юклатилган бошқа шахслар топшириқ шартномаси бекор қилиниши ҳақида топшириқ берувчига кечиктирмай хабар беришлари ҳамда топшириқ берувчининг мол-мулкни муҳофаза қилиш учун зарур чораларни кўришлари, хусусан, топшириқ берувчининг

ашёларини, шунингдек хужжатларини сақлаб қўйишлари, сўнгра эса унга топширишлари шарт. Вакил (ишончли вакил) бўлган юридик шахсни тугатаётган шахснинг зиммасида ҳам шундай мажбурият бўлади.

Вакил (ишончли вакил) сифатида иш олиб бораётган юридик шахс қайта ташкил этилганида топшириқ берувчи бу ҳақда дарҳол хабардор қилиниши керак. Мазкур ҳолатда бундай юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар топшириқ берувчи ўттиз кунлик муддатда топшириқ шартномасидан бош тортишини маълум қилмаса, унинг қонуний ворисига ўтади.

#### **47-БОБ. БЕГОНА ШАХСНИНГ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ТОПШИРИҚСИЗ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ**

##### **826-м о д д а. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш шартлари**

Манфаатдор шахсга ёки унинг мол-мулкига зарар етказилишининг олдини олиш, унинг мажбуриятларини бажариш ёки унинг қонунга зид бўлмаган бошқа манфаатларини кўзлаб, унинг топширигисиз, бошқа кўрсатмасисиз ёки олдиндан ваъда берилган розилигисиз қилинган ҳаракатлар (бегона шахснинг манфаатини кўзлаб қилинган ҳаракатлар) очик кўришиб турган манфаат ёки фойдадан ҳамда манфаатдор шахснинг ҳақиқий ёки эҳтимол тутилган ниятларидан келиб чиқиб ҳамда ишнинг ҳолатларига кўра зарур гамхўрлик ва эҳтиёткорлик билан қилинмоғи керак.

Ушбу бобда назарда тутилган қоидалар бундай ҳаракатлар фаолиятининг мақсадларидан бири бўлган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа шахслар манфаатлари йўлида амалга оширадиган ҳаракатларга нисбатан қўлланмайди.

##### **827-м о д д а. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилувчи шахснинг мажбуриятлари**

Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб, унинг топширигисиз ҳаракат қилувчи шахс биринчи имконият туғилиши биланоқ, бу ҳақда манфаатдор шахсга хабар бериши шарт. Агар манфаатдор шахс бу ҳаракатларни маъқулласа, шундан кейин топшириқ шартномаси тўғрисидаги қоидалар тарафларнинг муносабатларига нисбатан қўлланади. Мазкур ҳаракатлар маъқулланмаган тақдирда улар бўйича жавобгарлик топшириқсиз ҳаракат қилган шахс зиммасига юклатилади.

Манфаатдор шахсни хабардор қилиш мумкин бўлмаса, ҳаракатларни топшириқсиз бошлаган шахс уларни охирига етказиши, манфаатдор шахс учун салбий мулкий оқибатларнинг олдини олиш бўйича ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриши шарт. Бунда топшириқсиз ҳаракат қилган шахс ишни юритиш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани, шу жумладан тузилган битимлар бўйича мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши шарт.

Агар бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб унинг топширигисиз ҳаракат қилаётган шахс биринчи имконият туғилиши биланоқ бу ҳақда манфаатдор шахсни хабардор қилмаса, у қилинган харажатларни қоплаш-ни талаб қилишга ҳақли эмас.

Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилаётган шахс тегишли фаолиятнинг амалга

оширилишидан манфаатдор бўлган фуқаро вафот этган ёки юридик шахснинг фаолияти тўхтатилган тақдирда ҳам манфаатдор шахснинг меросхўрлари (қонуний ворислари) унинг ўрнини олгунларича бошланган фаолиятни давом эттириши шарт.

##### **828-м о д д а. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб битим тузиш**

Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб тузилган битим бўйича мажбуриятлар битим тузилишидан манфаатдор бўлган шахс мазкур битимни маъқуллаган пайтдан бошлаб унга ўтади, башарти бошқа тараф мажбуриятларнинг бундай ўтишига эътироз билдирмаса ёки битимни тузиш пайтида битим бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб тузилганлигини билган ёхуд билиши лозим бўлган бўлса. Бундай битим бўйича мажбуриятлар битим тузилишидан манфаатдор бўлган шахсга ўтганида, ушбу битим бўйича ҳуқуқлар ҳам шу шахсга берилиши зарур.

Битим тузган шахс бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилган фаолият туфайли қилган харажатлари қоплангунча ҳуқуқларни топширишни кечиктириб туриши мумкин.

##### **829-м о д д а. Топшириқсиз қилинган ҳаракатлардан манфаатдор шахснинг мажбуриятлари**

Топшириқсиз қилинган ҳаракатлардан манфаатдор бўлган шахс унинг манфаатларини кўзлаб иш олиб борган шахсга зарур харажатларни ва бошқа ҳақиқий зарарни қоплаши шарт. Мазкур мажбурият бошқа шахснинг манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар оқилона бўлиб, бироқ кўзланган натижага эришилмаган ҳолларда ҳам сақланиб қолади. Лекин бошқа шахснинг мол-мулкига зарар етказишнинг олди олинган ҳолларда ўрнини қоплаш ҳақининг миқдори мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар шахснинг ҳаракатлари бевосита бошқа шахснинг манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлмаса, шу жумладан уларни амалга оширган шахс ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиялпман деб хато ўйла-ган ва унинг ҳаракатлари бошқа шахснинг асоссиз бойиб кетишига олиб келган ҳолларда ҳам ушбу Кодекснинг 58-бобидан назарда тутилган қоидалар қўлланади. Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар унинг тадбиркорлик фаолияти доирасига кирган тақдирда, бу шахс ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаш билан бир қаторда тегишли миқдорда ҳақ тўланишини ҳам талаб қилишга ҳақли.

Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган шахснинг манфаатдор шахс маъқуллаганидан кейинги ҳаракатлари муносабати билан қилган харажатлари ва кўрган бошқа зарарлари тегишли турдаги шартнома тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ қопланади.

##### **830-м о д д а. Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар туфайли етказилган зарарни қоплаш**

Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар туфайли манфаатдор шахсга ёки учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш соҳасидаги муно-

сабатлар ушбу Кодекс 57-бобининг қоидаларига мувофиқ тартибга солинади.

### **831-м о д д а. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган шахснинг ҳисоботи**

Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган шахс кимнинг манфаатини кўзлаб фаолият олиб борган бўлса, ўша шахсга олинган даромадлар, қилинган ҳаражатлар ва кўрилган зарарни кўрсатган ҳолда ҳисобот тақдим этиши шарт.

## **48-боб. ВОСИТАЧИЛИК**

### **832-м о д д а. Воситачилик шартномаси**

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириги бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда, қайси ҳудудда бажарилиши кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кўзлаб ва унинг ҳисобидан битим тузиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик ҳақида мажбурият олган ҳолда ёки бундай мажбуриятни олмаган ҳолда, воситачилик нарсаси бўлган товарларнинг асортименти хусусида шартлар кўйилган ёки кўйилмаган ҳолда тузилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида айрим турдаги воситачилик шартномасининг хусусиятлари назарда тутилган бўлиши мумкин.

### **833-м о д д а. Воситачилик ҳақи**

Комитент воситачига ҳақ тўлаши, воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олган (делькредере) ҳолларда эса шартномада белгиланган миқдорда кўшимча ҳақ ҳам тўлаши шарт. Агар шартномада бу миқдор назарда тутилган бўлмаса ва у шартноманинг шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин бўлмаса, ҳақ миқдори ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Агар воситачилик шартномаси комитентга боғлиқ сабаблар билан бажарилмаган бўлса, воситачи воситачилик ҳақида, шунингдек қилинган ҳаражатларнинг қопланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

### **834-м о д д а. Воситачилик топширигини бажариш**

Воситачи учинчи шахс билан ўзи тузган битимдан келиб чиқадиган ҳамма мажбуриятларни бажариши ва ҳамма ҳуқуқларни амалга ошириши шарт.

Воситачи ўз зиммасига олган топшириқни комитентнинг кўрсатмаларига мувофиқ, воситачилик шартномасида бундай кўрсатмалар бўлмаганда эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ комитент учун энг фойдали шартлар асосида бажариши лозим. Агар воситачи битимни комитент кўрсатганидан ҳам фойдалироқ шартлар асосида тузган бўлса, кўшимча фойда, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар ўртасида баравар тақсимланади.

Воситачи битимнинг ижроси учун комитентга кафолат берган (делькредере) ҳолларда у воситачилик шартномасида келишилган миқдорда кўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмайди, воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган ёки битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) ҳоллар бундан мустасно.

Воситачи учинчи шахс билан тузган битимни учинчи шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда дарҳол комитентга хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битим юзасидан ҳуқуқларни талабларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 313 – 317, 319, 320-моддалари) унга топшириши шарт.

Ушбу модданинг бешинчи қисми асосида битим бўйича ҳуқуқларни комитентга топширишга, воситачининг учинчи шахс билан ҳуқуқларни бундай беришни тақиқлайдиган ёки чеклайдиган келишувидан қатъи назар, йўл қўйилади. Бу ҳол воситачи ҳуқуқни топширишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақидаги келишувни бузиб ҳуқуқни топширганлиги муносабати билан уни учинчи шахс олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди.

### **835-м о д д а. Кўшимча воситачилик**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи воситачилик шартномасини бажариш мақсадида бошқа шахс билан кўшимча воситачилик шартномаси тузишга ҳақли бўлиб, кўшимча воситачининг ҳаракатлари учун комитент олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Кўшимча воситачилик шартномаси бўйича воситачи кўшимча воситачига нисбатан комитент ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

Қонун бирон-бир битимни фақат махсус вакил қилинган шахслар билан тузишга йўл қўядиган ҳолларда кўшимча воситачилик шартномаси фақат ана шундай шахс билангина тузилиши мумкин.

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачилик шартномаси бекор қилинганга қадар комитент воситачининг розилигисиз кўшимча воситачи билан бевосита муносабатларга киришишга ҳақли эмас.

### **836-м о д д а. Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси**

Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси, агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, комитент билан келишган ҳолда белгиланади.

### **837-м о д д а. Комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқиш**

Воситачи комитентнинг кўрсатмаларидан ушбу Кодекснинг 819-моддасида назарда тутилган ҳолларда четга чиқишга ҳақли.

Мол-мулкни комитент билан келишилган нархдан арзон сотган воситачи мол-мулкни келишилган нархда сотиш имконига эга бўлмаганлигини ва арзон нархда сотиш натижасида яна ҳам кўпроқ зарарнинг олди олинганлигини исбот қилиб бермаса, орадаги фарқни комитентга тўлаши шарт. Воситачи комитентдан рухсат сўраши шарт бўлган ҳолларда у комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишга комитентнинг розилигини олдиндан олиш имкониятига эга бўлмаганлигини ҳам исбот қилиши шарт.

Агар воситачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқорироқ нархда сотиб олган бўлса, бундай харидни қабул қилишни истамаган комитент воситачидан учинчи шахс билан битим тузилганлиги ҳақида билдириш олганидан кейин оқилона муддатда бу ҳақда воситачига маълум қилиши шарт. Акс ҳолда харид комитент томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Агар воситачи нархдаги фарқни ўзи тўлашини маълум қилса, комитент ўзи учун тузилган битимдан бош тортишга ҳақли эмас.

### **838-м о д д а. Воситачилик нарсаси ҳисобланган ашёларга бўлган ҳуқуқ**

Комитентдан воситачига ўтган ёки воситачи комитент ҳисобидан сотиб олган ашёлар комитентнинг мулки бўлади.

Воситачи ушбу Кодекснинг 290-моддасига мувофиқ ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли.

Комитент ночор (банкрот) деб эълон қилинган тақдирда воситачининг мазкур ҳуқуқи бекор қилинади, унинг ўзи ушлаб турган ашёлар қиймати доирасида комитентга қўядиган талаблари ушбу Кодекснинг 291-моддасига мувофиқ гаров билан таъминланган талаблар қаторида қаноатлантирилади.

### **839-м о д д а. Воситачининг талабларини комитентга тегишли суммалардан ушлаб қолиш**

Воситачи ушбу Кодекснинг 343-моддасига мувофиқ воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли. Бироқ комитентнинг ўз талабларини қондириш навбати бўйича гаров сакловчилар олдида имтиёздан фойдаланадиган кредиторлари бу талабларни воситачи ушлаб қолган суммалардан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайдилар.

### **840-м о д д а. Комитентнинг мол-мулки йўқолганлиги, етишмаслиги ёки шикастланганлиги учун воситачининг жавобгарлиги**

Воситачи ўз ихтиёридаги комитент мол-мулкининг йўқолишига, етишмаслигига ёки шикастланишига олиб

келган ҳар қандай камчилик учун комитент олдида жавобгар бўлади.

Агар воситачи комитент юборган ёки воситачига комитент учун келган мол-мулкни қабул қилиб олаётганида бу мол-мулкда ташқаридан кўздан кечирганда сезиб қолиниши мумкин бўлган шикастланиш ёки етишмовчилик мавжуд бўлса, шунингдек комитентнинг воситачи қўлида турган мол-мулкка бирон-бир шахс зарар келтирган тақдирда воситачи комитентнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши, зарур далил-исботларни тўплаши ва буларнинг барчаси ҳақида дарҳол комитентни хабардор қилиши шарт.

Ўз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулкни суғурталамаган воситачи бунинг учун фақат комитент унга мол-мулкни комитент ҳисобидан суғурталашни буюрган ёки воситачининг бу мол-мулкни суғурталаши воситачилик шартномасида ёки иш муомаласи одатларида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлади.

### **841-м о д д а. Комитентнинг воситачилик шартномаси бўйича ижрони қабул қилиши**

Комитент:

воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани воситачидан қабул қилиши;

ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши ва ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши;

воситачини воситачилик топширигини бажариш юзасидан учинчи шахс олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт.

### **842-м о д д а. Воситачилик топширигини бажариш учун қилинган харажатларни қоплаш**

Комитент воситачилик ҳақини, тегишли ҳолларда эса делькредере учун кўшимча ҳақни ҳам тўлашдан ташқари, воситачилик топширигини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни ҳам унга тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, воситачи ўз ихтиёрида бўлган комитентнинг мол-мулкни сақлаш юзасидан қилган харажатлари қопланишига ҳақли эмас.

### **843-м о д д а. Воситачилик топширигининг комитент томонидан бекор қилиниши**

Комитент воситачига берган топширигини истаган вақтида бекор қилиб, воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бунда воситачининг топшириқ бекор қилиниши муносабати билан кўрган зарари умумий асосларда қопланади.

Воситачилик шартномаси амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган тақдирда комитент шартномани бекор қилиши ҳақида, агар шартномада хабар қилишнинг узоқроқ муддати назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин воситачини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда комитент воситачига у шартнома бекор қилингунча тузган битимлар учун ҳақ тўла-



ши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни тўлаши шарт.

Топшириқ бекор қилинган тақдирда комитент воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкни воситачилик шартномасида белгиланган муддатда, борди-ю бундай муддат белгиланмаган бўлса, дарҳол тасарруф этиши шарт. Агар комитент бу мажбуриятни бажармаса, воситачи мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлаб қўйишга топширишга ёки уни комитент учун иложи борича фойдали баҳода сотишга ҳақли.

#### **844-м о д д а. Воситачининг топшириқни бажаришдан бош тортиши**

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас, шартнома амал қилиш муддати кўрсатилмасдан тузилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда воситачи комитентга шартномани бекор қилиши ҳақида, агар хабар қилишнинг узоқроқ муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабар бериши шарт.

Воситачи комитентнинг мол-мулкни сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Воситачи топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида хабардор қилинган комитент воситачининг топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида билдиришнома олган кундан эътиборан, агар шартномада бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кун ичида воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкни тасарруф этиши шарт. Агар комиссионер ушбу мажбуриятни бажармаса, воситачи ё мол-мулкни сақлаб қўйишга топширишга ёки уни комитент учун иложи борича фойдали баҳода сотишга ҳақли.

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, топшириқни бажаришдан бош тортган воситачи шартнома бекор қилинганча ўзи тузган битимлар учун воситачилик ҳақи олишга, шунингдек шу пайтга қадар қилган харажатларининг қопланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

#### **845-м о д д а. Воситачилик шартномасининг бекор қилиниши**

Воситачилик шартномаси: комитент шартномани бажаришдан бош тортганлиги; воситачи шартномани бажаришдан бош тортганлиги; воситачи вафот этганлиги, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ночор деб топилганлиги оқибатида бекор қилинади.

#### **846-м о д д а. Комитентнинг муддати кўрсатилмай тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиши**

Комитент муддати кўрсатилмай тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда воситачини, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилади.

Бундай ҳолда комитент воситачилик шартномаси бекор қилинганча қадар тузган битимлари учун воситачига ҳақ тўлаши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни унга тўлаши шарт.

Комитент воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортган тақдирда ушбу Кодекс 844-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажариши шарт.

#### **847-м о д д а. Воситачининг воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиши**

Воситачи муддати кўрсатилмасдан тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда комитентни, агар хабардор қилишнинг узоқроқ муддати шартномада кўзда тутилган бўлмаса, ўттиз кундан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Бундай ҳолда воситачи ўз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулкни тўлиқ сақланиши учун чоралар кўриши шарт. Комитент воситачилик шартномаси бекор бўлгунча воситачининг ихтиёридаги мол-мулкни тасарруф қилиши шарт. Агар у мана шу мажбуриятни бажармаса, воситачи ё мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлашга топширишга ёки уни комитент учун мумкин қадар фойдали баҳода сотишга ҳақли.

Воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортган воситачи воситачилик ҳақини олиш ҳамда шартнома бекор бўлган пайтда ўзига тегишли бўладиган харажатларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.

#### **848-м о д д а. Фуқаронинг вафот этиши ёки юридик шахснинг тугатилиши оқибатлари**

Фуқаро вафот этган ёки воситачи юридик шахс тугатилган тақдирда воситачилик шартномаси бекор қилинади.

Воситачи юридик шахс қайта ташкил этилганида унинг воситачи сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, башарти қайта ташкил этиш юз берганлиги ҳақидаги маълумотни олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида комитент шартномани бекор қилганлиги ҳақида хабар бермаса, қонуний ворисларга ўтади.

Комитент фуқаро вафот этган, у муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб топилган тақдирда, шунингдек комитент юридик шахс тугатилган тақдирда воситачи ўзига берилган топшириқни комитентнинг меросхўрларидан ёки ҳуқуқий ворисларидан (вакилларида) тегишли кўрсатмалар келгунча бажариб туриши шарт.

#### **49-БОБ. МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ**

##### **849-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқарар экан, ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ, ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли.

Қонунда ёки шартномада мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича айрим ҳаракатларга нисбатан чекловлар назарда тутилиши мумкин.

Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади, бунда у ўзининг шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганини кўрсатади. Агар ёзма тарзда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган ҳаракатлар амалга оширилаётганида иккинчи тараф ишончли бошқарувчи бу ҳаракатларни ана шундай бошқарувчи сифатида амалга ошираётганлигидан хабардор қилинган бўлса, ёзма ҳужжатларда эса ишончли бошқарувчининг исми ёки номидан кейин тегишли белги қўйилган бўлса, мазкур шартга риоя қилинган ҳисобланади.

Ишончли бошқарувчининг ана шундай бошқарувчи сифатида ҳаракат қилиши тўғрисида кўрсатма бўлмаса, у учинчи шахслар олдида шахсан мажбурият олади ва улар олдида фақат ўзига қарашли мол-мулк билан жавоб беради.

#### **850-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш (жорий бўлиш) асослари**

Мол-мулкни ишончли бошқариш қуйидаги асосларда вужудга келади (жорий этилади):

муассис билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси;

васиятнинг ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома;

суд қарори;

васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори;

қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар.

#### **851-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқариш объекти**

Ишончли бошқариш объеклари корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Қонунда кўзда тутилган ҳолларни истисно этганда, пул ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўла олмайди.

Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк уни хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда сақлаб турган юридик шахс тугатилганидан ёки мол-мулкка хўжалик бошқаруви ёки оператив бошқарув ҳуқуқи бекор қилинганидан ҳамда у қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мулкдорнинг ихтиёрига ўтганидан кейингина ишончли бошқарувга топширилиши мумкин.

#### **852-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқариш субъектлари**

Қуйидагилар мол-мулкни ишончли бошқариш муассислари бўладилар:

мол-мулкнинг эгаси;

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

ваколатли давлат органи давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан;

мол-мулкка хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган корхона – мулкдорнинг руҳсати билан; қонунда назарда тутилган ҳолларда – нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи, суд ёки бошқа ваколатли орган.

Қуйидагилар ишончли бошқарувчи бўлишлари мумкин:

фуқаро;

юридик шахс.

Мол-мулк давлат органига ишончли бошқарувга берилиши мумкин эмас.

Ишончли бошқарувчи фақат ўз розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Ишончли бошқарувчидан ташқари ҳар қандай шахс фойда олувчи бўлиши мумкин.

#### **853-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати;

фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма;

ишончли бошқарувчининг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари;

ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс;

агар ҳақ тўлаш шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартлар бўлмаган тақдирда, шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлганида тарафлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, шартнома унда назарда тутилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

Ишончли бошқаришга топшириладиган айрим турдаги мол-мулклар учун қонунда шартнома амал қилишининг бошқа энг кўп муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

#### **854-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шакли**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақида-

ги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади. Кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши қайси тартибда давлат рўйхатидан ўтказилса, бу мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам шу тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси шаклига ёки кўчмас мулкни ишончли бошқаришга топширишни рўйхатга олиш талабига риоя қилмаслик, унинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради.

### **855-м о д д а. Ишончли бошқарувда бўлган мол-мулкни ажратиб чиқариш**

Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк бошқарув муассисининг бошқа мол-мулкдан, шунингдек ишончли бошқарувчининг мол-мулкдан ажратилади. Ушбу мол-мулк ишончли бошқарувчида алоҳида балансда акс эттирилади ва у бўйича мустақил ҳисоб юритилади. Ишончли бошқарув билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоб-китоб юритиш учун алоҳида банк ҳисобварағи очилади.

Бошқарув муассисининг қарзлари бўйича ундирувни у ишончли бошқаришга топширган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди, ушбу шахс ночор (банкрот) бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бошқарув муассиси банкрот бўлганида, ушбу мол-мулкни ишончли бошқариш бекор қилинади ва у кимосди савдосига қўйилган мол-мулкка кўшиб юборилади.

### **856-м о д д а. Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган мол-мулкни ишончли бошқариш**

Ишончли бошқарувчи шартнома тузилгунга қадар ўзига бошқариш учун топширилаётган мол-мулкка учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлиги ҳақида хабардор қилиб қўйилиши керак. Ушбу шарт бузилган тақдирда ишончли бошқарувчи шартномани ҳақиқий эмас деб ҳисоблаб, реал зарарни қоплашни ва мутаносиб ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкка шартнома тузилганидан кейин учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлса, ишончли бошқарувчи эса бу ҳақда ўн кунлик муддатда хабардор қилинмаган бўлса, у мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини бекор қилиб, ўзига келтирилган ҳақиқий зарарнинг қопланишини ва мутаносиб ҳақ тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **857-м о д д а. Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ишончли бошқарувчи қонунда ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган доирада ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкка нисбатан мулкдор ҳуқуқларини амалга оширади.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқариш соҳасидаги ҳаракатларни амалга ошириш натижасида қўлга киритган ҳуқуқлар ана шундай мол-мулк таркибига киритилади. Ишончли бошқарувчининг ана шундай ҳаракатларни амалга ошириши натижасида вужудга келган мажбуриятлар шу мол-мулк ҳисобидан бажарилади.

Ишончли бошқарувчи бошқарувга топширилган кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга беришни ва гаровга қўйишни фақат бу ҳол мол-мулкни ишончли бошқа-

риш шартномасида назарда тутилган ҳолларда амалга оширишга ҳақли.

Ишончли бошқарувда бўлган мол-мулкка ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ишончли бошқарувчи ўзининг ҳуқуқлари ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга (ушбу Кодекснинг 228, 229, 231, 232-моддалари).

Ишончли бошқарувчи бошқарувнинг муассисига ва фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси билан белгиланган муддатларда ва тартибда ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб туради.

### **858-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқаришни бошқа шахсга бериш**

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни шахсан ўзи бошқаради, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ишончли бошқарувчи бошқа шахсга ишончли бошқарувчи номидан мол-мулкни бошқариш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширишни топшириши мумкин, башарти унга мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ана шундай ваколат берилган бўлса ёки у бунга муассиснинг ёзма розилигини олган бўлса, ёхуд бошқарув муассисининг ёки фойда олувчининг манфаатларини таъминлаш учун вазият тақозоси билан бунга мажбур бўлса ва бунда бошқарув муассисининг кўрсатмаларини оқилона муддатда олиш имконига эга бўлмаса.

Ишончли бошқарувчи ўзи танлаган ишончли вакилнинг ҳаракатлари учун ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

### **859-м о д д а. Ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги**

Мол-мулкни ишончли бошқариш пайтида фойда олувчининг ёки бошқарув муассисининг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаган ишончли бошқарувчи фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш вақтида бой берилган фойдани, бошқарув муассисига эса мол-мулкни йўқотиш ёки унга шикаст етказиш билан келтирилган зарарни, шунингдек бой берилган фойдани тўлайди.

Агар ишончли бошқарувчи ушбу зарарлар энгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигини исбот қилиб бера олмаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Ишончли бошқарувчи ўзига берилган ваколатлардан четга чиққан ёки ўзи учун белгилаб қўйилган чеклашларни бузган ҳолда тузган битим бўйича мажбуриятларни ишончли бошқарувчи шахсан ўзи бажаради. Агар битимда қатнашувчи учинчи шахслар ваколатлардан четга чиққанлигини ёки белгилаб қўйилган чеклашларни билмаган бўлсалар ёки билишлари керак бўлмаган бўлса, вужудга келган мажбуриятлар ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибда бажарилиши керак. Бу ҳолда бошқарув муассиси ишончли бошқарувчидан у келтирган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш муносабати билан вужудга келган мажбуриятлар бўйича қарзлар ушбу мол-мулк ҳисобидан тўланади. Ушбу мол-мулк етарли

бўлмаган тақдирда ундирув ишончли бошқарувчининг мол-мулкига, унинг мол-мулки ҳам етарли бўлмаганида эса – бошқарув муассисининг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси уни тегишли суратда бажармаслик туфайли бошқарув муассисига ёки фойда олувчига etkасилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш учун ишончли бошқарувчининг гаров беришини назарда тутиши мумкин.

#### **860-м о д д а. Ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақ**

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳақни олиш, шунингдек у мол-мулкни ишончли бошқариш чоғида қилган зарур харажатларни бошқаришга топширилган мол-мулк ҳисобидан ёки ушбу мол-мулкдан фойдаланишдан келган даромадлар ҳисобидан қоплатиш ҳуқуқига эга.

#### **861-м о д д а. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг бекор бўлиши**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

тарафлардан бирининг шартнома муддати тугаши муносабати билан шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ;

агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, фойда олувчи фуқаронинг вафот этиши, фойда олувчи юридик шахснинг тугатилиши муносабати билан; ишончли бошқарувчи фуқаро вафот этганида, у муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланганида, шунингдек якка тадбиркор ночор (банкрот) деб топилганида;

ишончли бошқарувчи юридик шахс тугатилганида, у ночор (банкрот) деб топилганида;

фойда олувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома бўйича фойдани олишдан бош тортганида;

ишончли бошқарувчи ёки бошқарув муассиси ишончли бошқарувчи учун мол-мулкни ишончли бошқаришни шахсан амалга ошириши мумкин эмаслиги муносабати билан бошқарувни амалга оширишдан бош тортганида;

бошқарув муассиси ишончли бошқарувчига шартномада келишилган ҳақни тўлаган ҳолда ушбу модданинг тўртинчи бандида кўрсатилганидан бошқа сабабларга кўра шартномани бажаришдан бош тортганида;

ишончли бошқарувчи ўзининг мажбуриятларини тегишли даражада бажармаган тақдирда шартнома суднинг қарорига мувофиқ бекор қилинганда;

қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор қилинганда ишончли бошқаришда бўлган мол-мулк, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқарув муассисига топширилади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинганда иккинчи тараф, агар шартномада бошқача муд-

дат белгиланган бўлмаса, камида уч ой олдин бундан хабардор қилиб қўйилиши керак.

### **50-БОБ. КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ)**

#### **862-м о д д а. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси бўйича бир тараф (комплекс лицензиар) иккинчи тарафга (комплекс лицензиатга) ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда қўриқланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқларга кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиролар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини олади.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси лицензия комплексидан, лицензиарнинг иш соҳасидаги обрўсидан ва тижорат соҳасидаги тажрибасидан муайян ҳажмда (хусусан, минимал ва ёки максимал ҳажмда фойдаланишни белгилаб қўйган ҳолда) муайян фаолият соҳасига (лицензиардан олинган ёки лицензиат ишлаб чиқарган товарларни сотиш, хизматларни кўрсатиш, ишлар бажариш, савдо фаолиятини амалга ошириш ва ҳоказо) қўллаган ҳолда, фойдаланиш ҳудудини кўрсатиб ёки кўрсатмасдан фойдаланишни назарда тутади.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича фақат тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларгина тарафлар бўлиши мумкин.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси муддат кўрсатилган, шунингдек кўрсатилмаган ҳолда (муддатсиз шартнома) тузилиши мумкин.

Башарти ушбу бобда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у шартноманинг моҳиятидан келиб чиқмаса, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига ушбу Кодекснинг интеллектуал мулк ҳақидаги қоидалари тегишли суратда қўлланади.

#### **863-м о д д а. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг шакли ва уни рўйхатга олишга қўйиладиган талаблар**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ёзма равишда тузилиши керак ва у шартномага мувофиқ лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки якка тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан рўйхатга олиниши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади.

#### **864-м о д д а. Комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензия**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиатнинг ўзига берилган лицензия комплекси ёки унинг бир қисмидан бошқа шахсларнинг у лицензиар билан келишган ёки комплекс тадбиркорлик

лицензияси шартномасида белгиланган шартларда фойдаланишига рухсат бериш ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин. Худди шунингдек, шартномада лицензиатнинг муайян вақт давомида фойдаланиш ҳудудини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериш мажбурияти ҳам ёзиб қўйилиши мумкин.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг бекор қилиниши комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензияни ҳам бекор қилади.

#### **865-м о д д а. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ҳақ тўлаш шакли**

Лицензиат лицензиарга қатъий белгилаб қўйилган бир йўла ёки даврий тўловлар, тушумдан ажратмалар, лицензиар томонидан унга қайта сотиш учун етказиб бериладиган товарларнинг улгуржи нархларига устамалар шаклида ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида назарда тутилган бошқа шаклда ҳақ тўлайди.

#### **866-м о д д а. Лицензиарнинг мажбуриятлари**

Лицензиар:

лицензиатга техникавий ва тижорат ҳужжатларини топшириши ҳамда лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур бўлган бошқа ахборотни тақдим этиши, шунингдек лицензиат ва унинг ходимларига ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан йўл-йўриқлар бериши шарт; лицензиатга шартномада назарда тутилган лицензияларни бериши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши;

лицензиатга доимий техникавий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиши, шу жумладан ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишда ёрдам бериши шарт.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиарнинг бошқа мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

#### **867-м о д д а. Лицензиатнинг мажбуриятлари**

Лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича амалга оширадиган фаолиятнинг характери ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лицензиат:

шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш чоғида лицензиарнинг фирма номидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиши;

у шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар, бажараётган ишлар сифати бевосита лицензиарнинг ўзи ишлаб чиқараётган, кўрсатаётган ёки бажараётган шундай товарлар, хизматлар ёки ишларнинг сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаши;

лицензиарнинг лицензия комплексига кирувчи алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш характери, усуллари ва шартлари бу ҳуқуқлардан лицензиарнинг фойдаланишига аниқ мос келишига қаратилган барча йўриқномалари ва кўрсатмаларига, шу жумладан лицензиат шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланадиган тижорат биноларининг

ташқи ва ички безакларига доир кўрсатмаларига ҳам риоя этиши;

сотиб олувчилар (буюртмачилар) бевосита лицензиардан товар (хизмат, иш) ни сотиб олган (буюртма берган) вақтда уларга умид қилишлари мумкин бўлган ҳамма қўшимча хизматларни кўрсатиши;

лицензиарнинг ишлаб чиқариш сирларини ва ундан олган бошқа махфий тижорат ахборотини ошкор қилмаслиги;

агар шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, шартлашилган миқдорда ёрдамчи лицензияларни бериши;

комплекс тадбиркорлик лицензияси туфайли фирма номидан, товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан ёки бошқа индивидуаллаштириш воситасидан фойдаланаётганлигини сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) улар учун жуда аниқ усулда маълум қилиши шарт.

#### **868-м о д д а. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг чеклайдиган шартлари**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида чеклайдиган (экссклюзив) шартлар, хусусан:

лицензиарнинг лицензиатга бириктириб қўйилган ҳудудда фойдаланиш учун бошқа худди шундай комплекс тадбиркорлик лицензияларини бермаслик ёки ушбу ҳудудда бевосита мустақил фаолият олиб бормаслик мажбурияти;

лицензиатнинг комплекс тадбиркорлик лицензиясидан фойдаланиладиган ҳудудда лицензиар билан рақобатлашмаслик мажбурияти;

лицензиатнинг лицензиарнинг рақобатчиларидан (бўлажак рақобатчиларидан) бошқа комплекс тадбиркорлик лицензияларини олишдан воз кечиши;

лицензиатнинг шартнома бўйича ўзига берилган алоҳида ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланиладиган тижорат бинолари жойлаштириладиган ерни, шунингдек уларнинг ташқи ва ички безакларини лицензиар билан келишиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Агар чеклайдиган шартлар тегишли бозорнинг ҳолатини ва тарафларнинг иқтисодий мавқеини ҳисобга олганда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлса, бу шартлар монополияга қарши орган ёки бошқа манфаатдор шахснинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Агар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг чеклайдиган шартларига кўра:

лицензиар лицензиатнинг товарни сотиш баҳосини ёки лицензиат бажарадиган (кўрсатадиган) ишлар (хизматлар) нархини белгилашга, ёки мазкур нархларнинг юқори ва пастки чегараларини белгилаб қўйишга ҳақли бўлса;

лицензиат товарларни фақат маълум тоифадаги сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) ёки шартномада белгилаб қўйилган ҳудудда жойлашган (яшайдиган) сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) гина сотишга, ишларни бажаришга ёки хизматлар кўрсатишга ҳақли бўлса, бундай чекловчи шартлар ҳақиқий эмас.

### **869-м о д д а. Лицензиарнинг лицензиатга қўйиладиган талаблар бўйича жавобгарлиги**

Лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича сотаётган (бажараётган, кўрсатаётган) товарлар (ишлар, хизматлар) сифати шартномага мос эмаслиги тўғрисида лицензиатга қўйиладиган талаблар юзасидан лицензиар субсидиар жавобгар бўлади.

Лицензиатга лицензиарнинг махсулотини (товарларини) тайёрловчи сифатида қўйиладиган талаблар юзасидан лицензиар лицензиат билан солидар жавобгар бўлади.

### **870-м о д д а. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзгартириш**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ушбу Кодекс 28-бобининг қоидаларига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

Тегишли ўзгартишлар ушбу Кодекснинг 863-моддасида белгиланган тартибда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб шартнома ўзгартирилган деб ҳисобланади.

### **871-м о д д а. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор қилиш**

Муддати кўрсатилиб тузилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ушбу Кодекс 28-бобининг қоидаларига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан ҳар бири муддатсиз комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасидан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, агар шартномада узокроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, бу ҳақда иккинчи тарафни олти ой олдин хабардор қилиши керак.

Лицензия комплексига кирган фирма номини янги фирма номи билан алмаштирмасдан унга бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бекор қилинади.

Муддати кўрсатиб тузилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, шунингдек муддатсиз комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор қилиш ушбу Кодекснинг 863-моддасида белгиланган тартибда рўйхатга олиниши керак.

### **872-м о д д а. Тарафлар ўзгарганида комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг ўз кучида қолиши**

Лицензия комплексига кирувчи бирон-бир алоҳида ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди. Янги лицензиар ўзига ўтган алоҳида ҳуқуқ жумласига кирувчи ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича шартномага киришади.

Лицензиар фуқаро вафот этган тақдирда, унинг комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари меросхўрга, башарти бу меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олинган бўлса ёки мерос очилган кундан эътиборан олти ой мобайнида

тадбиркор сифатида рўйхатга олинса, ўтади. Акс ҳолда шартнома бекор қилинади.

Меросхўр тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилиб олгунча ёки меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олингунча бўлган даврда лицензия комплексини нотариус томонидан белгиланган тартибда тайинланадиган бошқарувчи идора қилади.

### **873-м о д д а. Фирма номи ўзгарганида комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг ўз кучида қолиши**

Лицензиар ўзининг фирма номини ўзгартирган тақдирда, агар лицензиат шартномани бекор қилишни талаб қилмаса, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси сақланиб қолади ва лицензиарнинг янги фирма номига нисбатан амал қилади. Шартноманинг амал қилиши сақланиб қолган тақдирда лицензиат лицензиарга тегишли бўлган ҳақни мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

### **874-м о д д а. Лицензия комплексига кирадиган алоҳида ҳуқуқнинг бекор бўлиши оқибатлари**

Агар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси амал қилиб турган даврда лицензия комплексига кирувчи алоҳида ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаса ёки бундай ҳуқуқ бошқа асосга кўра бекор бўлса, шартнома бекор бўлган ҳуқуққа тааллуқли қоидаларни чегриб ташлаган ҳолда сақланиб қолади, лицензиат эса, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, лицензиарга тегишли бўлган ҳақни мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

## **51-БОБ. ОМОНАТ САҚЛАШ**

### **1-§. ОМОНАТ САҚЛАШ ҲАҚИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **875-м о д д а. Омонат сақлаш шартномаси**

Омонат сақлаш шартномаси бўйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади.

Омонат сақлашни ўз касб фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сақловчи) омонат сақлаш шартномасида сақловчининг юк топширувчидан ашёни шартномада назарда тутилган муддатда сақлашга қабул қилиш мажбурияти кўзда тутилиши мумкин.

#### **876-м о д д а. Ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини бажариш**

Омонат сақлашни тадбиркорлик ёки бошқа профессионал фаолият сифатида амалга оширадиган омонат сақловчи омонат сақлаш шартномаси бўйича ўз зиммасига юк топширувчининг ашёларини сақлашга қабул қилиш ва юк топширувчи берган нарсаларни ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга мувофиқ сақлаш мажбуриятини олиши мумкин.

Омонат сақлаш шартномаси бўйича ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини олган омонат сақловчи бу ашёни сақлаш учун ўзига беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Бироқ, ашёни омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган муддатда сақлашга топширмаган юк топширувчи, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлашга топширмаганлиги муносабати билан етказилган зарар учун омонат сақловчи олдидан жавобгар бўлади.

Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё шартномада келишилган муддатда сақлашга топширилмаган ҳолларда, борди-ю, бу муддат белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган кундан бошлаб уч ой ўтганидан кейин омонат сақловчи ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини озод этилади.

### **877-м о д д а. Омонат сақлаш шартномасининг шакли**

Омонат сақлаш шартномаси ёзма равишда тузилиши керак бўлган ҳолларда (ушбу Кодекснинг 108-моддаси) агар ашёнинг сақлашга қабул қилинганлиги омонат сақловчи томонидан юк топширувчига сақлаш тилхати, паттаси, гувоҳномасини, омонат сақловчи имзолаган бошқа ҳужжатни бериш йўли билан тасдиқланган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Агар ашё сақлаш учун фавқулдда ҳолатларда (ёнгин, табиий офат, тўсатдан касал бўлиш, ҳужум хавфи ва бошқалар) топширилган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилиш талаб этилмайди.

Омонат сақлаш шартномаси омонат сақловчи томонидан юк топширувчига, агар бунга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса ёки у сақлашнинг ушбу тури учун одатдаги ҳол бўлса, ашёлар сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган номерли жетон (номер) ёки бошқа белги бериш йўли билан тузилиши мумкин.

Омонат сақлаш шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик сақлашга қабул қилинган ашё билан омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзиги хусусида низо чиққан тақдирда, тарафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини ва ж қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

### **878-м о д д а. Омонат сақлаш муддати**

Омонат сақловчи ашёни шартномада келишилган муддат давомида сақлаши шарт. Агар шартномада сақлаш муддати назарда тутилган бўлмаса ва уни шартноманинг шартларига қараб аниқлаш мумкин бўлмаса, ашё юк топширган шахс томонидан талаб қилиб олинганча сақланади.

Агар сақлаш муддати ашёни юк топширган шахс томонидан талаб қилиб олиш пайтигача қилиб белгиланган бўлса, омонат сақловчи бундай вазиятларда одат бўлган ашёни сақлаш муддати тугагач, ашёнинг юк топширган шахс томонидан қайтариб олинишини талаб қилишга ҳақли бўлиб, ашёни топширган шахсга уни қабул қилиб олиш учун оқилона муддат беради. Юк топширувчининг бу мажбуриятни бажармаслиги ушбу Кодекс 888-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

### **879-м о д д а. Ашёларни эгасизлантириб сақлаш**

Ашё эгасизлантириб сақланганида сақлаш учун қабул қилинган ашёлар бошқа юк топширувчиларнинг шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлари билан аралаштириб юборилиши мумкин. Юк топширувчига тенг миқдорда ёки тарафлар келишган миқдорда шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлар қайтариб берилади.

Эгасизлантириб сақлаш бундай ҳол омонат сақлаш шартномасида бевосита назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади.

### **880-м о д д а. Омонат сақловчининг ашё тўлиқ сақланишини таъминлаш мажбуриятлари**

Омонат сақловчи сақлашга топширилган ашёнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган, шунингдек бошқа барча зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Агар шартномада эгасизлантириб сақлаш назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи сақлаш учун ўзига берилган ашёни юк топширувчига ёки у олувчи сифатида кўрсатган бошқа шахсга топшириши шарт. Ашё сақлашга қандай ҳолатда топширилган бўлса, ўша ҳолатда, унинг табиий ёмонлашувини ёки табиий камайишини ҳисобга олиб қайтариб берилиши шарт.

Омонат сақловчи ашёни қайтариш билан бир вақтда, башарти омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уни сақлаш вақтида олинган ҳосил ва даромадларни ҳам топшириши шарт.

### **881-м о д д а. Омонат сақлашга топширилган ашёдан фойдаланиш**

Омонат сақловчи ўзига сақлаш учун топширилган ашёдан юк топширувчининг розилигисиз фойдаланишга, шунингдек учинчи шахсларга ундан фойдаланиш имкониятини беришга ҳақли эмас, сақланаётган ашёдан фойдаланиш унинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

### **882-м о д д а. Омонат сақлаш шартларини ўзгартириш**

Омонат сақловчи ашёни сақлаш шартларини ўзгартириш зарурлиги ҳақида дарҳол юк топширувчини хабардор қилиши ва унинг жавобини кутиши шарт.

Ашёнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, омонат сақловчи сақлаш шартномасида назарда тутилган сақлаш усули, жойи ва бошқа шартларни юк топширувчининг жавобини кутмасдан ўзгартириши шарт.

Агар сақлаш вақтида ашёнинг бузилиш хавфи аниқ бўлиб қолса ёки ашё бузилган бўлса, ёки унинг тўлиқ сақланишини таъминлашга имкон бермайдиган вазиятлар вужудга келган бўлса, юк топширувчи эса ўз вақтида чоралар кўришини кутиш мумкин бўлмаса, омонат сақловчи ашёни ёки унинг бир қисмини сақлаш жойида амалда бўлган баҳода мустақил сотишга ҳақли. Агар мазкур вазиятлар омонат сақловчи айбдор бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган бўлса, у сотиш учун қилган ўз харажатларини харид баҳосидан ундириш ҳуқуқига эга.

### **883-м о д д а. Хавфли хоссаларга эга бўлган ашёларни сақлаш**

Агар юк топширувчи тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёларни сақлаш учун топшираётган вақтда сақловчини уларнинг хоссалари ҳақида огоҳлантирмаган бўлса, омонат сақловчи бу ашёларни кўрилган зиённи юк топширувчига тўламаган ҳолда истаган вақтда зарарсизлантириши ёки йўқ қилиб ташлаши мумкин. Юк топширувчи бундай ашёлар сақланиши муносабати билан сақловчига ва учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавоб беради.

Хавфли хоссаларга эга бўлган ашёлар сақлаш учун профессионал омонат сақловчига топширилган вақтда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар бундай ашёлар сақлаш учун нотўғри ном билан топширилган ва омонат сақловчи уларни қабул қилиб олиш чоғида сиртидан кўздан кечириш йўли билан уларнинг хавфли хоссаларга эгаллигини била олмаган тақдирда қўлланади.

Ашёлар ҳақ эвазига сақланган тақдирда, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ашёларни сақлаш учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди, борди-ю, бу ҳақ тўланмаган бўлса, омонат сақловчи уни тўла-тўқис ундириб олиши мумкин.

Агар омонат сақловчи хабардор бўлгани ҳолда ва унинг розилиги билан сақлашга қабул қилинган ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ашёлар, гарчи уларни сақлаш шартларига риоя этилган бўлса-да, атрофдагилар учун ёки омонат сақловчи ёхуд учинчи шахсларнинг мол-мулки учун хавфли бўлиб қолган бўлса ҳамда вазият омонат сақловчининг юк топширувчидан уларни дарҳол олиб кетишни талаб қилишига имкон бермаса ёки юк топширувчи бу талабни бажармаса, ушбу ашёлар омонат сақловчи томонидан юк топширувчига зиённи тўламаган ҳолда зарарсизлантирилиши ёки йўқ қилиб ташланиши мумкин. Бундай ҳолларда юк топширувчи ушбу ашёларни сақлаш муносабати билан келтирилган зарар учун омонат сақловчи ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди.

### **884-м о д д а. Ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топшириш**

Агар қонун ҳужжатларида ёки омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи юк топширувчининг розилигисиз ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли эмас, башарти буни юк топширувчининг манфаатлари зарур қилиб қўйган ва омонат сақловчи унинг розилигини олиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлмаса. Омонат сақловчи ашёни учинчи шахсга топширилганлиги ҳақида юк топширувчини кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

Сақлаш учун ашё топширилган учинчи шахснинг ҳаракатлари учун омонат сақловчи жавоб беради.

### **885-м о д д а. Омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ**

Омонат сақлаганлик учун ҳақ сақловчига сақлаш тавом бўлганидан кейин, борди-ю, сақлаш учун даврлар бўйича ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса – ҳар бир давр тамом бўлганидан кейин тўланиши шарт.

Агар сақлаш омонат сақловчи жавобгар бўлмаган вазиятлар туфайли шартлашилган муддатидан олдин тўхтатилса, омонат сақловчи ҳақнинг мутаносиб қисмини, ушбу Кодекс 883-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда эса, ҳақнинг ҳаммасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар сақлаш омонат сақловчи жавобгар бўладиган: вазиятлар туфайли муддатидан олдин тўхтатилса, у сақлаганлик учун ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бу ҳақ устидан олган суммаларни эса юк топширувчига қайтариши шарт.

Агар шартномада назарда тутилган муддат тугаганидан кейин сақлаб турилган ашё юк топширувчи томонидан қайтариб олинмаган бўлса, у ашёни бундан кейин сақлагани учун омонат сақловчига тегишли миқдорда ҳақ тўлаши шарт.

Ушбу модданинг қоидалари омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса қўлланилади.

### **886-м о д д а. Омонат сақлаш юзасидан қилинган харажатларни қоплаш**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлаш харажатлари тўланадиган ҳақ суммасига киритилади. Алоҳида харажатлар омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган ҳақ суммасига ёки харажатлар таркибига киритилмаслиги назарда тутилади.

Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё текинга сақланганида юк топширувчи амалда қилинган зарур харажатларни омонат сақловчига тўлаши шарт.

### **887-м о д д а. Омонат сақлаш учун қилинган алоҳида харажатлар**

Ашёни сақлаш учун қилинган, одатдаги бундай харажатлардан ортиқ бўлган ҳамда омонат сақлаш шартномасини тузиш чоғида тарафлар олдиндан кўриши мумкин бўлмаган харажатлар (алоҳида харажатлар), башарти юк топширувчи ушбу харажатларга розилик берган ёки уларни кейинчалик маъқуллаган бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда омонат сақловчига тўланади.

Алоҳида харажатларни қилиш зарур бўлиб қолганида, омонат сақловчи юк топширувчидан ушбу харажатларга розилик сўраши шарт. Агар юк топширувчи омонат сақловчи кўрсатган муддатда ёки жавоб бериш учун етарли бўлган вақтда ўзининг рози эмаслигини хабар қилмаса, у алоҳида харажатларга рози бўлган, деб ҳисобланади.

Ишнинг ҳолатларига кўра юк топширувчининг розилигини олдиндан олиш мумкин бўлса-да, омонат сақловчи бундай розиликни олмасдан туриб сақлаш учун алоҳида харажатлар қилган ва юк топширувчи кейинчалик уларни маъқулламаган тақдирда, омонат сақловчи алоҳида харажатларни фақат ушбу харажатлар қилинмаса ашёга етказилиши мумкин бўлган зарар доирасида қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, алоҳида харажатлар сақлаш ҳақига қўшимча равишда тўланади.



**888-м о д д а. Ашёнинг юк топширувчи томонидан қайтариб олиниши**

Юк топширувчи шартномада назарда тутилган сақлаш муддати тамом бўлгач, сақлаш учун топширилган ашёни қайтариб олиши шарт.

Юк топширувчи ашёни олишдан бош тортган тақдирда, агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи ашёни мустақил суратда сотишга унинг қиймати белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик бараварига тенг суммадан ортиқ бўлган тақдирда эса – ушбу Кодекснинг 379, 380 ва 381-моддаларида назарда тутилган тартибда сотишга ҳақли.

Ашёни сотишдан тушган сумма омонат сақловчига тегишли ҳақ чегириб ташлангач, юк топширувчига берилади.

**889-м о д д а. Ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчининг жавобгарлиги**

Омонат сақловчи сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун ушбу Кодекснинг 333-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жавобгар бўлади.

Профессионал омонат сақловчи ашёнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши:

енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида;

ашёнинг уни сақлаш учун қабул қилиш чоғида омонат сақловчи билмаган ва билиши шарт бўлмаган яширин хоссалари туфайли;

сақланаётган ашёнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги юк топширувчининг қасддан қилганлиги ёки қўпол эҳтиётсизлиги натижасида юз берганлигини исботламаса жавобгар бўлади.

Шартномада назарда тутилган сақлаш муддати ёки омонат сақловчининг талабига кўра ашёни қайтариб олиши шарт бўлган вақт тугагач, юк топширувчи сақланаётган ашёни қайтариб олмаса, омонат сақловчи бундан буён ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун қасддан ҳаракат қилган ёки қўпол эҳтиётсизлик қилган тақдирдагина жавоб беради.

**890-м о д д а. Омонат сақловчининг жавобгарлик даражаси**

Ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги туфайли юк топширувчига етказилган зарар, агар қонунда ёки сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 324-моддасига мувофиқ омонат сақловчи томонидан қопланади.

Ашё текин сақланганида унинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши туфайли юк топширувчига етказилган зарар:

ашёлар йўқолганлиги ва кам чиққанлиги учун – йўқолган ёки етишмаётган ашёларнинг қиймати миқдорида;

ашёлар шикастланганлиги учун – уларнинг қиймати қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма миқдорида қопланади.

Агар омонат сақловчи жавобгар бўлган ҳолда шикаст етиши натижасида ашёнинг сифати ундан дастлабки вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмай-

диган даражада ўзгарган бўлса, юк топширувчи ундан воз кечишга ва омонат сақловчидан ушбу ашёнинг қийматини, шунингдек, агар қонунда ёки омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган бўлса, бошқа зарарни ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**891-м о д д а. Омонат сақловчига етказилган зарарни қоплаш**

Агар омонат сақловчи ашёни сақлаш учун қабул қилиб олаётган пайтида унинг хоссаларини билмаган ва билиши шарт бўлмаган бўлса, юк топширувчи сақлаш учун топширилган ашёнинг хоссалари туфайли етказилган зарарни омонат сақловчига тўлаши шарт.

**892-м о д д а. Юк топширувчининг талаби билан омонат сақлаш мажбуриятининг бекор бўлиши**

Шартномада юкни қайтариб беришнинг бошқача муддати белгиланган бўлса ҳам, омонат сақловчи юк топширувчининг талаби билан сақлашга қабул қилинган ашёни дарҳол қайтариб бериши керак. Бу ҳолда, агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юк топширувчи мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиши туфайли омонат сақловчига етказилган зарарни тўлаши шарт.

**893-м о д д а. Омонат сақлаш ҳақидаги умумий қоидаларни унинг алоҳида турларига татбиқ этиш**

Агар ушбу Кодекснинг 894 – 913-моддаларида назарда тутилган омонат сақлашнинг алоҳида турлари тўғрисидаги қоидаларда, бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, омонат сақлаш ҳақидаги умумий қоидалар унинг алоҳида турларига ҳам татбиқ этилади.

**2-§. ОМОНАТ САҚЛАШНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ****894-м о д д а. Ломбардда омонат сақлаш**

Ломбардда омонат сақлаш учун фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар ашёлар қабул қилиниши мумкин.

Ашёни ломбардда омонат сақлаш шартномаси ломбард томонидан юк топширувчига (мижозга) унинг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Ломбардда сақлаш учун топшириладиган ашё тарафларнинг келишуви билан сақлаш учун қабул қилиш пайтида ва жойида одатда савдода шу турдаги ва сифатдаги ашёга белгиланадиган нархларга мувофиқ баҳоланиши керак.

Ломбард сақлаш учун қабул қилинган ашёларни ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ чиқарилган нархнинг тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан юк топширувчи фойдасига сугурталаши шарт.

**895-м о д д а. Ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёлар**

Юк топширувчи ашёларни қайтариб олишдан бош тортган тақдирда, ломбард уларни уч ой мобайнида сақлаб туриши шарт. Бу муддат ўтганидан кейин талаб қилиб олинмаган ашёлар ломбард томонидан ушбу

Кодекс 289-моддасининг еттинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибда сотилиши мумкин.

Ашёларни сотишдан тушган пулдан сақлаш ҳақи ва ломбардга тегишли бошқа тўловлар қопланади. Пулнинг қолган қисми ломбард томонидан сақлов паттасининг эгасига у тақдим этилганида қайтариб берилади.

#### **896-м о д д а. Бойликларни банкда сақлаш**

Банк қимматли қоғозларни, қимматбаҳо металллар ва тошларни, бошқа бойликларни, шунингдек ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиши мумкин.

Банкда бойликларни сақлаш шартномаси банк томонидан бойлик топширувчига номи ёзилган сақлов ҳужжатини бериш йўли билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатни тақдим этиш банк томонидан сақланаётган бойликларни бойлик топширувчига бериш учун асос бўлади.

Қимматли қоғозларни сақлаш (депозит) шартномасида назарда тутилган ҳолларда банк уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлашдан ташқари, ушбу қоғозларга нисбатан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни ҳам (вакилик ва ҳоказо) амалга оширади.

Бойликларни якка тартибдаги пўлат сандикдан (пўлат сандиқ бўлинмасидан, сақлаш учун мўлжалланган алоҳида бинодан) фойдаланган ҳолда сақлаш шартномаси банк томонидан бойликларни сақлаш учун қабул қилиш ҳаракатларини амалга ошириш ва бойлик топширувчига пўлат сандиқ калитини, бойлик топширувчини кўрсатадиган варақча, кўрсатувчининг пўлат сандиқни очиш ва ундан бойликларни олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган бошқа белги ёки ҳужжат бериш йўли билан тузилиши мумкин.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бойлик топширувчи истаган вақтда бойликларни пўлат сандикдан олиши, уларни қайта қўйиши, сақланаётган ҳужжатлар билан ишлаши мумкин. Бунда банк бойлик топширувчининг бойликларни олишини ва қайтариб топширишини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Бойлик топширувчи бойликларнинг бир қисмини пўлат сандикдан олган тақдирда, банк бойликларнинг қолган қисми бут сақланиши учун жавобгар бўлади.

Ушбу моддада белгиланган банкнинг пўлат сандиқда бойликларни сақлаш қоидалари банк ўз пўлат сандиқини мулк ижараси шартлари асосида фойдаланиш учун бошқа шахсга берадиган ҳолларга тааллуқли бўлмайди.

#### **897-м о д д а. Ашёларни транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш**

Транспорт ташкилотларининг ихтиёридаги юкхоналар йўловчилар ва бошқа фуқаролардан, уларда йўл ҳужжатлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ашёларни сақлаш учун қабул қилиши шарт. Ашёни транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш шартномаси оммавий ҳисобланади.

Ашё сақлаш учун юкхонага қабул қилинганлигини тасдиқлаш юзасидан (автомат юкхоналардан ташқари) юк топширувчига патта ёки номерли жетон берилади.

Патта ёки жетон йўқотилган тақдирда юкхонага топширилган ашё юк топширувчига ушбу ашё ўзига қарашли эканлигининг исботини тақдим этган тақдирда берилади.

Юкхонага топширилган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги оқибатида юк топширувчи кўрган зарар суммаси, агар ашёни сақлашга топшириш пайтида у нархланган бўлса ёки зарарнинг ўрнини қоплашга керакли сумма хусусида тарафлар келишиб олган бўлсалар, зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйилган пайдан бошлаб бир сутка муддатида юк топширувчига тўланади.

Ашё махсус қоидалар ёки тарафларнинг келишуви билан белгиланган муддатга юкхонага топширилиши мумкин. Кўрсатилган муддатда талаб қилиб олинмаган ашёни юкхона яна ўттиз кун сақлаб туриши шарт. Ушбу муддат тамом бўлгач, талаб қилиб олинмаган ашё сотилиши, сотишдан тушган пул эса ушбу Кодекснинг 895-моддасига мувофиқ тақсимланиши мумкин.

#### **898-м о д д а. Ашёни ташкилотларнинг кийимхоналарида сақлаш**

Агар ташкилотларнинг кийимхоналарида ашёларни ҳақ эвазига сақлаш ҳақида ашёни сақлашга топшириш вақтида келишиб қўйилган ёки бошқа очик усулда шартлашилган бўлмаса, уларда ашё сақлаш бепул ҳисобланади.

Ашё кийимхонада сақлаш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқлаш учун сақловчи юк топширувчига номерли жетон ёки ашё сақлаш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи бошқа белги беради.

Кийимхонага топширилган ашё жетон тақдим этувчига берилади. Бунда сақловчи жетон тақдим этувчининг ашёни олишга ваколатларини текшириши шарт эмас. Бироқ, омонат сақловчи жетон уни тақдим этувчига қарашли эканлигига шубҳаланса, ашёни жетон тақдим этувчига қайтариб беришни тўхтатиб туришга ҳақли.

Юк топширувчи жетонни йўқотиб қўйган, лекин унинг ашёларни кийимхонага топширганлиги ёки ашёларнинг унга тегишлилиги сақловчида шубҳа тугдирмаган ёхуд юк топширувчи томонидан исботланган ҳолларда ҳам сақловчи кийимхонадаги ашёни беришга ҳақли. Ташкилотларнинг ашёлар кийимхоналарда бут сақланиши учун жавобгарлиги, шунингдек талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари ушбу Кодекс 897-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган қоидалар бўйича белгиланади.

#### **899-м о д д а. Ашёни меҳмонхонада сақлаш**

Меҳмонхона унда яшаётган шахс томонидан олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчи сифатида алоҳида келишув бўлмаган тақдирда ҳам жавоб беради, ашё енгиб бўлмайдиган куч, ашёнинг ўз хоссалари оқибатида ёки меҳмонхонада яшовчининг ўзи, унинг ҳамроҳлари ёки унинг ёнига келган шахслар айби билан йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳмонхона ходимларига ишониб топширилган ашё ёки мўлжалланган жойга (меҳмонхона номери ва бошқаларга) жойлаштирилган ашё меҳмонхонага олиб кирилган ашё деб ҳисобланади.

Пул, бошқа валюта қимматликлари, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо ашёлар сақлаш учун алоҳида омонат сақлаш шартномаси бўйича қабул қилиб олин-

ган бўлсагина, меҳмонхона уларнинг йўқолганлиги учун жавобгар бўлади.

Меҳмонхонада яшаётган, ўз ашёларининг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлигини билиб қолган шахс меҳмонхона маъмуриятига бу ҳақда кечиктирмай хабар қилиши шарт. Акс ҳолда меҳмонхона ашёларнинг тўлиқ сақланмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

Меҳмонхона бу ерда яшаётган шахсларнинг ашёлари сақланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслигини эълон қилган тақдирда ҳам, жавобгарликдан озод қилинмайди.

Меҳмонхоналарда талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари ва уларнинг тақдири ушбу Кодекс 897-моддасининг бешинчи қисмида ёзиб қўйилган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари мотеллар, дам олиш уйлари, санаторийлар, ётоқхоналар, ҳаммомларда, шунингдек ташкилотга келадиган фуқароларнинг ашёларини сақлаш учун махсус ажратилган жойларга эга бўлган бошқа ташкилотларда ҳам ашёларни сақлашга нисбатан қўлланади.

### **900-м о д д а. Низоли ашёларни сақлаш (секвестр)**

Секвестр тўғрисидаги шартнома бўйича ашёга эгалик қилиш хусусида ораларида низо чиққан икки ёки бир неча шахс низоли ашёни учинчи шахсга берадилар. Учинчи шахс низо ҳал бўлгач, ашёни суд қарори билан ёки низолашаётган ҳамма шахсларнинг келишувига мувофиқ кимга тегишли бўлса, ўша шахсга қайтариб бериш мажбуриятини олади (шартнома секвестри).

Низоли ашё суднинг қарорига кўра секвестр тартибида сақлаш учун топширилиши мумкин (суд секвестри).

Суд томонидан тайинланган шахс ҳам, шунингдек баҳслашаётган тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланадиган шахс ҳам суд секвестри бўйича омонат сақловчи бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчининг розилиги талаб қилинади.

Секвестр тартибида сақлашга кўчар мулклар ҳам, шунингдек кўчмас мулклар ҳам топширилиши мумкин.

## **3-§. ТОВАР ОМБОРИДА ОМОНАТ САҚЛАШ**

### **901-м о д д а. Товар омбори**

Тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлайдиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот товар омбори дейилади.

### **902-м о д д а. Умумий фойдаланишдаги товар омбори**

Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ товар омбори товарларни сақлаш учун чегараланган доирадаги шахслардан қабул қилиши мумкин бўлган омборлар жумласига киритилган бўлмаса, у умумий фойдаланишдаги омбор деб ҳисобланади.

Умумий фойдаланишдаги товар омбори томонидан тузиладиган омборда омонат сақлаш шартномаси оммавий шартнома деб ҳисобланади.

### **903-м о д д а. Омборда омонат сақлаш шартномаси**

Омборда омонат сақлаш шартномаси бўйича товар омбори (сақловчи) товар эгаси (юк топширувчи) томонидан ўзига топширилган товарларни ҳақ эвазига сақлаш ва уларни тўлиқ ҳолича қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Омборда омонат сақлаш шартномаси ёзма равишда тузилади. Агар омборда сақлаш шартномасини тузиш ва товарни омборга қабул қилиб олиш омбор ҳужжати билан тасдиқланган бўлса, омборда омонат сақлаш шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

### **904-м о д д а. Ашёларни тасарруф қилиш ҳуқуқи билан сақлаш**

Агар қонун ҳужжатларидан ёки омборда омонат сақлаш шартномасидан товар омбори ўзига сақлаш учун топширилган товарларни тасарруф этиши мумкинлиги келиб чиқса, у ҳолда тарафларнинг муносабатларига ушбу Кодекс 41-бобининг қоидалари қўлланади, бироқ товарларни қайтариб бериш вақти ва жойи ушбу бобнинг қоидалари билан белгиланади.

### **905-м о д д а. Товар омборининг мажбуриятлари**

Товар омбори стандартлар, техникавий шартлар, технология йўриқномалари, сақлаш йўриқномалари, айрим турдаги товарларни сақлаш қоидаларида, омбор учун мажбурий бўлган бошқа махсус норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган сақлаш шартлари (тартиботи)га риоя қилиши лозим.

Агар омборда омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар омбори товарларни сақлаш учун қабул қилиб олаётганида уларни ўз ҳисобидан кўздан кечириши керак.

Агар омонат сақлаш эгасизлантириш йўли билан амалга оширилаётган бўлса, товар омбори товар эгасига товарларни ёки уларнинг намуналарини кўздан кечириш, намуна олиш ҳамда товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш имкониятларини бериши шарт.

Товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун сақлаш шароитларини тезлик билан ўзгартириш талаб қилинадиган ҳолларда товар омбори зарур шошилинч чораларни мустақил кўришга ҳақли. У кўрилган чоралар тўғрисида товар эгасига хабар бериши шарт.

Сақлаш вақтида товар омборда омонат сақлаш шартномасида келишилганидан ёки одатдаги табиий бузилиш нормалари доирасидан ташқари чиқадиغان даражада бузилганлиги аниқланган тақдирда, товар омбори бу ҳақда дарҳол далолатнома тузиши ва ўша куниёқ юк топширувчини хабардор қилиши шарт.

### **906-м о д д а. Товар эгасига қайтарилаётган вақтда унинг миқдори ва ҳолатини текшириш**

Товар эгаси ва товар омборининг ҳар бири товарни қайтариб бериш вақтида уни кўздан кечириш ва миқдорини текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шу туфайли қилинган харажатлар товарни кўздан кечи-

ришни ёки унинг миқдорини текширишни талаб қилган тараф зиммасига тушади.

Агар омбор товарни эгасига қайтараётган вақтида улар товарни бирга кўздан кечирмаган ёки текширмаган бўлсалар, товар тегишли даражада сақланмаганлиги оқибаотида унинг кам чиққанлиги ёки бузилганлиги ҳақидаги ариза омборга товарни олиш вақтида, товарни қабул қилишнинг оддий усули билан аниқлаш мумкин бўлмаган етишмовчилик ёки бузилиш хусусида эса, уларни аниқлаш учун зарур бўлган оқилона муддатда ёзма равишда юборилиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ариза бўлмаганида, агар акси исбот қилинган бўлмаса, омбор товарни омборда омонат сақлаш шартномаси шартларига мувофиқ қайтарган деб ҳисобланади.

#### **907-м о д д а. Товар омборининг омборда сақлаш шартномасидан бош тортиши**

Юк топширувчи товарнинг хавfli эканлигини яширган ва бу катта зарар етказиши мумкин бўлган ҳолларда товар омбори омонат сақлаш шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

#### **908-м о д д а. Омбор ҳужжатлари**

Товар омборлари товарларни сақлашга қабул қилганлигини тасдиқлаб, қуйидаги омбор ҳужжатларини бериши мумкин:

- икки қисмли омбор гувоҳномаси;
- оддий омбор гувоҳномаси;
- омбор паттаси.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси, унинг ҳар бир қисми ва оддий омбор гувоҳномаси қимматли қоғозлар бўлади.

Икки қисмли ва оддий омбор гувоҳномаси гаров нарсаси бўлиши мумкин.

#### **909-м о д д а. Икки қисмли омбор гувоҳномаси**

Икки қисмли омбор гувоҳномаси омбор гувоҳномасидан ва гаров гувоҳномасидан (варрант) иборат бўлиб, улар бир-бирдан ажратилиши мумкин.

Икки қисмли омбор гувоҳномасининг ҳар бир қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- товарни сақлаш учун қабул қилган товар омборининг номи ва жойлашган манзили;
- омбор гувоҳномасининг омбор реестри бўйича жорий номери;

- товар сақлаш учун қабул қилиб олинган ташкилот номи ёки фуқаронинг исми, шунингдек товар эгасининг жойлашган ери (яшаш жойи);

- сақлаш учун қабул қилинган товарнинг номи ва миқдори – бирликлар сони ва (ёки) товар доналарининг сони ва (ёки) товарнинг ўлчови (оғирлиги, ҳажми);

агар муддат белгиланган бўлса, товар қанча муддатга сақлаш учун қабул қилинганлиги ёки товар талаб қилиб олингунча сақлаш учун қабул қилинганлиги;

омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори ёки бу ҳақни ҳисоблаб чиқаришга асос бўладиган тарифлар ва сақлаш ҳақини тўлаш тартиби;

омбор гувоҳномаси берилган сана.

Икки қисмли омбор гувоҳномасининг иккала қисмида вакил шахснинг бир хил имзоси ва товар омборхонасининг муҳри бўлиши шарт.

Ушбу модданинг талабларига мос келмайдиган ҳужжат икки қисмли омбор гувоҳномаси бўла олмайди.

#### **910-м о д д а. Товарга омбор ва гаров гувоҳномасини сақловчининг ҳуқуқлари**

Омбор ва гаров гувоҳномаларини сақловчи омборда сақланаётган товарни тўла тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Гаров гувоҳномасидан ажратилган омбор гувоҳномасини сақловчи товарни тасарруф этишга ҳақли, лекин гаров гувоҳномаси бўйича берилган кредитни тўламагунча товарни омбордан олиши мумкин эмас.

Гаров гувоҳномасини сақловчи ушбу гувоҳнома бўйича берилган кредит ва унинг фоизлари миқдорида товар бўйича гаров ҳуқуқига эга бўлади. Товар гаровга қўйилганида бу ҳақда омбор гувоҳномасига белги қўйилади.

#### **911-м о д д а. Омбор ва гаров гувоҳномасини бошқа шахсга бериш**

Омбор гувоҳномаси ва гаров гувоҳномаси бирга-лиқда ёки алоҳида-алоҳида топшириш ёзувлари бўйича топширилиши мумкин.

#### **912-м о д д а. Оддий омбор гувоҳномаси**

Оддий омбор гувоҳномаси тақдим этувчига берилади.

Оддий омбор гувоҳномасида ушбу Кодекснинг 909-моддасида назарда тутилган маълумотлар бўлиши, шунингдек у тақдим этувчига берилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт.

#### **913-м о д д а. Товарни икки қисмли омборхона гувоҳномаси бўйича бериш**

Товар омбори товарни омбор ва гаров гувоҳномаларини (икки қисмли омбор гувоҳномасини) сақловчига бериб, ундан ушбу иккала гувоҳномани олади.

Омбор гувоҳномасини сақловчи гаров гувоҳномасига эга бўлмаса, бироқ унинг юзасидан қарз суммасини тўлаган бўлса, омбор товарни фақат омбор гувоҳномасига айирбошлаш йўли билан ва у билан биргалиқда гаров гувоҳномаси бўйича бутун қарз суммаси тўланганлиги ҳақидаги патта тақдим этилганидагина беради.

Омбор ва гаров гувоҳномаларининг сақловчиси товарни қисмларга бўлиб беришни талаб қилишга ҳақли. Бунда дастлабки гувоҳномалар ўрнига унга омборда қолган товар учун янги гувоҳномалар берилади.

Гаров гувоҳномасига эга бўлмаган ва унинг юзасидан қарз суммасини тўламаган омбор гувоҳномасини сақловчига ушбу модданинг талабларига қарамай товарни берган товар омбори гаров гувоҳномасини сақловчи олдида бу гувоҳнома бўйича таъминланган бутун тўлов учун жавобгар бўлади.

**52-БОБ. СУҒУРТА****914-м о д д а. Иштиёрий ва мажбурий суғурта**

Суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузатилган мулккий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкни ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

**915-м о д д а. Мулккий суғурта шартномаси**

Мулккий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулккий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулккий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

фуқаролик жавобгарлиги хавфи – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

тадбиркорлик хавфи – тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шартшароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан қутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

**916-м о д д а. Суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар**

Ҳайриқонуний манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Суғурта шартномаларининг ушбу модда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига зид бўлган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

**917-м о д д а. Мол-мулкни суғурта қилиш**

Мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сақловчи, воситачи ва бошқа шу қабилар фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

Наф олувчи фойдасига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда суғурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига тақдим этиш зарур.

**918-м о д д а. Зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш**

Бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфи суғурталанган шахс суғурта шартномасида кўрсатилиши лозим. Агар бу шахс шартномада кўрсатилмаган бўлса, суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталанган ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси, ҳатто шартнома зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлган суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд шартномада у кимнинг фойдасига тузилгани кўрсатилмаган тақдирда ҳам, зарар етказилиши мумкин бўлган шахслар (наф олувчилар) фойдасига тузилган деб ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик уни суғурта қилиш мажбурий бўлгани сабабли суғурталанган тақдирда, шунингдек қонунда ёки бундай жавобгарликни суғурта қилиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда суғурта шартномаси ўз фойдасига тузилган деб ҳисобланувчи шахс зарарни суғурта пули доирасида тўлаш тўғрисида бевосита суғурталовчига талаб қўйишга ҳақли.

**919-м о д д а. Шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш**

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилишга қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталаниши

ши мумкин. Ушбу талабга мувофиқ бўлмаган суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфи, бу шартнома шартларига кўра суғурта қилдирувчи қайси тараф олдида тегишли жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлса, ўша тараф – наф олувчи фойдасига, ҳатто суғурта шартномаси бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд унда кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган тақдирда ҳам суғурталанган ҳисобланади.

#### **920-м о д д а. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш**

Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва фақат унинг фойдасига суғурталаниши мумкин.

Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг фойдасига тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси суғурта қилдирувчи фойдасига тузилган ҳисобланади.

#### **921-м о д д а. Шахсий суғурта шартномаси**

Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

#### **922-м о д д а. Мажбурий суғурта**

Қонунда кўйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки

мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи.

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади.

Қонунда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгиланган тартибда хўжалик юртишида ёки оператив бошқарувида давлатга қарашли мол-мулкка эга бўлган юридик шахсларга бу мулкни суғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.

Мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолларда, бундай суғурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий ҳисобланмайди ва ушбу Кодекснинг 924-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди.

#### **923-м о д д а. Мажбурий суғуртани амалга ошириш**

Мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.

Мажбурий суғурта суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий суғурталаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **924-м о д д а. Мажбурий суғурта тўғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари**

Қонун бўйича фойдасига мажбурий суғурта амалга оширилиши лозим бўлган шахс, агар суғурта амалга оширилмагани унга маълум бўлса, суғурта қилдирувчи сифатида зиммасига суғурталаш мажбурияти юкланган шахс уни амалга оширишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта қилдирувчи сифатида суғурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса ёки суғурта шартномасини наф олувчининг аҳволини қонунда белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда тузган бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганида башарти тегишлича суғурталанган тақдирда суғурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади.

**925-м о д д а. Суғурталовчи**

Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги суғуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суғурталовчилар сифатида суғурта шартномаларини тузиши мумкин.

Суғурта ташкилотларига қўйиладиган талаблар, уларга лицензия бериш ва уларнинг фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

**926-м о д д а. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг суғурта қилдирувчи ва наф олувчи томонидан бажарилиши**

Наф олувчи фойдасига суғурта шартномаси тузиш, шу жумладан у суғурталанган шахс бўлганда ҳам, суғурта қилдирувчини, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёхуд суғурта қилдирувчининг зиммасидаги мажбуриятлар фойдасига шартнома тузилган шахс томонидан бажарилмаган бўлса, ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Наф олувчи мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ёхуд шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни талаб қилганида суғурталовчи ундан, шу жумладан суғурталанган шахс наф олувчи бўлган тақдирда ҳам, суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни, шу билан бирга суғурта қилдирувчининг зиммасида бўлган, лекин у бажармаган мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Илгари бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларни бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик оқибатлари хавфи наф олувчининг зиммасида бўлади.

**927-м о д д а. Суғурта шартномасининг шакли**

Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд – суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда – биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларини қўлланишга ҳақли.

**928-м о д д а. Бош полис бўйича суғурталаш**

Бир турдаги мол-мулк (товарлар, юклар ва ҳоказонинг) турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига биноан

битта суғурта шартномаси – бош полис асосида амалга оширилиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи бош полисининг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида суғурталовчига бундай полисда шартлашилган маълумотларни унда назарда тутилган муддатда, агар муддат назарда тутилмаган бўлса – улар олинганидан кейин дарҳол хабар қилиши шарт. Агар ҳатто бундай маълумотларни олиш пайтигача суғурталовчи тўлаши лозим бўлган зарар кўриш эҳтимоли ўтиб кетган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бу мажбуриятдан озод бўлмайди.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи бош полисининг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шарт.

Суғурта полисининг мазмуни бош полисга номувофик бўлган тақдирда, суғурта полиси афзал кўрилади.

**929-м о д д а. Суғурта шартномасининг муҳим шартлари**

Мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида куйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;

юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида куйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурталанган шахс тўғрисида;

суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

**930-м о д д а. Суғурта шартномаси шартларини суғурта қоидаларида белгилаб қўйиш**

Суғурта шартномасини тузиш шартлари суғурталовчи ёхуд суғурталовчилар бирлашмаси томонидан қабул қилинган, маъқулланган ёки тасдиқланган тегишли турдаги суғуртанинг стандарт қоидалари (суғурта қоидалари)да белгилаб қўйилиши мумкин.

Суғурта қоидаларида мавжуд бўлган ва суғурта шартномаси (полиси) матнига киритилмаган шартлар, агар шартномада (полисда) шундай қоидалар қўлланилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган ва қоидаларнинг ўзи шартнома (полис) билан битта ҳужжатда ёки унинг орқа томонида баён қилинган ёхуд унга илова қилинган бўлса, суғурта қилувчи (наф олувчи) учун мажбурийдир. Илова қилинган тақдирда, шартномани тузиш пайтида суғурта қилдирувчига суғурта қоидалари топширилгани шартномада ёзув билан тасдиқлаб қўйилиши лозим.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи суғурта қоидаларининг айрим бандларини ўзгартириш ёки чиқариб ташлаш ва қоидаларда бўлмаган бандларни шартномага киритиш тўғрисида келишишлари мумкин.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, суғурта шартномасида (полисида) кўрсатиб ўтилган тегишли турдаги суғурта қоидаларини, ҳатто агар бу қоидалар ушбу моддага кўра унинг учун мажбурий бўлмаса ҳам, важ қилиб келтиришга ҳақли.

### **931-м о д д а. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи тақдим этадиган маълумотлар**

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли қутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида суғурта қилдирувчи суғурталовчига била туриб ёлгон маълумот берганлиги аниқланса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ушбу Кодекс 123-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар қўлланилишини талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта қилдирувчи айтиб қўймаган ҳолатлар ўтиб кетган бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

### **932-м о д д а. Суғурталовчининг суғурта хавфини баҳолаш ҳуқуқи**

Мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурат бўлганда эса унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида баҳолашдан ўтказишни ташкил этишга ҳақли. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрь ЎРҚ–257-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда)*

Шахсий суғурта шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган шахс соғлигининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширишга ҳақли.

Ушбу модда асосида суғурталовчи томонидан суғурта хавфини баҳолаш бошқа ҳолатни исботлашга ҳақли бўлган суғурта қилдирувчи учун мажбурий эмас.

### **933-м о д д а. Суғурта сирини**

Суғурталовчи суғурта қилдирувчи, суғурталовчи шахс ва наф олувчи, уларнинг соғлигининг ҳолати тўғрисидаги, шунингдек бу шахсларнинг мулкий аҳоли тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Суғурта сирини бузганлик учун суғурталовчи бузилган ҳуқуқларнинг тури ва бузиш хусусиятига қараб ушбу Кодекснинг 985, 1021 ва 1022-моддалари қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

### **934-м о д д а. Суғурта пули**

Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра ушбу модда қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига киради:

мол-мулк учун – унинг суғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати;

тадбиркорлик хавфи – суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятдан кўриши мумкин бўлган зарар.

Шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрель ЎРҚ–156-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 17-сон, 129-модда).*

### **935-м о д д а. Мол-мулкнинг суғурта қиймати**

Суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи бу қиймат борасида била туриб чалгитилган ҳол бундан мустасно.

### **936-м о д д а. Тўлиқ бўлмаган мулкий суғурта**

Агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномасида суғурта пули суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни суғурта пулининг суғурта қийматида бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт.



**937-м о д д а. Қўшимча мулкий сугурта**

Агар мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи фақат сугурта қийматининг бир қисми миқдорида сугурталанган бўлса, сугурта қилдирувчи (наф олувчи) қўшимча сугурта қилишга, шу жумладан бошқа сугурталовчида сугурта қилишга ҳақли, аммо барча сугурта шартномалари бўйича умумий сугурта пули сугурта қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидаларига риоя этмаслик, ушбу Кодекснинг 938-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.

**938-м о д д а. Сугурта қийматидан ортиқ миқдорда сугурта қилиш оқибатлари**

Агар сугурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг сугурта пули сугурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома сугурта пулининг сугурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Бу ҳолда сугурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди.

Агар сугурта шартномасига мувофиқ сугурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланса ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган пайтгача унинг ҳаммаси тўланмаган бўлса, қолган сугурта бадаллари сугурта пули миқдорини камайтиришга мутаносиб тарзда камайтирилган миқдорда тўланиши лозим.

Агар сугурта шартномасидаги сугурта пулини ошириб юбориш сугурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати бўлса, сугурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ўзига етказилган зарар унинг сугурта қилдирувчидан олган сугурта пули суммасидан ортиқ миқдорда қопланишини талаб қилишга ҳақли.

**939-м о д д а. Қўшалок сугурта**

Ушбу Кодекснинг 938-моддасида назарда тутилган қоидалар сугурта пули айна битта мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини икки ёки бир неча сугурталовчида сугурта қилиш (қўшалок сугурта) натижасида сугурта қийматидан ошиб кетган тақдирда ҳам тегишинча суратда қўлланилади.

Мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи қўшалок сугурта қилинганда ҳар бир сугурталовчи сугурта товонини ўзи тузган шартнома доирасида тўлашга мажбур бўлади, бироқ барча сугурталовчилардан олинган сугурта товонларининг умумий суммаси ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бунда сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурта товонини исталган сугурталовчидан у билан тузилган шартномада назарда тутилган сугурта пули доирасида олишга ҳақли. Олинган сугурта товони ҳақиқий зарарни қопламаган тақдирда, сугурта қилдирувчи (наф олувчи) етишмаётган суммани бошқа сугурталовчидан олишга ҳақли.

Етказилган зарар бошқа сугурталовчилар томонидан қоплангани сабабли сугурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилинган сугурталовчи сугурта қилдирувчига сугурта тўловларининг тегишли қисмини қилинган харажатларни чеғирган ҳолда қайтариши шарт.

Ушбу модда қоидалари ҳар бир сугурталовчи сугурта қилдирувчи, сугурталанган шахс ва наф олувчи олдидаги ўз сугурта мажбуриятларини, бошқа сугурта-

ловчилар мажбуриятларини бажарганлигидан қатъи назар, мустақил бажарадиган қўшалок шахсий сугуртада қўлланилмайди.

**940-м о д д а. Турли хилдаги сугурта хавфларидан мулкий сугурта**

Мол-мулк ва тадбиркорлик хавфи турли хилдаги сугурта хавфларидан хоҳ битта, хоҳ алоҳида сугурта шартномалари бўйича, шу жумладан турли сугурталовчилар билан тузилган шартномалар бўйича сугурта қилиниши мумкин.

Бундай ҳолларда барча шартномалар бўйича умумий сугурта пули миқдори сугурта қийматидан ошиб кетишига йўл қўйилади ва тегишли суратда ушбу Кодекснинг 939-моддаси қоидалари қўлланилади.

**941-м о д д а. Биргаликда сугурта қилиш**

Сугурта объекти битта шартнома бўйича бир неча сугурталовчи томонидан ўртада сугурталаниши мумкин (биргаликда сугурта қилиш). Агар бундай шартномада сугурталовчилардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган бўлса, улар мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурта товонини ёки шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пулини тўлаш учун сугурта қилдирувчи (наф олувчи) олдида солидар жавобгар бўладилар.

Йирик ва алоҳида йирик хавфларни ўртада сугурта қилиш учун биргаликда сугурталовчилар биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида оддий ширкатлар (сугурта шерикчилиги) тузишлари мумкин.

Биргаликда сугурталовчилар ўртасида тегишли келишув бўлган тақдирда, улардан бири сугурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг олдида фақат ўз улуши учун жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, у билан ўзаро муносабатларда барча биргаликдаги сугурталовчилар номидан вакил бўлиши мумкин.

**942-м о д д а. Сугурта мукофоти ва сугурта бадаллари**

Сугурта мукофоти деганда сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда сугурталовчига тўлаши шарт бўлган сугурта ҳақи тушунилади.

Сугурталовчи сугурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган сугурта мукофоти миқдорини белгилашда сугурта объекти ва сугурта хавфи хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, сугурта пули бирлигидан ундириладиган мукофотни аниқлайдиган сугурта тарифларини қўллашга ҳақли.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда сугурта мукофотининг миқдори давлат сугурта назорати органлари томонидан жорий этилган ёки тартибга солинадиган сугурта тарифларига мувофиқ белгиланади.

Агар сугурта шартномасида сугурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги сугурта бадалларини белгиланган муддатларда тўлаш оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Агар сугурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги сугурта бадал тўланишидан олдин юз берган бўлса, сугурталовчи мулкий сугурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган сугурта товони ёки шахсий сугурта шартномаси бўйича су-

гурта пули микдорини сугурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган сугурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

#### **943-м о д д а. Сугурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги**

Сугурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас:

шартнома тузилаётган пайтда сугурта объекти мавжуд бўлмаса;

жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарса-си ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкый сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бўлса;

шартнома бўйича ғайриҳуқуқий манфаат сугурталанган бўлса;

сугурта шартномасида сугурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда тутилган бўлса.

Сугурта шартномаси ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

#### **944-м о д д а. Сугурталанган шахсни алмаштириш**

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги сугурталанган ҳолларда, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сугурта қилдирувчи бу шахсни сугурта ҳодисаси юз бергунча исталган вақтда, сугурталовчинини ёзма равишда хабардор қилиб, бошқа шахсга алмаштиришга ҳақли.

Шахсий сугурта шартномасида кўрсатилган сугурталанган шахс сугурта қилдирувчи томонидан шу сугурталанган шахс ва сугурталовчининг розилиги билангина бошқа шахсга алмаштирилиши мумкин.

#### **945-м о д д а. Наф олувчини алмаштириш**

Сугурта қилдирувчи сугурта шартномасида кўрсатилган наф олувчини бошқа шахсга, бу ҳақда сугурталовчинини ёзма равишда хабардор қилиб, алмаштиришга ҳақли. Шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган шахснинг розилиги билан тайинланган наф олувчини алмаштиришга фақат шу шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Наф олувчи сугурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажарганидан ёки сугурта товонини ёхуд сугурта пулини тўлаш тўғрисида сугурталовчига талаб қўйганидан кейин у бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.

#### **946-м о д д а. Сугурта қилдирувчини алмаштириш**

Мол-мулкни сугурталаш шартномасини тузган сугурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, сугурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибида қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида сугурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сугурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Шахсий сугурта шартномасини сугурталанган шахс фойдасига тузган сугурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартнома билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар сугурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади. Сугурталанган шахс сугурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмаса, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин.

Агар сугурта шартномасининг амал қилиш даврида сугурта қилдирувчи суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса, бундай сугурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг васийи ёки ҳомийси олади. Бунда сугурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги сугуртаси унинг муомала лаёқати тугаган ёки чекланган пайтдан бошлаб тугайди.

Юридик шахс бўлган сугурта қилдирувчи сугурта шартномаси даврида қайта ташкил этилганда унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари сугурталовчининг розилиги билан тегишли ҳуқуқий ворисга ушбу Кодексда белгиланган тартибда ўтади.

#### **947-м о д д а. Сугурта шартномаси амал қилишининг бошланиши**

Сугурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сугурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга кириди.

Агар шартномада сугурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган сугурта сугурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган сугурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

#### **948-м о д д а. Сугурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши**

Сугурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин сугурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва сугурта хавфининг мавжуд бўлиши сугурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига кириди, чунончи:

сугурталанган мол-мулкнинг юз берган сугурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини сугурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

Сугурта шартномаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, сугурталовчи сугурта мукофотининг бир қисмини сугурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

Сугурта қилдирувчи (наф олувчи), агар воз кечиш пайтига келиб сугурта ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, сугурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли.

Сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, сугурталовчига тўланган сугурта мукофоти, агар шартно-

мада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди.

**949-м о д д а. Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта хавфининг ортиши оқибатлари**

Мулкий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) шартнома тузилаётганда суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган, ўзига маълум бўлган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суғурталовчига дарҳол хабар қилиши шарт. Суғурта шартномасида (суғурта полисида) ва суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида айтиб қўйилган ўзгаришлар муҳим деб ҳисобланади.

Суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган суғурталовчи суғурта шартномасининг шартларини ўзгартиришни ёки хавф ортишига мутаносиб равишда кўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасининг шартлари ўзгартирилишига ёки суғурта мукофотига кўшимча тўлашга эътироз билдирса, суғурталовчи ушбу Кодекснинг 28-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ шартномани бекор қилишни талаб этишга ҳақли.

Суғурта қилувчи ёхуд наф олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, суғурталовчи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш туфайли етказилган зарар қопланишини талаб этишга ҳақли.

Суғурталовчи, агар суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар йўқолган бўлса, суғурта шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Шахсий суғуртада, суғурта шартномасининг амал қилиши даврида ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган суғурта хавфининг ўзгариши оқибатлари, агар улар шартномада тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлсагина, юзага келиши мумкин.

**950-м о д д а. Суғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши**

Суғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар суғурта шартномаси тузилганида манфаати назарда тутилган шахсдан бошқа шахсга ўтганида ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар мол-мулкка бўлган ҳуқуқ қайси шахсга ўтган бўлса, ўша шахсга ўтади, ушбу Кодекснинг 197 ва 199-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича мол-мулкнинг мажбурий олиб қўйилиши ҳоллари бундан мустасно.

Суғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ўзига ўтган шахс бу ҳақда суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

**951-м о д д а. Суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида суғурталовчини хабардор қилиш**

Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шарт-

номада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, аяни шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар, агар суғурталанган шахснинг вафоти ёки унинг соғлигига зарар етказилиши суғурта ҳодисаси бўлса, тегишли суратда шахсий суғурта шартномасига нисбатан қўлланилади. Бунда суғурталовчини хабардор қилишнинг шартномада белгиланадиган муддати йигирма кундан кам бўлиши мумкин эмас.

**952-м о д д а. Суғурта ҳодисасидан кўриладиган зарарни камайтириш**

Мулкий суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганида, суғурта қилдирувчи эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриши шарт. Суғурта қилдирувчи бундай чораларни кўраган экан, агар ўзига маълум қилинган бўлса, суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши лозим.

Зарарни камайтириш мақсадида қилинган, суғурталовчи қоплаши лозим бўлган харажатлар, агар бундай харажатлар зарур бўлган бўлса ёки суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, тегишли чоралар фойдасиз бўлиб чиқса ҳам, суғурталовчи томонидан қопланиши лозим. Бундай харажатлар суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда, бошқа зарарларни қоплаш билан биргаликда улар суғурта пулидан ошиб кетиши мумкинлигидан қатъи назар, қопланади.

Суғурта қилувчи эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун қасддан чоралар кўрмагани оқибатида кўриланган зарарни қоплашдан суғурталовчи озод қилинади.

**953-м о д д а. Суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг айби билан суғурта ҳодисаси юз беришининг оқибатлари**

Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади, қасддан қилинган ҳаракатлар улар томонидан зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида, шунингдек ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда содир этилиши бундан мустасно.

Қонунда суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф олувчининг кўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки

товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Сугурталовчи сугурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказганлик учун фуқаровий жавобгарликни сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта товонини тўлашдан, агар зарар сугурталанувчи учун жавобгар шахснинг айби билан етказилган бўлса, озод қилинмайди.

Сугурталовчи шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган шахс вафот этган тақдирда тўланиши лозим бўлган сугурта пулини тўлашдан, агар унинг вафоти ўз жонига қасд қилиш оқибатида рўй берган бўлса ва бу вақтгача сугурта шартномаси камида икки йил амал қилган бўлса, озод қилинмайди.

#### **954-м о д д а. Сугурталовчини сугурта товонини ва сугурта пулини тўлашдан озод қилиш асослари**

Сугурталовчи, агар қонунда ёки сугурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва сугурта ҳодисаси қуйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, сугурта товонини ва сугурта пулини тўлашдан озод қилинади:

ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида;

ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар.

Агар мулкий сугурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сугурталовчи сугурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун сугурта товонини тўлашдан озод қилинади.

#### **955-м о д д а. Сугурта товони ёки сугурта пулини тўлашни рад этиш**

Сугурталовчи мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурта қилдирувчига (наф олувчига) сугурта товонини ёки шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пулини тўлашни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, чунончи:

сугурта шартномасининг амал қилиши сугурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан ушбу Кодекснинг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда;

сугурта шартномаси ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда;

сугурталовчи ушбу Кодекснинг 951 – 954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича сугурта товонини ёки сугурта пули тўлашдан озод қилинганда;

сугурталовчи ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича сугурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли сугурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво кўзгатганида.

Сугурталовчининг сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори сугурта қилдирувчига (наф олувчига) улар сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганла-

ридан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Сугурталовчининг сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни рад этишига қарши унга нисбатан судда даъво кўзгатиш йўли билан эътироз билдирилиши мумкин.

#### **956-м о д д а. Шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пулини тўлаш**

Шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пули, ижтимоий сугурта, ижтимоий таъминот бўйича, бошқа сугурта шартномалари бўйича ёки зарарни қоплаш тартибида сугурта қилдирувчига, сугурталанган шахсга ёки наф олувчига тегишли суммалардан қатъи назар, шартнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга тўланади.

Ушбу Кодекс 921-моддасининг учинчи қисми асосида шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган шахснинг меросхўрларига тўланадиган сугурта пули сугурталанган шахснинг мероси таркибига кирмайди.

#### **957-м о д д а. Сугурта қилдирувчининг зарар қопланишига бўлган ҳуқуқларининг сугурталовчига ўтиши (суброгация)**

Агар мулкий сугурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сугурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг сугурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида сугурта товонини тўлаган сугурталовчига ўтади. Бирок шартноманинг била туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи сугурталовчига ўтишини истисно қиладиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Сугурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан сугурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни сугурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

Агар сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш сугурта қилдирувчининг (наф олувчининг) айби билан мумкин бўлмаган бўлса, сугурталовчи сугурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортиқча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

#### **958-м о д д а. Сугурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг сугурталовчига ўтказилиши**

Мол-мулк сугурта қилинганда сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурта ҳодисаси юз берганидан кейин сугурталовчининг розилиги билан сугурталанган мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқларини унга ўтказиши ва сугурта товонини сугурта пулининг тўлиқ ҳажмида олиши мумкин.

**959-м о д д а. Қайта суғурта қилиш**

Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу бобнинг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи олдида ушбу шартнома бўйича суғурталовчи жавобгар бўлиб қолаверади.

Бироқ асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига ўтади.

Икки ёки бир нечта қайта суғурта қилиш шартномаларини кетма-кет тузишга йўл қўйилади. Бундай шартномаларнинг ҳар бири кейинги қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан асосий суғурта шартномаси деб ҳисобланади.

**960-м о д д а. Икки томонлама суғурта**

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда ушбу Кодекс 915-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа мулкий манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун икки томонлама суғурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан суғурта қилишлари мумкин.

Икки томонлама суғурта қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мулк ҳамда бошқа мулкий манфаатларини суғурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

Икки томонлама суғурта қилиш ташкилотлари томонидан ўз аъзоларининг мол-мулки ва мулкий манфаатларини суғурта қилиш, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бундай ҳолларда суғурта шартномалари тузиш назарда тутилмаган бўлса, бевосита аъзолик асосида амалга оширилади.

Ушбу бобнинг қоидалари, агар қонунда, тегишли жамиятнинг таъсис ҳужжатларида ёки жамият белгилаган суғурта қилиш қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама суғурта қилиш жамияти билан унинг аъзолари ўртасидаги суғуртага доир муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Икки томонлама суғурта қилиш йўли билан мажбурий суғуртани амалга оширишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Икки томонлама суғурта қилиш жамияти суғурталовчи сифатида, агар унинг таъсис ҳужжатларида суғурта фаолиятини амалга ошириш назарда тутилган, жамиятнинг ўзи тижорат ташкилоти шаклида тузилган, тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун ли-

цензияга эга бўлса ва қонунда белгиланган бошқа талабларга жавоб берса, жамиятнинг аъзолари бўлмаган шахсларнинг манфаатларини суғурта қилишни амалга ошириши мумкин.

Икки томонлама суғурта қилиш жамиятининг аъзоси бўлмаган шахсларнинг манфаатларини суғурта қилиш жамият томонидан суғурта шартномалари асосида ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Икки томонлама суғурта қилиш жамиятлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари ва уларнинг фаолият юритиш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**961-м о д д а. Мажбурий давлат суғуртаси**

Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулкнинг мажбурий давлат суғуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мажбурий давлат суғуртаси ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобида амалга оширилади.

Мажбурий давлат суғуртаси бевосита суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида унда кўрсатилган давлат суғурта ташкилотлари ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари (суғурталовчилар) томонидан амалга оширилади.

Ушбу бобнинг қоидалари, агар суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ва суғурта бўйича мавжуд муносабатлар моҳиятидан келиб чиқмаса мажбурий давлат суғуртасига нисбатан қўлланилади.

**53-БОБ. ОДДИЙ ШИРКАТ****962-м о д д а. Оддий ширкат шартномаси**

Оддий ширкат шартномаси (биргалиқдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргалиқда иш қилиш мажбуриятини оладилар.

Фақат яқка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлишлари мумкин.

Оддий ширкат шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

**963-м о д д а. Шерикларнинг қўшадиган ҳиссалари**

Шерик умумий ишга қўшадиган ҳамма нарса, жумладан пул, бошқа мол-мулк, касбий ва бошқа билимлар, малака ва маҳорат, шунингдек ишбилармонлик обрў-эътибори шерикнинг қўшган ҳиссаси ҳисобланади.

Шериклар, агар оддий ширкат шартномасидан ёки ҳақиқий ҳолатлардан бошқача мазмун келиб чиқмаса, қиймати бўйича тенг ҳисса қўшадилар деб тахмин қилинади. Шерикнинг қўшган ҳиссасини пулда баҳолаш шериклар ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

### **964-м о д д а. Шерикларнинг умумий мол-мулки**

Шериклар мулк ҳуқуқи асосида эга бўлган, улар томонидан қўшилган мол-мулк, шунингдек биргаликдаги фаолият натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бундай фаолият туфайли олинган ҳосил ҳамда даромадлар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса уларнинг умумий улушли мулки ҳисобланади.

Шерикларнинг умумий улушли мулкида турган мол-мулк, шунингдек уларнинг умумий талаблари ва умумий алоҳида ҳуқуқлари шерикларнинг умумий мол-мулкни ташкил этади. Умумий мол-мулкдан барча шерикларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланилади.

Шериклар умумий мол-мулкнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш улар томонидан оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахслардан бирига топширилиши мумкин.

Шерикларнинг умумий мол-мулкдан фойдаланиш уларнинг келишувига кўра, келишувга эришилмаган тақдирда, суд белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Шерикларнинг умумий мол-мулкни асраш бўйича мажбуриятлари ва бу мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби оддий ширкатнинг шартномасида назарда тутилади.

### **965-м о д д а. Шерикларнинг умумий ишларини юритиш**

Оддий ширкат шартномаси иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Умумий ишларни юритишда ҳар бир шерик, агар оддий ширкат шартномасида ишларни юритиш шартноманинг айрим иштирокчилари томонидан ёхуд биргаликда барча иштирокчилар томонидан амалга оширилиши белгиланмаган бўлса, барча шериклар номидан иш кўришга ҳақли.

Ишлар биргаликда юритилганда ҳар бир битимни тузиш учун барча шерикларнинг розилиги талаб қилинади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда шерикнинг барча шериклар номидан битим тузиш ваколоти унга қолган шериклар томонидан берилган ишончнома билан тасдиқланади ёки оддий ширкат шартномасидан келиб чиқади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда шериклар битим тузган шерикнинг умумий ишларни юритиш бўйича ҳуқуқлари чекланганлигини далил қилиб кўрсата олмайдилар, улар бундай чеклашлар борлигини битим тузилаётган пайтда учинчи шахс билганлигини ёки олдиндан билиши лозим бўлганлигини исботлаган ҳоллар бундан мустасно.

Барча шерикларига нисбатан ишларни юритиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган бўлиб, улар номидан битимлар тузган ёхуд барча шерикларнинг манфаатларини кўзлаб ўз номидан битимлар тузган шерик, агар бу битим барча шерикларнинг манфаатлари учун зарур бўлган эди деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, у ўз маблағларидан қилган харажатлари қопланиши ҳуқуқига эга. Агар бундай битимлар туфайли бошқа шерикларга зарар етказилган бўлса, улар бу зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Умумий ишларга тааллуқли қарорлар, агар оддий ширкат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шериклар томонидан умумий келишувга кўра қабул қилинади.

Умумий ишларни юритишга ваколатли шартнома иштирокчилари, агар оддий ширкат шартномасида назарда тутилган бўлса, алоҳида ҳақ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

### **966-м о д д а. Шерикнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи**

Ҳар бир шерик, у шерикларнинг умумий ишларини юритишга ваколат олган-олмаганидан қатъи назар, ишларни юритишга доир барча ҳужжатлар билан танишишга ҳақли. Бу ҳуқуқни рад этиш ёки уни чеклаш, шу жумладан шерикларнинг келишуви билан рад этиш ёки чеклаш ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

### **967-м о д д а. Шерикларнинг умумий харажатлари, зарарлари ва жавобгарлиги**

Шерикларнинг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ харажатлар ва зарарларни қоплаш тартиби уларнинг келишуви билан аниқланади. Бундай келишув бўлмаганда ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда харажатлар ва зарарларни зиммасига олади.

Шериклардан бирортасини умумий харажатларни ёки зарарни қоплашда иштирок этишдан тўлиқ озод этадиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар оддий ширкат шартномаси унинг иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса, умумий шартнома мажбуриятлари юзасидан ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда бутун мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Оддий ширкат шартномасидан келиб чиқмаган умумий мажбуриятлар бўйича шериклар солидар жавобгар бўладилар.

Агар оддий ширкат шартномаси унинг иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлса, шериклар умумий мажбуриятлар бўйича уларнинг юзага келиш асосидан қатъи назар солидар жавобгар бўладилар.

### **968-м о д д а. Фойдани тақсимлаш**

Шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки шерикларнинг бошқа келишувда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган ҳиссалари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

### **969-м о д д а. Шерикнинг улушини унинг кредитори талаби билан ажратиш**

Оддий ширкат шартномаси иштирокчисининг кредитори ушбу Кодекснинг 227-моддасига мувофиқ унинг умумий мол-мулкдаги улушини ажратишни талаб қилишга ҳақли.

### **970-м о д д а. Оддий ширкат шартномаси бекор бўлишининг асослари**

Оддий ширкат шартномаси куйидагилар оқибатида бекор бўлади:

шериклардан бирортаси муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинганда, агар оддий ширкат шартномасида ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақланиб қолиши назарда тутилмаган бўлса;

шериклардан бирортаси ночор (банкрот) деб эълон қилинганда, ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно;

шерик вафот этганда ёки оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда ёхуд қайта ташкил этилганда, агар шартномада ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақланиб қолиши ёхуд вафот этган шерикнинг (тугатилган ёки қайта ташкил этилган юридик шахснинг) унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) билан алмаштирилиши назарда тутилмаган бўлса;

шериклардан бирортаси оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасида бундан буён иштирок этишдан воз кечганда, ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно;

муддат кўрсатилган ҳолда тузилган оддий ширкат шартномаси шериклардан бирининг талаби билан ўзи ва қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда бекор қилинганда, ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно;

оддий ширкат шартномасининг муддати ўтганда;

шерикнинг улуши унинг кредитори талаби билан ажратилганда, ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно;

ушбу Кодексда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларда.

### **971-м о д д а. Оддий ширкат шартномаси бекор бўлишининг оқибатлари**

Оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда шерикларнинг умумий эгаллигига ва (ёки) фойдаланишига бериб қўйилган ашёлар, тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни бериб қўйган шерикларга ҳақ тўламасдан қайтарилади.

Оддий ширкат шартномаси бекор бўлган пайдан бошлаб унинг иштирокчилари учинчи шахсларга нисбатан бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Шерикларнинг умумий улушли мулкда турган мол-мулкни ва уларда юзага келган умумий талаб қилиш ҳуқуқларини тақсимлаш ушбу Кодекснинг 223-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Умумий улушли мулкка хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни қўшган шерик оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда, қолган шериклар ва кредиторларнинг манфаатларига риоя этилиши шarti билан, бу ашёни ўзига қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

### **972-м о д д а. Оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасидан воз кечиш**

Шахснинг оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасидан воз кечиш тўғрисидаги аризаси, агар шартнома-

да бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, унинг томонидан шартномадан чиқиш мўлжалланаётган санадан камида уч ой олдин берилиши лозим.

Оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасидан воз кечиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

### **973-м о д д а. Тарафнинг талаби билан оддий ширкат шартномасини бекор қилиш**

Ушбу Кодекс 382-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган асос билан бир қаторда, муддат кўрсатилиб ёки бекор қилиш шarti сифатида мақсад кўрсатилиб тузилган оддий ширкат шартномасининг тарафи шартномани бекор қилиш туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қолган шерикларга қоплаган ҳолда шартномани ўзи ва қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда бекор қилишни талаб этишга ҳақли.

### **974-м о д д а. Шартномада иштирок этишдан воз кечган ёки уни бекор қилишни талаб этган шерикнинг жавобгарлиги**

Иштирокчилардан бирортаси оддий ширкат шартномасида бундан буён иштирок этишдан воз кечиш тўғрисида ариза бериши ёхуд шериклардан бирининг талаби билан шартнома бекор қилиниши натижасида оддий ширкат шартномаси бекор қилинмаган тақдирда, шартномада иштирок этиши тўхтаган шахс учинчи шахслар олдидан ўзи шартномада иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича у оддий ширкат шартномасининг иштирокчиси бўлиб қолавергандаги каби жавобгар бўлади.

### **975-м о д д а. Яширин ширкат**

Оддий ширкат шартномасида унинг мавжудлигини учинчи шахсларга маълум қилмаслик (яширин ширкат) назарда тутилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки яширин ширкат моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу боб қоидалари қўлланилади.

Яширин ширкат иштирокчиларидан ҳар бири учинчи шахслар билан муносабатларда шерикларининг умумий манфаатларини кўзлаб ўз номидан тузган битимлар бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Шериклар ўртасидаги муносабатларда, уларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида юзага келган мажбуриятлар умумий ҳисобланади.

## **54-БОБ. ОММАВИЙ ТАНЛОВ**

### **976-м о д д а. Оммавий танловни ташкил этиш**

Ишни энг яхши бажарганлик ёки бошқа натижаларга эришганлик учун пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида (мукофот тўлаш тўғрисида) ошқора (оммавий танлов) эълон қилган шахс танловни ўтказиш шартларига мувофиқ унинг голиби деб топилган кимсага шартлашилган мукофотни тўлаши лозим.

Оммавий танлов танловни уюштирувчининг танловда иштирок этишга таклифи матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан барча

хохловчиларга қаратилганда очиқ ёки танловда иштирок этишга таклиф танловни уюштирувчининг хоҳиши бўйича муайян доирадаги шахсларга юборилганда ёпиқ бўлиши мумкин.

Танловни уюштирувчи танловда иштирок этиш истиagini билдирган шахсларни дастлабки саралашдан ўтказган тақдирда, очиқ танловда унинг иштирокчиларининг дастлабки малакаси ҳақида шарт қўйилиши мумкин.

Оммавий танлов тўғрисидаги эълон топшириқнинг моҳиятини назарда тутувчи шартларни, ишнинг натижаларини ёки бошқа ютуқларни баҳолаш мезонлари ва тартибини, уларни тақдим этиш жойи, муддати ва тартибини, мукофотнинг миқдори ва шаклини, шунингдек натижаларни эълон қилиш тартиби ва муддатларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Танлов голиби билан шартнома тузиш мажбуриятини ўз ичига олган оммавий танловга нисбатан ушбу бобнинг қоидалари, ушбу Кодекснинг 379 – 381-моддаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўлланади.

#### **977-м о д д а. Оммавий танлов шартларини ўзгартириш ва уни бекор қилиш**

Оммавий танлов эълон қилган шахс ишларни тақдим этиш учун белгиланган муддатнинг фақат биринчи ярми мобайнида унинг шартларини ўзгартиришга ёки танловни бекор қилишга ҳақли.

Танлов шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида танлов қандай усулда эълон қилинган бўлса, шундай усулда хабар берилиши лозим.

Танлов шартлари ўзгарган ёки у бекор қилинган тақдирда, танлов эълон қилган шахс эълонда назарда тутилган ишни конкурс шартларининг ўзгартирилиши ёки унинг бекор қилиниши ўзига маълум бўлгунча ёки маълум бўлиши лозим бўлгунча бажарган ҳар қандай шахснинг харажатларини тўлаши лозим.

Агар танлов шартларини ўзгартиришда ёки уни бекор қилишда ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган талаблар бузилган бўлса, танловни эълон қилган шахс эълонда кўрсатилган шартларга жавоб берадиган ишни бажарганларга мукофот тўлаши лозим.

Танловни эълон қилган шахс, агар кўрсатилган иш танловдан мустасно тарзда, хусусан, танлов тўғрисидаги эълонга қадар бажарилганлигини ёхуд аввал бошдан оқ танлов шартларига номувофик бўлганлигини исботласа, харажатларни тўлаш мажбуриятдан озод қилинади.

#### **978-м о д д а. Мукофотни тўлаш тўғрисидаги қарор**

Танлов голибига мукофотни тўлаш тўғрисидаги қарор танлов ҳақидаги эълонда белгиланган тартиб ва муддатларда чиқарилиши ҳамда оммавий танлов иштирокчиларига маълум қилиниши лозим.

Агар эълонда кўрсатилган натижаларга икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда бажарилган ишида эришилган бўлса, мукофот улар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланади. Агар бундай келишувга эришилмаган бўлса, мукофотни тақсимлаш тартибини суд белгилайди.

#### **979-м о д д а. Оммавий танловда голиб чиққан фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш**

Агар оммавий танлов нарсаи фан, адабиёт ёки санъат асаридан иборат бўлса, танловни эълон қилган шахс, башарти танлов шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартлашилган мукофотга сазовор бўлган муаллиф билан унга тегишли ҳақни тўлаган ҳолда, асардан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуқни қўлга киритади.

#### **980-м о д д а. Тақдим этилган ишларни оммавий танлов иштирокчиларига қайтариш**

Оммавий танловни эълон қилган шахс, агар танлов тўғрисидаги эълонда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки бажарилган ишнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, мукофотга сазовор бўлмаган ишларни танлов иштирокчиларига қайтариши шарт.

#### **55-боб. МУКОФОТНИ ОШКОРА ВАЪДА ҚИЛИШ**

##### **981-м о д д а. Мукофотни тўлаш мажбурияти**

Эълонда кўрсатилган ҳаракатни ким унда белгиланган муддатда бажарса, ўшанга пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофотни бериш тўғрисида (мукофотни тўлаш тўғрисида) ошқора эълон қилган шахс тегишли ҳаракатни содир этган ҳар қандай шахсга ваъда қилинган мукофотни тўлаши шарт.

Мукофотни тўлаш мажбурияти мукофот ваъда қилиниши унинг ким томонидан ваъда қилинганини аниқлаш имконини берган тақдирда юзага келади. Ваъдага қизиқиш билдирган шахс ваъдани ёзма равишда тасдиқлашни талаб қилишга ҳақли ва агар ҳақиқатда мукофот тўғрисидаги эълон унда кўрсатилган шахс томонидан қилинмаган бўлиб чиқса, бундай талаб қўйилмаганлиги оқибатлари хавфи унинг зиммасида бўлади.

Агар мукофотни ошқора ваъда қилишда унинг миқдори кўрсатилмаган бўлса, у мукофотни ваъда қилган шахс билан келишувга кўра аниқланади, низо келиб чиққан тақдирда эса судда аниқланади.

Мукофотни тўлаш мажбурияти, тегишли ҳаракат эълон қилиниши муносабати билан ёки ундан мустасно тарзда бажарилганидан қатъи назар, юзага келади.

Эълонда кўрсатилган ҳаракатни бир неча шахс содир этган ҳолларда, улардан тегишли ҳаракатни биринчи бўлиб содир этгани мукофотни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар эълонда кўрсатилган ҳаракат икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан бажарилган бўлса ва улардан қайси бири тегишли ҳаракатни биринчи бўлиб содир этганини аниқлашнинг имкони бўлмаса, шунингдек агар ҳаракат икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан бир пайтнинг ўзида содир этилган бўлса, мукофот улар ўртасида баб-баравар ёки уларнинг ўзаро келишувидан назарда тутилган миқдорда тақсимланади.

Агар мукофот тўғрисидаги эълонда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки унда кўрсатилган ҳаракат хусусиятидан келиб чиқмаса, бажарилган ҳаракатнинг эълонда мавжуд бўлган талабларга мувофиқлиги мукофотни ошқора ваъда қилган шахс томонидан аниқланади, низо келиб чиққан тақдирда эса судда аниқланади.



**982-м о д д а. Мукофот ҳақидаги ошкора ваъдани бекор қилиш**

Мукофот тўлашни ошкора эълон қилган шахс берилган ваъдадан худди шундай тартибда воз кечишга ҳақли, воз кечишга йўл қўйилмаслиги эълоннинг ўзида назарда тутилган ёки ундан келиб чиқадиган ёки мукофот ваъда қилинган ҳаракатни содир этиш учун муайян муддат берилган ёхуд воз кечишни эълон қилиш пайтига келиб бир ёки бир неча қизиқиш билдирган шахслар эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариб бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Мукофот ҳақидаги ошкора ваъдани бекор қилиш мукофот тўғрисида эълон қилган шахсни қизиқиш билдирган шахсга у эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариши муносабати билан қилган харажатларини қоплашдан озод қилмайди, қоплаш миқдори барча ҳолларда эълонда кўрсатилган мукофотдан ортиқча бўлиши мумкин эмас.

**56-боб. ҚИМОР ВА ГАРОВ ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИШ****983-м о д д а. Қимор ва гаров ўйинлар уюштириш ҳамда уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблар**

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг таваккалчиликка асосланган қимор ёки гаров ўйинлар (қимор ва бас бойлаш) уюштириш ёки уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблари судда ҳимоя қилинмайди, қимор ёки гаров ўйинлар алдов, зўравонлик, таҳдид қилиш таъсирида ёхуд ўз вақилининг қимор ёки гаров ўйинлари ташкилотчиси билан ғаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари ва ушбу Кодекснинг 984-моддасида кўрсатилган муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бундан мустасно.

**984-м о д д а. Давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Лотереялар ташкилотчиси – давлат, ваколатли давлат органидан рухсатнома (лицензия) олган шахслар ва лотереялар иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар шартномага асосланади. Бундай шартнома лотерея билети бериш орқали расмийлаштирилади ва иштирокчи лотерея билети қийматини тўлаган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартномани тузиш тўғрисидаги таклиф лотереялар ўтказиш муддати ва ютуқни аниқлаш тартиби ҳамда унинг миқдори ҳақидаги шартларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Лотереялар ташкилотчиси уларни белгиланган муддатда ўтказишдан бош торган тақдирда, лотереялар иштирокчилари уларнинг ташкилотчисида лотереяларни қолдириш ёки уларнинг муддатини бошқа вақтга кўчириш туфайли етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Лотереялар ўтказиш шартларига мувофиқ ютган деб эътироф этиладиган шахсларга лотереяларни ўтказиш шартларида назарда тутилган миқдорда, шаклда (пул ёки буюм ҳолида) ва муддатларда, агар бу шартларда муддат кўрсатилмаган бўлса, лотереялар натижалари

чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай лотереялар ташкилотчиси томонидан ютуқ тўлашни лозим.

Лотереялар ташкилотчиси ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, лотереяда ютган иштирокчи лотереялар ташкилотчисида ютуқни тўлашни, шунингдек шартноманинг ташкилотчи томонидан бузилиши туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрь ЎРҚ-109-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37–38-сон, 377-модда).*

**57-боб. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР****1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****985-м о д д а. Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари**

Ҳақиқатдан ҳам ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

Қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин.

Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим.

Агар зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса, зарар етказган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий тамойилларини бузмаса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин.

**986-м о д д а. Зарар етказишнинг олдини олиш**

Келгусида зарар етказилиши хавфи борлиги бундай хавфни юзага келтирадиган фаолиятни тақиқлаш тўғрисида даъво қўзғатишга асос бўлиши мумкин.

Агар етказилган зарар зарар етказишни давом эттираётган корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати бўлса, суд жавобгарга зарарни қоплашдан ташқари тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш мажбуриятини юклаганига ҳақли.

Тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш жамоатчилик манфаатларига зид бўлган тақдирдагина, суд бу ҳақида даъвони рад этиши мумкин. Бундай

фаолиятни тўхтатиб туришни ёки тугатишни рад этиш жабрланувчиларни ушбу фаолият туфайли етказилган зарарни ундириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

**987-м о д д а. Зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказганлик**

Зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди.

Агар ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланиши лозим.

Шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди.

**988-м о д д а. Охирги зарурат ҳолатида зарар етказганлик**

Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим.

Бундай зарар етказилган ҳолатларни ҳисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини зарарни етказган шахс учинчи шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд бу учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

**989-м о д д а. Юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги**

Юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди.

Ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ, меҳнат шартномаси асосида, шунингдек фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида иш бажарётган фуқаролар, агар бунда ишларни бехатар олиб бориш юзасидан тегишли юридик шахснинг ёки фуқаронинг топшириғи бўйича ёки назорати остида ҳаракат қилган бўлсалар ёки ҳаракат қилишлари лозим бўлган бўлса, ходимлар деб эътироф этиладилар.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тadbиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар.

**990-м о д д а. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар,

улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Зарар ушбу Кодекснинг 15-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

**991-м о д д а. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик**

Қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқа тарздаги қонунга хилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, умумий асосларда тўланади.

**992-м о д д а. Зарарнинг ўз жавобгарлигини суғурталаган шахс томонидан тўланиши**

Ихтиёрий ёки мажбурий суғурта тартибида жабрланувчи фойдасига ўз жавобгарлигини суғурталаган юридик шахс ёки фуқаро етказилган зарарни тўлиқ қоплаш учун суғурта пули етишмаган тақдирда, суғурта пули ва зарарнинг ҳақиқий миқдори ўртасидаги фарқни тўлайди.

**993-м о д д а. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.

Агар васийликка муҳтож кичик ёшдаги бола тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра

васийси ҳисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассаса, агар зарар муассасанинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар кичик ёшдаги бола ўқув юрти, тарбиялаш, даволаш муассасаси ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган бошқа муассасанинг, шунингдек шартнома асосида назоратни амалга оширувчи шахснинг назорати остида турган вақтда зарар етказган бўлса, бу муассасалар ва шахслар, агар зарар уларнинг назоратни амалга оширишдаги айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарар учун жавобгар бўладилар.

Ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, ўқув юртлари, тарбиялаш, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кичик ёшдаги бола вояга етиши ёки у зарарни тўлаш учун етарлича мол-мулк олиши муносабати билан бекор бўлмайди.

Агар ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган бошқа шахслар вафот этган бўлсалар ёки улар зарарни тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмасалар, тўлиқ муомалага лаёқатли бўлиб қолган зарар етказувчининг ўзи бундай маблағга эга бўлса, суд тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиқ ёки қисман зарар етказувчининг ўз мол-мулки ҳисобидан қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

**994-м о д д а. Ён тўрт ёшдан ён саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Ён тўрт ёшдан ён саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар.

Ён тўрт ёшдан ён саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийи томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши лозим.

Агар ҳомийликка муҳтож ён тўрт ёшдан ён саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра унинг ҳомийси ҳисобланувчи бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассасалар, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарарни тўлиғича ёки унинг етишмайдиган қисмини тўлашлари шарт.

Зарар етказган вояга етганида ёхуд у вояга етмасидан унда мол-мулк ёки зарарни тўлаш учун етарли даромад манбалари пайдо бўлганида ёхуд у вояга етмасидан муомала лаёқатига эга бўлганида ота-она (фарзандликка олувчилар), ҳомий ва тегишли муассасанинг зарарни тўлаш бўйича мажбурияти тугайди.

**995-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онанинг вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги**

Суд ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онага уларнинг вояга етмаган болалари томонидан ота-онаси ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилинганидан кейин уч йил ичида содир этилган зарар учун, агар боланинг зарар етказилишига сабаб бўлган ҳулқ-атвори улар болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликларининг оқибати бўлса, жавобгарликни юклаши мумкин.

**996-м о д д а. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни унинг васийи ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган ташкилот, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, тўлайди.

Васий ёки ташкилотнинг муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни тўлаш бўйича мажбурияти, унинг муомала лаёқати тикланган тақдирда ҳам тугамайди.

Агар васий вафот этса ёхуд зарарни тўлаш учун етарлича маблағга эга бўлмаса, зарар етказувчининг ўзи эса бундай маблағга эга бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиғича ёки қисман зарар етказувчининг мол-мулки ҳисобидан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

**997-м о д д а. Муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаро томонидан спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш оқибатида етказилган зарарни унинг ўзи умумий асосларда тўлайди.

**998-м о д д а. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда зарар етказган муомалага лаёқатли фуқаро, шунингдек ён тўрт ёшдан ён саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган келтирган зарари учун жавобгар бўлмайди.

Агар жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлаш мажбуриятини тўлиғича ёки қисман зарар етказувчига юклаши мумкин.

Зарар етказувчи, агар спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш туфайли ёки бошқа усулда ўзини ўзи шу ҳолатга келтирган бўлса, жавобгарликдан озод қилинмайди.

Агар зарар руҳий ҳолати бузилгани (руҳий касаллик ёки ақли заифлик) оқибатида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни идора қила олмаган шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни тўлаш мажбурияти суд томонидан бу шахс билан бирга яшовчи, зарар етказувчининг бундай ҳолати ҳақида билган, лекин уни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва унинг устидан васийлик ўрнатиш тўғрисида масала қўймаган эри (хотини), ота-онаси, вояга етган фарзандларига юкланиши мумкин.

**999-м о д д а. Теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф тугдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик**

Фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф тугдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт.

Зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулкий ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органининг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади.

Ошиқча хавф манбаларининг эгалари бу манбаларнинг бир-бирига таъсири (транспорт воситаларининг тўқнашуви ва ҳоказо) натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар учун ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Ошиқча хавф манбаларининг ўзаро таъсири натижасида уларнинг эгаларига етказилган зарар умумий асосларда қопланади. Бунда бир тарафнинг айби билан етказилган зарар шу тараф томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади, иккала ёки бир нечта тарафларнинг айби билан етказилган зарар эса улардан ҳар бирининг айби даражасига мутаносиб равишда қопланади. Тарафлардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг барабар тақсимланади. Зарарнинг етказилишида тарафларнинг айби бўлмаганда улардан ҳеч бири зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳолда тарафларнинг ҳар бири ўзи кўрган зарар хавфини зиммасига олади.

Ошиқча хавф манбаининг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг гайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик манбаи гайриҳуқуқий эгаллаб олган шахснинг зиммасида бўлади. Бу манбани эгасининг тасарруфидан гайриҳуқуқий тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, ошиқча хавф манбаини эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

**1000-м о д д а. Биргаликда етказилган зарар учун жавобгарлик**

Биргаликда зарар етказган шахслар жабрланувчининг олдида солидар жавобгар бўладилар.

Жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфаатларини кўзлаб, суд биргаликда зарар етказган шахсларга ҳиссали жавобгарликни юклаган ҳақли.

**1001-м о д д а. Зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқи**

Бошқа шахс (меҳнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва х.к.) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга.

Биргаликда етказилган зарарни тўлаган зарар етказувчи зарар етказувчиларнинг ҳар биридан жабрланувчига тўланган товоннинг ҳар бир зарар етказувчининг айби даражасига мос улушини талаб қилишга ҳақли. Айбнинг даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда улушлар тенг барабар деб ҳисобланади.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органи ва суднинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни тўлаган давлат бундай шахсларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ҳолларда, бу шахсларга нисбатан регресс ҳуқуқига эга.

Ушбу Кодекснинг 933–996, 998-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича зарарни тўлаган шахслар зарар етказган шахсга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга эмас.

**1002-м о д д а. Уй ҳайвонлари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

Уй ҳайвони томонидан етказилган зарар учун унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар бўлади.

**1003-м о д д а. Зарарнинг ўрнини қоплаш усуллари**

Суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва ҳоказо) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди.

**1004-м о д д а. Жабрланувчининг айбини ва зарар етказган шахснинг мулкӣ ҳолатини ҳисобга олиш**

Жабрланувчининг қасддан иш кўриши натижасида юзага келган зарар тўланмайди.

Агар жабрланувчи ўзининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли зарарнинг юзага келишига ёки ортишига кўмаклашган бўлса, унда жабрланувчининг ва зарар етказувчининг айби даражасига қараб товон миқдори камайтирилиши лозим.

Жабрланувчи қўпол эҳтиётсизлик қилганда ва зарар етказувчининг айби бўлмаганда, унинг жавобгарлиги айбидан қатъи назар юзага келган ҳолларда, то-

вон миқдори камайтирилиши лозим ёки, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин. Фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда тоvon тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Кўшимча харажатларни тўлашда, боқувчисининг вафоти муносабати билан кўрилган зарарни тўлашда, шунингдек дафн этиш харажатларини тўлашда жабрланувчининг айби ҳисобга олинмайди.

Суд фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш миқдорини, унинг мулкый ҳолатини ҳисобга олиб, камайтирилиши мумкин, зарар қасддан қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган ҳоллар бундан мустасно.

## **2-§. ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ**

### **1005-м о д д а. Шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидаги хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар, агар қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса, ушбу боб қоидаларига мувофиқ қопланади.

### **1006-м о д д а. Соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми ва ҳусусияти**

Фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек саломатлиғига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, шу жумладан даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш, бировнинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, ўрни қопланиши лозим.

Йўқотилган иш ҳақини (даромадларни) аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди (зарарни қоплаш ҳисобига киритилмайди). Зарарни қоплаш ҳисобига шунингдек жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилганидан кейин оладиган иш ҳақи (даромади) ҳам киритилмайди.

Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан ушбу моддага мувофиқ жабрланувчига тегадиган тўлов ҳажми ва миқдори кўпайтирилиши мумкин.

### **1007-м о д д а. Соғлиққа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини (даромадни) аниқлаш**

Ўрни қопланиши лозим бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромад) нинг миқдори майибланишгача ёки соғлиққа бошқача шикаст етказилишигача ёхуд меҳнат қобилияти йўқотилгунгача бўлган ўртача ойлик иш ҳақи (даромад)га нисбатан жабрланувчининг касбий меҳнат қобилиятини йўқотиши даражасига, касби йўқ бўлганда эса умумий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувофиқ фоизларда аниқланади.

Жабрланувчининг йўқотилган иш ҳақи (даромади) таркибига, ҳам асосий иш жойидан, ҳам ўриндошлик бўйича ишлайдиган жойидан меҳнат ва фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар бўйича тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган барча турдаги меҳнат ҳақи кўшилади. Бир йўла тўланадиган тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун тўланадиган пул, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги ишдан бўшатиш нафақаси) ҳисобга олинмайди. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун тўланган нафақа ҳисобга олинади. Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар, шунингдек муаллифлик гонорари йўқотилган иш ҳақи (даромад) таркибига киритилади, бунда тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар солиқ инспекциясининг маълумотлари асосида киритилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ-197-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда).*

Иш ҳақи (даромад)нинг барча турлари солиқлар ушлаб қолинмасдан олдин ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги ишланган ўн икки ой ичидаги иш ҳақи (даромад)нинг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Зарар етказилган пайтача жабрланувчи ўн икки ойдан кам ишлаган ҳолларда ўртача иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги амалда ишланган ойлардаги иш ҳақи (даромад)нинг умумий суммасини ана шу ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Жабрланувчи тўлиқ ишламаган ойлар унинг хоҳишига кўра бундан олдинги тўлиқ ишланган ойларга алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имконияти бўлмаганда ҳисобдан чиқариб ташланади.

Жабрланувчи зарар етказилган пайтда ишламаётган бўлса, унинг хоҳишига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишигача бўлган иш ҳақи (даромади) ёхуд мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўланадиган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш каррасидан кам бўлмаган одатдаги ҳақ тўлаш миқдори ҳисобга олинади.

Агар жабрланувчининг иш ҳақида (даромадларида) унинг майиб қилиниши ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилишига қадар унинг мулкый аҳволини яхшиловчи барқарор ўзгаришлар содир бўлган (эгаллаб турган лавозими бўйича иш ҳақи оширилган, юқорироқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган, кундузги ўқув юртини битирганидан кейин ишга кирган) бўлса ва ўзгаришнинг барқарорлиги ёки жабрланувчининг иш ҳақи

ўзгариши эҳтимоли исботланган бошқа ҳолларда, унинг ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашда у тегишли ўзгаришдан кейин олган ёки олиши лозим бўлган иш ҳақи (даромад)гина ҳисобга олинади.

**1008-м о д д а. Вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш**

Ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахс майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлганда, шунингдек ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар учун жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек унинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш карраси миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт.

Агар вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилганлиги қадар иш ҳақи (даромад)га эга бўлган бўлса, унда зарар ушбу иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиқиб, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш каррасидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Соғлиғига илгари шикаст етказилган вояга етмаган шахс меҳнат фаолияти бошланганидан сўнг зарар учун тўланаётган ҳақни у оладиган иш ҳақи (даромад) ёхуд унга лавозими бўйича белгиланган ҳақ миқдоридан ёки у ишлаётган жойдаги айни шундай малакадаги ходимнинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиқиб, кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

**1009-м о д д а. Боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш**

Боқувчиси вафот этган тақдирда қуйидагилар зарарни ундириш ҳуқуқига эга:

марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;

марҳумнинг вафотидан кейин тугилган фарзанди; меҳнат қобилиятидан қатъи назар марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хулосасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси;

марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Ишламайдиган ва марҳумнинг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришда банд бўлган ота-онасидан бири, эр (хотин) ёхуд оиланинг

бошқа аъзоси парваришда амалга ошириш даврида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган тақдирда, ана шу шахсларни парваришда тугаганидан кейин зарарни ундириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Зарар қуйидагиларга тўланади:

вояга етмаганларга – ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар; ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча;

эллик беш ёшдан ошган аёлларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга – умрбод;

ногиронларга – ногиронлик муддатига;

марҳумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар парваришда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзосига.

**1010-м о д д а. Боқувчиси вафот этган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш миқдори**

Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга зарар марҳумнинг ушбу Кодекс 1007-моддаси қоидалари бўйича аниқланган иш ҳақи (даромади)нинг марҳум ҳаёт вақтида улар ўз таъминоти учун олган ёки олиш ҳуқуқига эга бўлган улуши миқдоридан қопланади. Бу шахсларга зарарни қоплашни аниқлашда марҳумнинг даромадлари таркибига иш ҳақи (даромад) билан бир қаторда у ҳаёт вақтида олган пенсия, умрбод таъминот ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар киритилади.

Зарарнинг ўрнини қоплаш миқдорини аниқлашда боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан шахсларга тайинланган пенсия, шунингдек боқувчисининг вафотидан олдин ҳам, вафотидан кейин ҳам тайинланган бошқа турдаги пенсиялар ҳамда иш ҳақи (даромад), стипендия қоплаш ҳисобига киритилмайди.

Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлганларнинг ҳар бирига белгиланган қоплаш миқдори кейинчалик қайтадан ҳисоблаб чиқилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

боқувчининг вафотидан кейин фарзанд тугилиши;

вафот этган боқувчининг болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришда банд бўлган шахсларга ҳақ тўлашни тайинлаш ёки уни тўхтатиш.

Қонун ҳужжатларида ёки шартномада қоплаш миқдорини кўпайтириш назарда тутилиши мумкин.

**1011-м о д д а. Зарар етказган шахснинг меросхўрлари томонидан зарарнинг қопланиши**

Фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин меросни қабул қилиб олган меросхўрларига ўтади. Меросхўрлар жабрланувчининг олдида ўзларига мерос бўлиб ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Вориссиз мол-мулк ўзига ўтган давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳам ана шундай асосларда жавобгар бўлади.

### **1012-м о д д а. Зарарни қоплаш миқдорининг ўзгариши**

Меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юкланган шахсдан ис-талган вақтда, агар унинг меҳнат қобилияти соғлигига етказилган шикаст туфайли ўзига зарарни ундириш белгиланган пайтда бўлганидагига нисбатан ёмонлаш-са, қоплаш миқдорини тегишлича кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Жабрланувчининг соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарарни ундириш белгиланган пайтда бўлганидагига нисбатан ошган бўлса, қоплаш миқдорини тегишлича камайтириш-ни талаб қилишга ҳақли.

Жабрланувчи, агар зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти зиммасига юкланган фуқаронинг мулкий аҳволи яхшиланган бўлса, қоплаш миқдори эса ушбу Кодекс 1004-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ камайтирилган бўлса, зарарни тўлаш миқдорини кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Суд зарар етказган фуқаронинг талабига биноан, агар унинг мулкий аҳволи ногиронлиги ёхуд пенсия ёшига етганлиги сабабли зарарнинг ўрнини қоплаш белгиланган пайтдагига нисбатан ёмонлашган бўлса, зарарнинг ўрнини қоплаш миқдорини камайтириши мумкин, зарар қасддан етказилган ҳоллар бундан мустасно.

### **1013-м о д д а. Турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан зарарни қоплашнинг кўпайиши**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ҳақининг энг кам миқдори оширилганида бой берилган иш ҳақи (даромад)ни, жабрланувчининг соғлигига путур етказилиши ва унинг вафоти муносабати билан белгиланган бошқа тўловларни қоплаш суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади.

### **1014-м о д д а. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўловлари**

Жабрланувчининг меҳнат қобилияти пасайиши ёки унинг вафот этганлиги билан боғлиқ зарарни қоплаш ҳар ойлик тўловлар билан амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда суд зарар етказувчининг имкониятларини ҳисобга олиб, ундириш ҳуқуқига эга бўлган фуқаронинг талаби билан унга тегишли тўловларни бир йўла, лекин уч йилдан ошмаган вақт учун тўлашни белгилаши мумкин.

Келгуси вақт учун қўшимча харажатларни ундириш тиббий экспертиза хулосаси асосида аниқланадиган муддатларда, шунингдек тегишли хизматлар ва мол-мулк (йўлланма сотиб олиш, йўл ҳақини тўлаш, махсус транспорт воситалари ҳақини тўлаш ва ҳоказо) қийматини олдиндан тўлаш зарурияти туғилганда амалга оширилиши мумкин.

Жабрланувчи қонунга мувофиқ мажбуриятнинг бекор қилинишини ёки муддатидан олдин бажарилиши-

ни талаб қилишга ҳақли бўлган ҳолларда, бундай талаб вақти-вақти билан тўлаб туриладиган тегишли тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

### **1015-м о д д а. Юридик шахс бекор қилинган тақдирда зарарнинг қопланиши**

Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилган тақдирда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабнома ҳам унга тақдим этилади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қайта ташкил этилаётган юридик шахсда маблаг бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур суммалар давлат томонидан тўланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда, тегишли тўловлар уларни қонун ҳужжатларида белгиланган қониданга кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилиши лозим.

Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки йўқлиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда, белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 август 271-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 182-модда)*

### **1016-м о д д а. Дафн этиш харажатларининг қопланиши**

Жабрланувчи вафот этганлиги туфайли кўрилган зарар учун жавобгар шахслар дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар ўрнини бу харажатларни қилган шахсга тўлашлари шарт.

Бу харажатларни қилган фуқаролар томонидан олинган дафн этиш нафақаси зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди.

## **3-§. ТОВАРЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРДАГИ НУҚСОНЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ**

### **1017-м о д д а. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш асослари**

Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунинг-

дек товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи (иж-рочи) томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъи назар, қопланиши лозим.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар товарни (ишнинг бажарилиши, хизматнинг кўрсатилиши) тад-биркорлик фаолиятида фойдаланиш учун эмас, балки истеъмол мақсадлари учун сотиб олинган ҳоллардаги-на қўлланилади.

**1018-м о д д а. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар**

Товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар жабрланувчининг танловига кўра товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси томонидан қопланиши лозим.

Ишнинг (хизматнинг) нуқсони оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс (ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Товар (иш, хизмат) тўғрисида тўлиқ ёки ишончли маълумот бермаганлик оқибатида етказилган зарар ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ қопланиши лозим.

**1019-м о д д а. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари натижасида етказилган зарарни қоплаш муддатлари**

Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нуқсонлари оқибатида етказилган зарар, агар у товарнинг (ишнинг, хизматнинг) белгиланган яроқлилик муддатлари мобайнида етказилган бўлса, қопланиши лозим, мабодо яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилиб олинган) кундан бошлаб ўн йил мобайнида қопланиши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлардан ташқари зарар қуйидаги ҳолларда қопланиши лозим, агар:

қонун талаблари бузилиб яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса;

товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроқлилик муддати тугаганидан кейин зарур бўлган ҳаракатларни қилиши тўғрисида ва кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса.

**1020-м о д д а. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилиш асослари**

Товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси, ишнинг (хизматнинг) ижрочиси, зарар енгиб бўлмас куч таъсирида ёки истеъмолчи товарларни сақлаш ёки улардан (ишнинг натижаларидан, хизматлардан) фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиши оқибатида етказилганлигини исботлаган ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади.

**4-Ў. МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ**

**1021-м о д д а. Умумий қоидалар**

Маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қуйидаги ҳолларда қопланади, агар:

зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниши ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

**1022-м о д д а. Маънавий зарарни қоплаш усули ва миқдори**

Маънавий зарар пул билан қопланади.

Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчи-га етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдори аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланади.

**58-БОБ. АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР**

**1023-м о д д а. Асоссиз орттирилган бойликни қайтариш мажбурияти**

Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолingan мол-мулкни (асоссиз орттирилган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт, ушбу Кодекснинг 1030-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган мажбурият, шунингдек мол-мулкни эгаллаб олиш ёки тежаб қолиш асоси кейинчалик бекор бўлганда ҳам юзага келади.

Ушбу бобнинг қоидалари асоссиз бойлик орттириш қўлга киритувчининг, жабрланувчининг ўзининг, учинчи шахсларнинг хулқ-атвори натижаси бўлганлигидан



ёки уларнинг иродасидан ташқари содир бўлганлигидан қатъи назар қўлланилади.

**1024-м о д д а. Асоссиз орттирилган бойликни қайтариш тўғрисидаги талабларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги бошқа талаблар билан ўзаро боғлиқлиги**

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва тегишли муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу бобнинг қоидалари, шунингдек:

ҳақиқий бўлмаган битим бўйича бажарилган нарсани қайтариш тўғрисидаги;

мулкдор томонидан мол-мулкни бировнинг қонунга хилоф тарздаги эгаллигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги;

мажбуриятидаги бир тарафнинг бошқа тарафга ана шу мажбуриятлар муносабати билан қайтариш тўғрисидаги;

зарарни, шу жумладан бойлик орттирилган шахснинг инсофсизлик билан қилган хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга нисбатан қўлланилиши лозим.

**1025-м о д д а. Асоссиз орттирилган бойликни асл ҳолида қайтариш**

Қўлга киритувчининг асоссиз орттирилган бойлигини ташкил этувчи мол-мулк жабрланувчига асл ҳолида қайтарилиши лозим.

Қўлга киритувчи жабрланувчининг олдида ҳар қандай, шу жумладан у орттирилган бойликнинг асоссизлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан кейин асоссиз қўлга киритилган ёки тежаб қолинган мол-мулкнинг тасодифий етишмовчилиги ёки ёмонлашуви учун жавобгар бўлади. Бу пайтгача у қасд ва қўпол эҳтиётсизлик учунгина жавобгардир.

**1026-м о д д а. Асоссиз орттирилган бойликнинг қийматини тўлаш**

Асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни асл ҳолида қайтаришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, қўлга киритувчи жабрланувчига бу мол-мулкнинг қўлга киритиш пайтидаги ҳақиқий қийматини тўлаши, шунингдек агар қўлга киритувчи орттирилган бойликнинг асоссизлигини билганидан кейин дарҳол унинг қийматини тўламаган бўлса, мол-мулк қийматининг кейинги ўзгариши туфайли кўрилган зарарни тўлаши лозим.

Эгаллаб олиш ниятсиз ўзганинг мол-мулкдан ёки ўзганинг хизматларидан вақтинча асоссиз фойдаланган шахс жабрланувчига бундай фойдаланиш натижасида тежалган нарсани фойдаланиш тугалланган пайтда ва ўша жойда мавжуд нарх бўйича тўлаши лозим.

**1027-м о д д а. Ҳуқуқни бошқа шахсга асоссиз бериш оқибатлари**

Ўзига тегишли ҳуқуқни талабномадан воз кечиш йўли билан ёки бошқача тарзда бошқа шахсга мавжуд бўлмаган ёки ҳақиқий бўлмаган мажбурият асосида берган шахс аввалги ҳолатни тиклашни, шу жумладан берилган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар ўзига қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

**1028-м о д д а. Жабрланувчига олинмаган даромадларни тўлаш**

Мол-мулкни асоссиз олган ёки тежаб қолган шахс бойликнинг асоссиз орттирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ана шу мол-мулкдан чиқариб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган барча даромадларни жабрланувчига қайтариши ёки тўлаши шарт.

Асоссиз орттирилган пул суммасига, қўлга киритувчи пул маблағларини олиш ёки тежаб қолишнинг асоссизлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб, ўзганинг маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисобланиши лозим.

**1029-м о д д а. Қайтарилиши лозим бўлган мол-мулкка қилинган харажатларни тўлаш**

Асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулк қайтарилганида ёхуд унинг қиймати тўланганида қўлга киритувчи даромадларни қайтариши шарт бўлган вақтдан бошлаб мол-мулкни сақлаб туриш ва асраш учун қилинган зарур харажатларни ўзи олган нафни эътиборга олган ҳолда тўлашни жабрланувчидан талаб қилишга ҳақли. Қўлга киритувчи қайтарилиши лозим бўлган мол-мулкни била туриб бермай турган ҳолларда харажатларни ундириш ҳуқуқи йўқолади.

**1030-м о д д а. Қайтариб берилмайдиган асоссиз орттирилган бойлик**

Қуйидагилар асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтариб берилмайди:

ижро этиш муддати тўлгунга қадар мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк, агар мажбуриятда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса;

даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарар товони, алиментлар ва фуқарога турмуш кечириш воситаси сифатида берилган бошқа пул маблағлари унинг томонидан виждонсизлик қилинмаганда ва ҳисоб-китобда хатолар бўлмаганда;

мавжуд бўлмаган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва бошқа мол-мулк, агар қўлга киритувчи мол-мулкни қайтаришни талаб қилаётган шахснинг мажбурият йўқлигини билганлигини ёхуд мол-мулкни хайрия мақсадларида берганлигини исботласа.

**IV бўлим. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК**

**59-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1031-м о д д а. Интеллектуал мулк объектлари**

Интеллектуал мулк объектлари жумласига қуйидагилар киради:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;

электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭХМ деб юритилади) учун дастурлар ва маълумотлар базалари; (учинчи ва тўртинчи хатбошилар *Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда*)

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар чиқарилган жой номи;

3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

### **1032-м о д д а. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлиги туфайли ёхуд ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколат берилган давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.

Ошкор этилмаган ахборотга ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланади.

### **1033-м о д д а. Интеллектуал мулк объектларига шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар**

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларга эга бўладилар.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкый ҳуқуқларидан катъи назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкый ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (бундан буён матнда – хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкый ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди.

Агар натижа икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобландилар. Интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан қонунда асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари деб ҳисобландиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин.

### **1034-м о д д а. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар**

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкый ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади. (*Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда*)

Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва агар бу ушбу Кодекс ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишга ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл қўйилади.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклаш бундай чеклаш интеллектуал мулк объектдан нормал фойдаланишига ўринсиз зиён етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади. (*Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда*)

### **1035-м о д д а. Мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши**

Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкый ҳуқуқлар, агар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс – ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибда ўтади.

Мулкый ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибда ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартнома бўйича ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказилмайдиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтга нисбатан бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

**1036-м о д д а. Лицензия шартномаси**

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсатнома беради.

Лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим.

Лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади.

Лицензия шартномаси лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин:

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади.

Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли.

Кўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

**1037-м о д д а. Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома**

Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижасининг хусусиятини, шунингдек ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усулларини белгилаши лозим.

Муаллиф зиммасига ушбу муаллиф келгусида яратадиган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқларни бирорта шахсга бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг муаллифнинг келгусида муайян турдаги ёхуд муайян соҳадаги интеллектуал фаолият натижаларини яратишини чеклайдиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

**1038-м о д д а. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи**

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар мавжуд бўлади.

**1039-м о д д а. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати**

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган муддат мобайнида амал қилади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар муддатсиз амал қилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиши ундан муайян вақт мобайнида фойдаланилмаслиги оқибатида бекор қилиниши мумкин.

**1040-м о д д а. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари**

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:

мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

**60-БОБ. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ****1041-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқи объекти**

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

ёзма (кўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);

оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);

овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);

тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);

ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва хоказо);

бошқа шакллардаги.

Муаллифлик ҳуқуқи гоаялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

#### **1042-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари**

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига куйидагилар киради:

адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

драматик ва сценарий асарлар;

матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;

музыкали-драматик асарлар;

хореография асарлари ва пантомималар;

аудиовизуал асарлар; *(еттинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;

манзарали-амалий ва сахна безаги санъати асарлари;

архитектура, шаҳарсозлик ва бог-парк барпо этиш санъати асарлари;

фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тархлар, эскизлар ва асарлар;

барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари;

ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар.

#### **1043-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар**

Ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);

ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шархлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);

тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

Ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асар-

лар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмастидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

#### **1044-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар**

Куйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

#### **1045-м о д д а. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган ҳуқуқлар**

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини ишлаб чиққан шахслар, башарти бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан тақиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойиҳаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойиҳани эълон қилишда уни ишлаб чиққан шахслар ўз исмларини кўрсатишга ҳақлидирлар.

Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун лойиҳадан, башарти лойиҳа уни ишлаб чиққан шахс томонидан эълон қилинган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа асосида расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгилар тайёрлаш чоғида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Ваколатли орган лойиҳани маъқуллаганидан кейин лойиҳадан уни ишлаб чиққан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин.

#### **1046-м о д д а. Асар муаллифи. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши. Муаллифлик презумпцияси**

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади.

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик

ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмий таълимчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунга ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунга қадар амалда бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

### **1047-м о д д а. Ҳаммуаллифлик**

Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Башарти асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти уларнинг ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Башарти ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиклаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

### **1048-м о д д а. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи**

Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам ўзлари қайта ишлашларига тўсқинлик қилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

### **1049-м о д д а. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари**

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Энциклопедиялар, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар уларнинг ноширига тегишлидир. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агар муаллифлик шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, умуман нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

### **1050-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари**

Алоҳида муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва куйидаги уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин: айлана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи:

алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи);

асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан кўрсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.

### **1051-м о д д а. Муаллифнинг шахсий номулки ҳуқуқлари**

Асар муаллифига куйидаги шахсий номулки ҳуқуқлар тегишлидир:

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исминини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда таъжуб этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш шarti билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ 79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1052-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1053-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1054-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1055-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

## **1056-м о д д а. Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари**

Муаллифга асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);  
асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);  
асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);  
асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);  
тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);  
асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);  
асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқига) эга.

Агар чол этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (ихтироларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон ва 2011 йил 21 декабрь ЎРҚ-311-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда; 2011 йил, 51-сон, 542-модда)

**1057-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)

**1058-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши**

Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлақ ҳуқуқларини чеклашга ушбу Кодекснинг 1059 – 1062-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)

**1059-м о д д а. Асарларни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда шахсий мақсадларда такрорлаш**

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:

бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;

маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;

қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;

китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)

**1060-м о д д а. Асарларни омма олдига эркин ижро этиш**

Чоп этилган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдига ижро этишга йўл қўйилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)

**1061-м о д д а. Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадлари учун фойдаланиш**

Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)

**1062-м о д д а. Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи**

Хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номлуқий ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолади.

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириқларини бажариш йўсинида ушбу Кодекс 1049-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)

**1063-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси**

Ушбу Кодексга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;

муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1064-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1065-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати**

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охириги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агар кўрсатилган муддат ичида тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қўлланилади.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади.

Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиққан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1066-м о д д а. Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши**

Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатини тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя этилиши керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1067-м о д д а. Муаллифлик шартномаси**

Ушбу Кодекс 1056-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мулккий ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Муаллифнинг мулккий ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради.

Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айна шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишига ижозат беради.

Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас.

Моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий объектга эгаллик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу объектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*



**1068-м о д д а. Муаллифлик шартномасининг шартлари**

Муаллифлик шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ ҳуқуқлар);

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси предмети бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шартни ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Муаллифлик шартномасининг ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар талабларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1069-м о д д а. Муаллифлик шартномасининг шакли**

Муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**1070-м о д д а. Муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик**

Муаллифлик шартномаси бўйича мажбуриятларни умуман ёки тегишли даражада бажармаган тараф бошқа тарафга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт.

*1071-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

*1072-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1073-м о д д а. Муаллифлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш**

Муаллифлик муносабатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**61-БОБ. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР****1074-м о д д а. Турдош ҳуқуқлар объектлари**

Турдош ҳуқуқлар объектлари жумласига ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари киради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1075-м о д д а. Турдош ҳуқуқлар субъектлари**

Ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар турдош ҳуқуқлар субъектларидир.

Турдош ҳуқуқларнинг юзага келиши ва амалга оширилиши учун турдош ҳуқуқлар объектини рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш ва кабель орқали юборишни (ретрансляция ҳам шунга киради) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, асардан, ижродан, фонограммадан ёхуд

эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришидан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Ретрансляция муаллифлар, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига етказишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ–79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

### **1076-м о д д а. Турдош ҳуқуқларнинг муҳофазаси**

Фонограмма ва (ёки) бундай фонограммага ёзилган ижрога бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгалари ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг муҳофазаси белгисидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сақланадиган ҳар бир гилофда акс эттирилади ҳамда куйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча «P» ҳарфи;

мутлақ турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи);

фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.

Номи ёки исми ушбу фонограммада ва (ёки) у сақланадиган гилофда одатий тарзда кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ–79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

### **1077-м о д д а. Ижрочининг ҳуқуқлари**

Ижрочига куйидаги ҳуқуқлар тегишлидир: исмига бўлган ҳуқуқ;

ижрони ижрочининг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ.

Ижрочининг ижродан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари куйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи).

Агар ижро ёзувининг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига ижрочининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириғини бажариш тартибида амалга оширилган ижроларга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1062-моддаси қоидалари қўлланилади.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этиладиган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Ижро ёзувидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, ижро ёзувидан фойдаланилган деб ҳисобланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ–79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

### **1078-м о д д а. Фонограммани тайёрловчининг ҳуқуқлари**

Фонограммани тайёрловчига ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мазкур фонограммадан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Фонограммани тайёрловчининг фонограммадан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари куйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

фонограммани такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тарқатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усулда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи).

Фонограммани тайёрловчи ўз фонограммасидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Агар чоп этилган фонограмма нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига фонограммани тайёрловчининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

Фонограммани тайёрловчининг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари қўлланилади.

Фонограммаларни тайёрловчилар ўз ҳуқуқларини фойдаланилаётган асарлар ва ижролар муаллифлари ҳамда ижрочиларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Фонограммадан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, фонограммадан фойдаланилган деб ҳисобланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

#### **1079-м о д д а. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари**

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотга ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишда ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга руҳсат бериш ҳуқуқини англатади:

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи); кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш ҳуқуқи).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай

шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари қўлланилади.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ўз ҳуқуқларини фойдаланиладиган асарларнинг муаллифлари ҳамда ижроларнинг ижрочилари ҳуқуқларига, тегишли ҳолларда эса фонограммаларни тайёрловчилар ҳамда эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлигидан ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, кўрсатув ёки эшиттиришдан фойдаланилган деб ҳисобланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1080-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1081-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январь ЎРҚ-79-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

#### **62-БОБ. САНОАТ МУЛКИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ (ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ)**

**1082-м о д д а. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг бундай ҳужжат бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

**1083-м о д д а. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш ҳуқуқи**

Патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан ўз хоҳишича фойдаланиш-

даги алоҳида ҳуқуқ, шу жумладан муҳофазаланган ечимларни қўлланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф этиш, тегишли маҳсулотларни четдан келтириш ҳуқуқи патент эгасига тегишлидир.

Патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатисиз ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланишга ҳақли эмас, бундай фойдаланиш ушбу Кодекс ёки бошқа қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Патентланган ихтирони, фойдали модель ёки саноат намунасини қўлланган ҳолда маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш, қўлланиш, четдан олиб келиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўлланиш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаш патент эгаси алоҳида ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

Бошқача ҳолат исботлангунга қадар маҳсулот патентланган усул билан тайёрланган ҳисобланади.

#### **1084-м о д д а. Патентга бўлган ҳуқуқни тасаруф этиш**

Патент олиш ҳуқуқи, талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, патентга эгаллик ҳуқуқи ва патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман берилиши мумкин.

#### **1085-м о д д а. Муаллифлик ҳуқуқи**

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига муаллифлик ҳуқуқи ва махсус ном бериш ҳуқуқи ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг муаллифига тегишлидир.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патентга асосланган ҳуқуқлар юзага келган пайтдан эътиборан вужудга келади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси муаллифини қонун махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги афзалликлар билан таъмин этиши мумкин.

Талабномада муаллиф тариқасида кўрсатилган шахс бошқача ҳолат исботлангунга қадар муаллиф ҳисобланади. Ҳуқуқ юзага келишидан аввал мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатларгина далил тариқасида жалб этилиши мумкин.

#### **1086-м о д д а. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг ҳаммуаллифлари**

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ҳаммуаллифларининг ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини яратишга ноижодий ёрдам бериш (техникавий, ташкилий ёки математик ёрдам, ҳуқуқларни расмийлаштиришга

қўмаклашиш ва ҳоказолар) ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди.

#### **1087-м о д д а. Хизмат ихтиролари, фойдали моделлари, саноат намуналари**

Ходим ўз хизмат мажбуриятларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш вақтида яратган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига (хизмат ихтиросига) патент олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Хизмат ихтироси, фойдали модели, саноат намунаси учун муаллифга тўланадиган мукофот пули миқдори, тўлов шarti ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилади. Келишувга эришилмаган тақдирда қарорни суд чиқаради. Башарти муаллиф ва иш берувчининг хизмат ихтироси, фойдали модели ёки саноат намунасини яратишга қўшган ҳиссасини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, иш берувчи олган ёки оладиган фойданинг ярмисига бўлган ҳуқуқ муаллифники деб эътироф этилади.

#### **1088-м о д д а. Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг шакли**

Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги (патентни бериш тўғрисидаги) шартнома ёзма шаклда тузилиши ва Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

#### **1089-м о д д а. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш рухсатномасининг (лицензияси) шакли**

Лицензия шартномаси ва қўшимча лицензия шартномаси ёзма шаклда тузилади ва Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

#### **1090-м о д д а. Патентни бузганлик учун жавобгарлик**

Патентни бузиш патент эгасининг талаби билан тўхтатилиши, қоидабузар эса патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт. Патент эгаси қўрилган зарар ўрнига қоидабузардан қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақлидир.

### **63-боб. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА ХАЙВОНЛАРНИНГ ЯНГИ ЗОТЛАРИГА БЎЛГАН ХУҚУҚ**

#### **1091-м о д д а. Ўсимликларнинг янги навлари ва хайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш**

Ўсимликларнинг янги навлари ва хайвонларнинг янги зотларига (селекция ютуқларига) бўлган ҳуқуқлар патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда бундай патентни бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.

Селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, башарти ушбу бобнинг қоидалари ва қонунда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг тегишинча 1084 – 1090-моддалари қоидалари татбиқ этилади.

#### **1092-м о д д а. Селекция ютуғи муаллифининг ҳақ олиш ҳуқуқи**

Селекция ютуғининг патент эгаси бўлмаган муаллифи селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патентнинг амал қилиш муддати давомида патент эгасидан ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Селекция ютуғи муаллифига тўланадиган ҳақ миқдори ва тўлов шартлари у билан патент эгаси ўртасида тузиладиган шартномада белгилаб қўйилади.

#### **1093-м о д д а. Патент эгасининг ҳуқуқи**

Селекция ютуғи патентининг эгаси селекция ютуғидан қонунда белгилаб қўйилган доирада фойдаланиш бўйича алоҳида ҳуқуққа эгадир.

#### **1094-м о д д а. Патент эгасининг мажбурияти**

Селекция ютуғи патентининг эгаси ўсимликнинг тегишли нави ёки хайвонларнинг тегишли зотини патентнинг амал қилиш муддати давомида уларни рўйхатга олиш вақтида тузилган нав ёки зот тавсифида айтиб ўтилган белгилар сақлаб қолинадиган тарзда асраши шарт.

### **64-боб. ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТНИ НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

#### **1095-м о д д а. Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи**

Учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотига, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ошкор этилмаган ахборотни), башарти ушбу Кодекснинг 98-моддасида белгилаб қўйилган шартларга риоя этилган бўлса, ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисба-

тан бирон-бир расмиятчиликни бажаришдан (уни рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қоида-си қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга (юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар тўғрисидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳоказоларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар сақланиб турган пайтга қадар амал қилади.

#### **1096-м о д д а. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик**

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмайд туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни тўлаши шарт.

Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахс бу ахборотни уни тарқатишга ҳуқуқи бўлмаган шахсдан олган бўлса, ахборотни қўлга киритувчи шахс бундан беҳабар бўлса ва буни билмаслиги керак бўлса (ахборотни инсофли эгалловчи), ошкор этилмаган ахборотнинг қонуний эгаси ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан фойдаланаётганлиги ноқонуний эканлигини билиб қолганидан сўнг ошкор этилмаган ахборотдан фойдаланганлик натижасида етказилган зарарларни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахсдан ахборотдан фойдаланишни дарҳол тўхтатишни талаб қилишга ҳақлидир. Бирок суд ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланганда сарфлаган маблағларини инobatга олиб, бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинadиган алоҳида лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланишига рухсат этиши мумкин.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил тарзда ва қонунан олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдидан жавоб бермайди.

#### **1097-м о д д а. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши**

Ошкор этилмаган ахборотга эга бўлган шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга бериши мумкин.

Лицензиат шартнома бўйича олган ахборотларнинг махфийлигини муҳофаза қилишга доир керакли чораларни қўриши шарт ва уни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилишда лицен-

зиарники сингари ҳуқуқларга эга. Шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ахборотларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли маълумотлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам лицензиатнинг зиммасида бўлади.

## **65-боб. ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ШАХСИЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ**

### **1-§. ФИРМА НОМИ**

#### **1098-м о д д а. Фирма номига бўлган ҳуқуқ**

Юридик шахс товарларда, уларнинг идиши ва ўротида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, расмий бланкаларда ва ўзининг фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда, шунингдек маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда намоиш этиш вақтида фирма номидан фойдаланишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрь ўРҚ-52-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37–38-сон, 371-модда)*

Юридик шахснинг фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас.

#### **1099-м о д д а. Юридик шахснинг фирма номидан товар белгисидан фойдаланиш**

Юридик шахснинг фирма номидан унга тегишли товар белгисидан фойдаланилиши мумкин.

#### **1100-м о д д а. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиши**

Юридик шахснинг белгиси тариқасида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган номга бўлган алоҳида ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Чет давлатда рўйхатга олинган ёки умум эътироф этган номга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида ҳуқуқ қонунда назарда тутилган ҳоллардагина амал қилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиши юридик шахс тугатилиши билан ёки унинг фирма номи ўзгариши билан бекор бўлади.

#### **1101-м о д д а. Фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш**

Юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ва ўтказишга фақат юридик шахс

қайта ташкил этилган ҳамда умуман корхона бошқа шахсга берилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга ўзининг бу номидан фойдаланишга рухсат этиши (лицензия бериши) мумкин. Бироқ бунда лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитиб қўйишни истисно этувчи чоралар шарт қилиб қўйилиши лозим.

### **2-§. ТОВАР БЕЛГИСИ (ХИЗМАТ КўРСАТИШ БЕЛГИСИ)**

#### **1102-м о д д а. Товар белгисини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

#### **1103-м о д д а. Товар белгисидан фойдаланиш ва унинг дахлсизлиги ҳуқуқи**

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳуқуққа эга. Товар белгисига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишдан иборат алоҳида ҳуқуқ ҳам товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгасига тегишлидир.

Товар белгисини қонунда белгиланган тартибда ҳар қандай тарзда муомалага киритиш ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини нашр этганда, уни кўпчилик олдига ижро этганда ёки ундан ўзгача тарзда фойдаланганда товар белгисининг ўзига ҳам, унинг белгиларига ҳам бирор-бир ўзгартишлар киритишга фақат унга бўлган ҳуқуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Товар белгисининг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгасига тегишлидир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

#### **1104-м о д д а. Товар белгисидан фойдаланмаганлик оқибатлари**

Товар белгисидан у рўйхатдан ўтказилганидан кейин узрли сабабсиз узлуқсиз беш йил давомида фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиниши мумкин.

Товар белгисидан фойдаланиш учун лицензия берилиши ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

#### **1105-м о д д а. Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши**

Гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар ва хизматларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши, шу жумладан уни шартнома асосида ёки ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга бериш Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

#### **1106-м о д д а. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартноманинг шакли**

Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги ёки лицензия бериш ҳақидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

Ёзма шаклга ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

#### **1107-м о д д а. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарлик**

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши, қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган талабларни бажаришнинг иложи бўлмаган тақдирда, тегишли товар йўқ қилиб ташланиши лозим.

### **3-§. ТОВАР ЧИҚАРИЛГАН ЖОЙ НОМИ**

#### **1108-м о д д а. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Товар чиқарилган жой номи уни рўйхатга олиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўгрофий объектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган номи алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан ана шу жўгрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва бу омилларнинг ўзаро бирикмаси билан белгиланадиган товар чиқарилган жой номи (келиб чиқиш кўрсаткичи) деб эътироф этилади.

Жўгрофий объектнинг тарихий номи товар чиқарилган жойнинг номи бўлиши мумкин.

Гарчи жўгрофий объектнинг номи бўлса-да ёки шу номни ўз таркибига олган бўлса-да, аммо Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товарнинг у тайёрланган жой билан боғлиқ бўлмаган белгиси сифатида умумий истеъмолга кириб кетган белги товар чиқарилган жой номи деб эътироф этилмайди ва ушбу параграф қоидаларига мувофиқ ҳуқуқий муҳофаза мақсадларида рўйхатдан ўтказилмайди. Бироқ бу ҳол бундай номдан инсофсизлик билан фойдаланиш натижасида ҳуқуқий бузилган шахсни ўз ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан муҳофаза қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Товар чиқарилган жой номини Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги рўйхатдан ўтказди. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

Рўйхатга олиш асосида товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади.

Рўйхатга олиш, гувоҳнома бериш, рўйхатга олишнинг ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда рўйхатга олиш ва гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш тартиби ва шартлари қонун билан белгилаб қўйилади.

#### **1109-м о д д а. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи**

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу номни товарда, идиш ва ўровда, рекламада, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда ишлатиш ҳамда ушбу товарнинг фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан жой номидан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақлидир.

Товар чиқарилган жойнинг номи ушбу Кодекс 1108-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида айтиб ўтилган талабларга жавоб берадиган товарни белгилаш учун бир неча шахс томонидан ҳам биргаликда, ҳам бир-биридан мустақил тарзда рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу шахсларнинг ҳар бирига тегишлидир.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, уни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги бошқа битимларга ва уни лицензия асосида фойдаланиш учун беришга йўл қўйилмайди.

#### **1110-м о д д а. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этишнинг амал қилиш соҳаси**

Ўзбекистон Республикасида унинг ҳудудидаги товарлар чиқарилган жойларнинг номлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Бошқа давлатдаги товар чиқарилган жой номи, башарти бу ном товар чиқарилган мамлакатда, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

### **1111-м о д д а. Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланганлик учун жавобгарлик**

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, шунингдек истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бу номдан қонунга хилоф фойдаланаётган шахсдан номдан фойдаланишни тўхтатиш, товардан, унинг идиши ва ўровидан, бланкалар ва бошқа ҳужжатлардан қонунга хилоф фойдаланилаётган номни ёки ном билан адаштирадиган тарзда жуда ўхшаш белгини йўқотишни, тайёрлаб қўйилган ном тасвирларини ва ном билан адаштирадиган тарзда ўхшаш белгиларни йўқ қилиб ташлашни, башарти бунинг иложи бўлмаса товарни ва (ёки) идиш ва ўровни олиб қўйиш ҳамда йўқ қилиб ташлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу ҳуқуқни бузувчидан ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **V бўлим. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ**

### **66-боб. ВОРИСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1112-м о д д а. Ворислик асослари**

Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек ушбу Кодексда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

#### **1113-м о д д а. Мерос таркиби**

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:

юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун тоvon ундириш ҳуқуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

#### **1114-м о д д а. Умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш**

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг ўлими умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги унинг улушини

аниқлаш ва ушбу Кодекснинг 226-моддасида белгиланган тартибда умумий мол-мулкни тақсимлаш ёхуд ундан вафот этган иштирокчининг улушини ажратиш учун асос бўлади. Бу ҳолда мерос вафот этган иштирокчининг улушига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан очилади, мол-мулкни натура ҳолида тақсимлашнинг имкони булмаганида эса – бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги ўз улушини васият қилишга ҳақлидир, бу улуш унинг вафотидан кейин ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ аниқланади.

#### **1115-м о д д а. Деҳқон хўжалиги ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш**

Деҳқон (фермер) хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс қоидалари билан тартибга солинади.

#### **1116-м о д д а. Мероснинг очилиши**

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонида вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар.

#### **1117-м о д д а. Мероснинг очилиш жойи**

Мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

#### **1118-м о д д а. Меросхўрлар**

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тутилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.



### 1119-м о д д а. Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, шунингдек мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулккий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Ушбу модда қоидалари васият мажбуриятига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу модданинг қоидалари ҳар қандай меросхўрларга, шу жумладан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

### 67-БОБ. ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

#### 1120-м о д д а. Умумий қоидалар

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятнома-нинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан бит-тасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қиладиган пайтда ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

#### 1121-м о д д а. Шартли васиятнома

Васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган гайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.

Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг аҳолига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

#### 1122-м о д д а. Ворисдан кейинги ворисларни тайинлаш

Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан воз кечиши ёки нолойиқ меросхўр сифатида ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда тутилган тартибда мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини, шунингдек васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин.

Ушбу Кодексга мувофиқ меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин.

Васиятнома бўйича меросхўрнинг ворисдан кейинги ворис зарарига меросдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

#### 1123-м о д д а. Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисмини мерос қилиб олиш

Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми ушбу Кодекснинг 1134 – 1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка чақириладиган қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Бу меросхўрлар жумласига мол-мулкнинг бошқа қисми васиятнома бўйича мерос қилиб қолдирилган қонун бўйича ворислар ҳам қирадилар.

#### 1124-м о д д а. Васиятнома-нинг шаклига доир умумий қоидалар

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

Куйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

- нотариал тасдиқланган васиятномалар;
- нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзолаши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Куйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, наваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

ёлгон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

### **1125-м о д д а. Нотариал тасдиқланган васиятнома**

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланилиши мумкин.

Васият қилувчинини сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланади.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

### **1126-м о д д а. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар**

Куйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:

- касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган васиятномаларга нисбатан ушбу Кодекснинг 1125-моддаси қоидалари қўлланилади, васиятномани нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаб бундан мустасно.

### **1127-м о д д а. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш**

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

### **1128-м о д д а. Васиятноманинг сир сақлиниши**

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига

васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

### **1129-м о д д а. Васиятни талқин қилиш**

Васиятнома нотариус, васиятни ижро этувчи ёки суд томонидан талқин қилинганида ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъноси эътиборга олинади. Васиятномадаги бирон-бир қайданинг асл маъноси ноаниқ бўлса, у бошқа қоидалар ва умуман васиятноманинг мазмуни билан таққослаш орқали аниқланади.

### **1130-м о д д а. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги**

Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга ҳам асосланади.

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг даъвоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

### **1131-м о д д а. Васиятнома ижро этиш**

Васият қилувчи васиятноманинг ижро этилишини ўзи васиятномада кўрсатган, меросхўр ҳисобланмайдиган шахсга (васиятнома ижро этувчига) топшириши мумкин. Бу шахснинг васиятноманинг ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан васиятномага ёзган устхатида ёки васиятномага илова қилинган аризасида акс эттирилиши лозим.

Меросхўрлар ўзаро келишиб, васиятноманинг ижросини меросхўрлардан бирига ёхуд бошқа шахсга топширишга ҳақлидирлар. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, васиятнома ижро этувчи бир ёки бир неча меросхўрнинг талаби билан суд томонидан тайинланиши мумкин.

Васиятнома ижро этувчи васиятнома бўйича меросхўрларни олдиндан хабардор қилган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан истаган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга. Васиятнома ижро этувчи меросхўрларнинг аризасига биноан суднинг чиқарган қарори билан ҳам ўз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин.

Васиятнома ижро этувчи:

меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;

барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларни мерос очилганлиги тўғрисида ҳамда улар фойдасига васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чоратadbирларни кўриши;

мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши; мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;

меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаши;

васият мажбуриятларини бажариши ёхуд васиятнома бўйича меросхўрлардан васият мажбуриятларини ижро этишларини талаб қилиши лозим.

Васиятнома ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятнома ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли, шунингдек бундай ишларда иштирок этишга жалб этилиши мумкин.

Васиятнома ижро этувчи ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан ҳоли қилиш, мерос қолдирувчига тегишли суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эгаллик қилишга киришиши учун зарур бўлган оқилона муддат мобайнида амалга оширади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўрсатилган муддат мерос очилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Васиятнома ижро этувчи меросни бошқариш ва васиятнома ижро этиш бўйича зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга. Васиятномада уни ижро этувчига мерос ҳисобидан ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Васиятнома ижро этиб бўлингач, васиятнома ижро этувчи меросхўрларнинг талабига биноан уларга ҳисобот тақдим этиши шарт.

### **1132-м о д д а. Васият мажбурияти**

Васият қилувчи васият бўйича меросхўрнинг зиммасига бир ёки бир неча шахс (васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар) фойдасига бирон-бир мажбуриятни (васият мажбуриятини) мерос ҳисобидан бажаришни юклаган ҳақли бўлиб, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар васият мажбурияти бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини оладилар.

Қонун бўйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек кирмайдиган шахслар ҳам васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар бўлишлари мумкин.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига мерос таркибига кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркибига кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, унга муайян хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбурияти нарсаи бўлиши мумкин.

Васият қилувчи томонидан зиммасига васият мажбуриятини бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.

Агар зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади.

Васият мажбурияти барча ёки бир неча меросхўр зиммасига юклатилган ҳолларда, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳар

бири васият мажбуриятини меросдаги ўз улушига муносиб равишда бажаради.

Васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклагга ҳақли. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзгага берилмайди ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг меросхўрларига ўтмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига берилган турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи, агар васиятномада бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса, унинг оила аъзолари мазкур турар жойда яшаши учун асос ҳисобланмайди.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ёхуд, агар мол-мулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин, аммо васиятнома бўйича меросхўр васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгурган пайтга қадар вафот этган тақдирда васият мажбурияти бажарилмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди.

### **1133-м о д д а. Мажбурият юклаш**

Васият қилувчи васият бўйича меросхўр зиммасига бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаб, бу мажбуриятни бажаришни кредитор сифатида талаб қилиш ҳуқуқини ҳеч кимга бермаслиги мумкин. Умумий фойдали мақсадни амалга ошириш учун васиятномани ижро этувчининг зиммасига худди шундай мажбурият юклатилиб, бу мажбуриятни бажариш учун мерос қолдирувчи томонидан мол-мулкнинг бир қисми ажратилиши мумкин.

Мулкий хусусиятга эга бўлган ҳатти-ҳаракатни содир этишдан иборат мажбуриятга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1132-моддасида баён этилган қоидалар қўлланилади.

Агар ушбу Кодексга мувофиқ, мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган меросхўрга тегиши лозим бўлган ёки унга қарашли бўлган мерос улуши бошқа меросхўрга ўтса, мажбуриятни бажариш бекор бўлади.

## **68-БОБ. ҚОНУН БҲЙИЧА ВОРИСЛИК**

### **1134-м о д д а. Умумий қоидалар**

Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка ушбу Кодекснинг 1135 – 1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибда чақириладилар.

Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, туғилган қариндошларга тенглаштириладилар.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-

бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

### **1135-м о д д а. Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар**

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

### **1136-м о д д а. Қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик**

Мерос қолдирувчининг туғилган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

### **1137-м о д д а. Қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик**

Мерос қолдирувчининг туғилган амакиси, тогаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

### **1138-м о д д а. Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик**

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узокроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ворисликка чақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар.

### **1139-м о д д а. Қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик**

Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ушбу Кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

### **1140-м о д д а. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик**

Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутаяди, бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади, ён қариндошлик бўйича меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.

#### **1140<sup>1</sup>-м о д д а. Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси)**

Агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади (мерос трансмиссияси). Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмайди.

Вафот этган меросхўрга тегишли меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрлари томонидан умумий асосларда амалга оширилиши мумкин.

Меросхўрнинг ушбу Кодекснинг 1142-моддасида назарда тутилган мероснинг бир қисмини мажбурий улуш сифатида қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ўтмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

#### **1141-м о д д а. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари**

Мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Ушбу Кодекснинг 1136 – 1138-моддаларида кўрсатилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганликларидан қатъи назар, агар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, ушбу модда асосида ворисликка чақириладиган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда кўпи билан мероснинг тўртдан бир қисмини мерос қилиб оладилар.

#### **1142-м о д д а. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи**

Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка

олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.

#### **1143-м о д д а. Мерос олишда эрнинг (хотининг) ҳуқуқи**

Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулк ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

#### **1144-м о д д а. Қонун бўйича мерос олинганида меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш**

Мол-мулкнинг бир қисми васиятнома бўйича мерос қилиб олинган тақдирда, мерос қолдирувчи томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси бутун меросни, шу жумладан унинг қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган қисмини ҳам муҳофаза қилади ва бошқаради.

Ушбу Кодекснинг 1131-моддасига мувофиқ васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибида ўтадиган қисмига нисбатан кўрсатилган мажбуриятларни ижро этиш учун мерос бошқарувчисини тайинлашни талаб қилмасалар, умуман бутун меросни муҳофаза қилиш ҳамда уни бошқариш мажбуриятларини амалга оширади.

Меросни бошқарувчи қонун бўйича меросхўрлардан бир ёки бир нечтасининг илтимосига биноан мерос очилган жойдаги нотариус томонидан тайинланади. Меросни бошқарувчи тайинланишга ёки бу иш учун танланган номзодга рози бўлмаган қонун бўйича меросхўр меросни бошқарувчи тайинланишига қарши судга мурожаат этишга ҳақли.

Агар қонун бўйича меросхўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи меросни бошқарувчи тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим. Қонун бўйича меросхўрлар ҳозир бўлганлари тақдирда, уларнинг талаби билан меросни бошқарувчи мерос ҳисобидан зарур бўлган харажатлар ва оқиллона ҳақ тўланган ҳолда чақириб олиниши мумкин.

Меросни бошқарувчи ушбу Кодекснинг 1131-модда-сида назарда тутилган ваколатларни, агар қонун бўйича ворислик хусусиятларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, васиятномани ижро этишга нисбатан амалга оширади.

Меросни бошқарувчи меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқаришга доир зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш, агар меросхўрлар билан келишувда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ҳам олиш ҳуқуқига эгадир.

## 69-БОБ. МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ

### 1145-м о д д а. Умумий қоидалар

Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

### 1146-м о д д а. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

### 1147-м о д д а. Меросдан воз кечиш ҳуқуқи

Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади.

Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

*(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

### 1148-м о д д а. Меросдан воз кечиш ҳуқуқининг чекланиши

Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг

бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросхўр улушнинг ортиши ҳуқуқи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан, мероснинг қолган қисмига ворисликдан қатъи назар, воз кечишга ҳақли.

Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечаётганини кўрсатишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди.

### 1149-м о д д а. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ҳуқуқи

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васият мажбуриятдан воз кечишга ҳақли. Қисман воз кечишга, изоҳотлар билан, шартлар қўйиб ёки бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқ айни бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ҳисобланган шахснинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.

Агар васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр бу мажбуриятни бажаришдан озод бўлади.

### 1150-м о д д а. Мероснинг тақсимланиши

Меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.

### 1151-м о д д а. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари

Агар меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси) ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка чақириш юзасидан зарур чораларни кўришлари шарт.

Агар турган жойи аниқланиб, мерос олишга чақирилган-у, лекин ҳозир бўлмаган меросхўр меросдан воз кечмаган бўлса, қолган меросхўрлар меросни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан уч ой ичида қолган меросхўрларни меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса, қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра

мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлидирлар. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь УРҚ-255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)

Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар мерос тақсимотини ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари бўйича амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотида чақалоқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органининг вакили таклиф этилиши лозим.

### **1152-м о д д а. Корхонага ворислик**

Агар мерос таркибига кирадиган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушли мулкига айланади.

### **1153-м о д д а. Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқи**

Мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида қатнашаётган бошқа меросхўрларнинг мулкий манфаатларига риоя этилиши лозим. Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ҳосил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим.

### **1154-м о д д а. Мерос улушларининг ортиши**

Меросхўр меросдан воз кечган ёхуд ушбу Кодекснинг 1119-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бўйича меросхўрлар орасидан чиқиб кетган тақдирда мероснинг унга тегадиган қисми ворисликка қақирилган қонун бўйича меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Агар мерос қолдирувчи барча мол-мулкни ўзи тайинлаган меросхўрларга васият қилган бўлса, мероснинг меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўрга тегишли бўлган қисми қолган васиятнома бўйича меросхўрларга ўтади ва агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар:

агар воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўр ўрнига бошқа меросхўр тайинланган; меросхўр меросдан муайян шахс фойдасига воз кечган;

қонун бўйича ворисликда меросхўрнинг воз кечиши ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши ворисликка кейинги навбатдаги меросхўрларни қақирришга сабаб бўлган ҳолларда қўлланилмайди.

### **1155-м о д д а. Мерос ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатлар**

Мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган зарур харажатлар, мерос қолдирувчини дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилиши лозим.

### **1156-м о д д а. Кредиторларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини ундириб олиши**

Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.

### **1157-м о д д а. Эгасиз қолган мол-мулк**

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь УРҚ-255-сон Қонуни таҳририда –

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 йил, 37-сон, 313-модда)

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда, давлат мулкига ўтади.

Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш ушбу Кодекснинг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

## **VI бўлим. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИШ**

### **70-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1158-м о д д а. Чет эл элементи билан мураккаб-лашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш**

Чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаб-лашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек тарафларнинг келишуви асосида белгиланади.

Тарафларнинг ҳуқуқни танлашга доир келишуви очик ифодаланган бўлиши ёки бевосита шартнома талабларидан ва ишнинг кўриб чиқиладиган барча ҳолатларидан келиб чиқиши лозим.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашнинг имкони бўлмаса, чет эл элементи билан мураккаб-лашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан энг узвий боғланган ҳуқуқ қўлланади.

Чет эл ҳуқуқ нормаси оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлганлигига асосланибгина уни қўллашни чеклаш мумкин эмас.

#### **1159-м о д д а. Ҳуқуқий баҳо бериш**

Юридик тушунчаларга суд ёки бошқа давлат органи томонидан ҳуқуқий баҳо берилишида, агар қонунда бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, бундай юридик тушунчаларни низо кўриб чиқиладиган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига мувофиқ шарҳлашга асосланади.

Агар юридик тушунчалар низо кўриб чиқиладиган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига номаълум бўлса ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича талқин этиш орқали аниқланиши мумкин бўлмаса, уларга ҳуқуқий баҳо беришда чет давлат ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкин.

#### **1160-м о д д а. Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш**

Чет эл ҳуқуқини қўлланишда суд ёки бошқа давлат органининг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий давлатда расмий талқин эти-

лиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофиқ аниқлайди.

Суд ёки бошқа давлат органи чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушунтиришлар сўраб Адлия вазирлигига ва бошқа миллий ваколатли органлар ҳамда муассасаларга, шу жумладан чет элдаги органлар ва муассасаларга мурожаат этиши ёхуд экспертларни жалб қилиши мумкин.

Ишда иштирок этаётган шахслар ўз талаблари ёки эътирозларини асослаш учун ўзлари ва жамиятга келтирадиган чет эл ҳуқуқи нормаларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишга ва бу нормаларнинг мазмунини аниқлашда судга ёки бошқа давлат органларига бошқача тарзда ёрдамлашишга ҳақлидирлар.

Агар ушбу моддага мувофиқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай, чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмуни оқилона муддатларда аниқланмаса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади.

#### **1161-м о д д а. Қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш**

Ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ, чет эл ҳуқуқига ҳар қандай ҳавола этиш тегишли мамлакатнинг коллизия ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этиш деб қаралиши лозим, ушбу бўлимда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чет эл ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 1168-моддасига, 1169-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171 ва 1174-моддаларига мувофиқ қўлланилган ҳолларда қарши томон сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш қабул қилинади.

#### **1162-м о д д а. Қонунни четлаб ўтиш оқибатлари**

Ушбу Кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг ушбу бўлимнинг қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуққа доир қоидаларини четлаб ўтиб, тегишли муносабатларни бошқа ҳуқуққа бўйсундиришга қаратилган келишувлари ва бошқа ҳаракатлари ҳақиқий эмас. Бундай ҳолда тегишли давлатнинг ушбу бўлимга мувофиқ татбиқ этилиши лозим бўлган ҳуқуқи қўлланилади.

#### **1163-м о д д а. Ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш**

Суд ёки бошқа давлат органи ўзи кўриб чиқаётганига ўхшаш муносабатларга нисбатан тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланиши ёки қўлланмаслигидан қатъи назар, ана шу чет давлатнинг ҳуқуқини қўллаётгани, Ўзбекистон Республикаси қонунда чет эл ҳуқуқини ўзаролик асосида қўллаш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар чет эл ҳуқуқини қўллаш ўзароликка боғлиқ бўлса, бошқача ҳолат исботланмаганлиги сабабли у мавжуд деб тахмин қилинади.



**1164-м о д д а. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ**

Чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади.

Тегишли чет эл давлатининг ҳуқуқий сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

**1165-м о д д а. Катъий нормаларни қўллаш**

Ушбу бўлим қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг тегишли муносабатларни, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тартибга солувчи қатъий нормалари амал қилишига дахлдор эмас.

Бирон-бир мамлакатнинг ҳуқуқи ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ қўлланилганда, агар ана шу мамлакатнинг ҳуқуқига кўра бундай нормалар қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тегишли муносабатларни тартибга солиши лозим бўлса, суд бошқа мамлакатнинг ана шу муносабатлар билан узвий алоқада бўлган қатъий ҳуқуқ нормаларини қўллаши мумкин. Бунда суд бундай нормаларнинг вазифасини ва хусусиятини, шунингдек уларни қўллаш оқибатларини эътиборга олиши лозим.

**1166-м о д д а. Ҳуқуқий тизимлари кўп бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш**

Бир неча ҳудудий ёки бошқа ҳуқуқий тизим амал қилиб турган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш лозим бўлган ҳолларда ҳуқуқий тизим шу мамлакат ҳуқуқига мувофиқ ҳолда қўлланилади.

**1167-м о д д а. Реторсиялар**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгилаши мумкин.

**71-БОБ. КОЛЛИЗИОН НОРМАЛАР****1-§. ШАХСЛАР****1168-м о д д а. Жисмоний шахснинг шахсий қонуни**

Жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади.

Қочоққа унга бошпана берган мамлакатнинг қонуни шахсий қонун ҳисобланади.

**1169-м о д д а. Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари**

Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари унинг шахсий қонуни билан белгиланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқатидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахснинг битимлар ва зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятларга нисбатан фуқаролик муомала лаёқати битимлар тузилган ёки зарар етказилишидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзага келган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Жисмоний шахснинг хусусий тадбиркор бўлиш ҳамда бу билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати жисмоний шахс хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Рўйхатга олиш мамлақати бўлмаганда, хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Жисмоний шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш суд қайси мамлакатники бўлса, шу мамлакат ҳуқуқига бўйсунди.

**1170-м о д д а. Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш**

Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш суд қайси мамлакатники бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқига бўйсунди.

**1171-м о д д а. Жисмоний шахснинг исми-шарифи**

Жисмоний шахснинг исмига, ундан фойдаланишга ва уни ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи, агар ушбу Кодекс 19-моддасининг тўртинчи ва еттинчи қисмларида, 1179 ва 1180-моддаларида назарда тутилган қоидалардан бошқача тартиб келиб чиқмаса, унинг шахсий қонуни билан белгиланади.

**1172-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

**1173-м о д д а. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлат органлари томонидан берилган ҳужжатларни тан олиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаро-

лари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тегишли давлатларнинг қонунлари бўйича тузилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган ҳужжатлар легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрель ЎРҚ-322-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 15-сон, 164-модда)

#### **1174-м о д д а. Васийлик ва ҳомийлик**

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсизлар ёки муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар устидан васийлик ёки ҳомийлик суд қайси мамлакатга тегишли бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади ва бекор қилинади.

Васийнинг (ҳомийнинг) васийликни (ҳомийликни) қабул қилиш мажбурияти унинг васий (ҳомий) томонидан белгиланадиган шахсий қонуни бўйича аниқланади.

Васий (ҳомий) ва васийликка (ҳомийликка) олинган шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар муассасаси васийни (ҳомийни) тайинлаган мамлакат ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ васийликка (ҳомийликка) олинган шахс Ўзбекистон Республикасида яшаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи башарти бу мазкур шахс учун қулайроқ бўлса, қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари устидан белгиланган васийлик (ҳомийлик), агар Ўзбекистон Республикаси тегишли консуллик муассасасининг васийлик (ҳомийлик) белгиланишига ёки унинг тан олиншига қарши қонунга асосланган эътирозлари бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

#### **1175-м о д д а. Юридик шахснинг қонуни**

Юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланади.

#### **1176-м о д д а. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати**

Юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати юридик шахснинг қонуни билан белгиланади.

Чет эл юридик шахси ўз органи ёки вакилининг битим тузиш ваколатларидаги чет эл юридик шахсининг органи ёки вакили битим тузган мамлакатнинг ҳуқуқи учун номаълум бўлган чекловларни важ қилиб келтириши мумкин эмас.

#### **1177-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари фаолиятининг миллий тартиби**

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунида чет эл юридик шахслари учун бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширадilar.

#### **1178-м о д д а. Чет эл элементи билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши**

Чет эл элементи билан давлат иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу бўлим қоидалари умумий асосларда қўлланади.

### **2-§. ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК**

#### **1179-м о д д а. Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш**

Шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб учун асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

#### **1180-м о д д а. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ**

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сўраладиган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ ҳақидаги шартномалар ушбу бўлимнинг шартнома мажбуриятлари тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ белгиланадиган ҳуқуқ билан тартибга солинади.

### **3-§. БИТИМЛАР. ВАКИЛЛИК. ДАЪВО МУДДАТИ**

#### **1181-м о д д а. Битимнинг шакли**

Битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим, қаерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мулк хусусидаги битимнинг шакли бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунди.

#### **1182-м о д д а. Ишончнома**

Ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати ишончнома берилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, ишончнома шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

#### **1183-м о д д а. Даъво муддати**

Даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

#### **4-§. АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР**

##### **1184-м о д д а. Ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги умумий қоидалар**

Кўчмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Мол-мулкнинг кўчмас ёки кўчар ашёларга мансублиги, шунингдек мол-мулкнинг бошқача юридик баҳоланиши ана шу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

##### **1185-м о д д а. Ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши**

Мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ёхуд бекор бўлиши учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир бўлган пайтда бу мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Битим нарсаи бўлган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу битим бўйсундирилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тугаган пайтда мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи билан аниқланади.

##### **1186-м о д д а. Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар**

Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар бу транспорт воситалари ёки мол-мулк рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

##### **1187-м о д д а. Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар**

Битим бўйича йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бу мол-мулк жўнатилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

##### **1188-м о д д а. Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш**

Мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан ариза берувчининг танлови бўйича мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи ёки суд қайси мамлакатга қарашли бўлса, уша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади.

Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган мол-мулкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланади.

#### **5-§. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **1189-м о д д а. Шартнома тарафларининг келишувига кўра ҳуқуқни танлаш**

Шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин.

Қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилаётганда ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланиши мумкин. Тарафлар, шунингдек исталган вақтда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

##### **1190-м о д д а. Тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ**

Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, бу шартномага нисбатан:

олди-сотди шартномасида – сотувчи;  
ҳада шартномасида – ҳада қилувчи;  
ижара (мулк ижараси) шартномасида – ижарага берувчи;  
мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномасида – ссуда берувчи;  
пудрат шартномасида – пудратчи;  
йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида – ташиувчи;

транспорт экспедицияси шартномасида – экспедитор;  
қарз шартномасида ёки бошқа кредит шартномасида – кредитор;

топшириқ шартномасида – ишончли вакил;  
воситачилик шартномасида – воситачи;  
омонат сақлаш шартномасида – сақловчи;  
суғурта шартномасида – суғурталовчи;  
кафиллик шартномасида – кафил;  
гаров тўғрисидаги шартномада – гаровга кўювчи;  
алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномасида – лицензиар ҳисобланувчи тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Кўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, ушбу модда биринчи қисмининг қоидаларидан қатъи назар:

кўчмас мулк тўғрисидаги шартномага нисбатан – бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи;

бири аликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага ва курилиш пудрати шартномасига нисбатан – ана шундай фаолият амалга ошириладиган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи;

кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан – кимошди савдоси, танлов ўтказилаётган ёки биржа жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб ўтилмаган шартномаларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, бундай шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижронинг амалга ошириладиган тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижронинг аниқлашнинг имконияти бўлмаган тақдирда, шартнома энг узвий боғланган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

#### **1191-м о д д а. Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ**

Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

#### **1192-м о д д а. Қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доираси**

Ушбу параграфнинг қоидаларидан келиб чиқиб шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ:

шартноманинг талқинини;  
тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;  
шартноманинг ижросини;  
шартномани умуман ёки тегишли даражада ижро этмаслик оқибатларини;  
шартноманинг тўхтатилишини;  
шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ёки ҳақиқий эмас топиллиши оқибатларини;  
шартнома муносабати билан талабларнинг баҳридан ўтиш ва қарзни ўтказишни қамраб олади.

Ижро этиш усуллари ва тартибига, шунингдек тегишли даражада ижро этилмаган тақдирда кўрилиши лозим бўлган чоралар борасида қўлланиладиган ҳуқуқдан ташқари ижро амалга ошириладиган мамлакатнинг ҳуқуқи ҳам эътиборга олинади.

### **6-§. ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ МАЖБУРИЯТЛАР**

#### **1193-м о д д а. Бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятлар**

Бир тарафлама ҳаракатлардан (мукофотни ошқора ваъда қилиш, ўзганинг мақсадини кўзлаб топшириқ-

сиз амалга ошириладиган фаолият ва бошқалардан) иборат мажбуриятларга нисбатан ушбу бўлимнинг 4-параграфи қоидалари қўлланади.

#### **1194-м о д д а. Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар**

Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар зарарни ундиришни талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Чет элда зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва бурчлар, агар фуқаролар ёки юридик шахслар айни битта давлатдан бўлсалар, шу давлат ҳуқуқи билан белгиланади.

Агар зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича гайриқонуний бўлмаса, чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди.

#### **1195-м о д д а. Истеъмомлиги етказилган зарар учун жавобгарлик**

Товарни сотиб олиш, ишни бажариш ёки хизматни кўрсатиш муносабати билан истеъмомли кўрган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабга нисбатан истеъмомчининг хоҳишига кўра:

истеъмомчининг турар жойи жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи;

ишлаб чиқарувчи ёки ишни бажарган, хизмат кўрсатган шахснинг турар жойи ёки манзили жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи;

истеъмомли товарни сотиб олган, иш натижасини қабул қилган ёки унга хизмат кўрсатилган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади.

#### **1196-м о д д а. Асоссиз бойлик орттириш**

Асоссиз бойлик орттириш натижасида вужудга келадиган мажбуриятларга нисбатан бойлик орттирилган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Агар асоссиз бойлик орттириш мол-мулкни сотиб олиш ёки тежаб қолишга доир асослар бекор бўлиши натижасида вужудга келса, қўлланиладиган ҳуқуқ бу асос бўйсундирилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Асоссиз бойлик орттириш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

### **7-§. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ**

#### **1197-м о д д а. Ворисликка доир муносабатлар**

Ворисликка доир муносабатлар, башарти ушбу Кодекснинг 1198 ва 1199-моддаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охириги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

**1198-м о д д а. Шахсларнинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли**

Шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, шунингдек васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли, агар мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, ҳужжат тузилаётган пайтда мерос қолдирувчи доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ васиятнома ёки

унинг бекор қилиниши, агар шакл ҳужжат тузилган жойнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи талабларини қаноатлантирса, шаклга риоя этилмаганлиги натижасида ҳақиқий эмас деб топилмайди.

**1199-м о д д а. Кўчмас мулкка ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган мол-мулкка ворислик**

Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, 11–12-модда)

#### (К ў ч и р м а)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми ва иккинчи қисми (бундан буён Кодекс деб юритилади) 1997 йилнинг 1 мартидан амалга киритилсин.

2. Бундан буён қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари Кодексга мувофиқлаштирилгунига қадар уларнинг Кодексга зид келмайдиган қисмлари қўлланилади.

3. Кодекс у амалга киритилганидан кейин юзага келган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Кодекс амалга киритилгунига қадар юзага келган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар бўйича у амалга киритилганидан кейин юзага келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

4. Кодексдаги битимлар ҳақиқий эмаслигининг асослари ва оқибатлари тўғрисидаги нормалар (109, 112 – 128-моддалар), тегишли битимлар қачон тузилганидан қатъий назар, ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги талабномани суд 1997 йилнинг 1 мартидан кейин қўриб чиқадиган битимларга нисбатан қўлланилади.

5. Кодексда белгиланган даъво муддатининг ўтиши аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган, муддатлари 1997 йилнинг 1 мартига қадар ўтиб кетмаган даъволарга нисбатан қўлланилади.

6. Кодекс 187-моддасининг қоидалари (эғалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат) мулкка эғалик қилиш 1997 йилнинг 1 мартига қадар бошланган ва Кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган ҳолларга татбиқ этилади.

7. Кодекснинг 27-бобида белгиланган шартномалар тузиш тартиби 1997 йилнинг 1 мартидан кейин киритилган таклифларга биноан тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади.

8. Кодекснинг айрим турдаги шартномаларни тузиш тартиби ва шакли тўғрисидаги, шунингдек уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги нормалари Кодекс амалга киритилганидан кейин йўлланган таклифларга биноан тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. 1997 йилнинг 1 мартига қадар йўлланган таклифларга биноан 1997 йилнинг 31 мартидан кейин тузилган шартномаларга нисбатан Кодекснинг айрим турдаги шартномаларнинг шакли тўғрисидаги, шунингдек уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги нормалари қўлланилади.

Кодекснинг айрим турдаги шартномалар мазмунини белгилаб берувчи нормалари Кодекс амалга киритилганидан кейин тузилган шартномаларга нисбатан татбиқ этилади.

9. Айрим турдаги шартномаларни бекор қилишнинг шартномадаги тарафлар учун шарт бўлган асослари тўғрисидаги, оқибатлари ҳақидаги ва тартиби тўғрисидаги Кодекс нормалари, улар қачон тузилганлигидан қатъи назар, Кодекс амалга киритилганидан кейин амал қилаётган шартномаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Кодекснинг шартномадаги тарафлар учун шарт бўлган шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалари тегишли қоидабузарликларга Кодекс амалга киритилганидан кейин йўл қўйилган бўлса қўлланилади. 1997 йилнинг 1 мартига қадар тузилган шартномаларда бундай қоидабузарликлар учун бошқа жавобгарлик назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10. Кодекс 760-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларининг қоидалари омонатларга пул маблағларини жалб этиш билан боғлиқ муносабатлар Кодекс амалга киритилгунга қадар юзага келган ҳолларга ҳам татбиқ этилади ва Кодекс амалга киритилган вақтда сақлаб қолинади.

11. Кодекс 990 ва 991-моддаларининг қоидалари агар жабрланувчига зиён етказиш 1997 йилнинг 1 мартига қадар, аммо узоғи билан 1994 йилнинг 1 мартигача юз бериб, етказилган зиён ўрни қопланмай қолмай ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

Кодекс 1005 – 1016-моддаларининг қоидалари фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказиш 1997 йилнинг 1 мартига қадар, аммо узоғи билан 1994 йилнинг 1 мартигача юз бериб, етказилган зиён ўрни қопланмай қолган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

12. Кодекс 1112 – 1157-моддаларининг қоидалари Кодекс амалга киритилгунга қадар очилган бўлиб, аммо 1997 йилнинг 1 мартига қадар меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

13. Кодекснинг ер участкалари билан боғлиқ битимларга оид нормалари ерга доир қонун ҳужжатларида уларнинг татбиқ этилишига йўл қўйилган даражада қўлланилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Кодексга мувофиқлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини Кодексга мувофиқлаштирасин;

республика вазирликлари ва идоралари Кодексга зид келадиган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 29 август,  
257-І-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
Қ О Н У Н И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
МЕХНАТ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади**:  
Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 21 декабрь,  
161-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
МЕХНАТ КОДЕКСИ\***

**УМУМИЙ ҚИСМ**

**I боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-м о д д а. Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамoa келишувлари, шунингдек жамoa шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.<sup>1</sup>

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлардан иборатдир.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда<sup>2</sup>, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт)<sup>3</sup> бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**2-м о д д а. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари**

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига қўмаклашади.

**3-м о д д а. Меҳнат кодексининг амал қилиш доираси**

Меҳнат кодекси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

**4-м о д д а. Меҳнатга оид муносабатларни қонунлар орқали ва шартномалар асосида тартибга солишнинг ўзаро боғлиқлиги**

Ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамoa келишувлари, жамoa шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг шартлари, агар қонунда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, бир тарафлама ўзгартирилиши мумкин эмас.

\* 1996 йил 1 апрелдан кучга киритилган.

<sup>1</sup> Бундан буён матнда «меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар» деб юритилади.

<sup>2</sup> Бундан буён матнда «корхоналар» деб юритилади.

<sup>3</sup> Бундан буён матнда «меҳнат шартномаси» деб юритилади.



Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган масалалар меҳнат тўғрисидаги шартнома тарафларининг келишуви асосида, ўзаро келишилмаган тақдирда эса, – меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**5-м о д д а. Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномалар шартларининг ҳақиқий эмаслиги**

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас.

**6-м о д д а. Меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши**

Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, этноқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида гамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

**7-м о д д а. Мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши**

Мажбурий меҳнат, яъни бирон бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

Қуйидаги ишлар, яъни:

ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;

фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

**8-м о д д а. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.

**9-м о д д а. Меҳнат соҳасидаги давлат бошқаруви. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш**

Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади. (Биринчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-И-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда*)

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қуйидагилар амалга оширади:

1) шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;

2) касаба уюшмалари. (2-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-И-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда*)

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текширишни қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

**10-м о д д а. Халқаро шартномалар, конвенциялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нисбати**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.

**11-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши**

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

**12-м о д д а. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг чет эл корхоналарида қўлланилиши**

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси

худудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

### **13-м о д д а. Ушбу Кодексда назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш**

Ушбу Кодекс меҳнат ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши билан боғлиқдиган муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календарь куннинг эртасидан эътиборан бошланади.

Йиллар, ойлар, ҳафталар билан ҳисобланадиган муддатлар сўнгги йилнинг, ойнинг, ҳафтанинг тегишли кунида тугайди. Календарь бўйича ҳисобланадиган ҳафталар ёки кунлар муддатига ишланмайдиган кунлар ҳам қўшилади.

Башарти муддатнинг сўнгги куни ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади.

## **II боб. МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИНГ СУБЪЕКTLAPИ**

### **14-м о д д а. Ходим меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида**

Белгиланган ёшга етган (77-модда) ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин.

### **15-м о д д а. Иш берувчи меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида**

Куйидагилар иш берувчилар бўлиши мумкин:

- 1) корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида;
- 2) мулкдорнинг ўзи айна бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар;
- 3) ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

### **16-м о д д а. Ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ходим:

ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;

муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари бериш орқали таъминланадиган дам олиш; хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

қариганда, меҳнат қобилятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

### **17-м о д д а. Иш берувчининг асосий ҳуқуқлари**

Иш берувчи:

корхонани бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ яқка тартибдаги меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилиш;

ўз манфаатларини ҳимоялаш учун бошқа иш берувчилар билан бирга жамоат бирлашмалари тузиш ва бундай бирлашмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

### **18-м о д д а. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг хусусиятлари**

Айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин, булар:

ходим билан корхона ўртасидаги меҳнат алоқасининг хусусияти;

ходим меҳнатининг шарт-шароитлари ва хусусияти; табиий иқлим шароитлари;

ходим меҳнат қилаётган жойнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби;

бошқа объектив омиллар билан белгиланади.

Давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари қонун билан белгиланади.

Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг белгиланадиган хусусиятлари ушбу Кодексда назарда тутилган меҳнат ҳуқуқлари ва қафолатларининг даражасини пасайтириши мумкин эмас.

### **19-м о д д а. Меҳнат жамоаси меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида**

Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида меҳнат шартномаси асосида иштирок этаётган унинг барча ходимлари корхона меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

Меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва бурчлари, унинг ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби ва шакллари қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

### **20-м о д д а. Ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллик органлари меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида**

Касаба уюшмалари, уларнинг корхонадаги сайлаб қўйиладиган органлари, ходимлар томонидан сайлаб қўйиладиган бошқа органлар, иш берувчиларнинг ва-

киллик органлари меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида қатнаша оладилар.

### **III боб. ХОДИМЛАР ВА ИШ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ВАКИЛЛИГИ**

#### **21-м о д д а. Ходимларнинг корхонадаги вакил-лиги**

Меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиш ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин, бу органларни сайлаш тартибини, уларнинг ваколатлари муддати ва миқдор таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференцияси) белгилайди. Ходимлар вакиллик қилишни ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя этишни ишониб топширадиган органни ўзлари белгилайдилар.

Барча вакиллик органлари ўз ваколатлари доирасида иш олиб боради ва ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

Корхонада бошқа вакиллик органларининг ҳам бўлиши касаба уюшмаларининг ўз вазифаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини битта вакиллик органи ифода этиши ва ҳимоя қилиши мумкин эмас.

Вакиллик органларининг фаолияти уларни сайлаган ходимларнинг қарорига биноан, шунингдек улар қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этган тақдирда эса – суд томонидан ҳам тугатилиши мумкин.

#### **22-м о д д а. Касаба уюшмалари**

Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва ҳўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари қонун, уставлар, жамоа келишувлари ва шартномалари билан белгиланади.

#### **23-м о д д а. Ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари**

Ходимларнинг вакиллик органлари қуйидагиларга ҳақлидир:

музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг бажарилишини текшириб туриш, иш берувчига корхонада меҳнат тўғрисида норматив ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан таклифлар киритиш;

корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш;

меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш;

иш берувчи ҳамда у вакил қилган шахсларнинг қарорлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга зид бўлса ёхуд ходимларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда бузаётган бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиш.

Вакиллик органлари ижтимоий меҳнат муносабатларида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлар ҳам, башарти бу

хатти-ҳаракатлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, қилишлари мумкин.

Ходимларнинг вакиллик органлари ҳуқуқларининг амалга оширилиши корхонада меҳнат самарадорлигини пасайтирмаслиги, ўрнатилган тартиб ва иш режими бузмаслиги керак.

#### **24-м о д д а. Иш берувчининг ходимларнинг вакиллик органлари олдидagi мажбуриятлари**

Иш берувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт: ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқларига риоя қилиш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

ходимларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса, – уларнинг розилигини олиш;

ходимлар вакиллик органларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида уларга ёзма равишда асосли жавоб бериш;

ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини корхонага, манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз қўйиш;

ходимларнинг вакиллик органларига меҳнат, корхона фаолияти масалаларига ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир ахборотни текин бериш;

ходимларнинг вакиллик органларига ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур шароит яратиб бериш;

ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

#### **25-м о д д а. Ходимлар вакиллик органлари аъзоларининг меҳнат соҳасидаги кўшимча қафолатлари**

Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъқиб қилинишдан ҳимоя этиш қафолатланади.

Вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, – аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Вакиллик органлари таркибига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қонунларда ёки жамоа шартномала-

ри, келишувларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

### **26-м о д д а. Ходимлар вакиллик органларининг фаолиятига тўсқинлик қилишнинг тақиқланиши**

Ходимлар вакиллик органларининг қонуний фаолиятига ҳар қандай тарзда тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Ходимлар вакиллик органларининг фаолиятини иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар ташаббуси билан тугатишга йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳаракатларни содир қилган иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

### **27-м о д д а. Иш берувчиларнинг корхонадаги вакиллиги**

Корхонада иш берувчи номидан вакилликни маъмуриятнинг мансабдор шахслари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, уларнинг уставлари ёки низомлари асосида берилган ваколатлар доирасида амалга оширадилар.

### **28-м о д д а. Иш берувчиларнинг вакиллик органлари**

Иш берувчилар уюшмаларга, ассоциацияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашишга ҳақлидир. Иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради, уларнинг мақсади иқтисодиётни ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

## **IV боб. ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ**

### **1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **29-м о д д а. Жамоа шартномалари ва келишувларининг тушунчаси ва мақсади**

Жамоа шартномаси – корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа келишуви – муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг

ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

#### **30-м о д д а. Жамоа шартномалари ва келишувлари тузишнинг асосий принциплари**

Жамоа шартномалари ва келишувлари тузишнинг асосий принциплари қуйидагилардир:

қонун ҳужжатлари нормаларига амал қилиш;

тарафлар вакилларининг ваколатлилиги;

тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

жамоа шартномалари, келишувлари мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама эркинлиги;

мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги;

олинаётган мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилишини таъминлаш;

текшириб боришнинг мунтазамлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

#### **31-м о д д а. Музокаралар олиб бориш ҳуқуқи**

Ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўзларини вакил қилган ходимлар номидан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар таклиф этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир.

Агар ходимлар томонидан бир вақтнинг ўзида ходимларнинг бир нечта вакиллик органи қатнашаётган бўлса, улар музокаралар олиб бориш, жамоа шартномаси ёки келишувининг ягона лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бундай шартнома ёки келишувни тузиш учун бирлашган вакиллик органи ташкил этадилар.

Жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида музокаралар олиб борилади. Зарур ҳолларда музокараларда ижро этувчи ҳокимият органлари иштирок этадилар. Иш берувчилар, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Авалги жамоа шартномаси, келишувининг амал қилиш муддати тугашига қадар уч ой мобайнида ёки бу ҳужжатлар билан белгилаш қўйилган муддатда ҳар қайси тараф бошқа тарафга янги жамоа шартномасини, келишувини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида ёзма хабар беришга ҳақлидир.

#### **32-м о д д а. Музокаралар олиб бориш тартиби**

Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувининг лойиҳасини тайёрлаш учун тарафлар тенг

ҳуқуқлик асосида тегишли ваколатларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тузадилар.

Комиссиянинг таркиби, музокараларнинг муддати, ўтказиладиган жойи ва кун тартиби тарафлар қарори билан белгиланади.

Музокараларда иштирок этаётган тарафларга жамоа шартномаси, келишувининг мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама қилишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак. Бу маълумотларни ошкор қилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

### **33-м о д д а. Музокаралар чоғида келиб чиқадиган ихтилофларни ҳал этиш**

Музокаралар чоғида келиб чиқадиган ихтилофлар жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **34-м о д д а. Жамоа шартномалари ва келишувлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

1) жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгиланган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

2) музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

3) жамоа шартномаси, келишуви мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун. Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тариқасида баҳоланади ва қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

## **2-§. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ**

### **35-м о д д а. Жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш**

Иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига касаба уюшмаси ўз вакиллик органи орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) эга.

Жамоа шартномалари корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

### **36-м о д д а. Жамоа шартномасининг тарафлари**

Жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органи орқали, иккинчи тарафдан – бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади.

### **37-м о д д а. Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши**

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини тарафлар белгилайди.

Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;

нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари;

иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари;

ходимларнинг, шу жумладан аёллар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш;

корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

ишни таълим билан кўшиб олиб боровчи ходимлар учун имтиёзлар;

ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта;

иш берувчи томонидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари; (ўнинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 сентябрь ЎРҚ-8-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 37–38-сон, 280-модда)

жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шерик-

лик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли ша-роит яратиб бериш.

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллари, пенсияларга тайинланган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Башарти амалдаги қонунларда норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

### **38-м о д д а. Жамоа шартномасининг лойиҳасини муҳокама қилиш**

Жамоа шартномасининг лойиҳаси корхонанинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши керак ва у билдирилган фикр ва таклифлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб такомилга етказилади.

Ишлаб такомилга етказилган лойиҳа меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) муҳокама-сига қўйилади.

### **39-м о д д а. Меҳнат жамоаси йиғилишининг (конференциясининг) ваколатли-лиги**

Меҳнат жамоасининг йиғилиши, башарти унда ходимларнинг ярмидан кўпроги иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Меҳнат жамоасининг конференцияси, башарти унда делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

### **40-м о д д а. Жамоа шартномасини тузиш тартиби**

Жамоа шартномаси, башарти уни умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётганларнинг эллик фоизидан кўпроги ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади.

Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқуллан-маса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилиш-да (конференцияда) билдирилган таклиф-истакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб такомилга етказадилар ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилиш (конференция) муҳокама-сига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилишда (конференцияда) маъқулланган-дан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартно-масини уч кун ичида имзолайдилар.

### **41-м о д д а. Жамоа шартномасининг амал қилиш муддати**

Жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб

кучга киради ҳамда тарафлар белгиланган муддат даво-мида амал қилади.

Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси та-рафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шарт-номани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

### **42-м о д д а. Жамоа шартномасининг амал қилиш доираси**

Жамоа шартномаси иш берувчига ва мазкур корхо-нанинг барча ходимларига, шу жумладан жамоа шарт-номаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

### **43-м о д д а. Корхона қайта ташкил этилганда жамоа шартномасининг ўз кучини сақлаб қолиши**

Корхона қайта ташкил этилганда шу қайта ташкил қилиш даврида жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолади, шундан кейин тарафлардан бирортасининг та-шаббуси билан қайта кўриб чиқиши мумкин.

Корхона таркиби, тузилиши, бошқарув органининг номи ўзгарган, корхона раҳбари билан тузилган меҳ-нат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам жамоа шартномаси ўз кучини сақлаб қолади.

### **44-м о д д а. Корхона мол-мулкнинг эгаси ўзгарганда жамоа шартномасининг ўз кучини сақлаб қолиши**

Корхона мол-мулкнинг эгаси ўзгарганда жамоа шарт-номаси ўз кучини олти ой мобайнида сақлаб қолади.

Бу даврда тарафлар янги жамоа шартномасини ту-зиш ёки амалдагисини сақлаб қолиш, ўзгартириш ва тўлдириш ҳақида музокаралар бошлашга ҳақли.

Жамоа шартномаси қайта кўриб чиқилаётганида ав-валги жамоа шартномасида ходимлар учун назарда ту-тилган имтиёزلарни сақлаб қолиш ва бошқа шартлар-ни бажариш мумкинлиги тўғрисидаги масала ҳал эти-лиши керак.

### **45-м о д д а. Корхона тугатилганда жамоа шартномасининг ўз кучини сақ-лаб қолиши**

Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида тугатилаётганда жамоа шартномаси бутун тугатиш ишлари олиб борилаётган муддат даво-мида ўз кучини сақлаб қолади.

### **46-м о д д а. Жамоа шартномасининг бажари-лишини текшириб бориш**

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбурият-ларнинг бажарилишини тарафларнинг вакиллари, меҳ-нат жамоаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир-лигининг тегишли органлари текшириб борадилар. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддат-ларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат

жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб турадилар.

Текшириш олиб бориш вақтида тарафлар ўзларидаги бунинг учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этишлари шарт.

### 3-§. ЖАМОА КЕЛИШУВЛАРИ

#### 47-м о д д а. Жамоа келишувларининг турлари

Тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига қараб бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин.

Жамоа келишувлари музокараларда иштирок этаётган тарафларнинг келишувига мувофиқ икки тарафлама ва уч тарафлама бўлиши мумкин. Келишувни тузиш вақтида учинчи тараф сифатида ижро этувчи ҳокимият органи иштирок этиши мумкин.

Касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иш берувчи ёки иш берувчининг вакили бўлмаган ижро этувчи ҳокимият органидан улар билан икки тарафлама келишув тузишни талаб этишга ҳақли эмас.

#### 48-м о д д а. Бош келишув

Бош келишув Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ҳам тузилади.

Бош келишув ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради.

#### 49-м о д д а. Тармоқ келишувлари

Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳам тузилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Тармоқ келишувлари тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимларининг (касбдошлар гуруҳларининг) ижтимоий кафолатларини белгилаб беради.

#### 50-м о д д а. Ҳудудий (минтақавий) келишувлар

Ҳудудий келишувлар тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади.

Ҳудудий келишувлар ҳудудларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш шартларини белгилайди.

#### 51-м о д д а. Жамоа келишувларини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари

Жамоа келишувларини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари ушбу Кодекснинг 32-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан белгиланади ва унинг қарори билан расмийлаштирилади.

Ходимларнинг тегишли поғонадаги вакиллик органлари (уларнинг бирлашмалари) бир нечта бўлган тақдирда ходимлар томонидан ажратиладиган комиссия аъзолари шу органлар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

Жамоа келишувининг лойиҳаси комиссия томонидан ишлаб чиқилади ва келишув қатнашчиларининг ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланади.

Тарафлар томонидан имзоланган жамоа келишуви, унинг иловалари етти кунлик муддат ичида келишув иштирокчиларига, шунингдек билдириш рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органларига юборилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

#### 52-м о д д а. Жамоа келишувларининг мазмуни

Жамоа келишувларининг мазмунини тарафлар белгилайдилар.

Жамоа келишувларида:

меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби;

нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

энг кам миқдори қонун ҳужжатларида назарда тутилдиган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар;

ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга кўмаклашиш;

экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлигини муҳофаза қилиш;

ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар;

давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар;

ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустақамлаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши мумкин.

Жамоа келишувларида бошқа меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қонун ҳужжатларига зид келмайдиган қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

### **53-м о д д а. Жамоа келишувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Жамоа келишувига ўзгартиш ва қўшимчалар унинг ўзида белгиланган тартибда тарафларнинг ўзаро розилиги билан киритилади, агар бу ҳол белгиланмаган бўлса – ушбу Кодексда уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **54-м о д д а. Жамоа келишувининг амал қилиш муддати**

Жамоа келишуви у имзоланган пайдан ёки келишувда белгиланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Жамоа келишувининг амал қилиш муддати тарафлар томонидан белгиланади ва у уч йилдан ошиб кетмаслиги лозим.

### **55-м о д д а. Жамоа келишувининг амал қилиш доираси**

Жамоа келишуви ваколатли органлари шу келишувни тузган ходимларга ва иш берувчиларга нисбатан татбиқ этилади.

Уч тарафлама келишув тузилган тақдирда унинг амал қилиши ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органига ҳам татбиқ этилади.

### **56-м о д д а. Жамоа келишувларининг бажарилишини текшириб бориш**

Барча поғонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бевосита тарафлар ёки улар ваколат берган вакиллар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб турилади. Текшириш вақтида тарафлар бу иш учун керакли маълумотларни тақдим қилишлари шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

## **МАХСУС ҚИСМ**

### **V бoб. ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ**

#### **57-м о д д а. Ишга жойлашиш ҳуқуқи**

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

#### **58-м о д д а. Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари**

Давлат:

иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ олишда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шартлари ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади.

#### **59-м о д д а. Ишга жойлашишга давлат йўли билан кўмаклашиш**

Аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимининг тегишли органлари томонидан амалга оширилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш борасидаги тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгиланган тартибда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ташкил этилади.

#### **60-м о д д а. Ишсиз деб эътироф этиш**

Ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

#### **61-м о д д а. Ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган шахслар учун мақбул келадиган иш**

Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб



бериш имконияти бўлмаган тақдирда эса, уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиғи ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инobatга олувчи иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ушбу Кодекс 65-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ишсизликнинг дастлабки даври тугаганидан сўнг касбига (мутахассислигига) мос иш топиб бериш мумкин бўлмаган тақдирда унинг қобилятини, кучини, олдинги тажрибасини ва унга қулай бўлган таълим воситаларини ҳисобга олиб, касбини (мутахассислигини) ўзгартиришни талаб қиладиган иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин.

### **62-м о д д а. Таклиф қилинган мақбул келадиган ишни рад этиш**

Маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ўн кун ичида ўзларига таклиф қилинган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар иш қидираётган деб эътироф этилмайди ва таклиф қилинган ишни рад этган пайтдан бошлаб ўттиз календарь кун ўтгандан кейингина ишсиз сифатида такроран рўйхатга олиниш ҳуқуқига эгадир.

### **63-м о д д а. Мақбул келадиган деб ҳисобланмайдиган иш**

Агар иш: яшаш жойини ўзгартириш билан боглик бўлса таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса; таклиф қилинган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва касб учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлса; ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган бўлса, бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

### **64-м о д д а. Моддий мадад беришга оид кафолатлар**

Ишдан маҳрум бўлган, биринчи марта иш қидираётган, шунингдек узоқ (бир йилдан ортик) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашни истаган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга:

ишсизлик нафақаси тўлаш;  
қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;

касб ўрганиш, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни меҳнат стажига қўшиш;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти таъминланади.

Меҳнат шартномаси алоҳида асослар бўйича бекор қилинган тақдирда ходимларга моддий мадад бериш учун қўшимча кафолатлар берилади (67-модда).

### **65-м о д д а. Ишсизлик нафақасини тўлаш шартлари ва муддатлари**

Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакка ишсизлик нафақаси у ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи, у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб, кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортик) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қиладиган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта;

илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календарь ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Ишсизлик нафақасининг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **66-м о д д а. Ишсизлик нафақасини тўлашни бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ва унинг миқдорини камайтириш**

Қуйидаги ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш бекор қилинади:

ишсиз шахс ишга жойлашганда;

ишсиз шахс таклиф қилинган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган тақдирда;

қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишни рад этган тақдирда;

ишсиз шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқини олган тақдирда;

ишсиз шахс суднинг ҳукми билан қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазога ҳукм қилинган бўлса;

ишсиз шахс ишсизлик нафақасини олиб турган даврда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилмай вақтинча ишга жойлашган бўлса;

ишсизлик нафақасини алдов йўли билан олаётган бўлса;

ишсиз шахс вафот этган тақдирда.

Қуйидаги ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш тўхтатиб турилади:

ишсиз шахс касбга ўрганиш, қайта тайёрлаш ёки малакасини оширишга юборилган бўлса, – стипендия олиб касб ўрганиш, қайта тайёрлашдан ўтиш ёки малака ошириш даврида;

ишсиз шахс ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасида даволаш курсини ўтаётган бўлса, – бундай муассасада бўлган даврида;

ишсиз шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этаётган бўлса, – бундай ишларда иштирок этган даврида.

Ишсиз шахс узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда маҳаллий меҳнат органига келмаган тақдирда, ишсизлик нафақасини тўлаш уч ойгача муддатга тўхтатиб қўйилиши ёки нафақанинг миқдори камайтирилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон ва 1998 йил 25 декабрь 729-1-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда)*

### **67-м о д д а. Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда моддий мадад бериш учун белгиланган қўшимча кафолатлар**

Меҳнат шартномаси:

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли (89-модданинг тўртинчи қисми);

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди) сабабли;

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайқлиги сабабли (100-модда иккинчи қисмининг 2-банди);

шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга қайта тикланиши сабабли (106-модданинг 2-банди) бекор қилинган ҳолларда иш қидириш даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинган (100-модда иккинчи қисмининг 6-банди) ҳолларда ҳам татбиқ этилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ун календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсалар, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойларидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган ходимларга уч ой мобайнида мақбул келадиган иш топиб берилмаган тақдирда, улар ишсиз деб эътироф этиладилар. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ўн кун ичида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган ва касби бўйича қайта ўқитилаётган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошираётган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибга яраша миқдорларда стипендия тўланади.

Башарти иш берувчи ночор (банкрот) деб топилса, у билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимлар иш ҳақи ва ўзларига тегишли бошқа тўловлар хусусида бошқа барча кредиторларнинг талабларига нисбатан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Тугатилаётган корхоналарнинг маблағи бўлмаган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимларга компенсациялар иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамгармаси маблағлари ҳисобидан тўланади. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

### **68-м о д д а. Аҳолининг айрим тоифалари учун ишга жойлашишдаги қўшимча кафолатлар**

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналарга; таълим муассасаларини битирган ёшларга; Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатишларга; ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга; жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан мажбурий даволанишга юборилган шахсларга қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш минимал иш жойларини белгилаб қўйиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча кафолатларни таъминлайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон ва 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Ҳарбий хизматга қақирилган (ўтган) ходим резервга бўшатишга ёки истеъфога чиққанидан кейин, башарти Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатишга қонундан бошлаб узоғи билан уч ой ичида ишга жойлашиш масаласида иш берувчига муурожаат этган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эгадир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон ва 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон қонунлари таҳририда – Ўзбе-*

кстон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-маси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)

Ҳарбий хизматга чақирилган (ўтган), лекин кейинчалик резервга бўшатишган ёки истеъфога чиққан ходим, агар унинг ҳарбий хизматга чақирилган (ўтган) кунидан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиб келиш ҳуқуқига эга. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)

Корхона қайта ташкил этилганда ҳарбий хизматдан бўшатишган шахсларни ишга жойлаштиришни унинг ҳуқуқий вориси, корхона тугатилганда эса – маҳаллий меҳнат органи амалга оширади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

Ходимларга ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган кафолатларни бериш мумкин бўлмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда эса, касби бўйича бепул ўқитишни таъминлайди.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган кафолатлар муқобил хизматга чақирилган ходимларга ҳам татбиқ этилади.

### **69-м о д д а. Давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимларни ишга жойлаштириш юзасидан қўшимча кафолатлар**

Давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугагандан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг иш (лавозим) берилади.

### **70-м о д д а. Иш билан таъминлаш соҳасидаги қўшимча имтиёзлар**

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар назарда тутилиши мумкин.

### **71-м о д д а. Аҳолини ишга жойлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш боғлиқ ва уларни бузганлик учун жавобгарлик**

Аҳолини ишга жойлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширишни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари, кассаба уюшмалари амалга оширадilar. (Биринчи қисм

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)

Меҳнат қилишга мажбурлашда, шунингдек аҳолини ишга жойлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **VI боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ**

### **1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **72-м о д д а. Меҳнат шартномасининг тушунчаси ва тарафлари**

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига буйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар.

Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин.

#### **73-м о д д а. Меҳнат шартномасининг мазмуни**

Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан қуйидагилар белгиланади:

- иш жойи (корхона ёки унинг бўлини маси);
- ходимнинг меҳнат вазифаси – мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим;
- ишнинг бошланиш куни;
- меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати;
- меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари.

Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пайтирилиши мумкин эмас.

#### **74-м о д д а. Меҳнат шартномасининг шакли**

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Меҳнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камидан икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида корхона муҳри билан тасдиқланади.

### **75-м о д д а. Меҳнат шартномасининг муддати**

Меҳнат шартномалари:

номуайян муддатга;

беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;

муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

### **76-м о д д а. Иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаш**

Муддатли меҳнат шартномалари:

бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, у бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

## **2-§. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ**

### **77-м о д д а. Ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш**

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган энгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариш учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ–239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

### **78-м о д д а. Ишга қабул қилишни гайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмаслиги**

Ишга қабул қилишни гайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Қуйидагилар ишга қабул қилишни гайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланади:

ушбу Кодекс 6-моддасининг биринчи қисми талабларининг бузилиши;

иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болаларни бор аёлларни – тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қилмаслик; *(иккинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантирилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш гайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

### **79-м о д д а. Қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини чеклаш**

Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига велосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида қилмадиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.

### **80-м о д д а. Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар**

Ишга қабул қилиш вақтида ишга қираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;

меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга қираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга қираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ-239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

### **81-м о д д а. Меҳнат дафтарчаси**

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

### **82-м о д д а. Ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби**

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корxonани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади.

Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади.

Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

### **83-м о д д а. Меҳнат шартномасининг кучга кириши ва ишнинг бошланиш кuni**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим.

Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш кuni ҳақида шартлашилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси имзоланган иш кунининг (сменанинг) эртасидан кечикмай ишга тушмоғи лозим.

### **84-м о д д а. Ишга қабул қилишда дастлабки синов**

Меҳнат шартномаси куйидаги мақсадда дастлабки синов шarti билан тузилиши мумкин:

ходимнинг топшириладиган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;

ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

### **85-м о д д а. Дастлабки синов муддати**

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

### **86-м о д д а. Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг татбиқ этилиши**

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади.

Дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади.

### **87-м о д д а. Дастлабки синов натижаси**

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган огоҳлантириш муддатини қисқартиришга фақат шартнома тарафларининг келишуви билан йўл қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан белгилаб олинган огоҳлантириш муддати мобайнида ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисида берилган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

### **3-§. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

#### **88-м о д д а. Меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартиришнинг умумий тартиби**

Меҳнат шартлари деганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг жами тушунилади.

Ижтимоий омиллар жумласига меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқа шартлар кирadi.

Техника, санитария, гигиенага оид, ишлаб чиқариш-маиший ва бошқа шартлар ишлаб чиқариш омиллари деб ҳисобланади.

Меҳнат шартлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан белгиланади.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси тарафларидан бирининг талаби билан меҳнат шартларини ўзгартиришга ушбу Кодекснинг 89 ва 90-моддаларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

#### **89-м о д д а. Иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи**

Иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

Иш берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартларини ўзгартириш хусусида корхонадаги ходимларнинг вакиллик органлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олади.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Кўпчилик ходимлар гуруҳи учун меҳнат шартлари ноқулай тарзда ўзгарган тақдирда, иш берувчи маҳаллий меҳнат органига бундай ўзгартиришларнинг сабаби ҳақида маълумот бериши шарт.

Ходим иш берувчи томонидан меҳнат шартлари ўзгартирилганлиги устидан судга шикоят қилишга ҳақли. Низони кўриш вақтида иш берувчининг зимма-

сига аввалги меҳнат шартларини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини исботлаб бериш мажбурияти юқатилади.

#### **90-м о д д а. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи**

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда, ходим иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги талаблари рад этилган тақдирда, иш берувчи унга рад этишнинг сабабини маълум қилиши керак. Ходимга унинг талабларини рад этиш сабабларини маълум қилмаслик ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш рад этилганлиги хусусида шикоят қилиши учун тўсиқ бўла олмайди.

#### **91-м о д д а. Иш жойини ўзгартириш**

Меҳнат шартномасида шартлашиб олинмаган иш жойини ўзгартириш меҳнат шартларини ўзгартириш деб ҳисобланмайди ва бу ҳақда ходим билан келишиш талаб қилинмайди.

#### **92-м о д д а. Бошқа доимий ишга ўтказиш**

Бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) – унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Агар объектив сабабларга кўра (100-модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажарётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош торган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

#### **93-м о д д а. Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказиш**

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

#### **94-м о д д а. Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш**

Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли

келиб чиққан ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходимларнинг соғлиғи ҳолатига кўра вақтинча енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш, шунингдек ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча ана шундай ишга ўтказиш ушбу Кодекснинг тегишинча 218, 226 ва 227-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

#### **95-м о д д а. Иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш**

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномасида кўрсатилади, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

#### **96-м о д д а. Меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш**

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

Доимий бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда чиқарилади ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига биноан ҳамда ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун унинг аризаси, ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун эса, – уларнинг аризаси ва тиббий ҳулоса асос бўлади.

Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ишлаб чиқариш зарурияти ёки ишда бекор туриб қолиш фактининг мавжудлиги асос бўлади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, шунингдек иш жойини ўзгартириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномасида назарда

тутилган меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

Меҳнат шартномасида муайян иш жойи аниқ кўрсатиб қўйилган ҳолларда иш жойини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

#### **4-§. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ**

##### **97-м о д д а. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари**

Меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

1) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

3) муддатнинг тугаши билан;

4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;

5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра. Меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт меҳнат шартномасида бу шартнома иш берувчи томонидан корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилганда, шунингдек қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин; *(5-банднинг иккинчи жумласи Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўлмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан. *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)*

##### **98-м о д д а. Корхона мулкдори алмашган, корхона қайта ташкил этилган, идоровий бўйсунуви ўзгарган ҳолларда меҳнат шартномаси амал қилишининг давом этиши**

Корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиғи билан давом этаверади.

Янги мулкдор корxonанинг раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (100-модда иккинчи қисмининг 6-банди). Корxonанинг бошқа ходимлари билан эса меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда бекор қилиниши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил*

12 май 220–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)

Корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди.

### **99-м о д а. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш**

Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтрасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйилган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда ходимнинг неустойка тўлаши белгилаб қўйилиши мумкин.

### **100-м о д а. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш**

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Куйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгар-

ликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати: ички меҳнат тартиби қоидалари; корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгаллиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ноҳўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади;

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди; (6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)

7) ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда. (7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрь ЎРҚ–272-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 483-модда)

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

### **101-м о д а. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олиш**

Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси



билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномаси:

корхона тугатилиши муносабати билан;

корхона раҳбари билан тузилган шартномани ушбу Кодекс 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

ушбу Кодекс 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандига кўра иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг розилигини олиш талаб этилмайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак, бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Меҳнат интизомини бузганлик учун (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) меҳнат шартномасини иш берувчи томонидан бекор қилишга интизомий жазоларни қўлланш учун белгиланган муддатлар (182-модда) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

### **102-м о д д а. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш**

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт:

1) меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди), шунингдек ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда (100-модда иккинчи қисмининг 7-банди) бекор қилинганда камида икки ой олдин; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрь ЎРҚ–272-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 483-модда)*

2) меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажа-

раётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда (100-модда иккинчи қисмининг 2-банди) камида икки ҳафта олдин.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Агар тиббий хулосага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соғлигига тўғри келмаса, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда, ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган огоҳлантириш қилинмайди. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдориди компенсация тўланади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси корхона мулкдори алмашиши сабабли бекор қилинганда (100-модда иккинчи қисмининг 6-банди) янги мулкдор уни меҳнатга оид муносабатларнинг келгусида бекор қилиниши тўғрисида камида икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлаши шарт. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари), иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлайди.

Огоҳлантириш муддати давомида, меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришни истисно этганда, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади. Ходимни огоҳлантириш муддатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди, меҳнатга оид муносабатларнинг корхона тугатилганлиги натижасида бекор қилиниши бундан мустасно.

Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.

**103-м о д д а. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуқ**

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорирок бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда куйидагиларга афзаллик берилади:

1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;

4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида; (иккинчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ–239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)

5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина, инobatга олинади.

**104-м о д д а. Муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўлаш**

Муддатли меҳнат шартномасида уни муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафларнинг неустойка

тўлаши ҳақидаги ўзаро мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин, бунга кўра, агар меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича (100-модда иккинчи қисмининг 1, 2, 5, 6 ва 7-бандлари) иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган бўлса, иш берувчи ходимга неустойка тўлайди, агар меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг ташаббуси билан (99-модда), шунингдек ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) боғлиқ асослар бўйича бекор қилинган бўлса, ходим иш берувчига неустойка тўлайди. Агар меҳнат шартномасида неустойканинг миқдори белгилаб қўйилмаган бўлса, тарафлар уни тўлашдан озод этиладилар. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрь ЎРҚ–272-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 483-модда)

Неустойканинг миқдори иш берувчи томонидан ходимнинг манфаатларини кўзлаб қилинган харажатларга, ходим ишлаган давр ва бошқа ҳолатларга боғлиқ тарзда тафовут қилиши мумкин.

Ходим тўлайдиган неустойка миқдори иш берувчи тўлайдиган неустойка миқдоридан ошиб кетиши мумкин эмас.

Агар меҳнат шартномаси ушбу Кодекснинг 99-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ходим ташаббуси билан бекор қилинган бўлса, у неустойка тўлашдан озод этилади.

Тарафлардан бири неустойка тўлашдан бош тортса, уни ундириш суд тартибида амалга оширилади.

**105-м о д д а. Муддатли меҳнат шартномасини муддати тугаши муносабати билан бекор қилиш**

Муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади.

Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.

**106-м о д д а. Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши**

Меҳнат шартномаси куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда;

3) ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда;

- 4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;
- 5) ходимнинг вафоти муносабати билан;
- 6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

#### **107-м о д д а. Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш**

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

Охириги иш куни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Иш берувчининг буйругида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу Кодекснинг 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалари таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, Кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан унинг касаллиги, ногиронлиги, ёшга доир пенсияга чиқиши, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрти ёхуд аспирантурага қабул қилиниши ва қонун ҳужжатларига кўра муайян имтиёзлар ва афзалликлар бериладиган бошқа сабаблар туфайли бекор қилинганда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда шу сабаблар кўрсатилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ-239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*

#### **108-м о д д а. Меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериш**

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

#### **109-м о д д а. Ишдан бўшатиш нафақаси**

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:

иш берувчининг ташаббуси билан, ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно;

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ушбу Кодекснинг 106-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан. Меҳнат шартномаси ушбу Кодекснинг 106-моддаси 4-бандига биноан бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ходимнинг айби билан бузилган ҳоллар (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо) бундан мустасно;

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли (89-модданинг тўртинчи қисми).

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

#### **110-м о д д а. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли иш ҳақини иш берувчи томонидан тўлаш муддатлари**

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга, – меҳнат шартномаси бекор қилинган куни;

2) меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга, – у ҳисоб-китоб қилишни талаб этган куни тўланиши керак.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда унга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлган ходимга, – огоҳлантиришига кўра у ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирмасдан;

2) меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга, – ишдан кетган кунининг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, ходимга шак-шубҳасиз тегадиган суммани иш берувчи ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

#### **111-м о д д а. Ишга тиклаш**

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

Низони кўриш вақтида иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асослилигини исботлаб бериш масъулияти юклатилади.

Агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб олиш назарда тутилган бўлса, суд касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олинган-олинмаганлигини аниқлайди.

#### **112-м о д д а. Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилганлик ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги**

Ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади. Зарарни қоплаш:

мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан (275-модда);

меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлашдан;

маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборатдир. Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимнинг илтимосига кўра суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига (ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилгандан ташқари) камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкин.

Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар учун ушбу Кодекснинг 274-моддасида назарда тутилган тартибда моддий жавобгар бўлади.

#### **113-м о д д а. Ишдан четлаштириш**

Ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди.

Алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди.

Ходим мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходим иш берувчининг айби билан ғайриқонуний равишда ишдан четлаштирилганда ходимга етказилган зарарни ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда тўлаш мажбурияти иш берувчига юклатилади.

### **VII БОБ. ИШ ВАҚТИ**

#### **114-м о д д а. Иш вақти тушунчаси**

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

#### **115-м о д д а. Иш вақтининг нормал муддати**

Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинган тақдирда ушбу Кодекснинг 123-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

#### **116-м о д д а. Иш вақтининг қисқартирилган муддати**

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиги ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вази-

фаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (242-модда);

I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (220-модданинг учинчи қисми);

ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар (117-модда);

алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (118-модда);

уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (228<sup>1</sup>-модда). *(Иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрель 760-I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 112-модда)*

#### **117-м о д д а. Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати**

Иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамoa шартномаларида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган услубияти асосида белгиланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-I-сон ва 2001 йил 12 май 220-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг муддати чегараси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

#### **118-м о д д а. Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати**

Юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббийёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муд-

дати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

### **119-м о д д а. Тўлиқсиз иш вақти**

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи ушбу Кодексда (229-модда), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

### **120-м о д д а. Иш ҳафтасининг турлари. Иш вақти режими**

Иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиши ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашилиши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, – ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

Ходимни сурункасига икки смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.

### **121-м о д д а. Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасидаги ишнинг муддати**

Байрам (ишланмайдиган) кунлари (131-модда) арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

### **122-м о д д а. Тунги вақтдаги ишнинг муддати**

Соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш ушбу Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

### **123-м о д д а. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш**

Ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин (115–118-моддалар). Бунда ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамoa шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга (220-модданинг бешинчи қисми ва 228, 245-моддалар) риоя қилган ҳолда жорий этилади.

### **124-м о д д а. Иш вақтидан ташқари иш**

Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш ушбу Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

### **125-м о д д а. Иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддати**

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлар вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

## **VIII боб. ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

### **1-§. ТАНАФФУСЛАР, ДАМ ОЛИШ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИ**

#### **126-м о д д а. Дам олиш вақти тушунчаси**

Дам олиш вақти – ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир.

### **127-м о д д а. Иш куни (смена) давомидаги танаффуслар**

Ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди.

Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муллоти ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан иш куни (смена) давомида бошқа танаффуслар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

### **128-м о д д а. Кундалик дам олиш вақтининг муддати**

Ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

### **129-м о д д а. Дам олиш кунлари**

Барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади.

Умумий дам олиш куни якшанбадир.

### **130-м о д д а. Дам олиш кунларида ишга жалб этишнинг чекланиши**

Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этиш ушбу Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Дам олиш кунларида бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу Кодекснинг 157-моддасига биноан амалга оширилади.

### **131-м о д д а. Байрам (ишланмайдиган) кунлари**

Қуйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунларидир:

1 январь – Янги йил;

8 март – Хотин-қизлар куни;

21 март – Наврўз байрами;

9 май – Хотира ва қадрлаш куни; *(бешинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)*

1 сентябрь – Мустақиллик куни;

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни; *(еттинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь 367-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 65-модда)*

9 декабрь – Конституция куни;

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) – диний байрамнинг биринчи куни;

Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адха) – диний байрамнинг биринчи куни.

### **132-м о д д а. Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этишнинг чекланиши**

Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина ушбу Кодекснинг 130-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга (узлуксиз ишлайдиган қорхоналар, объектларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

## **2-Ў. ТАЪТИЛЛАР**

### **133-м о д д а. Йиллик меҳнат таътиллари**

Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

### **134-м о д д а. Йиллик асосий таътил**

Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

### **135-м о д д а. Йиллик узайтирилган асосий таътиллари**

Қуйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга – ўттиз календарь кун;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ўттиз календарь кун.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллари белгиланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллари бериш назарда тутилиши мумкин.

**136-м о д д а. Йиллик қўшимча таътилар**

Қўшимча таътилар:

меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга (137-модда); *(иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга (138-модда);

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

**137-м о д д а. Меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътил**

Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, – касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади. *(Модданинг номи ва иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон ва 2001 йил 12 май 220-11-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун қўшимча таътилнинг энг кам муддати, бундай таътилни бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

**138-м о д д а. Оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил**

Табиий-иқлим шароити оғир ва ноқулай жойлар рўйхати ҳамда йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилади.

Тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бошқа жойларда ҳам ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш назарда тутилиши мумкин.

**139-м о д д а. Йиллик таътиларнинг муддатини ҳисоблаш**

Таътиларнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади.

Таътил даврига тўғри келиб қолган ва ушбу Кодекснинг 131-моддасига мувофиқ ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

**140-м о д д а. Йиллик асосий ва қўшимча таътиларни жамлаш тартиби**

Йиллик таътилни умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътилар йиллик асосий таътилга (шу жумладан узайтирилган таътилга ҳам) қўшиб жамланади.

Барча ҳолларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътиларни жамлашда уларнинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

**141-м о д д а. Таътилар муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Таътилар муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, ўн беш календарь кундан ками эса чиқариб ташланади.

**142-м о д д а. Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш**

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар қиради:

иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт;

ҳодим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, бундан болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътилар мустасно;

меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ҳодим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ҳодим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда йиллик қўшимча таътиларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари назарда тутилиши мумкин.

### 143-м о д д а. Таътиллари бериш тартиби

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади.

Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга – ҳомиладорлик ва туғиш таътили олди-дан ёки ундан кейин;

I ва II гуруҳ ногиронларига;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга; (*учинчи қисмининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда*)

ўриндошлик асосида ишлаётганларга – асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтида мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар; (*учинчи қисмининг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ-239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда*)

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди).

Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади. (*Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ-239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда*)

Таътил ҳар йили, шу таътил берилётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек ушбу Кодекснинг 137-моддасида кўрсатилган йиллик кўшимча таътиллари бермаслик тақиқланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллари жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

### 144-м о д д а. Таътиллари бериш вақти ва навбати

Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камидан ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига:

I ва II гуруҳ ногиронларига;

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга; таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (250-модда); жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

### 145-м о д д а. Таътилни узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш

Ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;

йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда; давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Агар ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинма-



ган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

#### **146-м о д д а. Таътилни қисмларга бўлиш**

Ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилни бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

#### **147-м о д д а. Таътидан чақириб олиш**

Таътидан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки ушбу Кодекснинг 143-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши керак.

#### **148-м о д д а. Таътилар учун ҳақ тўлаш**

Йиллик таътилар даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади (169-модда).

Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириги иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

#### **149-м о д д а. Ижтимоий таътилар**

Ходимлар қуйидаги ижтимоий таътилар олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар:

ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари (233-модда);  
болаларни парваришlash таътиллари (232, 234, 235-моддалар);

ўқиш билан боғлиқ таътилар (252, 254 ва 256-моддалар); (тўртинчи хатбоши *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь УРҚ-239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда*)

ижодий таътилар (258-модда).

#### **150-м о д д а. Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилар**

Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;  
ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-модда);

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (232-модда);

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

#### **151-м о д д а. Фойдаланилмаган таътилар учун пуллик компенсация тўлаш**

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва кўшимча таътилар учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг ушбу Кодекснинг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий таътиларнинг барча турларидан, шунингдек ушбу Кодекснинг 137 ва 138-моддаларида назарда тутилган кўшимча таътилардан асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

#### **152-м о д д а. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда йиллик асосий ва кўшимча таътидан фойдаланиш**

Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва кўшимча таътиларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган таътил даврида ходим меҳнат шартномасини унинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисидаги аризасини, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантиришнинг қонун ёки тарафларнинг келишуви билан белгиланган муддати тугаган бўлса, қайтариб олишга ҳақли эмас.

Меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганда кейинчалик меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш шarti билан, гарчи ҳақиқатда ишланган вақт ҳамда таътил вақтининг умумий йигиндиси меҳнат шартномаси муддати чегарасидан чиқиб кетса ҳам таътил берилиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат шартномасининг амал қилиши таътил тугагунга қадар узайтирилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинганда йиллик асосий ва кўшимча меҳнат таътилидан асли ҳолида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

### **IX БОБ. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ**

#### **153-м о д д а. Меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш**

Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб

қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиладиларди. Меҳнатга ҳақ, қоида тарикасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 август 271 II-сон ва 2002 йил 30 август 405 II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 182-модда; 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминладиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий-иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффициентлари ва устамалар белгиланади.

Район коэффициентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларни қўллаш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

#### **154-м о д д а. Меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари**

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Меҳнат шартномасининг тарафлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

#### **155-м о д д а. Меҳнат ҳақининг энг кам миқдори**

Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрь ЎРК–329-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 421-модда)*

Меҳнат ҳақининг энг кам миқдорига қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар (157, 158-моддалар), шунингдек район коэффициентлари (153-модданинг тўртинчи қисми) қўшилмайди.

#### **156-м о д д а. Меҳнат ҳақи шартларини ўзгартириш**

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, ўша тартибда ўзгартирилади (153-модда).

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг яқка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Истисно тарикасида бундай ўзгартиришга:

технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда, башарти

меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

#### **157-м о д д а. Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун ҳақ тўлаш**

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

#### **158-м о д д а. Тунги вақтдаги иш учун ҳақ тўлаш**

Тунги вақтдаги (122-модданинг биринчи қисми) ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим барабар миқдорда ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бевосита тунги сменадан олдингиси кечки смена деб ҳисобланади.

#### **159-м о д д а. Яроқсиз маҳсулот тайёрланганда ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш**

Ходимнинг айбисиз яроқсиз маҳсулот тайёрланганда ва бекор туриб қолинган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади, бундай баҳолар жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган тўлиқ, яроқсиз маҳсулот ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди.

### **160-м о д д а. Бир неча касбда (лавозимда) ва ўриндошлик асосида ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш**

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек ўриндошлик асосида иш бажарилганда (ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарганда), ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади.

### **161-м о д д а. Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари**

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунини ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли барча суммаларни тўлаш ушбу Кодекснинг 110-моддасига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

### **162-м о д д а. Ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақини бериш**

Ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақининг оила аъзоларига, шунингдек меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларга берилади.

### **163-м о д д а. Иш ҳақини тўлаш жойи**

Ходимларга иш ҳақи, одатда, улар ишлаётган жойда тўланади.

### **164-м о д д а. Меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш**

Умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, – суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Куйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

3) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисобкитобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган сум-

мани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган аванснинг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибида ундирилади;

4) ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, – таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси ушбу Кодекс 89-моддасининг тўртинчи қисмида, 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандларида, 106-моддасининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди;

5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;

6) ушбу Кодекснинг 181-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинмаган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

## **X боб. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

### **165-м о д д а. Ходимлар давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида бериладиган кафолатлар**

Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида (сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холис тариқасида чақирилганда, худди шунингдек суд мажлисларида халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакили сифатида иштирок этганда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда) иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

### **166-м о д д а. Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида бериладиган кафолатлар**

Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш,

хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, лекин бу тўлов миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларга, уларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида стационар тиббий муассасаларда текширувдан ўтадиган даври учун, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар берилади.

**167-м о д д а. Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда бериладиган кафолатлар**

Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш ва бошқа ҳолларда) ана шу даврда унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

Тиббий текширувдан ўтадиган куни ва қуйиш учун қон топширадиган куни ходимларга соғлиқни сақлаш муассасаларига боришларига иш берувчи монеликсиз рухсат бериши шарт.

Донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар қуйиш учун қон топширган куннинг албатта эртасига дам олиш учун бир кун берилади. Ходимнинг хоҳишига кўра бу кун таътилга қўшиб берилади. Текширувдан ўтадиган ва қуйиш учун қон топширадиган куни ишдан озод этилган давр учун, шунингдек дам олиш кунлари ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

**168-м о д д а. Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилиши билан боғлиқ кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбалари ва бу тўловларни амалга ошириш тартиби**

Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши (165-модда), шунингдек жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилиши (167-модда) билан боғлиқ кафолатли тўловларни пул билан таъминлаш манбалари ва бу тўловларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**169-м о д д а. Ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш**

Ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби барча ҳолларда кафолатли тўловларни бериш, таътил вақти учун ҳақ тўлаш, вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, зарарни қоплашда, мажбурий прогул қилинганда ва бошқа ҳолларда иш ҳақи тўлаш, пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни истисно этганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**170-м о д д а. Иш билан боғлиқ ҳаражатларнинг компенсацияси**

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча ҳаражатлар (171, 172, 173-модда-

лар) қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қопланиши лозим.

**171-м о д д а. Хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда ҳаражатларни тўлаш**

Хизмат сафарида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда қуйидагилар тўланиши лозим:

йўл кира ҳаражатлари;

доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ ҳаражатлар:

ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа ҳаражатлар.

**172-м о д д а. Бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда ҳаражатларни тўлаш**

Бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланиши лозим:

кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ ҳаражатлар;

янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар; ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа ҳаражатлар.

**173-м о д д а. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳаражатларни тўлаш**

Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган ҳаражатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўланиши лозим. Ана шу ҳаражатларни тўлашнинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

**XI БОБ. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ**

**174-м о д д а. Корхонада меҳнат тартиби**

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

**175-м о д д а. Интизом тўғрисидаги устав ва низомлар**

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қилади.

**176-м о д д а. Ходимнинг бурчлари**

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш сани-

тарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкани авайлаб асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

### **177-м о д д а. Иш берувчининг бурчлари**

Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қарashi, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу Кодексга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф тугдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

### **178-м о д д а. Ходимларни уларга юклатилган меҳнат вазифалари билан таништириш**

Ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим.

### **179-м о д д а. Меҳнат интизомини таъминлаш**

Меҳнат интизому ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларини қўлланиш орқали таъминланади.

### **180-м о д д а. Меҳнат учун рағбатлантириш**

Ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади.

Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устама-лар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (183-модда) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

### **181-м о д д а. Интизомий жазолар**

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қўйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;  
2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади; (2-банд Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

### **182-м о д д а. Интизомий жазоларни қўлланиш тартиби**

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (82-модда).

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, – содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

### **183-м о д д а. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати**

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

### **184-м о д д а. Интизомий жазо устидан шикоят қилиш**

Интизомий жазо устидан яқка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони гайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

## **ХII БОБ. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **185-м о д д а. Меҳнат шартномасининг бир тарафи бошқа тарафга етказган зарарни қоплаш мажбурияти**

Меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ушбу Кодекс ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги ушбу Кодексда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак.

Зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

#### **186-м о д д а. Моддий жавобгарликнинг юзага келиши шартлари**

Меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг гайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

### **2-§. ХОДИМГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ИШ БЕРУВЧИНING МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

#### **187-м о д д а. Ходимга тўланиши лозим бўлган зарар**

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний ра-

вишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, – унинг оила аъзоларига (192-модданинг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, – иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади.

#### **188-м о д д а. Иш берувчининг ходимга меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида етказилган зарарни тўлаш мажбурияти**

Ходим меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмайд қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шарт. Бундай мажбурият, агар иш ҳақи ишга қабул қилиш гайриқонуний равишда рад этилганлиги, меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги ва меҳнат низоларини кўрувчи органнинг бундай ишлар юзасидан чиқарилган қарори ўз вақтида бажарилмаганлиги, меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганлиги, ҳар қандай йўллар билан ходимнинг шаънига доғ туширувчи маълумотлар тарқатилганлиги натижасида, башарти бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса, шунингдек бошқа ҳолларда олинмай қолган бўлса, келиб чиқади.

#### **189-м о д д а. Иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти**

Ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади.

Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар уни

бартараф қилиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли ёки жабрланувчи қасддан қилганлиги оқибатида келиб чиққанлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

**190-м о д д а. Ходимнинг соғлигига шикаст етганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори**

Тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлигига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса, – бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар – ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

**191-м о д д а. Ходимнинг соғлигига шикаст етказилганда меҳнат шартномаси тарафларининг аралаш жавобгарлиги**

Агар жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқиши ёки кўпайишига сабаб бўлса, тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб, мувофиқ равишда камайтирилади.

Жабрланувчи томонидан қўпол эҳтиётсизлик қилинган ва иш берувчининг айби бўлмаган ҳолларда, унинг айбидан қатъи назар жавобгарлик келиб чиқадиغان бўлса (189-модданинг тўртинчи қисми), тўланадиган зарар миқдори ҳам шунга мувофиқ равишда камайтирилади. Бундай вақтда зарарни тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Аралаш жавобгарлик тўланиши лозим бўлган зарарнинг қўшимча турларига, бир йўла бериладиган нафақага, шунингдек боқувчининг вафоти муносабати билан зарарни тўлаш ҳолларига татбиқ этилмайди.

**192-м о д д а. Боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни иш берувчи томонидан тўлаш мажбурияти**

Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига

ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки невараларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Қарамоқда бўлиш фаразан олинади ва бунинг учун далил талаб этилмайди.

Қуйидагилар меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланади: ўн олти ёшдан катта шахслар, агар улар шу ёшга тўлгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотига қадар ёки ундан кейин) унинг зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқига таъсир этмайди.

Ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

**193-м о д д а. Боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган зарар миқдори**

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўланадиган зарар миқдори марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан, унинг ўзига ва унинг қарамоғида бўлган, лекин зарарни ундиришга ҳақли бўлмаган меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг улушини чегириб ташлаган ҳолда белгиланади.

Зарар тўловини олишга ҳақли бўлган шахсларнинг ҳар бирига тегишли бўлган зарар миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг мазкур шахсларнинг ҳаммасига тўғри келадиган қисми улар сонига тақсимланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар учун зарар тўлови миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

агар таъминот маблағи суд тартибида ундирилган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари суд томонидан тайинланган сумма миқдоридан белгиланади;

агар таъминот маблағи суд тартибида ундирилмаган бўлса, у ҳолда зарар тўловлари уларнинг моддий аҳволи ҳамда вафот этган шахснинг ҳаётлик вақтида уларга ёрдам кўрсатиш имкониятини ҳисобга олиб белгиланади.

Агар вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахслар ҳам, унинг қарамоғида бўлмаган шахслар ҳам айна бир вақтда зарар тўловини олишга ҳақли бўлсалар, бундай ҳолда зарар тўловлари миқдори аввало марҳумнинг қарамоғида бўлмаган шахслар учун белгиланади. Улар учун белгиланган зарар тўлови суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнгра иш ҳақининг қолган миқдоридан келиб чиқиб ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда марҳумнинг қарамоғида бўлган шахслар учун қопланадиган зарар миқдори белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, худ-

ди шунингдек бошқа пенсия, иш ҳақи, стипендия ва бошқа даромадлар қопланадиган зарар тўлови ҳисобига киритилмайди. Бунда қарамоқдаги ҳар бир шахсга тегишли бўлган зарарни қоплаш суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

**194-м о д д а. Ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори**

Ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, – иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бунда ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

**195-м о д д а. Ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тартиби ва муддатлари**

Меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**196-м о д д а. Ходимнинг мол-мулкига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги**

Меҳнат шартномасида белгиланган вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида ходимнинг шахсий буюмлари ёки бошқа мол-мулкига зарар етказган иш берувчи бу зарарни натура ҳолида қопламоғи лозим. Зарарни натура ҳолида қоплашнинг иложи бўлмаган тақдирда ёки ходимнинг розилиги билан мол-мулкнинг қиймати шу жойда амалда бўлган баҳо бўйича тўла ҳажмда қопланади.

**197-м о д д а. Ходимга етказилган зарарни ундиришга доир ишларни кўриш тартиби**

Зарарни ундириш ҳақидаги аризани иш берувчига жабрланувчи ходим, ходим вафот этган тақдирда эса, – зарар тўловини олишга ҳақли бўлган манфаатдор шахслар беради.

Иш берувчи аризани кўриб чиқиши ва ариза тушган қундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Иш берувчининг ходимга зарарни тўлаш ҳақидаги буйруғининг нусхаси ёки рад этиш ҳақидаги далил-

асосли ёзма жавоби у қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида ходим ёки манфаатдор шахсларга топширилади.

Ходим ёки манфаатдор шахслар иш берувчининг қарорига рози бўлмаган ёки белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, улар мазкур низони ҳал қилиб бериш учун судга мурожаат қилишлари мумкин.

**3-§. ИШ БЕРУВЧИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ХОДИМНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**198-м о д д а. Иш берувчига тўланиши лозим бўлган зарар**

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

**199-м о д д а. Ходимнинг моддий жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар**

Агар зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал ҳўжалик таваккалчилиги оқибатида, охириги зарурат ёки зарурий муудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

**200-м о д д а. Иш берувчининг ходимдан зарарни ундиришдан воз кечиш ҳукуқи**

Иш берувчи зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Давлат мулки шаклидаги корхоналарда ана шундай қарор, агар у жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

**201-м о д д а. Ходимнинг моддий жавобгарлиги чегараси**

Агар ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг 274-моддасида белгиланган миқдорда моддий жавобгар бўладилар.

**202-м о д д а. Ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳоллари**

Етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:



1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун (203-модда);

2) бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

**203-м о д д а. Ходимнинг махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлиги**

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилувчи ўн саккиз ёшга тўлган ходим билан ишга қабул қилиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам меҳнат шартномасига қўшимча тарзда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилмаган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати ҳам худди шундай тартибда белгиланади.

Агар ходим талабгор бўлаётган иш (лавозим) тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишни талаб қилса, ходим эса бундай шартнома тузишга рози бўлмаса, иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тўлиқ ёки жамоанинг (бригаданинг) тўлиқ моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномада меҳнат шартномаси тарафларининг ходимга, жамоага (бригадага) ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминлаш бўйича вазифалари аниқ кўрсатилади ҳамда уларнинг қўшимча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб қўйилади.

Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномага биноан қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун шахсан жавобгар бўладиган аниқ бир ходимга топширилади. Бундай шартнома тузган ходим жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериши керак.

Жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги ҳақидаги шартномага мувофиқ қимматликлар уларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилмаган, олдиндан белгиланган шахслар гуруҳига (бригадага) топширилади. Бригаданинг айрим аъзоси жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериши лозим.

Зарар ихтиёрий равишда тўланганда (206-модда) бригада ҳар бир аъзосининг айби даражаси бригаданинг барча аъзолари билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Зарар суд тартибда ундирилганда бригада ҳар бир аъзосининг айби даражаси суд томонидан аниқланади.

Қимматликларга оид хизмат (сақлаш, сотиш, ташиш, қайта ишлаш) билан шуғулланувчи корхоналарда иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан таҳлика (таваккалчилик) жамгармаси тузилиши мумкин, камомадларни шу жамгарма ҳисобидан қоплашга йўл қўйилади.

Ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузилмаган, шунингдек бундай шартнома пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ходимлар тоифаси рўйхатига кирмайдиган шахс билан тузилган ҳолларда иш берувчига етказилган зарар учун ходимга чекланган моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин. Бундай ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик, ушбу Кодекснинг 202-моддаси биринчи қисмининг 2–7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлсагина юклатилиши мумкин.

**204-м о д д а. Иш берувчининг зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мажбурияти**

Иш берувчи зарарни муайян ходимлардан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш ўтказилиши учун иш берувчи тегишли мутахассислар иштирокида комиссия тузишга ҳақли.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун ходимдан тушунтириш хати талаб қилиниши шарт. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бўйин товлаши иш берувчи уни етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишига монета бўла олмайди. Ходим барча текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга.

**205-м о д д а. Иш берувчининг мол-мулкига етказилган зарар миқдорини белгилаш**

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

Иш берувчининг асосий фондларга (воситаларга) тааллуқли мол-мулкига етказилган зарар миқдори моддий қимматликларнинг баланс қийматидан (таннархидан) эскириш қийматини белгиланган нормалар бўйича чегириб ташлаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Иш берувчининг асосий воситаларга тааллуқли мол-мулки талон-торож қилинган, камомад ёки йўқ қилинган, қасддан йўқ қилинган ёки қасддан бузилган тақдирда, шунингдек бошқа ҳолларда зарар миқдори ваколатли орган томонидан иш кўрилган кун шу жойда амалда бўлган бозор нархлари бўйича ҳисобланади.

Мол-мулкнинг ва бошқа қимматликларнинг айрим турларини талон-торож қилиш, камомад ёки йўқ қилиш билан иш берувчига етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдори унинг номинал миқдоридан ошиб кетган ҳолларда бундай зарар миқдорини аниқлашнинг, шу жумладан карралаш йўли билан ҳисоблаб чиқишнинг алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши мумкин.

### **206-м о д д а. Ходим томонидан зарарни ихтиёрий равишда тўлаш**

Иш берувчига зарар етказишда айбдор бўлган ходим уни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлашга ҳақли.

Зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ушбу Кодексда назарда тутилган доирада амалга оширилади.

Ходим ва иш берувчининг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият беради. Агар зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида ёзма мажбурият берган ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилса ва зарарни тўлашдан бўйин товласа, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Иш берувчининг розилиги билан ходим етказилган зарарни қоплаш учун унга баҳоси тенг мол-мулк бериши ёки бузилган мол-мулкни тузатиб бериши мумкин.

### **207-м о д д а. Зарарни ундириш тартиби**

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Фармойиш зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин.

Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

### **208-м о д д а. Корхонага унинг раҳбари томонидан етказилган зарарнинг тўланиши**

Корхона мулкдори ёки у ваколат берган орган билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхона раҳбари томонидан корхонага етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган қондаларга риоя этилган ҳолда тўланади.

Корхона раҳбаридан етказилган зарарни ундириб олиш суд тартибида амалга оширилади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)

### **209-м о д д а. Зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳукуқи**

Иш берувчининг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### **210-м о д д а. Ходимдан ундириладиган зарар миқдорининг суд томонидан камайтирилиши**

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин.

Суд ундириладиган зарар миқдорини камайтириш ҳақидаги келишув битимини тасдиқлашга ҳақлидир.

Ходимдан ундириладиган зарарнинг миқдорини, агар зарар фаразли мақсадлар билан содир қилинган жиноят натижасида етказилган бўлса, камайтиришга йўл қўйилмайди.

## **XIII боб. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

### **211-м о д д а. Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари**

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади.

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

### **212-м о д д а. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари, қоида ва йўриқномаларига риоя этиш мажбурияти**

Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиги ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт.

### **213-м о д д а. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида маълумот олиш ҳукуқи**

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишда ходимни меҳнат шароитлари тўғри-

сида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ходимларга ёки уларнинг вакилларига муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида ҳам ахборот бериши шарт.

#### **214-м о д д а. Тиббий кўрик**

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;  
олтмиш ёшга тўлган эркалар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;  
ногиронлар;

меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

озик-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлаган ҳақи эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиги ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриқлардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

#### **215-м о д д а. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва ўқитиш**

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

#### **216-м о д д а. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағлар**

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилади. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнат жамоалари, уларнинг вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан фойдаланилишини текшириб борадилар.

#### **217-м о д д а. Ходимларни сўт, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш**

Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича:

сўт (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);  
даволаш-профилактика озиқ-овқати;  
газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);  
махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланадилар.

Бундай ишларнинг рўйхати, бериладиган нарсаларнинг нормалари, таъминот тартиби ва шартлари жамоа келишувларида, жамоа шартномаларида, агар улар тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

#### **218-м о д д а. Соғлиги қолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш**

Соғлиги қолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

Соғлиги қолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик

варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақиға қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади.

Қонун ҳужжатларида соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини холи этадиган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда аввалги ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолишнинг ёки давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаб туришнинг бошқача ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

**219-м о д д а. Ходимнинг ўз ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солаётган ишни бажаришни рад этиш ҳуқуқи**

Ходим иш жараёнида ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келиб қолганлиги тўғрисида иш берувчига дарҳол хабар қилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириб бориш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи органлар ана шу ҳолатларни тасдиқлаган тақдирда иш берувчи бу ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради. Агар зарур чоралар кўрилмаса, ходим ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақлидир. Ана шу давр мобайнида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

**220-м о д д а. Ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг ҳўшимча чоралари**

Иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибидан маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)*

ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

**221-м о д д а. Ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш-профилактика муассасаларига олиб бориш**

Иш берувчи иш жойида касал бўлиб қолган ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган чоралар кўриши шарт.

Иш жойида оғриб қолган ходимларни даволаш-профилактика муассасаларига олиб бориш, зарур ҳолларда, иш берувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

**222-м о д д а. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш**

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт.

Жабрланувчининг талабига биноан текширув туганган кундан эътиборан узоғи билан уч кун ичида иш берувчи шу бахтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт.

**223-м о д д а. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан назорат қилиш ва текширув ўтказиш**

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан давлат назорати ва текширувини давлат органлари амалга оширадilar.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текширувини касба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширадilar.

**XIV боб. АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚўШИМЧА КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР**

**1-§. АЁЛЛАРГА ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚўШИМЧА КАФОЛАТЛАР**

**224-м о д д а. Ҳомиладор аёлларни ва боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар**

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**225-м о д д а. Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган ишлар**

Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

**226-м о д д а. Ҳомиладор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш**

Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтиради ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

**227-м о д д а. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш**

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

**228-м о д д а. Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўлланишни ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш**

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл

қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

**228'-м о д д а. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи**

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлик иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрель 760-I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 112-модда)*

**229-м о д д а. Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш**

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси (119-модда) белгилашга мажбурдир.

**230-м о д д а. Қўшимча дам олиш куни**

Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

**231-м о д д а. Аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар**

Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришlash таътилидан кейин берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эрақлар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига

кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади (144-модда).

**232-м о д д а. Ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун кўшимча таътиллари**

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган кўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

**233-м о д д а. Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари**

Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилниң неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

**234-м о д д а. Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун берилладиган таътиллари**

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган кўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришлаш учун берилладиган таътиллари биланнинг отаси, буваси, буваси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки ушбу модданиң учинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари (ушбу модданиң биринчи қисми) сақланиб қолади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллари меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўйилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикаси Қонуниниң 2010 йил 22 декабрь ЎРҚ-272-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 483-модда)*

Болани парваришлаш таътиллари вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонаниң бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

**235-м о д д а. Янги туғилган болаларни фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга берилладиган таътиллари**

Янги туғилган болаларни бевосита туғуруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун кўшимча таътиллари берилади (234-модда).

**236-м о д д а. Болани овқатлантириш учун берилладиган танаффуслар**

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун берилладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун кўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун берилладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун берилладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш куниниң (иш сменасиниң) бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша қискартирилиши мумкин.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади.

**237-м о д д а. Ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар**

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонаниң бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарт билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Респуб-*

ликсининг 1999 йил 15 апрель 772-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)

Муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган аёлларни ишга жойлаштириши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

### **238-м о д д а. Онасиз болаларни тарбияловчи шахсларга бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар**

Аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек қўшимча таътиллار бериш, имтиёзли иш режимида ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида гамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кафолатлар ва имтиёзлар, шунингдек ота-она гамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қилаётган бувига, бувага ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади.

## **2-§. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР**

### **239-м о д д а. Ён саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар**

Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ён саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт.

Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланади ва бундай рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август 681-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда)

Ён саккиз ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар ён саккиз ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши керак.

### **240-м о д д а. Ён саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари**

Ён саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳа-

сида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

### **241-м о д д а. Ён саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар**

Ён саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шариоити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ён саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ён саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май 220-1-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)

### **242-м о д д а. Ён саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати**

Иш вақтининг муддати ён олтидан ён саккиз ёшга ча бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ён бешдан ён олти ёшга ча бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ-239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

### **243-м о д д а. Ён саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ тўлаш**

Ён саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади.

Корхоналарда ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланади.

### **244-м о д д а. Ён саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили бериш**

Ён саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва

улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Башарти таътил берилаётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилниг муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажи учун – ўттиз календарь кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тулгандан кейинги иш стажи учун эса, – умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

**245-м о д д а. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

**246-м о д д а. Меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қўшимча кафолатлари**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

**247-м о д д а. Меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар (ҳомийлар) ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилиш**

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

**3-§. ИШНИ ТАЪЛИМ БИЛАН БИРГА ҚЎШИБ ОЛИБ БОРАЁТГАН ШАХСЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР**

**248-м о д д а. Ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шароитлар яратиб бериш**

Ишлаб чиқаришда касбга доир таълим олаётган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқиётган ходимларга ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитлар яратиб бериши шарт.

**249-м о д д а. Таълим муассасаларида ўқиётган ходимлар учун имтиёзлар**

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходим-

лар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

**250-м о д д а. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун йиллик таътиллари бериш вақти**

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга йиллик таътиллари иш берувчи уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳон сессиялари вақтига тўғрилаб бериши шарт.

**251-м о д д а. Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун иш вақтини қисқартириш**

Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли ўқиётган ходимлар учун ўқув йили даврида бир иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати (ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса) белгилаб қўйилади, қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида ўқиётганлар учун эса, икки иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати (ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса) белгилаб қўйилади.

Умумтаълим мактабларининг ўқувчилари олти кунлик иш ҳафтасида ишлаётган бўлсалар, ўқув йили мобайнида камида ўттиз олти иш куни ёки шунга мувофиқ келадиган миқдорда иш соати давомида ишдан озод қилинадилар. Беш кунлик иш ҳафтасида ишланган тақдирда, ишдан озод қилинадиган иш соатларининг умумий миқдори сақлаб қолинади, ишдан озод қилинадиган иш кунларининг миқдори эса, иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради.

Ишдан озод қилинган вақт учун ўқувчиларга асосий иш жойида оладиган ўртача ойлик иш ҳақининг камида эллик фоизи тўланади, лекин бу белгиланган энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги керак.

**252-м о д д а. Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш муносабати билан бериладиган таътиллари**

Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимларга иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда битирув имтиҳонлари топшириш даврида йигирма иш кунидан кам бўлмаган таътил берилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ-239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*  
*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ-239-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*



**253-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ–239-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*

**254-м о д д а.** **Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топшириш учун ходимларга бериладиган таътиллار**

Кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириш учун камида ўн беш календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юртлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди.

*(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ–239-сон қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*

**255-м о д д а.** **Олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганларга иш вақти бўйича бериладиган имтиёзлар**

Олий ва ўрта махсус касб-хунар ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини (ишини) бажариш ёки битирув имтиҳонлари топширишдан олдинги ўн ўқув ойи давомида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолади.

*(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ–239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*

**256-м о д д а.** **Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олиш муносабати билан бериладиган таътиллار**

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида қуйидаги тартибда: биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календарь кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўн календарь кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида ўттиз календарь кун; учинчи ва ундан кейинги курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўттиз календарь кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календарь кун, олий ва ўрта махсус ўқув

юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида қирқ календарь кун; олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календарь кун; диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига тўрт ой, ўрта махсус ўқув юрти талабаларига эса икки ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллار берилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охириги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Мазкур таътил даврида талабалар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

**257-м о д д а.** **Ўқув юрти жойлашган ерга бориш учун ҳақ тўлашдаги имтиёзлар**

Иш берувчи олий ўқув юртларида сиртдан таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш мақсадида ўқув юрти жойлашган ерга бориши ва у ердан қайтиб келиши учун йилига бир марта йўл киранинг эллик фоиздан кам бўлмаган қийматини тўлайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрь ЎРҚ–239-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 554-модда)*

Диплом лойиҳаси (иши) тайёрлаш ва уни ёқлаш ёки битирув имтиҳонларини топшириш учун бориб келинганда ҳам шундай миқдорда йўл кира тўланади.

**258-м о д д а.** **Ижодий таътиллار**

Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини яқунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллари берилади.

Ижодий таътиллари бериш тартиби ва уларнинг муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

## XV боб. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

**259-м о д д а.** **Якка меҳнат низоларининг тарафлари ва мазмуни**

Якка меҳнат низолари – бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллашиш юзасидан келиб чиққан келишимовчиликлардир. Бундай ҳолларда низонинг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

**260-м о д д а.** **Якка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар**

Якка меҳнат низолари: меҳнат низолари комиссиялари томонидан, ушбу Кодекснинг 269-моддасида кўрсатилган низолар бундан мустасно;

туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Меҳнатнинг шартларини белгилаш масалаларига доир якка меҳнат низолари ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади.

### **261-м о д д а. Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби**

Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби ушбу Кодекс билан тартибга солинади, меҳнат низоларига доир ишларни туман (шаҳар) судларида кўриб чиқиш тартиби эса, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади.

### **262-м о д д а. Меҳнат низолари комиссияларини тузиш**

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда меҳнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияга касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан ажратилган аъзолар тегишли органнинг қарори билан, иш берувчининг вакили эса, унинг буйруғи билан тасдиқланадилар.

Меҳнат низолари комиссияларининг сон таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг келишувига биноан белгиланади.

### **263-м о д д а. Меҳнат низолари комиссиясининг ваколоти**

Башарти ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилади.

Меҳнат низолари комиссияси якка меҳнат низоларини кўради, кўриб чиқишнинг ўзгача тартиби белгиланган меҳнат низолари (269, 276-моддалар) бундан мустасно.

### **264-м о д д а. Якка меҳнат низоларини комиссияда кўриб чиқиш тартиби**

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг иштирокисиз низони кўриб чиқишга унинг ёзма аризаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Башарти ходим узрсиз сабаб билан комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиниши мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ходим, касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низоси кўриб чиқишида иштирок этиш учун адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари комиссияси мажлисга гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни таклиф қилиш, иш берувчидан зарур ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларидан иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этишлари керак.

Меҳнат низолари комиссиясининг ҳар бир мажлисида раислик вазифасини иш берувчининг ва касаба уюшмаси кўмитасининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари навбатма-навбат бажарадилар. Бунда бир мажлиснинг ўзида раислик ва котиблик вазифасини бир тарафнинг вакиллари бажариши мумкин эмас.

Комиссиянинг ҳар бир мажлисида тарафлар томонидан кейинги мажлиснинг раиси ва котиби тайинланади, уларга мажлисни тайёрлаш ва чақириш вазифаси юклатилади.

Меҳнат низолари комиссиясининг мажлисида баённома юритилади.

### **265-м о д д а. Меҳнат низолари комиссиясининг қарори**

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинади.

Комиссиянинг қарори далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак.

Комиссиянинг пул ундириш талабларига оид қарорида ходимга тегишли сумма аниқ кўрсатилиши лозим.

Қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади. У мажбурий кучга эга бўлиб, бирор-бир тарзда тасдиқланмайди.

Комиссия қарорининг нусхаси қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ходимга, иш берувчига ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига топширилади.

### **266-м о д д а. Меҳнат низолари комиссиясининг қарорини бажариш**

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Башарти иш берувчи белгиланган муддат ичида комиссия қарорини бажармаса, меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади.

Агар ходим ёки иш берувчи белгиланган муддат ичида туман (шаҳар) судига меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этса, гувоҳнома берилмайди.

Меҳнат низолари комиссияси берган ва олинганидан кейин кўпи билан уч ой ичида туман (шаҳар) суди-

га тақдим этилган гувоҳнома асосида суд ижрочиси меҳнат низолари комиссиясининг қарорини мажбурий тарзда ижро эттиради.

Ходим белгиланган уч ойлик муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган тақдирда, гувоҳнома-ни берган меҳнат низолари комиссияси ўтказиб юборилган муддатни тиклаши мумкин.

**267-м о д д а. Меҳнат низосини кўришни туман (шаҳар) судига ўтказиш ва меҳнат низолари комиссияси қарори устидан шикоят қилиш**

Башарти меҳнат низолари комиссияси ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини кўриб чиқмаса ёки ҳал этмаса, манфаатдор ходим ушбу низолини кўришни туман (шаҳар) судига ўтказишга ҳақлидир.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори устидан манфаатдор ходим ёки иш берувчи комиссия қарорининг нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида туман (шаҳар) судига шикоят қилиши мумкин. Ушбу муддат ўтказиб юборилганлиги аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайди. Суд бу муддатни узрли сабабларга биноан ўтказиб юборилган деб эътироф этган ҳолда, ўтказиб юборилган бу муддатни тиклаши ва низоли моҳияти бўйича кўриб чиқиши мумкин.

**268-м о д д а. Меҳнат низосини кўришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Қуйидагилар меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар:

- 1) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;
- 2) меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори;
- 3) иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;
- 4) прокурор.

**269-м о д д а. Бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низолари**

Меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади:

- 1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;
- 2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;
- 3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;
- 4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар ушбу Кодекс 78-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдидан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган меҳнат низоларидан бошқа низолар ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилади.

Мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда)

Меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган ваз ва билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмайди.

**270-м о д д а. Меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш муддатлари**

Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича – зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

**271-м о д д а. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ва ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги низолар юзасидан қарор қабул қилиш**

Меҳнат шартномаси қонуний асоссиз ёки белгиланган тартиб бузилган ҳолда бекор қилинган ёхуд ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган тақдирда, у меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган томонидан аввалги ишига тикланиши керак.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганлигининг қонунийлиги ёки қонуний эмаслиги ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда, суд ходим билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганлигининг асослилигига баҳо бериб ўтади.

Ғайриқонуний равишда судланганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиши муносабати билан ишдан (лавозимдан) четлатилган ходимга аввалги иши (лавозими) берилиши лозим, бунинг имконияти бўлмаганда эса (корхона тугатилганлиги, штатлар қисқарганлиги) ёки ишга (лавозимга) тиклаш учун монелик қилувчи қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлган тақдирда, унга аввалги ишига (лавозимига) тенг бошқа иш (лавозим) берилиши керак.

### **272-м о д д а. Меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабининг таърифини ўзгартириш**

Меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабининг таърифи нотўғри ёки амалдаги қонун ҳужжатларига номувофиқ деб топилган тақдирда, суд уни ўзгартиради ва ҳал қилув қарориди қонуннинг тегишли моддаси (банди) кўрсатилган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабини амалдаги қонун ҳужжатларига аниқ мувофиқ қилиб кўрсатади. Суд айтиши бир вақтда қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатлар берилиши тўғрисидаги ва ходимга тўлалиши лозим бўлган ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Ходимнинг илтимосига кўра суд меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини унинг ўз хошига биноан ёки тарафларнинг келишуви бўйича деб ўзгартирилганлиги тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши билан чекланиши мумкин.

Башарти ходим меҳнат шартномасини бекор қилишнинг таърифи ўзининг шаъни ва қадр-қимматини камситган деб ҳисобласа, у ҳолда туман (шаҳар) суди низони кўриш билан бир вақтда, ходимнинг талабига кўра, унга етказилган маънавий зарарни тўлаш масаласини ҳам ҳал этади.

### **273-м о д д а. Меҳнатга доир айрим ишлар бўйича қарорларни дарҳол ижро этиш**

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда уни ишга тиклаш, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишга тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим. Иш берувчи томонидан бундай қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда, қарорни қабул қилган меҳнат низоларини кўрувчи орган ижро кечиктирилган барча вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ёки иш ҳақидаги фарқни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида тегишинча ажрим ёки қарор чиқаради. Агар ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходим меҳнат низолари комиссияси томонидан берилган гувоҳнома асосида комиссия қарорини мажбурий равишда ижро эттиришни сўраб судга мурожаат қилган бўлса, суд меҳнат низолари комиссияси қарорининг ижроси кечиктирилганлиги туфайли юзага келган мажбурий прогул вақти учун ходимга иш ҳақи тўлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Меҳнат низоларини кўрувчи органнинг ходимга уч ойдан кўп бўлмаган муддат учун иш ҳақини тўлаш тўғрисидаги қарори ҳам дарҳол ижро этилиши лозим.

### **274-м о д д а. Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига моддий жавобгарлик юклаш**

Суд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи тўлалиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбурият, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда амалга оширилган ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса, юклатилади.

Етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим.

### **275-м о д д а. Ходимнинг пул ундиришга доир талабларини қондириш**

Иш берувчи ходимнинг пул ундиришга доир талабларини ҳеч қандай муҳлат билан чекламай, ҳамма вақт учун қондиришга ҳақлидир.

Иш ҳақини ундириш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, меҳнат низоларини кўрувчи орган ходимнинг пул ундиришга доир қуйидаги талабларини тўлиқ қондиради:

меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

меҳнат низоларини кўрувчи органнинг ходимни аввалги ишга тиклаш тўғрисидаги қарорини иш берувчи ижро этмаганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

фойдаланилмаган таътил учун ходимга тегишли бўлган компенсацияни тўлаш тўғрисидаги.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги, бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганлиги ёки ишдан ғайриқонуний равишда четлатилганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида меҳнат низоларини кўрувчи орган томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади.

Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади.

### **276-м о д д а. Айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб чиқиш хусусиятлари**

Айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш,

асоссиз равишда бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарни ундириш ва интизомий жазо бериш масалаларига тааллуқли меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**277-м о д д а. Ходимларни суд харажатларидан озод қилиш**

Ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод этиладилар.

**278-м о д д а. Меҳнат низоларини кўрувчи органларнинг қарорига биноан тўланган суммаларни қайта ундириб олишдаги чекловлар**

Меҳнат низолари юзасидан меҳнат низолари комиссияси чиқарган қарор, шунингдек суд чиқарган қарор асосида тўланган суммаларни, башарти қарор ходимнинг берган ёлғон маълумотларига ёки тақдим этган сохта ҳужжатларига асосан қабул қилинган бўлиб, пировардида у назорат тартибида бекор қилинган ҳоллардагина, ходимдан қайта ундиришга йўл қўйилади.

**279-м о д д а. Ортиқча тўланган иш ҳақини қайта ундириб олиш шартлари**

Иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан қонунни нотўғри қўлланиш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмас, ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато оқибатидаги ортиқча тўловлар бундан мустасно.

Ходимга у берган ёлғон маълумотлари ёки тақдим этган сохта ҳужжатлари оқибатида тўланган суммалар ундан суднинг қарори ёки ҳукми асосида ундириб олинади.

**280-м о д д а. Янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартиришга доир низоларни кўриб чиқиш**

Ходимга янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартиришга доир меҳнат низолари иш берувчи ва тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан ҳал қилинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг қоидаларини, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартириш тўғрисидаги меҳнат шартномаси мажбуриятларини қўлланиш масалаларига доир меҳнат низолари ходимнинг танлашига мувофиқ меҳнат низолари комиссиясида ёки судда кўрилади.

**281-м о д д а. Жамоаларга доир меҳнат низоларини (зиддиятларини) кўриб чиқиш тартиби**

Жамоаларга доир меҳнат низолари (зиддиятлари) – бу иш берувчи (иш берувчилар бирлашмаси) ва ходимлар жамоалари (ходимларнинг вакиллик органлари) ўртасида меҳнатнинг янги шартларини белгилаш

ва мавжуд шартларини ўзгартириш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш, ўзгартириш ва бажариш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир.

Меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларини ўзгартириш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, шу жумладан, иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинган жамоа шартномалари, келишувлари, локал ҳужжатларни қўлланиш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низолари суд тартибида кўриб чиқиши лозим. Иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинган жамоа шартномалари, келишувлари ва бошқа локал ҳужжатларни қўлланиш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низоларини судлар тарафлардан бирининг аризаси асосида кўриб чиқадилар.

Ушбу модданинг учинчи қисмида айтиб ўтилган ишларни судларда кўриб чиқиш ҳамда судларнинг қарорларини ижро этиш вақтида ушбу Кодексда яқка меҳнат низолари учун белгиланган тегишли қоидалар ва муддатлар қўлланилади.

**XVI БОБ. ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ**

**1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**282-м о д д а. Давлат ижтимоий суғуртасининг барча ходимларга татбиқ этилиши**

Барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим.

**283-м о д д а. Давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўлаш**

Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинган ходимларнинг ўзлари бадал тўлайдилар.

Иш берувчиларнинг давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганликлари суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминлаш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

**284-м о д д а. Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъминот турлари**

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;

бола тугилганда бериладиган нафақалар; давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

## **2-§. ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУГУРТАСИ БЎЙИЧА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚАЛАР**

### **285-м о д д а. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси**

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлинганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача миқдорда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

### **286-м о д д а. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси**

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади (233-модда).

### **287-м о д д а. Бола туғилганда бериладиган нафақа**

Бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа тўланади. Ҳар бир туғилган бола учун бериладиган нафақанинг миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **288-м о д д а. Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа**

Суғурта қилинган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган миқдор ва тартибда дафн этиш маросими учун нафақа тўланади.

## **3-§. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ**

### **289-м о д д а. Ёшга доир пенсия**

Ёшга доир пенсия суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда: эркаклар – олтмиш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажы йигирма беш йилдан кам бўлмаган тақдирда, аёллар – эллик беш ёшга тўлган бўлиб,

умумий меҳнат стажы йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланади.

Пенсия суғурта қилинган ходимларнинг айрим тоифаларига пенсия ёши кам бўлганда, тегишли ҳолларда эса, – меҳнат стажы кам бўлганда ҳам тайинланади.

### **290-м о д д а. Ногиронлик пенсияси**

Ногиронлик пенсияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган, суғурта қилинган ходимларга:

меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигига чалинганлиги туфайли — меҳнат фаолиятининг муддатидан катъи назар;

бошқа сабаблар туфайли — муддати суғурта қилинган ходимнинг ногиронлик рўй берган вақтдаги ёшига боғлиқ тегишли умумий меҳнат стажига эга бўлган тақдирда тайинланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрь ЎРҚ–272-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 483-модда)

### **291-м о д д а. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси**

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги туфайли вафот этган боқувчининг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига, унинг меҳнат фаолиятининг муддатидан катъи назар тайинланади, агар у бошқа сабаблар натижасида вафот этган бўлса, шунга мувофиқ келадиган умумий меҳнат стажига қараб тайинланади, бундай меҳнат стажининг муддати суғурта қилинган ходимнинг вафот этган кунига қадар бўлган ёшига боғлиқ бўлади.

### **292-м о д д а. Пенсия турини танлаш ҳуқуқи**

Турли хилдаги давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга бўлган суғурта қилинган ходимларга (боқувчисини йўқотган ҳолларда эса – уларнинг оила аъзолари а) уларнинг ўзлари танлаган пенсиянинг битта тури тайинланади.

### **293-м о д д а. Давлат пенсияларининг миқдори**

Давлат пенсияларининг миқдори қонунда белгиланган тартибда аниқланади.

### **294-м о д д а. Суғурта қилинган ходимларни давлат пенсиялари билан таъминлаш тартиби**

Давлат пенсияларини тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 1996 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси амалга киритилган кундан эътиборан меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг Кодексга зид бўлмаган қисми қўлланилади.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси Кодекс амалга киритилганидан кейин, яъни 1996 йил 1 апрелдан эътиборан юзага келган меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.  
Меҳнат кодекси амалга киритилгунга қадар юзага келган меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари 1996 йил 1 апрелдан эътиборан Меҳнат кодексига мувофиқ тартибга солинади.
4. Муддатли меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишнинг Меҳнат кодекси 99-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган тартиби ва 104-моддасининг қоидалари Меҳнат кодекси амалга киритилганидан кейин, яъни 1996 йил 1 апрелдан бошлаб тузилган муддатли меҳнат шартномаларига нисбатан қўлланилади.
5. Меҳнат кодекси 151-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган таътилнинг энг оз муддатидан ортиқча қисмини пуллик компенсация билан алмаштириш 1996 йил 1 апрелдан эътиборан охириги иш йилидаги ва шундан кейинги йиллардаги таътилларга нисбатан қўлланилади.
6. Белгилаб қўйилсинки, тегишли қонун қабул қилингунга қадар давлат органлари хизматчилари учун илгари белгиланган таътил муддати сақланиб қолади.
7. Меҳнат кодекси 1996 йил 1 апрелдан кейин келиб чиққан меҳнат низоларига татбиқ этилади.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
Олий Мажлисга Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Меҳнат кодексига мувофиқлаштириш тўғрисида тақлифлар тақдим этсин;  
Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳужжатларини Меҳнат кодексига мувофиқлаштирсин;  
Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари Меҳнат кодексига зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;  
корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг локал ҳужжатлари Меҳнат кодексига мувофиқ ҳолга келтирилишини ташкил этсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 21 декабрь,  
162-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг  
Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова)

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси тасдиқлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 ва 2009 йиллар мобайнида: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминласин; зарур бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 25 декабрь,  
ЎРҚ-136-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИ\*

### УМУМИЙ ҚИСМ

#### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

#### **1-м о д д а.** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга со- линадиган муносабатлар

Ушбу Кодекс солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига (бундан буён матнда бюджет деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди.

#### **2-м о д д а.** Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжат- лари

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушбу Кодекс билан белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, ушбу Кодекс қоидалари қўлланилади.

Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжат куйидаги ҳолларда ушбу Кодексга мувофиқ эмас деб топилади, агар ҳужжат:

1) ушбу Кодексга мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса;

2) солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқларини бекор қилса ёки чекласа, солиқ муносабатлари субъектларининг ушбу Кодексда белгиланган мажбуриятларининг мазмунини, улар ҳаракатларининг асослари, шартлари, кетма-кетлиги ёки тартибини ўзгартирса;

3) ушбу Кодекс билан тақиқланган ҳаракатларга рухсат берса ёки йўл қўйса;

4) ушбу Кодексда белгиланган тушунчалар мазмунини ўзгартирган ёки бу тушунчалар ушбу Кодексда қўлланилганидан бошқача маънода қўлланилган бўлса.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда, солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-

\* 2008 йил 1 январдан кучга киритилган.



ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодексга мувофиқ эмас деб топилади.

Ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари мазкур ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгаришлар киритишга ҳақли. Бу органлар ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгаришлар киритишни рад этган тақдирда, бу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

### **3-м о д д а. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши**

Солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бекор қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини камайтириш, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бекор қилишни ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин, агар бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида уч ой ўтгач, амалга киритилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ўтгач, кучга киради.

### **4-м о д д а. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **5-м о д д а. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари**

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари ушбу Кодексда белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин эмас.

### **6-м о д д а. Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципи**

Ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт.

Ҳеч кимнинг зиммасига ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

### **7-м о д д а. Солиқ солишнинг аниқлиги принципи**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши керак.

### **8-м о д д а. Солиқ солишнинг адолатлилиги принципи**

Солиқ солиш умумийдир.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас.

### **9-м о д д а. Солиқ тизимининг ягоналиги принципи**

Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйдиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

### **10-м о д д а. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги принципи**

Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон

қилиниши шарт. Барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

### **11-м о д д а. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи**

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади.

## **2-БОБ. УШБУ КОДЕКСДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

### **12-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар**

Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу Кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йигимлар, давлат божи тушунилади.

### **13-м о д д а. Солиқ тўловчилар. Солиқ агентлари. Солиқ тўловчининг вакиллари**

Солиқ тўловчилар ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.

Солиқ агентлари ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатида мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир.

Ушбу Кодексда «солиқ тўловчи» тушунчасининг қўлланилиши унинг «солиқ агенти», «солиқ тўловчининг вакили» маъносига ҳам ишлатилишини назарда тутди.

### **14-м о д д а. Ваколатли органлар**

Ваколатли органлар қуйидагилардир:

1) давлат солиқ хизмати органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари;

2) божхона органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси-

нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

3) молия органлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

### **15-м о д д а. Солиқ муносабатларининг субъектлари**

Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

### **16-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахслар**

Юридик шахс деб қуйидагилар эътироф этилади: Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган, ўз номидан мулкий ва шахсий но-мулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот;

чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти; *(Биринчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилот. *(Биринчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар деб эътироф этилади.

### **17-м о д д а. Нотижорат ташкилотлари**

Нотижорат ташкилотлари деганда фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилади.

Нотижорат ташкилотларига бюджет ташкилотлари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар киради. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

**18-м о д а. Якка тартибдаги тадбиркор**

Якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

**19-м о д а. Резидентлар ва норезидентлар**

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қуйидагилар эътироф этилади:

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс.

Чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидагилар сифатида турган даври унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда турган вақтига киритилмайди:

1) дипломатик ёки консуллик мақомига эга бўлган шахс сифатида;

2) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида;

3) ушбу қисмининг 1-бандида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзоси сифатида, бундай жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда;

4) фақат бир чет давлатдан бошқа чет давлатга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш (транзит ўтиш) учун;

5) агар бу жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида фақат турист сифатида, даволаниш ёки дам олиш мақсадлари билан турган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган мезонларга жавоб бермайдиган шахс Ўзбекистон Республикасининг норезиденти деб эътироф этилади.

**20-м о д а. Доимий муассаса**

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида бир юз саксон уч календарь кунидан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳам эътироф этилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

«Доимий муассаса» тушунчаси фақат солиқ соҳасидаги мақомни аниқлаш учун қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

«Доимий муассаса» тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, бутлаш, қадоқлаш, ўраш-жойлаш, реализация қилиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;

2) ҳар қандай бошқарув жойи, ваколатхона, филиал, бўлим, бюро, идора, офис, хона, агентлик, фабрика, устахона, цех, лаборатория, дўкон, омборни;

3) табиий ресурсларни қазиб олиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни: шахта, кон, нефть ва (ёки) газ қудуғини, карьерни;

4) қувур, газ қувури, табиий ресурсларни қидириш ва (ёки) ишлатиш, асбоб-ускуналарни ўрнатиш, монтаж қилиш, йиғиш, созлаш, ишга тушириш ва (ёки) уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият (шу жумладан назорат ёки кузатув фаолияти) амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;

5) ўйин автоматлари (шу жумладан приставкалар), компьютер тармоқлари ва алоқа каналлари, аттракционлар, транспорт ёки бошқа инфратузилмадан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;

6) қурилиш майдонини (қурилиш, монтаж қилиш ёки йиғиш объектини), шунингдек ушбу объектларда ишларнинг бажарилишини кузатиб бориш билан боғлиқ хизматларни. Ҳар бир қурилиш майдони ишлар бошланган кундан эътиборан алоҳида доимий муассасани ташкил этувчи сифатида қаралади. Агар ёрдамчи пудратчилар Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентлари бўлса, уларнинг фаолияти ҳам шу қурилиш майдонида ишлар бошланган кундан эътиборан ёрдамчи пудратчиларнинг алоҳида доимий муассасаси сифатида қаралади;

7) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти билан шартнома муносабатлари асосида Ўзбекистон Республикасида унинг манфаатларини ифода этувчи, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг ушбу норезиденти номидан фаолият кўрсатувчи, Ўзбекистон Республикасининг шу норезиденти номидан контрактлар тузиш ваколатига эга бўлган ва ундан мунтазам фойдаланувчи шахс орқали фаолиятни амалга оширишни;

8) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тегишли бўлган, у томонидан ижарага олинаётган ёки бошқача тарзда фойдаланилаётган омборлардан (шу жумладан божхона омборларидан) товарларни реализация қилишни;

9) бошқа ишларни амалга оширишни, ўзга хизматлар кўрсатишни, бошқа фаолиятни олиб боришни, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган фаолият бундан мустасно.

Йўллар қурилиши ёки фойдали қазилмаларни қидириш каби муайян ҳолларда, яъни фаолият олиб бориладиган жой мунтазам ўзгариб турадиган ҳолларда, доимий жойни белгилашнинг бошқа мезонларидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда бутун лойиҳа унинг кўчма хусусиятидан қатъи назар, доимий муассаса сифатида қаралади.

«Доимий муассаса» тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

1) тайёргарлик ва ёрдамчи хусусиятга эга бўлган фаолиятни амалга оширишни, улар жумласига, хусусан, қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тегишли товарларни реализация қилиш бошлангунига қадар бинолардан фақат мазкур товарларни сақлаш, намоиш этиш ва (ёки) етказиб бериш мақсадларида фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тегишли товарлар захираларини товарлар реализация қилингунига қадар мазкур захираларни фақат сақлаш, намоиш этиш ва (ёки) етказиб бериш мақсадида сақлаб туриш;

доимий фаолият жойини фақат Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан товарларни харид қилиш мақсадлари учун сақлаб туриш;

доимий фаолият жойини фақат ахборот тўплаш, уларга ишлов бериш ва (ёки) тарқатиш (сотиш ҳуқуқисиз), Ўзбекистон Республикаси норезидентининг товарлари (ишлари, хизматлари) маркетингини олиб бориш, уларни реклама қилиш ёки уларнинг бозорини ўрганиш учун, агар бундай фаолият норезидентнинг асосий фаолияти бўлмаса, сақлаб туриш;

доимий фаолият жойини фақат ушбу бандда санаб ўтилган фаолият турларининг ҳар қандай комбинациясини амалга ошириш учун, бундай комбинация натижасида вужудга келган фаолият мажмуи тайёргарлик ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлиши шарти билан сақлаб туриш;

2) мустақил воситачи: брокер, воситачи, ишончли вакил, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ёки воситачилик, топшириқ шартномаси ёки шунга ўхшаш бошқа шартнома асосида фаолият кўрсатувчи ва Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан контрактларга имзо қўйиш ваколати берилмаган ҳар қандай бошқа шахс орқали фаолиятни амалга оширишни. Мустақил воситачи деганда ўзининг одадий (асосий) фаолияти доирасида иш олиб борадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норезидентидан юридик ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган шахс тушунилади; *(бешинчи қисмнинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

3) товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш операцияларини, шу жумладан фақат Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан тузиладиган ва Ўзбекистон Республикасида товарларни харид қилиш, шунингдек товарларни Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш бўйича операциялар билан боғлиқ ташқи савдо контрактлари доирасида операцияларни амалга оширишни;

4) Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан қимматли қоғозларга, юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа мол-мулкка эгалик қилишни. Агар Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бундай юридик шахс зиммасига вакиллик вазибаларини ҳам юкласа, ушбу қисмнинг 1-бандига мувофиқ тайёргарлик ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлган вазибалар бундан мустасно, бундай юридик шахс мустақил солиқ тўловчи бўлиши билан бирга бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси сифатида ҳам қаралади;

5) ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган доимий муассасанинг белгилари мавжуд бўлмаган

тақдирда, Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резидентига ёки Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентига ходимлар ажратишни, агар бундай ходимлар фақат улар ўзлари юборилган ташкилот номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрсалар.

Ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бошланган кунни қатъий белгилаш мумкин бўлса, доимий муассаса шу кунда ташкил этилган деб ҳисобланади. Агар бундай кунни қатъий белгилаш мумкин бўлмаса, қуйида келтирилаётган кунлардан бири доимий муассаса ташкил этилган кун деб ҳисобланади:

ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш бошлангани, контрактда кўрсатилган кун;

агар лицензия муайян контракт бўйича бирон бир ишни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадида олинган бўлса, лицензиянинг амал қилиши бошлангани кун.

Ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳаракатлардан энг олдингиси содир этилганда, доимий муассаса ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қурилиш майдони (қурилиш, монтаж қилиш ёки йғиш объекти) пудратчига майдонни топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган пайтдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасасини ташкил этади.

Доимий муассаса шу муассаса орқали олиб борилаётган фаолият тугатилган пайтдан эътиборан тугатилган ҳисобланади. Агар мазкур пайтни қатъий аниқлаб бўлмаса, қуйида келтирилаётган кунларнинг энг кейингиси доимий муассасанинг фаолияти тугатилган кун деб ҳисобланади:

бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномаси имзоланган кун;

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси томонидан бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш учун охириги ҳисобварақ берилган кун;

юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг якуний ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларига амалда тақдим этилган кун.

## 21-м о д д а. Молиявий ижара

Молиявий ижара мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгалик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатларидир. Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак: *(биринчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижара олувчининг мулкига ўтса; молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ

қиймати унинг бошлангич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

молиявий ижара шартномасининг амал қилиши даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошиб кетса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. *(Биринчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

## **22-м о д д а. Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар**

Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар: **асосий иш жойи** – иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчасини юрийтиш шарт бўлган иш жойи;

**асосий фаолият тури** – юридик шахснинг ҳисобот даври яқунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиладиган фаолияти; *(биринчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

**биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот** – биргаликда фаолият натижаси бўлган товарлар (ишлар, хизматлар); *(биринчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

**бюджетдан ажратиладиган субсидия** – давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағлари; солиқ тўловчига муайян мақсадларга йўналтириш шarti билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига бўшайдиган маблағлар; *(биринчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

**грант** – давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга бегараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бегараз асосда бериладиган мол-мулк;

**дивидендлар** – акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртаси-

да уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади; тақсимланмаган фойда устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари; *(биринчи қисмнинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон ва 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сонли қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

**ижара (лизинг) тўлови** – ижарачи (лизинг олувчи) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўлайдиган сумма;

**ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади** – бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган ижара (лизинг) тўлови суммаси билан ижара (лизинг) объектининг қийматини қоплаш суммаси ўртасидаги фарқ кўринишидаги ижара (лизинг) тўловининг бир қисми;

**инсонпарварлик ёрдами** – аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа favқулодда ва-зиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун аниқ мақсадли бегараз кўмаклашиш. Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий аҳамиятга молик буюмлар, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек ихтиёрий равишдаги хайр-эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан инсонпарварлик ёрдами юқларини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш тариқасида берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ваколатли ташкилотлар орқали тақсимланади;

**ишларни (хизматларни) экспорт қилиш** – ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

**кредит ташкилотлари** – тегишли лицензияга эга бўлган банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари; *(биринчи қисмнинг ўн иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

**курс бўйича фарқ** – миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ;

**мол-мулк** – эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, ҳиссалар) ҳамда номоддий объектлар; (*Биринчи қисмнинг ўн тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

**оила аъзолари** – эр (хотин), ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ва болалар, шу жумладан фарзандликка олинганлар;

**оператив ижара** – молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулк ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш;

**реализация қилиш** – сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қвитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлар реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлардир;

**роялти** – қуйидагилар учун ҳар қандай турдаги тўловлар:

фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, аудио-визуал асарлардан ҳамда турдош ҳуқуқлар объектларидан, жумладан ижролар ва фонограммалардан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун;

саноат мулки объектига, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, ижора ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборотдан (ноу-хауддан) фойдаланганлик учун; (*Биринчи қисмнинг йигирманчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

**савдо фаолияти** – қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият;

**солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоғдалари қўлланилишини назарда туғувчи алоҳида тартиби;

**солиқ қарзи** – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан ушбу Кодексда белгиланган муддатда тўланмаган молиявий санкциялар;

**соф тушум** – товарлар (ишлар, хизматлар) нарҳида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғини ҳамда акциз солиғи суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум;

**соф фойда** – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда;

**таннарх** – маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси. Таннарх бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади;

**товар обороти** – муайян давр ичида савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида товарларни сотишдан олинган (олиниши лозим бўлган), пулда ифодаланган маблағлар;

**товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум** – реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш ёки қарзни узиш ҳисобига тушадиган мол-мулк қиймати;

**товарларни экспорт қилиш** – Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоғда назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш;

**тўлов манбаи** – солиқ тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс;

**умидсиз қарз** – суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз;

**фавқулодда ҳолатлар** – тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўрилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди;

**фоизлар** – ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад;

**ютук** – лотереялар, ўйинлар, танловлар, мусобақалар (олимпиадалар), фестиваллар ва шу каби бошқа тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва бошқа даромадлар;

**яқин қариндошлар** – эр, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, неваралар;

**Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри** – солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими;

**қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар** – буюртмачига тегишли хом ашё ва материаллар бўлиб, буюртмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга беради ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтарилади;

**ҳужжат билан тасдиқланган харажатлар** – операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар.

### **3-боб. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ТИЗИМИ**

#### **23-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 10) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ. *(Иккинчи қисмининг 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар: ягона ижтимоий тўлов; фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига сугурта бадаллари; бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига мажбурий ажратмалар;
- 2) Республика йўл жамгармасига мажбурий тўловлар: Республика йўл жамгармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамгармасига йиғимлар;
- 3) давлат божи;
- 4) божхона тўловлари;
- 5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар умумбелгиланган солиқлардир.

Ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишининг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1 – 6-бандларида, учинчи қисмининг 1 – 4-бандларида, бешинчи қисмининг иккинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар умумда давлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлардир. Ушбу модда иккинчи қисмининг 7 – 10-бандларида, учинчи қисмининг 5-бандида, бешинчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар жумласига киради.

Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади.

#### **24-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари**

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек ушбу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуйидагилардир:

- солиқ солиш объекти;
- солиқ солинадиган база;
- ставка;
- ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- солиқ даври;
- солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;
- тўлаш тартиби.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов белгиланаётганда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ имтиёзлари, шунингдек уларнинг солиқ тўловчи томонидан қўлланилиши учун асослар назарда тутилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан белгиланади.

#### **25-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Солиқ солиш объекти солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижасидир.

#### **26-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Солиқ солинадиган база солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

#### **27-м о д д а. Ставка**

Ставка солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

#### **28-м о д д а. Ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш мажбурияти давлат солиқ хизмати органи ёки солиқ агенти зиммасига юклатилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда уларнинг тўланиши лозим бўлган энг кам миқдори белгиланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

### **29-м о д д а. Солиқ даври**

Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.

Солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якунлари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади.

Жорий тўловларни тўлаш бўйича мажбурият юзага келган давр ҳисобот даври бўлмайди.

### **30-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар**

Ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан амалга оширилиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шarti билан берилиши мумкин. Бундай маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланмаган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муассасалари

ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

## **4-БОБ. СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **31-м о д д а. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари**

Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат солиқ хизмати органилари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш;

ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан давлат солиқ хизмати органилари ҳамда бошқа ваколатли органлардаги мавжуд маълумотларни олиш;

солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиш; ушбу Кодексда, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш;

солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариб олиш;

ушбу Кодексда ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларда ва тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш;

солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш;

солиқ текширувлари материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш;

солиқ хизмати органиларини амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажаришга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

давлат солиқ хизмати органиларининг, бошқа ваколатли органлар ва улар мансабдор шахсларининг ушбу Кодексга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик;

давлат солиқ хизмати органиларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

давлат солиқ хизмати органиларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида шахсан иштирок этиши уни вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, худди шунингдек вакилнинг иштирок этиши солиқ тўловчини бундай муносабатларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.



Солиқ тўловчи вакилларининг мазкур солиқ тўловчининг солиқ муносабатларидаги иштироки муносабати билан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) солиқ тўловчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) деб эътироф этилади.

### **32-м о д д а. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари**

Солиқ тўловчилар:

ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши; давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши;

солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши;

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек мазкур органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Солиқ агентлари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

солиқ тўловчиларга тўланадиган маблағлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўгри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиши;

солиқ тўловчиларга тўланган даромадларнинг, ушлаб қолинган ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобини юритиши, шу жумладан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **33-м о д д а. Ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **II бўлим. СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРИШ**

### **5-боб. СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ**

#### **34-м о д д а. Солиқ мажбурияти**

Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади.

Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи: ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши;

молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

#### **35-м о д д а. Солиқ мажбуриятини бажариш тартиби**

Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади, ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ солиқ мажбуриятини бажариш бошқа шахсга юклатилган ҳоллар бундан мустасно.

Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқ мажбурияти мазкур алоҳида бўлинмалар томонидан, агар уларга алоҳида мол-мулк ажратилган бўлса ва улар мустақил балансга эга бўлса, мустақил равишда бажарилади.

Мол-мулк ишончли бошқарувга топширилганда бошқарув муассиси бўлган солиқ тўловчининг солиқ мажбурияти, агар бу мажбурият унга бошқарув муассиси томонидан юклатилган бўлса, ишончли бошқарувчи томонидан бажарилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўрқ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Солиқ мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади.

#### **36-м о д д а. Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари**

Солиқ мажбурияти ушбу Кодексда белгиланган муддатларда солиқ тўловчи томонидан бажарилиши керак.

Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, йил чораги, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши билан белгиланади.

Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. Солиқ мажбурияти бу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

Агар солиқ мажбуриятини бажариш муддатининг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

#### **37-м о д д а. Солиқ мажбуриятининг тугатилиши**

Жисмоний шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

унинг вафот этиши билан; уни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кириши билан.

Юридик шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

у тугатилганидан кейин;

у қўшиб олиш (қўшиб олинган юридик шахсга нисбатан), қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш орқали қайта ташкил этилганидан кейин.

### **38-м о д д а. Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати**

Давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта қўриб чиқиши мумкин.

Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, узилади ва тикланади.

### **6-боб. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ВА СОЛИҚ СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ОБЪЕКТЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ**

#### **39-м о д д а. Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисоби**

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича солиқ солиш объекти ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ушбу Кодекснинг Махсус қисмига мувофиқ белгиланади.

Солиқ тўловчиларнинг даромадлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун улар бўйича тегишли чегирмалар тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилади (ҳисоблаб ёзиш усули).

Мол-мулкни ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **40-м о д д а. Айрим ҳолларда солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш**

Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини солиқ тўловчи тўғрисида, шунингдек шунга ўхшаш бошқа солиқ тўловчилар тўғрисида ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқлаши мумкин.

Агар ўзаро алоқадор юридик шахслар ўз тижорат ва молиявий муносабатларида ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан фарқ қиладиган нархларни қўлласса, солиқ солинадиган база товарларни (ишларни, хизматларни)

реализация қилиш нархлари асосида ҳисоблаб чиқариладиган солиқ солиш объектини аниқлашда давлат солиқ хизмати органлари ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланиладиган нархлардан фойдаланади.

Ўзаро алоқадор юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва уларнинг чет давлатлар юридик шахслари бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

чет давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

муассислари (иштирокчилари, аъзолари) айти бир юридик ёки жисмоний шахслар бўлган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва чет давлатларнинг юридик шахслари. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **41-м о д д а. Ҳисоб ҳужжатлари. Ҳисоб ҳужжатларини тузиш ва сақлаш**

Ҳисоб ҳужжатлари солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа ҳужжатлардан иборатдир.

Ҳисоб ҳужжатлари қоғозда ва (ёки) электрон шаклда тузилади ҳамда ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати тугагунга қадар сақланади.

Юридик шахс қайта ташкил этилганда қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳисоб ҳужжатларини сақлаш мажбуриятлари унинг ҳуқуқий вориси зиммасига юклатилади.

Юридик шахс тугатилганда ҳисоб ҳужжатлари тегишли давлат архивига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

#### **42-м о д д а. Алоҳида-алоҳида ҳисоб ва уни юритиш қоидалари**

Ушбу Кодексда солиқ солишнинг турли тартиби назарда тутилган фаолият турларини амалга ошираётган солиқ тўловчилар солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари шарт.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида юритилади.

Фаолиятнинг муайян турига тааллуқли барча даромадлар ва харажатлар тегишли ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби мутаносиб усул ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули орқали юритилиши мумкин.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юри-

тиш усули юридик шахснинг бутун календарь йилга мўлжалланган ҳисоб сийёсати билан белгиланади ҳамда йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ҳисобга олишнинг мутаносиб усулида даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар реализация қилишдан олинган соф тушумнинг умумий суммасидаги фаолиятнинг муайян турлари бўйича реализация қилишдан олинган соф тушум улушига мутаносиб тарзда шу муайян фаолият турига киритилади.

Тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули қўлланилганда даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар фаолиятнинг қайси тури амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса, шу турга киритилади. Бунда фаолиятнинг бирон турига киритиш мумкин бўлмаган даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобга олишнинг мутаносиб усули орқали фаолиятнинг муайян турига киритилади.

## 7-БОБ. СОЛИҚ ҲИСОБОТИ

### 43-м о д д а. Солиқ ҳисоботи тушунчаси

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

### 44-м о д д а. Солиқ ҳисоботини тузиш

Солиқ ҳисоботи қоғозда ва (ёки) электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан имзолаши керак, шунингдек агар у юридик шахс бўлса, унинг муҳри билан тасдиқланади. Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Юридик шахс – солиқ тўловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда, ҳар бир қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган солиқ тўловчига солиқ даври бошланганидан эътиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга қадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёхуд тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади. Мазкур ҳисобот топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёки тугатиш баланси тасдиқланган кундан эътиборан уч иш кунини ичига тақдим этилади. Ушбу қисмнинг қоидалари ўзгартириш, шунингдек бошқа юридик шахсни кўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

Тадбиркорлик субъекти – юридик шахс ихтиёрий тугатилган тақдирда, унга солиқ даври бошлангани-

дан то юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тугатиш тартиб-таомили бошланганлиги ҳақида хабардор қилинган санагача бўлган муддат учун алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юклатилади.

### 45-м о д д а. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан ушбу Кодексда белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Айрим турдаги солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи ҳам ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда объектлар бўйича ҳисобга қўйилган жой бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Жисмоний шахслар солиқ декларациясини яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этадилар.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўз хоҳишларига кўра қуйидагича тақдим этишга ҳақли:

шахсан олиб бориб бериш тартибида;

почта орқали буюртма хат билан;

телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида.

Солиқ ҳисоботини давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш санаси қуйидагилардир:

солиқ ҳисоботи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этилганда – солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилиб олинган сана;

солиқ ҳисоботи почта орқали буюртма хат билан тақдим этилганда – алоқа ташкилотнинг тамғасида кўрсатилган, почта жўнатмаси жўнатилган сана;

солиқ ҳисоботи электрон ҳужжат тарзида тақдим этилганда – электрон ҳужжат давлат солиқ хизмати органи томонидан олинган сана.

Давлат солиқ хизмати органи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этиладиган солиқ ҳисоботини қабул қилиб олишни рад этишга ҳақли эмас ҳамда солиқ тўловчининг талабига биноан солиқ ҳисоботининг нусхасига ҳисобот қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйиши шарт.

Солиқ ҳисоботи телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида қабул қилиб олинганда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига электрон тарзидаги ҳисобот қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юбориши шарт.

Солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади.

Солиқ ҳисоботи қуйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган деб ҳисобланади, агар унда:

солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса;

солиқ даври ва (ёки) солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган бўлса;

ушбу Кодекснинг 43 ва 44-моддаларида солиқ ҳисоботини тузишга доир белгиланган талаблар бузилган бўлса.

Белгиланмаган шаклдаги солиқ ҳисоботи тақдим этилганда давлат солиқ хизмати органи ҳисобот олинган кундан эътиборан уч кун ичида бу ҳақда солиқ тўловчига ёзма билдириш юборди ва аниқ фикр-мулоҳазаларни кўрсатган ҳолда уни маромига етказиш учун қайтаради.

Камчиликлари тузатилган солиқ ҳисоботи уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугагунига қадар тақдим этилган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

#### **46-м о д д а. Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш**

Давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи тақдим этилган даврга тааллуқли хатоларни ўзи мустақил равишда аниқлаган солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ичида ўша давр юзасидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш ҳуқуқига эга. Мазкур норма давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия-ҳўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) доирасида текшириш ўтказилган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган ҳолларда қўлланилмайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботида илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги маълумотлар, аниқлаштирилган маълумотлар ва улардаги тафовутлар кўрсатилиши керак.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан ортиқ бўлса, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларига пеня ҳисобланган ҳолда мазкур тафовут қўшилади.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан кам бўлса, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан шахсий варақада солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси тафовут миқдориغا камайтирилганлиги акс эттирилади. Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеняларнинг ортиқча тўланган суммаси ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобга олинади ёки қайтарилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **47-м о д д а. Солиқ ҳисоботини сақлаш муддати**

Солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органларида ва солиқ тўловчида ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш

муддати мобайнида сақланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

### **8-БОБ. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ**

#### **48-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти**

Солиқ тўловчининг муайян солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолатлар бўлган тақдирда, мавжуд солиқ қарзини узиш мажбурияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти деб ҳисобланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти солиқ тўловчининг ҳисобварағида етарлича пул маблағлари бўлган тақдирда, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш учун банкка тўлов топшириқномаси тақдим этилган пайдан эътиборан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов нақд пул маблағлари билан тўланганда эса пул суммаси банкка ёки ваколатли орган кассасига топширилган пайдан эътиборан бажарилган деб ҳисобланади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномаси солиқ тўловчи томонидан қақриб олинган ёки банк томонидан солиқ тўловчига қайтарилган тақдирда, шунингдек агар солиқ тўловчи банкка тўлов топшириқномасини тақдим этган пайтда бу солиқ тўловчининг ҳисобварағига қўйилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган, бажарилмаган талаблар мавжуд бўлса ҳамда солиқ тўловчи барча талабларни қаноатлантириш учун ҳисобварақда етарлича пул маблағларига эга бўлмаса, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов тўланган деб ҳисобланмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти ушбу Кодекснинг 10-бобида белгиланган тартибда ҳисобга олиш орқали ҳам бажарилиши мумкин.

Солиқ агентининг ушлаб қолинган суммаларни бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармаларига ўтказишга доир мажбурияти ушбу модданинг иккинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ бажарилган деб ҳисобланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш миллий валютада, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса чет эл валютасида амалга оширилади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси солиқ тўловчи томонидан ушбу Кодексда белгиланган муддатларда тўланади. Ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган ҳолларда солиқ тўловчига солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни, шунингдек пеняни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкин.

Солиқ мажбуриятининг солиқ тўловчи томонидан бажарилмаганлиги ёки ушбу Кодексда белгиланган тартиб бузилган ҳолда бажарилгани унга нисбатан солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан ушбу Кодексда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилган ҳолларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти давлат солиқ органининг ёзма талабномаси олинган санадан эътиборан юзага келади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек молиявий санкциялар бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги тартибда ўтказилади:

асосий сумма;  
ҳисобланган пеня;  
жарималар.

#### **49-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳисоби**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органи билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятлари бажарилишига доир солиштирма далолатнома тузишни талаб қилишга ҳақли. Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига солиштирма далолатнома тузишни рад этишга ҳақли эмас.

#### **50-м о д д а. Юридик шахс тугатилганда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш**

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ихтиёрий тугатиш ҳоллари бундан мустасно, тугатувчи беш кунлик муддат ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда маълум қилади. Юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор этади.

Юридик шахс давлат солиқ хизмати органига тугатиш балансини тақдим этиш билан бир вақтда ҳисоботларни ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Юридик шахс тугатилган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ушбу юридик шахснинг пул маблаглари, шу жумладан унинг мол-мулкани реализация қилишдан олинган пул маблаглари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида тугатувчи томонидан бажарилади.

Юридик шахсни тугатиш даврида юзага келадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек пеня ва жарималарни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти юзага келишига қараб, ушбу Кодексда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда бажарилади.

Тугатилаётган юридик шахснинг ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ узилмаган солиқ қарзи умидсиз деб эътироф этилади.

Агар тугатилаётган юридик шахсда ортиқча тўланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар суммаси бўлса, мазкур суммалар ушбу Кодекснинг 10-бобида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши лозим.

Юридик шахс ҳўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилади.

Ҳўжалик судининг юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблашни тўхтатиш учун асос бўлади.

Юридик шахс банкротлиги тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган ва унинг тўлов қобилияти тикланган тақдирда, ҳўжалик судининг банкротлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақидаги қарори қабул қилинган санадан эътиборан, ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилади. *(Еттинчи – тўққизинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ўРҚ-343-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

#### **51-м о д д а. Юридик шахс қайта ташкил этилганда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш**

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ушбу моддада белгиланган тартибда унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) томонидан бажарилади.

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятини бажариш, қайта ташкил этиш тугаллангунига қадар ҳуқуқий ворисга (ҳуқуқий ворисларга) қайта ташкил этилаётган юридик шахс солиқ мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги фактлари ва (ёки) ҳолатлари маълум бўлганлиги ёхуд маълум бўлмаганлигидан қатъи назар, унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) зиммасига юклатилади.

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши унинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларининг бажарилиши муддатларини шу юридик шахснинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) учун ўзгартирмайди.

Ҳуқуқий ворисни (ҳуқуқий ворисларни), шунингдек ҳуқуқий ворисларнинг юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришдаги иштироки улушини белгилash қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс қайта ташкил этилгунига қадар у ортиқча тўлаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммалари шу юридик шахс ҳуқуқий ворисининг (ҳуқуқий ворисларининг) шахсий карточкасига юридик шахсни қайта ташкил этиш тугалланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Юридик шахснинг солиқ қарзи ёки у қайта ташкил этилгунига қадар ортиқча тўланган солиқ ёки мажбурий тўлов суммаларини қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворислари ўртасида тақсимлаш ҳар бир ҳуқуқий вориснинг улушига мувофиқ амалга оширилади.

**52-м о д д а. Солиқ тўловчи вафот этган, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳолларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш**

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкни қабул қилган меросхўри (меросхўрлари) томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган пеня ва (ёки) жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрга (меросхўрларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича қарзининг қолган суммаси умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Меросхўр бўлмаган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи умидсиз қарз ҳисобланади.

Солиқ қарзига эга бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, жисмоний шахс ҳисобга қўйилган ва (ёки) унинг мол-мулки турган жойдаги давлат солиқ хизмати органи вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида унга (уларга) солиқ қарзи борлигини маълум қилиши шарт.

Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахснинг солиқ қарзи қонун ҳужжатларига мувофиқ бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан бедарак йўқолган шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг васийси томонидан муомалага лаёқатсиз шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган (йўқ бўлган) тақдирда, унинг солиқ қарзининг кўрсатилган мол-мулк қийматидан ортиқ қисми умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Жисмоний шахснинг бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлигини бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган ёки жисмоний шахснинг муомалага лаёқатли деб топилш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, илгари ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзининг амал қилиши, даъво қилиш муддатидан қатъи назар, қайта тикланади.

Вафот этган жисмоний шахснинг жисмоний шахслардан олинган даромад солигини ва қатъий белгиланган солиқни тўлаш бўйича қарзи умидсиз қарз деб эътироф этилади. *(Тўққизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

**53-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларининг, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларининг банклар томонидан бажарилиши**

Банклар солиқ тўловчининг солиқни ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларини, шунингдек тегишли ваколатли органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бажариши шарт.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини тегишли бюджет ёки давлат мақсадли жамғармасининг ҳисобварағига киритиш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш деб эътироф этилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказишга доир тўлов топшириқномаси ёки уларни тегишли бюджет ёхуд давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги тегишли ваколатли органнинг инкассо топшириқномаси, тўлов топшириқномаси ёки инкассо топшириқномаси олингандан кейинги операция кунидан кечиктирмай ушбу модданинг ўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидалари банк томонидан инobatга олинган ҳолда бажарилади. Инкассо топшириқномасига доир бундай операциялар бўйича хизмат кўрсатганлик учун ҳақ олинмайди.

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлган тақдирда, банклар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш тўлов топшириқномаларини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармаларига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини бажаришни кечиктиришга ҳақли эмас.

Солиқ тўловчининг ҳисобварақларида пул маблағлари бўлмаган ёки улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш тўлов топшириқномасини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, бундай топшириқномалар мазкур ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушишига қараб, ҳар бир шундай келиб тушишдан кейинги операция кунидан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида бажарилади.

Банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдоридан белгиланган тартибда пеня ундирилади.

## 9-боб. СОЛИҚ ҚАРЗИНИ ТЎЛАШНИ КЕЧИКТИРИШ ВА (ЁКИ) БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ

### 54-м о д д а. Солиқ қарзини тўлашни кечиктиришнинг ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий шартлари

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

Охириги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра жорий активлар суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдордаги қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида солиқ қарзи ойма-ой бўлиб тўланган ҳолда амалга оширилади.

Тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланишидан эътиборан тўхтатиб турилади.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари божхона тўловларини ва давлат божини тўлашга татбиқ этилмайди. Божхона тўловларини ва давлат божини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

### 55-м о д д а. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилишини тугатиш

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши у (улар) берилган муддат ўтганидан кейин тугайди.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши солиқ тўловчи кечиктирилган ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ қарзининг жами суммасини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш муддати ўтгунига қадар тўлаган ёки солиқ тўловчи кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш шартларини бузган ҳолларда муддатидан илгари тугатилади.

## 10-боб. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН СУММАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҲАМДА ҚАЙТАРИБ БЕРИШ

### 56-м о д д а. Солиқнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш

Солиқнинг бюджетга тўланган ҳамда тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги, тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида аниқланадиган ижобий фарқ солиқнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш ҳисобига ҳисобга олиниши керак:

- 1) солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- 2) бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига;
- 3) бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- 4) мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига;
- 5) бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан мустақил равишда солиқ тўловчининг аризасисиз амалга оширилади, солиқ тўловчи бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ёзма равишда хабардор этилади.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 2, 3 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолларда ортиқча тўланган солиқни ҳисобга олиш солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида хулоса тақдим этилган тақдирда, тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади. Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчи ёзма ариза берган санадан эътиборан уч кунлик муддатда ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисидаги хулосани молия органларига тақдим этиши шарт. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ-241-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари йўллари, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи тегишли молия органларига ушбу модда иккинчи қисмининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида мустақил равишда хулоса тақдим этиши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш бу хусусда хулоса берилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида амалга оширилади.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси бошқа солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш ҳисобига ҳисобга олиниши мумкин эмас.

### 57-м о д д а. Ортиқча тўланган солиқлар суммаларини қайтариш

Ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиш амалга оширилганидан кейин ортиқча тўланган солиқларнинг қолган суммаси солиқ

тўловчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали қайтарилиши керак.

Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш давлат солиқ хизмати органи қайтариш учун солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида хулоса тақдим этган тақдирда, қайтариш тўғрисидаги ариза топширилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

### **58-м о д д а. Бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ва қайтариш**

Бошқа мажбурий тўловларнинг тўланган ва тўлаш учун ҳисобланган суммаса ўртасидаги ижобий фарқ бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

Бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш ушбу Кодексда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Божхона тўловларининг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ва қайтариш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига мажбурий тўловларни ундириб олиш мажбурияти юклатилган органларга тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга оширилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **11-БОБ. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШ**

#### **59-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ушбу Кодексда белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши шарт.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш чоралари жумласига давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмасдан, жисмоний шахсларга, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорларга эса, ўттиз кундан кечиктирмасдан юбориладиган, солиқ тўловчи мажбуриятини бажариши зарурлиги ҳамда солиқ қарзини

мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисидаги талабнома киради. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **60-м о д д а. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома**

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома ёзма шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи;
- 2) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- 3) талабнома тузилган сана;
- 4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси;
- 5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари;
- 6) дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилиши лозим.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

#### **61-м о д д а. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш муддатлари**

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида юридик шахс солиқ қарзини узмаган тақдирда ва ушбу Кодекснинг 63-моддасида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу Кодекснинг 64-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратади.

Юридик шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ қарзини узмаган тақдирда ва агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кўп бўлган суммадаги солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу Кодекснинг



65-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Жисмоний шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида уни бажармаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади, солиқ қарзи суммаси мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам микдордан оз бўлган ҳоллар бундан мустасно. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **62-м о д д а. Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари**

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларига қуйидагилар киради:

солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш;

ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш;

ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш.

Солиқ тўловчи солиқ қарзини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган барча чоралар кўрилганидан кейин узмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этади.

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан фақат суд тартибида қўлланилади ва уларга ушбу Кодекс 63 – 65-моддаларининг қоидалари татбиқ этилмайди, бундан яқка тартибдаги тадбиркорлар мустасно. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Яқка тартибдаги тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари ушбу Кодекснинг 63 – 65-моддаларида назарда тутилган тартибда қўлланилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ текшируви натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ қарзи суммаларини мажбурий ундириш чоралари солиқ тўловчи томонидан унинг натижалари бўйича берилган шикоят даврига ушбу Кодекснинг 18-бобига мувофиқ тўхтатиб турилади.

### **63-м о д д а. Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш**

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш, агар ушбу Кодекс 62-моддасининг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчининг талаб қилиб олинган сақланадиган депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка давлат солиқ хизмати органининг солиқ қарзи суммасини тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказиш тўғриси-

даги инкассо топшириқномасини тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Солиқ қарзи суммасини ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномалари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугагандан кейин уч иш кунидан кечиктирмай, яқка тартибдаги тадбиркорларга эса, ўттиз кундан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим этилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги туфайли давлат солиқ хизмати органининг инкассо топшириқномаси тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда унинг нухсаси банкнинг белгиси қўйилиб, давлат солиқ хизмати органига ва солиқ тўловчига юборилади. Агар инкассо топшириқномасини тақдим этиш пайтида солиқ тўловчи солиқ қарзининг суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномасини банкка топширган бўлса, банк тақдим этилган инкассо топшириқномасини солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси нухсасини илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органига қайтаради.

Солиқ қарзи суммасини ундириш солиқ тўловчининг барча банк ҳисобварақларида турган пул маблағларидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратиш мумкин бўлмаган ҳисобварақлар бундан мустасно.

### **64-м о д д а. Ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммаларга қаратиш**

Солиқ тўловчи дебитор билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратади.

Дебиторлар ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларига имзо қўйишни асоссиз рад этган тақдирда, солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган солиштирма далолатномаларни дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиштирма далолатнома ни ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нухсаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юборади.

Солиқ тўловчининг дебитори ёзма билдириш олинган кундан эътиборан уч иш кун ичида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаш ёки солиштирма далолатномада кўрсатилган қарзнинг мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавобини тақдим этиши шарт. Агар солиқ тўловчининг дебито-

ри томонидан тан олинган қарз суммаси солиштирма далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор худди шу муддатда давлат солиқ хизмати органига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштирма далолатномани тақдим этиши шарт. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчининг дебитори томонидан имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси кредиторнинг имзоси мавжуд бўлишидан қатъи назар, унинг кредитори солиқ қарзини ундирувни унга қаратиши учун асос бўлади. Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган мажбурият солиқ тўловчининг дебитори томонидан бажарилмаган тақдирда, ундирув солиқ тўловчи тақдим этган солиштирма далолатнома асосида амалга оширилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчи билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг номи, уларнинг идентификация рақами;

солиқ тўловчи ва унинг дебитори солиқ ҳисобида турган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи;

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари;

дебиторнинг солиқ тўловчи олдидаги қарз суммаси; солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг тарафлар муҳри билан тасдиқланган имзолари, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси тузилган сана.

Солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома давлат солиқ хизмати органи томонидан юборилган санадан кейин келадиغان санада тузилган бўлиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органи ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси асосида дебиторларнинг банк ҳисобварақларига солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини солиқ тўловчи олдидаги қарзидан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Давлат солиқ хизмати органининг ушбу моддага мувофиқ тақдим этилган инкассо топшириқномасини бажариш ушбу Кодекснинг 63-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **65-м о д д а. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш**

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат солиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилади.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси солиқ тўловчи солиқ

ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади. Даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;

солиқ текшируви натижалари бўйича (бундай текширув ўтказилган тақдирда) солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома;

солиқ тўловчининг охириги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси, бундан молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддати ҳали келмаган, янги ташкил этилган юридик шахслар мустасно.

Ундирувни суд ҳужжатлари асосида солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ қарзини ундириш учун суд ижрочилари томонидан инкассо топшириқномалари қўйилаётганда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарзининг шунга ўхшаш суммасига қўйилган инкассо топшириқномаларининг ижроси бекор қилинади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

#### **66-м о д д а. Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш**

Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **III бўлим. СОЛИҚ НАЗОРАТИ**

#### **12-бoб. СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ АСОСЛАРИ**

#### **67-м о д д а. Солиқ назоратининг шакллари**

Солиқ назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш; солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш;

бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш;

камерал назорат; нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи;

солиқ текширувлари; фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш; акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш;

давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;

бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича солиқ назоратини ўз ваколатлари доирасида ушбу Кодексга ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Солиқ назорати амалга ошириладиганда ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузган ҳолда солиқ тўловчи тўғрисида ахборот тўплаш, сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга, шунингдек солиқ сирини ошкор қилишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳужжатлар ёки бошқа ахборот солиқ тўловчини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди.

#### **68-м о д д а. Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш**

Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича ҳамда у тўлаётган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан электрон шаклда шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базаси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларининг маълумотлари, ушбу Кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган органлар, ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари бошқа манбалардан тўплаган, шу жумладан солиқ текширувлари вақтида тўплаган ахборотлар асосида шакллантирилади.

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга, шунингдек ундирилиши тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган бошқа мажбурий тўловларга татбиқ этилмайди.

#### **69-м о д д а. Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумларни ҳисобга олиш**

Давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари ҳамда зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифаси юклатилган бошқа давлат орган-

лари ҳамда ташкилотлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиши керак.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини ҳисобга олиш бюджет классификациясига мувофиқ юритилади.

Давлат солиқ хизмати органлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини солиқ тўловчининг шахсий карточкасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек пеня ва жарималарнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларини акс эттириш орқали юритади.

Солиқ тўловчининг шахсий карточкаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳар бир тури бўйича очилади.

Солиқ тўловчининг шахсий карточкасини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган тартибда юритади.

Ундирилиши бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган айрим турдаги бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга тушумларни ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

#### **70-м о д д а. Камерал назорат**

Камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади.

Агар давлат солиқ хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солиқ ҳисоботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги ва давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда хабар қилинади.

Солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафвотларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

#### **71-м о д д а. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи**

Солиқ тўловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи хронометраж ўтказилган давр-

да ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиладиган ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи хузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан тушум микдори камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчи, хронометражини ўтказиш жойи ва муддати, хронометраж ўтказиладиган давр, хронометраж ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлган тафовут, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг хронометраж ўтказадиган мансабдор шахслари албатта кўрсатилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи келиб тушаётган пул тушумини давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади. Хронометражини ўтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан экспертларни жалб этишга йўл қўйилмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини амалга ошириш жараёнида текширув ўтказишга, солиқ тўловчидан бирон бир ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга, солиқ тўловчига нисбатан талаблар тақдим этишга ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда аралаштиришга йўл қўйилмайди, бундан фискал хотирали назорат-касса машинасида сақланаётган хронометраж ўтказилаётган вақтга доир маълумотларни олиш мустасно.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижалари юзасидан маълумотнома тузади. Маълумотноманинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига топширилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан фақат тақдим этилаётган солиқ ҳисоботи тўғрисидаги таҳлил этиш учун, шунингдек солиқ солиш объекти ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

## **72-м о д д а. Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиши**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган

фискал хотирали назорат-касса машиналари мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилади, бундан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни, фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириш мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар мустасно.

Фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга рухсат этилган Назорат-касса машиналарининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибда шакллантирилади.

Фискал хотирали назорат-касса машинаси техник жиҳатдан вақтинча носоз бўлган ёки электр энергияси бўлмаган тақдирда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни харидорларга қвтанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган шаклдаги қатъий ҳисобдаги бошқа ҳужжатларни бериш орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллашда қуйидагилар мажбурий ҳисобланади:

1) фискал хотирали назорат-касса машинасини фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солиқ хизмати органларида фискал хотирали назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси берилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш;

2) фискал хотирали назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

3) фискал хотирали назорат-касса машиналарининг чекини истеъмолчига бериш;

4) давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг фискал хотирали назорат-касса машинасини текширишига рухсат этиш.

Фискал хотирали назорат-касса машиналаринини қўлланилиш тартибига риоя этилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари фискал хотирали назорат-касса машиналарида сақланаётган маълумотлардан фойдаланишга ҳақли.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **73-м о д д а. Акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни тамгалаш. Молия инспектори лавозимини жорий этиш**

Тамаки ва алкогольли маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳамда шартларда акциз маркаси билан тамгаланиши керак, пиво бундан мустасно.

Акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган акциз тўланадиган товарларни акциз маркаси билан тамгалаш учун масъулдир.

Акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни тамгалаш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари амалга оширади.

Акциз солигини тўловчи корхоналарда ва бошқа айрим корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспектори лавозими жорий этилиши мумкин. Молия инспектори лавозими жорий этиладиган корхоналар рўйхати ва унинг фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**74-м о д д а. Давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларининг давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш**

Давлат солиқ хизмати органлари давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларининг давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушиши устидан назоратни амалга оширади.

**75-м о д д а. Бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотлари устидан назорат қилиш**

Давлат солиқ хизмати органлари бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотлари устидан бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундириб олинishi ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилиши бўйича назоратни амалга оширади.

**76-м о д д а. Солиқ сири**

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумот солиқ сирини ташкил этади, қуйидаги маълумотлар бундан мустасно:

- 1) солиқ тўловчининг ўзи ошкор этган ёки унинг ёзма розилиги билан ошкор этилган маълумотлар;
- 2) солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ва бу қонунбузарлик учун қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг солиқ ёки тегишли бошқа органларига тақдим этиладиган маълумотлар (ушбу органларга тақдим этилган маълумотларга доир қисми).

Солиқ сири ошкор этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ сири ошкор этишга, хусусан, солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига, жалб этилган экспертга ёки таржимонга улар

ўз вазифаларини бажараётганда маълум бўлиб қолган ишлаб чиқариш ёки тижорат сиридан фойдаланиш ёхуд уни бошқа шахсга бериш киради.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар сақлаш ва фойдаланишнинг махсус режимига эга бўлади.

Давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатдаги мансабдор шахслари солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлари бўлган ҳужжатларнинг йўқотилганлиги ёки бундай маълумотларнинг ошкор этилганлиги қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

**13-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ ҲИСОБГА ҚЎЙИШ**

**77-м о д д а. Солиқ тўловчиларни қисобга қўйишнинг умумий қоидалари**

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиш ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади ҳамда солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юритилади.

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига берилган идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки солиқ тўловчи бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

**78-м о д д а. Солиқ тўловчининг идентификация рақами**

Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганда унга бериладиган рақамдир.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига бир марта берилади. Солиқ тўловчининг идентификация рақами ўзгармайди ва бекор қилинганидан кейин бошқа солиқ тўловчига берилмайди.

Ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган юридик шахснинг алоҳида бўлинмаларига мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахснинг – солиқ тўловчининг идентификация рақами назорат белгилари қўшилган ҳолда берилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами қуйидагиларда албатта ёзиб қўйилиши керак:

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада, рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда амалга оширилади;

фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланишга доир лицензиясида;

чеклардан ташқари, пул билан ҳисоб-китоб қилинадиган тўлов ҳужжатларида, шунингдек уларнинг электрон шаклида;

давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботи ҳужжатларида;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хўжалик, фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда меҳнат шартномаларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар битимлар тузганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда, шу жумладан ҳисобварақ-фактуралар ҳамда транспорт ҳужжатларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларда қиймат ифодасига эга бўлган молиявий, мулкий ҳамда бошқа мажбуриятлар юзага келганлигини, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда.

### **79-м о д д а. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш**

Солиқ тўловчи сифатида қуйидагилар ҳисобга қўйилади:

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ўзлари жойлашган ердаги (почта мазлидаги) давлат солиқ хизмати органида;

юридик шахснинг солиқ мажбуриятини ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисми асосида мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмалари – алоҳида бўлинманинг жойлашган еридаги ёки фаолиятни амалга ошираётган жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари – доимий муассасанинг жойлашган еридаги ва (ёки) фаолиятни амалга ошираётган жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

ушбу Кодексга мувофиқ мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчилар бўлган юридик ва жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари – солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида.

Солиқ тўловчида у ҳисобга қўйилганидан кейин ер солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (жисмоний шахслар учун эса мол-мулк солиғи ҳам) тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ҳисобга қўйилган жойдан ташқарида вужудга келган тақдирда, солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 81-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида объект бўйича ҳисобга қўйилиши керак.

### **80-м о д д а. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тартиби**

Бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган жойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши керак.

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисми асосида солиқ мажбуриятларини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш учун мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахс уни ташкил этиш тўғрисида ва (ёки) мустақил балансга ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахснинг – солиқ тўловчининг идентификация рақами албатта кўрсатилади. Аризага юридик шахснинг алоҳида бўлинмани ташкил этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек унинг раҳбарига берилган ишончнома илова қилинади.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, мазкур Кодекс ушбу моддасининг биринчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу Кодексга мувофиқ давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан бир юз саксон уч кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган юридик шахснинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризасига шартнома ёки юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан Ўзбекистон Республикасида иш юритиш учун берилган ишончнома, шунингдек мажбуриятларининг бажарилиши доимий муассаса ташкил топишига олиб келадиган шартнома мавжуд бўлса, шу шартнома илова қилинади.

Ушбу Кодексга мувофиқ ер солиғи, шунингдек кўчмас мулкка тааллуқли қисмида мол-мулк солиғи тўловчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ер участкасига, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчилар бўлган юридик шахслар ёқилғи қуйиш станциясига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Давлат солиқ хизмати органи ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида солиқ тўловчига солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради, солиқ тўловчи ҳақидаги ҳисобга қўйиш маълумотларини Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади ва тегишли ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Агар юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган алоҳида бўлинмалардан бир нечасига эга бўлса, ҳисобга қўйиш ҳар бир алоҳида бўлинма бўйича тегишли давлат солиқ хизмати органларида амалга оширилади.

Агар юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасида бир нечта доимий муассасага эга бўлса, у ҳар бир доимий муассаса бўйича тегишли давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши шарт. Битта юридик шахснинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентининг бир нечта доимий муассаса бўйича солиқ ҳисоботини жамлашга йўл қўйилмайди.

### **81-м о д д а. Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш**

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш ушбу Кодекснинг 80-моддасида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганидан кейин, агар ушбу Кодексга мувофиқ солиқ тўловчида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келган бўлса, амалга оширилади.

Ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғини ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш мажбурияти юзага келган солиқ тўловчи тегишли ер участкасига (ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ билан бирга тегишли кўчмас мулк объектига) бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ёхуд сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ солиш объектларини улар жойлашган ерда ҳисобга қўйиш учун давлат солиқ хизмати органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этиши керак. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни тах-*

*ририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Объектлар бўйича ҳисобга қўйилиши давлат солиқ хизмати органлари томонидан мустақил равишда амалга ошириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчи – жисмоний шахсларга нисбатан ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган мажбурият татбиқ этилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг илгари берилган идентификация рақамига мувофиқ солиқ тўловчи мурожаат этган кундан уч кундан кечиктирмай уни объектлар бўйича ҳисобга қўяди.

### **82-м о д д а. Солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари**

Юридик шахс – солиқ тўловчи тўғрисидаги асосий ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат: солиқ тўловчининг идентификация рақами; номи (тўлиқ ва қисқартирилган номи); жойлашган ери (почта манзили).

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асосий ҳисоб маълумотларига қўшимча равишда қуйидагилар ҳам ҳисоб маълумотлари ҳисобланади:

ташкилий-ҳуқуқий шакли;

ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисми асосида солиқ мажбуриятларини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмалар, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг таркибига кирувчи юридик шахслар учун – солиқ тўловчи қайси ташкилотнинг таркибига кирса, шу ташкилот;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

тижорат ташкилотлари учун – устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;

тижорат ташкилотлари учун, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно, муассисларнинг – Ўзбекистон Республикасининг резидентларининг солиқ тўловчи тариқасидаги идентификация рақамини ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини ҳам кўрсатган ҳолда муассисларнинг тўлиқ таркиби.

Жисмоний шахс – солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

фамилияси, исми ва отасининг исми;

фуқаролиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди); паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи;

яшаш жойи (манзили).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қуйидагилар ҳам солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларидир: давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

фаолият тури;

фаолият амалга ошириладиган жой.

### 83-м о д а. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш солиқ тўловчилар ҳамда ушбу Кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган органлар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турмаган солиқ тўловчилар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари уларга белгиланган тартибда ҳисобга туриш тўғрисида талабнома тақдим этади. Бундай талабнома олинганлиги шахсни қонунда белгиланган жавобгарликдан озод этмайди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилган юридик ва жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ҳисоб маълумотларидаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда маълум қилишлари шарт.

Жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча материалларни унинг янги яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига топшириши шарт. Бундай материалларни топшириш қабул қилиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловчининг талаби бўйича давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани, шу жумладан ўзгаришлар киритилган ҳисоб маълумотларини ҳам кўрсатган ҳолда бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридан чиқариш қуйидагича амалга оширилади: жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – улар вафот этганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – улар тугатилганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари – уларнинг Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилишини белгиланган ҳолатлар бекор бўлган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган тақдирда.

### 84-м о д а. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, ушбу Кодекс 80-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, рўйхатдан ўтка-

зилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирма топшириши шарт. Мазкур органлар давлат солиқ хизмати органига тегишли юридик шахсларга тааллуқли давлат реестрига киритилган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида ҳам бундай ўзгаришлар киритилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт.

Лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар берадиган органлар бундай ҳужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай ҳужжатлар берилганлиги ҳолати ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур ҳужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўрнига паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши шарт.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Сув ресурсларини ҳисобга олувчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида хабар қилиши шарт. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрь ЎРҚ–240-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 555-модда)*

Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ–255-сон ва 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда; 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ер ресурсларини ҳисобга олувчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан ҳуқуқи юзага келган (тугатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан ҳуқуқ берилганлиги (тугатилганлиги) ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Фойдаланишга берилган ер қарри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширувчи ва (ёки)



ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ер қаъри участкаси жойлашган ер ҳамда мазкур ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс тўғрисидаги ахборотни ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Қимматли қозғалар марказий депозитарийси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига депозитарийларда рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт. *(Тўққизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Банклар юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга фақат улар давлат солиқ хизматининг тегишли органида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда банк ҳисобварақлари очиши мумкин ва ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида ўша органга кейинги кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт. Қонунда назарда тутилган ҳолларда банклар давлат солиқ хизмати органларига бошқа маълумотларни ҳам тақдим этади.

Божхона органлари ҳар ойда экспорт-импорт операциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби ушбу моддада назарда тутилган органлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади. *(Ўн иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

## 14-БОБ. СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ

### 85-м о д д а. Солиқ текшируви тушунчаси ва шакллари

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

### 86-м о д д а. Солиқ текширувларининг турлари

Солиқ текширувлари қуйидаги турларга бўлинади: режали солиқ текшируви; режадан ташқари солиқ текшируви; муқобил текширув.

Солиқ тўловчи молия-ҳўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) – текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Солиқ тўловчи молия-ҳўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) қуйидаги ҳолларда ўтказиладиган текширувдир:

юридик шахс тугатилаётганда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда;

давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушганда.

Муқобил текширув – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувдир.

Муқобил текширув учинчи шахсларга нисбатан, агар солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органида мазкур шахслар билан боғлиқ бўлган, солиқ тўловчи ўтказган операциялар солиқ бўйича ҳисобга олишда тўғри акс эттирилганлиги ҳақида қўшимча маълумот олиш заруряти келиб чиқса, ўтказилади.

Қисқа муддатли текширувлар режадан ташқари солиқ текшируви тарзида ўтказилади.

### 87-м о д д а. Солиқ текширувларининг иштирокчилари

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ва солиқ тўловчи солиқ текширувларининг иштирокчиларидир. Солиқ текширувларида солиқ тўловчининг вакили иштирок этиши мумкин.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда солиқ текширувга солиқ текшируви натижасидан манфаатдор бўлмаган эксперт, таржимон ва ҳолислар жалб этилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг солиқ текширувлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

### 88-м о д д а. Солиқ текширувини ўтказиш учун асос

Режали солиқ текширувини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан олинган, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли

орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган кўчирма. Бунда кўчирма унинг аслига тўғри эканлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим;

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режаси асосида давлат солиқ хизмати органининг текширувни мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр ва текширув ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

Ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, режадан ташқари солиқ текширувини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади: *(иккинчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрь ЎРҚ-256-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 314-модда)*

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текшириладиган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари, текшириладиган давр (тафтиш учун), текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори; *(иккинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруғи.

Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш учун давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмаси бошлиғининг текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлади. Давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органни ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмасини ўтказилган қисқа муддатли текширув тўғрисида текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш кунини ичига хабардор қилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрь ЎРҚ-256-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 314-модда)*

Муқобил текширув ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текшириладиган объектнинг номи, текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари, шунингдек ўзаро муносабатларнинг тек-

ширилиши лозим бўлган предмети кўрсатилган ҳолдаги муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;

давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган ҳолдаги буйруғи.

Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солиқ текширувидан ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

туғатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиши тўғрисидаги ёзма билдириши; *(бешинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

давлат солиқ хизмати органининг текширув мақсадлари, текширув ўтказиладиган муддатлар ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруғи.

### **89-м о д д а. Солиқ текширувларини ўтказиш муддатлари**

Солиқ текширувини ўтказиш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори билан узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари – кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрь ЎРҚ-295-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 37-сон, 374-модда)*

Солиқ текшируви муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органининг қўшимча буйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги буйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

### **90-м о д д а. Солиқ текширувларини ўтказиш даврийлиги**

Солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда риоя этаётган солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари эса, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади, ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрь ЎРҚ-295-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 37-сон, 374-модда)*

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширув-

лари (тафтишлари) эса, уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрь ЎРҚ–295-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 37-сон, 374-модда)*

Ақциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрь ЎРҚ–295-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 37-сон, 374-модда)*

### **91-м о д д а. Солиқ текширувларини ўтказишга доир қўшимча шартлар**

Солиқ текширувлари фақат ушбу Кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати органи режали солиқ текшируви ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предмети кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ–345-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Солиқ текшируви ўтказилиши солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўймаслиги керак, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошқа туманларда (шаҳарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказиш, уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нуқталари ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) жойи қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, тақрорлашга йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхати-

дан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурида куйидагилар кўрсатилиши керак:

солиқ текшируви ўтказиладиганда ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

солиқ текшируви солиқ тўғрисидаги қайси қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш учун ўтказиладиган бўлса, шу қонун ҳужжатларининг рўйхати;

текширув туридан келиб чиққан ҳолда бошқа маълумотлар.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Муқобил текширув текшириладиган солиқ тўловчи билан фақат ўзаро муносабатларга тааллуқли қисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказиладиганда солиқ тўловчиларнинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предмети тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказиладиган йилдан бевосита олдинги кўпи билан беш календарь йилдаги фаолиятини қамраб олиши мумкин.

Солиқ текширувлари ўтказиладиганда давлат солиқ хизмати органлари ушбу Кодексда белгиланган тартибда солиқ тўловчининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвентаризация қилишга, ҳужжатларни талаб қилиб олишга, ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйишга, солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарувини амалга оширадиган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олишга, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўришга, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлашга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширувлари ўтказиладиган даврда текшириладиган даврнинг солиқ ҳисоботида солиқ тўловчи томонидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

### **15-боб. СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

#### **92-м о д д а. Солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши. Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ текшируви ўтказиладиган ҳудудга ва жойга кириши**

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ текширувини ўтказишни бошлашдан олдин,

нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказилаётганда эса солиқ текшируви тугаллангунига қадар:

солиқ тўловчини солиқ текширувининг мақсади билан таништириши;

ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатиши; (биринчи қисмининг учинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни қайд этиш дафтарини тўлдириши;

солиқ тўловчига ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органининг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув (ушбу Кодекс 88-моддасининг учинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган асосларга кўра режадан ташқари ўтказиладиган текширув бундан мустасно) ўтказиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт. (Биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрь ЎРҚ–256-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 314-модда*)

Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидан кўрсатилган ҳужжатлар солиқ тўловчига топширилган пайт солиқ текширувини ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади. Солиқ тўловчининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Солиқ тўловчи мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва солиқ тўловчи имзолайдиган далолатнома тузилади. Солиқ тўловчи ушбу далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бундай ҳолда далолатнома имзоланган пайт солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши ҳисобланади.

Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказётган мансабдор шахсларини солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга қўйиши шарт, ушбу модданинги тўртинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини қуйидаги ҳолларда солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга қўймасликка ҳақли, агар:

ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидан кўрсатилган ҳужжатлар топширилмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, солиқ тўловчи уларни олишдан бош тортган ҳоллар бундан мустасно;

текширувчи мансабдор шахс текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилмаган, ўз хизмат

гувоҳномасини ва текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатмаган бўлса; (тўртинчи қисмининг учинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

солиқ текширувини ўтказишнинг буйруқда кўрсатилган муддатлари бошланмаган ёки ўтиб кетган бўлса; текширувчи мансабдор шахс текширувларни қайд этиш дафтарини тўлдиришдан бош тортса.

Солиқ текширувини ўтказувчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга киришига тўсқинлик қилинганда, унинг ўзи ва солиқ тўловчи томонидан имзоланадиган далолатнома тузилади. Солиқ тўловчи мазкур далолатномани имзолашдан бош тортганда далолатномага тегишли ёзув киритилади.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказётган мансабдор шахсларига солиқ тўловчининг ҳудудига ва жойига (турар жой бинолари бундан мустасно) киришига тўсқинлик қилганлик, худди шунингдек давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликка тортилганлик солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Солиқ текширувини ўтказётган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг қонунда белгиланган ҳоллардан ёки суд қарори асосида амалга ошириладиган ҳоллардан бошқа ҳолларда турар жойларга уларда яшовчи жисмоний шахсларнинг хоҳишироудасидан ташқари ёки унга қарши тарзда киришига йўл қўйилмайди.

### **93-м о д д а. Худудлар ва жойларни кўздан кечириш. Мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш**

Солиқ текширувини ўтказётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари, зарурат бўлганда, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириши, шунингдек солиқ тўловчининг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Кўздан кечириш ўтказиладиганда солиқ текшируви қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахс ёки унинг вакили қатнашишга ҳақли. Кўздан кечириш ўтказиладиганда зарур ҳолларда фото ва киносуратга олиниши, видеоёзувга туширилиши, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиниши мумкин, бу ҳақда баённомада кўрсатилади. Кўздан кечириш натижалари бўйича ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда баённома тузилади.

Солиқ текширувларини ўтказиш вақтида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**94-м о д д а. Хужжатларни талаб қилиб олиш**

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувни ўтказиётган мансабдор шахслари текширилаётган солиқ тўловчидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ, текширув мақсадларига тегишли ва текширилаётган даврга тааллуқли хужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Солиқ тўловчи талаб этилган хужжатларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, солиқ текширувни ўтказиётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ушбу Кодекснинг 95-моддасида назарда тутилган тартибда зарур хужжатларни олиб қўйишни амалга оширади.

**95-м о д д а. Хужжатларни ва предметларни олиб қўйиш**

Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлигидан далолат берувчи хужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметлари солиқ текширувни ўтказиётган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг асослан-тирилган қарори асосида олиб қўйилиши мумкин, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган хужжатлар ва предметлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

Хужжатлар ва предметларни тунги вақтда – соат 23-00 дан 6-00 гача – олиб қўйиш ман этилади.

Солиқ текширувига тааллуқли бўлмаган хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ман этилади.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш бошлан-гунига қадар олиб қўйиш амалга оширилаётган шахсга хужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси хужжатлари ва предметлари олиб қўйилаётган шахсга уларни ихтиёрий равишда топширишни таклиф этади, у бош тортган тақдирда эса мажбуран олиб қўйиш чораларини кўради.

Хужжатларни ва предметларни олиб қўйиш солиқ тўловчи иштирокида амалга оширилади.

Хужжатларни ва предметларни мажбуран олиб қўйиш ҳолислар ҳамда солиқ тўловчи иштирокида амалга оширилади. Бунда олиб қўйилаётган барча хужжатлар ва предметлар ҳолисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этаётган бошқа шахсларга кўрсатилади.

Хужжатлар асл нусха ёки солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кўчирма нусхалар кўринишида олиб қўйилади.

Солиқ тўловчи хужжатлари кўчирма нусхаларининг олиб қўйилиши солиқ назоратини амалга ошириш учун етарли бўлмаган ҳолларда ҳамда давлат солиқ хизмати органларида хужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, тузатилиши ёки алмаштири-

лишига етарли асослар бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси хужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишга ҳақли. Хужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилаётганда улардан кўчирма нусхалар тайёрланади, бу нусхалар давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга берилади. Хужжатларни олиб қўйиш билан бир вақтнинг ўзида улардан кўчирма нусха тайёрлаш ёки тайёрланган кўчирма нусхаларни бериш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уларни хужжатлари олиб қўйилган шахсга олиб қўйилган кундан эътиборан беш кун ичида беради. Қолган ҳолларда солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган хужжатларнинг кўчирма нусхалари олиб қўйилади.

Хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада ёки унга илова қилинадиган рўйхатларда хужжатлар ва предметларнинг номи, миқдори ҳамда алоҳида белгилари, имкони бўлганда эса предметларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда санаб ўтилиши ва тавсифланиши лозим.

Хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома икки нусхада тузилади, улардан бири хужжатлар ва предметлар кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга топширилиб, тилхат олинади. Баённомани қабул қилишдан бош тортилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Бундай ҳолда баённоманинг бир нусхаси хужжатлари ва предметлари олиб қўйилган шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади ҳамда у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтганидан сўнг топширилган ҳисобланади.

**96-м о д д а. Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш**

Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилади, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно. Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш қўйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин:

солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда;

солиқ тўловчи – юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ текширувни ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан

кечириш учун кириши рад этилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь УРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **97-м о д д а. Экспертиза**

Зарур ҳолларда, солиқ текширувларини ўтказишда иштирок этиш учун эксперт жалб этилиши ва экспертиза тайинланиши мумкин.

Юзага келган масалаларни тушунтириш учун фан, санъат, техника ва бошқа соҳалар бўйича махсус билим талаб этилган тақдирда экспертиза тайинланади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор текширув ўтказаятган мансабдор шахснинг илтимосномаси асосида давлат солиқ хизмати органининг раҳбари томонидан қабул қилинади. Қарорда экспертизани тайинлаш учун асослар, экспертиза ўтказиши керак бўлган ташкилотнинг номи ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эксперт олдига қўйилган масалалар ва эксперт ихтиёрига бериладиган материаллар кўрсатилади.

Шахсни эксперт сифатида жалб этиш давлат солиқ хизмати органи ва эксперт ўртасида экспертиза ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

Эксперт экспертиза предметига тааллуқли солиқ текшируви материаллари билан танишишга, ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши тўғрисида илтимосномалар беришга ҳақли.

Эксперт, агар унга берилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришни рад этиши мумкин.

Эксперт хулосани ўз номидан ёзма шаклда беради. Эксперт хулосасида унинг ўзи ўтказган текширишлар, шу текширишлар натижасида қилинган хулосалар ҳамда ўртага қўйилган масалаларга асослантирилган жавоблар баён этилади.

Экспертнинг хулосаси ёки унинг хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисидаги хабари текшириляётган шахсга тақдим этилади, мазкур шахс ўз тушунтиришларини бериш ва эътирозлар билдириш, шунингдек экспертнинг олдига қўшимча масалалар қўйиш ва қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлашни сўраш ҳуқуқига эга.

Қўшимча экспертиза хулоса етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаган тақдирда тайинланади ва ўша экспертнинг ўзига ёки бошқасига топширилади.

Такрорий экспертиза экспертнинг хулосаси асосланмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа бўлган тақдирда тайинланади ва бошқа экспертга топширилади.

Қўшимча ва такрорий экспертиза ушбу моддада назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда тайинланади.

### **98-м о д д а. Таржимоннинг иштироки**

Зарур ҳолларда солиқ текширувида иштирок этиш учун таржимон жалб этилиши мумкин.

Ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган, таржима қилиш учун зарур даражада тил билладиган ёхуд қар

ёки соқов жисмоний шахснинг имо-ишораларини тушунадиган шахс таржимондир.

Таржимон уни таржимонликка тайинлаган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахснинг чақирuvi биноан ҳозир бўлиши ва ўзига топширилган таржимани аниқ бажариши шарт.

Таржимонни жалб этиш давлат солиқ хизмати органи ва таржимон ўртасида шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

### **99-м о д д а. Холислар иштироки**

Солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатлар амалга ошириляётганда ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда холислар жалб этилади.

Солиқ текширувининг натижасидан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахслар холислар сифатида жалб этилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органининг ходимларининг холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Холислар ўз иштирокида амалга оширилган ҳаракатларнинг ҳолати, мазмуни ва натижаларини баённомада тасдиқлашлари шарт. Улар содир этилган ҳаракатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли, бу фикр-мулоҳаза баённомага киритиб қўйиши керак.

### **100-м о д д а. Солиқ текширувини ўтказиш доирасида ҳаракатлар амалга оширилганда тузиладиган баённомага қўйиладиган талаблар**

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар амалга оширилганда баённома тузилади. Баённомада куйидагилар кўрсатилади:

- 1) текшириляётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
- 2) текширувни ўтказиш асослари, тури ва даври;
- 3) муайян ҳаракат бажарилган сана ва жой;
- 4) ҳаракат бошланган ва тугалланган вақт;
- 5) баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- 6) ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, зарур ҳолларда эса унинг манзили;
- 7) ҳаракатнинг мазмун-моҳияти, уни ўтказиш изчиллиги;
- 8) солиқ текшируви пайтида аниқланган фактлар ва ҳолатлар.

Ҳаракатларнинг амалга оширилишида иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган барча шахслар баённомани ўқиб чиқадилар. Мазкур шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли ва бу фикр-мулоҳазалар баённомага киритилиши ёки солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилиши лозим. Баённома давлат солиқ хизмати органининг баённомани тузган мансабдор шахси, шунингдек ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Баённомага фотосуратлар ва негативлар, киноленталар, видеоёзувлар ҳамда ҳаракатлар амалга оширилганда бажарилган бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

### 101-м о д д а. Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича қуйидагилар кўрсатилган ҳолда солиқ текшируви далолатномаси тузилиши керак:

1) текширув ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;

2) текширув ўтказиш учун асос;

3) текширув тури ва уни ўтказиш даври;

4) давлат солиқ хизмати органининг текширувни ўтказган мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми;

5) якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

6) юридик шахснинг тўлиқ номи, текширув даврида раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби юритиш вазифаларини амалга оширган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

7) солиқ тўловчининг жойлашган ери (почта мазли), банк реквизитлари, шунингдек унинг идентификация рақами;

8) илгариги текширув тўғрисидаги маълумотлар;

9) текширилаётган солиқ даври ва текширув ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

10) солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг (у мавжуд бўлганда) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи;

11) текширув натижалари бўйича фикрлар ва хулосалар.

Агар солиқ текшируви тугалланганида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган бўлмаса, бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

Солиқ текшируви далолатномаси камида уч нусхада тузилади.

Солиқ текшируви далолатномасининг барча нусхалари давлат солиқ хизмати органларининг солиқ текширувини ўтказиётган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олганда далолатноманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ текшируви далолатномасининг давлат солиқ хизмати органида қолган нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади.

Солиқ тўловчининг солиқ текшируви далолатномасидаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан рози эканлигини аниқламайди.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва шу пайтдан эътиборан солиқ текшируви тугалланган ҳисобланади.

Солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун солиқ текшируви тугалланган кун

ҳисобланади, ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Олтинчи ва еттинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрь ЎРҚ-295-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 37-сон, 374-модда)*

Солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган, ушбу Кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари, солиқ текшируви доирасида содир этилган ҳаракатлар тўғрисидаги баённомалар, инвентаризация далолатномалари, экспертларнинг хулосаси, солиқ текшируви ўтказиш пайтида олинган материаллар, шунингдек солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар солиқ текшируви далолатномасига қўшиб қўйилиши лозим.

Солиқ текшируви материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибга биноан солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органида солиқ текшируви тугалланган кундан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказилиши лозим.

### 102-м о д д а. Солиқ текшируви материалларининг давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқиши

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан солиқ текшируви тугалланган кундан эътиборан ўн иш куни ўтгач, бироқ ўн беш иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқиляётганда ҳисобланган ёки ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдори, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аломатлари мавжудлиги, қўлланаётган молиявий санкцияларнинг миқдори ва хусусияти, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатларининг мавжудлиги, шунингдек солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар аниқланади.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқиляётганда баённома юритилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

1) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш санаси ва жойи;

2) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек лавозими;

3) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳозир бўлганлигига оид маълумотлар;

4) кўриб чиқиляётган солиқ текшируви материаллари;

5) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, илтимосномалари ва уларни кўриб чиқиш натижалари;

6) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда ўрганилган ҳужжатлар;

7) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги бошқа маълумотлар.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси солиқ текшируви материалларини кўриб чиққан мансабдор шахс, шунингдек уларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномаси бўйича ўзининг ёзма тушунтиришларини ёки эътирозларини солиқ текшируви тугаган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тақдим этишга ҳақли. Мазкур ҳолда солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчининг мансабдор шахслари иштирокида кўриб чиқилади. Давлат солиқ хизмати органи текширув материалларини кўриб чиқиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида солиқ тўловчини кўриб чиқишдан камида икки иш куни олдин хабардор қилади.

Агар солиқ тўловчи солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишга узрли сабабларга кўра кела олмаслиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган бўлса, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишни уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатга кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилади, бу ҳақда солиқ тўловчи хабардор қилинади. Агар солиқ тўловчи такрорий хабарномага қарамасдан солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишга келмаса, мазкур материаллар, шу жумладан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тушунтиришлар ва эътирозлар унинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчининг иштирокида кўриб чиқилганда баённома солиқ текшируви материалларини кўриб чиққан мансабдор шахс, солиқ тўловчи, шунингдек уларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи баённомани имзолашдан бош тортганда ёхуд солиқ текшируви материаллари унинг иштирокисиз кўриб чиқилганда бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.

Солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчининг иштирокида кўриб чиқилганда баённома уч нусхада тузилади, улардан бир нусхаси солиқ тўловчига берилади. Солиқ тўловчи баённомани олганда баённоманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ тўловчи баённомани олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомасининг давлат солиқ хизмати органида қолган барча нусхалари солиқ текшируви материалларига кўшиб қўйилади.

### **103-м о д д а. Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарори**

Давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин беш иш кунидан кечиктирмасдан қўйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилади:

солиқлар, бошқа мажбурий тўловларни ва пеняни ҳисоблашни ёки буни рад этишни;

солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортишни ёки буни рад

этишни. *(Биринчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

1) ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня, шунингдек қўлланилган жарима суммаси;

2) ўтказилган текширувда аниқланган солиқ тўловчи томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатлари, мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар;

3) солиқ тўловчини солиққа оид муайян ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, ушбу Кодекснинг муайян ҳуқуқбузарликни ва қўлланиладиган жавобгарлик чораларини назарда тутовчи моддалари кўрсатилган қарор;

4) ушбу Кодекс 104-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаш муддати;

5) солиқ тўловчи белгиланган муддатларда солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этган ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаган тақдирда, унинг жарима тўлашдан озод этилиш ҳуқуқи.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортишни назарда тутовчи қарори ушбу Кодекснинг IV бўлими нормаларига риоя этилган ҳолда қабул қилиниши лозим.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан ошмайдиган муддатда қарорнинг нусхаси тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи томонидан олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали солиқ тўловчига топширилади. Агар солиқ тўловчига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

### **104-м о д д а. Солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг қарорини бажариш**

Солиқ тўловчи, агар ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, давлат солиқ хизмати органи қарорининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида қарорда кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиши ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммасини тўлаши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бартараф этилган ҳамда ҳисобланган солиқлар, мажбурий тўловлар ва пеня суммаси тўланган тақдирда, давлат солиқ хиз-



мати органи қарорининг солиқ тўловчига нисбатан қўлланиладиган жарима қисми бекор қилинган ҳисобланади. Мазкур норма товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни яшириш (камайтириш) ва кирим қилинмаган товарларни сақлаш, фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартибини бузиш, шунингдек лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш ҳолларига татбиқ этилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатда солиққа оид ҳуқуқбузарлик бартараф этилмаган ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммаси тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи ушбу Кодекснинг 62 – 65-моддаларига мувофиқ солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни мажбурий равишда ундириш чораларини кўради, шунингдек солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

Агар давлат солиқ хизмати органининг қарори бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушмаслигига олиб келмаган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун солиқ тўловчига нисбатан жарима қўлланилишини назарда тутса, солиқ тўловчи қарор нусхасини олган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига мазкур ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва ихтиёрий равишда жарима тўлаши тўғрисида ёки уни рад этиши тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши (юбориши) шарт.

Солиқ тўловчи солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганликдаги айбини тан олган тақдирда, ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда давлат солиқ хизмати органига жаримани (аниқ муддатни кўрсатган ҳолда) ихтиёрий равишда тўлаш учун зарур бўлган муддат бериш тўғрисида мурожаат қилади. Жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари аризани олган кундан эътиборан икки иш кунидан кечиктирмасдан солиқ тўловчи томонидан сўралган муддатни бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Муддат жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун муддат бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан, ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак. Мазкур қарорнинг нусхаси солиқ тўловчига тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи қарор нусхасини олган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали топширилади. Агар солиқ тўловчига қарорнинг нусхасини бундай усуллар орқали топшириш имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади. *(Бешинчи қисмининг учинчи жумласи Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ солиқ тўловчи содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёки уни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган ёхуд

рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ берилган муддат ичида жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларининг ушбу боб қодаларига риоя этмаганлиги давлат солиқ хизмати органининг қарори давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан бекор қилиниши ёки мазкур қарорнинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиши мумкин. *(Олтинчи ва еттинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ текшируви жараёнида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади.

#### **105-м о д д а. Солиқ текширувини ўтказишда ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўймаслик**

Солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчига ёхуд унинг эгалигида, фойдаланишида ёки тасарруфида бўлган мол-мулкка ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ текширувини ўтказишда давлат солиқ хизмати органининг ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари орқали етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни давлат солиқ хизмати органи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши керак. Суд қарорига биноан зарарларнинг ўрнини қоплаш давлат солиқ хизмати органи қайси мансабдор шахсларининг айби билан зарар етказилган бўлса, ўша мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органининг уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлар содир этганлиги натижасида солиқ тўловчига етказилган зарар учун қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларининг қонуний ҳаракатлари орқали солиқ тўловчига етказилган зарарларнинг ўрни қопланмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **IV бўлим. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

##### **16-боб. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **106-м о д д а. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси**

Солиқ тўловчининг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати

ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

### **107-м о д д а. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги**

Жисмоний шахсларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлиги ўн олти ёшдан бошлаб вужудга келади.

### **108-м о д д а. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари**

Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарликда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

Солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунга қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас.

Солиқ тўловчи солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда, молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар қўлланилган шахс молиявий санкциялар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этмаган бўлса, у молиявий санкцияларга тортилмаган ҳисобланади.

### **109-м о д д а. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилиш**

Шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун куйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги фактининг йўқлиги;

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби йўқлиги.

Ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган тақдирда, шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви ўтказилгунга қадар хатони ўзи тузатган тақдирда жавобгарликдан озод этилади, пеня тўлаш бундан мустасно.

### **110-м о д д а. Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар**

Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик белгилари бўлган қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулудда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида содир этилганлиги (мазкур ҳолатлар ҳаммага маълум фактларнинг мавжудлиги, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ва исботлаш учун махсус воситалар талаб этилмайдиган бошқа усуллар билан белгиланади);

солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган қилмиш бундай қилмиш содир этилган пайтда касаллик оқибатида ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган (мазкур ҳолатлар мазмуни, моҳияти ва санаси бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган ўша солиқ даврига тааллуқли бўлган ҳужжатларни тақдим этиш орқали исботланади) жисмоний шахс – солиқ тўловчи томонидан содир этилганда;

ваколатли органлар ёки улар мансабдор шахсларининг солиққа оид қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида берган ёзма тушунтиришлари солиқ тўловчи томонидан бажарилганда (мазкур ҳолатлар ушбу органларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда белгиланади, ушбу ҳужжатлар маъноси ва мазмунига кўра, ҳужжатлар қабул қилинган санадан қатъи назар, солиққа оид ҳуқуқбузарлик юз берган солиқ даврига тааллуқли бўлиши лозим).

Шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлмаган жисмоний шахс томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганда;

солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатлари тугаганда.

*(Модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **111-м о д д а. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва огирлаштирувчи ҳолатлар**

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

оғир шахсий ёки оилавий шароитлар кечиши оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этиш;

тахдид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли ҳуқуқбузарлик содир этиш;

суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг илгари худди шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

### **112-м о д д а. Молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби**

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга – солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар фақат суд тартибида қўлланилади, пеня ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти – солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод қилинади.

### **17-БОБ. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

#### **113-м о д д а. Давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш**

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, бундан бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган солиқ тўловчилар мустасно, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар фаолият кўпи билан ўттиз кун амалга оширилган бўлса, – энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдориди, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ амалга оширилган бўлса, – энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдориди, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда.

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг давлат солиқ хизмати органида объектлар бўйича ҳисобга туришдан бўйин

товлаши қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан кўпи билан ўттиз кун ўтган бўлса, – энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдориди;

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан ўттиз кундан ортиқ ўтган бўлса, – энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдориди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **114-м о д д а. Қирим қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш)**

Қирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) –

қирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳисобга олинмайди ҳамда мазкур солиққа оид ҳуқуқбузарлик юзасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Ушбу моддани қўллаш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;

ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

#### **115-м о д д а. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш**

Солиқ тўловчи – жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик – *(биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни таҳри-*

рида – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида, бироқ белгиланган тўлов муддатида тўланадиган лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган суммасини ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **116-м о д д а. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш**

Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик, ҳисобланадиган лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмағлигига олиб келганда –

юридик шахс – солиқ тўловчига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум миқдорининг бир фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жаримани тўлаганлик солиқ тўловчини бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятдан озод қилмайди.

#### **117-м о д д а. Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шугулланиш**

Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шугулланиш –

фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **118-м о д д а. Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш**

Қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик – *(биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт. *(Иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда –*

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчиларга нисбатан жарима солиш қўлланилмайди ва улар қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайди.

#### **119-м о д д а. Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш тартибини бузиш**

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдон амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик – *(модданинг номи ва биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда –

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик – *(учинчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда –

энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

#### **120-м о д д а. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш –

тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов кунини ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва

бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаридан озод қилмайди. Юридик шахс – тадбиркорлик субъекти ихтиёрий тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисоблашлар тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилади.

**121-м о д д а. Ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш**

Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ер солигининг суммасига эквивалент миқдорда: *(биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

юридик шахсларга – икки баравари миқдорида;  
жисмоний шахсларга – бир ярим баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**18-бoб. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ, УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ВА ҲАРАКАТСИЗЛИГИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ**

**122-м о д д а. Шикоят бериш ҳуқуқи**

Ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**123-м о д д а. Шикоят бериш тартиби**

Давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) шикоят қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят берилганлиги шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят бериш тегишинча шикоят бўйича давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан қарор қабул қилинганга ёки суднинг қаро-

ри қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туради. Солиқ тўловчи қайси давлат солиқ хизмати органининг қарори ёки мансабдор шахсининг ҳаракатлари устидан шикоят қилаётган бўлса, ўша органи давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят берганлиги тўғрисида тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шарт. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

**124-м о д д а. Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят бериш тартиби ва муддатлари**

Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят давлат солиқ хизматининг тегишли юқори турувчи органига ёзма шаклда берилади.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят солиқ тўловчи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан ўттиз кун ичида берилади. Шикоятга уни асослантирувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

**125-м о д д а. Шикоятни давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан кўриб чиқиш**

Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоят давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан шикоят олинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи қуйидагиларга ҳақли:

шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш;  
давлат солиқ хизмати органининг шикоятга сабаб бўлган қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан мазмунан қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат солиқ хизмати юқори турувчи органининг шикоят юзасидан қарори ўттиз кун ичида қабул қилинади. Шикоят берган шахсга қабул қилинган қарор тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ёзма шаклда маълум қилинади.

**МАХСУС ҚИСМ****V бўлим. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН  
ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИГИ****i9-боб. УМУМҲИЙ ҚОИДАЛАР****126-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Фойда солиги тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Қуйидагилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиги тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда нотижорат ташкилотлар ўзи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдадан солиқ тўловчи бўлади;

агар ушбу Кодекснинг ХХ бўлимида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

**127-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг объекти қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу бўлимга мувофиқ чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

**128-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Солиқ солинадиган база жами даромад билан ушбу бўлимда назарда тутилган чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, мазкур Кодекс 158-моддасининг иккинчи қисмида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда ушбу Кодекснинг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инobatга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ўтган солиқ даврларига тегишли, жорий солиқ даврига ўтказилиши лозим бўлган зарарлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база ушбу Кодекснинг 161-моддасига мувофиқ тақсимлаб ўтказиладиган зарарлар суммасига камайтирилади.

**20-боб. ЖАМИ ДАРОМАД****129-м о д д а. Жами даромаднинг таркиби**

Жами даромадга қуйидагилар киради:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;  
бошқа даромадлар.

Солиқ тўловчининг қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлари миллий валютада олинган даромадлар билан жамланган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Қуйидагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун оддий ширкат шартномаси бўйича бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда) ёки муассис (иштирокчи) улушининг миқдори камайтирилганда, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳисса доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар); *(учинчи қисмнинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

3) оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) шартнома шериклари (иштирокчилари) умумий мулкидаги улуши қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси миқдоридан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

5) қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тарикасида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами; *(учинчи қисмнинг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

9) *(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

10) нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олин-

ган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

11) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

12) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно); (учинчи қисмнинг 12-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

13) ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган молиявий ижара (лизинг) объекти қийматининг қопламаси; (учинчи қисмнинг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

14) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

15) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади; (учинчи қисмнинг 15-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

16) инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

### **130-м о д д а. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадлар**

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромаддир.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Воситачилик фаолиятдан даромадлар оладиган юридик шахслар учун тушум дейилганда кўрсатилган хизматлар учун олиниши лозим бўлган ҳақ суммаси тушунилади.

Наشريёт ва таҳририятлар учун газета ва журналларни реализация қилишдан олинган тушум уларда рекламани жойлаштиришдан олинган даромадлар киритилган ҳолда аниқланади.

Мол-мулкни ижарага беришдан фоизлар, роялти, даромадлар олиш имконини берувчи мол-мулкни ва мулкый ҳуқуқларни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишдан олинган даромадлар, агар ушбу хизматлардан олинган жами даромадлар суммаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларнинг умумий суммасида устунлик қилса, хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади.

Кредит, суғурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун ушбу Кодекснинг тегишинча 148, 150 ва 152-моддаларида кўрсатилган даромадлар хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади. (Тўртинчи – олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Узоқ муддатли контрактларни бажаришдан олинadиган даромадлар уларнинг ҳақиқатда босқичма-босқич бажарилишига тааллуқли қисмида ҳисобот даври мобайнида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли контрактнинг ҳисобот даври охирида ҳақиқатда бажарилганлиги контрактни бажаришга киришилганидан эътиборан қилинган харажатларнинг контрактни бажариш учун кетадиган харажатларнинг умумий суммасидаги солиштирма салмоғини ҳисоб-китоб қилиш асосида белгиланади.

Ҳисобот даври охиридаги даромад контракт бўйича қилинган харажатларнинг ҳисобланган солиштирма салмоғи ва жами даромад суммасининг (контракт баҳосининг) ҳосиласи сифатида аниқланади. Мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар жорий ҳисобот даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни аниқлашда чегириб ташланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар (хизматлар) бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр қилиб қуриш чоғида шартномавий баҳолардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган, буюртмачилар томонидан бажарилган (кўрсатилган) ва тасдиқланган ишларнинг (хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати даромадга қўшилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки товарлар олин-

ган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади. Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинadиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади. *(Ун биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

### **131-м о д д а. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга тузатиш киритиш**

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;
- 3) баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;
- 4) бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат ичида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса, кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда товарни (ишни, хизматни) етказиб берувчи товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга тузатиш киритишни ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **132-м о д д а. Бошқа даромадлар**

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган даромадлар кирди, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 133-моддасига мувофиқ асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинadиган даромадлар;
- 2) ушбу Кодекс 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинadиган даромадлар;
- 3) ушбу Кодекс 134-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинadиган даромадлар;

4) ушбу Кодекснинг 135-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

5) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тарикасидаги даромадлар;

6) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;

7) ушбу Кодекснинг 136-моддасига мувофиқ мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинadиган даромадлар;

8) ушбу Кодекснинг 137-моддасига мувофиқ талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар;

9) ушбу Кодекснинг 138-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар; *(9-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

10) ушбу Кодекснинг 139-моддасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинadиган даромадлар;

11) ушбу Кодекс 157-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинadиган даромадлар; *(11-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

12) ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня, шунингдек қонуний қўлга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўлашни лозим бўлган жарималар ва пеня;

13) ушбу Кодекснинг 140-моддасига мувофиқ курсдаги ижобий фарқ; *(12 ва 13-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

14) дивидендлар ва фоизлар;

15) роялти;

16) товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган бошқа даромадлар қўшилган қиймат солиғи суммаси чегирилган ҳолда аниқланади.

Нотижорат ташкилотлари учун ушбу моддада назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, бундан мазкур модда биринчи қисмининг 11, 14 ва 15-бандларида назарда тутилган бошқа даромадлар мустасно. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **133-м о д д а. Асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинadиган даромадлар**

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланadиган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинadиган фойда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинadиган даромаддир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 де-*



кабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объектларининг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижа-ни (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объектларининг илгариги қайта баҳолашлардаги ортган суммасининг ушбу асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объекти қийматининг илгариги қайта баҳолашлардаги камайиши суммасидан ортган қисми асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан киритилган; 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда.

#### **134-м о д д а. Мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадлар**

Ижара тўловининг суммаси мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромаддир.

Асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромад ижарага берувчининг фоидали даромадидир.

#### **135-м о д д а. Текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар**

Солиқ тўловчи текин олган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўловчининг даромади бўлади.

Мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар текин асосда олинаётганда олувчи шахснинг даромадлари бозор қиймати бўйича белгиланади.

Мол-мулкнинг, мулкый ҳуқуқларнинг бозор қиймати ҳужжатлар билан ёки баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи билан тасдиқланади. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб куйидагилар эътироф этилади: (учинчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрь ЎРҚ–257-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда)

жўнатиш, етказиб бериш ёки топшириш ҳужжатлари; (учинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

етказиб берувчиларнинг нархларга оид маълумотлари (прайс-варақлар);

оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар; биржа маълумотлари;

давлат статистикаси органларининг маълумотлари.

#### **136-м о д д а. Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар**

Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадларга куйидагилар қиради:

фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар;

суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар.

Солиқ тўловчининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган суммалари даромад таркибига киритилмайди.

#### **137-м о д д а. Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинадиган даромадлар**

Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинадиган даромадлар асосий қарз талаблари бўйича қарздор томонидан тўланган суммалар, шу жумладан қарздор томонидан асосий қарздан ташқари тўланган суммалар билан солиқ тўловчи томонидан олинган қарз қиймати ўртасидаги ижобий фарқ тарзида аниқланадиган даромадлардир.

#### **138-м о д д а. Илгари чегирилган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинадиган даромадлар**

Қоплаш тарзида олинадиган даромадларга солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегирилган ва жорий солиқ даврида ўрни қопланган харажатлар ва (ёки) зарарлар қиради. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Қоплаш суммаси қайси солиқ даврида олинган бўлса, ўша солиқ даврининг даромади бўлади.

Солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланмаган харажатларнинг ва (ёки) зарарларнинг ўрнини қоплаш суммаси бошқа даромад таркибига киритилмайди. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Захираларни ташкил этиш харажатлари солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланган шубҳали қарзлар (таваккалчилик операциялари) бўйича захиралар қисқарган ҳолларда, уларнинг қисқариш суммаси бошқа даромадлар таркибида ҳисобга олинади ёки бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ харажатларни камайтиради. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

#### **139-м о д д а. Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар**

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар деганда фаолияти солиқ тўловчининг асосий фаолиятига хизмат кўрсатишга қаратилган ва мазкур солиқ тўловчининг мақсади бўлган товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган хўжаликлар тушунилади. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ёрдамчи хўжаликлар, уй-жой-коммунал хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳа объектлари, ошхоналар ва буфетлар, ўқув комбинатлари ҳамда шунга ўхшаш хўжаликлар, ўз ходимларига ёки бошқа шахсларга хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи ишлаб чиқаришлар ва хизматлар қиради.

Уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига уй-жой фонди, меҳмонхоналар (туристик меҳмонхоналар бундан мустасно), бошқа жойдан келувчилар учун уйлар ва ётоқхоналар, ташқи ободонлаштириш объектлари, сунъий иншоотлар, сув ҳавзалари, пляжлар учун иншоот ҳамда жихозлар, шунингдек аҳолини газ, иссиқлик ва электр билан таъминлаш объектлари, уй-жой-коммунал хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳа, жисмоний тарбия ва спорт объектларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш учун мўлжалланган участкалар, цехлар, базалар, устахоналар, гаражлар, махсус машиналар ва механизмлар, омборхоналар киради.

Ижтимоий-маданий соҳа объектларига соғлиқни сақлаш, маданият объектлари, болалар мактабгача тарбия объектлари, болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийлар (профилакторийлар), дам олиш базалари, пансионатлар, жисмоний тарбия ва спорт объектлари (шужумладан треклар, отчопарлар, отхоналар, теннис кортлари, гольф, бадминтон ўйинлари учун майдончалар, соғломлаштириш марказлари), аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ишлаб чиқаришга оид бўлмаган объектлари (ҳаммомлар, сауналар, кир ювиш, тиқиш ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи бошқа устахоналар) киради.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинadиган даромадлар хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан хизматларни реализация қилишдан олинган (олинadиган) маблаглар суммаси ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар фаолияти билан боғлиқ харажатлар суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

#### **140-м о д д а. Курсдаги ижобий фарқ**

Валюта ҳисобварақлари бўйича, шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги ижобий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳолларда даромадлар таркибига киритилади:

чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан юқори баҳода сотилганда;

чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан паст баҳода сотиб олинганда;

чет эл валютаси курсидаги ўзгариш муносабати билан баланснинг валютага оид моддалари тегишли ҳисобот даври учун қайта баҳоланганда.

Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи ижобий фарқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромад таркибига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

## **21-боб. ХАРАЖАТЛАР**

### **141-м о д д а. Харажатларни гуруҳлаш**

Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади, ушбу Кодексга мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

Асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига ва (ёки) солиқ тўловчининг ҳисобга олиш сисъатига мувофиқ расмийлаштирилган зарарлар ҳам солиқ тўловчининг харажатлари бўлади.

Солиқ тўловчининг харажатлари ҳақиқатда қайси солиқ даврида амалга оширилган бўлса, ўша даврда чегириб ташланади. Агар айни бир хил харажатлар харажатларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса, солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда мазкур харажатлар фақат бир марта чегириб ташланади.

Солиқ тўловчи сарфлаган ва қиймати чет эл валютасида ифодаланган харажатлар қиймати миллий валютада ифодаланган харажатлар билан жамлаб ҳисобга олинади. Мазкур харажатларни қайта ҳисоблаш солиқ тўловчи томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг харажатлари чегириб ташланадиган ва чегириб ташланмайдиган харажатларга бўлинади.

Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:

1) ушбу Кодекснинг 142-моддасига мувофиқ моддий харажатлар;

2) ушбу Кодекснинг 143-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

3) ушбу Кодекснинг 144-моддасига мувофиқ амортизация харажатлари;

4) ушбу Кодекснинг 145-моддасига мувофиқ бошқа харажатлар;

5) ушбу Кодекснинг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар.

Солиқ тўловчининг ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатиб ўтилган харажатлари, агар улар ушбу Кодекснинг 147-моддасида кўрсатилган чегириб ташланмайдиган бирон бир харажат таркибида ҳисобга олинса (унинг бир қисми бўлса), чегириб ташланадиган харажатлар бўлмади.

Қуйидагиларга солиқ тўловчининг харажати сифатида қаралмайди:

1) воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш учун бошқа шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиши муносабати билан, шунингдек комитент ёки бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларга ҳақ тўлаш ҳисобига воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан топширилган мол-мулк тарзидаги тўловлар, агар бундай харажатлар тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ воситачи ёки бошқа ишончли вакилнинг ёхуд бошқа топшириқ берувчининг харажатлари таркибига киритилиши лозим бўлмаса; *(саккизинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) солиқ тўловчи эмитент томонидан топширилган, акциядорлар ўртасида акциядорлар умумий йигилиши қарорига биноан ўзларига тегишли акциялар миқдори мутаносиб равишда тақсимланадиган акцияларнинг қиймати ёхуд эмитентнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилган тақдирда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлашда дастлабки акциялар ўрнига берилган янги акцияларнинг номинал қиймати билан акциядорнинг дастлабки акцияларининг номинал қиймати ўртасидаги фарқ;

3) бошқа юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ёки оддий ширкатга ҳисса сифатида берилган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар қиймати.

### 142-м о д д а. Моддий харажатлар

Моддий харажатларга қуйидагилар киради:

1) хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

2) ишлаб чиқарилган ва (ёки) реализация қилинадиган товарларни ўраш ва бошқача тайёрлаш учун, шу жумладан сотув олдидан тайёрлаш учун, бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун материаллар, ускуналар ҳамда бошқа мол-мулкни таъмирлаш учун материаллар ва эҳтиёт қисмлар;

3) инвентарь, хўжалик анжомлари, амортизация қилинадиган мол-мулк бўлмаган бошқа мол-мулк;

4) солиқ тўловчининг технологик, транспорт, бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланадиган барча турдаги ёқилғи, энергия, шу жумладан солиқ тўловчининг ўзи томонидан ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжлари учун барча турдаги энергияни ҳосил қилиш, биноларни иситиш, шунингдек энергияни бир шаклдан ўзга шаклга ўтказиш ва узатиш харажатлари;

5) ерларни рекультивация қилиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг бошқа тадбирлари учун харажатлар;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар доирасида сув хўжалиги тизимларидан солиқ тўловчилар томонидан истеъмол қилинадиган сув учун тўлов;

7) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган ёки солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида ишлаб чиқариш ва (ёки) ташиш чоғидаги технологик йўқотишлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган ёки солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган табиий камайиш нормалари доирасида товар-моддий захираларни сақлаш ҳамда ташиш чоғидаги йўқотишлар ва бузилишлар.

Моддий харажатларга киритиладиган товар-моддий захираларнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Агар етказиб берувчидан қабул қилинган қайтариладиган тара қиймати олинган товар-моддий захиралар нархига қўшилган бўлса, қайтариладиган тара қиймати уларнинг эҳтимол тутилган фойдаланилиши ёки уларни реализация қилиш нархи бўйича уларни сотиб олиш учун қилинган харажатларнинг умумий суммасидан чиқариб ташланади. Маҳсулот етказиб берувчидан товар-моддий захиралар билан қабул қилинган ҳамда қайтарилмайдиган тара ва ўров идишлари қиймати уларни сотиб олиш харажатлари суммасига ки-

ритилади. Тарани қайтариладиган ёки қайтарилмайдиган тара жумласига киритиш товар-моддий захираларни сотиб олиш шартномаси (контракти) шартлари билан белгиланади.

Моддий харажатлар суммаси қайтариладиган чиқиндилар қийматига камайтирилади. Ушбу модданинг қўлланилиши мақсадида қайтариладиган чиқиндилар деганда хом ашё (материаллар), ярим тайёр маҳсулотлар, иссиқлик берувчи ва бошқа турдаги моддий ресурсларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган, бошлангич ресурсларнинг истеъмолбоплик хусусиятларини (кимёвий ёки физик хоссаларини) қисман йўқотган ва шу туфайли харажатлар ошиб кетган (маҳсулот чиқиши камайиб кетган) ҳолда фойдаланиладиган ёки белгиланган мақсади бўйича фойдаланилмайдиган қолдиқлари тушунилади.

Товар-моддий захираларнинг технология жараёнига мувофиқ бошқа бўлинмаларга бошқа турдаги товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш учун тўлақонли хом ашё (материаллар) сифатида ўтказиладиган қолдиқлари, шунингдек технология жараёнини амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча (йўл-йўлак олинган) маҳсулот қайтариладиган чиқиндилар жумласига кирмайди.

Қайтариладиган чиқиндилар қуйидаги тартибда баҳоланади:

агар бу чиқиндилардан асосий ёки ёрдамчи ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлса-ю, лекин бунда харажатлар ошиб кетса (тайёр маҳсулот чиқиши камайиб кетса), эҳтимол тутилган фойдаланиш нархида;

агар бу чиқиндилар четга реализация қилинса, реализация қилиш нархида.

### 143-м о д д а. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда бажарилган иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган иш ҳақи;

2) илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар;

3) предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўланадиган тўловлар, бундан яқка тартибдаги тадбиркорлар билан тузилган шартномалар мустасно;

4) юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

а) рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

б) йиллик иш якунлари бўйича мукофот;

б) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги локал ҳужжатларида назарда тутилган тўловлар;

в) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва мансаб маошларига устамалар;

г) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

д) рационализаторлик тақлифлари учун тўловлар;

е) маҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар;

ж) таътилга қўшимча ҳақлар; (5-банднинг «е» ва «ж» кичик бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил

30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

б) компенсация тўловлари (компенсация):

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловлар);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича огир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға устамалар;

в) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда мансаб маошларига устамалар ва қўшимча тўловлар;

г) кўп сманели режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

д) доимий иши йўлда кечадиган ёки кўчиб юриш ва ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг жўнаб кетиш пайтидан қайтиб келиш пайтигача йўлдаги ҳар бир сутка учун тўланадиган иш ҳақиға устамалар;

е) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилганда ходимларнинг иш ҳақиға устамалар;

ж) юридик шахс жойлашган ердан (йигилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва (ёки) транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, мансаб маоши миқдоридан тўланадиган суммалар;

з) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

и) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

к) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида дала таъминоти; (6-банднинг «к» кичик банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)

л) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш; (6-банднинг «л» кичик банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

7) ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ;

йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ундан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

ноқулай ва ўзига ҳос меҳнат шароитларида, шунингдек огир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътиллارга ҳақ тўлаш;

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

б) асосий иш жойи бўйича асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

в) донор ходимларга кўриқдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

г) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

д) қишлоқ ҳўжалиги ишларига ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

е) аввалги иш жойи бўйича мансаб маоши миқдорлари муайян бир муддат давомидан сақлаб қолинган ҳолда бошқа юридик шахслардан ишга жойлаштирилган, шунингдек вазифани вақтинча бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;

ж) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқиши вақтида асосий иш жойи бўйича тўланадиган иш ҳақи;

з) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;

и) соғлигининг ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда сақланадиган аввалги ўртача ойлик иш ҳақини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўлаш, шунингдек вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларига иш ҳақининг ҳақиқий миқдоригача қўшимча ҳақ тўлаш;

к) мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарорига кўра ҳақ тўлаш;

л) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

м) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун, ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

н) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

о) ходимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўлан-

ган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсациялар; (7-банднинг «о» кичик банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

8) ногиронларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча тўловлар.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

#### 144-м о д д а. Амортизация харажатлари

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинган асосий воситалар ва номоддий активлар ушбу модданинг қўлланилиши мақсадида амортизация қилинган мол-мулк деб эътироф этилади.

Куйидагилар амортизация қилинмайди:

1) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

2) маҳсулдор чорва моллари;

3) кутубхона фонди;

4) музей қимматликлари (музей ашёлари); (иккинчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

5) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

6) архитектура ёдгорликлари;

7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлақлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

8) қиймати илгари тўлиқ чегирилган мол-мулк;

9) асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар.

Солиқ солиш мақсадида амортизация қилиниши керак бўлган мол-мулк амортизациянинг куйидаги энг юқори нормалари билан гуруҳларга тақсимланади:

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
I		<b>Бинолар, иморатлар ва иншоотлар</b>	5
	1	Бинолар, иморатлар	
	2	Нефть ва газ қудуқлари	
	3	Нефть-газ омборлари	
	4	Кема қатнайдиغان каналлар, сув каналлари	
	5	Кўприklar	
	6	Дамбалар, тўғонлар	
	7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9	Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар	
	10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сигимлар	
	11	Ички ҳўжалик ва ҳўжаликлараро суғориш тармоғи	

1	2	3	4
	12	Ўпик коллектор-дренаж тармоғи	
	13	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлақлари, тўхташ жойлари	
	14	Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	
	15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17	Бошқа иншоотлар	
II		<b>Ўзатиш қурилмалари</b>	
	1	Электр ўзатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	
	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлар	
	5	Бошқалар	
III		<b>Куч-қувват берадиган машиналар ва усқуналар</b>	8
	1	Иссиқлик техника усқуналари	
	2	Турбина усқуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплекс қурилмалар	
	5	Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва усқуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		<b>Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва усқуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)</b>	15
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва усқуналар	
	2	Қишлоқ ҳўжалиги тракторлари, машиналари ва усқуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни ўзатиш рақамли электрон усқуналари, рақамли тизимлар ўзатиш усқуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа усқуналари	
	5	Ўзатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш усқуналари	
	6	Киностудияларнинг махсус усқуналари, тиббий ва микробиология санати усқуналари	
	7	Компрессор машиналари ва усқуналари	
	8	Насослар	
	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва усқуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва усқуналар	
	10	Устун-қозик қоқиш машиналари ва усқуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш усқуналари	
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сигимлар	
	12	Нефть қазиб чиқариш ва бургулаш усқуналари	
	13	Бошқа машиналар ва усқуналар	

1	2	3	4
<b>V</b>		<b>Харакатланувчан транспорт</b>	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	8
	2	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	
	3	Ҳаво транспорти	
	4	Автомобиль транспортнинг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	Енгил автомобиллар	10
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	
	8	Махсус вахта вагонлари	20
	9	Бошқа транспорт воситалари	
<b>VI</b>		<b>Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари</b>	
	1	Компьютерлар	20
	2	Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	3	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4	Бошқалар	
<b>VII</b>		<b>Бошқа гуруҳларга киритилмаган асосий воситалар</b>	
	1	Кўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2	Бошқалар	15

(VII гуруҳ Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Солиқ солиш мақсадлари учун ҳар бир кичик гуруҳ бўйича амортизация ажратмалари амортизация нормасини кўллаш орқали, бироқ ушбу Кодексда белгиланган энг юқори нормадан ошмаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ солиш мақсадлари учун амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ ва солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади.

Солиқ солинадиган фойданинг тўлиқ ҳисобланмаган амортизация суммасига солиқ солиш мақсадларида ушбу моддада назарда тутилган нормаларга зид равишда қайта ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Фойдаланишда бўлган асосий воситалар объектларини оладиган солиқ тўловчи ушбу асосий воситалар объекти бўйича амортизация нормасини мазкур асосий воситалар объектдан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда белгилашга ҳақлидир. Агар мазкур асосий воситадан аввалги мулкдорларда амалда фойдаланиш муддати ушбу асосий воситаларнинг ушбу моддада таснифланishi билан белгиланадиган фойдаланиш муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўловчи техника хавфсизлиги талабларини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда бу асосий воситадан унумли фойдаланиш муддатини мустақил равишда, лекин уч йилдан кам бўлмаган муддатга белгилашга ҳақлидир. Фойдаланишда бўлган асосий воситалардан фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, амортизацияни ҳисоблаш янги асосий воситаларга бўлгани сингари амалга оширилади.

Номоддий активлар учун қилинган харажатлар солиқ тўловчи томонидан, уларнинг бошланғич қиймати ва

унумли фойдаланилиши муддатидан, лекин солиқ тўловчининг фаолияти муддатидан ортиқ бўлмаган муддатдан келиб чиққан ҳолда, ҳисоблаб чиқилган нормалар бўйича ҳар ойда эскириш тариқасида жами даромаддан чегириб ташланади.

Номоддий активлар объектдан унумли фойдаланиш муддатини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек номоддий активлардан фойдаланишнинг тегишли шартномалар билан боғлиқ унумли муддатидан келиб чиққан ҳолда патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва (ёки) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш муддатларининг бошқа чекланишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Унумли фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йилга, лекин солиқ тўловчининг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга мўлжаллаб белгилади.

#### 145-м о д д а. Бошқа харажатлар

Бошқа харажатларга қуйидагилар киради:

1) солиқ тўловчининг фаолиятини амалга ошириш учун ўзга юридик ёки жисмоний шахслар бажарган ишлар ва хизматлар қиймати, буларга қуйидагилар киради: маҳсулот ишлаб чиқариш (тайёрлаш) бўйича айрим операцияларни бажариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, хом ашёга (материалларга) ишлов бериш, белгиланган технологик жараёнларга рюя этилиши устидан назорат қилиш, асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқа шу каби ишлар;

ўзга юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт хизматлари;

ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш учун ёки солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажариш учун чет юридик шахслар томонидан ходимларни (техник персонални) тақдим этишга доир хизматлар учун харажатлари;

2) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ҳамда капитал таъмирлаш харажатлари). Асосий воситаларни капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатларининг бир маромда киритиб борилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи асосий воситаларнинг келгуси таъмирланиши учун белгиланган тартибда захиралар ташкил этишга ҳақли; (1 ва 2-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

3) ижара тўловлари, шунингдек ижарага олинган асосий воситаларни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар;

4) консервацияга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

5) ваколатли ташкилотлар томонидан муайян ҳуқуқлар ёки лицензиялар ва бошқа рухсат беравчи ҳужжатларни беришни назарда тутувчи ҳужжатларни берганлик учун йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) экспертизадан ўтказиш ҳамда

махсулотни сертификатлаштириш билан боғлиқ харажатлар; (5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

б) махсулотни сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари;

7) инвентарни, хўжалик анжомларини ва махсус иш кийимларини ювиш, тузатиш ҳамда дезинфекция қилиш харажатлари суммаси ёки уларга тўланган ҳақ;

8) қатъий ҳисоботдаги бланкларни, квитанциялар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш харажатлари суммаси ёки уларни олиш учун тўланган ҳақ;

9) тушумни инкассация қилиш харажатлари;

10) реклама учун харажатлар;

11) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солигини киритган ҳолда махсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш тушуми ҳажмининг бир фоизи доирасида вакиллик харажатлари. Вакиллик харажатларига солиқ тўловчининг ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни сақлаб туриш, шунингдек солиқ тўловчининг бошқарув ва назорат органлари мажлисларига келган иштирокчиларни қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш мақсадларида қиладиган харажатлари киради. Бу харажатлар мазкур шахсларнинг расмий қабулини ўтказиш, транспорт таъминоти, овқатланиши ва турар жойи, солиқ тўловчининг штатида турмаган таржимонлар хизматида ҳақ тўлаш харажатларидир; (11-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

12) кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли таъмирлаш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

13) телекоммуникациялар ва почта хизматлари учун тўланадиган ҳақ;

14) хизмат сафарлари учун харажатлар:

а) тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафарлари жойига бориш ва қайтиб келиш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар, шу жумладан жойни банд қилиб қўйиш ҳақи. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, харажатлар темир йўл транспортларидаги (ёки агар темир йўл алоқаси бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдоридан, лекин авиачипта қийматининг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташланади;

б) Ўзбекистон Республикаси доирасида тасдиқловчи ҳужжатлар асосида жойни ижарага олиш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар, шу жумладан жойни банд қилиб қўйиш харажатлари. Яшаганликни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, мазкур харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида чегириб ташланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқилганда жойни ижарага олиш учун қилинган харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида чегирилади;

в) хизмат сафарига бўлинган вақт учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

г) қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа харажатлар;

15) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган компания тўловлари. Ушбу Кодекснинг 143-моддасида

кўрсатилганлари бундан мустасно; (15-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

16) солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этиладиган бошқа шаҳарлик, чет эллик мутахассисларни ишга таклиф қилиш билан боғлиқ харажатлар;

17) агар ушбу Кодекс 147-моддасининг 7-бандида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, аудиторлик текширувлари бўйича харажатлар;

18) маслаҳат, ахборот хизматларига, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва тиклаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш; (18-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

19) банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш;

20) солиқ тўловчининг фаолиятида зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек ходимларнинг малакасини ошириш харажатлари; (20-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

21) қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилдиган ҳамда солиқ тўловчининг харажатларига киритилдиган бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар;

22) ассоциацияларга, жамғармаларга ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, агар бундай бадалларни тўлаш солиқ тўловчи фаолиятининг амалга оширилиши учун мажбурий шарт бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга оширилса; (22-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

23) меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш, техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши ва соқчилик муҳофазасини ҳамда техникавий фойдаланиш қоидаларида назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш харажатлари;

24) лицензия битимларига кўра ҳуқуқ эгаси билан шартнома бўйича электрон-ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари дастурларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш билан боғлиқ харажатлар. Мазкур харажатларга электрон-ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари учун дастурларни янгилашга доир харажатлар ҳам киради;

25) интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлардан ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалардан (хусусан, ихтироларга, саноат намуналарига ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларига бўлган патентлардан юзага келадиган ҳуқуқлардан) фойдаланганлик учун тўловлар; (25-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

26) бухгалтерия ҳисоботини эълон қилиш, шунингдек бошқа ахборотни, агар қонун ҳужжатларида уларни эълон қилишни (ошкор қилишни) амалга ошириш

мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юкланган бўлса, эълон қилиш ва бошқача тарзда ошкор қилиш харажатлари;

27) ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ёки унинг соғлигига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам; (27-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

28) (28-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

29) қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилиши, ходимлар (штатлар) сонининг қисқариши муносабати билан озод этиладиган ходимларга тўловлар;

30) тиббий ёрдам пунктини сақлаб туриш харажатлари, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик ва профилактика тадбирлари учун тиббиёт муассасаларига тўланадиган ҳақ;

31) соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият ҳамда спорт объектлари, таълим объектлари, шунингдек, уй-жой фонди объектлари таъминотида доир харажатлар (шу жумладан, амортизация ажратмалари ва барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказиш харажатлари); (31-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

32) ихтиёрий суғурта учун маҳсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини қўшган ҳолда тушган тушум ҳажмининг 2 фоизи доирасидаги ажратмалар, ушбу модданинг 33-бандида назарда тутилган суғурта мукофотлари суммалари бундан мустасно;

33) Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари суммалари; (33-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

34) суғуртанинг мажбурий турларига ажратмалар;

35) атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида компенсация тўловлари;

36) фаолият билан боғлиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатлар, бундан асосий воситаларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш ҳамда капитал тусдаги бошқа харажатлар мустасно. Лойиҳа-смета ҳужжатлари, бажарилган ишлар даволатномаси ва тегишли илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, изланиш ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари ўтказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар бундай харажатларни чегирмалар жумласига киритиш учун асос бўлади;

37) ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-экспериментал ишларини ўтказиш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ҳамда уларни синаш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриқлар, танловлар ташкил этиш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирлар, муаллифлик ҳақини тўлаш, янги технологиялар яратиш ҳамда қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, янги турдаги хом ашё ва материалларни яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш харажатлари;

38) солиқ тўловчи томонидан геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олиш бўйича тайёргарлик ишлари учун амалга оширилган, жами даромаддан кейинги йиллар мобайнида бир маромда йилига 15 фоиздан ошмаган миқдорда чегириб ташланадиган харажатлар;

39) қазиб олувчи тармоқларда харажатларни қоплашнинг белгиланган муддати мобайнида тенг равишда ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган маҳсулотнинг ҳажмига ва миқдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариладиган тайёргарлик ишларига доир харажатлар;

40) зарарлар ва йўқотишлар:

а) бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича;

б) тара билан боғлиқ операциялар бўйича;

в) умидсиз қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан шубҳали қарзлар бўйича ташкил этилган захира ҳисобига ҳисобдан чиқариш мустасно;

г) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги операциялар бўйича харажатлар ва зарарлар, бундан ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар ва зарарлар мустасно;

д) табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ҳамда бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи оқибатидаги йўқотишлар ва бошқалар) туфайли кўрилган ўрни қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан табиий офатлар оқибатларини олдини олиш ёки уларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан кўрилган зарарлар, шунингдек телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини бепул топширишдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан кўрилган зарарлар;

ж) уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилишдан кўрилган зарарлар;

з) асосий воситаларни ҳар йили амалга ошириладиган қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган илгариги қўшимча баҳолашдан (баҳонинг арзонлаштирилган суммасидан) олинмайдиган ўсишдан ортадиган баҳони арзонлаштириш суммаси;

и) яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар;

к) ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бекор туриб қолишлардан кўрилган йўқотишлар;



л) ташқи сабабларга кўра (юридик шахснинг айбисиз) бекор туриб қолишлардан кўрилган, айбдорлар томонидан компенсация қилинмайдиган йўқотишлар;

м) қарз суммаси билан мазкур қарзни юзага келтирган реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқдан ошмайдиган сумма доирасидаги қарзни талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечишдан кўрилган зарарлар. *(«м» кичик банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

41) кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, бундан инвестиция даврида капитал кўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар мустасно;

42) кредит шартномасида назарда тутилган ставкалар доирасида муддати ўтган ва узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, бундан инвестиция даврида капитал кўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар мустасно;

43) валюта ҳисобварақлари, шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги салбий фарқ, бу фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги ҳолларда жами даромаддан чегириб ташланади:

чет эл валютаси ушбу чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан паст нархда сотилганда;

чет эл валютаси ушбу чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан юқори нархда сотиб олинганда; *(43-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан тегишли ҳисобот даври учун баланснинг валюта моддалари қайта баҳоланганда.

Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи салбий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромаддан чегириб ташланади. *(43-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

44) ўзининг қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

45) молиявий ижара, шу жумладан лизинг бўйича ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади бўлган маблағларни тўлашга доир харажатлар;

46) солиқ тўловчи томонидан чиқарилган облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизлар тарзидаги харажатлар;

47) фавқулодда зарарлар. Фавқулодда зарарлар – солиқ тўловчиларнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқувчи воқеалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатларнинг моддаларидир. У ёки бу модда фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у куйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

юридик шахснинг одатдаги ҳўжалик фаолияти учун хос бўлмаслиги;

бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги;

48) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассислари (иштирокчилари) томонидан унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар чегириб ташланадиган харажатлар сифатида қаралмайди;

49) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини, болани икки ёшга тўлгунига қадар парваришlash нафақаларини, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақаларни тўлаш харажатлари; *(49-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан киритилган; 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

50) ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

51) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суг, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

52) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

53) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пайсатирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари;

54) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) харажатлари;

55) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича куйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар

(вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тарихида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тарихида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

56) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан куйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳум ўртача ойлик иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тарихида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар; (50–56-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

57) абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ. (57-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

#### **146-м о д д а. Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари**

Ушбу моддада келтирилган харажатлар улар юзага келган пайтда, жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган фойдани ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайди, улар кейинги даврларда, солиқ тўловчининг ҳисоб сийёсати билан белгиланган, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддат ичида чегирилиши лозим. Бундай харажатларга куйидагилар киради: (моддининг номи ва биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

1) янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

2) барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб қўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари;

3) ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар;

4) асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация сум-

маси билан ушбу Кодекснинг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ.

Шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар ушбу Кодексга мувофиқ умидсиз деб эътироф этилган қарздорликни ҳисобдан чиқарилаётганда, ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган умидсиз қарздорлик миқдоридан ошмайдиган суммада чегириб ташланади.

#### **147-м о д д а. Чегирилмайдиган харажатлар**

Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга куйидагилар киради:

1) моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;

2) ходимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нарҳдаги фарқлар (зарарлар);

3) ушбу Кодекс 145-моддасининг 11, 14 ва 32-бандларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар (хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий сугурта турлари бўйича ажратмалар);

4) нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

5) хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

6) умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш;

7) йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари;

8) солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари;

9) ушбу Кодекснинг 177-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган солиқ тўловчининг харажатлари;

10) (10-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

11) дала таъминоти, хизмат мақсадида ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар; (9, 11-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

12) пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

13) ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ушбу Кодекснинг 145-моддасида назарда тутилган моддий ёрдам бундан мустасно;

14) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши сабабли ходимларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар;

15) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳоли-

ни ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар; (14–15-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

16) ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар;

17) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар;

18) атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари;

19) кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

20) лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

21) (21-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

22) суд чиқимлари;

23) айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда қўрилган зарарлар;

24) солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкнинг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) қўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланмаган) зарарлар, ушбу Кодекс 145-моддаси 40-бандининг «е» ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган зарарлар бундан мустасно;

25) хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар;

26) инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлашга доир харажатлар; (26-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрь ЎРҚ–216-сон

Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 37-сон, 403-модда)

26<sup>1</sup>) ишлаб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳақ; (26<sup>1</sup>-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

27) бошқа харажатлар, ушбу Кодекснинг 142–145-моддаларида кўрсатилганлари бундан мустасно.

## 22-БОБ. КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### 148-м о д д а. Кредит ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари

Кредит ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига қуйидагилар қиради:

1) кредит ташкилотининг ўз номидан ва ўз ҳисобидан пул маблағларини жойлаштиришдан, кредитлар ҳамда заёмлар беришдан олинадиган фоизлар, бошқа фоизли даромадлар. Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган кредитлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ фоизларни тўлаш бўйича имтиёзли давр берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар кредит шартномасига кўра олиш муддати етиб келмагунча солиқ солинадиган даромад сифатида қаралмайди; (модданинг номи, биринчи хатбошиси ва 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

2) мижозларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очганлик ва юритганлик ҳамда уларнинг топшириғига биноан ҳисоб-китобларни амалга оширганлик учун олинган ҳақ, шу жумладан жўнатма, инкассо, аккредитив ва бошқа операциялар, банк операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган тўлов карталарини ҳамда бошқа махсус воситаларни расмийлаштирганлик ва хизмат кўрсатганлик учун, ҳисобварақлар бўйича кўчирмаларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этганлик учун ва суммаларни қидирганлик учун воситачилик ҳақи ҳамда бошқа пул мукофотлари;

3) пул маблағларини инкассация қилишдан, векселлардан, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларидан ҳамда мижозларга касса хизмати кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

4) нақд пулли ва нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган валюта операцияларини ўтказишдан, шу жумладан чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш, жумладан мижознинг ҳисобидан ва унинг топшириғи бўйича операцияларда воситачилик ва бошқа мукофотлар, валюта бойликлари билан операция қилишдан олинадиган даромадлар;

5) учинчи шахслар учун пул шаклида ижро этилишини назарда тутувчи банк кафолатлари, мажбуриятлари, аваллари ва кафилликлари беришга доир операциялардан олинадиган пул шаклидаги мукофот;

6) (6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

7) ҳужжатларни ва қимматликларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар ва сейфларни ижарага беришдан олиннадиган даромадлар;

8) пул маблағлари, қимматли қогозлар, бошқа бойликлар ва банк ҳужжатларини етказиб берганлик, ташиганлик учун ҳақ;

9) қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни ташиганлик ва сақлаб турганлик учун ҳақ;

10) форфейтинг ва факторинг операцияларини амалга оширишдан олиннадиган даромадлар;

11) (11-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

12) кредит ташкилотлари томонидан ўз профессионал фаолиятдан олиннадиган бошқа даромадлар.

Балансининг валютага оид моддалари қайта баҳоланганда олиннадиган даромадлар, шунингдек чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ёки олиш санасидан ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўланган санагача бўлган даврда ўзгариши муносабати билан юзга келган ижобий фарқ ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар сифатида қаралади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган; 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда; 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

Ўстирмаслик мақомини олган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибга мувофиқ даромадлар ҳисобварақларидан чиқариб ташланади.

#### **149-м о д д а. Кредит ташкилотларининг чегириладиган харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Кредит ташкилотларининг чегириладиган харажатларига ушбу Кодекснинг 142 – 146-моддаларида назарда тутилган харажатлардан ташқари қуйидагилар кирди:

1) кредит ресурслари учун тўловлар, пул маблағлари ва қимматликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

2) миқдорларнинг депозит ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган нормалар доирасида таваккалчилик операциялари бўйича захираларга ажратмалар.

Тижорат банкларининг солиқ солинадиган фойдасидан улар ўз филиалларига берадиган мол-мулк қиймати чегириб ташланади.

#### **23-боб. СУГУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

##### **150-м о д д а. Сугурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олиннадиган даромадлари**

Сугурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олиннадиган даромадларига қуйидагилар кирди: (модданинг номи ва биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

1) сугурта қилиш, биргаликда сугурта қилиш ва қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича сугурта мукофотлари (бадаллари). Бунда биргаликда сугурта қилиш шартномалари бўйича сугурта мукофотлари (бадаллари) сугурталовчининг (биргаликда сугурта қилувчининг) даромадлари таркибига фақат унинг биргаликда сугурта қилиш шартномасида белгиланган сугурта мукофотидаги улуши миқдорига қўшилади;

2) аввалги ҳисобот даврларида шакллантирилган сугуртавий техник захираларни камайтиришнинг (қайтаришнинг) қайта сугурта қилувчиларнинг сугурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги суммалари;

3) сугурта қилиш, биргаликда сугурта қилиш ва қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича пул мукофоти, шунингдек қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича танъемалар (фойдадан олиннадиган ҳақ);

4) қайта сугурта қилишга ўтказилган таваккалчилик бўйича сугурта тўловлари улушининг ўрнини қайта сугурта қилувчилар томонидан қоплаш суммалари;

5) қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича мукофотлар депозитига ҳисобланган фоизлар суммалари;

6) сугурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олиннадиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ сугурталовчига ўтган даромадлари;

7) (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

8) сугурта агенти, брокер, воситачи хизматларини кўрсатганлик учун мукофот;

9) сугурта бозорининг профессионал иштирокчиларига хизматлар кўрсатганлик учун сугурталовчи томонидан олинган пул мукофоти;

10) сугурта хизматлари кўрсатишдан ва қўшимча сугурта фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

##### **151-м о д д а. Сугурта ташкилотларининг чегириладиган харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Сугурта ташкилотларининг чегириладиган харажатларига ушбу Кодекснинг 142 – 146-моддаларида назарда тутилган харажатлардан ташқари қуйидагилар кирди:

1) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган тўлов суммалари;

2) аввалги ҳисобот даврларида шакллантирилган суғурта техник захиралари ўсишининг қайта суғурта қилувчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги суммаси;

3) суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ҳамда ҳисобланган тўлов суммалари;

4) фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммаси;

5) суғурта ҳодисаси рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

6) суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялаштиришга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

7) суғурта ташкилотлари захира фондларининг миқдори суғурта ташкилотлари устав фонддининг 25 фоизига етгунига қадар мазкур ташкилотлар ўз даромадларининг 20 фоизигача миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар суммаси;

8) суғурта фаолияти билан боғлиқ ўзга юридик шахсларнинг хизматларига тўланган ҳақ. (8-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

#### **24-боб. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

##### **152-м о д д а. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари**

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига қуйидагилар қиради: (модданинг номи ва биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

1) қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинадиган, қуйидагича аниқланадиган даромадлар:

қимматли қоғозлар, бундан қарз қимматли қоғозлари (облигациялар, депозит сертификатлари) мустасно, ва иштирок этиш улуши бўйича – реализация қилиш қиймати ва олиш қиймати (ҳисса) ўртасидаги ижобий фарқ сифатида;

қарз қимматли қоғозлари бўйича – реализация қилиш қиймати билан реализация қилиш санасидаги дисконт амортизацияси ва (ёки) мукофот инobatга олинган ҳолда олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида;

2) қимматли қоғозлар бозорида воситачилик ва бошқа хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

3) мижозларнинг маблағларидан фойдаланишдан юзага келадиган даромаднинг бир қисми;

4) депозитар хизматлар, шу жумладан қимматли қоғозлар тўғрисида ахборот тақдим этиш, депо ҳисобварагини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

5) қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

6) қимматли қоғозлар билан биржада ва биржадан ташқарида савдоларни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

7) ҳисоб-китоб-клиринг фаолияти бўйича даромадлар;

8) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган инвестиция активларини бошқариш бўйича даромадлар;

9) қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

10) профессионал фаолиятдан олинган бошқа даромадлар. (10-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

##### **153-м о д д а. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг чегириладиган харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг чегириладиган харажатларига ушбу Кодекснинг 142 – 146-моддаларида назарда тутилган харажатлардан ташқари қуйидагилар қиради:

1) тегишли лицензияга эга бўлган савдони ташкил этувчиларга бадаллар тарзида тўланадиган харажатлар;

2) профессионал фаолиятни амалга ошириш муносабати билан пайдо бўладиган савдо қилиш жойларини сақлаб туриш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

3) қимматли қоғозлар муомаласи ва уларни ҳисобга олиш билан боғлиқ ўзаро электрон алоқани ташкил этиш ҳамда олиб бориш бўйича харажатлар;

4) қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш билан боғлиқ харажатлар;

5) ўз мижозларининг топшириғига биноан акциядорлик жамиятларининг бошқарув органларида иштирок этиш харажатлари.

#### **25-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

##### **154-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахс –

Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда фойда солигини ҳисоблаб чиқариш мақсади учун солиқ солинадиган фойда суммаси ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган харажатлар суммасининг 10 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахснинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг даромадларига доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган барча турдаги даромадлар қиради.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахснинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг харажатларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширишдан олинган даромадлари билан бевосита боғлиқ бўлган, улар Ўзбекистон Республикасида ёки унинг ташқарисида қилинганлигидан қатъи назар, барча турдаги харажатлари қиради. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ушбу Кодекс 20-моддаси учинчи қисмининг 8-бандида кўрсатилган фаолият амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база товарларни реализация қилиш қиймати билан уларни олиш қиймати ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида омборга товарлар етказиб бериш харажатлари ҳисобга олинган ҳолдаги фарқ сифатида аниқланади.

Юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасага куйидагилар сифатида тақдим этилган суммаларни доимий муассасага чегиришга киритиш ҳуқуқига эга эмас:

1) Ўзбекистон Республикаси ушбу норезидентнинг мол-мулкидан ва интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун олинадиган роялти, гонорарлар, йигимлар ва бошқа тўловлар;

2) Ўзбекистон Республикаси ушбу норезидентнинг хизматлари учун воситачилик даромадлари; *(2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

3) Ўзбекистон Республикасининг ушбу норезиденти томонидан берилган заёмлар бўйича пул мукофотлари;

4) шу норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятдан олинадиган даромадлари билан боғлиқ бўлмаган харажатлар;

5) ҳужжатлар билан тасдиқланмаган харажатлар;

6) Ўзбекистон Республикаси ушбу норезидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қилинган бошқарув ва маъмурий харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг доимий муассаса аломатларига жавоб берадиган фаолиятдан, давлат солиқ хизмати органида доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилгунига қадар олинган даромадларига ушбу Кодекснинг 155-моддасида белгиланган

тартибда тўлов манбаида солиқ солинади. Бунда тўлов манбаида солиқ агенти томонидан ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиги у Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органида доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг солиқ мажбуриятларини ўзиш ҳисобига ҳисобга олиниши керак.

Агар Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган фаолиятдан даромад олинган бўлса ва шу даромаддан Ўзбекистон Республикасида тўлов манбаида ҳақиқатда юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ушлаб қолинган ҳамда бюджетга ўтказилган бўлса, ушбу норезидентнинг доимий муассасасида ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг юридик шахслардан олинадиган фойда солигига қўшимча равишда соф фойдасига ҳам 10 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Соф фойда деганда Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолиятдан олинган, юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисобланган суммаси чегириб ташланган фойда тушунилади.

### **155-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига солиқ солиш**

Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мазкур даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташланмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси банклари ва лизинг берувчилари томонидан хорижий молия институтларига тўланадиган даромадлар солиққа тортилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига куйидагилар қиради:

1) дивидендлар ва фоизлар;

2) ушбу Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ белгиланадиган, оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган куйидаги мол-мулкни реализация қилишдан олинадиган даромадлар:

юридик шахсларнинг – Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялари, улушлари (пайлари);

кўчмас мулк.

Тўлов манбаида солиққа тортиладиган мол-мулкни реализация қилишдан олинадиган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади;

4) Ўзбекистон Республикаси норезидентига тегишли товарларни Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ўзи ёхуд Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишдан олинадиган даромадлар. Бунда товарларни реализация қилишдан олинадиган мазкур даромадлар Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган сумманинг олиб кирилган товарнинг контракт (фактура) қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади;

5) роялти;

6) ушбу Кодекснинг 134-моддасига мувофиқ аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага ёки иккиламчи ижарага топширишдан олинадиган даромадлар;

7) таваккалчиликларни суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари;

8) ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнитли тизимлар орқали белгилар, сигналлар, матнлар, тасвирлар, товушларни узатганлик, қабул қилганлик ва қайта ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси норезидентларига ҳақ тўланишини назарда тутувчи халқаро алоқа учун телекоммуникациялар хизматларига тўлов;

9) денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланишдан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадларга транспорт воситаларидан тўғридан-тўғри фойдаланишдан, уларни ижарага беришдан ёки ҳар қандай бошқа шаклларда фойдаланишдан, шу жумладан контейнерлардан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва кўшимча ускуналардан фойдаланиш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар) киради. Айрим ҳолларда фрахт (шартнома шартларидан келиб чиқиб) юкни ортиш, қайта юклаш, тушириш ва жойлаштириш учун тўловларни ҳам ўз ичига олади. Бунда, агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташиш халқаро ташиш деб ҳисобланади, бундан фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган пунктлар ўртасида амалга оширилладиган ташиш мустасно; (учинчи қисмининг 9-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон ва 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда; 2011 йил, 52-сон, 556-модда*)

10) халқаро ташишларда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ташишларда транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатишдан олинадиган даромадлар. Бунда юк жўнатувчидан (юкни қабул қилиб олувчидан) олинган сумма билан юк ташувчига тўланиши керак бўлган, юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари билан тасдиқланган сумма ўртасидаги фарқ

сифатида ҳисобланган ҳақ суммаси солиқ солинадиган даромад ҳисобланади. Юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг норезидентига норезидентнинг ушбу қисмининг 9-бандида кўрсатилган фрахтдан олинадиган даромадларига солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича тўланган умумий суммага солиқ солинади; (10-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

11) Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар ҳамда пеня;

11') текинга олинган мол-мулк; (11'-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

12) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадларига қуйидагилар кирмайди:

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, фақат шу норезидент номидан амалга ошириладиган ва фақат товарлар харид қилиш (олиш), шунингдек товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш билан боғлиқ ташқи савдо операциялари (шу жумладан товар айирбошлаш операциялари) бўйича олинган даромадлари; банкларнинг – Ўзбекистон Республикаси резидентларининг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва юриштиш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишдан, шунингдек халқаро тўлов қарточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишдан олинадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар, бундан ушбу модданин учинчи қисмида назарда тутилган бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар мустасно. (Тўртинчи қисмининг *тўртинчи хатбоши*си *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

Даромадни тўлаш деганда нақд пулли ва (ёки) нақд пулсиз шаклда пулни, қимматли қозғоларни, иштирок этишдаги улушни, товарларни, мол-мулкни бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан даромадлар тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси норезиденти олдидаги қарздорликни узиш ҳисобига амалга ошириладиган, даромад олувчининг – Ўзбекистон Республикаси норезидентининг қарзи талабини ҳисобдан чиқариш ёки ҳисобга олиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадларига солиқ солиш мазкур Ўзбекистон Республикаси норезиденти ўз даромадларини учинчи шахслар, бошқа давлатлардаги ўз бўлинмалари фойдасига ва бошқа мақсадларда тасарруф этишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлов манбаида ушлаб қолишни Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари амалга оширишлари шарт.

*(Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммаси даромадни Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўлаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси норезидентига даромад тўлаётган Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ушлаб қолинмаган суммасини ва у билан боғлиқ пеня суммасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга киритиши шарт.

Суғурта бадалларидан олинган даромадлар бўйича солиқларнинг тўланган суммалари суғурта ҳодисаси юз берганда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта учун тўловга доир харажатлар тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинган ва бюджетга ўтказилган суғурта қилдирувчининг – Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадларини камайтириш учун ҳисобга олинади. Мазкур қайта ҳисобкитобни Ўзбекистон Республикаси норезидентига даромадни тўлаган ва тўлов манбаида солиқни ушлаб қолган юридик шахс бажариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинмасдан даромадни тўлаш қуйидаги ҳужжатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган ариза;

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти давлат солиқ хизмати органида Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси сифатида фаолиятни амалга ошириши ва доимий муассасаси сифатида ҳисобда турганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган маълумотнома.

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ солиқлар бўйича имтиёздан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига чет давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган, Ўзбекистон Республикаси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартномага эга бўлган давлатда мазкур шахснинг доимий жойлашган

жойи (резидентлиги) борлигини тасдиқловчи расмий тасдиқномани тақдим этиши шарт. Бунда даромадлар хорижий банкларга ва халқаро банклараро телекоммуникация тизимларига тўланган тақдирда, солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартнома мавжуд бўлган давлатда хорижий банкнинг ёки халқаро банклардан телекоммуникация тизимининг доимий жойлашган ери борлиги фактини тасдиқлаш, агар бундай жойлашган ер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидаги маълумотлар билан тасдиқланган бўлса, талаб қилинмайди. *(Ўн учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон ва 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини камайтириш ёки уни тўлашдан озод этиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси норезидентига даромадни тўлашдан олдин Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига белгиланган шаклда топширилади. Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезиденти учун Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органининг муҳри билан тасдиқланган ариза юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини камайтириш учун ёки юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан озод қилиш учун асос бўлади. Мазкур ариза тузилган контракт суммаси учун (сумманинг бир қисми учун) тақдим этилади. Агар контракт суммасини аниқлашнинг иложи бўлмаса, ариза ҳар йили тақдим этилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммасини камайтириш ёки юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига илова хат ва Ўзбекистон Республикаси норезиденти Ўзбекистон Республикасидаги манбадан даромад олаётган контрактнинг (шартноманинг) нусхаси билан бирга берилади. Бундай ариза давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ваколатли шахси томонидан берилганда ишончнома тақдим этилиб, мазкур ваколатли шахс аризани шу ишончнома асосида тақдим этади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммасини камайтириш ёки юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ариза топширилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан тўланган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадларидан ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бюджетга тўланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг мазкур норезиденти Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаси қоидаларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбуриятлари бўйича даъво мuddати ичида тўланган юридик шахслардан олинади-



ган фойда солигини бюджетдан қайтариш ҳуқуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклдаги солиқни қайтариш учун ариза;

даромадни тўлаш пайтида Ўзбекистон Республикасининг мазкур норезиденти Ўзбекистон Республикаси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартномага эга бўлган мамлакатда доимий жойлашган жойига (резидентлигига) эга бўлганлигини тасдиқловчи, тегишли чет давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган расмий тасдиқнома;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига қайси контракт ёки бошқа ҳужжатга мувофиқ даромад тўланган бўлса, ўша контракт ёки бошқа ҳужжатнинг нусхалари, шунингдек даромаднинг тўланганлигини ва қайтарилиши лозим бўлган, юридик шахслардан олинadиган фойда солигини ушлаб қолинган ва бюджетга ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатларининг нусхалари.

Агар солиқ суммаси мазкур модданинг тўққизинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси томонидан тўланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси мазкур суммани мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўн икки ой ичида бюджетдан қайтариш ҳуқуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси ушбу модда ўн еттинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда тўланган суммани қайтариш учун аризани ҳамда солиқ суммаси тўланганлигининг тасдиғини илова қилади. *(Ўн саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Агар ушбу модданинг ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн еттинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар чет тилида тузилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органи уларнинг давлат тилида қилинган ва нотариал тасдиқланган таржимасини талаб қилишга ҳақли. Бунда ҳужжатларни тақдим этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, улар консуллик орқали легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган ҳолда амалга оширилади. *(Ўн тўққизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон ва 2012 йил 10 апрель ЎРҚ-322-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2012 йил, 15-сон, 164-модда)*

Ортиқча ҳисобланган ва тўланган солиқни қайтариш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайтариш тўғрисида чиқарилган қарор асосида, ариза берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ушбу Кодекснинг 57-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **26-БОБ. ДИВИДЕНДЛАР ВА ФОИЗЛАР ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАРГА ҲАМДА ОДДИЙ ШИРКАТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **156-м о д д а. Дивидендлар ва фоизларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Дивидендлар ва фоизларга тўлов манбаида солиқ солинади.

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ташкил қилинадиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг вақтинча бўш маблағларини молия бозорларида жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинadиган даромадлар солиқ солишдан озод қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

*(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган кредит ташкилотларига тўланадиган фоизларга тўлов манбаида солиқ солинмайди, балки ушбу Кодексда белгиланган тартибда кредит ташкилотидан солиқ солинади. Худди шундай тартиб мол-мулкни лизингга беришда лизинг берувчига тўланадиган фоизли даромадларга ҳам татбиқ этилади.

Юридик шахсдан олиниб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган дивидендлар тарзидаги даромадларга солиқ солинмайди.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чикиб кетилганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулкни унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларининг ўз инвестиция портфелида турган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларидан дивидендлар шаклида олинган даромадларига солиқ солинмайди.

### **157-м о д д а. Оддий ширкат шартномаси шерикларига (иштирокчиларига) солиқ солиш**

Ушбу Кодекснинг 380 ва 381-моддаларида белгиланган тартибда аниқланадиган, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинadиган даромад бошқа даромадлар таркибида жами даромадга киритилади ва унга ушбу бўлимга

мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи солиниши лозим.

Оддий ширкат шартномасининг амал қилиши тугатилганда ва мол-мулк ушбу шартнома шерикларига (иштирокчиларига) қайтарилганда:

оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан қўйилма доирасида олинган мол-мулк ва мулквий ҳуқуқлар тарзидаги тушумлар, унинг улуши шартнома шерикларининг (иштирокчиларининг) умумий мулкидаги мол-мулкдан ажратилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шеригининг (иштирокчисининг) даромадлари таркибига киритилмайди; (иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

қайтарилмаётган мол-мулк қиймати билан бу мол-мулкнинг илгари оддий ширкат шартномаси бўйича топширилган қиймати ўртасидаги салбий фарқ солиқ солиш мақсадлари учун зарар деб эътироф этилмайди ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

## **27-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ**

### **158-м о д д а. Имтиёзлар**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминлаш-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда турган ходимлар киритилади;

2) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

3) жазони ижро этиш муассасалари;

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиниш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

3) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

4) инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтирилдиган фойдаси;

5) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси;

6) тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган фойдаси. (*6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда*)

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпрогини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ушбу қисмда белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади.

### **159-м о д д а. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш**

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қуйидаги суммага камайтирилади:

1) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданиннг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда; (*биринчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданиннг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

3) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтирилдиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданиннг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга

берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади. Ушбу имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади; (3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

4) (Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

5) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

6) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

7) кўшимча фойда солигини тўловчилар учун соф кўшимча фойда суммасига. (7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Банкларнинг солиқ солинадиган фойдаси жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалари бўйича омонатлар ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайган суммасига бўшаган маблағларни юқорида кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан камайтирилади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

#### **160-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари-га тўлов манбаида солиқ солиш ставкалари**

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- 1) дивидендлар ва фоизларга – 10 фоиз;
- 2) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига – 10 фоиз;
- 3) халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) – 6 фоиз;
- 4) ушбу Кодекснинг 155-моддасида белгиланган даромадлар, бундан ушбу қисмининг 1 – 3-бандларида кўрсатилган даромадлар мустасно – 20 фоиз.

#### **161-м о д д а. Зарарларни тақсимлаб ўтказиш**

Ушбу Кодексда назарда тутилган, чегирилиши лозим бўлган ҳаражатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи кўрилган зарарларни ушбу зарар кўрилган солиқ давридан кейинги беш йил ичида келгусига тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтган солиқ даврида ёки ўтган солиқ даврларида ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарари (зарарлари) бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг тўловчилари жорий солиқ даврининг солиқ солинадиган фойдасини кўрилган зарарнинг тўлиқ суммасига ёки бу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир.

Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир навбатдаги солиқ даврида ҳисобга олинадиган жами суммаси жорий солиқ даврининг ушбу Кодексга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Солиқ солинадиган фойда тақсимлаб ўтказилиши керак бўлган зарар суммаси миқдorigа фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Бирдан ортиқ календарь йилда кўрилган зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади.

Солиқ тўловчининг юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан озод қилинган солиқ даврида кўрган зарарлари кейинги солиқ даврларига тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчи қайта ташкил этилиши муносабати билан фаолиятини тугатган тақдирда, солиқ тўловчи ҳуқуқий ворис солиқ солинадиган фойдани қайта ташкил этилган юридик шахснинг қайта ташкил этиш пайтигача кўрган зарарлари суммасига ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва шартларда камайтиришга ҳақли.

#### **28-боб. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИГИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ҲИСОБОТИ ВА СОЛИҚНИ ТЎЛАШ**

##### **162-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.  
Йилнинг чораги ҳисобот давридир.

##### **163-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 128-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоб-китоби, агар ушбу моддада бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятнинг хусусияти ҳақидаги ҳисоботни (эркин шаклда), шунингдек юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Бунда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китобида бюджетга тўланадиган соф фойдадан олинadиган солиқ суммаси алоҳида сатрда кўрсатилади. Фаолият календарь йил тугашидан аввал тугатилган тақдирда, бу ҳужжатлар фаолият тугатилганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши шарт.

#### **164-м о д д а. Солиқ тўлаш тартиби**

Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар, ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар бундан мустасно.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойнинг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинadиган фойда

солиғини, шунингдек соф фойдадан олинadиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди.

#### **165-м о д д а. Солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби**

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинadиган фойда солиғи белгиланган ставкаларни чегирмаларни амалга оширмасдан тўланадиган даромад суммасига нисбатан қўллаш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинadиган фойда солиғини юридик шахслар қуйидагиларни тўлаш пайтида ушлаб қолишлари шарт:

дивидендлар ва фоизларни;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларига даромадларни.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун жавобгарлик даромадни тўлаш манбаи, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентларига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар:

1) юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини Ўзбекистон Республикаси норезидентларига дивидендлар, фоизлар ва тўловларни тўлаш санасидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши. Банклар Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмай бюджетга ўтказди; *(тўртинчи қисмнинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

2) юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига тўлов амалга оширилган ҳисобот даври тугагандан кейин йигирма беш кундан кечиктирмай тақдим этиши;

3) давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги, бу шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида тақдим этиши;

4) даромад олувчи шахсларга уларнинг талабига биноан, даромад суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт.

**166-м о д д а. Солиқни ҳисобга олиш**

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромад қилинган харажатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи чегириб ташлангунига қадар тўлиқ миқдорда солиқ тўловчининг жами даромадига қўшилади. Солиқ солинадиган базани аниқлашда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойда олиш муносабати билан қилинган ҳамда хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва миқдорларда чегирилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлаш пайтида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг тўлов хабарномаси, маълумотномаси ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи тўланганлигини тасдиқловчи бошқа хужжат асос бўлади.

**VI бўлим. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ****29-боб. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР, СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ ВА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА****167-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўловчилардир.

**168-м о д д а. Жисмоний шахсларга – Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Жисмоний шахсларнинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига ушбу Кодекснинг 182-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ва ставкалар бўйича солиқ солинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

**169-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Жисмоний шахсларнинг куйидаги даромадлари солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган, ушбу Кодекснинг 58-бобида мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

**170-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, ушбу Кодекснинг 179 ва 180-моддаларига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

**30-боб. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ДАРОМАДИ****171-м о д д а. Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби**

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига куйидагилар киради:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- 2) мулкый даромадлар;
- 3) моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 4) бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган куйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари; *(иккинчи қисмнинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) касаба уюшмаси кўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига берилadиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси кўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун берилadиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари; *(иккинчи қисмнинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари шахар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатнов-

лари учун фойдаланиладиган йўл қарточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар; (иккинчи қисмнинг 4-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

5) ходимга хизмат вазибаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пайсайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазибаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари; (иккинчи қисмнинг 5-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари:

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортдаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдоридан, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда – қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар); (иккинчи қисмнинг 8-банди *иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

дала таъминоти;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 174 ва 178-моддаларида кўрсатилганлари мустасно; (*иккинчи қисмнинг 8-банди бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

11) талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар; (*иккинчи қисмнинг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

12) (*Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

13) мол-мулкни суғурта қилиш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга тўланадиган суғурта мукофотлари. Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти

миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади; (иккинчи қисмнинг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

14) ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юридик шахсдан – иш берувчидан олган маблағлари. Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади;

15) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари. (15-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

### **172-м о д д а. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар**

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи; илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар; ушбу Кодекснинг 173-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

ушбу Кодекснинг 174-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

ушбу Кодекснинг 175-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга (ушбу Кодекс 169-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно) тўловлар;

юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар. (Иккинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

### **173-м о д д а. Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар**

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1) йиллик иш якунлари бўйича мукофот; (1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

2) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қондасида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

3) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар;

4) таътилга қўшимча ҳақлар; (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

5) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

6) рационализаторлик тақлифи учун тўлов;

7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар. (7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

### **174-м о д д а. Компенсация тўловлари (компенсация)**

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажы учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажы учун иш ҳақига устамалар; (1 ва 2-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

3) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортанлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар; (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақиға қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар; (5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

6) юридик шахс жойлашган ердан (йигилиш пунктдан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажаришга тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдоридан тўланадиган суммалар;

7) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (қонда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

9) хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

10) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

11) хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

12) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар;

13) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш. (13-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

### **175-м о д д а. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш**

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қуйидагилар киради:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ:

а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътидан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иклим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

в) ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш;

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш; (1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

2) асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

3) донор ходимларга кўриқдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

5) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

6) бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;

7) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;

8) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;

9) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

11) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш; (11-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

12) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

13) (Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

14) (Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

15) юридик шахснинг маблаглари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

16) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар;



17) *(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### 176-м о д д а. Мулкий даромадлар

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига куйидагилар киради:

1) фоизлар;

2) дивидендлар;

3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

4) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни олиш нархи ва реализация қилиш нархи, олиш нархи бўлмаган тақдирда эса, инвентаризация қиймати ва реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади; *(4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

5) саноат мулк объектларига, селекция ютуғига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади; *(5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

6) роялти;

7) *(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиги ихтиёрида қоладиган фойда суммаси. *(8-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

### 177-м о д д а. Моддий наф тарзидаги даромадлар

Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар, агар ушбу Кодекс 171-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, куйидагилардир: *(биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

1) юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини,

ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

*(1-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳады шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати; *(биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

3) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий тафовут;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг юридик шахс олдидидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

### 178-м о д д а. Бошқа даромадлар

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига куйидагилар киради:

1) пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

2) стипендиялар;

3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам; *(3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

4) донорлик учун пул мукофотлари;

5) алиментлар;

6) ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

7) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳада шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулквий ҳуқуқлар қиймати;

8) мусобақаларда, кўриқларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

9) ютуқлар;

10) грант берувчидан олинган грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар; (10-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

11) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

12) яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти; (13-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

14) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

15) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

16) моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар; (15 ва 16-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

17) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

18) ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар;

19) суғурта товони суммалари;

20) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари. (17 – 20-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

## 31-БОБ. ИМТИЁЗЛАР

### 179-м о д а. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари

Жисмоний шахсларнинг куйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари – тўлалигича; (1-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари – энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолларда – солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда; (1-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахсларнинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан

ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмағида амалга оширилаётган бўлса;

6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси; (6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совгаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти; (7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

8) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

9) саноат мулки объектларига ва селекция ютуғи патентига патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан куйида кўрсатилган даврдан кўп бўлмаган муддатда сотишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан – беш йил давомида;

саноат намунасидан – уч йил давомида;

фойдали моделдан – икки йил давомида;

10) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, бундан:

қимматли қозғоларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

яшаш учун мўлжалланмаган жойларни;

кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида икки мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, уй-жойларни реализация қилишдан олинган даромадлар мустасно; (11-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил

30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

12) уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асарчилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади;

13) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

14) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совгалар;

илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совгалар ва бошқа турлардаги ёрдам; (14-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

15) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳада тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

16) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қозғолари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

17) жамгарма сертификатлари, давлат қимматли қозғолари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар; (17-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон, 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон ва 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2011 йил, 52-сон, 556-модда; 2013 йил, 1-сон, 1-модда)

18) халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва техно-

логияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан – грант олувчидан олган грант суммаси;

19) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкни сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чикиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулк унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак; (19-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

20) меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парвариллаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тузидаги тўловлар; (20-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон ва 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

21) олинган алиментлар;

22) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

23) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар; (22 ва 23-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

24) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

25) давлат пенсиялари;

26) (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

27) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

28) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун

йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари; (28-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

29) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига – юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

30) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан яқка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартираларни ўйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади; (30-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

31) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлирида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари. (31-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

32) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳада шартномаси бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар мазкур улушлар, пайлар ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса. (32-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

## **180-м о д д а. Жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод қилиш**

Солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари – агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар – хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул муқофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;

7) прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари – уларнинг хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан олган даромадлари бўйича;

8) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар – ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари микдоридagi даромадлар бўйича) озод қилинади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ноги-

рон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар. Бу имтиёزلарни бериш учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» гувоҳномаси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчаси, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланганларнинг ордени дафтарчаси, уруш ногиронларининг тегишли уруш ногирони гувоҳномаси ёхуд мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёки бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси, бошқа ногиронларнинг – Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асос бўлади;

2) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941 – 1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941 – 1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари. Имтиёз Уруш қатнашчисининг гувоҳномаси асосида, 1941 – 1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари – Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади; (иккинчи қисмнинг 2-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ-254-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда*).

3) Ленинград шаҳрида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача қамал даврида ишлаган фуқаролар. Имтиёз ушбу шахслар қамал даврида Ленинград шаҳри корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида берилади;

4) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ногирон бўлиб қолганлар. Ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси имтиёзлар берилиши учун асос бўлади;

5) болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

6) ўн ва ундан ортиқ боласи бор аёллар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси мазкур имтиёз берилиши учун асос бўлади;

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз «ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, ота-

си)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади; *(иккинчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 20 май ЎРҚ-247-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 20-сон, 149-модда).*

8) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар. Мазкур имтиёзни бериш учун Имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлиги мудофаа ишлари бўйича бўлимлари, ҳарбий қисмлари, ҳарбий-ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ёки ташкилотларининг маълумотномаси асос бўлади;

9) Чернобил АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар. Имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш қатнашчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган, имтиёз берилиши учун асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

10) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

11) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эракалар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади; *(иккинчи қисмининг 11-банди Ўзбекистон Респуб-*

*ликсининг 2010 йил 20 май ЎРҚ-247-сон ва 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ-254-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 20-сон, 149-модда; 2010 йил, 35-36-сон, 300-модда)*

12) болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинڭ иккинчи қисмида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда – яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисмида санаб ўтилган имтиёзлар жисмоний шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёзни қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади, агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинган даромад солиқини ҳисоблаб чиқариш чоғида жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

## **32-БОБ. СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ВА СОЛИҚ ДАВРИ**

### **181-м о д д а. Даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкалари**

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффицентлар бўйича қўшимча тўловлар тарихасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик

учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақига коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди белгиланади;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига;

мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга;

жисмоний шахслардан текин олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадларга;

жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларга. *(Биринчи қисмнинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **182-м о д д а. Жисмоний шахсларнинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари**

Жисмоний шахснинг – Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган даромадларига манбада чегирмаларсиз куйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади: *(модданинг номи ва биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

дивидендлар ва фоизларга – 10 фоиз;

ушбу Кодекс 155-моддаси учинчи қисмининг 9-бандига мувофиқ белгиланадиган халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) – 6 фоиз; интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганлик учун мукофот, ижара бўйича даромадларга ҳамда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадларга – 20 фоиз. *(Биринчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Тўлов манбаида солиқ солиш тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида ёки унинг ҳудудидан ташқарида содир этилганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

### **183-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги даромад тўлаш манбаидан жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини ушлаб қолувчилар учун ҳисобот давридир.

## **33-боб. ДАРОМАДГА ТЎЛОВ МАНБАИДА СОЛИҚ СОЛИШ**

### **184-м о д д а. Жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлар**

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари зиммасига юклатилади.

Жисмоний шахсларнинг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига куйидаги даромадлар қиради:

1) ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари;

2) ушбу Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ моддий наф тарзидаги даромадлар;

3) мулкий даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса;

4) ушбу Кодекснинг 178-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти, жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолмасликка ҳақлидир. Бунда жисмоний шахс моддий наф тарзидаги даромад бўйича ушбу Кодекснинг 189-моддасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаши шарт. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **185-м о д д а. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолиш**

Тўлов манбаида солиқ солиш солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ агентлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ агентлари солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 184-моддасида кўрсатилган даромадларидан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, мазкур пул маблағлари ҳақиқатда солиқ тўловчига ёки унинг топширигига биноан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик даромад тўлаётган солиқ агентининг зиммасида бўлади. Мазкур солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт.

### **186-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби**

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини, шунингдек энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январига ҳолати инobatга олинади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш ушбу бўлимда белгиланган солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

*(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни билан чиқарилган, бешинчи – ўн иккинчи қисмлар тўртинчи – ўн биринчи қисмлар деб ҳисобланган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совга, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инobatга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади. *(Саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон ва 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушбу бўлимда назарда тутилган имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Солиқ агентлари жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги то-



монидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг якуний суммаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади. *(Ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **187-м о д д а. Ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби**

Солиқ агентлари:

1) солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида, асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслар бундан мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қуйидагилар акс эттирилади:

солиқ тўловчининг – жисмоний шахснинг идентификация рақами;

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили;

ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган умумий суммаси;

солиқ агентининг идентификация рақами;

солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили);

2) йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт. *(2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **188-м о д д а. Солиқ тўлаш тартиби**

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қуйидаги муддатларда тўланади:

пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда. Иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди; *(иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Респуб-*

*ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса.

Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи банк ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга мутаносиб суммада бюджетга ўтказилади.

### **34-БОБ. ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚ СОЛИШ**

#### **189-м о д д а. Декларация асосида солиқ олинадиган даромадлар**

Декларация асосида солиқ олинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:

мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солилмаган бўлса;

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ олинадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди, ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси резидентига айланган чет эллик жисмоний шахс, мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қоидаларидан қатъи назар, ушбу Кодекснинг 192-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда даромадлари тўғрисида декларация тақдим этади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **190-м о д д а. Муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадларга солиқ солиш**

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар олувчи жисмоний шахслар бундай фаолиятни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу моддага мувофиқ даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги олинадиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини давлат солиқ хизмати органининг ёзма хабарномаси асосида тўлайди.

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган жисмоний шахс даромадлар олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга, бироқ чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар кирилади:

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш учун зарур материаллар олишга доир харажатлар;

фақат фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланиладиган бино ва мол-мулк ижарасига доир харажатлар.

### **191-м о д д а. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация**

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги маълумотнома илова қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи манзили;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларга ажратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад (бир марталик операциялардан ҳамда мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадларни декларация қилиш учун фақат ушбу операцияларнинг ўзидан олиш мўлжалланаётган даромад акс эттирилади); даромадларнинг манбалари;

даромад олиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари;

жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар;

ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси;

ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда декларация шахсларнинг жами йиллик даромадини декларация қилиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация бланкалари солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан бепул берилади.

Жисмоний шахс тақдим этган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда тўланиши лозим бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммасининг камайишига олиб келувчи хатолар аниқланган тақдирда, жисмоний шахс декларацияга зарур ўзгаришлар киритиши шарт.

Агар жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлаш муддати тугагунига қадар берилса, солиқ тўловчи ушбу Кодексда белгиланган жавобгарликдан озод қилинади.

Агар жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлаш муддати тугаганидан кейин, бироқ хатолар давлат солиқ хизмати органи томонидан аниқлангунига қадар берилса, солиқ тўловчи солиқнинг етишмаётган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўлаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади.

Жисмоний шахс давлат солиқ хизмати органининг тақдим этилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда аниқланган хатолик тўғрисидаги билдиришномасини олган кун давлат солиқ хизмати органи томонидан хатолик аниқланган кун деб ҳисобланади.

### **192-м о д д а. Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби**

Солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 189-моддасида кўрсатилган даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

Чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти ушбу бобда белгиланган тартибга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган даромад келтираётган фаолиятини календарь йили ичида тугатган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан турган вақтда жорий солиқ даврида ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисидаги декларация мазкур жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишидан бир ой аввал тақдим этилиши лозим. Агар чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Тақдим этиш тартиби ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган даромадлар тўғрисидаги декларация бўйича ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқни тўлаш декларация топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Грант олган жисмоний шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи миқдорини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг тегишли хулосасини кўрсатади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. *(Тўққизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

## **193-м о д д а. Декларация бўйича солиқ тўлаш тартиби**

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинadиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олинadиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ тўланган сана куйидагилардир:

юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўлангани тақдирда – уларнинг банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда – банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

## **194-м о д д а. Чет эллик жисмоний шахсларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинган ҳолда, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солинади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ўзаролик принципи бўйича тугатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий

тўловларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳлар киритилишига рухсат берилмайди.

Чет эллик жисмоний шахснинг – Ўзбекистон Республикаси резидентининг даромадларига ушбу бўлимда белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинади.

**195-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларини солиқ солишдан озод этиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бюджетга тўланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг бундай норезиденти тўланган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ушбу Кодекснинг 38-моддасига мувофиқ солиқ мажбурияти бўйича давво муддати мобайнида бюджетдан қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси норезиденти жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ёки унинг суммасини камайтириш тўғрисидаги илтимос баён этилган аризани, шунингдек қуйидаги ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органига тақдим этади:

у Ўзбекистон Республикаси билан иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида халқаро шартномага эга бўлган давлатнинг резиденти эканлигини расмий жиҳатдан тасдиқловчи ҳужжатни;

олинган даромадларни тасдиқловчи ҳужжатни;

ушбу Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги тегишли хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ҳужжатни.

Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органи аризани уч ой муддатда кўриб чиқади ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ишончли бўлган тақдирда, ушбу Кодекснинг 58-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентига жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммасини бюджетдан қайтаради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси гайриқонуний қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органи Ўзбекистон Республикаси норезидентига асосланган рад жавобини юборади.

**196-м о д д а. Резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқни ҳисобга олиш**

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, жисмоний шахслардан – Ўзбекистон Республикасининг

резидентларидан олинган даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг маълумотномаси ёки жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асос бўлади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь УРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

**VII бўлим. ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИ**

**35-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ**

**197-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

2) ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатилган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) юридик шахс. (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь УРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно; (иккинчи қисмининг иккинчи хат-боши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь УРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

агар ушбу Кодекснинг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан,

янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солигини тўлаши мумкин.

#### **198-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Солиқ солиш объекти куйидагилардир:  
солиқ солинадиган оборот;  
солиқ солинадиган импорт.

#### **199-м о д д а. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти**

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб куйидагилар эътироф этилади:

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан: товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотилиш); устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса; мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар ушбу модда иккинчи қисмининг 6-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса; (биринчи қисм 1-бандининг тўртинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарасини бериш;

заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар ушбу Кодексга мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;

4) тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан товарни жўнатиш;

5) мол-мулкни оператив ижарага бериш;

6) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

7) юридик шахслардан олинadиган фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ харажатлари чегирилмайдиган солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан ишларни бажариш,

хизматлар кўрсатиш. (*Биринчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни билан киритилган; 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

Куйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қаралadиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, бундан ушбу модданиннг биринчи қисми 7-бандида назарда тутилган харажатлар мустасно; (*иккинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ( завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар ушбу Кодексга мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) қайтарилadиган тарани жўнатиш. Қайтарилadиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади; (*иккинчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) Асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш;

7) банклар ва сугурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш; (*иккинчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

12) объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладаган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш;

13) товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш. *(Иккинчи қисмнинг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **200-м о д д а. Солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотларни белгилаш**

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган оборотлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) қуйидаги реализация қилиш оборотлари солиқ солинмайдиган оборотдир:

ушбу Кодекснинг 208, 209 ва 210-моддаларига мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод қилинган оборот; реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи ушбу Кодекснинг 202-моддасига мувофиқ белгиланади. *(Модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти учун бажарилган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мазкур ишларни, хизматларни олувчининг солиқ солинадиган оборотига ушбу Кодекснинг 207-моддасида белгиланган тартибда киритилади.

### **201-м о д д а. Солиқ солинадиган импорт**

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида олиб кириладиган товарлар солиқ солинадиган импортдир, ушбу Кодекснинг 211-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

### **202-м о д д а. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи**

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотларига, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлса, қўшилган қиймат солиги солинади.

Қуйидаги шартлар ёҳуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида Ўзбекистон Республикаси

ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган бўлса (юклаб жўнатилмайдиган ва ташилмайдиган бўлса);

жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ишларни, хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, агар:

1) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишлар, хизматлар жумласига, хусусан, қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек кўчмас мулкни ижарага бериш қиради;

2) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишларга, хизматларга монтаж қилиш, созулаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш қиради; *(учинчи қисмнинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

3) хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм, маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўрсатилаётган бўлса;

4) ишларни, хизматларни сотиб олувчи фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган бўлса. Ишларни (хизматларни) сотиб олувчи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида, бундай асос бўлмаган тақдирда эса, юридик шахсининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой, юридик шахсининг доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи органи жойлашган ер, агар ишлар (хизматлар) муайян доимий муассаса орқали бажарилган (кўрсатилган) бўлса, ушбу доимий муассаса жойлашган ер асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиб турган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди сотиб олувчининг фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади. Ушбу банднинг қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ ўтказилган ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқи берилганда;

маслаҳат бериш, аудиторлик, юридик (адвокатлик), бухгалтерлик, реклама, инжиниринг хизматлари, шунингдек ахборотга ишлов бериш хизматлари кўрсатилганда. Инжиниринг хизматлари жумласига маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнига тайёргарлик, саннат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектлар қурилиши ҳамда улардан фойдаланилишга тайёргарлик бўйича муҳандислик-маслаҳат бериш йўсинидаги хизматлар, лойиҳалаш олди ва лойиҳалаш хизматлари (техник-иқтисодий асосларни, лойиҳа-конструкторлик ечимларини тайёрлаш ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар) қиради. Ахборотга ишлов бериш хизматлари жумласига ахборот массивларини тўплаш ва умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда бу ахборотга ишлов бериш натижаларини фойдаланувчилар тасарруфига тақдим этиш хизматлари қиради;

ходимлар бериш агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса;

кўчар мулк ижарага берилганда, транспорт воситалари бундан мустасно;

товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачи (ишончли вакил), шунингдек ушбу бандда назарда тутилган хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахс хизматлари кўрсатилганда; *(учинчи қисм 4-бандининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон ва 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон қонунлари тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

алоқа хизматлари кўрсатилганда; *(учинчи қисм 4-бандининг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

5) ушбу модда учинчи қисмининг 1 – 4-бандларида назарда тутилмаган ишларни бажарётган, хизматларни кўрсатаётган шахннинг тадбиркорлик ёки ҳар қандай бошқа фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилса. Ишларни бажарётган, хизматлар кўрсатаётган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида, бундай асос бўлмаган тақдирда эса, юридик шахннинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой, юридик шахннинг доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи органи жойлашган ер, агар ишлар (хизматлар) бу доимий муассаса орқали бажарилган бўлса, мазкур доимий муассаса жойлашган ер асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиб турган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ушбу фаолият амалга ошириладиган жой ҳисобланади.

Агар ишларни, хизматларни реализация қилиш бошқа асосий ишларни, хизматларни реализация қилишга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, асосий ишлар, хизматлар реализация қилинган жой ёрдамчи реализация қилиш жойи сифатида эътироф этилади.

### **203-м о д д а. Реализация қилиш обороти амалга оширилган сана**

Товарлар жўнатилган (берилган) кун, агар ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган мол-мулк (товар) гаровга қўювчи томонидан топширилганда гаров нарсага бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Юридик шахннинг ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун иш ҳақи ҳисобига, шу жумладан бепул товарлар берилганда, ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда товар берилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган ҳамда ҳисобварақ-фактура ва (ёки) ишлар бажарилгани, хизматлар кўрсатилгани фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган кун оборот амалга оширилган санадир.

Тара шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу тарани қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган таранинг реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана куйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади:

ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда;

ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда. Ушбу қисм қоидалари бошланиши бир ҳисобот даврига, тамомланиши эса бошқа ҳисобот даврига тўғри келадиган ишларга, хизматларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ишлар, хизматлар доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинган тақдирда, ҳисобварақ-фактура ёзилган сана ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Шартноманинг (контрактнинг) амал қилиши даврида ишларни, хизматларни олувчи уларнинг натижаларидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятида доимий асосда фойдаланиши мумкин бўлган тақдирда, доимий (узлуксиз) асосда реализация қилиш ишлари бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини аниқлатади.

Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинган тақдирда, ишлар, хизматлар олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилган сана оборот амалга оширилган санадир.

## **36-БОБ. СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА**

### **204-м о д д а. Солиқ солинадиган базани белгилаш**

Солиқ солинадиган база, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солигини киритмаган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун ушбу Кодекс 199-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ товарлар берилганда (ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солигини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, ушбу Кодекснинг 232-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир. Агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати солиқ солинадиган базадир.

Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан лизингга берилганда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади, солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солиқ солинадиган базадир. Бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган, молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида эътироф этиладиган сумма тарзида белгиланади.

Қурилиши тугалланмаган объект реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, қурилиши тугалланмаган объектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Кредит ташкилоти томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш ҳисобига олинган мол-мулк реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи билан қарзни қоплаш ҳисобига мазкур гаров мол-мулки олинган қарз суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда, солиқ солинадиган база белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ушбу Кодекс 200-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ реализация қилишда солиқ солинмайдиган оборотлар ҳисобланувчи чипталар, абонементлар, йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматлар олишга ҳуқуқ берувчи бошқа ҳужжатлар мазкур хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахслар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш баҳоси ва уларни олиш баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Ушбу Кодекс 219-моддасининг 5 ва 6-бандларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олиш назарда тутилмаган мол-мулк реализация қилинган тақдирда (мазкур мол-мулк қўшилган қиймат солиғи билан олинганлиги ёки олинмаганлигидан қатъи назар), солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, уни реализация қилиш (чиқиб кетиш) қиймати билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади. *(Ун учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, кредиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик, топшириқ шартномасига биноан комитент ёки топшириқ берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкини гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматидан келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.



Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмас, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиги суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади. *(Тўртинчи – ўн саккизинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **205-м о д д а. Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш**

Солиқ тўловчининг солиқ солинадиган базасига қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;
- 3) нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;
- 4) бажарилган ишлардан, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат ичида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса, кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш қўшимча ҳисобварақ-фактура ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **206-м о д д а. Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган база**

Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солигининг, божхона божларининг суммалари қиради.

### **207-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинадиган ишлар, хизматларга солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса ва ушбу Кодексга мувофиқ уларга қўшилган қиймат солиги солиниши керак бўлса, ишларни, хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчинининг солиқ солинадиган оборотидир.

Ишлар, хизматларни олувчида солиқ солинадиган база ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланиши лозим бўлган суммадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади.

публикасидаги манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади.

Ушбу моддага мувофиқ бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солигининг суммаси белгиланган ставка ва солиқ солинадиган базадан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Олинган ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш чет эл валютасида амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот бу оборот амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ушбу моддага биноан қўшилган қиймат солиги тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ушбу Кодекснинг 208, 209 ва 210-моддаларида санаб ўтилган ишлардан, хизматлардан иборат бўлса, ушбу модда қоидалари қўлланилмайди.

## **37-БОБ. ИМТИЁЗЛАР**

### **208-м о д д а. Солиқдан озод этиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти**

Қўшилган қиймат солигидан, агар ушбу Кодекснинг 212-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади: *(биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

1) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматлар; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

3) беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

4) дафн этиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

5) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

6) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устaxonаларининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари;

7) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали оқритқалар, конвертлар;

8) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

9) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёз-ни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулосаси асосдир;

10) шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари. Шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари жумласига йўловчилар ташиш бўйича автомобиль ва электр транспорти билан шаҳар доирасида муайян йўналишлар бўйича қатнов жадвалига биноан кўрсатиладиган хизматлар киради. Ушбу банднинг қоидалари юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига кўра шаҳар йўловчилар ташиш транспортида ходимларни ишдан ва (ёки) ишга ташиш бўйича хизматларга, тадбирлар ўтказиш учун ташиш бўйича хизматларга, шу жумладан шаҳар ташқарисига ташишга ҳам татбиқ этилади; (10-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

11) олий, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

12) (12-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)

13) тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар. Ушбу банднинг қоидаларини қўллаш мақсадларида: (13-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

тиббий хизматлар жумласига тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизмати кўрсатиш, диагностика, профилактика ва даволаш хизматлари, гомеопатик, стоматологик хизматлар, тиш протезлари тайёрлаш бўлимлари ва кабинетлари, наркологиya амбулаториялари, ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария ва эпидемияга қарши кураш йўналишидаги лабораториялар ҳамда бўлинмалар, бошқа тиббий ҳамда тиббий-санитария йўналишидаги муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради;

ветеринария хизматлари жумласига ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асарларини, ҳайвонот боғларидаги, тажрибахоналардаги ва бошқа шу кабилардаги жониворларни) касалликлардан муҳофаза қилиш ва

уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг яхши сифатли чорвачилик маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонларга ва инсонга хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш тадбирлари киради;

14) чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

15) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари. Ушбу бандни қўллаш мақсадида: (15-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

санаторийлар, шифохоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган хизматлар улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан қатъи назар санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари жумласига киради; (15-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)

туристик-экскурсия хизматлари жумласига сафар таркибидан назарда тутилган туристик хизматлар кўрсатиш учун йўлланманинг (ваучернинг) қийматига киририлган барча туристик-экскурсия хизматлари киради. Барча туристик-экскурсия хизматлари туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида белгиланган транспортда хизмат кўрсатишдан, яшаб туришга, овқатланишга доир хизматлардан, экскурсия хизмати, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш хизматлари ва бошқа хизматлардан иборат бўлади;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари жумласига спорт иншоотларида спорт мусобақалари, байрамлари, спорт-томоша тадбирлари, спорт иншоотларида ўтказиладиган календарь ва матч учрашувлари, спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда командаларида, соғломлаштириш, умумжисмоний тайёргарлик, соғломлаштириш йўналишидаги, чинқиш, сузиш, соғломлаштириш мақсадидаги югуриш ва юриш, атлетика, ритмика ва даволаш гимнастикаси мактаблари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказиш бўйича, спорт иншоотларига қатновчиларга билетларнинг (абонементларнинг) қийматида назарда тутилган спорт-техника асбоб-ускуналарини, тренажёрларни, инвентарларни, спорт устбошларини бериб туриш бўйича хизматлар ҳамда бошқа хизматлар киради;

16) давлат мулкани хусусийлаштириш тартибида реализация қилинаётган мол-мулк;

17) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

18) геология ва топография ишлари;

19) босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари). Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

босма маҳсулотлар жумласига китоблар, газеталар, журналлар, маълумотномалар, рисоалар, альбомлар, плакатлар, буклетлар, отқритқалар, дафтарлар, расм ва чизмачилик альбомлари, бланкалар ҳамда бошқа босма маҳсулотлар киради;

тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари) жумласига макет тайёрлаш, компьютер графикаси, саҳифалаш, оригинал макетлар тайёрлаш, муқовалаш, ададларни тайёрлаш, реклама мурожаатларини қабул қилиб олиш, расмийлаштириш ва нашрларда жойлаштириш, ранг бериш, юридик ва жисмоний шахсларни ахборот билан таъминлаш, ахборот тўплаш ҳамда уни қайта ишлаш, матнларни таржима қилиш ишлари, магнит ва қоғоз нусхаларда почта алоқаси ҳамда Интернет орқали реализация қилиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турдаги тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари киради. Алоҳида ва узилкесил ишлар (хизматлар) тарзида амалга ошириладиган, матбаа маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган тахририй, матбаа ва ноширлик ишларига (хизматларига) қўшилган қиймат солиғи солинади;

20) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар;

21) *(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

22) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар), бундан воситачилик, савдо, тайёрлов, таъминот-сотиш фаолиятини амалга ошириш бўйича реализация қилиш оборотлари мустасно;

23) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

24) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ҳамда уларни тасарруф этиш бўйича хўжаликлар, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради; *(24-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

25) *(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

26) ваколатли давлат органининг ихтисослашган экспертиза бўлиналари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

27) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

28) ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;

29) ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриқлов бўлиналари хизматлари;

30) устав фондида (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали сифатида бериладиган асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари;

31) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари;

32) давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда;

33) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

34) инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк;

35) давлат мулкни ижарага бериш бўйича хизматлар; *(35-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

36) оммавий ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари. *(36-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрь ЎРҚ-329-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 421-модда)*

## **209-м о д а. Солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар**

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

1) кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;

2) депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

3) тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

4) миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

5) юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини, шу жумладан вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

6) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жум-

ласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда қимматли қоғозлар реестрини юритиш бўйича операциялар, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар қиради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

7) қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

8) клиринг операциялари;

9) аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

10) пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

11) чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

12) касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);

13) молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

14) форфейтинг ва факторинг операциялари;

15) ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

16) жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг обороти;

17) миждозларнинг ҳисоб рақамларига банклар томонидан электрон масофали хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар. *(17-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **210-м о д д а. Солиқдан озод қилинадиган суғурта хизматлари**

Суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш хизматлари бўйича суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган суғурта қилиш бўйича хизматлар бу хизматлар натижасида:

1) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солигидан озод қилинади:

а) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

б) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича воситачилик ҳақи ва танъемалар;

в) суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокери, сюрвейер ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг хизматлари учун воситачилик ҳақи;

г) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича суғурта тўловлари улшининг қайта суғурталовчилар томонидан тўланадиган тўловини;

д) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича учинчи шахслардан суброгация (регресс) тартибда талаб қилиш бўйича даромадлар;

е) суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари (актуарийлар, ажастерлар, сюрвейерлар, ассис-

танс хизматлари ва шу сингарилар) кўрсатган хизматлардан олинадиган даромадлар;

ж) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича депо мукофотларига ҳисобланган ҳамда қайта суғурта қилдирувчи томонидан қайта суғурталовчига ўтказилган фоизлар;

з) ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта қилдирувчилар тақдим этган заёмлардан олинадиган даромадлар;

и) суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолиятдан олинадиган даромадлар, шу жумладан суғурта резервлари ва суғурта фондлари маблағларини инвестициялашдан олинадиган даромадлар;

к) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича франшизларни қоплашдан олинадиган даромадлар;

л) қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган, суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

м) қайта суғурта қилиш шартномалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, улар бўйича суғурта мукофотларининг қайтариб берилган қисми суммалари;

н) бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинадиган бошқа даромадлар;

2) суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солигидан озод қилинади:

а) суғурта тўлови (суғурта товони);

б) превентив тадбирлар ўтказиш учун бериладиган маблағлар;

в) суғурта қилиш шартномаси зарарсиз амал қилиши учун суғурталовчи тўлайдиган маблағлар;

г) суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа маблағлар.

### **211-м о д д а. Солиқдан озод қилинадиган импорт**

Қуйидаги товарларни импорт қилиш қўшилган қиймат солигидан озод қилинади:

1) жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кириладиган товарлар;

2) чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олиб кириладиган товарлар;

4) давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кириладиган товарлар;

5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) маблағлари, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар;

(5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда.

6) дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё. Мазкур имтиёз олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқариладиган тайёр дори воситаларига татбиқ этилмайди; (6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон ва 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2010 йил, 51-сон, 485-модда)

7) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади; (7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

8) инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида олиб кириладиган мол-мулк;

9) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари;

10) болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун олиб кираётган хом ашё, материаллар ва ярим маҳсулот;

11) қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч. (11-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

### **38-БОБ. НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА БЎЙИЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ОБОРОТ**

#### **212-м о д д а. Товарларни экспорт қилиш**

Товарларни чет эвл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

публикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг боғжона ҳудудидан боғжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб чиқиш товарлар экспортидир.

Ушбу Кодекснинг 213-моддасига мувофиқ товарларнинг экспорт қилинганлиги тасдиқланмаган тақдирда, мазкур товарларни реализация қилиш оборотига белгиланган ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

#### **213-м о д д а. Товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқлаш**

Товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардир:

контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт қилиш режимига чиқаришни амалга оширувчи боғжона органининг белги қўйилган боғжона юк декларацияси.

(Тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

Ўзбекистон Республикасининг боғжона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган боғжона органининг товарлар тайин этилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи қайд белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орақали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топширик берувчи) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: (иккинчи қисмининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон ва 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

солиқ тўловчи билан воситачи ёки ишончли вакил ўртасидаги воситачилик шартномаси ёки топширик шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

солиқ тўловчининг топшириғига кўра (воситачилик шартномаси ёки топширик шартномасига мувофиқ) экспортга товарлар етказиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси боғжона ҳудудидан ташқарига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контракти (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт режимига чиқаришни амалга оширувчи боғжона органининг белгиси қўйилган боғжона юк декларациясининг кўчирма нусхаси.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган тартибда текширув ўтказиладиганда назорат қилувчи органларга уларнинг талабига биноан тақдим этилади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

**214-м о д д а. Чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) солиқ солиши**

Чет эл тарафи ўзаролик принципига амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**215-м о д д а. «Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга солиқ солиши**

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса, ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

«Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «эркин муомалага чиқариш» режимига жойлаштириладиган бўлса, белгиланган ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

**216-м о д д а. Халқаро йўналишда ташишларга солиқ солиши**

Халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш оборо-

тига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади:

транзит юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ташиш. Транзит юкларни ташиш жумласига юкнинг транзитини амалга ошириш учун чет эллик шахслар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар ёки халқаро (идораларо) транспорт битимлари ҳамда божхона органларининг мазкур транзит юклар ҳақиқатда олиб кирилганлиги ва олиб чиқилганлиги тўғрисида белгилари мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл транзит юкларини ташиш ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради;

йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш. Агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташишлар ягона халқаро ташиш ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган тақдирда, халқаро йўналишларда ташиш ҳисобланади. *(Учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

**217-м о д д а. Аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга солиқ солиши**

Сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган, шунингдек идоровий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон, 2012 йил 10 сентябрь ЎРҚ-329-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда; 2012 йил, 37-сон, 421-модда)*

**217<sup>1</sup>-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрь ЎРҚ-329-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 421-модда)**

**39-БОБ. СОЛИҚНИ ҲИСОБГА ОЛИШ**

**218-м о д д а. Ҳисобга олинадиган солиқ суммаси**

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ҳақиқатда олинган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солигининг суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, агар бунда қуйидаги шартлар бажарилса: *(биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь*

*ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

1) товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ушбу Кодекснинг 197-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлса;

1<sup>1</sup>) товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса; (1<sup>1</sup>-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) олинган товарларга (ишларга, хизматларга) етказиб берувчи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки ушбу Кодекснинг 222-моддасига мувофиқ тақдим этиладиган қўшилган қиймат солиғи алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса;

3) товарлар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса. Агар импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан овоздотиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарти билан имтиёз берилган бўлса ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади; (3-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

4) ушбу Кодекснинг 207-моддасида назарда тутилган ҳолларда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса;

5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса. (5-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) қўйилма сифатида олинганда олувчи етказиб берувчи томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш обороти мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали экспортга реализация қилинган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади. (Учинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

Товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш

бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда моддий ресурслар бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси, шу жумладан эҳтиёт қисмлар ва деталлар қиймати ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя этилган тақдирда ҳисобга олинади.

Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича олинган тақдирда, комитент, топшириқ берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳисобот даврида реализация қилинган товарлар улушида ҳисобга олинади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ва (ёки) қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридик шахс бундай турдаги тўловларга ўтилган пайтдан эътиборан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Шундай тартиб имтиёзлар бекор қилинганда, қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича мажбурият юзага келган солиқ тўловчиларга насбатан ҳам татбиқ этилади.

Қўшилган қиймат солиғини тўловчида солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотлар, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан овоз қилинган оборотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи ушбу Кодекснинг 221-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Ушбу бобни қўллаш мақсадида мол-мулкни ижарага беришга, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга хизматлар сифатида қаралади. (Учинчи – саккизинчи қисмлар *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **219-м о д д а. Ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси**

Қуйидагилар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди:

1) олинаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича, шунингдек молиявий ижарага, шу жумладан лизингга бериш учун олинаётган мол-мулк бўйича; (1-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар томонидан, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан овоз қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар томонидан фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

3) (*Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

5) текинга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича, бундан олувчи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ушбу Кодекснинг 218-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи тўланган ҳоллар мустасно;

6) ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатларни амалга ошириш мақсадида олинган мол-мулк бўйича. (6-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

### **220-м о д д а. Ҳисобга олинадиган солиқ суммаларига тузатиш киритиш**

Илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи қуйидаги ҳолларда ҳисобга олишдан чиқариб ташланиши керак:

ушбу Кодексга мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун юридик шахслар томонидан фойдаланилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

ушбу Кодекс 218-моддасининг биринчи қисмида белгиланган қоидаларга риоя этилмаган тақдирда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан тасдиқланган нормалардан, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалардан ортиқча моддий ресурслар бўйича йўқотишлар ва бузилишлар. (*Тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига (қўшилган қиймат солиғи тўламайдиганлар тоифасига) ўтганда илгари ҳисобга олинган товар-моддий захиралар қолдиқлари, шунингдек тайёр маҳсулот қолдиқлари бўйича ҳисобга олишга киритилган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритилади. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича имтиёз берилганлиги муносабати билан солиқ солинмайдиган оборотлар юзага келган солиқ тўловчиларга ҳам тузатиш киритишнинг шунга ўхшаш тартиби татбиқ этилади.

Ушбу Кодекс 205-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати ўзгарганда сотиб олувчи илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига тегишли тарзда тузатиш киритади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳоллар юзага келган солиқ даврида амалга оширилади.

### **221-м о д д а. Солиқ солинмайдиган реализация қилиш обороти мавжуд бўлган тақдирда, солиқни ҳисобга ўтказиш тартиби**

Солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича маҳсулот етказиб берувчиларга ва импорт бўйича тўланиши ло-

зим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди, балки ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматида ҳисобга олинади.

Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган сумма қўшилган қиймат солиғи тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Мутаносиб усул қўлланилганда ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аниқланади.

Алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мақсадларида фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

### **222-м о д д а. Ҳисобварақ-фактура**

Ҳисобварақ-фактура қатъий ҳисобот ҳужжати бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1) ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;

2) ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартноманинг рақами ва санаси;

3) солиқ тўловчининг ва товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда идентификация рақами;

4) реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг номи ва ўлчов бирликлари (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса);

5) ўлчов бирлигидан (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса) келиб чиққан ҳолда реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг ҳисобварақ-фактура бўйича сони (ҳажми);

6) шартнома (контракт) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) қўлланилган тақдирда эса, солиқ суммасини ҳисобга олган ҳолда ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);

7) реализация қилинаётган товарлар, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) қўшилган қиймат солиғисиз қиймати;

8) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғининг ставкаси ва суммаси;

9) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотиб олувчисига тақдим этилаётган қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси;



10) реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинган қиймати.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи шахсга ҳисобварақ-фактура тақдим этишлари шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

1) йўловчилар ташишни йўл чипталари билан расмийлаштириш;

2) товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция бериш;

3) товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштириш;

4) қабул қилиб олиш-топириш далолатномаси расмийлаштирилмайдиган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топириш, ушбу Кодекс 204-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари юзага келадиган ҳоллар бундан мустасно. Бунда тегишли ҳужжатлар (молиявий ижара шартномасининг таркибий қисми бўлган ижара (лизинг) тўловлари жадвали; ҳисобварақ; ижарага (лизингга) олувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш учун юборилган ёзма билдириш ва шу кабилар) билан расмийлаштирилган ҳар бир ижара (лизинг) тўловига ҳам ҳисобварақ-фактура ёзилмайди; (иккинчи қисмининг 4-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

5) банк операцияларини миқдорнинг шахсий ҳисобварагидан кўчирма бериш орқали расмийлаштириш;

6) суғурта хизматларини топириқ шартномаси ва (ёки) суғурта полиси орқали расмийлаштириш; (иккинчи қисмининг 6-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

7) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ишларни (хизматларни) ҳақиқатда мазкур ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштириш.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлардир. Бунда қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилган тақдирда, ушбу ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи суммаси албатта ажратиб кўрсатилиши керак. (Учинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

Келгусида товарларни етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун олдиндан тўланган ҳақ (бўнак) ёзилган ҳисобварақ ҳисобварақ-фактура бўлмайди.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайдилар ҳамда «қўшилган қиймат солиғисиз» деган штамп босади (ёзиб қўяди).

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи учун ҳисобварақ-фактура қўшилган қиймат солиғини ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳисобварақ-фактура товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш обороти амалга оширилган санада ёзилади.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган электр энергияси, сув, газ, алоқа хизматлари, коммунал хизматлар, темир йўлда ташишлар, транспорт-экспедиторлик хизмати, банк операциялари, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) узлуксиз етказиб беришни амалга ошираётган солиқ тўловчилар ойнанинг охиригунда бир марта ҳисобварақ-фактура ёзади. (Саккизинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

Ҳисобварақ-фактурада товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ва қўшилган қиймат солиғи суммаси миллий валютада кўрсатилади.

Тузилган шартномаларнинг шартларига биноан товарларига, ишлари ва хизматларига нархлар (тарифлар) чет эл валютасида белгиланадиган юридик шахслар ҳисобварақ-фактураларни чет эл валютасида ёзиб, айна бир вақтда уни ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаган ҳолда миллий валютада ифодалади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи солиқ солинадиган базага уни кўпайтиришга (камайтиришга) қаратилган тузатиш киритган тақдирда, мазкур товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи томонидан тасдиқланадиган қўшимча ҳисобварақ-фактура тузилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи қўшимча ҳисобварақ-фактурада қуйидаги маълумотларни кўрсатиши керак:

1) қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва тузилган санаси;

2) ҳисобварақ-фактурани тўлдиришда зарур бўлган, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган реквизитлар;

3) тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;

4) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий);

5) қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий).

Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ўзлари олган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактураларнинг, шунингдек реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларнинг реестрини юритиши шарт.

Бунда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрига фақат қўшилган қиймат солиғи ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар киритилади.

Ҳисобварақ-фактуранинг шакли, уни тўлдириш тартиби, шунингдек келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. *(Ўн биринчи – ўн тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **40-БОБ. СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ, СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА СОЛИҚНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

##### **223-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

##### **224-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Товарларни импорт қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

##### **225-м о д д а. Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби**

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган ва реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрларини тақдим этади. Ҳисобварақ-фактуралар реестрининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон*

*Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон ва 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда; 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

##### **226-м о д д а. Солиқ тўлаш тартиби**

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – ушбу Кодекс 225-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

#### **41-БОБ. СОЛИҚ ЮЗАСИДАН БЮДЖЕТ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

##### **227-м о д д а. Ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ҳисобот даврида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан ўзаро муносабатлар**

Қўшилган қиймат солиғининг ортиқча тўланган суммаси солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 10-бобига мувофиқ солиқ тўловчига қайтарилади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг навбатдаги ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ортган суммаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғи бўйича навбатдаги тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври яқунларига кўра ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқчалиги сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортиқча сумма кейинги солиқ даврига ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёхуд солиқ тўловчига мазкур моддада белгиланган тартибда қайтарилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммаси давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг солиқни қайтариб бериш тўғрисидаги ёзма аризасини олган пайдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади.

Қўшилган қиймат солиғини қайтариш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси қопланади;

солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд қарзи қопланади;

ушбу Кодекснинг 228-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади. *(Бешинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

### **228-м о д д а. Солиқ суммасини қайтариб бериш тартиби**

Қўшилган қиймат солиғи суммасини пул маблағларини банк ҳисобварағига ўтказиш йўли билан солиқ тўловчига қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш учун солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳужжатларни ёзма аризага тўрт нусхада илова этган ҳолда тақдим этади:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича юридик шахс қарзларининг солиштирув далолатномаси. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларнинг солиштирув далолатномаси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тузилади ва бир календарь ой мобайнида амал қилади;

қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби;

агар юридик шахсга илгари қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилган бўлса, қайтарилган суммалар ва қайтариб бериш санаси тўғрисидаги маълумотлар.

Солиқ тўловчилар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1) товарларни экспорт қилишни амалга ошираётган юридик шахслар – ушбу Кодекс 213-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эл валютасида реализация қилинган товарлар учун тушум солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирмаларни; *(учинчи қисмнинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

1<sup>1</sup>) товарлар экспортини воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали амалга ошираётган юридик шахслар – ушбу Кодекс 213-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эл валюта-сида реализация қилинган товарлар учун тушум воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирмаларни ёки уларнинг кўчирма нусхаларини; *(1<sup>1</sup>-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиш учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилаётган юридик шахслар – белгиланган шаклда расмийлантирилган ҳисобварақ-фактураларнинг нусхаларини;

3) «божхона ҳудудига қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича ишлар бажараётган, хизматлар кўрсатаётган, шунингдек чет эл юкларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташиш (транзит ташиш) бўйича хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар:

ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун тузилган контрактнинг нусхасини;

бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси нусхасини;

ишларни (хизматларни) сотувчи ва сотиб олувчи томонидан имзоланган ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжат нусхасини;

4) аҳолига сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар – ноль даражали ставка қўлланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини.

Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тўғрисидаги ёзма аризани кўриб чиқиш ҳамда маблағларни солиқ тўловчининг ҳисобварағига ушбу моддага мувофиқ ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

## **VIII бўлим. АКЦИЗ СОЛИФИ**

### **229-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Акциз солиғи тўловчи юридик ва жисмоний шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси).

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан акциз солиғини тўловчи этиб белгиланиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

**230-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объектдир:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:

товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкдаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шarti билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник қўмак кўрсатиш мақсадида;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблаглари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилатган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга; (3-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси қонун ҳужжатларида белгиланади; (4-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

**231-м о д д а. Акциз тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга ошириладиган сана**

Акциз тўланадиган товарлар олувчига жўнатилган (топширилган) кун, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарлар гаровга қўювчи томонидан топширилган тақдирда, гаров нарчасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар божхона расмийлаштирувдан ўтказилган сана уларга доир операция амалга оширилган санадир.

**232-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурда ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича, агар ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннарихидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннарихидан кам бўлмаган даражада белгиладиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

### **233-м о д д а. Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш**

Солиқ солинадиган базага қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчида тузатиш киритилади:

- товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- битим шартлари ўзгартирилганда;
- баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда.

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ янги ҳисобварақ-фактура ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳол юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **234-м о д д а. Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш**

Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардир:

- экспорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни етказиб бериш учун тузилган контракт;
- товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайинланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

### **235-м о д д а. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари**

Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланади.

### **236-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 232-моддасига мувофиқ аниқланадиган солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

### **237-м о д д а. Солиқдан чегирма**

Ушбу Кодекснинг 236-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг суммаси ушбу моддада белгиланган чегирма суммасига камайтирилади.

Акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.

Акциз тўланадиган товар (хом ашё) етказиб берувчилар мазкур товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммасини ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатишлари керак. Олинаётган акциз тўланадиган товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, акциз солиғининг мазкур суммаси чегириб ташланмайди.

Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварақ-фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган акциз тўланадиган товарлар топшириладиганда ҳам қайта ишлашга берилган акциз тўланадиган хом ашё ва материалларнинг мулкдори акциз солиғи тўлаганлигини тасдиқлаши шарти билан қўлланилади.

### **238-м о д д а. Солиқ даври**

Йил чораги солиқ давридир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ўРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **239-м о д д а. Ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби**

Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилнинг ҳар чорагида, солиқ давридан кейин-

ги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

*(Модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

#### **240-м о д д а. Солиқ тўлаш тартиби**

Ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 236 ва 237-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай – ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

#### **241-м о д д а. Акциз тўланадиган товарларни акциз маркалари билан тамғалаш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, шунингдек унинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда акциз маркалари билан тамғаланиши шарт.

### **IX бўлим. ЕР ҚАЪРИДАН Фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар**

#### **42-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **242-м о д д а. Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни аниқлаш ва қидириш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга ошираётган, шунингдек фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилардир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги солиқлар ва махсус тўловларни тўлайдилар:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

қўшимча фойда солиғи;

бонус (имзоли ва тижоратбоп топилма бонуслар).

#### **43-боб. ЕР ҚАЪРИДАН Фойдаланганлик учун солиқ**

#### **243-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар; *(иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.

#### **244-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади.

Солиқ солиш объекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Углеводородлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган кавлаб олинган углеводородлар, шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги кавлаб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар.

Қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни тугал технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми солиқ солиш объекти бўлмайди. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар учун солиқ солиш объектидир.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, қуйидагилар қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича солиқ солиш объектидир:

кавлаб олинган (шу жумладан қўшилиб чиқадиган) фойдали қазилмалар;

фойдали қазилмалардан, минерал хом ашёдан, техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар. *(Еттинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида кавлаб олинган ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзгор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали қазилмалар солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **245-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиги ва акциз солигини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Ҳисобот даврида тайёр маҳсулот реализация қилинмаган бўлса, солиқ солинадиган база реализация қилиш амалга оширилган охириги ҳисобот даврида тайёр маҳсулотни реализация қилишнинг ўртача олинган баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тайёр маҳсулот умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида таркиб топган ўртача олинган баҳодан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Тайёр маҳсулот таннархидан паст баҳода реализация қилинган ёки топширилган тақдирда ўртача олинган баҳони ҳисоб-китоб қилиш учун таннарх қабул қилинади, лекин у декларация қилинаётган баҳолардан юқори бўлмаслиги керак.

Тайёр маҳсулот (тайёр маҳсулотнинг бир қисми) бошқа тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлган ёки тайёр маҳсулот (қайта ишлаб ҳосил қилинган маҳсулот) ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда бундай маҳсулот учун солиқ солинадиган база кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

#### **246-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври қуйидагилардир:

юридик шахслар учун – йил чораги;

жисмоний шахслар учун – календарь йил. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

#### **247-м о д д а. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби**

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан – ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

жисмоний шахслар томонидан – йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралдан кечиктирмай.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан – ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар томонидан – ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

#### **44-БОБ. ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИФИ**

##### **248-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Қўшимча фойда солиги тўловчилар қуйидагилардир:

айрим фойдали қазилмаларни (фойдали компонентларни) кавлаб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар;

фойдали қазилмалардан ишлаб чиқариладиган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар.

Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган бошқа шахслар қўшимча фойда солиги тўловчиси этиб белгилашни мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни*

билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича фаолиятни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар кўшимча фойда солигини тўловчилар бўлмайд.

#### **249-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромаднинг бир қисми (кўшимча фойда) кўшимча фойда солигини солиш объектидир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

#### **250-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Кўшимча фойда суммаси билан кўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисоблаб чиқарилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф кўшимча фойда солиқ солинадиган базадир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

#### **251-м о д д а. Фойдали қазилмалар ва солиқ солинадиган маҳсулот рўйхати, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Кўшимча фойда солиги солинадиган фойдали қазилмалар ва маҳсулот турлари рўйхати, шунингдек солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **45-БОБ. БОНУСЛАР**

#### **252-м о д д а. Умумий қоидалар**

Бонус ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир.

Ер қаъридан фойдаланувчи куйидаги турдаги бонусларни тўлайди:

имзоли бонус;

тижоратбоп топилма бонуси.

Давлат бошқаруви органлари бонуслар тўламайди.

#### **253-м о д д а. Имзоли бонус**

Имзоли бонус ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали қазилмаларни аниқлаш ва қидириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бир марталик қатъий белгиланган тўловдир. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Имзоли бонус лицензия олинган кундан эътиборан солиқ тўловчи томонидан ўттиз кундан кечиктирмай бюджетга тўланади ва бу ҳақда солиқ бўйича ҳисоб-

га олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма шаклда хабар қилинади.

#### **254-м о д д а. Тижоратбоп топилма бонуси**

Тижоратбоп топилма бонуси тегишли лицензияда кўрсатилган ер қаъри участкасида фойдали қазилма конларининг ҳар бир тижоратбоп топилмаси учун, шу жумладан дастлабки белгиланган ажратиб олинаётган захираларни кўпайтиришга олиб келувчи конларни кўшимча қидириш ўтказиш чоғидаги фойдали қазилмалар топилмаси учун тўланадиган тўловдир. Тижоратбоп топилма бонуси, агар аввал мазкур кон бўйича тижоратбоп топилма бонуси тўланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқини олган ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳам тўланади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Фойдали қазилма конларини кейинчалик уларни кавлаб олишни назарда тутмайдиган қидириш ўтказишда тижоратбоп топилма бонуси тўланмайди.

Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган конда фойдали қазилмаларнинг қазиб олинадиган захиралари ҳажми солиқ солиш объектидир.

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати солиқ солинадиган базадир. Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинган ҳажмининг қиймати ваколатли давлат органи белгиланган ахборот манбаларининг маълумотларига кўра халқаро биржада белгиланган биржа баҳоси бўйича ҳисоблаб чиқилади. Жаҳон бозорида нарх мавжуд бўлмаган тақдирда, қазиб олинадиган фойдали қазилмаларнинг қиймати ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Тижоратбоп топилма бонуси солиқ солинадиган базадан ва бонуснинг белгиланган ставкасида келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тижоратбоп топилма бонусининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаган кундан эътиборан йигирма беш кундан кечиктирмай солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Тижоратбоп топилма бонусини тўлаш ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар захираларининг кондан қазиб олинадиган ҳажмини тасдиқлаган кундан эътиборан тўқсон кундан кечиктирмай амалга оширилади.

### **46-БОБ. МАҲСУЛОТ ТАҚСИМОТИГА ОИД БИТИМ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ФАОЛИЯТГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **255-м о д д а. Умумий қоидалар**

Маҳсулот тақсимотига оид битим шартнома бўлиб, бу шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ҳамда муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун мутлақ ҳуқуқлар беради.



Маҳсулот тақсимотига оид битим қуйидагиларни назарда тутати:

ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисобот бериш тартибини; солиқ солиш ва бошқа тўловларни тўлаш шартларини; чет эллик инвесторнинг улушини олиб чиқиб кетиш тартибини.

**256-м о д д а. Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида амалга ошириладиган фаолиятга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Чет эллик инвестор маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда маҳсулот тақсимотига оид битимнинг амал қилиш муддати мобайнида қуйидагиларни тўлайди: *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 сентябрь ўРҚ-217-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 37-сон, 404-модда)*

1) фойда солиғи;  
2) ер солиғи;  
3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;  
4) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, бундан қўшимча фойда солиғи мустасно;

5) ягона ижтимоий тўлов; *(5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

6) акциз солиғи. *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўРҚ-196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 – 5-бандларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бундан мустасно), агар маҳсулот тақсимотига оид битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 сентябрь ўРҚ-217-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 37-сон, 404-модда)*

Чет эллик инвесторга солиқ солиш қуйидаги хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) фойда солиғи маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромад бўйича ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича олинган даромад бўйича алоҳида-алоҳида тўланади. Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромадлар юзасидан фойда солиғи солиш объекти битим шартларига биноан чет эллик инвесторга тегишли бўлган, чегирмалар қилинмаган ҳолда фойдага қолган маҳсулотнинг қийматидир;

2) чет эллик инвестор ер қаъридан фойдаланувчилар учун қуйидаги солиқлар ва махсус тўловлар тўлайди:

маҳсулот тақсимотига оид битим тузилганда ва (ёки) муайян натижага эришилганда, битим шартларига мувофиқ белгиланган бонуслар;

минерал хом ашёни кавлаб олиш ҳажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоизли нисбатда маҳсулот тақсимотига оид битим шартларига мувофиқ белгиланадиган ва пул шаклида ёки кавлаб олинган минерал хом ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

3) атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади;

4) инвесторларга ва (ёки) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган операторларга юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан бериладиган товарларга (бажариладиган ишларга, курсатиладиган хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади;

5) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришга мўлжалланган ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ чет эллик инвестор томонидан ёки маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган бошқа шахслар томонидан олиб қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар), шунингдек чет эллик инвестор томонидан олиб чиқиладиган, мазкур битимга мувофиқ унга тегишли бўлган маҳсулот божхона тўловларини солишдан озод қилинади, божхона расмийлаштируви учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно. Олиб қилинган моддий-техника ресурсларидан белгиланган мақсадга номувофиқ фойдаланилганда, шу жумладан улар ўзга шахсга берилган тақдирда, бюджетга тўланиши лозим бўлган барча божхона тўловлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

Агар юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахслар бирлашмаси инвестор сифатида иш юритаётган бўлса, бундай бирлашманинг иштирокчиларидан бири ёки маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажарувчи оператор солиқ мажбуриятларининг бажарувчиси бўлади. Бунда лицензия олган инвестор бир ойлик муддатда давлат солиқ хизмати органини мазкур бирлашмадан солиқ мажбуриятини бажарувчи бўлиб қатнашадиган иштирокчи тўғрисида ёзма равишда хабардор этиши шарт.

**X бўлим. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
Фойдаланганлик учун солиқ**

**257-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни ёки сув истеъмолини амалга оширувчи қуйидаги шахслардир:

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари; тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўРҚ-196-сон ва 2009 йил 25 декабрь ўРҚ-240-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари*

тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 555-модда)

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчидир.

Куйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

агар ушбу Кодекснинг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

### **258-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объектидир.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига куйидагилар қиради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув хавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан кудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олиннадиган сувлар қиради.

### **259-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир.

### **260-м о д д а. Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби**

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрь ЎРҚ–240-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 555-модда)

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан

келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига жорий солиқ даврининг 15 январига қадар тақдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари беш кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

Солиқ тўловчи иссиқ сув ҳамда буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ солинадиган базани ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Биноларнинг бир қисми, алоҳида жойлар ижарага топширилганда солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади.

Биноларнинг бир қисмини, алоҳида жойларни ижарага олган ва сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган юридик шахслар солиқ солинадиган базани мустақил равишда аниқлайди.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар билан сув етказиб берилиши юзасидан солиштириб кўриш жараёнида олинган сувнинг ҳажмини аниқлаштиришда сув ҳажми фарқини солиштирув амалга оширилган даврдаги ҳисоб-китобларда акс эттиради.

Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдонида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ солинадиган базани солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун солиқ солинадиган база ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан аниқланади.

### **261-м о д д а. Имтиёзлар**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан куйидагилар озод қилинади:

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамгармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган корхоналар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

2) сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

3) бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;

4) ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ишбу имтиёз қўлланилмади ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:

1) соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

2) дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

3) атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинган ер ости сувлари ҳажмига, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно;

4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

6) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

## **262-м о д д а. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

## **263-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагилар томонидан йилига бир марта тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно) – йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан – жорий солиқ даврининг 15 декабригача;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – солиқ давридан кейинги йилнинг 25 январигача.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларида давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай топширилади. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

## **264-м о д д а. Солиқ тўлаш тартиби**

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни тўлайдилар, бундан ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари мустасно.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 25 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) – ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан;

солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан камни ташкил этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар, кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдоридан.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўловчилар томонидан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади, бундан юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари мустасно.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майгача амалга оширилади.

*(Модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

## **XI бўлим. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ**

### **47-боб. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ**

#### **265-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкда кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фаолияти ушбу Кодекснинг 20-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этилади.

Қуйидагилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда,

ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилардир;

агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

#### **266-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Қуйидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:

1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

2) *(2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошлангандан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар қиради; *(биринчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар қиради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, бурюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ қайси асосий воситалар бўйича ҳисоб юритаётган бўлса, ўша асосий воситалар;

ушбу доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, мазкур норезидентларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк солиқ солиш объектидир. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) кўчмас мулк объекти тўғри-

сидаги маълумотларни ушбу объектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **267-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

асосий воситалар бўйича – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сие-сатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади; *(биринчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган кўчмас мулк объектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган базадир.

### **268-м о д д а. Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби**

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охири кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманингни ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи яқун билан аниқланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур объектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

*(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинадиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юри-

тиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юри-тиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинмаган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

### **269-м о д д а. Имтиёзлар**

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати-га (ўртача йиллик қиймати) камайтирилади: *(биринчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

1) уй-жой-коммунал хўжалиги объектларининг. Уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар киради: уй-жой фонди, водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);

2) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига кирадиган ижтимоий-маданий соҳа объектларининг; *(биринчи қисмнинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

3) юридик шахсларнинг маданият муассасалари, мактабгача ва умумтаълим ўқув муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг;

4) қишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги қорхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг;

5) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектларининг;

6) алоқа йўлдошларининг;

7) *(7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

8) табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларнинг. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларга киритиш тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнгин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади; *(биринчи қисмнинг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

9) умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр затиш линияларининг, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;

10) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

11) лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга;

12) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг;

13) шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари);

14) тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахсининг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);

15) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг;

16) ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жиҳозларнинг, беш йиллик муддатга. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши мол-мулк солигини тўлаш мажбуриятлари имтиёз қўлланиладиган бутун давр учун тикланган ҳолда, бекор қилинади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

1) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари; (иккинчи қисмининг 1-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда*)

2) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари. Уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, сақлаш ҳамда ундан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташқи ёритиш, водопровод сув олиш иншоотларидан, тақсимланадиган тармоқлардан (тозаловчи иншоотлари билан) фойдаланиш ва сувни тақсимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш (тозалаш иншоотлари билан), газ тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни тақсимлаш, қозонхона, иссиқлик тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни тақсимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биналарининг хўжалик бошқармалари, ўт ўчириш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари киради;

3) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» асоциацияси мулкда бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар, бундан савдо, восита-

чилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

4) янги ташкил этилган корхоналар – давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизда ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди; (иккинчи қисмининг 4-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

5) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларини – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

#### **270-м о д д а. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир.

(*Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда*)

#### **271-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби**

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекс 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчи – Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январига, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахс-

ларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тўлатиш киритилади.

Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Солиқ даврида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мавжуд мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзиб беради;

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига кўчмас мулк жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчининг ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органининг маълумотлари асосида тўлов хабарномасини ёзиб беради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари

томонидан йилда бир марта, солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тўланиши керак.

(Модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

## **48-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ**

### **272-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир.

### **273-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

### **274-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектарининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган шартли қиймати солиқ солинадиган базадир.

Битта жисмоний шахс бир неча солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

### **275-м о д д а. Имтиёзлар**

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари би-

лан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилди; (биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

4) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг). Мазкур имтиёз тегишинча тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилган, имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилди;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилди;

6) I ва II гуруҳ ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилди;

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналарининг ва бева хотинларининг (бева эрларининг). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штамп қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилди. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилди. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат

улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилди; (биринчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 20 май ўРҚ–247-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 20-сон, 149-модда)

8) (Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Ушбу моддада белгиланган имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

### **276-м о д д а. Солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Солиқ солиш объектлари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилган ёхуд улар юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

### **277-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар йили 1 февралгача объектнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматини ва унинг мулкдорини кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

Ушбу Кодекснинг 275-моддасида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар имтиёзларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этадилар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.



Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланishiга қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган, бузиб ташланган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тўхтатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик, бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Календарь йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келган (амал қилиши тугаган) тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (амал қилиши тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади. *(Ўнинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар амалга оширилади. *(Ўн иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

## **XII бўлим. ЕР СОЛИФИ**

### **49-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИФИ**

#### **278-м о д д а. Умумий қоидалар**

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан

олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар.

#### **279-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Куйидагилар ер солиғини тўловчилар бўлмайди: нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда ер солиғи тўловчилар бўлади;

ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг содда-лаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар, агар ушбу Кодекснинг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

#### **280-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объектидир.

Куйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига куйидагилар қиради:

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар; аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дархтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар); *(иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

захира ерлар.

#### **281-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Ер участкасининг ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер

участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

## 282-м о д д а. Имтиёзлар

Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари – ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

3) янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари – давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга;

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

1) богдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;

2) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, бундан хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар мустасно. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари жумласига давлат кўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма кўриқхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма кўриқхоналари бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкалари киради;

3) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) – тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

4) рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) – аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) – тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий кўриқхоналар, хотира боғлари, саганалар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар;

6) сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради;

7) электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

8) умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиодифкациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон каналлашдиқлар, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кўчатиригич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

9) маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар; *(9-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

10) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

11) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

12) шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

13) спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

14) аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва каналлашдиқ иншоотлари: магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, каналлашдиқ коллекторлари ва улар-

нинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш кудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

15) магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнгинага қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли химоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

16) магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

17) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлқалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

18) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида;

19) консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида;

20) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

21) юридик шахс балансида бўлган ва ҳўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;

22) ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Ихота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноят марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар; (22-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1-2-сон, 1-модда)

23) қишлоқ ҳўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

24) мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд сугориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

25) янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

26) илмий ташкилотларнинг қишлоқ ҳўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба ҳўжалиklarининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.

Белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига ушбу моддада белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

### **283-м о д д а. Солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ ҳўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашгунига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ ҳўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ ҳўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдоридан тўланади.

### **284-м о д д а. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир.  
(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

### **285-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби**

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 281-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базада (ҳисобланган солиқ суммасида) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хиз-

мати органига ер солигининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этиши шарт. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солигини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солигининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

### **286-м о д д а. Солиқ тўлаш тартиби**

Ер солигини тўлаш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-қунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Солиқ даври мобайнида ер солиги тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган ва 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда; 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Ягона ер солиги тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солигини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 июлига қадар – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – солиқнинг қолган суммаси.

### **50-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИГИ**

#### **287-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солигини тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солигини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк

ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун ер солиги мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.

#### **288-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

1) деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартиралли уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди, ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилганлари бундан мустасно. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

#### **289-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонида доир маълумотлари солиқ солинадиган базадир.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ерларнинг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

#### **290-м о д д а. Имтиёзлар**

Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилкибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шўхрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтар-

чалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

3) 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади; *(биринчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

4) I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади; *(биринчи қисмининг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон ва 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ–254-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда; 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда)*

6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Отанасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади; *(биринчи қисмининг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ–254-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда)*

7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар). Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади; *(биринчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

8) шахсий пенсия тайинланган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача;

10) шахслар – уларга яққа тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича – ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган имтиёзлар, бундан 6-бандда кўрсатилгани мустасно, яққа тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон хўжалиги юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилади. Бунда мазкур имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин.

Ушбу Кодекс 282-моддаси иккинчи қисмининг солиқ солинмайдиган ер участкаларига тааллуқли қисмида назарда тутилган имтиёзлар ер солиғи тўловчилар бўлган жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилади.

### **291-м о д д а. Солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, яққа тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки яққа тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда уларга ушбу Кодекснинг 290-моддасида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

### **292-м о д д а. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир.

### **293-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Ушбу Кодекснинг 290-моддасида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу имтиёзларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда (беқор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солиғини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

**294-м о д д а. Солиқ тўлаш тартиби**

Ер солиги ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиги жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солигини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди.

Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиги ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади.

Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **XIII бўлим. ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИГИ**

**295-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўловчилардир.

Қуйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдаси мустасно;

ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

**296-м о д д а. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база**

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир. Бунда солиқ солинадиган база олинishi лозим бўлган (олинган) дивидендлар суммасига, қўшимча фойда солиғи тўловчилар учун эса соф қўшимча фойда суммасига ҳам камайтирилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон ва 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда; 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

**297-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

**298-м о д д а. Имтиёзлар**

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига шtatда бўлган ходимлар киритилади.

**299-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

**300-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби**

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни билан чиқарилган, учинчи – саккизинчи қисмлар иккинчи – еттинчи қисмлар деб ҳисобланган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Солиқ тўловчилар, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно, ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Жорий тўловлар тахмин қилинаётган соф фойда суммасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича ҳисобот даврининг биринчи ойи 10-кунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий тўловлар ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг

йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдо-  
рида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.  
(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил  
30 декабрь ЎРҚ-313-сон ва 2012 йил 25 декабрь  
ЎРҚ-343-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Рес-  
публикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон,  
556-модда; 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

Куйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам  
иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган  
солиқ тўловчилар;

(бешинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Рес-  
публикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қону-  
ни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофир-  
малар ва кичик корхоналар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани  
ривожлантириш солигининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича  
ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати орган-  
ларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи  
яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан  
кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунла-  
ри бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим эти-  
ладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани  
ривожлантириш солигини тўлаш мазкур солиқ бўйича  
ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай  
амалга оширилади.

#### **XIV бўлим. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА БЕНЗИН, ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ ВА ГАЗ ИШЛАТГАНЛИК УЧУН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ\***

##### **301-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Юридик ва жисмоний шахсларга транспорт восита-  
лари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни автомо-  
билларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реали-  
зация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар транс-  
порт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ иш-  
латганлик учун олинадиган солиқни тўловчилардир.

Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида автомобилларга  
ёқилғи қуйиш шохобчалари деганда автомобилларга  
компрессор воситасида газ тўлдириш, автомобилларга  
ёқилғи қуйиш ва автомобилларга газ қуйиш шохобча-  
лари тушунилади.

(Модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг  
2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда –  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2012 йил, 52-сон, 584-модда)

##### **302-м о д д а. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база**

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқил-  
ғиси ва газни реализация қилиш солиқ солиш объек-  
тидир.

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғи-  
си ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган  
ҳажми солиқ солинадиган базадир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь  
ЎРҚ-241-сон ва 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон  
қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда;  
2012 йил, 52-сон, 584-модда)

##### **303-м о д д а. Солиқ даври**

Йил чораги солиқ давридир.

(Модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг  
2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда –  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2012 йил, 52-сон, 584-модда)

##### **304-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақ- дим этиш ва солиқ тўлаш тар- тиби**

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси  
ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ солиқ со-  
линадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб  
чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси  
ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси  
транспорт воситалари учун ёқилғи қуйиш шохобчала-  
ри орқали реализация қилинадиган бензин, дизель  
ёқилғиси ва газнинг нархида ҳисобга олинади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси  
ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисоб-  
китоби жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган  
ҳолда ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги  
давлат солиқ хизмати органларига ҳар чорақда, солиқ  
давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил  
яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топ-  
шириладиган муддатда тақдим этилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси  
ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш  
транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси  
ва газ реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугага-  
нидан кейинги учинчи кундан кечиктирмай, ёқилғи  
қуйиш шохобчалари жойлашган ерда ҳар ўн кунда  
амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь  
ЎРҚ-241-сон ва 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон  
қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда;  
2012 йил, 52-сон, 584-модда)

#### **XV бўлим. ИЖТИМОЙ ЖАМФАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР**

##### **51-боб. ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМФАРМАСИГА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ**

##### **305-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

\* XIV бўлимнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил  
30 декабрь ЎРҚ-241-сон ва 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон қонун-  
лари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-  
ми, 2009 йил, 52-сон, 556-модда; 2012 йил, 52-сон, 584-модда.

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан ушбу Кодекснинг 311-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ суғурта бадаллари тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзолари мустасно.

### **306-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Ушбу Кодекснинг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **307-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, ушбу Кодекснинг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.

Ушбу Кодекс 306-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бўйича ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси сифатида аниқланади, бироқ бу сумма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **308-м о д д а. Имтиёзлар**

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) *(2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

3) *(3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

4) *(4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

5) ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомланганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

6) *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

7) қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари. *(7-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул муқофотлари ва бошқа тўловларга ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **309-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*



### **310-м о д д а. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби**

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан орбит борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни билан чиқарилган, бешинчи қисм тўртинчи қисм деб ҳисоблансин – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини тўлаш ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

### **311-м о д д а. Айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, яқка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиklarининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиklarининг аъзолари учун суғурта бадалларининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Суғурта бадалларини тўлаш куйидагича амалга оширилади:

яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ҳар ойда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-ку-

нидан кечиктирмай; (тўртинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиklarининг аъзолари – ҳисобот йилининг 1 октябригача. Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кундаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг идентификация рақами ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Агар давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга ошириляётган ой (деҳқон хўжалиklари аъзолари учун – йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

### **52-БОБ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР**

#### **312-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар куйидагилардир:

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) – юридик шахс. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Куйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди: нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар; умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно. (Иккинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)

#### **313-м о д д а. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база**

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база куйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун – маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегиштинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегиштинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олиннадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади; (иккинчи қисмнинг 2-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси; (иккинчи қисмнинг 3-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун – товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун – агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад; (иккинчи қисмнинг 5-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

ҳаётни суғурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар. (Учинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон*

*Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда*)

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектиларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектиларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объекتلардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт. (Тўртинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда*)

### **314-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир. (Иккинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда*)

### **315-м о д д а. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уларни тўлаш тартиби**

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай. (Иккинчи ва учинчи қисмлар *Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда*)

## **XVI бўлим. РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР**

### **53-боб. РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР**

#### **316-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) – юридик шахс. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Қуйидагилар Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

ягона солиқ тўлови тўловчи юридик шахслар;

ихтисослаштирилган йўл хўжалиги бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар, Республика йўл жамғармаси маблаглари ҳисобига молиялаштирилган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажарганлик учун олинган даромадлар қисми бўйича;

умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно. *(Иккинчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **317-м о д д а. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база**

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун – маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинандиган тушум бажарилган ҳамда

тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади; *(иккинчи қисмнинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномаси бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги мукофот суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун – товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун – агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад; *(иккинчи қисмнинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

хаётни суғурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектиларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектиларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **318-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **319-м о д д а. Мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва уларни тўлаш тартиби**

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ солинадиган базадан ва тасдиқланган став-

кадан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатдан кечиктирмай тақдим этилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

## **54-БОБ. РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА ЙИГИМЛАР**

### **320-м о д д а. Республика йўл жамғармасига йиғимларнинг турлари**

Республика йўл жамғармаси йиғимларига қуйидагилар қиради:

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим.

### **321-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Автотранспорт воситаларини олувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим тўловчилардир.

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки фойдаланувчилари ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим тўловчилардир.

### **322-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Йиғимлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш.

### **323-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари двигателининг от кучидаги қуввати ёки автотранспорт воситаларининг қиймати; *(иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон ва 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда; 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганида ёки унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганида чет давлатларнинг автотранспорт воситалари.

### **324-м о д д а. Имтиёзлар**

Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ва (ёки) мотоаравачани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар;

2) ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерациясида ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек яқин қариндошларидан ҳада шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар; *(2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрь ЎРҚ–329-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 421-модда)*

3) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи ихтисослаштирилган йўл хўжалик бошқаруви органи тузилмасига қирадиган корхоналар – мазкур ишларни амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган автотранспорт воситалари бўйича;

4) фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналари – йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);

5) юридик шахслар – қирқ тоннадан ортиқ юк қўтарадиган, олинган кон автосамосваллари бўйича;

6) ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобилларни олган (сотиб олган) болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, ногирон болалар учун марказлар, қариялар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари; *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

7) юридик шахслар – автотранспорт воситаларини битта тизим (давлат ва хўжалик бошқаруви органи) ичида балансдан балансга бепул ўтказишда;

8) қайта ташкил этиш натижасида автотранспорт воситасини олган ҳуқуқий ворис;

9) автотранспорт воситаларини ушбу модданинг 3 – 5-бандларида кўрсатилган юридик шахсларга лизингга бериш учун олувчи лизинг берувчилар.

### **325-м о д д а. Йиғимларни тўлаш тартиби**

Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳолларда ундирилади:

1) автотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш, ҳадя, бепул бериш шартномаси асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олинганда;

2) автотранспорт воситалари юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дивидендлар сифатида олинганда;

3) автотранспорт воситалари лизингга бериш учун олинганда, ушбу Кодекс 324-моддасининг 9-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Йиғим тарафларнинг ёзма келишувига кўра лизинг берувчидан ёки лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, йиғим лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг мазкур лизинг (иккиламчи лизинг) шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаси қайта рўйхатдан ўтказилаётганида такоран йиғим ундирилмайди;

4) автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганда.

Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилмаган ҳолда автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ёки техник кўриқдан ўтказиш амалга оширилмайди.

Чет давлатлар автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётганида ундирилади.

## **XVII бўлим. ДАВЛАТ БОЖИ**

### **326-м о д д а. Умумий қоидалар**

Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун давлат божи консуллик йиғими тариқасида ундирилади.

Давлат божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **327-м о д д а. Давлат божини тўловчилар**

Юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида вако-

латли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мушоаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

### **328-м о д д а. Ундириш объектлари**

Давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) судларга бериладиган даъво аризаларидан, органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, судларнинг қарорлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва аризаларидан, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги шикоятлар ва аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун;

2) даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметиға нисбатан мустақил талабларни билдирган учинчи шахс сифатида ишга киришиш тўғрисидаги аризалардан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, хўжалик судининг қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан берилган, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги апелляция ва кассация шикоятларидан, ҳакамлик судининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, хўжалик судининг ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ва ижро варақасини бериш рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятларидан;

3) нотариуслар ва Ўзбекистон Республикасининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун; (*3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда*)

4) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун, шунингдек фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома берганлик учун ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилиши ва унинг қайта тикланиши муносабати билан гувоҳнома берганлик учун;

5) чет элдан Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисида ҳужжатларни берганлик учун; яшаш гувоҳномасини берганлик ёки унинг муддатини узайтирганлик учун; республика ҳудудига келиш ва республика ҳудудидан чет элга чиқиш ҳуқуқини берадиган чет эл паспортига ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатга виза берганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида бериладиган аризалардан;

6) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжатлар берганлик учун;

7) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик, турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун, шунингдек чет давлатлар фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик учун; (7-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ўрқ-345-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда*)

8) юридик шахслари ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун;

9) фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия берганлик учун;

10) ов қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида рухсатнома берганлик учун.

### **329-м о д д а. Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар – иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар – муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номига, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар – алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар – меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

5) даъвогарлар – ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низола юзасидан;

6) даъвогарлар – жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

7) жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб олиниши тўғри ёки нотўғри эканлиги низолашилаётган жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

8) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

9) юридик ва жисмоний шахслар – жиноят ишлари ва алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

10) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

11) юридик ва жисмоний шахслар:

суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза бўйича;

даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича;

12) юридик ва жисмоний шахслар – суд ижросисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан;

13) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

14) истеъмолчилар – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан; товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари; истеъмолчиларнинг жамоат бишлашмалари – истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатилган даъволар юзасидан;

15) даъвогарлар – ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни кўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

16) давлат органлари – ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, бадий қимматга ёки жамият учун бошқа қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка ҳўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

17) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан; (17-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ўрқ-274-сон Қонуни таҳририда* – *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда*)

18) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

19) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар юзасидан;

20) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – мажбурий бадалларни киритиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек фуқаролар – тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) туманлар, шаҳарлар (шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни киритиш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;

23) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари – зарар етказувчидан қуйидаги суммаларни ундириб олиш тўғрисидаги регресс даъволар бўйича: *(23-банднинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ-254-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда)*

жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммаларини;

бензинга, автомобилотранспорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар олишга, ногиронларни автомобилотранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларни қоплаш суммаларини, шунингдек нотўғри тўланган пенсиялар ва нафақаларнинг суммаларини ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

24) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – кўчиш жойига бормаган ёки кўчиб борган жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган кўчириб келтирилувчиларга нисбатан кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

25) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларнинг муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

26) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари –

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

27) суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари – мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

28) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар юзасидан;

29) давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари, шунингдек монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари – барча ишлар ва ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун; *(29-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 6 октябрь ЎРҚ-264-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 40–41-сон, 343-модда)*

30) ички ишлар органлари – алиментлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш учун қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

31) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

32) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

33) ундирувчи ёки суд ижрочиси – қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

34) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан. *(34-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)*

### **330-м о д д а. Хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Хўжалик судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

2) қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар – тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

3) тадбиркорлик субъектлари – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

4) аризаچи ва жавобгар – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондиди (устав капиталини) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича;

5) даъвогарлар – ўрмон дарахтларини ўзбошимчлик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги, ўрмон хўжалиги даромади суммаларини (шу жумладан, ўрмон дарахтларини ўсиб турган жойида сотиш қоидаларини бузганлик учун зарар ва неустойкани, шунингдек ўзбошимчлик билан ўрмон дарахтларини кесганлик, пичан ўрганлик ва молларни ўтлатганлик учун жарималарни) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар бўйича; *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

7) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

8) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – мажбурий бадалларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

9) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

10) туманлар, шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;

11) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар бўйича;

12) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари – зарар етказувчидан қуйидаги суммаларни ундириш тўғрисидаги регресс даъволар бўйича: *(12-банднинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ–254-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда)*

жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммаларини;

бензинга, автотототранспорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатишга ва эҳтиёт қисмлар олиш, ногиронларни автотототранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларни қоплаш суммаларини;

13) даъвогарлар ва жавобгарлар – суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари – мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;

14) «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, унинг дирекцияси ва жойлардаги бўлинмалари – қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан банк кредитларини тўламаслик хавфини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, шунингдек фьючерс контрактлар бўйича ишларни амалга ошириш учун олдидан бериладиган маблагларнинг қайтарилишини суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган суғурта товони учун қишлоқ хўжалиги корхоналаридан қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

15) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари – сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблагларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

16) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини кўзлаб берилган даъволар бўйича;

17) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчлик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

18) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – стандартларни, техник шартларни жорий этиш ва уларга риоя этилиши ҳамда маҳсулотлар сифати устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар ёки шундай ваколатга эга бўлган бошқа органлар жўнатишни ман этган маҳсулотларни етказиб берган юридик шахслардан бюджет даромадига жарималар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

19) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – давлат мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун давлат даромадига маблаглар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

20) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар бўйича;

21) давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари, шунингдек монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари – барча ишлар ва ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;



(21-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 6 октябрь ЎРҚ-264-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 40–41-сон, 343-модда)

22) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

23) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

24) ундирувчи ёки суд ижрочиси – қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидириш бўйича ҳаражатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

25) юридик ва жисмоний шахслар – суд ижрочисининг ҳаражатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлари бўйича;

26) халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан ҳукуматлараро қелишувлар асосида берилган кредитлар бўйича асосий қарздор сифатида қатнашувчи давлат органлари ва ташкилотлари – субзаём олувчилардан пайдо бўлган қарздорликларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

27) давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича сотиб олувчи ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари – етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар юзасидан. (25 – 27-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

28) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги – интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан. (28-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)

### **331-м о д д а. Нотариал ҳаражатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Нотариал ҳаражатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) шахслар – давлат пенсиялари ва нафақаларини олиш учун зарур бўлган, шунингдек васийлик қилиш ва фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари тўғрилигини уларга тасдиқлаб берганлик учун;

2) шахслар – мол-мулкни давлат фойдасига, шунингдек юридик шахслар фойдасига ҳадя қилиш тўғрисидаги васиятномалари ва шартномаларини тасдиқлаганлик учун;

3) давлат солиқ хизмати органлари ва молия органлари – уларга давлатнинг меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни (гувоҳномаларнинг дубликати) берганлик, шунингдек ушбу гувоҳномаларни (гувоҳномаларнинг дубликати) олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар учун;

4) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – барча нотариал ҳаражатлар бўйича;

5) шахслар – уларга қуйидагилар учун меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун:

Ватанни ҳимоя қилиш чоғида, бошқа давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганлиги муносабати билан ёхуд инсон ҳаётини қутқариш, давлат мулкни ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини адо этиш муносабати билан ҳалок бўлган шахсларнинг мол-мулки учун;

уй-жой (квартира) учун ёки уй-жой-қурилиш кооперативиди пай учун, агар улар мерос қолдирувчининг вафот этиш кунигача бирга яшаган, турар жойда қайд этилган бўлса ва мерос қолдирувчининг вафотидан кейин ҳам шу уй-жойда (квартирада) яшаётган бўлса;

банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкый суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологияси муаллифининг мулкый ҳуқуқлари, шунингдек ижрочининг ижрога доир мулкый ҳуқуқлари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологиясини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ижроларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақи суммалари учун; (5-банднинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ-312-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)

6) шахслар – пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномани тасдиқлаганлик учун;

7) оналар – кўп болалик учун уларга орденлар ва медаллар берилганлиги ҳақидаги ишлар бўйича ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлаб берганлик учун;

8) мактаб-интернатлар – фарзандларининг мактаб-интернатдаги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун;

9) молия органлари – фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган мактабларидаги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун;

10) ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этиш ва ҳалок бўлиш ҳодисасига корхоналар ва ташкилотлар ҳисобидан суғурта қилинган жисмоний шахсларнинг меросхўрлари – суғурта пулига ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берганлик учун;

11) сурункали руҳий касалликка чалинган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик белгиланган шахслар – мол-мулкка ворислик қилишлари тўғрисида гувоҳнома олганликлари учун;

12) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – ходимларни ташкилий йўсинда ишга қабул қилиш тартибида тузиладиган меҳнат шартномаларини тасдиқлаганлик учун;

13) 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари, 1941 – 1945 йиллардаги уруш фронтларида яраланган шахслар ва 1941 – 1945 йиллардаги уруш фронтларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган шахсларнинг оила аъзолари, 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ҳамда Ватанни ҳимоя қилишда ва Совет Армиясида ўз хизмат бурчини ўтаётганда яраланган шахслар, Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини ўтаган шахслар, шунингдек 1986–1987 йилларда Чернобиль АЭСининг заҳарланган минтақаси доирасида авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, 1986 йилда Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан заҳарланган минтақадан кўчирилган (шу жумладан, ўз ихтиёри билан чиқиб кетган) шахслар, агар улар вафот этган бўлса, уларнинг оила аъзолари – имтиёзлар берилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлатганлиги учун;

14) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги – муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича тўланиши керак бўлган мукофотнинг ундирилиши тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун; (14-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрь ЎРҚ–312-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 555-модда)

15) шахслар – уларга йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта суммаларига ҳамда Фуқароларга қарашли мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта товони суммалари бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

16) фермер хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар – уларга фермер хўжалигининг мол-мулки бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

17) юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар – уларга деҳқон хўжалиги мол-мулки бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

18) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – мажбурий бадалларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун.

### **332-м о д д а. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) халқ таълими органлари, балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар – етим болаларни ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни болалар муассасаларига ва ўқув юртларига юбориш учун тузилганлик тўғрисида тақрорий гувоҳномалар берганлик учун;

2) жисмоний шахслар – тугилиш, ўлим қайд этилганлиги учун, уларга фарзандликка олинган, оталик белгиланган, жинси ўзгартирилган ҳолларида, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш чоғида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғил-

ганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тўлдирилган ва тузатилган тақдирда гувоҳномалар берганлик учун;

3) жисмоний шахслар – уларга белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ёхуд қилган жиноятлари учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори асосида гувоҳномалар берганлик учун;

4) жисмоний шахслар – уларга реабилитация қилинган қариндошларининг вафот этганлиги тўғрисидаги тақрорий гувоҳномалар берганлик ёки илгари берилган гувоҳномаларни алмаштирганлик учун;

5) табиий офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар – уларга тақрорий гувоҳномалар берганлик учун.

### **333-м о д д а. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмий лаштиришда ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини беришда давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат божини тўлашдан қуйидаги ҳолларда озод қилинади:

1) дипломатик паспорт берганлик учун;

2) қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш учун рухсатнома берганлик учун:

яқин қариндошлари вафот этган ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилган тақдирда;

фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) биноан улар чет эл судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чакирилганда;

3) ўн олти ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси гувоҳномасини берганлик учун;

4) тўлиқ давлат таъминотида бўлганлар – Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлик учун.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу модда биринчи қисмининг 1 – 3-бандларида кўрсатилган ҳужжатларга бирон бир ўзгартириш киритилган тақдирда ҳам давлат божи тўлашдан озод қилинади.

### **334-м о д д а. Консуллик йиғимини тўлашдан озод қилиш**

Консуллик йиғимлари қуйидаги ҳолларда ундирилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг консуллик йиғимларини ундиришдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро шартномаси мавжуд бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини репатриация қилиш ишлари бўйича;

3) чет эл дипломатик паспортларига ўзаролик асосида виза қўйганлик учун;

4) меҳнат стажи, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларга доир ҳужжатларни сўраб олганлик ва легаллаштирилганлик учун;

5) чет давлатларнинг белгиланган тартибда аккредитациядан ёки рўйхатдан ўтказилган доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ва чет давлатлар ҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ҳамда филиаллари ходимларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

6) белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган матбуот вакилларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

7) инсонпарварлик ёрдами кузатиб келувчи чет давлатларнинг фуқароларидан;

8) ўн олти ёшга тўлмаган болалардан;

9) Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек бюджет ташкилотлари тақлифига биноан Ўзбекистон Республикасига келувчи чет давлатлар фуқароларидан, агар контракт шартларига кўра виза олиш билан боғлиқ харажатлар қабул қилувчи тарафга юклатилган бўлса;

10) ушбу Кодекснинг 331, 332 ва 333-моддаларида назарда тутилган ҳолларда.

### **335-м о д д а. Бошқа ҳаракатларни амалга оширганда давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Фуқароларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади: *(биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар;

мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилари.

Деҳқон ҳўжалиқларини, давлат корхоналари негизда тuzилаётган акциядорлик жамиятларини, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **336-м о д д а. Давлат божини тўлаш ва ҳисобга ўтказиш тартиби**

Давлат божи, агар ушбу бўлимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат божи ундириладиган ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти банкнинг тўлов ижро этилганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Давлат божини тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари амалга ошириладиган юридик аҳамиятга молик ҳаракатларнинг турига, тўловчиларнинг тоифаларига ёки бошқа ҳолатларга кўра ушбу Кодекснинг 337, 338, 339 ва 340-моддаларида белгиланади.

Давлат божи тўлов ҳужжатлари асосида бюджет тасарруфига ўтказилади, давлат божининг хизматлари учун давлат божи ундириладиган давлат органи тасарруфида қолдириладиган қисми бундан мустасно.

Давлат божининг бир қисми давлат органи тасарруфида қолдирилган тақдирда, давлат божи кейинчалик маблағлар бюджет ва давлат органи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича тақсимланган ҳолда ягона ҳисоб варағига тўланади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

Давлат божининг давлат органи тасарруфида қолдириладиган миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Мулкий низо бўйича судга даъво аризаси берилганда, шунингдек мол-мулкнинг олди-сотди, ҳада, айирбошлаш шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда, меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришда, агар даъво қиймати, шартнома суммаси ёки мерос миқдори чет эл валютасида белгиланса, давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда чет эл валютасида ундирилиши мумкин.

### **337-м о д д а. Судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун давлат божи қуйидаги тартибда ундирилади.

шартномаларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги даъво аризаларига шартнома тўлалигича ёки унинг бирон бир қисми низолашиладиганлигидан қатъи назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади;

қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан давлат божи умумий асосларда ундирилади;

Суд дастлабки даъвогарни унинг розилиги билан бошқа шахс билан алмаштирилганда, бу шахс давлат божини умумий асосларда тўлаши керак.

Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у ҳуқуқий ворис билан алмаштирилган ҳолларда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, ҳуқуқий ворисдан ундирилади.

Судья бир ёки бир нечта бирлашган даъво талабларини алоҳида иш юритиш учун ажратган тақдирда, даъво тақдим этилганда тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. Алоҳида иш юритувга ажратганлик юзасидан давлат божи иккинчи бор тўланмайди.

Илгари кўрмасдан қолдирилган такроран берилган аризалар бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтариллиши керак бўлган, лекин қайтарилмаган бўлса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво мuddати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин.

Давлат божи ҳисоблаб чиқариладиган даъво баҳоси даъвогар томонидан, белгиланган ҳолларда эса, фуқаролик процессуал ва ҳўжалик-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ суд томонидан аниқланади.

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш пайтида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган тақдирда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Даъво суммаси кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъвонинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи қуйидаги ҳолларда ҳам ундирилади:

даъво даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда;

даъво аризаларини қабул қиладиган судья бир тусдаги бир неча талабни бир иш юритувига бирлаштирилганда.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Агар бундай даъво бир нечта

даъвогарлар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

Суд бошқа шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилган ва даъво суммасининг бир қисмини бир жавобгардан, қолган қисмини эса иккинчисидан ундиришга ҳукм қилган тақдирда ва, агар бунда даъвогар давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлса, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган умумий суммасидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар бир жавобгардан унга белгиланган даъво суммаси миқдорига мутаносиб равишда бюджетга ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватламаган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажрими бўйича бюджетга ундирилиши лозим.

Даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризасини қабул қилиш асосида, даъвонинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилайди. Агар суд ҳал қилув қарорини чиқарганда даъвонинг умумий суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вужудга келган фарқ даъвогардан ёки даъво тўлиқ қаноатлантирилган тақдирда – жавобгардан бюджет даромадига ундирилиши лозим. Суд қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иш ҳолатларига боғлиқ равишда даъвогар аризада кўрсатган талаблар доирасидан чиқиб кетганда, давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Бундай ҳолларда даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи жавобгардан даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, давлат божининг қолган қисми эса даъвогардан ундирилиши лозим.

Суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш тўғрисидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим. *(Ун саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Бир вақтнинг ўзида мулкий ва номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалари учун мулкий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (ўзбошимчалик билан эгалланган жойларни бўшатиш тўғрисидаги, натура шаклида майдон бериш тўғрисидаги, топшириш балансини қабул қилишга мажбурлаш билан боғлиқ низолар ва бошқалар) номулкий хусусиятдаги даъво аризалари жумласига киради.

Никоҳни бекор қилиш билан бир вақтда мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаларидан никоҳни бекор қилганлик учун ва мол-мулкни бўлганлик учун давлат божи ундирилади.

Аризани (илтимосномани) қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг такроран бериладиган аризаларга, давлат божи такроран тўланишининг олдини олиш учун, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат илова қилиниши мумкин.

Аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча ишлар учун бир тўлов топшириқномаси бўйича давлат божи ўтказилган ҳолларда топшириқнома ишларнинг бирига илова қилинади. Мазкур иш бўйича тўланган давлат божининг суммаси тўғрисида қолган ишларга белги қўйилади ва тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган иш кўрсатилади.

*(Йигирма бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди. Даъво ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво ишини юритиш тартибида кўзғатилган тақдирда у тўлаши лозим бўлган давлат божи ҳисобига олинади.

Пул маблаглари мавжуд бўлмаган, бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга умумий юрисдикция судининг, хўжалик судининг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида умумий юрисдикция судига, хўжалик судига мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши лозим. *(Йигирма олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **338-м о д д а. Нотариал ҳаракатлар бажарилганлиги учун давлат божи ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идоралари томонидан бажарилганлиги учун давлат божи нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда ундирилади, нотариал идоралардаги ишларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг дубликанини, ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун эса улар берилганда ундирилади. *(Би-*

*ринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ–255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

Давлат божи тўлашдан бир тараф озод этиладиган битимлар бўйича давлат божини бошқа тараф тўлайди.

Давлат нотариал идораси депозитига қабул қилиш учун пул суммалари почта орқали ёки банкдан келиб тушган ҳолларда давлат божининг тегишли суммалари келиб тушган пулдан ушлаб қолинади, уларнинг қолдиги эса депозитга қабул қилинади. Ушлаб қолинган давлат божи суммалари давлат нотариал идораси депозит суммаларини банкка навбатдаги топшириш чоғида бюджетга ўтказилиб, банк квитанцияси нотариал идора ишларида сақланади.

Давлат нотариал идораси биносидан ташқарида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг ишончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш бундан мустасно.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи мерос очилган кунда (мерос қолдирувчи вафот этган кунда) ворислик тартибида ўтаётган бутун мол-мулкнинг қийматидан ундирилади.

Бир неча меросхўр (шу жумладан қонун бўйича, васиятнома бўйича ва меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга меросхўрлар) бўлган ҳолларда давлат божи ҳар бир меросхўрга тегишли мерос улушидан ҳисоблаб чиқарилади.

Вояга етмаган меросхўрлар бўлган (шу жумладан мерос қолдирувчиларнинг болалари бўлмаган) тақдирда ҳам давлат божи бутун мерос мол-мулк қийматидан ҳисоблаб чиқарилади, лекин фақат вояга етган меросхўрлардан уларнинг меросдаги улушига тегишли суммадан ундирилади.

Агар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларнинг аризаси бўйича мерос мол-мулкнинг бир қисмига берилган бўлса, давлат божи берилган гувоҳномада кўрсатилган мол-мулк қисмининг қиймати учун белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Кейинчалик мол-мулкнинг қолган қисмига гувоҳнома берилганида давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан ҳисоблаб чиқарилади, тўлашга эса ҳисоблаб чиқарилган сумма билан биринчи гувоҳнома берилганлиги учун тўланган сумма ўртасидаги фарқ тақдим этилади.

Қонун бўйича бир вақтнинг ўзида бошқа меросхўрлар мавжуд бўлган тақдирда, мерос мол-мулкнинг бир қисми меросхўрларга васиятнома бўйича ўтган ҳолларда давлат божи васиятнома бўйича мол-мулк қийматидан алоҳида ҳисоблаб чиқарилади, қолган мол-мулк қийматидан эса умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

Қонун бўйича ва васиятнома бўйича мерос қилиб олинаётган мол-мулкдан мероснинг мажбурий улуши ажратилган ҳолларда давлат божи қонунга биноан ворислик ҳуқуқи бўйича ўтаётган бутун мол-мулк қийматидан, шу жумладан мажбурий улуш билан бирга ҳисоблаб чиқарилади.

Судларнинг илгари берилган гувоҳномалар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари асосида бериладиган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги такро-

рий гувоҳномалар учун давлат божи умумий асосларда ундирилади. Бунда бирламчи гувоҳнома учун тўланган давлат божи суммаси қайтарилиши ёки солиқ тўловчининг аризасига кўра янги гувоҳнома берганлик учун бериладиган сумма ҳисобига, агар суммалар бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган даъво муддати тугамаган бўлса, ўтказилиши лозим. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ҳар қандай шартнома такроран тасдиқланган тақдирда, масала худди шундай тартибда ҳал қилинади.

Давлат нотариал идораси реестрида такрорий гувоҳномалар ва шартномаларни қайд қилишда тегишли катакчада давлат божи қачон ва қанча суммада ундирилганлиги ҳамда ундириш тўғрисидаги ёзув қаерда борлиги кўрсатилади. Бунда нотариал идора ишларида қоладиган асосий ҳужжатларга суднинг тегишли гувоҳномалар ва шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари илова қилиниши керак.

Кредит ташкилотлари томонидан бериладиган сертификатлар ва аккредитивларга доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Эр-хотиннинг биргаликда яшаганда олинган ва эрхотиндан бирининг вафотидан кейин қолган мол-мулкка доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи мерос бўйича ҳақиқатда ўтаётган мол-мулк қисмининг қийматидан ундирилади.

Давлат божи мутаносиб равишда ундириладиган нотариал ҳаракатлар бажарилганда уни ҳисоблаб чиқариш тарафлар кўрсатган суммадан ушбу моддада белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли уйлар, квартиралар, дала ховлилари, гаражлар, бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи суммаси уларнинг турар жойи ёки умумий майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тўловлар вақти-вақти билан амалга ошириладиган шартномаларни тасдиқлашда давлат божи шартнома бўйича у амал қилган бутун вақт учун тўловларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади. Агар шартнома унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган бўлса, давлат божи шартнома бўйича уч йил учун тўловлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Энг кам ва энг кўп сумма кўрсатилган шартномаларни тасдиқлашда давлат божи энг кўп суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш ва қарзни ўтказиш тўғрисидаги, илгари тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки шартноманинг дастлабки суммасини кўпайтириш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлашда давлат божи амалга оширилмаган ҳуқуқларни ҳамда ижро этилмаган мажбуриятларни баҳолашдан ёхуд илгари тузилган шартнома суммаси кўпаяётган суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Айирбошлаш шартномалари бўйича давлат божи қиймати юқори бўлган мол-мулкдан ҳисоблаб чиқарилади.

Шартларига кўра тўловлар суммасида ижарага олувчи томонидан қуриладиган иморатлар ва бошқа иншоотлар, хоналарни жиҳозлаш қиймати, шунингдек ижарага олувчи томонидан амалга ошириладиган капитал таъмирлаш ва бошқа шу кабиларнинг қиймати ҳисобга олинмаган мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда ҳисоблаб чиқариладиган ва ундириладиган давлат божининг суммаси амалга ошириладиган харажатларнинг қиймати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ижро ёзувлари бўйича ёзувни амалга оширганлик учун тегишли давлат божи суммаси ундирувчи уни тўлашдан овоз қилинган тақдирда ёзув бўйича қарз ундириляётганда қарздордан ундирилади.

### **339-м о д д а. Консуллик йиғимини тўлаш тартиби**

Консуллик йиғими консуллик ҳаракатлари амалга оширилгунига қадар тўланади. Консуллик йиғимлари бюджет даромадига ўтказилади. Консуллик йиғимларининг тўланган суммалари қайтарилмайди.

Консуллик йиғимлари суммаларини бюджетга, шунингдек чет элда тўланган консуллик йиғимларини Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ва унинг консуллик муассасасининг махсус банк ҳисобварақларига ҳисоблаб чиқариш, ундириш ва ҳисобга ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **340-м о д д а. Давлат божини бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун давлат божи далолатномаларни рўйхатда қайд этиш чоғида, такрорий гувоҳномалар берганлик учун эса, улар берилаятганда тўланади.

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

Чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштирганлик учун, бу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритганлик учун, шунингдек яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг муддатини узайтирганлик ёхуд чет эллик фуқароларнинг паспортларига ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларига чиқиб кетиш ёки кириб келиш ҳуқуқини берадиган визалар қўйганлик учун давлат божи тегишли ҳужжатлар олингунига қадар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан эса, бундай аризалар берилгунига қадар тўланади.

Чет элдан кириш ва чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг муддатини узайтирганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги ариза-

лардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан чет элга хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардан давлат божи белгиланган тартибда ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Чет элга хизмат сафарига юборилган ходимлар билан биргаликда уларнинг хотини ва болалари хизмат сафарининг бутун муддатига сафарга борганида давлат божи хизмат сафарига юборилганларнинг ўзларидан ундирилгани каби тартибда ва миқдорларда ундирилади. Оила аъзолари чет элга хизмат сафарига юборилган шахснинг олдига меҳмон бўлиб оддий сафарга борганларида давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Чет эллик фуқароларга Ўзбекистон Республикасидан чиқишга визалар берганлик учун давлат божи ҳар бир шахсга алоҳида виза ёки бир неча шахсга умумий виза берилаётганлигидан қатъи назар, ўн олти ёшга тўлган ҳар бир шахсдан ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турар жойга қайд этганлик ва турган жойи бўйича ҳисобга олганлик, ов қилиш ҳуқуқи учун рухсатнома берганлик учун давлат божи ҳужжат берилаётганда тўланади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

### **341-м о д д а. Давлат божи тўловларини ва тушумларини ҳисобга олиш**

Давлат божи нақд пулсиз ўтказилганлигига доир тўлов топшириқномалари, давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанция давлат божини ундирадиган давлат органларида қоладиган тегишли материалларга қўшиб қўйилади.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш реестрида киритилган давлат божи суммаси, давлат божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг санаси ва рақами кўрсатилади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

*(Учинчи – бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

Тўловчилар давлат божини тўлашдан овоз этилган ҳолларда, тегишли ҳужжатларга (реестрларга, дафтарларга ва бошқа шу кабиларга) тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда белги қўйилади.

Давлат божи тушумларини ҳисобга олиш давлат божини ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тегишли давлат органлари билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат божи тушумлари бўйича ҳисобот давлат божини ундирувчи давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот

чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

### **342-м о д д а. Давлат божини қайтариш тартиби**

Давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак:

1) давлат божи қонун ҳужжатларида талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида;

2) суд аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этганида, шунингдек давлат нотариал идоралари нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда; *(2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

3) аризаси (шикоят) ҳаракатсиз қолдирилганлиги муносабати билан даъвогарга қайтариб берилганда;

4) агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда;

5) ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар у муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

6) ишда қатнашган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

7) даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;

8) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;

9) агар ишда қатнашаётган юридик шахс тугатилган бўлса;

10) суд буйруги чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда;

11) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда.

Давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ҳолларда ҳам тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин.

Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга муурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарадилар. Ўз навбатида, давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари давлат бюджети даромадида ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Давлат божи суммасини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## XVIII бўлим. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ

### 343-м о д д а. Умумий қоидалар

Божхона органлари божхона ишини амалга оширишда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган божхона тўловларини ундиради.

Божхона тўловларини тўловчилар, бу тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш, қайтариш ва ундириш тартиби, шунингдек божхона тўловлари бўйича имтиёзлар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб киришда акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқлар бўйича имтиёзлар ушбу Кодексда белгиланади.

### 344-м о д д а. Божхона тўловларининг турлари

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда ҳамда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда божхона тўловларининг қуйидаги турлари тўланади:

бож;

қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи;

божхона йиғимлари. Божхона йиғимларининг рўйхати ва уларнинг ставкалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

## XIX бўлим. ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО ҚИЛИШ ВА АЙРИМ ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ УЧУН ЙИГИМ

### 345-м о д д а. Солиқ тўловчилар

Йиғим жорий қилинган товарлар савдосини ва хизматлар кўрсатишни белгиланган тартибда амалга ошираётган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим тўловчилардир.

### 346-м о д д а. Солиқ солиш объекти

Товарлар ва хизматларнинг қонун ҳужжатларида белгиланганидан рўйхати товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш учун йиғим объектидир.

### 347-м о д д а. Йиғимни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим йиғим ставкаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ойлик миқдори доирасида ҳисоблаб чиқарилади.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи

учун йиғимнинг аниқ ставкаси маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари томонидан белгиланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг юқори ставкалардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тўланади.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим бўйича ҳисоб-китоб фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига:

йил давомида тегишли рухсат гувоҳномасини (маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг қарорини) олган солиқ тўловчилар томонидан – рухсат гувоҳномаси (маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг қарори) берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар йили ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Энг кам иш ҳақининг миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлаштирилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўлов муддатидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ЎРҚ–313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)*

## XX бўлим. СОЛИҚ СОЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ

### 55-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 348-м о д д а. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилади ва ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутати.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш белгиланган фаолият турларини амалга оширувчи ягона солиқ тўлови тўловчилар ва ягона ер солиғини тўловчилар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юриштишлари ҳамда ушбу Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқ тўлашлари шарт. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқлар ушбу Кодексда назарда тутилган жами умум-белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўрнига тўланади, ушбу Кодекснинг 349-моддасида санаб ўтилганлар бундан мустасно.

Солиқ даври мобайнида, ушбу бўлимда назарда тутилган ҳолларда, солиқ солиш тартиби ўзгарган тақ-



дирда, солиқ тўловчи бу ҳақда солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади. Бунда ўтган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўша даврда амал қилган солиқ солиш тартибидан келиб чиққан ҳолда тўлаш бўйича мажбуриятлар солиқ тўловчиларда сақланиб қолади.

**349-м о д д а. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда айрим умумбелгиланган солиқларни тўлашга доир мажбуриятлар**

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу Кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қўйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган тартибда тўлов манбаида ундириладиган фойда солиги; ушбу Кодекснинг 207-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиги;

агар ушбу Кодекснинг 350-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда солинадиган акциз солиги;

агар ушбу Кодекснинг 350-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

божхона тўловлари;  
ягона ижтимоий тўлов;  
давлат божлари;

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўловини тўловчилар бундан мустасно); автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

**56-БОБ. ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ**

**350-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Ягона солиқ тўловини тўловчилар қўйидагилардир:  
1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно;

2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:  
савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

(2-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ–255-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)

лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар;

3) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) – якка тартибдаги тадбиркор. (3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Ягона солиқ тўлови қўйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

акциз солиги тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, бундан махсус печлардан фойдаланган ҳолда энергия тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно; (иккинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

ушбу Кодекснинг 57-бобида мувофиқ ягона ер солиги ва ушбу Кодекснинг 58-бобида мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

маҳсулот тақсимотида оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларнинг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар кирди. Бунда:

ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шўъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлатганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади;

юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига тўғри келадиган ходимлар сонининг мезони қабул қилинади.

Солиқ солиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари жумласига савдо фаолияти, умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият ўтган ҳисобот йили якунлари бўйича асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар кирди.

Қўйидагиларга савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот бўлган товарларни реализация қилиш, шу жумладан уларни мустақил юридик шахс бўлмаган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

воситачи, ишончли вакил томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича товарларни реализация қилиш, шу жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш;

тайёрлов фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш. (Бешинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)

Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият деганда кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овқат махсулотини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларни истеъмол қилишни ташкил этиш бўйича фаолият тушунилади.

**351-м о д д а. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу Кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар ҳамда оилавий корхона мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан ушбу Кодекснинг 350-моддаси учинчи қисмига мувофиқ белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун ягона солиқ тўловини тўловчилар йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

ушбу Кодексда назарда тутилган шаклда ва тартибда умумбелгиланган солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоб-китобларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ҳисоблаб чиқарилган умумбелгиланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани.

Умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланиши лозим.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз амалга оширилади.

Агар ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳисоб-китоблар ва маълумотнома:

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этилса, молиявий санкциялар қўлланилмайди;

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктириб тақдим этилса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

**352-м о д д а. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўтган йил якунлари бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият бўлган юридик шахслар ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаши керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сифатида рўйхатдан ўтказилган янги ташкил этилган юридик шахслар ягона солиқ тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар эса кейинги йил тугагунига қадар тўлайди.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ягона солиқ тўлови тўловчиларда жорий солиқ даврининг кетма-кет келувчи икки чораги давомида савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият асосий фаолият тури бўлмаса, улар ушбу Кодекс 348-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга ҳақли. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонунига мувофиқ учинчи – олтинчи қисмлар билан алмаштирилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Агар юридик шахслар ҳисобот йили якунлари бўйича ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермасалар, улар келгуси йил бошидан эътиборан умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтиши керак, бундан солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинандиган микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар, бундан микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно, ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан ушбу Кодекснинг 351-мод-

дасида белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ҳисобот йили тугаганидан кейин ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қолган микрофирмалар ва кичик корхоналар 1 февралдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартиби танланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шакл бўйича ёзма билдириш тақдим этиши шарт. Солиқ тўловчи томонидан ёзма билдиришнинг белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга берилган розилиги деб ҳисобланади.

### **353-м о д д а. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юри-тиш**

Ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, турли солиқ солиш объеклари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак. Бунда ушбу Кодекс 355-моддасининг иккинчи қисми 2-бандида кўрсатилган даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади.

Лотерея ўйинларини ташкил қилиш фаолияти билан бирга бошқа фаолият турларини амалга оширадиган юридик шахслар ушбу фаолият турлари бўйича қуйидагиларни тўлайди:

агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирса – ягона солиқ тўловини ёки умумбелгиланган солиқларни;

агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмаса, – умумбелгиланган солиқларни.

### **354-м о д д а. Махсус қоидалар**

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар, агар ушбу Кодекс 352-моддасининг биринчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилган биринчи чорак учун юридик шахслардан олинган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга, кечиктирилган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади, ушбу Кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар бундан мустасно.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар ушбу Кодекснинг 199-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи

солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлаганига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашни рад этиш кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан амалга оширилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар – юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади, умумбелгиланган солиқлар тўланадиган фаолият турларида фойдаланилаётган ер участкалари бундан мустасно. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **355-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Ялпи тушум солиқ солиш объектидир.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади; *(иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

савдо ва умумий оёқатланиш корхоналари учун – товар обороти;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоидали даромад суммаси;

воситачилик шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси; (иккинчи қисмининг 1-банди олтинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

тайёрлов ташкилотлари учун – реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялли даромад; (иккинчи қисмининг 1-банди еттинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда*)

лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

товарларни таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда реализация қилувчи, шунингдек товарларни текинга берувчи юридик шахслар учун – товарлар таннархи ёки уларни олиш баҳоси. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга бериладиган товарларга татбиқ этилмайди. (Иккинчи қисмининг 1-банди тўққизинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

2) агар ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар.

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушадиган тушум ушбу Кодекс 130-моддасининг еттинчи – ўнинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ҳисобот даври мобайнида узоқ муддатли контрактларни ҳақиқатда босқичма-босқич ижро этишга оид қисмида ҳисобга олинади. (Учинчи қисм *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (даст-

лабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштирилдиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкдаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдоридан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бунак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи улarga ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш *Ўзбекистон Республикаси Президентини ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса*, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами; (*тўртинчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

9) (*Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно); (*тўртинчи қисмининг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва улarga хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг маж-

буриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим; (тўртинчи қисмнинг 14-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда*)

15) инвестор билан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

### **356-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Ушбу Кодекснинг 355-моддасига мувофиқ қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир:

- 1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;
- 2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фивлар тариқасида олинган даромадлар;
- 3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахдан олинган бўлса, ўша юридик шахнинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахнинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;
- 4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инobatга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтарилмайдиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар; (6-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда*)

7) тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар. (7-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ-274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда*)

Солиқ солинадиган база ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чегирмалардан ташқари қуйидагилар учун камайтирилади:

1) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчилар – юридик шахслар учун – транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига; (*иккинчи қисмнинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ-343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда*)

жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;

бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларининг белгиланган энг юқори устамадан ошадиган чакана нархи билан олиш нархи ўртасидаги маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган фарқ суммасига;

2) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорига;

3) брокерлик ташкилотлари учун – битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

4) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йил ичида амалга оширилади; (*учинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда*)

ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

### **357-м о д д а. Ялпи тушумга тузатиш киритиш**

Солиқ тўловчида ялпи тушумга тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;

3) баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

4) бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ялпи тушумга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ ялпи тушумга тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда товарни (ишни, хизматни) етказиб берувчи ялпи тушумга тузатиш киритишни ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **358-м о д д а. Имтиёзлар**

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

### **359-м о д д а. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **360-м о д д а. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш, унинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби**

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солигини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган

тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўлови қуйидагича тўланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

### **361-м о д д а. Солиқни ҳисобга олиш**

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган тушум солиқ тўловчининг ялпи тушумига тўлиқ миқдорда қўшилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солигининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳисобга олинади.

Тўлов хабарномаси, чет давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки чет элда солиқ тўланганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжат чет элда тўланган фойда солигининг суммасини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

## **57-БОБ. ЯГОНА ЕР СОЛИГИ**

### **362-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Ягона ер солиғини тўловчилар қуйидагилардир: қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар; қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.

Агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради: *(иккинчи қисмнинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгилан-

ган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан ягона ер солигини тўловчилар бўлади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўрқ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Қуйидагилар ягона ер солигини тўловчилар сифатида қаралмайди:

ўрмон ва овчилик хўжаликлари;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

### **363-м о д д а. Ягона ер солигини тўлаш тартибини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ягона ер солигини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлашда ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Агар ўтган солиқ даври яқунлари бўйича ягона ер солиги тўловчи ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермаса, солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши керак.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирадиган солиқ тўловчи ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қўйган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартибини танлаш тўғрисида ёзма билдириш тақдим этади. Солиқ тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга розилиги деб ҳисобланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўрқ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ягона ер солигини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчи ушбу Кодексда назарда тутилган юридик шахслардан олинадиган

фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ даврининг биринчи чораги учун жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ўрқ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган ягона ер солигини тўловчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ фақат навбатдаги солиқ даври бошидан бошлаб яна ягона ер солигини тўлашга ўтишга ҳақлидир.

Ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари фаолиятнинг ягона ер солигини тўлаш татбиқ этиладиган қисми бўйича солиқ солишнинг бошқача тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боглиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Ушбу Кодекс 350-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинган микрофирмалар ва кичик корхоналар фаолиятнинг бошқа турлари бўйича корхоналарнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови тўлаши мумкин. Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши керак.

Ягона ер солигини тўловчилар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно. *(Ўнинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ўрқ-196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Биргаликдаги фаолиятдан олинадиган даромадларга ягона ер солиғи тўловчида дивидендларга солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади.

### **364-м о д д а. Махсус қоидалар**

Ер участкалари ижарага (шу жумладан ички хўжалик пудратига) берилганида ягона ер солигини тўлаш мажбурияти ижарага берувчининг зиммасида сақланиб қолади.

### **365-м о д д а. Солиқ солиш объекти**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объектидир.

**366-м о д д а. Солиқ солинадиган база**

Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир.

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқуқ вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади.

Юридик шахсларда ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб камайтирилади. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўпайтирилади.

**367-м о д д а. Имтиёзлар**

Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

ушбу Кодекс 362-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга мувофиқ келган тақдирда, янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки йил муддатга. Мазкур имтиёз тугатилган фермер хўжаликлари базасида ташкил этилган фермер хўжалиқларига татбиқ этилмайди; *(биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар – ягона ер солиғи тўловчиларга ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.

**368-м о д д а. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир.

**369-м о д д а. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби**

Ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган

ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майгача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (туғатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 июлигача – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 сентябригача – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабригача – солиқнинг қолган суммаси.

**58-БОБ. ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ****370-м о д д а. Солиқ тўловчилар**

Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

яқка тартибдаги тадбиркорлар, бундан ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган тадбиркорлар мустасно.

**371-м о д д а. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа



турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлган юридик шахслар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови жорий этилади.

Ушбу Кодекс 370-моддасининг иккинчи хатбошида кўрсатилган, фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу Кодекснинг 372 ва 373-моддаларида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқни тўлайди.

**372-м о д д а. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби**

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир.

Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Солиқ даври – бир ой.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан – давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан – ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Солиқ солиш объекти ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ–343-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 584-модда)*

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш:

юридик шахслар томонидан – ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 25-кунидан кечиктирмай;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ушбу Кодекс 375-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

**373-м о д д а. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ушбу Кодекснинг 370-моддасида кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар:

1) божхона тўловлари;

2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;

4) акциз солиғи – акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;

5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

6) давлат божи;

7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, ушбу Кодекснинг 48, 50-бобларда назарда тутилган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва (ёки) жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмай-

диган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

**374-м о д д а. Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида даромадларнинг ҳамда амалга оширилган товар операцияларининг ҳисобини юритишлари шарт.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари қуйидагилардир:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари;

Товар чеклари дафтари.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охириги ёзув киритилган пайтдан эътиборан беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади ва улар рақамланган, ип ўтказиб боғланган ҳамда тегшли давлат солиқ хизмати органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, – йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ҳар ойнинг якунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

**375-м о д д а. Қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга

нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ҳар ойда, солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

**XXI бўлим. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**59-боб. ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**376-м о д д а. Умумий қоидалар**

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи ва қонун ҳужжатларида тасдиқланадиган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар учун айрим солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар дейилганда чет эл давлатининг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг доимий равишда чет элда яшовчи фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, шунингдек чет эллик нодавлат юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар тушунилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилган инвестиция ҳажмидан келиб чиққан ҳолда юридик шахслардан олинадиган фойда солигини, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини, ягона солиқ тўловини, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан муайян муддатга озод қилинадилар.

**377-м о д д а. Имтиёзларнинг қўлланилиш тартиби**

Ушбу Кодекс 376-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ортиқча ишчи кучлари мавжуд бўлган минтақалар ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилганда;

чет эллик инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар Ўзбекистон Респуб-

ликосининг кафолати берилмаган ҳолда амалга оширилганда;

юридик шахсларнинг устав капиталда хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этганда;

юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар киритилганда;

хорижий инвестициялар эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик асбоб-ускуна тарзида киритилганда;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилганлиги натижасида ушбу имтиёзларнинг қўлланилиш муддати мобайнида олинган даромадлар юридик шахсни янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтирилганда.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ушбу Кодекс 376-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзларни олган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахс имтиёзлар берилган муддат тугаганидан кейин бир йил ўтмасдан фаолиятини тугатган тақдирда, чет эллик инвесторнинг фойдасини ўз мамлакатига ўтказиш ва капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларнинг суммалари бюджетга ундирилганидан кейин амалга оширилади.

Ушбу бобда назарда тутилган шартларга номувофиқлик аниқланган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ушбу Кодекс 376-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзларни олган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахс белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушбу Кодекснинг IV бўлимида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда умум-белгиланган тартибда тўланади.

### **378-м о д д а. Имтиёзлар қўлланилиши тўғрисида билдириш**

Ушбу бобда назарда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиш мезонларига мос келадиган юридик шахс имтиёзларни қўллаш бошланган сана ҳақида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда билдириши шарт.

Солиқ даври мобайнида ушбу бобда назарда тутилган имтиёзларга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, солиқ тўловчи рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини солиқ тўловчининг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи йўқотилган сана тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

### **60-боб. ОДДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА БИРГАЛИҚДАГИ ФАОЛИЯТГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **379-м о д д а. Умумий қоидалар**

Оддий ширкат шартномаси бўйича шерикларнинг (иштирокчиларнинг) оддий ширкат шартномаси бўйича

биргалиқда фойдаланадиган мол-мулки биргалиқдаги фаолиятга қўшилган ҳисса тарзида ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) балансида ҳисобга олиниши лозим.

Биргалиқда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш бўйича мажбуриятлар биргалиқда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи шахс (ишончли шахс) томонидан ижро этилади. Бунда, агар оддий ширкат шартномаси шерикларининг (иштирокчиларининг) бири юридик шахс бўлса, фақат юридик шахс ишончли шахс бўлиши мумкин.

Юридик шахслар иштирокидаги биргалиқдаги фаолият натижаларига солиқ солиш, ушбу Кодекснинг 380 ва 381-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар оддий ширкат шартномасининг барча шериклари (иштирокчилари) яқка тартибдаги тадбиркорлар бўлса, биргалиқдаги фаолиятга солиқ солиш ушбу Кодекснинг 382-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ишончли шахс вазифасини бажарувчи юридик шахс солиқ солиш объектлари ва биргалиқдаги фаолият бўйича солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобини алоҳида-алоҳида юритади.

Ушбу бобда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилаётган ишончли шахс оддий ширкат шартномаси асосида биргалиқдаги фаолиятни амалга оширишни бошлаган кундан эътиборан ўн кун ичида ишончли шахсининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органида биргалиқдаги фаолият доирасида солиқ мажбуриятларини бажарувчи солиқ тўловчи сифатида ҳисобга туриши шарт. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ-196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

#### **380-м о д д а. Ишончли шахсда биргалиқдаги фаолиятга солиқ солиш тартиби**

Ишончли шахс биргалиқдаги фаолиятга солиқ солишининг ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда биргалиқда чиқариладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳисобини алоҳида-алоҳида юритади.

Ишончли шахс биргалиқда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш оборотлари бўйича ушбу Кодексда белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи (акциз тўланадиган товар реализация қилинган тақдирда) ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлайди.

Қўшилган қиймат солиғини тўловчи бўлмаган ишончли шахс биргалиқдаги фаолиятни амалга оширишга тааллуқли қисм бўйича қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туриши шарт.

Ишончли шахс ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирган ҳолда биргалиқда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда реализация қилади.

Биргаликдаги фаолият натижасида олинган даромад биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган ҳолдаги соф тушум билан реализация қилинган биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга тўғри келадиган биргаликдаги фаолиятга киритилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ тарзида аниқланади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Биргаликдаги фаолият натижасида олинган даромад биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси улуши асосида ёки оддий ширкат шартномаси шартларига мувофиқ тақсимланади ҳамда ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) бошқа даромадлари таркибига киритилади.

Оддий ширкат шартномасининг амал қилиши тугатилган ва мол-мулк ушбу шартнома шерикларига (иштирокчиларига) қайтарилган тақдирда, ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) ўзи киритган ҳиссаси миқдори доирасида олинган маблағлари оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) даромадлари таркибига киритилмайди.

Агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинмасдан оддий ширкат шартномаси шериклари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаб олинса, ишончли шахс томонидан биргаликдаги фаолият шерикларидан (иштирокчиларидан) ушбу Кодекс 381-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига мазкур Кодекснинг 220-моддасида белгиланган тартибда тузатиш киритилиши ва бу сумма илгари уни ишончли шахсга топширган шерикка (иштирокчига) қайтариб берилиши лозим. Бунда ушбу қисмга мувофиқ тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси топшириладиган биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қийматига киритилмайди ва биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тегишли ҳиссасини оладиган шериклар (иштирокчилар) томонидан ҳисобга олинади. Тузатиш киритилган солиқ суммаси ушбу модданинг тўққизинчи қисмига мувофиқ мазкур мол-мулкни топшириш расмийлаштириладиган ҳужжатларда кўрсатилади.

Ишончли шахс биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни шерикларига (иштирокчиларига) топшираётганда ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ аниқланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради. Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш учун расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида шерикнинг (иштирокчининг) ушбу солиқ суммасини ҳисобга олиши учун асос бўлади. Ҳисобварақ-фактурадаги «товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартномаларининг рақами ва санаси» сатрига «биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тақсимоти» деган белги қўйилади. *(Саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

### **381-м о д д а. Оддий ширкат шартномаси шеригида (иштирокчисида) биргаликдаги фаолиятга солиқ солиш тартиби**

Мол-мулкни биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида топшириш шериклар (иштирокчилар) ўртасида келишилган қиймат бўйича ёки бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида ҳисобга олинган баланс қиймати бўйича амалга оширилади ҳамда унга товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш сифатида қаралмайди.

Қўшилган қиймат солиғи билан олинган ва биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида топшириладиган мол-мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилаётган ишончли шахсга ҳисобга олиш учун қабул қилинади. Бунда оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) биргаликдаги фаолиятга топшириладиган мол-мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш учун қабул қилмайди. Агар киритилаётган мол-мулк бўйича илгари қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш амалга оширилган бўлса, мол-мулк биргаликдаги фаолиятга топширилган даврда илгари мазкур мол-мулк олинганда ҳисобга олиш учун қабул қилинган қўшилган қиймат солиғи суммаси камаяди.

Оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси) ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида топширган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш вақтида илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига ушбу Кодекснинг 220-моддасида назарда тутилган тартибда тузатиш киритилиши лозим. Бунда ушбу қисмга мувофиқ тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси топшириладиган мол-мулкнинг қийматига киритилмайди ва биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс томонидан ҳисобга олинади. Тузатиш киритилган солиқ суммаси ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ мазкур мол-мулкни топшириш расмийлаштириладиган ҳужжатларда кўрсатилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Оддий ширкат шартномасининг биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида мол-мулк топшираётган шериги (иштирокчиси) қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ишончли шахс томонидан ҳисобга олиниши учун топшириладиган мол-мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради. Биргаликдаги фаолиятга топширилган мол-мулк бўйича расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини ҳисоб-китоб қилишда солиқнинг ушбу суммасини ишончли шахс томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинган асос бўлади. Ҳисобварақ-фактурада «жўнатиладиган товарлар ҳужжатлари ёки шартномалар рақами ва санаси» деган каттачада «биргаликдаги фаолиятга ҳисса» деган белги

қўйилади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)

Биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромадларга солиқ солиш оддий ширкат шартномаси шеригига (иштирокчисига) солиқ солишининг амалдаги тартибига мувофиқ оддий ширкат шартномасининг ҳар бир шеригида (иштирокчисида) бошқа даромадлар таркибида амалга оширилади. Бунда, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қатъий белгиланган солиқ тўловчилар (юримдик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар), шунингдек ягона ер солиғини тўловчилар бўлган оддий ширкат шартномаси шерикларининг (иштирокчиларининг) биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадларига дивидендларга солиқ солишда белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларига, шу жумладан ушбу Кодекснинг 382-моддасига мувофиқ биргаликдаги фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорларнинг биргаликдаги фаолиятдан олган даромадларига, агар якка тартибдаги тадбиркорлар биргаликдаги фаолият доирасида ушбу Кодекснинг 375-моддасида назарда тутилган тартибда солиқ тўланган фаолият турини амалга ошираётган бўлса, ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайди. (Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

### **382-м о д д а. Фақат якка тартибдаги тадбиркорлар амалга оширадиган биргаликдаги фаолиятга солиқ солиш**

Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият фақат якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилган тақдирда, биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс мазкур маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумдан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови, шунингдек, агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот акциз тўланадиган маҳсулот бўлса, акциз солиғи тўлайди.

Ягона солиқ тўлови биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинмасдан, биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаб олинган тақдирда ҳам тўланади. Бунда ягона солиқ тўлови суммаси биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш доирасида якка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. (Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)

## **61-БОБ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **383-м о д д а. Деҳқон хўжаликларига солиқ солиш тартиби**

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ушбу Кодексда жисмоний шахслар – солиқ тўловчилар учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжаликлари қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди:

- 1) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- 2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 3) жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
- 4) божхона тўловлари;
- 5) ушбу Кодекснинг XVII бўлимида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, давлат божи;
- 6) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиги аъзолари ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш билан бир қаторда ушбу Кодекснинг 311-моддасида назарда тутилган тартибда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиги аъзолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштириш, ўзлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланган тақдирда, улар якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари ҳамда ушбу Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари шарт.

## **62-БОБ. БОЗОРЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **384-м о д д а. Умумий қоидалар**

Бозорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс шаклида ташкил этилади.

Бозорларнинг даромадларига қуйидагилар қиради: патта тўлови тушумлари; бошқа тушумлар.

### **385-м о д д а. Патта тўлови**

Патта тўловини бозорларда товарлар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни амалга ошираётган жисмоний шахслар тўлайди.

Патта тўлови ҳар бир сотиш жойидан савдо қилинган ҳар бир кун учун ёки ҳар бир товар, буюм, чорва мол учун ундириладиган қатъий белгиланган тўловдир.

Жисмоний шахс билан тузилган ижара шартномасига биноан савдо жойи учун ижара ҳақи тўланадиган ҳолларда, патта тўлови суммаси ижара ҳақи таркибига киритилади.

Патта тўлови ҳар бир тўловчидан нақд пул олиб, унга бир вақтнинг ўзида фискал хотирали назорат-касса машинасининг чекини ёки квитанция бериш орқали ундирилади.

Патта тўлови миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

### **386-м о д д а. Бошқа тушумлар**

Бозорларнинг бошқа тушумлари жумласига қуйидагилар киради:

1) ижара тўловидан олинган даромадлар. Ижара тўлови бозор маъмуриятининг тасарруфида бўлган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланади; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

2) сотувчиларга ва сотиб олувчиларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

3) бозор маъмурияти томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва реализация қилишдан олинган даромадлар (деҳқон бозорлари учун). Бунда реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ даромаддир; *(3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

4) қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар. Ижара тўловининг ва бозор маъмурияти кўрсатадиган хизматлар қийматининг миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

### **387-м о д д а. Бозорларга солиқ солиш тартиби**

Бозорларнинг ушбу Кодекс 385 ва 386-моддаларида кўрсатилган даромадларидан ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилмайди.

Бозорлар зиммасида тўлов манбаида солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш бўйича мажбуриятлар ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидагиларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

- божхона тўловлари;
- ягона ижтимоий тўлов;
- давлат божи;

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йигим;

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йигим.

Бозорлар даромадларининг умумий суммасидан, бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи бозорларга жойлашган жойдаги тегишли маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда йўналтирилади. Қолган 50 фоизи бозорлар маъмурияти тасарруфида қолади ва улардан жорий харажатларни қоплаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун фойдаланилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 512-модда)*

Қаъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турлари бозорлар томонидан амалга оширилганда, бундай фаолиятдан олинган даромадларга ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қаъий белгиланган солиқ солинади. Бунда мазкур даромадларга ушбу модда учинчи қисмининг қоидалари татбиқ этилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрь ЎРҚ–241-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 556-модда)*

Олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни бозорлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқлаган шаклда тақдим этади.

Маблағларни бюджетга ўтказиш олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан бир ойда бир марта амалга оширилади.

Ушбу боб қоидалари устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 51 фоиздан кам бўлмаган юридик шахслар – савдо комплексларига татбиқ этилади. *(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрь ЎРҚ–274-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда)*

### **63-БОБ. ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **388-м о д д а. Умумий қоидалар**

Юридик ва жисмоний шахслар гастроль-концерт фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

Гастроль-концерт фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи учун лицензия оладиган юридик ва жисмоний шахслар белгиланган ставка бўйича давлат божи тўлайди.

### **389-м о д д а. Гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларга солиқ солиш тартиби**

Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар зиммасида қуйидагиларни тўлаш мажбурияти сақланиб қолади:

божхона тўловлари;

ягона ижтимоий тўлов;

давлат мақсадли жамгармаларига мажбурий ажратмалар;

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамгармасига йиғим;

тўлов манбаида ушлаб қолинаниган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

Юридик шахслар гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланганларида солиқ тўловчи фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Бошқа фаолият турлари бўйича ушбу Кодекс 350-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақланиб қоладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар корхоналарнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини ёки умумбелгиланган солиқларни тўлаши мумкин.

Юридик шахслар гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланган тақдирда, давлат божи ушбу Кодекснинг XVII бўлимида назарда тутилган тартибда тўланади.

### **390-м о д д а. Гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларга солиқ солиш тартиби**

Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар мазкур фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жисмоний шахслар зиммасида қуйидагиларни тўлаш мажбурияти сақланиб қолади:

божхона тўловлари;

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамгармасига йиғим.

Агар гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар солиқ солинадиган мол-мулк ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, ушбу Кодекснинг 48 ва 50-бобларида назарда тутилган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва (ёки) жисмоний шахслардан олинаниган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Гастроль-концерт фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мажбурий тўловларни тўлаш билан бир қаторда ушбу Кодекснинг 311-моддасида якка тартибдаги тадбиркорлар учун назарда тутилган тартибда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлайди.

### **64-боб. АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТЛАРИ, АДВОКАТЛИК ФИРМАЛАРИ, АДВОКАТЛИК БЮРОЛАРИ ВА АДВОКАТЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **391-м о д д а. Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюроларига солиқ солиш**

Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида фаолиятнинг адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатиш билан боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этиладилар, қуйидагилар бундан мустасно:

божхона тўловлари;

ягона ижтимоий тўлов;

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамгармасига йиғим;

тўлов манбаида ушлаб қолинаниган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари (адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушбу Кодексда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўланади.

#### **392-м о д д а. Адвокатларнинг даромадларига солиқ солиш тартиби**

Адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган гонорарлар суммаларига ушбу моддада белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинаниган даромад солиғи солинади.

Адвокатнинг даромадлари жисмоний шахслардан олинаниган даромад солиғи объектидир.

Адвокатнинг даромади адвокат томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган сумма билан адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюроларини сақлаб туриш учун ўтказилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ солинадиган база адвокат даромадидан адвокат гонорарида ҳисобга олинаниган ягона ижтимоий тўлов чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Адвокатларнинг даромадларига солиқ солиш ушбу Кодекснинг 184 – 188-моддаларига мувофиқ солиқ агентлари – адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари томонидан амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
Қ О Н У Н И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 йил, 6-сон, 175-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 25 апрель,  
409-І-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ\***

**УМУМИЙ ҚИСМ**

**І бўлим. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-м о д д а. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари**

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади ҳамда ушбу Кодексдан, шунингдек унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан ташкил топади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари:

жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини;

маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини;

маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини;

маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини;

жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартибини;

маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилайди.

**2-м о д д а. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси**

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

**3-м о д д а. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг амал қилиши**

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Жазони ижро этиш ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

**4-м о д д а. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар**

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплари ва нормаларини инобатга олади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

**5-м о д д а. Жазони ижро этиш асоси**

Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия ёки афв акти асос бўлади.

**6-м о д д а. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари**

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя

\* 1997 йил 1 октябрдан кучга киритилган.



этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади.

### **7-м о д д а. Маҳкумни ахлоқан тузатиш. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари**

Маҳкумни ахлоқан тузатиш – унда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат.

Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири қиради.

Ахлоқан тузатиш воситалари жазо турини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек маҳкумнинг шахси ва хулқ-атворини инobatга олган ҳолда қўлланилади.

## **2-БОБ. МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

### **8-м о д д а. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари**

Маҳкумлар, ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инobatга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### **9-м о д д а. Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари**

Маҳкумлар куйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;

ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади. Жавобни қамок жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;

тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш; ўқув, бадий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

ижтимоий таъминот, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнабий фуқаролар, шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тартиби ушбу Кодекс, бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **10-м о д д а. Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш**

Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан ҳоли учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан ҳоли суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари ушбу Кодексда белгиланган учрашувлар сони ҳисобида кирмайди, бундай учрашувлар сони ва муддати чекланмайди.

Юридик ёрдам кўрсатилаётганда адвокат куйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш;

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятдан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ўРҚ-198-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда).*

### **11-м о д д а. Маҳкумларнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқи**

Маҳкум шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга.

Қамок жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага келган тақдирда у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органнинг ҳар қандай мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли. Маҳкум мурожаат этган мансабдор шахс дарҳол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришга мажбур.

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган бошлиғи маҳкумнинг шахсий хавфсизлигига бўлган таҳдидни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўради.

### **12-м о д д а. Маҳкумларнинг виждон эркинлигини таъминлаш**

Маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-русумларни адо этишга, ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиётлардан фойдаланишга рухсат этилади.

*(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда).*

Диний расм-русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларини бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.

### **13-м о д д а. Маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари**

Маҳкумлар:

жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишга;  
жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга мажбурдирлар.

Маҳкумларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

### **3-БОБ. ЖАЗОЛАРНИ ВА БОШҚА ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАР ВА ОРГАНЛАР**

#### **14-м о д д а. Жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар**

Жарима тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан:

хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо – ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) кўмондонлиги томонидан;

қамоқ тариқасидаги жазо – гарнизон гауптвахталари томонидан;

интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо – махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

#### **15-м о д д а. Бошқа жиноят-хуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар**

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса – улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) кўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари:

ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан;

алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, улар озодликдан маҳрум этиш ёки қамоққа ҳукм қилинган тақдирда эса – ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади.

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари: жабрланувчидан уэр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш – суд томонидан;

махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш – халқ таълими органлари томонидан ижро этилади.

#### **4-БОБ. ЖАЗОЛАРНИ ВА БОШҚА ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАР ВА ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

#### **16-м о д д а. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текшириш**

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-хуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда текширадilar.

#### **17-м о д д а. Прокурор назорати**

Жазоларни ва бошқа жиноят-хуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган доирада ва тартибда амалга оширадilar.

**18-м о д д а. Жазони ўташ жойларига кириш**

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш ҳуқуқига эга.

Шикоятларни кўриб чиқишда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 апрель ЎРҚ-209-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 179-модда).*

Жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Маҳкумларни кино-, фото-, видеотасвирга тушириш ва улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, маҳкумлар хавфсизлигини ва кўриқланишини таъминловчи объектларни тасвирга олишга эса, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган руҳсати бўлган тақдирда йўл қўйилади.

**МАХСУС ҚИСМ****II бўлим. ЖАРИМА, МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ВА АҲЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ****5-боб. ЖАРИМА ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ****19-м о д д а. Жазони ижро этиш тартиби**

Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Маҳкум белгиланган муддатда жаримани ихтиёрий равишда тўламаган тақдирда, жарима суд ижроси томонидан мажбурий тартибда ундириб олинади. Жаримани мажбурий ундириш ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган маҳкумга нисбатан қўлланилмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган ва жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойлик муддат ичида жаримани ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга руҳсат этиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 апрель ЎРҚ-151-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 94-модда).*

**20-м о д д а. Жаримани тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари**

Маҳкумнинг жаримани тўлашдан бўйин товлаши бу жазони Жиноят кодексининг 44 ва 82-моддаларида назарда тутилган тартибда ва доирада бошқа жазо билан алмаштиришга сабаб бўлади.

**6-боб. МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ****21-м о д д а. Жазони ижро этиш тартиби**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога қўшимча равишда тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси асосий жазони ижро этувчи орган томонидан амалга оширилади.

**22-м о д д а. Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари**

Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси:

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкумларни рўйхатга олади;

маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ва (ёки) муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларини ижро этиш тўғрисида хабарнома юборади;

маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этишини текширади;

маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, шунингдек муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ҳукм талаблари қандай бажарилаётганлигини текширади.

Маҳкум ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ёхуд кирган тақдирда инспекция ҳукмнинг нусхасини мудофаа ишлари бўлимига ёки маҳкум хизматни ўтаётган жойга юборади.

**23-м о д д а. Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари**

Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

маҳкум эгаллаш ва шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолияти туридан уни озод қилиш;

жазоларни ижро этиш инспекциясига ҳукм талаблари ижро этилганлиги тўғрисида, тегишли ҳужжатларни илова этган ҳолда хабар йўллаш;

маҳкум бошқа ишга ўтказилган ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, бу ҳақда жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиш.

### **24-м о д д а. Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органнинг мажбуриятлари**

Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли орган жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида маҳкум шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатни олиб қўйишга ва бу ҳақда инспекцияга хабар йўллашга мажбур.

### **25-м о д д а. Маҳкумнинг мажбуриятлари**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур. Маҳкум ҳозир бўлмаган тақдирда у белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

## **7-БОБ. АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ**

### **26-м о д д а. Жазони ижро этиш тартиби**

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттиравердилар.

Жазони бошқа жойларда ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади.

### **27-м о д д а. Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари**

Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси:

ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади;

маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартларини тушунтиради;

бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатади;

маҳкумлар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текширади;

маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини текширади;

маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказиш, зарур материалларни тайёрлаш ва тегишли хизматга оширади;

ахлоқ тузатиш ишларини бошқа жойларда ўтаётган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун рухсатнома бериш масаласини кўриб чиқади.

### **28-м о д д а. Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари**

Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти қуйидагиларга мажбур:

маҳкумнинг иш ҳақидан тўғри ва ўз вақтида чегириб қолинишини ҳамда чегириб қолинган сумма давлат фойдасига ўтказилишини таъминлаш;

маҳкумга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳақида, унинг жазони ўташдан бўйин товлаётгани, бошқа ишга ўтказилганлиги ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор этиш.

### **29-м о д д а. Маҳкумнинг мажбуриятлари**

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур. Маҳкум ҳозир бўлмаган тақдирда у белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

Жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида инспекциянинг ёзма рухсатисиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади. Инспекция рухсатнома беришни рад этган тақдирда юқори мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиш мумкин.

### **30-м о д д а. Жазо муддатини ҳисоблаш**

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишланмаган кунларни жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асослар бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган иш кунлари миқдорини тўлиқ ишлаб бергунга қадар давом этади.

Иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган маҳкумларнинг жазони ўташ муддати иш соатларининг нормал миқдорига амал қилинган ҳолда, ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақти муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Жазони ўташ муддати қорхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан, бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар учун эса – улар жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошланади.

Маҳкум ишламаган, аммо қонунга мувофиқ унинг иш ҳақи сақланиб турган вақт, шунингдек маҳкум ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Жазони ўташ муддатига қуйидагилар қўшиб ҳисобланмайди:

қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони ўташ вақти, бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан қамокда сақланган вақт.

### **31-м о д д а. Маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш тартиби**

Ҳукмда назарда тутилган чегирма маҳкумнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг барча туридан, ҳар бир ишланган ой учун маош тўлаш чоғида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **32-м о д д а. Ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаш оқибатлари**

Маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси ўталмаган муддатни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақида Жиноят кодексининг 46 ва 83-моддаларида назарда тутилган тартибда судга тақдимнома киритади.

## **III бўлим. ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ**

### **8-боб. ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

#### **33-м о д д а. Жазони ижро этиш муассасалари**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида ўтайдилар.

Маҳкумлар жазонинг бутун муддатини, одатда, битта қамоқ уйида ўтайдилар.

Маҳкумни бир қамоқ уйидан иккинчисига ўтказишга ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

#### **34-м о д д а. Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш**

Маҳкумлар жазони ўташ учун қамоқ уйларида тергов ҳибсхонаси маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида жўнатилади.

Маҳкумларни қамоқ уйларида жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **35-м о д д а. Маҳкумларни сақлаш шароитлари**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар ушбу Кодекс 58-моддасининг ҳамда 124-моддаси биринчи қисмининг талабларига риоя этилган ҳолда икки кишилик, тўрт кишилик ёки умумий камераларда сақланадилар. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар илгари қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган шахслардан алоҳида сақланади.

Маҳкумлар фуқаролик намунасидаги кийимда юрадилар.

Маҳкумларнинг буюмларини ва хоналарини тинтув қилиш, кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 67-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Маҳкумларга ҳар кун муддати бир соатлик, вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёлларга эса – бир ярим соатлик сайр қилиш имконияти берилади.

Маҳкумларга учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, посилкалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш рухсат этилмайди, ушбу бобда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **36-м о д д а. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган, даволанишга ва кучли овқатга муҳтож маҳкумларга тиббий хулоса асосида уларнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлардан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга рухсат этилади.

Маҳкумлар энг зарур нарсаларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган суммага сотиб олишлари мумкин.

#### **37-м о д д а. Маҳкумларнинг учрашувлари**

Вояга етмаган маҳкумларга яқин қариндошлари билан ҳар ойда бир марта муддати уч соатгача бўлган қисқа муддатли учрашув имконияти берилади.

#### **38-м о д д а. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларга, алоҳида ҳолларда, яқин қариндошлари билан ушбу Кодекснинг 77-моддасида белгиланган тартибда телефон орқали сўзлашув имконияти берилади.

#### **39-м о д д а. Посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳамда юбориш**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар энг зарур нарсалардан иборат битта бандерол ёки йўқлов олиш ҳуқуқига эга. Олишга рухсат этилган энг зарур нарсалар рўйхати ички тартиб қоидалари билан белгиланади.

Маҳкума ҳомиладор аёллар ва ёнида боласи бор аёлларга, шунингдек шифокорнинг хулосасига кўра даволанишга ва кучли овқат билан таъминланишга муҳтож деб топилган беморларга, тиббий хулосада белгилаб берилган миқдорда ва турда посилкалар ҳамда йўқловлар олишга рухсат этилади.

Маҳкумларга пул жўнатмалари олиш ва юборишга, шунингдек посилкалар ва бандероллар жўнатишга рухсат этилади. Жўнатма тарзида келиб тушган пул маблағлари маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

**40-м о д д а. Маҳқумларнинг ёзишмалари**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат олишлари ва жўнатишлари мумкин. Маҳқумларнинг ёзишмалари цензурадан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан ёзишмалари бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 апрель ўрқ-209-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 179-модда).*

**41-м о д д а. Маҳқумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг маиший-яшаш шароитлари белгиланган гигиена ва санитария қоидаларига мос бўлиши шарт.

Бир маҳқумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси икки ярим квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Маҳқумга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак ва чойшаб, шунингдек тергов ҳибсхоналарида қамоқда турган шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган норма бўйича овқат берилади.

Қамоқ уйининг камералари радиоэшиттириш тармоғи билан жиҳозланади, маҳқумларга стол устида ўйналадиган ўйинлар, газеталар, журналлар берилди, улар кутубхонадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Маҳқумларга тиббий хизмат кўрсатиш ушбу Кодекснинг 87-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ихтисослашган шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун маҳқумлар жазони ижро этиш колониялари қошидаги даволаш муассасаларига, алоҳида ҳолларда эса – соғлиқни сақлаш органларининг даволаш муассасаларига юборилиши мумкин.

**42-м о д д а. Маҳқумларни меҳнатга жалб этиш**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар қамоқ уйининг хўжалик хизматида оид ишларга ҳафтасига тўрт соатгача бўлган муддатга ҳақ тўламаган ҳолда жалб этилиши мумкин.

**43-м о д д а. Маҳқумлар билан олиб бориладиган тарбиявий иш**

Маҳқумлар билан тарбиявий иш қамоқ уйларининг маъмурияти томонидан ушбу Кодексда баён этилган принциплар асосида олиб борилади.

**44-м о д д а. Маҳқумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари**

Маҳқумларга яхши хулқ-атвори учун қамоқ уйларида қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

- ташаккур эълон қилиш;
  - илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш;
  - ҳар кунги сайр вақтини бир соатга кўпайтириш.
- Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун маҳқумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- огоҳлантириш;
  - хайфсан;
  - ўн суткагача бўлган муддатга, аёллар ва вояга етмаганларни эса – етти суткагача бўлган муддатга қарцерга киритиб қўйиш;
  - ҳар кунги сайрнинг рағбатлантириш тариқасида кўпайтирилган муддатини бекор қилиш.
- Маҳқумларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ушбу Кодекснинг 103, 106 ва 110-моддаларида белгиланган тартибда қўлланилади.

**IV бўлим. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ****I кичик бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****9-боб. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ****45-м о д д а. Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари**

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасалари амалга оширади.

Жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар киради:

- жазони ижро этиш колониялари;
- тарбия колониялари;
- турмалар.

Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади ҳамда вояга етган маҳқумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Тарбия колониялари вояга етмаган маҳқумларни сақлаш учун мўлжалланган. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)* Турмалар вояга етган маҳқумларни сақлаш учун мўлжалланган.

**46-м о д д а. Манзил-колониялар**

Манзил-колониялар қуйидагиларга бўлинади: ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар; умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларидан ўтказилган маҳқумлар сақланадиган манзил-колониялар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда; 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

**47-м о д д а. Умумий тартибли колониялар**

Умумий тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

огир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;

ўта огир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;

огир ёки ўта огир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган колониялар, ушбу Кодекснинг 48-моддасида кўрсатилган аёллар бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

**48-м о д д а. Қаттиқ тартибли колониялар**

Қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

*(биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда);*

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта огир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

**49-м о д д а. Махсус тартибли колониялар**

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилиниб, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда).*

**50-м о д д а. Тарбия колониялари**

Тарбия колониялари вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

**51-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

**52-м о д д а. Турмалар**

Турмалар турма қамоғига ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан жазони ўташ тартибини ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган.

**53-м о д д а. Маҳкумларни тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдириш**

Қасддан содир этилган огир жинояти учун биринчи марта саккиз йилгача ва саккиз йил муддатта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлигининг қарорига биноан ҳўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонаси ёки турмада қолдирилиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Ҳўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдирилган маҳкумлар жазони қулфлаб қўйилмайдиган умумий камераларда, бошқа шахслардан батамом ажратилган ҳолда, ушбу Кодекснинг 18-бобида назарда тутилган шароитларда ўтайдилар. Маҳкумларга узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имконияти бўлмаса, уларга битта узоқ муддатли учрашув ўрнига иккита қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади.

Вояга етмаган шахслар, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар ҳўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилмайдилар.

**10-БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ****54-м о д д а. Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар тергов ҳибсхонасининг маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида жазони ўташ учун жўнатилади.

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

**55-м о д д а. Маҳкумлар жазони ўташ учун жўнатишнинг тартиби ва етиб келганлиги тўғрисида хабар**

Тергов ҳибсхонасининг маъмурияти маҳкум жазони ўташ учун жўнаб кетганлиги тўғрисида унинг оиласига уч кунлик муддат ичида хабар юбориши шарт.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум етиб келган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ҳукм чиқарган судни ҳабардор қилиши, шунингдек маҳкумнинг оиласига муассаса манзилини кўрсатиб ҳамда маҳкумнинг ёзишма олиб бориши, учрашув, посылка, йўқлов ва бандероллар олиш, телефон

орқали сўзлашув ҳуқуқларини тушунтириб, хабарнома юбориши шарт.

### **56-м о д д а. Маҳқумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби**

Маҳқумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш муассаса маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгиланган тартибда амалга оширилади.

Муассасага етиб келган маҳқумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун ўн беш суткагача муддатга, одатда, қабул бўлимига жойлаштирилади, манзил-колонияга келган ҳамда хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхоналари ва турмаларда қолдирилган шахслар бундан мустасно.

Муассасага етиб келганларидан сўнг маҳқумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборот берилади, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

### **57-м о д д а. Жазони битта муассасада ўташ**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс бутун жазо муддатини, одатда, битта муассасада ўтайди.

Маҳқумни бир колониядан айна шу турдаги бошқа колонияга жазони ўташни давом эттириш учун ўтказишга унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг розилигини олган ҳолда, шунингдек маҳқумнинг мазкур муассасада қолишига тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолларда йўл қўйилади.

Маҳқум касал бўлиб қолган тақдирда уни колониядан ёки турмадан ихтисослашган даволаш муассасасига ўтказишга тиббий хулоса асосида йўл қўйилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **58-м о д д а. Маҳқумларни ажратилган ҳолда сақлаш**

Жазони ижро этиш муассасаларида эркаклар ва аёллар, воғга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳқумлар алоҳида-алоҳида сақланади.

Қуйидагилар бошқа маҳқумлардан батамом ажрати-либ, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланади:

ўта хавфли рецидивистлар;

умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳқумлар; *(иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

маҳқум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳқумлар;

турли юқумли касалликларга чалинган маҳқумлар.

### **59-м о д д а. Турли тоифадаги маҳқумларни бирга сақлаш ҳоллари**

Ихтисослашган даволаш муассасаларида ҳар хил турдаги жазони ижро этиш муассасаларидан келган маҳқумларни бирга сақлашга рухсат этилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда муайян бир турдаги колонияларда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони бошқа турдаги колонияда ўташи лозим бўлган маҳқумларни сақлаш учун батамом ажратиб қўйилган участка ташкил этишга йўл қўйилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда маҳқумлар жазони суд белгиланган тартиб тури шароитида ўтайдилар.

### **60-м о д д а. Маҳқумларни кўчириш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига кўчириш ушбу Кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қамок жазосига ҳукм қилинган ва тергов қилинаётган шахслардан алоҳида кўчирилади.

Ҳомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар бошқа маҳқумлардан алоҳида кўчирилади.

Маҳқум беморлар, ҳомилдор аёллар ва боласи бор аёллар, зарурат бўлганда, тиббий ходимлар кузатувида кўчирилади.

Маҳқумларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни бошқа ҳолларда ҳам ажратилган тарзда кўчиришга йўл қўйилади.

Кўчириш чоғида маҳқумлар зарур моддий-маиший ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминланади, уларга мавсумий кийим ва пойабзал, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари берилади.

Маҳқумларни кўчириш давлат ҳисобидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда соқчи кузатувида амалга оширилади.

### **61-м о д д а. Маҳқумларни сақлаш шароитининг ўзгартирилиши**

Жазони ўташ даврида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг сақлаш шароити бир муассаса доирасида ёки бошқа турдаги муассасага ўтказиш йўли билан энгиллаштирилиши ёхуд огирлаштирилиши мумкин.

Маҳқумларни сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида қуйидагича энгиллаштирилиши мумкин:

муассаса бошлигининг қарорига биноан – ушбу Кодекснинг 102, 104-моддаларига мувофиқ;  
суд томонидан – Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасига мувофиқ.

Маҳқумларни сақлаш шароити интизомий жазо тарзида қуйидагича огирлаштирилиши мумкин:

муассаса бошлигининг қарорига биноан – ушбу Кодекснинг 105, 106-моддаларига мувофиқ;

суд томонидан – Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддаси ва 542-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрь ЎРҚ-124-сон Қонуни таҳририда –*



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2007 йил, 50–51-сон, 503-модда)

## **11-БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАГИ РЕЖИМ**

### **62-м о д д а. Режимнинг асосий талаблари**

Жазони ижро этиш муассасаларида режим жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун белгиланади.

Режим қуйидагиларни таъминлайди:

маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш, уларни қўриқлаш ва назорат қилиб туришни;

маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, шунингдек уларнинг ўз мажбуриятларини адо этишини;

муайян тоифадаги маҳкумларни алоҳида-алоҳида сақлашни;

муассаса турига қараб маҳкумларни ҳар хил шароитда сақлашни;

маҳкумларнинг ва муассаса ходимларининг хавфсизлигини.

Жазони ижро этиш муассасаларида режим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган Ички тартиб қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

### **63-м о д д а. Маҳкумлар кийими**

Жазони ижро этиш муассасаларида, манзил-колонияларни истисно этганда, маҳкумлар белгиланган намунада кийим киядилар. Кийимнинг кўриниши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган ҳолларда маҳкумларга фуқаролик намунасидаги кийимдан фойдаланишга рухсат этилади.

### **64-м о д д а. Маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш ва қўриқлаш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни батамом ажратиб қўйиш ва қўриқлаш, шунингдек улар сақланадиган ва меҳнат қиладиган объектларни қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **65-м о д д а. Назорат ва текширишнинг техникавий воситалари**

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочиб ва бошқа жиноятларнинг, жазони ўташнинг белгиланган тартибни бузишларнинг олдини олиш, маҳкумлар хуқуқатвори тўғрисида зарур ахборот олиш учун жазони ижро этиш муассасаларида назорат ва текширишнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техникавий воситаларидан фойдаланилади.

Муассаса маъмурияти маҳкумларни назорат ва текширишнинг техникавий воситалари қўлланилаётганлигидан хабардор этиши шарт.

Назорат ва текширишнинг техникавий воситалари рўйхати, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **66-м о д д а. Маҳкумнинг нарсалари ва буюмлари**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ўз ёнида сақлашга рухсат этилган нарсалар ва буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Маҳкумларнинг ёнидан топилган, фойдаланишга рухсат этилмаган нарсалар ва буюмлар муассаса бошлигининг қарорига биноан олиб қўйилади ҳамда маҳкум озод бўлгунга қадар сақлаш учун топширилади ёки йўқ қилиб ташланади ёхуд давлат фойдасига ўтказилади ва бу ҳақда тегишли ҳужжат тузилади.

Нарсалар ва буюмларни давлат фойдасига ўтказиш тўғрисидаги қарор прокурор томонидан тасдиқланади.

### **67-м о д д а. Тинтув ва кўздан кечириш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, уларнинг буюмлари ва кийимлари, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларининг объектлари ва хоналари тинтув қилиниши ҳамда кўздан кечирилиши мумкин. Шахсий тинтув маҳкум билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Турар жой биноларини уларда маҳкумлар бўлган чоғда тинтув қилишга кечиктириб бўлмайдиган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ушбу муассасага ҳамда маҳкумлар ишлаётган объектларга кираётган ва чиқаётган шахсларнинг транспорт воситаларини, буюмлари ва кийимини кўздан кечиришга ҳақли, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тинтув қилиш ва кўздан кечириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **68-м о д д а. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолияти**

Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолияти:

маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш;

маҳкумлар мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш;

жиноятларни ҳамда белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириш;

бошқа жиноятларни фош этишда ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини жазони ижро этиш муассасаларининг тезкор хизматлар ходимлари, шунингдек бошқа ваколатли органлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадилар.

### **69-м о д д а. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузар-

ликларни тўхтатиб қолиш мақсадида, шунингдек уларни ушлаш чоғида, агар бошқа усуллар билан муассаса маъмуриятининг қонуний талабларини таъминлашнинг иложи бўлмаса, маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин.

Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумлар ҳаёти ва соғлигига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади.

### **70-м о д д а. Тинчлантириш кўйлагини қўллаш**

Маҳкумларга нисбатан, агар улар жазавага тушсалар, тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади.

Тинчлантириш кўйлаги тиббий ходим иштирокида қўлланилади ҳамда уни қўллаш муддати икки соатдан ошмаслиги керак.

Тинчлантириш кўйлаги вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

### **71-м о д д а. Махсус воситаларни ишлатиш**

Маҳкумларнинг гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин.

Махсус воситалар жумласига резина таёқлар, кўлишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар кирadi.

Махсус воситалар куйидаги ҳолларда қўлланилади: маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакилларига, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини даф этиш чоғида;

маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;

гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

маҳкумларни қўриқлаб бориш ва қўриқлаб туриш чоғида – қочишнинг олдини олиш учун;

жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

Махсус воситалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсини инобатга олган ҳолда белгиланади. Махсус воситаларни қўллаш маҳкумларга ва бошқа шахсларга мумкин қадар кам зарар келтириши лозим.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланади, улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқаролар ҳаёти ва соғлигига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Махсус воситаларни қўллаш натижасида маҳкумлар ва бошқа шахслар ҳаёти ва соғлигига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади.

### **72-м о д д а. Ўқотар қурол қўллаш асослари**

Алоҳида ҳолларда, агар жиноятни бошқа воситалар билан тўхтатишнинг иложи бўлмаса, энг сўнгги чора сифатида ўқотар қурол қўллашга йўл қўйилади.

Ўқотар қурол куйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

муассаса маъмурияти вакиллари, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлигига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролни қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида;

гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

жазони ижро этиш муассасасининг қўриқланадиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга уринишларни тўхтатиш чоғида;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қаршилик кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида;

маҳкумлар қочишда фойдаланаётган транспорт воситасини тўхтатиш чоғида.

Ўқотар қурол қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

### **73-м о д д а. Ўқотар қурол қўллаш тартиби**

Ўқотар қуролни қўллашдан олдин қурол қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш ва юқорига қараб огоҳлантирувчи ўқ отиш керак. Куйидаги ҳолларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин:

қўққисдан ҳужум қилинганда, қуролли ҳужумни ёки жанговар техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда қилинган ҳужумни даф этишда, гаровга олинганларни озод қилишда, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қурол билан, транспорт воситалари ёрдамида ёки юриб кетаётган транспорт воситаларида, тунда ёки кўриш чекланган шароитда қочилганда.

Ўқотар қурол қўлланилганда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун иложи борича барча чоралар кўрилиши зарур.

Ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳодиса ҳақида рапорт тузилади ва дарҳол прокурорга хабар қилинади.

### **74-м о д д а. Жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолат жорий этиш**

Табиий офат рўй берган, жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилган тақдирда, уруш даври мобайнида, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилганда муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда ўттиз суткагача

бўлган муддатга жорий этилади. Алоҳида ҳолатнинг амал қилиш вақти алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат амал қилиб турган даврда муассасаларда кўриклаш ва назоратнинг кучайтирилган тури, объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилади, кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти чекланиши мумкин. Айтиш вақтда маҳкумларнинг айрим ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилади.

### **75-м о д д а. Маҳкумларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ўз шахсий ҳисобварағидаги пул ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни пул ўтказиш йўли билан сотиб олишлари мумкин.

Сарфлашга рухсат этиладиган пул миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Маҳкумлар энгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилганда, меҳнат нормаси ва меҳнат вазифаларини бажарганда, шунингдек байрам кунлари рағбатлантириш тарзида, маҳкумларга энг кам иш ҳақи белгиланган миқдорининг ўн фоизигача бўлган миқдорда қўшимча пул сарфлашга рухсат этилади.

Бир ой давомида сарфлашга рухсат этилган пулнинг умумий суммаси қуйидаги миқдорлардан ошмаслиги лозим:

умумий тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч бараваридан;

қаттиқ тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваридан;

маҳсус тартибли колонияларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваридан;

турмаларда – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваридан;

тарбия колонияларида, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, шунингдек маҳкум биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёллар учун – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч ярим бараваридан. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган миқдордан ортиқча пулга маҳкумлар тиббий хулоса асосида қўшимча равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек кийим ва пойабзал сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Муассаса бошлиги янги келган маҳкумга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизигача, манзил-колонияларда эса – тўлиқ миқдоригача бўлган суммада аванс беришга ҳақли.

### **76-м о д д а. Маҳкумларнинг учрашувлари**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашув ҳуқуқи берилади.

Маҳкумларга қариндошлари ёки бошқа шахслар билан муддати тўрт соатгача бўлган қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади.

Маҳкумларга яқин қариндошлари (эр, хотин, она-оналар, болалар, ўғил (қиз) қилиб олган шахслар, ўғил (қиз) қилиб олинган шахслар, ака-укалар, опа-сингиллар, бувалар, бувилар, неваралар) билан узоқ муддатли учрашув муассаса ҳудудида ёки ушбу Кодекснинг 114 ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, муассаса ҳудудидан ташқарида улар билан бирга яшаш ҳуқуқи билан берилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Узоқ муддатли учрашув муддати қуйидагича белгиланади: муассаса ҳудудида – бир суткадан уч суткагача, муассаса ҳудудидан ташқарида эса – уч суткадан беш суткагача.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашув миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Юқумли касалликларга чалинган беморларга учрашувлар шифокор рухсати асосида берилади.

Учрашув учун берилган вақт мобайнида маҳкумлар ишдан озод этиб қўйилади, ана шу кунлар учун уларга иш ҳақи ёзилмайди.

Узоқ муддатли учрашув маҳкумнинг илтимосига кўра қисқа муддатли учрашув ёки телефон орқали сўзлашув билан, қисқа муддатли учрашув эса телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиши мумкин.

Учрашувларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **77-м о д д а. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга телефон орқали сўзлашувлар ҳуқуқи берилади, бундай сўзлашувлар муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ва уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидан тўланади.

Телефон орқали сўзлашувлар миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади. Маҳкумнинг илтимосига кўра, маҳкум жазони ижро этиш муассасасига етиб келгандан кейин, шунингдек алоҳида ҳолларда унга қўшимча равишда телефон орқали сўзлашувга рухсат этилиши мумкин. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Интизомий бўлинмаларда сақланаётган маҳкумларга фақат алоҳида ҳолларда телефон орқали сўзлашувга рухсат этилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг телефон орқали ўзаро сўзлашувлари тақиқланади.

Маҳкумларга телефон орқали сўзлашувга рухсат этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **78-м о д д а. Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши ва юбориши**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига етиб келган кундан бошлаб посилка, йўқлов ва бандерол олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин. Посилка, йўқлов ва бандероллар кўздан кечирилади.

Битта посилка ёки бандеролнинг оғирлиги почта қоидаларида белгилаб қўйилган нормадан, йўқловнинг оғирлиги эса посилканинг белгиланган вазнидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Олинадиган посилка, йўқлов ва бандеролларнинг миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Ҳукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёлларнинг, шунингдек врач хулосасига кўра даволаниш ва кучли таомга муҳтож деб эътироф этилган беморларнинг, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларининг тиббий хулосада белгиланадиган миқдорда ва хилларда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олишига рухсат этилади. *(Туртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Маҳкумлар чекланмаган миқдорда пул жўнатмалари олишлари ва юборишлари мумкин. Пул жўнатмалари маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига келиб тушади. Маҳкумлар ўзларига яқин қариндош бўлмаган шахсларга, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотларга фақат жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг рухсати билан пул жўнатмалари юборишлари мумкин.

Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиши ҳамда юбориши тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

### **79-м о д д а. Маҳкумларнинг ёзишмалари**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номига жўнатиладиган хатлар ва бошқа жўнатмалар бундан мустасно.

Маҳкумларга хатларни топшириш ва уларнинг хатларини кўрсатилган манзилга жўнатиш муассаса маъмурияти томонидан хат келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида амалга оширилади. Телеграммалар эгаларига дарҳол топширилади ва жўнатилади.

Хатлар ва бошқа жўнатмалар олиш ҳамда юбориш, шунингдек уларни цензурадан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар ўртасида хат ёзишмалари фақат ўзаро қариндошлар ўртасида ва муассаса маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 апрель ЎРҚ–209-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 179-модда).*

### **79<sup>1</sup>-м о д д а. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг сайр қилиши**

Жазони умумий, қаттиқ тартибли колониялар, тарбия колониялари қабул бўлинмаларининг камераларида, шунингдек махсус тартибли колонияларнинг камераларида ўтаётган озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар, агар улар очик ҳавода ишлаётган бўлмаса, ҳар куни муддати икки соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Сайр қилишнинг муддати жазони ижро этиш колонияларининг, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумлар учун ушбу Кодекснинг 109 ва 127-моддалари билан, жазони турмаларда ўтаётган маҳкумлар учун эса 123-моддаси билан белгиланади.

Маҳкумларнинг сайр қилиши махсус жиҳозланган сайр қилиш ҳовлиларида кундузги вақтда ўтказилади. Сайр қилиш, маҳкум жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда, муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

### **80-м о д д а. Маҳкумларнинг адабиёт ва ёзув ашёларини сотиб олиши ҳамда сақлаши**

Маҳкумлар посилка, йўқлов ва бандеролларда ёзув ашёлари, адабиётлар олишлари, шунингдек уларни савдо шохобчалари орқали сотиб олишлари, чекланмаган миқдорда газета ва журналларга обуна бўлишлари мумкин.

Маҳкумларга урушни, миллий ва диний адоватни, зўрлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи нашрларни, шунингдек беҳаё нашрларни олиш, сотиб олиш, сақлаш ва тарқатиш тақиқланади.

Маҳкум савдо шохобчалари орқали сотиб олган адабиёт у олишга ҳақли бўлган посилка ва бандероллар сонига кирмайди.

Маҳкум ўз ёнида кўпи билан ўн нусха китоб ва журнал сақлаши мумкин. Мазкур миқдордан ортиқча адабиёт маҳкумнинг розилиги билан сақлаш учун топширилади, фойдаланиш учун кутубхонага берилади ёки унинг қариндошлари ва бошқа шахсларга жўнатилади.

### **81-м о д д а. Маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши, радиоэшиттиришлар эшитиши**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳафтада камида бир марта кинофильм намойиш этилади, улар ишдан бўш соатларида, тунги дам олиш вақ-

тидан ташқари, телекўрсатувлар кўриш, радиоэшиттиришлар эшитиш ҳуқуқига эга.

Камераларда жазо ўтаётган маҳкумларга кинофильм ва телекўрсатувлар кўришга рухсат этилмайди.

### **82-м о д д а. Маҳкумларнинг алоҳида ҳолларда муассаса доирасидан четга чиқиши**

Маҳкумларга алоҳида ҳоллар (яқин қариндошининг вафоти ёки ҳаёти учун хавfli бўлган оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар етказган воқеа) муносабати билан бориш-келиш учун кетадиган вақтни (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда, етти суткагача бўлган муддатга жазони ижро этиши муассасаси доирасидан четга чиқишга рухсат этилиши мумкин. Маҳкумларга Ўзбекистон Республикаси доирасида четга чиқишга рухсат этилади.

Маҳкумнинг четга чиқишга рухсат сўраб ёзган аризасини муассаса маъмурияти бир сутка ичида кўриб чиқади. Бу ҳақда маҳкумнинг шахси, хулқ-атвори, тасдиқловчи ҳужжатлар бор-йўқлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилинади. Четга чиқишга бериладиган рухсатнома прокурор томонидан тасдиқланади.

Куйидагиларга:

ўта хавfli рецидивистлар;

умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар; (учинчи қисмнинг учинчи хатбоши *си Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда*)

ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар;

мажбурий даволанишдан ўтаётган ва юқумли касалликка чалинган маҳкумларга четга чиқишга рухсат берилмайди.

Четга чиқиш вақти жазони ўташ муддати ҳисобига кўшилади.

Четга чиқиш билан боғлиқ харажатлар маҳкум маблағлари ҳисобидан ёки бошқа шахслар томонидан тўланади.

Маҳкумнинг белгиланган муддатда жойига қайтиб келишини қийинлаштирувчи кутилмаган ҳоллар юз берган тақдирда у борган жойдаги ички ишлар органи бошлигининг қарорига биноан қайтиш муддати, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятини албатта огоҳлантирган ҳолда, беш суткагача узайтирилиши мумкин.

Маҳкум белгиланган муддатда жойига қайтишдан бўйин товлаган тақдирда, у ички ишлар органи томонидан ушланади ва жазони ўташ жойига жўнатилади.

Маҳкумларнинг муассаса доирасидан четга чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

**83-м о д д а.** (*Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда*)

## **12-боб. МАҲКУМЛАРНИНГ МОДДИЙ-МАИШИЙ ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**

### **84-м о д д а. Маҳкумларнинг яшаш жойи**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайдилар.

Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси куйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас: умумий турар жойларда – икки квадрат метр; тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида – икки ярим квадрат метр;

аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда – уч квадрат метр; бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда – тўрт квадрат метр;

интизомий бўлинмаларнинг камераларида ҳамда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар учун мўлжалланган хона типдаги турар жойларда – тўрт ярим квадрат метр.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва керакли инвентар бериледи.

### **85-м о д д а. Маҳкумларнинг овқати**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга киши организмнинг нормал ҳаётини таъминлайдиган овқат бериледи.

Овқат нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳкумларнинг соғлиғи ҳолатига, уларнинг ёши, бажараётган ишининг хусусияти ва оғирлигига қараб белгиланади. Маҳкумларга уларни ишга жалб этган корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан кўшимча овқат берилиши мумкин.

Маҳкум ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади. Тиббий хулоса асосида уларга кўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин.

(*Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда*)

### **86-м о д д а. Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахслар республика бюджети ҳисобидан белгиланган намунада кийим, мавсумга қараб, маҳкумнинг жинси ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда ички кийим ва пойабзал билан таъминланадилар.

### **87-м о д д а. Маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти**

Озодликдан маҳрум этиш жойларида даволаш-профилактика ёрдами ва санитария иши ҳамда эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун стационарлари бор тиббий бўлимлар, сил касаллигига чалинган беморларни даволаш ва сақлаб туриш учун даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колониялар, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналар ташкил этилади.

Маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга доридармон воситалари бериш, санитария назоратини ташкил этиш ва олиб бориш, даволаш-профилактика муассасаларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш органларининг тиббий ходимларини жалб этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти республика бюджетини ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳкумлар шахсий ва умумий гигиена қоидаларига, санитария талабларига риоя этишлари шарт.

### **13-БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР МЕҲНАТИ**

#### **88-м о д д а. Маҳкумларни меҳнатга жалб этиш**

Маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлигининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисосини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, шу муассасаларнинг корхоналарида, айрим ҳолларда эса керакли тарзда кўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Олтмиш ёшдан ошган эркаклар, эллик беш ёшдан ошган аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этиладилар.

Маҳкума аёллар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ишдан озод қилинадилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Маҳкумлардан фойдаланиш тақиқланган ишлар ва лавозимлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Маҳкумлар топширилган ишни ҳалол, виждонан бажаришга, меҳнат ва технология интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этишлари шарт. Уларнинг меҳнатга оид ва бошқа низо-ларни ҳал этиш мақсадига ишни тўхтатиб қўйиши тақиқланади.

#### **89-м о д д а. Маҳкумларни иш билан таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариладиган муайян маҳсулот турлари учун буюртмаларни тақсимлайди;

ишлаб чиқариш корхоналарини моддий-техника билан таъминлаш чораларини кўради;

ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишни молиявий таъминлайди;

корхона, муассаса ва ташкилотларни маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга жалб этишга имкон яратиб беради;

корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган маҳкумларга ёзиладиган иш ҳақи миқдорини белгилаб беради.

Маҳкумларни иш билан таъминлаш жазони ижро этиш муассасаларида ёки улардан ташқарида иш ўринларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

#### **90-м о д д а. Маҳкумларнинг иш вақти**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этган ҳолда, одатда, олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

Маҳкумлар иш вақти режимини жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ишлаб чиқариш хусусиятига қараб белгилайди.

Маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда, маҳкумлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ёки тунги ишларга жалб этилган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида вояга етмаган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этиш шарт.

Маҳкума ҳомиладор аёллар, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйларида боласи бор аёллар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга ёки иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган режимда ишлашга ўзларининг розилиги билан жалб этилиши мумкин. Мазкур шахслар тунги ишларга, уларнинг розилигини олган ҳолда ва тегишли тиббий хулоса бўлган тақдирда, жалб қилиниши мумкин.

Маҳкумларнинг иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларидаги ишлари учун икки ҳисса ҳақ тўланади.

#### **91-м о д д а. Маҳкумларнинг дам олиш вақти**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, меҳнатга жалб этилган маҳкумларга ҳар ҳафтада камида бир дам олиш куни берилади. Улар байрам (ишланмайдиган) кунларида ишдан озод қилинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳар йилги меҳнат таътили берилмайди, жазони манзил-колонияларда ўтаётганлар бундан мустасно.

Манзил-колониялардаги маҳкумлар муддати ўн беш иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилга чиқиш ҳуқуқига эга. Таътил ушбу Кодекснинг 82-моддасида белгиланган тартибда манзил-колония доирасидан четга чиқиш ҳуқуқи билан берилади. Маҳкум жазони ижро этиш колониясининг интизомий бўлинмаси турар жойларида сақланган вақт ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътили бериш учун зарур муддатга қўшиб ҳисобланмайди. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

#### **92-м о д д а. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўланади.

Меҳнат нормаларини ва меҳнат вазифаларини ба- жарган маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик ҳақ қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрь УРҚ-329-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 421-модда)*

Барча чегирилмалардан қатъи назар, маҳкумлар шахсий ҳисобварағига уларга ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтмиш ёшдан ошган эркакларнинг, эллик беш ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисобварағига эса камида эллик фоизи ўтказиб қўйилади.

#### **93-м о д д а. Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этиш**

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларини ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларига гина меҳнат ҳақи тўламай жалб этилиши мумкин.

Маҳкумлар меҳнат ҳақи тўланмайдиган ишга, одатда, навбатма-навбат, ишдан ташқари вақтда, ҳафтасига кўпи билан икки соатга жалб этилади.

#### **94-м о д д а. Маҳкумларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан чегирилмалар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашлар билан амалга оширилади.

#### **95-м о д д а. Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар: меҳнат вазифаларини адо этиш чоғида етказилган зарар учун – меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда;

бошқа хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар учун – фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда моддий жавобгар бўладилар.

Нотўғри чегирилган сумма маҳкумга қайтарилиб, унинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

#### **96-м о д д а. Маҳкумлар ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ажратилмайди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод бўлганларидан сўнг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлади.

#### **14-БОБ. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРГА ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ**

#### **97-м о д д а. Маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб бориш**

Тарбиявий иш озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор қоидаларига риоя этишга, шунингдек билим ва маданий савиясини оширишга интилишни шакллантиришга қаратилган.

Жазони ижро этиш муассасаларида маънавий, ҳуқуқий, жисмоний ва бошқа тарбия олиб борилади.

Тарбиявий иш яқка тартибда, гуруҳ билан ва оммавий шаклда олиб борилади.

Тарбиявий иш дифференциация асосида, муассаса турини, жазо муддатини ва сақлаш шароитини, шунингдек маҳкум шахсининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб боришда матбуот, радио, телевидение, кинофильмлардан, кутубхона ва бошқа воситалардан фойдаланилади.

#### **98-м о д д а. Маҳкумларнинг тарбия жараёнидаги иштироки**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг фойдали ташаббусини кучайтириш, уларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва бўш вақтини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, интизомни ва ички тартибни сақлаб туришда муассаса маъмуриятига кўмаклашиш мақсадида маҳкумларнинг турли ташкилотлари тузилиши мумкин.

Маҳкумлар ташкилотларини тузиш ва уларнинг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **99-м о д д а. Жамоатчилик ва фуқароларнинг маҳкумларни тарбиялашдаги иштироки**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни тарбиялашда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда иштирок этадилар.

## **15-боб. ОЗОДЛИҚДАН МАХРУМ ЭТИШГА ҲУҚМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР ТАЪЛИМИ ВА КАСБ ТАЙЁРГАРЛИГИ**

### **100-м о д д а. Маҳқумларнинг умумий ўрта таълими**

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳқумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Муассаса маъмурияти маҳқумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур кўмак кўрсатади. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ёши ўттиздан ошган маҳқумлар, I ва II гуруҳ ногиронлари хоҳишларига кўра таълим олишга жалб этиладилар.

Маҳқумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишга йўл қўйилмайди, манзил-колониялардаги маҳқумлар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олишлари мумкин.

Ўқув юртларида таълим олаётган маҳқумлар имтиҳонларни топшириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан озод қилинади.

Маҳқумларнинг умумий ўрта таълимини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

### **101-м о д д а. Маҳқумларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими ва касб тайёргарлиги**

Жазони ижро этиш муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар таълими берилади ва (ёки) маҳқумлар ишлаб чиқаришда касбга ўргатилади.

Маҳқумларга ўрта махсус, касб-хунар таълими бериш ва уларни касбга ўргатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(Модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

## **16-боб. ОЗОДЛИҚДАН МАХРУМ ЭТИШГА ҲУҚМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ҚўЛЛАНИЛАДИГАН РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ**

### **102-м о д д а. Рағбатлантириш чоралари**

Яхши хулқ-атвори, меҳнатга ва таълимга виждонан муносабати, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштироки учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳқумларга қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

ташаккур эълон қилиш;

илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш;

ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш;

қўшимча посылка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш;

қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи бериш;

озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар солиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш;

енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш, манзил-колонияларда сақланаётган шахслар бундан мустасно.

Енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш тариқасидаги рағбатлантириш маҳқумларга ушбу Кодекс 75-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ қўшимча пул сарфлаш ҳуқуқини, шунингдек:

умумий, қаттиқ тартибли колонияларда ва тарбия колонияларида – йил мобайнида қўшимча равишда бир марта учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посылка ёки йўқлов олиш; *(иккинчи қисмнинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

махсус тартибли колонияларда – камералардан умумий турар жойларга ўтказиш ҳамда йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта бандерол олиш;

турмаларда – йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, битта посылка ёки йўқлов олиш ҳуқуқини беради.

### **103-м о д д а. Маҳқумларнинг сақлаш шароитини ўзгартириш билан боглиқ бўлмаган рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби**

Маҳқумга нисбатан ташаккур тариқасидаги рағбатлантириш о-заки ёки ёзма, бошқа рағбатлантириш чоралари эса, ёзма равишда қўлланилади.

Рағбатлантириш чоралари ушбу Кодекс талабларига риоя этилган ҳолда қўлланилади.

Маҳқумга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш чоралари ҳақида унинг шахсий ҳужжатлар йигмажидига тегишли ёзув киритилади.

Маҳқумга рағбатлантириш тарзида йил мобайнида кўпи билан иккита посылка, йўқлов ёки бандерол олишга, икки марта учрашувга рухсат берилиши мумкин.

Рағбатлантириш тарзида маҳқумдан илгари қўлланилган битта интизомий жазо муддатидан олдин олиб ташланиши мумкин.

### **104-м о д д а. Маҳқумларнинг сақлаш шароитини ўзгартириш билан боглиқ рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби**

Енгиллаштирилган сақлаш шароитларига интизомий жазоси йўқ маҳқумлар:

қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида олти ойини ўтаганидан кейин;



содир этилган огир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида чорак қисмини ўтаганидан кейин; содир этилган ўта огир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганидан кейин ўтказилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

*(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Маҳкумлар турмадан жазони ижро этиш колониясига ва махсус тартибли колониядан қаттиқ тартибли колонияга суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин, Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Маҳкумлар қаттиқ ва умумий тартибли колониядан манзил-колонияга ушбу Кодекс 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўтказилади.

#### **105-м о д д а. Интизомий жазо чоралари**

Жазони ўташ тартибини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш;

ҳайфсан;

енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш;

интизомий бўлинмага киритиб қўйиш;

сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш;

сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониядан турмага қайтариш. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Маҳкумлар меҳнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу ишни рад этиш ёки ишдан бўйин товлашнинг оқибати бўлмаса, интизомий жавобгарликка тортилмайди.

#### **106-м о д д а. Интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби**

Интизомий жазо ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва хусусиятига мос бўлиши керак.

Бир вақтнинг ўзида содир этилган бир нечта ҳуқуқбузарлик учун битта интизомий жазо қўлланилади. Битта ҳуқуқбузарлик учун бир нечта интизомий жазо қўллаш тақиқланади.

Интизомий жазо ёзма равишда, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир ой ичида берилади.

Интизомий жазони қўллаш чоғида ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат, маҳкумнинг ҳулқ-атвори ва шахсий хислатлари, олиб ташланмаган ва бекор бўлмаган интизомий жазолари бор-йўқлиги инобатга олинади.

Интизомий жазо дарҳол ижро этилади. Агар интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир ой ичида ижро этилмаган бўлса, у ижрога қаратилмайди.

#### **107-м о д д а. Интизомий жазо устидан шикоят бериш**

Маҳкум ўзига нисбатан қўлланилган интизомий жазо устидан хоҳишига кўра юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга шикоят қилишга ҳақли. Шикоят берилиши интизомий жазо ижросини тўхта-тиб қўймайди. Юқори мансабдор шахс, прокурор ёки суд интизомий жазони юмшатиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### **108-м о д д а. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати**

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Агар интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил мобайнида маҳкум янги интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

#### **109-м о д д а. Маҳкумларни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазони қўллаш хусусиятлари**

Жазони ижро этиш муассасаларининг интизомий бўлинмаларига қуйидагилар киради:

манзил-колониялар ва тарбия колонияларининг ҳибсхоналари;

умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг ҳибсхоналари ва карцерлари;

тергов ҳибсхоналарининг ва турмаларнинг карцерлари.

Маҳкумлар ҳибсхоналар ва карцерларга ўн беш суткагача, тарбия колонияларининг ҳибсхоналарига эса ўн суткагача бўлган муддатга киритиб қўйилади.

Жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларига олти ойгача, аёллар сақланадиган колонияларда эса – уч ойгача бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

Ҳибсхоналарга киритиб қўйилган маҳкумларга учрашув, телефон орқали сўзлашув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, посылка, йўқлов ва бандероллар олиш ҳамда жўнатиш, хатлар ва бошқа жўнатмалар юбориш тақиқланади. Уларга чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Маҳкумлар ҳар куни муддати бир ярим соатлик сайрдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Карцерларда маҳкумларга учрашув, телефон орқали сўзлашув, посылка, йўқлов ва бандероллар олиш ҳамда жўнатиш, столда ўйналадиган ўйинлардан фойдаланиш тақиқланади.

Умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларига ўтказилган маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар со-тиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача пул сарфлаш;

ҳар куни муддати икки соатлик сайрдан фойдаланиш. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Махсус тартибли колонияларнинг, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг карцерларида маҳкумларни якка сақлаш белгиланади.

Маҳкумларни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш ва ўтказиш муассаса бошлигининг жазо муддати кўрсатилган қарори асосида ҳамда тиббий рухсатнома бўлган тақдирда амалга оширилади.

Маҳкумлар интизомий бўлинмалардан даволаш-профилактика муассасаларига ўтказилган тақдирда улар даволаш-профилактика муассасаларида бўлган вақт жазони ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Интизомий бўлинмаларга:

I гуруҳ ногиронлари;

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган, шунингдек ёнида эмизикли боласи бор аёллар киритилмайди.

Интизомий бўлинмаларда сақланаётган маҳкумлар меҳнатга жалб этилмайди.

### **110-м о д д а. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўлловчи мансабдор шахслар**

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар эга.

### **111-м о д д а. Жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, шунингдек ички тартиб қоидаларида тақиқланган буюмлар ва нарсаларни сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади.

Маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши ҳам манзил-колонияда жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

### **112-м о д д а. Сақлаш режимини ашаддий бузувчи**

Жазони ўташ тартибини камида икки марта қўпол тарзда бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазога тортилган маҳкум, агар ҳар бир интизомий жазо белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган бўлса, сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб ҳисобланади.

Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан йигирма тўрт соатдан кўпроқ муҳлат мобайнида ташлаб кетган маҳкум ҳам манзил-колонияда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Режимни ашаддий бузувчи энгиллаштирилган сақлаш шароитига, манзил-колонияга ўтказилмайди, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳамда жазони энгилроғи билан алмаштиришга тақдим этилмайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

## **II кичик бўлим. КОЛОНИЯЛАР ВА ТУРМАЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

### **17-боб. МАНЗИЛ-КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

#### **113-м о д д а. Манзил-колонияларда жазони ўташ тартиби**

Манзил-колонияларда мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган, шунингдек умумий, қаттиқ тартибли ҳамда тарбия колонияларидан суднинг ажрими асосида ўтказилган вояга етган маҳкумлар жазо ўтайдилар.

Манзил-колонияларга ижобий тавсифга эга ва:

*(иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

огир жиноят, шунингдек қасддан жиноят содир этганлик учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар, агар шахс муқаддам қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса;

муқаддам жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган ёки жазо суд томонидан энгилроғи билан алмаштирилган шахс ўта огир жиноят, шунингдек жазо муддатининг ўталмаган қисми давомида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар ўтказилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Манзил-колонияларга қуйидагилар ўтказилмайди:

ўта хавфли рецидивистлар;

узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар; *(учинчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ–99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон 248-модда)*

юқумли касалликларга чалинган беморлар;

мажбурий даволанишдан ўтаётган маҳкумлар;  
меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар.

Битта манзил-колонияда маҳкум эркалар ва аёллар сақланиши мумкин.

#### **114-м о д д а. Манзил-колонияларда жазони ўташ шартлари**

Манзил-колонияларда маҳкумлар:

соқчисиз, аммо назорат остида сақланадилар;  
эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида колония ҳудуди доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

агар улар бажараётган иш ёки олаётган таълим тақозо этса, маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз юришлари мумкин;

фуқаролар киядиган кийимда юрадилар;  
ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;  
чекланмаган миқдорда телефон орқали сўзлашишлари, посылка, йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Маҳкумлар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайдилар. Сақлаш режимини бузмаган, оиласи бор маҳкумларга муассаса бошлиғи қарорига биноан манзил-колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилиши мумкин. Бундай шахслар ички тартиб қоидаларида белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтиш учун ҳозир бўлишлари шарт. Манзил-колония маъмуриятининг вакили маҳкумлар яшаётган жойга сутканинг инсталган вақтида кириши мумкин.

#### **115-м о д д а. Манзил-колонияларда маҳкумлар меҳнати ва таълими**

Манзил-колонияларда маҳкумлар меҳнати ушбу Кодексда белгилаб қўйилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Маҳкумларни бошқа ишга ўтказишни корхона, муассаса ёки ташкилот манзил-колония маъмурияти билан келишган ҳолда амалга оширади.

Маҳкумларга муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юрларида сирдан ўқишга рухсат этилади.

### **18-БОБ. УМУМИЙ ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

#### **116-м о д д а. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби**

Умумий тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

ушбу Кодекснинг 129-моддасида назарда тутилган ҳолларда тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар;  
суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Умумий тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Тарбия колониясидан ўтказилган маҳкумлар жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

#### **117-м о д д а. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари**

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Маҳкумлар йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;

олти марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посылка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

### **19-БОБ. ҚАТТИҚ ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

#### **118-м о д д а. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби**

Қаттиқ тартибли колонияларда жазони: мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

турмалар ва махсус тартибли колониялардан раббатлантириш тарзида ўтказилган маҳкумлар;  
суд тайинлаган турма қамоғи муддатини ўтаганидан сўнг турмалардан ўтказилган маҳкумлар;

суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Қаттиқ тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

#### **119-м о д д а. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари**

Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Маҳкумлар йил мобайнида:

уч марта қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув;

тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

тўртта посылка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

## **20-боб. МАХСУС ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

### **120-м о д д а. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби**

Махсус тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар; *(биринчи қисмнинг учинчи хатбоши-си Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ЎРҚ-99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда)*

суд томонидан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Махсус тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

### **121-м о д д а. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари**

Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда ёки умумий яшаш биноларида яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори суммасигача озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Маҳкумлар йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва икки марта узоқ муддатли учрашув;

уч марта телефон орқали сўзлашув;

учта посылка ёки йўқлов;

учта бандерол олиш ҳуқуқига эга. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Камераларда сақланадиган маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши тақиқланади.

## **21-боб. ТУРМАЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

### **122-м о д д а. Турмаларда жазони ўташ тартиби**

Турмаларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

суд томонидан жазони ижро этиш колонияларидан ўтказилган жазо ўташ тартибини ашаддий бузувчилар ўтайдилар.

Турмаларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Турмаларда маҳкумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига муддатидан олдин ўтказишга йўл қўйилмайди, маҳкумни соғлиғига кўра тегишли тиббий хулоса асосида ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Ҳомиладор аёллар ва ёнида эмизикли боласи бор аёллар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари турмаларда жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

### **123-м о д д а. Турмаларда жазони ўташ шартлари**

Турмаларда маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар. Алоҳида ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади.

Турмада маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ва йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;

икки марта телефон орқали сўзлашув;

иккита посылка ёки йўқлов;

иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Турмаларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилган маҳкумларга рағбатлантириш тарзида ҳар кунлик сайр муддати бир соатга узайтирилиши мумкин.

## **22-боб. ТАРБИЯ КОЛОНИЯЛАРИДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

### **124-м о д д а. Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби**

Тарбия колонияларида:

ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;

биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар олгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республика-*

сининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

### **125-м о д д а. Тарбия колонияларида жазони ўташ шартлари**

Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида: олти марта қисқа муддатли ва олти марта узок муддатли учрашув;

ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посылка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон ва 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **126-м о д д а. Тарбия колонияларида қўлла-ниладиган кўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари**

Тарбия колонияларида маҳкумлар ушбу Кодекснинг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари:

муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш;

қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш;

ҳибсхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантиришлари мумкин.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга ушбу Кодекснинг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

### **127-м о д д а. Ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо чорасини қўллаш хусусиятлари**

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн уч ёшдан ўн олтигача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

### **128-м о д д а. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади.

### **129-м о д д а. Маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш**

Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлгандан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлгандан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

Жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

### **23-бoб. АЙРИМ ТOИФАДАГИ МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН ЖАЗОНИ ЎТАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **130-м о д д а. Маҳкума ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар учун кўшимча ҳуқуқлар**

Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ушбу Кодексда маҳкумлар учун назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари:

муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш;

болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш;

болаларини жойлаштириб келиш ва улар билан учрашиш учун муассаса доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан муддати беш суткагача бўлган, шу жумладан муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти билан, узок муддатли учрашув берилиши мумкин.

### **131-м о д д а. Маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан ташқарида яшаши**

Ижобий тавсифга эга маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тўлгунга қадар муассаса бошлигининг прокурор тасдиқлаган қарори билан колония ҳудудидан ташқарида яшашга рухсат атилиши мумкин.

Муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи Жиноят кодекси 73-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган маҳкумларга берилмайди.

Колония ҳудуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумлар:

хона типигаги турар жойларда жойлашадилар ва муассаса маъмуриятининг назорати остида бўладилар; эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида белгиланган йўналишлар доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

фуқаролар киядиган кийимда юришлари, ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

чекланмаган миқдорда бандерол, посилка ва йўқловлар олиш ҳамда жўнатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга. Қисқа муддатли учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади.

Муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда;

бола уч ёшга тўлганда.

### **132-м о д д а. Болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш**

Маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилади, унда болалар нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади.

Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтда улар билан бирга бўлишга ҳақли.

Болалар уйидаги бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки, ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига кўпи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

### **133-м о д д а. Маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқиши**

Мақтабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлариникига, васийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга четга чиқишга рухсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача бўлган муддатга четга чиқишга рухсат этилади.

**134-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

**135-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

## **V бўлим. УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ\***

### **24-боб. УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

#### **136-м о д д а. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби**

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар маҳсус сақлаш шароитларига эга бўлган маҳсус тартибли колонияларда сақланадилар. Уларга нисбатан ушбу бода назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда маҳсус тартибли колониялар тартиби татбиқ этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар камераларга кўпи билан икки кишидан жойлаштириладилар. Маҳкумларнинг илтимосига кўра ёки зарурат тақозо этганда улар бир кишилик камераларда сақланишлари мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони қаттиқ, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазонинг дастлабки ўн йилини қаттиқ сақлаш шароитларида ўтайдилар.

\* V бўлим Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июль ўРҚ–99-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда.

Жазонинг камида ўн йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар қаттиқ сақлаш шароитларидан одатдаги сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Жазонинг камида ўн беш йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар одатдаги сақлаш шароитларидан енгиллаштирилган сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

### **137-м о д д а. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ шартлари**

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган битта маҳкумга тўғри келадиغان яшаш майдони нормаси тўрт квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посылка ёки йўқлов, битта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони одатдаги сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва бир марта қисқа муддатли учрашув, икки марта телефон орқали сўзлашув, иккита посылка ёки йўқлов, иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтаётган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақининг бир ярим бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва икки марта қисқа муддатли учрашув, уч марта телефон орқали сўзлашув, учта посылка ёки йўқлов, учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар, сақлаш шароитларидан қатъи назар, ҳар куни бир ярим соатгача сайр қилиш ҳуқуқига эга.

### **138-м о д д а. Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этиш**

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнати одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камераларида ташкил этилади.

### **139-м о д д а. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари**

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 102-моддаси биринчи қисми-

нинг иккинчи-бешинчи хатбошиларида назарда тутилган рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Жазони ўташнинг енгиллаштирилган шароитларига белгиланган тартибда ўтказилган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш тартибида қўшимча учрашиш ёки телефон орқали сўзлашиш имконияти ҳам берилиши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 105-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари қўлланилади. Умрбод озодликдан маҳрум қилиниб, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида белгиланган тартибни ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумлар қуйидаги тартибда:

енгиллаштирилган сақлаш шароитларидан одатдаги ёки қаттиқ сақлаш шароитларига;

одатдаги сақлаш шароитларидан қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

### **140-м о д д а. Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш**

Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

## **VI бўлим. ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА НИСБАТАН ХИЗМАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ, ҚАМОҚ ВА ИНТИЗОМИЙ ҚИСМГА ЖЎНАТИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ**

### **25-боб. ХИЗМАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ ВА ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ**

#### **141-м о д д а. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби**

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо ижросини маҳкум ҳарбий хизмат ўтаётган жойдаги, ушбу Кодекс 14-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган қомандир (бошлиқ) амалга оширади.

Командир (бошлиқ) ҳукм нусхасини ва суд фармоишини олганидан кейин уч кун ичида қуйидагиларни кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради:

маҳкум ҳарбий хизматчини лавозим ва ҳарбий унвонда кўтаришга тақдим этмаслик асоси ва муддати;  
ҳарбий хизматчига навбатдаги ҳарбий унвон бериш ҳамда пенсия тайинлаш учун унинг хизмат муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган вақт;

маҳкумнинг пул таъминотидан давлат фойдасига ўтказиладиган чегирма миқдори.

Командир (бошлиқ) буйруги маҳкум ҳарбий хизматчи эътиборига етказилади ва унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига ҳукм нусхаси билан биргаликда қўшиб қўйилади.

Командир (бошлиқ) ҳукм ижро этилганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга уч кунлик муддат ичида хабар беради.

#### **142-м о д д а. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати-ни ҳисоблаш**

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати ҳукми ижро этиш тўғрисида буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан маҳкум ҳарбий хизматчи ҳибсда ушлаб турилган вақт жазони ўташ муддатига қўшилмайди.

#### **143-м о д д а. Хизмат бўйича чеклаш вақтида пул таъминотидан чегириб қолиш**

Суд ҳукми билан хизмат бўйича чекланган ҳарбий хизматчининг пул таъминотидан чегирма лавозим ва ҳарбий унвонга доир маошдан ҳисоблаб чиқарилади.

#### **144-м о д д а. Тарбиявий иш**

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўтаётган ҳарбий хизматчилар билан улар содир этган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини ва маҳкумнинг шахси, шунингдек хулқ-атвори ҳамда ҳарбий хизматга муносабатини инobatга олган ҳолда тарбиявий иш олиб борилади.

#### **145-м о д д а. Маҳкумнинг хизмат вазифасини ўзгартириш**

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо муддати мобайнида маҳкум ҳарбий хизматчининг лавозими ва ҳарбий унвони оширилиши мумкин эмас.

Командир (бошлиқ) қарорига биноан маҳкум ҳарбий қисм доирасида ёки бошқа қисмга кўчирилган ҳолда бошқа тенг лавозимга ўтказилиши мумкин.

#### **146-м о д д а. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо ижросини тугатиш**

Хизмат бўйича чеклаш муддати тугашидан камида уч кун олдин командир (бошлиқ) жазо ижроси тугатиладиган санани кўрсатиб буйруқ чиқаради.

Буйруқ нусхаси ҳукм чиқарган судга юборилади.

#### **147-м о д д а. Ҳарбий хизматдан бўшатиладиган жазони алмаштириш**

Хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилинган шахс ҳукмда белгиланган жазо муддати тугагунига қадар қонун

ҳужжатларида назарда тутилган асосларда ҳарбий хизматдан бўшатилиши мумкин. Бундай ҳолда командир (бошлиқ) жазо муддатининг ўталмай қолган қисмини бошқа жазо билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни судга тақдим этади.

#### **148-м о д д а. Қамоқ тариқасидаги жазони ўташ**

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар жазони гарнизон гауптвахтасида ўтайдилар.

Офицерлар, контракт асосида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари бир-бирдан алоҳида сақланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчиларга ушбу Кодекснинг 8-бобиди, шунингдек ҳарбий уставларда белгиланган жазони ижро этиш тартиби ва шартлари татбиқ этилади.

#### **26-боб. ИНТИЗОМИЙ ҚИСМГА ЖЎНАТИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ**

##### **149-м о д д а. Жазони ижро этиш тартиби**

Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг шунга махсус мўлжалланган ҳарбий қисмлари (интизомий қисм) томонидан ижро этилади.

Маҳкумларни интизомий қисмга жўнатиш ва бу қисмларда қабул қилиб олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жазони интизомий қисмда ўташ даврида барча маҳкумлар, ҳарбий унвонлари, лавозимлари ва аввалги хизматлари хусусиятидан қатъи назар, солдатлар (матрослар) ҳолатида бўладилар ҳамда белгиланган кўри-нишдаги кийимда юрадилар ва тафовут белгиларини тақадилар.

Интизомий қисмда жазони ўтаётган ҳарбий хизматчилар маҳкумлар учун ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган режим талабларига риоя этишлари шарт.

##### **150-м о д д а. Моддий-маиший таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш**

Маҳкумларга интизомий қисмда ҳарбий уставлар талабларига мувофиқ маиший-яшаш шароити яратиб берилади.

Маҳкумларни озиқ-овқат, уст-бош ва бошқа нарсалар билан таъминлаш, шунингдек уларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳарбий уставлар талабларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари учун белгиланган норма асосида амалга оширилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Қасалхона шароитида тиббий ёрдам олишга муҳтож маҳкумлар, даволаниш учун соқчи назорати остида гос-



питалга жўнатилади ва махсус жиҳозланган палаталарда сақланади.

Маҳкумларнинг шахсий ҳисобварағига ҳар ойда муддатли ҳарбий хизмат солдатлари ва матрослари учун белгиланган таъминот пули ўтказиб борилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Маҳкумлар ўз ёнида сақлаши, пул ўтказиш йўли билан сотиб олиши ёки посилка, йўқлов ва бандероллар ичида олиши мумкин бўлган энг зарур нарсалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **151-м о д д а. Маҳкумларнинг учрашувлари**

Интизомий қисмда маҳкумлар қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан қисқа муддатли учрашуви ойда бир марта тўрт соатгача бўлган муддатда берилади. Бундай учрашувлар ишдан ва машғулотлардан бўш вақтда, махсус жиҳозланган хонада, интизомий қисм вакили кузатуви остида ўтказилади.

Маҳкумларнинг яқин қариндошлари билан узоқ муддатли учрашувлари йилига уч марта уч суткагача бўлган муддатда берилади. Бундай учрашувлар интизомий қисмнинг махсус жиҳозланган биносидан ёки қисм командирининг руҳсати билан интизомий қисм ҳудудидан ташқарида ўтказилади. Узоқ муддатли учрашув вақтида маҳкумлар ишдан ва машғулотлардан озод қилинади.

Маҳкумнинг илтимосига кўра учрашув телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиши мумкин.

Учрашувлар ва телефон орқали сўзлашувлар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **152-м о д д а. Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши ҳамда юбориши**

Интизомий қисмда маҳкумлар ҳар ойда битта посилка ёки йўқлов ва чекланмаган миқдорда бандероллар олиш ҳуқуқига эга.

Ўз номига келган посилка, йўқлов ва бандеролларни маҳкумларнинг ўзи интизомий қисм вакили назорати остида очади. Фойдаланиш тақиқланган нарсалар ва буюмлар белгиланган тартибда олиб қўйилади.

Маҳкумлар номига келган пуллар уларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилиб, бу ҳақда уларга хабар қилинади.

Маҳкумлар посилка, йўқлов, бандероллар ва пул жўнатмаларини чекланмаган миқдорда юборишлари мумкин.

Посилка, йўқлов, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳамда юбориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **153-м о д д а. Маҳкумларнинг ёзишмалари**

Интизомий қисмда маҳкумлар чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олиши ҳамда жўнатиши мумкин.

Ўз номига келган хатларни маҳкумларнинг ўзи интизомий қисм вакили назорати остида очади. Хат ичидаги тақиқланган нарсалар олиб қўйилади ва улар юзасидан белгиланган тартибда чора кўрилади. Хатлар ва телеграммаларнинг мазмуни текширилмайди.

Маҳкумлар жўнатадиган хатларни очиш тақиқланади.

#### **154-м о д д а. Маҳкумларнинг таътиллари**

Интизомий қисмда маҳкумларга муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган таътиллари берилмайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ–238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)*

Ҳарбий хизматчиларга алоҳида ҳоллар (яқин қариндошининг вафоти ёки ҳаётига таҳдид солувчи оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар етказган воқеалар) муносабати билан бориш-келиш учун кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда, интизомий қисм доирасидан четга чиқиш ҳуқуқини берадиган қисқа муддатли – етти суткагача таътил берилиши мумкин. Маҳкумнинг қисқа муддатли таътилда бўлиш вақти жазони ўташ муддатига қўшилади.

#### **155-м о д д а. Маҳкумларнинг меҳнати**

Интизомий қисмда маҳкумлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга жалб этиладилар.

#### **156-м о д д а. Маҳкумларнинг тарбияси ва таълими**

Интизомий қисмда маҳкумлар тарбияси ва таълими Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

#### **157-м о д д а. Рағбатлантириш чоралари**

Интизомий қисмда маҳкумларга қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

ташаккур эълон қилиш;

илгари қўлланилган интизомий жазо чорасини олиб ташлаш;

қўшимча равишда бир марта учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқини бериш.

Яхши хулқ-атвори ҳамда меҳнатга ва ҳарбий хизматга виждонан муносабати учун маҳкумлар суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганларидан сўнг, интизомий қисм командирининг буйруғи билан ахлоқан тузалаётганлар қаторига қўйилади.

Ахлоқан тузалаётганлар қаторига қўшилган маҳкумлар жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин қонунда белгиланган тартибда жазодан муддатидан олдин шартли озод қилишга тақдим этилади.

#### **158-м о д д а. Интизомий жазо чоралари**

Интизомий қисмда маҳкумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади:

ҳайфсан;

қаттиқ ҳайфсан;

навбатдан ташқари бештагача нарядга тайинлаш;

ўн беш суткага қадар гауптвахтага жойлаштириш;  
ахлоқан тузалаётганлар қаторидан чиқариш.

**159-м о д д а. Рагбатлантириш ва интизомий  
жазо чораларини қўллаш тартиби**

Интизомий қисмда маҳкумларга нисбатан рагбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**160-м о д д а. Жазони ўташ вақтини ҳарбий  
хизмат муддатига қўшиб  
ҳисоблаш**

Интизомий қисмда маҳкумларнинг жазони ўташ вақти ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди.

Интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 546-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади.

**VII бўлим. ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАРНИ  
ИЖРО ЭТИШ**

**27-боб. ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ  
ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

**161-м о д д а. Ҳарбий ёки махсус унвондан  
маҳрум қилиш тариқасидаги  
жазони ижро этиш тартиби**

Маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарган суд ҳукмнинг нусхасини шу унвонни берган органга юборади. Захирадаги ҳарбий хизматчига тааллуқли ҳукм нусхаси унинг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўлимига юборилади.

Унвон берган органнинг мансабдор шахси маҳкумни унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ёзувни белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга киритади, бу унвон билан боғлиқ ҳуқуқ ва имтиёзларни тугатиш чораларини кўради ҳамда ҳукм чиқарган судга ҳукмнинг нусхаси олинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида унинг ижро этилганлиги ҳақида хабар қилади.

**162-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг  
2007 йил 24 сентябрь ЎРҚ–115-сон  
Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон  
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2007 йил, 39-сон,  
401-модда)**

**VIII бўлим. ЖАЗОНИ ЎТАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

**28-боб. ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ОЗОД ҚИЛИШ**

**163-м о д д а. Жазони ўташдан муддатидан  
илгари озод қилиш ҳоллари**

Суд томонидан тайинланган жазо муддати тугагунга қадар маҳкум қуйидаги ҳолларда жазони ўташдан озод қилиниши мумкин:

муддатидан илгари шартли озод қилинганда;  
жазо энгилроги билан алмаштирилганда;  
касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли;  
амнистия ёки афв этилганлиги туфайли.

**164-м о д д а. Маҳкумларни муддатидан илгари  
шартли озод қилишга, шунингдек жазони энгилроги билан  
алмаштиришга тақдим этиш тартиби**

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, шунингдек жазони энгилроги билан алмаштириш суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддасида белгиланган тартибда қўлланилади.

Маҳкум жазо муддатининг Жиноят кодекси 73, 74, 89 ва 90-моддаларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини, агар маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса, кўриб чиқиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқариши шарт. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

Маъмурият маҳкумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга ёки жазони энгилроги билан алмаштиришга тақдим этишни рад этган тақдирда маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тариқасидаги жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячиси илтимосномасига биноан суд томонидан амалга оширилади.

Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони энгилроги билан алмаштиришни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин.

**165-м о д д а. Касаллик туфайли ёки меҳнат  
қобилиятини йўқотганлик  
оқибатида жазодан озод  
қилишга тақдим этиш тартиби**

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти Жиноят кодексининг 75-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумни жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади. Айти бир вақтда судга тиббий комиссия хулосаси ва маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди юборилади.

Маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ тариқасидаги жазодан касаллиги туфайли озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус тиббий комиссияси хулосаси асосида киритилади. Бундай касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-

лаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Маҳкумни ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазодан меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома тиббий-меҳнат эксперт комиссияси хулосаси асосида киритилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ–254-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда).*

Жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган аёлларни жазодан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома бундай таътил ҳуқуқини берувчи тиббий ҳужжат асосида киритилади.

Ҳарбий хизматчиларни интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома тегишли ҳарбий-тиббий комиссиянинг уларни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиш ҳақидаги хулосаси асосида киритилади. Аёл ҳарбий хизматчилар хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам озод қилинадилар.

#### **166-м о д д а. Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби**

Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жазони ижро этиш муассасасининг ёки жазони ижро этувчи бошқа органнинг маъмурияти тегишли асос бўлган тақдирда, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт. Маҳкумларга нисбатан амнистия актини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрь ЎРҚ–193-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 509-модда).*

### **29-БОБ. ЖАЗО ИЖРОСИНИ ТУГАТИШ**

#### **167-м о д д а. Жазо ижросини тугатиш асослари**

Қуйидагилар жазо ижросини тугатиш учун асос бўлади:

маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлиши;

ушбу Кодекснинг 163-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши;

суд ҳукмининг бекор бўлиши ва иш юритишнинг тугатилиши;

ҳукмининг назорат тартибида ўзгартирилиши ва жазонинг шартли ҳукм билан алмаштирилиши;

#### **168-м о д д а. Жазо ижросини тугатиш вақти**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жа-

зонинг ижроси мазкур жазо муддатида қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бу муддатнинг охиригича қуни тугатилади.

Агар жазо муддати дам олиш ёки байрам куни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам кунидан бир кун олдин озод қилинади. Муддат ойлар билан ҳисобланган тақдирда бу муддат кейинги ойнинг тегишли куни, агар мазкур ойда шундай кун бўлмаса – шу ойнинг охиригича қуни тугайди.

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумни муддатидан илгари озод қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни иш куни тугагунига қадар олган бўлса, шу заҳоти, иш куни тугаганидан кейин олган бўлса, эртаси куни эрталаб ижро этади.

#### **169-м о д д а. Ҳисоб-китоб тартиби, ҳужжатларни ва шахсий буюмларни бериш**

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати тугаётган куни жазоларни ижро этиш инспекцияси жазони ўтаган шахсни ва у ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот маъмуриятини иш ҳақидан чегириб қолишни тугатиш ва бошқа чеклашларни олиб ташлаш тўғрисида хабардор қилади.

Жазони ижро этиш муассасаси қамоққа ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар озод этилаётганда улар билан тўла ҳисоб-китоб қилади, уларнинг шахсий ҳужжатлари, буюмлари ва бошқа қимматли нарсаларини, шунингдек шахсий ҳисобварақларида турган пулларини қайтариб беради ҳамда жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисида белгиланган намунада маълумотнома беради.

Сил касаллигига дучор бўлган шахсларнинг озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаларга белгиланган намунадаги штамп қўйилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

#### **170-м о д д а. Маҳкум вафот этганлиги муносабати билан жазо ижросини тугатиш тартиби**

Маҳкум вафот этган тақдирда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу ҳақда зудлик билан марҳумнинг яқин қариндошларидан бирига телеграф орқали хабар қилади.

Марҳумнинг жасади қариндошларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилади.

Маҳкумнинг қариндошларидан жасадини бериш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, муассаса маъмурияти марҳумни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган тартибда дафн этади.

### **30-БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

#### **171-м о д д а. Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш**

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг жазо-

ни ўташ муддати тугашига узоғи билан уч ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг муассасадан озод бўлгандан кейинги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий иш олиб боради.

Ишда ва турмушда ўрнашишга муҳтож шахслар аниқланган тақдирда муассаса маъмурияти олдиндан маҳкум яшашни мўлжаллаётган жойдаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказини унинг озод қилиниши, турар жойи бор-йўқлиги, меҳнат қобилияти ва ихтисоси тўғрисида хабардор этади.

Муассаса маъмурияти айна бир вақтда устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати ўрнатилиши зарур бўлган шахсларни аниқлайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга тегишли тақдимнома киритади.

### **172-м о д д а. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш**

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахслар яшашни мўлжаллаётган жойга етиб олиши учун йўл ҳужжатлари, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул компенсацияси билан таъминланадилар.

Озод қилинаётган шахсларда мавсумий кийим ва пойабзал, шунингдек уларни сотиб олишга пул бўлмаса, улар кийим ва пойабзал билан бепул таъминланадилар. Шу мақсадлар учун озод қилинаётган шахсларга бир йўла тўланадиган пул нафақаси берилиши мумкин.

### **173-м о д д а. Маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш**

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумларнинг озод этилганлиги тўғрисида:

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳомиладор аёллар ва ёш боласи (болалари) бор аёлларга, шунингдек вояга етмаганларга нисбатан – уларнинг қариндошлари ёки қариндошларининг ўрнини босувчи бошқа шахсларни;

ишга кириш ва турмушини йўлга қўйишга муҳтож бўлган шахсларга нисбатан – вилоятлар (туманлар, шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларини;

сил ёки таносил касалликларига дучор бўлган, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликдан мажбурий даволаш курсини тугалламаган шахсларга нисбатан – вилоят, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари) ёки соғлиқни сақлаш органларининг даволаш муассасаларини;

маъмурий назорат остига олиниши лозим бўлган шахсларга нисбатан – ички ишлар ҳудудий органларини олдиндан хабардор этади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маҳкумлар касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида, амнистия акти ёки афв асосида озод этилган ҳолларда, шунингдек маҳкумлар жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган тақдирда, билдириш қоғози улар озод этилган куни жўнатилади.

Ҳукм қилинган чет эл фуқароларининг озод этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирор бир давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай давлатнинг ваколатли органини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига озод этилганлик тўғрисидаги билдириш қоғози жўнатилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси бўйича яшаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс озод қилинаётганда жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум қамоққа олингунига қадар рўйхатга олинган жойдаги ички ишлар ҳудудий органининг мамлакатга кириш, ундан чиқиш ва рўйхатга олиш билан шугулланувчи тегишли хизматини хабардор қилади.

Соғлиги ҳолатига кўра доимий парваришга муҳтож шахслар, шунингдек ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида яшаш жойига жўнатилади.

Ногиронлар ва қариялар, ўз илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади.

Вояга етмаган маҳкумлар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатилади. Ота-онаси йўқ вояга етмаган шахслар, зарур ҳолларда, интернатларга жўнатилади ёки ҳомийлар қарамоғига берилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда)*

## **IX бўлим. БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ**

### **31-боб. БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ АСОСИ**

#### **174-м о д д а. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари**

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари жумласига: шартли ҳукм қилиш; тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари; вояга етмаганларга нисбатан мажбурият чоралари қиради.

#### **175-м о д д а. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш асоси**

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки ажрими асос бўлади.

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари Жиноят кодексининг 72, 87, 94-96-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суд томонидан тайинланади.

### 32-боб. ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ

#### 176-м о д д а. Шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби

Жазоларни ижро этиш инспекцияси шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради.

Шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга қақилрилган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳамда ҳарбий хизмат ўташ жойида унинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатларни мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимга юборади. Ҳарбий қисм (муассаса) кўмондонлиги ўн кунлик муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатганидан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиши шарт.

#### 177-м о д д а. Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг мажбуриятлари

Шартли ҳукм қилинган шахслар суд томонидан зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажариши, шунингдек қақилрувга биноан жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳозир бўлиши шарт. Узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган маҳкум белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

#### 178-м о д д а. Судга тақдимнома киритиш

Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган синов муддати мобайнида белгиланган чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Маҳкум зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда маҳкум хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиш ҳамда ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

#### 179-м о д д а. Синов муддатини ҳисоблаш

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 24 сентябрь ЎРҚ-115-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2007 йил, 39-сон, 401-модда)*

#### 180-м о д д а. Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назоратни тугатиш

Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назорат синов муддати тамом бўлиши билан тугатилади ва маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки ҳарбий қисм (муассаса) кўмондонлиги рўйхатидан чиқарилади.

### 33-боб. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

#### 181-м о д д а. Рухий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби

Рухий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органлари томонидан суд-психиатрия экспертизаси хулосасига мувофиқ қуйидаги тартибда қўлланилади:

мажбурий амбулатория кузатуви ва психиатрда даволаш – беморнинг яшаш жойидаги психоневрология муассасалари томонидан амалга оширилади;

беморни жамиятдан батамом ажратиш, мажбурий даволаш – унинг рухий ҳолатига қараб, умумий тартибли рухий касалликлар шифохоналарида ёки умумий тартибли рухий касалликлар шифохоналарининг соғлиқни тиклаш бўлимларида ёхуд кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохоналари ёки бўлимларида ўтказилади.

#### 182-м о д д а. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидаги тартибда қўлланилади:

жамиятдан батамом ажратиш қўйиш билан боглиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда;

қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга – жазони ўташ жойида, озод этилганларидан сўнг даволашни давом эттириш зарурати бўлганда эса – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда.

#### 183-м о д д а. Суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш асослари

Ҳибсда ушлаб турилган шахсларнинг суд-психиатрия экспертизаси суриштирув, тергов, прокуратура органининг қарори ёки суднинг ажрими, қамоқ жазосига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса – қамоқ уйи ёки жазони ижро этиш муассасаси бошлигининг қарори асосида тайинланади.

#### 184-м о д д а. Рухий касалларни кўчириш

Касалларни рухий касалликлар шифохонасига кўчириш, шунингдек уларни бир касалхонадан иккинчисига ўтказиш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

#### 185-м о д д а. Рухий касалликлар шифохоналарида беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Рухий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволанаётган беморлар:

ҳар куни сайр қилиш;  
хатлар, посилка, йўқлов ва бандероллар, шунингдек пул жўнатмалари олиш ва юбориш;  
қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш;  
диний расм-русумларни адо этиш;  
озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ҳамда уларни ўз ёнида сақлаш;  
касалхона кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.  
Беморлар адвокат хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Даволаш самарадорлигини ва касаллар ёки бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда беморларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

Беморлар тайинланган муолажани қабул қилиши ва ички тартиб қоидаларига риоя этиши шарт.

### **186-м о д д а. Рухий касалликлар шифохоналарида беморларни сақлаш шароитлари**

Рухий касалликлар шифохоналарида беморлар касаллик тури, хулқ-атворининг хусусияти, руҳий ва жисмоний ҳолатини инобатга олиб, уларни батамом ажратиб қўйишни таъминловчи ҳамда улар томонидан янги ижтимоий-хавфли қилмиш содир этиш, қочиш, сақлаш режимини бузиш эҳтимолининг олдини олишни таъминлайдиган шароити бор палаталарга жойлаштирилади.

Эркаклар ва аёллар, катталар ва вояга етмаган шахслар алоҳида-алоҳида сақланади.

Бир беморга тўғри келадиган фойдали майдон нормаси беш квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Беморларга овқат ва касалхона кийими бепул берилди.

Беморларни овқат ва уст-бош билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Посилка, йўқлов, бандерол ва пул жўнатмалари олиш ҳамда юбориш, учрашувлар ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, сақлаш, шунингдек беморларга ҳар куни бериладиган сайр тартиби ички тартиб қоидалари билан белгиланади.

Рухий касалликлар шифохоналарида беморларга узоқ муддатли учрашув берилмайди.

Бемор номига келиб тушган пуллар унинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни беморлар пул ўтказиш йўли билан сотиб оладилар.

### **187-м о д д а. Рухий касалликлар шифохоналарида беморларни даволашни ташкил этиш**

Рухий касалларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган ташҳис қўйиш, даволаш ва соғлиқни тиклаш усуллари қўлланган ҳолда ўтказилади.

### **188-м о д д а. Бемор қочиб кетган ёки вафот этган тақдирда шифохона маъмуриятининг ҳаракати**

Мажбурий даволанишда бўлган бемор қочиб кетган тақдирда руҳий касалликлар шифохонаси маъму-

рияти зудлик билан уни қидириб топиш чораларини кўриши ҳамда бу ҳақда шифохона жойлашган ердаги ва бемор, унинг қариндошлари ёки васийлари яшайдиган жойдаги прокурорни, ички ишлар органларини, психоневрология диспансерини, шунингдек мажбурий даволаш чорасини тайинлаган судни хабардор қилиши шарт.

Мажбурий даволанишда бўлган бемор вафот этганлиги тўғрисида руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти унинг қариндошлари ёки васийларини, прокурор ва судни, шунингдек бемор яшаган жойдаги психоневрология диспансерини хабардор қилади.

Вафот этган бемор жасадини бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

### **189-м о д д а. Беморни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тўғрисида хабар**

Беморни шифохонадан чиқаришдан ўн кун олдин руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти бу ҳақда унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига, шунингдек унинг қариндошлари ёки васийларига хабар қилади.

Мажбурий даволаш суд томонидан бекор қилингандан кейин ўн сутка ичида даволаш муассасаси маъмурияти беморнинг яшаш жойидаги психоневрология диспансерига амбулатория картасидан кўчирма юборди ҳамда унинг қариндошлари ёки васийларини, шунингдек беморнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларини воқеадан хабардор қилади.

### **190-м о д д а. Беморларни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тартиби**

Беморларни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Рухий касалликлар шифохонасидан чиқарилган шахсларга даволанишда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома берилди.

### **191-м о д д а. Беморларни яшаш жойига юбориш**

Беморлар яшаш жойига қариндошлари ёки васийлари ёхуд тиббий ходимлар кузатувида юборилади.

Беморнинг яшаш жойигача етиб бориш, кузатувчи шахснинг эса, бориш-келиш харажатлари давлат ҳисобидан тўланади.

### **192-м о д д а. Беморлар ва руҳий касалликлар шифохонаси ходимлари хавфсизлигини таъминлаш**

Беморлар ва ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, беморларнинг руҳий касалликлар шифохонаси (бўлимаси) доирасидан ташқарига ўзбошимчалик билан чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида назорат-руҳсатнома тизими жорий этилади.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарини кўриқлаш тиббий ходимлар томонидан, суд-психиатрия экспертизаси бўлинмалари ва кузатув

кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналарида – ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Бемор жазавага тушган, шунингдек тиббий ходимларга итоат этмаган ва уларга жисмоний қаршилик кўрсатган тақдирда унга нисбатан қўлқишан, боғлаш воситалари ва бошқа махсус воситалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қўлланилиши мумкин.

**193-м о д д а. Руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат**

Руҳий касалликлар шифохоналарида (бўлинмаларида) мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат соғлиқни сақлаш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**194-м о д д а. Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби**

Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

**34-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

**195-м о д д а. Жабрланувчидан узр сўраш**

Вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишда, кўпчиликнинг олдида ёки яқка тартибда узр сўрайди.

Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди.

Узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

**196-м о д д а. Етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш**

Вояга етмаган шахснинг етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаши ёхуд бартараф этиши суд томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаш ёхуд бартараф этиш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

**197-м о д д а. Махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш**

Вояга етмаган шахслар халқ таълими органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув-жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 йил, 6-сон 176-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 1997 йил 1 октябрдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:  
озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш ва ўташ тартибини 1997 йил 1 октябргача Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига мувофиқлаштирсин;  
қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар сақланиши лозим бўлган қамоқ уйлари фойдаланишга топширилгунга қадар уларни тергов ҳибсхоналари ва турмада жазони ижро этиш ва ўташнинг Жиноят-ижроия кодексига белгиланган тартибига риоя этилган ҳолда сақланишини таъминласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимининг моддий-техника базасини ривожлантиришни, колониялар, тергов ҳибсхоналари, ихтисослаштирилган қамоқ уйлари, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ишлаб чиқариш корхоналарини қуришни (реконструкция қилишни) таъминласин;  
давлат эҳтиёжларига мўлжалланган маҳсулотларнинг айрим турларини тайёрлаш учун буюртмаларни жазони ижро этиш муассасалари корхоналарига тақсимлашни ҳамда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг меҳнатидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий соҳа объектларини қуришда фойдаланишни ҳар йили назарда тутсин;  
Ўзбекистон Республикаси қонунларини Жиноят-ижроия кодексига мувофиқлаштириш тўғрисида Олий Мажлисга таклифлар тақдим этсин;  
ҳукумат қарорларини Жиноят-ижроия кодексига мувофиқлаштирсин;  
республика вазирликлари ва идораларининг Жиноят-ижроия кодексига зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 25 апрель,  
410-1-сон



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING FUҚAROЛИK ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 30 август,  
477-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING FUҚAROЛИK ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ\*

### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-м о д д а. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

##### 2-м о д д а. Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қону-

ни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)

##### 3-м о д д а. Халқаро шартномалар

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 4-м о д д а. Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг<sup>1</sup> ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир.

Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

##### 5-м о д д а. Судда фуқаролик иши кўзғатиш

Суд фуқаролик ишини қуйидаги ҳолларда кўзғатади:  
1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича;  
2) прокурорнинг аризаси бўйича;

\* 1998 йил 1 январдан кучга киритилган.

<sup>1</sup> Бундан буён матнда «ташкилотлар» деб юритилади

3) агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича.

**6-м о д д а. Одил судловнинг фақат суд томонидан ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши**

Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан ҳамда барча фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

**7-м о д д а. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши**

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар ишларни қонун асосида, ишнинг ҳолатига мувофиқ, судьяларга четдан таъсир кўрсатиш мумкин бўлмайдиган шароитда ҳал қиладилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бора-сидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**8-м о д д а. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги**

Фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

**9-м о д д а. Суд ишлари юритиладиган тил**

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади.

Суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар билан ўз она тилида тўлиқ танишиб чиқиш, она тилида кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, судда сўзлаш, арз билан мурожаат этиш ва илтимосномалар тақдим этиш, шунингдек, ушбу Кодексда белгиланган тартибда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг она тилларига ёки улар билладиган бошқа тилга таржима қилиб топширилади.

**10-м о д д а. Судда иш кўришнинг ошкоралиги**

Барча судларда ишлар ошкора кўрилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослангандирган ажримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади.

Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилганида ишда иштирок этаётган шахслар, зарур ҳолларда эса, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам қатнашадилар.

Иш суднинг ёпиқ мажлисида судлов ишлари юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади.

Суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

**11-м о д д а. Судда ишни кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги**

Биринчи инстанция суди фуқаролик ишини кўраётганида ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, экспертлар ва мутахассисларнинг хулосаларини эшитиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши шарт.

Ишни кўриш оғзаки равишда ўтади. Ишни кўриш жараёнида судья алмаштирилган тақдирда, иш бошидан қайта кўрилиши керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**12-м о д д а. Ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш**

Суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ҳал қилиши шарт. Суд, агар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига зид бўлмаса, бошқа норматив ҳужжатлари ҳам қўлланади.

Суд қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди.

Низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, борди-ю, бундай қонун ҳам бўлмаса, республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таянади.

**13-м о д д а. Фуқаролик ишларининг яқка тартибда ва ҳайъат томонидан кўрилиши**

Барча биринчи инстанция судларида ишлар судьянинг яқка ўзи томонидан кўрилади. Ишни судьянинг яқка ўзи кўрганида, у суд номидан иш юритади.

Ишни апелляция ва кассация тартибда кўриш Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида уч нафар судьядан иборат таркибда, назорат тартибда кўриш эса Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ишлар апелляция, кассация тартибда ва назорат тартибда уч нафар судьядан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида – Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида – Пленум таркиби-

нинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **14-м о д д а. Суд томонидан масалаларни ҳал қилиш тартиби**

Ишни кўриш чоғида келиб чиқадиган ҳамма масалалар судьянинг яқка ўзи томонидан, ишни судьялар ҳайъати кўраётган ҳолларда эса, судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Суд қарорлари маслаҳатхонада чиқарилади ва ёзма равишда тузилади. Қарор чиқариш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир масала ҳайъат томонидан ҳал қилинаётганида судьяларнинг бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради. Озчилик томонида қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг бу фикри ишга кўшиб қўйилади, бироқ эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

Агар алоҳида фикр баён қилинган суд қарори юқори суд инстанциясида кўрилмаган бўлса, у қонуний кучга кирганидан кейин иш билан бирга кўшиб қарорга нисбатан протест келтириш масаласини ҳал қилиш учун тегишли суд раисига юборилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **15-м о д д а. Ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд томонидан аниқланиши**

Суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмасликнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим.

#### **16-м о д д а. Суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқнинг мажбурийлиги**

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим.

Суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғининг мажбурийлиги манфаатдор шахсларни ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, башарти бу ҳуқуқлар ва қонун билан кўриқла-

надиган манфаатларга дахлдор низо судда кўриб чиқилмаган ва ҳал этилмаган бўлса, судга мурожаат қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

#### **17-м о д д а. Суд фаолияти устидан юқори судларнинг назорати**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва ҳарбий судларнинг судлов фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судлов фаолиятини назорат қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳудудидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судлов фаолиятини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судлов фаолиятини назорат қилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

### **2-БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИ ВА БАЁННОМАЛАРИ**

#### **18-м о д д а. Суд қарорлари**

Кўриладиган ва ҳал этиладиган масалалар бўйича суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

Суд ҳал қилув қарорлари, ажримлар, қарорларни фақат суд мажлисида текширилган материаллар билан асослайди.

Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим.

#### **19-м о д д а. Суднинг хусусий ажрими (қарори)**

Суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади, бу шахслар ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хабар қилишлари шарт. Бундай хабар хусусий ажримнинг (қарорнинг) нусхаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида маълум қилиниши лозим.

Агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини кўзга-

тиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ-335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

Биринчи инстанция судининг хусусий ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **20-м о д д а. Баённома юритишнинг шартлиги**

Суднинг ҳар бир суд мажлиси тўғрисида, шунингдек суд мажлисидан ташқари қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилади.

### **21-м о д д а. Баённоманинг мазмуни**

Суд мажлисининг баённомасида ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозим. Суд мажлисининг баённомасида, хусусан, куйидагилар кўрсатилади:

- 1) суд мажлиси бўлиб ўтган йил, ой, кун ва жой;
- 2) суд мажлиси бошланган ва тамомланган вақт;
- 3) ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби ва суд мажлисининг котиби;
- 4) ишнинг номи;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловга кўмаклашаётган шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- 6) суднинг тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганлиги;
- 7) ушбу модданинг 5-бандида кўрсатилган шахсларга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисидаги ва улар суд мажлисига келмаганлигининг сабаблари ҳақидаги маълумотлар;
- 8) раислик қилувчининг барча фармойишлари ва суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқмасдан чиқарган ажримлари;
- 9) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари;
- 10) судга тақдим этилган ҳамма ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг ёзма хулосалари тўғрисидаги маълумотлар;
- 11) ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини озгача тушунтиришлари, мутахассисларнинг фикрлари, ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечиришга тааллуқли маълумотлар;
- 12) суд музокараларининг мазмуни ва прокурорнинг фикри;
- 13) суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори ўқиб эшиттирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

### **22-м о д д а. Баённома тузиш**

Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганида мажлисдан ташқарида тузилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзлари иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни баённомага киритиш тўғрисида илтимосномалар тақдим этишга ҳақлидирлар.

Тарафларнинг, учинчи шахсларнинг ўзлари қўйган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечганлиги, қўйилган талабларга иқрорлиги, ишни келишув битими билан тамомлаш тўғрисидаги аризалари баённомага киритилиб, тегишли бўлишига қараб, тарафларнинг бири ёки иккаласи томонидан имзоланади. Баённома суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганидан кейин кечи билан уч кунда раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланиши керак. Киритилган барча ўзгаришлар, тузатишлар, қўшимчалар ҳақида баённомада изоҳ берилиши лозим.

### **23-м о д д а. Баённома юзасидан ёзма фикр билдириш**

Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқишга ва у имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида унда йўл қўйилган нотўғриликларни ёки унинг тўлиқ эмаслигини кўрсатиб, баённома юзасидан ёзма равишда фикр билдиришга ҳақлидирлар.

Баённома юзасидан билдирилган ёзма фикрларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилса, бу фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлисининг баённомасига қўшиб қўяди.

Раислик қилувчи билдирилган ёзма фикрларга қўшилмаса, улар суд мажлисида кўриб чиқилади. Билдирилган ёзма фикрлар ҳамма ҳолларда ҳам ишга қўшиб қўйилиши керак.

Баённома юзасидан билдирилган ёзма фикрлар улар топширилган кундан эътиборан етти кун ичида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиши керак. Бироқ ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаслиги баённома юзасидан билдирилган ёзма фикрлар тўғрисидаги аризани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

### **24-м о д д а. Йўқолган суд ишини тиклаш**

Фуқаролик иши бўйича йўқолган суд ишини суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг, прокурорнинг аризасига, шунингдек ўз ташаббусига биноан тиклаши мумкин.

Йўқолган суд иши тўлиқ ёхуд унинг биринчи инстанция ёки юқори инстанция суди фикрига кўра тикланиши зарур бўлган қисми тикланади. Суднинг ҳал қилув қарори ёки иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими, агар улар иш юзасидан чиқарилган бўлса, албатта тикланиши шарт.

Йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги ариза ишни кўрган судга берилади.

Аризада ишга доир маълумотлар тўлиқ баён этилиши лозим. Аризада сақланиб қолган ва ишга дахлдор бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари, гарчи улар белгиланган тартибда тасдиқланмаган бўлса ҳам, аризага илова қилинади.

Суд ишни кўриш вақтида ишнинг сақланиб қолган қисмидан, суд иши йўқолганига қадар ундан фуқаролар ва ташкилотларга олиб берилган ҳужжатлардан, бу ҳужжатларнинг нусхаларидан, ишга дахлдор бўлган бошқа маълумотлар ва қозғалардан фойдаланади.

Суд процессуал ҳаракатларни бажариш вақтида ҳозир бўлган шахсларни, зарур ҳолларда эса, йўқол-

ган суд ишини кўрган суд таркибига кирган шахсларни ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилиши мумкин.

Тўпланган материаллар йўқолган суд ишини аниқ тиклаш учун етарли бўлмаса, суд ажрим чиқариб, суд ишини тиклаш тўғрисидаги аризани кўришни тугатади. Бу ҳолда аризачи умумий тартибда даъво тақдим этишга ҳақли.

Аризачи йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги ишни кўриш вақтида суд томонидан сарф қилинган суд харажатларини тўлашдан озод қилинади. Била туриб ёлгон ариза берилган бўлса, суд харажатлари аризачидан ундириб олинади.

### **3-боб. СУДЬЯ ВА ПРОЦЕССИНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РАД ҚИЛИШ**

#### **25-м о д д а. Судьяни рад қилиш асослари**

Қуйидаги ҳолларда судьянинг ишни кўриши мумкин бўлмайди ва у рад қилинади, агар:

1) ишнинг пировард натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, ёхуд унинг холислигига шубҳа тугдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

2) шу иш илгари кўрилганида гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, вакил, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида қатнашган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

Бир-бирига қариндош шахслар суд таркибига кириши мумкин эмас.

#### **26-м о д д а. Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котибини рад қилиш асослари**

Ушбу Кодекснинг 25-моддаси 1 ва 3-бандларида кўрсатилган рад қилиш асослари прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котибига нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар эксперт, мутахассис ва таржимон ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, эксперт ва мутахассис эса шунингдек, тафтиш ўтказган ёки хулоса ҳам берган бўлиб, уларнинг материаллари мазкур фуқаролик ишини кўзғатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса, уларни рад қилиш тўғрисида арз қилиниши мумкин.

#### **27-м о д д а. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги**

Фуқаролик ишини биринчи инстанция судида кўрган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан ёхуд суд назорати тартибида бекор қилинган бўлса, бу ишни такрор кўриши мумкин эмас.

Фуқаролик ишини биринчи инстанция судида кўрган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция су-

дида ёки кассация инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция судида ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни суд назорати тартибида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **28-м о д д а. Рад қилиш ҳақида ариза бериш**

Ушбу Кодекснинг 25, 26 ва 27-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, прокурор, судья, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби бу ҳақда судга арз қилиши (ўз-ўзини рад қилиши) шарт. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам юқоридаги асослар бўйича рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

Рад қилиш ҳақидаги арз асосланган бўлиши ва ишни мазмунан кўриш бошлангунига қадар маълум қилиниши лозим. Рад қилиш ҳақида кечикиб арз қилишга рад қилиш учун асослар судга ёки рад қилишни сўраб арз қилган шахсга ишни кўриш бошлаб юборилганидан сўнг маълум бўлиб қолган ҳоллардагина йўл қўйилади.

#### **29-м о д д а. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қал қилиш тартиби**

Рад қилиш тўғрисида арз қилинган тақдирда, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини, агар рад қилиниши талаб қилинаётган шахс тушунтириш бериши хоҳласа, унинг сўзларини ҳам эшитиши керак.

Судьяни рад қилиш масаласи рад қилиниши талаб қилинган судьянинг иштирокисиз, қолган судьялар томонидан ҳал қилинади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, судья рад қилинган ҳисобланади.

Икки судьяни ёки суднинг бутун таркибини рад қилиш талаб қилинганда рад қилиш масаласи шу суднинг тўлиқ таркибида оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Ишни яқка тартибда кўрадиган судьяни рад қилиш масаласи суд раиси томонидан, суд таркиби бир кишидан иборат бўлса, шу судья томонидан ҳал этилади.

Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котибини рад қилиш масаласини ишни кўриб чиқаётган суд ҳал қилади.

Рад қилиш масаласини ҳал қилиш учун судья (суд) алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқади ва рад қилиш талабини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида ажрим чиқаради.

#### **30-м о д д а. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш оқибатлари**

Судья рад қилинган тақдирда иш фуқаролик ишлари бўйича шу туманлараро, туман (шаҳар) судида, лекин бошқа судья томонидан кўрилади ёки иш кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича бошқа туманлараро, туман (шаҳар) судига ўтказилади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судида кўрилаётганида судья ёки суднинг бутун таркиби рад қилинган тақдирда иш шу суднинг ўзида, лекин бошқа суд таркибида кўрилади.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида ёки фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида ушбу Кодекснинг 27-моддасида кўрсатилган сабабларга кўра рад қилиш қаноатлантирилганидан кейин шу ишни кўриш учун суднинг янги таркибини ташкил қилишга имкон бўлмаса, иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши лозим. Бундай ҳолларда иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг фармойишига биноан кўриш учун бошқа тегишли судга юборилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

#### 4-БОБ. СУДГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАР

##### 31-м о д д а. Фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиги

Судларга қуйидаги ишлар тааллуқли:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2) ушбу Кодекснинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;

3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

##### 32-м о д д а. Бир-бири билан боглиқ бир қанча талабларнинг судга тааллуқлилиги

Бир-бири билан боглиқ бўлиб, баъзилари судга, баъзилари эса, хўжалик судларига тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилганида, бу талабларнинг ҳаммаси судда кўрилиши керак.

#### 5-БОБ. ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИ

##### 33-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахслар

Тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

##### 34-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақ-

дим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туфиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг вазирлари баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, вазирларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижросисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)

Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

##### 35-м о д д а. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ҳолислар ва ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади.

##### 36-м о д д а. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз тушунтиришларини оғзаки ёки ёзма равишда баён қилишга, ёзувлардан фойдаланишга, шунингдек ушбу Кодексда ўзларига берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз зиммаларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари лозим.

##### 37-м о д д а. Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати

Барча фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенглиги эътироф этилади.

##### 38-м о д д а. Фуқаролик процессуал муомала лаёқати

Судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир.

Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки

ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийларни жалб қилиш масаласини суд ҳал этади.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилинган (эмансипация) тақдирда судда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини шахсан амалга ошириши мумкин.

Ёш болаларнинг, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқароларнинг, шунингдек руҳий касаллик ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар ҳимоя қилдилар.

### **39-м о д д а. Тарафлар**

Даъвогар ва жавобгар фуқаролик процессининг тарафларидир.

Даъвогар – ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш кўзғатилган шахс.

Жавобгар – суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс.

### **40-м о д д а. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Тарафлар процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Даъвогар ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга ҳақли.

Даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақлидирлар.

Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни, даъвони тан олишни қабул қилмайди ва келишув битимини тасдиқламайди.

### **41-м о д д а. Процессда биргаликда иштирок этиш**

Судга бир неча даъвогар (шерик даъвогарлар) томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга (шерик

жавобгарларга) нисбатан талаб кўйилган ариза берилиши мумкин.

Даъвогарлар ва жавобгарлардан ҳар бири бошқа тарафга нисбатан процессда мустақил равишда иштирок этади. Учинчи шахслар ҳам процессда биргаликда иштирок этишлари мумкин.

Процессда биргаликда иштирок этишга даъво ишларида, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ҳамда аризалар бўйича ишларда ва алоҳида тартибда кўриладиган ишларда йўл кўйилади.

Биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари мумкин.

### **42-м о д д а. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш**

Суд арз қилинган талаб уни илгари суриш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъвогарнинг аризаси бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганлигини аниқласа, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгар ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл кўйиши мумкин.

Агар даъвогар ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришишга ҳақли.

Агар даъвогар жавобгарнинг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, суд бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилишга ҳақли.

Ишга дахли бўлмаган тарафни алмаштириш ҳақида суд ажрим чиқаради.

Тараф алмаштирилганидан ёки низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс ишга киришганидан ёхуд иккинчи жавобгар жалб қилинганидан кейин ишни кўриш янгидан бошланади.

Агар процессга мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс киришмаса, ишга дахлдор бўлмаган даъвогар эса, арз қилган талабларидан воз кечмаса, иш мазмунан кўрилади.

### **43-м о д д а. Процессуал ҳуқуқий ворислик**

Низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳ.к.) суд бу шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида суд ажрим чиқаради.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурийдир. Процессуал ҳуқуқий ворислик амалга оширилганида ўз ҳуқуқини топширган шахс суд процессининг қайси босқичидан чиқиб кетган бўлса, ишни

кўриб чиқиш шу босқичдан давом эттирилади, лекин ҳуқуқий ворис ишга доир ҳамма материаллар билан танишишга ҳақли.

#### **44-м о д д а. Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар**

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар ишга киришишлари мумкин. Улар даъвогарнинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва унинг ҳамма мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

#### **45-м о д д а. Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар**

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этадиган бўлса, суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга киришишлари мумкин. Шунингдек улар тарафларнинг, прокурорнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёки суднинг ташаббуси билан ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафларнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва уларнинг процессуал мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар, арз қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, улардан воз кечиш бундан мустасно.

Агар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогарнинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида арз қилинган талабларни тан олса, суд мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. Айнан шундай ҳолларда, даъвогар ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўртасида келишув битими тузилишига йўл қўйилади.

#### **46-м о д д а. Процессда прокурорнинг иштироки**

Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда фуқаролик ишини кўришда, шунингдек прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишларда прокурор иштирок этиши шарт.

#### **47-м о д д а. Прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Прокурор ушбу Кодекснинг 34-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва

мажбуриятларни ўз зиммасига олади ҳамда бундан ташқари, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори юзасидан протест келтириш ҳуқуқига эга. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга ҳақли эмас.

Прокурорнинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган ўз аризасидан воз кечиши, бу шахсни суддан ушбу Кодекс 104-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

#### **48-м о д д а. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши**

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат бошқаруви органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш учун суд томонидан процессда иштирок этишга жалб қилинишлари ёки ўз ташаббуслари билан процессга киришишлари мумкин.

#### **49-м о д д а. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ушбу Кодекснинг 48-моддасида кўрсатилган процесс иштирокчилари Кодекснинг 34-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун арз қилинган талабларни тўлиқ ёки қисман қўллаб-қувватлаш, улардан воз кечиш, ўзлари арз қилган талаблар бўйича тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эгалар. Кўрсатилган органлар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бошқа шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга берган ўз аризаларидан воз кечишлари ана шу шахсни ушбу Кодекс 104-моддасининг талабларига риоя қилган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.



**50-м о д д а. Судда вакиллик қилиш**

Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ва ўз вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан қатнашуви уни шу иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Ташкилотлар ишларни ўз раҳбарлари ёки ўз вакиллари орқали юритадилар.

**51-м о д д а. Қонуний вакиллик**

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар) ҳимоя қиладилар.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқаро иштирок этиши лозим бўлган иш бўйича унинг вакили сифатида мазкур фуқаронинг мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган шахс қатнашади.

Вафот этган ёки белгиланган тартибда ўлган деб эълон қилинган шахснинг меросхўри қатнашиши лозим бўлган иш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, меросхўрнинг вакили сифатида васий ёхуд мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи шахс қатнашади.

Қонуний вакил судда иш олиб боришни вакил сифатида ўзи танлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга.

**52-м о д д а. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик**

Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликка биноан ишонч билдирувчи ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судда иш юритишни вакилга топширади.

Қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладилар:

- 1) адвокатлар;
- 2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари;
- 3) юридик шахсларнинг ходимлари – шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;
- 4) нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари – шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;
- 5) қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари;
- 6) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;
- 7) ишни қўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар.

Судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 11 сентябрь ЎРҚ-218-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 37-сон, 405-модда)*

**53-м о д д а. Вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш**

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим.

Фуқаролар берадиган ишончномаларни нотариуслар ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар тасдиқлайдилар.

Фуқаролар вакилларининг судда иш юритиш ваколатлари ишонч билдираётган шахснинг оғзаки аризаси билан ҳам тасдиқланиши мумкин, бу ҳол суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим.

Давлат бошқаруви органларининг, мансабдор шахсларнинг вакиллари тегишли орган раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг имзоси билан бериладиган ишончнома бўйича иш юритадилар.

Ташкилот номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Ташкилотларнинг раҳбарлари судга ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этадилар.

Адвокатнинг ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

**54-м о д д а. Вакилнинг ваколатлари**

Судда иш юритиш ваколатлари вакилга ҳамма процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Шартнома бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишонч топшириш), суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувга қаратиш, даъво тақдим этувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколати тўғрисида ҳар бир алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатномада махсус изоҳ берилиши керак.

**55-м о д д а. Судда вакиллик қилиши мумкин бўлмаган шахслар**

Қуйидагилар судда вакиллик қилиши мумкин эмас:

- 1) вояга етмаган шахслар;
- 2) васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар;
- 3) судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, улар қонуний вакил (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) сифатида, шунингдек, тегишли суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органининг вакили сифатида қатнашган ҳоллар бундан мустасно.

**6-БОБ. ДАЛИЛЛАР****56-м о д д а. Ишотлаш воситалари**

Тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги-

ни суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар куйидаги воситалар, яъни: тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосаси билан аниқланади.

Муаллифи кўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки гайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди.

### **57-м о д д а. Исботлаш ва далилларни тақдим қилиш мажбурияти**

Ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозлари асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Суд қандай ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга эканлигини, уларни тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини аниқлайди, ҳатто тарафлар бу ҳолатларни далил қилиб келтирмаган бўлсалар ҳам, уларни муҳокамага қўяди.

Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Суд уларга қўшимча далиллар тақдим қилишни тақлиф этиши мумкин. Агар қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатади.

### **58-м о д д а. Далилларнинг дахлдорлиги**

Суд фақат иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларнигина кўришга қабул қилади.

Суднинг далиллар қабул қилишни ёки талаб қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими асослантирилган бўлиши лозим.

### **59-м о д д а. Исботлаш воситаларига йўл қўйиши**

Қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

### **60-м о д д а. Исботлашдан озод қилиш асослари**

Суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар исботлашга муҳтож эмас.

Бир фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилган ёки этилмаганлиги масалалари юзасидангина мажбурийдир.

### **61-м о д д а. Далилларни таъминлаш**

Ўзлари учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашадиган дейишга асоси бўлган шахслар ариза беришидан олдин ҳам, кейин ҳам судьядан бу далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин.

Хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади.

### **62-м о д д а. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза**

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза далилларни таъминлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган ҳудудда фаолият олиб бораётган судга берилади.

Аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, бу далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган ҳолатлар, далилларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар, шунингдек таъминланадиган далиллар зарур бўлган ёки улар кейинчалик асқотиши мумкин бўлган иш кўрсатилиши керак.

### **63-м о д д а. Далилларни таъминлаш тартиби**

Далилларни таъминлаш ушбу Кодексда белгиланган далилларни тўплаш ва текшириш қоидалари бўйича суд томонидан амалга оширилади. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга далилларни таъминлаш вақти ва жойи ҳақида маълум қилинади, бироқ уларнинг келмаслиги далилларни таъминлаш ҳақидаги ариза кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди. Кечиктириш, шунингдек кейинчалик аризачи билан кимнинг ўртасида низо келиб чиқишини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда, далилларни таъминлаш фақат биргина аризачининг ўзини хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Далилларни таъминлаш тартибида тарафларнинг, учинчи шахсларнинг тушунтиришлари эшитилади, гувоҳлар сўроқ қилинади, экспертиза тайинланади, ёзма ва ашёвий далиллар талаб қилиб олинади ёки кўздан кечиради, жойга бориб кўздан кечириниш ўтказилади.

Далилларни таъминлаш тартибида тўпланган барча материаллар ишни кўраётган судга юборилади ёки аризачига берилади.

### **64-м о д д а. Далилларни таъминлаш масалалари бўйича чиқарилган ажрим устидан шикоят қилиш**

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги суд ажрими устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Далилларни таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят бериш ёки унга нисбатан хусусий протест келтириш мумкин.

### **65-м о д д а. Суд топшириқлари**

Ишни кўраётган суд далилларни бошқа туман ёки шаҳарда тўплаш зарур бўлган тақдирда, тегишли судга муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишни топширади.

Суд топшириғи ажрим билан расмийлаштирилиб, унда кўрилатган ишнинг моҳияти, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарадиган суд тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади. Бу ажрим қайси суд номига ёзилган бўлса, ўша суд учун мажбурий бўлиб, ўн беш кунлик муддат ичида бажарилиши лозим.

#### **66-м о д д а. Суд топшириғини бажариш тартиби**

Суд топшириғини бажариш суд мажлисида ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади. Ишда иштирок этаётган шахсларга мажлис вақти ва жойи тўғрисида маълум қилинади, бироқ уларнинг келмаслиги топшириқни бажаришга тўқтинлик қилмайди.

Суд топшириғи тартибда тарафлар ва учинчи шахслар ёхуд улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш ҳамда текшириш орқали аниқланадиган фактик маълумотлар тўпланиши мумкин.

Баённомалар ва топшириқни бажариш вақтида тўпланган материаллар ишни кўриб чиқаётган судга дарҳол юборилади.

Агар топшириқни бажараётган судга тушунтиришлар ёхуд кўрсатувлар берган ишда иштирок этувчи шахслар ёки гувоҳлар ишни кўраётган судга келсалар, улар умумий тартибда тушунтиришлар ёки кўрсатувлар берадилар.

#### **67-м о д д а. Далилларга баҳо бериш**

Суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқиш асосида ички ишонч бўйича баҳо беради.

Ҳар бир далил ишга дахлдорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг ҳаммаси эса, етарли даражада тўпланган ёки тўпланмаганлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб эътироф этилади.

Ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.

#### **68-м о д д а. Тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари**

Тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг ўзларига маълум ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари иш юзасидан тўпланган бошқа далиллар қатори текширилиши ва баҳоланиши лозим.

Тарафлардан бири ўзининг талаблари ёки эътирозларига асос қилиб олган фактларни бошқа тарафнинг тан олиши биринчи тарафни бу фактлар исботини давом эттириш заруриятидан озод қилади. Агар муайян факт хусусида суднинг шубҳаси бўлса, бу факт умумий асосларга кўра исботланиши лозим.

Фактнинг тан олиш суд мажлисининг баённомасига киритилади ва тан олган тараф уни имзолайди. Агар фактнинг тан олиш ёзма аризада баён этилган бўлса, мазкур ариза ишга қўшиб қўйилади.

#### **69-м о д д а. Гувоҳлар**

Ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўла олади.

Куйидагилар гувоҳ сифатида қақририлиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмас:

1) вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар;

2) жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришга лаёқатсиз шахслар.

#### **70-м о д д а. Гувоҳ қақририш тўғрисидаги илтимоснома**

Гувоҳ қақририш ҳақида илтимоснома тақдим этувчи шахс гувоҳнинг иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни тасдиқлай олишини кўрсатиши, исми, отасининг исми ва фамилиясини ҳамда яшаш ёки ишлаш жойини судга маълум қилиши шарт.

#### **71-м о д д а. Гувоҳнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

Гувоҳ сифатида қақрилган шахс судга келиши ва тўғри кўрсатув бериши шарт.

Била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик, суд узр-сиз деб топган сабабларга кўра кўрсатув беришни рад этганлик ёки ундан бўйин товлаганлик учун гувоҳ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

#### **72-м о д д а. Гувоҳларни турар жойларида сўроқ қилиш**

Ишни кўраётган суд жойлашган ердан ташқарида доимий яшайдиган ва узрли сабабларга кўра суд мажлисига келиш имконига эга бўлмаган гувоҳлар суднинг ташаббуси билан, тарафлар ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимоси ёхуд гувоҳнинг ўзи қилган илтимос бўйича ишни кўраётган суднинг топшириғига биноан, ўзлари яшаб турган жойдаги суд томонидан сўроқ қилиниши мумкин. Бу гувоҳлар ишни кўраётган суд мажлисига келсалар, суд томонидан сўроқ қилинадилар.

#### **73-м о д д а. Ёзма далиллар**

Ёзма далиллар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлар, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалардан иборат бўлади.

#### **74-м о д д а. Ёзма далиллар тақдим этиш ва талаб қилиб олиш**

Ёзма далил тақдим этувчи шахс далил билан иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни аниқлаш мумкин эканлигини кўрсатиши, талаб қилиб олиш ҳақида илтимоснома тақдим этилганда эса, бу қандай далил эканлигини кўрсатиши ва ёзма далил муайян шахсда деб ҳисоблаши учун қандай асоси борлигини ҳам баён этиши шарт.

Суд давлат органлари, ташкилотлар ёки фуқаролардан талаб қилган ёзма далиллар бевосита судга юборилади.

Суд ёзма далилни талаб қилиб олиш ҳақида илтимоснома тақдим этган шахсга шу далилни судга тақдим этиш учун олиш ҳуқуқини берадиган сўров хати ҳам топшириши мумкин.

#### **75-м о д д а. Ёзма далилларни тақдим этиш мажбурияти**

Ишда иштирок этмаётган ташкилотлар ва фуқаролар суд талаб қилган ёзма далилларни тақдим этиш имконига эга бўлмасалар, буни судга маълум қилиб, сабабини кўрсатишлари шарт.

Судга маълум қилинмаган тақдирда, шунингдек ёзма далил тақдим этиш узрли сабабсиз рад қилинган тақдирда, суд бунда айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиши мумкин.

Жарима солиш тегишли мансабдор шахсларни ва фуқароларни суд талаб қилаётган ёзма далилни тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

#### **76-м о д д а. Ёзма далилларнинг аслини тақдим қилиш**

Қоида тариқасида, ёзма далилларнинг асли тақдим қилинади. Агар ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилган бўлса, суд зарурат туғилса, ҳужжатнинг аслини тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

#### **77-м о д д а. Ёзма далилларни улар сақланаётган жойда кўздан кечириш ва текшириш**

Ёзма далилларни судга тақдим этиш қийин бўлса, масалан, улар ниҳоятда кўп бўлса ёки улардан фақат бир қисми иш учун аҳамиятли бўлса, суд уларнинг тегишли равишда тасдиқланган кўчирмасини талаб қилиши ёки далилларни улар сақланаётган жойда кўздан кечириши ва текшириши мумкин.

#### **78-м о д д а. Ҳужжатларнинг аслини қайтариш**

Ишдаги ҳужжатнинг асли уни тақдим этган шахснинг илтимосига кўра суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин қайтариб берилиши мумкин, бундай ҳолда ишда ҳужжатнинг судья томонидан тасдиқланган нусхаси қолдирилади.

#### **79-м о д д а. Ашёвий далиллар**

Ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар ашёвий далиллар ҳисобланади.

Ашёвий далилни тақдим этувчи ёки талаб қилиб олишни илтимос қилаётган шахс шу далил орқали иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни аниқлаш мумкинлигини кўрсатиши шарт.

#### **80-м о д д а. Ашёвий далилларни талаб қилиб олиш ва тақдим этиш тартиби**

Ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмаётган шахслардан далил сифатида бирор ашёни талаб қилиб олиш

ҳақида судга илтимоснома тақдим этувчи шахс шу ашёни таърифлаб бериши ва бу ашё у ёки бу шахсда деб ҳисоблаш учун қандай асослари борлигини баён этиши лозим.

Суд ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилган ашёвий далиллар бевосита судга юборилади.

Суд ашёвий далилни талаб қилиб олиш ҳақида илтимоснома тақдим этган шахсга шу далилни судга тақдим этиш учун олиш ҳуқуқини берадиган сўров хати ҳам топшириши мумкин.

#### **81-м о д д а. Ашёвий далилларни тақдим этиш мажбурияти**

Ишда иштирок этмаётган ташкилотлар ва фуқаролар талаб қилинаётган ашёни тақдим этиш ёки суд белгиллаган муддатда келтириш имконига эга бўлмасалар, буни судга маълум қилиб, сабабини кўрсатишлари шарт.

Судга маълум қилинмаган тақдирда, шунингдек суднинг ашёни тақдим этиш тўғрисидаги талаби суд узр-сиз деб топган сабабларга кўра бажарилмаган тақдирда, бунда айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ва фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Жарима солиш тегишли мансабдор шахсларни ва фуқароларни суд талаб қилаётган ашёни тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

#### **82-м о д д а. Тез бузиладиган ашёвий далилларни кўздан кечириш**

Озиқ-овқатлар ва тез бузиладиган бошқа ашёлар ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда, суд томонидан дарҳол кўздан кечирилади. Бундай ашёлар кўздан кечирилганидан кейин кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтарилади ёхуд улардан ўз ўрнида фойдаланиши мумкин бўлган бошқа шахсларга топширилади. Ашё бошқа шахсга берилган тақдирда унинг эгасига ўша хил ва ўша сифатдаги буюмлар ёки қайтариш вақтидаги баҳоси бўйича уларнинг қиймати қайтариб берилиши керак.

#### **83-м о д д а. Ашёвий далилларни сақлаш ва қайтариб бериш**

Ашёвий далиллар суднинг ажримига биноан ишга қўшиб қўйилади ва ишда сақланади ёки алоҳида рўйхат қилиниб, суднинг ашёвий далиллар сақланадиган хонасига топширилади.

Судга келтириб бўлмайдиган ашёлар турган жойда сақланади. Улар батафсил таърифланиши, сурғучланган, зарур ҳолларда эса, фото ёки видео суратга ҳам олинган бўлиши лозим.

Ашёвий далиллар суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтариб берилади ёки суд шу ашёларга кимнинг ҳуқуқи бор деб топган бўлса, ўша шахсларга берилади.

Айрим ҳолларда суд ашёвий далилларни кўздан кечириб ва текшириб чиққанидан кейин башарти, ашёвий далилларни тақдим этган шахслар уларни қайтариб бериш ҳақида илтимоснома тақдим этган бўлсалар ва бундай илтимосномани қаноатлантириш ишни кўриш ва ҳал қилув қарорини ижро этиш учун зарар келтир-

маса, иш тамом бўлгунига қадар улар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтариб берилиши мумкин.

Қонун бўйича фуқароларнинг эгалигида туриши мумкин бўлмаган буюмлар тегишли ташкилотларга топширилади.

#### **84-м о д д а. Экспертиза**

Ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

Экспертиза судда ўтказилади ёки текширишнинг хусусияти тақозо этса ёхуд текшириладиган буюмни судга келтиришнинг имкони бўлмаса ёки келтириш қийин бўлса, суддан ташқарида ўтказилади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда қандай масалалар бўйича экспертларнинг хулосаси талаб қилинаётганлиги ва экспертиза ўтказиш кимга топширилаётганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Экспертларни тайинлашда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини эътиборга олади.

*(Бешинчи ва олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **84<sup>1</sup>-м о д д а. Эксперт**

Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **85-м о д д а. Экспертларнинг хулосаси талаб қилинадиган масалалар доирасини белгилаш**

Ишда иштирок этувчи шахслар экспертлар томонидан тушунтирилиши лозим бўлган масалаларни судга тақдим этишга ҳақли.

Экспертларнинг хулосаси талаб қилинадиган масалалар доирасини суд узил-кесил белгилайди. Суд таклиф қилинган масалаларни рад қилса, буни асослаб бериши шарт.

#### **86-м о д д а. Экспертнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

Эксперт: ушбу Кодекснинг 25 ва 26-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиши; ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма хулоса бериши; суднинг қақрувиغا биноан суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

Агар эксперт суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суднинг қақруви бўйича келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Била туриб ёлғон хулоса берганлик, суд узрсиз деб топган сабабга кўра, шунингдек хулоса беришни рад этганлик ёки бу ишдан бўйин товлаганлик учун эксперт Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишинча 238 ва 240-моддалари бўйича жавобгар бўлади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **87-м о д д а. Экспертнинг ҳуқуқлари**

Эксперт: экспертиза предметиға оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; жойида кўздан кечиришда иштирок этиш ва экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; суд муҳокамасида экспертиза предметиға оид далилларни текширишда иштирок этиш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ва гувоҳларга суднинг руҳсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллиги ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметиға оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари ишда иштирок этувчи шахслар ва гувоҳлар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у суд муҳокамаси юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар ишни юритаётган суднинг қарорлари, судьянинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаятган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқиға эгадир.

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган судга юборади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **88-м о д д а. Экспертнинг ёки экспертлар комиссиясининг хулосаси**

Эксперт ёки экспертлар комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Суд экспертга ўз хулосасини оғзаки тушунтириб беришни таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Оғзаки тушунтириш суд мажлисининг баённомасига киритилади, экспертга ўқиб берилади ва эксперт томонидан имзоланади.

Хулосада: экспертиза ўтказилган сана ва жой; экспертизани ўтказиш асоси; экспертизани тайинлаган судья тўғрисида маълумотлар; эксперт (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантилганлиги; экспертнинг олдида қўйилган саволлар; экспертга тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар экспертлар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар экспертизани тайинлаган суднинг талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги текшириш давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жа-

воб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган судга юборилади.

Суднинг хулосага қўшилмаганлиги иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорида ёки ажримда асослаб берилган бўлиши лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **89-м о д д а. Экспертнинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши**

Экспертиза бир хил (комиссиявий экспертиза) ёки турли хил (комплекс экспертиза) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча эксперт томонидан ўтказилиши мумкин.

Экспертнинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши экспертизани тайинлаган суд ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Экспертзани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси ўз олдида қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олади.

Экспертзани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси таркибидаги ҳар бир эксперт текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз махсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Текширишларнинг экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман ўтказилишига йўл қўйилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **89<sup>1</sup>-м о д д а. Комиссиявий экспертиза**

Комиссиявий экспертиза ўтказилаётганда экспертларнинг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказиши ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади.

Экспертлар умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди.

Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

**89<sup>2</sup>-м о д д а. Комплекс экспертиза**

Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.

Комплекс экспертизани ўтказишда экспертларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида текширишлар олиб боради. Комплекс экспертизанинг хулосасида экспертларнинг ҳар бири қайси текширишларни ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Экспертларнинг ҳар бири хулосанинг ушбу текширишлар баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган экспертлар қилади. Агар экспертлар комиссияси яқуний фикрнинг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида экспертлардан бирининг (алоҳида экспертларнинг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак.

Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Агар комплекс экспертизани ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унда ушбу экспертизани ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

**90-м о д д а. Судда мутахассиснинг иштирок этиши**

Судга ёки суд мажлиси иштирокчиларига далилларни текширишда фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда, судда ишни кўришда иштирок этиш учун мутахассис таклиф қилинади.

Суднинг мутахассис чақириш ҳақидаги талаби мутахассис ишлаб турган ташкилот раҳбари учун мажбурийдир.

**91-м о д д а. Мутахассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Мутахассис ўзининг нима мақсадда судга чақирилаётганини билиш, агар зиммасига юклатилган вазифани бажариш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, ишни юритишда қатнашишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис суднинг чақирuvi бўйича келиши, ишни кўришда қатнашиши, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги билим ва малакасига асосланиб, ўз фикр-ни билдириши шарт.

Агар мутахассис суд узр-сиз деб топган сабабларга кўра суд чақирuvi бўйича келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

**7-БОБ. ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ****92-м о д д а. Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти**

Суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриши шарт:

- 1) агар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этиб, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс қайта ташкил этилса;
- 2) фуқаро (тараф) муомала лаёқатини йўқотса;
- 3) жавобгар Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлса ёки Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар илтимос қилса;
- 4) фуқаровий, жиноий ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ҳал қилинмасдан олдин кўришнинг имкони бўлмаса.

**93-м о д д а. Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи**

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли:

- 1) тараф Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса ёки мазкур шахслар давлатнинг бирорта мажбуриятини бажариш учун жалб қилинган бўлса;
- 2) тараф даволаш муассасасида бўлса, шунингдек тарафлардан бирида судга келишга тўсқинлик қиладиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлса;
- 3) ушбу Кодекснинг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгар қидирилаётган бўлса;
- 4) тараф узок муддатли хизмат сафаридида бўлса ёки бошқа узрли сабабга кўра йўқ бўлса;
- 5) суд томонидан экспертиза тайинланган бўлса.

**94-м о д д а. Иш юритишни тўхтатиб туриш вақти**

Иш юритиш қуйидаги вақтга қадар тўхтатиб турилади:

- 1) ушбу Кодекснинг 92-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолларда – ҳуқуқий ворис ишга киришигача ёки ишга жалб қилингунига қадар ёхуд муомалага лаёқатсиз шахсга қонуний вакил тайинлангунига қадар;
- 2) ушбу Кодекснинг 92-моддаси 3-бандида назарда тутилган ҳолларда – тараф Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлиши тугагунига қадар;
- 3) ушбу Кодекснинг 92-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёки маъмурий тартибда кўрилаётган иш бўйича қарор чиқарилгунига қадар;
- 4) ушбу Кодекснинг 93-моддаси 1-бандида назарда тутилган ҳолларда – тегишлича, тарафнинг Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлиши тугагунига ёки мазкур шахслар давлат мажбуриятини бажариб бўлгунига қадар;
- 5) ушбу Кодекснинг 93-моддаси 2-бандида назарда тутилган ҳолларда – тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки тарафнинг судга келишига тўсқинлик қиладиган касаллик тузалгунига қадар;

6) ушбу Кодекснинг 93-моддаси 3-бандида назарда тутилган ҳолларда – жавобгарни қидириш тамом бўлгунига қадар;

7) ушбу Кодекснинг 93-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – тараф қайтгунига қадар;

8) ушбу Кодекснинг 93-моддаси 5-бандида назарда тутилган ҳолларда – экспертиза ўтказиш тугагунига қадар.

### **95-м о д д а. Суднинг иш юриштишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш**

Суднинг иш юриштишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **96-м о д д а. Иш юриштишни тиклаш**

Иш юриштиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топгач, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташаббуси билан тикланади.

Иш юриштиш тикланганида суд ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларда чақиради.

## **8-БОБ. АРИЗАНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШ**

### **97-м о д д а. Аризани кўрмасдан қолдириш асослари**

Суд куйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради:

1) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

2) манфаатдор шахс номидан аризани иш юриштишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса;

3) суд айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

4) ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисобласа;

5) ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса, ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса.

### **98-м о д д а. Суд ажримининг мазмуни**

Ариза кўрмасдан қолдирилган ҳолларда иш юриштиш суднинг ажримига биноан тамомланади. Бу ажримда суд ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган, ушбу Кодекснинг 97-моддасида санаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиши шарт.

### **99-м о д д а. Аризани кўрмасдан қолдиришнинг оқибатлари**

Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Агар тарафлар суд мажлисига узрли сабабларга кўра кела олмаганликларини тасдиқловчи далилларни тақдим этсалар, даъвогар ёки жавобгарнинг илтимосномасига биноан суд ушбу Кодекс 97-моддасининг 4 ва 5-бандларига асосан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида чиқарган ўз ажримини бекор қилади. Суднинг бундай илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ва хусусий протест келтирилиши мумкин.

## **9-БОБ. ИШ ЮРИШТИШНИ ТУГАТИШ**

### **100-м о д д а. Иш юриштишни тугатиш асослари**

Суд куйидаги ҳолларда иш юриштишни тугатади:

1) иш судга тааллуқли бўлмаса;

2) айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишни қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса;

3) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса;

4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;

5) ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса;

6) тарафлар ўртасида ушбу низо ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса; *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ–106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

7) иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

### **101-м о д д а. Иш юриштишни тугатиш тартиби**

Иш юриштиш суднинг ажримига биноан тугатилади. Агар иш юриштиш ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд аризачи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини кўрсатиши шарт.

### **102-м о д д а. Иш юриштишни тугатиш оқибатлари**

Иш юриштиш тугатилган тақдирда, айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

## **10-БОБ. СУД ХАРАЖАТЛАРИ**

### **103-м о д д а. Суд харажатларининг турлари**

Суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатдир.



**104-м о д д а. Давлат божи**

Судларга даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида аризалар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон ва 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

**105-м о д д а. Даъвонинг баҳоси**

Даъвонинг баҳоси куйидагича белгиланади:

1) пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – ундириладиган суммага қараб;

2) мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича – даъво қилинаётган мулкнинг қийматига қараб;

3) бир қанча мустақил талаблардан иборат даъволар бўйича ҳамма талабларнинг умумий суммасига қараб;

4) алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – бир йиллик тўловларнинг йигиндисига қараб;

5) муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йигиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йигиндисига қараб;

6) муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловларнинг ёки пулларнинг уч йил ичидаги йигиндисига қараб;

7) тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб;

8) тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича – қолган тўловлар ёки пуллар йигиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йигиндисига қараб;

9) мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича – шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йигиндисига қараб;

10) хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгаллик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича – иморатнинг ҳақиқий қийматига қараб, лекин бу миқдор инвентаризация баҳосидан, инвентаризация баҳоси бўлмаганда эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатларга доир даъволар бўйича эса, иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

**106-м о д д а. Даъвонинг баҳосини белгилаш тартиби**

Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.

Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш вақтида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, божнинг кам қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

**107-м о д д а. Даъвонинг баҳоси ўзгартирилганда давлат божини ҳисоблаш**

Даъвогар ўзининг талабларини камайтирган, арз қилган талабларидан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда тўланган бож қайтарилмайди.

Арз қилинган талаблар кўпайтирилганда етишмаган сумма даъвонинг кўпайтирилган баҳосига мувофиқ равишда кўшимча тарзда тўланади.

**108-м о д д а. Давлат божини қайтариб бериш**

Тўланган давлат божи куйидаги ҳолларда қисман ёки тўла қайтарилиши керак:

1) қонун ҳужжатлари бўйича талаб қилинганидан ортиқ бож тўланган бўлса;

2) аризани (шикоятни) қабул қилиш рад этилган бўлса;

3) аризалар (шикоятлар) ушбу Кодекснинг 154-моддасида назарда тутилган асослар бўйича даъвогарга қайтариб берилса;

4) иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли (ушбу Кодекс 100-моддасининг 1-банди) ишни юритиш тугатилган бўлса;

5) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли (ушбу Кодекс 97-моддасининг 1-банди) кўрилмасдан қолдирилган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда давлат божининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилди.

Давлат божини қайтариш суднинг ажрими асосида молия органлари томонидан амалга оширилади.

**109-м о д д а. Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар**

Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга куйидагилар киради:

1) гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

2) жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

3) ушбу Кодекснинг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда, жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

4) суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар.

**110-м о д д а. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш**

Давлат божини тўлашдан озод қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Суд фуқаронинг мулкӣ аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли.

**111-м о д д а. Суд харажатларини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва уларнинг миқдорини камайтириш**

Суд тарафларнинг мулкӣ аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

**112-м о д д а. Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тегишли бўлган суммалар тўланиши ва уларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолиниши**

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар, улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажат тарафлардан ундириб олинган-олинмаганидан қатъи назар, суд томонидан тўланади.

Тўлаш тартиби ва тўланиши лозим бўлган сумманинг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Экспертлар ва мутахассислар суднинг топшириғига мувофиқ бажарган ишлари учун ҳақни бу иш уларнинг хизмат бурчлари доирасига кирмаган тақдирда оладилар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимларнинг судга бориши муносабати билан ишда бўлмаган вақтида иш жойидаги ўртача иш ҳақи қонунда белгиланган тартибда сақланади.

Меҳнат муносабатларига киришмаган гувоҳларга одатдаги машғулотлардан қолдирилганликлари учун амалда сарфлаган вақтларини ва жорий этилган энг кам иш ҳақини ҳисобга олиб ҳақ тўланади.

**113-м о д д а. Суд чиқимларини тўлаш учун маблағларни топшириш тартиби**

Гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга тўланиши лозим бўлган пулни ёки жойга бориб кўздан кечиришга кетадиган харажатлар учун зарур бўлган пулни тегишли илтимос билан мурожаат қилган тараф олдиндан тўлаб қўяди. Агар бу илтимосни иккала тараф қилган бўлса ёки гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни, таржимонларни чақириш, жойга бориб кўздан кечириш суднинг ташаббуси билан амалга оширилса, бунинг учун керакли суммани тарафлар баб-баравар тўлайдилар.

Ушбу моддада кўрсатиб ўтилган суммаларни суд харажатларини тўлашдан озод қилинган тараф тўламайди.

**114-м о д д а. Вакилнинг ёрдами учун ҳақ тўлашга кетадиган харажатларни қоплаш**

Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга кетган харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради.

Агар ҳал қилув қарорига биноан ҳақли бўлиб чиққан тарафга адвокат белгиланган тартибга мувофиқ бепул ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (ҳайъати, фирмаси) фойдасига ундирилади.

**115-м о д д а. Йўқотилган вақт учун ҳақ ундириш**

Суд инсофсизлик билан асоссиз талабларни қўйган ёки арз қилинган талабларга қарши низолашган, ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига мунтазам қаршилик қилиб келган тараф зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин. Ундириладиган ҳақ суд томонидан оқилона миқдорда белгиланади.

**116-м о д д а. Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш**

Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса, даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб бериледи.

Ушбу моддада баён қилинган қоидалар апелляция, кассация шикоят ва назорат тартибда протест келтиришни сўраб ариза берганда тарафлар тўлаган давлат божига ҳам тааллуқлидир. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

Агар юқори турувчи суд ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормай, чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартирса ёки янги ҳал қилув қарори чиқарса, у суд харажатлари тақсимотини ҳам тегишлича ўзгартиради.

**117-м о д д а. Шикоятни кўриш билан боғлиқ чиқимларни тақсимлаш**

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳал қилув қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризани кўриш билан боғлиқ чиқимлар суд томонидан, башарти суд фуқаронинг шикояти ёки аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарса, ана шу фуқаронинг зиммасига ёки, агар органлар ёки мансабдор шахс хатти-ҳаракатларининг ғайриқонунийлигини аниқлаган бўлса, ана шу орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклаши мумкин.

**118-м о д д а. Арз қилинган талаблардан воз кечилганда ва келишув битими тузилганда суд харажатларини тақсимлаш**

Даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, унинг харажатларини жавобгар тўламайди. Лекин талаб

қўйилгандан сўнг уларни жавобгар ихтиёрий равишда қаноатлантирганлиги натижасида даъвогар ўз талабларидан воз кечган бўлса, суд даъвогарнинг илтимоси бўйича унинг иш юзасидан қилган ҳамма суд харажатларини жавобгардан ундириб беради.

Агар тарафлар келишув битими тузиш вақтида суд харажатларини тақсимлаш тартибини назарда тутмаган бўлсалар, суд бу масалани ушбу Кодекснинг 114, 116 ва 120-моддаларига мувофиқ равишда ҳал қилади.

### **119-м о д д а. Суд харажатларини тарафларга қайтариш**

Прокурорнинг, шунингдек бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг арз-талаблари (ушбу Кодекснинг 5-моддаси) бутунлай ёки қисман рад этилганда, жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда қайтариб берилади.

Талабларни қаноатлантириш рад этилганида, ушбу Кодекснинг 42-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда суд томонидан жалб этилган жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Мол-мулкни хатлашни бекор қилиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилган тақдирда, даъвогарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

### **120-м о д д а. Суд харажатларини давлатга қайтариш**

Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари даъвогардан давлат даромадига ундирилади.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган, жавобгар эса, суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларининг рад этилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Агар ҳар икки тараф ҳам суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади.

Жавобгарни қидириш эълон қилинган бўлса (ушбу Кодекснинг 140-моддаси), суд қидирув иши бўйича қилинган харажатларни жавобгардан давлат даромадига ундиради.

### **121-м о д д а. Суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича ажрим устидан шикоят қилиш**

Суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича суд ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

## **11-БОБ. СУД ЖАРИМАЛАРИ**

### **122-м о д д а. Суд жарималари солиш**

Суд жарималари ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва миқдорда солинади.

Жарима солиш тўғрисида ажрим чиқарилади ва унинг нухсаси дарҳол жарима солинган шахсга жўнатилади.

### **123-м о д д а. Жаримани ундириш**

Ташкилотларнинг мансабдор шахсларига суд томонидан солинган жарималар уларнинг шахсий маблағларидан ундирилади.

### **124-м о д д а. Жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш**

Жарима солинган шахс суд ажримининг нухсасини олганидан кейин беш кун ичида жарима солган суддан жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни илтимос қилиши мумкин. Бу ариза жарима солинган шахсни қақирган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ унинг судга келмаслиги аризани кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

### **125-м о д д а. Жарима солиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш**

Суднинг жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

## **12-БОБ. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР**

### **126-м о д д а. Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари**

Процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган муддатларда бажарилади.

Процессуал муддатлар қонунда белгиланмаган ҳолларда, уларни суд тайинлайди.

Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари аниқ календарь сана билан, албатта юз бериши лозим бўлган воқеани кўрсатган ҳолда ёки муайян давр билан белгиланади. Муайян давр билан белгиланганда ҳаракат бутун давр мобайнида бажарилиши мумкин.

### **127-м о д д а. Процессуал муддатларни ҳисоблаш**

Процессуал муддатлар йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Муддатнинг ўтиши календарь сананинг ёки муддатнинг бошланиши деб белгиланган воқеа юз берган куннинг эртасидан бошланади.

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охириги йилининг тегишли ойи ва кунда тамом бўлади.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат тегишли ойда ва муддат охириги ойининг тегишли кунда тамом бўлади.

Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охириги тегишли куни бўлмаган ойда тўғри келса, муддат шу ойнинг охириги кунда тамом бўлади. Бу муддатнинг охириги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган тақдирда ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тамом бўлиши куни ҳисобланади.

Муддати белгиланган процессуал ҳаракат муддатнинг охири куни соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин.

Агар процессуал ҳаракат судда бажарилиши лозим бўлса, белгиланган қоидаларга мувофиқ судда иш тугаган соатда муддат тамом бўлган ҳисобланади.

Агар ариза, шикоят, ҳужжатлар ёки пул суммаси муддатнинг охири куни соат йигирма тўртгача алоқа ташкилотига топширилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади.

### **128-м о д д а. Процессуал муддатларни ўтказиб юбориш оқибатлари**

Процессуал ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи қонунда белгиланган ёки суд тайинлаган муддатнинг ўтиши билан бекор бўлади. Процессуал муддатлар ўтгандан сўнг берилган аризалар, шикоятлар ва ҳужжатлар кўрилмади.

### **129-м о д д а. Процессуал муддатларнинг тўхтатиб турилиши**

Иш юритиш тўхтатиб турилганида тугамаган ҳамма процессуал муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтатиб турилади. Муддатларнинг тўхтатиб турилиши иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар келиб чиққан вақтдан бошланади. Иш юритиш тикланган кундан эътиборан процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади.

### **130-м о д д а. Процессуал муддатларни кечиктириш ва тиклаш**

Суд тайинлаган муддатлар суд томонидан кечиктирилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни суд узрли деб топган сабабларга кўра ўтказиб юборган бўлсалар, мазкур муддат тикланади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилади ва ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза ҳаракат билан бир вақтда, муддати ўтказиб юборилган ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисида суд чиқарган ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **131-м о д д а. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари**

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бу муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ишлар бундан мустасно.

Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича кўзгатилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Қолган фуқаролик ишлари судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.

## **13-БОБ. СУД ХАБАРНОМАЛАРИ ВА ЧАҚИРУВЛАРИ**

### **132-м о д д а. Суднинг чақирув қоғозлари**

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар судга чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақириладилар ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинадилар.

Судья чақирув қоғози билан бир вақтда жавобгарга аризанинг ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам юборади.

Агар жавобгар судга ёзма тушунтириш берган бўлса, судья судга мурожаат қилган шахсга чақирув қоғози билан бирга ана шу тушунтириш хатининг нусхасини ҳам юборади.

### **133-м о д д а. Суд чақирув қоғозининг мазмуни**

Суднинг чақирув қоғозидида куйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) суднинг номи ва аниқ манзили;
- 2) бориш жойи ва вақти;
- 3) шахс қандай иш юзасидан чақирилаётганлиги;
- 4) шахснинг ким тарихида чақирилаётганлиги;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларга иш бўйича ўзлари эга бўлган ҳамма далилларни тақдим этиш тўғрисида таклиф;
- 6) чақирилувчининг шахсан ўзи йўқлиги сабабли чақирув қоғозини қабул қилиб олган шахснинг имконият бўлиши биланоқ уни дарҳол чақирилувчига топширишга мажбурлиги;
- 7) судга келмасликнинг оқибатлари (ушбу Кодекснинг 86, 174, 175 ва 176-моддалари).

### **134-м о д д а. Чақирув қоғозини топшириш муддати**

Чақирув қоғози ишда иштирок этувчи шахсларга ва процесснинг бошқа иштирокчиларига судга ўз вақтида келиш ва ишга тайёрланиш учун етарли вақтга эга бўлишларини мўлжаллаб топширилиши керак.

### **135-м о д д а. Чақирув қоғозини етказиб бериш**

Чақирув қоғози чақирилаётган шахсга тараф ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахс томонидан кўрса-

тилган манзил бўйича етказиб берилади. Агар фуқаро судга маълум қилинган манзилда амалда яшамаса, чақирув қоғози унинг иш жойига юборилиши мумкин.

Чақирув қоғози алоқа ташкилоти орқали топширилганлиги тўғрисида тилхат олиш йўли билан ёки хат-хужжат ташувчи орқали юборилади.

Судья ишда иштирок этувчи шахснинг розилиги билан унга иш бўйича чақириладиган бошқа шахсга топшириш учун чақирув қоғози бериши мумкин.

Судья чақирув қоғозини етказиб бериш вазифасини топширган шахс чақирув қоғозининг иккинчи нусхасини чақирилувчининг чақирув қоғозини олганлиги тўғрисидаги имзоси билан судга қайтариши шарт.

### **136-м о д д а. Чақирув қоғозини топшириш**

Чақирув қоғози фуқарога топширилганида, у чақирув қоғозининг судга қайтариладиган иккинчи нусхасига қоғозни олган вақтини кўрсатиб, имзо чекади.

Ташкилот номига ёзилган чақирув қоғози тегишли мансабдор шахсга топширилади, у чақирув қоғозининг иккинчи нусхасига имзо чекади.

Агар чақирув қоғозини келтирган шахс иш бўйича чақириладиган фуқарони яшаш ёки иш жойида топмас, чақирув қоғози у билан бирга яшайдиган катта ёшдаги оила аъзоларининг бирига, улар ҳам бўлмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки иш берувчига (иш жойи маъмуриятининг мансабдор шахсига) топширилади. Бундай ҳолларда чақирув қоғозини қабул қилиб олган шахс унинг иккинчи нусхасида ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини, шунингдек чақирув қоғози юборилган шахснинг кими эканлигини (эри ёки хотини, отаси, онаси, ўгли, қизи ва ҳоказо) ёки эгаллаб турган лавозимини кўрсатиши шарт. Чақирув қоғозини қабул қилиб олган шахс уни имконият бўлиши билан дарҳол чақирилувчига топшириши шарт.

Чақирилувчи вақтинча бирор жойга кетган бўлса, чақирув қоғозини келтирган шахс унинг иккинчи нусхасига чақирилувчи қаерга кетганлиги ва қачон келиши кутилаётганлиги тўғрисида ёзиб қўяди. Бу маълумотлар тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ёки иш берувчи вакилининг имзоси билан тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши лозим.

### **137-м о д д а. Чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортиш оқибатлари**

Чақирилувчи ўз номига юборилган суднинг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортса, чақирув қоғозини келтирган шахс буни чақирув қоғозидан қайд қилиб, уни судга қайтариб топширади. Чақирилувчи чақирув қоғозини қабул қилиб олишдан бош тортиш ҳақидаги қайд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки чақирилувчининг иш берувчиси (маъмуриятнинг мансабдор шахси) томонидан ёхуд камида икки нафар фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади.

Чақирилувчининг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортиши ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

### **138-м о д д а. Иш юритилаётган вақтда манзили ўзгартириш**

Ишда иштирок этувчи шахслар иш юритилаётган вақтда ўз манзили ўзгаргани ҳақида судга маълум

қилишлари шарт. Акс ҳолда, чақирув қоғози судга маълум бўлган охириги манзил бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда яшамаётган бўлса-да, чақирув қоғози унга топширилган ҳисобланади.

### **139-м о д д а. Жавобгарнинг яшаш жойи номаълумлиги**

Жавобгарнинг амалдаги яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, жавобгарнинг охириги яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд охириги иш жойидаги иш берувчи (маъмуриятнинг мансабдор шахси) чақирув қоғозининг иккинчи нусхасига чақирув қоғози олинганлиги ва чақирилувчининг қаердалиги маълум эмаслиги сабабли уни топширишнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида ёзиб юборган маълумот судга келиб тушгач, суд ишни кўришга киришади.

### **140-м о д д а. Жавобгарни (қарздорни) қидириш**

Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгарнинг (қарздорнинг) амалдаги яшаш жойи номаълум бўлса, жавобгар (қарздор) қидирилиши шарт. Бундай ҳолларда суд ички ишлар органлари жавобгарни (қарздорни) қидириши тўғрисида ажрим чиқаради.

## **II бўлим. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ**

### **1-кичик бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **14-боб. СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК**

### **141-м о д д а. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг судловига тааллуқли ишлар**

Судларга тааллуқли фуқаролик ишлари фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида кўрилади, қонунда бундай ишларни кўриш бошқа судлар ваколатига берилган ҳоллар бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **142-м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тааллуқли ишлар**

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари қонунда ўз ваколатларига берилган фуқаролик ишларини, шунингдек, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб ҳар қандай фуқаро-

лик ишини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**143-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**144-м о д д а.** **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига тааллуқли ишлар**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунда ўз ваколатига берилган фуқаролик ишларини кўриб чиқади, шунингдек алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикасининг исталган судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли.

**145-м о д д а.** **Судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидалари**

Аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади.

Ташкилотларга нисбатан ариза уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

**146-м о д д а.** **Суднинг ўз юритишига қабул қилиб олган ишни бошқа судга ўтказиши**

Суд судловга тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзининг юритишига қабул қилиб олган ишни, гарчи кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса ҳам, мазмунан ҳал қилиши лозим.

Суд қуйидаги ҳолларда ишни кўриш учун бошқа судга ўтказиши:

1) муайян иш бошқа судда, хусусан далилларнинг кўпчилиқ қисми жойлашган ердаги судда ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқилади деб ҳисобласа;

2) илгари турар жойи номаълум бўлган жавобгар ишни ўзи яшаб турган жойдаги судга ўтказишни илтимос қилса;

3) бир ёки бир неча судья рад қилинган, бу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса;

4) иш муайян судда кўрилатганида бу иш судловга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса.

**147-м о д д а.** **Ишни бир суддан бошқасига ўтказиш тартиби**

Иш бир суддан бошқасига суднинг ажримига асосан, бу ажрим устидан шикоят бериш ёки унга нисба-

тан протест келтириш муддати ўтганидан кейин, шикоят берилган ёки протест келтирилган тақдирда эса, шикоятни ёки протестни қаноатлантирмай қолдириш ҳақида ажрим чиқарилганидан кейин ўтказилади.

Бир суддан бошқа судга юборилган иш ана шу кейинги суд томонидан кўриш учун қабул қилиниши керак.

Судловга тааллуқлилиқ тўғрисида низоларга йўл қўйилмайди.

## 15-БОБ. ИШ КЎЗГАТИШ

**148-м о д д а.** **Ариза бериш**

Судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан кўзғатилади.

**149-м о д д а.** **Аризанинг мазмуни**

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили;

3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги;

4) даъвогарнинг талаби;

5) агар даъвои баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси;

6) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;

7) аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, шу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

**150-м о д д а.** **Ариза ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари**

Судга ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилади.

Судья ишнинг мураккаблиги ва хусусиятига қараб, даъвогарни аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишга мажбур қилиши мумкин.

**151-м о д д а.** **Аризани қабул қилиш ва иш кўзгатиш**

Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади.

Фуқаролик иши қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

### **152-м о д д а. Аризани қабул қилишни рад этиш**

Суд куйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этади, агар:

1) ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;  
2) суднинг айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса;

3) суд айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

4) тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса; (*4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда*)

5) иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса;

6) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

7) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш воқолатига эга бўлмаган шахс берган бўлса.

Судьянинг ушбу модда 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этиши, башарти йўл қўйилган хатолар бартараф этилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

### **153-м о д д а. Аризани қабул қилишни рад этишни расмийлаштириш**

Судья ушбу Кодекснинг 152-моддасида кўрсатилган асосларга кўра аризани қабул қилишни рад этар экан, бу ҳақда ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида асослантилган ажрим чиқаради. Башарти иш судга тааллуқли бўлмаса, судья ажримда аризаچи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини ёки иш қўзғатишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни қандай бартараф этишни кўрсатиши шарт.

Ариза иловалар ва ажримнинг нусхаси билан биргаликда даъвогарга қайтариллади.

### **154-м о д д а. Аризани ҳаракатсиз қолдириш**

Судья ариза ушбу Кодекснинг 149 ва 150-моддаларида баён этилган талабларга риоя қилинмай берилганлигини ёки давлат божи тўланмаганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 149 ва 150-моддаларидаги талабларни бажарса ва давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган куни берилган ҳисобланади. Ақс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтариллади ва бу ҳақда ажрим чиқариллади.

### **155-м о д д а. Бир неча талабни бирлаштириш**

Даъвогар бир аризада ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни бирлаштиришга ҳақли.

### **156-м о д д а. Судьянинг бир турдаги ишларни бирлаштириш ҳуқуқи**

Судья шу судда айнан ўша тарафлар иштирок этаётган бир турдаги бир неча иш юритилаётганлигини ёхуд бир шахснинг турли жавобгарларга ёки бир неча даъвогарнинг айнан битта жавобгарга нисбатан аризалари бўйича бир неча иш юритилаётганлигини аниқласа, агар бу ишларни бирлаштириш ишнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса, уларни биргаликда кўриш учун битта ишга бирлаштиришга ҳақли.

### **157-м о д д а. Бир неча талабни ажратиш**

Агар аризани қабул қилаётган судья талабларни алоҳида кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

Бир неча даъвогар томонидан ёки бир неча жавобгарга нисбатан талаблар тақдим этилса, аризани қабул қилаётган судья, агар талабларни алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топса, улардан бири ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

## **16-БОБ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ**

### **158-м о д д а. Ишларни судда кўришга тайёрлаш вазифалари**

Судья аризани қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатганидан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди.

Ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари куйидагилардан иборат:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;

ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.

### **159-м о д д а. Ишни тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш**

Ишни судда кўришга тайёрлашда судья:

1) даъвогарни арз қилган талабларининг моҳияти бўйича сўроқ қилади, ундан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътирозларни аниқлайди ва агар зарур бўлса, даъвогарга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади, шунингдек унинг арз қилган талабларидан воз кечиш ҳуқуқига эга эканлигини ва воз кечишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

2) қоида тариқасида, жавобгарни чақиради, ишнинг ҳолатлари бўйича уни сўроқ қилади, даъвогарнинг

талабига қарши қандай эътирозлари борлигини ва бу эътирозлар қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек унга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши талаблар тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради, алоҳида мураккаб ишлар бўйича эса, жавобгарга иш юзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишни таклиф қилади.

Жавобгар суд мажлисига келмаганлиги ҳамда ёзма тушунтиришлар ва далиллар тақдим этмаганлиги ишдаги мавжуд далиллар асосида ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди;

3) тарафлардан келишув битими тузиш эҳтимолини аниқлайди ва келишув битимнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради.

### **160-м о д д а. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари**

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишга учинчи шахсларнинг жалб этилиши ёки киришиши масаласини ҳал қилади ва ишда иштирок этишига йўл қўйилган учинчи шахсларни ушбу Кодекснинг 159-моддасига мувофиқ сўроқ қилади;

2) ишни кўришда вакилларнинг қатнашиши масаласини ҳал қилади;

3) ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги ва тегишли давлат бошқаруви органини суд процессида қатнашишга жалб этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади;

4) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган ташкилот ёки фуқаронинг иш якунидан манфаатдорлигини аниқласа, уларга, шунингдек прокурорга юритилаётган ишни ва уни кўриш вақтини маълум қилади;

5) гувоҳларни суд мажлисига чақириш ёки уларни ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган тартибда сўроқ қилиш масаласини ҳал қилади;

6) ташкилотлар ёки фуқаролардан ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади ёки бу далилларни олиб, судга тақдим этиш учун ишда иштирок этувчи шахсларга талабнома беради;

7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, экспертиза тайинлаш ва мутахассис жалб қилиш масаласини ҳал қилади;

8) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиб, жойда кўздан кечириш ўтказиши;

9) бошқа судларга суд топшириқлари юборади;

10) ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Судья ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан туриб, ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан қилган ҳаракатларини ажрим шаклида расмийлаштиради. Бу ажрим устидан апелляция шикоятидан алоҳида тарзда шикоят қилиниши мумкин эмас. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **161-м о д д а. Ишни судда кўришга тайинлаш**

Судья ишни етарли даражада тайёрланган деб топган, уни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради, тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилади.

## **17-БОБ. СУДДА ИШНИ КЎРИШ**

### **162-м о д д а. Суд мажлиси**

Фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахсларни албатта хабардор қилган ҳолда суднинг очиқ мажлисида кўрилади.

Ёпиқ суд мажлиси қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаби билан ёки суднинг ташаббуси билан ўтказилади.

### **163-м о д д а. Суд мажлисини очиш**

Ишни кўриш учун тайинланган вақтда судья (судьялар) мажлис залига киради, суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилади.

### **164-м о д д а. Суд мажлисида раислик қилувчи**

Суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади.

Раислик қилувчи суд мажлисини бошқариб, ишнинг барча ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, ҳар тарафлама ва ҳолисона аниқланишини, суд процессининг тарбиявий таъсирини таъминлайди, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд муҳокамасидан четлатади.

Ишда иштирок этувчи шахслар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, гувоҳлардан бирортаси раислик қилувчининг хатти-ҳаракатига эътироз билдирса, бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига киритилади ва масала суд томонидан ҳал қилинади.

Раислик қилувчи суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўради.

### **165-м о д д а. Суд мажлиси залидаги тартиб**

Судья (судьялар) мажлис залига кириб келганида ва ундан чиқиб кетаётганида суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўрнидан туради.

Ўн олти ёшга тўлмаган фуқаролар, агар улар ишда иштирок этувчи шахс ёки гувоҳлар бўлмаса, суд мажлиси залига қўйилмайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар судга мурожаат қилишда, ўзларининг кўрсатув ва тушунтиришларини баён қилишда тик туриб гапирадилар. Бу қоидадан узрли сабабга кўра четга чиқишга фақат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, шунингдек суд мажлиси залида ҳозир бўлган ҳамма фуқаролар суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилишлари ва раислик қилувчининг фармойишларига сўзсиз итоат этишлари шарт.

Суднинг алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарган қарорларини суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси тик туриб эшитади.

### **166-м о д д а. Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўрилади-ган чоралар**

Ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради.



Ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса, раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Фуқаролар оммавий тарзда тартибни бузган тақдирда суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантирилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар, агар уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилиши мумкин. Айни бир вақтда суд хусусий ажрим чиқаради, ушбу ажрим тегишинча юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборилади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

Суд мажлисида тараф ёки учинчи шахс тартибни бузса, суд тартиббузарни иш кўриладиган ҳамма вақтга ёки унинг бир қисмига мажлис залидан чиқариб юборади. Вақтинча чиқариб юборилган шахс суд мажлиси залига қайтадан қўйилганда раислик қилувчи уни залда бўлмаган вақтида қилинган процессуал ҳаракатлар билан таништиради. Суд мажлисида ҳар икки тараф (учинчи шахслар) тартибни бузса, суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Суд мажлисида тартибни бузган ёки судга нисбатан бошқача тарзда ҳурматсизлик қилган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

#### **167-м о д д а. Суд процесси иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текшириш**

Суд мажлисининг котиби иш бўйича чақирилганлардан кимлар келганлигини, келмаганларга чақирув қоғози топширилган-топширилмаганлигини, уларнинг келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини судга маълум қилади.

Суд келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ва вакилларнинг ваколатини текширади.

#### **168-м о д д а. Таржимонга унинг вазифаларини тушунтириш**

Раислик қилувчи таржимонга унинг вазифаси суд иш юритаётган тилни билмайдиган шахсларнинг тушунтиришларини, кўрсатувларини, арзларини, бу шахсларга эса, тушунтиришларнинг, кўрсатувларнинг, арзларнинг, ўқиб эшиттириладиган ҳужжатларнинг мазмунини, шунингдек раислик қилувчининг фармойишларини, иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ва ажримини таржима қилиб беришдан иборат эканлигини тушунтиради.

Раислик қилувчи таржимонни била туриб ёлгон таржима қилганлик учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддаси бўйича жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиради.

#### **169-м о д д а. Гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариш**

Гувоҳларнинг келганлиги текширилгач, улар суд мажлиси залидан чиқарилади. Раислик қилувчи сўроқ қилинган гувоҳлар сўроқ қилинмаган гувоҳлар билан муомалада бўлмаслиги учун чоралар кўради.

#### **170-м о д д а. Суд таркибини эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш**

Раислик қилувчи суднинг таркибини (судьяни) эълон қилади, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби сифатида кимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этаётган шахсларга уларни рад қилиш тўғрисида арз қилиш ҳуқуқларини тушунтиради.

Рад қилиш учун асослар, рад қилиш ҳақидаги арз-ни ҳал қилиш тартиби ва бундай арзларни қаноатлантириш оқибатлари ушбу Кодекснинг 3-бобида мувофиқ белгиланади.

#### **171-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш**

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради. Бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

#### **172-м о д д а. Эксперт ва мутахассисларга уларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини тушунтириш**

Раислик қилувчи эксперт ва мутахассисга уларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини тушунтиради, экспертни била туриб ёлгон ҳулоса берганлик, ҳулоса беришдан бош тортганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишинча 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиради.

#### **173-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномалари суд томонидан ҳал қилиниши**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикр-мулоҳазалари тингланганидан кейин суднинг ажрими билан ҳал қилинади.

#### **174-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари**

Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда, унга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисида маълумот бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Агар ишда иштирок этувчи шахслар тегишли тартибда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлиб, суд узрли деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаган бўлсалар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Тарафлар судга келмаслик сабаблари ҳақида маълумот беришлари ва бу сабабларнинг узрилигига далиллар тақдим этишлари шарт. Башарти жавобгарнинг келмаганлик сабаблари ҳақида маълумот бўлмаса ёки суд келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёхуд жавобгар иш юритилишини қасддан чўзаётган бўлса, суд ишни кўришга ҳақли.

Тарафлар ишни ўзларининг иштирокларисиз кўришни ва ўзларига суднинг ҳал қилув қароридан нусха юборишни илтимос қилишга ҳақли. Агар ишнинг ҳолатлари бўйича зарур бўлса, суд тарафларнинг суд мажлисида иштирок этишини шарт деб топиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили ишни судда кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлишига қарамай, судга келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Прокурор ёки адвокатнинг узрсиз сабаблар билан келмаганлиги тўғрисида суд хусусий ажрим чиқаради ва бу ҳақда тегишли юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига маълум қилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

#### **175-м о д д а. Тарафлар узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари**

Агар тарафлар (даъвогар ва жавобгар) узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса ёхуд уларнинг бирортасидан ҳам ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза тушмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра келмасалар, суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра келмаса, суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

#### **176-м о д д а. Гувоҳ, эксперт, мутахассис суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари**

Гувоҳ, эксперт ёки мутахассис суд мажлисига келмаган тақдирда, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни гувоҳ, эксперт ёки мутахассис келмаса ҳам кўриш мумкинлиги ҳақидаги фикрини эшитиб, ишни судда кўришни давом эттириш ёки ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар чақирилган гувоҳ суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, у судга ҳурматсизлик қилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 180-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар чақирилган гувоҳ иккинчи чақирув бўйича ҳам суд мажлисига келмаса, у суднинг ажримига биноан мажбурий тартибда келтирилиши мумкин.

Эксперт ёки мутахассиснинг суд мажлисига келмаганлиги ушбу Кодекснинг 86 ва 91-моддаларида назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлади.

#### **177-м о д д а. Ишни кўришни кейинга қолдириш**

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек муайян суд мажлисида ишни кўришнинг имкони бўлмаган бошқа ҳолларда суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Суд ишни кўришни кейинга қолдирар экан, навбатдаги суд мажлисининг вақтини белгилайди ва бу ҳақда ҳозир бўлган шахсларга эълон қилиб, уларнинг имзосини қўйдириб олади. Судга келмаган ва процессда иштирок этишга янги жалб қилинадиган шахслар навбатдаги суд мажлисининг вақти тўғрисида чақирув қозғоли орқали хабардор қилинадилар.

Кейинга қолдирилган ишни кўриш қолган жойидан давом эттирилади. Бироқ, агар иш ушбу Кодекснинг 33-моддасида санаб ўтилган янги шахсларни жалб қилиш учун кейинга қолдирилган бўлса, ишни кўриш янгидан бошланади.

#### **178-м о д д а. Ишни кўриш кейинга қолдирилганида гувоҳларни сўроқ қилиш**

Ишни кўриш кейинга қолдирилганида, агар ишда иштирок этаётган ҳамма шахслар суд мажлисига келган бўлиб, гувоҳларнинг иккинчи марта келиши қийин бўлса, суд келган гувоҳларни сўроқ қилиши мумкин. Бу гувоҳлар кейинги суд мажлисига фақат зарур ҳоллардагина қайтадан чақирилади.

#### **179-м о д д а. Ишни мазмунан кўришнинг бошланиши**

Ишни мазмунан кўриш раислик қилувчининг иш тўғрисидаги маърузасидан бошланади. Сўнгра раислик қилувчи даъвогардан ўз талабларини қувватлаш-қувватламаслигини, жавобгардан даъвогарнинг талабларини тан олиш-олмаслигини ва тарафларнинг ишни келишув битими билан тамомлашни исташ-истамасликларини сўрайди.

#### **180-м о д д а. Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими**

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганлиги ёки тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишлича, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар арз қилган талабларни тан олганлиги ёки тарафларнинг келишув битими уларнинг судга юборган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилишдан ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга тегишли процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтиради.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва шу ажрим билан иш юритишни ҳам тугатади. Ажримда тарафларнинг келишув битимидаги шартлар кўрсатилиши керак.

Жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ва суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Агар суд жавобгарнинг арз қилинган талабларни тан олишни қабул қилмаса ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқламаса, бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради ва ишни мазмунан кўради.

### **181-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари**

Иш тўғрисида маъруза қилинганидан сўнг, суд даъвогар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, жавобгар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза берган прокурор, шунингдек бошқа шахслар арз қилган талаблари бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаш учун биринчи бўлиб сўзга чиқадилар.

Ишда иштирок этувчи шахслар бир-бирларига саволлар беришга ҳақлидирлар.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёзма тушунтиришлари ва ушбу Кодекснинг 63, 65, 66 ва 72-моддаларида назарда тутилган тартибда суд олган тушунтиришлар ўқиб эшиттирилади.

### **182-м о д д а. Далилларни текшириш тартибини белгилаш**

Суд тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитиб, гувоҳларни, экспертларни сўроқ қилиш ҳамда бошқа далилларни текшириш тартибини белгилайди.

### **183-м о д д а. Гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби**

Ҳар бир гувоҳ алоҳида сўроқ қилинади.

Сўроқ қилинмаган гувоҳлар ишни кўриш вақтида суд мажлиси залида бўлишлари мумкин эмас.

Раислик қилувчи гувоҳни сўроқ қилишдан олдин унинг шахсини, ёшини, машғулот турини, шу ишга алоқасини ҳамда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар билан ўзаро муносабатини аниқлайди, шунингдек уни била туриб ёлгон кўрсатув берганлик, кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишинча 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиради. Шундан кейин раислик қилувчи гувоҳга: «Иш юзасидан ўзим билган барча маълумотларни судга айтиб беришга қасам ичаман. Фақат ҳақиқатни, бор ҳақиқатни ва танҳо

ҳақиқатни айтаман», деб ошкора қасамёд қилишни таклиф этади.

Гувоҳларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги тўғрисида улардан тилхат олинади. Қасамёд матни ва тилхат суд мажлиси баённомасига кўшиб қўйилади.

Раислик қилувчи гувоҳга иш бўйича шахсан ўзи билган маълумотларни судга айтиб беришни таклиф қилади. Шундан сўнг гувоҳга саволлар берилиши мумкин.

Гувоҳ кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, ана шу шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса ишда иштирок этаётган бошқа шахслар гувоҳга саволлар беради. Суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга саволларни биринчи бўлиб даъвогар беради.

Судья (судьялар) гувоҳга у сўроқ қилинаётганида исталган вақтда савол беришга ҳақлидир.

Сўроқ қилинган гувоҳлар ишни кўриш тамом бўлгунча қадар суд мажлиси залида қолишлари лозим. Суд сўроқ қилинган гувоҳлар ишни кўриш тамом бўлмасидан олдин суд мажлиси залидан чиқиб кетишарган тарафларнинг розилиги билан рухсат бериши мумкин.

Зарур ҳолларда суд гувоҳни бир мажлиснинг ўзида ёки келгуси мажлисда такроран сўроқ қилиши, шунингдек гувоҳларнинг кўрсатувларида мавжуд бўлган зиддиятларни аниқлаш учун уларни юзлаштириши мумкин.

### **184-м о д д а. Гувоҳнинг ёзма хотиралардан фойдаланиш ҳуқуқи**

Гувоҳ кўрсатув беришда кўрсатув бирон-бир ҳисоблар ёки хотирада сақлаб қолиш қийин бошқа маълумотлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ёзма хотиралардан фойдаланиши мумкин. Бу ёзма хотиралар судга ва ишда иштирок этувчи шахсларга кўрсатилади ва суднинг ажрими билан ишга кўшиб қўйилиши мумкин.

### **185-м о д д а. Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилиш тартиби**

Раислик қилувчи ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳларга иш бўйича ўзлари билган ҳамма маълумотларни рўйроқ айтиб беришлари шарт эканлигини тушунтиради, бироқ улар кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгар бўлиш тўғрисида огоҳлантирилмайди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган гувоҳларни сўроқ қилишда, суд лозим топган тақдирда эса, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда мутахассис (ўқитувчи), зарур ҳолларда эса, уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, уларнинг васий ва ҳомийлари чақирилади. Бу шахслар раислик қилувчининг рухсати билан гувоҳга саволлар бериши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилиш вақтида ишда иштирок этувчи у ёки бу шахс суднинг ажрими билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Бу шахс мажлис залига қайтиб кирганидан кейин унга вояга етмаган гувоҳнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилиши ва гувоҳга саволлар бериш имконияти яратилиши лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиб бўлгач, суд мажлиси залидан чиқариб юборилади, суд бу гувоҳнинг мажлис залида бўлишини зарур деб топган ҳоллар бундан мустасно.

### **186-м о д д а. Гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириш**

Суд томонидан ушбу Кодекснинг 63, 65, 66 ва 72-моддаларида назарда тутилган тартибда гувоҳлардан олинган кўрсатувлар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

### **187-м о д д а. Ёзма далилларни текшириш**

Ёзма далиллар ёки уларни кўздан кечириш тўғрисида ушбу Кодекснинг 63, 65, 66 ва 72-моддаларида назарда тутилган тартибда тузилган баённомалар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса, эксперт, мутахассис ва гувоҳларга танишиш учун тақдим этилади. Шундан кейин ишда иштирок этувчи шахслар мазкур далиллар хусусида тушунтиришлар беришлари мумкин.

### **188-м о д д а. Фуқароларнинг шахсий ёзишмалари, телеграф ва бошқа хил маълумотларини ўқиб эшиттириш**

Фуқароларнинг ёзишмалари, телеграф ва бошқа хил маълумотларини сир сақлаш мақсадида уларнинг шахсий ёзишмалари, телеграф ва бошқа хил маълумотлари шу ёзишма, телеграф ва бошқа хил маълумотларни ўзаро алмашган шахсларнинг розилиги билан суднинг очик мажлисида ўқиб эшиттирилиши мумкин. Акс ҳолда бундай ёзишма, телеграф ва бошқа хил маълумотлар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

### **189-м о д д а. Хужжатнинг қалбакилиги тўғрисида арз қилиш**

Ишда мавжуд бўлган хужжат қалбаки деб арз қилинган тақдирда, бу хужжатни тақдим этган шахс уни далиллар қаторидан чиқариб, ишни бошқа далиллар асосида ҳал этишни суддан илтимос қилиши мумкин.

Агар хужжатни тақдим этган шахс бундай арз билан мурожаат қилмаса ёки хужжат суднинг ўз ташаббуси билан талаб қилиб олинган бўлса, хужжатнинг қалбакилиги тўғрисида арз қилган шахс ўзининг даъвосини исбот қилиши шарт.

### **190-м о д д а. Хужжатнинг қалбакилиги тўғрисидаги аризани текшириш**

Хужжатнинг қалбакилиги тўғрисидаги аризани текшириш учун суд экспертиза тайинлаши ёки бошқа далиллар талаб қилиши мумкин.

Агар суд хужжат қалбаки деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқаради. Зарур ҳолларда суд материалларни прокурорга юборади.

### **191-м о д д а. Ашёвий далилларни текшириш**

Ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса, эксперт, мутахассис ва гувоҳларга ҳам кўрсатилади.

Ашёвий далиллар кўрсатилган шахслар суднинг эътиборини кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган у ёки бу ҳолатларга қаратишлари мумкин. Бундай арзлар суд мажлисининг баённомасига киритилади.

Ашёвий далилларни кўздан кечириш тўғрисида ушбу Кодекснинг 63 ва 66-моддаларида назарда тутилган тартибда тузилган баённомалар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, шундан кейин ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришлар беришлари мумкин.

### **192-м о д д а. Далилларни жойида кўздан кечириш**

Судга келтириш мумкин бўлмаган ёзма ва ашёвий далиллар уларнинг турган жойида кўздан кечирилади ва текширилади. Жойида кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Далилларни жойида кўздан кечириш суднинг бутун таркиби томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган, зарур ҳолларда эса, экспертлар, мутахассислар ва гувоҳлар чақирган ҳолда ўтказилади.

Кўздан кечириш жойига борганда, раислик қилувчи суд иш кўришни давом эттириши тўғрисида эълон қилади, ишни кўриш ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга биноан олиб борилади. Кўздан кечириш натижалари суд мажлисининг баённомасига киритилади. Баённомага кўздан кечириш пайтида тузилган ёки текширилган барча режалар, чизмалар, суратлар илова қилиниши мумкин.

### **193-м о д д а. Экспертни сўроқ қилиш**

Экспертнинг хулосаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилади. Шундан кейин хулосани тушунтириш ва тўлдириш мақсадида экспертга саволлар берилиши мумкин.

Экспертиза кимнинг аризаси бўйича тайинланган бўлса, ўша шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар саволлар беради.

Суднинг ташаббуси билан тайинланган экспертга биринчи бўлиб даъвогар саволлар беради.

Эксперт сўроқ қилинаётганида судья (судьялар) унга исталган вақтда саволлар беришга ҳақлидир.

### **194-м о д д а. Кўшимча ва қайта экспертизалар**

Кўшимча экспертиза эксперт (экспертлар комиссияси) хулосасидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади.

Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослан-тирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

Қайта экспертиза тайинланганда эксперт (экспертлар комиссияси) олдига илгари қўлланилган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қайта экспертизани тайинлаш тўғрисидаги ажримда қайта экспертизани тайинлаган суднинг биринчи (олдинги) экспертиза хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Қайта экспертизани ўтказиш бошқа экспертга (экспертлар комиссиясига) топширилади. Биринчи (олдинги) экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси) қайта экспертизани ўтказишда ҳозир бўлиши

ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у текшириш ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **195-м о д д а. Мутахассисни сўроқ қилиш**

Мутахассис билдирган фикрни ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида суд мажлисида унга саволлар берилади.

Мутахассис кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, ўша шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар саволлар беради.

Суднинг ташаббуси билан чақирилган мутахассисга биринчи бўлиб даъвогар саволлар беради.

Мутахассис сўроқ қилинаётганида судья (судьялар) унга исталган вақтда саволлар беришга ҳақлидир.

#### **196-м о д д а. Давлат бошқаруви органларининг хулосалари**

Суд томонидан процессда иштирок қилиш учун жалб этилган ёки ўз ташаббуси билан процессга киришган давлат бошқаруви органларининг хулосалари суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, кейин хулосани ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида суд, ишда иштирок этувчи шахслар мазкур органларнинг вакиллариغا саволлар беришлари мумкин.

#### **197-м о д д а. Ишни мазмунан кўришни тасомлаш**

Иш бўйича тўпланган ҳамма далиллар текшириб бўлинганидан кейин раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан иш материалларини бирор тарзда тўлдириш истаклари бор-йўқлигини сўрайди. Бундай арзлар бўлмаса, раислик қилувчи ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилади ва суд музокараларни эшитишга ўтади.

#### **198-м о д д а. Суд музокаралари**

Суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахсларнинг нутқларидан иборат бўлади.

Суд музокарасида қатнашувчилар ўз нутқларида суд аниқламаган ҳолатларни, шунингдек суд мажлисида текширилмаган далилларни ваз қилиб келтиришга ҳақли эмаслар.

Дастлаб даъвогар ва унинг вакили, кейин жавобгар ва унинг вакили сўзлайди. Бошланган процессда низо предметиға нисбатан мустақил талаби борлигини арз қилган учинчи шахс ва унинг вакили тарафлардан кейин сўзлайди. Низо предметиға нисбатан мустақил талаби борлигини арз қилмаган учинчи шахс ва унинг вакили шу учинчи шахс ишда қайси даъвогар ёки жавобгар томонида иштирок этувчи бўлса, ана шу даъвогар ёки жавобгардан кейин сўзлайди.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор, шунингдек давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар вакиллари ёки

айрим фуқаролар суд музокараларида биринчи бўлиб сўзлайдилар.

Суд томонидан процессда иштирок қилишга жалб этилган ёки процессга ўз ташаббуси билан киришган давлат бошқаруви органларининг вакиллари суд музокараларида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзлайдилар.

Музокара иштирокчилари бир-бирларига луқма ташлашлари мумкин. Охириги луқма ҳуқуқига доимо жавобгар ва унинг вакили эга бўлади.

#### **199-м о д д а. Прокурорнинг фикри**

Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзгатилган ишлар бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **200-м о д д а. Ишни мазмунан кўришни тиклаш**

Суд музокараларини эшитгач, суд иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текширишни зарур деб топса, ишни мазмунан кўришни тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради. Ишни мазмунан кўриш тамом бўлганидан кейин, суд музокаралари умумий тартибда ўтказилади.

#### **201-м о д д а. Суднинг ҳал қилув қарорини чиқариш учун маслаҳатхонага кириши**

Суд музокараларини эшитгач, суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

#### **202-м о д д а. Суднинг ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттириш**

Суд ҳал қилув қарори имзоланганидан кейин суд мажлиси ўтказилаётган залга қайтиб киради ва раислик қилувчи суднинг ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттиради. Раислик қилувчи суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини тушунтиради ҳамда шу иш юзасидан суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилади.

### **18-БОБ. СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

#### **203-м о д д а. Ҳал қилув қарори чиқариш**

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилган қарори ҳал қилув қарори шаклида чиқарилади.

Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради.

Суднинг ҳал қилув қарори иш кўриб бўлинганидан сўнг дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда жуда мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини суд ишни кўриш тамомланган мажлисининг ўзидаёқ эълон қилиши керак. Айни бир вақтда суд ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишиб чиқилари мумкинлигини эълон қилади. Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми судья (судьялар) томонидан имзоланади ва ишга қўшиб қўйилади.

#### **204-м о д д а. Суд маслаҳатлашувининг сир тутилиши**

Ҳал қилув қарори судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади, ёзма равишда тузилади ва судья томонидан имзоланади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

#### **205-м о д д а. Ҳал қилув қарори чиқариш вақтида ечиладиган масалалар**

Суд ҳал қилув қарорини чиқараётганида далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланганлигини, қандайлари аниқланмаганлигини, бу ишга нисбатан қандай қонун қўлланилиши лозимлигини ва арз қилинган талабни қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини аниқлайди.

Суд, шунингдек, суд харажатларини тақсимлайди, ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини белгилайди, бошқа қўшимча масалаларни ҳал этади.

Агар иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текшириш зарур бўлиб қолса, суд ҳал қилув қарори чиқармасдан, ишни судда кўришни тиклайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Бундай ҳолда суд ишни фақат қўшимча текширишга муҳтож ҳолатлар доирасидагина кўради.

#### **206-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг мазмуни**

Ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирозлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганли-

ги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим.

#### **207-м о д д а. Суднинг арз қилинган талаблар доирасидан четга чиқиш ҳуқуқи**

Суд ишни даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасида ҳал қилади. Бироқ, суд даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқиши мумкин.

#### **208-м о д д а. Ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини белгилаш, ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш**

Суд ҳал қилув қарорини ижро этишнинг муайян тартиби ва муддатини белгиласа ёки ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилишини зарур деб топса ёхуд унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрса, бу ҳақда ҳал қилув қароридан кўрсатилади.

#### **209-м о д д а. Ташкилотлардан пул суммалари ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Суд ташкилотлардан пул суммалари ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан ундириладиган пул суммасининг турини, шунингдек ундириладиган сумма жавобгарнинг банкдаги қайси ҳисобидан олиниши кераклигини кўрсатади.

#### **210-м о д д а. Мол-мулкни ёки унинг қийматини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Суд мол-мулкни натура тарзида ундириш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қароридан, агар ҳал қилув қарорини ижро этиш вақтида мазкур мулк нақд бўлмаса, жавобгардан ундириб олиниши лозим бўлган мулк қийматини кўрсатади.

#### **211-м о д д а. Жавобгар зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори**

Суд жавобгар зиммасига мол-мулк ёки пул бериш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қароридан, агар жавобгар ҳал қилув қарорини белгиланган муддатда бажармаса, даъвогар бу ҳаракатларни жавобгарнинг ҳисобидан бажариб, қилган харажатларини кейинчалик жавобгардан ундириб олишга ҳақлидир, деб кўрсатиши мумкин. Агар мазкур ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, суд ҳал қилув қароридан уни бажариш лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди.

### **212-м о д д а. Суднинг ҳал қилув қарори ўзгармаслиги**

Иш бўйича ҳал қилув қарори ўқиб эшиттирилганидан кейин шу қарорни чиқарган суднинг ўзи уни беқор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас, сиртдан чиқарилган қарор бундан мустасно.

### **213-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш**

Суд ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатоларни ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра тузатиши мумкин. Тузатиш киритиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги тузатиш киритиш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **214-м о д д а. Қўшимча ҳал қилув қарори**

Иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризаларига кўра ёки ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкин:

1) ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, ундирилган сумма миқдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

2) арз қилинган талабларнинг бирортаси бўйича ишда иштирок этувчи шахслар далиллар келтирган ва тушунтиришлар берган бўлсалар-у, лекин бу ҳусусда ҳал қилув қарори чиқарилмаган бўлса;

3) ҳал қилув қароридан суд харажатларини тақсимлаш кўрсатилмаган бўлса.

Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай қўзғатилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарори суд томонидан масала ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилганидан сўнг қабул қилинади ва унинг устидан апелляция тартибида шикоят берилиши ҳамда унга нисбатан протест келтирилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш тўғрисидаги талабни рад этиш ҳақидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **215-м о д д а. Ҳал қилув қарорини тушунтириш**

Ҳал қилув қарори тушунарли бўлмаса, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек суд ижросисининг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақли. *(Бирин-*

*чи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ – 199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Агар ҳал қилув қарори ижро қилинмаган ва уни мажбурий ижро қилдириш мумкин бўлган муддат ўтмаган бўлсагина, ҳал қилув қарорини тушунтиришга йўл қўйилади.

Ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи ишда иштирок этаётган шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг судга келмаслиги ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда кўриб чиқади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ – 199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи юзасидан суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **216-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш**

Алоҳида ҳолларда, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш жойидаги суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризасига кўра, тарафларнинг мулкий аҳволи ёки бошқа ҳолатларга қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга йўл қўйишга, шунингдек уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли. Мазкур аризалар ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги суд олдида қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек суд ҳужжатини ижро этиш суд ижросининг иш юритувида бўлса, суд ижросисига юборилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ – 199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, шунингдек ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги масала бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **217-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши**

Суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса,

апелляция шикоятни бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин тарафлар ва ишда иштирок этган бошқа шахслар, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ворислари судга ўша талаблар билан, ўша асослар бўйича янгидан арз қилишлари, шунингдек, бошқа процессда суд аниқлаган фактлар ва ҳуқуқий муносабатлар ҳақида низолашишлари мумкин эмас.

Агар иш судда ушбу Кодекснинг 5-моддасида назарда тутилган тартибда прокурор ёки давлат бошқаруви органи, ташкилот ёки айрим фуқаролар томонидан бошланган бўлса, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори иш кимнинг манфаатини кўзлаб кўзгатилган бўлса, ана шу шахс учун мажбурийдир. Агар жавобгардан даврий тўловлар (алиментлар, соғлиққа шикаст етказилганда кўрилган зарарни қоплаш ёки ўлганлик билан боғлиқ тўловлар ва ҳоказолар) ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин тўловлар миқдори ёки муддатини белгилашга таъсир этувчи ҳолатлар жиддий равишда ўзгарса, ҳар бир тараф янгидан ариза бериш йўли билан тўловларнинг миқдори ва муддатини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

#### **218-м о д д а. Ҳал қилув қарорини ижро этиш**

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг ижро этилади, дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустафно.

#### **219-м о д д а. Дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари**

Суднинг қуйидаги ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши шарт:

- 1) алиментлар ундириш тўғрисидаги;
- 2) ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги;
- 3) майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етиши, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш тўғрисидаги;
- 4) меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги;
- 5) судда ишни кўриш вақтида жавобгар даъвони бутунлай ёки қисман тан олганлигига қараб, тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган талаблар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари.

#### **220-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига суднинг йўл қўйиш ҳуқуқи**

Суд қуйидаги ҳал қилув қарорлари бутунлай ёки қисман дарҳол ижро этилишига йўл қўйиши мумкин:

- 1) даъвогар ва жавобгар суднинг чиқарган ҳал қилув қарорига ва унинг дарҳол ижро этилишига рози бўлганда;
- 2) муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасидан фойдаланганлик учун унга ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарори;
- 3) алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин бўлган ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмай қолган ҳамма бошқа ишлар бўйича.

Ушбу модданинг биринчи қисми 1-бандида кўрсатилган асослар бўйича дарҳол ижро этилишига йўл қўйилган тақдирда, тарафларнинг розилиги суд мажлисининг баённомасига киритилади ва тарафлар томонидан имзоланади. Агар тарафларнинг розилиги суд номига юборилган ёзма аризаларда ифодаланган бўлса, бу аризалар ишга қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

Ушбу модданинг биринчи қисми 3-бандида кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилганида суд даъвогардан суднинг қарори бекор қилинган тақдирда, ундирилган нарсалар қайтарилишини таъминлашни талаб қилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг апелляция шикоятни бериш ва протест келтириш муддати ичида ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги дарҳол ижро этиш масаласини ҳал қилишга тўсқинлик қилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоят ёки келтирилган протест бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди.

#### **221-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилмаслиги**

Қуйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилмайди:

- 1) дарҳол ижро этиш натижасида мулкнинг ҳолати ўзгариб, ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда мулкни илгариги ҳолатига келтириш мумкин бўлмаса ёки жуда қийин бўлса;
- 2) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги ишларга тааллуқли бўлса.



**222-м о д д а. Хал қилув қарорининг ижроси-ни таъминлаш**

Суд дарҳол ижро этишга қаратилмаган хал қилув қарорининг ижросини ушбу Кодекснинг 24-бобида белгиланган қоидалар бўйича таъмин қилиши мумкин.

**223-м о д д а. Тарафларга ва бошқа шахсларга суднинг хал қилув қарорлари ва ажримларидан нусхалар юбориш**

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, уларга суднинг хал қилув қарори ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ёки аризани кўрмай қолдириш ҳақида чиқарган ажримнинг нусхаси берилади.

Суд мажлисига келмаган тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суднинг хал қилув қарори ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ёки аризани кўрмай қолдириш тўғрисидаги ажримнинг нусхаси хал қилув қарори, ёхуд ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

**19-БОБ. СИРТДАН ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИШ****224-м о д д а. Суд мажлисига жавобгар келмаганлигининг оқибатлари**

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим.

Суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

**225-м о д д а. Судга келган тарафнинг ҳуқуқлари**

Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибда кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга судда такрор кўриладиган вақт ва жой ҳақида қайта хабар юборади.

**226-м о д д а. Сиртдан иш юритиш тартиби**

Иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилганида суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ваз ва илтимосларини эътиборга олиб, хал қилув қарори чиқаради, бу хал қилув қарори сиртдан чиқарилган деб аталади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбе-*

*кстон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

Иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилганида даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмас.

**227-м о д д а. Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорининг мазмуни**

Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорининг мазмуни ушбу Кодекс 206-моддасининг қоидалари билан белгиланади. Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорининг хулоса қисмида бу хал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

**228-м о д д а. Хал қилув қарорининг нусхасини юбориш**

Суд мажлисига келмаган тарафга сиртдан чиқарилган хал қилув қарорининг нусхаси шу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

**229-м о д д а. Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорининг устидан шикоят бериш (протест келтириш)**

Жавобгар хал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу хал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

Сиртдан чиқарилган хал қилув қарори устидан ушбу Кодекснинг 37-бобда белгиланган тартибда ҳам шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

**230-м о д д а. Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризининг мазмуни**

Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризада қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) сиртдан хал қилув қарори чиқарган суднинг номи;
- 2) ариза бераётган тарафнинг номи;
- 3) суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганликдан далолат берувчи ҳолатлар рўйхати ва уларни тасдиқловчи далиллар, шунингдек сиртдан чиқарилган хал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар рўйхати;
- 4) ариза берувчи тарафнинг илтимоси;
- 5) аризага илова қилинган материалларнинг рўйхати.

Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Сиртдан чиқарилган хал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан судга тақдим этилади. Ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди.

### **231-м о д д а. Суднинг аризани қабул қилганидан кейинги ҳаракатлари**

Суд ишда иштирок этувчи шахсларни сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади, уларга шу ариза ва унга илова қилинган материалларнинг нусхаларини юборади.

### **232-м о д д а. Аризани кўриш**

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани ариза тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида суд мажлисида кўради. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд аризани кўрганидан кейин ажрим чиқаради. Суднинг аризани қаноатлантирмаслик ҳақида чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши мумкин.

### **233-м о д д а. Суднинг ваколатлари**

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, ўзининг ажрими билан:

- 1) аризани қаноатлантирмай қолдиришга;
- 2) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклашга ҳақли.

### **234-м о д д а. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари**

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафининг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир қўраши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланиши лозим.

### **235-м о д д а. Ишни кўришни тиклаш**

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори шу қарорни чиқарган суд томонидан бекор қилинса, ишни мазмунан кўриш тикланади ва ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилади.

Агар ушбу Кодекснинг 132–139-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса ҳам, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган ҳисобланмайди. Жавобгар бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган қарор сифатида қайта кўрилишини сўраб, ариза беришга ҳақли эмас.

### **236-м о д д а. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучи**

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 217-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ қонуний кучга киради.

## **20-боб. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ АЖРИМЛАРИ**

### **237-м о д д а. Суд ажримини чиқариш**

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорлари ажрим шаклида чиқарилади.

Ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ушбу Кодекснинг 14 ва 204-моддаларида белгиланган тартибда чиқарилади ва ишга кўшиб қўйилади.

Мураккаб бўлмаган масалалар ҳал этилганида суд ўз жойида ажрим чиқариши мумкин. Бундай ажрим суд мажлисининг баённомасига киритилади. Ажримлар чиқарилиши билан дарҳол эълон қилинади.

### **238-м о д д а. Ажримнинг мазмуни**

Суд ажримда қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи;
- 2) суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар;
- 4) низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти;
- 5) суднинг ҳулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар;
- 6) суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан ҳулосаси;
- 7) ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати.

Суд томонидан ўз жойида чиқариладиган ажрим ушбу модданин 4, 5 ва 6-бандларида санаб ўтилган маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

## **20<sup>1</sup>-боб. БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ\***

### **238<sup>1</sup>-м о д д а. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш**

Суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилганидан кейин ва суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **238<sup>2</sup>-м о д д а. Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар**

Суд буйруғи қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

- 1) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;
- 2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириши ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса; *(биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 9 апрель ЎРҚ–149-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14–15-сон, 92-модда)*

\* 20<sup>1</sup>-боб Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда.

3) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;

4) агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса; (биринчи қисмнинг 4-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 9 апрель ЎРҚ-149-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 92-модда*)

5) агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса. (биринчи қисмнинг 5-банди *Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда*)

### **238<sup>3</sup>-м о д д а. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза судга ушбу Кодекснинг 22-бобида белгиланган судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади.

Ариза ёзма шаклда берилади. Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи (юримдик шахснинг жойлашган ери ва рекевизитлари);
- 3) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи (юримдик шахснинг жойлашган ери ва рекевизитлари);
- 4) ундирувчининг талаби ва талабга асос бўлган ҳолатлар;
- 5) арз қилинган талабни тасдиқловчи, илова этилаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кўчар мол-мулк талаб қилинган тақдирда аризада ушбу мол-мулкнинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан берилаётган аризага унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова этилиши керак.

### **238<sup>4</sup>-м о д д а. Давлат божи**

Суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун қонун ҳужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда қайтариб берилади.

Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи суд буйруғи бекор қилинган тақдирда қайтариб берилмайди. Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи, ундирувчи қарздорга даъво иши юритиш тартибда даъво тақдим этган тақдирда, тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади.

### **238<sup>5</sup>-м о д д а. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш асослари**

Судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни ушбу Кодекснинг 152-моддасида

назарда тутилган асослар бўйича рад этади. Бундан ташқари судья қуйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этади, агар:

- 1) арз қилинган талаб ушбу Кодекснинг 238<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилмаган бўлса;
- 2) қарздор Ўзбекистон Республикаси судлари юрисдикцияси доирасидан четда бўлса;
- 3) арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;
- 4) ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд деб ҳисобланса;
- 5) аризанинг шакли ва мазмуни ушбу Кодекс 238<sup>3</sup>-моддасининг талабларига жавоб бермаса;
- 6) ариза берганлик учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Судья аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишнинг рад этилиши ундирувчининг ана шу талаб бўйича даъво ишини юритиш тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

### **238<sup>6</sup>-м о д д а. Аризадаги камчиликларни бартараф этиш**

Агар ариза ушбу Кодекс 238<sup>3</sup>-моддасининг талабларига жавоб бермаса ёки ариза берганлик учун давлат божи тўланмаган бўлса, судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишга ва ўз ажрим билан ундирувчига камчиликларни бартараф этиш ёхуд давлат божини тўлаш учун кўпи билан уч кун муҳлат белгилашга ҳақли.

Агар ундирувчи судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ, у белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этса, давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган кунни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, судья ушбу Кодекснинг 238<sup>5</sup>-моддасига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

### **238<sup>7</sup>-м о д д а. Суд буйруғини чиқариш муддати**

Арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида судья томонидан чиқарилади.

### **238<sup>8</sup>-м о д д а. Суд буйруғининг мазмуни**

Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) иш юритиш тартиб рақами ва буйруқ чиқарилган сана;
- 2) суднинг номи, буйруқ чиқарган судьянинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари;
- 3) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери;
- 4) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери;
- 5) талабни қондириш учун асос бўлган қонун;
- 6) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган кўчар мол-мулкнинг қиймати ҳам кўрсатилган ҳолдаги белгиси;
- 7) агар қонунда ёки шартномада неустойка ундириш назарда тутилган бўлса, неустойка миқдори;
- 8) қарздордан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси;

9) арз қилинган талабга қарши қарздор томонидан эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги суд буйруғида ушбу модданинг 1–5 ва 8-бандларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар кўрсатилади: қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундириладиган тўловлар миқдори ва уларни ундириш муддати.

Суд буйруғи судья томонидан имзоланади.

### **238<sup>9</sup>-м о д д а. Қарздорга суд буйруғининг кўчирма нусхасини юбориш**

Суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади.

Суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли.

### **238<sup>10</sup>-м о д д а. Суд буйруғини бекор қилиш**

Агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилганидан кейин уч кундан кечиктирмай тарафларга юборилади.

### **238<sup>11</sup>-м о д д а. Суд буйруғини ундирувчига бериш**

Агар белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз тушмаса, судья суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғини ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига беради.

Ундирувчининг илтимосига кўра, суд буйруғи ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилиши мумкин.

Қарздордан давлат божини ундириш мақсадида суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғининг алоҳида нусхаси ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилади.

## **2-кичик бўлим. ДАЪВО ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ**

### **21-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **239-м о д д а. Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишлар**

Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишларга фуқаролик муносабатларидан, меҳнатга, оилага, уй-жойга доир ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар бўйича ишлар киради, башарти, қонун ҳужжатларида уларни кўришнинг ўзга тартиби белгиланган бўлмаса.

#### **240-м о д д а. Даъво ишларини кўриш тартиби**

Даъво ишлари ушбу Кодекснинг 21–25-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан бирга фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилади.

### **22-боб. ДАЪВО ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ**

#### **241-м о д д а. Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлилик**

Яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки турган жойда ёки унинг сўнги яшаган жойида тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан даъволар Ўзбекистон Республикасида унинг мол-мулки турган жойда ёки маълум бўлган сўнги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Даъвогар алимент ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этиши мумкин.

Кемалар тўқнашуви натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, шунингдек, сувда ёрдам берганлик ва қутқарганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъволар ҳам жавобгарнинг кемаси турган ёки кема рўйхатга олинган порт жойлашган манзилда тақдим этилиши мумкин.

Ижро қилиш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган даъволар шартномани ижро қилиш жойида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Юридик шахснинг филиали фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар филиал жойлашган манзилда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир неча жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири яшайдиган ёки турган жойда тақдим этилади.

Ғайриқонуний ҳукм қилиш, ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида ғайриқонуний қамоққа олиш ёхуд маъмурий қамоққа олиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги маъмурий жазони ғайриқонуний қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир ҳуқуқларни тиклаш, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариб бериш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшаш жойида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман(шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги

даъволар даъвогарнинг яшайдиган жойида тақдим этилиши мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Бедарак йўқолган деб ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъволар, даъвогарнинг хоҳишига қараб, унинг яшаш жойида кўрилиши мумкин.

#### **242-м о д д а. Судловга тааллуқлилиқнинг алоҳида ҳоллари**

Иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат, мол-мулк ёки ер майдони жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тааллуқлидир.

Мерос қолдирувчининг кредиторлари мерос ворислар томонидан қабул қилингунига қадар тақдим этган даъволар мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тегишлидир.

Йўловчи, багаж ёки юк ташиш шартномаларидан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талаб қўйилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган ҳудудда тақдим этилади.

#### **243-м о д д а. Келишилган судловга тааллуқлилиқ**

Тарафлар ўзаро келишиб, муайян иш учун ҳудудий судловга тааллуқлилиқни ўзгартиришлари мумкин.

Ушбу Кодекснинг 242-моддасида белгиланган судловга тааллуқлилиқ тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

#### **244-м о д д а. Қарши даъвонинг судловга тааллуқлилиги**

Қарши даъво ўзининг судловга тааллуқлилигидан қатъи назар, дастлабки даъво кўриладиган жойдаги судда тақдим этилади.

#### **245-м о д д а. Жиноят туфайли етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги**

Жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўриладиганда арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибда кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан тақдим этилади.

### **23-БОБ. ҚАРШИ ДАЪВО**

#### **246-м о д д а. Қарши даъво тақдим этиш**

Суд иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиши учун даъвогарга нисбатан қарши даъво тақдим этишга ҳақли.

Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этиш тўғрисидаги умумий қоидаларга биноан амалга оширилади.

#### **247-м о д д а. Қарши даъвони қабул қилиш шартлари**

Қуйидаги ҳолларда судья қарши даъвони қабул қилиши шарт:

- 1) қарши даъво дастлабки даъвони қоплашга қаратилган бўлса;
- 2) қарши даъвонинг қаноатлантирилиши дастлабки даъво қаноатлантирилишини бутунлай ёки қисман истисно этса;
- 3) қарши ва дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд бўлиб, уларни бирга кўриш низо тезроқ ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса.

### **24-БОБ. ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ**

#### **248-м о д д а. Даъвони таъминлаш асослари**

Суд (судья) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин. Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштиради ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига биноан ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги суд томонидан кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани суд томонидан кўриб чиқиш ва даъвони таъминлаш ҳақида ажрим чиқариш ушбу Кодекснинг 249 – 258-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ–106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

#### **249-м о д д а. Даъвони таъминлаш чоралари**

Қуйидагилар даъвони таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

- 1) жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк, ёхуд пул суммасини хатлаш;
- 2) жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш;
- 3) бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш;
- 4) мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво кўзғатилган тақдирда, уни сотишни тўхтатиш;

5) агар қарздор ижро ҳужжати юзасидан даъво тартибда низолашаётган бўлса ва бундай низолашишга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувни тўхтатиш.

Даъволарнинг иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлаш йўли билан таъминланишига йўл қўйилмайди, алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчининг ўлими оқибатида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги, ўзгалар молмулкини талон-торож қилганлик натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бундан мустасно.

Зарур ҳолларда суд даъвони таъминлаш чорасининг бир неча турини қўллаши мумкин, лекин уларнинг умумий суммаси даъвонинг баҳосидан ошиб кетмаслиги керак.

#### **250-м о д д а. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш**

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза ишни кўраётган судья (суд) томонидан ариза тушган кунидан жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади.

#### **251-м о д д а. Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш**

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитиб, даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириши мумкин.

Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Пул суммасини ундириш тўғрисидаги даъво таъминлашда жавобгар қўлланилган таъминлаш чоралари ўрнига даъвогар талаб қилаётган суммани суднинг депозит ҳисобварағига ўтказишга ҳақли.

#### **252-м о д д а. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш**

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади.

#### **253-м о д д а. Даъвони таъминлаш чораларида рияз этмаганлик учун жавобгарлик**

Ушбу Кодекс 249-моддасининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган тақиқлашлар бузилганда айбдор шахсларга суднинг ажрими билан энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Даъвогар бу шахслардан суднинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини бажармаганликлари оқибатида ўзи кўрган зарарни умумий тартибда ундириб олишга ҳақли.

#### **254-м о д д а. Даъвони таъминлашни бекор қилиш**

Даъвони таъминлаш чоралари ишни кўраётган суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи ишда иштирок этаётган шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантириши рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)

#### **255-м о д д а. Даъво рад қилинганида уни таъминлаш чораларини сақлаш муддати**

Даъво рад қилинган тақдирда, даъвони таъминлаш чоралари суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланади. Бироқ, суд ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки қарор чиқаргандан сўнг даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

#### **256-м о д д а. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримлар устидан шикоят қилиш**

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Агар даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим шикоят берган шахсни хабардор қилмаган ҳолда чиқарилган бўлса, шикоят бериш муддати ажримнинг нусхаси топширилган ёки шикоят берган шахсга суд ажрими маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

#### **257-м о д д а. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш ёки протест келтириш оқибатлари**

Суднинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди.

Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши бу ажримнинг ижросини тўхтатиб қўяди.

#### **258-м о д д а. Даъвони таъминлаш натижасида етказилган зарарни қоплаш**

Суд (судья) даъвони таъминлаш билан бирга жавобгарга етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплашни даъвогардан талаб қилиши мумкин.

Жавобгар даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин даъвогарнинг илтимоси билан даъвони таъминлаш учун кўрилган чоралар натижасида ўзига етказилган зарарни қоплашни даъвогардан талаб қилишга ҳақли.

## 25-БОБ. ДАЪВО ИШЛАРИНИ КЎРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 259-м о д д а. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларни жалб қилиш

Меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинган ходимларни ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилиши шарт.

Суд меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ёки бошқа ишга ўтказиш очикдан-очик қонунга хилоф бўлганлигини аниқласа, шу процесснинг ўзидаёқ айбдор мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш натижасида ташкилотга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай ҳолларда мансабдор шахсдан ундириладиган сумманинг миқдори меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланади.

### 260-м о д д а. Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги иш билан бирга кўриб чиқиши мумкин бўлмаган низолар

Эр-хотиннинг мулкни бўлиш ҳақидаги талаби, агар бу низони тўғри ҳал қилиш учун ишга учинчи шахсни жалб қилиш зарур бўлса, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги иш билан бирга кўрилиши мумкин эмас.

### 261-м о д д а. Алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келиши

Суд алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келишини шарт деб топиши мумкин. Агар бундай ҳолда жавобгар суд мажлисида суд узриси деб топган сабабларга кўра келмаса, у мажбурий тартибда келтирилади ва унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Мажбурий тартибда келтириш суднинг ажримига биноан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

### 262-м о д д а. Бир неча даъвогар ёки бир неча жавобгарга нисбатан чиқариладиган ҳал қилув қарори

Бир неча даъвогарнинг фойдасига чиқариладиган ҳал қилув қарорида суд бу қарор улардан ҳар бирига қандай улушда тегишли эканлигини кўрсатади.

Бир неча жавобгарга қарши чиқариладиган ҳал қилув қарорида суд улардан ҳар бири ҳал қилув қарорини қандай улушда бажариши кераклигини ёки улар шерик жавобгар эканлигини кўрсатади.

### 263-м о д д а. Ҳал қилув қарори чиқарилганига қадар алиментлар ундириш

Алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларни кўрган вақтида суд, зарур бўлса, ишни мазмунан ҳал қилгу-

нига қадар тарафларнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, эр (хотин) ўз хотинини (эрини) боқишга қанча миқдорда вақтинча маблағ тўлаб туриши лозимлиги, болаларни боқиш ва тарбиялашга эр-хотиндан қайси бири ва қанча миқдорда вақтинча маблағ бериб туриши лозимлиги, шунингдек, болалардан қайси бири ота-оналарини боқишга қанча миқдорда вақтинча маблағ бериб туриши лозимлиги тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Суднинг ажрими дарҳол ижро этилади.

## 3-КИЧИК БЎЛИМ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР, ШУНИНГДЕК МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

### 26-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 264-м о д д а. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларга оид ишлар

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларга қуйидагилар қиради:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар;

2) нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар;

3) прокурорнинг ҳуқуқий актни гайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишлар.

#### 265-м о д д а. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларга оид ишларни кўриш тартиби

Ушбу Кодекснинг 264-моддасида санаб ўтилган ишлар судлар томонидан мазкур Кодекснинг 26–29-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда фуқаролик суд ишлари юрителигининг умумий қоидаларига биноан кўрилади.

#### 266-м о д д а. Судга шикоят қилиниши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар)

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳайъат таркиби томонидан ҳамда яқка тартибда амалга оширилган ва пировард натижада:

фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига;

фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириши йўлида тўсқинликлар вужудга келишига;

фуқаро зиммасига бирорта гайриқонуний мажбурият юклатилишига ёки унинг гайриқонуний равишда бирор-бир жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлари (қарорлари) судга шикоят қилиниши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар жумласига киради.

### **267-м о д д а. Шикоятга оид ишларнинг судловга тааллуқлилиги**

Шикоят фуқаронинг хоҳишига кўра ўзи яшаб турган жойдаги судга ёки давлат органи ва бошқа орган ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Ушбу Кодекснинг 26–29-бобларига мувофиқ судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўрадилар, қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилишнинг бошқача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бериладиган шикоятлар бундан мустасно.

### **268-м о д д а. Шикоят бўйича судьянинг ҳаракатлари**

Судья шикоятни кўриб чиқиш учун қабул қилиб, қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

- 1) тегишли органлар ва мансабдор шахслардан заҳур ҳужжатларни талаб қилиб олади;
- 2) фуқаронинг илтимоси ёки ўзининг ташаббуси билан шикоят қилинган хатти-ҳаракатнинг (қарорнинг) ижросини тўхтатиш масаласини ҳал этади.

## **27-боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ БУЗАДИГАН ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР ВА ҚАРОРЛАР УСТИДАН ШИКОЯТЛАР**

### **269-м о д д а. Шикоят бериш**

Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибда юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Бўйсунув тартибидаги юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у шикоят берган кунидан эътиборан бир ой ичида жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига биноан тегишли равишда ваколат берилган жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг вакили томонидан берилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан ушбу моддада назарда тутилган тартибда ҳарбий судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

### **270-м о д д а. Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари**

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

фуқарога ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан уч ой;

фуқаро юқори органдан, мансабдор шахсдан шикоятни қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой ёки фуқаро ўзининг шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан кейин.

Шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, суд бу муддатни тиклаши мумкин.

### **271-м о д д а. Шикоят бўйича суднинг ҳал қилув қарори**

Суд шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори чиқаради.

Суд шикоятнинг асосли эканлигини аниқласа, шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) гайриқонуний деб топади, фуқаронинг талабини қаноатлантириш вазифасини юклайди, унга нисбатан қўлланган жавобгарлик чораларини бекор қилади ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини бошқа йўллар билан тиклайди.

Агар суд шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонуний, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаган деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг ҳал қилув қарори тегишли орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек, фуқарога ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ўн кундан кечиктирмай юборилади.

Ҳал қилув қарорининг ижроси ҳақида ҳал қилув қарори олинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд ва фуқарога маълум қилиниши лозим. Ҳал қилув қарори ижро этилмаган тақдирда суд қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни қўллайди. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

### **272-м о д д а. Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриш муддати ва тартиби**

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.



**28-бoб. НОТАРИУСНИНГ, ФУҚАРОЛИК ХОЛАТИ АКТЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ОРГАНИНИНГ МУАЙЯН ҲАРАКАТЛАРНИ БАЖАРИШНИ РАД ЭТГАНЛИГИ ЁКИ НОТЎҒРИ БАЖАРГАНЛИГИ УСТИДАН ШИКОЯТЛАР**

**273-м о д д а. Нотариал ҳаракатлар ёки бундай қаракатларни бажаришни рад этганлик устидан шикоят бериш**

Манфаатдор шахс бажарилган нотариал ҳаракатларни ёки нотариал ҳаракатни бажариш рад этилганлигини нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақда у нотариал идора жойлашган ҳудуддаги судга шикоят беришга ҳақли. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

Мансабдор шахслар томонидан васиятномалар ва ишонч қоғозлари нотўғри тасдиқланганлиги ёки уларни тасдиқлаш рад этилганлиги ҳақидаги шикоятлар тегишли касалхона, бошқа стационар даволаш-профилактика муассасаси, санаторий, қариялар ва ногиронлар уйи, экспедиция, госпитал, ҳарбий даволаш муассасаси, ҳарбий қисм, кўшилма, ҳарбий ўқув юрти, жазони ижро этиш жойи ўрнашган ҳудуддаги судга берилади.

Нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки уни бажариш рад этилганлиги ҳақидаги шикоятлар нотариал ҳаракат нотўғри бажарилганлиги ёки бундай ҳаракатни бажариш рад этилганлиги аризага маълум бўлган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда берилади.

Шикоятда бажарилган нотариал ҳаракатнинг ёки бундай ҳаракатни бажаришни рад этишнинг нотўғрилиги нималардан иборат эканлиги кўрсатилиши лозим.

Шикоят бериш муддати ўтказиб юборилганда уни тиклаш ҳақидаги илтимос суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади.

Қарздор нотариус ёки консул томонидан берилган ижро хати хусусида умумий тартибда даъво тақдим этиш йўли билан низолашиши мумкин.

Бажарилган нотариал ҳаракат негизида манфаатдор шахслар ўртасида келиб чиққан ҳуқуққа доир низо тааллуқчилигига қараб, суд томонидан кўрилади.

**274-м о д д а. Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишдаги нотўғрилиқлар устидан шикоят бериш**

Агар фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ёзувга тузатишлар киритишни рад этса, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги нотўғрилиқларни белгилаш тўғрисидаги ишларни суд кўриб чиқади.

Шикоятда фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги хатоликлар нимадан иборат эканлиги, тузатиш киритиш қачон ва қайси фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органи томонидан рад этилганлиги кўрсатилиши лозим.

**275-м о д д а. Шикоят юзасидан суднинг қал қилув қарори**

Шикоят қаноатлантирилган тақдирда, суд бажарилган нотариал ҳаракатни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қаро-

ри чиқаради ёки нотариус ёхуд нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс зиммасига зарур ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайди.

Фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги нотўғрилиқлар кўрсатилган суднинг ҳал қилув қарори фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларининг бундай ёзувларга тузатиш киритиши учун асос бўлади.

**29-бoб. ПРОКУРОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАСИ**

**276-м о д д а. Прокурорнинг ариза бериши**

Прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Прокурорнинг судга ариза бериши иш судда кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди.

**277-м о д д а. Прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш**

Прокурорнинг аризасини суд йигирма кун ичида унинг иштирокида ва протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёхуд протестни кўриб чиқмаган органнинг раҳбари ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқади.

Суд мажлисига орган раҳбари ёки унинг вакили узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди, бироқ, суд бу шахснинг келишини шарт деб топиши мумкин.

**278-м о д д а. Прокурорнинг аризаси бўйича суднинг ҳал қилув қарори**

Суд прокурорнинг аризаси асосли эканлигини аниқласа, аризани қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топади.

Агар суд протест келтирилган ҳужжат уни чиқарган органнинг ваколатлари доирасида қонунга мувофиқ қабул қилинган деб топса, у аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёки протестни кўрмаган орган раҳбарига юборилади.

**4-кичик бўлим. АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ**

**30-бoб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**279-м о д д а. Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар**

Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларга қуйидагилар киреди:

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

2) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;

3) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

4) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

5) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш).

### **280-м о д д а. Алоҳида юритиладиган ишларни кўриш тартиби**

Ушбу Кодекснинг 279-моддасида санаб ўтилган ишлар судларда ушбу Кодекснинг 30–35-бобларида кўрсатилган истисно ва кўшимчалар билан фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилади.

### **281-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш**

Суд алоҳида тартибда юритиладиган ишларни ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўради.

Аризачи (даъвогар), ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, прокурор, давлат бошқаруви органлари алоҳида тартибда юритиладиган ишда иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилади.

### **282-м о д д а. Аризани кўрмай қолдириш**

Агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилади.

## **31-БОБ. ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ФАКТЛАРНИ АНИҚЛАШ**

### **283-м о д д а. Суд томонидан кўриладиган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш**

Фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни суд аниқлайди.

Суд куйидаги фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўради:

1) шахсларнинг қариндошлик алоқаларини;

2) шахс бировнинг қарамоғида эканлиги фактини;

3) оталикни тан олиш (белгилаш) фактини, бола-нинг у ёки бу онадан тугилганлиги фактини, шунингдек тугилган вақтини;

4) болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлик фактини;

5) эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмай қолса, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини;

6) шахснинг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортдаги ёки тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини;

7) бахтсиз ҳодиса фактини;

8) иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш фактини;

9) меросни қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойи фактини;

10) юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни, агар қонун ҳужжатларида уларни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса.

Аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд бу фактларни аниқлайди.

### **284-м о д д а. Ариза бериш ва унинг мазмуни**

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризалар аризачи (даъвогар) яшаб турган жойдаги судга берилади.

Аризада муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек аризачининг тегишли ҳужжатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

### **285-м о д д а. Фактнинг аниқланганлиги тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Суднинг ҳал қилув қарорида: суд томонидан аниқланган факт, унинг қандай мақсадда аниқланганлиги, шунингдек мазкур фактни аниқлаш учун суд қандай далилларга асосланганлиги кўрсатилиши лозим.

Фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида қайд этилиши ёки бошқа органларда расмийлаштирилиши лозим бўлган фактларнинг аниқланганлиги тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори бу органлар томонидан бериладиган ҳужжатларнинг ўрнига ўтмаган ҳолда ана шундай қайд қилиш ёки расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

## **32-БОБ. ФУҚАРОНИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ТОПИШ ВА ФУҚАРОНИ ЎЛГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ**

### **286-м о д д а. Ариза бериш ва унинг мазмуни**

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза уни берувчи шахснинг яшаш жойидаги судга берилади.

Суд фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги аризани кўришга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар ўтгандан сўнг киришади.

Аризада фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки уни ўлган деб эълон қилиш аризада қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек, фуқаронинг бедарак йўқолганлигини тасдиқлайдиган ёхуд бедарак йўқ бўлган шахсга ўлим хавфини солган ёки у муайян бахтсиз воқеа туфайли ҳалок бўлган деб тахмин қилишга асос бўладиган ҳолатлар баён қилиниши лозим.

### **287-м о д д а. Ишни судда кўришга тайёрлаш**

Судья ишни судда кўришга тайёрлашда бедарак йўқолган одам тўғрисида кимлар (қариндош-уруғлари, бирга ишловчилар ва шу кабилар) маълумот бера олиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек бедарак йўқолганнинг маълум бўлган сўнгги яшаш жойи ва иш жойидаги тегишли ташкилотлардан (ички ишлар органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан) бедарак йўқолган одам тўғрисида бор маълумотларни сўраб олади.

Судья аризани қабул қилиб олгач, айти вақтда васийлик ва ҳомийлик органига бедарак йўқолганнинг мол-мулкни сақлаш, шунингдек бошқариш учун шахс тайинлашни таклиф қилиши мумкин.

### **288-м о д д а. Ишни кўришда прокурорнинг иштироки**

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар албатта прокурорнинг иштирокида кўрилади.

### **289-м о д д а. Суднинг ҳал қилув қарори**

Суднинг фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори бедарак йўқолган шахснинг мол-мулки турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органининг бу мулкка нисбатан бошқарувчи тайинлаши учун асос бўлади.

Суднинг фуқарони ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органининг фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтарига мазкур фуқарони ўлган деб ёзиб қўйиши учун асос бўлади.

### **290-м о д д а. Бедарак йўқолган деб топилган ёки ўлган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг, ёки унинг турар жойи аниқланишининг оқибатлари**

Бедарак йўқолган деб топилган ёки ўлган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган, ёки унинг турар жойи аниқланган тақдирда, суд янги ҳал қилув қарори билан ўзининг илгариги ҳал қилув қарорини бекор қилади. Янги ҳал қилув қарори тегишинча мулкка нисбатан бошқарувчини ёки фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги фуқаронинг вафотига доир ёзувни бекор қилиш учун асос бўлади.

## **33-БОБ. ФУҚАРОНИ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ДЕБ ТОПИШ**

### **291-м о д д а. Ариза бериш**

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмом қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги иш унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда жамоат бирлашмалари берган аризалар бўйича кўзғатиши мумкин.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ариза мазкур фуқаро яшаб турган жойдаги, агар бу шахс даволаш муассасасига жойлаштирилган бўлса, мазкур муассаса жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

### **292-м о д д а. Аризанинг мазмуни**

Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги аризада спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмом қилувчи шахс ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўяётганлигидан далолат берувчи ҳолатлар баён этилиши керак.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризада шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги, шунинг оқибатида у ўз хатти-ҳаракатларини англай олмаслигидан ёки бошқара олмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар баён қилиниши лозим.

### **293-м о д д а. Ишни судда кўришга тайёрлаш**

Судья аризани олгач, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлса, унинг руҳий аҳволини аниқлаш учун суд-руҳий экспертизасини тайинлайди.

### **294-м о д д а. Ишни кўриш**

Суд фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни албатта шу фуқаронинг (жавобгарнинг), прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўради. Агар фуқаро (жавобгар) суд мажлисига келмаса, ушбу Кодекс 261-моддасининг қоидалари қўлланади.

Суд фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўради. Иши кўрилаётган фуқаронинг соғлиги имкон берса, у суд мажлисига чақирилади.

### **295-м о д д а. Суднинг ҳал қилув қарори**

Суднинг фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори васийлик ва ҳомийлик органининг муомала лаёқати чекланган шахсга ҳомий тайинлаши, муомалага лаёқатсиз шахсга эса, васий тайинлаши учун асос бўлади.

### **296-м о д д а. Фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш**

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, суд фуқаронинг ўзи, унинг ҳомийси, шунингдек ушбу Кодекснинг 291-моддасида санаб ўтилган ташкилотлар ва шахслар берган аризага биноан фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни ва унга нисбатан белгиланган ҳомийликни бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суд васий, шунингдек ушбу Кодекснинг 291-моддасида санаб ўтилган ташкилотлар ва шахслар берган аризага биноан, суд-руҳий экспертizasининг хулосасига асосланиб, согайган фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ҳамда унинг устидан белгиланган васийликни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

### **297-м о д д а. Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд харажатлари**

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни юришти билан боғлиқ суд харажатлари аризачидан ундирилмайди.

Агар суд, ариза фуқаронинг оила аъзолари томонидан инсофсизлик қилиб, асоссиз равишда фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомала лаёқатидан маҳрум этиш мақсадида атайлаб берилган деб топса, суд харажатларини оила аъзоларидан ундиради.

### **33'-боб. ҒАЙРИИХТИЁРИЙ ТАРТИБДА ПСИХИАТРИЯ СТАЦИОНАРИГА ЁТҚИЗИШ\***

#### **297'-м о д д а. Ариза бериш**

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқишиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза судга шахс ётган психиатрия муассасаси томонидан берилади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқишиш учун қонунда назарда тутилган асослар кўрсатилган аризага шифокор психиатрлардан иборат комиссиянинг шахснинг психиатрия стационарида бундан кейин бўлиши зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган хулосаси илова қилинади.

Ариза психиатрия муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан кўриб чиқилади.

Суд аризани қабул қилиш билан бир пайтда аризани судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган муддатда шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриш масаласини ҳал этади.

#### **297<sup>2</sup>-м о д д а. Аризани кўриб чиқиш**

Шахсни психиатрия стационарига ётқишиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза суд томонидан ўн кунлик

муддат ичида стационарга ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили ва стационарга ётқишишнинг асослиги тўғрисида хулоса берган комиссия таркибидаги шифокор психиатр, прокурор, шунингдек шахс ётган психиатрия муассасаси вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Суд мажлисига муассаса вакилининг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги аризани кўриб чиқишга монелик қилмайди, бироқ суд унинг келишини шарт деб топиши мумкин.

### **297<sup>3</sup>-м о д д а. Суднинг ҳал қилув қарори**

Суднинг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишинча шахсни психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқишиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш учун асос ҳисобланади.

### **34-боб. МОЛ-МУЛКНИ (АШЁНИ) ЭГАСИЗ ДЕБ ТОПИШ**

#### **298-м о д д а. Ариза бериш**

Мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги ариза молия органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан мол-мулк (ашё) турган жойдаги судга берилади.

Аризада қайси мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш лозимлиги кўрсатилиши, шунингдек мол-мулк (ашё) эгасини белгилашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

#### **299-м о д д а. Ишни судда кўришга тайёрлаш**

Судья ишни судда кўришга тайёрлашда мол-мулк (ашё) кимга тегишли эканлиги тўғрисида маълумот бериши мумкин бўлган шахсларни (мол-мулкнинг (ашёнинг) мулкдорлари, унга амалда эгалик қилиб турганлар, қўшнилари ва бошқаларни) аниқлайди, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан мол-мулкка доир мавжуд маълумотларни сўрайди.

#### **300-м о д д а. Суднинг ҳал қилув қарори**

Суд мол-мулкнинг (ашёнинг) мулкдори йўқ ёки номаълум деб топса, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ва уни давлат мулкига ўтказиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

### **35-боб. ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА ДЕБ БЕРИЛГАН ҲУЖАТЛАР ЙЎҚОЛГАН ТАҚДИРДА УЛАР БЎЙИЧА ҲУҚУҚЛАРНИ ТИКЛАШ (ЧАҚИРИБ ИШ ЮРИТИШ)**

#### **301-м о д д а. Ариза бериш**

Шахс пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида ёки қимматли нарсалар ёхуд давлат заёми облигациялари сақлаш учун топширилганлиги тўғрисида банк томонидан тақдим этувчига берилган қийматли ҳужжатни йўқотган тақдирда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суддан йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ва йўқолган ҳужжат бўйича ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

\* 33'-боб Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда.

Иш тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассаса жойлашган ҳудуддаги судда кўрилади.

Аризада ҳужжат қандай вазиятда йўқолганлиги, тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассасанинг, ҳужжатнинг номи кўрсатилиши, ҳужжатнинг алоҳида белгилари ва йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги илтимос баён қилиниши керак.

### **302-м о д д а. Судьянинг аризани қабул қилганидан кейинги ҳаракатлари**

Судья аризани қабул қилганидан кейин куйидагилар ҳақида ажрим чиқаради:

1) ариза берувчининг ҳисобидан матбуотда эълон чиқариш тўғрисида;

2) тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассасанинг йўқолган ҳужжат бўйича тўловларни амалга оширишини ва пул беришини иш судда кўрилганига қадар тақиқлаш тўғрисида.

Суд ажримининг нусхаси ҳужжатни берган муассасага юборилади.

Ажрим чиқариш рад этилганлиги устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

### **303-м о д д а. Матбуотда чиқариладиган эълоннинг мазмуни**

Матбуотда чиқариладиган эълонда куйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ҳужжат йўқолганлиги ҳақида ариза тушган суднинг номи;

2) аризачининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшайдиган жойи;

3) ҳужжатнинг номи ва алоҳида белгилари;

4) йўқолганлиги ҳақида ариза берилган ҳужжатни сақловчига эълон чиққан кундан эътиборан уч ой муддат ичида ўзининг мазкур ҳужжатга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида судга арз қилиши ҳақидаги таклиф.

### **304-м о д д а. Ҳужжатни сақловчининг мажбуриятлари**

Йўқолганлиги ҳақида ариза берилган ҳужжатни сақловчи эълон чиққан кундан эътиборан уч ой муддат ўтганига қадар ажрим чиқарган судга ўзининг ҳужжатга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза бериши ва шу билан бирга ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этиши шарт.

### **305-м о д д а. Судьянинг ҳужжатни сақловчидан ариза тушганидан кейинги ҳаракатлари**

Ҳужжат йўқолганлиги ҳақида эълон чиққан кундан эътиборан уч ой муддат ичида ҳужжатни сақловчидан судга ариза тушган тақдирда, судья ажрим чиқариб, унда ҳужжати йўқолганлиги ҳақида ариза берган шахсга ҳужжатни сақловчидан ҳужжатни олиб қўйиш тўғрисида унга қарши умумий тартибда даъво тақдим этиш учун муддат беради ва бу ҳақда ҳужжатни сақловчини хабардор қилади. Бу муддат икки ойдан ошмаслиги лозим.

### **306-м о д д а. Ҳужжатни сақловчига қарши даъво тақдим этмаслик оқибатлари**

Агар аризада белгиланган муддатда (ушбу Кодекснинг 307-моддаси) ҳужжатни сақловчига қарши даъво тақдим этмаса, судья чақириб иш юритиш тартибда кўрилган чоралар (ушбу Кодекснинг 302-моддаси) ўз кучини йўқотиши ҳақида ажрим чиқаради ва бу ҳақда ҳужжат берган муассасани хабардор қилади. Ҳужжатни сақловчи бундай чоралар кўрилиши натижасида ўзига етказилган зарарни аризачидан ундириш ҳуқуқига эга.

### **307-м о д д а. Ишни кўришга тайинлаш**

Агар эълонда кўрсатилган муддат ичида ҳужжатни сақловчидан ариза тушмаса (ушбу Кодекснинг 304-моддаси), суд ишни кўришга тайинлайди.

Иш кўриладиган кун тўғрисида аризада ҳам, ҳужжатни берган муассаса ҳам хабардор қилинади. Бироқ, уларнинг келмаслиги ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

### **308-м о д д а. Ишни ҳал қилиш**

Ишни кўргач, суд ҳал қилув қарори чиқаради. Башарти, аризани қаноатлантирса, суд ўзининг ҳал қилув қароридида йўқолган ҳужжат ҳақиқий эмаслигини кўрсатади. Бу ҳал қилув қарори арз қилувчига омонатни ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳужжат ўрнига янгисини бериш учун асос бўлади.

### **309-м о д д а. Ҳужжатни сақловчининг асоссиз бойиш тўғрисида даъво тақдим этиш ҳуқуқи**

Ҳужжатни сақловчи ҳужжатга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида бирор сабаб билан ўз вақтида арз қилмаган бўлса, йўқолган ҳужжат ўрнига янгисини олиш ҳуқуқи берилган шахсга нисбатан асоссиз бойиш тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин. Бундай даъво суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейингина судга берилиши мумкин.

## **5-кичик бўлим. ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ БИЛАН БОҒЛИК ИШЛАРНИ ЮРИТИШ\***

### **35<sup>1</sup>-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **309<sup>1</sup>-м о д д а. Суд томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар**

Суд томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларга куйидагилар қилинади:

1) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;

\* 5-кичик бўлим Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ўрқ-106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда.

2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар.

**309<sup>2</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни кўриш тартиби**

Судлар ушбу Кодекснинг 309<sup>1</sup>-моддасида санаб ўтилган ишларни ушбу Кодекснинг 35<sup>1</sup>–35<sup>3</sup>-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан бирга, фуқаролик судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўриб чиқади.

**309<sup>3</sup>-м о д д а. Суднинг ажримлари устидан шикоят бериш**

Суднинг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишга оид ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

**35<sup>2</sup>-боб. ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

**309<sup>4</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш**

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг судга тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги судга берилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш суд томонидан тугалланганига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юртишни тўхтатиб туради.

**309<sup>5</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;
- 3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан муурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва мазкур қарор қандай асослар бўйича низолашилаётганлиги.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

4) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза жавобгарлар сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс 309<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талаблар, шунингдек ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 152–154-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан бундай аризани қабул қилишни рад этади ёки уни ҳаракатсиз қолдиради.

**309<sup>6</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда судда низолашилаётган ҳал қилув қарорига оид иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Суд ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ушбу Кодекснинг 309<sup>7</sup>-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

### **309<sup>7</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, суд томонидан бекор қилиниши керак:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайнлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори суд томонидан бекор қилиниши керак.

### **309<sup>8</sup>-м о д д а. Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрим**

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги ва мазкур қарор қабул қилинган жой ҳақидаги маълумотлар;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёхуд аризагининг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимида мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги ёкинки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида суд томонидан тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан судга мурожаат этишлари мумкин.

### **35<sup>3</sup>-боб. ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ УЧУН ИЖРО ВАРАҚАСИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

#### **309<sup>9</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари**

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалари суд томонидан кўриб чиқилаётганда қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига

чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан суд томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор яшайдиган жойдаги ёки жойлашган ердаги ёхуд, агар қарздор яшайдиган жой ёки жойлашган ер номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги судга берилади.

**309<sup>10</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;
- 3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;
- 4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;
- 5) ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган сана;
- 6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

- 1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;
- 2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;
- 3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздорлар сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 309<sup>9</sup>-моддасида назарда тутилган талаблар, шунингдек ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 152–154-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан бундай аризани қабул қилишни рад этади ёки ҳаракатсиз қолдиради.

**309<sup>11</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда ижро варақаси сўралаётган иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Суд ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг 309<sup>12</sup>-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс 309<sup>4</sup>-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган суднинг иш юритувида бўлса, мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилаётган суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш-



ни қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдириши мумкин.

### **309<sup>12</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари**

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этган ҳоллардагина рад этади:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битими билан қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосаларни бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, суд ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар бўлган қисми учун ижро варақаси беради;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари учун ҳали мажбурий бўлмаганлигини ёки бекор қилинганлигини ёхуд унинг ижроси суд ёки хўжалик суди томонидан тўхтатиб турилганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.

### **309<sup>13</sup>-м о д д а. Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби;

2) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтамлар мавжудлиги ёнки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида суд томонидан тўлиқ ёки қисман рад этилган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишлари мумкин.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак.

## **III бўлим. СУД ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИШ**

### **36-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **310-м о д д а. Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Ишда иштирок этувчи шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Прокурор муайян ишда иштирок этган-элмаганлигидан қатъи назар, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан ўз ваколати доирасида протест келтиради.

Ўзи чиқарган ҳал қилув қарори (ажрими), қарори бекор қилинишидан рози бўлмаган судья назорат тартибида протест билдириш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли.

### **311-м о д д а. Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув кўзгатиш**

Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув:

- 1) қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятни ёки апелляция протести бўйича;
- 2) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;
- 3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикоятни ёки кассация протести бўйича;
- 4) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;
- 5) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор устидан назорат тартибда протест келтириш ҳақида берилган ариза бўйича;
- 6) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида берилган ариза бўйича кўзгатилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

### **312-м о д д а. Суднинг қарорини бекор қилиш асослари**

Суднинг қарорини апелляция кассация ва назорат тартибда бекор қилишга қуйидагилар асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) суднинг ҳал қилув қарориди баён қилинган ҳулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- 4) моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар янгидан очилган ҳолатлар бўйича ушбу Кодекснинг 362-моддасида кўрсатилган асослар бўйича қайта кўрилади.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори фақат расмий асосларга кўра бекор қилиниши мумкин эмас.

### **313-м о д д а. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш**

Қуйидаги ҳолларда моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланган ҳисобланади:

- 1) суд татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни қўлламаган бўлса;
- 2) суд татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса;
- 3) суд қонунни нотўғри талқин қилган бўлса.

### **314-м о д д а. Процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш**

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади.

Агар:

- 1) иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган бўлса;
- 2) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса;
- 3) иш кўрилатганида иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилган бўлса;
- 4) суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса;
- 5) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилган бўлса;
- 6) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор судьялардан бирортаси (судья) томонидан имзоланмаган ёки ҳал қилув қарори, ажрим, қарор уларда кўрсатилмаган судьялар (судья) томонидан имзоланган бўлса;
- 7) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ишни кўрмаган судьялар томонидан чиқарилган бўлса;
- 8) ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлма-са ёки у имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.

### **315-м о д д а. Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари ажримининг (қарорининг) мазмуни**

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрими ёки қарориди қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ажрим ёки қарор чиқарилган вақт ва жой;
  - 2) ажрим ёки қарор чиқарган суднинг номи ва таркиби;
  - 3) тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг иштироки тўғрисидаги маълумотлар;
  - 4) иш кимнинг шикоятни ёки протести бўйича кўриб чиқилганлиги;
  - 5) шикоят берилган ёки протест билдирилган ҳал қилув қарорининг (ажрим ёки қарорнинг) номи ва унинг қисқача мазмуни;
  - 6) шикоятда ёки протестда баён этилган ваъдалар, тақдим этилган материалларнинг қисқача мазмуни, ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри;
  - 7) кассация ёки назорат инстанцияси суди ҳулосага келишига асос бўлган далиллар ҳамда суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари;
  - 8) қарорнинг ҳулоса қисми.
- (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилган тақдирда, суд ишни янгидан кўрганда қандай ҳолатлар аниқланиши зарурлигини, қандай далиллар талаб қилиб олиниши кераклигини, шунингдек иш топширилаётган суд бошқа қандай ҳаракатларни бажариши лозимлигини кўрсатиши шарт.

Суд шикоят ёки протестни рад қилса, қандай асосларга кўра шикоят ёки протестдаги важларни нотўғри деб ёки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки янги ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлмади деб топганлигини ҳам ўз ажримида ёки қарорида кўрсатиши шарт.

**316-м о д д а. Қонун ҳал қилув қарорини бекор қилишга асос бўлмайди-ган даражада бузилганлигини кўрсатиш**

Апелляция, кассация, назорат инстанциялари ишни кўрган суд томонидан йўл қўйилган қонунни бузиш ҳоллари ҳал қилув қарорини бекор қилиш, ўзгартиришга ёхуд янги ҳал қилув қарори чиқаришга асос бўлмайди деб топсалар, бу ҳақда ажримда, қарорда ёки махсус қабул қилинадиган хусусий ажримда кўрсатишлари лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**317-м о д д а. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги**

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрим ёки қарорда баён қилинган кўрсатмалари мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни апелляция, кассация ва назорат тартибда кўраётган суд ишни янгидан кўриш учун юборар экан, у ёки бу далилларнинг ишончли ёки ишончсизлиги тўғрисидаги, бир далилнинг бошқасидан устунлиги тўғрисидаги, шунингдек иш янгидан кўрилганида қандай қарор чиқариш мумкинлиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан белгилаб қўйишга ҳақли эмас.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**318-м о д д а. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари ажримининг (қарорининг) қонуний кучи**

Апелляция, кассация, назорат инстанцияси судининг ажрими (қарори) чиқарилиши биланок, дарҳол қонуний кучга қиради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**319-м о д д а. Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суднинг ажрим ва қарорларидан нусхалар юбориш**

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра уларга ажрим ва қарорларнинг нусхаси берилади.

Апелляция, кассация инстанциясининг суд мажлисига келмаган ва ишни назорат инстанциясида кўришда қатнашмаган тарафлар ва бошқа шахсларга ажрим ва қарорларнинг нусхаси улар чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**37-БОБ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ (ПРОТЕСТИ КЕЛТИРИШ)\***

**320-м о д д а. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи ва муддати**

Суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят (протест) кўрилмасдан қолдирилади ва шикоят (протест) берган шахсга қайтарилади. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласи ушбу Кодекснинг 130-моддаси қоидалари асосида ҳал этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

**321-м о д д а. Апелляция шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар**

Қуйидагилар:

1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини);

2) Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди – округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини);

\* 37-бобнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда.

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий хайъати – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий хайъатининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини) кўради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

### **322-м о д д а. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) тартиби**

Апелляция шикоятлари ва протестлари апелляция инстанцияси номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади.

Вакил томонидан берилган апелляция шикоятига ишончнома ёки вакил ҳуқуқларини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Апелляция шикояти ёки протести судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилади.

Зарур ҳолларда судья, апелляция шикояти берган шахс ёки апелляция протести келтирган прокурор зиммасига апелляция шикояти ёки протестига илова қилинган ёзма ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда топшириш мажбуриятини юклаши мумкин.

*(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

### **323-м о д д а. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни**

Апелляция шикояти ёки протестида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят ёки протест келтираётган шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми);
- 3) шикоят қилинаётган ёки протест келтирилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг илтимоси;
- 6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Апелляция шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Апелляция протести ушбу ишда иштирок этганлигидан қатъи назар, прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

### **324-м о д д а. Апелляция шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш**

Агар апелляция шикояти бериш ёки протест келтириш пайтида ушбу Кодекс 322 ва 323-моддаларининг талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса ёки давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят бериш учун бож тўламаган бўлса, апелляция шикояти ёки протести ҳаракатсиз қолдирилади.

Апелляция шикояти ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья бу шикоят ёки протестнинг ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб ажрим чиқаради. *(Модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Шикоят берган ёки протест келтирган шахс ажримда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, шикоят берган ёки протест келтирган шахсга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

### **325-м о д д а. Апелляция шикояти ёки протестини олгандан сўнг биринчи инстанция судининг ҳаракатлари**

Судья ёки суд раиси апелляция шикояти ёки протестини олгандан сўнг:

- 1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юбориши;
  - 2) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция инстанцияда ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида маълум қилиши;
  - 3) ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*
- Ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ва протест келтириш учун белгиланган муддат ичида ҳеч ким ишни суддан талаб қилиб олиши мумкин эмас. Ишда иштирок этувчи шахслар судда иш материаллари ва тушган шикоятлар ёки протест билан танишишга ҳақлидирлар.

### **326-м о д д а. Апелляция шикоятига қўшилиш**

Процессда апелляция шикояти берган тараф томонида қатнашаётган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар берилган шикоятга қўшилишлари мумкин. Шикоятга қўшилиш ҳақида ариза берган вақтда давлат божи олинмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республика-*

си Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

**327-м о д д а. Апелляция шикоят (протести) юзасидан тушунтириш бериш (эътироз билдириш)**

Ишда иштирок этувчи шахслар шикоят ёки протест юзасидан судга тушунтириш беришга (эътироз билдиришга) ҳақлидирлар. Бу тушунтиришни (эътирозни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилиб топширилади.

Тушунтириш (эътироз) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан судга тақдим этилади. Бу нусхаларни суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади (юборади).

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

**328-м о д д а. Ишни шикоят (протест) билан бирга олгандан сўнг апелляция инстанцияси судининг ҳаракатлари**

Апелляция инстанцияси суди зарур ҳолларда:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш (эътироз) беришни ёки протест келтиришни тавсия қилади. Тушунтириш (эътироз), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан тақдим этилади. Бу нусхаларни суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси ёки ўзининг ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

**329-м о д д а. Апелляция шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш**

Апелляция шикояти берган шахс уни тўлдириш, ўзгартириш ёки ундан воз кечишга ҳақли. Бироқ, бундай воз кечиш қонунга зид бўлмаса ёки бировнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлмасагина, суд уни қабул қилиши мумкин.

Апелляция протести билдирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

Агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят бермаган бўлса, шикоятдан воз кечиш қабул қилинганда ва протест қайтариб олинганда, апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариб, апелляция тартибида иш юритишни тугатади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

**330-м о д д а. Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими**

Апелляция шикояти берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда баён этилиб, апелляция инстанцияси судига топширилиши лозим. Агар ишни кўриш вақтида даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузсалар, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва баённомани тегшишча даъвогар, жавобгар ёки ҳар икки тараф имзолайди.

Суд даъводан воз кечишни қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки тарафларга бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Апелляция инстанция суди даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаганида чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва иш юритишни тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд бировнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлса, суд воз кечишни рад қилиб ёки тузилган келишув битимини тасдиқламай, ишни апелляция тартибида кўради.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

**331-м о д д а. Ишни апелляция инстанциясида кўриш муддатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай кўриши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна ўн кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга кечиктириши мумкин.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш муддати кечиктирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахсларга иш кўриладиган кун олдиндан хабар қилиб қўйилиши лозим.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

### **332-м о д д а. Апелляция инстанцияси судининг ишни кўриш доираси**

Суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириб чиқиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **333-м о д д а. Суд мажлисидаги тартиб**

Апелляция инстанцияси судининг мажлисида раислик қилувчи ушбу Кодекснинг 164, 165 ва 166-моддаларига амал қилган ҳолда, суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **334-м о д д а. Иш кўришнинг бошланиши**

Раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикоятни ёки протести бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори юзасидан қандай иш кўрилишини эълон қилади. Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларнинг қайси бири келмаганлигини, келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини аниқлайди, судга келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда вакилларнинг ваколатини текширади.

### **335-м о д д а. Суд таркибини эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш**

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилиш ҳақида арз қилиш ҳуқуқларини тушунтиради.

Рад қилиш учун асослар, рад қилиш ҳақидаги арзни ҳал қилиш тартиби ва бундай арзларни қаноатлантириш оқибатлари ушбу Кодекснинг 3-бобига мувофиқ белгиланади.

### **336-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш**

Раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

### **337-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари**

Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган бўлса ва у ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинганлиги

тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Ишда иштирок этувчи, иш кўриладиган вақт ва жой тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Бироқ, суд бундай ҳолларда ҳам келмаганлик сабабларини узрли деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Прокурор ёки адвокатнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги тўғрисида суд хусусий ажрим чиқаради ва бу ҳақда тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига маълум қилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

### **338-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномалари ва аризалари суд томонидан ҳал қилиниши**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни апелляция инстанциясида кўриш билан боғлиқ барча масалаларга оид илтимосномалари ва аризалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари тингланганидан кейин суд томонидан ҳал қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **339-м о д д а. Иш юзасидан маъруза қилиш**

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатини, биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикоятни ёки протестни келтирилган далилларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни (эътирозларни), келтирилган янги далилларнинг мазмунини, шунингдек ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган барча маълумотларни баён қилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **340-м о д д а. Ишнинг суд мажлисида кўрилиши**

Суд раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маърузасидан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришини тинглайди, бу шахслар апелляция шикоятни ёки протестни кўрсатилмаган важлар келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳам ҳақли.

Даставвал, апелляция шикоятини берган шахс ва унинг вакили ёки агар иш протест бўйича кўриб чиқилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қаро-

ри устидан ҳар икки тараф ҳам шикоят берган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.

Ушбу Кодекснинг 5 ва 48-моддаларида назарда тутилган тартибда ишда иштирок этувчи давлат бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар, агар суднинг ҳал қилув қарори устидан шикоят бермаган бўлсалар, апелляция судида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқадиладар.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан кейин прокурор ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисида фикрини баён қилади, прокурорнинг протести бўйича қайта кўрилатган ҳал қилув қарорлари бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **341-м о д д а. Апелляция инстанцияси судида иш юритишни тўхтатиб туриш**

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича иш юритишни ушбу Кодекснинг 7-бобида назарда тутилган тартибда тўхтатади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **342-м о д д а. Ажрим чиқариш**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри тинглаб бўлинганидан кейин апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага чиқади.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими иш кўрилганидан кейин дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда асослангандан ажрим тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ажримнинг ҳулоса қисмини суд ишни апелляция тартибида муҳокама қилиш тамомланган мажлисининг ўзидаёқ эълон қилиши керак.

Судьяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш ушбу Кодекснинг 14-моддасида белгиланган тартибда ўтказилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **343-м о д д а. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган апелляция инстанцияси судининг ваколатлари**

Суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасликка;

2) ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) ушбу Кодекс 314-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга;

4) ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ушбу Кодекснинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**344-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **345-м о д д а. Иш апелляция тартибида кўрилганидан кейин тушган апелляция шикоятини (протестини) кўриш тартиби**

Белгиланган муддатда ёки ўтказиб юборилган муддат тиклангандан кейин берилган апелляция шикоятини ёки келтирилган апелляция протести апелляция инстанциясига иш бошқа шикоятлар ёки протест бўйича кўриб чиқилганидан кейин келиб тушса, суд уларни қабул қилиши ва кўриши шарт.

Апелляция инстанцияси бундай шикоят ёки протестни кўриб, шикоят ёки протест бўйича чиқариладиган ажрим муқаддам чиқарилган ажримнинг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига олиб келиши лозим, деган ҳулосага келса, у ажрим чиқариб, ишни тавсиянома билан суд раисига юборади. Суд раиси бир ёки ҳар иккала ажрим устидан назорат тартибида протест келтириш масаласини ҳал қилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**38-боб.** Кодексдан «38-боб. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят бериш (протест келтириш)» деган сўзлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда

### **346-м о д д а. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқи**

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан:  
1) ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда;

2) суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган ҳолларда, суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят беришлари, прокурор эса, протест келтириши мумкин. (2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)

Биринчи инстанция судининг бошқа ажримлари устидан хусусий шикоят берилмайди ва протест келтирилмайди, бироқ, бундай ажримларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёки протестига киритилиши мумкин. (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)

### **347-м о д д а. Хусусий шикоятлар бериш ва протестлар келтириш ҳамда уларни кўриш тартиби**

Хусусий шикоятлар ва протестлар ушбу Кодекснинг 37-бобида белгиланган тартибда берилади ва кўрилади.

### **348-м о д д а. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган апелляция инстанцияси судининг ваколатлари**

Апелляция инстанцияси суди хусусий шикоят ёки хусусий протестни кўриб чиқиб:

1) ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасликка;

2) ажримни бекор қилишга ва ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал қилишга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)

### **38-боб. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА АЖРИМЛАРИ УСТИДАН КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ (ПРОТЕСТИ КЕЛТИРИШ)\***

#### **348<sup>1</sup>-м о д д а. Кассация шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи ва муддати**

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

\* 38-боб Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда.

#### **348<sup>2</sup>-м о д д а. Кассация шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар**

Қуйидагилар:

1) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди – округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўради.

#### **348<sup>3</sup>-м о д д а. Кассация шикояти бериш (протести келтириш) тартиби**

Кассация шикоятлари ва протестлари кассация инстанцияси суди номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади.

Вакил томонидан берилган кассация шикоятига ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Кассация шикояти ёки протести ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади.

Судья, зарур ҳолларда, кассация шикояти берган шахс ёки кассация протести келтирган прокурор зиммасига кассация шикояти ёки протестига илова қилинган ёзма материалларнинг нусхаларини ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда тақдим этиш мажбуриятини юклаши мумкин.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганда ёки ходим бир ишдан бошқа ишга гайриқонуний равишда ўтказилганда аввалги ишига тиклаш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти шу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинган тақдирдагина қабул қилинади.

#### **348<sup>4</sup>-м о д д а. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни**

Кассация шикояти ёки протестида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) шикоят берилаётган ёки протест келтирилаётган суднинг номи;

2) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахсининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) шикоят берилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;

4) ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;



5) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг илтимоси;

6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўяхати.

Кассация шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Кассация протести ушбу ишда қатнашганлигидан қатъи назар прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади.

#### **348<sup>5</sup>-м о д д а. Кассация шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш**

Агар кассация шикояти бериш ёки протести келтириш пайтида ушбу Кодекснинг 348<sup>3</sup> ва 348<sup>4</sup>-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса ёки давлат божи тўлашдан озоқ қилинмаган шахс шикоят берганлик учун бож тўламаган бўлса, кассация шикояти ёки протести ҳаракатсиз қолдирилади.

Кассация шикояти ёки протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья бу шикоят ёки протестнинг ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб ажрим чиқаради.

Агар шикоят берган ёки протест келтирган шахс ажримда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, шикоят берган ёки протест келтирган шахсга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

#### **348<sup>6</sup>-м о д д а. Кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг биринчи инстанция судининг ҳаракатлари**

Судья ёки суд раиси кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протестнинг нусхаларини юбориши;

2) ишда иштирок этувчи шахсларга ишни кассация инстанциясида кўриш вақти ва жойи тўғрисида маълум қилиши;

3) суд қарори ижросини (агар у ижро этилмаган бўлса) иш кассация тартибида кўрилгунига қадар тўхтаиб қўйиши ва бу хусусда манфаатдор шахслар, ташкилотларни хабардор этиши;

4) кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муддат ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт.

Ишда иштирок этувчи шахслар судда иш материаллари ва тушган шикоятлар ёки протестлар билан ташишига ҳақли.

#### **348<sup>7</sup>-м о д д а. Кассация шикоятига қўшилиш**

Процесда кассация шикояти берган тараф томонида қатнашаётган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар берилган шикоятга қўшилишлари мумкин. Шикоятга қўшилиш ҳақида ариза берган вақтда давлат божи ундирилмайди.

#### **348<sup>8</sup>-м о д д а. Кассация шикояти (протести) юзасидан тушунтириш бериш (эътироз билдириш)**

Ишда иштирок этувчи шахслар шикоят ёки протест юзасидан судга тушунтириш беришга (эътироз билдиришга) ҳақли, бу тушунтиришни (эътирозни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилиб топширилади.

Тушунтириш (эътироз) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга тақдим этилади. Бу нусхаларни суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади (юборади).

#### **348<sup>9</sup>-м о д д а. Ишни шикоят (протест) билан бирга олгандан сўнг кассация инстанцияси судининг ҳаракатлари**

Кассация инстанцияси суди зарур ҳолларда:

1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш беришни (эътироз билдиришни) таклиф қилади. Тушунтиришларнинг (эътирозларнинг), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича далилларни талаб қилиб олишга кўмаклашади.

#### **348<sup>10</sup>-м о д д а. Кассация шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш**

Кассация шикояти берган шахс уни тўлдириш, ўзгартириш ёки ундан воз кечишга ҳақли.

Кассация протести келтирган прокурор, шунингдек оқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

Агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят бермаган бўлса, шикоятдан воз кечиш қабул қилинганлиги тўғрисида ва протест қайтариб олинган тақдирда, кассация инстанцияси суди ажрим чиқариб, кассация тартибида иш юритишни тугатади.

#### **348<sup>11</sup>-м о д д а. Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими**

Кассация шикояти берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда баён этилиб, кассация инстанцияси судига топширилиши лозим. Агар ишни кўриш вақтида даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузсалар, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва баённомани тегишинча даъвогар, жавобгар ёки ҳар икки тараф имзолайди.

Суд даъводан воз кечишни қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки тарафларга бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши қабул қилинган ёки тарафларнинг келишув битими тасдиқланган тақдирда кассация инстанцияси суди чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва иш юритишни тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд кимнингдир ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузадиган бўлса, суд воз кечишни рад қилади ёки тузилган келишув битимини тасдиқламайди ҳамда ишни кассация тартибда кўради.

### **348<sup>12</sup>-м о д д а. Ишни кассация инстанциясида кўриш муддатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди кассация шикоятни ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна йигирма кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация шикоятни ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга узайтириши мумкин.

Ишни кассация инстанциясида кўриш муддати узайтирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахсларга иш кўриладиган кун олдиндан хабар қилиб қўйилиши лозим.

### **348<sup>13</sup>-м о д д а. Кассация инстанцияси судининг ишни кўриш доираси**

Ишни кассация тартибда кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикоятни ёки протестининг вазлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

### **348<sup>14</sup>-м о д д а. Кассация шикоятини (протестини) суд мажлисида кўриш тартиби**

Кассация инстанциясининг суд мажлиси ушбу Кодекснинг 14, 333–342-моддаларида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

### **348<sup>15</sup>-м о д д а. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган кассация инстанцияси судининг ваколатлари**

Суд ишни кассация тартибда кўриб чиққач, ўз ажримини билан:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантормасликка;

2) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) ушбу Кодекс 314-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли;

4) ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ушбу Кодекснинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра, иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

### **348<sup>16</sup>-м о д д а. Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан кассация тартибда шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқи**

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибда кўрилмаган ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида ҳолда кассация инстанцияси судига суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Хусусий шикоятлар бериш ва хусусий протестлар келтириш ушбу бобда белгиланган тартибда амалга оширилади ва кўриб чиқилади.

### **348<sup>17</sup>-м о д д а. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят берилганлиги (протест келтирилганлиги) муносабати билан ишни кўрадиган кассация инстанцияси судининг ваколатлари**

Кассация инстанцияси суди хусусий шикоят ёки хусусий протестни кўриб:

1) ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса қаноатлантормасликка;

2) ажримни бекор қилишга ва ишни моҳиятан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда масалани моҳиятан ҳал қилишга ҳақли.

### **39-БОБ. ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ, АСОСЛИ ВА АДОЛАТЛИ ЭКАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ**

#### **349-м о д д а. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Ўзбекистон Республикаси барча судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қуйидагилар келтирган протестлар бўйича назорат тартибда қайта кўрилиши мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари – тегишли фуқаро-

лик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан апелляция, кассация ажримлари бундан мустасно;

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси – Ўзбекистон Республикаси барча судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **350-м о д д а. Протест келтириш тўғрисида ариза бериш**

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза тегишли юқори суднинг раисига ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурорга берилади.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмун жиҳатидан ушбу Кодекснинг 323-моддасига мувофиқ бўлиши лозим. Аризага суд чиқарган ҳал қилув қарорининг нусхаси, агар иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса,

апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг ажримлари (қарорлари) нусхалари ҳам илова қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Ушбу модданиннг иккинчи қисми талабларига риоя қилинмаган ёки давлат божи тўланмаган тақдирда, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза ҳаракатсиз қолдирилади, аризага эса, камчиликларни бартараф этиш тартиби ва муддати тушунтирилади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмади.

Протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинмаган ва текширилмаган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Протест келтириш учун асос бўлмаसा, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмаддан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 август 671-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 171-модда)*

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси протест келтиришни рад қилганлиги устидан аризага Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосарларига шикоят бериши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори протест келтиришни рад қилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига шикоят бериш мумкин. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **351-м о д д а. Ишни талаб қилиб олиш**

Ушбу Кодекснинг 349-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар, шунингдек туман ва шаҳар прокурорлари назорат тартибида протест келтиришга асос бор-йўқлиги масаласини ҳал қилиш учун ўз ваколатлари доирасида тегишли судлардан фуқаролик ишларини талаб қилиб олишга ҳақлидирлар. Башарти, ишни талаб қилиб олган шахс муайян ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга нисбатан протест келтириш ҳуқуқига эга бўлмаса, у зарур ҳолларда, протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган юқори мансабдор шахсга назорат тартибида протест келтиришни тавсия қилиб мурожаат этади.

### **352-м о д д а. Суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш**

Назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган прокурор ва унинг ўринбосарларидан ташқари мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлгунча қадар тўхтатиб туришлари мумкин, ушбу Кодекснинг 219-моддасида назарда ту-

тилган ҳоллар бундан мустасно. Протест келтириш учун асос бўлмаган тақдирда, шу мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб туришни бекор қиладилар. Тўхтатиб туриш ва тўхтатиб туришни бекор қилиш ҳақида манфаатдор шахсларга, ташкилотларга ва судга маълум қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **353-м о д д а. Протест келтириш**

Протест келтириш учун асос мавжуд бўлса, ушбу Кодекснинг 349-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар протест ёзиб, уни иш билан бирга тегишли судга юборадилар. Протестнинг мазмуни ушбу Кодекснинг 323-моддасида баён этилган қоидаларга мос келиши лозим. Протест судда ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб равишда нусхалари билан тақдим қилинади.

### **354-м о д д а. Протестларни кўрадиган судлар**

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суднинг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари тегишинча мазкур судларнинг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлари бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суднинг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек мазкур судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суднинг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар устидан чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раёсатининг қарорлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг мазкур суд томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишлар устидан келтирилган апелляция ва кассация ажримлари юзасидан келтирилган протестлари бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарган ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевоқифа Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **355-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш**

Тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларнинг иши бўйича келтирилган протестнинг нусхаси юборилади. Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга суд томонидан юборилади. Суд ишни кўриш вақтини тайинлаганида ишда иштирок этувчи шахслар протест юзасидан ёзма тушунтиришларини (эътирозларини) ва қўшимча материалларни судга тақдим қилиш имкониятига эга бўлишларини ҳисобга олади.

### **356-м о д д а. Протестни тўлдириш, ўзгартириш ва қайтариб олиш**

Назорат тартибида протест келтирган мансабдор шахс протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

Прокурор келтирган протестни юқори турувчи прокурор ҳам тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадаргина йўл қўйилади. Протест тўлдирилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки қайтариб олинганлиги ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинадилар.

### **357-м о д д а. Ишни назорат тартибида кўриш доираси**

Суд ишни назорат тартибида кўрганида биринчи инстанция ва апелляция ёки кассация инстанцияси судларининг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ишдаги мавжуд материаллар бўйича протестда келтирилган вазлар доирасида қанчалик тўғри қўлланганлиқларини текширади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Башарти, суд қарорида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган бўлса, суд протест доирасидан четга чиқиши мумкин.

**358-м о д д а. Протестни кўриш тартиби**

Назорат тартибида келтирилган протестни кўришда ушбу Кодекснинг 333, 335 ва 336-моддаларида баён этилган қоидалар шу бобда баён этилган истисноларни ҳисобга олган ҳолда қўлланади.

Судлов ҳайъатида, суд Раёсати ва Пленумида раис ёки унинг топшириғига биноан илгари ишни кўришда қатнашмаган судья, Раёсат ёки Пленум аъзоси иш юзасидан маъруза қилади.

Маърузада: ишнинг ҳолатлари, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор, шунингдек протестнинг мазмуни баён этилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар иш кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилинмаган бўлишларига қарамай, судга келган ҳолларда ҳам суд мажлисига киритиладилар. Бу шахслар судга иш бўйича маъруза қилинганидан кейин тушунтиришлар берадилар.

**359-м о д д а. Ишни назорат тартибида кўришда прокурорнинг иштироки**

Ишни назорат тартибида кўришда прокурор қатнашиб, ўзи ёки юқори турувчи прокурор келтирган протестни қувватлайди ёхуд суд раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўриладиган иш юзасидан ўз фикрини беради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**360-м о д д а. Назорат тартибидаги протестлар бўйича ажрим ва қарорлар чиқариш**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг ажримлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ушбу Кодекснинг 14 ва 204-моддаларида назарда тутилган тартибда чиқарилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Протест қаноатлантирилишини ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар тенг бўлиб қолса, протест рад этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатининг назорат тартибидаги протест бўйича чиқарган ажрими суднинг тўлиқ таркиби томонидан имзоланади.

Суд раёсатининг қарори раёсат мажлисида раислик қилувчи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори эса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва котиби томонидан имзоланади.

**361-м о д д а. Ишни назорат тартибида кўраётган суднинг ваколатлари**

Суд ишни назорат тартибида кўриб, ўзининг ажрими ёки қарори билан:

1) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни ўзгартиришсиз, протестни эса қаноатлантирмай қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юборишга; *(Биринчи қисмнинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

3) ҳал қилув қарорини, ажрим ёхуд қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга;

4) иш бўйича илгари чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарордан бирини ўз кучида қолдиришга;

5) ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. *(Биринчи қисмнинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

**40-БОБ. ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ****362-м о д д а. Қайта кўриш асослари**

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар;

2) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлгон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлгон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар;

3) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг муайян ишни кўришда содир этган жиноий қилмишлари;

4) суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши.

**363-м о д д а. Ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрадиган судлар**

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори янги очилган ҳолатлар бўйича шу ҳал қилув қарорини чиқарган

суд томонидан қайта кўрилади. Биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судларининг ажрим ва қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган суд томонидан амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

#### **364-м о д д а. Ариза бериш**

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки прокурор томонидан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни чиқарган судга бериледи. Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида беришлари мумкин.

#### **365-м о д д а. Ариза бериш муддатини ҳисоблаш**

Ариза бериш муддати:

1) ушбу Кодекснинг 362-моддаси 1-бандида назарда тутилган ҳолларда – иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан;

2) ушбу Кодекснинг 362-моддаси 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда – суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан;

3) ушбу Кодекснинг 362-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажрим ёки қарорга асос бўлган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан ёхуд бошқа органнинг ана шундай қарори чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

#### **366-м о д д а. Аризани кўриш**

Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги аризани аризаچини ва ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўради. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

#### **367-м о д д а. Суднинг ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими**

Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, уни қаноатлантиради ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилади ёхуд ишни қайта кўришни рад қилади.

#### **368-м о д д а. Суднинг ажрими устидан шикоят бериш**

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани

қаноатлантириш тўғрисида суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят берилмайди.

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан ушбу Кодекснинг 346, 347 ва 348-моддаларида назарда тутилган тартибда шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

#### **369-м о д д а. Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш оқибатлари**

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, иш суд томонидан умумий асосларда кўрилади.

### **IV бўлим. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ**

#### **370-м о д д а. Суд қарорларини ижро этиш тартиби**

Қонуний кучга кирган суд қарорлари барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади.

#### **371-м о д д а. Ижро варақаси**

Суд қарорининг мажбурий ижроси қарорни қабул қилган суд берадиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг суд томонидан ундирувчига бериледи, дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустаснодир, бунда ижро варақаси ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин дарҳол бериледи.

#### **372-м о д д а. Ижро варақаси бериш**

Ҳар бир ҳал қилув қарори бўйича битта ижро варақаси бериледи. Бироқ, агар ижро турли жойларда ёки бир неча ундирувчининг фойдасига амалга оширилдиган бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига биноан ижро жойини ёки ҳал қилув қарори ижросининг ҳар бир ижро варақасига тегишли қисмини аниқ кўрсатган ҳолда бир неча ижро варақаси беради.

Бир неча жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир неча ижро варақаси бериледи. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Ижро варақаси ундирувчига бериледи ёки унинг илтимосига кўра ижро қилиш учун бевосита суд томонидан юборилади.

### **373-м о д д а. Суднинг ижро варақасини юбориши**

Жиноят содир қилиш натижасида етказилган зарарни ундириш, алимент ундириш, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш, ходим билан меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ходимни гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда ёхуд суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини бажармасликда айбдор бўлган мансабдор шахслардан пул суммалари ундириш, мулкни мусодара қилиш, давлат даромадига пул маблағлари ундириш ҳолларида суд ижро варақасини ўз ташаббуси билан ижро этишга юборади, бу ҳақда тегишинча, молия органига ёки ундирувчига хабар қилади.

### **374-м о д д а. Ижро варақасининг дубликати-ни бериш**

Ижро варақасининг асл нусхаси йўқотилган тақдирда, ҳал қилув қарорини чиқарган суд ижро варақасининг дубликати бериши мумкин.

Дубликат бериш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўрилади, бироқ, уларнинг келмаслиги дубликат бериш масаласини ҳал этиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суднинг дубликат бериш масаласи бўйича чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### **375-м о д д а. Ижро варақасининг мазмуни**

Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро варақасини берган суднинг номи;  
2) ижро варақасининг қайси иш юзасидан берилганлиги, унинг рақами; *(биринчи қисмнинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

3) ҳал қилув қарори чиқарилган вақт;  
4) ҳал қилув қарорининг хулоса қисми (сўзма-сўз);  
5) ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирган вақти;  
6) ижро варақасининг берилган вақти ва уни ижрога топшириш муддати; *(биринчи қисмнинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

7) ундирувчи ва қарздорнинг номлари (фамилияси, исми, отасининг исми) ҳамда манзиллари.

Ижро варақасини судья имзолайди ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

### **376-м о д д а. Ижро қилиниши лозим бўлган ҳал қилув қарорини тушунтириш**

Ижро қилиниши лозим бўлган ҳал қилув қарори аниқ бўлмаса, суд ижрочиси ишни ҳал қилган суддан

(судьядан) ҳал қилув қарорини тушунтириб беришни илтимос қилишга ҳақли. Ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 215-моддасида белгиланган қоидалар бўйича тушунтирилади.

### **377-м о д д а. Ижро варақасини ижрога топшириш муддатлари**

Суднинг ҳал қилув қарори, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб уч йил ичида мажбурий тартибда ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Даврли тўловларни ундириш учун берилган ижро варақалари бу тўловлар ундириладиган бутун давр ичида ижрога топширилиши мумкин. Ижро варақаси ижрога топширилгунга қадар ўтган вақт учун даврли тўловлар ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида ундирилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатларнинг ўтиши ҳар бир тўлов муддати тугаган кундан эътиборан давом этади.

### **378-м о д д а. Ижро варақасини ижрога топшириш муддатининг узилиши**

Ижрога топшириш муддати агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижро варақасининг ижрога берилиши, шунингдек ҳал қилув қарори қисман ижро қилиниши билан узилади.

Муддат узилгандан сўнг унинг ўтиши янгидан бошланади, бунда олдинги ўтган вақт янги муддат ҳисобига киритилмайди. Агар ижро варақаси тўлиқ ёки қисман ундирилмай қайтарилса, ижро варақасини ижрога топшириш учун янги муддатни ҳисоблаш ижро варақаси ундирувчига қайтарилган кундан эътиборан бошланади.

### **379-м о д д а. Ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш**

Ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддати, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, суд узрли деб топган сабабларга кўра тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза ҳал қилув қарори чиқарган судга ёки ижро қилинадиган жойдаги судга берилади. Ариза ишда иштирок этган шахсларни хабардор қилган ҳолда судда кўрилади, бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласини ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад қилинганлиги устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**380-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки унинг бўлиб-бўлиб бажарилишига йўл қўйиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш**

Суд ундурувчи, қарздор ёки суд ижросисининг аризасига биноан ҳал қилув қарорининг ижросини ушбу Кодекснинг 216-моддасида белгиланган тартибда кечиктиришга ёки унинг бўлиб-бўлиб бажарилишига йўл қўйишга, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

**381-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ-199-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

**382-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси**

Ижро этилган ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин талабларни қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган ёхуд иш юриштириш тугатиш тўғрисида ёки аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда, бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси жавобгарга яна қайтариб берилиши лозим (ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси).

**383-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масаланинг биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилиниши**

Ишни янгидан кўриш учун топширилган суд ўз ташаббуси билан қайтарма ижро тўғрисидаги масалани кўриши ва уни янги ҳал қилув қарорида ёки иш юриштириш тугатиш тўғрисидаги ажримда ҳал қилиши шарт.

Ишни янгидан кўраётган суд бекор қилинган ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси масаласини ҳал қилмаган тақдирда, жавобгар бу судга қайтарма ижро тўғрисида ариза беришга ҳақли. Бу ариза ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўрилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масаланинг ҳал этилиши учун тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги ариза давлат божи тўламаган ҳолда умумий даъво муддати давомида берилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

**384-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масаланинг апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судида ҳал қилиниши**

Ишни апелляция, кассация шикояти бўйича ёки назорат тартибидаги протест бўйича кўриб чиқаётган

суд, агар ўзининг ажрими ёки қарори билан ҳуқуқ тўғрисидаги низони узил-кесил ҳал қилса ёки иш юриштириш тамомласа, ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиши ёки уни ҳал қилиш учун биринчи инстанция судига топшириши шарт. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

Агар юқори суднинг ажримида ёки қарорида қайтарма ижро тўғрисидаги масала бўйича ҳеч қандай кўрсатма бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза беришга ҳақли. Биринчи инстанция суди бу аризани ушбу Кодекс 383-моддасининг қоидаларига биноан кўриб чиқади ва ҳал қилади.

**385-м о д д а. Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича қайтарма ижронинг ўзига хос жиҳатлари**

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича пул суммаси ундириш тўғрисидаги, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги, алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш учун ҳақ ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари бекор қилинган тақдирда, агар бекор қилинган ҳал қилув қарори даъвогар берган сохта маълумотларга ёки у тақдим этган қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлса, қайтарма ижрога йўл қўйилади.

**V бўлим. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ**

**386-м о д д а. Чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари**

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан барабар фойдаланадилар.

Чет эл ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари махсус чекланишига йўл қўйилган давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб тарикасидаги чеклашларга йўл қўйилиши мумкин.

**387-м о д д а. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари**

Фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир-



лар ва фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан барабар фойдаланадилар.

**388-м о д д а. Чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низолар, шунингдек лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тааллуқли бўлиши**

Чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низоларнинг, шунингдек лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тааллуқли бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекс билан белгиланади.

**389-м о д д а. Чет давлатларга даъволар**

Чет давлатга нисбатан даъво тақдим этилишига, даъво таъминлинишига ва ундирув чет давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги мулкига қаратилишига фақат тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилиши мумкин.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатия вакиллари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиладиган доиралардагина Ўзбекистон Республикаси судининг юрисдикциясида бўладилар.

**390-м о д д а. Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқ билан мурожаат қилиши**

Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни (чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни топшириш, тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, жойга бориб кўриш ва бошқалар) бажариш тўғрисида

белгиланган тартибда берган топшириқларини ижро қиладилар. Бундан қуйидаги ҳоллар истиснодир:

1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш суднинг ҳуқуқ доирасига кирмаса.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида топшириқ билан мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судлари билан алоқада бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланади.

**391-м о д д а. Чет давлат судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш**

Чет давлат судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини Ўзбекистон Республикасида ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари билан белгиланади. Чет давлат суди ёки арбитражининг ҳал қилув қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижрога топширилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова)*

**(К ў ч и р м а)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Судловга тегишлилик тўғрисидаги қоидаларга риоя қилинган ҳолда судларга тушган, лекин 1998 йил 1 январга қадар кўриш тамомланмаган фуқаролик ишлари қайси судларнинг иш юритишида бўлса, ўша судлар томонидан кўрилади.
3. Агар 1998 йил 1 январга қадар кўрилган фуқаролик ишлари бўйича процессуал муддатлар ўтмаган бўлса ва бу муддатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган муддатларга қараганда камроқ бўлса, ишнинг кўриб чиқилиши вақтида амалда бўлган муддатлар қўлланилади.
4. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси билан мувофиқлаштирилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларининг ушбу Кодексга зид бўлмаган қисми қўлланилаверди.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 30 август,  
477а-І-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
Қ О Н У Н И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 234-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 30 август,  
478-І-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ\***

**І бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-м о д д а. Хўжалик судига мурожаат қилиш  
хуқуқи**

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

**2-м о д д а. Хўжалик судининг одил судловни амалга ошириши**

Хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган, ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

**3-м о д д а. Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари**

Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари куйидагилардан иборат:

1) иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

**4-м о д д а. Хўжалик судларида суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хўжалик судларида суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

**5-м о д д а. Хўжалик суди судьяларининг мустақиллиги**

Одил судловни амалга оширишда хўжалик судининг судьялари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**6-м о д д а. Хўжалик судида иш кўзгатиш**

Хўжалик суди:

1) манфаатдор шахсларнинг;

2) прокурорнинг;

3) қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш кўзгатади.

Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиё-

\* 1998 йил 1 январдан кучга киритилган.

рий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина хўжалик судида иш қўзғатиш мумкин. Бунда прокурор, давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатиш тарафлар юқоридаги чораларни кўрган-кўрмаганликларидан қатъи назар амалга оширилади.

#### **7-м о д д а. Қонун ва суд олдида тенглик**

Хўжалик судида низоларни ҳал қилиш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлиги, кимга бўйсунушидан қатъи назар, фуқароларнинг эса – жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

#### **8-м о д д а. Ишларни кўришнинг ошкоралиги**

Хўжалик судларида ишлар ошқора кўрилади.

Давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ мажлисда кўришга йўл қўйилади.

Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади.

#### **9-м о д д а. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги**

Хўжалик судида суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

#### **10-м о д д а. Суд ишлари юритиладиган тил**

Хўжалик судида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон ёрдамида ишга тааллуқли материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳамда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Турли давлатларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низолари суднинг ажримига биноан тарафлар учун мақбул тилда олиб борилади.

#### **11-м о д д а. Судда ишни кўришнинг бевоситалиги**

Хўжалик суди ишни кўришда иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шарт.

#### **12-м о д д а. Низоларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш**

Хўжалик суди низоларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Хўжалик суди ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органнинг ҳужжати қонунга тўғри келмаслигини, шу жумладан у ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда чиқарилганини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари бўлмаган тақдирда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини татбиқ этади, борди-ю бундай нормалар ҳам бўлмаसा, қонунларнинг умумий асослари ва мазмунига таяниб низони ҳал қилади.

Хўжалик суди қонунга ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини қўллади.

#### **13-м о д д а. Чет давлат ҳуқуқини қўллаш**

Чет давлат ҳуқуқи қўлланган тақдирда хўжалик суди бу ҳуқуқ нормаларининг мавжудлиги ва мазмуни уларнинг тегишли давлатдаги шарҳланишига ва амалда қўлланишига мувофиқ ҳолда аниқлайди.

Чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлигини ва уларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида хўжалик суди ёрдам беришни ёки тушунтириб беришни сўраб, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда хорижий давлатнинг ваколатли органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиши ёхуд мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Агар кўрилган чораларга қарамай чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлиги ёки уларнинг мазмуни аниқланмаса, хўжалик суди Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳуқуқ нормаларини қўллади.

#### **14-м о д д а. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги**

Хўжалик суди ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Хўжалик суди қабул қилган суд ҳужжатларини бажармаслик ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

#### **2-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ТАРКИБИ. РАД ҚИЛИШ**

#### **15-м о д д а. Хўжалик судининг таркиби**

Хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судида эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат бўлиши керак.

Ишни кўриш чоғида ҳамма судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ушбу Кодексга мувофиқ судьяга ишни ва айрим масалаларни якка тартибда ҳал қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, у хўжалик суди номидан ҳаракат қилади.

### **16-м о д д а. Хўжалик судида масалаларни ҳал қилиш тартиби**

Хўжалик судида иш ҳайъатда кўрилатганда ва ҳал қилинганда келиб чиқадиган масалалар судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Судьялардан бирортаси овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Мажлисга раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Бошқа судьяларнинг қарорига қўшилмаган судья бу қарорга имзо чекишга мажбур ва у ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Алоҳида фикр ишга кўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайдилар.

### **17-м о д д а. Судьяни рад қилиш**

Судья қуйидаги ҳолларда ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим:

1) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

2) шу иш илгари кўрилганида эксперт, таржимон, прокурор, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса; (2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

3) ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ишни кўраётган хўжалик суди таркибига бир-бирига қариндош бўлган судьялар кириши мумкин эмас.

### **18-м о д д а. Прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби ва таржимонни рад қилиш**

Ушбу Кодекс 17-моддасининг 1 ва 3-бандларида кўрсатилган асосларга мувофиқ прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби ва таржимон ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва улар рад қилиниши лозим. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

Бундан ташқари экспертни рад қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) унинг ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакилларига ишни кўриш пайтида ёки ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан ёки бошқа томондан қарам бўлганлиги;

2) у ўтказган тафтиш материаллари хўжалик судига мурожаат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ёки ишни кўришда улардан фойдаланилаётган бўлса.

### **19-м о д д а. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги**

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан ёхуд назорат тартибда бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок эта

олмайди, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари бундан мустасно.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибда кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибда кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд назорат тартибда кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни назорат тартибда кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июль ЎРҚ-43-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 28-29-сон, 261-модда)

### **20-м о д д а. Рад қилиш ҳақида ариза бериш**

Ушбу Кодекснинг 17 ва 18-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза беришлари шарт. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам шу асосларга кўра рад қилиш ҳақида ариза беришлари мумкин. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

Рад қилиш ҳақидаги арз асослантилган бўлиши ҳамда иш мазмунан кўрилишидан олдин маълум қилиниши лозим. Иш кўрилатган пайтда рад қилиш ҳақида арз қилишга рад қилиш учун асослар хўжалик судига ёки рад қилиш ҳақида арз қилаётган шахсга ишни кўриш бошлаб юборилгандан кейин маълум бўлиб қолган ҳоллардагина йўл қўйилади.

### **21-м о д д а. Рад қилиш тўғрисидаги аризани ҳал қилиш тартиби**

Рад қилиш тўғрисида арз қилинган тақдирда, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини эшитиши, шунингдек агар рад қилиниши талаб этилаётган шахс тушунтириш беришни хоҳласа, уни эшитиши керак.

Ишни яқка ўзи кўраётган судьяни рад қилиш масаласини хўжалик судининг раиси ёки суд хайъатининг раиси ҳал қилади.

Иш ҳайъатда кўрилатганда судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала рад қилиниши талаб этилаётган судьянинг иштирокисиз қолган судьялар томонидан ҳал қилинади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, судья рад қилинган ҳисобланади.

Бир неча судьяни ёки ишни кўраётган суд таркибини бутунлай рад қилиш масаласи шу суднинг тўлиқ таркибиде, оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби ва таржимонни рад қилиш масаласини ишни кўраётган суд ҳал қилади. (Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг

2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

Рад қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

### **22-м о д д а. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш оқибатлари**

Судья ёки бир неча судьялар ёхуд бутун суд таркиби рад қилинган тақдирда иш ўша судда, бироқ бошқа таркибда кўрилади.

Агар рад қилишни қаноатлантириш натижасида ишни ўша хўжалик судида кўриш учун суднинг янги таркибини тузиш мумкин бўлмаса, иш бошқа хўжалик судига ўтказилиши лозим.

### **3-БОБ. СУДГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАР ВА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК**

#### **23-м о д д а. Судга тааллуқли ишлар**

Хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яққа тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

#### **24-м о д д а. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар**

Хўжалик суди қуйидагиларни ҳал этади:

1) тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжа-

лик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

2) шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

3) мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

4) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

5) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

6) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

7) етказилган зарарни қоллаш тўғрисидаги низолар;

8) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

9) давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузгандиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

10) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

11) давлат рўйхатиغا олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатиغا олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

12) агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, назорат қилувчи органлар томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

13) назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар. (12 ва 13-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ–288-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)

Хўжалик суди ўзининг ваколат доирасига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади.

#### **25-м о д д а. Низоларни ҳал этишни ҳакамлик судига топшириш**

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамда хўжалик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, хўжалик суди қарор чиқаргунга қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ–106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)

#### **25<sup>1</sup>-м о д д а. Хўжалик суди томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар**

Хўжалик суди томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларга қуйидагилар киради:

1) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;

2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар.

Хўжалик судлари ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ишларни ушбу Кодекснинг 20<sup>1</sup>–20<sup>2</sup>-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда хўжалик судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўриб чиқади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ–106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

### **26-м о д д а. Ишларнинг судловга тегишлилиги**

Хўжалик судига тааллуқли ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан кўрилади, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судловига тегишли ишлар бундан мустасно.

Олий хўжалик суди қуйидагиларни кўради:

республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар; ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Олий хўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган хўжалик судидан олиб кўриш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли.

### **27-м о д д а. Даъвони жавобгар жойлашган жойда тақдим этиш**

Даъволар жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилади.

Юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмасы фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган жойда тақдим этилади.

### **28-м о д д а. Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик**

Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилади.

Қаердалиги номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки жойлашган жойдаги ёки Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охириги турар жойидаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ташкилоти ёки фуқароси бўлган ва айна пайтда бошқа давлат ҳудудига турган жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган жойдаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар шартнома ижро этиладиган жойда тақдим этилиши мумкин.

### **29-м о д д а. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги**

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар аризачи турган жойда кўрилади. Бинога, иншоотга, ер участкасига эгаликни аниқлаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно бўлиб, улар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда кўрилади.

### **30-м о д д а. Банкротлик тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги**

Ташкилот ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар қарздор турган жойда кўрилади.

### **31-м о д д а. Алоҳида судловга тегишлилик**

Бино, иншоот, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоот, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда тақдим этилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган йўловчи, багаж ва юк ташувчига нисбатан даъволар, шу жумладан йўловчи, багаж ва юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолларда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда тақдим этилади.

### **32-м о д д а. Шартнома бўйича судловга тегишлилик**

Ушбу Кодекснинг 27 ва 28-моддаларида белгиланган судловга тегишлилик тарафларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

### **33-м о д д а. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш**

Хўжалик суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа хўжалик судининг судловига тегишли бўлиб қолса-да, аввалги хўжалик суди томонидан мазмунан кўрилиши лозим.

Хўжалик суди ишни бошқа хўжалик судига қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

1) агар иш судловга тегишлилик қоидасини бузиб қабул қилинганлиги шу судда ишни кўриш вақтида маълум бўлса;

2) агар бир ёки бир неча судьялар рад қилинганидан кейин уларни ушбу судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда.

Ишни бошқа хўжалик судига кўришга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Бир суддан бошқа судга юборилган иш у юборилган судда кўриш учун қабул қилиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ўртасида судловга тегишлилик тўғрисида низоларга йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. ИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР ХАМДА ХЎЖАЛИК СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ**

##### **34-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахслар**

Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар ўз зиммаларига юклатилган ваколатга кўра, шунингдек аризачилар ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар банкротлиги тўғрисидаги ишлардан манфаатдор бошқа шахслар ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланадилар.

##### **35-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ушбу Кодексда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эгадир ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари шарт.

##### **36-м о д д а. Тарафлар**

Даъвогар ва жавобгар хўжалик судлов ишларини юритишда тарафлардир.

Ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига даъво тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган ташкилотлар ва фуқаролар даъвогардир.

Даъво ёки ариза талаби қаратилган ташкилотлар ва фуқаролар жавобгардир. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель УРҚ-288-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

Тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

##### **37-м о д д а. Ишда бир неча даъвогар ва жавобгарнинг иштироки**

Даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин. Ҳар бир даъвогар ёки жавобгар процессда мустақил қатнашади. Биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари мумкин.

Бошқа жавобгарни жалб этиш зарур бўлган ҳолларда хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунигача даъвогарнинг розилиги билан ўша жавобгарни жалб қилади.

##### **38-м о д д а. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш**

Хўжалик суди даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганини аниқласа, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгарнинг ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф хўжалик судининг ташаббуси билан алмаштирилиши мумкин, бироқ даъвогар ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс ишда низо юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида қатнашишга ҳақли ва бу ҳақда суд ушбу шахсни хабардор қилади.

Агар даъвогар жавобгарни бошқа шахс билан алмаштиришга рози бўлмаса, суд даъвогарнинг розилиги билан бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганлиги тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш янгидан бошланади.

##### **39-м о д д а. Процессуал ҳуқуқий ворислик**

Тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (қайта ташкил этилиш, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва бошқа ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорига кўрсатади. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунигача қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

##### **40-м о д д а. Даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, келишув битими**

Даъвогар хўжалик низоси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, ёхуд даъводан воз кечишга ҳақли.

Жавобгар даъвони қисман ёки тўла тан олиши мумкин.

Тарафлар ҳар қандай инстанцияда ишни келишув битими билан тамомлашлари мумкин.

Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса, хўжалик суди даъводан воз кечишни, даъво талаблари миқдорини камайтиришни, даъвони тан олишни қабул қилмайди, келишув би-



тимини тасдиқламайди. Бундай ҳолларда хўжалик суди ишни мазмунан кўради.

#### **41-м о д д а. Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар**

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларини бажарадилар, шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган ёки шартномада белгиланган жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш мажбурияти бундан мустаснодир.

#### **42-м о д д а. Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар**

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар даъвогар ёки жавобгар томонидан ишга киришиши мумкин. Учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси билан ёки суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)*

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларини бажарадилар, даъвонинг асоси ёки предметиғи ўзгартириш, даъво талабининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек даъводан воз кечиш, даъвои тан олиш ёки келишув битими тузиш, суд ҳужжатининг мажбурий тарзда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Хўжалик суди бир жараёнда дастлабки даъвои кўриб чиқишга ва мансабдор шахс томонидан ташкилотга етказилган зарарни ундан ундириш масаласини регресс тартибда ҳал этишга ҳақлидир. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)*

#### **43-м о д д а. Ишда прокурорнинг иштироки**

Прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судига эса – тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Даъво тақдим этган прокурор келишув битими тузишдан ташқари даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради.

Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Прокурор томонидан ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт.

#### **44-м о д д а. Ишда давлат органлари ва бошқа органларнинг иштироки**

Давлат органлари ва бошқа органлар қонунларда назарда тутилган ҳолларда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этишлари мумкин. Даъво тақдим этган мазкур органлар даъвогарнинг келишув битими тузиш ҳуқуқидан ташқари барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Ушбу органларнинг тақдим этилган даъволардан воз кечиши даъвогарни низони мазмунан кўришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

#### **45-м о д д а. Хўжалик судлов ишларини юриштирнинг бошқа иштирокчилари**

Ишда иштирок этувчи шахслардан ташқари хўжалик судлов ишларини юриштишда вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар иштирок этишлари мумкин.

#### **46-м о д д а. Гувоҳ**

Хўжалик суди низони тўғри ҳал этиши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва ҳолатлардан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Гувоҳ хўжалик судининг чақируви бўйича у ерга келиши ва иш юзасидан ўзи хабардор бўлган маълумот ва ҳолатларни маълум қилиши шарт.

Гувоҳ тўғри кўрсатувлар бериши, судьянинг, ишда иштирок этувчи шахсларнинг саволларига жавоб бериши шарт.

Гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги ва кўрсатув беришдан бош тортганлиги ёки бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади.

#### **47-м о д д а. Эксперт**

Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

Эксперт: ушбу Кодекснинг 17 ва 18-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўзини

ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиши; ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши; хўжалик судининг қақурувига биноан суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; суд муҳокамаи вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Эксперт: экспертиза предметиға оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; жойида кўздан кечиришда иштирок этиш ва экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; суд муҳокамаида экспертиза предметиға оид далилларни текширишда иштирок этиш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ва гувоҳларга хўжалик судининг рухсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметиға оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари ишда иштирок этувчи шахслар ва гувоҳлар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у суд муҳокамаи юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар ишни юритаётган хўжалик судининг қарорлари, судьянинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқиға эгадир.

Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиний жавобгар бўлади.

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигиға ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигиға ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигиға ва уларни тўлдириб бўлмаслигиға ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигиға ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган хўжалик судиға юборади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

#### **48-м о д д а. Таржимон**

Таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда хўжалик суди томонидан тайинланган шахс таржимондир.

Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари, гарчи таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни билсалар ҳам, таржимонлик вазибаларини ўз зиммаларига олишға ҳақли эмаслар.

Таржимон суд қақурувига биноан келиши ва таржимани тўла тўғри ҳамда ўз вақтида амалга ошириши шарт. Таржимон аниқ таржима қилиш мақсадида таржима чоғида ҳозир бўлганларга саволлар беришға ҳақли.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун жиний жавобгарликка тортилади.

### **5-боб. ХўЖАЛИК СУДИДА ВАКИЛЛИК**

#### **49-м о д д а. Вакиллар орқали иш юритиш**

Хўжалик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида иш кўрадиған органлари ҳамда вакиллари олиб боради.

Ташкилотларнинг раҳбарлари, бошқа шахслар таъсис ҳужжатларига мувофиқ хўжалик судиға уларнинг хизмат мавқеларини ёки ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Фуқаролар ўз ишларини хўжалик судида шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

#### **50-м о д д а. Хўжалик судида вакиллик қилиши мумкин бўлган шахслар**

Хўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатға эга бўлган ҳар қандай фуқаро хўжалик судида вакил бўлиши мумкин.

Тўла муомала лаёқатиға эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини хўжалик судлов ишларини юритишда уларнинг қонуний вакиллари – ота-онаси, фарзандликка олганлар, васий ёки ҳомийлари ҳимоя қиладилар. Қонуний вакиллар хўжалик судида иш юритишнинг ўзлари танлаган бошқа вакилга топширишлари мумкин.

#### **51-м о д д а. Вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш**

Вакилнинг ваколатлари қонунға мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши керак.

Ташкилот номидан берилган ишончномаға унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқа шахс имзо чекади ва бу имзо ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Фуқаро томонидан берилаётган ишончнома нотариал тартибда, шунингдек ишончномани берувчи ишлаётган ёки ўқиётган ташкилот томонидан, яшаб турган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти томонидан ва у даволанаётган стационар даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан, агар ишончнома ҳарбий хизматчи томонидан берилаётган бўлса – тегишли ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин. Жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг ишончномаси тегишли муассасанинг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Адвокатнинг ваколати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

### **52-м о д д а. Вакилнинг ваколатлари**

Хўжалик судида иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъво-ни тан олиш, даъво предмети ёки асосини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, протест келтириш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш бундан мустасно. Вакилнинг ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

### **53-м о д д а. Хўжалик судида вакил бўла олмайдиган шахслар**

Тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган ёхуд васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар.

Судьялар, терговчилар, прокурорлар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар. Кўрсатилар ўтилган шахслар процессда тегишли судлар, прокуратуранинг вакили сифатида ёки қонуний вакил сифатида қатнашаётган бўлсалар, бу қоида татбиқ этилмайди.

## **6-БОБ. ДАЛИЛЛАР**

### **54-м о д д а. Далиллар тушунчаси ва уларнинг турлари**

Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далиллар бўлиб, улар асосида хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

### **55-м о д д а. Исботлаш мажбурияти**

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар қўрилганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилади. Ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир

чораларини (бундан буён матнда ҳуқуқий таъсир чоралари деб юритилади) қўллаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

Хўжалик суди, агар ишни кўриб чиқиш учун мавжуд материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишда иштирок этувчи шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақлидир.

### **56-м о д д а. Далилларни тақдим этиш ва талаб қилиб олиш**

Далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади.

Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур. Суд зарур ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсга далилни олиш учун сўров беради. Суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки судга топшириш учун тегишли сўровга эга бўлган шахсга беради.

Агар шахс хўжалик суди талаб қилаётган далилни тақдим этиш имкониятига бутунлай эга бўлмаса ёки суд белгиланган муддатда тақдим эта олмаса, у суднинг сўровини олгандан сўнг беш кунлик муддат ичида бу ҳақда сабабини кўрсатиб судни хабардор қилиши шарт.

Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарама солинади.

Талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсга жарама солиниши уни далилни хўжалик судига тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

### **57-м о д д а. Далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш**

Судга олиб келиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган далилларни, шунингдек тез бузиладиган ашёвий далилларни хўжалик суди улар жойлашган ерда кўздан кечириши ва текшириши мумкин.

Далилларни кўздан кечириш ва текшириш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади, уларнинг келмаслиги кўздан кечириш ва текшириш ўтказишга тўсқинлик қилмайди. Зарур ҳолларда далилларни кўздан кечириш ва текширишда иштирок этиш учун экспертлар ва гувоҳлар чақирилиши мумкин.

Тез бузиладиган ашёвий далиллар ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан хўжалик суди томонидан дарҳол кўздан кечирилиши ва текширилиши мумкин.

Далиллар турган жойида кўздан кечириб ва текшириб бўлиниши биланоқ баённома тузилади.

#### **58-м о д д а. Далилларнинг дахлдорлиги**

Хўжалик суди кўрилаётган ишга дахлдор бўлган далилларнигина қабул қилади.

#### **59-м о д д а. Далилларга йўл қўйилиши**

Ишнинг ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлса, бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

#### **60-м о д д а. Исботлашдан озод қилиш асослари**

Ишнинг хўжалик суди ҳаммага маълум деб топган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, худди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни суд кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Умумий суднинг фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган хўжалик суди учун умумий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга алоқадор ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

#### **61-м о д д а. Далилларга баҳо бериш**

Хўжалик суди ишдаги мавжуд далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текширишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳолайди.

Ҳеч қандай далил хўжалик суди учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.

#### **62-м о д д а. Ёзма далиллар**

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, амалий ёзишмалар, шу жумладан, факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имкони берувчи бошқа усулда олинган ўзга ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади.

Ёзма далиллар асл нусхада ёки тегишлича тасдиқланган нусха шаклида тақдим этилади. Агар кўрилаётган ишга ҳужжатнинг фақат бир қисми алоқадор бўлса, унинг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

Иш ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда хўжалик судининг талаби билан уларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Ишда иштирок этувчи шахс томонидан хўжалик судига топширилган ёзма далилларнинг нусхалари хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, қўлида шундай нусхалар бўлмаган бошқа шахсларга юборилади (берилади).

#### **63-м о д д а. Хўжатларнинг аслини қайтариш**

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг асли уларни тақдим этган шахсларнинг илтимосномасига кўра хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин, агар суд ҳужжатни қайтариш низонинг тўғри ҳал қилинишига зарар етказмайди деган хулосага келса, ишни юритиш жараёнида ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар уларга қайтариб берилиши мумкин. Илтимоснома билан бир вақтда мазкур шахслар ҳужжат аслининг тегишлича тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар ёки ишда қолаётган нусханинг аслига тўғрилиги суд томонидан тасдиқланишини илтимос қиладилар.

#### **64-м о д д а. Ашёвий далиллар**

Ўзининг ташқи кўриниши, ички хусусиятлари, турган жойи ёки бошқа белгилари билан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қила оладиган ашёлар ашёвий далиллар ҳисобланади.

#### **65-м о д д а. Ашёвий далилларни сақлаш**

Ашёвий далиллар хўжалик судида сақланади.

Хўжалик судига келтириб бўлмайдиган ашёвий далиллар турган жойида сақланади. Улар батафсил тасвирланиши, муҳраб қўйилиши, зарур ҳолларда эса фотосуратга ёки видеотасвирга олинishi лозим.

Хўжалик суди ва сақловчи ашёвий далилларни ўзгармайдиган ҳолатда сақлаш чораларини кўрадилар.

#### **66-м о д д а. Ашёвий далилларни қайтариш**

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ашёвий далиллар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтариб берилади ёхуд суд шу ашёларга кимнинг ҳуқуқи бор деб топган бўлса, ўша шахсларга берилади ёки суд белгилайдиган бошқа тартибда реализация қилинади.

Айрим ҳолларда хўжалик суди ашёвий далилларни кўздан кечириб ва текшириб чиққанидан кейин башарти, ашёвий далилларни тақдим этган шахслар уларни қайтариб беришни илтимос қилган бўлсалар ва бундай илтимосноманинг қаноатлантирилиши низонинг тўғри ҳал этилишига зарар келтирмаса, улар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга иш юритиш жараёнида қайтариб берилиши мумкин.

Хўжалик суди ашёвий далилларни қайтариш масалалари юзасидан ажрим чиқаради.

Қонунга мувофиқ айрим шахсларнинг эгалигида туриши мумкин бўлмаган ашёлар тегишли ташкилотларга топширилади.

#### **67-м о д д а. Экспертиза тайинлаш**

Ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ–250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўлами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак

бўлган саволлари ва экспертларнинг номзодлари бўйича таклифларини тақдим этишга ҳақлидирлар.

Экспертизанинг хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг узил-кесил мазмунини хўжалик суди белгилайди. Ишда иштирок этувчи шахслар таклиф этган саволларни рад этишни суд асослаб бериши шарт.

Экспертиза тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

### **68-м о д д а. Экспертизани ўтказиш тартиби**

Экспертиза хўжалик судининг мажлисида ёки, агар текширишнинг хусусиятига кўра зарур бўлса ёхуд текшириш объектларини мажлисга олиб келиш имкони бўлмаса, мажлисдан ташқарида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахслар экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлишга ҳақлидир, бундай иштирок этиш экспертнинг нормал ишлашига ҳалақит бериши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **68<sup>1</sup>-м о д д а. Қўшимча ва қайта экспертизалар**

Қўшимча экспертиза эксперт (экспертлар комиссияси) хулосасидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади.

Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослан-тирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

Қайта экспертиза тайинланганда эксперт (экспертлар комиссияси) олдида илгари қўлланилган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қайта экспертизани тайинлаш тўғрисидаги ажримда қайта экспертизани тайинлаган хўжалик судининг биринчи (олдинги) экспертиза хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Қайта экспертизани ўтказиш бошқа экспертга (экспертлар комиссиясига) топширилади. Биринчи (олдинги) экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси) қайта экспертизани ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у текшириш ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

### **68<sup>2</sup>-м о д д а. Экспертизанинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши**

Экспертиза бир хил (комиссиявий экспертиза) ёки турли хил (комплекс экспертиза) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча эксперт томонидан ўтказилиши мумкин.

Экспертизанинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши экспертизани тайинлаган хўжалик суди ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Экспертизани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олади.

Экспертизани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси таркибидаги ҳар бир эксперт текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз махсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Текширишларнинг экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман ўтказилишига йўл қўйилмайди.

### **68<sup>3</sup>-м о д д а. Комиссиявий экспертиза**

Комиссиявий экспертиза ўтказилаётганда экспертларнинг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказди ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади.

Экспертлар умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди.

Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

### **68<sup>4</sup>-м о д д а. Комплекс экспертиза**

Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.

Комплекс экспертизани ўтказишда экспертларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида текширишлар олиб боради. Комплекс экспертизанинг хулосасида экспертларнинг ҳар бири қайси текширишларни ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Экспертларнинг ҳар бири хулосанинг ушбу текширишлар баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган экспертлар қилади. Агар экспертлар комиссияси якуний фикрининг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида экспертлардан бирининг (алоҳида экспертларнинг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак.

Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Агар комплекс экспертизани ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унда ушбу экспертизани ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

*(68<sup>1</sup>–68<sup>4</sup>-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **69-м о д д а. Экспертнинг ёки экспертлар комиссиясининг хулосаси**

Эксперт ёки экспертлар комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада: экспертиза ўтказилган сана ва жой; экспертизани ўтказиш асоси; экспертизани тайинлаган судья тўғрисида маълумотлар; эксперт (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; экспертнинг олдида қўйилган саволлар; экспертга тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар экспертлар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар экспертизани тайинлаган хўжалик судининг талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги текшириш давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган хўжалик судига юборилади.

Хулоса хўжалик судининг мажлисида текширилади ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади. *(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнь ЎРҚ-250-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 22-сон, 174-модда)*

### **70-м о д д а. Гувоҳнинг кўрсатувлари**

Гувоҳ ўзи билган маълумотлар ва ҳолатларни хўжалик судига оғзаки хабар қилади. Гувоҳ хўжалик судининг таклифига кўра ўз кўрсатувларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

Агар гувоҳ ўзи билган маълумотларнинг манбаини кўрсатиб бера олмаса, у хабар қилган маълумотлар далил ҳисобланмайди.

### **71-м о д д а. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш учун аҳамиятли бўлган ўзларига маълум ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари текширилиши ва бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахс хўжалик судининг таклифига кўра ўз тушунтиришларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс томонидан бошқа шахс ўз талабларини ёки эътирозларини асослаётган фактларнинг тан олиниши хўжалик суди учун мажбурий эмас.

Агар фактни тан олиш ишнинг ҳолатларига мувофиқ эканлигига ва алдаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, чалғитиш таъсирида ёки ҳақиқатни яшириш мақсадида қилинмаганига хўжалик судида шубҳа тугилмаса, у тан олинган фактни аниқланган деб ҳисоблаши мумкин.

### **72-м о д д а. Далилларни таъминлаш**

Зарур далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб хавотирланиш учун асоси бўлган шахслар ишни юритишга қабул қилган хўжалик судидан шу далилларни таъминлашни илтимос қилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, тасдиқлаш учун бу далиллар зарур бўлган ҳолатлар, уларни таъминлаш тўғрисида аризаچини илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар кўрсатилиши керак.

Далилларни таъминлаш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш мумкин.

### **73-м о д д а. Далилларни таъминлаш тартиби**

Далилларни таъминлаш ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга кўра хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

### **74-м о д д а. Суд топшириқлари**

Ишни кўраётган хўжалик суди бошқа вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ҳудудидаги далилларни олиши зарур бўлиб қолган ҳолларда тегишли хўжалик судига муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширишга ҳақли.

Суд топшириғи тўғрисидаги ажримда кўриладиган ишнинг мазмуни қисқача баён қилинади, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарадиган хўжалик суди тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади.

Суд топшириғи тўғрисидаги ажрим топшириқ берилган хўжалик суди учун мажбурийдир ва ажрим олинган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай бажарилиши лозим.

### **75-м о д д а. Суд топширигини бажариш тартиби**

Суд топшириги хўжалик судининг мажлисида ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга мувофиқ бажарилади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаганлиги мажлисни ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

Суд топширигининг ижроси тўғрисида ажрим чиқарилиб, у дарҳол барча материаллар билан ишни кўраётган хўжалик судига юборилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар, топшириқни бажарган хўжалик судига тушунтиришлар ёки кўрсатувлар берган гувоҳлар ишни кўраётган суд мажлисида ўзлари иштирок этган тақдирда умумий тартибда тушунтиришлар ва кўрсатувлар берадилар.

### **7-боб. ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ**

#### **76-м о д д а. Даъво ни таъминлаш асослари**

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра даъво ни таъминлаш чораларини кўришга ҳақли. Даъво ни таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, хўжалик судлов ишн и юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

Даъво ни таъминлаш тўғрисидаги ариза тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан низони ҳал этаётган хўжалик суди томонидан кўрилади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъво ни таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъво ни таъминлаш тўғрисидаги аризасига кўра ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги хўжалик суди томонидан ариза хўжалик судига келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан тарафларни хабардор қилмаган ҳолда кўрилиши мумкин. Даъво ни таъминлаш тўғрисидаги аризага даъво нинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъво ни таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ–106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Даъво ни таъминлаш ёки таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Даъво ни таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш ушбу ажрим ижросини тўхтатиб турмайди.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъво ни таъминлаш тўғрисидаги аризани хўжалик суди томонидан кўриб чиқиш ва даъво ни таъминлаш ҳақида ажрим чиқариш ушбу Кодекснинг 77–81-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ–106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

### **77-м о д д а. Даъво ни таъминлаш чоралари**

Қуйидагилар даъво ни таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;

2) жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш;

3) бошқа шахсларга низо предметида алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш;

4) даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш;

5) мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туриш.

Зарур ҳолларда даъво ни таъминлаш учун бир неча чора қўллашга йўл қўйилади.

Хўжалик суди даъво ни таъминлашга йўл қўяр экан, жавобгарнинг илтимосномасига кўра даъвогардан жавобгар кўриши мумкин бўлган зарар қопланишининг таъминловини талаб қилиши мумкин.

Ушбу модданин б иринчи қисми 2 ва 3-бандларида кўрсатилган чораларга риоа этмаганлик учун ташкилотлар ва фуқаролардан республика бюджет и даромади га қуйидагича жарима ундирилади:

баҳоланадиган даъволар бўйича – даъво баҳосининг эллик фоизигача миқдорда;

баҳоланмайдиган даъволар бўйича – энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда.

Хўжалик судининг даъво ни таъминлаш тўғрисидаги ажримини ижро этмаслик билан етказилган зарарни қоплашни даъвогар ўша хўжалик судида даъво тақдим этиш йўли билан талаб қилишга ҳақли.

### **78-м о д д а. Даъво ни таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш**

Даъво ни таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади.

Даъво ни таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласи ушбу Кодекснинг 76-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

Пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъво ни таъминлашда жавобгар даъво ни таъминлаш бўйича белгиланган чораларни қўллаш ўрнига хўжалик судининг депозит ҳисобварағига даъвогар талаб қилаётган суммани тўлашга ҳақли.

### **79-м о д д а. Даъво ни таъминлаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш**

Даъво ни таъминлаш тўғрисидаги ажрим хўжалик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро этилади.

### **80-м о д д а. Даъво ни таъминлашни бекор қилиш**

Даъво ни таъминлаш ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ишни кўраётган хўжалик суди томонидан бекор қилиниши мумкин. Даъво ни таъминлашни бекор қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади.

Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар, бироқ уларнинг келмаслиги даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Даъво рад этилган тақдирда йўл қўйилган таъминлаш чоралари ҳал қилув қарори кучга киргунча сақланади. Бироқ, хўжалик суди ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки у қабул қилинганидан кейин даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари хўжалик суди томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

### **81-м о д д а. Даъвони таъминлаш туфайли жавобгарга етказилган зарарни қоплаш**

Даъвони рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, жавобгар ўша хўжалик судида даъво тақдим этиш йўли билан даъвогардан даъвони таъминлаш туфайли ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

## **8-БОБ. ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ**

### **82-м о д д а. Хўжалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти**

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур:

1) ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

2) жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда;

3) фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

4) фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда.

Хўжалик суди қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туради.

### **83-м о д д а. Хўжалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи**

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли:

1) хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда;

2) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда;

3) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш фуқаро бирор-бир давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

### **84-м о д д а. Иш юритишни тиклаш**

Иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бартараф қилинганда, иш юритиш тикланади.

### **85-м о д д а. Иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш тартиби**

Хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш юзасидан ажрим чиқаради.

Иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

## **9-БОБ. ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШ**

### **86-м о д д а. Иш юритишни тугатиш асослари**

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

1) низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса;

2) умумий суд, хўжалик судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса;

3) ҳакамлик судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлик судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан хўжалик суди ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлик судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно; *(3-банд Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

4) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган бўлса;

5) ишда иштирок этган шахс бўлмиш фуқаронинг ўлиmidан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

6) даъвогар даъвосидан воз кечган ва хўжалик суди уни қабул қилган бўлса;

7) келишув битими тузилиб, у хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса;

8) даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса.

### **87-м о д д а. Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари**

Иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.



Хўжалик судининг ажримда суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айнаи бир шахслар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича низо юзасидан хўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

## 10-боб. ДАЪВОНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШ

### 88-м о д д а. Даъвои кўрмасдан қолдириш асослари

Хўжалик суди қўйдаги ҳолларда даъвои кўрмасдан қолдиради:

1) умумий суд, хўжалик суди, ҳакамлик суди айнаи бир шахслар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлик судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви бўлиб, ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ва агар ишнинг хўжалик судида кўрилишига қарши бўлган жавобгар биринчи аризадан кечиктирмай низони мазмунан ҳал этишни ҳакамлик судига топшириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилса; *(1 ва 2-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31-32-сон, 315-модда)*

3) даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

4) қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ундириб олиниши шарт бўлишига қарамай даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат этмаган бўлса;

5) даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

6) даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаган бўлса;

7) давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш ёки ундан бош тортиш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса;

8) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса;

9) даъвогар унинг манфаатларини кўзлаб прокурор томонидан тақдим этилган даъводан воз кечган бўлса. *(9-банд Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

### 89-м о д д а. Даъвои кўрмасдан қолдириш тартиби ва оқибатлари

Хўжалик суди даъвои кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ажримда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Даъвои кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Даъвои кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, даъвогар хўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## 11-боб. СУД ХАРАЖАТЛАРИ

### 90-м о д д а. Суд харажатларининг таркиби

Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан: суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, хўжалик суди тайинлаган экспертлари ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган сумма, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташкил топади.

Суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг тахминий суммаси хўжалик суди томонидан белгиланади ва даъвогар томонидан хўжалик судининг депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилиши керак.

### 91-м о д д а. Давлат божи

Қўйдагилар учун давлат божи тўланади:

1) даъво аризалари;

2) ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар;

3) низо предмети юзасидан мустақил талаблар қўядиган учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалар;

4) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар;

5) хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари, шунингдек иш юритишни тугатиш, даъвои кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар;

7) хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ва ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари. *(Биринчи қисмнинг 6 ва 7-бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31-32-сон, 315-модда)*

Даъво талаблари кўпайтирилганида давлат божининг етишмаётган суммаси ҳал қилув қарори қабул

қилинаётганда даъвонинг кўпайган суммасига мувофиқ ундирилади. Даъво қиймати камайтирилганда тўланган бож қайтарилмайди.

Давлат божининг миқдори, уни тўлашдан озод қилиш ва унинг миқдорини камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Алоҳида ҳолларда суд даъвогарининг аризасига кўра унинг мулкӣ аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат берилган ҳақли.

### **92-м о д д а. Даъвонинг баҳоси**

Даъвонинг баҳоси куйидагича аниқланади:

1) пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – ундириладиган суммага қараб;

2) ижро этиш ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар бўйича – низолашилаётган суммага қараб;

3) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича – шу мол-мулкнинг қийматига қараб;

4) ер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъвога бўйича – ер участкасининг белгиланган баҳода, баҳоси бўлмаसा – бозор баҳосида чиқарилган қийматига қараб.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка (жарима, пеня) суммалари ҳам киритилади.

Бир неча мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан белгиланади.

Даъвонинг баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда у ҳўжалик суди томонидан белгиланади.

### **93-м о д д а. Давлат божини қайтариш**

Давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қайтарилиши керак.

Ҳўжалик судининг ҳужжатида давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади.

Давлат божи тўланган, лекин ҳўжалик судига келиб тушмаган ёки у қайтарган аризалар, апелляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда божни тўлиқ ёки қисман қайтаришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари бўйича уни қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

### **94-м о д д а. Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга тегишли суммаларни тўлаш**

Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга ҳўжалик судига келиш билан боғлиқ бўлган йўлқира, уй-жой ижараси харажатлари қопланади ва кўндалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

Экспертлар ва таржимонлар ҳўжалик судининг топшириги билан бажарган иш уларнинг хизмат вазифаси доирасига кирмаса, улар бу иш учун ҳақ оладилар.

Ҳўжалик судига гувоҳ сифатида чақирилган фуқароларнинг судга келиши туфайли йўқотилган вақт билан боғлиқ харажатлари қопланади.

Ишда иштирок этиб, тегишли илтимос билан мурожаат қилган шахс гувоҳлар ва экспертларга тўлани-

ши лозим бўлган суммани ҳўжалик судининг депозит ҳисобварағига олдиндан ўтказиши. Агар иккала томон илтимос билан мурожаат қилган бўлса, талаб қилинадиган суммани улар тенг бўлиб ўтказадилар. Агар қўшимча экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, тўланиши лозим бўлган сумма экспертга суд томонидан депозит ҳисобидан тўланади. Бу сумма ишда иштирок этувчи шахслардан ушбу Кодекснинг 95-моддасига мувофиқ ундирилиб, суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилади. Экспертларга, гувоҳларга ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар ҳўжалик суди томонидан улар ўз вазифаларини бажарганларидан кейин тўланади.

Тўлаш тартиби ва тўланиши лозим бўлган сумма-лар миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **95-м о д д а. Суд харажатларининг тақсимла-ниши**

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдори-га мутаносиб равишда юкланади.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Агар иш ишда иштирок этувчи шахс томонидан шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибини бузиш (талабномани жавобсиз қолдириш, талаб қилинган ҳужжатларни жўнатмаслик) оқибатида келиб чиққан бўлса, ҳўжалик суди ишнинг натижасидан қатъи назар, суд харажатларини шу шахсга юклашга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида ўзаро келишсалар, ҳўжалик суди шу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикояти беришлари билан боғлиқ суд харажатлари ушбу моддада баён қилинган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

## **12-БОБ. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР**

### **96-м о д д а. Процессуал муддатларни белги-лаш ва ҳисоблаш**

Процессуал ҳаракатлар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда белгиланган муддатларда бажарилади, процессуал муддатлар белгиланмаган ҳолларда эса улар ҳўжалик суди томонидан белгиланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари аниқ календарь сана билан, албатта содир бўлиши лозим бўлган воқеани кўрсатиш билан ёки ҳаракат бажарилиши мумкин бўлган давр билан белгиланади.

Йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатнинг ўтиши календарь сананинг эртасидан ёки унинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа содир бўлган кундан бошланади.

### **97-м о д д а. Процессуал муддатларнинг тугаши**

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддат охириги йилининг тегишли ой ва кунда тугай-

ди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддат охиригга ойнинг тегишли кунида тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тугаши тегишли куни бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охиригга кунида тугайди.

Муддатнинг охиригга куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолларда ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддатнинг тугаши куни деб ҳисобланади.

Процессуал ҳаракат белгиланган муддатнинг охиригга куни то соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин. Агар апелляция, кассация шикоятлари ва бошқа ҳужжатлар алоқа ташкилотига муддатнинг охиригга кунида соат йигирма тўртгача қадар топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган ҳисобланмайди.

### **98-м о д д а. Процессуал муддатларни тўхта-тиб туриш**

Иш юритиш тўхтайтиб турилиши билан ўтиб кетмаган барча процессуал муддатларнинг ўтиши тўхтайтиб турилади. Иш юритиш тикланган кундан бошлаб процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади.

### **99-м о д д а. Процессуал муддатларни тиклаш ва узайтириш**

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра, ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда белгиланган процессуал муддатнинг ўтказиб юборилиши сабабларини узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида хўжалик судининг ҳал қилув қароридан, ажримда ёки қароридан кўрсатилади. Муддатни тиклашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Хўжалик суди томонидан белгиланган процессуал муддатларни унинг ўзи узайтириши мумкин.

## **13-БОБ. СУД ЖАРИМАЛАРИ**

### **100-м о д д а. Жарима солиш**

Жарима хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва миқдорда солинади.

### **101-м о д д а. Жарима солиш масаласини кўриш тартиби**

Жарима солиш масаласи хўжалик судининг мажлисида ҳал этилади.

Ўзларига нисбатан жарима солиш масаласи кўрилатган шахсларга мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабар қилинади. Тегишли тарзда хабар берилган шахснинг келмаслиги жарима солиш масаласини кўришга тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди жарима солиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг жарима солиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

## **II бўлим. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ ХЎЖАЛИК СУДИДА ИШ ЮРИТИШ**

### **14-БОБ. СУД БУЙРУҒИ**

#### **102-м о д д а. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш**

Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **103-м о д д а. Суд буйруғи бериш бўйича талаблар**

Суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда яққа тартибда берилади:

1) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимондаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–197-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда)*

1<sup>1</sup>) коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўловлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб қўйилса; *(1<sup>1</sup>-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ–288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

2) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса;

3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса;

4) лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса. *(4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

#### **104-м о д д а. Аризанинг шакли ва мазмуни**

Ариза хўжалик судига ёзма шаклда судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади. У кредитор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланадиган аризага ишончнома илова қилинади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
- 2) кредиторнинг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзиллари;

3) кредиторнинг қонун ҳужжатларига асосланган талаби;

4) талабга асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар;

5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби, лизинг объекти талаб қилиб олинган тақдирда эса лизинг шартномасида белгиланган, тўланмаган тўловларнинг лизинг берувчининг лизинг шартномаси мuddати тугагунига қадар қолган даврдаги даромадини чегириб ташлаган ҳолдаги сумманинг ҳисоб-китоби; (5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

б) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

#### **105-м о д д а. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхасини қарздорга топшириш**

Кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириш шарт.

#### **106-м о д д а. Давлат божи**

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланади.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда ундирувчи тўлаган давлат божи ундирувчи томонидан қарздорга умумий тартибда даъво тақдим этилганда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади.

#### **107-м о д д а. Аризани қабул қилишни рад этиш асослари**

Судья куйидаги ҳолларда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади:

1) билдирилган талаб ушбу Кодекснинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса;

2) ариза ушбу Кодекснинг 104-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилган бўлса;

3) билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

4) қарздорга ариза нусхаси топширилгани тўғрисидаги далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) билдирилган талаб учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Судья аризани қабул этишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Аризани қабул қилишни рад этиш кредиторнинг ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

#### **108-м о д д а. Ариза юзасидан билдирилган ёзма фикр**

Қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ўн кунлик мuddатда хўжалик судига кредитор талабларига

қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини тақдим этишга ҳақли.

Белгиланган мuddатда қарздор томонидан ёзма фикрнинг берилмаслиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

Ёзма фикр қарздор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

#### **109-м о д д а. Суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари**

Судья суд буйруғини ишни судда муҳокама қилмасдан, қарздор ва ундирувчини чақирмасдан ҳамда уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан беради.

Судья куйидаги ҳолларда суд буйруғини беришни рад этади:

1) агар қарздор билдирилган талабга рози бўлмаса;

2) ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд низои тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмайди деб ҳисобланса.

Судья суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Суд буйруғини беришни рад этиш ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

#### **110-м о д д а. Суд буйруғининг мазмуни**

Суд буйруғида куйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) хўжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана,

2) ишнинг тартиб рақами, судьянинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари, талаб нима ҳақдалиги;

3) қарздор ва кредиторнинг номи, уларнинг манзиллари;

4) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини кўрсатган ҳолда;

5) неустойка, агар тўланиши лозим бўлса;

6) қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади.

#### **111-м о д д а. Суд буйруғини бекор қилиш**

Агар қарздор узрли сабаб билан кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғи берилган кундан эътиборан ўн кунлик мuddатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Судья бундай ҳолда буйруқни бекор қилади, шундан кейин кредиторнинг талаби умумий тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

**15-боб. ДАЪВО ТАҚДИМ ЭТИШ****112-м о д д а. Даъво аризасининг шакли ва мазмуни**

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда бериллади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилётган хўжалик судининг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;
- 3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- 5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- 7) даъвогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса – уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;
- 8) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 9) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек даъвогарда мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

**113-м о д д а. Даъво аризасининг ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориш**

Даъвогар даъво тақдим этганда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориши шарт.

**114-м о д д а. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар**

Даъво аризасига қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

- 1) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;
- 2) даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини;
- 3) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Шартнома тузишга мажбур этганлик тўғрисидаги аризага шартнома лойиҳаси илова қилинади.

**115-м о д д а. Бир неча даъво талабини бирлаштириш ва ажратиш**

Даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли.

Хўжалик суди айна бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир неча ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

Хўжалик суди бир ёки бир неча бирлаштирилган талабни алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Хўжалик суди ишларни бирлаштириш ва талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш тўғрисида ажрим чиқаради.

**116-м о д д а. Даъво аризасини қабул қилиш**

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг яқка ўзи ҳал қилади.

Судья ушбу Кодексда назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда берилган даъво аризасини хўжалик судининг иш юритишга қабул қилиши шарт.

Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради. Бу ажримнинг мазмуни ишни мажлисда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда баён қилиниши мумкин.

**117-м о д д а. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш**

Судья даъво аризасини қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади:

- 1) низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса;
- 2) айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан ишни юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса;
- 3) хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлик судининг иш юритишида айна бир шахслар ўртасида, айна бир предмет тўғрисида ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

4) айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлик судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлик судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлик судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. *(Биринчи қисмининг 3 ва 4-бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август ЎРҚ-106-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)*

Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан юборилади. Даъвогарга юборилаётган ажримга даъво материаллари илова қилинади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки муурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади.

**118-м о д д а. Даъво аризасини қайтариш**

Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) даъво аризасининг ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

3) иш мазкур ҳўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса; (5-банд Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)

6) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Судья даъво аризасини қайтариш тўғрисида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим ус-тидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси ҳўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган куни берилган деб ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган ҳа-толар бартараф этилгандан кейин иккинчи марта ҳўжа-лик судига умумий тартибда даъво аризаси билан му-рожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

### **119-м о д д а. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдириш**

Ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзаси-дан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳуж-жатлар илова қилинган ёзма фикрини ва ишда ишти-рок этувчи шахсларга ёзма фикрнинг ҳамда уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тас-диқловчи далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда ҳўжалик судига юборишга ҳақли.

Ёзма фикрда қуйидагилар кўрсатилади:

1) ёзма фикр юборилаётган ҳўжалик судининг номи;

2) даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб рақами;

3) даъво талаблари рад этилган тақдирда, даъво-гарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман рад этишнинг қонун ҳужжатларига асосланган сабаблари, шунингдек эътирозларни асословчи далиллар;

4) ёзма фикрга илова қилинаётган ҳўжатлар рўйхати;

5) бошқа маълумотлар, шунингдек жавобгарда мав-жуд бўлган илтимосномалар.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан им-золанган ёзма фикрга унинг ишни юритишга вако-лати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

### **120-м о д д а. Қарши даъво тақдим этиш**

Жавобгар иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилин-гунга қадар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

Қарши даъво қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

1) қарши талаб дастлабки талабни ҳисоб қилишга қаратилган бўлса;

2) қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъ-вони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;

3) қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чи-қиш низони тез ва тўғри кўришга олиб келса.

### **121-м о д д а. Ишни юритиш вақтида манзил-нинг ўзгариши**

Ишда иштирок этувчи шахслар ишни юритиш вақ-тида ўз манзилларининг ўзгарганлиги ҳақида ҳўжалик судига хабар беришлари шарт. Бундай хабар берил-маган тақдирда процессуал ҳужжатлар ҳўжалик судига маълум бўлган охириги манзилга юборилиб, гарчи олув-чи шу манзилда бўлмаса ёки яшамаётган бўлса ҳам, етказиб берилган деб ҳисобланади.

### **16-БОБ. ИШНИ СУДДА КўРИШГА ТАЙЁРЛАШ**

#### **122-м о д д а. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари**

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья даъ-во аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;

2) ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахслар-ни хабардор қилади;

3) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташки-лотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳара-катларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳўжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади;

4) далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйи-лиши мумкинлигини текширади;

5) гувоҳларни чақиртиради;

6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади;

7) бошқа ҳўжалик судларига суд топшириқларини юборади;

8) ишда иштирок этувчи шахсларни чақиртиради;  
 9) тарафларни мурасага келтириш чораларини кўради;  
 10) ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чақириш масаласини ҳал қилади;

11) даъвони таъминлаш чораларини кўради.  
 Судья низоми тўғри ва ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

### **123-м о д д а. Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим**

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

### **124-м о д д а. Хабарномалар ва чақирувлар**

Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади. Ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қоғозлари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади.

## **17-БОБ. СУДДА ИШНИ КЎРИШ**

### **125-м о д д а. Ишни кўриш муддати**

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак.

Алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

### **126-м о д д а. Хўжалик судининг мажлиси**

Иш хўжалик судининг мажлисида кўрилади.

Мажлисга раислик қилувчи судья:

1) хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қилади;

2) ишда иштирок этувчи шахслар, хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равишда хабардор қилинганликларини ҳамда улар келмаганлигининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади;

3) суд таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради; (3-банд *Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда*)

4) келган гувоҳларни сўроқ қилиш бошлангунча уларни мажлис залидан чиқариб юборади;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига

уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

6) таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб нотўғри хулоса берганлик ёки хулоса беришдан бош тортганлик учун, гувоҳларни била туриб ёлгон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради;

7) мажлисни олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилайди;

8) мажлисга раҳбарлик қилиб, иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқланишини таъминлайди;

9) мажлисда тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Мажлис залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини кинога ва фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш, шуниингдек радио ва телевидение орқали кўрсатишга ишни кўраётган суднинг руҳсати билан йўл қўйилади.

### **127-м о д д а. Хўжалик судининг мажлисидаги тартиб**

Судьялар мажлис залига кирганларида залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ўринларидан туради. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорини залда ҳозир бўлганларнинг барчаси тик турган ҳолда тинглайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари хўжалик судига тик турган ҳолда мурожаат қилади ҳамда тушунтиришлар ва кўрсатувлар беради. Бу қоидадан четга чиқишга фақат раислик қилувчининг руҳсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Мажлис вақтида тартиб бузилган тақдирда раислик қилувчи хўжалик суди номидан тартибни бузган шахсни огоҳлантиради. Тартиб тақдоран бузилган тақдирда мазкур шахс раислик қилувчининг фармойиши билан чиқариб юборилиши мумкин.

### **128-м о д д а. Далилларни текшириш ва ишни кўришнинг узлуксизлиги**

Хўжалик суди ишни кўрганда иш бўйича далилларни текширади: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хулосаларини эшитади, ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради.

Ишни кўриш суднинг ўзгармас таркибида амалга оширилади. Ишни кўриш жараёнида судьялардан бири алмаштирилган тақдирда ишни кўриш янгидан бошланиши лозим.

Ҳар бир ишни кўриш дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари узлуксиз давом этади. Алоҳида ҳолларда хўжалик суди мажлисда уч кундан ошмаган муддатга танаффус эълон қилишга ҳақли.

Хўжалик суди иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунча ёки ишни кўриш кейинга қолдирилгунча бошқа ишларни кўришга ҳақли эмас.

### **129-м о д д а. Хўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар аризалари ва илтимосномаларини ҳал қилиши**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш би-

лан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномаларини хўжалик суди ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрларини эшитиб бўлгач ҳал қилади.

Хўжалик суди аризалар ва илтимосномаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

**130-м о д д а. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганда, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз низони ҳал қилиш**

Судья ишда иштирок этувчи шахсларга тақдим этишни таклиф қилган даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни унда мавжуд материаллар асосида кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар хўжалик судининг мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

**131-м о д д а. Ишни кўришни кейинга қолдириш**

Хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик суди янги мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари топширилганлиги маълум қилинадиган хат билан ажрим ёки бошқа ҳужжатни юбориш орқали хабардор қилинадилар.

Ишни кўриш кейинга қолдирилгач, уни янгидан кўриш бошидан бошланади.

**132-м о д д а. Тарафларнинг келишув битими**

Тарафларнинг келишув битимига эришиши улар томонидан ёзма тарзда расмийлаштирилади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланади, бу ҳақда ажрим чиқарилиб, унда иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилади.

**133-м о д д а. Ишни кўришнинг тамомланиши**

Барча далиллар текширилганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш бўйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай аризалар бўлмаса, раислик қилувчи ишни текшириш тугаганлигини эълон қилади ва хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетади.

**134-м о д д а. Баённома**

Суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим поцессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади.

Суд мажлисининг баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

- 1) суд мажлиси ўтказилган йил, ой, кун ва жой;
- 2) ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби; (2-банд Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)
- 3) ишнинг номи;
- 4) ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари келганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларга ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- 6) суд томонидан мажлис залидан чиқиб кетмасдан чиқарилган ажримлар;
- 7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки арзлари ва илтимосномалари;
- 8) гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари;
- 9) айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда олинган маълумотлар.

Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат бажарилган вақтда мажлисдан ташқарида тузилади. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан мажлисининг эртаси кунидан кечиктирмай ёки бевосита шу ҳаракат бажарилганидан кейин имзоланиши керак. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)

Хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари баённома имзоланганидан кейин уч кунлик муддатда суд мажлисининг ёки процессуал ҳаракатнинг баённомаси билан танишиш ҳамда унинг тўла-тўқислиги ва тўғри тузилганлиги хусусида ўз фикрларини бериш ҳуқуқига эга.

Судья баённома хусусида фикрлар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

**18-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**135-м о д д а. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш**

Хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида ишни кўриш тугагандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида хонада ишни кўраётган хўжалик суди таркибига кирувчи судьяларгина бўлиши мумкин.



Ишни ҳайъатда кўрганда хўжалик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

### **136-м о д д а. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар**

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

- 1) далилларга баҳо беради;
- 2) иш учун аҳамиятли бўлган қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирилган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;
- 4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини аниқлайди;
- 6) даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Хўжалик суди маслаҳат вақтида далилларни кўшимча равишда текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, ишни кўришни янгидан бошлайди.

### **137-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг баёни**

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади.

### **138-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг мазмуни**

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номи билан қабул қилади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, баён қилиш, асослантурувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача мазмуни ифода ланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирилган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган ваз, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим.

Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар иштирок этаётган бўлса, қарорда низо улардан ҳар бирига нисбатан қандай ҳал қилингани кўрсатилади.

Дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўла ёки қисман қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг қандай тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Агар хўжалик суди ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгиласа ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрса, бу тўғрида ҳал қилув қарорида кўрсатилади.

### **139-м о д д а. Пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Хўжалик суди пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъвони қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ундириладиган сумманинг умумий миқдорини асосий қарзни, зарарларни, неустойкани (жарима ва пеняни) алоҳида-алоҳида аниқлаган ҳолда кўрсатади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда)*

Хўжалик суди мол-мулкни ундириб берганида топширилиши лозим бўлган мол-мулкнинг номи, унинг қиймати ва турган жойини кўрсатади.

### **140-м о д д а. Ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Ижро ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда, шу жумладан нотариуснинг ижро ёзуви асосида, амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги низо бўйича даъво қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ижро этишга тегишли бўлмаган ҳужжатнинг номи, тартиб рақами ва санаси ҳамда ҳисобдан ўчирилмайдиган сумма кўрсатилади.

### **141-м о д д а. Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш вақтида келиб чиққан низо бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шартни бўйича қабул қилинган қарор кўрсатилади, шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги низо бўйича эса тарафлар қандай шартларда шартнома тузишига мажбурилиги кўрсатилади.

### **142-м о д д а. Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори**

Жавобгар зиммасига мол-мулкни бериш ёки пул суммасини ундириш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув

қарори қабул қилинганда хўжалик суди унинг хулоса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатади.

Зарурат бўлганда хўжалик суди, агар жавобгар ҳал қилув қарорини бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан бажариб, зарур ҳаражатларни ундириб олишга ҳақли эканлигини кўрсатиши мумкин.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қароридан у ижро этилиши лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди.

**143-м о д д а. Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори**

Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар акс этиши керак:

1) ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган саноиси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳужжатни тўла ёки унинг маълум қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд аризачининг талабини тўла ёки унинг маълум қисмини рад этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтказишдан бош тортишни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганда хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тегишли давлат органига шундай рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклайди.

**144-м о д д а. Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори**

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги аризани қаноатлантирилганда ҳал қилув қароридан аниқланган факт баён қилиниши керак.

Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишли органлар томонидан шундай фактни қайд этиш учун ёки аниқланган факт муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

**145-м о д д а. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш**

Ҳал қилув қарори имзолангандан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, ammo ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади. Айни бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қилади.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўшиб қўйилиши лозим.

Мажлисда раислик қилувчи хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради.

**146-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши**

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

**147-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш**

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари бўйича ушбу Кодекснинг 7-бобида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўради.

**148-м о д д а. Ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш**

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

**149-м о д д а. Қўшимча ҳал қилув қарори**

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қуйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилади:

1) ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) суд ҳаражатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали

хабардор қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Кўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг кўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

### **150-м о д д а. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш**

Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, низони ҳал қилган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг ёки суд ижрочисининг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга, шунингдек ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни, ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда, тузатишга ҳақлидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

## **19-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ АЖРИМИ**

### **151-м о д д а. Ажрим чиқариш ва унинг мазмуни**

Хўжалик суди иш кўришни кейинга қолдирганда, иш юритишни тўхтатиб турганда, тугатганда, даъвони кўрмасдан қолдирганда, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда алоҳида ҳужжат тарихида ажрим чиқаради.

Алоҳида ҳужжат тарихида чиқариладиган ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ажрим чиқарилган сана, суд таркиби, суд мажлиси котиби, низо предмети; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ажрим чиқарилаётган масала;

4) хўжалик суди ўз хулосаларини чиқаришга олиб келган сабаблар, бунда таянилган қонун ҳужжатлари;

5) кўриб чиқилаётган масала бўйича хулоса.

Хўжалик суди суд мажлисида ишни кўраётганида суд муҳокамаси давомида ҳал этилишини талаб қиладиган масалалар бўйича алоҳида ҳужжат тарихида расмийлаштирмасдан ажрим чиқаришга ҳақлидир. Ажрим озгаки эълон қилинади ва суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади. Ажримда у қайси масала бўйича чиқарилаётгани, суд ўз хулосасини чиқаришга олиб келган сабаблар ҳамда кўриб чиқарилаётган масала бўйича хулоса кўрсатилади.

### **152-м о д д а. Хусусий ажрим**

Низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа орган, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилгани аниқланган тақдирда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органларига ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади, улар бир ойлик муддатда хўжалик судига кўрилган чоралар тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Хусусий ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Агар суд хўжалик низосини кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май 621–I-сон Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрь ЎРҚ–335-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда)*

### **153-м о д д а. Ажримни юбориш**

Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тарихида ажрим чиқарган ҳолларда у ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга чиқарилгандан кейин беш кунлик муддатда юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Ушбу Кодексга мувофиқ устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримлар ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

## **20-БОБ. АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **154-м о д д а. Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриш**

Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича банкротлик тўғрисидаги қонунда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўрилади.

### **155-м о д д а. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриш**

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар ушбу Кодекснинг 112-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аризачи бу фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиш имкониятига эга бўлмаганда ёхуд йўқолган ёки йўқ қилиб юборилган ҳужжатларни тиклаш имконияти бўлмаган тақдирда аниқлайди.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда кўрилади.

### **20<sup>1</sup>-боб. ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ\***

#### **155<sup>1</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш**

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг хўжалик судига тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида хўжалик судига ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги хўжалик судига берилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш хўжалик суди томонидан тугалланганига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

#### **155<sup>2</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада куйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилётган хўжалик судининг номи;
- 2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;
- 3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этган тараф ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва мазкур қарор қандай асослар бўйича низолашилаётганлиги.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризага куйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

4) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ушбу Кодекс 155<sup>1</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга ва ушбу модда қоидаларига риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан аризачига қайтарилади.

#### **155<sup>3</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда хўжалик судида низолашилаётган ҳал қилув қарори оид иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Хўжалик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли

\* 20<sup>1</sup> ва 20<sup>2</sup>-боблар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 август УРҚ-106-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда.

тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ушбу Кодекснинг 155<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

#### **155<sup>4</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, хўжалик суди томонидан бекор қилиниши керак:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори хўжалик суди томонидан бекор қилиниши керак.

#### **155<sup>5</sup>-м о д д а. Хўжалик судининг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш

натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги ва мазкур қарор қабул қилинган жой тўғрисидаги маълумотлар;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёхуд аризаларнинг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги оқибатида хўжалик суди томонидан тўлиқ ёхуд қисман бекор қилинган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низо ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишлари мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

#### **20<sup>2</sup>-БОБ. ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ УЧУН ИЖРО ВАРАҚАСИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

#### **155<sup>6</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари**

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалари хўжалик суди томонидан кўриб чиқиладиганда қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги

масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлса, у ҳолда унинг мол-мулки турган жойдаги ҳўжалик судига берилади.

**155<sup>7</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада куйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган ҳўжалик судининг номи;
- 2) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;
- 3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи, (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;
- 5) ариза билан муружаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага куйидагилар илова қилинади:

- 1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза нусхаси ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига топширилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки унинг юборилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат ҳўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 155<sup>6</sup>-моддасида назарда тутилган талаблар ва ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан аризага қайтарилди.

**155<sup>8</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда ижро варақаси сўралаётган иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Ҳўжалик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ҳўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг 155<sup>9</sup>-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Ҳўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс 155<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳўжалик судининг иш юритувида бўлса, мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилаётган ҳўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чи-

қишни қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдириши мумкин.

**155<sup>о</sup>-м о д д а. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари**

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этган ҳоллардагина рад этади:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қароридан ҳакамлик битими билан қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосаларни бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, хўжалик суди ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар бўлган қисми учун ижро варақаси беради;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари учун ҳали мажбурий бўлмаганлигини ёки бекор қилинганлигини ёхуд унинг ижроси хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан тўхтатиб турилганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.

**155<sup>10</sup>-м о д д а. Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрим**

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари

бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш ҳақидаги ажримда қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби;

2) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги, аризачи мажбурий ижро этилишини илтимос қилаётган ижро варақасини бериш ҳақидаги маълумотлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтамлар мавжудлиги ёнки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида хўжалик суди томонидан тўлик ёки қисман рад этилган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишлари мумкин.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак.

Хўжалик судининг ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ чиқарилган ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

**20<sup>3</sup>-боб. ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ ТўҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ\***

**155<sup>11</sup>-м о д д а. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида аризалар билан хўжалик судларига назорат қилувчи органлар мурожаат қилишга ҳақли.

\* 20<sup>3</sup>-боб Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ўРҚ-288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда.

### **155<sup>12</sup>-м о д д а. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш**

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар асосида, ушбу бобда белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилади.

### **155<sup>13</sup>-модда. Ҳуқуқий таъсир чоралари**

Ҳуқуқий таъсир чоралари қуйидагилардан иборат: фаолиятни тугатиш; атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно.

Ҳўжалик суди қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам қўллаши мумкин.

### **155<sup>14</sup>-м о д д а. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза-нинг шакли ва мазмуни**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза ҳўжалик судига ёзма шаклда берилади ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилмаётган ҳўжалик судининг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи ва уларнинг почта манзиллари;
- 3) ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаган назорат қилувчи органнинг номи;
- 4) аризада қўйилган талабга асос бўлган ҳолатлар;
- 5) аризада қўйилган талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) ҳўжалик судига мурожаат қилишга асос бўлган ташкилот ёки фуқаронинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

7) аризачининг талаби;

8) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган бўлса;

9) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ушбу моддада, шунингдек ушбу Кодекснинг 155<sup>15</sup>-моддасида назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризага қайтарилади.

### **155<sup>15</sup>-м о д д а. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризага, ушбу Кодекс 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари, қуйидагилар илова қилинади:

1) фаолиятни тугатиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги аризага – таъсис ҳужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхалари; ташкилот ёки фуқаро томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг фаолиятни тугатиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш учун асос бўладиган тарзда бузилганлигини тасдиқловчи далиллар;

2) фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш тўғрисидаги аризага – таъсис ҳужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхалари; ташкилот ёки фуқаро томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш учун асос бўладиган тарзда бузилганлигини тасдиқловчи далиллар;

3) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризага – солиқ тўловчи томонидан солиқ текширувини ўтказишга тўсқинлик қилинганлигини ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудни, биноларни, шу жумладан жойларни текшириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилганлигини тасдиқловчи далил;

4) молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги аризага – текшириш ўтказилишига асос бўлган ҳужжатлар (назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори, бундай қарор олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно; агар текшириш жиноят иши доирасида ўтказилса, тергов органининг (суриштирув органининг) қарори; текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ; текшириш ўтказиш режаси ва ҳоказо); текшириш натижалари бўйича тузилган далолатнома ёки бошқа ҳужжат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар; текшириш материалларини кўриб чиқиш



баённомаси ва қарор, агар уларни тузиш ёки қабул қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса; қарорнинг кўчирма нусхаси жавобгарга топширилганлиги ёки юборилганлиги далили;

5) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш тўғрисидаги аризага – лицензиянинг (рухсатноманинг) ва лицензия шартномасининг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхалари; ташкилот ёки фуқаро томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ва лицензия шартномаси шартларининг лицензиянинг (рухсатноманинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва (ёки) лицензияни (рухсатномани) бекор қилиш учун асос бўладиган тарзда бузилганлигини тасдиқловчи далил.

### **155<sup>16</sup>-м о д д а. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича хабарномалар ва чақирувлар**

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризагининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Процесснинг бошқа иштирокчилари ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилинади ва судга чақирилади.

### **155<sup>17</sup>-м о д д а. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича суд муҳокамаси**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак, ариза хўжалик судига келиб тушганидан кейин камида бир ойдан сўнг кўриладиган молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда хўжалик суди суд мажлисида: ҳуқуқбузарлик ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини ва унинг содир этилганлиги фактини; текшириш учун ва текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки бошқа ҳужжат тузиш учун асослар ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари бор-йўқлигини; мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганлигини ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда хўжалик суди молиявий жазо чоралари суммасининг ҳисоб-китоби қанчалик тўғрилигини ҳам текширади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими тузилишига йўл қўйилмайди.

### **155<sup>18</sup>-м о д д а. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судининг ҳал қилув қарори**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори хўжалик суди томонидан ушбу Кодекснинг 18-бобида белгиланган қоидалар асосида қабул қилинади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ёки арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилган шахснинг номи;

2) ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

3) қўлланилган ҳуқуқий таъсир чорасининг тури, молиявий жазо чораси қўлланилган тақдирда эса унинг миқдори; зиммасига молиявий жазо чораси суммасини ундириш юклатилган назорат қилувчи органнинг номи;

4) фаолият чекланадиган, тўхтатиб туриладиган ва тақиқланадиган муддат; лицензиянинг (рухсатноманинг) амал қилиши тўхтатиб туриладиган муддат; амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган лицензиянинг (рухсатноманинг), шунингдек бекор қилинган лицензиянинг (рухсатноманинг) номи, рақами, берилган санолиги ва бошқа реквизитлари ҳақидаги ҳамда лицензияни (рухсатномани) берган орган тўғрисидаги маълумотлар; фаолият қандай шартлар бажарилгунига қадар чекланаётганлиги, тўхтатиб турилаётганлиги ва тақиқланаётганлиги; банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги.

Хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикоят (протести) берилмаган бўлса, у қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Апелляция шикоят (протести) берилган тақдирда хўжалик судининг ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уч иш куни ичида хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

### III бўлим. ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

#### 21-боб. АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШ ЮРИТИШ

##### 156-м о д д а. Апелляция шикоятни бериш (протести келтириш) ҳуқуқи

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни бериш (протести келтириш)га ҳақлидир.

(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

##### 157-м о д д а. Апелляция шикоятни (протести)ни кўрувчи хўжалик суди

Апелляция шикоятни (протестини) биринчи инстанцияда ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг апелляция инстанцияси кўради.

(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

##### 158-м о д д а. Апелляция шикоятни (протести)ни бериш муддати

Апелляция шикоятни (протести) хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

Хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида берилади. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)

##### 159-м о д д а. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни

Апелляция шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) шикоят (протест) йўлланган хўжалик судининг номи;

2) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг номи;

3) устидан шикоят берилаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети;

4) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг талаблари ва ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблашининг асослари, бунга далил бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда иш материаллари;

5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Апелляция шикоятни шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, апелляция протести эса прокурор томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга (протестга) шикоят (протест) нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундан ташқари шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

##### 160-м о д д а. Апелляция шикоятининг (протестининг) нусхасини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

Апелляция шикоятни (протести) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятининг (протестининг) ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

##### 161-м о д д а. Апелляция шикоятни (протести) юзасидан ёзма фикр билдириш

Ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикоятни (протести) нусхасини олгач, унинг юзасидан ўз ёзма фикрини ва ёзма фикрнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далилларни апелляция шикоятни (протести) кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақлидир. (Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ёзма фикрга аввал тақдим этилмаган ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Бу ҳолда ёзма фикрга ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

##### 162-м о д д а. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш

Судья апелляция шикоятини (протестини) қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) апелляция шикоятни (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикоятига (протести) унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

3) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикояти бериш (протести келтириш) мумкин.

Шикоят берган (протест келтирган) шахс ушбу модданинг биринчи қисмидаги 1, 2, 3-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига апелляция шикояти (протести) билан умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

#### **163-м о д д а. Апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим**

Судья апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ажримда апелляция шикоятини (протестини) кўриш вақти ва жойи кўрсатилади. *(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

#### **164-м о д д а. Апелляция инстанциясида ишни кўриш тартиби**

Иш апелляция инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишни биринчи инстанция хўжалик судида кўриб чиқиш қоидалари бўйича кўриб чиқилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

#### **165-м о д д а. Апелляция шикоятдан воз кечиш. Протестни чақириб олиш**

Апелляция шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни апелляция тартибда кўриб чиқишга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Суд шикоятдан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатади. *(Модданинг номи ва тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Хўжалик суди апелляция инстанциясида иш юритишни тугатганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

#### **166-м о д д а. Ишни апелляция инстанциясида кўриш чегараси**

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўриганда ишда мавжуд ва қўшимча тақдим этилган далиллар бўйича ишни қайта кўради. Агар аризада қўшимча далилларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имкониятига эга бўлмаганлигини асосласа, хўжалик суди қўшимча далилларни қабул қилади.

Суд апелляция шикоятида (протестида) баён этилган важлар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асосланганлигини тўла ҳажмда текширади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Иш биринчи инстанцияда кўрилганда тақдим этилмаган янги талаблар апелляция инстанциясида қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

#### **167-м о д д а. Апелляция шикоятини (протестини) кўриш муддати**

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан тушган апелляция шикояти (протести) хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади. *(Модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

Хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) хўжалик судига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрель ЎРҚ-288-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 16-сон, 162-модда)*

### **168-м о д д а. Апелляция инстанциясининг ваколатлари**

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач:

1) суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоятни (протестни) эса қаноатлантirmасликка; *(1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

2) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

4) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли. *(4-5-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь 163-II-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда)*

### **169-м о д д а. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари**

Куйидагилар хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) ҳал қилув қарориди баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

4) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

### **170-м о д д а. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши**

Агар процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, бу ҳол ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши ҳар қандай ҳолда ҳам биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади, агар:

1) иш суд томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) суд ишни мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса. Ушбу шахслар бундай ҳал қилув қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир;

5) ҳал қилув қарори судьялардан бирортаси томонидан имзоланмаган бўлса ёки ҳал қилув қарориди кўрсатилмаган судьялар томонидан имзоланган бўлса;

6) ҳал қилув қарори ишни кўрган таркибдаги судьялардан бошқа судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

7) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

### **171-м о д д а. Апелляция инстанциясининг қарори**

Апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда куйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, қарор қабул қилинган сана, ишнинг тартиб рақами, қарорни қабул қилган суд таркиби, суд мажлиси котиби, мажлисда иштирок этган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари, биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва ҳал қилув қарорини қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, апелляция шикояти (протести) берган шахснинг номи;

3) қабул қилинган ҳал қилув қарори мазмунининг қисқача баёни;

4) ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш масаласи кўйилишига сабаб бўлган асослар;

5) апелляция шикояти (протести) юзасидан билдирилган мулоҳазада баён қилинган важлар;

6) мажлисда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари;

7) ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг шу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ҳамда хўжалик суди у ёки бу далилларни рад этишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важлар, шунингдек суд қарор қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

8) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилаётганда ёки ўзгартираётганда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг хулосаларига қўшилмаганлигининг сабаблари;

9) апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари бўйича хулосалар;

10) суд харажатларининг тарафлар ўртасида тақсимлиши.

Қарор қабул қилинган вақтидан бошлаб қонуний кучга киради.

Қарор қабул қилинган кунидан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

### **172-м о д д а. Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари (протестлари)**

Хўжалик судининг ажримлари устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари (протестлари) суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини) кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Хўжалик суди томонидан апелляция инстанциясида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, даъво кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларда иш биринчи инстанция судига кўриш учун ўтказилади.

*(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

## **22-БОБ. КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШ ЮРИТИШ**

### **173-м о д д а. Кассация шикояти бериш ҳуқуқи**

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса – кассация протести келтиришга ҳақлидир.

### **174-м о д д а. Кассация инстанциясида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширувчи хўжалик судлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунийлигини текширади.

Олий хўжалик судининг Раёсати шу суд томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонунийлигини текширади.

### **175-м о д д а. Кассация шикоятини (протестини) бериш тартиби**

Кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди орқали берилади.

Ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди шикоят (протест) тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига иш билан бирга юбориши шарт.

### **176-м о д д а. Кассация шикоятини (протестини) бериш муддати**

Кассация шикояти (протести) хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилиши мумкин.

### **177-м о д д а. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни**

Кассация шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) шикоят (протест) йўлланаётган хўжалик судининг номи;

2) шикоят (протест) бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорининг ёки қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети;

4) шикоят (протест) берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нимадан иборатлиги;

5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кассация шикоятида (протестида) ишнинг ҳолатлари исботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақиқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарорда баён қилинган ҳулосалар ишнинг ҳолатларига номувофиқлигини ва жўралиб келтиришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикояти уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал ушбу иш бўйича тақдим этилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга давлат божи тўланганлигини ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

### **178-м о д д а. Ишда иштирок этаётган шахсларга кассация шикоятининг (протестининг) нусхаларини юбориш**

Кассация шикоятини (протестини) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоят (протест) нусхасини ва унга илова қилинган, уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

### **179-м о д д а. Кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр билдириш**

Ишда иштирок этувчи шахс кассация шикоятининг (протестининг) нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ўз ёзма фикрини ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга фикр нусхалари жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни кассация шикояти (протести) кўриб чиқиладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақлидир.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

### **180-м о д д а. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш**

Кассация шикояти (протести) қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

1) кассация шикоят (протести) имзоланмаган ёки уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судини четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса;

3) кассация шикоятига (протестига) ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нусхалари жўнатилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

4) кассация шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

5) кассация шикоят (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

6) кассация шикоятида (протестида) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўлланиш нимадан иборатлиги кўрсатилган бўлмаса;

7) ишда иштирок этувчи шахсларга кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг судьяси томонидан қайтарилади. Агар шикоятни (протестни) қайтариш асослари кассация инстанциясида аниқланган бўлса, шикоятни (протестни) шу инстанция судининг судьяси қайтаради.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида биринчи инстанция судьяси томонидан чиқарилган ажрим устидан кассация инстанциясига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4, 6-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилган, шикоятни (протестни) берган шахс кассация шикояти (протести) билан хўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

### **181-м о д д а. Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим**

Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисида судья ажрим чиқаради.

Ажримда кассация шикоятини (протестини) кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

### **182-м о д д а. Ҳал қилув қарорини, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш**

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанциясининг хўжалик суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судларида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, қарорнинг

ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

### **183-м о д д а. Кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби**

Иш кассация инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция хўжалик суди томонидан ишни кўриш қоидалари асосида кўрилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

### **184-м о д д а. Кассация шикоятдан воз кечиш. Протестни чақириб олиш**

Кассация шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни кассация тартибида кўришга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Суд кассация шикоятдан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори, қарор устидан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлсалар, кассация инстанциясида иш юритишни тугатади.

Хўжалик суди кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

### **185-м о д д а. Кассация шикоятини кўриш муддати**

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикояти (протести) иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) унинг Раёсати томонидан бир ойлик муддатда кўрилади.

### **186-м о д д а. Кассация инстанциясида ишни кўриш чегараси**

Хўжалик суди ишни кассация инстанциясида кўрганида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини текширади.

### **187-м о д д а. Кассация инстанциясининг ваколатлари**

Кассация инстанцияси хўжалик суди ишни кўрганидан кейин қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартир-сиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантirmасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ҳамда янги қарор қабул қилишга;

3) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини, агар қабул қилинган ҳал қилув қарори ва қарор етарлича асосланмаган бўлса, бекор қилиш ҳамда ишни ҳал қилув қарори ва (ёки) қарори бекор қилинган хўжалик суди инстанциясига янгидан кўриш учун юборишга;

4) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришга;

5) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

6) аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорларидан ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга.

### **188-м о д д а. Ҳал қилув қарори ёки қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари**

Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори ёки қарорни қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қуйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорини ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш хўжалик суди томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) хўжалик суди ҳал қилув қарорини ёки қарорни қабул қилишда қайси қонун ҳужжатларига амал қилганлиги ҳал қилув қарорида ёки қарорда кўрсатилмаган бўлса;

5) хўжалик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган бўлса. Мазкур шахслар бундай ҳал қилув қарори ёки қарор устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли;

6) ҳал қилув қарори ёки қарор судьялардан бири томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд ҳал қилув қарори ёки қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори ишни кўрган суд таркибига кирмаган судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

8) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

### **189-м о д д а. Кассация инстанцияси судининг қарори**

Кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва қарор қабул қилинган сана, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари;

2) кассация шикоятини (протестини) берган шахсининг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўрган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, уни қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

4) қабул қилинган ҳал қилув қарори, қарор мазмунининг қисқача баёни;

5) ҳал қилув қарори, қарорнинг қонунийлигини текшириш тўғрисида масала қўйилишига сабаб бўлган асослар;

6) кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр баён қилинган важлар;

7) мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг тушунтиришлари;

8) хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахслар асосланган қонун ҳужжатларини қўлламаслигининг сабаблари, шунингдек, қарорни қабул қилишда суд амал қилган қонун ҳужжатлари;

9) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилганда ёки ўзгартирганда кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судининг хулосаларига рози бўлмаганлигининг сабаблари;

10) кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича хулосалар;

11) агар иш янгидан кўриш учун юборилаётган бўлса, ишда иштирок этаётган шахслар ва хўжалик суди томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар;

12) ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд ҳаражатларининг тақсимланиши.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

### **190-м о д д а. Кассация инстанцияси суди кўрсатмасининг мажбурийлиги**

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик судининг қарорда баён қилинган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассация инстанциясида кўраётган хўжалик суди у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, иш янгидан кўрилганида қандай ҳал қилув қарори қабул қилиниши тўғрисидаги масалаларни аввалдан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

### **191-м о д д а. Хўжалик судининг ажрими устидан кассация шикоят (протести)**

Хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан тушган кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан тушган кассация шикоятларини кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

## **23-БОБ. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ**

### **192-м о д д а. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш**

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

### **192<sup>1</sup>-м о д д а. Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза**

Ишда иштирок этувчи шахслар назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризани ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларга беришга ҳақли.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмунан ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Аризага суднинг ҳал қилув қарори нусхаси, агар иш апелляция, кассация тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация инстанцияси судларининг қарорлари нусхалари ҳам илова қилинади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига риоя қилинмаган тақдирда назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза қайтарилди.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилмайди.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак.

Протест келтириш учун асослар бўлмаганда ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 сентябрь ЎРҚ-184-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 40–41-сон, 406-модда)*

### **193-м о д д а. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республика-

си Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

### **194-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш**

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган шахслар протест келтирган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди тегишли ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туриши мумкин.

### **195-м о д д а. Ишларни протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи хўжалик суди**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

### **196-м о д д а. Ишларни талаб қилиб олиш**

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ишни тегишли хўжалик судидан талаб қилиб олишга ҳақли.

### **197-м о д д а. Протест келтириш**

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсатига юборади.

Протестнинг мазмуни ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Протест келтирган мансабдор шахс уни протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунга қадар ўзгартириш, тўлдириш ёки чақириб олишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар протест тўлдирилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки чақириб олинганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 сентябрь ЎРҚ-184-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 40–41-сон, 406-модда)*

### **198-м о д д а. Протестни кўриш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати протестни кўришда Олий хўжалик суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест важлари тўғрисидаги маърузасини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этувчи шахслар чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда уларга Раёсат мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўлмайди.



Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўрилатган иш юзасидан хулоса беради.

**199-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриб:

1) хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорини ўзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга ҳақли.

**200-м о д д а. Ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари**

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Хўжалик судининг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

**201-м о д д а. Қарор қабул қилиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилади. Агар Раёсатнинг ҳозир бўлган аъзоларидан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Раёсат аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Раёсат қарори Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси томонидан имзоланади.

Раёсат қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раёсат қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

**202-м о д д а. Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги**

Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисидаги қароридан баён этилган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган хўжалик суди учун мажбурийдир.

Ишни назорат тартибида кўраётган хўжалик суди ҳал қилув қароридан, қарорда аниқланмаган ёхуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қандай ҳал қилув қарори, қарор қабул қилиниши кераклиги масалаларини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас.

**203-м о д д а. Хўжалик судларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ва уларни қайта кўриш**

Хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ажримлари устидан назорат тартибида протест келтирилиши ва ушбу Кодексда улар устидан шикоят қилиш назарда тутилган, шунингдек улар ишнинг келгусидаги ҳаракатига тўсқинлик қилган ҳолларда, ҳал қилув қароридан алоҳида қайта кўрилиши мумкин.

Хўжалик судларининг ажримлари устидан келтирилган протестлар суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестларни кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

**24-боб. ХўЖАЛИК СУДИНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ**

**204-м о д д а. Қайта кўриш асослари**

Хўжалик суди ўзи қабул қилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аризадаги маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) гувоҳнинг била туриб ёлгон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлгон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталлиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг ёхуд судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

**205-м о д д а. Ариза бериш тартиби ва муддати**

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик судига суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

Аризага унинг нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ариза белгиланган муддат ўтгандан кейин берилса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса ёхуд ариза нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаса, у судья томонидан ариза-чига қайтарилади.

Аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

#### **206-м о д д а. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи ҳужжалик судлари**

Биринчи инстанцияда қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган ҳужжалик суди томонидан қайта кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини қайта кўриш ҳужжалик судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанцияси томонидан амалга оширилади.

#### **207-м о д д а. Аризани кўриш**

Ҳужжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани, у тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда ўз мажлисида кўради. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган бюрутма хат орқали хабардор қилинади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

#### **208-м о д д а. Ҳужжалик судининг ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими**

Ҳужжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжати бекор қилади ёхуд қайта кўришни рад этади.

Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳужжалик судининг ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Суд ҳужжати бекор қилинган тақдирда иш ҳужжалик суди томонидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича кўрилади.

### **IV бўлим. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ**

#### **209-м о д д а. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби**

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

ри, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади.

#### **210-м о д д а. Ижро варақаси**

Суд ҳужжати мажбурий ижро этиш шу ҳужжатни қабул қилган ҳужжалик суди томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ундирувчига суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин берилади. Солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ундиришга қаратилган ижро варақаси давлат солиқ хизмати органига, бюджетга ўзга маблағларни ундиришга қаратилган ижро варақаси эса, қарздор турадиган жойдаги суд ижро-чисига юборилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ўРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Пул маблағларини ундириш учун ижро варақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига, бошқа ҳолларда эса суд ижрочисига юборилади.

#### **211-м о д д а. Битта суд ҳужжати бўйича бир неча ижро варақаси бериш**

Агар суд ҳужжати ижро этиш турли жойларда ёхуд бир нечта ундирувчи фойдасига бажарилиши лозим бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига кўра ижро этиш жойи ёхуд суд ҳужжати ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши лозим бўлган қисмини кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақаси беради.

Бир нечта жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир нечта ижро варақаси берилади. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ўРҚ-199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

#### **212-м о д д а. Ижро варақасининг мазмуни**

Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:  
1) ижро варақасини берган ҳужжалик судининг номи;  
2) ижро варақаси берилган иш ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;

5) суд ҳужжати хулоса қисми;

6) суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана;

7) ижро варақаси берилган сана ва унинг амал қилиш муддати.

Агар ҳужжалик суди томонидан ижро варақаси берилгунча суд ҳужжати ижро этишни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга рухсат берилган бўлса, унда ижро варақасининг муддати қачондан ўта бошлаши кўрсатилади.

Ижро варақасини судья имзолайди ва у хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

**213-м о д д а. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати**

Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши мумкин.

Агар суд ҳужжатининг ижро этилиши тўхтатиб турилган бўлса, у тўхтатиб турилган вақт ижро варақаси ижрога тақдим этиладиган олти ойлик муддатга кўшиб ҳисобланмайди.

**214-м о д д а. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатининг узилиши**

Ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш муддати ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш, суд ҳужжатини қисман ижро этиш билан узилади.

Ижро варақасини ижро этиш имконияти йўқлиги сабабли у ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро варақасини тақдим этиш учун янги муддат у қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**215-м о д д а. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш**

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабаблар билан ўтказиб юборилганда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судига ёки ижро этиш жойи бўйича хўжалик судига берилади. Ариза хўжалик судининг мажлисида ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

**216-м о д д а. Ижро варақасининг дубликати-ни бериш**

Ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликати-ни бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин. Ариза хўжалик суди-

нинг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

**217-м о д д а. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш**

Хўжалик суди ундирувчи, қарздор ёки суд ижросининг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Хўжалик суди қарздорга ҳужжатни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш имконини берар экан, ушбу Кодекснинг 7-бобида назарда тутилган тартибда суд ҳужжатининг ижро этилишини таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш уни ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш масалалари хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ, уларнинг ҳозир бўлмаслиги аризанинг кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек суд ҳужжатини ижро этиш суд ижросининг иш юритишда бўлса суд ижросисига юборилади. *(Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)*

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 август 405–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда)*

**218-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь ЎРҚ–199-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда)**

**219-м о д д а. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси**

Агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш

тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилади.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъво тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёхуд даъво тўла ёки қисман кўрмасдан қолдирилса, ҳўжалик суди бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўла ёки қисман бекор қилиш тўғрисида суд ҳужжати қабул қилади.

**220-м о д д а. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш**

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала янги суд ҳужжати қабул қилган ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

Агар суд ҳужжати бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма берилмаган бўлса, жавобгар биринчи инстанция ҳўжалик судига тегишли ариза беришга ҳақли. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги жавобгарнинг аризасини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Ташкилотнинг, фуқаронинг аризаси бўйича ҳўжалик суди ундирилган пул маблағлари, мол-мулк ёки унинг қийматини қайтариш тўғрисида ижро варақасини беради. Аризага аввал қабул қилинган суд ҳужжатининг ижросини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

**V бўлим. ЧЕТ ЭЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

**221-м о д д а. Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари**

Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар деб юритилади) ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари билан барабар процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни бажарадилар.

Судларида Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқароларининг процессуал ҳуқуқларига нисба-

тан махсус чеклашларга йўл қўйилаётган давлатларнинг шахсларига нисбатан жавоб тариқасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати чеклашлар белгилаши мумкин.

**222-м о д д а. Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш**

Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш ушбу Кодексга мувофиқ амалга оширилади.

**223-м о д д а. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судларининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни, башарти жавобгар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, фуқаро эса шу ҳудудда яшаш жойига эга бўлса, кўради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни куйидаги ҳолларда ҳам кўришга ҳақли:

- 1) чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;
- 2) жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мол-мулкка эга бўлса;
- 3) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши лозим бўлган ёки ижро этилган шартномадан келиб чиқса;
- 4) мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги иш бўйича зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қўйишга асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган бўлса;
- 5) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги асосиз бойишдан келиб чиқса;
- 6) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса;
- 7) бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ташкилоти ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида келишув мавжуд бўлса.

Биноларга, иншоотларга, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш, бинолар, иншоотлар, ер участкаларини ўзганинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдорнинг ёки қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар, башарти эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса, бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда кўрилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ташувчиларга даъволар бўйича ишлар, шу жумладан ташувчи жавобгарлардан бири бўлганда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда кўрилади.

Ҳўжалик суди томонидан ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўриш учун қабул қилинган иш, гарчи иш юритиш давомида ишда иштирок этувчи шахсларнинг турган жойи ўзгариши ёки бошқа ҳолатлар туфайли бошқа давлат судининг судловига ўтсада, мазмунан ҳал қилинаверади.

**224-м о д д а. Суднинг иммунитети**

Хўжалик судида чет давлатга нисбатан даъво тақдим этишга, уни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилишга, чет давлатга қарашли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган мол-мулкни хатлаш ва унга нисбатан даъвони таъминлаш бўйича бошқа чораларни қўллашга, хўжалик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш тартибида ундирувни шу мол-мулкка қаратишга, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилади.

Халқаро ташкилотларнинг суд иммунитети Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

**225-м о д д а. Чет давлат суди томонидан айна бир шахслар ўртасида, айна бир предмет тўғрисида ва айна бир асослар бўйича низолар юзасидан ишларни кўришнинг процессуал оқибатлари**

Агар чет давлатнинг ваколатли суди Ўзбекистон Республикаси хўжалик судида даъво тақдим этилгунча ишни кўришга қабул қилиб, айна бир шахслар ўртасида, айна бир предмет тўғрисида ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан ишни кўрган ёки шу иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиради ёки иш юритишни тугатади. Агар чет давлат-

нинг суди томонидан қабул қилинадиган ёки қабул қилинган ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинмиши ёки ижро этилиши мумкин бўлмаса ёхуд тегишли иш Ўзбекистон Республикаси хўжалик судининг мутлақ ваколатида бўлса, шундай оқибатлар келиб чиқмайди.

**226-м о д д а. Суд топшириқлари**

Хўжалик суди айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлатлар судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва бошқаларни) ижро этади.

Топшириқ қуйидаги ҳолларда ижро этилмайди:

1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш хўжалик судининг ваколатига кирмаса.

Хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжалик судлари чет давлатларнинг судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлар билан белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон 235-модда)*

**(К ў ч и р м а)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларига келиб тушган ва 1998 йил 1 январгача кўрилмаган ишлар Ўзбекистон Республикасининг янги Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кўрилиши лозим.
3. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриш ва ҳал қилиш шартлари ҳамда тартибига тааллуқли норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг янги Хўжалик процессуал кодексига зид бўлмаган қисми 1998 йил 1 январдан кейин ҳам амал қилаверади.
4. Давлат божи ставкаларини ва уларни ундириш тартибини белгилловчи қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилгунга қадар апелляция ва кассация шикоятлари учун давлат божи хўжалик суди ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризалар учун ҳақ тўлаш юзасидан белгиланган миқдорда ва тартибда тўланади.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 30 август,  
479-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОЖХОНА КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 26 декабрь,  
548-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОЖХОНА КОДЕКСИ\*

### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-м о д д а. Божхона сиёсати

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона божхона сиёсати амалга оширилади.

Божхона сиёсатининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлашдан, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиришдан, ички бозорни ҳимоялашдан иборат.

#### 2-м о д д а. Божхона иши

Божхона иши Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир.

Божхона иши Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан амалга оширилади.

#### 3-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди ва божхона чегараси

Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудудлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тар-

тиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади.

Божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳисобланади.

#### 4-м о д д а. Божхона иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг божхона иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Божхона ишида Ўзбекистон Республикасининг божхона органи божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олаётган қуни амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситалари қонунга хилоф равишда олиб ўтилган тақдирда, товарлар ва транспорт воситалари божхона чегараси орқали олиб ўтилган қуни амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 5-м о д д а. Божхона органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

Божхона органлари божхона иши вазифаларини хал этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа

\* 1998 йил 1 мартдан кучга киритилган.

органлар ҳамда давлатнинг ўзга органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари божхона органлари зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этишда кўмаклашишлари, шу жумладан, бу вазифаларни ҳал этиш учун зарур шароитларни яратиб бериш орқали уларга кўмаклашишлари шарт.

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатларига тааллуқли айрим ҳаракатлар ўз назоратлари остида давлатнинг бошқа органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилишига рухсат беришга ҳақлидир.

#### **6-м о д д а. Божхона органларининг байроги ва фарқлаш белгиси**

Ўзбекистон Республикасининг божхона органлари ва улар ихтиёридаги дарё кемалари ўз байрогига эга бўлади. Божхона органларининг автотранспорт воситалари ҳамда ҳаво кемалари фарқлаш белгисига эга бўлади.

Байроқ ҳамда фарқлаш белгиси тўғрисидаги Низомни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

#### **7-м о д д а. Асосий тушунчалар**

Ушбу Кодексда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

1) **товарлар** – ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари, ушбу модданинг 4-бандида қайд этилган транспорт воситаларидан бошқа транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари; (*1-банд Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда*)

2) **Ўзбекистон товарлари** – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган товарлар;

3) **чет эл товарлари** – ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилмаган товарлар;

4) **транспорт воситалари** – йўловчилар ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган воситалар, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари;

5) **товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахслар** – товарлар ва транспорт воситаларининг мулкдорлари, уларнинг сотиб олувчилари, эгалари ёхуд улар билан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳаракатларни ўз номидан амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли бўлган бошқача тарзда иштирок этувчи шахслар;

6) **ташувчи** – товарларни амалда олиб ўтувчи ёхуд транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс;

7) **декларант** – товарларни олиб ўтувчи, товарлар ва транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи, кўрсатувчи ва тақдим этувчи шахс ёки товар олиб ўтувчи шахс номидан иш олиб бораётган божхона брокери;

8) **божхона чегарасидан олиб ўтиш** – товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортдан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга ошириш. Шундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар кирди:

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб кирилганда — божхона чегарасидан амалда ўтиш;

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудидан олиб чиқилганда, шу жумладан, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудига олиб чиқилганда – божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган ўзга ҳаракатни бажариш;

9) **божхона назорати** – қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуи;

10) **божхона таъминлови** – божхона органлари пломбалар, муҳрлар босиш, рақамли, ҳарfli ва бошқа маркалар, қиёслаш белгилари қўйиш, штамплар босиш йўли билан амалга оширадиган товарлар ва транспорт воситаларини, бинолар ва бошқа жойларни қиёслаш воситаси;

11) **божхона расмийлаштируви** – товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган операциялар мажмуи;

12) **божхона режими** – Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуи;

13) **чиқишга рухсат бериш** – божхона органларининг божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар ёки транспорт воситаларини шахснинг тўла ихтиёрига бериши;

14) **шартли чиқариб юбориш** – шахснинг белгиланган чеклашлар, талаблар ёки шартларга риоя қилиш мажбуриятларини ўз зиммасига олиши билан боғлиқ ҳолда товарлар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш;

15) **иқтисодий сиёсат чоралари** – товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга доир чекловлар бўлиб, улар квота белгилашни, лицензиялашни, шунингдек республика иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиб турувчи бошқа чораларни ўз ичига олади;

16) **дастлабки қарор** – товарнинг таснифи, унинг бож қиймати, қайси мамлакатда тайёрланганлиги, божхона тўловларининг миқдорига ҳамда божхона ишига оид бошқа масалаларга тааллуқли бўлган божхона органи чиқарган қарор.



## **II бўлим. ТОВАРЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИШ**

### **1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **8-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳуқуқи**

Барча шахслар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Товарлар ва транспорт воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **9-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш-ни тақиқлаш**

Давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, маънавият, инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда бошқа мамлакатлар халқларининг бадиий, тарихий ва археологик бойликларини, мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни, олиб қиралаётган товарларни истеъмол қилувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланиши мумкин.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиш тақиқланган товарлар ва транспорт воситалари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида бу товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш назарда тутилмаган бўлса, дарҳол Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш кетилиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтарилиши шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқиш кетишни ёки қайтаришни олиб ўтаётган шахс ёхуд ташувчи ўз ҳисобидан амалга оширади. Товарлар ва транспорт воситалари дарҳол олиб чиқиш кетилмаган ёки қайтарилмаган тақдирда улар божхона органига қарашли бўлган омборга вақтинча сақлаш режими остида жойлаштирилади. Сақлаш муддати уч сутка бўлади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **10-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтишдаги чекловлар**

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишдаги чекловлар халқаро маж-

буриятлардан, ички бозорни ҳимоя қилиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек чет давлатлар ва улар иттифоқларининг ҳуқуқни камситувчи ёки Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларига жавоб чораси тариқасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган чекловлар жорий этилиши муносабати билан товарларни олиб ўтаётган шахс ёхуд ташувчи қиладиган харажатлар божхона органлари томонидан тўланмайди.

#### **11-м о д д а. Божхона чегараси орқали олиб ўтиш жойи ва вақти**

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш жойи ва вақти божхона органлари томонидан белгиланади.

#### **12-м о д д а. Транспорт воситаларини олиб ўтиш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган, шу жумладан, товар сифатида олиб ўтиладиган транспорт воситалари божхона органлари белгиладиган жойларда тўхтатилади. Бу талаб бажарилмаган тақдирда, божхона органлари транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурлаб тўхтатишга ҳақли.

Транспорт воситаларини тўхтатиб туриш муддати ва жойи божхона органлари томонидан ташувчи билан биргаликда аниқланади. Транспорт воситаларини тўхтатиб туриш муддати божхона назорати ва божхона расмийлаштируви манфаатларига зид тарзда қисқартирилиши мумкин эмас.

Транспорт воситаларини тўхтатиб туриш жойларидан жўнатиб юбориш божхона органининг рухсати билан амалга оширилади.

Транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтиш жойи ва вақти ташувчи томонидан тегишли божхона органи билан келишиб олинади.

#### **13-м о д д а. Валютани ва валюта бойликларини олиб ўтиш**

Ўзбекистон Республикаси валютасини ва валюта бойликларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **14-м о д д а. Жисмоний шахслар томонидан товарларни нотижорат мақсадларида олиб ўтиш**

Жисмоний шахслар нотижорат мақсадлари учун мўлжалланган товарларни божхона чегараси орқали қонун ҳужжатларида назарда тутилган соддалаштирилган, имтиёзли тартибда олиб ўтишлари мумкин.

Товарларнинг нимага мўлжалланганлиги уларнинг хусусиятлари ва миқдорига, товарларни олиб ўтиш такрорланиб туришига қараб, жисмоний шахснинг сафари қандай вазиятда кечаётганлигини ҳисобга олиб белгиланади.

**15-м о д д а. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиб, шартли чиқариб юборилган товарлар ҳамда транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш**

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиб, шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситаларидан, ана шу имтиёзлар нима муносабат билан берилган бўлса, улардан фақат шу мақсадда, ёки божхона органининг бошқа мақсадларда берган рухсати билан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга божхона тўловларини тўлашни ҳамда ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талабларни бажаришни шарт қилиб қўйган ҳолда йўл қўйилади.

**2-БОБ. БОЖХОНА РЕЖИМЛАРИ**

**16-м о д д а. Божхона режимларининг турлари**

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш уларнинг божхона режимларига мувофиқ амалга оширилади.

Қуйидаги турдаги божхона режимлари (бундан буён матнда режим) белгиланади:

- 1) эркин муомалага чиқариш (импорт);
- 2) реимпорт;
- 3) экспорт;
- 4) реэкспорт;
- 5) транзит;
- 6) вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш);
- 7) вақтинча сақлаш;
- 8) божхона омбори;
- 9) эркин божхона зонаси;
- 10) эркин омбор;
- 11) бож олинмайдиган савдо дўкони;
- 12) божхона ҳудудида қайта ишлаш;
- 13) *(Иккинчи қисмнинг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*
- 14) божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш;
- 15) йўқ қилиш;
- 16) давлат фойдасига воз кечиш.

Шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситаларининг хусусияти, миқдори, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани ёки қайси мақсадга мўлжалланганлигидан қатъи назар, исталган режимни танлашга ёки уни бошқасига ўзгартиришга ҳақли.

Режимларнинг қўлланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**17-м о д д а. Эркин муомалага чиқариш**

Эркин муомалага чиқариш шундай режимки, бунда божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар уларни ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиш мажбуриятисиз бу ерда доимий қолади.

Режим импорт божларини, солиқларни ва бошқа бож тўловларини тўлашни, иқтисодий сиёсат чораларига ҳамда бошқа чора-тадбирларга риоя этишни назарда тутди.

**18-м о д д а. Реимпорт**

Реимпорт шундай режимки, бунда экспорт режимида божхона ҳудудидан олиб чиқилган Ўзбекистон товарлари импорт божларини, солиқларни тўламасдан, шунингдек уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатларда қайта олиб кирилади.

Олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида божхона ҳудудига қайтариб олиб кирилган, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган бошқа ҳолларни истисно этганда, олиб чиқилган пайтда қандай бўлса, шундай ҳолатда турган товарлар реимпорт режимига жойлаштирилади.

Товарларни экспорт режимида олиб чиқилаётганда тўланган экспорт божи ва солиқлар суммаси, бу товарлар олиб чиқилган пайтдан бошлаб уч йил ичида реимпорт режимида қайтариб олиб кирилган тақдирда, божхона органининг тақдимномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда қайтарилади.

Товарлар реимпорт қилинганда товарларни олиб ўтаётган шахс товарларни олиб чиқиш чоғида тўлов тарзида ёки бошқа имтиёзлар туфайли олган суммаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтаради.

**19-м о д д а. Экспорт**

Экспорт шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқилади. Экспорт режимига жойлаштирилган товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда бу ҳудуддан ташқарига амалда олиб чиқиб кетилмаган ҳолда туриши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Товарларни экспорт режимида олиб чиқиш экспорт божи ва бошқа божхона тўловлари тўланган, иқтисодий сиёсат чораларига риоя этилган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган тақдирда амалга оширилади.

Экспорт режимида олиб чиқилаётганда товарлар солиқлардан озод этилади ёхуд тўланган солиқлар суммаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарилиши лозим.

Товарлар экспорт режимида чиқарилаётганда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига, товарлар ҳолатининг табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришларни истисно этганда, божхона декларацияси қабул қилинган кунда қандай бўлса, шундай ҳолатда олиб чиқилиши лозим.

**20-м о д д а. Реэкспорт**

Реэкспорт шундай режимки, бунда чет эл товарлари божхона ҳудудидан олиб чиқилади.

Агар товарлар божхона органига кейинчалик реэкспорт режимида олиб чиқиб кетишга мўлжалланган то-

вар сифатидагина маълум қилинган бўлса, улар божхона ҳудудига олиб кирилаётганда импорт божлари, солиқлар ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди. Бундай товарларни амалда олиб чиқиш божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай амалга оширилади. Амалда олиб чиқиб кетилмаган тақдирда импорт божлари, солиқлар, шунингдек улар юзасидан фоизлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Товарлар реэкспорт режимида олиб чиқиладиганда экспорт божлари, солиқлар ундирилмайди, олиб чиқиш чоғида амал қилиб турган иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар реэкспорт режимида олиб чиқиладиганда тўланган импорт божлари ва солиқлар қайтарилиши ва айна бир пайтда куйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

реэкспорт қилинаётган товарлар олиб кирилган пайтда қандай бўлса, шундай ҳолатда бўлса, табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно;

реэкспорт режимида товарларни олиб чиқиш улар олиб кирилган пайтдан бошлаб икки йил ичида амалга ошириладиган бўлса;

реэкспорт қилинаётган товарлардан даромад олиш мақсадида фойдаланилмаган бўлса.

### **21-м о д д а. Транзит**

Транзит шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан чет давлат ҳудуди орқали, бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилади.

Товарларни транзит режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиш божхона органининг рухсати билан исталган йўллар ва йўналишлар бўйича амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **22-м о д д а. Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)**

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) шундай режимки, бунда божхона ҳудудида ёки ундан ташқарида товарлардан бождан, солиқлардан тўла ёки қисман озод этилган ҳолда ва товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимида жойлаштириладиган товарлар ўзгартирмадан қайтарилиши лозим, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимида жойлаштириладиган товарларни бож ва солиқлар тўлашдан тўла ёки қисман озод қилиш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимида жойлаштиришга, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни қайта олиб чиқиш ёки қайта олиб кириш мажбурияти тақ-

дим этилган, божхона тўловлари тўланиши таъминланган, товарларнинг айнанлиги таъминланган тақдирда божхона органининг рухсати билан йўл қўйилади.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимида жойлаштирилмайдиган товарларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **23-м о д д а. Товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимида жойлаштириш мумкин бўлган муддат**

Товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимида жойлаштириш мумкин бўлган муддат божхона органлари томонидан бундай олиб кириш (олиб чиқиш)нинг мақсадлари ва ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва узайтирилади, бироқ товарлар бундай режимда туришининг умумий муддати икки йилдан ошмаслиги керак. Товарларнинг айрим тоифалари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ анча узокроқ муддатлар белгиланиши мумкин.

Товар белгиланган муддат тугагунга қадар унга нисбатан ваколати бўлган шахс томонидан божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиши ёки у ерга олиб кирилиши ёхуд бошқа божхона режимида жойлаштирилиши лозим. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда товар божхона органи эгалик қиладиган божхона омборига вақтинча сақлаш режимида жойлаштирилади.

Агар товарлар ҳалокат оқибатида ёки енгиб бўлмас куч таъсирида йўқ бўлганлиги ёки мутлақо йўқолганлиги, табиий эскириши ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитида камайиши туфайли етишмаслиги ёхуд чет давлат органлари ёки мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида шахснинг эгалигидан чиқиб кетганлиги Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланса, товарларни вақтинча олиб чиққан ва уларни белгиланган муддатда қайтариб олиб кирмаган шахс божхона органлари олдида жавобгар бўлмайди.

### **24-м о д д а. Вақтинча сақлаш**

Вақтинча сақлаш шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб чиқаришга рухсат берилгунга қадар танланган режимга мувофиқ божхона омборида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан вақтинча сақланади. Ушбу Кодексга мувофиқ вақтинча сақлаш режимида бошқа товарлар ва транспорт воситалари ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларини вақтинча сақлаш режимида жойлаштиришда қисқа декларация қўлланилади.

Товарларнинг вақтинча сақлаш режимида туриш муддати икки ойдан ошмаслиги лозим, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-йи-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда)*

Вақтинча сақлаш режимида жойлаштирилган товарлар билан қилинадиган операциялар рўйхати ва

уларни амалга ошириш тартиби ушбу Кодексда белгиланади.

### **25-м о д д а. Божхона омбори**

Божхона омбори шундай режимки, бунда олиб килган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади, экспорт режимда олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида ушбу Кодекснинг 26-моддасида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш ман этилган товарлар ҳамда рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилиши мумкин эмас.

Товарлар божхона омбори режимда уч йил мобайнида туриши мумкин. Ушбу муддат товарларнинг айрим тоифалари ва айрим шахслар учун қонун ҳужжатлари билан чекланиши мумкин, лекин у бир йилдан кам бўлмаслиги керак.

Белгиланган муддат тугагунга қадар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс томонидан товарни бошқа божхона режимига жойлаштириш сўралиши керак. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда, товар божхона органига қарашли божхона омборига вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилади.

Божхона омбори режимига жойлаштирилган товарлар билан қилинадиган операциялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби ушбу Кодексда белгиланади.

### **26-м о д д а. Божхона омбори режимига жойлаштирилган ва экспорт режимига кўра олиб чиқишга мўлжалланган товарларни бождан, солиқлардан озод қилиш ёки тўланган суммаларни қайтариш**

Агар товарларни амалда четга олиб чиқиш вақтида тўловлардан озод қилиш ёки тўланган суммани қайтариш назарда тутилган бўлса, божхона омбори режимига жойлаштирилган ва экспорт режимига кўра олиб чиқишга мўлжалланган товарлар бождан, солиқлардан озод қилинади ёхуд тўланган суммалар қайтарилади. Бу товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай олиб чиқилиши лозим.

Товарлар белгиланган муддатларда амалда олиб чиқилмаган тақдирда бож, солиқлар, шунингдек уларнинг фоизлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.

### **27-м о д д а. Эркин божхона зонаси ва эркин омбор**

Эркин божхона зонаси ва эркин омбор шундай режимларки, бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади, Ўзбекистон товарлари эса экспорт режимига мувофиқ олиб чиқишда қўлланиладиган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

Эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Товарлар эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимларида чекланмаган муддатларгача туриши мумкин.

Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар билан ишлаб чиқариш ва тижорат операцияларини бажаришга йўл қўйилади, уларнинг чакана савдоси бундан мустасно.

Ушбу Кодекснинг ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этмаётган айрим шахсларга божхона органлари товарлар билан операцияларни амалга оширишни тақиқлаб қўйиши ҳамда эркин божхона зоналари ва эркин омборларга монеликсиз кириб чиқишни рад этиши мумкин.

Эркин божхона зонаси режими амал қилаётган ҳудудда бинолар, иморатлар ва иншоотлар барпо этишга божхона органи билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

### **28-м о д д а. Эркин божхона зонаси ёки эркин омбор режимларига жойлаштириладиган товарларга нисбатан бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўллаш**

Эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимларида турган товарларни эркин муомалага ёки экспортга чиқариш режимларига жойлаштириганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бож, солиқлар ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари товарларнинг келиб чиқишига қараб қўлланилади.

Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат бўлмаган тақдирда товарга: олиб чиқилаётганда экспорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўлланиш мақсадларида Ўзбекистон товари деб, бошқа мақсадларда эса чет эл товари деб қаралади.

Эркин божхона зонаси ёки эркин омбор режимларига жойлаштирилаётган ва экспорт режимда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга мўлжалланган товарлар, агар товарларни амалда олиб чиқишда экспорт божи ва солиқлардан озод қилиш ёки тўланган суммаларни қайтариш назарда тутилган бўлса, экспорт божидан, солиқлардан озод қилинади ёхуд тўланган суммалар қайтарилади. Бундай товарларни амалда олиб чиқиш бож, солиқлар қайтарилган ёки улардан озод қилинган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши лозим бўлган товарлар эркин божхона зоналари ҳудудидан ва эркин омборлардан божхона ҳудудига қайтарилганда ёхуд белгиланган муддатларда улар амалда олиб чиқиб кетилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бож, солиқлар, шунингдек уларнинг фоизлари тўланади.

### **29-м о д д а. Бож олинмайдиган савдо дўкони**

Бож олинмайдиган савдо дўкони шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари ушбу Кодексга мувофиқ белгилайдиган жойларида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади.

Бож олинмайдиган савдо дўкони режимига божхона ҳудудига олиб кириш ҳамда ундан олиб чиқиш ва

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш тақиқланган товарлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши чекланган товарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бож олинмайдиган савдо дўкони режимида реализация қилиниши мумкин.

Бож олинмайдиган савдо дўкони режимига жойлаштирилган товарлар бож олинмайдиган махсус савдо дўконларида реализация қилинади.

### **30-м о д д а. Товарларни қайта ишлаш**

Товарларни қайта ишлашга қуйидагилар киради: товарларни бевосита қайта ишлаш ёки уларга ишлов бериш, шу товарларнинг ва фойдаланилаётган бошқа товарларнинг йўқоладиган ўзига хос хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда; янги товарларни тайёрлаш, шу жумладан товарларни уларнинг асосий хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда монтаж қилиш, йиғиш ёки қисмларга ажратиш;

товарларни таъмирлаш, шу жумладан уларни тиклаш, янгилаш ва тартибга келтириш, уларнинг шикастланган ёки эскириб қолган таркибий қисмларини (элементларини) алмаштириш ёки тиклаш, шунингдек нуқсонларини бартараф этиш;

товарларни қайта ишлашга ёрдам берадиган ёхуд бундай ишни энгиллаштирадиган бошқа товарлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш.

Айрим товарларга нисбатан қайта ишлаш режимида фойдаланишга доир чекловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **31-м о д д а. Товарларни қайта ишлаш шартлари**

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома ариза берувчининг ёзма мурожаатига асосан божхона органи томонидан қуйидаги ҳолларда берилади:

товарларни уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш мумкин бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари ваколатли орган билан келишилган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно; *(биринчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда)*

товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги ҳақида ваколатли органнинг хулосаси бўлса;

алоҳида хусусиятга эга бўлган товарлар рўйхатига киритилган товар ёки қайта ишлаш маҳсулотини олиб кириш ва олиб чиқиш учун ваколатли органнинг махсус рухсатномаси бўлса;

божхона иши ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга доир бошқа талаблар бажарилган бўлса.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш ёки бундай рухсатнома беришни рад этиш ҳақидаги қарор уни қабул қилиш учун барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида божхона органи томонидан қабул қилиниб, ариза берувчи бу ҳақда ёзма равишда хабардор этилади.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш, агар ариза берувчи томонидан лозим даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилган бўлса ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар бўлса, шунингдек ушбу Кодекс талабларига риоя этилмаган бошқа ҳолларда рад этилиши мумкин.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, божхона органи бу ҳақда ариза берувчини рад этиш сабабларини ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш рад этилишига асос бўлган сабабларни ариза берувчи бартараф этган бўлса, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кундан ошмайдиган муддат ичида божхона органи томонидан амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **32-м о д д а. Божхона ҳудудида қайта ишлаш**

Божхона ҳудудида қайта ишлаш шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда божхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб кирилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқилади ёки улар ўзга режим остида жойлаштирилади.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида ҳар қандай товарлар жойлаштирилиши мумкин, ана шундай режим остида жойлаштирилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно.

Чет эллик юридик ёки жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган Ўзбекистон товарлари божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида жойлаштирилиши мумкин. Мазкур товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига амалда олиб чиқиб кетилмаган ҳолда экспорт режими остида жойлаштирилиб, кейинчалик божхона ҳудудида қайта ишлаш режимида декларацияланади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар ва қайта ишлаш маҳсулотлари уларни олиб чиқиш пайтида экспорт божлари ва солиқлардан озод қилинади. Мазкур товарлар ва қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди.

Қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқарилганда импорт божлари ва солиқлар қайта ишлаш учун фойдаланилган товарларнинг қиймати ҳамда уларга нисбатан қўлланилган тўловлар ставкаларига қараб тўланади.

Қайта ишлаш маҳсулотларини Ўзбекистон товарлари билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда йўл қўйилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **33-м о д д а. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш**

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш шундай режимки, бунда товарлар экспорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда қайта ишлаш учун олиб чиқилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш режимда олиб кирилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида эркин муомалада бўлган ҳар қандай товарлар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режими остида жойлаштирилиши мумкин, олиб кирилиши (олиб чиқиши) қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимдан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин эмас:

агар товарларни олиб чиқиш импорт божлари ва солиқларнинг тўланган суммаларини қайтаришни, импорт божлари ва солиқлардан озод қилишни ёки олиб чиқиш чоғида тўловлар олишни талаб қилиш учун асос бўлса; импорт божлари ва солиқлардан озод этишнинг амал қилиб турган вақти мобайнида, агар унинг амал қилиши товарларни эркин муомалага чиқаришда уларни қайта ишлаш учун олиб чиқилгунга қадар фойдаланилган бўлса;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

Қайта ишлаш маҳсулотларини чет эл товарлари билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Олиб кириладиган қайта ишлаш маҳсулотларини эркин муомалага чиқариш режимда божхона расмийлаштируви чоғида импорт божлари ва солиқлар қайта ишлаш қўйиматига ҳамда қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан қўлланиладиган божлар ва солиқлар ставкаларига қараб тўланади.

Қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарлар қайтариб олиб кирилганда импорт божлари ва солиқлар тўланмайди.

Қайта ишлаш маҳсулотлари, агар қайта ишлашдан мақсад олиб чиқилган товарларни қонун ҳужжатлари ёки шартномага биноан бегараз таъмирлашдан иборат бўлганлигига божхона органи белгиланган тартибда ишонч ҳосил қилса, импорт божлари ва солиқлардан озод қилинади, товарларни эркин муомалага дастлабки чиқаришда нуқсон мавжудлиги ҳисобга олинган ҳоллар бундан мустасно.

Товарларни қайта ишлаш учун олиб чиққан ва товарларни қайтармаган ёки қайта ишлаш маҳсулотларини белгиланган муддатда олиб кирмаган шахс ушбу Кодекс 23-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **34-м о д д а. Товарларни қайта ишлаш муддатлари**

Товарларни қайта ишлаш муддати божхона органи томонидан белгиланади ва бу муддат икки йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси товарларнинг айрим тоифаларига нисбатан қайта ишлашнинг бирмунча узайтирилган муддатларини белгилаши мумкин.

Товарларни қайта ишлаш муддатини белгилашда товарларни қайта ишлаш жараёни қанча давом этиши ва қайта ишлаш маҳсулотларини тасарруф этиш ҳисобга олинади.

Товарларни қайта ишлаш муддати товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида ёки божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режими остида жойлаштирилган кундан эътиборан, товарлар алоҳида товар туркумлари қилиб олиб кирилганда (олиб чиқилганда) эса товарларнинг биринчи туркуми тегишли режим остида жойлаштирилган кундан эътиборан ўта бошлайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **35-м о д д а. Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш**

Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона мақсадлари учун қиёслаш ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ҳақидаги, шунингдек қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар ҳақидаги муфассал маълумотларни тақдим этиш йўли билан ёки қайта ишлаш вақтида божхона назоратини олиб бориш орқали амалга оширилиши мумкин. Божхона ҳудудида товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслашга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш қуйидаги ҳолларда талаб этилмайди:

қайта ишлаш чоғида ишлаб чиқаришнинг узлуксиз туркумларига тааллуқли технология жараёнидан фойдаланиладиган бўлса;

қайта ишлаш чоғида қайта ишлаш амалга ошириладиган мамлакатдан бошқа мамлакатларнинг божхона ҳудудида худди шундай ва (ёки) айна бир хил қайта ишлаш маҳсулоти ишлаб чиқарилишини истисно этувчи ноёб технология жараёнидан фойдаланиладиган бўлса.

Олиб кириладиган қайта ишлаш маҳсулотларини қиёслаш учун божхона органи товарларнинг ишлаб чиқарилган жойи ҳақидаги сертификатлардан, шунингдек мазкур товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга тааллуқли бошқа ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **36-м о д д а. Божхона мақсадларида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормалари**

Қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормаси муайян миқдордаги товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган қайта ишлаш маҳсулотларининг миқдори ёки уларнинг фоиздаги ифодасидир. Қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормаси қайта ишлаш учун рухсатнома берилётганда қайта ишлаш амалга ошириладиган шароитларни ҳисобга олган ҳолда божхона органлари томонидан белгиланади ёки улар билан келишиб олинади. Қайта ишлаш маҳсулотларини тавсифлаш, уларнинг сифати ва миқдори қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормалари асосида белгиланади.

Эксперт ташкилотларининг хулосалари асосида божхона органлари қайта ишлаш маҳсулотлари чиқишининг мажбурий нормаларини, агар бу божхона мақсадларида зарур бўладиган бўлса ёки товарларни қайта ишлашни амалга оширишга ёрдам берадиган бўлса, белгилашга ҳақли.

Қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормалари қайта ишлаш учун бериладиган рухсатномада кўрсатилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **36<sup>1</sup>-м о д д а. Товарларни қайта ишлашни тугаллаш**

Товарларни қайта ишлашга рухсатнома олган шахс товарларни қайта ишлашни ушбу Кодекснинг 34-моддасига мувофиқ белгиланган муддат тугайдиган кундан кечиктирмасдан:

божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан фойдаланган тақдирда – қайта ишлаш маҳсулотларини, қайта ишланмаган товарлар қолдиқлари ва товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиққан ҳолда;

божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланган тақдирда – қайта ишлаш маҳсулотларини, қайта ишланмаган товарлар қолдиқлари ва товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида олиб кирган ҳолда тугаллаши шарт.

Қайта ишлаш олиб кирилган товарлар, уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ва чиқиндиларни эркин муомалага чиқариш режимиде, олиб чиқилган товарлар, уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ва чиқиндиларни эса, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган шартлар асосида экспорт режимиде жойлаштириш билан тугаллашни ҳам мумкин. Товарларни қайта ишлашга рухсатнома олган шахснинг аризасига биноан божхона органи товарлар, уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ва чиқиндиларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режимининг ёки божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимининг амал қилишини тугаллашга, агар бунинг учун сабаблар асосли деб топилган бўлса ҳамда башарти айни шу режимлар талабларига риоя этила-

диган бўлса, рухсат бериши мумкин. Бундай ҳолда қайта ишлаш режимларининг амал қилиши янги режимларнинг амал қилиши муддатига тўхтатиб қўйилади.

Қайта ишлаш маҳсулотларини божхона чегараси орқали бир неча туркум қилиб олиб ўтишда қайта ишлаш маҳсулотлари миқдорининг рухсатномада кўрсатилганига мувофиқлигини текшириб туриш вақти-вақти билан, аммо уч ойда камида бир марта ва қайта ишлаш маҳсулотларининг охириги туркуми божхона чегараси орқали олиб ўтилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилиши мумкин. Агар ана шундай текшириб кўриш натижасида қайта ишлашга рухсатнома олган шахс божхона тўловларини тўлаши шарт бўлса, бунда мазкур тўловларнинг суммасига, башарти бу суммалар уларни тўлаш зарурлиги ҳақида божхона органи томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида тўланадиган бўлса, пеня ҳисоблаб чиқарилмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **37-м о д д а. Йўқ қилиш**

Йўқ қилиш шундай режимки, бунда чет эл товарлари бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда божхона назорати остида йўқ қилинади, шу жумладан улар фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирилади.

Товарларни йўқ қилишга божхона органининг рухсати билан йўл қўйилади. Рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериледи.

Товарларни йўқ қилиш манфаатдор шахс томонидан ўз ҳисобидан амалга оширилади.

Товарларни йўқ қилиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндилар божхона назорати остида турган чет эл товарлари сифатида тегишли режимга жойлаштирилади.

Йўқ қилиб ташлаш учун рухсатнома бериш рад этилган тақдирда товарлар уларни олиб кирган шахс ҳисобидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилади.

### **38-м о д д а. Давлат фойдасига воз кечиш**

Давлат фойдасига воз кечиш шундай режимки, бунда шахс товарларга нисбатан бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда улардан давлат фойдасига воз кечади.

Товарларни давлат фойдасига воз кечиш режимига жойлаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда божхона органининг рухсати билан йўл қўйилади.

Товарлардан давлат фойдасига воз кечиш давлатнинг харажатлар қилишига сабаб бўлмайди.

## **III бўлим. БОЖХОНА НАЗОРАТИ**

### **3-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **39-м о д д а. Божхона назорати шакллари**

Божхона назорати божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қуйидаги йўллар билан ўтказилади:

божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;

жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб-суриштириш;

божхона кўригидан ўтказиш;

товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона томонидан қиёслаш;

товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш; ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимини текшириш;

божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар, бинолар ва бошқа жойларни текшириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда.

Божхона назорати ўтказилаётганида инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз бўлган ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зиён етказмайдиган техникавий ва бошқа воситалар қўлланилиши мумкин.

Божхона назоратини ўтказиш қоидалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **40-м о д д а. Божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари**

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳамда шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилиши лозим, ушбу Кодекснинг 49, 50, 117 – 126-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Божхона органлари эркин божхона зоналари ва эркин омборларда турган товарлар устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона назоратини амалга оширишга ҳақлидир.

Божхона органлари божхона ҳудудидан божхона органининг рухсатисиз чиқиб кетган транспорт воситаларини мажбурий равишда тўхтатиш, денгиз, дарё ва ҳаво кемаларини мажбурий равишда орқага қайтаришга ҳақлидир, чет эл кемалари ва бошқа давлатларнинг ҳудудидан турган кемалар бундан мустасно.

#### **41-м о д д а. Божхона назорати остида бўлиш вақти**

Божхона назорати:

божхона ҳудудига олиб киришда – товарлар ва транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтган пайтдан эътиборан;

божхона ҳудудидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқишда – божхона декларацияси қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан бошланади.

Божхона назорати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситалари сақланган божхона режимига мувофиқ чиқишга рухсат берилган пайтдан эътиборан ёхуд улар божхона чегарасини кесиб ўтган пайтдан эътиборан тугалланади.

#### **42-м о д д а. Божхона назорати зоналари**

Божхона назорати зоналари божхона чегаралари бўйлаб, божхона расмийлаштируви жойларида, божхона

органлари жойлашган ерларда ва божхона органлари томонидан белгиланадиган бошқа жойларда тузилади.

Божхона назорати зоналарини тузиш ва белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона назорати зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишга, шунингдек уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божхона органларининг рухсати билан ва назорати остида йўл қўйилади.

#### **43-м о д д а. Божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар**

Божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтвучи ёки назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятни амалга оширувчи шахслар бу органларга рўйхати ва тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳужжатлар ва маълумотларни топширадилар.

Божхона назоратини амалга ошириш учун божхона органлари банклардан, бошқа молия-кредит муассасаларидан ва ўжалик юритувчи субъектлардан экспорт-импорт операциялари ҳамда назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятнинг бошқа турларига доир маълумотларни олишга ҳақлидир.

Божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар шахслар томонидан камида уч йил сақланиши лозим.

#### **44-м о д д а. Божхона кўригидан ўтказиш**

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишининг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йиғимлар олиш, шунингдек олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг ҳамда божхона ҳудуди орқали транзит тартибида ўтишининг олдини олиш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир, божхона органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра эса текшириш пайтида ҳозир бўлишлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларига зарур ёрдам кўрсатишлари шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга шахс бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс деб ҳисобланади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар йўқлигида божхона органлари куйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга ҳақли:

улар товарлар ва транспорт воситалари тақдим этилганидан сўнг ўн кун ўтганидан кейин келмаган бўлса; давлат хавфсизлиги, жамоат тартибига, инсон ҳаёти ва соғлигига, ҳайвонот ва ўсимликлар, атроф табиий муҳитга, Ўзбекистон Республикасининг бадий, тарихий ва археологик бойликлари сақланишига хавф мавжуд бўлганда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда;



товарлар халқаро почта жўнатмалари орқали юборилган бўлса;

товарлар ва транспорт воситалари улар жойлаштирилган божхона режимини бузган ҳолда божхона ҳудудида қолдирилган бўлса.

#### **45-м о д д а. Шахсни кўздан кечириш**

Шахсни кўздан кечириш божхона чегараси орқали ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро алоқа учун очиқ аэропортнинг транзит зонасида турган жисмоний шахс қонун ҳужжатларини бузиш объектлари ҳисобланувчи товарларни ўз ёнида яширяпти ва кўрсатмаяпти деб ҳисоблашга асослар бўлган тақдирда, божхона органи мансабдор шахсининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

#### **46-м о д д а. Товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона қиёслашидан ўтказиш**

Божхона назорати остида бўлган ҳужжатлар, товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона қиёслашидан ўтказиш уларга пломбалар, муҳрлар қўйиш, рақамли, ҳарфий ва бошқа маркалар босиш, қиёслаш белгиларини қўйиш, штамплар босиш, намуналар ва нусхалар олиш, товарлар ва транспорт воситаларини таърифлаш, уларнинг чизмаларини тайёрлаш, масштабли тасвирлар, фотосуратлар, иллюстрациялар тайёрлаш, товарларга илова қилинган ва бошқа ҳужжатлардан ҳамда ўзга қиёслаш воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланади.

Қиёслаш воситалари фақат божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, товарлар ва транспорт воситаларининг йўқ бўлиб кетиши, уларга қайта тиклаб бўлмайдиган даражада путур етказилиши ёки уларнинг жиддий бузилиши хавфи тугилган ҳоллар бундан мустасно. Қиёслаш воситалари ўзгартирилганлиги, олиб ташланганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида божхона органларига дарҳол маълум қилинади ва бундай хавф мавжуд бўлганлигини исботловчи далиллар тақдим этилади.

#### **47-м о д д а. Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини инвентаризациялаш**

Божхона органлари божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек бож тўловлари тўланмаган ёки бож тўловлари юзасидан божхона имтиёзлари берилган товарларни инвентаризациядан ўтказишга ҳақлидир.

#### **48-м о д д а. Назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятни текшириш**

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсларнинг назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятини текширишга ҳақлидир.

#### **49-м о д д а. Божхона назоратини танлаб ўтказиш**

Божхона органлари божхона назоратини ўтказишда, қоида тариқасида, назоратнинг қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш учун етарли бўлган шакллари қўллайдилар.

Божхона назоратининг айрим шакллари қўлланмаслик ёки улардан озод қилиш шахслар қонун ҳужжатларига риоя этиш мажбуриятидан озод қилинишини билдирмайди.

Зарурат бўлганда божхона органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, божхона назоратининг ушбу Кодексда белгиланган барча шаклларида фойдаланишлари мумкин.

#### **50-м о д д а. Божхона назоратининг муайян шаклларида озод қилиш**

Божхона назоратининг муайян шаклларида озод қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг шахсий багажи, агар мазкур шахслар хизмат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлсалар, божхона текширувидан озод қилинади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-II-сон ва 2009 йил 10 апрель ЎРҚ-209-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 514-модда; 2009 йил, 15-сон, 179-модда)*

Чет эл ҳарбий кемалари, жанговар ва ҳарбий-транспорт ҳаво кемалари, шунингдек ўзи юриб келаётган ҳарбий техникаси божхона текширувидан озод қилинади.

#### **51-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситалари чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати**

Товарлар ва транспорт воситалари чиқишига рухсат берилганидан кейин, агар қонун ҳужжатлари бузилган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда божхона органлари товарлар ва транспорт воситалари мавжудлигини текширишга, уларни тақдоран божхона текширувидан ўтказишга, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни қайта текширишга, ушбу товарлар билан амалга ошириладиган ташқи иқтисодий ва кейинги тижорат операцияларига дахлдор ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни текширишга ҳақлидир. Текшириш декларант турган жойда, кўрсатиб ўтилган операцияларга бевосита ёки билвосита алоқаси бўлган ёки зарур ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай бошқа шахс турган жойларда ўтказилиши мумкин. Ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**52-м о д д а. Божхона органлари мансабдор шахсларининг божхона назоратини ўтказиш учун ҳудудга ва биноларга кира олиши**

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат гувоҳномаси асосида божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари, божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юкланган фаолият амалга оширилаётган ҳудуд ва биноларга кира олиш ҳуқуқига эга, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**53-м о д д а. Божхона назоратини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун мутахассислар ва экспертларни жалб этиш**

Божхона органлари божхона назоратини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ мутахассислар ва экспертларни жалб этишга ҳақли.

**4-БОБ. ТОВАРЛАРНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДА САҚЛАШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ**

**54-м о д д а. Божхона омборлари ва эркин омборлар**

Божхона омборлари ва эркин омборлар – товарларни божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган, махсус ажратилган ва жиҳозланган бинолар ёки бошқа жойлардир. Бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки алоҳида шарт-шароитларда сақланиши талаб этиладиган товарлар фақат махсус мослаштирилган омборларга жойлаштирилиши лозим.

Божхона омбори Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёхуд божхона органи томонидан таъсис этилади.

Эркин омбор Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси томонидан таъсис этилади. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-III-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Божхона омборлари сақлаш шароитларига кўра товарларни вақтинча сақлаш ва (ёки) божхона омбори режимларида сақлаш учун мўлжалланган бўлади.

Божхона омборлари фойдаланиш мумкинлиги жиҳатидан ҳар қандай шахслар фойдаланиши учун очиқ бўлиши ҳамда муайян шахслар, қоида тариқасида, омбор эгалари фойдаланиши учун мўлжалланган ёпиқ омборлар бўлиши мумкин.

Божхона омборлари ва эркин омборларни очиш тартиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

**55-м о д д а. Божхона омбори ва эркин омбор, бож олинмайдиган савдо дўкони эгаларининг мажбуриятлари**

Божхона омборлари ва эркин омборларнинг эгалари қуйидагиларга мажбурдирлар:

- 1) омборларни божхона назоратини таъминлаш мақсадида жиҳозлаш;
- 2) товарларнинг асралишини таъминлаш;
- 3) сақлашга қўйилган товарлар ва транспорт воситаларини олиш имкониятини истисно этиш, божхона назорати бундан мустасно;
- 4) божхона назорати амалга оширилишига тўсқинлик қилмаслик;
- 5) ҳисоб-китоб ишларини юритиш ҳамда сақлаб турилган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида божхона органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;
- 6) лицензия шартларига риоя этиш;
- 7) божхона органларининг қонуний талабларини бажариш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни адо этиш.

Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси ушбу модда биринчи қисмининг 3, 6, 7-бандларида назарда тутилган талабларга риоя этиши, шунингдек келаётган ва сотилаётган товарлар ҳисобини юритиши, бу товарлар тўғрисида божхона органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

**56-м о д д а. Божхона омборлари ва эркин омборлар эгаларининг омборга товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари**

Божхона омборлари ва эркин омборлар эгаларининг омборга товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида қурилади.

Божхона омборларининг эгалари бўлган божхона органларининг божхона омборларига товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**57-м о д д а. Божхона омбори ёки эркин омборда турган товарлар билан қилинадиган операциялар**

Вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилган товарлар: омбор эгаси томонидан, товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган бошқа шахс ва уларнинг вакиллари томонидан кўздан кечирилиши ва ўлчаб чиқиши мумкин. Божхона органининг рухсати билан текшириш ва қиёслаш учун товарлардан намуналар ҳамда нусхалар олиниши мумкин;

уларнинг ўзгармас ҳолатда сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган операциялар амалга оширилиши, шу жумладан шикастланган ўрови тузатилиши мумкин.

Божхона омбори режимига жойлаштирилган товарлар остида уларнинг асралишини таъминлаш, божхона органининг рухсати билан сотишга ва ташишга тайёрлаш бўйича операциялар амалга оширилиши мумкин. Операцияларнинг рўйхати ҳамда уларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Эркин омборга жойлаштирилган товарлар билан ишлаб чиқариш ва тижорат операцияларини ушбу Кодексга мувофиқ амалга оширишга йўл қўйилади, уларни чакана сотиш бундан мустасно. Ушбу товарлар учун

қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тақиқ ва чекловлар белгилаб қўйилиши мумкин.

Божхона органлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этмаган айрим шахсларга товарлар билан операциялар ўтказишни тақиқлаб қўйишлари ва уларнинг товарлардан фойдаланишини рад этишлари мумкин.

### **58-м о д д а. Божхона тўловларини тўлаш учун жавобгарлик**

Божхона омбори ва бож олинмайдиган савдо дўкони эгалари омборда сақланаётган ва дўконда реализация қилинаётган товарлар ҳамда транспорт воситаларининг бож тўловлари тўланиши учун жавобгар бўладилар, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар божхона омбори эгаси билан товарлар ва транспорт воситаларини вақтинча сақлаш режимига жойлаштирувчи шахс ўртасидаги шартномада ушбу шахснинг бож тўловларини тўлаш учун жавобгарлиги назарда тутилган бўлса, улар солидар жавобгар бўладилар.

Божхона органининг розилиги билан бож тўловларини тўлаш учун жавобгарлик товарларни божхона омбори режимида сақлаш учун жойлаштирган шахс зиммасига юкланиши мумкин.

Агар божхона органи божхона омборининг эгаси бўлса, товарлар ва транспорт воситаларини шу омборга жойлаштирган шахс бож тўловларини тўлаш учун жавобгар бўлади, бундай шахс бўлмаган тақдирда – уларнинг мулкдори ёки эгаси ҳисобланувчи шахс жавобгар бўлади.

Агар эркин омборга жойлаштирилган товарлардан бож тўловлари ундирилса, тўловлар тўланиши учун уларни омборга жойлаштирган шахс жавобгар бўлади.

### **59-м о д д а. Божхона омбори ва эркин омборни, бож олинмайдиган савдо дўконини тугатиш ҳамда уларга доир лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Божхона омбори ва эркин омбор, шунингдек бож олинмайдиган савдо дўкони куйидаги ҳолларда тугатилади:

эгаларининг хоҳишига кўра;

лицензияларнинг амал қилиш муддати ўтганида;

лицензиялар бекор қилинганида ёки уларнинг амал қилиши тугатилганида; *(биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан божхона омборида ёки эркин омборда ёхуд бож олинмайдиган савдо дўконидан турган товарларни сақлаш вақтинча сақлаш режимига мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бекор қилинганида товарлар божхона омбори ёки эркин омбор ёхуд бож олинмайдиган савдо дўконига жойлаштирилган санадан эътиборан қайта божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши лозим,

уларнинг эгаларидан эса, сақлаб турганлик эвазига божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборлари учун белгиланган миқдорда товарларнинг тугатилаётган омборда ёки магазинда турган бутун даври учун божхона йиғимлари ундирилади.

Лицензия чақириб олинганида лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан товарлар қайта божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши лозим, уларнинг эгаларидан эса, сақлаб турганлик эвазига божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборлари учун белгиланган божхона йиғимлари ундирила бошлайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

Божхона омбори ва эркин омбор, бож олинмайдиган савдо дўкони тугатилганда, шунингдек божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўконига берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда товарларни сақлашга жойлаштиришга ҳамда уларни реализация қилишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда товарларни божхона омбори ва эркин омбордан, шунингдек бож олинмайдиган савдо дўконидан чиқариш ушбу Кодексга мувофиқ амалга оширилади.

Эркин омборга берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда чет эл товарларини омборга жойлаштириш бож, солиқлар тўланган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилган ҳолда амалга оширилади, бож, солиқлардан озод қилиш ёхуд уларни қайтариш эса Ўзбекистон товарларига нисбатан қўлланилмайди.

Тугатилаётган божхона омбори ва бож олинмайдиган савдо дўконидан бўлган товарлар ва транспорт воситалари вақтинча сақлаш режимидан туришининг умумий муддати уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан икки ойдан, эркин омборда эса – олти ойдан ошмаслиги лозим.

### **5-БОБ. ТОВАРЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДА ТАШИШ**

#### **60-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини ташиш**

Божхона назорати остида турган, шу жумладан божхона ҳудуди орқали транзит режимида олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари юк жўнатувчи божхона органидан юк келиб тушувчи божхона органига ушбу товарлар ва транспорт воситаларини ташиш учун қабул қилган юк ташувчининг жавобгарлиги остида ташилиши мумкин.

Юк келиб тушувчи божхона органига топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар қайси товарлар ва транспорт воситаларига тегишли бўлса, ўша товарлар ва транспорт воситалари билан бир хил тартибда етказилади.

#### **61-м о д д а. Ташувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Ташувчи куйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини ташиш учун қабул қилмасликка ҳақли:

божхона ва транспорт ҳужжатлари белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирилган бўлса;

божхона томонидан транспорт воситасига ва товарлар жойланган ўров-идишларга қўйилган таъминлов чоралари ташилаётган товарларга ана шу таъминлов чораларини бузмасдан тегиш имкониятини истисно этмаса.

Товарлар, транспорт воситалари ва уларга оид ҳужжатларни ташиш учун қабул қилиб олган ташувчи:

уларни жўнатувчи божхона органи томонидан белгиланган манзилга, йўналишда ва муддатда, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайиш оқибатидаги ўзгаришларни истисно этганда, уларнинг ўров-идишлари ёки ҳолатини ўзгартирмасдан, элтиб беришдан бошқа мақсадда фойдаланмасдан этказиб бериши;

товарлар, транспорт воситалари ва уларга оид ҳужжатларни юк келиб тушадиган божхона органида кўрсатиши, бу орган мансабдор шахсларининг талабига биноан эса – товарлар ва транспорт воситаларини амалда тақдим этиши;

божхона назорати остида турган товарлар билан бир вақтда бошқа товарларни ташимаслиги шарт.

Юк элтиб бериладиган жойига етиб келгандан кейин ташувчи божхона органининг рухсатисиз товарлар ва транспорт воситасини тўхташ жойида қаровсиз қолдириш, тўхташ жойини ўзгартириш, йўловчиларни тушириш, товарлар билан бирон-бир ортиш-тушириш ва ўраш-жойлаш операцияларини ўтказиш, қиёслаш воситаларини ўзгартириш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Агар ташувчи, йўловчиларнинг ва транспорт воситаси экипажининг ҳаёти ҳамда соғлиғи чинакам хавф остида қолганлигини, товарлар ва транспорт воситасининг йўқ қилиниши, қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетиши ёки жиддий бузилиши хавфи мавжуд бўлганлигини исботласа, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги талабларни бузганлик учун жавобгарлик юзга келмайди. Кўрсатилган талаблар бузилишига сабаб бўлган ҳолатлар тўғрисида ташувчи дарҳол божхона органини хабардор қилиши шарт.

Агар ташувчи ёхуд унинг транспорт воситаси ушбу Кодекснинг талабларига риоя этилишини кафолатлай олмаса, божхона органи транспорт воситаси фақат тегишлича жиҳозланган ёки божхона кузатувиغا олинган ёхуд божхона тўловлари тўланишини таъминловчи гаров суммалари киритилган ёки товарлар божхона ташувчиси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташилган тақдирдагина товарларнинг божхона назорати остида олиб ўтилишига йўл қўйишга ҳақли. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Айрим тоифадаги товарларни ташувчилар учун қонун ҳужжатларида бошқача талаблар белгиланиши мумкин.

### **62-м о д д а. Ташувчининг жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг бут сақланиши учун ташувчи жавобгар бўлади.

Товарлар божхона органининг рухсатисиз бериб юборилган, йўқотилган ёки юк келиб тушадиган божхона органига элтиб берилмаган тақдирда, ташувчи, те-

гишли равишда эркин муомалага ёки экспортга чиқариш режимларида тўланиши лозим бўлган бож тўловларини тўлаши шарт, товарлар ҳалокат ёки энгиб бўлмас куч таъсири оқибатида йўқ бўлган ёхуд қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетган, ёхуд камомат табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитида камайиш туфайли юзга келган ёхуд органлар ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида эгалиқдан чиқиб кетган ҳоллар бундан мустасно. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўй берган бундай ҳоллар Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим.

### **63-м о д д а. Фалокат юз берган ёки энгиб бўлмас куч таъсир этган тақдирда кўриладиган чора-тадбирлар**

Фалокат юз берган ёки энгиб бўлмас куч таъсир этган тақдирда ташилаётган товарлар транспорт воситасидан туширилиши мумкин. Бу ҳолда ташувчи товарларнинг бут сақланишини таъминлаш ва улардан бирон бир тарзда фойдаланилишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриши, ишнинг ҳолатларини, товарлар ва транспорт воситаларининг қаерда эканлигини энг яқин божхона органига дарҳол хабар қилиши, товарларнинг энг яқин божхона органига ташиб келтирилишини ёки божхона органининг мансабдор шахслари товарлар турган жойга олиб келилишини таъминлаши шарт.

Божхона органи бундай ҳолларда божхона назоратини таъминлаш учун кўриладиган чора-тадбирларни белгилайди.

Ушбу моддада назарда тутилган чора-тадбирлар кўрилиши муносабати билан ташувчининг қилган харажатлари божхона органи томонидан қопланмайди.

Ушбу модда қоидалари ушбу Кодекс 84-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган денгиз, дарё ёки ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ноилож тўхташ ёки қўнишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам қўлланади.

### **64-м о д д а. Божхона ташувчиси**

Божхона ташувчиси товарлар ташишни божхона кузатувини қўлламаган ва божхона тўловлари тўланишини таъминловчи гаров суммаларини киритмаган ҳолда божхона назорати остида амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир.

Божхона ташувчиси ушбу Кодекс асосида ташувчига нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этиши, шунингдек:

божхона ташувчисини рўйхатга олган божхона органининг фаолият зонасидаги божхона расмийлаштируви жойига жуда бўлмаганда битта транспорт воситаси 24 соат ичида етиб келишини таъминлай оладиган зарур миқдордаги махсус жиҳозланган транспорт воситаларига эга бўлиши;

ушбу Кодекс 62-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузиши;

божхона назорати остида ташишларнинг ҳисобини юритиши ва божхона органларига тегишли ҳисобот тақдим этиши шарт.

Божхона ташувчисининг товарларни жўнатувчи билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

### **6-БОБ. АМАЛГА ОШИРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА ЮКЛАТИЛГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУФУЛЛАНИШ ҲУҚУКИНИ БЕРУВЧИ РУХСАТНОМАЛАР**

#### **65-м о д д а. Божхона органининг лицензияси**

Божхона органи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун беш йил муддатга лицензия беради. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрель ЎРҚ-28-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 14-сон, 110-модда)*

Агар божхона омбори божхона органлари томонидан таъсис этилса, лицензия олиш талаб қилинмайди.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун берилган лицензия божхона органи ёки суд томонидан бекор қилиниши, унинг амал қилиши эса тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун лицензия бериш, уни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**66-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**67-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**68-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

#### **69-м о д д а. Лицензияни бекор қилиш**

Агар лицензия белгиланган тартибда бузган ҳолда ёки лицензия тўлиқ бўлмаган ёхуд нотўғри маълумотлар асосида берилган бўлиб, улар лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, лицензия суд томонидан, бошқа ҳолларда эса божхона органи қарори асосида бекор қилинади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Божхона органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва Божхона органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия божхона органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

#### **70-м о д д а. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш**

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан муурожаат қилганда;

юридик шахс тугатилганда у тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда эса, қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустафо;

якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

якка тартибдаги тадбиркорнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

лицензиат лицензия талаблари ва шартларини мунтазам равишда ёки бир мартаба қўпол равишда бузганда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни суд ёки божхона органи белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

божхона органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг гайриқонунийлиги аниқланганда;

лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, божхона органининг қарорига биноан амалга оширилади.

Божхона органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилиши-

ни тугатиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва божхона органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия божхона органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилиши, унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Божхона органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензия амал қилишининг тугатилиши суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, божхона органи лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

### **71-м о д д а. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

божхона органининг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарорлари лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш суд қарорига, лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳолларида эса, божхона органи қарорига биноан амалга оширилади.

Божхона органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва божхона органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Божхона органи ёки суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган божхона органи ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

### **72-м о д д а. Қайтадан лицензия бериш**

Лицензия бериш тўғрисидаги такрорий ариза лицензияни бекор қилиш ёки лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан эътиборан икки йил ўтганидан кейин бунинг учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда кўриб чиқилиши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь 175-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

### **73-м о д д а. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати**

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати беш йилга берилади.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати божхона органи томонидан бекор қилиниши ёки унинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёхуд тугатилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати, агар бундай аттестат белгиланган тартибни бузган ҳолда берилган бўлса ёки аттестат уни бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этган, бироқ тўлиқ бўлмаган ёхуд нотўғри маълумотлар асосида берилган бўлса, бекор қилинади. Бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака аттестати берилган санадан эътиборан амал қилади.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши божхона органи томонидан:

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга нисбатан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида кўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда олти ойгача бўлган муддатга;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ўз мажбуриятларини инсоф билан бажарганлигига шубҳа қилиш учун етарли асослар бўлган тақдирда икки ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши қуйидаги ҳолларда ҳам тўхтатиб турилади:

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис сифатида фойдаланиш учун у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис билан меҳнат шартномаси тузган божхона брокери томонидан божхона брокери сифатида фаолият юритиш шартларига риоя этилмаганда;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис билан меҳнат шартномаси тузган юридик шахс тугатилган ёки қайта ташкил этилганда.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда малака аттестатининг амал қилишини тўхтатиб турган божхона органи мазкур ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқ олинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида аттестатнинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ўзининг малака аттестати амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

Божхона органи томонидан белгиланган муддат ичида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилмаганда;

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ушбу Кодекснинг 145, 146, 164, 167 ва 168-моддаларида жавобгарлик белгиланган божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча бор бузганда;

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ушбу Кодекснинг 171-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182, 184 ва 246-моддаларида назарда тутилган қоидаларни бузганлик учун жавобгарликка тортилганда;

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши муддати тугаганда.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бундай аттестатнинг амал қилиши тугатилади.

Суднинг қарорига биноан ҳам божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати бекор қилиниши ёки унинг амал қилиши тугатилиши мумкин.

Малака аттестати бериш тўғрисидаги такрорий ариза малака аттестати бекор қилинган, унинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин, бунинг учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда ёки суд белгиланган муддат ўтганидан кейин кўриб чиқиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, аттестатни бекор қилиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**74-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

#### **IV бўлим. БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ**

##### **7-боб. УМУМЙ ҚОИДАЛАР**

##### **75-м о д д а. Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш жойи ва вақти**

Божхона расмийлаштируви божхона органи фаолият кўрсатадиган зонадаги шу мақсад учун ажратилган, товарларни жўнатувчи ёки олувчи ёхуд уларнинг таркибий бўлинмаси жойлашган ерларда божхона органининг иш вақтида амалга оширилади.

Манфаатдор шахснинг ёзма илтимосномасига биноан унинг ҳисобидан ва божхона органининг розилиги билан божхона расмийлаштируви бошқа жойларда ва божхона органининг иш вақтидан ташқари вақтда амалга оширилиши мумкин.

Божхона органилари жойлашган ерларда эмас, бевосита ўз худудларида ёки биноларида божхона расмийлаштирувини ўтказишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар бу органларга хизмат ва маиший биноларини, ускуналар ҳамда алоқа воситаларини бепул бериб қўядилар.

##### **76-м о д д а. Божхона расмийлаштируви муддати**

Товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви божхона декларацияси қабул қилинган ҳамда барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида божхона органи томонидан амалга оширилади. Мазкур муддат бошқа давлат органилари томонидан товарлар ва транспорт воситалари назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган вақтни ўз ичига олмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 1-модда)*

##### **77-м о д д а. Божхона расмийлаштируви вақтида ваколатли шахсларнинг ҳозир бўлиши**

Божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар божхона расмийлаштируви вақтида иштирок этишга ҳақлидир, божхона органи мансабдор шахсларнинг талабига биноан эса, божхона расмийлаштируви вақтида ҳозир бўлишлари ва расмийлаштиришни амалга оширишда уларга зарур ёрдам кўрсатишлари шарт.

##### **78-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситалари билан божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган операцияларни ўтказиш**

Божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтувчи шахс, ташувчи, омбор эгаси ёки товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган бошқа шахс божхона органининг талабига биноан божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши лозим бўлган товарларни транспортда ташиш, тортишни ёки уларнинг миқдорини бошқача тарзда аниқлашни, ортиш, тушириш, қайта ортиш, бузилган ўровларни тузатиш, ўровларни очиш, товарлар ва транспорт воситаларини ўраш ёки қайта ўрашни, шунингдек бундай товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган бинолар, идишлар ва бошқа жойларни очишни ўз ҳисобидан амалга ошириши шарт.

Агар товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона расмийлаштируви тугалланмаган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган операциялар божхона органининг руҳсати билан амалга оширилади.

### **79-м о д д а. Божхона расмийлаштирувини ўтказиш учун намуналар ва нусхалар олиш**

Божхона расмийлаштирувини ўтказиш учун божхона органлари, уларнинг рухсати билан эса товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар ва давлат назоратини амалга оширувчи бошқа органлар божхона назорати остида турган товарлардан уларни текшириш (экспертиза қилиш) учун намуналар ва нусхалар олишга ҳақлидирлар.

Товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар намуналар ва нусхалар олиш вақтида ҳозир бўладилар ва божхона органларининг мансабдор шахсларига ёрдам кўрсатадилар, шунингдек намуналар ва нусхаларни текшириш натижалари билан танишадилар.

Товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсининг ташаббуси билан божхона органлари томонидан товарлардан намуналар ва нусхалар олиш, шунингдек намуналар ва нусхаларни текшириш натижасида юзага келган харажатларни ана шу шахс тўлайди.

Намуналар ва нусхалар олиш тартиби, уларни текшириш ва тасарруф этиш муддатлари, шунингдек тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **80-м о д д а. Божхона расмийлаштируви ва давлатнинг бошқа органлари назорати**

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви ветеринария, фитосанитария, экология назорати ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат назоратининг бошқа турлари амалга оширилганидан кейин тугайди.

### **81-м о д д а. Божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартиби**

Табиий офатлар, фалокатлар, ҳалокатлар юз берганда зарур бўладиган товарларни, тирик ҳайвонлар, тез бузиладиган товарлар, радиоактив материаллар, оммавий ахборот учун зарур хабарлар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг олий органлари номига юборилаётган товарларни, шунингдек инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилаётган товарларни ва бошқа шунга ўхшаш товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда уларнинг божхона расмийлаштируви соддалаштирилган тартибда ва биринчи ўринда амалга оширилади.

Эркин божхона зоналари ва эркин омборларга олиб кириладиган, шунингдек уларнинг худудидан олиб чиқилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви соддалаштирилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартибини қўлланиш шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **82-м о д д а. Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этиш**

Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга ҳамда улар-

ни тасарруф этишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **8-БОБ. ДАСТЛАБКИ ОПЕРАЦИЯЛАР**

### **83-м о д д а. Божхона расмийлаштируви бошланишидан олдинги ҳаракатлар**

Божхона расмийлаштируви бошлангунга ва товарлар ҳамда транспорт воситалари муайян божхона режимида жойлаштирилгунга қадар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда дастлабки операциялар ўтказилади.

### **84-м о д д а. Божхона чегарасини кесиб ўтиш тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона худудидан ташқарига олиб чиқиш нияти тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш**

Божхона худудига товарлар ва транспорт воситаларини олиб киришда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар худудидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб киришда ташувчи божхона чегарасини кесиб ўтиш тўғрисида божхона органи хабардор қилади.

Товарлар ва транспорт воситалари божхона худудидан ташқарига олиб чиқилаётганда товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс бу товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқиш нияти тўғрисида божхона органларини олдиндан хабардор қилади. Божхона органи хабарномани қайд этади ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун товарлар ҳамда транспорт воситалари келтирилиши лозим бўлган вақт ва жойни тайин қилади. Агар товарларни олиб ўтувчи шахс ушбу хабарни етказмаса, бу вазифа ташувчи зиммасига юклатилади.

Ушбу модданинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг худудига жойлашган порт ёки аэропортда тўхтамай божхона худудини кесиб ўтадиган денгиз, дарё ва ҳаво кемаларига нисбатан қўлланилмайди.

### **85-м о д д а. Товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли ҳужжатларни божхона органи белгиладиган жойга келтириш**

84-моддада назарда тутилган хабарнома берилганидан кейин ташувчи ушбу Кодекснинг талабларига риоя этган ҳолда товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли ҳужжатларни божхона органи белгилаган жойга етказиб келтириши ва келганидан кейин шу жойда туриши шарт.

### **86-м о д д а. Етиб келганлик тўғрисида хабар бериш ҳамда товарлар ва транспорт воситаларини етказиб келтирилган жойда кўрсатиш**

Товарлар ва транспорт воситалари етказиб келтирилган жойда божхона органига кўрсатилади, уларга тегишли ҳужжатлар эса, топширилади. Кўрсатиш товарлар ва транспорт воситалари келтирилганидан кейин кечи билан 30 минут ичида, товарлар ва транс-



порт воситалари божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда етказиб келтирилган тақдирда, божхона органининг иш вақти бошланганидан кейин кўпи билан 30 минут ичида улар келтирилганлиги ҳақида ҳабар қилишдан иборатдир.

Божхона органининг талабига биноан кўрсатилган товарлар ва транспорт воситалари амалда ана шу органга тақдим этилади.

Товарлар кўрсатилганидан кейин товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар товарларни божхона режимига жойлаштириш мақсадида божхона органининг рухсати билан улардан намуналар ва нусхалар олишлари мумкин.

Тайин қилинган жойга божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда келтирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона назорати зонасида жойлаштирилади.

Ушбу модданинг талабларида назарда тутилган ҳаракатлар ёки ҳолатлар оқибатида вужудга келган харажатлар ташувчининг ўз ҳисобига ёзилади ва божхона органлари томонидан қопланмайди.

### **87-м о д д а. Қисқа декларация**

Товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунига қадар қисқа декларация қўлланилиши мумкин.

Божхона органининг рухсати билан қисқа декларация сифатида транспорт, тижорат ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлардан, шу жумладан халқаро ташишларни амалга ошириш чоғида қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ҳужжатлардан фойдаланилиши мумкин.

Қисқа декларация ташувчи томонидан товарлар ва транспорт воситаларини кўрсатиш билан бир вақтда ёки божхона органининг рухсати билан товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилганидан кейин йигирма тўрт соат ичида топширилади.

Агар товарлар кўрсатилган муддат ичида муайян божхона режимига жойлаштирилса, қисқа декларация топширилмайди.

Ташувчи томонидан қисқа декларация топшириш ваколати берилган шахс бўлмаса, капитан, ҳайдовчи ёки транспорт воситасини бошқарувчи бошқа шахс божхона органлари учун шундай шахс деб ҳисобланади.

Ташувчининг вакили қисқа декларацияни расмийлаштиришда божхона органларига ёрдам кўрсатиши шарт.

Қисқа декларациянинг шакли ва унда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларнинг рўйхати ва уни бериш тартиби божхона органлари томонидан белгиланади.

### **88-м о д д а. Дастлабки операциялар пайтида божхона органлари олдидаги жавобгарлик**

Олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунига қадар улар учун, шу жумладан бож тўловлари тўланиши учун божхона органлари олдида ташувчи жавобгар бўлади, ушбу Кодекс 84-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

## **9-БОБ. ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ**

### **89-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш**

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган ёки божхона режими ўзгартирилаётган товарлар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа товарлар ва транспорт воситалари учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда божхона органига декларация топширилиши лозим.

### **90-м о д д а. Декларациялаш шакллари**

Декларациялаш товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги, улар жойлаштириладиган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни, божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга оширилади.

Декларациялашнинг шакли ва тартиби, шунингдек божхона декларациясида кўрсатиладиган маълумотларнинг рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **91-м о д д а. Декларациялаш жойи**

Товарлар учун божхона расмийлаштирувидан ўтказилаётган божхона органига декларация топширилади.

Товарлар ташийдиган транспорт воситалари товарлар билан бир вақтда декларацияланади.

Юксиз транспорт воситалари ва йўловчилар ташиётган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини кесиб ўтиш вақтида декларацияланади.

Денгиз, дарё ва ҳаво кемалари ўзи етиб келган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидаги порт ёки аэропортда ёхуд ўзи жўнаб кетган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидаги порт ёки аэропортда декларацияланади.

### **92-м о д д а. Божхона декларациясини топшириш муддатлари**

Божхона декларацияси божхона органлари томонидан белгиланган муддатларда топширилади. Бу муддатлар товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадлардаги товарларни қўл юки ва багаж ҳолида божхона чегарасидан олиб ўтишда божхона декларацияси товарларни кўрсатиш билан бир вақтда топширилади.

Божхона ҳудудига кириб келаётган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтганидан кейин кўпи билан уч соат, божхона ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситалари эса Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини кесиб ўтишига кўпи билан уч соат қолганида декларацияланади.

Ушбу моддада кўрсатилган муддатлар божхона органлари белгилайдиган тартибда ва шартларда узайтирилиши мумкин.

### **93-м о д д а. Божхона декларациясини қабул қилиш**

Божхона органи божхона декларациясини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Божхона декларацияси қабул қилинганлиги расмийлаштирилган пайдан бошлаб у юридик аҳамиятга молик фактлардан далолат берувчи ҳужжатга айланади.

#### **94-м о д д а. Божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва қўшимча маълумотлар**

Божхона декларациясини тақдим этиш билан бир вақтда божхона органига бошқа зарур ҳужжатлар ҳам топширилади. Божхона органи божхона декларацияси ва тақдим этилган ҳужжатларда баён этилган маълумотларни текшириш учун қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва қўшимча маълумотлар рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона органи етишмаётган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш муддатларини белгилашга ҳақли.

Божхона органининг рухсати билан халқаро ташишларда қўлланиладиган чет тилларда тузилган ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин.

#### **95-м о д д а. Божхона декларациясини ўзгартириш, тўлдириш ва қайтариб олиш**

Божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар божхона органининг рухсати билан декларант томонидан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши, топширилган божхона декларацияси эса қайтариб олиниши мумкин.

Ўзгартириш, тўлдириш ёки қайтариб олиш фақатгина:

божхона декларациясини текшириш бошлангунига қадар;

товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш бошлангунига қадар;

кўрсатилган маълумотларнинг нотўғри эканлиги божхона органи томонидан аниқлангунига қадар амалга оширилиши мумкин.

Божхона декларациясини ўзгартириш ёки тўлдириш унинг амал қилиш доирасини кенгайтириши ёки торайтириши мумкин эмас.

Божхона органларининг мансабдор шахслари ўз ташаббуси билан, шахснинг топшириғи ёки илтимосига биноан ёзма божхона декларациясини тўлдиришга, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни ўзгартириш ёки тўлдиришга ҳақли эмас, божхона органларининг ваколатига киритилган маълумотларни божхона декларациясига киритиш ҳоллари, шунингдек агар машинада ишлов бериш учун фойдаланиладиган кодли маълумотлар божхона декларациясида кодсиз кўринишда мавжуд бўлса, кодли маълумотларни ўзгартириш ёки тўлдириш бундан мустасно.

#### **96-м о д д а. Дастлабки божхона декларацияси**

Агар декларант алоҳида сабаблар туфайли батафсил божхона декларациясини тақдим эта олмаса, божхона органи қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда муваққат ёки тўлиқ бўлмаган божхона декларациясини тақдим этиш учун рухсат беришга ҳақли, бунда муваққат ёки тўлиқ бўлмаган божхона декларациясида божхона мақсадлари учун зарур бўлган асосий

маълумотлар баён этилиши ва етишмаётган маълумотлар божхона органи белгилайдиган муддатларда тақдим этилиши шарт қилиб қўйилади.

#### **97-м о д д а. Даврий божхона декларацияси**

Айни бир шахс томонидан айни бир хил товарлар ва транспорт воситалари мунтазам равишда олиб ўтилса, божхона органи муайян давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган барча товарлар ва транспорт воситаларига битта божхона декларацияси берилишига рухсат этиши мумкин.

Даврий божхона декларациясини топшириш ҳоллари ва тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **98-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялашнинг содда-лаштирилган тартиби**

Божхона органлари товарлар ва транспорт воситаларини декларациялашнинг соддалаштирилган тартибини белгилаб қўйишга ҳақли.

#### **99-м о д д а. Декларант**

Товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери декларант бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахси декларант бўлиши мумкин, жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали нотижорат мақсадларида товарлар олиб ўтиш ҳоллари ва божхона органлари белгилайдиган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Декларант, у божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери бўлишдан қатъи назар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча вазифаларни бажаради ва тўлиқ жавобгар бўлади.

#### **100-м о д д а. Декларантнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Декларант божхона декларациясини топширгунга қадар божхона назорати остида товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга, божхона органининг рухсати билан намуналар ва нусхалар олишга ҳақли. Агар товарларга доир божхона декларациясида ҳисобга олинган бўлса, намуналар ва нусхалар олинганида улар ҳақида алоҳида божхона декларацияси тақдим этилмайди.

Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш чоғида декларант:

ушбу Кодексда назарда тутилган тартибга мувофиқ товарлар ва транспорт воситаларини декларациялашга ва божхона органига божхона декларациясини топширишга;

божхона органининг талабига биноан декларацияланаётган товарлар ва транспорт воситаларини кўрсатишга;

божхона органига божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни тақдим этишга;

божхона тўловларини тўлашга;

божхона органларига божхона расмийлаштирувини амалга оширишда ёрдам беришга мажбурдир.

Қонун ҳужжатларида декларантнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

**101-м о д д а. Божхона брокери**

Божхона брокери ўзини вакил қилган шахс ҳисобидан ва унинг топшириғига биноан божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни ўз номидан ўтказувчи ҳамда божхона иши соҳасида бошқа воситачилик вазифаларини бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир.

Божхона брокери билан уни вакил қилган шахснинг ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Божхона брокерининг божхона органлари олдидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уни вакил қилган шахс билан тузилган шартномада чеклаб қўйилиши мумкин эмас.

Юридик шахс божхона брокери сифатида фаолият олиб бориши учун:

ходимлар штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга эга бўлиши;

ушбу Кодекс 100-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда Фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузиши шарт.

Юридик шахсларнинг божхона брокери сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**102-м о д д а. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис**

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис божхона органи томонидан берилган божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати бўлган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси – декларант билан меҳнат шартномаси тузган ва шу декларант номидан божхона расмийлаштируви бўйича ҳаракатларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Декларант божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг божхона органлари олдидаги мажбуриятларини чеклаб қўйиши мумкин эмас.

**V бўлим. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ****10-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР****103-м о д д а. Божхона тўловларининг турлари**

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

бож;

қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи;

божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш билан боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар; *(Биринчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими;

товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими;

товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун божхона йиғими;

дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ.

Қонун ҳужжатларида бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

**104-м о д д а. Бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи**

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинади.

Товарлар қайтариб олиб чиқилган тақдирда илгари тўланган бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи суммалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши лозим.

**105-м о д д а. Божхона йиғимлари**

Қуйидаги ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорларда божхона йиғимлари ундирилади:

товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан кузатувчисиз бағажда, халқаро почта жўнатмалари ва юкларда олиб ўтилаётган нотижорат мақсадларидаги товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;

товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;

товарлар ва транспорт воситаларини божхона органлари эгалигидаги божхона омборлари ва вақтинча сақлаш омборларида сақлаганлик учун;

товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун.

**11-боб. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ****106-м о д д а. Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун асослар**

Товарлар ва транспорт воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланадиган божхона қиймати божни, акциз солиғини ва тегишли бож йиғимларини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун товарнинг божхона қиймати асос бўлиб, унга тўланиши лозим бўлган бож, акцизга тортиладиган товар бўйича эса, акциз солиғининг суммаси ҳам қўшилади.

### **107-м о д д а. Божхона тўловларини тўловчилар**

Божхона тўловлари декларант томонидан тўланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг ўрнига божхона тўловларини тўлашга ҳақли.

### **108-м о д д а. Божхона тўловларини тўлаш муддатлари**

Божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда тўланади. Товарлар нотижорат мақсадлари учун олиб ўтилаётганда божхона тўловлари божхона декларациясини қабул қилиш билан бир вақтда тўланади.

Божхона тўловларини тўлаш муддатининг ўтиши божхона декларациясини топшириш муддати тугаганидан кейинги кундан бошланади.

### **109-м о д д а. Божхона тўловларини тўлаш тартиби**

Божхона тўловлари божхона органига, халқаро почта жўнатмаларида юборилаётган товарларга нисбатан эса, – алоқа корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда тўланади.

Божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

*(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 апрель УРҚ-142-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14–15-сон, 85-модда)*

### **110-м о д д а. Божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш**

Тўловчига божхона органининг қарорига асосан тўловларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, божхона тўловларининг тўланиши ушбу Кодекснинг 111-моддасида назарда тутилган тартибда таъминланган тақдирда, берилиши мумкин.

Божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб икки ойдан ошмаслиги лозим.

Кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда фоизлар ундирилади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарга экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган импорт қилинаётган моддий-техника ресурслари учун қўшилган қиймат солиғи бўйича уни тўлашни фоиз ундирилмаган ҳолда тўқсон кунлик муддатга кечиктириш имконияти берилади. *(Туртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август 832-1-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда)*

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга, фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжаликларига ўз эҳтиёжлари учун импорт қилаётган ускуналар, хом ашё ва моддий ресурслар учун божхона тўловлари тўлашни (божхона рас-

миллаштируви учун божхона йиғимлари бундан мустасно) фоиз ундирилмаган ҳолда тўқсон кунлик муддатга кечиктириш имконияти берилади. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь 320-11-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)*

Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаётган шахсларга божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмайди.

### **111-м о д д а. Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

Божхона тўловларини тўлаш товарлар ва транспорт воситаларини гаровга қўйиш, учинчи шахснинг кафолати ёхуд тегишли суммаларни божхона органининг депозит ҳисоб варағига ўтказиш йўли билан таъминланади.

Гаровга қўювчи божхона органининг розилигисиз гаров нарсасини тасарруф этишга ҳақли эмас.

Гаровга қўйилган товарлар ва транспорт воситалари, агар божхона органи бошқача қарор қабул қилмаса, гаровга қўювчининг эғалигида қолади.

Гаровни расмийлаштириш ва ундирувчи гаров нарсасига қаратиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминловчи омил сифатида банкнинг ёки Ўзбекистон Республикасида банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа молия-кредит муассасасининг кафолатидан фойдаланиш мумкин.

Товарлар эркин муомала ёки экспорт учун божхонанинг чиқариш режимларига мувофиқ чиқариладиган ҳолларда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммаси божхона органининг депозит ҳисоб варағига ўтказилади. Суммалар депозит ҳисоб варағида сақланган вақт учун фоизлар қўшилмайди. Тегишли суммаларни депозит ҳисоб варағига ўтказиш ва уларни қайтариш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **112-м о д д а. Божхона тўловларини ундириш ва жавобгарлик чоралари**

Ушбу Кодексга мувофиқ тўланмаган божхона тўловлари божхона органи томонидан сўзсиз тартибда ундирилади, товарларни нотижорат мақсадларида олиб ўтадиган жисмоний шахслардан ундириладиган тўловлар бундан мустасно бўлиб, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

Тўланмаган божхона тўловлари, тўламаганлик факти қачон аниқланганлигидан қатъи назар, ундирилиши лозим.

Қарздорлик вақти учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун боқиманда суммасининг 0,05 фоизи миқдорида сўзсиз тартибда пеня ундирилади. Тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган суммаларга тенг бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисоблаб чиқарилмайди. Пеня миқдори тадбиркорлик субъектининг божхона тўловлари бўйича қарздорлик суммасидан кўп бўлиши мумкин эмас. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь УРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товланган ёки тўловчида пул маблағлари бўлмаган тақдирда ундирув қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

### **113-м о д д а. Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш**

Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларининг, шунингдек божхона режимларига мувофиқ қайтарилиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммалари қайтарилиши, ёхуд тўланган пайтдан бошлаб, ёки бундай тўловлар ундирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида тўловчининг талабномаси бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бўлгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши лозим.

Божхона тўловлари қайтарилганда улар учун фоизлар тўланмайди.

## **VI бўлим. ДАСТЛАБКИ ҚАРОРЛАР**

### **114-м о д д а. Дастлабки қарорни қабул қилиш**

Божхона органлари товарларнинг таснифи, уларнинг божхона қиймати ва қайси мамлакатда тайёрлангани, божхона тўловлари миқдори ва божхона ишининг бошқа масалалари юзасидан дастлабки тарзда қарор қабул қилиши мумкин. Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун уни сўраётган шахсдан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ҳақ ундирилади. Дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Дастлабки қарор божхона органлари учун мажбурий бўлиб, қабул қилинган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида амал қилади.

### **115-м о д д а. Дастлабки қарорни қабул қилиш тўғрисида сўров**

Дастлабки қарорнинг қабул қилинишидан манфаатдор бўлган шахс божхона органларига ёзма сўров юборди.

Сўровда дастлабки қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар бўлиши керак. Сўровга товарларнинг намуналари ва нусхалари, уларнинг тавсифи, фотосуратлари, расмлари, чизмалари, тижорат ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар, сўралаётган дастлабки қарор хусусиятига қараб бошқа ҳар қандай зарур маълумотлар илова қилиниши лозим.

Агар дастлабки қарорни қабул қилишнинг иложи бўлмаса, сўров рад этилади.

### **116-м о д д а. Дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки чақириб олиш**

Божхона органлари ўзлари қабул қилган дастлабки қарорни бекор қилиши, ўзгартириши ёки чақириб олиши мумкин.

Агар дастлабки қарор аризачи томонидан тақдим этилган чала ёки нотўғри ахборот асосида қабул қилинган бўлса, шунингдек дастлабки қарорга дахлдор бўлган қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритил-

ган тақдирда, дастлабки қарор бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Дастлабки қарорнинг шартларига риоя этилмаган тақдирда у чақириб олиниши мумкин.

Дастлабки қарорни бекор қилиш, чақириб олиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Дастлабки қарор бекор қилинган, чақириб олинган ёки ўзгартирилган тақдирда, уни қабул қилганлик учун олинган ҳақ қайтарилмайди.

## **VII бўлим. ЧЕТ ЭЛЛИК ШАХСЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН БОЖ ИМТИЁЗЛАРИ**

### **12-боб. ЧЕТ ДАВЛАТЛАРНИНГ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ УЧУН БОЖ ИМТИЁЗЛАРИ**

#### **117-м о д д а. Чет давлатларнинг дипломатия ваколатхоналари учун бож имтиёзлари**

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дипломатия ваколатхоналари божхона чегарасидан олиб ўтишнинг белгиланган тартибига риоя этган тақдирда ваколатхоналар ва муассасаларнинг расмий фойдаланиши учун мўлжалланган товарларни божхона тўловларидан озод этилган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб киришлари ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишлари мумкин, сақлаганлик учун, белгиланган жойлардан ташқарида ёки божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун олинадиган тўловлар бундан мустасно.

#### **118-м о д д а. Чет давлат дипломатия ваколатхонасининг дипломатия агенти учун бож имтиёзлари**

Дипломатия ваколатхонасининг дипломатия агентлари (дипломатия жамоасининг бошлиғи ва аъзолари), шунингдек улар билан бирга яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган оила аъзолари ўзларининг шахсий фойдаланишига мўлжалланган товарларни, шу жумладан, рўзгорни бир қадар бутлаб олишга керакли товарларни божхона чегарасидан божхона тўловларидан озод этилган ҳолда олиб ўтишнинг белгиланган тартибига риоя қилиб Ўзбекистон Республикасига олиб киришлари ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишлари мумкин, сақлаганлик учун белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун олинадиган тўловлар бундан мустасно.

Кўрсатилган шахсларнинг шахсий юки унда шахсий фойдаланиш учун мўлжалланмаган товарлар ёки олиб кириш ва олиб чиқиш қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларда тақиқланган ёхуд карантин ва бошқа махсус қоидалар билан тартибга солинадиган товарлар бор деб тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда божхона кўригидан ўтказишдан озод қилинмайди. Бундай текширув фақат дипломатия агенти ёки унинг ваколатли вакили иштирокида ўтказилади.

**119-м о д д а. Чет давлат дипломатия ваколатхонасининг маъмурий-техник ходимлари учун бож имтиёзлари**

Чет давлат дипломатия ваколатхонасининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмасалар ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамасалар, рўзгорни бир қадар бутлаб олишга керакли товарларни божхона тўловларидан озод қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб киришлари мумкин, сақлаганлик учун, белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун олинадиган тўловлар бундан мустасно.

**120-м о д д а. Дипломатия агентларига бериладиган бож имтиёзларини чет давлат дипломатия ваколатхонасининг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига татбиқ этиш**

Чет давлат дипломатия ваколатхонасининг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган оила аъзоларига ушбу Кодекснинг 118-моддасига мувофиқ дипломатия агентларига бериладиган божхона имтиёзлари ҳар бир чет давлат билан тузилган махсус битим асосида ва улар билан муносабатлардаги ҳамжиҳатлик принциpidан келиб чиқиб, татбиқ этилиши мумкин.

**121-м о д д а. Чет давлатларнинг консуллик муассасалари ва уларнинг жамоа аъзолари учун бож имтиёзлари**

Чет давлатнинг консуллик муассасаларига ва консуллик муассасаларининг мансабдор шахсларига, шунингдек уларнинг оила аъзоларига чет давлатнинг дипломатия ваколатхоналари ва дипломатия ваколатхоналарининг дипломатия агентлари учун ушбу бобда назарда тутилган бож имтиёзлари берилади.

Чет давлат консуллик муассасасининг бошқа ходимларига (консуллик хизматчилари, хизмат кўрсатувчи ходимларга), шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган оила аъзоларига ҳар бир чет давлат билан тузилган махсус битим асосида ва улар билан муносабатлардаги ҳамжиҳатлик принциpidан келиб чиқиб, чет давлат дипломатия ваколатхонасининг тегишли ходимларига (маъмурий-техник ходимлар ва хизмат кўрсатувчи жамоа аъзоларига) бериладиган бож имтиёзлари татбиқ этилиши мумкин.

**122-м о д д а. Чет давлатларнинг дипломатия почтаси ва консуллик почта қопларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш**

Дипломатия почтаси ва консуллик почта қопларидан иборат юк доналари яққол кўзга ташланадиган ташқи белгиларга эга бўлиб, ушбу юк доналарининг хусусиятини акс эттирмоғи лозим.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган дипломатия почтаси ва консуллик почта қоплари очилиши ҳам, ушлаб турилиши ҳам мумкин эмас. Консуллик почта қопада ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилмаган нарсалар бор деб гумон қилиш учун жиддий асослар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси божхона органининг мансабдор шахслари иштирокида тегишли чет давлатнинг ваколатли шахсларидан консуллик почта қопини очишни божхона органи талаб қилишга ҳақли. Почта қопини очишдан бош тортилган тақдирда консуллик почта қопа жўнатилган жойига қайтариб юборилади.

Дипломатия почтасида фақат дипломатия ҳужжатлари ва расмий фойдаланиш учун мўлжалланган товарлар, консуллик почта қопада эса фақат расмий хат-хабарлар ва фақат расмий фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар ёки товарлар бўлиши лозим.

**13-БОБ. ЧЕТ ЭЛЛИК БОШҚА ШАХСЛАР УЧУН БОЖ ИМТИЁЗЛАРИ**

**123-м о д д а. Чет давлатларнинг дипломатия ва консуллик курьерлари учун бож имтиёзлари**

Чет давлатларнинг дипломатия ва консуллик курьерлари ўзларининг шахсий фойдаланишлари учун мўлжалланган товарларни ўзаро келишув асосида божхона кўригидан ўтказишдан ва бож тўловларидан озод этилган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб киришлари ва ундан олиб чиқишлари мумкин, сақлаганлик учун, белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун тўловлар бундан мустасно.

**124-м о д д а. Чет давлатлар вакиллари ва делегацияларининг аъзолари учун бож имтиёзлари**

Давлатлараро музокараларда, халқаро конференциялар ва кенгашларда қатнашиш учун ёки бошқа расмий топшириқлар билан Ўзбекистон Республикасига келаётган чет давлат вакилларига, парламент ва ҳукумат делегациялари аъзоларига, шунингдек ўзаро келишув асосида чет давлат делегацияларининг ходимларига чет давлат дипломатия ваколатхонасининг дипломатия агентлари учун ушбу бўлимда назарда тутилган бож имтиёзлари берилади. Худди шундай имтиёзлар кўрсатилган шахсларга ҳамроҳ бўлиб келган оила аъзоларига ҳам берилади.

**125-м о д д а. Божхона ҳудуди орқали транзит бўлиб ўтадиган дипломатия агентлари, консуллик мансабдор шахслари, чет давлатларнинг вакиллари ва делегация аъзолари учун бож имтиёзлари**

Чет давлатнинг дипломатия агентларига ва консуллик мансабдор шахсларига, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу Кодекснинг 124-моддасида кўрсатилган шахсларга Ўзбекистон Республикаси божхона

худудидан транзит бўлиб ўтаётганда чет давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг дипломатия агентлари учун назарда тутилган бож имтиёзлари берилади.

**126-м о д д а. Халқаро, ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, улар ҳузуридаги чет давлат ваколатхоналари, шунингдек уларнинг ходимлари учун бож имтиёзлари**

Халқаро, ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, улар ҳузуридаги чет давлатлар ваколатхоналари, шунингдек ушбу ташкилотлар ҳамда ваколатхоналарнинг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун бож имтиёзлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

**VIII бўлим. НАЗОРАТ ОСТИДА ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ**

**127-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва бошқа ашёларни назорат остида етказиб бериш**

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар халқаро гайриқонуний муомалада бўлишининг олдини олиш ҳамда бундай муомалада иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида божхона органлари ҳар бир алоҳида ҳолда чет давлатларнинг божхона органлари ва бошқа ваколатли органлари билан келишувга кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида назорат остида товар етказиб бериш усулидан фойдаланади, яъни ноқонуний муомалага киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ўз назоратлари остида божхона худудига олиб кирилишига, божхона худудидан олиб чиқилишига ёки божхона худуди орқали транзит олиб ўтилишига йўл қўяди.

Нazorat остида товар етказиб бериш усулини жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси бўлган бошқа ашёларга ёхуд жиноий йўл билан топилган ашёларга ёки контрабанда ҳисобланувчи қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг воситаси бўлган ашёларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Нazorat остида товар етказиб бериш усулидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қабул қилинган қарордан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини хабардор қилади.

**128-м о д д а. Назорат остида товар етказиб бериш усули қўлланилганда мусодара қилинган пул маблағлари ва мол-мулкни тасарруф этиш**

Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатларнинг судлари томонидан очиш ва чек қўйиш пайтида назорат остида товар етказиб бериш усули қўлланилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича мусодара қилинган пул

маблағлари, шунингдек бунда мусодара қилинган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари божхона органлари ва бошқа ваколатли органлари мазкур усулни қўллашда иштирок этган давлатлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва чет давлатларнинг ваколатли идоралари ўртасидаги келишувга мувофиқ тақсимланади.

**IX бўлим. БОЖХОНА ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**14-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**129-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши**

Ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қоидаларига айбли гайриҳуқуқий риоя этмаслик божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши деб ҳисобланади.

**130-м о д д а. Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган фуқаролар ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгар бўладилар, уларнинг қилмишларида жиноят аломатлари бўлган тақдирда эса, жиноий жавобгар бўладилар. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-И-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**131-м о д д а. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги**

Юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг 137, 139, 144–146, 151–154, 156–159, 161–169, 171 ва 172-моддаларида назарда тутилган қонунбузарликлар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган жарималар (иқтисодий жазо чоралари) ва бошқа жазолар қўлланилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини улар божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

Юридик шахснинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини контрабанда учун ҳамда божхона иши соҳасида бошқа жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш юридик шахсни божхонага оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликдан озод этмайди.

Тадбиркорлик субъекти божхона тўловларини тўламаганлик натижасида содир этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги етказилган зарарнинг ўрнини материаллар судга топширилган кундан эътиборан бир ой ичида ихтиёрий равишда қоплаган ва унинг оқибатларини бартараф этган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, тадбир-

корлик субъекти унга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлланилишидан озод қилинади. (Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**132-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун бериладиган жазо турлари**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қуйидаги жазолар берилади:

1) жарима;

2) (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

3) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши содир этиш қуроли ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган жазо асосий жазо сифатида қўлланилади, ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган жазо эса ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

Товарлар ва транспорт воситаларининг қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган жарима миқдорини аниқлаш чогида бундай қиймат деб уларнинг ҳуқуқбузарлик аниқланган кундаги эркин (бозор) нархи тушунилади.

Юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча бор бузган тақдирда, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида жарима солинади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектининг охириги ҳисобот санидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдордаги тўланмаган божхона тўловларини ва қўлланилган иқтисодий жазо чораларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади. (Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо берилиши жавобгарликка тортилаётган шахсларни бож тўловларини тўлаш ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

**133-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо бериш муддатлари**

Ушбу Кодекс 132-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган жазо божхона ҳақидаги қонун

ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай, лекин қонунбузарлик содир этилган кундан эътиборан уч йилдан кечиктирмай, давлат бюджетига бож тўловлари тўланмаганлиги билан боғлиқ ишлар бўйича эса беш йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

Ушбу Кодекс 132-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган жазо божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилган ёки бузилганлиги аниқланган вақтдан қатъий назар ва у асосий ёки қўшимча жазо бўлишидан қатъий назар берилaveraди.

**15-БОБ. БОЖХОНА ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ВА ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАСДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**134-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**135-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**136-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**137-м о д д а. Фалокат юз берган ёки енгиб бўлмас куч таъсир этган ҳолларда чора кўрмаслик**

Ушбу Кодекснинг 63-моддасида назарда тутилган фалокат юз берган ёки енгиб бўлмас куч таъсир этган ҳолларда чора кўрмаслик, –

товарлар ва транспорт воситалари қийматининг икки фоизидан ўн фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**138-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)



**139-м о д д а. Товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини божхона органининг рухсатсиз бериш, уларни йўқотиш ёки етказиб бермаслик**

Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатсиз бериш, уларни йўқотиш ёки божхона органи белгиланган жойга етказиб бермаслик, –

товарлар ва транспорт воситаларини мусодара этиб ёки мусодара қилмай, товарлар ва транспорт воситалари қийматининг эллик фоизидан юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Божхона органига топшириш учун қабул қилинган, божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатларини йўқотиш ёхуд етказиб бермаслик, –

ҳужжатлари йўқотилган ёки етказиб берилмаган товарлар ва транспорт воситалари қийматининг ўн фоизидан эллик фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**140-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**141-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**142-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**143-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**144-м о д д а. Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан гайриқонуний операциялар ўтказиш, уларнинг ҳолатини ўзгартириш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш**

Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан операциялар ўтказиш, белгиланган талаблар ва шартларни бузиб, уларнинг ҳолатини ўзгартириш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, –

товарлар ва транспорт воситалари қийматининг эллик фоизидан юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**145-м о д д а. Божхона органининг рухсатсиз ўтказиладиган юк операциялари ва бошқа операциялар**

Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатсиз транспортда ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш, бузилган ўровни тузатиш, ўраш, қайта ўраш ёки ташиш учун қабул қилиш, шундай товарлардан намуналар ва нусхалар олиш, бундай товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган бинолар ва бошқа жойларни очиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**146-м о д д а. Қиёслаш воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш**

Божхона органлари томонидан қўлланилган қиёслаш воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**147-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**148-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**149-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**150-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**151-м о д д а. Вақтинча сақлаш режимини бузиш**

Божхона омборида туриш муддати белгиланган энг кўп муддатдан ошиб кетган товарлар ва транспорт воситаларини вақтинча сақлаш режимига мувофиқ чиқариш ёки тасарруфга қабул қилишни таъминлаш хусусидаги талабларни бажармаслик, –

товарлар қийматининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**152-м о д д а. Товарларни сақлаш учун қўйиш, уларни сақлаш ва улар билан операциялар ўтказиш тартибини бузиш**

Ушбу Кодекснинг 139, 144, 145, 146 ва 151-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, товарларни сақлаш учун қўйишнинг белгиланган талаблари ва шартларига, уларни сақлаш, худди шунингдек боғхона омборларида ва эркин омборларда товарлар билан операциялар ўтказиш тартибига ва муддатларига риоя этмаслик, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон ва 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**153-м о д д а. Товарларни қайта ишлаш тартибини бузиш**

Товарларни қайта ишлашда белгиланган талабларга, чекловлар ва шартларга, шу жумладан қайта ишлаш муддатлари, қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши миқдори, товарларни қайта ишлаш бўйича операцияларни амалга ошириш тартибига доир белгиланган талабларга, чекловлар ва шартларга риоя этмаслик, –

қайта ишлашга мўлжалланган товарлар қийматининг эллик фоизидан юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Қайта ишлаш маҳсулотларини бошқа товарларга алмаштириб қўйиш, –

товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**154-м о д д а. Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда ишлаб чиқариш ва бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш тартибини бузиш**

Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда ишлаб чиқариш ва бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш тартибини бузиш, –

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

**155-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**156-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик ёки уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кирмаслик**

Илгари олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан белгиланган муддатларда ташқарига олиб чиқмаслик, агар уларни қайтариб олиб чиқиш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

товарлар ва транспорт воситаларини қийматининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Илгари олиб чиқиб кетилган товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига белгиланган муддатларда қайтариб олиб кирмаслик, агар уларни қайтариб олиб кириш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, улар қийматининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**157-м о д д а. Товарларни йўқ қилиш тартибини бузиш**

Товарларни йўқ қилиш, уларни йўқ қилиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни тегишли божхона режимига киритишнинг белгиланган талаблари, чеклашлари ва шартларига риоя этмаслик, –

йўқ қилиниши лозим бўлган товарлар қийматининг эллик фоизидан юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**158-м о д д а. Муайян божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва транспорт воситалари билан гайриқонуний операцияларни амалга оширганлик**

Товарлар ва транспорт воситалари билан гайриқонуний операцияларни амалга ошириш, уларнинг ҳолатини ўзгартириш, улардан божхона режимига номувофиқ тарзда фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, худди шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, божхона режимининг бошқа чекловлари, талаблари ва шартларига риоя қилмаслик, –  
товарлар ва транспорт воситалари қийматининг эллик фоизидан юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-II-сон ва 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**159-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чекловларни қўлланиш тартибига риоя қилмаслик**

Иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чекловлар қўлланиладиган товарларни ана шу чоралар ва чекловларни қўлланишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, агар жиноят аломатлари йўқ бўлса, –

товарларни мусодара қилиб, улар қийматининг йигирма фоизидан эллик фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**160-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)**

**161-м о д д а. Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали божхона назоратини четлаб олиб ўтиш**

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали божхона назоратини четлаб, яъни божхона органлари томонидан белгиланган жойларни четлаб ёки божхона расмийлаштирувнинг белгиланган вақтидан ташқари пайтда олиб ўтиш, агар жиноят аломатлари йўқ бўлса, –

товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, улар қийматининг юз фоизидан икки юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**162-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона назоратидан яшириш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона назоратидан яшириш, яъни хуфядонлардан ёки товарларни топишни қийинлаштирадиган бошқа усуллардан фойдаланиш, ёхуд бир товарни бошқа товарга ўхшаш қилиб қўйиш, агар жиноят аломатлари йўқ бўлса, –

товарларни мусодара қилиб, улар қийматининг юз фоизидан икки юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**163-м о д д а. Хужжатлардан ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш**

Хужжатлардан ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, ушбу Кодекснинг 164 ва 167-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари йўқ бўлса, –

товарларни мусодара қилиб, улар қийматининг юз фоизидан икки юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*(Модданинг номи ва матни Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

**164-м о д д а. Товарларни декларацияламаслик ёки уларни нотўғри декларациялаш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларацияламаслик ёки уларни нотўғри декларациялаш, яъни товарлар, уларнинг божхона режими ва бошқалар ҳақида божхона мақсадлари учун керакли бўлган белгиланган ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклдаги тўғри маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш, ушбу Кодекснинг 159, 161–163 ва 167-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

товарларни мусодара қилиб, улар қийматининг эллик фоизидан юз фоизгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри маълумотларни кўрсатиш, бу маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, уларни талаб этилаётган божхона режимига жойлаштириш, божхона тўловлари миқдори тўғрисида Ўзбекистон Республикаси божхона органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир этмаса, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**165-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона қоидаларини бузган ҳолда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона назоратини четлаб ўтиб ёхуд божхона назоратидан яшириб, ёхуд ҳужжатлар ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланиб олиб кирилган ёхуд декларацияланмаган ёки нотўғри декларацияланган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, ушбу товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш, худди шунингдек бож тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, бундай имтиёзлар берилишига сабаб бўлганидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётган ёхуд тасарруфдан чиқарилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатсиз ташиш, сақлаш ва сотиб олиш, – товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, улар қийматининг эллик фоизидан юз фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

**166-м о д д а. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тартибини бузиш**

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан имтиёзлар берилишига сабаб бўлганидан бошқа мақсадларда божхона органининг рухсатсиз фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, –

бож имтиёзлари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммасининг эллик фоизидан юз эллик фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон ва 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**167-м о д д а. Божхона тўловларидан гайриқонуний озод қилишга ёки уларни камайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар**

Божхона декларацияси ва бошқа ҳужжатларда божхона тўловларидан озод қилиш ёки уларнинг миқдо-

рини камайтириш учун асос бўладиган нотўғри маълумотларни кўрсатиш, ушбу Кодекснинг 163-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари йўқ бўлса, –

тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари суммасининг эллик фоизидан юз эллик фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон ва 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**168-м о д д а. Тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловлар ва бошқа ҳақларни олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ёхуд етарли асосларсиз уларни қайтармаслик**

Тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловларни ва бошқа ҳақларни олиш ҳуқуқини берадиган нотўғри маълумотлардан иборат ҳужжатларни божхона органига тақдим этиш ёки етарли асосларсиз уларни қайтармаслик ёхуд тўлиқ ҳажмда қайтармаслик, агар жиноят аломатлари йўқ бўлса, –

талаб қилинган, олинган ёки қайтарилмаган божхона тўловлари, тўловлар ва бошқа ҳақлар суммасининг эллик фоизидан юз эллик фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон ва 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**169-м о д д а. Божхона тўловларини тўлаш муддатларини бузиш**

Божхона тўловларини белгиланган муддатларда тўламаслик, агар жиноят аломатлари йўқ бўлса, –

тўланмаган божхона тўловлари суммасининг йигирма фоизидан эллик фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон ва 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**170-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)**

**171-м о д д а. Божхона брокери сифатидаги фаолият шартларини бузиш**

Божхона брокери сифатидаги фаолият шартларини бузиш, –

энг кам иш ҳақининг юз бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон ва 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

**172-м о д д а. Божхона ташувчиси сифатидаги фаолият шартларини бузиш**

Божхона ташувчиси сифатидаги фаолият шартларини бузиш, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

**Х бўлим. БОЖХОНА ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ****16-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****173-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ушбу Кодексга мувофиқ, Кодексда тартибга солинмаган ҳолларда эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**174-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш жойи**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни божхона органларининг мансабдор шахси ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ёки юқори божхона органларининг руҳсати билан – ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда юритади.

**175-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш муддатлари**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш у бошланган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечикмай тугалланиши лозим.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш муддати зарур ҳоллар-

да божхона органининг бошлиғи томонидан юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

**176-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш материалларини ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш материалларида мавжуд бўлган маълумотлар иш кўриб чиқилгунга қадар ошкор қилинмайди.

**177-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича баённомалар**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти бўйича ҳамда зарур ҳаракатларни содир этиш пайтида божхона органининг мансабдор шахси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шаклда баённомалар тузади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича баённомаларга тўпланган далиллар кўшиб қўйилади. Божхона органининг мансабдор шахси иш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳал этилгунга қадар далилларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

**17-боб. БОЖХОНА ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИНГ ЮРИТИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ****178-м о д д а. Товарлар, транспорт воситалари, ҳужжатлар ва бошқа буюмларни олиб қўйиш**

Божхона назорати, кўздан кечируви пайтида топилган ҳуқуқбузарлик қуроли ёки бевосита буюми бўлган товарлар, транспорт воситалари, ҳужжатлар ва бошқа буюмлар божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳолислар ҳозирлигида олиб қўйилади.

Олиб қўйилган товарлар, транспорт воситалари, ҳужжатлар ва бошқа буюмлар иш кўриб чиқилгунга қадар божхона органлари белгиланган жойларда сақланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда жарима ҳамда товарлар ва транспорт воситаларининг қиймати ундирилишини таъминлаш учун ҳуқуқбузардан, агар у Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаса ва юридик шахсдан – агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиал ёки ваколатхонага эга бўлмаса, товарлар ва транспорт воситалари, Ўзбекистон Республикаси валютаси ва валюта бойликлари олиб қўйилишига йўл қўйилади.

Товарлар, транспорт воситалари ва бошқа ашёларни олиб қўйишнинг имкони бўлмаган тақдирда улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тақиқланади, уларнинг сақланиши эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда таъминланади.

### **179-м о д д а. Олиб қўйилган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни баҳолаш**

Божхона органининг мансабдор шахси томонидан олиб қўйилган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни баҳолаш баҳоловчи ташкилот, қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳолларда эса божхона органининг мансабдор шахси томонидан бозор қиймати бўйича амалга оширилади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрь УРҚ–257-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 315-модда)*

Пул, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қозғалар номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

### **180-м о д д а. Божхона текшируви**

Божхона органининг мансабдор шахси божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш жараёнида далилларни аниқлаш ва уларни қайд этиш, ишга аҳамияти бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш учун жойни, ҳудудларни, биноларни, транспорт воситаларини, ашёларни ва ҳужжатларни божхона текширувидан ўтказишга ҳақли.

Божхона томонидан кўздан кечириш ҳудуди, биноси, транспорт воситаси, ашёлари ва ҳужжатлари кўздан кечириладиган шахс (унинг вакили), камида икки ҳолис, зарур ҳолларда эса – мутахассислар иштирокида ўтказилади.

Божхона томонидан кўздан кечиришни ўтказишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

### **181-м о д д а. Экспертиза**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш пайтида божхона органи мансабдор шахсининг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертиза тайинланиши мумкин.

### **182-м о д д а. Экспертиза ўтказиш учун намуналар ва нусхалар олиш**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритаётган божхона органининг мансабдор шахси қарор асосида ва ҳолислар олдида, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштирокида товарлар ва бошқа буюмлардан экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган намуна ва нусхаларни, шунингдек имзонинг, ёзувнинг нусхаларини олишга ҳақли.

### **183-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритишда жавобгарликка тортиладиган шахсдан ташқари унинг вакили, адвокат, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, ҳолислар иштирок этиши мумкин.

### **184-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритишда шахсларнинг иштирок этишини истисно қилувчи ҳолатлар**

Агар ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлсалар, божхона органининг мансабдор шахси божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиши, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис эса ишни юритишда иштирок этиши мумкин эмас. Бу ҳолда божхона органининг мансабдор шахси, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис ўзини ўзи рад этиши шарт, жавобгарликка тортиладиган шахс, унинг вакили ёки адвокат эса бу шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад қилишлари мумкин.

Эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбини нолайиклиги аён бўлиб қолса ҳам, улар рад қилиниши лозим.

Рад қилиш тўғрисида ариза бериш ишни юритишни тўхтатиб қўймайди.

### **185-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқимлар**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқимлар қуйидагилардан иборат бўлади:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолисларга тўланадиган суммалар;

текширув ва инвентаризация ўтказиш муносабати билан сарфланган суммалар;

далилларни сақлаш, ташиш (жўнатиш) ва текшириш учун сарфланган суммалар;

ишни юритиш ва кўриш муносабати билан божхона органи қилган бошқа харажатлар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқимлар жазо бериш тўғрисидаги қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс зиммасига юкланади. Агар божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича бир нечта шахсга жазо берилган бўлса, ишни кўраётган божхона органининг мансабдор шахси уларнинг ҳар бири зиммасига юкланадиган чиқимлар миқдорини аниқлайди.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш билан боғлиқ чиқимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-И-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)*

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш тўхтатилган тақдирда, юзага келган чиқимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилиши лозим.

### **18-бoб. БОЖХОНА ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

#### **186-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларнинг кўришга тааллуқлилиги**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишлар:

агар жазо чораси сифатида жарима, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда товарларни мусодара қилиш чораси қўлланилса, божхона органи томонидан кўрилади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан жарима қўллаш суд тартибда амалга оширилади, уларнинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари бундан мустасно. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан товарларни мусодара қилиш чорасини қўллаш суд тартибда амалга оширилади; *(биринчи қисмнинг иккинчи хатбосиси Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

агар асосий ёки қўшимча жазо чораси тариқасида товарларни ва транспорт воситаларини мусодара қилиш назарда тутилса, тегишли божхона органи жойлашган ердаги суд томонидан кўрилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриш ва божхона органлари номидан жазоларни қўллашга божхона органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳақлидир.

Юқори турувчи божхона органи божхона органларига тааллуқли ҳар қандай ишни ўзи кўриш учун қабул қилиб олишга ёки уни исталган куйи божхона органларига топширишга ҳақлидир.

#### **187-м о д д а. Жавобгарликка тортилаётган шахснинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этиши**

Божхона органи божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортилаётган шахсни ишни кўриш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш, қоида тариқасида, жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўрилади.

Жавобгарликка тортилаётган шахс ишни кўриш жойи ва вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинган ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган ёхуд иш кўрилаётган вақтда шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ҳолларда ва агар ундан ишни кечиктириб туриш тўғрисида илтимоснома тушмаган бўлса, иш жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокисиз кўрилиши мумкин.

#### **188-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича божхона органининг қарори**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, божхона органининг мансабдор шахси куйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

жарима солиш тўғрисида;  
иш юритишни тугатиш тўғрисида;  
жиноят ишини кўзгатиш ва суриштирув ўтказиш тўғрисида;  
ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни тегишлилигига кўра юбориш тўғрисида;  
ишни қўшимча равишда юритиш учун қайтариш тўғрисида.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарорда куйидагилар бўлиши керак: қарор чиқарган божхона органининг номи (мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми); иш кўриладиган сана ва жой; иш кўрилаётган шахсга доир маълумотлар; ишни кўриш вақтида аниқланган ҳолатлар баёни; ушбу Кодекснинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган моддаси; иш бўйича қабул қилинган қарор; қарор устидан шикоят қилиш муддатлари ва тартибига доир маълумотлар.

### **19-бoб. БОЖХОНА ОРГАНИНИНГ ҚАРОРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ (ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ)**

#### **189-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан шикоят қилиш (протест келтириш)**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан шикоят қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс томонидан, унинг вакили ёки адвокат томонидан юқори турувчи божхона органига (мансабдор шахсга) ёки божхона органи жойлашган ердаги судга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда берилиши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарган божхона органи орқали берилган шикоят уч сутка ичида тегишлича юқори турувчи божхона органига ёки судга юборилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича божхона органи мансабдор шахсининг қарори устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат тартибда прокурор протест келтириши мумкин.

Белгиланган муддатда шикоят бериш ёки протест келтириш жазони қўллаиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шикоят ёки протест кўриб чиқилгунга қадар тўхташиб қўяди.

### **190-м о д д а. Божхона органининг ҳал қилув қарори**

Божхона органи божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор устидан берилган шикоятни ёки прокурорнинг протестини кўриш вақтида қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади:

қарорни ўзгаришсиз қолдиради, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмайди;

қарорни бекор қилади ва ишни янгидан кўриш учун юборади;

қарорни бекор қилади ва иш юритишни тугатади;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни ушбу Кодексда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Божхона органининг ҳал қилув қарори қарор шаклида расмийлаштирилади. Қарор нусхаси уч кун ичида устидан қарор чиқарилган шахсга юборилади. Протестни кўриш натижалари тўғрисида қонунда белгиланган муддатда прокурорга маълум қилинади.

### **191-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлади:

унинг тўлиқ кўрилмаганлиги;

қарорда баён этилган хулосалар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

жазони қўлланишнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги.

### **192-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилиб, иш юритишни тугатиш оқибатлари**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилиб, иш юритишнинг тугатилиши ундирилган пул суммаларининг, олиб қўйилган ва мусодара қилинган ашёларнинг қайтарилишига, шунингдек аввал қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашлар бекор қилинишига олиб келади. Буюмни қайтаришнинг имкони бўлмаган тақдирда, унинг қўймати қопланади. Етказилган зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **XI бўлим. ЖАЗОЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ**

### **193-м о д д а. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо бериш тўғрисидаги қарорни ижрога қаратиш**

Жазо бериш тўғрисидаги қарор барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбу-

рийдир ҳамда агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, у чиқарилган пайтдан эътиборан ижро этилиши лозим.

Жазо бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинган ёки протест келтирилган тақдирда, қарор шикоят ёки протест қаноатлантирмай қолдирилганидан кейин ижро этилиши лозим.

Жазо бериш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда ижро этиш учун ушбу Кодексда белгиланган муддат ўтганидан кейин мажбурий ижро эттирилиши лозим.

Жазо бериш тўғрисида қарор чиқарган божхона органи уни мустақил равишда ёхуд молия органи, банклар ёки бошқа кредит муассасаларига қарорни ижрога қаратиш тўғрисида хабарнома юбориш орқали ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий тарзда ижрога қаратади. Жазо бериш тўғрисидаги қарор бўйича ундириш тўлиқ амалга оширилгач, у ижро этилгани ҳақида белги қўйилиб, божхона органига қайтарилади.

Агар юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга жазо бериш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида ижрога қаратилмаган бўлса, у ижро этилмайди.

Шикоят берилиши ёки протест келтирилиши муносабати билан қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган тақдирда, муддатнинг ўтиши улар кўриб чиқилгунига қадар тўхтатиб турилади.

### **194-м о д д а. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Жарима божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган шахс томонидан унга қарор топширилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун ичида, қарор устидан шикоят берилган ёки протест келтирилган тақдирда эса – шикоят ёки протест қаноатлантирмай қолдирилганлиги тўғрисида хабар қилинган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун ичида тўланиши лозим.

Агар жарима Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахс ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиали ёки ваколатхонаси бўлмаган юридик шахс томонидан белгиланган муддатларда тўланмаса, у ушбу Кодекс 178-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ана шу жазони таъминлаш учун олиб қўйилган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни сотишдан олинган суммалардан ундирилади.

Шахснинг жарима тўлаш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, бу суммани ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд қарорига асосан амалга оширилади.

(Модданинг номи ва учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)

### **195-м о д д а. Мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарилган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмлар қарор



устидан шикоят қилиш муддати ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мусодара қилинади. Мусодара қилиш буюмнинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган шахс мулки ёки мулки эмаслигидан, шунингдек бу шахснинг турган жойи аниқланган ёки аниқланмаганидан қатъи назар амалга оширилади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда)

Товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслардан ундириб олинади.

**196-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель 482-И-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда)

**197-м о д д а.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган шахсларга жазо бериш тўғрисидаги қарорни ижро этиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мол-мулкка эга бўлмаган шахсларга жазо бериш тўғрисидаги қарорларнинг ижроси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

**198-м о д д а.** Товарлар ва транспорт воситаларини давлат мулкига айлантириш

Ушбу Кодексга мувофиқ мусодара қилинган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа ашёлар, шунингдек шахс давлат фойдасига воз кечган товарлар ва транспорт воситалари давлат мулкига айлантирилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилиши ёки йўқ қилиниши лозим.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
БОЖХОНА КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 37-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 1998 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини Божхона кодексига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Кодексга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.
3. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари Божхона кодексига мувофиқлаштирилгунига қадар Ўзбекистон Республикасининг божхона ишини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Кодексга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 26 декабрь,  
548а-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОИЛА КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 30 апрель,  
607–I-сон

**И. КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОИЛА КОДЕКСИ\*

### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-м о д д а. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг вазибалари

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазибалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқтинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

##### 2-м о д д а. Оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқлилиги

Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркек ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

##### 3-м о д д а. Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги

Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашшига йўл қўйилмайди.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, кадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрдагина чеклашиши мумкин.

##### 4-м о д д а. Оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар қўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.

\* 1998 йил 1 сентябрдан кучга киритилган.

### **5-м о д д а. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар**

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши (тугаши)<sup>1</sup> ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди, оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда ўзга шахслар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкий муносабатларни тартибга солади, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

### **6-м о д д а. Оилавий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланилиши**

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солилмаган оила аъзолари ўртасидаги мулкий ва шахсий номулкий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари оилавий муносабатларнинг моҳиятига зид келмаган тақдирдагина қўлланилади.

### **7-м о д д а. Оила тўғрисидаги ва фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшашлик бўйича қўлланилиши**

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тартибга солилмаган ва бундай муносабатларни бевосита тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, моҳияти жиҳатидан ушбу муносабатларга зид келмайдиган оила тўғрисидаги ва (ёки) фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормалари (қонун ўхшашлиги) қўлланилади. Бундай нормалар бўлмаган тақдирда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари оила ҳамда фуқаролик ҳуқуқининг умумий тамойилларига таянган ҳолда (ҳуқуқ ўхшашлиги), шунингдек инсонийлик, оқиллик ва адолат тамойилларига амал қилган ҳолда белгиланади.

### **8-м о д д а. Оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши**

Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади.

### **9-м о д д а. Халқаро шартномаларнинг қўлланилиши**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## **2-БОБ. ОИЛАВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

### **10-м о д д а. Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва оилавий мажбуриятларни бажариш**

Фуқаролар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт.

### **11-м о д д а. Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш**

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган усулларда амалга оширилади.

### **12-м о д д а. Оилавий муносабатларда даъво муддатининг қўлланилиши**

Оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди, ушбу Кодекс билан белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

Даъво муддатини белгиловчи нормаларни қўллашда суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси-га амал қилади.

## **II бўлим. НИКОҲ**

### **3-БОБ. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

#### **13-м о д д а. Никоҳ тузиш тартиби**

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган кун тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят

<sup>1</sup> Бундан буён матнда «тугатилиши» деб юритилади.

билан бевосита судга ёки бўйсунушига кўра юқори турвучи органга мурожаат қилиниши мумкин.

#### **14-м о д д а. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги**

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир.

Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

#### **15-м о д д а. Никоҳ ёши**

Никоҳ ёши эркалар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

#### **16-м о д д а. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар**

Никоҳ тузишга:

лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл кўйилмайди.

#### **17-м о д д а. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш**

Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрь 447-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда)*

Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 7 сентябрь ЎРҚ-214-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 37-сон, 401-модда)*

### **4-БОБ. ЭР-ХОТИННИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **18-м о д д а. Эр-хотин ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши**

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

#### **19-м о д д а. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги**

Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар.

#### **20-м о д д а. Эр ва хотиннинг фамилия танлаш ҳуқуқи**

Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади.

Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди.

#### **21-м о д д а. Эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилиши**

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар.

#### **22-м о д д а. Эр ва хотиннинг машғулоти тури, касби ва турар жой танлаш ҳуқуқлари**

Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулоти тури, касби ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркиндир.

### **5-БОБ. ЭР ВА ХОТИННИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **23-м о д д а. Эр ва хотиннинг умумий мулки**

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қозғолари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эри ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзгор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки

бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкни бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

#### **24-м о д д а. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши**

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

#### **25-м о д д а. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки**

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

#### **26-м о д д а. Эр ва хотиннинг шахсий фойдаланишидаги буюмлар**

Қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва

хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

#### **27-м о д д а. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш**

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуву нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо тугилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибда амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз бериледи.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво мuddати қўлланилади.

#### **28-м о д д а. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда улушларни аниқлаш**

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаати-

ни ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

## **6-БОБ. ЭР ВА ХОТИН МОЛ-МУЛКИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ ТАРТИБИ**

### **29-м о д д а. Никоҳ шартномаси**

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

### **30-м о д д а. Никоҳ шартномаси тузиш**

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нота-риал тартибда тасдиқланиши лозим.

### **31-м о д д а. Никоҳ шартномасининг мазмуни**

Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган (ушбу Кодекснинг 23-моддаси) тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди.

### **32-м о д д а. Никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш**

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди, никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар буңдан мустасно.

### **33-м о д д а. Никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш**

Никоҳ шартномаси суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Никоҳ шартномасининг шартлари ушбу Кодекс 31-моддаси бешинчи қисмининг талабларига зид келса, суд эр-хотиндан бирининг талабига биноан никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

### **34-м о д д а. Ҳақ ундиришни эр-хотиннинг мол-мулкига қаратиш**

Эр (хотин)нинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш фақат унинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ҳақ ундиришни эр-хотиннинг мол-мулкига қаратиш учун кредитор қарздор эр (хотин) улушини эр-хотиннинг умумий мол-мулқидан ажратиб ундириб берилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Агар суд эр (хотин)нинг мажбуриятлари бўйича ортирилган барча ашёлар оила эҳтиёжлари учун ишлатилганлигини аниқласа, эр-хотиннинг умумий мажбуриятлари бўйича, шунингдек эр(хотин)нинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш эр-хотиннинг умумий мол-мулкига қаратилади. Бу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда эр-хотин кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар юзасидан уларнинг ҳар бирига қарашли мол-мулк билан шерик жавобгар бўладилар.

Агар эр-хотиннинг умумий мол-мулки уларнинг бири томонидан жиноий йўл билан топилган маблағ ҳисобига ортирилгани ёки кўпайгани суд ҳукми би-

лан аниқланган бўлса, ҳақни ундириш тегишли равишда эр-хотиннинг умумий мол-мулкига ёки унинг бир қисмига қаратилиши мумкин.

Эр-хотиннинг вояга етмаган болалари етказган зарар учун жавобгарлиги фуқаролик қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **35-м о д д а. Никоҳ шартномаси тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилишда кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари**

Эр (хотин) никоҳ шартномаси тузаётгани, уни ўзгартираётгани ёки бекор қилаётгани тўғрисида ўз кредиторини (кредиторларини) хабардор қилиши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган тақдирда эр ёки хотин, никоҳ шартномаси мазмунидан қатъи назар, ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

Қарздор эр (хотин)нинг кредитори (кредиторлари) шариит жиддий ўзгаргани туфайли никоҳ шартномасининг шартларини қонунда белгиланган тартибда ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

### **36-м о д д а. Эр-хотин ўртасидаги мулкӣ-шартномавий муносабатлар**

Эр-хотин қонунда йўл қўйиладиган барча мулкӣ-шартномавий муносабатларга ўзаро киришишга ҳақлидир.

Эр-хотин ўртасида тузилган, улардан бирининг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган келишувлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

## **7-БОБ. НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ**

### **37-м о д д а. Никоҳнинг тугатилиш асослари**

Эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди.

Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин.

### **38-м о д д а. Никоҳдан ажратиш тартиби**

Никоҳдан ажратиш суд тартибида, ушбу Кодекснинг 42 ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.

### **39-м о д д а. Эрнинг никоҳдан ажратиш тўғрисида талаб қўйишини ман этадиган ҳоллар**

Хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

### **40-м о д д а. Никоҳдан суд тартибида ажратиш**

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал

кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Суд ишнинг қўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.

### **41-м о д д а. Суднинг никоҳдан ажратиш асослари**

Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

### **42-м о д д а. Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш**

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

### **43-м о д д а. Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш**

Агар эр-хотиндан бири:

суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса; суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

### **44-м о д д а. Никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан ҳал этиладиган масалалар**

Никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир келишувни қўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу модданин биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлма-



ган тақдирда, шунингдек ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;

вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;

эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;

эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

#### **45-м о д д а. Суднинг никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаришида давлат божи миқдорини белгилаш**

Суд никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг гувоҳномаси бериладиганда эр-хотиннинг ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божи миқдорини белгилаши лозим. Агар суд бу божни эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ундиришни лозим деб топса, уларнинг ҳар бири тўлайдиган бож миқдорини белгилайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ–255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

#### **46-м о д д а. Никоҳдан ажратилганда эр (хотин)нинг ўз фамилиясини ўзгартириши**

Никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан суд томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқариладиганда унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин.

#### **47-м о д д а. Никоҳдан ажратилганда никоҳнинг тугатилиш вақти**

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ–255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

#### **48-м о д д а. Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ҳолларда никоҳнинг тикланиши**

Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари бекор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкин.

Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас.

### **8-БОБ. НИКОҲНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ**

#### **49-м о д д а. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари**

Никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади:

ушбу кодекснинг 14–16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда;

сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 апрель ЎРҚ–84-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 133-модда)*

#### **50-м о д д а. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби**

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха бериладиганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади.

#### **51-м о д д а. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш**

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг она-отаси ёки ҳомийси, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир.

Иш судда ҳал қилиниш пайтигача эр ёки хотин никоҳ ёшига етган бўлса, никоҳ фақат унинг талаби билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири никоҳ ёшига етмаганлиги туфайли никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш, агар эр-хотин (улардан бири) иш судда кўрилатган пайтда никоҳ ёшига етмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади.

**52-м о д д а. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш**

Ушбу Кодекснинг 16-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Агар иш ҳал қилиниш пайтигача никоҳни тузиш учун монелик қиладиган ҳолатлар тугаган бўлса, суд никоҳни ўша ҳолатлар тугаган пайтдан бошлаб ҳақиқий деб топишга ҳақли.

Ушбу Кодекснинг 16-моддасида кўрсатилган асослар бўйича никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни эр-хотин, шу никоҳнинг тузилиши натижасида ҳуқуқлари бузилган шахслар, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни суд васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқади.

**53-м о д д а. Мажбурлаб тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш**

Мажбурлаб тузилган никоҳ жабрланувчи ёки прокурорнинг аризаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**54-м о д д а. Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш**

Эр-хотин сохта никоҳ қайд қилдирган ва оила қурмаган бўлсалар, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли, эр (хотин) оила қуриш мақсадисиз никоҳга кирган ҳолларда эса, бундай талаб хотин (эр) томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

**55-м о д д а. Никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш вақти**

Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

**56-м о д д а. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари**

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун ушбу Кодексда белгиланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан тугилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичида тугилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришда шундай никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган эр (хотин)ни (инсофли эр (хотин)ни) ушбу Кодекснинг 118 ва 119-моддаларига мувофиқ хотин ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқига эга деб топишга ҳақлидир, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш вақтига қадар биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлишга нисбатан эса, ушбу Кодекснинг 23, 27 ва 28-моддаларида белгиланган қоидаларни татбиқ этишга, шунингдек никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий деб топишга ҳақлидир.

Инсофли эр (хотин) ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича талаб қилишга ҳақли.

Инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтдан танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир.

**III бўлим. ҚОН-ҚАРИНДОШЛИК ВА БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ**

**9-БОБ. ҚАРИНДОШЛИК, ҚАЙИН-БЎЙИНЧИЛИК ВА ҚУДА-АНДАЧИЛИК**

**57-м о д д а. Қариндошлик**

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан – иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан – учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон – улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғилган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг – учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса – тўртинчи даражасида турадилар.

**58-м о д д а. Ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндошлик**

Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғилган, ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўғай ҳисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

**59-м о д д а. Қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик**

Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

**10-БОБ. БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ****60-м о д д а. Боланинг насл-насабини белгилаш асослари**

Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

**61-м о д д а. Ота-онанинг аризаси бўйича боланинг насл-насабини белгилаш**

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг руҳсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола

туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

**62-м о д д а. Оталикнинг суд тартибида белгиланиши**

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгилаши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нухасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

**63-м о д д а. Оталик (оналик) тўғрисида эътироз билдириш**

Туғилишни ёзиш дафтаридagi туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади.

Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб, боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, бир йиллик муддат мазкур шахс ўн саккиз ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

**64-м о д д а. Ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ушбу Кодекснинг 61 ва 62-моддаларида назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

## **IV бўлим. ОТА-ОНА ҲАМДА ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **11-боб. ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ**

#### **65-м о д д а. Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи**

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

#### **66-м о д д а. Боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи**

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опасингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топиллиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшагани тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

#### **67-м о д д а. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи**

Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган суиистеъмоликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола

ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳаёти ёки соғлигига хавф туғилганлигидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айтиш пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

#### **68-м о д д а. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи**

Оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

#### **69-м о д д а. Боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи**

Бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга. Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми – отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

#### **70-м о д д а. Боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек ота ёки она болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

## **12-БОБ. ОТА-ОНАНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **71-м о д д а. Ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги**

Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари). Ушбу бобда назарда тутилган ота-оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди.

### **72-м о д д а. Вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқлари**

Вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола туғилганда ҳамда уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланганда ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар. Вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга етгунга қадар, болани вояга етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун болага васий тайинлаши мумкин. Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Вояга етмаган ота-она ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда эътироф этиш ёки бунга эътироз билдириш ҳуқуқига эгадир.

### **73-м о д д а. Ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида гамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

### **74-м о д д а. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт.

### **75-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш**

Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она гамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.

Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар (улардан бири) бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

### **76-м о д д а. Боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириши**

Боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслиги керак.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмаслар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг

ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота-онага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота(она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Боладан алоҳида яшаётган ота(она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота(она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф-хатар бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот беришнинг рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**77-м о д д а. Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг бола билан кўришиб туриш ҳуқуқи**

Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга.

Ота-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига имконият бермасалар, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин.

Агар ота-она (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низони ҳал қилади.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор ота (она)га нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

**78-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш**

Ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Бу талабларни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказишни таъминлай олмайдилар деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради.

**79-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш**

Ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда: ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа; узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижти-

мой ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

ота-оналик ҳуқуқини суистеъмом қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

**80-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-ондан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда ота-она (улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар бериши шарт.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида ушбу қарорнинг кўчирмасини боланинг тугилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати даволатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

**81-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатлари**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота (она)си ва бошқа қонқариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқларини, жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади.

Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилади.

### **82-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш**

Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибда амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

### **83-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши**

Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқ-

ланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд ота-онадан (уларнинг биридан) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

### **84-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш оқибатлари**

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болани фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-онаси (улардан бири)нинг ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқи чекланган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган мулкӣ ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ота-она иккаласининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган тақдирда бола васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб берилади.

### **85-м о д д а. Боланинг суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши**

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-онанинг боласи билан кўришиши унга салбий таъсир кўрсатмаса, бола билан кўришишга рухсат берилиши мумкин. Ота-онанинг бола билан кўришишига васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёхуд васий (ҳомий)нинг, боланинг тутинган ота-онаси ёки бола турган муассаса маъмуриятининг розилиги билан йўл қўйилади.

### **86-м о д д а. Ота-оналик ҳуқуқи чекланишини бекор қилиш**

Агар ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига

биноан болани ота-онасига (улардан бирига) қайтариш ва ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган чеклашларни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Агар болани ота-онасига (уларнинг бирига) қайтариш унинг манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олиб, даъвои қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

### **87-м о д д а. Боланинг ҳаёти ёки соғлиги бевосита хавф остида қолганда болани олиш**

Боланинг ҳаёти ва соғлиги бевосита хавф остида қолганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатида асосан амалга оширилади.

Бола олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорга хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

### **88-м о д д а. Судда болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни кўришда васийлик ва ҳомийлик органининг иштироки**

Суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўрилатганда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак.

Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахс (шахслар)нинг турмуш шароитларини текшириши ва текшириш натижаларини ҳамда унга асосланган низо моҳиятига оид хулосасини судга тақдим қилиши шарт.

### **89-м о д д а. Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ ишлар бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш**

Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ ишларга доир суднинг ҳал қилув қарорлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочиси томонидан ижро қилинади.

Агар ота-она (болани ўз қарамоғига олган бошқа шахс) суднинг ҳал қилув қарори ижро этилишига тўсқинлик қилса, унга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Болани олиш ва уни бошқа шахс (шахслар)га бериш билан боғлиқ суднинг ҳал қилув қарорларини мажбурий тартибда ижро этиш албатта васийлик ва ҳомийлик органининг ҳамда бола тарбиялашга берилаётган шахс иштирокида, зарур ҳолларда эса, ички ишлар органи вакили иштирокида амалга оширилиши лозим.

Суднинг болани олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини боланинг манфаатларига зарар етказилмаган тарзда ижро этишнинг имкони бўлмаганда, бола суднинг ажримига кўра тарбиялаш муассасасига, даволаш муассасасига, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасига ёки шунга ўхшаш бошқа муассасага вақтинча жойлаштирилиши мумкин.

## **13-БОБ. ОТА-ОНА ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **90-м о д д а. Оилада ота-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари**

Ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-она ва болаларнинг улар ўртасидаги умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан белгиланади.

Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкни тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилатганда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

### **91-м о д д а. Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки**

Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгаллик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

### **92-м о д д а. Ота-она ва болаларнинг умумий мулки**

Ота-она ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болаларнинг умумий мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **93-м о д д а. Болаларнинг оиладаги хусусий мулки**

Вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳадя, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолият-



ти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағи ва ундан орттирган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиланинг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгилловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари (кийим-кечак, пойабзал, ишлаб чиқариш қуроллари, ўқув анжомлари ва бошқалар) уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

#### **94-м о д д а. Вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкни бошқариш ва тасарруф этиш**

Ота-она, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкни фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарадилар ва тасарруф этадилар.

#### **95-м о д д а. Ота-она ва болалар ўртасидаги мулкий низоларни ҳал қилиш**

Ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиққан мулкий низолар суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади. Бундай ҳолларда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

### **V бўлим. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **14-боб. ОТА-ОНА ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **96-м о д д а. Ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбурияти**

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир. *(Иккинчи ва учинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

#### **97-м о д д а. Болаларга таъминот беришда ота-она мажбуриятларининг тенглиги**

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

#### **98-м о д д а. Ота-онанинг вояга етмаган болаларига алимент тўлаш тартиби**

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартиби ва шакли ҳақида ота-она ўртасидаги келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

#### **99-м о д д а. Ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдори**

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми; икки бола учун – учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдориди ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

#### **100-м о д д а. Ота-онанинг вояга етган болаларига алимент тўлаши**

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартдир.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидида ҳал қилинади.

#### **101-м о д д а. Ота-онанинг вояга етган болаларига тўлайдиган алимент миқдори**

Ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

#### **102-м о д д а. Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдорини аниқлаш тартиби**

Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улшлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тар-

зида оладиган бўлса, шунингдек даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўла-ниши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

**103-м о д д а. Болаларнинг таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатлар**

Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг огир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортиган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

**104-м о д д а. Алимент ундиришда ҳисобга олинадиган даромадлар**

Алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади.

Чет эл валютасида олинадиган даромадлар алимент ундириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сўмларда ҳисобланади.

**105-м о д д а. Алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш**

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли.

**106-м о д д а. Ота-она қарамогидан махрум бўлган болаларга таъминот бериш**

Ота-онаси вафот этганлиги оқибатида етим қолган вояга етмаган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш давлат томонидан тўлиқ амалга оширилади.

**107-м о д д а. Болалар муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алимент ундириш**

Вояга етмаган болани ота-онасидан олиб, уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда суд ота ва онанинг ҳар биридан мазкур муассаса фойдасига ушбу Кодекснинг 99-моддасида белгиланган миқдорларда алимент ундириши мумкин.

**108-м о д д а. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг таъминот талаб қилиш ҳуқуқи**

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож вояга етган болалар ота-онасидан, агар улар йўқ бўлса, қариндошлари ва ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа шахслардан ўз таъминоти учун алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда алимент миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

**109-м о д д а. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбурияти**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида гамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида гамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

**110-м о д д а. Ота-онага бериладиган таъминот миқдори ва тартиби**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-она, алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низоси узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

**111-м о д д а. Ота-онанинг таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатлар**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ва бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шарт.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар томонидан қўшимча харажатлар ихтиёрий равишда қопланмаса, талаб қилинаётган сумма суд тартибида ундирилиши мумкин.

**112-м о д д а. Низо судда ҳал этилгунга қадар алимент ундириш**

Боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида ота (она) деб ёзилган шахсдан алимент ундириш тўғрисидаги низо узил-кесил ҳал этилгунга қадар судья шу низо бўйича ундан ушбу Кодексда белгиланган миқдорда вақтинча алимент ундириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

**113-м о д д а. Болаларни ота-онасига таъминот бериш мажбуриятдан озод қилиш**

Агар суд ота-онанинг ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганлигини аниқласа, болаларни меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасига таъминот бериш мажбуриятдан озод қилиши мумкин.

**114-м о д д а. Алимент ундириш тўғрисидаги суд қарорини ижро этиш**

Алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро этилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

**115-м о д д а. Суднинг бир неча ҳал қилув қарорлари бўйича ундириладиган алимент миқдорини белгилаш**

Бошқа-бошқа ота-онадан тугилган вояга етмаган болалар учун суднинг бир неча ҳал қилув қарорларига асосан бир ота (она)дан ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори ушбу Кодекснинг 99-моддасида назарда тутилган миқдордан ошиб кетса, алимент тўловчи ота (она) алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи кимнинг фойдасига чиққан бўлса, ўша шахсларнинг ҳар бирига нисбатан алиментнинг миқдорини тегишинча камайтириш тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда)*

Суд судларнинг барча ҳал қилув қарорларига биноан тўланиши лозим бўлган, ушбу Кодекс 99-моддасида белгиланган алимент миқдоридан келиб чиққан ҳолда, болаларга нисбатан судларнинг ҳал қилув қарорлари мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган алиментнинг тенг улушдаги янги миқдорини белгилайди.

Алиментнинг миқдорини камайтиришга асос бўлган ҳолатлар туганган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент олувчи шахс ушбу Кодекснинг 99-моддасида кўрсатилган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

**116-м о д д а. Алимент тўлашдан бош торганлик учун жавобгарлик**

Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ушбу Кодекснинг 79-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

**15-БОБ. ЭР-ХОТИНЛАР ВА СОБИҚ ЭР-ХОТИНЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**117-м о д д а. Эр-хотиннинг бир-бирига таъминот бериш мажбуриятлари**

Эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола тугилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.

**118-м о д д а. Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр (хотин)нинг таъминот олиш ҳуқуқи**

Етарли маблагга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан: собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола тугилган кундан бошлаб уч йил давомида;

ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин.

**119-м о д д а. Эр-хотин (собиқ эр-хотин)дан суд тартибида ундириладиган алимент миқдори**

Эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори суд томонидан эр ёки хотиннинг (собиқ эр ёки хотиннинг) моддий ва оилавий аҳволини ҳамда тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини эътиборга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади, бироқ

бу сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

**120-м о д д а. Эр ва хотинни бир-бирларига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ёки бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаш**

Суд қуйидаги ҳолларда:

агар эр-хотин никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлган бўлса;

агар ўз таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг нолойиқ хулқ-атвори тўғрисида файллик никоҳдан ажратилган бўлса;

агар ёрдамга муҳтож эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши унинг спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши ёки қасддан жиноят содир этиши оқибатида юз берган бўлса, эр (хотин)ни ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр)га таъминот бериш мажбуриятдан озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин.

**121-м о д д а. Эр (хотин)нинг алимент олиш ҳуқуқининг тугаши**

Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 117 ва 118-моддаларига мувофиқ таъминот олиш учун асос бўлган шартлар тугаган тақдирда, шунингдек никоҳдан ажралган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин янги никоҳга кирганда тугайди. Бундай ҳолларда, агар таъминот учун маблағ суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилган бўлса, уни тўлаши шарт бўлган эр (хотин) бундан буён алимент тўлашдан озод этиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

**16-БОБ. ҚАРИНДОШЛАР ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**122-м о д д а. Вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахсларга таъминот бериш мажбурияти**

Ушбу Кодекснинг 123–128-моддаларида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлса, вояга етмаган, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш мажбурияти суд томонидан уларнинг қариндошлари: бобо, буви, неварара, ака-ука, опа-сингил, шунингдек ўғай ота ва ўғай она, ўғай ўғил ва ўғай қиз, доимий тарбияда бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

**123-м о д д а. Бобо ва бувининг ўз невараларига таъминот бериш мажбурияти**

Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улар-

дан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

**124-м о д д а. Невараларнинг бобо ва бувларига таъминот бериш мажбурияти**

Ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли неваралар зиммасига юклатилиши мумкин.

**125-м о д д а. Ака-ука ва опа-сингилларнинг вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ака-ука ва опа-сингилларига таъминот бериш мажбурияти**

Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган ака-ука ва опа-сингилларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган ака-ука ва опа-сингиллар зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ака-ука ва опа-сингилларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият ака-ука ва опа-сингилларнинг зиммасига юклатилиши мумкин.

**126-м о д д а. Доимий тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига таъминот бериш мажбурияти**

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаган ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, амалда уларни тарбиялаганларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг доимий тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин. Бундай мажбурият васийликда (ҳомийликда) турган шахслар зиммасига юклатилмайди.

Суд тарбияда бўлганларни, агар улар тарбиячиларнинг тарбияси ва таъминотида беш йилдан кам турган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган мажбуриятдан озод қилишга ҳақли.

**127-м о д д а. Ўғай ота ва ўғай онанинг ўғай ўғил ва ўғай қизларига таъминот бериш мажбурияти**

Ўғай ота ва ўғай онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўғай ўғил ва ўғай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса, ёхуд ўз ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўғай ота ва ўғай она зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ўғай ўғил ва ўғай қизларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, ўғай ота ва ўғай она-

нинг зиммасига уларга нисбатан ҳам шундай мажбурият юклатилиши мумкин.

**128-м о д д а. Ўғай ўгил ва ўғай қизларнинг ўғай ота ва ўғай онага таъминот бериш мажбурияти**

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўғай ота ва ўғай онанинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўғай ўгил ва ўғай қизлар зиммасига юклатилиши мумкин.

Агар ўғай ўгил ва ўғай қизни ўғай ота ва ўғай она беш йилдан кам вақт давомида тарбиялаган ва таъминот берган бўлса, шунингдек улар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса, суд ўғай ўгил ва ўғай қизни ўғай отаси ва ўғай онасига таъминот бериш мажбуриятдан озод қилишга ҳақли.

**129-м о д д а. Қариндошлар ва бошқа шахслардан ундириладиган алиментнинг миқдори**

Қариндошлар ва бошқа шахслардан вояга етмаган болалар учун, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахслар таъминоти учун ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент ундирилаётган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Алимент миқдорини белгилашда, талаб алимент тўлаши шарт бўлган шахсларнинг барчасига ёхуд уларнинг бир нечтасига ёки фақат бирига қаратилган бўлишидан қатъи назар, ана шу шахслар ҳисобга олинади.

**17-БОБ. АЛИМЕНТ ТўЛАШ ТўҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ**

**130-м о д д а. Алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида тузилади. Агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади.

**131-м о д д а. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг шакли**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Алимент тўлаш тўғрисида келишув тузишнинг қонунда белгиланган шаклига риоя қилмаслик, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлади.

**132-м о д д а. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирили-

ши ёки бекор қилиниши мумкин. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳам ўша шаклда амалга оширилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг бажарилишини бир тарафлама рад қилишга ёки унинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволида жиддий ўзгаришлар юз берганда ҳамда алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида улар ўзаро келиша олмаганда, манфаатдор тараф келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Суд алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини ҳал қилишда тарафларнинг эътиборга лойиқ ҳар қандай манфаатини ҳисобга олишга ҳақли.

**133-м о д д а. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан тўланадиган алиментлар миқдори**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан тўланадиган алиментларнинг миқдорини тарафлар шу келишувда белгилайдилар.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан тўланадиган алиментнинг миқдори алимент суд тартибида ундирилганда болалар олиши мумкин бўлган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

**134-м о д д а. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан алимент тўлаш усуллари ва тартиби**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув бўйича алимент тўлаш усуллари ва тартиби шу келишув билан белгиланади.

Алиментлар: алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушларда; вақти-вақтида пул билан тўланадиган қатъий суммада; бир йўла пул билан тўланадиган қатъий суммада; мол-мулк билан ёки келишувда қайд этилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Алимент тўлаш ҳақидаги келишувда алимент тўлашнинг турли усуллари бирга қўшиб қўллаш назарда тутилиши мумкин.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув бўйича тўланадиган алимент миқдорини индексация қилиш шу келишувга мувофиқ амалга оширилади. Агар алимент тўлаш тўғрисидаги келишувда индексация қилиш тартиби кўрсатилмаган бўлса, индексация ушбу Кодекснинг 144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

**18-БОБ. АЛИМЕНТЛАРНИ ТўЛАШ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИ**

**135-м о д д а. Алиментни ихтиёрий тўлаш**

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўланади.

Вояга етмаган болалар учун олинадиган алимент аризага мувофиқ ушбу Кодекснинг 99-моддасида белгиланган миқдорларда ушлаб қолинади.

Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундирувчини алимент ундириш ҳақидаги даъво ёки ариза билан хоҳлаган вақтда судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан махрум этмайди. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

### **136-м о д д а. Алиментни суд тартибда ундириш**

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Мазкур шахс, низо бўлмаган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, бу ариза буйруқ тартибда иш юритиш тарзида кўриб чиқилади.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилинганга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь 568–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда)*

### **137-м о д д а. Иш берувчининг (ташкilot маъмуриятининг) алимент ушлаб қолиш мажбурияти**

Алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш жойидаги иш берувчи ёки пенсия, нафақа, стипендия олаётган жойидаги ташкilot маъмурияти алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувга ёки ижро варақасига асосан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақидан ва (ёки) бошқа даромадидан ҳар ойда алимент ушлаб қолиб, алимент тўлаши шарт бўлган шахсга иш ҳақи тўланган ва (ёки) бошқа даромадлар олинган кундан бошлаб, уч кундан кечиктирмай алимент олувчи шахсга алимент тўлаши ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисобидан унга ўтказиши шарт.

### **138-м о д д а. Алимент тўловчининг иш, ўқиш жойи ва турар жойи ўзгарганлиги ҳақида хабар қилиш мажбурияти**

Суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент ушлаб қолиши лозим бўлган иш берувчи (ташкilot маъмурияти) алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида, шунингдек унинг янги иш, ўқиш жойи ёки турар жойи унга маълум бўлса, бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро этиладиган жойдаги суд ижрочисига ёки алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичида хабар бериши шарт.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатда ўз иш, ўқиш жойи ёки турар жойи ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек кўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади тўғрисида суд ижрочисини ҳамда алимент олувчи шахсни хабардор қилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган маълумотларни белгиланган муддатда узр-сиз сабабларга кўра хабар қилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахс ва алимент тўловчи шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

### **139-м о д д а. Алимент қарзини ундириш**

Алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилади. Иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмаганда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташкilotларидаги ҳисобварақларида турган пул маблагидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкilotларга шартнома асосида ўтказилган пул маблагидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно. Бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисобварақларидаги пул маблагига ва унинг бошқа мол-мулкига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув ёки ижро варақаси асосида ўтган даврдаги алимент қарзи ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги келишув алимент ундириш учун тақдим қилинганга қадар ўтган уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун ундирилади.

Алиментлар ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан ундирилмаган бўлса, алиментлар ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган уч йиллик муддатдан қатъи назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

### **140-м о д д а. Алимент қарзининг миқдорини белгилаш**

Алимент қарзининг миқдори суд ижрочиси томонидан суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувда белгиланган алимент миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ушбу Кодекснинг 99-моддасига асосан вояга етмаган болаларга тўланадиган алимент қарзининг миқдори алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади миқдоридан келиб чиққан ҳолда алимент ундирилмаган вақт учун ҳисоблаб чиқилади. Агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда алимент Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади. Агар қарзни бундай белгилаш тарафлардан бирининг манфаатларига жиддий путур етказса, манфаатларига путур ет-

казилган тараф судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олиб, қарзнинг пул билан тўланадиган қатъий суммасини белгилаши мумкин.

#### **141-м о д д а. Алимент қарзини тўлашдан озод қилиш**

Тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ алимент қарзини тўлашдан озод қилиш ёки уни камайтиришга тарафларнинг ўзаро розилиги бўлгандагина йўл қўйилади, вояга етмаган болаларга алимент тўланадиган ҳоллар бундан мустасно.

Агар суд алимент тўлаши шарт бўлган шахс касаллиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра алимент тўламаганлигини аниқласа ҳамда унинг моддий ва оилавий аҳволи йиғилган алимент қарзини тўлашга имкон бермайди деб топса, алимент тўловчининг даъвосига биноан уни алимент қарзларини тўлашдан тўла ёки қисман озод этишга ҳақлидир.

#### **142-м о д д а. Алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлайди.

Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганлигида айбдор алимент тўлаши шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча зарарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини ундиришга ҳам ҳақлидир.

#### **143-м о д д а. Алиментни ҳисобга ўтказишга ва қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги**

Алимент қарши қўйилган бошқа талаблар билан ҳисобга ўтказилиши мумкин эмас.

Алиментни қайтариб олишга йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

алимент олувчи томонидан ёлғон маълумотлар бериш ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш оқибатида алимент ундириш тўғрисида чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

алимент олувчи томонидан алдаш, қўрқитиш ёки зўрлик таъсири остида тузилган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас деб топилганда;

алимент тўланишига асос бўлган суднинг ҳал қилув қарори, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёки ижро варақаси қалбакилиги факти суд ҳукми билан аниқланганда.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар вояга етмаган боланинг ёки вояга етган муомалага лаёқатсиз алимент олувчининг вакили томонидан содир этилган бўлса, алимент қайтариб олинмайди, тўланган алимент суммалари эса, алимент тўла-

ши шарт бўлган шахснинг даъвосига кўра айбдор вакилдан ундирилади.

#### **144-м о д д а. Алиментни индексация қилиш**

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан пул билан тўланадиган қатъий суммада ундирилаётган алиментларни индексация қилиш алиментлар ушлаб қолинаётган жойда қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Индексация қилиш мақсадида алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

#### **145-м о д д а. Алимент тўлаши шарт бўлган шахс чет давлатга кетаётганида алимент тўланиши**

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан ушбу Кодекснинг 130–134-моддаларига асосан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши шарт.

Алимент тўлаш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

#### **146-м о д д а. Алимент миқдорини ўзгартириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш**

Алимент миқдори суд тартибида белгиланганидан кейин тарафлардан бирининг моддий ёки оилавий аҳволи ўзгарса, суд улардан ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли. Алимент миқдорини ўзгартиришда ёки уни тўлашдан озод қилишда суд тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини ҳисобга олишга ҳақли.

#### **147-м о д д а. Алимент мажбуриятларининг тугатилиши**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувда белгиланган алимент мажбуриятлари тарафлардан бирининг ўлими, мазкур келишув муддатининг ўтиши ёки унда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугайди.

Суд тартибида ундириладиган алимент тўлаш:

бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда;

фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда;

суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган деб топганда;

меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда;

алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда тугатилади.

## **VI бўлим. ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАХРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ**

### **19-боб. ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАХРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ**

#### **148-м о д д а. Ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш**

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан махрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан махрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

#### **149-м о д д а. Ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш**

Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган ҳар бир ҳолатга қараб, болаларни жойлаштириш шакллари танлайди, шунингдек бундан буён уларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради.

Васийлик ва ҳомийлик органидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан махрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан махрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

Ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик, шунингдек бундай болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муассасаларнинг раҳбарлари ва органларнинг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. (Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ЎРҚ-153-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)

тилган муассасаларнинг раҳбарлари ва органларнинг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. (Учинчи ва тўртинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель ЎРҚ-153-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда)

### **150-м о д д а. Ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни жойлаштириш**

Ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан махрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

Ота-онаси қарамоғидан махрум бўлган болаларни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган оилага ёки муассасаларга тарбиялаш учун жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар васийлик (ҳомийлик) мажбуриятларини бажариш вақтинча васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

## **20-боб. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ**

### **151-м о д д а. Фарзандликка олиш**

Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

### **152-м о д д а. Фарзандликка олиши мумкин бўлган шахслар**

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

- ота-оналик ҳуқуқидан махрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
- асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
- қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

### **153-м о д д а. Фарзандликка олишни сир сақлаш**

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.



Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтардаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

#### **154-м о д д а. Фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Фарзандликка олишда қуйидагилар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар:

турар жойидан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари;

фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс;

ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;

ўғай ота ва ўғай она;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

#### **155-м о д д а. Фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олинишига розилиги**

Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади.

#### **156-м о д д а. Боланинг розилигисиз фарзандликка олиш**

Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

#### **157-м о д д а. Фарзандликка олувчининг эри (хотини)нинг болани фарзандликка олишга розилиги**

Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади.

Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлсалар ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди.

#### **158-м о д д а. Васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш**

Васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилин-

майдиган бўлса, васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади.

#### **159-м о д д а. Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги**

Болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб этилади.

Ота-она боланинг муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик беришлари ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин.

Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён этилиши керак.

Фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақлидир.

#### **160-м о д д а. Ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш**

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда:

ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади.

#### **161-м о д д а. Давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш**

Давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-онаси розилиги талаб этилмайдиган бўлса, шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

#### **162-м о д д а. Болани такроран фарзандликка олиш**

Фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи қарор суд тартибида бекор қилингандан кейингина боланинг такроран фарзандликка олинишига йўл қўйилади.

#### **163-м о д д а. Фарзандликка олиш рад этилганлиги устидан шикоят қилиш**

Туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олишни рад этганлиги устидан фарзандликка олиш ҳақида ариза берган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

#### **164-м о д д а. Фарзандликка олишда туғилишни қайд этиш дафтарига ўзгартириш киритиш**

Фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка олинаётганнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритиши лозим.

Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак.

Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

### **165-м о д д а. Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари**

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз бола-ларига тенглаштирилади.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-она қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

### **166-м о д д а. Фарзандликка олишда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақанинг сақланиши**

Фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

### **167-м о д д а. Фарзандликка олишнинг вужудга келиш вақти**

Фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

### **168-м о д д а. Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш асослари**

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда, агар фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса;

фарзандликка олиш сохта бўлса;

вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса;

фарзандликка олувчи шахс ушбу Кодекснинг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилади.

### **169-м о д д а. Фарзандликка олишни бекор қилиш асослари**

Фарзандликка олиш агар фарзандликка олувчилар: ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлайётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;

ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар;

фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;

муттасил ичкиликбозликка ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олинувчининг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етганидан кейин фарзандликка олиш бекор қилинишига йўл қўйилади.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

### **170-м о д д а. Фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

### **171-м о д д а. Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш тартиби**

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибида йўл қўйилади. Бу тоифадаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кундан кечиктирмай суд шу қарордан кўчирмани боланинг фарзандликка олиниши тўғрисида қарор чиқарган шаҳар, туман ҳокимига юбориши шарт.

### **172-м о д д а. Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш оқибатлари**

Суд томонидан фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка олувчиларнинг (фарзандликка олувчиларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, у васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига берилади.

Суднинг ҳал қилув қарориди фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва ота исмини сақлаш-сақланмаслиги кўрсатилиши керак.

Ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва ота исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

## **21-БОБ. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК**

### **173-м о д д а. Васийлик ва ҳомийликнинг мақсади**

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

**174-м о д д а. Васийлик ва ҳомийликни белгиловчи органлар**

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинлашига муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

**175-м о д д а. Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш**

Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан – халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлигининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинлашига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан – меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари зиммасига юклатилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрь ЎРҚ–254-сон ва 2011 йил 21 декабрь ЎРҚ–311-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35–36-сон, 300-модда; 2011 йил, 51-сон, 542-модда).

**176-м о д д а. Васийлик ва ҳомийлик белгиланадиган шахслар**

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Соғлигининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

**177-м о д д а. Ота-онаси бўлган вояга етмаган болаларга васий ёки ҳомий тайинлаш**

Боланинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари унинг ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермаслигини, шунингдек боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф борлигини аниқласа, унга васий ёки ҳомий тайинланади.

Ота-она васийлик ва ҳомийлик органларининг васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

**178-м о д д а. Ота-она вақтинча бўлмаганда болаларга васийлик ёки ҳомийлик белгилаш**

Ота-она олти ойдан ортқ ҳозир бўлмаган тақдирда, агар болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Ота-

она вақтинча бўлмаганида, агар улар боласини қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари қарамоғига тарбиялаш ва назорат қилиш учун қолдирган бўлсалар, болаларга васийлик ва ҳомийлик белгиланиши шарт эмас.

**179-м о д д а. Васий ва ҳомий тайинлаш тартиби**

Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомий тайинлайди.

Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш лозимлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши лозим.

Васий ёки ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс билан васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги муносабатлар, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим.

**180-м о д д а. Васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар**

Қуйидаги шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олганлиги ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган бўлса;

қонун билан зиммаларига юклатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликлари учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларидан четлатилганлар;

қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

**181-м о д д а. Васий ва ҳомийнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари**

Васийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар.

Ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларга улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришида кўмаклашадилар, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Васий ва ҳомий:

турар жойи ўзгарганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиши;

васийлиги ва ҳомийлигидаги болаларни тарбиялаши, уларнинг таъминоти, саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида гамхўрлик қилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

ўз қарамоғидаги вояга етмаган шахслар билан бирга яшаши шарт. Ун олти ёшга тўлган ҳомийликдаги боланинг ўз ҳомийсидан алоҳида яшашига, башарти бу унинг тарбиясига ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Васий ва ҳомий қўйидагиларга:

васийлиги ва ҳомийлигидаги боланинг фикри, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда болани тарбиялаш усуллари мустақил равишда белгилашга;

васийлиги ёки ҳомийлигидаги болани қонуний асослар бўлмасдан туриб, ўз қарамоғида сақлаб турган ҳар қандай шахслардан, шу жумладан боланинг яқин қариндошларидан суд тартибида қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Васий ва ҳомий боланинг ўз ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан кўришиб туришига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, бундай кўришиш бола манфаатларига зид ҳоллар бундан мустаснодир.

Васий ёки ҳомий, агар ўз қарамоғидаги шахснинг муомалага лаёқатсиз ёки спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддаларни истеъмол қилиши натижасида муомала лаёқати чекланган деб топилшига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, уни муомалага лаёқатли деб топишни ва васийлик ёки ҳомийлик бекор қилинишини сўраб судга мурожаат этиши шарт.

Васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади.

#### **182-м о д д а. Васий ва ҳомийлар фаолиятини назорат қилиш**

Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан васийлик ва ҳомийлик органлари назорат қилади.

#### **183-м о д д а. Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш**

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш мол-мулк жойлашган ерда ўрнатилади.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мол-мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ёхуд мерос олиш тўғрисидаги хал қилув қарори бекор қилинганда мол-мулкни бошқариш бекор қилинади.

#### **184-м о д д а. Васийнинг васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги билан қилиши мумкин бўлган ҳаракатлари**

Васий васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги билан:

васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)лар тузишга;

васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулкни тақсимлаш, бир йилдан ортиқ муддатга гаровга қўйиш ёки ижарага беришга;

васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга;

васийликдаги шахсга қарашли турар жойни айирбошлашга;

васийликдаги шахсга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечишга ҳақлидир.

#### **185-м о д д а. Васий ва ҳомий томонидан қилиниши мумкин бўлмаган ҳаракатлар**

Васий ва ҳомий, уларнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари васийлик ва ҳомийликдаги шахс билан битимлар тузишга, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васий ёки ҳомийнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юритишда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

Васийликдаги шахс номидан ҳадя шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.

#### **186-м о д д а. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга нафақа тайинлаш**

Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас.

Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятдан озод қилиниши лозим. Бундай ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳомий тайинланишига муҳтож шахснинг розилиги билан унга бошқа шахсни ҳомий этиб тайинлаши мумкин.

#### **187-м о д д а. Вояга етган шахсга ҳомийлик қилиш мажбуриятдан озод этиш**

Соғлигининг ёмонлиги сабабли ҳомий белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган шахснинг ҳомийси ўз ҳомийлигидаги шахс талаби билан ҳомийлик мажбуриятдан озод қилиниши лозим. Бундай ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳомий тайинланишига муҳтож шахснинг розилиги билан унга бошқа шахсни ҳомий этиб тайинлаши мумкин.

#### **188-м о д д а. Васий ва ҳомийни ўз мажбуриятини бажаришдан четлатиш**

Васий ёки ҳомий ўз зиммасига қонун билан юклатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганида васийлик ва ҳомийлик органлари васийни ёки ҳомийни бу мажбуриятларни бажаришдан четлатади.

Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларидан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганида, шунингдек васийлик ёки ҳомийликдаги шахсни назоратсиз ёхуд зарур ёрдамсиз қолдирганида, васийлик ва ҳомийлик органлари айбдорни

қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўришлари мумкин.

### **189-м о д д а. Васийликнинг тугаши**

Васийлик қуйидаги ҳолларда:

васий ёки васийликдаги шахс вафот этганда;

вояга етмаганларга нисбатан – улар ўн тўрт ёшга тўлганда ёки улар ота-онаси тарбиясига қайтарилганда;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганлар учун – уларнинг муомала лаёқати суд томонидан тикланган тақдирда тугайди.

Вояга етмаган бола ўн тўрт ёшга тўлганлиги сабабли васийлик тугаганида васий вазифасини бажарувчи шахс махсус тайинланмасдан вояга етмаган боланинг ҳомийси бўлиб қолади.

### **190-м о д д а. Ҳомийликнинг тугаши**

Ҳомийлик қуйидаги ҳолларда:

ҳомий ёки ҳомийликдаги шахс вафот этганда;

ҳомийликдаги шахс вояга етганда;

ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда;

ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;

вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);

фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

ҳомийликдаги вояга етган шахснинг соғлиғи яхшиланганлиги туфайли у мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлганда тугайди.

### **191-м о д д а. Васий ёки ҳомий етказган мулкий зарарни тўлаш**

Васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомийдан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни инсофсизлик ёки эътиборсизлик билан бажариши натижасида етказилган мулкий зарарни тўлашини талаб қилишга мажбур, васийлик ва ҳомийлик тугатилганда эса, васийлик ва ҳомийликда бўлган муомалага лаёқатли шахс ҳам бундай талабни қўйишга ҳақли.

### **192-м о д д а. Васийлик ва ҳомийлик органларининг қарори устидан шикоят қилиш**

Васийлик ва ҳомийлик органларининг васий ёки ҳомий тайинлаш ҳамда васий ёхуд ҳомийни четлатиш ҳақида, шунингдек васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари юзасидан чиқарган қарорлари устидан манфаатдор шахслар судга шикоят қилишлари мумкин.

### **193-м о д д а. Васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш**

Васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг ўзи, давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари ва бошқа фуқаролар васийлик ёки ҳомийликдаги шахс яшаётган жойдаги тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

## **22-боб. БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА ОЛИШ (ПАТРОНАТ)**

### **194-м о д д а. Оилага тарбияга бериладиган болалар (патронат)**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Болаларни оилага тарбияга олишни истаган шахс васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишилган ҳолда болаларни олдиндан танлаб олади.

Болаларни оилага тарбияга бериш уларнинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўн ёшга тўлган болаларни уларнинг розилиги билан оилага тарбияга бериш мумкин.

Болаларни оилага тарбияга бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **195-м о д д а. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув**

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

Келишув тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оилага тарбияга олган шахсга эса, оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

### **196-м о д д а. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши**

Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкий мавқеининг ўзгариши, тарбиясидаги болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, болаларнинг тутинган ота-онаси ташаббуси билан, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг ташаббуси билан ёки бола ота-онасига қайтарилган ёхуд бола фарзандликка олинган тақдирда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувни бекор қилишга оид низолар суд тартибида ҳал қилинади.

### **197-м о д д а. Оилага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари**

Оилага тарбияга берилган болалар: ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;

уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Оилага тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Боланинг манфаатига дахлдор ҳар қандай масала оилада ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақли.

### **198-м о д д а. Тутинган ота-она**

Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин, қуйидагилар бундан мустасно: суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар;

қонун билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

илгари фарзандликка бола олган, лекин ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилинган шахслар;

қасддан қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;

соғлигининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар.

Тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир.

### **199-м о д д а. Болаларни тарбияга олган шахсларнинг жавобгарлиги**

Болаларни тарбияга олган шахслар ўз ҳуқуқларидан ғарзгўйлик ёки бошқа паст ниятларда, тарбиясидаги болаларга зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек уларни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, васийлик ва ҳомийлик органи болаларни тарбияга олган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўзгатишга ҳақли.

### **200-м о д д а. Оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб бориш**

Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб борадилар.

## **VII бўлим. ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ**

### **23-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **201-м о д д а. Фуқаролик ҳолати далолатномалари**

Фуқаролик ҳолати далолатномалари – фуқаролар ҳаётидаги тугилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан аж-

ралиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига тегишли ўзгартиришлар киритишда ифодаланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади.

#### **202-м о д д а. Гербли гувоҳномалар**

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари асосида қатъий ҳисобда турадиган, маълум серияси, тартиб рақами бўлган, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг муҳри ва мансабдор шахсининг имзоси қўйилган, давлат герби тасвирланган гувоҳномалар берилади.

Гербли гувоҳнома беришда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи ҳамда герб йигими ундиради.

Давлат герби тасвирланган гувоҳномани қалбақлаштириш қонунга биноан таъқиб этилади.

#### **203-м о д д а. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар**

Фуқаролик ҳолати далолатномалари туман ва шаҳарларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этилади, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда эса ўлим – фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан ҳам қайд этилиши мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўлимни рўйхатга олиш борасидаги ҳаракатлари ўзлари жойлашган ҳудудлардаги тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг назорати остида бўлади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрь ЎРҚ-255-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 37-сон, 313-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайд этилади.

#### **204-м о д д а. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарларини сақлаш**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг архивларида етмиш беш йил сақланади. Ушбу муддат ўтгач, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий архивига ўтказилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари архивларининг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек уларда фуқаролик ҳолати далолатномала-

рини қайд этиш дафтарларини сақлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## 24-БОБ. ТУГИЛИШНИ ҚАЙД ЭТИШ

### 205-м о д д а. Тугилишни қайд этиш тартиби ва муддатлари

Болаларнинг тугилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Боланинг ўлиқ туғилганлиги, тиббий муассасанинг хабарига биноан 24 соат давомида шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилади.

### 206-м о д д а. Тугилишни қайд этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар

Боланинг туғилиши унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади.

### 207-м о д д а. Тугилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг ота-онасини ёзиш

Ўзаро никоҳда бўлган ота ва онадан бирининг аризасига кўра туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида улар боланинг ота-онаси деб ёзилади.

Агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг онаси тўғрисидаги ёзув онанинг аризасига кўра, отаси тўғрисидаги ёзув эса, боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризаси бўйича ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади. Она вафот этган ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, шунингдек онанинг қаерда эканлигини аниқлаш мумкин бўлмаганда ота тўғрисидаги ёзув онанинг аризасига кўра васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёзилади.

Никоҳда бўлмаган онадан бола туғилганда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ва оталикни белгилаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори бўлмаса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида отанинг фамилияси онанинг фамилияси бўйича, отага тегишли исм, отасининг исми ва миллати – она кўрсатмаси бўйича ёзилади.

Агар ота-онанинг иккаласи ҳам номаълум бўлса, ота ва она ҳақидаги ёзувлар васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатмасига асосан ёзилади.

Никоҳда бўлган ва сунъий ҳомила ҳосил қилиш ёки эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахсларда шу усуллари қўллаши натижасида бола туғилса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида улар шу боланинг ота-онаси деб ёзилади.

Ўзаро никоҳда бўлган ва бошқа аёлга ҳомилани ривожлантириш мақсадида эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган болани туққан аёлнинг (қондош онанинг) розилиги билангина боланинг ота-онаси деб ёзилиши мумкин.

### 208-м о д д а. Тугилишни қайд этиш билан бир вақтда оталикни белгилаш

Агар ота-она боланинг тугилишини қайд этиш билан бир вақтда оталикни белгилаш ҳақида биргаликда ариза берсалар, ота ҳақидаги маълумотлар берилган ариза асосида ёзилади, болага фамилия ота-онанинг келишувига биноан берилади.

### 209-м о д д а. Тугилиш қайд этилганидан кейин оталик белгиланиши муносабати билан ўзгартишлар киритиш

Ота-онанинг аризаси, суднинг ҳал қилув қарори, отанинг аризасига асосан (она вафот этганда, унинг турар жойини аниқлашнинг имконияти бўлмаганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда) туғилиш далолатномаси ёзилган жойда туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида ота тўғрисидаги маълумотларни киритиш йўли билан оталик белгиланади.

### 210-м о д д а. Фарзандликка олинган боланинг туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида ўзгартишлар киритиш

Туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорига кўра, туғилиш тўғрисидаги далолатнома ёзуви турган жойдаги фуқаролик ҳолатларини ёзиш органи туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида зарур ўзгартишлар киритади.

### 211-м о д д а. Фарзандликка олиш бекор қилинганда ёки у ҳақиқий эмас деб топилганда суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш

Фарзандликка олиш суднинг ҳал қилув қарори билан бекор қилинганда ёки у ҳақиқий эмас деб топилганда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фарзандликка олиш ҳақидаги барча ёзувларни бекор қилади ва боланинг туғилиши тўғрисидаги дастлабки ёзувларни тиклайди.

## 25-БОБ. НИКОҲ ТУЗИЛГАНЛИГИНИ ҚАЙД ЭТИШ

### 212-м о д д а. Никоҳ тузилганлигини қайд этиш жойи ва вақти

Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда никоҳни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади.

Никоҳни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин.

Никоҳланувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига никоҳ қайд этилишидан бир ой илгари никоҳга кириш тўғрисида ариза берадилар.

**213-м о д д а. Никоҳни қайд этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тугатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиши лозим.

**214-м о д д а. Никоҳга кираётганда фамилия танлаш**

Никоҳланувчи шахслар никоҳга кириш тўғрисидаги аризаларида умумий фамилия олиш ёки никоҳ тузилганидан кейин ҳам ўз фамилиясида қолиш ҳақидаги истаklarини кўрсатишлари шарт.

**215-м о д д а. Никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома. Ҳужжатларга қўйиладиган белгилар**

Никоҳ тузилганлиги қайд этилганидан кейин никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Шу билан бир вақтда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида белги қўйилади.

Эр-хотиндан бирининг фамилияси ўзгарганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатга уни алмаштириш лозимлиги тўғрисида белги қўйилади.

**216-м о д д а. Фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузилганлигини қайд этиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузилганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

**217-м о д д а. Никоҳ тузилганлигини қайд этишнинг алоҳида ҳоллари**

Тергов ҳибсхоналарида, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь ЎРҚ–299-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 410-модда)

**26-БОБ. НИКОҲДАН АЖРАЛИШНИ ҚАЙД ЭТИШ**

**218-м о д д а. Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишни қайд этиш**

Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишда ариза берувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига берган аризаларида ўртада вояга етмаган болалари ва мулкий низолари йўқлигини тасдиқлашлари шарт.

Никоҳдан ажралиш ариза берувчиларнинг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш

органига ариза берилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгач қайд этилади.

**219-м о д д а. Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишни қайд этиш**

Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига қуйидагилар тақдим этилади:

эр (хотин)нинг муомалага лаёқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори;

эр (хотин) уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирма, шунингдек судланган эр (хотин)нинг ўртадаги болалари ва мол-мулк юзасидан низоси йўқлиги тўғрисидаги тилхат.

**220-м о д д а. Никоҳдан ажралгандан кейин эр-хотиннинг фамилияси**

Эр-хотиндан бирининг никоҳгача бўлган фамилиясини қайтариш тўғрисидаги истаги никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризада кўрсатилиши лозим.

**221-м о д д а. Никоҳдан ажралганлик тўғрисида гувоҳнома. Ҳужжатларга қўйиладиган белгилар**

Никоҳдан ажралиш қайд этилганидан кейин собиқ эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳдан ажралганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Эр-хотиндан бирининг фамилияси ўзгартирилганда, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга уни алмаштириш лозимлиги тўғрисида белги қўйилади.

Никоҳдан ажралишни қайд этган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи никоҳ қайд этилган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига никоҳ тугатилганлиги ҳақида белги қўйиш тўғрисида хабарнома юборади.

**222-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида ўзаро никоҳ тузган чет эл фуқароларининг никоҳдан ажралишини қайд этиш**

Ўзбекистон Республикасида ўзаро никоҳ тузган чет эл фуқароларининг никоҳдан ажралишини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

**27-БОБ. ЎЛИМНИ ҚАЙД ЭТИШ**

**223-м о д д а. Ўлимни қайд этиш тартиби**

Ўлимни қайд этиш марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан ўлимни қайд этиш мазкур қарорни чиқарган суд жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида ўлган болаларнинг туғилганлиги ва ўлими тиббий муассаса жой-



лашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида қайд этилади.

Ўлим содир бўлганлиги ҳақидаги ариза ўлим содир бўлган куни ёки мурда топилгач, уч кундан кечиктирмай берилиши зарур.

Ўлимни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этмасдан марҳумни дафн қилиш тақиқланади.

### **224-м о д д а. Ўлимни қайд этишнинг алоҳида ҳоллари**

Темир йўл ёки автомобиль транспортида содир бўлган ўлимни қайд этиш яқинроқ жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ҳаво ёки сув кемасида содир бўлган ўлимни қайд этиш ҳаво кемаси ерга қўнган жойдаги ёки сув кемаси тўхтаган портдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахси аниқланмаганларнинг ўлимини қайд этиш давлат соғлиқни сақлаш тизими тиббий муассасасининг хабарига асосан шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади. Бу ҳолларда ўлим ҳақидаги гувоҳнома марҳумнинг шахси аниқлангандан кейингина берилади.

### **225-м о д д а. Ўлимни қайд этишда тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Ўлимни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ёки суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори, шунингдек марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

## **28-БОБ. ФАМИЛИЯ, ИСМ ВА ОТА ИСМИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

### **226-м о д д а. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби**

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришни рад этганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **227-м о д д а. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш оқибатлари**

Фамилия, исм ва ота исми ўзгартирилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари ёзувларига тегишли ўзгартишлар киритади.

Эр (хотин)нинг фамилияси ўзгартирилиши (унга nisбатан оталик белгиланганда ҳам) хотин (эр)нинг

ҳамда унинг вояга етган болалари фамилиясини ўзгартиришга сабаб бўлмайди.

Ота-она ҳар иккаласининг фамилияси ўзгартирилганда уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилияси ҳам ўзгартирилади.

Агар ота-онадан бири ўз фамилиясини ўзгартирса, уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-онанинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал этилади.

Ота исмининг ўзгартирилиши унинг ўн олти ёшга тўлмаган болаларининг ота исми албатта ўзгартирилишига сабаб бўлади.

## **29-БОБ. ДАЛОЛАТНОМА ЁЗУВЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ, ТУЗАТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

### **228-м о д д а. Далолатнома ёзувларига ўзгартириш киритиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш жойи**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Ўн олти ёшга тўлган шахсларнинг туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралишни қайд этиш дафтарларига ўзгартиришлар киритиш уларнинг аризаларига биноан амалга оширилади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг тугилиш ҳақидаги ёзувлар дафтарига ўзгартиришлар киритиш уларнинг ота-онаси аризасига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига тузатишлар киритиш ҳақидаги аризалар ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида кўриб чиқилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисидаги хулосаи устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### **229-м о д д а. Жинс ўзгарганда далолатнома ёзувига тузатишлар киритиш**

Жинс ўзгарганда далолатнома ёзувига тузатиш киритиш фақат соғлиқни сақлаш органлари хулосасига асосан амалга оширилади.

## **30-БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИ ЁЗУВЛАРИНИ ТИКЛАШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

### **230-м о д д а. Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш**

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш деганда илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганида, уларни қайта тиклаб қўйиш тушунилади.

**231-м о д д а. Тугилиш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ёзувларни тиклаш**

Тугилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ҳақидаги далолатномалар ёзувлари бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат ана шу шахсларнинг аризасига қўра тикланади.

Агар ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилиши ҳақидаги ёзув йўқолган бўлса, ёзув боланинг ота-онаси, васийси, ҳомийси, болалар муассасаси маъмуриятининг аризасига биноан тикланади.

Ёзувни тиклашдан манфаатдор тарафлар ўртасида низо бўлса, ёзувни тиклаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан амалга оширилади.

**232-м о д д а. Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш жойи**

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида тикланади.

**233-м о д д а. Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини бекор қилиш**

Агар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи икки ва ундан ортиқ бир хил ёзувлар борлигини аниқласа, тикланган ёзувлар ўша ёзув тузилган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бекор қилиниши мумкин.

Агар топилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларида фамилия, исм, ота исми, тугилган санаси, ота-она тўғрисидаги маълумотларда жиддий фарқ бўлса, тикланган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари суднинг ҳал қилув қарори билан бекор қилинади.

**VIII бўлим. ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

**234-м о д д а. Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

**235-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган

никоҳлар, агар ушбу Кодекснинг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

**236-м о д д а. Никоҳдан ажратиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги, шунингдек чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган эри (хотини) билан тузилган никоҳдан, мазкур шахс қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси судида ажралишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш мумкин бўлган ҳолларда бундай никоҳдан ажралиш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тегишли чет эл давлатининг қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш тегишли чет эл давлатининг қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

**237-м о д д а. Фарзандликка олиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда ҳам ушбу Кодекс 151–167-моддаларининг талабларига риоя қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда боланинг қонуний вакили ва бола фуқароликка эга бўлган давлат ваколатли органининг розилиги, шунингдек агар ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинса, фарзандликка олиш ҳақида боланинг ҳам розилиги олиниши лозим.

Агар фарзандликка олиш натижасида фарзандликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, фарзандликка олувчининг қайси фуқароликка мансублигидан қатъи

назар, фарзандликка олиш мумкин эмас, фарзандликка олинган тақдирда эса, у суд тартибида бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олиш фарзандликка олувчи қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилганлиги, агар бола ёки унинг ота-онаси (улардан бири) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жўнаб кетишдан олдин яшаб турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсатини олдиндан олган бўлсагина, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

### **238-м о д д а. Чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш**

Суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ва бошқа органлар чет эл оила ҳуқуқининг нормаларини қўллашда мазкур нормаларнинг мазмунини уларнинг тегишли чет эл давлатида расмий шарҳ-

ланиши ва амалиётда қўлланилишига мувофиқ тарзда аниқлайди.

Суд, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва бошқа органлар чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушунтириш олиш учун белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига мурожаат қилишлари ёхуд экспертларни жалб этишлари мумкин.

Манфаатдор шахслар талаб ёки эътирозларини тасдиқлаш учун ўзлари асосланаётган чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишга ва чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида судга ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва ўзга органларга бошқа тарзда ёрдам беришга ҳақлидир.

Агар ушбу моддага мувофиқ амалга оширилган чораларга қарамай, чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмуни аниқланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОИЛА КОДЕКСИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова)*

**(К ў ч и р м а)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 1998 йил 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аввал амал қилган қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган никоҳлар ҳақиқий деб ҳисобланади;

қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Кодексга зид келмайдиган қисми қўлланилаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини Оила кодексига мувофиқлаштиради, республика вазирликлари ва идоралари мазкур Кодексга зид келадиган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси нашр этилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 30 апрель,  
608-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 82-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 30 апрель,  
598-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИ\*

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари

Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

#### 2-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;  
ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;  
қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза эти-

лишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллари хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;  
ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

#### 3-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва ер муносабатларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ер муносабатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Тоғ, ўрмон ва сув билан боғлиқ муносабатлар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, шунингдек атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид муносабатлар махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

\* 1998 йил 1 июлдан кучга киритилган.

#### **4-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ушбу Кодексга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш; *(биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь 714-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, 1-сон, 18-модда)*

қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

#### **5-м о д д а. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

юримдик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, шаҳар атрофи

ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно; *(биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1-2-сон, 1-модда)*

дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиги қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

#### **6-м о д д а. Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш; фуқароларга, юримдик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган сугориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш – ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;

фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;

фуқароларга, юримдик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргалликда юримдик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини кимошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш; *(биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-И-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда)*

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига қирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

### **7-м о д д а. Шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига қиради:

ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини кимошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатиغا олинишини ташкил этиш; *(биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига қирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

## **2-БОБ. ЕР ФОНДИ**

### **8-м о д д а. Ер фонди тоифалари**

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар сугориладиган ва сугорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзор-

лар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари – шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлар; *(4 ва 5-бандлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь УРҚ–278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

6) ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари – сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қиргоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) захира ерлар.

### **9-м о д д а. Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш**

Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади.

Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади – ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттирилдиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир.

Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади. *(Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини гайриқонуний деб ва улар асосида тuzилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатиغا олишни рад этишга асос бўлади.

### **10-м о д д а. Ер участкаси**

Ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга

ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгилангандан кейин аниқланади.

Ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин.

Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади.

Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади.

### 3-боб. ЕР ТУЗИШ

#### 11-м о д д а. Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш

Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш – ҳудудларнинг табиий шароитларни ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари агробиологик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлинишидир.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштиришга мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш тўғрисидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари ер участкаларини қонуний сақлаш вазифаларига тааллуқли бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга ана шу участкаларни бериш шартлари жумласига киритилади.

#### 12-м о д д а. Ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни

Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олдидан, хўжаликларо ҳамда ички хўжалик ер тузиш турларига бўлинади.

Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузишга қуйидагилар киради:

1) республика ва унинг минтақалари ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш;

2) туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш;

3) тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқбол режаларини, республика миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

4) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш. *(4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Хўжаликларо ер тузишга қуйидагилар киради:

1) жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;

2) ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларнинг ва мулкдорларнинг янги ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;

3) янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

4) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ерларни ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

5) ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажратиб бериш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш;

6) янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, бузилган ерларни рекултивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчкилардан, сув босишдан, захлашдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифосланган ҳимоя қилиш бўйича ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

7) барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;

8) ерларни ресурс жиҳатидан баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

9) ерларни баҳолаш тадбирларини ўтказиш.

Хўжаликларо ер тузиш туманлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гуруҳларининг маъмурий чегаралари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжаликларо ер тузиш лойиҳалари бошқа туманлар ёки шаҳар ва посёлкалар ҳудудига тегишли бўлган ҳолларда, уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш тартибда ҳал қилинади.

Хўжаликларо ер тузиш лойиҳалари тасдиқланганидан кейин натурада (жойнинг ўзига) кўчирилиб, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулк-



дорлар ер участкаларининг чегаралари белгиланган намунадаги марза белгилари билан ажратилади.

Ички хўжалик ер тузиш тури қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, тоқзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупрок эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади.

Ички хўжалик ер тузиш тури лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан ер тузишнинг таркибий қисми бўлган муаллифлик назорати олиб борилади.

Ер тузиш тартибида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Ер тузиш таркибида топография-геодезия, картография, тупрок, агрокимё, геоботаника жиҳатидан, тарихий-маданий ва бошқа йўналишда текширишлар ҳамда изланишлар олиб бориш назарда тутилади.

### **13-м о д д а. Ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжалиқларо ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мол-мулкнинг мулкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади.

Хўжалиқларо ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартишлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг руҳсати билан киритилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

### **14-м о д д а. Ер мониторинги**

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва

оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **15-м о д д а. Давлат ер кадастри**

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрларининг ягона тизимига кирувчи давлат ва тармоқ табиат ресурслари кадастрларининг асосидир.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри ернинг қиймат баҳосини аниқлаш учун асос бўлади.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (реализация қилиш) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татбиқ этилади.

Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан юритилади.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупрок, агрокимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бериш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

Давлат ер кадастрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **4-БОБ. ЕРГА БЎЛГАН МУЛКЧИЛИК. ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ**

#### **16-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик**

Ер давлат мулки – умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

### **17-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари**

Юридик шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

### **18-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлигининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг – дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакиллари, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳнома бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

### **19-м о д д а. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари: дехқон хўжалиги юритиш учун;

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;

жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкаси-

га мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати шакли, уни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **20-м о д д а. Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи**

Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эгалик қилишга берилади.

Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари:

Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига; sanoat, transport ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;

чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкалари фойдаланиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга ҳам берилади.

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат ҳужжатларининг шакллари, уларни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатларни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли – уч йилгача ва узоқ муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишинча қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Ййлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ййгирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

### **21-м о д д а. Биргалиқда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкалари**

Ер участкасини ушбу Кодекс 10-моддасининг бешинчи қисмига асосан бўлишининг имконияти бўлмаса, бундай ер бир неча юридик ва жисмоний шахслар томонидан биргалиқда эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ер участкаси деб эътироф этилади, бу ҳол ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ёки

ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжатларида акс эттирилади.

**22-м о д д а. Ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши**

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳадя ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсга ўтган тақдирда, ана шу иморатларга мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулк жойлашган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишинча шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар, ер-кадастр дафтарига ернинг янги эгаси ёки ердан янги фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва уларга ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларини топшириш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, уларни оператив бошқариш ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган ҳолларда ер участкасининг бўлиниши давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилиб, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва шундан кейин ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатиغا олиниб, тегишли давлат ҳужжатлари берилади.

**23-м о д д а. Ер участкалари бериш (реализация қилиш)**

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тарикасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгилан-

ган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондида қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзонбаҳо дов-дарахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини тегишли ер тузиш хизмати натурада (жойнинг ўзида) белгилашга ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилганига қадар мазкур ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда)*

**24-м о д д а. Ер участкаси ижараси**

Ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига – туман ва шаҳар ҳокимлари;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда)*

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустақамлаб қўйилади. Қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин. *(Олтинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **25-м о д д а. Ер участкаларидан қидирув ишлари учун фойдаланиш**

Геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномалар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўйилмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Сугориладиган ҳайдов ерларида, боғларда, тоқзорлар, тутзорлар, мевазорлар, тубдан яхшиланиш ишлари амалга оширилган пичанзорлар ва яйловларда, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерларда қидирув ишларини амалга ошириш учун рухсатномани вилоят ҳокими, бошқа ерларда эса, туман ва шаҳар ҳокимлари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берадилар, зарур ҳолларда бу муддатни узоғи билан яна бир йилга узайтиришга йўл қўйилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда қидирув ишларини амалга оширишга рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли органлар томонидан берилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Қидирув ишларини олиб боровчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иш давомида бузилган ер участкаларини белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўз ҳисобларидан яроқли ҳолатга келтиришлари ва ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига топширишлари, ерлар, экинзорлар, дов-дарахтлар, ўрмонлар, сувлар ва бошқа табиат объектларининг, трубопроводлар, канализация, мелиорация тармоқлари ва бошқа иншоотларнинг яроқли ҳолда сақланишини таъминлаш чораларини кўришлари, шунингдек ер участкаларини вак-

тинча эгаллаб туриш муносабати билан ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) қоплашлари шарт.

### **26-м о д д а. Ер участкаларидан иморат қуриш учун фойдаланиш**

Ер участкаларини (ҳайдаладиган ерлар бундан мустасно) доимий эгалик қилишга ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, узоқ муддатли вақтинча фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ўзлари олган корхоналар, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ёки реконструкция қилишга ҳақлидир.

### **27-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкалари бериш ёки реализация қилиш**

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда кимошди савдоси асосида реализация қилинади.

### **28-м о д д а. Ер учун ҳақ тўлаш**

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади.

Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўлангани ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солиғининг ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади. Ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган шахслар ер учун ижара ҳақини ер солиғи тўловчилар учун белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўлайдилар. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрь ЎРҚ–138-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 533-модда)*

### **29-м о д д а. Ер участкасини сақлаш вазифаси**

Эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага берилган ёки бошқа асосларга биноан олинган ер участкасини

сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мажбуриятлар билан таъминланиши мумкин:

ер участкасини сотиш ёки ўзгача тарзда бошқаларга ўтказишни тақиқлаш;

ер участкасини иккиламчи ижарага ва ёрдамчи пудратга, ушбу Кодекс 51-моддасининг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳолатда эса, ижарага беришни тақиқлаш;

ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни тақиқлаш;

фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш;

белгиланган тартибда келишувсиз кўчмас мол-мулкнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни, иморат, бино, иншоотни реконструкция қилиш ёки бузишни тақиқлаш;

ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ирригация ва мелиорация тизимларини соз ҳолатда сақлаш чоратadbирларини амалга ошириш;

ер участкасида қурилиш қилишни ёки уни ўзлаштиришни белгиланган муддатлар мобайнида бошлаш ва тугаллаш;

табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан ер участкасидаги тупроқ қатламини, ноёб ўсимликларни, давлат табиат ёдгорликларини, шунингдек моддий маданий мерос объектларини асраш. (Биринчи қисмнинг тўққизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)

Ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар, чеклашлар ёки шартлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

Ер участкасини сақлаш вазифаси шартлари унинг ҳуқуқий мақомига киритилиб, давлат рўйхатиغا олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтганида сақлаб қолинади.

Ер участкасини сақлаш вазифасининг тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **30-м о д д а. Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут)**

Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) – кўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

Сервитут қуйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;

ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш;

ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улاردан фойдаланиш;

ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни сугориш учун сув олиш;

молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;

ўзганинг ер участкасидан қидирув, тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;

ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш.

Сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахслар билан ўзга ер участкасининг эгаллик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарорига биноан белгиланади.

Сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатиغا олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда сақланиб қолади. Сервитут тўғрисидаги келишув уни белгилашга сабаб бўлган асослар барҳам топса, бекор қилиниши мумкин.

### **31-м о д д а. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатиغا олинганидан кейин вужудга келади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

### **32-м о д д а. Ер участкасининг плани. Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш**

Ер участкасининг плани – ер участкасининг топографик плани бўлиб, қабул қилинган белгиларга мувофиқ унда муайян ер участкасининг чегараларида вақт жиҳатидан энг сўнги ер тузилиши лойиҳасига мувофиқ сўнги бор суратга олинган пайтдаги бутун вазият ва рельеф кўрсатилади.

Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида ва хариталарда дастлабки тарзда белгилаш ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкасининг тасдиқланган плани ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ер участкалари планларининг асли кадастр ишига доир ҳужжатлар орасида сақланади, нусхалари эса ер участкаси олувчига берилади.

Ер участкасининг плани ва тавсифини тайёрлаш, марза белгиларини ўрнатиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ер участкаси олувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **33-м о д д а. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар**

Ер участкасига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери, ер участкаси ижараси шартномаси ёки ер участкасидан муддатли фой-

даланиш шартномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда ер участкаси қайси ҳуқуққа асосан берилганлиги, ер участкасидан фойдаланишнинг белгиланган мақсади, уни ўзлаштириш муддатлари, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутлар кўрсатилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

#### **34-м о д д а. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари**

Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар тузилади. Комиссиялар таркибига ер ресурслари ва давлат кадастри (комиссия котиби), қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш, геология ва минерал ресурслар, давлат мулкни бошқариш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрь ЎРҚ–240-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 555-модда)*

#### **35-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олиниши керак. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади. Давлат реестрига қуйидагилар киритилади:

1) ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

2) ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргаликда эгалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва бошқа тавсифномалари);

3) ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутларга оид маълумотлар;

4) ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиб олиш зонасига киритиш тўғрисидаги қарорлари;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томо-

нидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель 621–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 5-сон, 90-модда)*

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлиги. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **36-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши**

Бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;

2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;

3) юридик шахс тугатилганда;

4) *(4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

5) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

6) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

7) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;

8) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;

10) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11) мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки

йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, – гаров шартномаси мuddати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади;

12) ер участкаси ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганда;

2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганда;

3) қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда;

4) ижро ҳужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда. (4-банд Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январь УРҚ-199-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 3-сон, 9-модда).

(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 – 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш, ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 12-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини

тугатиш ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасининг ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. (Тўртинчи ва бешинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)

Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ мuddат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

### **37-м о д д а. Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш**

Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Қорхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инobatга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёки уй-жой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган

ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

**38-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ер участкасини олиб қўйиш**

Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6 – 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради. Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколат доирасига кирувчи орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини кўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

**5-боб. ЕР ЭГАСИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ, ИЖАРАЧИ ВА ЕР УЧАСТКАСИ МУЛҚДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**39-м о д д а. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдорининг ҳуқуқлари**

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;
- 2) қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи;
- 3) ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;
- 4) ерларни сугориш ва уларнинг захини қочирish, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;
- 5) қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни сугориш ҳамда бошқа мақсадлар учун сугориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;
- 6) белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;
- 7) ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойдаланиш) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий ра-

вишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

8) ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан кимосди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**40-м о д д а. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдорининг мажбуриятлари**

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдори қуйидагиларни бажариши шарт:

- 1) ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;
  - 2) ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;
  - 3) ерларни муҳофаза қилишга оид, ушбу Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;
  - 4) ер солигини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;
  - 5) бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулқдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;
  - 6) фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун ярқоли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ярқоли ҳолатга келтириш;
  - 7) фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгалик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинган) ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
  - 8) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;
  - 9) бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулқдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш.
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулқдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.



#### **41-м о д д а. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари**

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув хўжалиklarининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **42-м о д д а. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг чекланиши**

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари давлат манфаатларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникациялари қуриш ва улардан фойдаланиш манфаатларини, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг манфаатларини, шунингдек фуқаролар хавфсизлигини кўзлаб фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин.

#### **6-боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР**

##### **43-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг таркиби**

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпик сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, тоқзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалигидан ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир. *(Бешинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрь ЎРҚ-240-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 555-модда)*

##### **44-м о д д а. Сугориладиган ерлар**

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва сугориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни сугоришни таъминлай оладиган сугориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат сугориш тармоғига эга бўлган ерлар сугориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари сугориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни сугориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиландиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Сугориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни сугорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупрок-мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда вилоят ҳокими қарорида биноан амалга оширилади.

##### **45-м о д д а. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган ерлар**

Кадастр баҳолалишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган ерлар жумласига киради.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг сугорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

#### **46-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига – товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига – илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илгор тажрибани тарғиб қилиш учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига – фермер хўжаликларини юритиш учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига – деҳқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига – жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

6) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга – ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарт билан вақтинча фойдаланишга берилади.

**47-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

#### **48-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

1) бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;

2) зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

3) ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;

4) мелиоратив жиҳатдан нобоп сугориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

5) хўжаликнинг бутун ички сугориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

6) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сугориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

7) қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, сугоришнинг илгор усулларини жорий этишлари;

8) ушбу Кодексга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини қўришлари шарт.

#### **49-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкалари бериш**

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооперативнинг (ширкатнинг) ишлаб чиқариш фаолиятида, асосан оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулк пай эгалари бўлган аъзоларини бирлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда (акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда хўжалик ширкатлари шаклида) ҳам тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш мақсадида ер участкалари ижарага ёки доимий эгалик қилиш учун берилади, мазкур ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланилган тақдирда эса улар ижарага ёки вақтинча фойдаланишга қўшимча ер участкалари олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжалиқларига) ижарага, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига эса доимий эгалик қилиш учун ёки ижарага берилади. Ер участкасининг ижара шартномаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) раиси, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилоти раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилади. Ер участкаларини доимий эгалик қилиш учун олган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотларига Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи улар уюшмалар ва бошқа агросаноат бирлашмалари таркибига кирганида сақланиб қолади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

**50-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

**51-м о д д а. Ер участкаларини хўжалик ичида тақсимлаш. Оила (жамоа) пудрати**

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун камида беш йил муддатга фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилади.

Ер участкалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) аъзоларининг ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ходимларининг гуруҳларига ҳам камида беш йил муддатга фойдаланишга жамоа пудрати шартномаси шартлари асосида берилиши мумкин. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Оила пудрати – қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилоти томонидан оилага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа

жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарув органлари орқали шу кооператив (ширкат), жамоа корхонаси билан ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг иш берувчиси (маъмурияти) билан оила бошлиги (жамоанинг ваколат берилган вакили) ўртасида тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ ернинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш борасидаги, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасидаги мажбурияти;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни реализация қилиш шартлари; сугориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан пудратчини таъминлаш;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра – етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига кўра амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудратчилар) – пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу участкалардан олинadиган ер солигини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари белгиланган тартибда тўлайди.

Пудрат шартномаси шартлари асосида олинган ер участкасини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади.

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда пудратчи зарар ва бошқа харажатлар ушбу Кодекс 86-моддасига мувофиқ қоплаишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**52-м о д д а. Хўжалиқлараро корхоналар ва ташкилотларга ер бериш**

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжалиқлараро корхоналар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси юқори бошқарув органининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарорига биноан, ушбу Кодекснинг 58-моддасида белгиланган тартиб ва шартларда берилади.

### **53-м о д д а. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш**

Фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигини юритиш учун:

захирадаги ерлардан ер участкалари;  
юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари;

қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари берилади. *(Биринчи ва иккинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртраига, академик лицейлар, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

Фермер хўжаликларига ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага очиқ танлов асосида берилади. *(Туртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон ва 2009 йил 25 декабрь ЎРҚ-240-сон қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 555-модда.)*

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасининг ўлчами ер участкасини берадиган орган томонидан ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий шароитларни, шунингдек фермер хўжалигида ишловчилар сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ер участкаларини қўшимча ижарага олиши мумкин.

*(Еттинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-II-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ўз молмулкни, шунингдек ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Фермер хўжалиги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда гаровга қўйишга ҳақли.

### **54-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг бўлинмалари негизда ташкил этиладиган кооперативларга (ширкатларга) ер участкалари бериш**

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг (илмий-тадқиқот, ўқув, ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан ташқари) бўлинмалари негизда ташкил этиладиган ҳамда улар таркибидан чиқадиغان кооперативларга (ширкатларга) хўжалик юритишнинг тенг шароитлари яратилиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда ўзлари илгари фойдаланиб келган ерлардан вилоят ёки туман ҳокимининг қарорига биноан ер участкалари берилади. Бу участкалар мазкур корхоналар ва ташкилотларнинг ерлари таркибидан олиб қўйилиши лозим. Ер участкаларини бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **55-м о д д а. Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш**

Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади. Мазкур қоида якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкаларига татбиқ этилмайди.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг аниқ ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлиги, аҳолининг зичлигига қараб белгиланади. Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) ҳокими томонидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг ижобий хулосаси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимовди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини олишга муҳтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси асосида деҳқон хўжалигини юритиш

учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризачига ер участкаси бериш бўйича асосланган рад жавобини юборади.

Қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкида чорва моллари бўлган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрь ЎРҚ-240-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 555-модда)*

### **56-м о д д а. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш**

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи, деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган фуқароларга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосномасига биноан жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга ёки жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкаси туман ҳокими томонидан берилди.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини ташкил этиш учун фуқаролар боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларига бирлашди.

Боғдорчилик ва узумчилик учун ер участкалари шаҳарларнинг кўкаламзор зонасидан ёки бошқа аҳоли пунктлари чегарасидан ташқарида аҳоли пунктлари ҳудудининг кенгайиш истиқболларини эътиборга олиб, сув ресурслари ҳамда уларга лимитлар ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда заҳира ерлардан ва ўрмон фондининг дарахтзорга айлантириш мўлжалланмаган ерларидан ажратиб берилди. Жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун яроқли заҳира ерлар ҳамда ўрмон фонди ерлари бўлмаган тақдирда, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерлари истисно тариқасида берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари сув ресурслари ҳамда уларга лимит ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда аҳоли пунктларининг ерларидан, яқин йиллар ичида бошқа мақсадларда фойдаланишга мўлжалланмаган заҳира ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан берилди. Жамоа полизчилиги учун ноқишлоқ хўжалик корхоналари муассасалари ва ташкилотларининг вақтинча фойдаланилмаётган ерлари, бундай ерлар бўлмаган тақдирда эса қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг унумдорлиги паст ерлари берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун берилган ер участкаларидан сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришда фойдаланилади. Улардан уй-жой бинолари ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш та-

қиқланади. Бундай участкаларда умумий фойдаланишдаги муваққат иморатлар ва иншоотларни қуришга ер участкаларини берган туман ҳокими рухсат бериши мумкин.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун бериладиган ер участкалари кўчалар очиш, жамоат иморатлари ва иншоотлари қуриш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда боғдорчилик-узумчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,06 гектаргача ва полизчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,08 гектаргача ўлчамда белгиланади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун ер бериш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **57-м о д д а. Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш**

Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек ошхоналар, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар, кексалар ва ногиронлар уйларини, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шу кабиларни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган ерларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларни ҳам доимий эгалик қилишга бериши мумкин.

### **58-м о д д а. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга бериш тартиби ва шартлари**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ер участкаларини ажратиш лойиҳаларига асосан туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан берилди.

Янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайтдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қўлай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқов, ўзга ерларга суқулиб қирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ерларнинг тарқов, ўзга ерларга суқулиб қирган бўлишини ва бошқа кам-

чиликларни бартараф этиш хўжаликлараро ер тузиш тартибида амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535-ІІ-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда)*

## **7-боб. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ (ШАҲАРЛАР, ПОСЁЛКАЛАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ) ЕРЛАРИ**

### **59-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг таркиби**

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари;
- 2) умумий фойдаланишдаги ерлар;
- 3) қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;
- 4) дарахтзорлар эгаллаган ерлар;
- 5) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- 6) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари; *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1-2-сон, 1-модда)*
- 7) сув фонди ерлари;
- 8) захира ерлар.

### **60-м о д д а. Аҳоли пунктларининг чегараси. Шаҳар атрофи зоналари**

Аҳоли пунктларининг чегараси – шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа ерлардан ажратиб туради.

Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим.

Шаҳар атрофи зоналари шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий ва хўжалик ҳудудини ташкил этувчи шаҳар чегарасидан ташқаридаги ерларни ўз ичига олади. Шаҳар атрофи зоналарида шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудуди, аҳоли дам олиш зоналари, шаҳарни ривожлантириш учун захира ерлар ажратилади.

Шаҳар атрофи зоналарининг чегаралари ва ҳуқуқий режими қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **61-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш, олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш тартиби**

Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкалари туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига асосан берилади, бу қарорларда режалаштириш ва қурилиш олиб боришнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ ерларни эга-

лик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш шартлари белгиланади.

Юридик шахслар ўзларига бириктириб қўйилган ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ бошқа юридик шахсларга, фуқароларга ер участкаларини вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Шаҳарларда ва посёлкаларда ер участкаларини олиб қўйиш, қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 37-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳарларда, посёлкаларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари ва бошқа ерларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 37-моддасида белгиланган тартибда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимининг қарорлари билан тасдиқланади.

Фуқаролар эгалигидаги, кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаларини олиб қўйиш ёки фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган уй-жойларни бузиш билан боғлиқ ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

### **62-м о д д а. Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари**

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерларига уй-жой, коммунал-маиший, маданий-маърифий, саноат, савдо, маъмурий ва бошқа бинолар ҳамда иншоотлар қурилган ёки шундай бино ва иншоотлар қуриш учун берилган ҳамма ерлар киради.

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа турлари учун фойдаланишга, фуқароларга эса, яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилади.

Шаҳар ва посёлканинг қурилиш учун ажратилган, лекин вақтинча шу мақсадда фойдаланилмаётган ерлари энгил турдаги объектлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуриш ва ўзга эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланишга шаҳар ёки туман ҳокими қарори билан берилиши мумкин.

Ер участкасининг ёхуд ундаги иморатнинг у ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш, канализация, трубопровод, сугориш қурилмалари ва шу кабилар), ер участкаларининг эгалари ёки ундан фойдаланувчилар эса, мустақил равишда ўзича ёки транспортда кириб-чиқиш имконидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, ер участкасининг бўлинишига йўл қўйилмайди.

Агар ер участкасига хўжалик бинолари (гараж, отхона, оғилхона, омборхона, ертўла ва шу кабилар) қуриш ушбу участкада жойлашган юридик шахслар ёки уй-жойларда яшовчи жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар келтирса, бундай қурилишни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Табиий офат ёки бошқа сабаблар билан иморат бузилган тақдирда бузилган иморатнинг мулкдори иморат бузилган кундан бошлаб икки йилдан кечиктирмасдан иморатни тиклашга ёки ана шу участкада янги иморат қуришга киришса, бузилган иморат мулкдорининг ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи

сақланиб қолади, шаҳарни ёки посёлкани режалаштириш ва уни қуриш лойиҳасида ана шу ер участкасидан бошқача тарзда фойдаланиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда бузилган иморатнинг мулкдорига ушбу шаҳар, посёлка чегараси доирасида бошқа ер участкаси ёки бошқа обод уй-жой берилади.

### **63-м о д д а. Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари**

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари мазкур уйлар бошқарувини амалга оширувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш учун берилади.

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкаларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **64-м о д д а. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари**

Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига қуйидагилар киради:

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва шу каби ерлар;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиш учун фойдаланиладиган ерлар (даррахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва улардан фойдаланиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар).

Умумий фойдаланишдаги ерлар муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмайди ҳамда бевосита шаҳар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлади.

Аҳоли пунктларидаги сув ҳавзаларининг соҳил бўйи ерлари ва қирғоқ минтақасидан биринчи навбатда дам олиш ва спорт мақсадларида фойдаланилади.

Умумий фойдаланишдаги ерларда бу ер қайси мақсадга хизмат қилса, фақат шунга мос келадиган иморат ва иншоотлар қуришга рухсат берилади.

Йўллар ва ариқ тармоқлари эгаллаган ерлардан ташқари умумий фойдаланишдаги ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан юридик шахслар ва фуқароларга енгил иморат ва иншоотлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуришда вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида ер участкалари берилиши мумкин.

### **65-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерлар**

Шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг эгалигидаги ҳайдаладиган ерлар, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мевазорлар, полизлар, питомниклар, яйловлар, пичанзорлар, суғориш, зах қочириш ва йўл тармоғи, иморатлар, ҳовлилар, майдонлар эгаллаб турган ва бошқа ерлар киради.

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг чегарасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассаса-

лари ва ташкилотлари уй-жойлар, маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқариш иморатлари қуришни шаҳар ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширадилар.

### **66-м о д д а. Шаҳарлардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар**

Шаҳарлардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар аҳолининг дам олишини ташкил этишга, шаҳардаги микроклимни, атмосфера ҳавосининг ҳолатини ва санитария-гигиена шароитларини яхшилашга, аҳолининг маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар худудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланади. Улар таркибидаги, дарахтзорлар эгалламаган ер участкаларидан спорт майдончалари ташкил этиш ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

### **67-м о д д а. Шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар**

Шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга тегишли вазифаларни бажариш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ва фуқароларга берилган ерлар киради.

Фойдаланиш учун бериладиган ер участкасида жойлаштирилиши лозим бўлган иморат ва иншоотлар рўйхати ер участкаси ажратиш учун талабнома бериш чоғидаги бошланғич маълумотларда белгиланади. Фойдаланиш даврида кўшимча иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш шаҳар ёки туман ҳокими ана шу ишлар хусусида кўшимча қарор қабул қилганидан кейин амалга оширилади.

### **68-м о д д а. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари**

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига ер тузиш тартибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ҳамма ерлар киради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари жумласига қуйидагилар киради:

1) қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқлар ва овуллар худудидаги ерлари;

2) қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари худудидаги ерлари.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараси туманларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан уларни режалаштириш, қуриш ҳамда ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларига мувофиқ белгиланади ва ўзгартирилади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари худудидаги ерлари шаҳар чегарасига киритилган тақдирда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибидан чиқарилади ва шаҳарнинг тегишли ерлари таркибига киритилади. Бунда айрим бинолар ва иншоотлар, уларни ободонлаштириш учун зарур бўлган ер участкалари билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжа-

лиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг хошишига кўра ўзларида доимий фойдаланиш учун қолдирилиши мумкин, қолган бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳамда шу аҳоли пунктлари ҳудудда қилинган бошқа харажатлар эса ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга маҳаллий бюджетдан тўланади.

### **8-боб. САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР**

#### **69-м о д д а. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг таркиби**

Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига саноат корхоналарига, шу жумладан кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тақомиллаштириш ва ривожлаштириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Алоқа мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига алоқа линияларини ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиозшиштириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерларга, кабель радиореле ва алоқа ҳаво линиялари ва электр узатиш линиялари ўтган ерларга туташ ерларда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда муҳофаза зоналари ўрнатилади.

Куролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашуви ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиб келаётган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли пунктларининг ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, шунингдек ўрмон ва сув фондлари ерлари таркибига кирмай қолган барча ерлар киради.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **70-м о д д а. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер бериш**

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга

фойдаланиш учун ер бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга берадилар.

#### **9-боб. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ, РЕКРЕАЦИЯ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ВА ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЕРЛАР\***

##### **71-м о д д а. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар таркиби**

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган ерлардан иборат бўлади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлардан иборат бўлади.

Ерларни табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига киритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

##### **72-м о д д а. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар**

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига давлат кўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, тақдор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларининг, муҳофаза этиладиган ландшафтларининг, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларининг, давлат биосфера резерватларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун берилган ерлари киради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида давлат кўриқхоналари, буюртма кўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликлари атрофида уларнинг режимига риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият чекланган ёки тақиқланган ҳолда муҳофаза зоналари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

\* 9-боб Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ўРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда.



### **73-м о д д а. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар**

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига касалликларнинг олдини олишни ва уларни даволашни ташкил этиш учун қулай табиий омилларга, шифобахш ҳамда соғломлаштириш хоссаларига эга бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли юридик шахсларга фойдаланишга берилган ерлар қиради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Аҳолининг даволаниши ва дам олиши учун зарур шароитларни, шунингдек табиий шифобахш ҳамда соғломлаштириш хоссалари муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадига соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларда курорт табиий ҳудудларнинг режими белгиланади.

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **74-м о д д а. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар**

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига туризмни ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун яроқли географик ва иқлим шароитларига эга бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ерлар қиради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **75-м о д д а. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар**

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тегишли юридик шахсларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектларининг ерлари қиради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Моддий маданий мерос объектларининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадига унга туташ ҳудудда муҳофаза зоналари, иморатлар қуришни ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналари, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналар белгиланади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларни ажратиш ва улардан фойдаланиш, уларга туташ ҳудудларда муҳофаза зоналарини, иморатлар қуришни ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналарини, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналарни белгилаш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **10-боб. ЎРМОН ФОНДИ, СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ ВА ЗАХИРА ЕРЛАР**

#### **76-м о д д а. Ўрмон фонди ерлари**

Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхта-тиш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиш учун белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари таркибига ўтказилиши мумкин.

Туман ҳокими ўрмон хўжалиги давлат органлари билан келишиб, ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида бериши мумкин.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **77-м о д д а. Сув фонди ерлари**

Сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига қиради.

Дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзғор сув таъминоти, аҳолининг даволаш ҳамда маданий-соғломлаштириш эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар қирғоғи бўйлаб қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақалари ажратилади.

Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқ бўйи минтақалари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Сув фонди ерларида сув объектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолияти юритиш ва қурилиш ишлари олиб бориш тақиқланади.

Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **78-м о д д а. Захира ерлар**

Ушбу Кодекс 8-моддасининг 1 – 7-бандларида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август 535–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ушбу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади.

### **11-боб. ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

#### **79-м о д д а. Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби**

Ерларни муҳофаза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорли-

гини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)

Ерларни муҳофаза қилиш ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тариқасида, уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда атроф-лича ёндашиш асосида амалга оширилади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш тизими табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш тарзида бўлиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф-муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказишни чеклашни назарда тутиши керак.

Ерларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар: ҳудудни оқилона ташкил этадилар; тупроқ унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хоссаларини тиклайдилар ва оширадилар;

ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захлашдан, қайта шўр босишдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, жароб қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

қишлоқ хўжалик ерларини бута ва майда дов-дарактлар, ёввойи ўтлар босиб кетишидан ва ерларнинг маданий-техникавий ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларидаги тупроқ унумдорлигини бошқа усуллар билан қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, бу ерларни консервация қиладилар;

бузилган ерларни қайтадан экинзорга айлантирадилар, уларнинг унумдорлигини ва бошқа фойдали хоссаларини оширадилар;

ерларни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш чоғида тупроқнинг унумдор қатламини сидириб оладилар, ундан фойдаланадилар ва уни сақлаб қоладилар.

Давлат органлари ерларни муҳофаза қилиш юзасидан республика дастури ва ҳудудий дастурлар доирасида зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларини консервация қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**80-м о д д а. Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар**

Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга оид

экологик талаблар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Янги ҳамда реконструкция қилинадиган объектларни, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш, шунингдек ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган янги технологияларни жорий этиш чоғида ерларни муҳофаза қилиш тадбирлари назарда тутилади ва амалга оширилади.

Ерларнинг ҳолатига ишга туширилаётган объект ёки жорий этилаётган технологиянинг салбий таъсирини ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан назарда тутилган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш экология экспертизаси асосида ўтказилади.

Ерларни ҳосилдан қолишдан ёки бузилишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминланмаган ҳамда экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган объектларни фойдаланишга топшириш ва бундай технологияларни қўллаш тақиқланади.

Ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланмаган тартибда ер тузиш, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан келишиб олинади.

**81-м о д д а. Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш**

Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланмаётган ер участкалари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилиши лозим ва консервация қилиш учун уларни захира ерлар жумласига ўтказиш мумкин. Бундай ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш тақиқланади.

Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш, муҳофаза зоналари белгилаш, бундай ерларда уй-жойларни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларни сақлаш, уларда мелиорация ва агротехника ишларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**82-м о д д а. Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш**

Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд суғориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш;

ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга кам чиқит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш;

ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжали-

ги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соф маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерларни қайта тиклаш учун, зарурат бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш, агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирлар.

Ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **12-БОБ. ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТ**

### **83-м о д д а. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазибалари**

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазибалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатдир.

### **84-м о д д а. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар**

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадилар.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашадилар.

### **85-м о д д а. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби**

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш, мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларни ва материалларни олиш, тупроқнинг кадастр маълумотларига мослигини аниқлаш мақсадида тупроқни текшириш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар (ёзма буйруқлар) бериш;

айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича давволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар юбориш;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этиш;

ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш;

ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида қатнашиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар:

ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишлари;

йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришлари;

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**13-бoб. ЕР ЭГАЛАРИ, ЕРДАН  
Фойдаланувчилар, ер участкалари  
ижарачиларига ва мулкдорларига  
етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги  
ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши  
нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш**

**86-м о д д а. Ер эгалари, ердан фойдаланув-  
чилар, ер участкалари ижарачи-  
ларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини қоплаш**

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан, бой берилган фойда) куйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланиши керак:

ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;

сувни муҳофаза қилиш зоналари, қиргоқбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари, курорт табиий ҳудудлар зоналари, давлат биосфера резерватлари зоналари, давлат кўриқхоналари, буюртма кўриқхоналар, давлат табиат ёдгорликлари, моддий маданий мерос объектлари, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда; *(биринчи қисмнинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

**87-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон  
хўжалиги ишлаб чиқариши но-  
будгарчиликларининг ўрнини  
қоплаш**

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини, шу жумладан жисмоний шахслар эгаллигидаги ва фойдаланишидаги қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашуви туфайли қишлоқ хўжа-

лиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни ушбу Кодекснинг 86-моддасида назарда тутилган зарарлар ўрнини қоплашдан ташқари қопланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари куйидагилар томонидан қопланади:

қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари ажратиб бериладиган юридик ва жисмоний шахслар;

ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари оборотидан чиқариб ёки у қадар қийматга эга бўлмаган ерлар қаторига ўтказган ҳолда объектлари атрофига муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатиладиган юридик ва жисмоний шахслар.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари куйидаги ҳолларда қопланмайди:

ер участкалари якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда; ер участкалари мактаблар, интернатлар, болалар уйлари, мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари қуриш учун олиб қўйилганда;

ер участкалари сув хўжалигига мелиоратив объектлар ва гидротехник иншоотлар қурилиши учун ажратилганда;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш учун ер участкалари берилганда. *(учинчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Қонунларда юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликларини қоплашдан озод қилинадиган ўзга ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг қопланиши лозим бўлган ўрни миқдори ва уни аниқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**88-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжа-  
лиги ишлаб чиқариши нобудгар-  
чиликларининг ўрнини қоплаш  
тартибда тушадиган маблағлар-  
дан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибда тушадиган маблағлардан куйидаги белгиланган мақсадга кўра фойдаланилади:

янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш;

коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта қуриш, суғориладиган ерларни капитал режалаштириш ва уларнинг сув билан таъминланиш даражасини ошириш;

пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш;

ерлар олиб қўйилиши ва ажратилиши муносабати билан бузилган ер тузатиш бўйича лойиҳа ва бошқа ҳужжатларни тузиш ёки тайёрлаш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан вилоят ҳокимининг қарорига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлар алоҳида ҳисобга олиб борилади ҳамда улардан ўрмонлар ва ўрмон-мевали дарахтзорларни барпо этиш ва тиклаш, қумли ерлар, сув ҳавзалари ҳамда дарёларнинг қирғоқ бўйи минтақаларида дарахтзорлар барпо этиш, шунингдек ўрмон ерлари ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

#### **14-боб. ЕР ХУСУСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ҲАМДА ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

##### **89-м о д д а. Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш**

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ер хусусидаги низолар суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

##### **90-м о д д а. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан амалга оширилган ер участкалари олди-сотдиси, уларни ҳады қилиш, гаровга қўйиш (ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно), ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

Қўйидаги ҳолатларда ҳам айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар:

ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганликда;

ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда;

қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганликда, уларни кимёвий ва ра-

диоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувлари билан ифлослантирганликда;

ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганликда, қурганликда, лойи-ҳалаштирганликда, фойдаланишга топширганликда;

ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганликда;

вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузганликда ёки ерларни белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганликда;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларга ва мулкдорларга қаршли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилганликда;

давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатганликда;

ўзбошимчалик билан пичан ўрганликда ва чорва моллар боққанликда;

ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда;

ерлардан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармаганликда;

ер участкалари бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ва тартибини бузганликда.

##### **91-м о д д а. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш**

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЕР КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
1998 йил, 5–6-сон, 83-модда)*

**(К ў ч и р м а)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 1998 йил 1 июлдан амалга киритилсин. Мазкур Кодекснинг амалга киритилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «1998 – 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дас-тури»да назарда тутилган муддатлар ва тадбирларга мувофиқ равишда таъминлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқлаштирил-гунига қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Кодексга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этсин;

ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқлаштиради, вазирликлар ва идо-ралар мазкур Кодексга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 30 апрель,  
599–I-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 4-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 24 декабрь,  
713-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ\*

### I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### I боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

##### **1-м о д д а. Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар уй-жой муносабатлари уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган бўлса, ерга оид қонун ҳужжатлари ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ана шу муносабатларни тартибга солишга тааллуқли қисми қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **2-м о д д а. Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар**

Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқаролар, юридик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг куйидаги масалалар бўйича муносабатларини тартибга солади:

турар жойларга мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгариши ҳамда бекор бўлиши;

уй-жой фондини ҳисобга олиш;

уй-жой фондини сақлаш, қараш ва таъмирлашни таъминлаш;

фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқларига риоя этилиши ва уй-жой фондидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Уйларни қуриш, турар жойларни қайта қуриш ва ўзгартириш, муҳандислик қурилмаларидан фойдаланиш, коммунал хизматлар билан таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар қонунда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштирокидаги уй-жой муносабатларига нисбатан қўлланилади.

##### **3-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида:

уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини юритади, уй-жой соҳасини ривожлантиришнинг давлат комплекс дастурларини қабул қилади; *(иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

уй-жой хўжалиги ва коммунал хизмат кўрсатиш бўйича давлат бошқарув органлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

турар жойларни тақсимлаш ҳамда аренда, ижара шартномалари бўйича фуқароларга бериш, шунингдек уларни алмаштириш ҳамда сотиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини тартибга солади;

компенсация, кредит ҳамда ссудалар бериш тартиби ва шартларини тартибга солади;

\* 1999 йил 1 апрелдан кучга киритилган.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**4-м о д д а.** *(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

**5-м о д д а.** **Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар қиради:

уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;

уй-жой фондини ва коммунал объектларни бошқаришни ташкил этиш;

ўз тасарруфидаги ҳудудда коммунал хизматларга оид тариф сиёсатини белгиланган тартибда шакллантириш;

уй-жой фондини ҳисобга олиш;

давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида бериш;

давлат уй-жой фондидаги турар жойларни улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун юридик шахсларга аренда шартномаси шартлари асосида бериш;

уй-жой фондидан фойдаланишни ва унинг асралиши, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифати устидан назоратни таъминлаш;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари орасидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ҳамда уларни аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой билан таъминлаш;

фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари учун уй-жой қуриш;

уй-жой қурувчиларга уй-жой қуриш учун, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига доимий фойдаланишга белгиланган тартибда ер участкалари бериш;

уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси объектларининг лозим даражада сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш;

давлат уй-жой фондининг турар жойларини бронлаштириш ва алмаштириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ–77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

**6-м о д д а.** **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида:

фуқароларга уй-жой фондидан фойдаланишда ҳамда унинг сақланишини таъминлашда қўмақлашади;

қуриш ва уй ён атрофини сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

фуқароларнинг маиший-уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## 2-БОБ. УЙ-ЖОЙ ФОНДИ. ТУРАР ЖОЙ

### 7-м о д д а. Уй-жой фонди

Уй-жой фонди – инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлган фонд.

Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уй-жой фондига кирмайди.

### 8-м о д д а. Уй-жой фонди турлари

Уй-жой фонди хусусий ва давлат уй-жой фондиларидан иборатдир.

Хусусий уй-жой фондига қуйидагилар қиради:

фуқаролар мулки бўлган уй-жой фонди (якка тартибда қурилган уйлар, хусусийлаштирилган, қурилган ҳамда олинган квартиралар ва уйлар, уй-жой қуриш ҳамда уй-жой кооперативларига қарашли уйлардаги пай бадаллари тўлиқ тўланган квартиралар, фуқаролар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда мулк қилиб олинган квартиралар ва уйлар);

хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ҳамда бошқа нодавлат юридик шахсларнинг мулки бўлган ва уларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган ёки аукционда ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган уй-жой фонди.

Давлат уй-жой фондида қуйидагилар қиради:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджетга тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан барпо этилган муниципал уй-жой фонди; *(учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрь ЎРҚ–197-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 513-модда)*

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўла хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида бўлган идоравий уй-жой фонди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилган, шунингдек хусусий, муниципал, идоравий уй-жой фондидан олиб уларнинг балансига берилган, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифалари учун хусусийлаштириш



ҳуқуқсиз ижара шартлари асосида фойдаланиш учун берилган аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди.

### **9-м о д д а. Турар жой, ундан фойдаланиш мақсади**

Фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар жой деб ҳисобланади.

Турар жой кўчмас мулк ҳисобланади.

Кўп квартиралар уйлардаги турар жойларни саноат эҳтиёжлари учун ишлатиш, ижара ёки арендага бериш ман этилади. Кўп квартиралар уйдаги турар жойга бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ушбу жой яшаш учун мўлжалланмаган жойлар туркумига белгиланган тартибда ўтказилганидан кейингина жойлаштириш мумкин.

Белгиланган тартибда касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 июнь ЎРҚ-36-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25–26-сон, 225-модда)*

### **10-м о д д а. Турар жойларнинг турлари**

Турар жойларга қуйидагилар киради: уйлар;

кўп квартиралар уйлардаги квартиралар;

бошқа иморатлардаги яшаш учун мўлжалланган хоналар ва ўзга турар жойлар.

### **11-м о д д а. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи**

Турар жой хусусий ёки давлат мулки бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат турар жойга бўлган мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Турар жойларнинг кўринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли руҳсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Уйлар, квартиралар, уйнинг бир қисми, квартиранинг бир қисмига (бундан буён матнда уйлар, квартиралар деб юритилади) бўлган хусусий мулк миқдор, ўлчам ва қиймат ҳаётдан чекланмайди.

Хусусий мулк бўлган уйлар, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уйга, квартирага мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Турар жой фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда суднинг қарорига асосан мажбурий тарзда олиб қўйилиши мумкин.

### **12-м о д д а. Мулкчилик, эгалик қилиш муносабатларининг ўзгариши**

Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтганда ёки улар қайта ташкил этилганда уларнинг тўла ҳужалик юритишида ёки оператив бошқарувида бўлган уй-жой фонди ушбу корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқий ворисларига (агар улар аниқланган бўлса), бошқа юридик шахсларга мулк қилиб ёхуд уларнинг тўла ҳужалик юритишига ёки оператив бошқарувига ёхуд белгиланган тартибда фуқароларнинг барча уй-жой ҳуқуқларини, шу жумладан уй-жойни хусусийлаштириш ҳуқуқини сақлаган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига ўтказилиши лозим. Бунда уй-жойнинг янги мулкдори, эгаси илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчи бўлиб қолади.

### **13-м о д д а. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини, бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳамда турар жойга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқага ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳамда уй жойга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни рўйхатдан ўтказувчи органда амалга оширилиб, ушбу орган мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқ ёки битим рўйхатга олинганлиги тўғрисида ҳужжат беради ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиб қўяди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрель ЎРҚ-83-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 132-модда)*

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳамда турар жойга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **14-м о д д а. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келиши, бошқага ўтишининг хусусиятлари**

Белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида янги қурилаётган уйга мулк ҳуқуқи уй давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Уйнинг, квартиранинг олди-сотди ва айирбошлаш шартномаси ёзма шаклда, тарафлар имзолайдиган битта ҳужжатни тайёрлаш йўли билан тузилади ҳамда у нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Уйнинг, квартиранинг олди-сотди шартномаси шаклига риоя этмаслик, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб ке-

лади. Сотиб олувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган шу уй, квартирани олди-сотди шартномасининг муҳим шarti – бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Умрбод таъминлаш шarti билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қоидаларига риоя этилган ҳолда нотариал тасдиқланиши керак.

Турар жойни алмаштиришга ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда йўл қўйилади.

Уйни, квартирани ҳада қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Давлатга қарашли уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибда вужудга келади.

Кооператив уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари аъзолари пай бадалларини тўлиқ тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

Уй-жой облигацияларини олиш ва уларнинг қолган қийматини банк кредитлари ҳисобига тўлаш йўли билан қурилган ва олинган уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи кредит тўлиқ қайтарилгандан кейин вужудга келади.

Хусусий мулкдаги уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказилиши мумкин.

Уйга, квартирага бўлган мерос тариқасида ўтадиган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган асосларга кўра вужудга келади.

### **15-м о д д а. Турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш**

Яшаш учун яроқли бўлган турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда, турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш мулкдорнинг ёки у ваколат берган органнинг (шахснинг) аризасига кўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель 621–II-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 5-сон, 90-модда)*

### **16-м о д д а. Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш**

Фуқаролар ва юридик шахслар кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан бевосита белгиланган мақсадда фойдаланишлари шарт.

Фуқаролар ва юридик шахслар яшаш учун мўлжалланмаган жойларни, қурилмаларни ҳамда инвентарни тегишли тартибда сақлашлари, зарур таъмирлаш ишларини бажаришлари, санитария ва ёнгина қарши қоидаларга риоя этишлари, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш чораларини кўришлари шарт.

Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларга саноат ишлаб чиқаришини жойлашти-

ришга йўл қўйилмайди. Бундай жойларда амалга оширилиши рухсат этилган фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларга носаноат йўналишидаги корхона, муассаса, ташкилотларни, офисларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга йўл қўйилади.

### **16<sup>1</sup>-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари**

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ёки юридик шахслар кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари бўлиши мумкин.

Яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиларидир.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари бундай жойларнинг асралишини, тегишли техник ва санитария ҳолатини таъминлаши, жойларни ўз ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириши, кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олиши шарт.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ–77-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

### **17-м о д д а. Боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган иморатларни уйлар деб тан олиш**

Боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган ҳамда ушбу Кодекснинг 9-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган иморатларга эга бўлган шахслар шу иморатларни уйлар сифатида расмийлаштиришни талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу иморатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни рўйхатдан ўтказувчи органда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб уйлар деб тан олинади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрель ЎРҚ–83-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 132-модда)*

**18-м о д д а. Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондидан чиқариш**

Эскирганлиги, авария ҳолатидалиги ёки бошқа асосларга кўра яшаш учун яроқсиз бўлган уйлар ва турар жойларни уй-жой фондидан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Яшаш учун яроқсиз бўлган уйлар ва турар жойлар келгусида бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта қурилиши мумкин ёки бундай уйлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорига биноан бузиб ташланади.

**19-м о д д а. Давлат томонидан текинга уй-жой бериш**

Турар жойлари авария ҳолатида эканлиги ёки табиий офатдан зарар кўрганлиги белгиланган тартибда тан олинган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда текинга уй-жой берилди.

**20-м о д д а. Уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш**

Уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ягона тизим бўйича амалга оширилади.

**21-м о д д а. Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлаш устидан давлат назорати**

Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлаш, шунингдек турар жойлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлашнинг норматив-техник талабларга мувофиқлиги устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

**II бўлим. ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ****3-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****22-м о д д а. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг турар жойни хусусий мулк қилиб олиши асослари**

Фуқаролар ва юридик шахслар қуйидаги йўллар билан турар жойни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга: якка тартибда уй-жой қуриш; якка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш; уй-жой облигацияларини олиш; уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш; олди-сотди, ҳадя ва айирбошлаш; умрбод таъминлаш шarti билан уйни (квартирани) бошқа шахсга бериш; мерос олиш; қонунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш.

Фуқаролар ва юридик шахслар турар жойларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга биноан ҳам хусусий мулк қилиб олишлари мумкин.

**23-м о д д а. Фуқароларга ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланиш**

Хусусий мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан ўзлари ва оила аъзолари яшаши учун фойдаланадилар. Улар уйига, квартирасига бошқа фуқароларни кўчириб киритишга, шунингдек турар жойларни ушбу Кодексда ҳамда ўзга қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда ижарага бериш шартномаси асосида бошқа фуқароларга яшаш учун беришга ҳақлидирлар.

Мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан бошқа фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақлидирлар.

Мулкида уйи, квартираси бўлган юридик шахслар уларни ижарага, арендага беришга ҳамда улардан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақлидирлар.

**24-м о д д а. Уй, квартира мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Уй, квартира мулкдори хусусий уй-жой фондини бошқаришда иштирок этиш, уйнинг техник ҳолати масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат этиш, уй, квартирага хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш усулини танлаш ҳуқуқига эгадир.

Уй, квартира мулкдори уй, квартиранинг асралишини, тегишли техник ва санитария ҳолатини таъминлаши, уларни ўз ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириши шарт.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори ўзига қарашли жойга кўп квартирали уйга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ёки авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари умумий мол-мулкнинг ҳолатини назорат қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш мақсадида мулкдорни олдиндан хабардор қилгач, унинг борлигида киришларини таъминлаши шарт.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори авария ҳолати юзага келган тақдирда, аварияни бартараф этиш учун тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари ўзига қарашли жойга киришларини дарҳол таъминлаши шарт. Квартира мулкдори йўқлигида аварияни бартараф этиш учун бу жойга кириш ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида тегишли авария-таъмирлаш хизмати томонидан амалга оширилади.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчилик билан қайта қурган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

**25-м о д д а. Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли уйлар, квартиралардаги турар жойларни ижарага, арендага бериш**

Уй, квартира мулкдори ўзи билан бирга яшаётган вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан ёки юридик шахснинг ваколатли органи қарорига биноан уйни, квартирани ёхуд уларнинг бир қисмини фуқароларга ва юридик шахсларга ижарага ёки арендага беришга ҳақлидир.

Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара ёки аренда шартномаси тузилаётган муддат, тўлов ҳақи миқдори ва бошқа шартлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишувига биноан белгиланади.

Турар жой ижараси ёки арендаси шартномаси ёзма шаклда тузилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Турар жой ижараси ёки арендаси шартномасига нисбатан ушбу Кодекс қоидалари қўлланилади. Турар жой ижараси ёки арендаси шартномасининг ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган муносабатлари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**26-м о д д а. Турар жойни алмаштириш**

Мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар барча вояга етган оила аъзоларининг, шу жумладан вақтинча бўлмаган оила аъзоларининг ёзма розилигига биноан ўзлари эгаллаб турган турар жойни бошқа турар жой мулкдори ёки уй-жой қуриш ёхуд уй-жой кооперативининг аъзоси билан, шу жумладан бошқа аҳоли пунктида яшаётганлар билан алмаштиришга ҳақлидирлар. Бунда оиланинг вояга етмаган аъзолари розилиги ота-оналар томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса – васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тасдиқланади.

Мулкида уйи, квартираси бўлган юридик шахслар уни бошқа турар жой мулкдори ёки уй-жой қуриш ёхуд уй-жой кооперативи аъзоси билан алмаштиришга ҳақлидирлар.

**27-м о д д а. Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйи (квартираси) бузилиши лозим бўлган фуқароларни турар жой билан таъминлаш**

Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига биноан ва тарафлар келишувига кўра барча қулайликлари бўлган аввалгисига тенг қийматли уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) қиймати берилаётган турар жойнинг қийматидан ортиқ бўлган ҳолда бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим.

Бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**28-м о д д а. Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш**

Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига кўра якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлиқ қопланади.

**29-м о д д а. Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни юридик шахсларга қоплаш**

Юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва етказилган бошқа зарарлар ўрни қопланади ёхуд давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади.

**30-м о д д а. Бузилиши лозим бўлган уйлар, иморатлар ва иншоотларнинг кўчирилиши**

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг хоҳишига кўра уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, бузилиши лозим бўлган уйлар, иморатлар ҳамда иншоотлар кўчирилиши ва янги жойда тикланиши мумкин.

Уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**31-м о д д а. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун янги жойда уйлар, иморатлар барпо этиш**

Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг хоҳишига кўра янги жойда уйлар, иморатлар барпо этиладиган ҳамда уларга мулк қилиб берилади. Бунда бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатларнинг қиймати пул билан қопланмайди.

#### **4-БОБ. ТУРАР ЖОЙ МУЛҚДОРИ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ, ИЖАРАГА ВА АРЕНДАГА ОЛУВЧИЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙДАН ФЙДАЛАНИШИ**

##### **32-м о д д а. Мулқдор оила аъзоларининг, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Уй, квартира мулқдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулқдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулқдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса уй, квартира мулқдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулқдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулқдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Турар жой мулқдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулқдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, фақат ўзаро келишувга биноан мулқдорнинг оила аъзоси деб тан олинишлари мумкин.

Меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек мулқдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулқдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, унинг оила аъзоси деб топиллишлари мумкин.

Мулқдорнинг вояга етмаган оила аъзолари яшаётган турар жойни, уларнинг ота-онаси бўлмаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан бошқа шахсга бериш мумкин.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уй мулқдорининг вояга етган оила аъзолари ва уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар ҳам уларнинг умумий мулки бўлмиш хусусийлаштирилган квартира ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва тенг мажбуриятларни бажарадилар.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки ижарага, арендага бериш учун квартира ёки уй мулқдорининг вояга етган оила аъзолари ва квартира ёки уйнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг розилиги олиниши керак. Хусусийлаштирилган уй-жой мулқдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, улар бўлмаган тақдирда эса – васийлик ва ҳомийлик органлари ҳимоя қилади.

Хусусийлаштирилган бир квартира ёки уйда турар жой мулқдорлари яшай олмайдиган ҳолда, суднинг қарорига биноан мулқдорлардан бири кўчирилиб, бошқасининг зиммасига квартира ёки уйнинг тегишли қисми учун кўчирилган мулқдорга суд ишни кўриб чиққан кундаги бозор баҳосида пулини тўлаш ёки унинг умумий

мулқдаги улушига мос келадиган бошқа турар жойни сотиб олиб бериш мажбурияти юкланиши мумкин.

Уй ёки квартиранинг мулқдори, унинг оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ва собиқ оила аъзоси ўртасидаги турар жойдан фойдаланиш ҳамда қилинган харажатлардаги улуш миқдори ҳақидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

##### **33-м о д д а. Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни ижа- рага, арендага бериш шартнома- си бўйича ижарага, арендага олувчининг ҳуқуқлари**

Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уйдан, квартирадан турар жойни ижарага, арендага олувчи ўзи ижарага, арендага олган хонага уй, квартира мулқдорининг розилигидан қатъи назар, вояга етмаган фарзандларини, агар у алоҳида хонани эгаллаётган бўлса ва ижарага ёки арендага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек эри (хотини) ва меҳнатга қобилиятсиз вояга етган фарзандлари ҳамда ота-онасини кўчириб киритиш ҳуқуқига эга. Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, квартирадаги турар жойни ижарага, арендага олувчи билан бирга яшаётган оила аъзолари ижарага ёки арендага бериш шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга ижарага, арендага олувчининг ўзи билан тенг равишда эга бўладилар.

Бошқа фуқароларни фақат уй мулқдорининг розилиги билан кўчириб киритиш мумкин ва ижарага, арендага олувчи томонидан ўз оила аъзоси сифатида кўчириб киритилган ушбу фуқаролар, агар кўчириб киритишда улар ўртасида бошқача келишув бўлмаган бўлса, ижарага, арендага олувчи ҳамда унинг бошқа оила аъзолари билан турар жойдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Ижарага, арендага олувчи ижарага, арендага берувчининг (мулқдорнинг) розилиги билан эгаллаб турган турар жойини алмаштиришга ҳақлидир. Ижарага берувчи фуқаронинг рад жавоби устидан низолашиб бўлмайди. Ижарага берувчи юридик шахснинг рад жавоби устидан суд тартибида низолашиш мумкин.

Турар жойни ижарага ёки арендага бериш шартномасини бекор қилиш ушбу Кодекснинг 69 ва 93-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

##### **34-м о д д а. Турар жойни ижарага, арендага бериш ҳақи**

Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни ижарага, арендага бериш ҳақи тарафлар келишувига биноан шартномада белгилаб қўйилади.

### **III бўлим. ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ**

#### **5-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

##### **35-м о д д а. Давлат уй-жой фондининг уйла- ридаги турар жойни ижарага бе- риш шартномаси**

Давлат уй-жой фондининг (бундан буён матнда муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли

коммунал уй-жой фонди деб юритилади) уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф турар жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) бошқа тараф (ижарага олувчи)га турар жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади. Ижара шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар белгилаб кўйилади. Ижара шартномасида ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар кўрсатилган бўлиши керак. Шартномада ана шундай кўрсатмалар бўлмаган тақдирда – бундай шахсларни кўчириб киритиш фуқаролик қонун ҳужжатларида ва ушбу Кодекснинг 51-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Муниципал, идоровий уй-жой фондининг ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги доимий яшаш учун яроқли бўлган алоҳида турар жой (уй, квартира) турар жойни ижарага бериш шартномаси объекти бўлади.

Хонанинг бир қисми ёки битта умумий кириш жойи орқали бошқа хона билан боғланган хона (туташ хоналар), шунингдек ёрдамчи хоналар (ошхона, йўлак, хужра ва шу кабилар) ижара шартномасининг мустақил объекти бўла олмайди.

Кўп квартиралар уйдаги турар жойни ижарага олувчи турар жойдан фойдаланиш билан бир қаторда шу уйнинг умумий фойдаланишдаги мол-мулкдан (уйнинг умумий жойлари, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, дахлизлар, техник қаватлар, ертўллар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар, шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаси, шунингдек кўп квартиралар уйдаги кўчмас мулкнинг ягона мажмуига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бошқа объектлардан) белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

Турар жойни ижарага бериш шартномаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ёки улар ваколат берган органлар билан турар жойни олаётган фуқаролар ўртасида ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Турар жойни ижарага бериш шартномасининг ёзма шаклда бўлишига риоя этмаслик, шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Ижара шартномаси бўйича эгаллаб турилган турар жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши шартноманинг ўзгаришига ёки бекор бўлишига олиб келмайди. Бунда янги мулкдор илгари тузилган турар жойни ижарага бериш шартномаси шартлари асосида ижарага берувчи бўлиб қолади.

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий шартномаси

тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **36-м о д д а. Турар жойни ижарага бериш шартномасининг муддати**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган турар жойни ижарага бериш (қиска муддатли ижара) шартномасига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қоидалари қўлланилади.

Янги муддатга шартнома тузишда ижарага олувчи имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам турар жойдан фойдаланишни давом эттирсин, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган деб ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондидан ижарага берувчи, агар турар жойни ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, бу ҳақда ижарага олувчини камида бир йил олдин хабардор этиб, янги муддатга шартнома тузишдан воз кечиши мумкин, аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди бундан мустасно.

### **37-м о д д а. Турар жойни ижарага бериш шартномаси шартларининг ҳақиқий эмаслиги**

Турар жойни ижарага бериш шартномасининг ижарага олувчининг ҳолатини қонун ҳужжатларида назарда тутилганига нисбатан ёмонлаштирувчи шартлари ҳақиқий эмас.

### **6-БОБ. МУНИЦИПАЛ, ИДОРОВИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ВА АНИҚ МАҚСАДЛИ КОММУНАЛ УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАРНИ БЕРИШ**

#### **38-м о д д а. Фуқароларни уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топиш асослари**

Фуқароларни муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондида уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топиш асослари, шунингдек турар жой бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **39-м о д д а. Фуқароларнинг турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлиш ёши**

Фуқаролар ўн саккиз ёшга тўлгач, ўн саккиз ёшга тўлмасдан никоҳ тузганлар, эмансипация қилинганлар ёки ишга кирганлари эса қонунда назарда тутилган ҳолларда – тегишли равишда никоҳ тузган, эмансипация қилинган ёхуд ишга кирган вақтидан бошлаб муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

**40-м о д д а. Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифалари**

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ва турар жой олиш учун ҳисобда турган ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган фуқаролар эгадирлар. Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролар аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан бир марта турар жой олишга ҳақлидирлар.

**41-м о д д а. Фуқароларнинг муниципал ва идоравий уй-жой фонди уйларида турар жойни мулк қилиб олиши**

Муниципал ва идоравий уй-жой фонди уйларидаги турар жойни ижарага ёки арендага бериш шартномасида ижарага, арендага олувчининг ўзи эгаллаб турган, арендага олган турар жойни сотиб олиш ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин. Муниципал ва идоравий уй-жой фондидаги бундай турар жойларни сотиб олиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

**42-м о д д а. Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жойлар фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ берилади.

Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бир киши ҳисобига ўн олти квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравачада ҳаракатланган ногиронлар учун эса – йигирма уч квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Эр-хотиндан ташқари турли жинсга мансуб шахслар бир хонага ёки бир хонали квартирага жойлаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча турар жой берилиши мумкин.

Фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони бир хона тарзида ёки ўн саккиз квадрат метрли умумий майдон микдорида берилади. Айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган фуқароларга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган рўйхат бўйича, шунингдек бажараётган иш шароитлари ва хусусиятига кўра қўшимча майдон зарур бўлган фуқароларга бундай майдон микдори кўпайтирилиши мумкин.

Қўшимча уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифаларининг рўйхати, қўшимча майдонни бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**43-м о д д а. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган уйлардаги, шунингдек улушли иштирок этиш тартибда қурилган уйлардаги турар жойга кўчиб кириш**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган муниципал ва идоравий уй-жой фонди уйларида бўшаётган турар жойлар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг улушли иштирок этиш тартибда топширилган маблағларига қурилган уйларда бўшаётган турар жойлар, биринчи навбатда, ушбу корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ходимларига кўчиб кириш учун берилади. Бундай кўчиб кириш тартиби, уй берилган ёки қурилиш тугалланган вақтидан қатъи назар, қўлланади.

**44-м о д д а. Квартирада бўшаган турар жойга кўчиб кириш**

Агар муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйдан икки ва ундан ортиқ ижарага олувчи яшайдиган квартирада бошқа турар жойдан алоҳида бўлмаган ва шу турар жойга туташ хона бўшаб қолса, бу хона фойдаланиш учун туташ хонани ижарага олувчига берилиши керак.

Агар квартирадаги алоҳида хона бўшаса, у белгиланган норма бўйича уй-жой майдони билан таъминланмаган ижарага олувчига берилади. Агар квартирада белгиланган норма бўйича уй-жой майдони билан таъминланмаган бир неча ижарага олувчи бўлса, оиласи уй-жой шароитларини яхшилашга энг кўп муҳтож бўлган ижарага олувчи бўшаган хонани олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага олувчи (ижарага олувчилар) бўшаган хонага жойлашишни рад этган тақдирда, у умумий тартибда берилади.

**45-м о д д а. Турар жой ҳужжати (ордери)**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида турар жой бериш тўғрисидаги қарор асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органи фуқарога берилган турар жойга кўчиб кириш учун эса бўладиган ягона намунадаги ҳужжат (ордер) беради.

Ҳужжат (ордер) фақат бўш турган алоҳида турар жойга, янги қурилган уйларда эса, давлат комиссиясининг уйни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқланганидан кейингина туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) ҳокими қарори билан берилиши мумкин.

Ордер шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**46-м о д д а. Турар жой ҳужжатини (ордерини) ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва тартиби**

Фуқаролар томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлик тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилганда, бошқа фуқаролар

ёки юридик шахсларнинг ҳужжатда (ордерда) кўрсатилган турар жойга бўлган ҳуқуқлари бузилганда, турар жой бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишда мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар қилинганда, шунингдек турар жой бериш тартиби ва шартларининг бошқача бузилишлари содир этилган ҳолларда муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойга берилган ҳужжат (ордер) суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ҳужжат (ордер) берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида кўзгатилиши мумкин.

#### **47-м о д д а. Ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг турар жойига берилган ҳужжат (ордер) ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида ҳужжатни (ордерни) олган шахслар уларга бошқа турар жой бермасдан кўчирилади. Агар ҳужжатда (ордерда) кўрсатилган фуқаролар илгари давлат уй-жой фондининг уйидаги турар жойдан фойдаланиб келган бўлсалар, уларга илгари эгаллаб турган турар жойи қайтарилиши ёки бошқа турар жой берилиши керак.

Агар ҳужжат (ордер) бошқа асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топилса, ҳужжатда (ордерда) кўрсатилган фуқаролар уларга бошқа турар жой ёки илгари ўзлари эгаллаб турган турар жой берилган ҳолда кўчириладилар.

#### **7-БОБ. МУНИЦИПАЛ, ИДОРАВИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ВА АНИҚ МАҚСАДЛИ КОММУНАЛ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИНГ УЙЛАРИДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

#### **48-м о д д а. Ижарага бериш шартномаси бўйича турар жойдан фойдаланиш**

Ижарага бериш шартномаси бўйича муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланаётган ижарага олувчи ундан белгиланган мақсадда ва шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиши шарт.

Агар ижарага олувчи ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, турар жойдан белгиланган мақсадга ва ижарага бериш шартномаси шартларига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани бекор қилишни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

#### **49-м о д д а. Ижарага берувчининг ижара шартномаси бўйича мажбуриятлари**

Ижарага берувчи ижарага олувчига муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги бўш турар жойни доимий яшаш учун яроқли ҳолатда бериши шарт.

Ижарага берувчи ижарага берилган турар жой лашган уй лозим даражада сақланишини амалга оши-

риши, ижарага олувчига ҳақ эвазига зарур коммунал хизматлар кўрсатиши ёки хизматлар кўрсатилишини таъминлаши, кўп квартиралли уйнинг умумий фойдаланишдаги мол-мулки таъмирланишини таъминлаши шарт. (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ўРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)

#### **50-м о д д а. Ижарага олувчининг, унинг оила аъзоларининг ҳамда у билан доимий яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи оила аъзолари ва ўзи билан доимий яшаётган фуқароларнинг турар жойни ижарага бериш шартномаси шартларини бузганликлари учун ижарага берувчи олдида жавобгар бўлади.

Ушбу Кодекс 32-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари деб тан олинади.

Турар жойни ижарага бериш шартномасига бошқа фуқароларни киритиш муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий шартномаси тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширилади. Агар бошқа фуқароларнинг ижара шартномасига киритилиши бу ерда яшаётганларнинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб тан олинисига олиб келса, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлган шахслар уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган майдонга эга бўлса, бундай фуқароларни ижарага бериш шартномасига киритиш мумкин эмас.

Оила таркибининг ўзгариши ижара шартномаси тегишли қисмининг ўзгаришига олиб келади.

Ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойдан фойдаланишда ижарага олувчи билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ижарага олувчининг вояга етган оила аъзолари ҳамда у билан доимий яшаётган фуқаролар ижарага берувчини хабардор қилган ҳолда турар жойда доимий яшаётган барча фуқаролар ижарага берувчи олдида ижарага олувчи билан солидар жавобгар эканликлари тўғрисида ижарага олувчи билан шартнома тузишлари мумкин. Бундай ҳолларда ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар шерик ижарага олувчи деб ҳисобланадилар.

Ижарага олувчининг солиқ оила аъзолари эгаллаб турган турар жойда яшашни давом эттирсалар, улар ижарага олувчи эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни сақлаб қоладилар.

Ижарага олувчи, ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар:

кўп квартиралли уйнинг турар жойларидан, умумий фойдаланишдаги мол-мулкидан белгиланган мақсадда, бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг уй-жой ҳуқуқи, ўзга ҳуқуқларини камситмаган ҳолда фойдаланиши;

турар жойларнинг асралишини таъминлаши, шунингдек уларни тегишли техник ҳамда санитария ҳолатида сақлаб туриши;



авария юз берган тақдирда, ўзлари эгаллаб турган турар жойга тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари киришларини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган техник, санитария, экологик ва ёнгинга қарши талабларни бажариши;

ижара шартномаси бўйича турар жойлар ҳақини ва коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт. (Саккизинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)

### **51-м о д а. Ижарага олувчининг турар жойга оила аъзолари ва бошқа фуқароларни кўчириб киритиш ҳуқуқи**

Ижарага олувчи белгиланган тартибда ижарага берувчининг розилиги билан оила аъзоларини, оиланинг вояга етган барча аъзоларининг берган ёзма розилигига биноан эса, муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйдаги ижарага олинган турар жойга бошқа фуқароларни кўчириб киритишга ҳақлидир. Оиланинг вояга етмаган аъзоларини кўчириб киритиш учун бундай розилик талаб этилмайди.

Турар жойга бошқа шахсларни кўчириб киритишга қонун ҳужжатларининг ҳар бир кишига мўлжалланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги талабларига риоя этилган ҳолда йўл қўйилади, вояга етмаган болаларни ва меҳнатга қобилиятсиз ёлғиз ота-оналарни кўчириб киритиш ҳоллари бундан мустасно.

Турар жойга ижарага олувчининг оила аъзоси сифатида кўчиб келган ва ижара шартномасига киритилган фуқаролар, агар улар кўчиб кираётганда бу шахслар, ижарага олувчи ва у билан бирга яшовчи оила аъзолари ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тўғрисида бошқача келишув тузилмаган бўлса, бошқа оила аъзолари билан турар жойдан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ижарага олувчининг турар жойига васий ёки ҳомий сифатида кўчиб кирган фуқаролар, шунингдек ижара шартномасига киритилмаган бошқа шахслар бу турар жойга нисбатан мустақил ҳуқуққа эга бўлмайдилар.

### **52-м о д а. Вақтинча бўлмаган фуқаролар турар жойининг сақланиши**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Вақтинча бўлмаганида фуқароларнинг турар жойи қуйидаги ҳолларда олти ойдан ортиқ муддатга сақланиб туради:

ҳарбий хизматга чақирилганда – чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;

контракт бўйича ҳарбий хизматга кирилганда – контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;

иш шароитлари ва хусусияти бўйича (кема экипажи, геология, қидирув партияларининг, экспедицияларининг ходимлари ва ҳоказолар), чет элга хизмат сафарида бўлиш

ёки таълим олиши муносабати билан (студентлар, аспирантлар ва бошқалар) доимий яшаш жойидан вақтинча жўнаб кетилганда – ушбу ишни бажариш, хизмат сафарида бўлиш ёки таълим олишнинг бутун даври мобайнида;

болалар тарбиялаш учун болалар муассасасига, қариндошларга ёки ҳомийларга, васийларга топширилганда – улар ушбу муассасада, қариндошлар ёки ҳомийлар, васийлар қарамоғида бўладиган бутун даври мобайнида, агар болалар чиқиб кетган турар жойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлса. Агар болалар чиқиб кетган турар жойда уларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, ушбу хона болаларнинг муассасада бўлиши муддати тугагунча ёки қариндошлар ёхуд ҳомийлар, васийлар қарамоғидан қайтиб келган болалар вояга етгунча, шунингдек тегишли ҳолларда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ўқиш тугагунча ёхуд мамлакат Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат муддати тамом бўлгунча ушбу турар жой ижара шартномаси асосида бошқа фуқароларга бериб турилиши мумкин; ҳомий, васий вазифасини бажариш муносабати билан жўнаб кетилганда – ушбу вазифаларни бажаришнинг бутун даври мобайнида;

даволаниш учун даволаш-профилактика муассасаларига жўнаб кетилганда – даволанишда бўлган бутун даври мобайнида;

қамалганда ёки ушбу турар жойда яшаш имкониятини истисно этувчи озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа жазо чорасига маҳкум этилганда – қамокда бўлишнинг ёки жазони ўташнинг бутун даври мобайнида, агар турар жойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлса. Агар кўрсатилган фуқаролар чиқиб кетган турар жойда уларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, бундай фуқаролар қамокдан озод бўлгунча ёки жазони ўтаб келгунча бўлган муддатга ушбу хона ижара шартномаси асосида бошқа шахсларга бериб турилиши мумкин.

Вақтинча бўлмаганида шахснинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган муддатлар тугаган кундан бошлаб олти ой мобайнида сақланиб қолади.

Агар ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар узрли сабабларга қўра турар жойда олти ойдан ортиқ муддат бўлишмаса, бу муддат шу шахсларнинг аризасига биноан ижарага берувчи томонидан, низоли ҳолларда эса, суд томонидан узайтириб берилиши мумкин.

### **53-м о д а. Вақтинча бўлмаганида фуқароларнинг турар жойи сақланиши муддатларини қисқартиришга йўл қўйилмаслиги**

Вақтинча бўлмаганида фуқароларнинг муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойи сақланиши муддатлари ижарага олувчи ва ижарага берувчининг ўзаро келишуви билан қисқартирилиши мумкин эмас.

### **54-м о д а. Фуқароларни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш**

Фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоровий уй-жой фонди

ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

**55-м о д д а. Вақтинча бўлмаган ижарага олувчининг ҳамда унинг оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Агар турар жойни ижарага олувчи вақтинча бўлмаса, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойда яшовчи оила аъзолари ўзлари эгаллаб турган барча турар жойлардан аввалги шартлар асосида фойдаланишга ҳақлидирлар. Бунда улар ушбу турар жойни ижарага бериш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Вақтинча бўлмаган фуқаронинг фойдаланиш ҳуқуқи сақланадиган уй-жой майдони ортиқча уй-жой майдони деб ҳисобланмайди.

**56-м о д д а. Ижарага олувчининг ўзи эгаллаб турган турар жой ўрнига кичикрогини олиш ҳуқуқи**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, агар белгиланган нормадан ортиқча турар жой майдонига эга бўлса, вояга етган оила аъзоларининг розилигига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёки турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилотга белгиланган тартибда мурожаат этиб, эгаллаб турган турар жойини кичикроқ ҳажмдаги турар жойга алмаштиришни сўраши мумкин.

**57-м о д д а. Турар жойни иккиламчи ижарага бериш**

Муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан ҳамда ўзи билан бирга яшаётган вояга етган оила аъзоларининг, ўзи билан доимий яшаётган фуқароларнинг розилиги билан ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда турар жойни иккиламчи ижарага беришга ҳақлидир. Ижарага олувчи ўзи эгаллаб турган турар жойнинг бир қисмини, вақтинча кўчиб кетаётганда эса – барчасини (унинг фойдаланиш ҳуқуқи сақланадиган бутун давр учун) иккиламчи ижарага топшириши мумкин, бунда ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчи ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолади.

Ижарага олувчининг турар жойида иккиламчи ижарага бериш шартномаси асосида яшаётган шахслар ушбу турар жойга нисбатан мустақил ҳуқуққа эга бўлмайдилар.

Турар жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати турар жойни ижарага бериш шартномасининг муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Турар жойни ижарага бериш шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда у билан бир вақтда турар жойни иккиламчи ижарага бериш шартномаси ҳам бекор бўлади.

Янги муддатга шартнома тузишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги қоида турар жойни иккилам-

чи ижарага бериш шартномасига нисбатан татбиқ этилмайди.

Муниципал ва идоравий уй-жой фондидаги уйларида турар жойни иккиламчи ижарага бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойларни иккиламчи ижарага беришга йўл қўйилмайди.

**58-м о д д а. Турар жойни иккиламчи ижарага беришга йўл қўйилмайдиган шарт-шароитлар**

Муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни иккиламчи ижарага беришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

агар иккиламчи ижарага олувчининг кўчиб кириши оқибатида ҳар бир яшовчига тўғри келадиган умумий майдон белгиланган нормадан камайиб кетса;

агар унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатдаги айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган шахслар яшаётган бўлса;

ижарага берувчининг розилиги бўлмаса;

ижарага олувчининг, унинг вояга етган оила аъзоларининг, у билан доимий яшаётган фуқароларнинг розилиги бўлмаса;

турар жойни иккиламчи ижарага бериш қоидаларида белгиланган бошқа ҳолларда.

**59-м о д д а. Иккиламчи ижарага бериш шартномаси бўйича турар жойдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ**

Муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларидаги турар жойлардан иккиламчи ижарага бериш шартномаси бўйича фойдаланганлик ва коммунал хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдори тарафлар келишувига мувофиқ белгиланади, лекин унинг миқдори шу уй-жой учун ижарага олувчи томонидан тўланаётган ҳақ ҳамда коммунал хизматлар ҳақидан ошиб кетмаслиги керак.

**60-м о д д а. Иккиламчи ижарага бериш шартномасини бекор қилиш**

Муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати тугагандан сўнг иккиламчи ижарага олувчи шартномани қайта тиклашни талаб қилишга ҳақли эмас ва у эгаллаб турган турар жойни ижарага олувчининг талабидан кейин ҳам бўшатиб бермаса, унга бошқа турар жой берилмаган ҳолда суд тартибида кўчирилади. Ижарага бериш шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иккиламчи ижарага олувчи унга бошқа турар жой берилмаган ҳолда худди шу тартибда кўчирилади.

Агар иккиламчи ижарага бериш шартномаси муддати кўрсатилмай тузилган бўлса, ижарага олувчи иккиламчи ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши ҳақида иккиламчи ижарага олувчини уч ой олдин оголантириши шарт.

Иккиламчи ижарага бериш шартномаси, шунингдек ушбу Кодекснинг 69-моддаси ҳамда 119-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра ҳам бекор қилиниши мумкин.

**61-м о д д а. Вақтинча яшовчилар**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар ўзаро келишувга биноан ва ижарага берувчини олдиндан хабардор қилган ҳолда вақтинча яшовчиларга (фойдаланувчиларга) турар жойда текин яшаб туришлари учун рухсат этишга ҳақлидилар. Вақтинча яшовчиларнинг яшаб туриш муддати олти ойдан ошмаслиги керак.

Вақтинча яшовчилар турар жойдан фойдаланишда мустақил ҳуқуққа эга бўлмайдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари учун ижарага берувчи олдида ижарага олувчи жавобгардир.

Вақтинча яшовчилар улар билан келишилган яшаб туриш муддати ўтганидан кейин, агарда бундай муддат келишилмаган бўлса, ижарага олувчи, унинг оила аъзоси ёки у билан доимий яшаётган фуқаро томонидан тегишли талаб қўйилган кундан эътиборан кўпи билан етти кун ичида турар жойни бўшатишлари шарт. Талаб рад этилган тақдирда, вақтинча яшовчилар суд тартибидан бошқа турар жой бермасдан кўчирилишлари лозим.

Бир киши ҳисобига тўғри келадиган уй-жой майдони ижтимоий нормаси ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилмаса, ижарага берувчи вақтинча яшовчиларнинг яшаб туришларини тақиқлаб қўйиши мумкин.

**62-м о д д а. Ижарага берилган турар жойни таъмирлаш**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги ижарага берилган турар жойни таъмирлаш, агар турар жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ижарага олувчининг мажбуриятига киради.

Ижарага берилган турар жойни капитал таъмирлаш, агар шу турар жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ижарага берувчининг мажбуриятига киради.

Ижарага берилган турар жойни ижарага олувчининг розилигисиз қайта қуришга, ўзгартиришга, агар бундай қайта қуриш ва ўзгартириш уй-жойдан фойдаланиш шароитларини тубдан ўзгартирса, йўл қўйилмайди.

**63-м о д д а. Уйнинг капитал таъмирланиши муносабати билан фуқароларга турар жой бериш**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жой капитал таъмирланаётганда, таъмирлашни ижарага олувчини кўчирмасдан амалга ошириш мумкин бўлмаса, ижарага берувчи таъмирланаётган турар жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилмаган ҳолда ижарага олувчига, унинг оила аъзоларига ва у билан доимий яшаётган фуқароларга капитал таъмирлаш ўтказиш вақтида бошқа турар жой бериши шарт. Ижарага олувчи бу турар жойга кўчиб киришни рад этган тақдирда ижарага берувчи унинг кўчиб ўтишини суд тартибидан талаб қилиши мумкин.

Капитал таъмирлаш вақтида бериладиган турар жой санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб

бериши ҳамда шу аҳоли пункти чегараси доирасида жойлашган бўлиши керак.

Ижарага олувчини, унинг оила аъзоларини ва у билан доимий яшаётган фуқароларни улар эгаллаб турган турар жойдан бошқа турар жой майдонига кўчиб ўтиши ва (таъмирлаш тугагач) илгариги жойига қайта кўчиб ўтиши таъмирланиши керак бўлган турар жой тасарруфида бўлган ижарага берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижарага олувчи капитал таъмирлаш муносабати билан бошқа турар жойда яшаган даврда у фойдаланиш ва коммунал хизматлар учун капитал таъмирлаш вақтига берилган турар жой учун ҳақ тўлайди.

Капитал таъмирлаш даврида вақтинчалик турар жой бериш ўрнига ижарага олувчига, унинг оила аъзоларига ва у билан доимий яшаётган фуқароларга уларнинг розилиги билан доимий фойдаланиш учун бошқа обод турар жой берилиши мумкин.

Турар жой таъмирлаб бўлингач, ижарага берувчи турар жойни ижарага олувчига қайтаришдан бош тортган ҳолда ижарага олувчи судга мурожаат этишга ҳақлидир.

**64-м о д д а. Реконструкция ёки капитал таъмирлаш натижасида уй-жой майдони ўлчами тубдан ўзгарган тақдирда ижарага олувчига бошқа турар жой бериш**

Ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар эгаллаб турган муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни реконструкция ёхуд капитал таъмирлаш натижасида сақлаб қолиш мумкин бўлмаганда ёки у тубдан кенгайганда, торайганда ижарага олувчига ва унинг оила аъзоларига, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқароларга капитал таъмирлаш бошлангунга қадар шу аҳоли пункти чегараси доирасида бошқа обод турар жой берилиши керак.

**65-м о д д а. Турар жойни ва ёрдамчи хоналарни қайта қуриш ҳамда ўзгартириш**

Муниципал ва идоровий уй-жой фондидаги турар жойни ҳамда ёрдамчи хоналарни қайта қуриш, ўзгартириш квартирани янада обод қилиш мақсадида амалга оширилиши мумкин ва бунга ижарага олувчининг, унинг вояга етган оила аъзоларининг, у билан доимий яшаётган фуқароларнинг, ижарага берувчининг розилиги билангина йўл қўйилади.

Ижарага берувчининг, ижарага олувчининг, унинг вояга етган оила аъзоларининг ёки у билан доимий яшаётган фуқароларнинг турар жойни ва ёрдамчи хоналарни қайта қуриш ёки ўзгартиришни рад этиши билан боғлиқ низолар суд тартибидан ҳал этилади.

Турар жой ва ёрдамчи хоналарни ижарага берувчининг рухсатисиз ўзбошимчилик билан қайта қурган ёки ўзгартирган ижарага олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойларни ва ёрдамчи хоналарни қайта қуриш ҳамда ўзгартириш ман этилади.

### **66-м о д д а. Турар жойни ижарага бериш шартномасини ўзгартириш**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси фақат ижарага олувчи, унинг вояга етган оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ҳамда ижарага берувчининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Ижарага олувчи, унинг вояга етган оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқароларнинг талаби бўйича шартнома вояга етган оила аъзоларидан бири билан тузилиши мумкин. Ижарага олувчи турар жойдан кўчиб кетган ёки у вафот этган тақдирда шартнома ушбу турар жойда яшаётган вояга етган оила аъзоларидан бири билан тузилади.

Оила аъзосининг ижарага олувчи деб тан олиниши муносабати билан юзага келадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

### **67-м о д д а. Ижарага олувчи оила аъзосининг талаби бўйича турар жойни ижарага бериш шартномасининг ўзгартирилиши**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди уйларидаги ижарага олувчининг оила аъзоси, агар оиланинг бошқа аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар рози бўлса ҳамда унинг улушига тўғри келадиган турар жой майдонига мувофиқ ёхуд турар жойдан фойдаланиш тартиби тўғрисида тузилган келишувни ҳисобга олган ҳолда унга ушбу Кодекснинг 9-моддаси талабларига жавоб берадиган турар жой ажратилиши мумкин бўлса, ўзи билан алоҳида ижара шартномаси тузилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Алоҳида ижара шартномаси тузиш талаб қилиниши муносабати билан юзага келадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

### **68-м о д д а. Бир оилага бирлашган ижарага олувчиларнинг талаби бўйича турар жойни ижарага бериш шартномасининг ўзгартирилиши**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида алоҳида ижара шартномаларига биноан яшаётган фуқаролар бир оилага бирлашганлари тақдирда ўзлари эгаллаб турган барча турар жой учун улардан бирортаси билан ягона ижара шартномаси тузилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ижарага берувчининг ягона ижара шартномаси тузишни рад этганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **69-м о д д а. Турар жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича амалга оширилади.

Турар жойни ижарага олувчи оила аъзоларининг ҳамда ўзи билан доимий яшаётган фуқароларнинг ро-

зилиги билан исталган вақтда ижарага берувчини уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, ижара шартномасини бекор қилиши мумкин. Ана шундай огоҳлантиришсиз шартнома бекор қилинган тақдирда ижарага олувчи кейинги уч ой учун турар жой ҳақини тўлаши шарт.

Ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ҳамда у билан доимий яшаётган фуқаролар бошқа аҳоли пунктига доимий яшаш учун жўнаб кетганларида ёки шу аҳоли пунктидаги бошқа турар жойга кўчиб ўтганларида турар жойни ижарага бериш шартномаси жўнаб кетган ёки кўчиб ўтган кундан бошлаб бекор қилинган деб ҳисобланади.

Турар жойни ижарага бериш шартномаси исталган тарафнинг талаби бўйича:

агар турар жой доимий яшаш учун яроқсиз бўлиб қолса, шунингдек у авария ҳолатида бўлса;

агар турар жой жойлашган уй бузилиши керак бўлса;

уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Ижарага бериш шартномаси ижарага берувчининг талаби бўйича қуйидаги ҳолларда суд тартибида бекор қилиниши мумкин:

агар шартномада узоқроқ муддат белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи олти ой ортиқ муддат учун турар жой ҳақини тўламаса, қисқа муддатли ижарада эса, шартномада белгиланган тўлов муддатини ўтказиб икки мартадан ортиқ тўламаса;

ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавоб берадиган фуқаролар турар жойни бузса ёхуд шикастлантурса. Агар турар жойни ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавоб берадиган бошқа фуқаролар турар жойдан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган бўлса, ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузаётган бўлса, ижарага берувчи ижарага олувчини огоҳлантириши мумкин ва бу талаблар бажарилмаганда турар жойни ижарага бериш шартномасини суд тартибида бекор қилишга ҳақлидир.

Турар жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бар-тараф этиш тартиби ва муддатлари қонун билан белгиланади.

### **70-м о д д а. Турар жойдан кўчириш**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги эгаллаб турилган турар жойдан кўчиришга ушбу Кодексда белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади.

Кўчириш суд тартибида амалга оширилади.

Турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахслар прокурор санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчириладилар.

Маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурор қарори устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **71-м о д д а. Фуқароларга бошқа обод турар жой берган ҳолда кўчириш**

Фуқароларга бошқа обод турар жой берган ҳолда улар муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақ-

садли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойлардан қуйидаги ҳолларда кўчирилади:

агар турар жой жойлашган уй бузилиши керак бўлса;

турар жой белгиланган тартибда авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса;

турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилаётган бўлса.

Турар жойлар жойлашган муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйи давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузилиши керак бўлса, ёхуд турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлса, ушбу турар жойдан кўчирилаётган фуқароларга бошқа обод турар жой берилади ва бу турар жой ер участкаси ажратилаётган ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлган турар жой берилаётган корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан берилади.

Агар турар жой авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса, ушбу турар жойдан кўчирилаётган фуқароларга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа обод турар жой беради.

Кўчирилиши муносабати билан фуқароларга берилаётган бошқа обод турар жой ушбу Кодекснинг 9-моддасида белгиланган турар жойларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бериши, шу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлиши ва майдони илгари эгаллаб турилган майдондан кичик бўлмаслиги керак.

Агар ижарага олувчи алоҳида квартирани ёки биттадан ортиқ хонани эгаллаб турган бўлса, унга тегишлигича алоҳида квартира ёхуд худди шунча хонали турар жой берилиши лозим.

Агар ижарага олувчи ортиқча уй-жой майдониغا эга бўлган бўлса, турар жой бир киши ҳисобига уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормасидан кам бўлмаган ҳажмда, қўшимча уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга бўлган ва амалда ундан фойдаланиб келган ижарага олувчига ёки унинг оила аъзоларига – қўшимча уй-жой майдони нормаси ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Кўчирилаётган шахсга берилаётган турар жой ижарага олувчини кўчириш тўғрисидаги суд қарорида, маъмурий тартибда кўчирилаётганда эса, прокурор қарорида кўрсатилган бўлиши шарт.

**72-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли турар жойларни ҳисобга олиш, бериш, улардан фойдаланиш, уларни бронлаштириш, алмаштириш, уларга такроран кўчиб кириш**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли турар жойларни ҳисобга олиш, бериш, улардан фойдаланиш, уларни бронлаштириш, алмаштириш, уларга такроран кўчиб кириш ушбу Кодексга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**73-м о д д а. Бошқа обод турар жой берган ҳолда ҳарбий шаҳарчалардан кўчириш**

Ҳарбий хизматдан резервга бўшатишган ёки истеъфога чиққан ҳарбий хизматчилар ҳамда уларга тенг-

лаштирилган шахслар, шунингдек улар билан яшовчи шахслар ҳарбий шаҳарчалардаги ўзлари эгаллаб турган турар жойдан бошқа обод турар жой берилган ҳолда кўчирилишлари мумкин. Ҳарбий ташкилотлар билан алоқасини узган бошқа шахслар ҳам ҳарбий шаҳарчалардан худди шу тартибда кўчириладилар.

(Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрь ЎРҚ-238-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 553-модда)

**74-м о д д а. Фуқароларга бошқа турар жой бермасдан кўчириш**

Агар муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойни бузаётган ёхуд шикастлантираётган ёки ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир квартира ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, бунда огоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари натижа бермаган бўлса, шунингдек шартномада узоқроқ муддат белгиланмагани ҳолда ижарага олувчи турар жой ҳақини олти ой тўламаган бўлса, қисқа муддатли ижарага эса шартномада белгиланган тўлов муддати ўтгандан сўнг икки мартадан ортиқ тўланмаган ҳолда ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича айбдорларни кўчириш бошқа турар жой бермасдан амалга оширилади. Шунингдек ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганликлари учун ўз фарзандлари билан бирга яшаши мумкин эмас деб топилса, улар бошқа турар жой бермасдан кўчирилишлари мумкин.

Бирга яшаш имкони бўлмаганлиги сабабли бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши лозим бўлган шахслар ўзлари эгаллаб турган турар жойдан кўчирилиш ўрнига уни алмаштиришдан манфаатдор тараф кўрсатган бошқа турар жойга алмаштиришга суд томонидан мажбур этилишлари мумкин.

Турар жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар бошқа турар жой бермасдан ушбу Кодекс 70-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда кўчириладилар.

**IV бўлим. ХИЗМАТ ВА МАХСУС ТУРАР ЖОЙЛАРНИ БЕРИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**8-боб. ХИЗМАТ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИ БЕРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**75-м о д д а. Хизмат турар жойлари**

Хусусий, муниципал, идоровий уй-жой фонди ёки аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида жойлашган, ўз меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра иш жойига бевосита яқин ерда яшаши керак бўлган фуқаролар кўчиб киришига мўлжалланган турар жойлар хизмат турар жойлари деб ҳисобланади.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган, меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган шахсларга,

ҳарбий хизматчиларнинг айрим тоифаларига, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатдаги бошқа шахсларга бериладиган турар жойлар ҳам хизмат турар жойларига киритилиши мумкин.

Белгиланган тартибда оилавий болалар уйи ташкил этилганда тарбиясига олинган болалар билан биргаликда яшаши учун тарбиячи — ота-она этиб тайинланган фуқароларга хизмат уйи ёки хизмат квартираси бериледи.

Хизмат турар жойларидан ўз мақсадида фойдаланилади.

Хизмат турар жойлари меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатига ёки хизмат даврига, сайлаб қўйиладиган лавозим муддати тугагунга қадар бериледи.

Хизмат турар жойларини бериш тартиби, шунингдек уларни олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар тоифалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **76-м о д д а. Ижара шартномасини тузиш**

Хизмат турар жойи ижара шартномаси шу турар жой мулкдори ёки у вакил қилган орган билан иш, хизмат вақтида ундан фойдаланиш учун топшириладиган шахс ўртасида тузилади.

Хизмат турар жойи ижара шартномаси ёзма шаклда тузилади.

#### **77-м о д д а. Хизмат турар жойларидан фойдаланиш**

Хизмат турар жойларидан фойдаланиш муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги турар жойлардан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **78-м о д д а. Ижара шартномасини бекор қилиш**

Хизмат турар жойи ижара шартномаси меҳнат, хизмат муносабатлари тугатилиши билан бир вақтда бекор бўлади.

Агар меҳнат, хизмат муносабатлари тикланса, хизмат турар жойини ижарага олувчи хизмат турар жойи ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ҳам ижара шартномасини қайта тиклашда имтиёзли ҳуқуқни сақлаб қолади.

#### **79-м о д д а. Бошқа турар жой бермасдан хизмат турар жойларидан кўчириш**

Корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узган ходимлар, шунингдек сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган шахслар, ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар билан бирга яшаётган барча шахслар билан биргаликда бошқа турар жой бермасдан хизмат турар жойидан кўчириладилар.

Агар хизмат турар жойи ижара шартномаси муддати тугагач, ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар шу турар жойни бўшатиб беришдан бош тортсалар, улар бошқа турар жой бермасдан суд тартибда кўчириладилар, ушбу Кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **80-м о д д а. Бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан кўчириш**

Бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан кўчириладилар:

I ва II гуруҳ ногиронлари;

1941 – 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;

ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

ногирон фарзандлари бўлган оилалар;

тарбиячи-ота-оналар, оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда;

хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;

эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;

ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;

хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;

вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган фуқароларга шу Кодекснинг 9-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳамда ушбу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлган турар жой бериледи.

#### **9-БОБ. МАХСУС УЙЛАРДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

##### **81-м о д д а. Махсус уйлар**

Махсус уйлар фуқароларнинг айрим тоифалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда яшаши учун мўлжаллангандир.

Махсус уйлар жумласига қуйидагилар киради:

ётоқхоналар;

вақтинчалик уй-жой фонди уйлари;

ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар;

болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар.

##### **82-м о д д а. Ётоқхоналар бериш ва улардан фойдаланиш**

Ходимлар, хизматчилар, студентлар, ўқувчилар, шунингдек бошқа фуқароларга ишлаш, хизмат ёки ўқиш даврида яшаш учун ётоқхоналар берилиши мумкин. Махсус қурилган ёки шу ётоқхоналар учун қайта жиҳозланган уйлар ётоқхоналар сифатида бериледи. Ётоқхоналар уларда яшайдиган фуқароларнинг истиқомат қилишлари, шуғулланишлари ва дам олишлари учун зарур бўлган мебель, бошқа уй-рўзғор асбоблари ва маданий-маиший буюмлар билан таъминланган бўлади.

Ётоқхоналардан жой бериш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Уйларни ётоқхоналарга ўтказиш, шунингдек ётоқхоналарга уйлар мақомини бериш уй-жой фондининг мулкдорлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

### **83-м о д д а. Вақтинчалик уй-жой фонди турар жойларини бериш ва улардан фойдаланиш**

Вақтинчалик уй-жой фонди тегишли уй-жой фондининг мулкдори ёки у ваколат берган органнинг қарори бўйича ташкил қилиниши мумкин. Вақтинчалик уй-жой фонди турар жойлари ижарага бериш шартномаси асосида фуқаролар эгаллаб турган турар жойлар капитал таъмирланиши, реконструкция, модернизация қилиниши муносабати билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда уларнинг вақтинча яшаб туришига мўлжалланган бўлиб, санитария, ёнғинга қарши ва техник талабларга жавоб бериши лозим.

Вақтинчалик уй-жой фондидан турар жойлар фуқароларга турар жойи капитал таъмирланиши лозим бўлган, лекин унда яшаб турган фуқароларни кўчирмасдан таъмирлашнинг имкони бўлмаган турар жойнинг ижарага берувчиси томонидан берилади.

Вақтинчалик уй-жой фонди турар жойларини бериш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **84-м о д д а. Махсус мақсадли уйлардан турар жойлар бериш**

Ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлардан, болалар уйларидан ҳамда бошқа махсус мақсадли уйлардан, уларни тузган орган қарорига биноан турар жойлар берилади.

### **85-м о д д а. Махсус уйлардан кўчириш**

Махсус уйлардан кўчириш ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Меҳнат, хизмат муносабатларини тугатган фуқаролар, шунингдек ўқув юртларида ўқишни тамомлаган шахслар уларга иши, хизмати ёки ўқиши муносабати билан берилган ётоқхонадан бошқа турар жой бермасдан кўчирилади.

Ушбу Кодекснинг 80-моддасида қайд этиб ўтилган фуқаролар бошқа турар жой бермасдан ётоқхонадан кўчирилишлари мумкин эмас.

Вақтинчалик уй-жой фонди турар жойларидан ва бошқа махсус уйлардан кўчириш ушбу турар жой берилишига олиб келган сабаблар бартараф этилганлиги (капитал таъмирлаш тугаганлиги, бошқа турар жой берилганлиги ёки олинганлиги ва хоказо) муносабати билан, шунингдек ушбу Кодексда ва ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам амалга оширилади.

## **V бўлим. ТУРАР ЖОЙ АРЕНДАСИ**

### **86-м о д д а. Турар жой арендаси шартномаси**

Турар жой фуқаролар ва юридик шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун аренда шартномаси асосида берилиши мумкин. Юридик шахс турар жойдан фақат фуқаролар яшаши учун фойдаланиши мумкин. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ўРҚ-313-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

Турар жой арендаси шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Фуқаролар ўртасида тузилган турар жой арендаси шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрь ўРҚ-313-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 556-модда)

Турар жой арендаси шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

турар жойни арендага бериш тартиби ва унинг қиймати;

турар жой арендасининг муддатлари;

турар жойни арендага бериш шартлари ва аренда ҳақи миқдори, уни тўлаш муддатлари;

арендага берувчи арендага бераётган турар жойнинг, муҳандислик қурилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

шартнома муддати ўтиши билан турар жойни арендага берувчига қайтариш тартиби;

арендага берилган турар жойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари;

арендага берилган турар жойни ижарага бериш ёки иккиламчи арендага бериш имкониятлари, шартлари ва тартиби;

тарафларнинг жавобгарлиги.

Турар жой арендаси шартномасига тарафларнинг келишуви бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

### **87-м о д д а. Турар жойни арендага бериш**

Арендага берувчи турар жойни арендага олувчига яшаш учун яроқли ҳолатда ҳамда ушбу Кодекснинг 9-моддасига биноан турар жойларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ҳолатда арендага бериши шарт.

Арендага берувчи арендага берилаётган турар жойнинг муҳандислик қурилмалари ва конструкцияларидаги шартнома тузилаётган пайтда аниқланган ёки аниқланмаган барча нуқсонлар, носозликлар учун жавобгар бўлади.

### **88-м о д д а. Арендага олинган турар жойни тасарруф этиш**

Арендага олувчи арендага берувчининг розилиги билан арендага берилган турар жойни иккиламчи арендага (ижарага) беришга ва аренда шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), арендага берилган турар жойни текин фойдаланишга беришга ҳақлидир. Бундай ҳолларда

арендага олувчи арендага берувчи олдидан шартнома бўйича жавобгар бўлиб қолади.

Турар жойни иккиламчи арендага (ижарага) бериш шартномаси аренда шартномаси амал қиладиган муддатдан узоқроқ муддатга тузилиши мумкин эмас.

### **89-м о д д а. Турар жойни кейинчалик сотиб олиш шarti билан арендага бериш**

Арендага олувчи арендага берувчининг розилиги билан арендага берилган турар жойни тўлалигича ёки қисман сотиб олиши мумкин. Арендага берилган турар жойни сотиб олиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Турар жойни арендага бериш ва сотиб олиш шартномаси тузилаётган, ўзгартирилаётган, бекор қилинаётганда юзага келадиган низолар суд тартибидан кўриб чиқилади.

### **90-м о д д а. Турар жойнинг аренда ҳақи**

Аренда ҳақини тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари турар-жой арендаси шартномасида белгилаб қўйилади.

Турар жой аренда ҳақининг миқдори тарафларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

### **91-м о д д а. Арендага берилган турар жойда яшаш шароитларини яхшилаш**

Турар жойни арендага олувчи шахс, агар аренда шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, арендага берувчининг розилиги билан ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан турар жойларда яшаш шароитини яхшиловчи ўзгартиришлар қилиш, реконструкциялаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Агар арендага берилган турар жойнинг сифати арендага берувчининг розилиги билан яхшиланса, шартнома муддати ўтганидан кейин ёки шартнома бекор қилинганда, башарти аренда шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, арендага олувчи ушбу мақсадда қилган барча харажатлари ижарага берувчи томонидан қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Арендага берилган турар жойни яхшилаш учун арендага олувчи томонидан арендага берувчи билан келишилмаган ҳолда қилинган харажатлар қиймати, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қопланмайди.

### **92-м о д д а. Арендага берувчи ўзгарган тақдирда турар жой арендаси шартномасининг сақланиб қолиши**

Арендага берилган турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг ўзга шахсга ўтиши аренда шартномасининг ўзгариши ёки бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

### **93-м о д д а. Турар жой арендаси шартномасининг ўзгариши ёки бекор қилиниши асослари**

Турар жой арендаси шартномаси, агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлма-

са, тарафлар келишуви бўйича ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартнома шартлари бир тарафнинг айби билан бузилганда, шунингдек шартномада ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда турар жой арендаси шартномаси иккинчи тарафнинг талабига биноан суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Агар турар жойнинг аренда ҳақи шартномада белгиланган муддат ўтганидан сўнг кетма-кет икки мартадан ортиқ тўланмаётган бўлса, аренда шартномаси суд тартибидан бекор қилиниши мумкин ва арендага олувчи арендага берилган турар жойдан бошқа турар жой берилмасдан кўчирилиши керак.

### **94-м о д д а. Аренда шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда турар жойни иккиламчи арендага (ижарага) бериш шартномасининг бекор бўлиши**

Турар жой арендаси шартномасининг муддатидан илгари бекор қилиниши, агар турар жой арендаси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унга мувофиқ тузилган иккиламчи арендага (ижарага) бериш шартномасининг ҳам бекор бўлишига олиб келади.

Агар турар жой арендаси шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидан назарда тутилган асосларга биноан ҳақиқий эмас деб топилса, унга мувофиқ тузилган иккиламчи арендага (ижарага) бериш шартномаси ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

### **95-м о д д а. Турар жой арендаси шартномасини қайта тиклаш**

Башарти турар жой арендаси шартномаси муддати ўтганидан кейин ҳам арендага олувчи арендага берилган турар жойдан амалда фойдаланишни давом эттирсан ва арендага берувчи шартнома муддати ўтгунга қадар бунга эътироз билдирмаган бўлса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома ҳудди ўша шартлар асосида қайта тикланиши деб ҳисобланади.

Турар жой арендаси шартномасининг муддати ўтганидан кейин шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажарган арендага олувчи турар жой арендаси шартномасини қайта тиклаш масаласида бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

## **VI бўлим. УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА УЙ-ЖОЙ КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ УЙЛАРИДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАР**

### **10-бoб. УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА УЙ-ЖОЙ КООПЕРАТИВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

#### **96-м о д д а. Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари**

Уй-жой қуриш кооперативи фуқаролар ўз маблағлари билан биргаликда қурилишда иштирок этиши йўли билан келгусида уйдан (уйлардан) фойдаланиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш учун ташкил этилади.



Уй-жой кооперативи янги, реконструкция қилинган иморатларни сотиб олиш ва келгусида уйдан (уйлардан) фойдаланиш учун ташкил этилади.

Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари фуқароларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида ташкил этиладиган матлубот кооперативлари ҳисобланади. Агар кооперативнинг барча аъзолари турар жойларнинг мулкдорлари бўлсалар, улар уй-жой мулкдорлари ширкатига бирлашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари белгиланган тартибга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳисобланади.

### **97-м о д д а. Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларига кириш ҳуқуқи**

Фуқаролар ўзларининг уй-жой шароитларини яхшилаш учун уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативларига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативлари давлат рўйхатидан ўтгандан кейин кириш бадалини ҳамда турар жойнинг қурилиш ёки харид қийматига нисбатан уставда ёхуд шартномада белгиланган ўз пай бадаллари қисмини тўлаган муассис-фуқаролар шу кооперативларнинг аъзоси деб тан олинади.

Кооператив бошқарув органининг қарорига биноан белгиланган миқдордаги кириш ҳамда пай бадалларини тўлаган фуқаролар фаолият кўрсатаётган уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзоси бўлишлари мумкин.

### **98-м о д д а. Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларини рўйхатдан ўтказиш**

Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қабул қилган устав асосида фаолият кўрсатади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатдан ўтиши керак.

Битта уйда иккита уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативларининг тузилишига йўл қўйилмайди. Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари, агар уларнинг уставида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда тузилади.

Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларини рўйхатдан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

ариза;  
умумий (таъсис) йиғилишнинг баённомаси;  
уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг устави;  
қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг номида фаолиятининг асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек, «кооператив» сўзи бўлиши керак.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган муддатда кўриб чиқилади ва шу муддат мобайнида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида;

тақдим этилган ҳужжатларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш муддати тўғрисида;

уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини тузиш тартиби ва шартлари бузилган, унинг устави қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмаган ҳолдагина тегишли кооперативни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин. Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини тузилиши мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ун рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Рўйхатдан ўтказувчи органининг қарори устидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

## **11-БОБ. УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА УЙ-ЖОЙ КООПЕРАТИВЛАРИ УЙЛАРИДАН ТУРАР ЖОЙ ОЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ**

### **99-м о д д а. Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари уйларидан турар жой олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш шартлари ҳамда тартиби**

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини аъзосига кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра, пай бадали миқдорига мувофиқ, бир ёки бир неча хонадан иборат бўлган алоҳида квартира берилади.

Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари уйдаги квартираларга маҳаллий давлат ҳокимияти органи берадиган ордерга мувофиқ кўчиб кирилади. Ордер беришни рад этиш устидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативини пай бадали турар жойнинг қурилиш ёки харид қиймати умумий суммасига тенг бўлган мулккий (пул) бадали ҳисобланади. Уй-жой қуриш кооперативини аъзоларига бериладиган квартираларнинг қиймати уйни қуриш учун амалда қилинган харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Пай бадали уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини аъзоси томонидан бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўланади.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини аъзоси пай бадалининг қолган қисмини муддатидан олдин тўлаш ҳуқуқига эгадир.

### **100-м о д д а. Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативини аъзоси кооператив уставида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эгадир.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг турар жой мулкдори бўлмаган аъзоси ўзи билан бирга яшовчи, пай жамғармасига бўлган ҳуқуқи тан олинган оила аъзоларининг, шу жумладан вақтинча бўлмаганларининг ёзма розилиги билан эгаллаб турган турар жойини уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг турар жой мулкдори бўлган бошқа аъзоси билан алмаштиришга ҳақлидир, бунда турар жойни алмаштираётган шахс кооператив аъзолигига қабул қилинган бўлиши ва у кредит ҳамда фоизларнинг тегишли қисмини тўлаш хусусидаги кооператив уставининг талабларини бажариши керак.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзоси қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жойни ижарага ёки арендага беришга ҳақлидир.

**101-м о д д а. Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзосининг пайга бўлган ҳуқуқи**

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзоси турар жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга асос бўладиган пай бадалига бўлган ҳуқуққа ҳамда пай бадали ҳисобига ўзи тўлаган суммага бўлган мулк ҳуқуқига эгадир.

Пайга бўлган ҳуқуқ бир неча шахсга тегишли бўлиши мумкин, уларнинг таркиби шу шахсларнинг розилиги билан уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси томонидан белгиланади.

Турар жойда яшайдиган, лекин шерик пайчи бўлмаган шахслар тегишли турар жойдан фақат фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

**102-м о д д а. Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзосида турар жойга бўлган мулк ҳуқуқининг ву-жудга келиши**

Агар уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи уста-вида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ўзи эгаллаб турган турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлади, пайчининг пай жамғармаси қисмига ҳуқуқи бўлган оила аъзолари эса пай бадалининг барча суммаси тўланган кундан бошлаб умумий мулк ҳуқуқига эга бўладилар.

**103-м о д д а. Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи уйларидаги турар жойни бўлиш**

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи уйларидаги турар жойни шерик пайчилар ўртасида бўлишга, агар уларнинг ҳар бирига алоҳида турар жой ажратиш мумкин бўлса, йўл қўйилади. Алоҳида бўлмаган турар жойларни қайта қуриш ёки ўзгартириш ҳисобига алоҳида турар жойга айлантириш мумкин бўли анда ҳам турар жойларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бўлишга йўл қўйилади.

Турар жойни бўлиш тўғрисидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

**104-м о д д а. Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзолигидан чиқариш**

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзоси умумий йиғилиш қарори бўйича қуйидаги ҳолларда кооперативдан чиқарилиши мумкин:

ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳужжатлар тақдим этилиши, агар бу ҳужжатлар кооперативга кириш учун асос бўлган бўлса;

турар жойни ёки умумий фойдаланишдаги объектларни мунтазам бузган ёки шикастлантирган ёхуд улардан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган бўлса.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи уставида ва қонун ҳужжатларида тегишли кооператив аъзолигидан чиқаришнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативидан чиқарилган аъзо турар жойдан қўчирилиши керак ва уй-жой қурилиши ҳар бир квадрат метрининг қиймати қим-

матлашганлиги ҳисобга олинган ҳолда тегишли пай бадали унга қайтариб берилади.

**VII бўлим. ТУРАР ЖОЙДАН  
Фойдаланиш ҳуқуқи**

**12-боб. ТУРАР ЖОЙНИ АЛМАШТИРИШ  
ВА АЙИРБОШЛАШ**

**105-м о д д а. Турар жойни алмаштириш  
предмети**

Қуйидагилар турар жойни алмаштириш предмети бўлиши мумкин:

бир ёки бир неча хонадан иборат турар жой; ижарага олувчи, пай жамғармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзоси, турар жой мулкдори улушига тўғри келадиган турар жойнинг қисми, шу жумладан туташ хона ёки ушбу Кодекс 106-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган шароитлар мавжуд бўлган тақдирда хонанинг қисми.

**106-м о д д а. Турар жойни алмаштириш**

Ижарага олувчилар, пай жамғармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзолари ёхуд уларнинг оила аъзолари, шунингдек турар жойнинг умумий мулки иштирокчилари ўз улушларига тўғри келадиган уй-жой майдонининг қисмини бошқа турар жойнинг ижарага олувчилари, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ёхуд уларнинг оила аъзолари билан алмаштиришга ҳақлидирлар, алмаштириш оқибатида кўчиб кираётганлар бу жойда яшаш учун қолаётганларнинг оила аъзоси сифатида ёхуд умумий мулк иштирокчилари сифатида кўчиб киришлари керак.

Турар жойларни алмаштириш унинг иштирокчилари сони чекланмаган ҳолда амалга оширилади.

Турар жойларни алмаштириш ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро ўтказиш тарзида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига биноан амалга оширилади.

Турар жойларни алмаштириш айнан бир уйдаги ёки турли уйлардаги турар жойларда, шу жумладан турли аҳоли пунктларида жойлашган турар жойларда яшаётган фуқаролар ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи ва уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативларининг аъзолари ўзлари билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларининг, шу жумладан, улар билан доимий яшаётган, вақтинча бўлмаган фуқароларнинг ёзма розилигига биноан эгаллаб турган турар жойни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмаштиришга ҳақлидирлар. Бунда вояга етмаган оила аъзоларининг розилиги ота-оналари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тасдиқланади.

Корхона, муассаса, ташкилотларнинг уйлари, квартираларидаги турар жойларни фақат уларнинг розилиги жойини алмаштиришга йўл қўйилади. Алмаштиришга розилик берилмаганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойнинг ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойни фақат шу уй-жой фондининг турар жойида яшовчи ижарага олувчи билан алмаштириши мумкин.

**107-м о д д а. Оила аъзоларининг розилиги бўлмаган тақдирда турар жойни алмаштириш**

Агар турар жойнинг мулкдори ва унинг вояга етган оила аъзолари, ижарага олувчи ва унинг вояга етган оила аъзолари ҳамда у билан доимий яшаётган фуқаролар, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ва пай жамгармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган унинг оила аъзолари ўртасида турар жойни алмаштириш тўғрисида келишувга эришилмаган бўлса, улардан ҳар бири эгаллаб турган турар жойини турли уйлар, квартиралардаги турар жойларга мажбуран алмаштиришни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Бунда алмаштирилаётган турар жойда яшаётган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинади.

Суд турар жойни мажбуран алмаштириш тўғрисида қарор чиқарганда турар жойга бўлган ҳуқуқдаги улушларнинг тенглигидан келиб чиқади, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

агар мулкдор ва унинг вояга етган оила аъзолари ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тўғрисида ушбу турар жойдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларнинг тенг эмаслигини назарда тутувчи келишувга эришилган бўлса;

уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ва унинг оила аъзоларининг пай жамгармасига бўлган ҳуқуқлари тенг бўлмаса;

турар жойга умумий мулк ҳуқуқида мулкдорларнинг улушлари тенг бўлмаса.

**108-м о д д а. Ҳомийлик ёки васийликка олинган шахснинг турар жойини алмаштириш**

Ҳомийликка ёки васийликка олинган шахснинг фойдаланишида ёхуд мулкда бўлган турар жойни алмаштириш учун тегишли ҳомийлик ва васийлик органининг розилиги талаб қилинади.

Алмаштиришга розилик бермаслик устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**109-м о д д а. Турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайдиган шарт-шароитлар**

Қуйидаги ҳолларда турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайди, агар:

ижарага олувчига нисбатан турар жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида даъво тақдим этилган бўлса;

жиноят иши кўзғатилиши муносабати билан турар жой хатланган (бошқа шахсга бериш тақиқлаб қўйилган) бўлса;

алмаштириш сохта тусда бўлса;

турар жой техник носоз ҳолатда бўлиб, бузиладиган ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қайта қуриладиган ёхуд давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун берилладиган бўлса;

турар жой яшаш хоналарини қайта қуриш ёки ўзгартириш билан капитал таъмирланиши лозим бўлса; алмаштириладиган турар жойлардан бири аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйида бўлса; жой хизмат турар жойи бўлса ёки ётоқхонада бўлса; алмаштириш муносабати билан алмашаётган тарафлардан бирининг уй-жой шароитлари тубдан ёмонлашиб, бунинг оқибатида фуқаролар уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлиб қолсалар.

Қонун ҳужжатларида турар жой алмаштирилишини манътувчи бошқа ҳоллар назарда тутилган бўлиши мумкин.

**110-м о д д а. Турар жойлар алмаштирилишини расмийлаштирувчи органлар**

Бир аҳоли пункти чегараси доирасидаги давлат уй-жой фондининг турар жойларини алмаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан расмийлаштирилади.

Агар турар жойлар турли аҳоли пунктларида бўлса, алмаштириш алмаштирилаётган турар жойлардан бири жойлашган жойдаги (алмаштириш иштирокчиларининг хоҳишига кўра) маҳаллий давлат ҳокимияти органларида расмийлаштирилади.

Хусусий уй-жой фондидаги турар жойларни алмаштириш нотариал гувоҳлантирилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

**111-м о д д а. Турар жойларни алмаштириш тўғрисида ариза**

Турар жойларни алмаштириш истагида бўлган фуқаролар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига белгиланган шаклда аризани топширадилар.

Мулкдор, ижарага олувчи, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзосининг аризасига қуйидагилар илова қилинади:

турар жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат ёки турар жой ордери;

турар жойда яшаётган шахслар кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;

солиқлар, турар жойдан фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

идоровий уй-жой фондининг уйидаги турар жойни алмаштиришда – шу фонд эгасининг турар жойни алмаштиришга розилигини тасдиқловчи ҳужжат ёхуд тегишли ҳолларда – суд қарорининг нусхаси;

турар жойнинг бир қисми алмаштирилаётганда шу алмаштирилаётган турар жойда яшаш учун қолаётган у ёки бу шахс билан никоҳда бўлганлиги ёки қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

оиланинг барча вояга етган, шу жумладан вақтинча бўлмаган аъзоларининг, давлат уй-жой фонди уйларида эса, шунингдек ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқароларнинг ёзма розилиги;

ҳомийлик ёки васийликка олинган шахснинг фойдаланишидаги турар жой алмаштирилаётганида ҳомийлик ва васийлик органининг розилиги;

турар жойини кооператив аъзоси билан алмаштириладиган шахс кооперативга қабул қилинганлиги тўғрисидаги уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи бошқарувининг қароридан кўчирма ёхуд тегишли ҳолларда суд қарорининг нусхаси;

битта кооператив аъзолари ўртасида турар жойлар алмаштирилаётганда – уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи бошқарувининг алмаштиришга розилиги тўғрисидаги қароридан кўчирма ёхуд тегишли ҳолларда – суд қарорининг нусхаси.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ариза қабул қилинган деб ҳисобланади.

### **112-м о д д а. Турар жойларни алмаштириш-ни расмийлаштириш**

Турар жойларни алмаштириш тўғрисидаги шартнома турар жойларни алмаштириш расмийлаштирилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бериладиган алмаштирув ҳужжатлари (ордерлари) олинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Агар фуқаролар бир оилга бирлашиш мақсадида алмаштириш натижасида бир квартирада хоналарни олсалар, уларга битта ордер берилади.

Ордерлар турар жойларни алмаштиришда иштирок этаётган шахслар томонидан ёхуд ишончнома бўйича бошқа шахслар томонидан бир вақтда олиниши лозим, мажбурий алмаштирилаётган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни муниципал ёки идоравий уй-жой фондининг уйидаги ёхуд уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи уйидаги турар жойларга алмаштириш алмаштирув ҳужжати (ордери) ва турар жойларни алмаштириш шартномаси билан расмийлаштирилади.

Алмаштириш шартномасида алмаштирилаётган турар жойнинг тавсифи (манзили, умумий ва яшаш майдони, хоналар сони, инвентаризация қиймати), турар жойга мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ҳамда ижарага олувчи, уй-жой қуриш, уй-жой кооперативларининг аъзоси турар жойга кўчиб киришининг асослари тўғрисидаги кўрсатмалар, турар жойга мулк ҳуқуқини олаётган шахс (шахслар), агар турар жойга мулк ҳуқуқи бир неча шахсда вужудга келади деган бўлса, уларнинг умумий мулк ҳуқуқидаги улушлари, шунингдек тарафлардан бирининг берган аризасига мувофиқ келишувга эришилиши керак бўлган бошқа шартлар кўрсатилади.

Давлат уй-жой фондидаги турар жойни алмаштириш шартномаси алмаштириш расмийлаштирилаётган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Турар жойларни алмаштириш шартномасини тасдиқлаш ва алмаштирув ордерини (ордерларини) бериш бир вақтда амалга оширилади.

Турар жойларнинг алмаштирилишини расмийлаштириш ҳужжатлар берилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида амалга оширилади.

Турар жойлар алмаштирилишини расмийлаштириш рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **113-м о д д а. Турар жойларни алмаштириш тўғрисидаги шартномани ижро этиш**

Алмаштириш бўйича олинган турар жойга кўчиб киришда фуқаро ҳужжатни (ордерни) уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотига ёхуд уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи бошқарувига топширади. Айтилган бир вақт-

да ҳужжатга (ордерга) киритилган оила аъзоларининг шахсини тасдиқловчи ҳамда унинг илгариги яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқарилгани тўғрисида белги қўйилган ҳужжатлари кўрсатилади. Ҳужжат (ордер) қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат сифатида сақланади.

Ҳужжатларни (ордерларни) олгандан кейин тарафлардан бирининг алмаштиришни рад этиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **114-м о д д а. Турар жойларни алмаштириш-ни ҳақиқий эмас деб топиш**

Турар жойларни алмаштириш суд томонидан қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин: агар у ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда амалга оширилган бўлса; битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган асосларга кўра.

Турар жойларни алмаштиришни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб алмаштириш амалга оширилган кундан бошлаб олти ой мобайнида қўйилиши мумкин.

Турар жойларни алмаштириш ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда тарафлар илгари эгаллаб келган турар жойларига кўчиб ўтишлари керак.

Турар жойларни алмаштириш тарафлардан бирининг гайриқонуний хатти-ҳаракати оқибатида ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда айбдор тараф алмаштириш туфайли етказилган зарарни бошқа тарафга қоплаши шарт.

### **115-м о д д а. Турар жойни айирбошлаш**

Турар жой мулкдори ўзига тегишли турар жойни бошқа турар жойга ёки ўзга мол-мулкка Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қоидаларига биноан айирбошлашга ҳақлидир.

### **13-БОБ. МУНИЦИПАЛ, ИДОРАВИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ВА АНИҚ МАҚСАДЛИ КОММУНАЛ УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАГИ ТУРАР ЖОЙНИ БРОНЛАШТИРИШ**

#### **116-м о д д а. Вақтинча бўлмаган фуқароларнинг сақлаш гувоҳномасини (брон) олиш ҳуқуқи**

Ижарага олувчилар, уларнинг оила аъзолари ва улар билан доимий яшаётган фуқаролар муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган турар жойларни чет элга ишга, ўқишга кетганларида – чет элда бўлган бутун вақт мобайнида, меҳнат шартномаси бўйича ишга жўнаб кетганларида – меҳнат шартномаси амал қилган бутун вақт мобайнида бронлаштиришга ҳақлидирлар.

Вақтинча бўлмаганида турар жойга бўлган ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар сақлаш гувоҳномаси (брон) берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Сақлаш гувоҳномаси (брон) вақтинча бўлмаган фуқароларга турар жойга бўлган ҳуқуқининг сақланиб қолганини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Сақлаш гувоҳномаси (брон) туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) ҳокимлиги томонидан берилади.

Сақлаш гувоҳномасини (бронни) беришни рад этиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Турар жойни ижарага бериш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш талаби кимга нисбатан билдирилган бўлса, шу шахсларга низо суд тартибида ҳал этилгунга қадар сақлаш гувоҳномаси (брон) берилмайди.

Турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзоси ёки у билан доимий яшаётган фуқаро томонидан турар жойни бронлаштириш, улар жўнаб кетган пайтдан бошлаб олти ойдан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

Агар турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар сақлаш гувоҳномасининг (броннинг) амал қилиш муддати тугайдан кейин олти ой мобайнида турар жойни ўзларига қайтариб берилишини талаб қилмасалар, турар жойни ижарага бериш шартномаси ижарага берувчининг даъвоси бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Турар жойларни бронлаштириш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **117-м о д д а. Сақлаш гувоҳномаси (брон) бериш тўғрисида ариза**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги турар жойга бўлган ҳуқуқлари сақланиб қоладиган, сақлаш гувоҳномасини (бронни) олиш истагидаги вақтинча бўлмаган фуқаролар туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) ҳокимлигига ариза берадилар. Ариза турар жойга бўлган ҳуқуқи ўзи бўлмаганида ҳам сақланиб қоладиган фуқаро томонидан имзоланади.

Сақлаш гувоҳномаси (брон) бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

турар жой ҳужжатининг (ордерининг) нусхаси;  
яшаш жойидан маълумотнома;

фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотидан маълумотнома;

сақлаш гувоҳномаси (брон) бериш учун асослар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ариза барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб берилган деб ҳисобланади.

#### **118-м о д д а. Сақлаш гувоҳномасини (бронни) бериш**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жой учун сақлаш гувоҳномаси (брон) фуқарога ариза берилган кундан бошлаб йигирма кун мобайнида бир нусхада берилади.

#### **119-м о д д а. Бронлаштирилган турар жойдан фойдаланиш**

Ижарага олувчи бронлаштирилган турар жойга сақлаш гувоҳномаси (брон) амал қиладиган муддат доирасида иккиламчи ижарага бериш шартномаси бўйича кўчириб киритишга ёки у ерга вақтинча яшовчиларни жойлаштиришга ҳақлидир.

Ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар қайтиб келгач, бронлаштирилган турар жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасидаги белгиланган муддат тугашидан қатъи назар, дарҳол бўшатишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Иккиламчи ижарага олувчилар ёки вақтинча яшовчилар ушбу турар жойни бўшатишдан бош тортган тақдирда, улар ижарага олувчининг талабига кўра бошқа турар жой бермасдан суд тартибида кўчириладилар.

#### **120-м о д д а. Сақлаш гувоҳномасини (бронни) ҳақиқий эмас деб топиш**

Сақлаш гувоҳномаси (брон) берилишига асос бўлган тақдим этилган ҳужжатлардаги вақтинча бўлмаслик сабаблари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган ҳолларда сақлаш гувоҳномаси (брон) суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

### **14-БОБ. ТУРАР ЖОЙЛАРДАН УМРБОД ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ**

#### **121-м о д д а. Турар жойлардан умрбод фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш асослари**

Турар жойлардан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда вужудга келади:

умрбод таъминлаш шarti билан уй, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси тузилганда;

васият қилувчи турар жойга бўлган хусусий мулк ҳуқуқи ўтадиган меросхўр зиммасига ушбу турар жойни умрбод фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш мажбуриятини юклаган ҳолда мерос қилиб қолдирганда.

#### **122-м о д д а. Умрбод таъминлаш шarti билан бошқа шахсга берилган турар жойдан фойдаланиш**

Умрбод таъминлаш шarti билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Умрбод таъминлаш шarti билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг предмети бўлган турар жойдан фойдаланиш шу шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Шартномада турар жойдан фақат турар жойни бошқа шахсга бераётган ва уни олаётган шахс фойдаланиши назарда тутилиши, турар жойдан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилиши ёки белгиланмаслиги ёхуд турар жойни фойдаланиш учун учинчи шахсга (учинчи шахсларга) бериш ёки қонун йўл кўядиган бошқа усулда фойдаланиш белгиланиши мумкин.

#### **123-м о д д а. Васият мажбурияти бўйича турар жойдан фойдаланиш**

Васият қилувчи турар жой ўтадиган меросхўрга бу турар жой ёки унинг муайян қисмини умрбод фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш мажбуриятини юклаган ҳақли. Мазкур мажбурият нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада ёзиб қўйилади.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Агар турар жойдан фойдаланиш тартиби васиятнома шартларига мос келмаса, тарафлар ўртасидаги низо суд тартибида ҳал қилинади.

**VIII бўлим. КЎП КВАРТИРАЛИ УЙДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАР ВА ЯШАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЖОЙЛАР МУЛҚДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКИ. ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТИ\***

**124-м о д д а. Турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқи**

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралигидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Кўп квартирали уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмас.

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкдан ҳамда шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгадир.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчилари таянч ва тўсиқ конструкцияларни, квартиралар оралигидаги ихоталанган (ўралма) пиллапояларни, зинапояларни, лифтларни, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталарни, даҳлизларни, техник қаватларни, ертўлаларни, чердаклар ва томларни, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни бошқа шахсга бериши мумкин эмас.

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг улушли мулкида турган умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий улушли мулкнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарор асосида бошқа шахсларга берилиши мумкин.

**125-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқидаги улушларни аниқлаш**

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк ҳар бир иштирокчисининг улуши шу уйнинг умумий майдонидаги унга қарашли жой майдони улушига мос бўлади.

\* VIII бўлим Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ўРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси ўз улушини бошқа шахсга беришга, ундан фуқаролар ёки юридик шахслар фойдасига воз кечишга, шунингдек уни ўзига қарашли турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига сабаб бўлувчи ўзга хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақли эмас.

Турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқи кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган улушли мулк ҳуқуқидан ажралмасдир.

Кўп квартирали уйдаги турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқи янги мулкдорга ўтганда у шу уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси бўлади.

**126-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этиш**

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси уни сақлаш, шунингдек шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни уйнинг умумий майдонидаги ўзига қарашли жой майдонига мутаносиб равишда ўз зиммасига олади.

**127-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш**

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасига эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг барча мулкдорлари келишувига кўра амалга оширилади, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса мулкдорлардан исталган бирининг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни тасаруф этиш турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг барча мулкдорлари келишувига кўра амалга оширилади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг кўпчилиги томонидан қабул қилинган қарорга биноан бошқа шахсларга фойдаланишга, арендага берилиши мумкин.

**128-м о д д а. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати**

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати (бундан буён матнда ширкат деб юритилади) кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Ширкатларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **IX бўлим. ТУРАР ЖОЙЛАР ҲАҚИНИ, УЙ-ЖОЙНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ҲАҚИНИ ТЎЛАШ\***

### **129-м о д д а. Муниципал, идоровий уй-жой фонди уйларидаги турар жойлар ҳақини ижарага бериш шартномаси бўйича тўлаш**

Муниципал, идоровий уй-жой фонди уйларидаги турар жойга тўланадиган ҳақ миқдори турар жойни ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузиладиган ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади.

Муниципал, идоровий уй-жой фонди уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси бўйича тўланадиган ҳақ миқдори уйни ва умумий фойдаланишдаги мол-мулкни сақлаш харажатларининг ўрнини қоплашни таъминлайдиган, ижарага берувчи томонидан турар жой умумий майдонининг бир квадрат метри ҳисобида белгиланган ставкалардан келиб чиқиб белгиланади.

Муниципал ва идоровий уй-жой фондиди тиклашга ажратмалар ҳамда ижарага берувчининг норматив фойдаси турар жойнинг ижара ҳақиға киради.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

### **130-м о д д а. Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги турар жойлар ҳақини тўлаш**

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди турар жойлари учун тўланадиган ҳақ ижарага бериш шартномаси бўйича уйга қараш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун кетадиган харажатларни ўз ичига олади. Турар жойни ижарага олувчи турар жой ҳақини ҳар ойда яшалган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тўлаши шарт.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг турар жойи учун ҳақ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олинади.

### **131-м о д д а. Ётоқхоналарда яшаганлик учун ҳақ олиш тартиби**

Ётоқхоналарда яшаганлик учун ҳақ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олинади.

### **132-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги турар жойларни ва умумий мол-мулкни сақлаш харажатлари**

Кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори ўзига қарашли турар жойни ўз ҳисобидан тегишли техник ва санитария ҳолатида сақлайди, шунингдек кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олади.

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий харажатларни, қоида тариқасида, мажбурий бадаллар шаклида биргаликда зиммаларига оладилар, бу бадаллар кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш, уни жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда кўп квартирали уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш харажатларининг ўрнини қоплаши керак.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича мажбурий бадаллар миқдори мазкур уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Ширкат ташкил этилмаган кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларда турар жойлар мулкдорлари билан мажбурий тартибда тузиладиган шартнома асосида иштирок этадилар. Шартноманинг шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мулкдорнинг кўп квартирали уйдаги ўзига қарашли турар жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ҳамда шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этишдан тўлиқ ёки қисман озод қилмайди.

Кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори ўзининг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирокига доир мажбуриятини турар жойни шартнома бўйича ижарага, арендага олувчига ўтказиши мумкин, бунда ҳақнинг ўз вақтида тўланиши масъулияти турар жой мулкдорининг зиммасида бўлади.

Кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори ширкатни, бошқарувчини (ижрочи директорни) ёки бошқарувчи ташкилотни ёхуд турар жойлар мулкдорлари томонидан вакил қилинган шахсни умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни тўлашга доир мажбуриятлар жойни ижарага, арендага олувчига ўтказилганлиги ҳақида хабардор қилиши шарт.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

### **133-м о д д а. Коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар**

Коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар совуқ ва иссиқ сув таъминоти, сувни чиқариб юбориш (канализация), электр таъминоти, газ таъминоти, иситиш (иссиқлик таъминоти), қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш учун тўланадиган тўловлардан иборатдир.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорлари, ижарага, арендага олувчилари ўзларига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун қонун ҳужжатларига ва коммунал хизматлар кўрсатувчи кор-

\* IX бўлимнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда

хоналар (ижрочилар) билан тузилган шартномаларга мувофиқ мажбурий тўловлар тўлайди.

Кўрсатиладиган коммунал хизматларнинг тарифлари ва мазкур хизматлар нормативлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланади.

Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

**134-м о д д а. Кўп квартирали уйдаги мол-мулкни сақлаш харажатларини ва коммунал хизматлар учун мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари**

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тўлайди.

Давлат уй-жой фонднинг кўп квартирали уйдаги жойларни ижарага, арендага олувчилар шу уйдаги умумий фойдаланишдаги мол-мулкни сақлаш ҳақини ижарага, арендага бериш шартномаси шартларига мувофиқ, бироқ ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тўлайди.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тўлаш ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай ҳар ойда амалга оширилиши керак.

Кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорлари, ижарага, арендага олувчилари кечиктирилган ҳар бир кунга юридик шахслар учун 0,4 фоиз, жисмоний шахслар учун 0,1 фоиз миқдорда, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Агар ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот кўп квартирали уйнинг коммунал хизматлар буюртмачиси бўлса, уларга пеня миқдорлари бўйича ушбу модданинг тўртинчи қисмида жисмоний шахслар учун белгиланган норма қўлланилади.

Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар уч ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

**135-м о д д а. Уй-жойни сақлаш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш харажатларини қоплаш**

Фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жойни сақлаш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Респуб-*

*ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

**136-м о д д а. Турар жойлар ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифаларини қўллаб-қувватлаш**

Турар жойлар ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифаларини қўллаб-қувватлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда)*

**Х бўлим. УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ\***

**137-м о д д а. Уй-жой фондиди сақлаш фаолияти**

Уй-жой фондиди сақлаш фаолияти уйларни бошқаришга, уларга хизмат кўрсатишга (тегишли техник ва санитария ҳолатини сақлаб туришга), уларни таъмирлашга оид фаолиятни ҳамда уларни сақлашга ва уларда яшаш ҳамда кўп квартирали уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасидан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратишга қаратилган бошқа фаолиятни ўз ичига олади.

Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш белгиланган стандартлар, нормалар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Хусусий уй-жой фондиди сақлаш харажатларини молиялаштириш мулкдорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Муниципал уй-жой фондиди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондиди сақлаш харажатларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Идоравий уй-жой фондиди сақлаш харажатларини молиялаштириш уй-жой фонди ўз тасарруфида ҳамда балансида турган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатида вайрон бўлган уй-жой фондиди тиклаш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Кўп квартирали уйларни жорий ва капитал таъмирлаш учун маблағларни жамлаш (йиғиш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**138-м о д д а. Уй-жой фондиди бошқариш**

Уй-жой фондиди бошқариш уй-жой фондиди, муҳандислик ускуналарини, шу уйларга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаларини ло-

\* Х бўлим Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 8 январь ЎРҚ-77-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 3-модда



зим даражада сақлашни, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашни ҳамда фуқароларнинг яшаши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган бошқа фаолиятни ўз ичига олади.

Давлат уй-жой фондини бошқариш уй-жой фондининг мулкдори билан бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартномага биноан амалга оширилиши мумкин.

Хусусий уй-жой фондини бошқариш бевосита турар жойлар мулкдорлари, ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулда амалга оширилиши мумкин.

Кўп квартирали уйни бошқариш усули шу уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кўп квартирали уй турар жойлар мулкдорлари томонидан бевосита бошқарилганда шу уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ёки уни таъмирлаш ишларини бажариш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномалари турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарорлари асосида тузилади. Бунда учинчи шахслар билан муносабатларда турар жойлар мулкдорлари номидан турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан вакил қилинган турар жойлар мулкдорларидан бири ёки бир нечтаси иш кўришга ҳақлидир.

Ширкат ташкил этилган кўп квартирали уйни бошқариш «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ширкат ташкил этилмаган кўп квартирали уйни бошқариш бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори асосида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Уй-жой фондини бошқаришга доир шартномаларнинг намунавий шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **139-м о д д а. Уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномалари**

Уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномалари ёзма шаклда тузилади.

Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот, бир томондан, ва уй-жой фонди мулкдори ёки ширкат, агар ширкат ташкил этилмаган бўлса, кўп

квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари, иккинчи томондан, уй-жой фондини бошқариш шартномасининг тарафларидир.

Уй-жой фондини бошқариш шартномасининг мажбурий шартлари қуйидагилардан иборат:

бошқарув амалга ошириладиган кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки таркиби ҳамда уйнинг манзили;

кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкни, шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаси сақланишини таъминлаш бўйича бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилотнинг мажбуриятлари;

бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот хизматларига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори;

кўп квартирали уйнинг техник ҳужжатларини топшириш шартлари;

шартнома бўйича мажбуриятларнинг бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби.

Уй-жой фондини бошқариш шартномаси шартлари кўп квартирали уйдаги жойларнинг барча мулкдорлари учун бир хил белгиланади.

Агар уй-жой фондини бошқариш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларига ҳар йили уй-жой фондини бошқариш шартномасининг ўтган йилги бажарилиши тўғрисида жорий йилнинг биринчи чораги ичида ҳисобот тақдим этади.

Уй-жой фондининг мулкдори ёки у ваколат берган орган, ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёхуд бошқарувчи ташкилот уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун тегишли хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ташкилотлар билан ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) доир шартномалар тузишга ҳақлидир.

## **XI бўлим. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

### **140-м о д д а. Уй-жойга оид низоларни ҳал этиш**

Уй-жойга оид низолар суд тартибида ҳал атилади.

### **141-м о д д а. Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 5-модда)*

**(К ў ч и р м а)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади) 1999 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари Кодексга мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Кодексга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштиради, вазирликлар ва идоралар мазкур Кодексга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 24 декабрь,  
714-1-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2002 йил, 4–5-сон, 63-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**  
Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 4 апрель,  
353–II-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ\*

### I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-м о д д а. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарсозлик соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 2-м о д д а. Асосий тушунчалар

Ушбу Кодексда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аҳолини жойлаштириш тизими** – мавжуд аҳоли пунктларини ривожлантириш ҳамда янги аҳоли пунктларини барпо этиш йўли билан аҳолини тегишли ҳудудга тартибга солиб бориладиган тарзда жойлаштиришнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан белгиладиган асосий йўналишлари;

**аҳоли пунктнинг бош режаси** – яшаш ва фаолият муҳитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини, аҳоли пунктлари ҳудудий ривожланишининг

асосий йўналишларини белгиладиган шаҳарсозлик ҳужжати;

**аҳоли пунктлариаро ҳудудлар** – аҳоли пунктлари чегарасидан ташқаридаги икки ва ундан ортиқ аҳоли пункти ўртасидаги ҳудудлар;

**бино** – функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажми ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

**зоналаштириш** – ҳудудни ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилишида шаҳарсозликнинг фойдаланиш турларини ҳамда бу турлардан фойдаланишдаги чеклашларни белгилаб олган ҳолда унинг функционал мақсадга кўра бўлиниши;

**иншоот** – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юklar ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизиқ тарзидаги қурилиш тизими;

**шаҳар ва посёлка чизиғи** – аҳоли пункти ерларининг уларни ер фондининг бошқа тоифаларидан ажратиб турадиган, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйилган ташқи чегараси;

**шаҳарсозлик** – аҳоли пунктларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуришнинг ижтимоий-иқтисодий, қурилиш-техника, архитектура-бадий ва санитария-гигиенага оид ечимларининг йиғиндисини таъминловчи назарияси ва амалиёти;

\* 2002 йил 7 майдан кучга киритилган.

**шаҳарсозлик регламенти** – шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларнинг ер участкалари ва ўзга кўчмас мулк объектларидан фойдаланишнинг аҳоли пунктлари ва ҳудудларни қуриш қоидалари билан белгиланган кўрсаткичлари ва турлари йиғиндис;

**шаҳарсозлик фаолияти** – давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларнинг фуқаролар манфаатлари, жамият ва давлат манфаатлари, шунингдек мазкур ҳудудлар ҳамда аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инobatга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиши, қурилиши ва реконструкцияси соҳасидаги фаолияти;

**шаҳарсозлик ҳужжатлари** – ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳамда уларни қуриш ҳақидаги, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар;

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи (схемаси)** – аҳолини жойлаштириш тизимларини ривожлантириш, табиатдан фойдаланиш, ҳудудларни, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўлларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

**қизил чизик** – даҳалар, мавзелар ва режалаштириш тузилмаси бошқа қисмларининг ҳудудларини аҳоли пунктларининг кўчалари, тор кўчалари ва майдонларидан ажратиб турувчи, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган чегаралар;

**қуришни тартибга солиш чизиклари** – бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида қизил чизиклардан ёки ер участкаси чегараларидан маълум оралик жой ташлаган ҳолда белгилаб қўйиладиган қуриш чегаралари;

**ҳудудни режалаштириш тарҳи** – ҳудуднинг зоналаштирилишини, аҳолини жойлаштириш тизимлари такомиллаштирилишининг, тегишли ҳудуднинг аҳоли пунктларини, санoати, қишлоқ хўжалигини, минтақалараро, минтақавий ҳамда аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

**ҳудудни ривожлантиришнинг тармоқ тарҳи** – тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни, иқтисодий тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари.

### **3-м о д д а. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари**

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозликнинг асоси бўлиб, улар шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар ижро этиши учун мажбурийдир.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда манфаатларига даҳл этилиши мумкин бўлган кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ва мазкур объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари масалалари юзасидан давлат органлари қарорлар чиқариши учун асос бўлади.

### **4-м о д д а. Жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари**

Шаҳарсозлик воситалари орқали шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисининг қулай яшаш шароитларини таъминлаш, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарли таъсирига йўл қўймаслик, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли пунктларининг ва уларга тугаш ҳудудларнинг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш, маданий мерос объектларини сақлаш жамиятнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларидир.

Аҳоли пунктларини ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларни барқарор ривожлантириш учун шароитларни таъминлаш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларнинг давлат тизимлари иш олиб бориши, табиий ресурсларни сақлаш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлатнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларидир.

Шаҳарсозлик соҳасида жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларига уларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган манфаатлари тааллуқлидир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолияти, башарти бундай фаолият чегарадош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ҳамда мазкур участка ва объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишига монелик қиладиган бўлса, чекланиши керак.

Жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари талаблари бажарилиши, шунингдек бу талабларга риоя этилишини назорат қилиш орқали таъминланади.

Агар шаҳарсозлик фаолияти жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зид бўлса, бундай фаолият тугатилиши керак.

### **5-м о д д а. Фуқароларнинг қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити билан таъминланиш ҳуқуқи**

Ҳар бир фуқаро қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолиятининг амалга оширилишида фуқароларнинг қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити билан таъминланиш ҳуқуқи:

шаҳарсозлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши;

ҳудудлар ва аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилиши;

фуқароларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этиши;

бинокорлик материаллари ва қурилиш соҳасидаги буюмларнинг сертификатланиши;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан давлат ва жамоат назорати;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик натижасида фуқароларга етказилган ҳамда уларнинг яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити ёмонлашувига сабаб бўлган зарарни белгиланган тартибда компенсация қилиш, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш орқали таъминланади.

### **6-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолиятининг асосий талаблари**

Шаҳарсозлик фаолиятининг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

шаҳарсозлик фаолияти барча субъектлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши;

ҳудудлар ва аҳоли пунктларини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилиш;

маданий мерос объектларини ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш талабларига риоя этиш; *(биринчи қисмнинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

аҳоли пунктларини аҳоли пунктнинг мазкур тури учун шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган аҳолига хизмат кўрсатиш даражасидан кам бўлмаган муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилма объектлари, рекреация ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган объектлар, шунингдек ҳудудларни ободонлаштириш объектлари билан таъминлаш; ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан (уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари, дам олиш жойлари, маданий-томоша муассасалари ва бошқа объектлардан) монелисиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида фуқаролар, жамоат бирлашмалари иштирок этиши учун шароитларни таъминлаш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши.

### **7-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солиниши**

Агар ҳудуддан фойдаланишнинг махсус қоидаларини жорий этмай туриб, шаҳарсозлик соҳасида жамият,

давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини таъминлаш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса, шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солинади.

Алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган шаҳарсозлик фаолияти объектлари (бундан буён матнда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари деб юритилади) умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Мазкур объектларни умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарсозлик фаолияти қуйидаги ҳолларда алоҳида тартибга солиниши лозим:

ҳудудлар ва аҳоли пунктлари табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятларнинг таъсирига учраганда;

ҳудудлар концентрацияси йўл қўйиладиган даражадан ортиқ кимёвий ва биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар, йўл қўйиладиган даражадан ортиқ микродраги радиоактив моддалар билан ифлосланганда;

мазкур фаолият муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда амалга ошириладиганда. *(Учинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари жумласига қуйидаги аҳоли пунктлари киритилиши ҳам мумкин:

Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳри; Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти – Нукус шаҳри;

вилоятларнинг маъмурий маркази бўлган шаҳарлар; ҳудудда маданий мерос объектлари бўлган шаҳарлар;

курорт-шаҳарлар;

қўриқхона-шаҳарлар;

яшаш ва фаолият кўрсатишнинг алоҳида режими белгиланган аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар ва ўзга режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналаридаги, табиат боғлари ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги аҳоли пунктлари). *(Тўртинчи қисмнинг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегаралари маъмурий-ҳудудий тузилмалар чегараларига тўғри келмаслиги мумкин ҳамда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ҳудудлар ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш ҳудудлардан фойдаланишнинг қуйидагилар қамраб олинган махсус қоидаларни жорий этиш йўли билан амалга оширилади:

махсус шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг алоҳида тартиби;

объектлар қурилишига махсус рухсатномалар бериш.

Табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятларнинг таъсирига учраган ҳудудлар ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш:

ҳудудлар ва аҳоли пунктларини мазкур таъсирдан ҳимоя қилишнинг махсус тарҳлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини комплекс муҳандислик қидирувлари натижаларини ҳисобга олмасдан туриб ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишни тақиқлаш орқали амалга оширилади.

Концентрацияси йўл қўйиладиган даражадан ортиқ кимёвий ва биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар, йўл қўйиладиган даражадан ортиқ миқдордаги радиоактив моддалар билан ифлосланган ҳудудлар, агар бундай ҳудудларда аҳолининг яшаши ҳамда хўжалик ва бошқа фаолият олиб бориши инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф тўғдираётган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилиниши ва уларга махсус ишлов берилиши лозим. Мазкур ҳудудларнинг ифлосланиш даражасига ҳамда уларни соғломлаштириш усулига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан улардан фойдаланишнинг алоҳида режими жорий этилиши ёки бошқа функционал мақсади белгиланиши мумкин.

Маданий мерос объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари бўлган ҳудудларда ва аҳоли пунктларида муҳофаза зоналарининг чегаралари белгиланиб, улар доирасида маданий мерос объектларига, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказадиган ёки уларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ҳамда уларнинг яхлитлигини ва сақланишини бузадиган хўжалик ҳамда бошқа фаолият чекланади ёки тақиқланади.

Маданий мерос объектларининг, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг муҳофаза зоналари чегаралари шаҳарсозлик ҳужжатлари билан белгиланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. *(Тўққизинчи ва ўнинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

### **8-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғидаги мажбуриятлари**

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахслар:

яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитини муҳофаза қилишлари;

шаҳарсозлик ҳужжатларига, аҳоли пунктлари ва ҳудудларни қуриш қоидаларига (бундан буён матнда қуриш қоидалари деб юритилади) риоя этилишини таъминлашлари;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек санитария нормалари ҳамда қоидаларига риоя этишлари;

атроф-муҳитга, маданий мерос объектларига, шаҳар, қишлоқ ландшафтларига, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектларига, ҳудудларни ободонлаштириш объектларига зарарли таъсир этадиган, учинчи шахсларнинг қонуний манфаатларига дахл этадиган ҳамда чегарадош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ёки мазкур участка ва объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари амалга оширилишига монелик қиладиган хатти-ҳаракатлар содир этмасликлари;

ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларидан шаҳарсозлик регламентларига риоя этган ҳолда фойдаланишлари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан текшириш ва назоратни амалга оширадиган давлат органларининг кўрсатмаларини бажаришлари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан текшириш ва назоратни амалга оширадиган давлат органларининг мансабдор шахсларига кўмаклашишлари;

ўзларига тегишли объектлардаги ўзгаришлар ҳақида давлат шаҳарсозлик кадастри ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг мониторинги юритилишини амалга оширадиган органга ҳамда объектларни техникавий инвентаризациядан ўтказадиган ташкилотларга ишончли маълумотлар тақдим этишлари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг материалларини, шу жумладан комплекс муҳандислик қидирувларининг материалларини шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмаларига белгиланган тартибда тақдим қилишлари шарт.

### **9-м о д д а. Аҳоли пунктларининг турлари**

Аҳоли пунктлари шаҳар аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар посёлкалари) ва қишлоқ аҳоли пунктларига (қишлоқлар, овуллар) бўлинади.

Аҳоли сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

энг йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони бир миллиондан ортиқ кишидан иборат;

йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача кишидан иборат;

катта аҳоли пункти – аҳолисининг сони юз мингдан икки юз эллик минггача кишидан иборат;

ўртача аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик мингдан юз минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик минггача кишидан иборат.

Аҳоли сонига қараб қишлоқ аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони беш мингдан ортиқ кишидан иборат;

катта аҳоли пункти – аҳолисининг сони уч мингдан беш минггача кишидан иборат;

ўртача аҳоли пункти – аҳолисининг сони бир мингдан уч минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти – аҳолисининг сони бир минггача кишидан иборат.

Вақтинчалик аҳамиятга молик ва аҳоли таркиби доимий бўлмаган ҳамда иқтисодий тегишли тармоғининг хизмат мақсадидаги объектлар ҳисобланадиган бинолар ва иншоотларнинг гуруҳлари (вахта усулида ишловчи нефтчилар, газчилар, қидирувчиларнинг посёлкалари ҳамда уйлари), шунингдек алоҳида, яқка турган уйлар (темир йўл назоратчиларининг, ўрмончиларнинг уйлари, дала шийпонлари ва бошқалар), бу бино ва иншоотлар маъмурий ишлаб чиқариш ёки ҳудудий муносабатларда қайси шаҳарсозлик фаолияти субъектлари билан боғлиқ бўлса, худди шу субъектлар тасарруфида бўлади.

Аҳоли пунктининг турига қараб қонун ҳужжатларида шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби белгиланади.

Янги аҳоли пунктларини жойлаштириш ҳамда мавжуд аҳоли пунктларини ривожлантириш аҳоли пункти

турига, ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик истиқболига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тархига, ҳудудларни режалаштириш тархлари ҳамда туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларига, аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек бундай пунктларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли пунктларини ташкил этиш ҳамда қайта ташкил этиш, уларнинг мақомини ва чегараларини ўзгартириш тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Аҳоли пунктлари чегараларидаги ерлар тасдиқланган бош режаларга мувофиқ улардан фойдаланишнинг тартибга солинишини амалга оширувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади.

Аҳоли пунктларининг ерларидан фойдаланиш шартлари ва тартибига доир шаҳарсозлик талаблари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **10-м о д д а. Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишидаги иштироки**

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитининг ҳолати, тахмин қилинаётган ўзгаришлари, аҳоли пунктларининг бош режалари, уй-жой-фуқаролик объектларининг қурилиши, реконструкцияси, ҳудудларнинг ободонлаштирилиши, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг ўтказилиши тўғрисида ўз вақтида ва ишончли, тўлиқ ахборот олиш ҳамда шаҳарсозлик фаолияти ҳақидаги ўзга ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамият бирлашмаларини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида хабардор қилиш, давлат органлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек жамоат муҳокамалари ўтказиш, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунга қадар уларни муҳокама қилиш, уларга таклифлар киритиш ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларни тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг манфаатларига дахлдор, шаҳарсозлик фаолияти масалаларига тааллуқли муурожаатларини ўз ваколатлари доирасида қўриб чиқадилар ва уларга белгиланган муддатларда асосли жавоблар тақдим қиладилар.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, башарти шаҳарсозлик фаолияти уларнинг манфаатларига дахл этадиган бўлса, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши, лойиҳалаштирилиши, қурилиши, реконструкцияси ёки фойдаланишга топширилиши тўғрисидаги қарорнинг маъмурий ёки суд тартибиде бекор қилинишини талаб қилиш;

корхоналар фаолиятини, шунингдек бошқа кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни, башарти уларни ишлатиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилаётган бўлса, маъмурий ёки суд тартибиде чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тақиқлашни талаб қилиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъво тақдим қилиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганликда айбдор шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишни талаб қилиш;

шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунга қадар ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг мустақил экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш.

### **11-м о д д а. Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши**

Юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида ёки ер участкалари олиб қўйилганлиги ҳамда уларга тегишли бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар бузилганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

## **II БОБ. ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ**

### **12-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолияти объектилари**

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳоли пунктларининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳолини жойлаштириш умумдавлат ва минтақавий тизимлари, ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш, шаҳарсозлик ва ландшафт мажмуалари, рекреацион ва ишлаб чиқариш зоналари, маданий мерос объектилари ва уларнинг муҳофаза зоналари, аҳоли пунктлари чегараларидаги ва аҳоли пунктлариорда ҳудудлардаги акваториялар, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари шаҳарсозлик фаолиятининг объектилари.

Шаҳарсозлик фаолияти объектилари учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

### **13-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолияти субъектилари**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик фаолияти субъектилари.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектилари: шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар; шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар; объектларнинг қурилиши бўйича пудратчилар; шаҳарсозлик фаолияти объектиларидан фойдаланувчилар сифатида иш қуришлари мумкин.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектилари тегишли давлат органларидан аҳоли пунктлари, уларнинг тизимлари ва ҳудудларини режалаштириш, қуриш ва ре-

конструкция қилиш билан боғлиқ бўлган, ўзларининг шаҳарсозлик фаолиятига таъсир этадиган қарорлар тайёрланиши ва қабул қилиниши ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзларига мулк қилиб, эгаллик қилишга ва фойдаланишга берилган ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланишлари, шунингдек маданий мерос объектларига, табиий ва сунъий ландшафтларга зарар етказмасликлари, яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити ёмонлашувига, шаҳарсозлик фаолияти бошқа субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари шарт.

#### **14-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар бўлиши мумкин.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар: шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчини танлаш ҳамда уларни ишлаб чиқишга доир шартнома тузиш; объектларнинг қурилиши бўйича пудратчини танлаш ва у билан шартнома тузиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар: шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминлашлари; лойиҳалаштириш жараёнини текшириб боришлари ва қурилиш сифати устидан техникавий назорат қилишлари;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлашлари;

асос бўлувчи ва рухсат берувчи ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини ва шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлашлари шарт. *(Учинчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 25-сон, 287-модда)*

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **15-м о д д а. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар**

Тегишли лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар бўлиши мумкин.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи: ишлаб чиқилмайдиган шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби ва ҳажмини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш; шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир танловларда иштирок этиш;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назоратини олиб бориш;

қурилиш, монтаж ва махсус ишлар тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва норматив талаблардан фу-

қаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган, маданий мерос объектлари шикастланиши ва йўқ қилиниши хавфини тугдирадиган, шунингдек жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар келтирадиган тарздаги четга чиқишлар билан бажарилганда қурилиш, монтаж ва махсус ишларни тўхта-тиб қўйиш ёки тугатиш ҳақида таклифлар киритиш;

зарурат бўлган тақдирда шаҳарсозлик ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар: қонун ҳужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлашлари; ўзлари ишлаб чиққан шаҳарсозлик ҳужжатларини барча манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишиб олишлари шарт.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин; *(Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрель Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 25-сон, 287-модда)*

#### **16-м о д д а. Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар**

Ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари асосида олиб боровчи юридик ва жисмоний шахслар объектлар қурилиши бўйича пудратчилар бўлиши мумкин.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар: бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг янги амалий ечимларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмаси ва буюртмачи билан келишган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг архитектура-бадий кўриниши ҳамда амалий ечимини ёмонлаштирамаган тарзда техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган ўзгаришлар киритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчидан зарур техник маслаҳат олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари шарт.

### **III боб. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ**

#### **17-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви**

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар, давлат



қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

### **18-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

шаҳарсозлик соҳасида комплекс давлат дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида норматив ҳужжатлар қабул қилади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борилиши тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ҳамда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳларини, умумдавлат аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати асосида шаҳарларнинг бош режаларини тасдиқлайди;

шаҳар атрофи зоналарининг чегараларини тасдиқлайди;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини ўрнатади;

давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб бориш тартибини ўрнатади;

умумдавлат аҳамиятига молик объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ишлаб чиқирилиши молиялаштириш тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида лицензиялаш тартибини ўрнатади;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг давлат экспертизасини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини ўрнатади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ташкилий тузилмасини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **19-м о д д а. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради, шунингдек уй-жой фонди ҳамда жамоат ва ишлаб чиқариш объектлари сақланишини таъминлайди;

аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал қилади;

маҳаллий аҳамиятга молик объектларни қуришга доир шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради, бундай объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

объектлар қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ўз ҳудудида шаҳарсозлик фаолиятини, башарти бу фаолият ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди. Тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тақиқлаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулудда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно; *(олтинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ-59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг бош режалари ишлаб чиқирилишини ташкил этади;

қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини, аҳоли пунктлари ҳудудларининг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини (бундан буён матнда батафсил режалаштириш лойиҳаси деб юритилади) ва даҳаларни, мавзеларни ҳамда аҳоли пунктлари режалаштирилган тузилмаларининг бошқа қисмларини қуриш лойиҳаларини (бундан буён матнда қуриш лойиҳаси деб юритилади) тасдиқлайди;

вилоятлар ҳудудини режалаштиришнинг тарҳлари, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг, шунингдек обдонлаштиришнинг тарҳлари ва лойиҳалари ишлаб чиқирилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини ўрнатади;

қуриш қоидаларини тасдиқлайди;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ишлаб чиқирилиши ва молиялаштирилишини, давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини, шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини, комплекс муҳандислик қидирувлари ўтказилишини, аҳоли пунктларини микросейсмик ҳудудларга бўлиш хариталари тузишни, шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини ва бундай ҳужжатлар экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **20-м о д а. Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари: шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради, шунингдек уй-жой фонди, жамоат ҳамда ишлаб чиқариш объектлари сақланишини таъминлайди;

аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этади;

маҳаллий аҳамиятга молик объектларнинг қурилишига доир шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради ҳамда бундай объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

ўз ҳудудида шаҳарсозлик фаолиятини, башарти бу фаолият мазкур Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди. Тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тақиқлаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал ҳавф юзага келишининг олдини олиш билан боглиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно; (*бешинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда*)

ўзбошимчалик билан қурилган объектлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бузиб ташланишини ташкил этади;

туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳаларини, қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

объектлар қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

бинолар, иншоотлар ҳамда аҳоли пунктлари бошқа объектларининг техник ҳолати инвентаризациядан ўтказилишини ташкил қилади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини мунтазам хабардор қилиб боради; қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ушбу модда саккизинчи хатбошисидаги қоидалар шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг давлат ҳокимияти органларига нисбатан татбиқ этилмайди.

## **21-м о д а. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тархи ишлаб чиқирилишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гуруҳла-

ри) ҳудудини режалаштириш тархлари ва умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқирилиши, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига берилган шаҳарларнинг бош режаларини истисно қилганда, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қисмларини, вилоятларнинг маъмурий марказларини, шунингдек маданий мерос объектларига эга бўлган шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари юзасидан услубий ҳужжатлар, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари ва буюмлари сифати ҳамда технологияларининг давлат стандартларига, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиши;

қурилишда стандартлаштириш ва бинокорлик материаллари ҳамда буюмларини сертификатлаш ишларини амалга оширади;

давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини ва шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилиши тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

аҳолини шаҳарсозлик фаолиятдан мунтазам хабардор қилиб боради;

шаҳарсозлик ҳужжатлари масалалари бўйича буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади;

шаҳарсозлик фаолияти объектларини рўйхатга олади ҳамда объектлар қурилишига рухсатнома беради; буюртмачининг техник назоратни амалга оширишга доир ишини текширади ва техник назорат сифатсиз амалга оширилган тақдирда, унга нисбатан жавобгарлик чоралари қўллаш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, бинокорлик материаллари ҳамда буюмлари ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ва қўлланилишини, норматив талаблар ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимлари чидамлилиқ, пухталиқ

хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, объектлар ўзбошимчалик билан қурилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туради. Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш ва қўллаш, қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно; *(иккинчи қисмининг ўн еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрь ЎРҚ–59-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарималар солади; тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимига қуйидагилар қиради:

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари;

давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари.

Вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларига (бўлимларига) тегишли бош архитекторлар бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, шунингдек туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) ўз ваколатларига тааллуқли масалаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бўйсундилар.

*(Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 июль ЎРҚ–39-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 27-сон, 245-модда)*

### **22-м о д д а. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатлари**

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари:

вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини режалаштириш тарҳлари ҳамда туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ўз ҳудудларига оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқишлигини ташкил этади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

вилоят, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар лойиҳалари тасдиқланишига розилик беради;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда қуриш қоидаларини ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **23-м о д д а. Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларининг (бўлимларининг) ваколатлари**

Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари):

аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритади;

аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чораларини кўради;

тегишли ҳудудда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **24-м о д д а. (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 июль ЎРҚ–39-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 27-сон, 245-модда)**

**25-м о д д а.** (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 июль ЎРҚ–39-сон Қонуни билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 27-сон, 245-модда)

#### **IV боб. ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ. ДАВЛАТ ШАҲАРСОЗЛИК КАДАСТРИ**

**26-м о д д а. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби**

Шаҳарсозлик ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ҳамда қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг икки ва ундан ортиқ минтақа ҳудудини ўз ичига олган қисмларини ва бошқа ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари (бундан буён матнда шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш тарҳи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари;

2) Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари;

туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаси;

3) аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар:

аҳоли пунктларининг бош режалари;

шаҳар ва посёлка чизиғи лойиҳалари;

аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари;

4) аҳоли пунктлари ҳудудини қуриш тўғрисидаги ҳужжатлар:

батафсил режалаштириш лойиҳаси;

қуриш лойиҳаси;

5) бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шаҳарсозлик ҳужжатларининг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

**27-м о д д а. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**

Шаҳарсозлик ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан шартномага асосан ҳамда буюртмачи берган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмаси билан келишилган топшириқ асосида ишлаб чиқилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади ҳамда тасдиқланади. Ушбу Кодекс 26-моддаси бирин-

чи қисмининг 1, 2, 3, 4-бандларида кўрсатилган шаҳарсозлик ҳужжатларининг тасдиқланган бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасига топширилиши лозим.

Тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳужжатларни тасдиқлаган органнинг қарорига кўра киритилади.

**28-м о д д а. Давлат шаҳарсозлик кадастри**

Давлат шаҳарсозлик кадастрида қуйидагилар қамраб олинади:

топография-геодезия ва картография материаллари; ҳудудларнинг экологик, муҳандислик-геологик, сейсмик, гидрогеологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар; муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектлари, шунингдек ҳудудларни ободонлаштириш тўғрисидаги маълумотлар;

ҳудудларни ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш ҳамда уларни қуриш тўғрисидаги маълумотлар;

ҳудудларнинг зоналаштирилиши ҳамда ҳудудий зоналарнинг шаҳарсозлик регламентлари тўғрисидаги маълумотлар;

уй-жой фондининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги маълумотлари.

#### **V боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ЖИҲАТИДАН РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ**

**29-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи:

аҳолини жойлаштириш тизимларини, табиатдан фойдаланишни ва ишлаб чиқариш кучларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эгитириш истиқболларига мувофиқ ривожлантиришнинг асосий қоидаларини;

минтақаларда экологик вазиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, маданий мерос объектлари ҳудудларини сақлаш, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;

аҳолини жойлаштириш тизимларини ривожлантириш учун қулай ҳудудларни;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ҳудудларни;

экстремал табиий-иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудларни;

табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятларнинг таъсирига учраган ҳудудларни;

фойдали қазилмалар жойлашган ҳудудларни;

қонун ҳужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик жиҳатидан фойдаланишнинг бошқа турлари белгиланадиган ва

шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар жорий этиладиган ҳудудларни;

ҳудудни ривожлантиришга доир бошқа ечимларни белгилайди. (Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **30-м о д д а. Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари**

Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари:

ҳудуднинг зоналаштирилишини;  
аҳолини жойлаштириш минтақавий тизимларини ривожлантириш чора-тадбирларини;  
минтақалараро ва минтақавий аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;  
табиатдан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини;  
ҳудудни комплекс ривожлантириш мақсадида ресурслар билан таъминлашни;  
ҳудудни ривожлантиришга доир бошқа ечимларни белгилайди.

Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **31-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари**

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари:

ҳудуднинг зоналаштирилишини;  
аҳолини жойлаштириш тизимларини такомиллаштиришнинг, аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

саноатни, қишлоқ ҳўжалигини, минтақавий ҳамда аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари чегараларини;

шаҳарсозлик воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, маданий мерос объектлари ҳудудларини сақлаш чора-тадбирларини;

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **32-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларида:

энергия, газ таъминотини, алоқани, ирригацияни, сув таъминотини ва канализация тармоқларини ривожлантириш бўйича;

ҳаво, темир йўл, автомобиль, дарё транспорти, қувур орқали етказиб бериш транспорти ва бошқа транспорт турларини ривожлантириш бўйича;

ҳудудни хавfli геологик ва гидрогеологик жабаёнлардан ҳимоя этиш бўйича;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича;

иқтисодий тармоқлари ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича;

ҳудудни ривожлантиришнинг бошқа масалалари бўйича асосий кўрсаткичлар ҳамда режалаштириш ечимлари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **33-м о д д а. Туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари**

Туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари:

туманни (туманлар гуруҳларини) ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш хусусиятларини, табиий-иқлим шароитларини ҳамда аҳоли сони истиқболини инобатга олган ҳолда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

ҳудуднинг зоналаштирилишини ва режали тузилишини;

туман (туманлар гуруҳлари) ҳудудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини;

аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишларини;

аҳоли пунктларини ривожлантириш учун белгиланган заҳира ҳудудни;

якка тартибда уй-жой қуриш, богдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларини жойлаштириш учун белгиланган ҳудудни;

аҳоли дам оладиган жойларни ташкил этиш учун белгиланган ҳудудни;

аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари чегараларини;

туман (туманлар гуруҳлари) ҳудудини ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

### **34-м о д д а. Аҳоли пунктнинг бош режаси**

Аҳоли пунктнинг бош режаси:

аҳоли пункти ҳудудини ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш хусусиятларини, табиий-иқлим шароитларини ҳамда аҳоли сони истиқболини инобатга олган ҳолда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

ҳудуднинг зоналаштирилишини ва қуриш навбатини;

аҳоли пункти ҳудудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;

аҳоли пунктининг қурилган ва қурилмаган ҳудуди нисбатини;

аҳоли пунктини ривожлантириш учун белгиланган заҳира ҳудудни;

аҳоли пунктининг чегараларини;

аҳоли пункти ҳудудини ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

Шаҳарнинг бош режаси ва шаҳар атрофи зонасини режалаштириш лойиҳаси чегарадош ҳудудларнинг давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги келишув асосида ягона ҳужжат сифатида ишлаб чиқиши мумкин.

Аҳоли сони йигирма минг кишигача бўлган кичик шаҳарларнинг ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаси батафсил режалаштириш лойиҳаси билан бирга ягона ҳужжат сифатида ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳудудда маданий мерос объектлари бўлган аҳоли пунктининг бош режаси ишлаб чиқиладиганда мазкур аҳоли пунктининг тарихий-архитектура режаси ва маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналари инобатга олинади.

Бош режалар, хусусан:

қонун ҳужжатларига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киритилган шаҳарларнинг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан;

қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари тегишли туманлар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятларнинг ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Аҳоли пункти бош режасининг асосий қоидалари бу режа тасдиқлангунга қадар манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан белгиланган тартибда келишилган бўлиши лозим.

Аҳоли пунктининг янги бош режаси ишлаб чиқиладиган даврда аҳоли пункти ҳудудда жорий қурилиш учун ер ажратишга тааллуқли масалалар режани ишлаб чиқувчи билан белгиланган тартибда келишилган бўлиши керак.

Объектларнинг аҳоли пунктлари ҳудудда бош режа ва бошқа зарур шаҳарсозлик ҳужжатларисиз лойиҳалаштирилиши ва қурилиши тақиқланади.

### **35-м о д д а. Шаҳар ва посёлка чизиги лойиҳалари**

Шаҳар ва посёлка чизиги лойиҳалари ҳудудларни режалаштириш тарҳлари, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалари асосида ишлаб чиқилади.

Аҳолиси йигирма минг кишигача бўлган кичик шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар чизиги лойиҳалари,

шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларининг посёлка чизиги лойиҳалари мазкур аҳоли пунктларининг бош режаси таркибида ишлаб чиқиши мумкин.

Шаҳарларнинг шаҳар чизиги лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Шаҳар посёлкаларининг шаҳар чизиги лойиҳалари вилоятларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг посёлка чизиги лойиҳалари туманларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

### **36-м о д д а. Аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари**

Аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларида:

энергия, газ таъминотини, алоқани, ирригацияни, сув таъминотини ва канализация тармоқларини ривожлантириш бўйича;

транспорт турларини ривожлантириш бўйича; иқтисодий тармоқлари объектларини жойлаштириш бўйича;

ҳудудни хавfli геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя этиш бўйича;

аҳолининг фуқаро муҳофазаси бўйича;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича;

ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича;

ҳудудни ривожлантиришнинг бошқа масалалари бўйича асосий кўрсаткичлар ҳамда режалаштириш ечимлари белгиланади.

Аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **37-м о д д а. Батафсил режалаштириш лойиҳалари**

Батафсил режалаштириш лойиҳалари аҳоли пунктининг бош режаси асосида аҳоли пунктлари ҳудудининг қисмлари учун ишлаб чиқилади ва бу лойиҳалар: кизил чизикларни;

ер участкаларини қуриш ва улардан фойдаланиш тартибга солиш чизикларини;

ердан фойдаланиш чегараларини;

ҳудуднинг зоналаштирилишини ва қуриш навбатини; муҳофаза зоналаридан фойдаланиш режимини;

кўчалар, тор кўчалар, йўловчиларга ажратилган зоналарнинг, шунингдек транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникацияларининг, муҳандислик ускуналари ва ҳудудни ободонлаштириш кўрсаткичларини;

ижтимоий ва маданий-маиший объектларнинг таркиби ва жойлашувини;

қуришнинг ҳажмий-худудий ва архитектура-режали ечимини, қуриш зичлиги ва кўрсаткичларини, бинолар ва иншоотларнинг неча қаватлилиги ҳамда турларини белгилайди.

Батафсил режалаштириш лойиҳаси қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

**38-м о д д а. Куриш лойиҳалари**

Куриш лойиҳалари батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси асосида, белгиланган қизил чизиқлар чегараларида ёки ер участкалари чегараларида ишлаб чиқилади.

Куриш лойиҳалари:

қуришни тартибга солиш чизиқларини;

бинолар ва иншоотларнинг жойлашуви, неча қаватлиги, тури ҳамда бошқа тавсифларини;

қуришнинг архитектура ечимини;

муҳандислик ускуналари, алоқа ва ободонлаштириш тизимларини, шунингдек мазкур тизимларни аҳоли пунктларининг ер участкалари, мавзелари, даҳалари ва режалаштирилган тузилмасининг бошқа қисмлари доирасидан ташқарида бўлган муҳандислик ускуналари, алоқа ҳамда ободонлаштириш тизимлари иншоотлари ва коммуникацияларига улаш шартларини;

транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати қандай ташкил этилишини;

умум фойдаланишдаги ҳудудларни белгилайди.

Туманларнинг, шаҳарларнинг давлат ҳокимияти органлари қуриш лойиҳаларига маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид бўлмаган қўшимча талаблар, шу жумладан, маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналарида лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини олиб боришга, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришга, кичик шаклдаги архитектура объектларини, реклама, пешлавҳалар ва бошқа ахборотни жойлаштиришга доир талаблар киритишга ҳақли.

**39-м о д д а. Лойиҳа-смета ҳужжатлари**

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ҳамда капитал таъмирланиши, шунингдек ободонлаштириш ишлари қийматини белгилайди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмалари, санитария-эпидемиология хизматлари, ёнғинга қарши назорат хизматлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа хизматлар билан келишиб олинади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш буюртмачининг ташаббуси билан ва унинг ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари объектлар қурилиши учун рухсатнома беришга асос бўлади.

**VI боб. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ВА ШАҲАР АТРОФИ ЗОНАЛАРИ ҲУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ****40-м о д д а. Куриш қоидалари**

Куриш қоидалари тегишли ҳудудларда ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Куриш қоидалари ҳудудни режалаштириш тарҳи, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктининг бош режаси ҳамда ҳар бир ҳудуднинг шаҳарсозлик регламентлари асосида ишлаб чиқилади.

Куриш қоидалари кучга киргунга қадар белгиланган тартибда берилган объектлар қурилишига оид рухсатномалар мазкур рухсатномаларда кўрсатилган муддат мобайнида амал қилади, аҳоли хавфсизлиги талаблари таъминланмаётган ҳоллар бундан мустасно.

**41-м о д д а. Ҳудудларнинг зоналаштирилиши**

Ҳудудларнинг зоналаштирилиши яшаш ва фаолият кўрсатиш учун қулай муҳитни таъминлашга, ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулудда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилишга, аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари зич жойлашиши, атроф-муҳит ифлосланишини олдини олишга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, шунингдек маданий мерос объектларини, қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларни муҳофаза қилишга ва улардан фойдаланишга қаратилгандир. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Куйидаги зоналарда ҳудудлардан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар белгиланади:

маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналари, кўриқхона зоналарида;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар зоналарида;

санитария зоналарида;

муҳофаза зоналарида;

санитария-муҳофаза зоналарида;

фойдали қазилмалар жойлашган зоналарда;

табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулудда вазиятларнинг таъсирига учраган зоналарда;

фавқулудда экологик ҳолатлар ва экологик офат зоналарида;

табиий-иқлим шароити экстремал зоналарда. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Ҳудудлардан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклашлар бошқа зоналарда ҳам белгиланиши мумкин.

Ҳудудларнинг функционал мақсади ва улардан фойдаланиш жадаллиги ҳудудлардан фойдаланишдаги чеклашлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

**42-м о д д а. Аҳоли пунктларининг ҳудудий зоналари**

Аҳоли пунктларининг ҳудудларида куйидаги ҳудудий зоналар белгиланиши мумкин:

турар жой зоналари;

ижтимоий-амалий зоналар;

ишлаб чиқариш зоналари;

муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари;

рекреацион зоналар;

қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар;

махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар;  
ҳарбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар зоналари;  
шаҳар атрофи зоналари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий шароитларга мувофиқ бошқа ҳудудий зоналар белгилаши, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини инobatга олган ҳолда уларга ер участкалари ва бошқа объектларни киритиши мумкин.

Аҳоли пунктлари ҳудудий зоналарининг чегаралари қизил чизиқларни, табиий объектларнинг табиий чегараларини, ер участкаларининг чегаралари ва бошқа чегараларни инobatга олган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир ҳудудий зона учун шаҳарсозлик регламенти билан белгиланган ҳуқуқий режим унда жойлашган барча ер участкалари, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга нисбатан бир хил қўлланилади.

Чегараларида шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган ҳудудий зоналарда айрим бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалаштирилиши ва қурилишига нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

#### **43-м о д д а. Турар жой зоналари**

Турар жой зоналари кўп қаватли уйлар, ўрточа ва кам қаватли уйлар, яқка тартибдаги уйлар қуриш учун мўлжалланган бўлади.

Турар жой зоналарида санитария-муҳофаза зоналари белгилаш талаб этилмайдиган ҳамда фаолияти атроф-муҳитга зарарли таъсир (шовқин, тебраниш, магнит майдонлари, радиация таъсири, тупроқ, ҳаво, сувнинг ифлосланиши ва бошқа зарарли таъсирлар) этмайдиган, алоҳида турган, биргаликда қурилган, биргаликда-қўшимча қилиб қурилган ёки қўшимча қилиб қурилган ижтимоий ва маданий-маиший объектларнинг, ибодатхоналарнинг, автомобиль транспорти қўйиладиган махсус жойларнинг, саноат, коммунал ва омборхона объектларининг жойлаштирилишига йўл қўйилади.

Турар жой зоналари жумласига аҳоли пунктлари чегаралари доирасида жойлашган боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатларининг ҳудудлари ҳам киради.

#### **44-м о д д а. Ижтимоий-амалий зоналар**

Ижтимоий-амалий зоналар амалий, молиявий, ижтимоий фаоллик марказлари, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим муассасалари, маъмурий, илмий-тадқиқот муассасалари, ибодатхоналар ва бошқа бино ҳамда иншоотлар, шунингдек автомобиль транспорти қўйиладиган махсус жойлар жойлаштирилишига мўлжалланган бўлади.

Ижтимоий-амалий зоналарга жойлаштириш рухсат этиладиган объектлар рўйхатига уйлар, меҳмонхоналар, ер ости ёки кўп қаватли гаражлар киритилиши мумкин.

#### **45-м о д д а. Ишлаб чиқариш зоналари**

Ишлаб чиқариш зоналарида уларнинг иш олиб боришини таъминлайдиган саноат, коммунал, омборхона объектлари, муҳандислик ва транспортга оид инфра-

тузилмалар объектлари жойлаштирилади, шунингдек бундай объектларнинг санитария-муҳофаза зоналари барпо этилади.

Саноат, коммунал ва омборхона объектларининг санитария-муҳофаза зонасида уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, дам олиш объектлари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари жойлаштирилишига, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилишига йўл қўйилмайди.

Ишлаб чиқариш зоналарининг ҳудудларини ободонлаштириш шу зоналарда жойлашган объектларнинг мулкдорлари томонидан амалга оширилади.

#### **46-м о д д а. Муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари**

Муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари ҳаво, темир йўл, автомобиль, дарё транспорти ва қувур орқали етказиб бериш транспорти, алоқа иншоотлари ҳамда коммуникациялари ва муҳандислик ускуналари жойлаштирилиши ҳамда ишлаб туриши учун мўлжалланган бўлади.

Яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитига транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникациялари ҳамда муҳандислик ускуналари зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш бундай объектлардан турар жой, ижтимоий-амалий ва рекреацион зоналар ҳудудига зарур оралиқ масофа бўлиши ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шунингдек қуришнинг махсус нормативлари ва қоидаларига мувофиқ бошқа талабларга риоя этилиши орқали таъминланади.

Транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникациялари, муҳандислик ускуналари ер участкалари чегараларидаги ҳудудлар ва уларнинг санитария-муҳофаза зоналари мазкур ер участкаларининг мулкдорлари томонидан ободонлаштирилиши лозим.

Фойдаланилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тўғридан-тўғри зарарли таъсир кўрсатадиган транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникацияларини ҳамда муҳандислик ускуналарини аҳоли пунктлари доирасида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

#### **47-м о д д а. Рекреацион зоналар**

Рекреацион зоналар туризмни ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғларини, пляжларни, соҳилбўйи объектларини ҳамда бошқа объектларни ўз ичига олади. *(Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ-278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

Рекреацион зоналар ҳудудларида рекреацион ва соғломлаштириш аҳамиятига молик объектлардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган саноат, коммунал ва омборхона объектлари қурилишига ҳамда мавжуд шундай объектларнинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди.

#### **48-м о д д а. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар**

Шаҳар ва посёлка чизиги доирасида ҳайдаладиган ерлар, боғлар, тоқзорлар, полизлар, пичанзорлар, яй-



ловлар ва бошқа ер майдонлари, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бинолар ва иншоотлар эгаллаб турган қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар ажратилади. Мазкур зоналарнинг ҳудудларидан фойдаланиш тури бош режа ва қуриш қоидаларига мувофиқ ўзгартирилгунига қадар бу ҳудудлардан қишлоқ хўжалигини юритиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **49-м о д д а. Махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар**

Фойдаланилиши аҳоли пунктлари ҳудудий зоналарининг бошқа турларидан фойдаланишга тўғри келмайдиган қабристонларни, ўлаксалар кўмиладиган жойларни, маиший-рўзгор чиқиндилари ташланадиган ахлатхоналар ва бошқа объектларни жойлаштириш учун махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар ажратилади.

Махсус мақсадларга мўлжалланган зоналарнинг ҳудудларидан фойдаланиш тартиби шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг, шунингдек махсус нормативларнинг талаблари инobatга олинган ҳолда қуриш қоидалари билан белгиланади.

#### **50-м о д д а. Ҳарбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар зоналари**

Ҳарбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар зоналари алоҳида режим жорий этиладиган объектларни жойлаштириш учун мўлжалланган ҳудудлардир. Мазкур зоналарнинг ҳудудларидан шаҳар ва посёлка чизиги доирасида фойдаланиш тартиби қуриш қоидаларига мувофиқ, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг, шунингдек махсус нормативларнинг талаблари инobatга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **51-м о д д а. Шаҳар атрофи зоналари**

Шаҳар атрофи зонаси шаҳар чегарасидан ташқаридаги, шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий, хўжалик ҳудудини ташкил этувчи ҳамда мазкур шаҳар ҳудудини, унинг шаҳар атрофи зонасига кирувчи аҳоли пунктлари ҳудудларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни (шаҳарни ривожлантириш учун мўлжалланган заҳира ҳудудни) ривожлантириш учун ҳамда саноат, коммунал ва омборхона объектларини, муҳандислик, транспортга оид инфратузилмалар объектларини, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги участкаларини, аҳоли дам олиш жойларини жойлаштириш, шунингдек қишлоқ хўжалигини юритиш ҳамда муҳофаза ва санитария-гигиена вазифаларини бажариш учун мўлжалланган ерлардан иборат бўлади.

Шаҳар атрофи зоналари чегараларини белгилаш шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида ушбу Кодекс ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **52-м о д д а. Шаҳар атрофи зонаси ҳудудидан фойдаланиш**

Шаҳар атрофи зонаси ҳудудидан фойдаланиш ҳамда унинг чегараларидаги шаҳарсозлик фаолияти шу шаҳар атрофи зонасига кирувчи аҳоли пунктлари, аҳоли пунктлариаро ҳудудлар аҳолисининг манфаатларини, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти бошқа

субъектларининг манфаатларини инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

Шаҳар атрофи зоналари ҳудудларининг зоналаштирилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳларида, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларида, шунингдек шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари билан биргаликда ишлаб чиқиладиган бош режаларида белгиланади.

Шаҳар атрофи зоналарида санитария ва рекреацион вазифаларни бажарадиган кўкаламзор зоналар ажратилади. Кўкаламзор зоналарда атроф-муҳитга зарарли таъсир этадиган хўжалик ва бошқа хил фаолият олиб бориш тақиқланади.

Шаҳарни шаҳар атрофи зонаси чегараларида ривожлантириш учун ҳудудлар доирасида бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ва кенгайтирилиши шаҳар ҳоқими билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

#### **53-м о д д а. Аҳоли пунктларида ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари**

Ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари, қуриш лойиҳалари ва қоидалари билан белгиланади.

Туманлар, шаҳарлар ҳоқимлари ер участкалари берилаётганда буюртмачиларга ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари тўғрисидаги қуйидагилардан иборат бўлган ахборот тақдим этадилар:

- ер участкаларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад;
- ер участкаларининг жойлашган манзили;
- ер участкаларининг лойиҳа бўйича чегаралари;
- ер участкаларининг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектлари билан таъминланганлиги.

Юридик ва жисмоний шахсларга қуриш учун ер участкалари берилганда (реализация қилинганда) туманлар, шаҳарлар ҳоқимликлари томонидан объектларнинг қурилиш муддатларига риоя этиш ҳамда қуриш мўлжалланган жойга туташ умумий фойдаланишдаги ҳудудни ободонлаштириш талаблари белгиланади.

Янги қурилиш шу иш олиб борилаётган мазкур туман аҳолисининг тегишли хизматлар билан таъминлиши шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган нормалардан пасайишига олиб келадиган бўлса, юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларнинг қўшимча объектларини қуришда улшбай иштирок этиш (якка тартибдаги уйларни қурувчилар бундан мустасно) шарти билан берилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган талаблар ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда сақланиб қолади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ҳудудий зонанинг қуриш қоидаларида белгиланган коди;

ер участкаси жойлашган ҳудудий зонанинг функционал мақсади;

ер участкаси ёки унинг қисми маданий мерос объектларининг, муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд-

ларнинг муҳофаза зоналари чегараларида, шунингдек табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятларнинг таъсирига учраган ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг ҳамда фойдаланилишига қонун ҳужжатларида чеклашлар белгиланувчи бошқа ҳудудларнинг чегараларида жойлашганлиги; *(олтинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январь ЎРҚ–278-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1–2-сон, 1-модда)*

ер участкаси чегараларида муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектларининг мавжудлиги, мазкур объектлар кўрсаткичлари ва улардан фойдаланишдаги чеклашларни ҳам кўрсатган ҳолда;

ер участкаси чегараларида ер участкаси мулкдорига, эгасига ёки бу участкадан фойдаланувчига тегишли бўлмаган бинолар ва иншоотларнинг мавжудлиги, мазкур ер участкасида кўрсатиб ўтилган объектлар жойлашгани муносабати билан ундан фойдаланишдаги чеклашларни ҳам кўрсатган ҳолда.

Ер участкалари бўлиб берилганида ёки уларнинг чегаралари ва кўрсаткичлари ўзгарганида қизил чизикларга, қуришни тартибга солиш чизикларига ва шаҳарсозлик регламентларининг энг кичик ўлчамдаги ер участкаларига доир талабларига риоя этилади.

Бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар бўлинган тақдирда уларнинг қисмлари мустақил объект сифатида иш олиб бориши учун шароитлар таъминланиши керак.

#### **54-м о д д а. Объектлар қурилишига рухсатнома**

Объектлар қурилишига рухсатнома – ер участкаси мулкдори, эгаси ёки бу участкадан фойдаланувчининг ер участкасида қуришни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Объектлар қурилишига рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, унинг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда берилади. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 июль ЎРҚ–39-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 27-сон, 245-модда)*

Объектлар қурилишига рухсатнома буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Объектлар қурилишига рухсатнома мавжудлиги ҳақидаги ахборотни буюртмачи барча юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг талабларига биноан тақдим этади. Буюртмачи қурилиш бошланадиган муддат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасига ахборот тақдим этиши шарт.

Якка тартибдаги уй қурилиши уйнинг пойдевори, ертўласи, қаватлари, кесим ва олд томонларининг режалари, шунингдек ер участкаси режасидан иборат бўлган соддалаштирилган лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин.

Бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганда уларнинг қурили-

шига доир рухсатноманинг кучи сақланиб қолади ва бу рухсатнома белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

#### **55-м о д д а. Махсус рухсатномалар**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат сирлари билан боғлиқ объектлар, шунингдек алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари қурилишига махсус рухсатномалар берилади.

#### **56-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер участкаларига доир сервитут ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сақлаш вазифаси**

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда сервитут бинолар ва иншоотлар мулкдорларининг манфаатлари қуйидаги ишларни бажаришда ўзга ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқисиз таъминланиши мумкин бўлмаган тақдирда белгиланади:

бинолар ва иншоотларнинг қурилиши, реконструкцияси ва таъмирланиши;

муҳандислик инфратузилмаси объектларининг қурилиши, реконструкцияси, таъмирланиши ва улардан фойдаланилиши;

ҳудудларни сув тошиш ва сув босишдан ҳимоялаш ишлари ўтказилиши;

ўзга ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;

бинолар ва иншоотлар мулкдорларининг ўзга эҳтиёжларини таъминлаш.

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сақлаш вазифаси ер участкалари мулкдорлари, эгалари ва бундай участкалардан фойдаланувчилар мажбуриятларини ва уларнинг ҳуқуқлари чекланишини қамраб олади ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қуриш қоидалари асосида белгиланади.

Ер участкаларига доир сервитутнинг ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сақлаш вазифасининг жорий этилиши ҳамда бекор қилиниши тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **VII боб. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

#### **57-м о д д а. Шаҳарсозлик фаолиятининг молиявий таъминоти**

Шаҳарсозлик фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, буюртмачиларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда улушбай иштирок этиши ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарсозлик фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш:

ушбу Кодекс 26-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4-бандларида назарда тутилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда;

шаҳарсозлик фаолиятининг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишда;

фавқулодда экологик ҳолатлар ва экологик фалокат зоналарини, тарихий манзилгоҳларни, умумдавлат аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг белгиланган мақсадли умумдавлат дастурларини, бошқа белгиланган мақсадли умумдавлат дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шунингдек давлат шаҳарсозлик кадастрини юритишда амалга оширилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган манбалардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфига давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан ҳам амалга оширилади. *(Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 июль ЎРҚ–39-сон Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 27-сон, 245-модда)*

Агар ҳудудни шаҳарсозлик жиҳатдан ўзлаштириш давлат манфаатлари, минтақалараро манфаатлар ёки аҳоли пунктлари гуруҳлари манфаатларига дахл этадиган бўлса, шаҳарсозликнинг ўзга фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларидан фойдаланилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳар йилги қурилишларнинг манзили кўрсатилган рўйхатларини тузишда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, комплекс муҳандислик қидирувлари ўтказилишини, аҳоли пунктларини микросейсмик ҳудудларга бўлиш хариталари, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий комплекс тарҳлари тузишни, жорий қуриш устидан муаллифлик назорати ҳамда аҳоли пунктлари бош режалари амалга оширилиши мониторинги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан ўтказилишини, шаҳарсозлик ҳужжатлари келишиб олиниши ва экспертизадан ўтказилишини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштиришни назарда тутишлари керак.

#### **58-м о д д а. Низоларни ҳал этиш**

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **59-м о д д а. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2002 йил, 4–5-сон, 64-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Кодексга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 264-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 4 апрель  
354–II-сон

## М У Н Д А Р И Ж А:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси .....	3
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси .....	28
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси .....	101
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси .....	228
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси .....	311
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси .....	504
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси .....	552
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси .....	696
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси .....	729
10. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси .....	795
11. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси .....	839
12. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси .....	875
13. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси .....	909
14. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси .....	935
15. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси .....	963

**Қайдлар учун:**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОДЕКСЛАРИ

Расмий нашр

**Тўплам**

Муҳаррирлар:

*А. Омонов,*

*Г. Ортиққўжаева*

Техник муҳаррир:

*А. Аҳмедов*

Компьютерда


саҳифаловчи:

*Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АИ №133, 14.03.09.  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Телефон: (371) 233-94-36, 233-81-53.  
Факс: (371) 233-84-80, 233-67-65.  
Веб сайт: [www.adolatnashr.uz](http://www.adolatnashr.uz)  
e-mail: [info@adolatnashr.uz](mailto:info@adolatnashr.uz)  
[adolatnashr@inbox.uz](mailto:adolatnashr@inbox.uz)

Теришга берилди 10.01.2013 й. Босишга рухсат этилди 05.03.2013 й.  
Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{16}$ . «PragmaticUz» гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 61,5.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 147,5. Адади 5000 нусха.  
13-540-сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.



ISBN 978-9943-394-37-7

